

Вилки Коллинз

ОҚ КИЙИНГАН АЁЛ

РОМАН

*Инглиз тилидан
Абдуқаҳҳор Иминов таржимаси*

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2010

84 (4Ben)

К60

Коллинз, Вилки.

Оқ кийинган аёл: роман / Вилки Коллинз;
инглиз тилидан А. Иминов таржимаси. – Т.: Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти,
2010. – 648 б.

ББК 84 (4Ben)

XIX асрда яшаб ўтган инглиз адиби Вилки Коллинз жаҳон сўз санъатида детектив усталаридан ҳисобланади. Кўлингиздаги аса-рида ёзувчи ўша давр Англиясида ҳар қандай ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум этилган аёлларнинг фожиали қисматини тасвирлаган. «Оқ кийинган аёл»нинг биз учун диққатга сазовор яна бир жиҳати шуки, у инглиз тилидан ўзбекчага бевосита таржима қилинган дастлабки романдир.

ISBN-978-9943-06-271-9

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2010 й.

Муҳаррир муқаддимаси

Талабалик чоғимда рус тилидаги бир китоб қўлимга тушди. Унинг бошидан ҳам, охиридан ҳам беш-олти саҳифаси йиртилиб кетган экан. Китобни ижарахонамиз эгасининг улфати, ўн беш йил «ўтириб чиққан» Маҳкам деган бир одам ўша ёқдан олиб келган, ўтган кунларидан эсдалик дея авайлаб сақлар, «зўр китоб» дея мақтагани-мақтаган эди. Роман машҳур франсуз адиби, маърифатпарвар Жан Жак Руссо қаламига мансуб экан. Китобнинг номини ҳозир унутганман. У асосан икки севишган ёшнинг бир-бирига ёзган мактубларидан ташкил топган эди. Аммо бу хатлар ҳозирги бизнинг «телеграф» услубимизга ўхшаб қисқа ва тўмтоқ битилган эмас, ҳар бир хат йигирма-ўттиз саҳифани банд этар, ошиқ билан маъшуқанинг меҳр-муҳаббатга тўлиқ мурожаатлари, ўтган воқеалар тафсилоти, ўта нозик кўнгил кечинмалари ажабтовур тарзда назокат билан ифода этилган. Шунданми, уадаси чиқиб кетган ана шу китоб саҳифаларидан киши димоғига бир пайтлар барқ уриб яшнаган атиргул ҳиди уфуриб тургандай туйиларди.

Ҳозир давр бошқа. Кўп бўлди, унақа 700-800 бетлик роману эпопеялар деярли нашр этилмаяпти. Чунки бафуржа ўтириб мутолаа қиладиган замон эмас. Вақт тигиз, иш шошилишч: бир кун кечикса, қолиб кетади. Шунданми, деярли ҳар ҳафтада бодраб пайдо бўлаётган аксар «роман»ларнинг тилию услуби ҳам ҳалигидай, калта-култа, якраг.

Аммо давр ўзгарса ҳам, шоир айтган кангул ўзгармас эканми дейман, аҳёнда бир ана ўшандай изҳоридил романни кўнглим тусайди. Уларнинг батафсил-бафуржа услуби ҳам бир бошқача бўлади-да. Ўзи, менимча, муайян миллий адабиётнинг бойлиги унда нечта ёзувчи ё шоир, ёки нечта роман ё драма борлигига қараб эмас, қанча бадий услуб мавжудлигига, шу услублар қанчалик шаклланганига қараб белгиланиши керак. Услубга бой адабиёт, ҳақиқий бой адабиётдир. Бир қолипдаги ўнта семиз романдан услуби бир-бирига ўхшамаган тўртта қисса афзал.

Ҳар бир халқнинг сўз санъати, ҳар бир истеъдодли адиб ўзига хос услубга эга. Шу сабабдан ҳам бошқа адабиётдан қилинган ҳар бир таржима миллий сўз санъатини янги услуб билан бойитиш қудратига молик. Бир маҳаллар Чўлпон «нафис асарларни бир

тилдан иккинчи тилга таржима қилиш қийин бўлади, — деб ёзган эди. — Айниқса, ишланган тилдан ишланмаган тилга». Бунда шоир ўша давр ўзбек тилининг камбағаллигини эмас, балки аввало реалистик услубдаги бадиий асарни таржима қилиш анъанаси шаклланмаганини, реалистик наср услуби бизда (ўша йилларда) гариблигини кўзда тутган эди. Сўз санъатимиз исталган услубдаги асарни таржима қилишга қодир салоҳиятга эга бўлишини армон қилганди.

Ўзбек адабиёти бой, минг йиллик анъаналарга эга деймиз. Ори рост. Аммо шу билан бирга жаҳон адабиётининг минг-минглаб нодир намуналари ҳали она тилимизга таржима қилинмагандан, бинобарин уларнинг ҳар бирига хос бўлган ажойибу гаройиб услуб жиолари ҳали ўзбек сўзида оройиш топмаганидан ҳам кўз юма олмаймиз. Чунончи, ўша Руссо каби адибларнинг сентиментал оқимга хос, мактуб шаклидаги асарларини ўгириш тажрибаси ҳам бизда унча шаклланмаган, ўтган асрнинг 40-60- йилларида учраган бир-икки асар (Мақсуд Қориевнинг «Ойдин кечалар» қиссаси каби) эса денгиздан томчидай гап. Ҳолбуки, айнан мактубий асарлар инсон кўнглининг энг инжа туйғуларини ифодалаш эҳтиёжи туфайли тилни, услубни бойитишда айрича аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Кўлингиздаги асар муаллифи инглиз ёзувчиси Вилки Коллинз (1824-1889)нинг дунё адабиётида ўзига хос ўрни бор. У улуг адиб Чарлз Диккенснинг яқин дўсти бўлган, икков 1850- йиллардан бошлаб Европа бўйлаб саёҳат қилишиб, ҳамкорликда уч қисса ёзишган ҳам. Айнан Диккенс таъсирида В.Коллинз асарларига критицизм руҳи кириб келган, ўз навбатида Диккенс ва айниқса машҳури жаҳон бўлган «Шерлок Холмс» туркуми муаллифи Артур Конан Дойл ижодида эса В.Коллинзнинг баракали таъсири сезилади. Буни олимлар яқдил эътироф этадилар. Демак, дунё сўз санъатида детективлик унсурлари кучайишида В.Коллинзнинг роли катта бўлган.

Унинг «Оқ кийинган аёл» номли энг машҳур романи ҳам, айтиб ўтганимиздек, услубий жиҳатдан ўзига хос. Асар ўнга яқин персонажнинг мактуб ёки эсдалик тарзида кундалик дафтарга битган баёнларидан иборат бўлиб, ушбу детектив роман воқеалари ана шу эсдаликлар, мактубларда изма-из тадриж топади. Унда XIX асрда Англияда ҳукм сурган тартиб-қонунларга кўра ҳақ-ҳуқуқидан бутунлай мосуво этилган аёлларнинг тақдири чигал ва жумбоқли можаролар орқали ёритилади.

Энди қисқача роман таржимаси ҳақида. «Оқ кийинган аёл» — ўзбекчага инглиз тилидан бевосита ўгирилган тўнғич роман. Унинг мутаржими Абдуқаҳҳор Иминов эса профессионал таржимонликка даъвогар одам эмас.

Инглиз тилини пухта билади (мен ўтган йили унинг Берлинда яшайдиган неварасига таваллуд куни билан табриклаб, инглиз тилида шеър ёзиб жўнатганига гувоҳ бўлганман), йигит чоғларида Ҳабиб Абдуллаевдай алломага ёрдамчи бўлиб ишлаган. Шу тиниб-тинчимас одам 1972 йилда (у пайтларда чет тиллардан бевосита таржима қилишни тасаввурга келтириб ҳам бўлмас эди), А.Мальц, Марк Твен, Ж.Лондон, Т.Драйзер, Э.Хемингуэй каби машҳур америка адабларининг ҳикояларини бевосита инглиз тилидан ўзбекчага ўгириб, «Олтин сароб» номи билан чоп эттирган эди. Ишонасизми, ўшанда бевосита таржимани инглизча аслиятига қийслаб таҳрир қиладиган одамни топиш ўша ҳикояларнинг ўзини ўгириш машаққатидан ҳам ортиқроқ бўлган. Шу боис, Абдуқаҳҳор аканинг бу ташаббуси ўз вақтида қадр топмади, инглиз тилидин бевосита таржима, ундан хийла замон ўтиб ҳам, бизда анъанага айланмади.

Мана, дунёнинг исталган тилидан тўғридан-тўғри таржимага нафақат йўл очилган, балки истиқлол тақозосига кўра куннинг долзарб масаласига айланган бир пайтда яна Абдуқаҳҳор ака Иминов — мўйсафид ёшдаги шу одам — оз эмас-кўп эмас, нақ олти юз эллик бетлик улкан романни инглизчадан ўгириб, ўқувчиларга тортиқ қилишга жазм этди. Таржима савиясидан қатъи назар, ҳожи отадаги бу журъати таҳсинга сазовор, албатта.

Нашриёт илтимосига биноан ушбу таржимани таҳрир қилиш учун қўлга олар эканман, эътироф этишим керакки, мен инглиз тилини, бир англиялик оддий инглиз ўзбек тилини билгани даражасида биламан, ундан ортиқ эмас. Бинобарин, ўзбек тилидаги матнни кўриб чиқиб, лозим ўринларда у ер-бу ерга қалам теккизган бўлдим, холос. Таржимани аслият матнига қийслаб баҳолаш мутахассисларга қолсин. Аммо менга таржимон персонажлар нутқиغا хос жиҳатларни тиклашга алоҳида аҳамият бергандай туйилди. Чунки асар улар тилидан ёзилган, эсдалик ва мактублар тарзи роман услубига асос бўлган. Насрий асар таржимаси олдига қўйиладиган энг муҳим шарт — аслият услубини тўғри акс эттириш бўлар экан, менга асар услубининг талай жиҳатлари чиройли тарзда қайта тиклангандай кўринади.

Очиғи, таржимон билан ҳамма соҳада ҳам ҳамфикр бўлиб чиқмадик. Чунончи, инглиз тилининг хусусияти шундайки, ҳаммага сизлаб мурожаат қилинади, ўрни келса ўзбек тилида у «сен» билан алмаштирилиши жоиз. Мутаржим эса уни аслидагидай қолдириш тарафдори. Ва ҳоказо. Энди, яна ким билади, баъзи вилоятларимизда одамлар кўчада тупроқ ўйнаб ўтирган тирмизакни ҳам, ҳатто ўз боласини ҳам сизлаб гапиришади, шунинг ҳисобига бунинг галатилиги унча сезилмас...

Албатта, аслиятнинг бирон жиҳати ушбу таржимада бошқачароқ акс этиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Аммо унинг дастлабки йирик таржима — кўламли тажриба эканини ҳисобга олиб, унчамунча нуқсонларидан кўз юмсақ, ҳеч бокиси йўқ. Илло, биринчи бўлиб йўл очганлардан ҳамма нарсада бадастирликни талаб қилиш ноўрин ҳам. Музёра кеманинг иши — музни ёриб йўл очиш, нафт ташиш ва балиқ овлаш бошқаларига тан.

***Зухриддин
Исомиддинов***

БИРИНЧИ ФАСЛ

Климентс-инлик расм ўқитувчиси Валтер Ҳартрайт ҳикоя қилади

Бу воқеа аёл сабри нималарга қобилу, эр кишининг қатъияти нималарга қодирлиги тарихидир.

Агар қонун дастури ҳар бир шубҳали вазиятга чуқурроқ ёндашиб, масалага алоқадор шаҳодатларни жаранглаган олтинлар билан хаспўстлашга йўл қўймасдан олиб борилганда эди, ушбу саҳифаларда баён қилинган воқеалар адолат маҳкамасидаёқ эл қулоғига етган бўларди.

Лекин қонун яққол кўриниб турган муқаррар ҳолларда ҳам, ҳамон қапшайган ҳамённинг ёлланган хизматкори бўлиб қолган, шу туфайлигина ўз вақтида ошкора қилинмаган воқеа тафсилоти ушбу саҳифаларда ёритилмоқда. Аллақачоноқ адолат ҳукмига ҳавола этилиши эҳтимолдан холи бўлмаган бу воқеадан китобхон ҳам эндигина огоҳ бўлиши мумкин. Бу сирли жумбоқ, унга алоқадор вазиятлар моҳиятидан қатъи назар, бошдан-оёқ ўзгалардан олинган далиллардан мустаснодир. Ушбу муққаддима муаллифи (исми Валтер Ҳартрайт) баён қилинаётган воқеага бошқалардан кўра кўпроқ алоқадор ҳоллардагина ҳикоя унинг тилидан берилади. Бу масъулият унинг сўзи узилган нуқтадан бошланиб воқеага бевосита дахлдор бошқа шахслар томонидан худди аввалги гувоҳ тасвирлаганидек аниқ, одилона давом эттирилади.

Хуллас, жиноят тафсилоти суд ҳайъати олдида қонунан бир неча гувоҳ кўрсатмалари асосида бирин-кетин ойдинлашганидек, эътиборингизга ҳавола этилаётган воқеа бир эмас, бир неча шахс қаламига мансубдир. Иккала ҳолда ҳам кўзда тутилган ягона мақсад — ҳақиқатни ҳамиша бевосита ва рад этиб бўлмайдиган далиллар асосида юзага чиқариш; буларга алоқадор шахсларнинг ҳар бирининг сўзини навбати билан батафсил эшитиб, тугал воқеалар силсиласини кузатиб боришдир.

Биринчи сўзни йигирма саккиз ёшлик расм ўқитувчиси Валтер Ҳартрайтга берайлик.

II

Июлнинг сўнгги куни эди. Ниҳоятда чўзилиб кетган жазирама ёз охирлаб қолган. Биз, Лондон кўчаларида ҳолдан тойиб юрган

мусофирлар макка далаларининг сербулут соялари билан денгиз соҳилларидаги кузги шаббодаларни қўмсай бошлаган эдик. Каминага келсак, ўтиб кетаётган ёз соғлигимга анча путур етказган, руҳимни туширган, очигини айтганда, ҳамёнимни ҳам қоқлаб қўйганди. Хунарим орқасида орттирган жамғармамни бу йил, одатдагидек, тежамаган эдим. Мушкул аҳволим кузни ё онамнинг Ҳемпстеддаги чорбоғида ё бўлмаса ўзимнинг шаҳар кулбамда баҳоли қудрат ўтказишимни тақозо қиларди.

Шу нарса эсимда: оқшом сокин ва булутли. Лондон ҳавоси ниҳоятда оғир. Теварак-атрофдаги гала-говурлар анча тиниб қолган, гўё куёш уфққа бош қўйган сайин жисми-жоним билан ўзимни ўраб турган азим шаҳар ҳам тин олиб, ҳамнафасликда сукутга кетаётгандек эди. Ниҳоят, ўқимаётган бўлсам ҳам, лекин хаёлим қаршисида турган китобдан бош кўтариб, ўрнимдан турдим; шаҳар ташқарисидаги сўлим салқин оқшом ҳавосидан мириқиб нафас олиш ниятида хонамдан чиқдим. Бу ҳафтада икки бор онам ва синглим билан биргаликда ўтказиладиган оқшомнинг бири эди. Шундай қилиб, мен Ҳемпстед томон юқорилаб кетдим.

Мен ҳали ёритишим лозим бўлган воқеалар шу нарсани қайд этишимни тақозо қиладики, отам мазкур тарихни тафсилий тарзда ёзишимдан бир неча йил аввал оламдан ўтган эди. Оиламиздаги беш фарзанднинг ҳаёт қолганлари Сара билан мен эдик. Отам (мен ҳам унинг хунарини олганман) рассом эди. Заҳматкашлиги ва гоят ишбилармонлигидан қўли гул хунарманд эди. Уйланганидан кейин унинг қўлига қараб қолганларнинг келажagini ўйлаб, даромадининг анчагина қисмини ҳаёт суғуртасига ажратганди (одатда, буни одамлар назар-писанд қилмайди). Унинг ўта режаллиги, шахсий маишатлардан ўзини тийгани учун, онам билан синглим, у оламдан ўтгандан кейин ҳам отам ҳаётлик пайтларидагидек дунё ташвишларидан фориғ бўлиб ҳаёт кечирардилар. Отамдан сўнг унинг мижозлари мен билан муомала қила бошладилар: бошланиб келаётган ҳаётим олдидаги порлоқ истиқболимдан миннатдор бўлишимга асос бор эди.

Мен онамнинг чорбоғи эшигига етганимда куёшнинг сокин ёғдулари қир чўққиларида ҳамон жилваланиб турарди, оёғим остида ястанган Лондон манзараси эса булутли тун зулмати ичида қолганди. Қўнғироқни босар-босмасимданоқ уй эшиги ланг очилиб, хизматкор ўрнида қадрдон итальян дўстим профессор Песка пайдо бўлди-ю, инглиз саломига тақлидан қандайдир хорижий талаффуздаги қийқириқ билан пешвоз чиқди.

Авалло унинг иззат-обрўси ҳаққи, қолаверса, мен ҳам илова қиладиган бўлсам, бу профессор ўзи ким эканлигини расман маълум қилиш шарафига молик кимса. У, манашу, қўлингиздаги ҳали варақланмаган саҳифаларда ёритилиши лозим бўлган бир оиланинг сирли тарихига оид қиссанинг юзага келишига сабабчи бўлган шахсдир.

Мен бу дўстим билан дастлаб у ўзининг она тилидан, мен эсам расмдан дарс бериб юрган катта бир хонадонда танишган эдим. Унинг ҳаёти тарихидан кейинчалик менга шу нарса маълум бўлган эдики, дўстим бир вақтлар Падуа университетининг нуфузли кишиларидан бўлиб, қандайдир сиёсий сабаблар билан ватанини тарк этган (анигини бировга айтмасди), кўп йиллардан бери Лондонда тил ўқитувчиси сифатида эътибор қозониб келарди.

Қадди-қомати шунчалик келишганидан, уни чиллаширлар жинсидан, деб бўлмаса ҳам, назаримда, ажойибхоналардан бошқа бирон бир ерда кўзим тушган одамзод миттиси худди шу эди. Қиёфаси билан ҳаммадан ажралиб туриши ҳам майли-я, оддий фуқаро орасида ўзининг беозор девонавор табиати билан яна ҳам зиёдроқ ўзига тортарди. Ҳаётдан кўзлаган бирдан-бир мақсади соф инглиз қиёфасига кириш билан баробар унга бошпана бўлган, қорнини тўйдираётган мамлакатга ўз миннатдорлигини изҳор қилишга уринаётгандек туйиларди. Умуман, миллатимизга ҳурмат нуқтаи-назаридан, ҳар вақт гетр ва оқ шляпа кийиб, зонт тутиб юриш қилиғи етмаганидек, ўз одатлари, эрмаклари ва ҳатто ташқи қиёфаси билан ҳам инглизлашишга ружуъ қўйганди. Биз, инглизларни ўтакетган бадантарбия ишқивозлари деб билган бу митти одам миллий спорт анъаналаримизнинг ҳаммасига кўркўрона берилган бўлиб, очиқ майдонда ўтказиладиган миллий спорт эрмакларимизни ҳам шунчаки ирода кучи билан одат қилиб оламан, деган қатъи ишончи туфайли имконият топилди дегунча шу машгулот билан вақт ўтказарди.

Мен ўзим унинг тулки ови ва крикет майдонида сал бўлмаса оёғидан ажраб қолаёзганини кўрганман; шундан кейин кўп вақт ўтмасданоқ Брайтон пляжининг ёнгинасида ҳам таваккалига иш тутиб, ҳаётини хавф остида қолдирганини биламан.

Биз у ерда тасодифан учрашиб қолиб, бирга чўмилаётган эдик. Фақат инглизларга хос бўлган бирон-бир машгулот билан шуғулланганимизда эди, мен Пескага, албатта кўз-қулоқ бўлиб турар эдим, лекин одатда, ажнабийлар ҳам ўзларини сувда инглизлардек эркин тута олганлари учун, сузиш санъатини про-

фессор шунчаки бир ҳаракат қилиб ўрганиб олиш мумкин бўлган — эр кишилар машғулоти сирасига қўшиб қўйгани хаёлимга ҳам келмабди. Қирғоқдан узоқлашганимиздан кўп ўтмай дўстимнинг орқамдан келмаётганини сезиб, сузишдан тўхтадим. Ундан огоҳ бўлиш учун орқамга ўгирилиб қарадим ваҳима босди, юрагимга гулгула тушди: мен билан соҳил ўртасидаги сув юзида бир лаҳзагина типиллаб сўнг гойиб бўлган икки кўл панжасини кўриб қолдим. Зудлик билан шўнғиб унинг кетидан тушганимда бечора профессорча сув тубидаги бир чуқурчада аввалгидан ҳам кичрайиб кетган ҳолда гужанак бўлиб ётарди. Сув юзига олиб чиққанымдан кейин бир неча дақиқа ўтгач, тоза ҳаво уни ўзига келтирди, юлиб-юлқиб машинага чиқардим. Аста-секин хушёр тортган сайин сузиш борасидаги хомхаёли кучга кира бошлади. Тиши-тишига тегмай қалтираши сал босилиб, тили калимага келгач, маъносизгина ишшайиб, «томирим тортишиб қолган бўлса керак», деди.

У ўзини анча ўнглаб олиб, қумлоққа келгач, жанубликларга хос жўшқин табиати инглиз сиполигини босди қўйди. Баландпарвоз мақтов сўзлари билан мени кўмиб ташлади. Қолган ҳаётини менга бағишлашини италянларга хос ширинсуханлик билан боз таъкидлади, менга умримнинг охиригача унутилмайдиган яхшилик қилиб, ўз эҳтиромини амалда исботламагунича, кўнгли тўлмаслигини астойдил уқтирди.

Мен унинг бу баландпарвоз сўзларини яхшигина ҳазилга йўйиб, иложим бошича, уни ҳовуридан тушуришга уриндим, ниҳоят, назаримда, менга билдираётган миннатдорлик туйғулари ҳароратини андак сўндиргандек бўлдим. Кейинчалик, ўша ҳордиқ чиқариш уни ўтиб кетгандан кейин ҳам мендан миннатдор биродарим ўзи орзиқиб кутган саховат дақиқалари тезроқ содир бўлишини, ўрни келганда фурсатни бой бермай бунга киришишини, ана шу ҳаракатлари билан ҳаётим оқимини бошқа ўзанга буриб, ўзимни ҳам беихтиёр ўзгартириб юборишини хаёлимга келтирмаган эдим.

Лекин шу воқеанинг содир бўлгани аниқ: агар профессор Песка сув ости тошлари устида ётганида уни кутқариш учун шўнғимганимда, мана шу саҳифаларда ифодаланган воқеаларга алоқадор бўлишим етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган бўлар эди. Эҳтимол, бутун хаёлимни банд қилган, вужудимни қамраб олган ҳаётимнинг бирдан-бир эзгу мақсади, ёруғ юлдузи бўлиб қолган бир аёлнинг номини эшитиш ҳам насиб этмаган бўлур эди.

III

Ўша оқшом Песка билан онамнинг чорбоғи эшиги олдида рўбарў келиб қолганимизда унинг қиёфасидан менга бирон-бир хушхабар етказишга ошиқаётгани сезилиб турарди. Шундай бўлса ҳам, ҳар ҳолда, бунинг сабабини суриштиришни ўзимга эп кўрмадим. Икки қўлаб мени ичкарига судрашидан (одатимни билгани ҳолда), ўша оқшом мени учратишга шак-шубҳа қилмай, фавқулодда бир хабардан огоҳ қилиш учун келган бўлса керак, деб ўйлардим.

Иккаламиз ҳам меҳмонхонага ўта беадаблик билан тўс-тўполон қилиб кириб бордик. Онам дераза ёнида қиҳ-қиҳ қилиб кулганича елпиниб ўтирарди. Песка онам хуш кўрган одамлардан бири бўлиб, унинг ўта бемаъни, телба қилиқлари ҳам онам назарида кечирарли эди. Бечора онагинам!.. Бу митти профессорнинг менга нисбатан миннатдорлик илтерламаотию садоқатидан огоҳ бўлган дамларданок унга чексиз меҳр қўйган, унинг ножўя хорижий қилиқларига (уларнинг магзини чақмасданок) чиппа-чин ишонарди.

Синглим Сара ҳам, авжи ёшлик гурури жўш уриб турганига қарамай, таажжубки, аҳён-аҳёнда унинг фикрини қувватларди. У Песка қалбидаги самимийлик ва оқ кўнгиллик каби бебаҳо сифатларни одилона баҳолар, лекин онамнинг мен туфайли меҳр қўйганидек, унга кўр-кўрона қарай олмас эди. Унинг табиатидаги одоб Песканинг беандишалигига қарши узлуксиз тугён уриб турар; онасининг бу думбул-фёъл митти ажнабийга нисбатан илтерламаоти, гарчи буни очиқдан-очиқ ифодаламаса ҳам, ҳар қалай жигига тегарди. Назаримда, бу хусусиятни фақат синглимдагина эмас, бошқаларда ҳам кўргандекман. Биз ёш авлод меҳр ва самимийликда катталарга мутлақо ўхшамаймиз. Қариялар хаёлот оғушида завқланиб, тўлқинланиб кетишини, уларнинг мўмин-қобил неваралари эса бундай ҳолларда пинагини бузмаслигини кўп синаганман. Ҳайронман, ҳозирги ёшлар катталар ҳам бир вақтлар ўз бошларидан кечирганидек, ҳақиқий болалар ва қизлар бўлганмикин? Ё таълим тарбия соҳасидаги улкан ютуқлар шахдам қадамлар билан илгарилаб кетгани учун энди бизлар дунёдаги меъеридан зиёдароқ тарбияланган сохта сумбатларга айланиб қолдикмикин? Бу саволларга аниқроқ жавоб беришга уринмаёқ, шуни қайд этиб ўтмоқичманки, онам ва синглим Песка билан ҳамсуҳбат бўлиб ўтирганларида, ҳар гал онамни синглимдан анча ёшроқ ҳис қилардим. Шу сабабли бунга яна бир мисол қилгудек бўлсам, биз меҳмонхонага болалардек тўс-тўполон қилиб кириб борганимизда ҳам кекса хо-

ним чин кўнгилдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб тургани ҳолда Саранинг бундан жиги-бийрони чиқарди: эшик олдида тавозеъ билан кутиб олиш учун хонага мендан аввал отилиб кириб, стол устидан тушуриб юборган финжон синиқларини терарди.

— Агар сен бироз кечикиброқ қолганинга, билмадим, нима бўлардийкин, — деди онам. — Песка сенга интизорликдан жинни бўлиб қолаёзди, мен эсам нима гап экан, деб ақлдан озай дедим. Профессор сенга тааллуқли бир хушхабар билан келибди, лекин дўсти Валтер келмагунча унинг учини чиқаришга ҳам кўнмади.

— Эсиз, сервис чатоқ бўлди-да, — гудранди Сара чил-чил синган финжон парчаларига хомуш термулиб.

Мана шундай вазиятда Песка чини идишни синдириб, гуноҳкор бўлиб қолганини хаёлига ҳам келтирмай, ўзида йўқ қувонч билан катта креслони хонанинг бир чеккасига суриб, машхур нотиқлардек, уч кишилик қавм олдидаги маърузага тайёргарлик кўрарди. Ниҳоят, креслони орқаси билан кўйиб, сакраб унинг устига тиз чўкди-да, ясама минбарда туриб эҳтирос билан бизга мурожаат қилди:

— Энди, жонажон азизларим, — нутқини бошлади Песка (у ҳар вақт «азиз дўстларим», демоқчи бўлганида «жонажон азизларим» дер эди) — Менга қулоқ солинглар. Хушхабаримни эълон қилиш фурсати келди, мана сўз олдим.

— Эшитинглар, эшитинглар! — деди онам ҳазилга яраша киноя қилиб.

— Синиш навбати энди, ойижон, энг зўр креслоимизнинг сунъичигига келган бўлса керак, — шивирлади Сара.

— Мен ҳаётимнинг ўтган кунларига қайтиб, олий ҳиммат қилиб яратилган бир зотга мурожаат қиламан, — давом этди Песка креслонинг юқори раҳидан менга ишора қилиб. — Жасадимни (чангак туфайли) денгиз қаъридан топган ким? Мени сув юзига олиб чиққан ким? Ҳаётга қайта келиб, шу либосларни яна кийиш насиб бўлган ўша дақиқаларда нималар деган эдим?

— Анча лоф қилган эдингиз, — иложим борича жеркиб жавоб бердим; бу ҳақда гап кетганда қиттай бўлса ҳам ён бериш профессорнинг кўнглини бузар, унинг кўз ёшига сабаб бўлар эди.

— Ҳа, мен шундай деганман, — қатъи таъкидлади Песка, — ҳаётимнинг сўнгги дақиқаларигача, азиз дўстим Валтерга бағишлаганман, гап битта, васслом. Валтер учун бирон-бир арзигулик яхшилиқ қилиш қўлимдан келмагунча кўнглимга ёруғлик тушмаслигини айтганман, то шу бугунги энг қувончли кунгача кўнглим

осойишталик нималигини билмади. Мана шу дамда — нидо қилди ҳаяжонланиб бу митти киши овозини барала қўйиб, — тўлиб тошаётган қувончим бутун вужудимдан тер бўлиб чиқмоқда; виждоним, пок қалбим, гурурим ҳаққи, ниҳоят мақсадга етдим, эндиги айтиладиган бирдан-бир сўз: жойида — ҳаммаси жойида.

Ўрни келганда шуни ҳам қайд этиб ўтишим керакки, Песка ташқи қиёфаси, одатлари ва ички дунёси билан гурурланганидек, нутқида ҳам камоли инглиз ҳисоблаб ўзига бино қўярди. Халқ тилида кенг қўлланилаётган анчагина ибораларимизни билиб олган бўлиб, ўз суҳбатларида, агар хаёлига келиб қолса, уларни тизиб ташларкан, асл маъно-моҳиятидан беҳабар, жарангдорлигига маҳлиё бўлиб, уларни мураккаб сўзларга айлантириб юборар, истаганича такрорлар, сўзларни гўё чексиз бўғиндан иборатдек, бир-бирига чатиштириб юборарди.

— Мен ўз она ватаним тилидан дарс бериб турган гаройиб Лондон уйлари орасида — деди шошилганича профессор ҳеч қандай иловасиз айтишга интиқ мавзуга кўчиб, — Портланд номли катта даргоҳда гаройиб бир маскан бор. Унинг қаердалиги сизларга маълум бўлса керак? Ҳа, ҳа. Битгаси бор, албатта. Ўша гаройиб уйда, жонажон азизларим, гаройиб бир оила бор. Ойижониси — париваш, бақалоқ; уч ёш қизалоқ — париваш, бақалоқ; икки ёш ўғил — париваш, бақалоқ; дадажониси эса ҳаммасидан ҳам паривашроқ, бақалоқроқ. У — сармоядор савдогар, тиллага кўмилиб кетган. Аллақачонлар қадди-қомати келишган йигит бўлган, ҳозир эса сочлари тўкилиб, қўшалоқ бағбақалаб чиройидан асар ҳам қолмаган. Энди буёғини эшитинг! Мен навниҳол қизларга илоҳий Дантедан дарс ўтаман. Ё Раб! Менга сабр ато қил! Қани энди бу уч қизнинг ажойиб бошларига илоҳий Дантени жойлаб қўйишнинг иложи бўлса! Бунга инсон тили ожизлик қилади. Буниси ҳам майлия — ҳамма нарсанинг вақти-соати бор, қанча кўп дарс ўтсам, ўзимга шунча яхши. Буёғини эшитинг! Одатдагидек, бугун ҳам навниҳол қизларга дарс бераётганимни бир кўз олдингизга келтиринг-а! Бизлар, тўртталамиз ҳам, Данте жаҳаннами қаъридамиз. Еттинчи дўзахда, лекин бунинг ҳам аҳамияти йўқ: париваш, бақалоқ навниҳол қизлар учун дўзахларнинг ҳам фарқи йўқ, шунга қарамай, еттинчи дўзахда талабаларим таққа тўхтаб қолдилар; мен эсам уларни қайта йўлга солиш учун такрор тушунтириб, қизариб-бўзариб, беҳуда жон куйдириб турган бир пайтимда ташқаридан оёқ шарпаси эшитилиб, сийқа бош, айри соқол, сармоядор савдогар — «олтин ота» кириб келди. Ҳа-ҳа, жонажон азизларим,

сабр қилинлар, мақсадга яқинлашиб қолдим. Сабр қосангиз тўлма-дими? Ё ичингизда «жин... нимаиди... жин ургур! Песканинг нафаси қачон ўчаркин?», деб турибсизларми?

Биз ҳаммамиз жон қулогимиз билан эшитаётганимизни маълум қилдик. Профессор давом этди:

— Қўлида мактуб ўша «олтин ота»нинг. У аввало шунчаки бир оилавий иш билан бизни муқаддас жаҳаннамда безовта қилиб қўйгани учун узр сўради. Кейин сиз, инглизлар бу ёруғ дунёда айтмоқчи бўлган жаъмики фикрингизни улкан «Ў» билан бошлаб изҳор қилганингиздек, у ҳам уч қизалоққа шундай мурожаат қилди: «Ў, азизларим», — дейди сармоядор савдогар, — «дўстим жаноб ... дан мактуб олдим» (исми хотирамдан кўтарилибди, ҳечқиси йўқ; бунга яна қайтамиз; ҳа, ҳа, жойида — ҳаммаси жойида). Шундай қилиб, ўша ота бундай дейди: «Мен дўстим, жанобдан мактуб олдим; у мендан расм ўқитувчиси топиб, тавсия қилишимни илтимос қилибди. Уни ўша жанобнинг қишлоқдаги данғиллама уйига жўнатиш керак экан». Ё парвардигор, ўзинг марҳаматингни аяма! «Олтин ота»нинг бу сўзларини эшитишим билан унинг бўйнига осилиб олишимга сал қолди, қани энди бўйим бўйига етгудек бўлса-ю, уни маҳкам қучоқлаб, узоқдан-узоқ бағримга боссам! Бўлгани бўлди, курсида бир тўлганиб олдим. Остимдан илон чиққандек зўрға ўтирардим, қалбимга ўт тушиб, гапирворишимга сал қолганди; лекин тилимни тийиб, отанинг гапига қулоқ солдим. «Эҳтимол, сизлар биларсизлар», — дейди бу сармоядор олий зот олтин узукли бармоғи билан бош бармоғи орасидаги мактубни у ён-бу ён силкитиб — «эҳтимол, тавсия қилишимга арзигулик бирон-бир рассомни сизлар биларсизлар, азизларим?» Учала қиз бир-бирига қарайди ва шундан кейин (нутқ олдидаги азалий улкан «ў» билан) бундай дейди: «Ў, азизим, йўқ, дадажон! Ахир, жаноб Песка шу ердалар-ку...» Номимни эшитгач, ўзимни ортиқ тутиб тура олмадим — сизлар билан банд бўлган хаёлим, жонажон азизларим, бамисоли қон бўлиб миямга урилди, илон чаққандай сапчиб ўрнимдан туриб кетдим. Бақувват савдогарга мурожаат қилиб, (инглизча ибора билан) сўз бошладим: «Марҳаматли сэр, ўшандай кишини мен биламан! Дунёда яккаю ягона, баркамол рассом!» Шу бугуноқ почта орқали тавсиянома йўлланг, кейин унинг ўзини ҳам жўнатиш ашқол-дашқоли билан (яна инглизча ибора — ҳа!) эртасига поезд билан ўзини ҳам, ашқол-дашқолини ҳам жўнатиш!» «Тўхтанг, тўхтанг!» —

дейди менга ота, — «у хорижий кишими ёки инглизми?» «Тишидан тирноғигача — инглиз» — жавоб бераман. «Ишончликми?» — дейди ота. «Сэр», — дейман мен (шу сўнгги саволи жигимга теккани учун у билан бўлгандек, қадронлардек муомаламга чек қўяман), — Сэр! Бу инглиз вужудида даҳоликнинг абадий олови порлаб турибди-я, яна нимаси керак, унинг отси ҳам шундай бўлган!» «Йигиштиринг», — дейди бу қуруқ савлат нодон-ота, — йигиштиринг ўша даҳоингизни, жаноб Песка. Бу мамлакатга даҳоининг нима ҳожати борки, агар у шаҳодат билан пайванд қилинмаган бўлса, мана шу икки хусусият мужассам бўлган зотларгина қадрланади, ҳа, қадрланади. Ўша дўстингиз феъл-атворидан далолат берадиган бирон-бир шаҳодатнома — кўрсата олармикин?» Мен лоқайд қўл силтадим. «Шаҳодатномами?» — дейман. — «Ҳе, ё парвардигорей! Кўрсатиш ҳам гапми! Бунга шак-шубҳам йўқ! Истаганингизча даста-даста шаҳодатномалар, тўп-тўпи билан гувоҳномалар келтиради!» «Битта ё иккитаси кифоя» — дейди ўша ношуд пулдор кимса. «Ўша шаҳодатномаларини, исми ва турар жойи кўрсатилгани ҳолда менга жўнатсин». Кейин: «Шошманг, шошманг, жаноб Песка, дўстингиз олдига боришдан аввал, яхшиси, унга бирон нарса олиб боринг». «Пулми?» дейман ажабланиб. «Шуни яхши билиб қўйингки, ўша зукко инглизингиз ишини қойиллатиб қўймагунча пул тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. «Пул эмиш!» — дейди ота ҳангу манг бўлиб, — «Ким пул тўғрисида оғиз очди? Мен меҳнат шартномалари, унинг вазифалари ҳақидаги қайдномани назарда тутаяпман. Энди дарсингизни давом эттираверинг, жаноб Песка. Дўстимнинг мактубидан керакли жойини сизга кўчириб бераман». Давлатманд савдогар ручка ва қоғозга тутуниб ўтирди; мен ҳам уч қизалоқни эргаштириб яна ўша Данте жаҳаннамига равона бўлдим. Ўн минутлик дақиқадан сўнг қайднома битилиб, ота этигини гирчиллатганича ташқи йўлакдан узоқлашиб кетди. Виждоним, қалбим ва исми шарифим билан онт ичаманки, ўша дақиқадан сўнг нима бўлгани ёдимда йўқ. Ниҳоят, умидим эшиги очилди — ёруғ дунёдаги энг азиз дўстим илтерламаотига арзигулик орзуим қарийб ушалиб турибди, деган ҳаёл миямга жо бўлиб, мени сармаст қилиб қўйди. Шундан кейин қизлоқларимни ҳам, ўзимни ҳам мутолаа жаҳаннамидан қай йўсинда олиб чиққаним, бошқа масъул вазифаларимни қандай ўтаганим, тамадди луқмалари қай тарзда томоғимдан ўтиб кетгани еру кўкка маълумдир, лекин мен буни эслай олмайман.

Бақувват савдогарнинг ҳаётдек қимматли, оташдек ҳароратли шартномаси билан мана шу ерда ўзимни қироллардек бахтиёр сезиб турибман, менга мана шунинг ўзи кифоя! Ҳа, ҳа, ҳа! Соз-соз-соз, ҳаммаси жуда соз!»

Мана шу пайт профессор шартномани боши устида силки-тиб, узундан узун чўзилган бир неча шахс тилидан айтилган ҳикоясини инглиз хушомадига тақлидан итальян чинқириги билан ниҳоясига етказди.

Песка сўзини тамомлаши биланоқ онам ўрнидан турди, унинг ёноқлари қизариб, кўзлари пориллаб кетганди. Оҳиста борди-да, тўла самимият билан бу митти зотнинг қўлларидан тутди.

— Азизим, саховатли Песка, — деди у. — Вальтерга бўлган чин меҳрингизга ҳеч қачон шубҳа қилмаганман. Мана энди бунга яна бир бор амин бўлдим.

— Биз жаноби Пескадан ниҳоятда миннатдормиз, Валтер туфайли, — қўшимча қилди Сара. У сўзларкан, Песка виқор билан суяниб турган креслога яқинлашиш ниятида сал ўрнидан турган эди, лекин митти профессорнинг онам қўлларини эҳтирос билан ўпаётганини кўриб қолиб, ҳафсаласи совиди, қайта жойига ўтирди. «Бу ғаройиб танишимиз онам билан шундай муносабатда бўлаётган экан, менинг холим не кечаркин?». Ранг кўр, ҳол сўр; Сара жойига қайта ўтиргач хаёлидан нималар ўтгани ўз-ўзидан маълум эди.

Песканинг мурувватидан мен ўзим ҳам анча ҳаяжонланиб кетганимга қарамай, таъбим анча хира тортди, айна вақтда менга инъом қилинаётган хизмат истиқболи ҳам кўзимга кўринмасди. Профессор онамнинг қўлини ялаб-юлқаб бўлгач, мени деб шунчалар ташвиш тортгани учун миннатдорлик билдириб, унинг валинъмати ёзиб берган хизмат шартларини кўрсатишини илтимос қилдим.

Песка қўлини тантанавор силкитиб шартномани менга берди.

— Ўқинг! — деди митти киши улугвор бир қиёфада. — Шуни билиб қўйингки, дўстим, «зарҳал ота» мактубининг ўзиёқ ишнинг зўрлигини кўрсатиб турибди.

Шартнома, ҳақиқатан ҳам, аниқ, беғараз ва батафсил битилган бўлиб, менинг эътиборимга қуйидагилар ҳавола қилинганди.

Аввало Куберленддаги чорбоғ мутасаддиси — эсквайр Фредерик Фэрли ўз касбини пухта эгалаган бир расм ўқитувчисини тўрт ойлик муддат билан менга жалб қилиш ниятида экан.

Иккинчидан, рассом масъулиятига юкланадиган вазифалар

турлича бўлиб, икки ёш қизнинг акварель услубида расм чизиш маҳоратини такомиллаштириш, асосий ишдан бўш вақтларини эътиборсиз қолиб, титилиб кетган нодир расмлар коллекциясини таъмир этишга бағишлаши керак.

Учинчидан, мазкур вазифаларни ўз зиммасига олиб, маълум меъёردа бажарган киши ҳафтасига тўрт гинейдан ҳақ олар, у Лиммериждаги ўша хоналарнинг ўзида истиқомат қилиши лозим; шунингдек, рассом шахси жентлменларча қадрланиши кўзда тутилади.

Тўртинчидан, хулқ ва қобилияти батафсил ёритилган гувоҳномасиз мазкур масала бўйича мурожаат қилиш мутлақо ўринсиз.

Гувоҳномалар жаноби Фэрлиннинг Лондондаги дўсти — мазкур масалага дахлдор битимнинг бутун ваколоти юкланган шахсга юборилиши керак эди.

Шартномадаги Песканинг Портланддаги валинеъматининг исми ва адреси кўрсатилиб, мактуб-эслатма шу билан ниҳоясига етганди.

Бу таклиф, албатта, мени анча қизиқтириб қўйганди. Вазифа ҳам осон, ҳам кўнгилдагидек туйиларди. Бу таклиф йилнинг куз фаслида, ишларим анча енгиллашган бир пайтда келди. Унинг шартлари ҳам, агар хунарим юзасидан орттирган маълум тажрибаларим асосида ҳукм юритилганда, шубҳасиз, хайру саховатдан далолат бериб турарди. Яна менга шу нарса ҳам аниқ эдики, мобо-до таклиф қилинаётган иш менга насиб этса, ўзимни ниҳоят бахтиёр деб ҳисоблар эдим, лекин шунга қарамай, эслатмани ўқиб чиққач, нимагадир, бу ишга кўнглим чопмаётгандек бўлди. Ўз касбим борасида кўнглимда аввал бундай гўлгула сезмаган эдим.

— Оҳ, Валтер, отангда ҳеч қачон бундай имконият бўлмаган! — деди онам хизмат шартларини ўқиб уни менга қайтараркан.

— Шундай казо-казолар билан ҳамсуҳбат бўлиш, — таъкидлаб ўтди Сара қоматини креслодан бир оз кўтариб, — улар билан ҳамнафас бўлишни кимлар орзу қилмайди.

— Шундай, шундай, ўртага қўйилган шартлари ҳам ҳар томонлама маҳлиё қилгудек — шартга жавоб бердим. — Лекин шаҳодатномаларимни жўнатиш олдидан бир оз ўйлаб кўрсамми, дейман.

— Ўйлаб кўрсам?.. — чинқириб юборди онам. — Сенга нима бўлди, Валтер?

— Ўйлаб кўрсам?! — Саранинг овози акс-садодай янгради. — Шундай имконият бўлиб турганда ўйлаб кўришнинг нима ҳожати бор?!

— Ўйлаб кўрсам?! — гапга суқилди профессор. — Бунинг нимасини ўйлаб кўриш керак экан? Жавоб беринг! Саломатлигингиздан қилган шикоятларингиз ёдингиздан чиқдимми? Ўз сўзларингиз билан айтганда — дала шаббодалари кайфини қўмсаетмаганмидингиз? Мана энди-чи! Ўша дала шаббодаларидан тўрт ой давомида мириқиб-мириқиб баҳра олишингизга имконият берувчи ҳужжат қўлингизда турибдику! Шундай эмасми? Ҳа! яна буюғи ҳам бор: сизга пул керак. Буни қаран-га! Ҳафтасига тўрт гиней олтин пул эмасми? Тавба-ей, ё тавбаей! Ўшани менга беринг-чи, менинг этигим ҳам ўша беҳисоб давлат куч-қудрати билан кеккайиб, ҳаммани оёқ остида кўрган олтин ҳамёнли отаникидек гирчилламасмикин! Ҳафтасига тўрт гиней-а! Бунинг устига яна икки ёш хонимнинг жозибали даврасида бўласиз! Устига устак, ётоғингиз, нонуштангиз, тушлигингиз, бурнингиздан чиққунча ичадиган инглизча чойингиз, кечлик таомингиз, кўпириб турган пиволар — ҳаммаси текиндан текин! Мана нима учун жон куйдираяпман, Валтер, жонажон азиз дўстим. Булар ахир нима — булар! Ўнгимми-тушимми, ҳайронман! Сенга нима бўлди?

Онамнинг очикдан-очик кўришиб турган норозилигини ҳам, Песканинг таклиф қилинаётган иш туфайли мен эришадиган рўшноликлар ҳақида айҳаннос солиб, бирма-бир териб ташлаган сўзларини ҳам рад этишга ҳеч қандай асосим йўқ эди. Шунга қарамай, булар Лимериж хонадонига бормаслик ниятимни андак бўлса ҳам ўзгартира олмади. Кумберланд сафаридан воз кечиш ниятида ҳаёлимга келган барча икир-чикир, баҳона-ю рўкачларимга рад жавобини олгач, ниҳоят, жаноб Фэрлининг навқирон қизларига истиқболда табиат манзараларидан андоза олиш сирларини ўргатаётган вақтларимда Лондондаги қадрдон шогирдларимнинг холи нима кечади, деган савол билан сўнгги важкорсонни ҳам тиклашга уриндим. Бу саволнинг аниқ жавоби тайёр эди: уларнинг кўпчилиги кузги таътил сафарига жўнаб кетишган бўлар, уйда қолганлари эса мусаввир касбдошларимдан бирига ҳавола қилиниши мумкин эди. Илгари мен ҳам ҳаёлимдаги худди шундай вазиятда дўстларимнинг шогирдларини ўз зиммамга олган эдим. Ўша саховатли зот, «агар шу йилги мавсумда шаҳардан чиқиб кетгудек бўлсам, хизматимга чин кўнгилдан тайёр эканлигини синглим ёдимга солди.

Онам ҳам менга қатъи равишда ўзимнинг шахсий манфаатларим ва саломатлигим ҳамда ортиқ ўжарлик қилмаслигимни пинсада қилди. Песка бўлса ҳаётини асраб қолган дўстига қўлидан

келганча дастлабки миннатдорлик хизматини рад этиб, дилини ранжитмаслигимни ўтиниб сўрарди.

Мана шу самимий илтижолар замиридаги мурувват ҳар қандай бағритош одамни ҳам эритиб юборгудек эди. Ўзимнинг ўринли-ўринсиз даъволаримга иқдор қилдира олмаган бўлсам ҳам, ҳар ҳолда, асоссиз уринишларимдан уялишимга, мендан талаб қилинадиган шартларни бажаришга ваъда қилишим, шу билан уларга ён бериб, мунозарани мамнуният билан ниҳоясига етказиш виждонимга ҳавола эди.

Кечанинг қолган қисми менинг Кумберланддаги икки ёш қиз билан ўтадиган истиқболдаги ҳаётимга оид қалтис киноялар билан мароқли кечди. Песка миллий таомимиз — гродан завқланиб кетди шекилли (назаримда, у миясига ургандай эди), сўнгги луқма томоғидан ўтгач, беш-олти минутлардан сўнг тавозеъ билан кетма-кет ваъзхонликка берилиб, ўзини ҳақиқий инглиз, деб тан олдиришга даъво қилди: онамнинг саломатлигини, синглим билан менинг саломатлигимни, кўпчиликнинг саломатлигини жаноби Фэрли билан икки ёш қизининг саломатлигини чандон тилга олди; кези келганда оғзининг таноби қочиб, шоша-пиша ҳамманинг номидан шахсан ўзига миннатдорлик изҳор этишни ҳам унутмади.

— Дилимдаги сиримни айтиб қўя қолай, Артур, — деди камоли ишонч билан митти дўстим ташқарига чиқарканмиз — мен ўзимнинг сўзамоллигимдан қойилман. Кўнглимдаги бирдан-бир орзуимни айтиб қўя қолсам: шу кунларнинг бирида дабдабали парламентингизга киришга мушарраф бўлсам, ҳаётимдаги бирдан-бир орзуим ушалиб, парламент аъзолигига сайланиб, кимсан муҳтарам Перси бўлиб қолсам.

Келаси куни эрталаб тавсияномамни профессорнинг Портланддаги соҳиби хизматига юбордим. Уч кун ўтди, юборган ҳужжатларим унчалик аниқ ва ишончли бўлмагандир, деб ўзимча қувондим. Тўртинчи куни, қутилмаганда хатимга жавоб келиб қолди: жаноби Фэрли мени ишга олганини, зудлик билан Кумберландга жўнаб кетишимни таклиф қилган эди. Сафар учун зарур ҳамма йўл-йўриқлар мактубга илова қилинганди. Келаси куни эрталаб Лондондан жўнаб кетиш учун ночор тайёргарлик кўрдим. Кечга яқин Песка келди, зиёфатга кетаётиб йўл-йўлақай мен билан хайрлашишга кирган экан.

— Менинг видолашув кўз ёшларимни — деди профессор қувонч билан — фақат дилимдаги эзгу ниятимгина тўхтатиб турибди, у ҳам бўлса — менинг дастлабки саъй-ҳаракатим билан ҳаётингиз-

да бахт эшигининг очилишидир. Жўнайверинг, дўстим! Кумберландда бахт кўёшингиз балқиши билан (инглиз мақоли) иншоолло, ҳосилингизни ўраверасиз. Икки ёш қизнинг бирига уйланинг, унвонингиз парламент аъзоси, номингиз — муҳтарам Ҳартрайт бўлсин; фақат мартаба аршига кўтарилганингизда — буларнинг ҳаммасини хоксор Песка қилганини унутманг!

Мен митти дўстимнинг баландпарвоз фотиҳасига қўшилиб кулишга ҳаракат қилдим, лекин руҳим енгил тортмади. У менга эзгу ниятлар билан оқ йўл тилаб қоларкан, дилимда аламли бир гашлик сезардим.

Ўзим яна танҳо ёлғиз қолганимда, Хампстед чорбоғига бориб, онам ва Сара билан хайрлашиб келишдан бошқа ишим қолмаган эди.

III

Кун бўйи кўёш одамни қовургидек қиздиргани учун тун ҳам дим эди.

Онам билан синглим қанча насиҳатлари билан бир неча бор сабр қил, деб мени тўхтаверганидан, ниҳоят хизматкор аёл орқамдан эшикни ёпиб қолганида вақт ярим кечага борган эди. Мен энг қисқа йўл билан Лондон томон шахдам юриб кетдим, лекин нимагадир иккиланиб тўхтадим.

Тўлин ой туннинг юлдузсиз самоси бағрида балқиб юрар, пастпаланд адирли сайхон ерлар уларнинг ортидаги катта шаҳаргача юз миллар чамаси кенгликда ястангандек туюлар, бу сукунатли ойдин кечада сирли бир манзара кашф этарди. Тез орада кишини лоҳас қилувчи дим Лондонга етиб қолиш хаёли шаштимдан қайтарди. Назаримда, диққинафас хонамда ётиш аста-секин бўғилишдан фарқ қилмаслигини бутун вужудим билан сезгандек бўлдим. Иложи борица энг олис йўлни танлаб, уйгача тозароқ ҳавода юриб боришни; кимсасиз воҳанинг айланма сўқмоқларидан ўтишни; ниҳоят, Лондонга Финглей йўлидан унинг очиқ бағри орқали келаси куни тонг салқинида Рижонт Паркнинг ғарбий томонидан шаҳарга кириб боришни хаёлимдан ўтказдим.

Манзара сукутидан завқланиб, у ён-бу ёнимдаги сайхон ерларнинг ой шуъласида гоҳ ёришиб, гоҳ соя тортиб ўзгариб туришига маҳлиё бўлганимча, секин йўлга тушдим. Тунги сафаримнинг дастлабки ва энг жозибали қисми ўтаркан, атрофдаги-манзаралар таассуротига берилмадим; кўзимга чалинган нарсаларни шунчаки назардан ўтказиб борган бўлсам керак; хаёлим сочил-

ган, ҳис-туйғуларим ҳам ўз эркига қўйиб қўйилган, бирон-бир нарса ҳақида ўйга толдим, дейишга ҳам ўрин йўқ.

Лекин сайхон ерларни ортада қолдириб, деярли кўзга ташланадиган бирон нарсаси бўлмаган овлоқ йўлга чиққанимда ҳаётимнинг яқин кунларидаёқ содир бўладиган ўзгаришлар аста-секин кўзимдан бир-бир ўта бошлади, бора-бора хаёлимни бутунлай қамраб олди. Йўлнинг охирига чиққанимда эзгу хаёлларим бутунлай Лимериж хонадонида бўлиб қолган эди: жаноб Фэрли, айниқса, тез орада акварель санъати машгулотида менга шоғирд бўлгувси икки жонон қиз кўзимдан нари кетмасди.

Шундай қилиб, чорраҳага етиб келганимни ҳам сезмабман: ўзим босиб ўтган Хемпстед йўли, Финчли йўли, Фарбий чегаралар йўли, ниҳоят, Лондонга олиб борувчи йўл. Мен, беихтиёр мана шу сўнгги йўлга бурилдим ва хом хаёлларга берилганимча кимсасиз катта кўча бўйлаб бамайлихотир юра бошладим. Кумберланд қизларининг чиройи қандай экан, деб хаёл суриб қолганим эсимда, қутилмаганда кимдир орқамдан елкамга оҳиста қўлини қўйса бўладими, юрагим қинидан чиқаязди, вужудим музлаб кетди. Шу лаҳзаёқ қўлимдаги таёқчамнинг бандидан қаттиқ сиққанимча шартга орқамга ўғирилдим.

Қаршимда, ёп-ёруғ катта йўл ўртасида, ердан чиқдим, осмондан тушдим — билмадим, кўз ўнгимда оққа бурканган бир аёл турарди; мен томон хиёл эгилган, юзида даҳшатли савол аломати, бир қўли билан Лондон устидаги қора булутларга ишора қиларди.

Бемаҳал тунда кимсасиз хилватгоҳда бу ғаройиб арвоҳнинг тўсатдан пайдо бўлиши кайфимни учирди. Нима демоқчи бўлганини сўраш у ёқда турсин, тилим калимага келмай қолганди. Дастлаб ўша ғаройиб аёл сўз очди:

— Мана шу Лондон йўлими? — деди.

Шу савол берилди-ю, мен унга разм солдим. Соат бирга яқинлашиб қолган эди. Ой шуъласида аниқдан-аниқ кўрганим шу бўлди: озгинлигидан ёноқлари билан жағи бўртиб чиқиб, ранги қув оқариб кетган, бўйига етган бир қиз сиймоси; у ёқ-бу ёққа олазарак бўлиб турган қопқора ғамгин шаҳло кўзлар, асабий гезарган лаблар; тўзғиб кетган оч қўнғир сочлар.

Унинг хатти-ҳаракатида на гурур, на андишасизлик аломати кўринарди: мулойим, мўминтой табиати айни вақтда ғамгин, шубҳа билан боқувчи олазарак кўзлари ўйга толдирарди; аслзода хонимлардан бўлмаса ҳам, ҳаётнинг тубан табақасига мансуб аёллардан ҳам эмасди. Бир оз бўлса-да қулоғимга чалинган овозида

ажабтовур эҳтиёткорлик билан гайритабиий оҳанг сезилар, шошилиб сўзлаётгани кўриниб турарди. Қўлидаги шинамгина сумкачаси, бошидаги боғичли шляпаси, елкасидаги шол рўмоли, эгнидаги кўйлаги — ҳаммаси оппоқ бўлиб, лекин ҳарир ва нодир матолардан эмас эди. Жуссаси нозик, бўйи ўртамиёнадан тикроқ; ташқи қиёфаси билан хатти-ҳаракатлари, қиттак бўлса ҳам олифталикдан мустасно эди. Кишини талвасага солувчи вазиятда тўқнашган эканмиз, гира-шира ойдинда сезганларим шулар эди. У ким экан, тун яримдан ўтганда бу хилват йўлда нима қилиб юрибди — ўйлаб ўйимга ета олмас эдим. Лекин шунга ишончим комил эдики, бирон-бир кимса унинг сўзларини, ҳатто бемаҳал бир фурсат ва шубҳали овлоқ ер бўлишига қарамай, буни одобсизликка йўя олмас эди.

— Сўзимни эшитмаяпсизми? — деди у шоша-пиша анча ўзини босиб, ҳовлиқмай, безовталанмай. — Мана шу Лондон йўлими, даяпман?

— Ҳа, — жавоб бердим. — худди мана шу йўл, тўғри Авлиё Жон ўрмони орқали Реженей Паркка олиб боради. Илгарироқ жавоб бера олмаганимни маъзур тутгайсиз. Бу йўлда тўсатдан пайдо бўлганингиздан гангиб қолдим; ҳали ҳам бунга ақлим етмай турибди.

— Бирон-бир ноҳўя ҳаракатимдан шубҳага бормагандирсиз, шундай эмасми? Мен беодоблик қилиб қўймадим шекилли. Тасодиф мени шу кўйларга солди. Бахтим кулиб боқмаганидан бемаҳал шу ерларда сарсон бўлиб юрибман. Менинг нимадан шубҳаланасиз?

У ўринсиз гинахонлик билан кескин гапириб, ҳатто бирмунча орқага тисланиб кетди. Мен иложим борича унга тасалли бермоқчи бўлдим:

— Худо ҳаққи, сиздан шубҳаланишимга ўрин йўқ, буни хаёлингизга ҳам келтирманг, — дедим мен. — Қўлимдан келса, иложим борича сизга кўмаклашишга тайёрман. Бу ерда пайдо бўлиб қолганингиз мени ҳайрон қолдирди холос, чунки сизни кўришимдан бир дақиқа аввалроқ бу ерда ҳеч кимса йўқдек эди.

У ўгирилиб Лондон билан Ҳеммстед йўллари туташган жойда ўсган буталарни кўрсатди.

— Оёқ шарпангизни эшитиб, — деди у — ўша пана жойга беркиниб олдим, тавакқал қилиб мурожаат этишдан аввал сизга бир разм солайин, дедим. Ёнгинамдан ўтиб кетгунингизча қўрққанамдан буёққа чиқишга журъат қила олмадим; кейин орқангиздан юрак ютиб чиқдим, елкангизга қўл тегизишга мажбур бўлган эдим.

«Орқамдан чиқиб, қўл тегиздим, дейди-я? Овоз берса бўлмасмиди, ҳайронман. Топган гапини қаранг».

— Сизга ишонсам бўладими? — савол берди у. — Тасодифан йўлингиздан чиқиб қолганимни айбга буюрмайсизми? — У хижолатликдан сумкачасини у қўлидан бу қўлига олди; ўкиниб ҳомуза тортди.

Бу аёлнинг кимсасизлиги, ожизлиги кўнглимни юмшатди. Унга раҳм-шафқат юзасидан кўмаклашиш нияти бағри қаттиқ кишилар қўлайдиган, ҳаётда кўп учраб турадиган кўҳна эҳтиёткорликдан устун келди.

— Самимий ниятларингизнинг рўёбга чиқишида менга ишонаверинг, — дедим мен. — Мободо қандай қилиб бу кўйларга тушиб қолганингизни айтишга истиҳола қилаётган бўлсангиз, буни ҳам хаёлингизга келтирманг. Сизни сўроққа тутишга ҳам ҳаққим йўқ. Айтинг, сизга қандай ёрдам қилишим мумкин? Қўлимдан келса, албатта ёрдамлашаман.

— Жуда кўнгилчан экансиз, сизни учратиб қолганимдан жуда мамнунман. — Қизнинг бу сўзларидан тўлқинланиб турган овозида аёллик назокатининг дастлабки қирраларини сезгандай бўлдим, шунга қарамай менга хаёлчан термулиб турган шаҳло кўзларида милт этган ёш кўринмади. — Лондонда қачонлардир, бир маротабагина бўлганман, — сўзида давовм этди у шошилганича. — Унинг анави томонларини мутлақо билмайман. Кабми ёки бирон бир фойтун аравага тушишнинг иложи бўлармикан? Билмадим-да. Қардан каб олишимни кўрсатиб юборсангиз, хоҳлаган пайтимда ўз ихтиёрим билан жўнаб кетишим учун эътироз билдирмасликка ваъда берсангиз. Лондонда бир дугонам бор, мени қувонч билан кутиб олади, менга бошқа ҳеч нарса керак эмас, шунга ваъда бера оласизми?

У йўл атрофига олазarak бўлиб қаради; сумкачасини энди бу қўлидан у қўлига олди; «Ваъда берасизми?», деб такрорлаб ташвишли илтижо билан ийманиброқ менга термулди.

Қўлимдан нима ҳам келарди? Қаршимда менинг мурувватимга ниҳоятда муҳтож бир ожиз мусофир, ҳам бебахт аёл турарди. Яқин орада уй кўринмасди; ё бирон-бир одам ўтмас эдики, у билан маслаҳатлашиб олсам; ким менга ҳуқуқ бериб қўйибдики (уни қандай татбиқ қилишни билган чоғимда ҳам), бу аёлни ўз назоратим остига олсам. Кейинча содир бўлиб, ёзилажак саҳифаларимга доғ бўлиб тушадиган ушбу сатрларни ишончсизлик билан қаламга оларканман, ҳамон ўша саволимни такрорлайман: қўлимдан нима ҳам келарди?

Кўлимдан келгани шу бўлдики, унга саволлар бериб, вақтдан ютишга ҳаракат қилдим.

— Лондондаги дугонангиз мана шундай бемаҳалда сизни кутиб олишига ишончингиз комилми? — сўрадим мен.

— Мутлақо шубҳа қилмайман. Фақат хоҳлаган фурсатимда ўз ихтиёрим билан жўнаб кетишимга эътироз билдирмасликка ваъда беринг — эътироз билдирмасликка ваъда берсангиз бас. Ваъда берасизми?

Шу сўзларни учинчи маротаба такрорларкан, у менга яқинроқ келиб, кўлини — ўша озгин кўлини қутилмаганда мулойимлик билан оҳистагина кўксимга қўйди; ўшандай дим тунда ҳам ҳамон муздек кўл (уни кўксимдан олиб қўйган эдим). Шунини ҳам унутмангки, сийнамдаги кўл — аёл кишининг кўли эди.

— Ваъда берасизми?

— Ҳа.

Биргина сўз! Ҳар куни, ҳар соат одамларнинг оғзидан тушмайдиган қисқагина таниш сўз. Ё тавба! Шу сўзни ёзаётган мана шу дақиқада ҳам ларзага келиб турибман.

Биз Лондон томон ўтирилдик ва бошланаётган янги куннинг дастлабки осойишта соатида исми, феълу-атвори, ўтмиши, ҳаётда кўзлаган мақсадлари ва ҳатто ўша дамда мен билан ёнма-ён туриши ҳам сирли жумбоқ бўлиб туюлган ўша аёл билан бирга-бирга йўлга тушдик. Бу бамисоли хаёл эди. Мен ўзим чиндан ҳам Валтер Ҳартрайтманми? Якшанба кунлар кишилар сайр қилиб юрадиган, ўзим бир неча бор босиб ўтган осойишта хиёбон шуми? Онам чорбоғидаги қадрдон оилавий муҳитни бир соатлар чамаси илгарироқ ташлаб чиққанам ростмикин? Қандайдир хатога йўл қўйганимни ҳис қилгандек бўлиб, бошим қотган, сирли ҳамроҳим билан уч-тўрт оғиз сўзлашишни ҳам унутгандим. Орамиздаги сукунатни яна бир бор унинг овози бузди.

— Сиздан бир нарсани сўрамоқчиман, — деб қолди у қутилмаганда. — Лондонда танишларингиз кўпми?

— Ҳа, анчагина бор.

— Амалдору, унвондорларидан ҳам бўлса керак? — Унинг овозида қандайдир бир шубҳа сезилиб турарди. Мен жавоб беришга иккиланиб қолгандим.

— Ҳа, шунақалари ҳам бор, — дедим мен ниҳоят бир оз сукут қилгач.

— Демак, анчагина, денг, — унинг нафаси ичига тушди, юзимга зеҳн солганича тикилиб қолди. — Баронет унвонликлари ҳам кўпми?

Жавоб беришга ҳайрон бўлиб, энди ўзим савол ташлашга уриндим.

— Нима учун сўраяпсиз?

— Нима учун бўларди, ўзимнинг осойишталигим учун-да, у ерда сиз танимайдиган яна битта баронет бўлса-чи?

— Исми нима, айтасизми?

— Айта олмайман, тилим бормайди; уни эсласам, тутоқиб кетаман.— У қарийб газаб билан қичқирди, кўлини мушт қилиб ўқталди, кейин шу лаҳзаёқ ўзини босиб, шивирлаганича қўшимча қилди.

— Улардан кимларни танийсиз?

Бундай арзимас саволга рад жавоб қилгач унинг юрагига гулгула солишни ўзимга эп кўрмадим-да, уч кишининг исмини айтиб қўя қолдим. Улардан иккитаси ўзим ўқитиб юрган хонадон қизларининг оталари, яна биттаси бир вақтлар мени ўз яхтасига олиб, расм чиздирган бир бўйдоқ эди.

— Уфф! Сиз танимас экансиз, — деди у анча енгил тортиб. — Ўзингиз ҳам бирор мансабдор ёки унвондорлардан эмасмисиз?

— Уларчалик бўлиш қаёқда дейсиз. Оддий расм ўқитувчисиман.

Жавобим оғзимдан чиқар-чиқмас, бироз афсуслангандек кўринган бўлсам керак, у ўзига хос кескинлик билан кўлимдан ушлади.

— Мансабдор ва унвондор эмас экан, — шивирлади ўзича. — Худога шукур! Унга ишонсам бўларкан.

Мен ўз гумонларимни шу дамгача ҳамроҳимга сездирмасликка уриниб келган бўлсам ҳам, энди ортиқ сабр қила олмас эдим.

— Назаримда, баъзи бир мансабдор ва унвондорлар устидан шикоят қилишга арзигулик бирон-бир асос бўлса керак? — дедим мен. — Номини мендан яшираётган ўша баронингиз сизга анча озор етказганга ўхшайди. Шундай бемаҳал тунда бу ерларда сарсон-саргардон бўлиб юришингизга сабабкор ҳам ўша эмасмикин?

— Савол бериб, у ҳақда сўз очишимга мажбур қилманг, — жавоб берди у. — ҳозир бунга ожизман. Менга шафқатсизлик қилдилар — бошимга не-не кулфатларни солмадилар. Гапга чалғитмай тезроқ юрсангиз мендан марҳаматингизни аямаган бўлардингиз. Иложи борица мушкул аҳволдан чиқиб, ўзимга келиб олсам.

Биз тез-тез юриб яна илгари силжидик; шу тарзда ярим соатлар чамаси иккимиздан ҳам садо чиқмади. Ортиқча савол беришим тақиқлангани туфайли, вақти-вақти билан унинг юзига разм солиб бордим. Ҳеч қандай ўзгариш сезилмади; лаблари ҳамон гезарган, қошлари чимирилган, кўзлари фақат олд томонга боққан бўлса ҳам, ўзи фаромуш эди. Ниҳоят, шаҳар чеккасидаги уйларга етиб

келдик, янги Веслеян коллежи яқинлашиб қолганди. Шундан кейингина унинг чехраси очилди, яна тилга кириб, савол берди:

— Сиз Лондонда яшайсизми?

— Ҳа, — дея жавоб бердим, мендан бирор ёрдам ёки маслаҳат сўраб мурожаат қилиш нияти бўлса керак, деган ўй билан, ҳафсаласини пир қилиб қўймаслик учун шу кунлардан бошлаб уйда бўлмаслигимни огоҳлантириш ниятида шуни илова қилдим:

— Лекин эртага маълум муддатга Лондондан жўнаб кетаман-да. Қишлоққа бормоқчиман.

— Қаерга? — сўради у. — Шимолгами ёки жанубгами?

— Шимолга, Кумберландга.

— Кумберланд! — такрорлади у меҳри жўшиб. — Оҳ, қани энди мен ҳам ўша ёққа кетаётган бўлсам. Қачонлардир Кумберландда энг бахтиёр онларим ўтган.

Мен орамиздаги англашилмовчилик пардасини кўтаришга уриниб:

— Сиз ўша жозибали кўллар диёрида туғилган бўлсангиз керак? — дедим.

— Йўқ, — жавоб берди у. — Хемпширда туғилганман, лекин бир вақтлар Кумберланддаги мактабда ҳам ўқиганман. Кўллар дедингизми? Бирон-бир кўл хотирамда йўқ. Лиммериж қишлоғини, Лиммерижлар хонадонини яна бир бор кўрсам, дейман.

Энди мен анграйиб қолган эдим. Ўша фурсатда жаноби Фэрлининг Лиммериждаги боғи-роғи ҳақида сирли ҳамроҳимдан эшитиб, ҳангу-манг бўлиб қолибман.

— Биров бизни чақиряптими? — савол ташлади у сўзимни тамомлашим билан кўрққанидан у ёқ-бу ёққа олазарк бўлиб.

— Йўқ, йўқ, менга Лиммериж хонадонининг номи таниш туюлди. Яқиндагина Кумберландлик кишилар шу хонадон номини тилга олгани қулоғимга чалинган эди.

— Йўғ-е, булар менга нотаниш Фэрли хоним ҳам, уларнинг эри ҳам оламдан ўтган; жажжи қизлар аллақачон турмушга чиқиб, бу ердан кетган бўлса керак. Ҳозир Лиммерижда кимлар туришини айт олмайман. Мабодо, у ерда менга таниш авлоддан қолган бирор зурриёт бўлса, унга Фэрли хоним туфайли меҳр қўйган бўлардим.

У яна нималарнидир демоқчи эди-ю, лекин биз гаплашиб борган вақт ичи Авеню Роуд кўчасининг бошига етиб қолгандик, божхона ҳам кўриниб турарди. Ҳамроҳим ушлаб борган қўлим қаттиқ қисилди. Ўзи эса безовталаниб, қаршимиздаги дарвозага тикилиб қолди.

— Божхона соқчиси кўринмаяптими? — сўради у.

Соқчи кўринмасди; дарвоза ичидан ўтганимизда атрофда ҳеч ким йўқ эди. Газли чироқлар ва уйлар уни безовта қилаётгандек эди.

— Мана, Лондонга ҳам келдик, — деди у. — Манзилимга етиб олиш учун биронта каб кўринмаяптими? Чарчадим, юрагим такапука бўлиб кетяпти. Қани энди тезроқ кабга ўтириб олсаму, жўнаб кетсам, дейман.

Бахтимиз чопмай биронта бўш каб учрамаётган бўлса, бекатга етиб олиш учун яна бир оз юришимиз кераклигини айтдим, кейин Кумберланд мавзуидаги суҳбатимизни яна давом эттиришга уриндим. Сўзларим зое кетди. Унинг фикр хаёли фақат кабда жўнаб кетиш эди. Бошқа ўйни хаёлига ҳам келтирмас, оғиз ҳам очмасди.

Авню Роуднинг чорак қисмини босиб ўтмасимизданоқ йўлнинг чеккасига — биздан уч-тўрт хонадон наридаги дарвоза олдига каб¹ келиб тўхтаганини кўриб қолдим. Ундан нотаниш бир жентельмен тушиб, боғ дарвозасидан ичкарига кириб кетди. Жиловдор яна ўз ўрнига чиқаётганида уни чақирдим. Йўлни кесиб ўтарканмиз, ҳамроҳимнинг тоқати шунчалар тоқ бўлган эканки, мени қарийб югуртириб кетди.

— Вақт алламаҳал бўлиб қолди, — деганди жиловдор ўшанда — шошилишимнинг боиси ҳам мана шу. — Тоттенҳем саройи томонга йўлингиз тушмаса, сизларни ола кета олмайман, сэр, — деди у каб эшигини очганимда мулозимат билан. — Отим зўрга тикка турибди. Уни эсон-омон отхонага обориб олсам ҳам катта гап.

— Майли, майли. Айна кўнглимдагидек экан. Ўзим ҳам ўша томонга кетаётган эдим, худди ўша томонга, — бидирлади ҳамроҳим нафаси оғзига тиқилгудек бўлиб, кейин суқилиб ёнимдан ўтди-да, кабга ўтириб олди.

Ҳамроҳим кабга ўтириши олдиданоқ жиловдорнинг мулойимлиги, бамаънилигига қаноат ҳосил қилган эдим. Ҳамроҳим жойлашиб олгандан кейин, кўзлаган манзилига эсон-омон етказиб қўйишни ундан илтижо қилдим.

— Йўқ, йўқ, йўқ, — деди аёл қатъи. — Мен мутлақо бежавотир ердаман. Қувончим ичимга сигмаяпти. Агар жентельмен бўлсангиз, ваъдангизни унутманг. Жиловдорга айтинг, то ўзим тўхтатмагунча, кетаверсин. Сиздан чексиз миннатдорман! Миннатдорман! Миннатдорман!

¹ каб — якка улов, тўрт гилдиракли, усти ёпиқ извош.

Қўлим эшик бандида эди. Аёл қўлимни икки кафти орасига олиб ўпдида, сўнг итариб юборди. Айни вақтда каб жойидан кўзғолди, мен ҳам беихтиёр уларнинг кетидан юриб бордим. Кабни қайта тўхтатмоқчи бўлган бўлсам керак, аёлнинг юрагига гулгула солиб, озор етказиб қўярмиканман, деган андишада жиловдорнинг қулогига эшитилар-эшитилмас қилиб чақиринишга журъат этдим. Филдираклар товуши энди анча узоқдан ғира-шира қулоққа чалинарди. Ниҳоят, каб йўл устида қорайиб турган соялар ичига шўнгиб, кўздан гойиб бўлди — оқ кийинган аёл кетиб қолди.

Ўн минутлар ёки ундан сал кўпроқ вақт ўтди. Мен ҳамон турган еримда қаққайиб турардим. Беихтиёр уч-тўрт қадам олдинга юрдим, хаёлга чўмиб яна тўхтадим. Бир дақиқа бу саргузаштларимнинг чиндан ҳам содир бўлганига гумонсираб қолган эдим, яна бир дақиқа ножўя иш қилиб қўйган бўлсам керак, деб кўнглим гашланди, тўғри йўл тутиш учун нима қилишим керак эканлигини ҳануз англаёлмай бошим қотди, ваҳимага тушдим. Қаёққа бораётганимни ҳам, энди нима қилмоқчи эканимни ҳам унутгандим. Хаёлот билан миям говлаб, ўзимни йўқотиб қўйгандим. Шу пайт орқамдан шиддат билан яқинлашиб келаётган филдираклар шарпасини эшитдим-да, ўзимга келдим — гўё уйқудан уйғониб кетдим. Орқамга ўтирилиб таққа тўхтадим, ўзимни йўлнинг анча қоронғи томонида, бир тўп мевали дарактнинг қуюқ соясида кўрдим. Йўлнинг сал қуйроғидаги нариги ёруғроқ чеккасида нотаниш бир миршаб Режент Парк томон кетаётган эди.

Ёнимдан очиқ каб ўтди, устида икки киши ўтирарди.

— Тўхтанг! — деб юборди биттаси. — Мана миршаб. Ундан сўрайлик-чи.

Отнинг жилови тортилди, каб мен турган қоронғи ердан бир неча қадам нарироқда тўхтади.

— Миршаб! — деди яна ўша киши. — шу ердан аёл киши ўтмадим?

— Қанақа аёл, сэр?

— Бинафшаранг либослик аёл.

— Йўқ, йўқ. — эътироз билдирди иккинчиси. — Берган махсус кийимларимизни каравотидан топдик. У дастлаб кийиб келган кийимларида қочган бўлса керак. Оқ либослик, миршаб. Оқ либослик аёл.

— Кўрмадим, сэр.

— Сизми ёки биронта бошқа бировингизми ўша аёлни учра-

тиб қолгудек бўлсангиз, уни ушлаб, эҳтиётлик билан мана шу ерга олиб келинглар. Бутун ҳаражатларингизга ҳалол суюнчисини кўшиб тўлайман.

Миршаб унга узатилган ташрифномага кўз ташлади.

— Уни нима учун ушлашимиз керак, сэр? Нима айб қилибди у?

— Нима айб эмиш! У жиннихонамдан қочиб кетибди. Унутманг, оқ либосдаги аёл. Қани жўнадик.

IV

«У жиннихонадан қочиб кетибди!» Бу сўзлар асосидаги машъум хулоса фикримни остин-устун қилиб юборди, дейишим қийин. Ўйламай-нетмай ўша оқ кийимли аёлнинг ўз майлича иш тутишига розилик бериб қўйганимдан кейин менга берган баъзи бир ғализ саволларийёқ унинг ё туғаса тентак табиати, ё яқин орада бошдан кечирган бирор-бир зулм туфайли карахт, ақл-хушсизлигидан нишона эди. Лекин, одатда, жиннихона сўзи туфайли ҳамманинг хаёлига келадиган ашаддий жинни, деган фикр, ўша аёлга нисбатан сидқидилдан айтгудек бўлсам, мутлақо дилимдан ўтмаган эди. Ўша вақт унинг сўзлари ёки хатти-ҳаракатларида буни тасдиқловчи бирорта шубҳам ҳам бўлмаганди; мана энди нотаниш кимсанинг миршабга мурожаат қилиб айтган сўзлари туфайлигина масала бир оз ойдинлашгандек бўлса ҳам, барибир ўша ишора асосида бунга иқрор бўла олмайман.

Ножўя иш қилиб қўйдимикин? Қуруқ туҳмат балоси қурбонларидан бирининг қочишига кўмаклашдимми ёки юриш-туриши меҳрибон кўзлар назорати остига олинадиган бебахт бир ожизани ўзбошимчалик билан Лондондек азим шаҳар бағрига қўйиб юбордимми? Бу саволлар хаёлимга келиб ўзимдан ўзим гина қила бошлаганимда вақт ўтган эди. Буни ўйлаб юрагим уюшиб кетди.

Ниҳоят Клемент меҳмонхонасидаги кулбамга етиб келганимда хаёлим чалкашиб, уйқум ҳам қочиб кетганди. Кумберланд сафарига жўнаб кетишимга ҳали бир неча соат бор эди. Ўтириб аввал расм чизишга, кейин ўқишга тутиндим, лекин оқ кийимли аёл мўйқалам билан китоб устида кўндаланг бўлиб, кўз ўнгимдан нари кетмасди. Ўша саргардон ожиза дилига озор етказиб қўймадиммикин деган фикр хаёлимдан ўтди, лекин бу васвасани миямдан чиқаришга ҳаракат қилдим. Энди хаёлимга ўрнашиб, дилимни унчалик оғритмайдиган бошқа саволлар ғужғон ўйнай бошлади. Кабни қаерда тўхтатдийкин? Шу лаҳзада холи нима кечаяптийкин? Иши окшора бўлиб қолгач, ўша кимсалар қўлига

тушиб қолдимикин? Ҳали ҳам ақли-ҳуши жойидамикин? Бир-биридан узоқлашиб кетган сафар йўлларимиз қачонлардир яна туташиб, қайта учрашиш насиб бўлармикин?

Лондондаги ҳамкасбларим, дўстларим ва шогирдларим билан хайрлашув фурсати келиб, мақсад ва янги ҳаёт йўли томон сафарга чиққач анча енгил тортдим. Ҳатто темир йўл бекати шовқин-суронлари ҳам, бошқа вақтлари қулогимга ёқмай, жигимга тегадиган темир йўл бекати шовқин-суронлари ҳам энди писанд бўлмай қолганди.

Сафар йўл-йўриқларида кўрсатилганича мен Карлайлга боришим, у ерда денгиз соҳиллари томон қатновчи бошқа бир поездга ўтиришим кўзда тутилганди. Бахтга қарши, парвозимиз Ланкастер билан Карлайл ўртасида бузилиб қолди. Ўша тасодиф туфайли вақт ўтиб, кейинги поездга улгуриб бора олмадим. Бир неча соат кутишга тўғри келди; ниҳоят охириги поездга илиниб, Лиммериж хонадонига яқин бекатга келиб тушганимда соат ўн ярим бўлиб, тун шунчалар қоронғи зулматга айланган эдики, Фэрли жаноблари жўнатган икки ўринли кабриолетни¹ аранг топиб олгандим.

Бунчалик кечикиб келишимдан жиловдорнинг ранжигани турган гап, лекин шунга қарамай, у инглиз лакейларига хос сиполикни қўлдан бермади. Чурқ этмай зулмат оралаб аста жўнаб кетдик. Йўл номигагина йўл бўлиб, зулмат қопланган тунда уни топиб тезроқ юриш амримаҳол эди. Бекатдан жўнаб кетгач, чамаси бир ярим соатлардан кейин, менинг соатим бўйича, олисдан эшитилаётган денгиз пўртаналари пишқириғи қулогимга чалина бошлади, дилижон ҳам энди шағал йўлга чиқиб олганидан филдираклар ҳам бир меъёрда шигирларди. Бир дарвозадан ўтиб, хиёбонга кириб бордик, кейин яна биттасидан ўтгач, хонадон биносига етиб келдик.

Мени гайрирасмий кийимдаги бир хизматкор қарши олди. У оила аъзоларининг ётишиб олганини маълум қилиб, ҳайҳотдек бир бўш хонага бошлаб кирди. Кечки таомим улкан тамадди столининг бир бурчагида менга ғарибона мунтазир турарди. Анча толиққандим. Мириқиб таомланиш истагим ҳам йўқ эди. Махсус хизматкор эса гўё уйни мўътабар меҳмонлар босиб кетгандек, парвона бўлиб турарди. Чорак соат ўтар-ўтмас ётоқхонамга чиқишга тайёр эдим. Ётоқхона хизматкори мени дид билан жиҳозланган хонага бошлаб кириб, «Нонуштангиз соат тўққизда тайёр бўлади сэр», — деди-ю, уй ичи саранжомлигини кўздан кечириб, оҳиста чиқиб кетди.

¹ кабриолет — якка улов, икки филдиракли извош

«Бугун нималар тушимга кираркин?» — хаёлимдан ўтказдим. Ўзимча шамни ўчиргач, — «оқ кийинган аёлни ёки мана шу Кумберланд катта даргоҳининг нотаниш аҳлларими? Хонадон аъзоларидан биронтасини танимасанг, ҳатто уларни кўрмаган бўлсангу, оиланинг қадрдонларидек истиқомат қилиб қолишинг ажиб ҳол-да!

V

Келаси кун эрталаб уйқудан бош кўтариб, хонанинг шабпардасини кўтарарканман кўз олдимда август кўшининг чақнаб турган нурида жилваланаётган денгиз намоён бўлди; узоқлардаги Шотландия соҳиллари эса оч ҳаворанг андозаси билан уфққа афсонавий ҳошия бахш этарди.

Бундай манзара Лондоннинг гишт ва оҳактошдан иборат мунгли қиёфаси олдида ниҳоят гаройиб ва беқиёс кўринарди, гўё бутунлай бошқа бир дунёга келиб қолгандек эдим; хаёлларим ҳам сочилиб, чексиз уммон малоҳатига маҳлиё бўлиб қолгандим. Ўтган кунларим ёдимдан кўтарилган; бугуним, келажагим ҳам, негадир жумбоқдек, хаёлим айқаш-уйқаш бўлиб кетганди. Кечагина юз берган воқеалар аллақачонлар содир бўлиб ўтгандек туюларди. Песканинг мана шу ишимни менга инъом этиш ниятида қилган кулгили маърузаси, онам ва синглим билан ўтказилган видолашув оқшоми, ҳатто Хампстеддан уйга қайтишимда йўлда содир бўлган сирли саргузаштим — буларнинг ҳаммаси гўё дунёга келишимдан анча илгари даврда содир бўлган воқеаларга айланиб қолганди. Оқ кийинган аёл ҳамон хаёлимдан нари кетмаётган бўлса ҳам, унинг қиёфаси анча хира тортиб, мен учун бефарқ бўлиб қолганди

Соат салкам тўққизда пастга тушдим. Йўлакда қаерга боришимни билмай айланиб юрганимда ўтган оқшомдаги хизматкор учраб қолиб, эҳтиром билан тамаддихона йўлини кўрсатди.

У эшикни очиши билан дастлаб кўз ўнгимда қатор деразали анвойи улкан хона-ю, ўртадаги ноз-неъматларга тўла тамадди столи намоён бўлди. Кейин столдан кўз узиб, энг чекка дераза томон назар ташлаб, у ерда бир аёлнинг нариги томонга қараб турганини кўрдим. Унга кўзим тушди-ю, ҳаётда камдан-кам учрайдиган бундай хушчибим, жозибали қадди-қомат малоҳатига маҳлиё бўлиб қолдим. Бўйи анча тикроқ бўлса ҳам, меъеридан ортиқ эмас; ёқимтой жуссаси анча тўлишгану, семириб кетмаган; бўйи-бастига яраша боши хиёл мағрурона кўтарилгандек туюларди; эр кишилар ҳавасини келтирувчи хипча бели табиат ато қилган жойида, корсет исканжасида ўзгариб кетмагани кўзга яққол

ташланарди. Хонага кирганимни у сезмай қолганди. Уни хижолат қилиб қўймай, эътиборини ўзимга жалб этиб қўя қолиш ниятида курсилардан бирини олдимга сурганимча, яна бир неча дақиқа ўша баркамол хилқатга суқланиб турдим. Ўша лаҳзада у ҳам мен томон ўгирилди. Унинг қадди-қомати, хатти-ҳаракатларидаги нафосат каминалари юрагига олов ташлаб, хусн-жамолини кўришга муштоқ эди. У дераза ёнидан қўзғолди. «Бугдойранг экан» — дедим ўзимча. Бир неча қадам олдинга юргач, «ёш экан» хаёлимдан ўтказдим. У менга тобора яқинлашиб келаркан (ҳайрон бўлганимдан дилимдаги тилимга келиб) беихтиёр «бадбашара экан-ку!» деб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолибман.

Мана шундай келишган қадди-қоматга яраша тож бўла оладиган хусн ҳам шунақа беўхшов, бетароват яратиладимики, табиат мулақо янглишмайди, деб тан олинган кўҳна ҳақиқатнинг бемаънилиги бундан ортиқча бўлмаса керак. Беканинг юзи қорачадан келган бўлиб, ундан ҳам қорайиброқ кўринган устки лабида мўйлов туклари сабза уриб турарди. Даҳани ҳам шунга яраша каттагина, ҳимарилиб турса ҳам, эр кишиларникидан қолишмайди; қатъи ирода сезилиб турган жигарранг зақчақўзлар; ўсиб пешонасидан ҳам пастга тушган қуюқ қоп-қора сочлар; у сукут сақлаб тураркан очиқ, самимий ва мулойим чехрасида ҳатто энг гўзал аёл ҳам усиз баркамол бўла олмайдиган аёллик назокати билан нафосати унга етишмаётгандек туюларди.

Ҳар қандай ҳайкалтарош ҳам ўз санъатида тасвирлашни орзу қиладиган мана шу қоматда мана шунақа қиёфани кўрсангиз эди. Хушбичим жусса ҳаракатларидаги беғараз жилваларга маҳлиё бўлиб, кейин суқсурдек қоматга ярашмаган эркаксифат қиёфадан ҳафсалангизнинг пир бўлиши уйқумизда содир бўладиган бемаъни — ақл бовар қилмайдиган алоқ-чалок туш кўрганимизда ўшанга иқрор бўлсак ҳам, лекин унинг ҳақиқатлигини тан ола олмаслигимиздек ҳис тугдирарди.

— Жаноби Ҳартрайт — мурожаат қилиб қолди бека, шу пайт унинг рангпар чехрасида бирдан аёлларга хос мулойим табассум намоён бўлди. — Кеча сиздан умидимизни узиб, одатдаги вақтдаёқ ётиб олган эдик. Бундай эътиборсизлигимиз учун узр сўрайман. Ўзимни шогирдларингиздан бири сифатида таништиришга ижозат бергайсиз. Қўл олишиб ҳам қўямизми? Менимча барибир, эртами-кечми шундай қилишга тўғри келади, эртароқ бўла қолса нима қилибди-а?

Дадил узатилган каттазанг аёлларга хос бежирим қўли анча

салмоқдор бўлса ҳам, ёқимтойгина эди. Бир-биримизга самимий илтерламаот билан нонушта дастурхонига ёнма-ён ўтирарккан-миз гўё биз анча йиллардан буён танишмизу, илгаридан келишиб қўйганимиздек, ўткан кунларни эслаб суҳбатлашиш учун Лиммериж хонадониди учрашгандек эдик.

— Сиз бу ерга биз билан шугулланиб, вақтингизни ҳам кўнгил-хушликда ўтказиш нияти билан келган бўлсангиз керак. — сўзида давом этди бека. — Бугун бошқаларни ўйламай, нонуштани фақат мен билангина ўтказишингизга тўғри келади. Синглим ўз хонасида қолди. Аёлларга хос инжиқлиги — шунчаки бош оғриги билан овора, қари энагаси миссис Вэзи эса унга ҳамдардлик билан шифобахш чой бериб турибди. Тоғам, жаноб Фэрли эса ҳеч қачон биз билан биргаликда тамадди қилмайдилар. Улар ногирон, ўз апартаментида бўйдоқларча ҳаёт кечирадилар. Бу уйда мендан бошқа ҳеч ким йўқ. Иккитагина бойвучча қизлар шу ерда истиқомат қилиб туришувди. Зерикиш уларнинг бу ердан ҳафсаласини пир қилиб, кеча жўнаб қолишди; Бунга ажабланмаса ҳам бўлаверади. Улар шу ердалигида (жаноб Фэрлининг ногиронлиги туфайли) бу хонадонда хушомад қиладиган, рақсга таклиф қиладиган, ҳеч бўлмаганда, гап-сўзлари билан кўнгил очадиган бирорта эркак зоти суҳбатини ҳам уюштириб бера олмадик; қисқаси, бир-биримиздан гина қилишдан бошқа ишимиз қолмади, айниқса овқатланаётган пайтларимизда. Тўрттагина аёл зотининг ҳар кунни биргаликда овқатланиб, жанжаллашмаслигини кўз олдингизга келтира оласизми? Биз шунақа тентакваччалармизки, тамадди вақтларида ҳам бир-биримизга ҳамдам бўла олмаймиз. Кўриб турибсиз, мен ўз жинсимни кўкларга кўтармайман, жаноб Ҳартрайт. Кўнглингиз нима тилайди: чойми ёки қаҳва?

Бирон-бир аёл ўз жинсидагиларни ўзидан юқори тутмайди, лекин камдан-камигина буни мендек очикдан-очик тан олади. Ё парвардигор, ўй-сано билан бошингиз қотган кўринасиз. Сабаби нима экан? Нонуштага нима тортиларкин, деган хаёлдамисиз? Ёки менинг бегараз сўзларимдан ажабланаяпсизми? Биринчи ҳолда, сизга дўстона маслаҳатим шуки — олдингиздаги яхна гўштга қўл урмай, қуймоқ кутганингиз маъқулроқ. Иккинчи ҳолда, кайфиятингизни жойига тушириш учун истаганингизча чой бераман. Тилимни тийиш учун эса, аёл кишининг қўлидан келганича (кам-кам, аста-секин) ҳаракатимни қўймайман.

Унинг қуюлиб келаётган сўзлари, мутлақо бегона бир кимса билан эркин муомаласи, айна вақтда кўриниб турган туғма ис-

теъдоди ва ўша мавқеига яраша муомала қила билиши ҳар қандай қўрс одамнинг ҳам нафасини ичига тушириб, тан беришга мажбур қиларди. Унинг ҳузурида ҳавойи сўзлару ёки кинояларга ўрин йўқ эди. Шахсан унинг ўзи тўғрисида эса айқи-тайқи гап қилиш у ёқда турсин, ҳатто хаёлингизга заррача шубҳа ҳам келтира олмас эдингиз. Буни юрагим сезганди, ўзим ҳам унинг бегубор хушчақчақ руҳига киришиб кетиб, саволларига яраша хушчақчақлик билан сидқидилдан жавоб беришга ҳаракат қилардим.

— Ҳа, ҳа шундай, — деди у ажабланганим сабабини тилимга келган сўз биланоқ изҳор қилиб қўйганимда. — Тушундим. Ахир, сиз бу уйда мутлақо бегонасиз. Шунинг учун ҳам казо-казо уй эгаларини шунчаки танишлардек тилга олганимдан ҳайрон бўлиб қолгансиз. Гапнинг очиги, бу ҳақда илгарироқ ўйлашим керак эди. Ҳар ҳолда, бу камчиликни шу ондаёқ тузатиш мумкин. Бошлаган суҳбатимиз мавзуини ниҳоясига етказиб қўя қолиш учун ўзимдан бошлаб қўя қолсам нима дейсиз? Исминим — Мариан Ҳалкомб; жаноб Фэрлини тоғам, мисс Фэрлини синглим, деб аёлларнинг одатдаги тилёғламалигига йўл қўйган бўламан. Онам икки маротаба турмушга чиққан эди: аввал менинг отам жаноб Ҳалкомбга, кейин эса ўғай синглимнинг отаси жаноб Фэрлига. Иккаламининг ҳам етимлигимиз ҳисобга олинмаса, мулақо бир-биримизга ўхшаш еримиз йўқ. Менинг отам қашшоқ бўлган, мисс Фэрлининг отаси эса бою-бадавлат. Менинг ҳеч вақоим йўқ, у эса катта мулк эгаси. Мен бугдойранг, бадбашараман, у эса шаффоф ва гўзал. Ҳамма мени (тўғриси ҳам шу) инжиқ ва бадфеъл ҳисобласа, уни эса (ундан ҳам тўғрироқ) нозиктабиат ва дилрабо ҳисоблайдилар. Қисқаси, у фаришта, мен эсам... Мармеладдан олинг, жаноб Ҳартрайт. Кейин аёл кишининг қадрини инобатга олиб, жумлани дилингиздаёқ ниҳоясига етказиб қўяқолинг. Жаноб Фэрли ҳақида нима десам экан? Ростини айтсам, нима дейишни ҳам билмайман. Нонуштадан сўнг албатта сизни чақириб одам юборади. У билан ўзингиз танишиб оласиз. Шундай бўлса ҳам, сизни огоҳлантириб қўйишим мумкин: аввало, у сўнгги жаноб Фэрлининг кенжа укаси; иккинчидан, ҳеч кими йўқ; учинчидан, мисс Фэрлининг ҳомийси. Мен эсам мисс Фэрлисиз яшай олмайман, у ҳам менсиз яшай олмайди; мана мен қандай қилиб Лиммериж хонадонига келиб қолганман. Синглим билан мен бир-биримизга самимий меҳр қўйганмиз; мавжуд вазиятларни ҳисобга олганингиз ҳолда «мутлақо бундай бўлиши мумкин эмас» деган хаёлга боришингиз ҳам турган гап. Ўшандан фикрингизга мен ҳам сўзсиз қўшиламан, ле-

кин ҳақиқати мана шу. Иккаламининг ҳам қўнглимизга қарашингизга тўғри келади, жаноб Ҳартрайт; ё бўлмаса иккаламиндан ҳам воз кечасиз. Яна бир нарсани айтиб қўяй — сизни сабр-тоқат билан чидашингизга мажбур қиладиган яна бир жузъий томони ҳам борки, ҳамма вақт иккимиз билан бирга бўлишингизга тўғри келади. Миссис Вэзи жамики дилкашлик асосларини ўзида мужассамлаштирган аёл бўлсалар ҳам, уларни ҳисобга киритмай қўя қолайлик; жаноби Фэрли эса шунчалар ногиронки, ҳеч бир кимсага ҳамсуҳбат бўла олмайдилар. Уларнинг нима хасталик билан азоб чекишидан хабарим йўқ. Докторлар ҳам билишмайди, ҳатто ўзига ҳам номаълум бўлса керак. Бизлар — ҳаммамиз асаблари шундай қилиб қўйган, деймиз, лекин асабнинг ўзи нималигига биронтамининг ҳам ақлимиз етмайди. Ҳар ҳолда, бугун у билан учрашар экансиз, инжиқликларига бепарвороқ бўлишингизни маслаҳат бераман. Қадимги тангалар, гравюра ва акварель расмлардан иборат бисотини кўкларга кўтариб мақтайверинг, меҳрини қозонасиз-қўясиз. Қатъий ишонаманки, осуда қишлоқ ҳаёти сизга ёқиб қолса бас, ҳаётингиз бу ерда гулдек ўтаверади, деган умиддаман. Нонуштадан тушликкача жаноб Фэрлининг расмлари билан банд бўласиз. Тушликдан кейин мисс Фэрли билан мен альбомимизни орқалаб ўзларининг раҳнамолигида табиат манзараларини сохталаштириб тасвирлашга чиқиб кетамиз. Расм — синглимнинг жонидили, орзуси, менинг эса унга унчалик хушим йўқ. Тасвирий санъат аёлларнинг қўлидан келмайди — уларнинг ҳаёли сочилиб юради, кўзлари ҳам синчков эмас. Шунга қарамай, мисс Фэрли унга меҳр қўйиб олган; мен эсам синглимнинг юзидан ўтолмай, барча инглиз аёлларидек сабр қилиб, вақтимни чизиш ва қоғоз исроф қилишга сарфлайман. Оқшом вақтларига келсак, сизни зериктириб қўймаймиз. Мисс Фэрли — гўр созанда. Биз фақир эсак ноталарни фарқига бормаимиз, лекин шахмат, теннис, карта ва ҳатто (мутлақо аёлларга хос бўлмаган) биллиардда ҳам сиз билан беллашишимиз мумкин. Мана шундай кун тартибига нима дейсиз? Биз одатланиб қолган осойишта ҳаётимизга кўника олармикинсиз? Ё қўнглингиз шўхлик тилаб Лиммериж хонадонидagi зерикарли муҳитда саргузашт қўмсаб зимдан жўнаб қолиш пайига тушиб қолармикинсиз?

У бегараз кинояларга тўла фикр ва мулоҳазаларини ўзига хос назокат билан изҳор қиларкан, мен энди сўзини бўлмасам ҳам, ўрни келганда илтерламаот юзидан қисқа-қисқа жавоб бериб турардим. Кутилмаганда, сўнгги савол — сўнгги иборадаги «сар-

гузашт» сўзи тасодифан оғзидан чиқди-ю, оқ кийинган аёл билан учрашганим ёдимга тушиб, жиннихонадан чиқиб кетган ўшаном-нишонсиз қочоқ билан Лиммериж хонадонининг собиқ бекаси — миссис Фэрли ўртасида қачонлардир содир бўлган (ўша аёлнинг ўз оғзидан эшитган маълумотларимга кўра) сирли жумбоқни ечиш пайига тушиб қолгандим.

— Агар дунёдаги энг тиниб-тинчимас кимса бўлганимда ҳам, — дедим унинг саволига жавобан. — яқиндагина бошимдан ўтган сирли саргузаштлардан кейин бундай ташналикка барҳам бериб, хавф-хатардан нарироқ юришни афзал билган бўлур эдим. Ўтган кеча бир воқеанинг гувоҳи бўлдим; ўша туфайли кечирган ҳаяжонларим, таажжубга тушганим, мисс Ҳалкомб, инонинг, ҳаётимнинг Кумберландда ўтиш муддати, эҳтимол, мўлжалдагисидан ҳам кўпроққа чўзилиши мумкин.

— Жуда бўрттириб юбордингиз, жаноб Ҳартрайт! Қандай саргузашт экан у, билсак бўладими?

— Билишингиз ҳам гапми, бундан ҳатто, огоҳ ҳам бўлишингиз керак. Саргузаштимнинг асосий қаҳрамони менга бутунлай бегона бўлиб, эҳтимол, сизга ҳам нотанишдир, лекин унинг сўнгги миссис Фэрлини сидқи дилдан эъзозлаб, чуқур эҳтиром билан эса олгани аниқ.

— Менинг онажонимни тилга олдим-я! Юрагимга ўт солиб кўйдингиз, яна нималар деди у? Гапиринг.

Оқ кийинган аёл билан учрашиш вазиятларини оқизмай-томизмай унга батафсил гапириб бердим. Миссис Фэрли билан Лиммериж ҳақида менга нимаики деган бўлса, ҳаммасини сўзма-сўз такрорладим.

Мисс Ҳалкомб ҳикоямнинг бошидан охиригача сўзларканман умидвор зийрак кўларини мендан узмади. Унинг чеҳрасида бунга қизиқиши ва ажабланишидан бошқа бирон бир аломат сезилмади ҳам. Демак, бу сирли жумбоқ ечими менга муаммо бўлганидек, уни очиш учун унда ҳам бирон-бир калитнинг йўқлиги яққол кўриниб турарди.

— Ўша сўзлар менинг онажонимга бегишланганига чиндан ҳам ишонасизми? — савол берди у.

— Бунга шак-шубҳам йўқ, — жавоб бердим. — У аёл ким бўлишидан қатъи назар, қачонлардир Лиммериж қишлоқ мактабида ўқиган, миссис Фэрли эса унга мурувват кўрсатиб, бошини силаган, ана ўша меҳр-мурувват учун миннатдорлигидан, онангизга бўлган ҳурмати туфайли мана шу хонадоннинг жамики барҳа-

ёт авлодларини эъзозлаб тилга олди. Миссис Фэрли билан унинг эрининг оламдан ўтганини ҳам билади; мисс Фэрли ҳақида ҳам гапирганди, улар гўё болалигида таниш бўлишган.

— Назаримда, ўша аёл бу ерлик эмаслигини айтгандай бўлдингиз-а?

— Ҳа, Хемпширдан келгандим, деганди.

— Исмини билиб олишнинг иложини қила олмабсиз-да.

— Мутлақо.

— Ажаб, ажаб. Менимча, жаноб Ҳартрайт, ўша бечорани эркинликда қолдириб, мутлақо адолатли йўл тугансиз. Ахир, у сизнинг олдингизда эркинлик қувончидан баҳраманд бўлишига монъелик қиладиган бирон-бир беодоблик қилиб қўйгани кўринмайди. Афсус, исмини билиб олиш учун астойдил ҳаракат қилмабсиз. Нима бўлса ҳам, бу сирли жумбоқни ечишимиз керак. Фақат жаноб Фэрли билан синглимга бу ҳақда ҳозирча оғиз очмай турганингиз маъқул. Уларнинг иккаласи ҳам худди мендек, бунга ишончим комил, ўша аёлнинг кимлиги-ю, оиламизга алоқадор ўтмишидан мутлақо беҳабар. Яна шуниси ҳам борки, иккаласиям бир-бирларидан фарқ қилганлари ҳолда ўтакетган тажанг ва нозик табиат; беихтиёр бирини безовта қилиб қўясиз, иккинчисини эса ташвишга соласиз. Мен бўлсам, охири нима бўларкин, деб ёниб турибман, мана шу дақиқаданоқ бутун кучимни мана шу жумбоқ ечимига бағишлайман. Онам иккинчи маротаба турмушга чиққандан кейин шу ерга келгач қишлоқ мактабини очгани аниқ, ўша мактаб ҳозир ҳам бор. Лекин у вақтлардаги ўқитувчилар ё оламдан ўтишган, ё аллақаяқларга жўнаб кетишган; мана шунинг учун ҳам бу томондан андай бўлса ҳам ёруғлик умид қилиб бўлмайди. Назаримда, бизга қўл келадиган бирдан-бир нажот — иккинчи йўл...

Шу пайт хизматкор кириб қолиб, суҳбатимиз узилди; у жаноб Фэрлининг нонуштадан кейиноқ мен билан учрашишга муштоқлиги ҳақидаги таклифномасини олиб келган экан.

— Залда кутиб турунг, — деди мисс Ҳалкомб хизматкорга ҳозиржавоблик билан мен учун жавоб бериб, — жаноб Ҳартрайт ҳозир чиқадилар.

Кейин яна менга мурожаат қилиб сўзида давом этди:

— Мен шуни айтиб қўймоқчиманки, синглим билан иккаламизнинг қўлимизда онам билан отамнинг бир-бирига ёзишган мактублари бор. Маълумот олишнинг бошқа иложи қолмагудек бўлса, эрталабки вақтимни онам билан жаноб Фэрлининг ўша ўзаро мактубларини кўздан кечиришга бағишлайман. Жаноб Фэрли

Лондонга меҳр қўйган бўлиб, тез-тез қишлоқ уйини ташлаб, ўша ерга кетиб қоларди; мана шундай пайтларда онам Лиммериждаги ишлар қандай кетётгани ҳақида ёзиб, уни ҳамма нарсадан хабардор қилиб туришга одатланганди. Мана шу мактубларда ўзи жон куйдириб ишлайдиган мактаб ҳақида ҳам анчагина иловалар бор; назаримда, сиз билан яна учрашгунимизча бирон янгилик топиб қўйишим турган гап. Кейинги нонушта муддатимиз, жаноб Ҳартрайт, соат иккида. Ўшангача синглимни сиз билан таништиришга мушарраф бўламан. Пешинда эса яқин атрофни томоша қилиб, сизни дилрабо жойларимиз билан таништирамиз. Шундай қилиб, иккигача, омон бўлинг.

У аёллар одоби зийнатларига риоя қилгани ҳолда сўзларига монанд дилрабо назокат ва самимий мулозамат билан менга таъзим қилиб, хонанинг пойгак томонидаги эшикдан чиқиб кетди. Шу ондаёқ мен ҳам залга ўтиб, жаноб Фэрли ҳузурида ҳозир бўлиш учун (биринчи маротаба) хизматкор кетидан эргашдим.

VI

Дастёр мени юқорига — ўтган оқшом ўзим тунаган меҳмонхона йўлагига бошлаб чиқди; унинг ёнгинасидаги эшикни очиб, унинг ичини назардан ўтказиб чиқишимни илтимос қилди.

— Соҳиби хона турар жойингизни кўрсатишимни, унинг жиҳозлари билан кунгайлиги сизга қанчалик маъқул бўлишини сўрашимни буюргандилар, сэр. — деди у.

Мана шундай серфайз хонани, унинг шинам жиҳозларини маъқул кўрмаслик учун, албатта, мен ўта кетган баттол бўлишим керак эди. Бу хонанинг ёйсимон деразасидан ҳам худди мен тунаган хона деразасидан кўзга ташланиб, мени ўзига маҳлиё этган эрталабки гўзал манзара кўзга яққол ташланарди. Унинг жиҳозлари — гўё санъат ва зийнат рамзлари; ўртадаги ёзув столи устидаги чиройли қилиб муқоваланган ранг-баранг китоблар, нозик дид билан ишланган ёзув-чизув асбоблари ва анвойи гуллар диққатни тортади; дераза ёнидаги иккинчи стол акварель расмлар тайёрлаш учун зарур жамики асбоб ускуналар билан тўла, унинг ёнига чоғроқ мольберт ўрнатилган бўлиб, исталганича баланд-паст қилиш мумкин; деворлар ранг-баранг йирик гулли матолар билан қопланган; хона сатҳига эса сариқ ва қизил ранг ҳинд бўйралари тўшалган. Бу умрим бино бўлиб кўрган энг анвойи безакли шинам меҳмонхона бўлиб, таажжубланганимдан ҳай-ҳайлаб юборганимни ҳам сезмай қолибман.

Дастёр адаб қоидаларини шунчалар сув қилиб ичиб юборган эканки, ўша вазиятда пинагини ҳам бузмади. Мен тафтишимни яқунлаб, анча ҳовуриمدан тушгач, у совуққонлик билан таъзим қилди-да, яна қайта йўлакка чиқишга ишора қилгандай чурқ этмай олдимдаги эшик табақасини очиб қўйди.

Биринчи йўлак муюлишдан ўтиб, узундан-узун иккинчи йўлакка чиқдик, унинг охиридаги қисқагина зинапоядан тушиб, доирасимон ишланган шинамгина баланд шифтли зални кесиб ўтдикда, устига юмшоқ мовут қопланган эшик олдида тўхтадик. Дастёр эшикни очиб, мени яна бир неча қадам иккинчиси томон олиб борди, уни ҳам очди. Олдимизда оч яшил ранг бир жуфт золворли ипак парда намоён бўлди; уларнинг битгасини оҳистагина очиб, мулойимлик билан «жаноб Ҳартрайт» дегандек бўлди ва мени ёлғиз қолдириб, ўзи чиқиб кетди.

Мен шифтлари беқиёс ўймакор нақшлар билан ишланган, оёқ ости эса қалин ва юмшоқ гилам тўшалган хийла улкан ва салобатли хонага кириб бордим. Хонанинг бир ёнини менга номаълум қора ёғочдан садафланиб ишланган китоб жовони эгалаган. Унинг бўйи, чамамда, олти футдан ошмас, устига бир текисда мрамбар бюстлар терилган. Жавоннинг рўпарасидаги девор олдида иккита қадимий уй жиҳози қўйилган. Ўшалар оралиғи бўйлаб деворнинг юқори ҳаддига чақалоқли Биби Марям тасвири солинган ойнаванд гардиш осилган. Тасвир остида зарҳал билан ўйиб ёзилган Рафаэль имзоси.

Остона олдида турарканман, ўнг ва сўл томонларимда устига Дрезден чинни қўғирчоқларию нодир вазалар терилган жавонлар, фил суягидан тарашланган орнаментлар, хилма-хил безак буюмлари ва бошқа ажойиботлар терилган in buhl and marquetteric курсичалари кўзга ташланарди. Мана шуларнинг ҳаммаси зар, кумуш, лаъл ва ёқутдек товланиб кўзни қамаштирарди. Хонанинг тўғрисидаги деразаларга ҳам эшик пардаларидек оч кўк рангли улуғвор пардалар тугилган бўлиб, ўшаларни кесиб ўтиб таралаётган шаффоф қуёш нурлари ҳам анвойи майин, оромбахш ва сирли туюларди; ёруғлик уй анжомларининг ҳаммасига бир хил соя ташлаб, хонада ҳукм сурган сукут ва узлат руҳига яна ҳам чуқурроқ маъно бахш этарди. Бир ёнидаги суянчиғига китоб токчаси ўрнатилган ва иккинчи ёнига эса курсича қўйилган дабдабали креслода дунё ташвишларидан узлатга чеккандек парвойи палак бир қиёфада орқасига ясланиб ўтирган соҳиби хонанинг ғарибона жуссаси гўё мана шу осуда муҳитга сингиб кетгандек кўринарди.

Агар кишининг ташқи қиёфасига қараб ёши белгилангудек бўлса (у қирқдан ошиб, ўзига оро бериб юрган пайтларда), жаноб Фэрли ёшини ўша мен учрашган пайтда ҳақли равишда эллиқдан ортиқроқ ёки олтмишдан камроқ мўлжалласа бўларди. Қиртишлаб қирилган юзлари озгин, ҳоргин ва заҳил кўринса ҳам, ажин босмаган; қилич бурун; дум-думалоқ кўзлари бўғиқроқ очкўк; киприк атрофлари қизгиш тортган; сочлари сийрак, юмшоқ ва шунчалар оч малларанг эдики, унинг оқ оралаганини ҳам ажратиш қийин эди. Эғнида нафис мовутдан тикилган қора фрак, охори кетмаган оппоқ нимча билан фанталон; аёлларникидек нозик оёқларида сарғимтир ипак пайпоқ билан бронза ранг чоғроқ хром шиппак. Оппоқ хушбичим қўлларига оро бериб турган бир жуфт шоҳона узук ҳатто мендек унинг қадридан беҳабар кимса назарида ҳам бебаҳо эди. Булар ҳам майлия, унинг юз қиёфаси, хомуш ва шунчалар мискин эдики, камдан-кам учрайдиган бундай хушрўйлик эркакларга хос эмас, ҳатто аёлларга ҳам жозиба бахш этмасди. Эрталаб мисс Ҳалкомбдан олган сабоқларим хонадоннинг ҳар бир аъзосига нисбатан дилимда маълум бир меҳр уйғотган бўлса ҳам, лекин жаноб Фэрлини биринчи кўришимдаёқ ундан ҳафсалам пир бўлди.

Унга яқинлашаётганимда, бурунроқ ўйлаганимдек, унинг бе-кор ўтирмаслигини сезиб қолдим. Ёнидаги кенг сатҳли думалоқ стол устига терилган ноёб ва нодир нарсалар орасида кумуш пайнакли шинамгина эбен қутича ҳам турар, унинг очилиб турган тўқранг духоба ҳошияли тортмачалари эса хилма-хил шаклдаги катта-кичик қадимий тангалар билан лиқ тўла эди. Тортмачалардан бири унинг креслосига ўрнатилган тоқчага олиб қўйилган, унинг ёнида эса бир неча майда мўйқаламчалар, намлама лўлача ва бир флакон суюқлик бўлиб, уларнинг ҳаммаси тангаларда ҳосил бўладиган ва сезиб қолиниши эҳтимолдан холи бўлмаган тасодифий нуқсонларни кетказиш учун қўлланишда ўз навбатларини кутарди. Фэрли жаноблари креслоси олдига анчагина етмасданоқ таъзим бажо келтириш учун тўхтаганимда унинг нозик панжалари (назаримда, у бундай ишлардан беҳабар кўринди) чеккалари нураб кетган қандайдир бир чирк босган қалай медалга ўхшаш нарсани эрмак қилиб турарди.

— Лиммерижга қадам ранжида қилганларидан бағоят хурсандмиз, жаноб Ҳартрайт. — деди у минғирлаганича инжиқлик билан; қисқаси унинг ўша эшитилар-эшитилмас унида пиндорлигию, юзаки муомала пардаси яққол сезилиб турарди. — Қани,

ўтирсинлар. Фақат биргина илтимос — курсини жойидан қўзгатмасалар. Асабимизнинг нечоғлик заифлиги туфайли андак бежо ҳаракат ҳам каминаларига чексиз мусибат. Студияларини кўрдиларми? Ўзларига манзур бўлдимми?

— Ўша хонани ҳозиргина кўриб келдим, жаноб Фэрли; ўзларига чин кўнгилдан маълум қиламанким...

У кўзларини юмиб, оппоқ кўлларида бирини илтижонамо кўтарганича сўзимни бўлди. Мени ҳайрат босиб, нафасим ичимга тушиб кетди. У инжиқлик билан менга шундай илова қилди:

— Каминаларини афу этгайлар. Овозларини бир парда пастроқ тушириш иложи бўлармикин? Асабимизнинг нечоғлик заифлиги андак ортиқча товуш ҳам каминаларига чексиз мусибат. Биз нотавонни афу этишларидан умидвормиз-а? Аянчли аҳволимиз устида ҳар бир кимсага нолиганимиздек, бундан ўзларини ҳам огоҳ қилиб қўйишга тўғри келади. Шундай. Студия ҳақиқатан ҳам ўзларига маъқул бўлдимми?

— Бундан ҳам шинамроқ, бундан ҳам беками-кўстроқ хонани тасаввур қила олишим ҳам қийин — жавоб бердим овозимни сал пасайтириб, айни вақтда жаноб Фэрлининг инжиқлиги билан носоғлом асаблари орасида ҳеч қандай фарқ йўқлигини ҳам пайқай бошладим.

— Бағоят хурсандмиз. Бу ерда кўнгиллари тилаганидек қадр топгайлар, жаноб Ҳартрайт. Хонадонимиздаги ҳеч бир кимса рассомларнинг ижтимоий ҳаётда тутган иззат-эҳтиромларига инглиз жоҳилларидек бемаъни муносабатда бўлмаслиги аниқ. Каминалари илк ҳаётдан анчагинаси чет элларда ўтгани сабабли бу борадаги бидъатпаноҳликни тарк этганлар. Киборларнинг барчаси ҳам жоҳил демоқчи бўламану (қандай бемаъни сўз), аммо кўшни киборларни шундай деб қўя қолганим маъқулроқ кўринади. Санъат бобида улар баттол готларнинг айнан ўзи, жаноб Ҳартрайт. Ишонаверинг, агар Карл бешинчининг Тицианга мўйқалам тутаётганини кўриб қолишгудек бўлсалар, оғзи очилиб, анграйиб қолишлари турган гап. Мана бу тангали тортмачани қайта жойига қўйиб, бошқасини олиб берсангиз. Асабимизнинг нечоғлик заифлиги андак ҳаракатни ҳам кўтара олмай қолган — жонимизни қўйишга жой топа олмай қоламиз. Шундай. Ташаккур.

Ҳозиргина ижтимоий тенглик масаласида намойишкорона лоф уриб турган жаноб Фэрлининг тап тортмай менга иш буюриши анча эриш туюлди. Иложим борича эҳтиром билан тортмачани жойига қўйиб, иккинчисини олиб бердим. У энди тангаларнинг

бу тўпини тимирскилаб, мўйқаламларни ишга солди, уларга маъюс термуларкан, улардан меҳр уза олмаётгани яққол кўриниб турар, айни вақтда мен билан ҳам суҳбатини давом эттирар эди.

— Чексиз миннатдормиз, чексиз афу этгайлар. Ўзлари қадим тангалар шинавандаси эмасмилар? Офарин. Ғоят хушнуд этдилар, санъат бобидаги дидимиздан ташқари мана яна бошқа дидимиз ҳам тўғри келиб қолди. Энди орамиздаги пул битимига ўтсак, айтаверсинлар, ўша кўрсатилган шартларга розимилар?

— Розиман, албатта, жаноб Фэрли.

— Бизни хушнуд этдилар. Яна нима қолди энди? Ҳа! Эсладим! Ўзларининг бу ердаги осойишталик топиш масаласи; ахир, санъатдаги маҳоратларини бизга бажонидил инъом этишга розилик бердилар-ку, шу ҳафта охирида хўжалик нозиримиз ўзларига учраб, ниятларидан бохабар бўладилар. Энди, яна нима қолди? Қизиқ, буни қаранг-а? Айтадиган гапларимиз уюлиб ётувди, ҳаёлимиздан бутунлай кўтарилгандай кўринади. Кўнғироқ ипини тортиб юбора олмайдиларми? Анави бурчақда. Ўша. Ташаккур.

Кўнғироқ ипини тортдим, нотаниш дастёр кириб келди. Ўзи хорижий, юзида табассум, сочлари силлиқ таралган, хуллас, тишидан-тирноғигача валетнинг ўзгинаси.

— Луис, — деди жаноб Фэрли хаёл оғушида мўйқаламчалардан бири билан бармоқ учларини тозалаб — бугун эрталаб ҳисобкитоб дафтаримга нималарнидир ёзиб қўйгандим. Ўша дафтарни топинг. Беҳад узр, жаноб Ҳартрайт, жонларига тегмадикми?

Жавоб бериб улгурмасимданоқ у ҳорғин кўзларини яна юмиб олди, мен эсам, ҳақиқатан, у жонимга теккан бўлса ҳам, миқ этмай Рафаэлнинг чақалоқли Биби Марямига қараб ўтиравердим. Шу вақт ичи валет хонадан чиқиб, дарров садафранг муқовали дафтар кўтариб қайтиб келди. Жаноб Фэрли енгилгина сесканиб ўзига келди-да, бир қўли билан дафтарни очиқ тутганича валетга навбатдаги буйруқни кутишга ишора қилгандек иккинчи қўлидаги мўйқаламчани юқори кўтарди.

— Ҳа, худди шундай! — деди жаноб Фэрли жадвалларга кўз югуртириб, — Луис, анави жилдни пастга туширинг. — У гапира туриб дераза ёнидаги маҳагон¹ токчаларда турган жилдларга ишора қилди. — Йўқ. Яшил ранглигини эмас, унда Рембрантдан гравюраларим бор, жаноб Ҳартрайт. Гравюралар ёққадими сизга? Ҳа дегандек бўлдиларми? Яна битта эрмагимиз тўғри келиб қолганидан беҳад хурсан-

¹ маҳагон — болтанинг бир тури

дман. Қизил рангли жилд, Луис. Тушириб юборманг уни! Мабодо Луис жилдларни тушириб юборгудек бўлса, жаноб Ҳартрайт, қанчалар азоб чекишмни кўз олдингизга келтира олмайсиз. У курсидан тушиб кетмасмикин? Ўзлари ҳам тушиб кетмайди, деган фикрда-милар, жаноб Ҳартрайт? Шундайми? Кўнглим энди таскин топди. Тушиб кетмаслигига шубҳа қилмасалар ўша расмларни кўздан кечириб берсалар. Луис, йўқолинг бу ердан! Қанақа молсиз. Ҳисобкитоб дафтарини ушлаб турганимни кўрмаяпсизми? Уни салмоқлаб туришга кўзим учаяпти, деб ўйлайсизми? Уни айттирмасдан қўлимдан олақолсангиз бўлмайдими? Бизни афу этгайлар, жаноб Ҳартрайт. Дастёрларимнинг ҳаммаси ҳам мана шунақа мол, шундай эмасми? Айтсинлар, бу расмлар бўйича қандай фикрдалар? Уларни шунақа дабдала холида сотиб олганмиз, кейинроқ кўздан ўтказганимизда, назаримда, улардан юлғич чайқовчилару дўкондорларнинг иси келиб тургандай туюлган. Уларни ўз масъулиятларига олиб, эпақага келтириб бера олмайдиларми?

Менинг асабларим, думоғига урилиб қолса, озор берадиган плебейлар қўл ҳидини сезадиган жаноби Фэрлиникидек нозик бўлмаса ҳам, расмларни варақларканман, бу расмларнинг қадрига етгудек тажрибаю малакам бор эди. Уларнинг аксарияти, ҳақиқатан ҳам, инглиз акварель санъати намуналари бўлиб, уларнинг қўлига тушганига қадар илгариги мутасаддилари қўлида дурустроқ муолажа қилинишга арзигулик эди.

— Бу расмлар — жавоб бердим. — ниҳоятда эҳтиётлик билан таранглаш ва гардишлаш талаб бўлиб қолибди. Назаримда, анча нодир кўринади.

— Узр, — сўзимни бўлди жаноб Фэрли, — гапираётганларида кўзимизни юмиб турсак, хафа бўлмайдиларми? Мана шу гира-шира ёруғлик ҳам кўзимизни қамаштириб турибди. Йўқ демайдиларми?

— Нодир расмлар ҳар вақт эҳтиёткорлик ташвишларини...

Жаноб Фэрли бирдан кўзларини чақчайтириб очдию, норози бўлгандек ҳаракат билан дераза томон ўгирилиб олди.

— Ўтиниб узр сўраймиз, жаноб Ҳартрайт, — минғирлади у ҳаяжонланиб. — Боғдан, боғимиздан, пастдан болаларнинг шовқини эшитилгандай бўлдимиз?

— Йўге, жаноб Фэрли, ҳеч қандай шарпа қулоғимга чалинмади.

— Марҳаматларини аямасалар, ожиз асабларимизнинг қадрига етадиган фақат ўзлари, марҳаматингизни аямай, шабпардалар бурчагини сал кўтариброқ қўйсалар. Қуёш таптида қол-

майлик тагин, жаноб Ҳартрайт! Пардани кўтардиларми? Ҳа, дедиларми? Ундай бўлса, айбга буюрмай боққа ҳам қараворсарлар, ҳеч ким йўқмикин?

Унинг бу илтимосини ҳам ўрнига қўйдим. Бутун боғ атрофи девор билан тақа-тақ ўралганди. Бу муқаддас овлоқ гўшанинг бирон бир ерида каттами-кичикми инсон зоти кўринмасди. Мана шу қувончли ҳақиқатдан жаноб Фэрлини огоҳлантирдим.

— Беҳад ташаккур, менга шундай туюлган бўлса керак. Тангрига шукурки, бу хонадонда бола зоти йўқ, аммо дастёрлар (дунёга беасаб келадиган ўша башаралар) қишлоқ болаларини талтайтириб юборишган. Бола эмас, бир бало; ё парвардигоримей, балонинг ўзгинаси! Тўгрисини айтсак, жаноб Ҳартрайт, қани энди болалар турку-тароватини ўзгартиришнинг иложи бўлса. Назаримда, табиат кўзлаган бирдан бир мақсад уларни узлуксиз шовқин чиқарувчи асбоб қилиб яратиш бўлса керак. Дилларга қувонч бағишловчи Рафаэлнинг бола ҳақидаги тасавури нечоғлик юксак-а.

У Биби Марям расмига ишора қилди. Расмининг юқори қисмида Италия санъатига мансуб парилар нигоҳи сарғиш булут моқиқларига кўндирилганича илоҳий руҳда тасвирланганди.

— Мана оила намунаси! — деди жаноб Фэрли гезариб париларга кўз қирини ташларкан, — Қанчалар дилрабо қанотлар, бошқа ҳеч вақоси йўқ. У ёқдан-бу ёққа диккиллайдиган чиркин оёқларию қулоқни батанг қиладиган ҳиқилдоқчалари ҳам йўқ. Ҳақиқий турку-тароватлардан беқиёс устунлиги шубҳасиз! Ижозат этсалар, яна кўзларимни юмсам. Ўзлари ҳақиқатан ҳам расмларни эпақага келтирмоқчиларми? Гоят хурсандмиз. Ҳал қилинадиган яна нима қолдйкин? Бўлганида ҳам, ҳозир бутунлай ёдимдан кўтарилганга ўхшайди. Луисни чақирсакмикин-а?

Айни вақтда жаноб Фэрли суҳбатимизни ниҳоясига етказиб қўя қолишга ошиққаётганидек (бу ўз-ўзидан аён бўлиб турарди), мен ҳам шу фурсатни сабрсизлик билан кутаётганимдан беихтиёж чақириладиган дастёр баҳридан ўтиб, унинг ишини ўз зиммамга олиб қўя қолишни хаёлимдан ўтказиб, ўз масъулиятимга тааллуқли долзарб таклифни ўртага ташлаб қўя қолдим...

— Келишиб олинадиган асосий масала, жаноб Фэрли, — дедим. — Назаримда, ўртамиздаги битимга кўра икки ёш қизни эскиз чизишга ўргатиш вазифалари бўлса керак

— Ҳа, ҳа! Худди шундайку-я, — деди жаноб Фэрли. — битимнинг бу томонига ўтишга холимиз келмаса керак. Буюғини, жаноб Ҳартрайт, ўзларининг холис хизматларидан баҳраманд бўлгувчи

қизларнинг ўзлари ҳал қилишсин, билганини қилишсин. Жияни-миз ўзларининг мафтункор санъатларига бениҳоя қизиқади. Ўша санъатда ўзлари йўл қўйган нуқсонларни ҳам сезиш даражасида тушунади. Илтимосимиз шуки, қўлларидан келганича уларга кўмаклашсалар. Гап шу. Яна нима қолди? Ҳаммаси ҳал бўлди. Бир-бировимизни яхши тушунган бўлсак керак, шундай эмасми? Энди ўзларини кўнгиллари хуш кўрган машгулотларидан ортиқча кечиктиришга ҳаддимиз сифмас, шундай эмасми? Ҳаммаси ҳал бўлиб, кўнгили ҳам енгил тортди. Айбга буюрмасалар, кўнгириқни чалиб Луисни чақирсалар, жилдни хоналарига олиб бориб берар.

— Уни, жаноб Фэрли, ижозат берсалар, ўзим ҳам олиб кета-вераман.

— Ҳақиқатан ҳам шундай қила оладиларми? Шунга қувватлари келадими? Абжирларга ҳавас қилсанг арзийди! Уни тушириб юбормасмиканлар? Ўзларининг шу хонадонда қарор топганларидан гоят хурсандимиз, жаноб Ҳартрайт. Каминалари шунчалар жафокашларки, ўзларининг суҳбатларидан тез-тез баҳраманд бўлиб туришга ҳам умид боғлай олмайдилар. Чиқишларида эшикни қарсиллатиб ёпмасликлари ва йўлда жилдни тушириб юбормасликлари билан ўзлари бизга ҳамдард бўладиларда-а? Ташаккур. Фақат бир илтимос, пардаларга ҳам эҳтиёт бўлсалар, шулардан чиққан қиттай товуш ҳам юрагимизга пичоқдек ботади. Шундай. Омон бўлсинлар.

Оч яшил пардалар қайта ўрнига тушиб, иккала қоплама эшик ҳам орқамдан ёпилгач доиранамо ҳолда бир лаҳза тўхтаб, чуқур тин олдим у анча енгил тортдим. Жаноб Фэрли ҳузуридан ташқарига чиқишим гўё сув қаърига шўнғиб, кейин унинг юзига чиқиш билан баробар эди.

Эрталабданоқ иш бошлаш учун ҳамма имкониятлар муҳайё қилинганди. Студиямга қайтиб келишим билан дастлаб шу қарорга келдимки, бу бино соҳиби эгалаган томонларига умуман қадам босмаслигим керак; албатта, махсус таклиф билан яна унинг ҳузурини ҳозир бўлиш шарафига муяссар бўлиш ҳоллари бундан мустасно. Жаноби Фэрли билан бўладиган келажак муносабатларимни кўнглимдагидек режалагач, унинг манманлик такаллуфи-ю, сурбетларча қилган мўлтонилигидан бузилган кайфиятим ҳам ўрнига тушди. Кейинги соатлар расмларни кўздан кечириш, тартибга солиш, титилган чеккаларини ростлаш, уларни гардиш-лаш учун зарурий тайёргарликлар билан анча мароқли ўтди. Бундан унумлироқ иш қилишим ҳам эҳтимолдан холи эмас эди-ю,

лекин тушлик вақти яқинлашган сайин юрагим негадир тақапука бўлиб, безовталана бошлагандим; бу ишлар шунчаки қўл учуда қилиб қўйиладиган бекорчилик эрмаги бўлишига қарамай, хаёлим сочилиб, ишим юришмасди.

Соат иккида яна тамаддихонага тушдим, юрагим негадир ўша томон талпинарди. Бинонинг мана шу қисмига яна қайта кириш фурсатини сабрсизлик билан кутардим, умидларим рўёбга чиқиши керак эди. Мисс Фэрли билан танишардим; мисс Ҳалкомб эса онасининг мактубларини қараб чиқиб, маълум масалада бирор натижага эришган бўлса, оқ кийимли аёл сирларининг ошкора бўлиш фурсати ҳам келиб қолганди.

VII

Тамаддихонага кирганимда мисс Ҳалкомб билан ёши улғуроқ бир аёл таом пештахтаси ёнида ўтиришарди. Мени ўша қарияга таништиришидан маълум бўлишича, у нонушта пайтидаги ҳамсухбатим таърифича «жамки саховат асосларини ўзида мужасамлаштирган», аини вақтда «ҳисобга олинмаса ҳам бўладиган», мисс Фэрлининг собиқ энагаси миссис Вэзи экан. Агар таъбир жоиз бўлиб, мисс Ҳалкомбнинг мана шу нуроний аёл шаънига айтилган ҳаққоний таърифларига мен ҳам икки оғиз қўшимча қиладиган бўлсам, миссис Вэзи инсон мўминлигию аёллар нафосатининг ёрқин тимсоли экан. Унинг ёқимтой, лўппигина юзларидаги мулойим табассумида осойишта ҳаётидан нечоғлик мамнунлиги кўриниб турарди. Биров умр бўйи жавлон ураркан, биров умр бўйи судралиб юраркан. Миссис Вэзи эса ўз умрини ўтириб ўтказибди: эртадан кечгача уйда ўтирибди; боғда ўтирибди; йўлақлардаги тасодикий деразаларда ўтирибди; дугоналари у ёқбу ёқни айлантиргани олиб чиқишганларида (йиғма курсида) ўтирибди; Бирон бир нарсага қараб ўтирибди; бирор воқеани ҳикоя қилиб беришганларида ўтирибди; шунчаки саволларга «ҳа» ёки «йўқ» жавобини беришга тўғри келган пайтларда ўтирибди; ҳамма вақт лабларида мана шундай беозор табассум билан термулиб ўтирибди; қўлларини ўзига эп кўрганича қовуштириб ўтирибди; хонадонда бўлиб турадиган ҳар қандай вазиятда ўзини мана шундай тутибди. Ювош-мўмин, диловор, бениҳоя мулойим ва беозор кампир, дунёга келган дақиқадан бери «мен ҳам одамман-ку» деганини ҳеч ким эшитмаган ҳам бўлса керак. Бу дунёда табиатнинг қиладиган ишлари тўлиб тошиб ётибди: у бир вақтнинг ўзида қанчадан-қанча тирик мавжудотларни яратиш билан овора, аини

вақтда содир бўладиган беҳисоб қудрат мўъжизаларини гоҳо бири-биридан фарқлашга улгурмай шошиб қолса ҳам керак. Мана шу томонини ўйлаб, мен ҳар вақт шу нарсага иқрор бўлиб қоламан: миссис Вэзи дунёга келаётганида табиат қарам яратишга мукка-сидан кетиб, бу латофатлик аёл ҳаммамизни яратган ўша парвардигорнинг зироат яратиш қудрати билан оворалиги қурбони бўлиб қолган.

— Шундай қилиб, миссис Вэзи, — мурожаат қилди мисс Ҳалкомб чехраси анча очилиб, овози ҳам андак жонлангандай бўлиб. Унинг кайфияти мана шу хокисор кампирга нисбатан ширин муомаласида яна ҳам яққолроқ кўринарди. — Кўнглингиз нима тилайди? Котлетми?

Миссис Вэзи кулдиригичли қўлларини пештахта чеккасига устма-уст қўйиб, хиёл жилмайганича жавоб берди:

— Майли, азизам.

— Жаноб Ҳартрайт олдиларидаги нима? Товуқ гўшти, шундай эмасми? Менимча, сиз котлетдан кўра товуқ гўштини кўпроқ хуш кўрасиз-а, миссис Вэзи?

Миссис Вэзи қўлларини пештахта четидан олиб, қучоғи устида қовушгирди; товуқ гўштига зеҳн солиб бош ирғаганича:

— Майли, азизам, — деди.

— Очигини айтинг, бугун нима егингиз келяпти? Жаноб Ҳартрайт товуқдан берсинларми? Ё мен котлет берайми?

Миссис Вэзи бир қўлини яна пештахта чеккасига қўйди; хиёл иккиланиб жавоб берди:

— Ихтиёр ўзингизда, азизам.

— Вой худойим-ей! Сизнинг кўнглингиз нима тусаётганини сўраяпман, мўминтой хоним, менинг кўнглимни қўяверинг. Эҳтимол иккаласидан ҳам оз-оздан ерсиз? Ё товуқдан бошлайсизми, жаноб Ҳартрайтнинг ўзлари ҳам, назаримда, сизга товуқ гўшtidан илиниб турибдилар.

Миссис Вэзи иккинчи қўлини ҳам пештахта чеккасига чиқарди; чехраси хиёл очилгандек бўлди-ю, яна сумсайиб қолди; сўнг итоаткорона эгилиб:

— Илтерламаотларини аямасалар, сэр, — деди.

Ҳақиқатан ҳам ювош-мўмин, кўнгилчан бениҳоя диловор ва беозор кампир! Ҳозирча миссис Вэзи таърифини яқунласак ҳам бўлар.

Мана шу вақт ичи мисс Фэрлидан дарак бўлмади. Биз иккинчи нонушталикни танаввул қилиб бўлибмиз ҳамки, у ҳамон кел-

масди. Мисс Ҳалкомбнинг зийрак кўзларидан ҳеч нарса четда қолмасди, у вақти-вақти билан зимдан эшик томон кўз қирини ташлаб турганимни ҳам сезибди.

— Сизни тушуниб турибман, жаноб Ҳартрайт, — деди у. — Иккинчи шогирдимга нима бўлдийкин, деб ҳайрон бўляпсиз. Мисс Фэрли пастга тушганди, бош оғриги ҳам ўтиб кетди; фақат иштаҳаси бўлмаганидан биз билан биргаликда овқатланишга ўтирмади. Бўёғини сиз менга қўяверинг, уни боғдан топамиз, деган умиддаман.

Мисс Ҳалкомб ёнидаги креслода турган шамсияни олиб, хонанинг тўғрисидаги салабатли ойнаванд эшиқдан ташқари чиқди. У томонда ўтлоқ майдон кўзга ташланарди. Фурсати келганда, шуни айтиб қўйиш лозимки, биз чиқиб кетаётганимизда миссис Вэзи кулдиргичли қўлларини ҳамон пештахта чеккасига қўйганича ўтирарди, шу ҳолда кунни кеч қилса ҳам керак, деб хаёлимдан ўтди.

Ўтлоқ майдон ортда қолгач, мисс Ҳалкомб менга маъноли назар ташлаб бош чайқади.

— Ўша сирли саргузаштингиз — деди у. — ҳамон тун зулмати билан ниқобланиб турибди. Эрталабдан бери онамнинг хатлари билан овораман, қани энди бир ёруғлик чиқса. Шундай бўлса ҳам, умидингизни узмай туринг, жаноб Ҳартрайт. Бунинг тагига етиш керак; иттерламаоқдошингиз аёл киши-я! Шундай бўлгач, эртами-кечми масаланинг ечилиши аниқ. Хатларнинг ҳаммаси ҳам қўлимдан ўтганича йўқ. Яна уч боғлами бор, сиз менга мутлақо ишонаверинг — кечки вақтимни ўшаларга бағишлайман.

Мана, бугун яна бита умидимиз пучга чиқибди. Энди кейингисини ҳам ўйлаб қолдим — наҳотки мисс Фэрли билан учрашувим нонуштадан буён ўзимча бичиб-тўқиб қўйган хаёлларимни елга совурса!

— Жаноб Фэрли сизга маъзур бўлдиларми? — ўтлоқдан анча узоқлашиб, хиёбонга чиққач, мисс Ҳалкомб суриштириб қолди. — Эрталабдан асаблари ўйнаб турганмиди? Жавоб беришга уринмай қўя қолинг, жаноб Ҳартрайт. Нима дейишни билмай ўйлаб қолишингизнинг ўзи менга кифоя. Асаблари жойида эмаслигини юзингиздан ҳам кўриб турибман; сизни галати ҳолга солиб қўйишга кўнглим бормади, бу ҳақдаги саволга чек қўяман.

У сўзида давом этаркан, айланма сўқмоққа чиқдик, ундан серфайз швед равоғи услубида синч девор қилиб қурилган ёзги бинога яқинлашдик. Эшик зинасидан кўтарилиб, бино хоналаридан бирига кирганимизда дуркунгина бир қиз дағалроқ стол

ёнида туриб дарахтлар орасидаги бўшлиқдан кўзга ташланаётган арчагул босиб кетган заҳҳок ерлар билан қир манзараларига термилганича қўлидаги альбомни фаромуш varaқлаб турарди. Мана шу қиз мисс Фэрли экан.

Уни қандай тасвирласам экан? Ўзимни илк таассуротларим билан кейинча содир бўлган жамики воқеаларга бевосита тавсифлашнинг иложи бўлармикин? У билан энди мана шу саҳифалар орқалигина танишувчиларга ўша сиймони яққол кўрсатиш уни яна биринчи дафъа кўрганимдагидек тасаввур қила олармиканман?

Лаура Фэрлининг кейинча ўша илк бор учрашув таассуротидаги айни қиёфаси тасвирланган акварел портрети иш столим устида туради. Унга назар ташлайман: қаҳвойи сабзаранг ёзги бино олдида соддагина кийинган дуркун ёшлик сиймоси рўйирост гавдаланиб туради. Эгнида оқ ва ҳаворанг йўлли одийгина малмал кўйлак. Шу матонинг ўзидан бичилган шарф елкаларини силаб-сийпалагандай учиб туради; бошидаги либосига монанд одми лента билан ҳошияланган оч сариқ ранг, ихчам тўқима шляпаси қошкўзларига ҳарир соя ташлаган. Сочлари оч хурморангга мойил, ҳурпаймаган, лекин ҳавойи; зарҳал бўлмаса ҳам, зарварақдай товланиб, шляпа соясининг у ер-бу ерига сингиб кетаётгандай туюлади. Фарқи ўртадан очилган сочлари орқага таралган, пешонаси-ю икки чаккасида гажаклар кўзга ташланади. Қошлари сочидан тўқроқ. Шоирлар мадҳиясидан тушмайдиган лаълидай мовий хумор кўзлари ҳаётда камдан-кам учрайди. Нечоғлик дилрабо кўзлари — нозик, шаҳло, хумор ва хиёл ҳаёлчан; лекин ҳаммасидан ҳам жозибаддорроқлиги ўша кўзларда Тангри яратган нозик вужуд қалбидаги поклик инъикоси бўлмиш — самимийлик порлаб турарди. Мана шу эзгу назокат ҳуснига ҳусн қўшиб, унинг чиройи олдида инсон зотига хос баъзи бир табиий қусурларни кўз илғамас, чунончи, юз туби — ияги юқорисига нисбатан андак чўзиқроқ, бурун миёнаси эгилмаган бўлса ҳам (аёл зоти ҳар қанча баркамол бўлмасин, золим ва бағритош қилиб кўрсатади), лекин салгина ботинқироқ, рисоладагидек тўғри қирралик етишмасди; ёқимтой нафис лаблари хиёл қимтиниб турар, жилмайган пайтларида икки ёни салгина кўтарилиб, бир юзи томон сезилар-сезилмас мойиллашарди. Мана шу арзимас ноқислик бошқа бирон бир аёл юзиди сезилиб қолиши эҳтимолдан холи бўлмагани ҳолда бу қиз сиймосида мутлақо кўзга чалинмас, унинг ёлғиз ўзигагина хос чеҳрасига сингишиб кетган, ўйнаб турган оху кўзлари жозибаси олдида айни муддаодагидек туюларди.

Бениҳоя бахтиёр кунларимда овунчоқ бўлиб қунт билан чизилган унинг шунчаки сиймоси ўша юз ифодаларини бера олармикин? Эвоҳ, бу жонсиз тасвир уларни равшан кўрсатишга ожиз, қани энди у менинг хаёлимдаги сиймоси намоиши эта олса! Альбом варақлаш билан овора бўлиб турган ўша содда дил, беозор хилқатнинг жовдираган мовий кўзлари кўркам шаффоф либосдаги оқбадан, хушбичим бир қиз сиймосида акс этганмикин? Хаёлимни бутунлай чулғаб олган ўша дилраболиклари сўз ифодасида ҳам, эҳтимол, мана шулардир. Гўзаллик ҳақидаги гирашира тушунчамизга илк бор зиё сочиб уни уйғотган, аниқ бир шаклу-шамойил касб этган, унинг ўзи кўз ўнгимизда ҳозир бўлгунигача хаёлимизга ҳам келмаган. Мана шу аёл пок қалбимизнинг интиқ ерларига малҳам бўлади. Бундай пайтларда хаёлот учун дил ожиз, ифода учун эса тил забун, баркамол ҳусн олдида тасаввуримиздаги ҳар қандай дилрабоингиз ҳам кўзга кўринмай қолади. Аёлларнинг лагофат сири шундаки, у қалбимизнинг энг нозик жойларига хуфиёна йўл топгандагина унга иқрор бўлиб, лол қоламиз, таъриф ва тавсифлар чегарасидан чиқамиз. Мана шунда, фақат шундагина гўзаллик ёруғ дунёда барқ уриб, уни таърифлашга дават-қалам ҳам ожизлик қилиб қолади.

Таърифимиздаги ўша қизни хаёлингизга келтирар экансиз, бошқаларига миқ этмаган юрагингизни така-пука қилган дастлабки санамингизни эслаб қўйинг. Ана ўша мўмин, дилрабо мовий кўзларга менинг кўзим билан қаранг. У дамлар ҳали-ҳануз сизларнинг ҳам, менинг ҳам ёдимда. Санамингизнинг майин овози қачонлардир орзиқиб қутган дақиқаларингизни эслатиб, менга ҳам эшитилган, дилрабо мусиқадек туюлаверсин. Ўшаларнинг шу китоб саҳифаларига кириб келиши ё чиқиб кетишлари кўзларингиз нигорон бўлиб термилган саллона-саллона қадамларни эслатсин. Уни ушалган орзуингиз деб фараз қилинг, шундагина у менинг кўз ўнгимдаги нозаниндек, қаршингизда рўйирост намоён бўлади.

Унга дастлаб кўзим тушганида довдиратиб қўйган ўша ҳаммамизга ҳам маълум ҳис-туйғулар ва ҳаммамизнинг ҳам дилимизни жунбушга келтириб қўядиган, аксарияти сўниб кетса ҳам, дилдан нари кетмай қоладиган биттасига нисбатан ҳис-туйғу менинг ҳам тинчимни олиб юрагимга гулгула соларди. Шунга қарамай, негадир қўнглим мойиллик бермас, Мисс Фэрли ҳузурда ортиқчадек туюларди. Унинг тиниқ ҳусни-жамоли, дилрабо назоқати, хатти-ҳаракатларида кўриниб турган камтарлик ва андиша жозибаларидан каловланиб қолсам ҳам, қўнглимнинг қаерида-

дир гира-шира ҳижиллик сезардим — нимадир етишмаётганга ўхшарди. Мана шу ноқисликни гоҳ унга, гоҳ ўзимга йўйиб — унинг ҳақиқий сиймоси таассуротига ҳалал бераётган ҳам шумикин, деб гумон қилардим. Қиз менга нигоҳ ташлаган пайтлар ўша гумон анча зиёдалашиб, аниқ бир тус оларди; бошқача айтганда, унинг ҳусни-тароватига иқрор бўла борсам ҳам, аини вақтда баркамол эмасдек ҳис қилиб афсуслардим, лекин бунинг замирига ета олмасдим. Нимадир етишмасди, ўша нима, қаерида нима етишмайди, ақлим бовар қилмасди.

Хаёлимнинг ажабтовур инжиқлиги (кейинча бу ҳақда ўйлаб кўрсам) мисс Фэрли билан ўша дастлабки учрашувимизда мени мушкул аҳволга солиб қўйган экан.

Хаёлотга берилиб, мисс Ҳалкомбнинг уч-тўрт оғиз мулозиматли саломига одатдаги жавоб иборалари билан алиқ олишни ҳам унутибман. Меърайиб қолганимни сезиб, у ўзича, уни сир босаётгандир, деган хаёлда одатдаги уддабуронлигу ҳозиржавоблиги билан гап бошлаган.

— Мана бунга бир қараб қўйинг, жаноб Ҳартрайт, — деган у ўшанда стол устидаги альбом билан нозиккина, ёқимтой кўлни кўрсатиб. — Шу хонадонга ташриф буюришингиз қулоғига чалиниши дақиқасиданоқ бебаҳо альбомига ёпишиб қолди, мана энди табиат мўъжизаларига термулиб, таълим олишга мунтазир турибдилар.

Мисс Фэрли кинояли хандон ташлади, гўё қуёш ёғдулари ҳамма ёқни мунаввар қилиб юборгандек бўлди.

— Жуда бўрттириб юбордингиз-да. Бунақа мулозиматга лойиқ иш қилганимизча йўқ ҳали, — деди у самимий мовий кўзларини гоҳ мисс Ҳалкомбга, гоҳ менга жавдиратиб. — Ўзим расм шайдосиману; укувга қолганда саводсизлигимга барҳам бериш учун таълим олишга ошиқишдан кўра кўпроқ чўчиб турибман. Сиз шу ерга қадам қўйганингиздан бери, жаноб Ҳартрайт, эскизларимни кўздан ўтказиб турибман, қизалоқлик пайтларимда ҳам гап эшитиб хижолат бўлишдан хавфсираб дарсларимга эҳтиёт бўлиб юардим.

У кўнглидагини самимий ва соддагина изҳор қилиб стол устидаги альбомни болаларча кулгили эҳтирос билан ўз томонига суриб олди. Ўртадаги андак хижолатпазлик вазиятига мисс Ҳалкомб шу ондаёқ чек қўйиб:

— Яхшими, ёмонми ёки ўртамиёнами — деди у қатъи. — шоғирдининг эскизлари устанинг адолатли ҳукмига ҳавола қилиниши, унинг назаридан ўтиши керак. Гапнинг қисқаси шу. Альбомни кабга олиб олсак нима дейсиз, Лаура? Бир маромда лўм-

лўм кетаётганимизда ёки андак сукут пайтларида жаноб Ҳарт-
райт фурсатдан фойдаланиб, унга шунчаки кўз ташлаб чиқса?
Йўл-йўлакай бу кишининг бошини айлантириб қўйиш ҳеч гап
эмас, бир томонга қараса табиий манзара, альбомимизга қара-
са нотабиий манзара — нима қилишини билмай каловланиб қол-
ганида хушомадга ўтишга ё чекинишга мажбур қиламиз ва гурур-
ли қанотимизни ҳунарманд қўлларида қайритмасданоқ силлиқ-
қина чиқиб кетамиз.

— Жаноб Ҳартрайтдан мутлақо хушомад талаб эмасман, —
деди мисс Фэрли ёзлок биносидан чиққанимизда.

— Бунчалар ноумидлигингиз сабабини суриштирсак бўлади-
ми? — дедим мен.

— Сабаби шуки, нима десангиз, ўшанга чиппа-чин ишонаве-
раман-да, — мулойимгина жавоб берди у.

Беихтиёр айтилган ўша уч-тўрт оғиз сўз билан унинг дил ка-
лити кўлимга узатилганди: дили пок, тўғри сўз бўлганидан, бо-
шқаларни ҳам шундай деб ўйларди. Илгарилари бу ҳақиқатни
дилимдан сезган бўлсам, энди уни амалда кўриб турар эдим.

Ваъда қилинган сайру-томошага жўнаш учун ҳозирланган очиқ
кабга чиққунимизча анча кутишга тўғри келди — ҳамон ўша тамад-
ди пештахтаси (усти энди йиғиштириб қўйилган) олдида ўтирган
безор миссис Везини жойидан қўзғаш лозим бўлди. Кекса хоним
билан мисс Ҳалкомб орқа ўриндиққа ўтирдилар, мисс Фэрли би-
лан мен уларнинг қаршисидан ёнма-ён жой оларканмиз, менинг
устозлик эътиборимга эндигина ҳавола этилган эскизларни орамизга
намоишкорона очиб қўйдик. Бу расмлар ҳақида ҳар қанча танқид-
дий мулоҳазаларим бўлса ҳам, мисс Ҳалкомбнинг (шахсан ўзи ва
синглиси бунга алоқадор бўлгани ҳолда) умуман аёлларнинг нафис
санъат билан шуғулланиши ўта бемаъниликдан бошқа нарса эмас,
деган қатъи тушунчаси уларни изҳор этишимга йўл қўймасди. Шун-
чаки кўздан кечирилган эскизлардан кўра мароқли ўтган суҳбатла-
римиз ҳали ҳануз ёдимда. Айниқса мисс Фэрли иштирокида ўткан-
лари хотирамга шунчалар ўрнашиб қолган эдики, гўё ўша суҳбат-
лар бир неча соатлар илгари бўлиб ўтгандай туюлади.

Ҳа, шундай! Биринчи куниеқ унинг жозибасига маҳлиё бўлиб,
ақлу-ҳушимдан ажралганимни, ўз қадримни ҳам унутиб қўйга-
нимни тан олмай бўладими. Унинг қалам тутиш ва бўёқ аралаш-
тиришдек оддий саволлари; мафтункор кўзларидан сезилиб тур-
ган эҳтироси кўлимдан келганича ўргатганларимни уқиб олиш,
кўрсатганларимни билиб олиш илинжида кўзларимга термилиб

туришлари олдида атрофимизда кўзга ташланиб ўтаётган кўркем манзаралар, арчагул босган тўлқинсимон ясси-тепаликлардаги дамбадан ўзгариб турган нур ва соялар, теп-текис денгиз соҳиллари ҳеч гап эмас эди. Таажжубки, киши бирон нарсага қатъи берилиб кетса, ўзи яшаб турган моддий дунёнинг яқин-атрофдаги мавжудотларига ҳам бефарқ бўлиб қоларкан, шундай эмасми? Бошимизга кулфат тушганда табиат билан дардлашамиз, қувончли дамларимизда унга мамнуният билан қараймиз — буларнинг бари китобий сўзлар. Қанчадан-қанча замонавий шоирлар сўз дурдоналари билан таърифлаган табиат гўзаллигига лол бўлиш инсон зотининг энг етугида ҳам қолақ туйғулардан бири ҳисобланмайди. Болалик пайтларимизда ҳеч бировимиз буни ҳис қилмаганмиз. Махсус таълим кўрмаган бирорта эр ёки аёл зоти буни пайқамайди. Қуруқлик ёки уммонларда бўлиб турадиган ақл бовар қилмас ажойиботлар ичида ҳаёт кечирадиганлар эса ҳатто инсон манфаатига бевосита алоқадор мўъжизаларни ҳам назарписанд қилмайдилар. Одамзод истиқомат маскани бўлган ер куррасидаги гўзалликларни ҳис этиш қобилиятисиз, тўғриси айтганда, таълим-тарбия туфайли эришиладиган маданият таркибига кирган жузъий бир қисм холос. Ўша лаёқатимизни ҳаммамиз ҳам ахён-ахёнда, хаёлимиз банд бўлмаган, бамайлихотир онларимизда ҳаётини синовимиздан ўтсин. Инсон зотининг қувончли, ғамгин ёки жўшқин ҳолатларида табиат гўзаллигининг таъсири қанчалигиникин? Кундалик ҳаётимиз ичи оғиздан-оғизга тарқаладиган ўша ҳақдаги минглаб сафсаталарда қандай ўрин тутаркин? Ақл етгудек, кўнгил мойил жамики ниятлар ер куррасининг чаман боғларида ҳам, унинг кўримсиз хилватгоҳларида ҳам кўнгилдагидек рўёбга чиқаверади. Бунинг бирдан-бир сабаби — ер юзидаги махлуқлар билан мавжудотлар ўртасида рўзи азалдан мутаносибликнинг йўқлиги; эҳтимол, инсон зоти тақдирининг чалкашлигидандир. Ахир, кўз илғамас улкан тоғ силсилалари асфаласофинга кетади, соф кўнгилдан чиққан арзимас ният абадийлик кашф этади.

Кабимиз яна қайта Лиммериж хонадони дарвозаларидан ўтгач қарийб уч соатлик сайримиз ниҳоясига етди.

Қайтишимизда қизларга келаси кун пешин вақти чизиладиган эскиз мавзуини ўзаро келишиб олишни тайинладим. Улар тушлик тайёргарлиги учун либосларини алмаштиргани кетишгач, мўъжазгина меҳмонхонамда яна ёлғиз қоларканман, негандир, юрагимга ғашлик тушди. Ноқулайлик сезардим. Ўзимдан ўзим

норози эдим, сабабини англай олмасдим. Эҳтимол, қувончли сайр-тамошо чоғи ўзимни устоз рассомдан кўра кўпроқ меҳмондек тутганимни энди англаганимдир. Эҳтимол, мисс Фэрли билан таништирганида қизданми — менданми ўтган қандайдир жузый ноқислик туфайли ноқулай аҳволда қолганим хаёлимдан нари кетмай қолганидандир. Ҳар ҳолда, тушликка таклиф қилиниб, ёлғизлик узлатидан қизлар даврасига чиқишим билан руҳим анча энгил тортди.

Ошхонага кирганимда аёллар эғнидаги либосларнинг ажабтовур хилма-хиллиги, уларнинг рангидан кўра қийматидаги тафовутидан ҳайрон бўлдим: мисс Вэзи билан мисс Ҳалкомб қимматбаҳо кийимларда (ҳар қайсиси ёшига яраша кийинишган) — аввалгисиники — нуқра ранг, кейингисиники заъфарон ранг бўлиб, келишган қадди-қомати билан қоп-қора сочларига айна муддаодек мос тушган; мисс Фэрли эса камтарона, киши назарга илмайдиган оддийгина сидирга оқ муслин кўйлақда эди. Охоридан тушмаган бу оппоқ либос қоматига ярашиб турса ҳам, лекин уни бечораҳол оилалардаги хотин-қизлар эғнида ҳам кўриш мумкин эди. Мана шу ташқи қиёфаси билан у айна вазиятда ҳатто ўз мураббиясичалик ҳам кўзга ташланмасди. Кейинчалик мен мисс Фэрли феъл-атворидан анчагина хабардор бўлгач, шу нарса маълум бўлдики, бу ножоиз тафовут замирида унинг табиатидаги нозик туйғулари, бойвуччалиги билан кўзга ташланиб қолмасликка уриниши ётар экан. На миссис Вэзи ва на мисс Ҳалкомб уни ўз мавқеига яраша (иккала аёлнинг ҳеч вақоси бўлмагани ҳолда, унинг ўзи давлатманд) уларга нисбатан дурустроқ кийинишга кўндирга олишган.

Овқатланиб бўлгач, ҳаммамиз биргалашиб ҳайҳотдек меҳмонхонага ўтдик.

Жаноб Фэрли (мўйқаламни шахсан ўзи олиб берган монарх Тицианнинг улуғвор камтарлигига рақобат қилгандай) таомдан сўнг қайси винолардан ичиш истагимни билиб келиш учун бош хизматкорни югуртирган эди, лекин кўнглимдагидек ичимликларга маҳлиё бўлганимча бир ўзим қаққайиб ўтириш васвасасидан кечиб, маданий хорижийлар одатича Лиммериж хонадонидagi ҳамсояларимдан оқватдан сўнг ҳар вақт улар билан биргаликда туриб кетишим ҳақида лутфан изн сўраганим.

Оқшомги бўш вақтимиз ўтказилиши мўлжалланган бу меҳмонхона бинонинг пастки қаватида бўлиб, кўриниши ва катта-кичиклиги жиҳатидан тамадихонадан фарқланмасди. Унинг пойгак томо-

нидаги ойнаванд гуллар билан тўлатилган айвон томон очиларди. Қош қорайиб қолганидан гулчечакларию гулбарглари гира-шира бир тусга кирган, улардан таралаётган кечки анвойи ҳидлар эшиклардан хонага уфуриб, гўё гулдасталар билан қаршимизга пешвоз чиқаётгандай эди. Мунис мисс Вэзи (ичимизда дастлаб ўтирадигани) бурчакдаги креслога бамайлихотир жойлашиб, тезда пинакка кетди. Мисс Фэрли эса менинг илтимосим бўйича пианино ёнига ўтирди. Мен ҳам ўша ердаги жойни мўлжаллаб борарканман мисс Ҳалкомб ҳориб-чарчаб ботаётган қуёшнинг ҳароратсиз нурлари ёруғида онаси мактубларини кўздан ўтказиш учун ён деразалардан бирининг хуфияроқ тахмони томон ўтди.

Мана шу сатрларни ёзарканман, меҳмонхонанинг ўша осуда оилавий манзараси ҳозир ҳам кўз ўнгимда яққол жонланиб турибди. Ўтирган жойимда мисс Ҳалкомбнинг бежирим қоматини кўриб турардим: жуссасининг бир қисмига оқшом ёғдуси тушар, иккинчи қисми эса сирли сояда, бутун вужуди билан қучоғидаги мактубларга шўнгиб кетганди; айнаи вақт ёнгинамда пианино чалиб ўтирган яна бир жононнинг дилрабо ён қиёфаси эндигина соя тортаётган девор сатҳида афсоналардек рўёланарди. Ташқари — айвондаги шода-шода очилган чечаклар, бир-бирига чирмашиб юқори кўтарилган печак гуллар хиёл эсаётган оқшом шабдаларида жилваланиб турса ҳам, уларнинг шилдирашлари қулоққа чалинмасди. Кўк юзи булутлардан холи, унинг шарқ томонлари сирли ой шуъласида энди-энди товлана бошлаганди. Манашу осойишта муҳит ҳис-туйғуларга жон ато этар, кишини сармаст қилиб, ғайри-табиий ҳаёлларга етакларди. Қоронғи тушган сайин яна ҳам аниқроқ сезилаётган оромбахш сокинликда Моцарт куйининг илоҳий садолари барала янграрди. Бу унутилмас манзара ва садолар оқшоми эди.

Ҳаммамиз ўз жойимизда чурқ этмай ўтирардик: миссис Вэзи уйқудан бош кўтармас, мисс Фэрли бутун вужуди билан куй ижросига берилиб кетган, мисс Ҳалкомб бўлса куннинг сўнгги ёғдулари ёруғида ҳамон ўқиш билан овора эди. Мана энди ой ҳам анча кўтарилиб айвон томонга ўтган, унинг гира-шира сирли шуълалари эндигина хона пойгоҳига қийғоч туша бошлаганди. Оқшом нам ёруғлигининг аста-секин ойдинлашиб бориши шунчалар ғаройиб туюлардики, хизматкор лампа чироғларни олиб кирганида, ўзаро келишиб, уларни унутгандик; пианино устида липиллаб турган иккита шам ҳисобга олинмаганда, ҳайҳотдек хона чироқсиз эди.

Муסיқа садолари яна ярим соатдан зиёдроқ тинмай янгради. Кейин мисс Фэрли айвоннинг сутдек ойдин манзараси жозиба-сига маҳлиё бўлиб, уни томошо қилиш учун ташқарига чиқди, мен ҳам унга эргашдим. Шамлар ёқилганида мисс Ҳалкомб кўздан кечираётган мактубларини ниҳоясига етказиш учун уларга яқинроқ ўтириб олганди. Ўрнимиздан кўзголар эканмиз, у ўша ўтирган ерида хатларига берилиб кетганидан ташқарига чиқиб кетганимизни ҳам сезмай қолган бўлса керак.

Айвонга чиқиб, шундаккина эшик рўпарасида турганимизга, назаримда, ҳали беш минутча ўтар-ўтмас мисс Фэрли менинг маслаҳатим билан кечки аёздан эҳтиёт бўлиш учун оппоқ дуррасини эндигина бошига ташлаб боғлаётган ҳам эдики, мисс Ҳалкомб овози қулоққа чалиниб қолди. Одатдаги жўшқинликдан асар йўқ — илтижо билан мени шипшиб чақирарди:

— Жаноб Ҳартрайт, бирор минутга бу ёққа кела олмайсизми? Сиз билан бир-икки оғиз гаплашиш зарур бўлиб қолди.

Шу ондаёқ хонага қайтиб кирдим. Пианино пешайвон деворининг ўртасида бўлиб, унинг нариги эшигидан четроқда мисс Ҳалкомб хатларни қучоғига ёйиб олганича, ўшалардан биттасини шам ёруғига тутиб турарди. Мен эшик яқинроғидаги оттоманка диванига бориб ўтирдим. Мана шу ердан мисс Фэрлининг у ёқ-бу ёққа ўтишини, хона ичига тушаётган ой шуъласидан эса айвоннинг у чеккасидан бу чеккасига аста-секин бориб келишини ҳам кўриб туришим мумкин эди.

— Мана бу мактубдаги айрим мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола қилмоқчи эдим, — деганди ўшанда мисс Ҳалкомб. — Улар Лондон йўлида содир бўлган ажиб саргузаштингизни андак ёрита олармикин, фикрингизни билмоқчиман. Онамнинг иккинчи эри бўлмиш жаноби Фэрлига йўллаган мактуби, бундан ўн бир-ўн икки йиллар аввал ёзилган экан. Ўша вақтлар жаноб ва миссис Фэрлиларнинг, шунингдек ўгай синглим Лауранинг мана шу хонадонда бирга-бирга яшаётганига анча йиллар бўлиб қолган; мен эсам улардан четроқ — Париж мактабларидан бирида ўқишимни ниҳоясига етказаётган эдим.

Унинг авзойи ва сўзларидан ҳаяжонланаётгани, аини вақтда, назаримда, бир оз афсусланаётгани ҳам сезилиб турарди. У мактубни ўқиш учун шам ёруғига тугган дақиқада мисс Фэрли ичкарига кўз ташлаб, бизнинг банд эканлигимиздан бохабар бўлиб, астагина олдинга юриб кетди.

Мисс Ҳалкомб қуйидагиларни ўқий бошлади:

— «Азизим Филипп, мактабим билан талабаларим ҳақидаги чексиз маълумотларим жонингизга ҳам теккан бўлса керак. Буни мендан эмас, ўтиниб илтимос қиламан, Лиммериждаги бир хил зерикарли ҳаётдан кўринг. Айтгандай, бу сафар эътиборингизга янги бир талабам ҳақидаги ҳақиқатан ҳам қизиқ воқеани ҳавола қилмоқчиман.

— «Қишлоқ дўконидаги қария миссис Кэмпни танийсиз. Сизга айтсам, ўша аёл бир неча йиллардан бери дард азоб-уқубатини тортиб, доктор ҳам қарамай қўйибди, ҳозир ўлим учуда ётган эмиш. Унга муолижа қилиб туриш учун ўтган ҳафта ҳаёт қолган бирдан бир қариндоши — синглиси келибди. У Хемпширлик экан, исми — миссис Катерик. Бундан тўрт кун муқаддам ўша миссис Катерик мен билан учрашди, битта-ю бита қизини ҳам ўзи билан бирга олиб келган экан. Бизнинг мўътабаримиз Лаурадан бирор ёш каттароқ, ёқимтой, жажжигина қиз...»

Мана шу сўнги жумла ҳамроҳимнинг оғзидан чиқар-чиқмас мисс Фэрли яна бир бор кўз ўнгимдан ўтди. У бундан сал илгарироқ чалган куйларидан бирини ўзича эшитилар-эшитилмас ҳиргойи қиларди.

У кўздан нарироқ кетгунча мисс Ҳалкомб хатни ўқимай турди, кейин яна давом этди:

— «Миссис Катерик тарбия кўрган, андишали, бообрў аёллардан; ўрта ёшли; ҳар жиҳатдан беками кўст. Ҳа, бадастир, ёқимтойгина. Шундай бўлса ҳам, унинг қиёфасию хатти-ҳаракатларида ниманидир сезаётгандек бўламан-у, лекин ўшанинг нималигини англай олмайман. Ўзининг беҳад эҳтиёткорлиги ҳам бирор сир борлигидан бўлса керак; бежороқ кўз қарашларидан, уни ифодалашга ҳам ожизман, хаёлотда юргандек туюлади. Қисқасини айтганда, жонли жумбоқ деяверинг. Лиммериж хонадонига шунчаки бир арзимас ният билан келибди. Опаси миссис Кемпнинг оғир кунларига яраш учун Хемпширдан чиққанида уйда қизалогига қараб турадиган бошқа бирон кимса бўлмаганидан, уни ҳам ўзи билан бирга олиб келишга мажбур бўлган экан. Миссис Кэмп бирор ҳафта ичида оламдан ўтадими ёки яна бир неча ойга чўзиладими — номаълум; мана шунинг учун ҳам миссис Катерик қизалоғи — Аннанинг менинг мактабимда вақтинча ўқиб туришини илтимос қилиб келган экан; миссис Кэмп оламдан ўтгач, яна ўзи билан бирга уйига олиб кетар экан. Мен розилик бериб қўя қолдим, кейин Лаура билан айланиб юрганимизда шу куннинг ўзиёқ қизчани (ўн бир яшаргина) мактабга олиб келдик».

Миссис Фэрлининг сутга чайилгандек оппоқ либосга ўралган шаффоф ва нозик қомати, дуррача қилиб томоғидан тангилган рўмолчанинг оқ гажимлари ҳошиясида илгаригидан ҳам беозорроқ кўринган сиймоси ой ёруғида яна бир бор кўриниб ўтди. Миссис Ҳалкомб бу гал ҳам унинг кўздан нари кетишини кутиб, кейин давом этди:

— «Мана шу ўқувчи қизимга, Филипп, бениҳоя меҳрим тушиб қолди, сабабини сизга қутилмаган туҳфа қилиш ниятида сўнги сатрларгача пинҳон тутмоқчиман. Онаси шахсан ўзи хусусида кўп гапирмаганидек, қизалоқ ҳақида ҳам икки оғизгина сўз қотиб, бечора гўдакнинг ақл-идроки ўз ёшига нисбатан анча заифлигидан воқиф бўлишликни (буни биринчи куниеъ дарс вақтларида синаб кўрдик) менинг ўзимга ҳавола қилиб кетган экан. Бу ҳолни кўриб, келаси куниеъ уни уйга олиб келдим. Доктор чақиргандим — қизни назардан ўтказиши, саволлар бериб кўриши ва ўз мулоҳазаларини менга очиқ айтишини ҳуфиёна келишиб олган эдик. Унинг фикрича, ёши улгайган сари ундаги бу нуқсонлар ҳам барҳам топар эмиш. Шунга қарамай, унинг айтишича, меъёрида олиб бориладиган мактаб тарбиясининг аҳамияти катта, кечиктирмай бошлаш лозим экан, чунки ундаги камдан-кам учрайдиган тасаввур қувватининг сустрлиги замирида англаб олинган воқеъликни умуман унутмаслик қуввати ётар эмиш. Яна, жонгинам, ўзингизча, ўйламай-нетмай, мени бирон-бир овсар билан овора бўлиб қолибди, деган хаёлларга бориб юрманг. Бу бечора қизалоқ (Анна Катерик) бирам ёқимтой, меҳрибон, диловорки, асти қўяверинг. Баъзан кишининг ақлига сигмайдиган антиқа нарсаларни гапиради (худди ўзингиз асосларга таяниб хулоса чиқарганингиздек), лекин кўпинча, қутилмаганда, нимадандир хавфсираб юради. Усти-бошлари озода, бежирим, фақат уларнинг бичими билан рангида дид етишмайди. Шунинг учун кеча, мўътабар Лаурамизнинг эски оқ кўйлаклари билан оқ шляпасини Анна Катерикка мослаб берсам, деган қарорга келиб, унга қадди-қомати ўзиникидек қизчаларга ола-чипор кийинишдан кўра бошданоёқ оқда юриш кўпроқ ярашишини айтдим. Бир дақиқа довдираб, уялинқиради, кейин чехраси очилиб, кўнгандек бўлди. Қутилмаганда қўлимни митти қўллари орасига олди. Уни ўпиб, Филипп, (оҳ, дил-дилидан чиққан эҳтирос билан!) бундай деди: «Бутун умрим бўйи, ҳар вақт оқ кийинаман. У менга сизни эслатиб туради. Мэм, бу ердан кетгач, сизни яна қайта кўриш насиб бўлмаса ҳам, сиз мени ҳамон хуш кўрасиз, деб ўйлаб

юраман». Мана сизга у келиштириб гапирадиган нарсалардан бит-тагина намунаси. Бечора болакай! Этаги қайрилган оқ қўйлақлардан бир дастасини бериб юбораман. Бўйи ўсса ҳам, қайрилган ерини тушириб-тушириб кияверади».

Мисс Ҳалкомб ўқишдан тўхтаб, пианино узра менга қаради.

— Ўша сиз катта йўлда учрашган бебахт аёлнинг кўриниши ёшмиди? — сўради у. — Йигирма икки ёки йигирма учларда эмасмиди?

— Ҳа, мисс Ҳалкомб худди шу ёшларда эди.

— Ўзи ҳам галатиноқ кийинган, бошдан-оёқ оппоқмиди?

— Бошдан оёқ оппоқ.

Мана шу жавоб оғзимдан чиқар-чиқмас мисс Фэрли эшик рўпарасида учинчи маротаба кўзга ташланди. Олдинга босавермай, тўхтади, сўнг нариги томон ўгирилиб айвон панжарасига суянганича боғ томонга қараб турди. Мен ҳам унинг малмал қўйлагига билан бошидаги «дуррача»нинг ой нурида оппоқ товланишига маҳлиё бўлиб қолибман. Қандайдир бир туйғу (унинг нималигини ўзим ҳам билмасдим) юрагимни така-пука қилиб, ҳаяжонга солаётган бир туйғу вужудимни қамрай бошлаганди.

— Бошдан-оёқ оппоқмиди? — қайта сўради мисс Ҳалкомб. — Мактубнинг энг муҳим жумлалари, жаноби Ҳартрайт, унинг охирида, уларни ҳам ҳозироқ ўқиб бераман. Лекин сиз учратган ўша аёл эгнидаги оқ либослар билан онажоним меҳр қўйган норасида ўқувчи қизининг эҳтиромига сабаб бўлган оқ қўйлақлар узвийлигига андак тўхталмай ўта олмайман. Доктор қизалоқнинг ақли заифлигини аниқлаб, «ёши улғайган сари аста-секин ўтиб кетади», деб янглишган бўлса керак. Йиллар ўтса ҳам, у заифлигича қолган, болалик чоғида дилига ўтириб қолган ўша дастлабки оқ кийиниб юриш нияти улғайган пайтларида ҳам хаёлидан кўтарилмаган бўлса ажаб эмас.

Унга уч-тўрт оғиз жавоб қилган эдим, лекин нима деганим ёдимда йўқ. Фикру хаёлим мисс Фэрлининг малмал қўйлагига эди.

— Мактубнинг сўнгги жумлаларини эшитинг, — деди мисс Ҳалкомб. — Ҳайрон бўлиб қоларсиз, деб ўйлайман.

У мактубни эндигина шам ёруғига тутган эди, мисс Фэрли панжарадан қаддини ростлаб, биз томон ўгирилди, айвоннинг у ёқ-бу ёғига бепарвогина назар солди, эшик томон бир қадам босиб, биз томон қараганича туриб қолди.

Худди шу дақиқада мисс Ҳалкомб илгарироқ илова қилиб ўтган сўнгги жумлаларни ўқий бошлади:

— «Энди, жонгинам, мактубимнинг ниҳоясига ҳам етиб қолган эканман, қизалоқ — Анна Катерикка меҳрим тушиб қолиши сабабини, ажиб сабабини, ҳақиқий сабабини очиқ айтиб қўя қолай. Азизим Филипп, бу қиз — ярим ҳуснига арзимаса ҳам, тўгрисини айтганда, аҳён-аҳёнан фавқулодда учраб турадиган мутаносиблик мўъжизасининг айнан ўзгинаси: сочлари, қадди-қомати, кўзлари, юз ифодалари билан худди...»

Мисс Ҳалкомб кейинги сўзларни ўқиб улгурмасданоқ ўрнимдан туриб кетибман. Ўша кимсасиз катта йўлда бегона қўл сезилган пайтдагидек ҳаяжонланиб, вужудим яна музлаб кетди. Кўз ўнгимда оппоқ бир хилқат — мисс Фэрли ой шуъласида ёлғиз турарди; Айни вақтдаги қиёфаси, бош тутишлари, қадди-қомати, юз кўриниши, ҳатто шу вазият ва масофада туриши билан оқ кийимли аёлнинг жонли тимсоли эди. Бир неча соатлардан бери хаёлимдан нари кетмаётган шубҳага ўрин қолмади — бунга иқрор бўлдим. Ўша «етишмаётган нарса» жиннихонадан хуфия чиқиб кетган қочқин билан Лиммериж хонадонидagi шогирдимнинг машъум ўхшашлигини тан олишим экан.

— Кўриб турбсиз! — нидо қилди миссис Ҳалкомб. Энди ортиқча бўлиб қолган мактуб қўлидан тушиб кетди. Бир-биримизга қараб қолган эканмиз. Унинг кўзлари пориллаб кетганди.

— Онажоним ўн бир йил муқаддам кўрганини сиз ҳозир кўриб турибсиз!

— Кўриб турибман, дейишга ҳам тилим бормайди. Бебахт, бечора ва кимсасиз бир аёлни, тасодифий ўхшашлиги туфайли бўлса ҳам, мисс Фэрли сиймосида кўриш шу дақиқада бизга қараб турган пок хилқатнинг истиқболига соя ташлаётгандек туюларди. Бу рўёдан мени тезроқ халос этинг. Чақиринг уни, хувиллаган ердан ичкари кирсин, ўтинаман, ичкари кирсин!

— Жаноби Ҳартрайт, мени ҳайратга соляпсиз. Аёлларни қўяверинг-ку, ўн тўққизинчи аср эркаклари хурофотдан анча йироқ, деб ўйлагандим.

— Ўтинаман, бу ёққа кирсин!

— Жим бўлинг! Ўзи ҳам кириб келяпти. Унинг олдида оғиз оча кўрманг. Бу ўхшашлик тафсилоти орамизда сир қолсин. Киринг, Лаура, киринг. Мусиқани янградиб, миссис Вэзини уйғотинг. Жаноби Ҳартрайт мусиқага интиқ бўлиб турибдилар, бу гал шўх-шўхидан, кўнгил ёзадиганидан бўлсин, деяптилар.

VIII

Лиммериж хонадонидаги биринчи куним мана шундай воқеалар билан ўтди.

Ўртадаги сир пинҳон тутилди. Мисс Фэрли билан Анна Катерикнинг бир-бирига ўхшашлиги аниқланганди-ю, лекин оқ кийимли аёл жумбоғини ойдинлаштиргудек бошқа бирон-бир нажот умид кўринмасди. Миссис Ҳалкомб имконияти бўлиши биланоқ ўгай синглисини гапга солди — ўтган кунлар, оналари ва унинг меҳри тушган ўша ўқувчи қизни эслатди. Аммо у Лиммериждаги қизчани гира-шира эслар, ўшанда ҳам умумий гаплардан иборат эди, холос. Онасининг меҳри тушиб қолган ўқувчи қизнинг ўзига ўхшашлигини эсласа ҳам, уни яққол тасаввур қила олмас, қачонлардир бир вақтлар содир бўлгандек туюларди; оқ кўйлак совғалари ёки унинг миссис Фэрлига миннатдорлик изҳор қилиб айтган ўзига хос дағал ибораларини тилга ҳам олмади. У Аннанинг Лиммерижда бир неча ойгина турганини, Ҳампширдаги уйига кетганини аниқ эсласа ҳам, кейинчалик онаси билан яна Лиммерижга келган-келмагани ёки ўшалар ҳақида бирон гап эшитганини айта олмади.

Миссис Фэрлининг мисс Ҳалкомб қўлида ҳали ўқилмай қолган мактублари ҳам мавҳумликка барҳам бера олмади — биз ҳамон ғулгулада эдик. Мен тунда учратган ўша бахтсиз аёл — Анна Катерик, деган қарорга келгандик, шунинг ўзи ҳам чакки эмасди. Ахир, бечоранинг ақли-ҳуши заифлигидан болалик чоғларида миясига қуюлиб қолган, миссис Фэрлига эҳтироси туфайли бошдан оёқ оқ кийиниб юриш одати балоғат ёшида ҳам давом этиши мумкин эди. Синчковлигимиз ўша вақтда мана шу натижа билан яқунланганди.

Кунлар кетидан кунлар, ҳафталар кетидан ҳафталар ўтиб, ёз фасли дарахтларининг кўм-кўк тожларига олтин кузнинг зарварақ излари оралаб қолганди. Қани энди ўша бахтиёр, осуда дамлар! У кунлар бир зумда ўтиб кетганидек, мана энди ҳикояларим ҳам тез орада ниҳоясига еткудек кўринади. Ўша дамларда қалбимга чексиз қувонч бахш этган мароқли онлар хазинасидан мана шу саҳифаларда рўйи-рост ифодалагудек нималар хотирамда қолганикин? Инсон зоти тан оладиган гуноҳларнинг энг оғири — ўз гуноҳимга иқрор бўлишимдан бошқа ҳеч вақо қолмаган.

Эндиликда гуноҳимга иқрор бўлишимни ҳастпўстлашнинг ҳам ҳожати йўқ, измимдан чиқиб, ошкора бўлиб кетган. Ахир, мисс

Фэрли таърифидаяқ гализлиги сезилиб қолган ноўрин ва заиф ибораларим у кўнглимни нечоғлик банд қилганини очикдан-очик кўрсатиб қўйди-да. Ҳаммамизда ҳам шундай бўлади. Шириндан ширини ҳам — сўз, аччиқдан-аччиғи ҳам — сўз.

Уни севиб қолдим.

Эвоҳ! Мана шу учтагина сўз замирида қанчадан-қанча гам-алам, қанчадан-қанча хору зорлик ётади-я! Шу сатрларни ўқиб, менга раҳми келаётган энг кўнгличанг аёлга қўшилиб аламли мунг билан оҳ ургим келади. Бундай туйғулардан узоқ бағри тош ким-салардек аччиқ-аччиқ кулгим келади. Уни севиб қолгандим! Хоҳ ачининг, хоҳ лаънатланг, мен учун фарқи йўқ; ҳақиқатан ҳам, уни севиб қолгандим.

Бу савдонинг бошимга тушишини қандай оқласам экан? Айрим сабаблари, албатта, маълум шартлар асосида ўзим хизмат қилиб турган Лиммериж хонадонидаги шароитларга боғлиқ эди.

Эрталабки соатларимни ўз хонамда танҳо ўтириб, тинч ва осойишта ўтказардим. Ишлар ҳам анчагина — валинсьматимнинг расмларини таъмирлаш билан овора бўлардим: қўлларим банд, кўзларим ўша кўнглимдагидек вазифаларимда кўмакдош эди-ю, фикру-ёдим жиловсиз қолиб, хаёлим кўкларга парвоз қиларди. Сўққабошлигим ё бениҳоя чўзилиб, тоқатимни тоқ қилган, ё ҳали сабру-қаноат ато қилгудек узоққа бормаганди. Ўша асов сўққабошим пешин ва оқшом пайтлари (ҳар кун, ҳафталаб) икки жонон даврасида бўлар: бири — баркамол қадди-қомат соҳиби, ақли зукко, сермулозимат; иккинчиси — гўзаллик рамзи, нафосат ва назокат соҳиби, оқ кўнгли; ҳар қандай кишини ҳам лол қолдириб, дилини мафтун этгудек. Устоз билан шогирднинг ҳамнафасликда ўтмаган бирор кун бўлмасди: унинг альбомига разм солиш учун энгашарканмиз юзим юзига тегиб кетгудек бўларди. Мўйқаламим ҳаракатига у қанчалик жиддий эътибор берса, унинг сочларидан уфурган атир ҳидлари, илиқ нафаси димоғимга шунчалик кўпроқ уриларди. Ахир, унинг кўз олдида яшаш хизмат бурчимнинг бир қисми эди-да: баъзан унинг ёнгинасидан, ҳатто кўкракларига тегар-тегмас эгилишимга тўғри келар, бундай вақтларда ўша нозик ерига тегиб кетиш хаёлиданоқ қалтираб кетардим; баъзан ишимга назар ташлаш учун унинг ўзи ёнгинамдан эгилар; айни вақт менга гапиргудек бўлса, энтикиб қолар; ленталари то уларни олиб қўймагунча майин шаббодада ҳилпираб юзимни силарди.

Кунлар чорбоғни айланиб эскиз чизиш билан ўтгач кечқу-

рунлари йигилганимизда ёшларга хос ўша ўзаро самимий муносабатимиз назардан четда қолмас, аксинча яна ҳам жозибалироқ тус оларди: тасвирий санъат машгулотларимдан завқланган мисс Фэрли аёлларга хос нозик дид ва жўшқинлик билан мусиқалар ижро этиб кўнглимни олар, бир-биримизга бўлган меҳримизга меҳр қўшиларди. Кечки давралардаги олди-қочди гаплар, ҳатто пештахта атрофидан жой олишимиз каби арзимас одатлар устидан киноялар, мураббийлик фидойилигиму синглизининг талабалик ташаббуслари мисс Ҳалкомб ҳазил-мутойибасидан тушмасди. Орамиз аҳиллик туфайли бўлса керак, миссис Вэзининг бизларни ёшларнинг баркамол намунаси ҳисоблаб, маъсум чеҳрасидан аримайдиган мудроқ аралаш таҳсинлари — мана у икир-чикир хушсуханликлар ҳаммамизни шу хонадоннинг одатдаги шароитида бир-биримизни яна ҳам қовуштирар, айни вақтда иккимизни, беихтиёр, нажот умидидан номнишонсиз интиҳого ҳавола қиларди.

Мен хизмат мавқеимни унутмаслигим, ўзимни қўлга олиб юришим керак эди. Шундай қилдим ҳам, аммо энди кеч бўлганди. Бошқа қиз-жувонлар олдида кўнглимга тасалли бериб, уларнинг васвасалари домидан асраб келган ақлу-хушимни шу қиз бутунлай олиб қўйганди, илк тажрибаларим ҳам қўл келмаганди. Ҳунарим туфайли бир неча йиллар мобайнида қанчадан қанча қизлару қанчадан қанча дилраболарни кўрмагандим дейсиз. Ҳамма вақт ҳаётим тақозосига тан бериб келардим. Илгариги соҳибпаноҳларим хонадонларидаги йигитлик меҳримни олган не-не маъшуқаларни, гўё зонтимни пастда қолдириб, ўзим юқорига чиқиб кетгандек, ташлаб чиқишга одатлангандим. Паризодлар ҳузурига ташриф буюришимни уларнинг олдига кириб турадиган беозор уй жониворлари қатори кўришларига ҳам ҳаёт резгисидек лоқайд қарардим. Ақлу-хушимни анча эрта йигиб олувдим. Мана шу муҳофаза қуролим мени ҳақирона ёлғизоёқ сўқмоғимдан у ёқ-бу ёққа чалғитмай, қатъи ва муқаррар олдинга етакларди. Энди ўша тилисимимдан айрилгандим. Ҳа, қанчалар машаққат чекиб қўлга киритган букилмас иродам асфаласофилинга кетган, менга бутунлай бегона бўлиб қолганди; аёл зотига пийпаланиб, бошқалар шунчаки вазиятларда ақлу-хушидан бегона бўлганидай, мен ҳам ундан ажраб қолгандим.

Мен аввало ўшанга эътибор беришим керак эди, бу — кўзга кўриниб тургани аниқ. Нима учун у қадам қўйган хоналар ўз уйимдан ҳам чароғонроқ туюлишини, чиқиб кетганида эса биёбон-

дек хувиллаб қолишини, илгари биронта аёл зотининг эгни-бошига эътибор бермаганим ҳолда, бу қиз эгнидаги қиттай ўзгаришни пайқаб, кўз ўнгимдан нари кетмаслигини, эрталабки саломлашув ва оқшомги хайрлашув чоғларида қўл олишарканмиз, ҳаётимда учратган бошқа бирор аёлни кўрганимда, сўзларини эшитганимда ёки қўл бериб саломлашганимда пайқамаган жозибаларни кўрмасмидим, эшитмасмидим ёки сезмасмидим? Қалбимга қўл солиб, ўша ерда авж ола бошлаган навниҳолларни аниқласам, уларни ўз вақтидаёқ таг томини билан юлиб ташласам бўлмасмиди? Нега энди шунчаки қўл учида қилиб қўйиладиган иш менга бениҳоя оғир туюлдийкин? Бунинг сабабини уч сўз билан аниқдан-аниқ тан олгандим: мен уни севардим.

Кунлар, ҳафталар ўтиб, Кумберланддаги ҳаётимнинг учинчи ойи ҳам ниҳоясига етиб қолганди. Осойишта ўтаётган ширин наҳри-ю, ўзимни оқим бўйлаб сузаётган маллоҳдек ҳис этардим. Ўтмиш хотираларим, келажак орзуларим, ўз шахсий мавқеимнинг пуч ва беқарорлиги ҳиссиёти дилимдан нари кетмасди. Шунга қарамай, масъуд орзу-умидлар мени сармаст қилиб қўйган, ҳалокат шарпаларига кўзим кўр, қулоғим қар, тобора машъум ҳалокат гирдобига яқинлашардим. Кутилмаганда мисс Фэрлининг хомуш чехрасида ифодаланган самимий ва ҳаққоний эҳтиёткорлик мени гафлат уйқусидан уйғотди, ҳис-туйғуларим олдида ожиз қолганимни пайқадим.

Оқшомларнинг бирида одатдагича хайрлашгандик. Ўшанда ҳам, унгача ҳам кўнглимни ошкор қилгудек ёки унинг дилига гулгула солгудек бирон-бир сўз оғзимдан чиқмаганди. Лекин эртасига эрталаб учрашганимизда у бутунлай ўзгариб қолган — мен ҳам тушунган эдим.

Унинг пок қалбидаги муқаддас хиссиётига ружуъ қилиб, уни ўз юрак сирларимдек элга ошкора этишимни ўйласам, ҳануз юрагим орқамга тортиб кетади. Қисқаси, у дастлаб ўз қалб ҳароратини пайқаган дақиқада, бунга қатъи инонаман, менинг кўнглимда ҳам худди ўшандай талпиниш кўрган-у, бир кечанинг ўзидаёқ орамиздаги муносабатни ўзгартган. Унинг пок, олийҳиммат табиати макр ва ағёрликдан йироқ эди. Гафлат босиб, дилимда сир тутаётган илинжларим унинг юрагига шубҳа солиши биланоқ кўнгил садолари унинг самимий чехрасида намоён бўлганди: «унга раҳмим келади, ўзимга ҳам ачинаман».

Унинг чехрасида яна нималардир кўринган, лекин ўшанда нималигини англай олмагандим. Юриш-туришларидаги ўзгариш-

лар — бошқалар олдида кўнглимга қараб иш тутгани, хушмуомала ва ҳозиржавоб бўлгани ҳолда, ёлғиз қолдик дегунча ҳомуш, гамгин тортиб, ҳатто тажанглашиб, дуч келган юмушга уриниб кетиши бежиз эмаслигига ақлим етиб турарди. Нозик, хушбичим лабларидаги табассумларнинг ҳам энди анча камайиб, аҳён-аҳёндагина сезилиши, гоҳ маъсум фаришталар нигоҳидек пориллаган мовий кўзларининг маъюс тортиши, гоҳ норасида болалардек ҳаяжонланишига ҳам ақлим етиб турарди. Унинг табиатидаги ўзгариш шулар билангина чекланмасди. Қўллари ҳам яхдек бўлиб қолган, юзида ғайритабiiй сўлгинлик, ҳаракатларида номаълум таҳлика гулгулалари сезилар, ўзидан нолигани нолиган эди. Унинг бу аҳволга тушиб қолишини, ўзимча, орамиздаги муҳаббатнинг барбод бўлганига йўйсам ҳам, аслида бошқачароқ эди: буларнинг замирида бир-биримизга янада интиқроқ қилувчи, айна вақтда бир-биримизни бегоналаштирувчи маъхум аломатлар ётарди.

Кўнглимдан нари кетмай, дилимга васваса солган бу сир ниҳоясига етиш умидида мисс Ҳалкомб юз ифодаларига, хатти-ҳаракатларига эътибор бера бошладим. Ахир, қадрдонлардек иноқлик билан ҳаёт кечирар эканмиз, биронтамизнинг кайфиятимизда содир бўладиган андек ўзгариш бошқалар эътиборидан четда қолмасди. Мана, мисс Фэрлининг кайфияти опасининг чеҳрасида ҳам аксланиб турарди. У мендан гина қилиб шахсан ўзимга чурқ этмаган бўлса ҳам, нимагадир, унинг синчков нигоҳи тақбида қолгандим. Бу кўзларда гоҳ ғазаб ўти лоппилар, гоҳ таҳлика остида кўринар, гоҳ на униси-ю на буниси намоён бўлар — парижонхаёл кўринар, қисқаси, ақлим бовар қилмай, ҳайрон бўлардим. учаламиз ўртамиздаги мана шундай ўзаро сирли вазият ҳайронлигида бир ҳафта ўтди. Енгилтаклигим туфайли ўзимни тута олмаганимни вақтни кўлдан бой бергач тан олиб, хуноб бўлардим. Бунга ортиқча чидашнинг иложи йўқ эди. Ҳаётимдаги бу мусибатни тез бошимдан соқит қилиб, ундан бутунлай қутулиш лозимлигини сезардим, лекин энг афзал йўли нималиги, уни қай усулда ташлашга тилим ожиз эди.

Мана шундай тушкун, ночор бир аҳволдалигимда мисс Ҳалкомб жонимга оро бўлди. Унинг бийрон тили ҳеч қутилмаган аччиқ ҳақиқатни ўз вақтида ошкор қилди; самимий илтерламаоти билан машғум янгиликдан каловланиб қолганимда юрагимга далда берди; хонадондагилар билан менинг бошимга тушадиган мушкулларнинг олдини олиб, ҳаёт тақозосини ўз изига йўналтирди.

IX

Кумберландни мазгил тутганимга қарийб уч ой бўлиб қолган, ҳафтанинг пайшанбаси эди.

Эрталаб одатдаги вақтда тамаддихонага тушганимда мисс Ҳалкомб пештахта ёнидаги ўз ўрнида кўринмади, у билан танишганимиздан бери биринчи дафъа шундай бўлиши эди.

Мисс Фэрли ташқарида — ўтлоқда турарди. Мен билан бош эгиб саломлашгану, ичкарига кирмаганди. Орамизда дилимизга оғир ботадиган гап ўтмаган бўлса ҳам, энди орада пайдо бўлган истиҳола туфайли ёлғиз учрашишга хижолат тортиб, бир-биримиздан нарироқ юрардик. Хуллас, миссис Вэзи ёки мисс Ҳалкомб келгунича биримиз ташқарида, биримиз ичкарида сабр қилишга тўғри келганди. Мисс Фэрли билан жуда тез тил топишиб кетгандим. Бундан икки ҳафта илгарийёқ хушчақчақлик билан қўл сиқишиб, ҳар вақтадигдек шакаргуфторликка киришиб кетардиг-а!

Бир неча минут ҳаяллаб мисс Ҳалкомб кириб келди. У хаёлчан кўринар, кеч қолгани учун паришонхаёллик билан узр сўради.

— Жаноби Фэрли ушлаб қолдилар, — деди у. — оилавий масала бўйича маслаҳатлик ишлари бор экан.

Мисс Фэрли ҳам боғдан ичкари кирди. Одатдагидек саломлашди. Унинг қўлини ҳеч қачон бунчалик совуқ сезмагандим. Юзимга қарамади ҳам, ранги қув оқариб кетганди. Бир дақиқа кейинроқ кириб келган миссис Вэзи ҳам буни даров сизди.

— Ҳавонинг ўзгаришидан бўлса керак, — деди қария. — қиш кириб келяпти, эҳ, жонгинам. Тезда қиш ҳам келиб қолади!

Бизнинг қалбимизни аллақачон қиш қирови босиб бўлган!

Кундалик иш режаларимиз уустида қизгин баҳслашиб, ҳазилмутойибалар билан мароқли ўтадиган нонуштамиз бу гал узоққа чўзилмади, бирортамиздан садо чиқмасди. Орадаги бу чуқур сукунат гашлигига мисс Фэрли ортиқ чидаб тура олмади шекилли, унга хотима бериш ниятида опасига маънодор қаради. Нима дейишини билмай, ноқулай вазиятда довдираб қолган мисс Ҳалкомб ўзини қўлга олиб, ниҳоят тилга кирди:

— Бугун эрталаб тоғангизни кўрган эдим, Лаура, — деди у. — Қирмизи хонани тахт қилиб қўйиш керак эмиш, сизга ўзим айтган нарсага рози эканлигини билдирди. Душанба кунига тайин этилибди, сешанба эмас.

Мана шу сўзлар устида мисс Фэрли бошини ҳам қилиб, ўзи ўтирган курсидан кўз узмади. Сиқилганидан бармоқлари дастур-

хон чеккасида сочилиб ётган ушоқлар орасида гимдирларди. Икки юзи пагадек оқариб кетган, бўзарган лабларидаги титроқ шундоққина кўриниб турарди. Буни биргина мен эмас, мисс Ҳалкомб ҳам сезганидан, шу заҳотиёк ўрнидан туриб, ўтиришимизга чек қўйди.

Миссис Вэзи билан мисс Фэрли иккаласи хонадан чиқиб кетишаркан, ғамгин, мовий кўзлар яқинлашиб келаётган огир жудолик ташвишида бир лаҳза менга термилди. Менинг ҳам юрагим уюшиб кетди. Тез орада ундан ажраб қолишим муқаррарлиги, лекин бу жудолик унга бўлган муҳаббатимни сўндира олмаслигини сезиб турардим.

У эшикни ёпиб чиқиб кетгач, боғ томонга қарадим. Мисс Ҳалкомб (шляпаси қўлида, шол рўмоли билагида) ўтлоқ томондаги катта дераза ёнида менга разм солиб туруарди.

— Эрталабки ишларингиз олдидан бир оз бўш вақтингиз бўладими? — сўраб қолди у.

— Албатта, мисс Ҳалкомб, хизматингизга доимо тайёرمىз.

— Шахсан ўзингизга айтиладиган гапим бор, жаноби Ҳартрайт. Шляпангизни олиб боққа чиқсангиз. Эрталабки мана шу соатда у ерда ҳеч ким бўлмайди, хотиржам гаплашиб оламиз.

Ўтлоққа ўтган ҳам эдик, боғбон кўмакчиларидан бири — ёшгина йигитча қўлида мактуб, ёнимиздан уй томон ўтди. Мисс Ҳалкомб уни тўхтатди.

— Қўлингиздаги мактуб менгамасмикин? — сўради у.

— Йўғе, мисс Мисс Фэрлига дейилганди. — жавоб қилди йигитча мактубни узатиб.

Мисс Ҳалкомб уни олиб, мактуб йўлловчининг имзосига назар ташлади.

— Нотаниш қўл, — деди у ўзича. Лаурага ким мактуб юбордийкин? Буни қаердан олдингиз? — йигитчага мурожаат қилди.

— Нима десамикин, мисс, — чайналди йигитча, — бир аёл кишидан олдим.

— Қанақа аёл?

— Анча мункиллаб қолган аёл.

— Ҳа, кампир экан-да. Сиз танийдиганларданми?

— Мен танийдиганларданмас, нотаниш аёл.

— Қайси томонга кетди?

— Анави томонга, — деди у хаёлотда жануб томонга ўгирилганича бир қўли билан Англиянинг ўша томонини шартта кесиб.

— Ажабо! — деди мисс Ҳалкомб. — Менимча, хайру-эҳсон тилаб ёзилган мактуб бўлса керак. Манг, олақолинг, — мактубни

йигитчанинг ўзига қайтариб берди. — Уйга обориб, хизматкорлардан бирига топширинг. Энди, жаноби Ҳартрайт, эътироз қилмасангиз, мана бу йўлдан юрсак.

У мени ўтлоқ оралаб ўтиладиган йўлдан, Лиммериждаги биринчи кунимоқ босиб ўтилган сўқмоқдан бошлаб кетди. Мен Лаура Фэрли билан дастлаб учрашган ўша ёзги бино олдида тўхтади. Бирга кетаётганимизда миқ этган овози чиқмаган мисс Ҳалкомб ниҳоят тилга кирди:

— Сизга айтиладиган гапларимни шу ерда гапирсам бўлаверади.

Мана шу сўзларни айтатуриб бинога кирди, гардишсимон стол атрофидаги курсилардан бирига ўтириб, мени ҳам ўтиришга ишора қилди.

Тамаддихонада менга айтилган гапларидан мавзу нимага бориб тақалишини гумон қила бошлагандим, мана энди унга шакшубҳам қолмаганди.

— Жаноби Ҳартрайт, — деганди у, — дилимдаги бир гапни сизга очиқ айтиб қўя қолмоқчиман. Ортиқча иборалар билан маҳмадоналик қилишни таъбим кўтармайди, хушомадгўйликдан энсам қотади. Қисқаси, биз билан ҳамсояликда истиқомат қиларкансиз, сизга нисбатан дўстона меҳрим тушиб қолганини айтиб қўймоқчиман. Дастлаб, кутилмаган вазиятда учраган ўша бебахт аёлга бўлган муносабатингиз ҳақидаги гапларингизданоқ менга ёқиб қолган эдингиз. Ўша фурсатдаги хатти-ҳаракатларингиз бамаъни ҳисобланмаса ҳам, лекин сизнинг сабр-андишали, раҳмдил, бошқаларга илтерламаотингизни аямайдиган кимса, ҳақиқий жентельмен эканлигингиздан далолат эди. Шунинг учун ҳам сиздан кўнглим тўқ бўлиб, ишончимни оқлагандингиз ҳам.

У жим бўлиб қолди, лекин шу ондаёқ сўзини ҳали тамомламаганига ишора қилиб қўлини кўтарди-ю, жавобимга хотима берди. Бу ерга кирганимизда оқ кийимли аёл хаёлимда ҳам йўқ эди. Мисс Ҳалкомб сўзлари энди ўша саргузаштим хотираларини ёдимга туширганди. Бутун суҳбатимиз давомида хаёл оҳушида бўлдим. Бу бежиз эмасди.

— Дўстингиз сифатида, — давом этди у. — сизга гапнинг очигини айтиб қўя қолмоқчиман: сирингизни билиб олдим. Бунда бирон бегонанинг фикри, луқмаси ёки ёрдамига эҳтиёж ҳам йўқ, жаноби Ҳартрайт. Ўйламай-нетмай ишқ домига тушиб қолгансиз — афсуски, синглим Лаурага сидқидилдан меҳр қўйгансиз. Бунга иқрорлигингизни ўз оғзингиздан эшитиб, дилингизга озор етказмоқчи ҳам эмасман. Ахир, соф виж-

донингиз буни инкор қилишга йўл бермаслигини ҳам биланман, кўришиб турибди. Қалбингизнинг пуч савдога талпинишида сизни айблаётмайман, фақат ачинаман. Ниятингизга етиш учун уринмадингиз — синглимга бу ҳақда оғиз ҳам очмагансиз. Сизнинг бирдан-бир гуноҳингиз кўнглингизнинг бўшлиғи-ю, шахсий манфаатларингизни ҳисобга ола олмаганингиздан бошқа нарса эмас. Агар хатти-ҳаракатларингизда андак кўрслик ёки ўзбошимчаликка йўл қўйганингизда эди, аллақачоноқ уйдан чиқариб юборган бўлардим, бировнинг мулоҳазасини кутиб ўтирмасдим, ҳатто маслаҳатлашиб ҳам қўймасдим. Айни масалада сиздан ўпкалашимга ҳам ўрин йўқ, бу — ёшингиз ва мавқеингиз кулфати. Қўлингизни беринг, дилингизни оғритиб қўйдим; гамингизга яна гам ҳам қўшман, бунда нажот умидига ўрин йўқ. Аввал дўстингиз Мариан Ҳалкомбга қўлингизни беринг.

Мана шундай меҳрибонлик ва самимият руҳидаги илиқ ва беғараз мулозиматлар кутилмаган мурувват эзилган юрагимга малҳамдай бўлди, руҳимни кўтарди, шу лаҳзаёқ ўзимни анча ўнглаб олдим. У қўлимни ушлар экан, юзига разм солишга ҳаракат қилдим, лекин кўзларим жиққа ёшга тўлганди. Миннатдорлик билдиришга уриндим — гўлдираб қолдим.

— Менга қулоқ солинг, — деди у ҳаяжонланаётганимни гўё сезмаётгандай. — Менга қулоқ солинг, буни ҳозироқ узил-кесил ҳал қилиб қўя қолайлик. Энди сизга айтиладиган, менимча, энг оғир ва адолатсиз масалада, ўртага ташланадиган ижтимоий тенгсизлик масаласида менинг ҳеч қандай масъулиятим йўқлиги кўнглимга анча далда беради. Ярангизга туз сепадиган вазиятлар мени табақа ва мартабадек таҳқирона масалаларга илова қилиб, айни бир бошпанада ўзим билан бирга дилкаш ҳамсоя бўлиб истиқомат қилган кишининг дилига озор етказишдек бетакаллуфликка йўл қўйишдан халос этади. Дард устига чипқон чиқмасидан, жаноби Ҳартрайт, Лиммериж хонадонини тарк этишингиз керак. Мана шуни сизга уқтириб қўйиш — менинг бурчим; мабодо, сиз Англиядаги энг бадавлат хонадон вакили, аслодалардан бўлганингизда ҳам, барибир, вазият шуни тақозо қилган бўларди — жиддий ва ўта нозик зарурат туфайли буни айтишим шарт экан. Сиз бу ерни тарк этишингиз керак, лекин расм ўқитувчисилигингизнинг бунга мутлақо дахли йўқ... — У бир лаҳза жимиб қолди, юзимга тик қаради ва столни айланиб ўтиб, қўлини оҳиस्ताгина қўлим устига қўйди. — Расм ўқитувчи-

силигингизнинг мутлақо даҳли йўқ, — такрорлади у, — бунинг бирдан-бир сабаби Лаура Фэрлининг унаштирилиб қўйилганию, тўй тарадудисидир.

Охирги сўзлар юрагимни ўқдек тешиб ўтди. Қўлларим бўшашиб, ҳатто мисс Ҳалкомб қўлини ҳам сезмай қолибман. Нафасим ичимга тушиб, қимирлашга холим қолмаганди. Хазон — япроқларни оёқ остимизда гирдикапалак қилаётган аччиқ куз изгирини кутилмаганда менга ҳам ўз заҳрини сочган — орзу-умидларим ҳам гўё хазон-япроқларга айлангандию, уларни еллар бошқаларига қўшиб чирпирак қилганича узоқларга олиб кетарди. Орзу-умидлар! Никоҳланганми ёки никоҳланмаганми, энди нима фарқи бор — у мендан йироқ эди. Менинг холимга тушган бошқа бирон кимса шундай хаёлга борармидийкин? Йўқ, унга менчалик шайдо бўлганида ҳам, йўқ дейиш мумкин.

Дард чекинди, аммо унинг зирқираб кўнгилни беҳузур қилаётган оғриғи қолди. Мисс Ҳалкомбнинг қўлимни сиқаётганини яна қайта сеза бошладим. Бошимни кўтариб, унга қарадим. Қопқора шаҳло кўзлари менга термилиб қолганини, паға бўлиб кетган юзимга зеҳн солиб турганини сездим, у ҳам буни фаҳмлади.

— Юлиб ташланг ўша муҳаббатни! — деди у қатъи. — Унга биринчи бор кўзингиз тушган мана шу ернинг ўзидаёқ юлиб ташланг! Заифадек кўп тўлганаверманг. Юрагингиздан юлиб юборинг, мардонавор иш тутинг!

Унинг мана шу оташин сўзлари замиридаги амирона илтижоси, ҳамон менга термилиб турган кўзларию, қўлимни сиқиб вужудимга куч бағишлаётган қўлида мужассамлашган ирода кучидан ўзимга келдим. Иккаламиз бир дақиқа жим туриб қолдик. Ниҳоят, у илҳақ бўлиб турган мардлик умидини оқлашга муяссар бўлдим — ҳар ҳолда, юзаки бўлса ҳам, ўзимни қўлга олдим.

— Иродангизни жиловлаб олдингизми?

— Шундай, мисс Ҳалкомб, иродамни жиловлаб, сиздан ва улардан узр сўрагудек холим ҳам келиб қолди. Бошқа иложим қолмагач, ахир миннатдорлигимни берган маслаҳатингизга амал қилиш билангина исботлай оламанда!

— Ўз жавобингиз биланоқ уни исботлаб бўлдингиз — деди у. — Жаноби Ҳартрайт, ўртамизда сир тутишнинг ҳожати йўқ. Синглим менга ўз оғзидан гуллаб қўйганини сиздан яширмай қўя қолайин. Синглимнинг осойишталиги учун, қолаверса, ўзингизни ҳам ўйлаб, бизни тарк этишингиз керак. Бу ерда туришингиз, зарурат туфайли орамизда содир бўладиган одатдаги ҳар хил беозор мулоқотингиз,

тангрига маълум, унинг оромини олиб, аҳволини мушкуллашти-
ряпти. Уни ўз жонимдан ҳам афзал кўрганимдан, ўша пок, мўъта-
бар, беозор хилқат менинг имон-ишончим бўлиб қолганидан ҳам,
ич-этини кемираётган армонини — унинг рози-ризологи-сиз би-
ровга унаштирилиши билан кўнглига гашлик сояси тушган онда-
ноқ азоб чекиб юрганини жуда яхши биламан. Ўша нарса уни анча
талвасага солиб кўйганди, демоқчи ҳам эмасман. Ахир, бўлар иш
бўлганидан кейин у ҳақда валдирайверишнинг нима ҳожати бор?
Унинг замирида муҳаббат эмас, насл-насаб масаласи ётади-да. Ота-
си бундан икки йил муқаддам ўлим тўшагида ётганида фотиҳа бер-
ган, синглим эса бундан на мамнун бўлган ва на қайгурган — шун-
чаки, тақдирга тан бериб қўя қолганди. Сиз шу ерга келганингизга
қадар у кўнгил кўйиб ёки кимнингдир меҳрини товлаб турмушга
чиқиш нималигини билмайдиган, никоҳгача эмас, ундан кейинги-
на меҳр кўйишга одатланган (кўнгилсиз бўлишни уларга ким кўйиб-
ди!) юзлаб аёлларимиз қатори эди. Дилимдагини сўз билан ифода-
лашга тилим ожизлик қилади, сиз ҳам иродангизни маҳкам тутиб,
матонат билан шунга иқрор бўласиз, деган ниятдаман — ўша сипо-
лик ва сабр-бардошлилик анъаналарини маҳв этаётган янги ҳис-
туйғулар, орзу-умидлар чуқур илдиз отиб, кейинча уни юлиб таш-
лаш мушкуллашмаса дейман. Кўздан нарироқ бўлишингиз (виждо-
нингиз, иродангиз ва ақл-заковатингизга иқрор бўлмасам, шу да-
қиқада ҳам ўша фазилатларингизга умид боғламаган бўлардим),
кўздан нарироқ бўлишингиз уринишларимни зое кетказмайди, вақт
эса учаламизга ҳам мадад беради. Дастлабки кунларданоқ сиздан
кўнглим тўқ эди, янглишмаган эканман, мана шунинг ўзи катта
гап. Энди, ўша мискин, нотавон йўловчи аёлнинг илтижосини ерда
қолдирмаганингиздек, ўз муносабати билан сизга жудолик ташви-
шини орттираётган талабангиздан ҳам меҳру-шафқат, марҳамат ва
матонатингизни аямагайсиз, деган умиддаман.

Яна ўша оқ кийинган аёлни ўртага суқади-я! Наҳотки, мисс
Фэрли билан мен ҳақимда гап кетганда Анна Катерикни ҳам орага
суқиб, уни рўкач қилмасликнинг иложи бўлмаса?

— Ўртадаги битимнинг бузилиши масаласида Фэрли жаноб-
ларига нима узр кўрсата оламан? — дедим. — Узрим қабул қилин-
гудек бўлса, қачон кетинг дейсиз. Гапингизни икки қилмай,
маслаҳатингизни бажо келтиришга ваъда бераман.

— Ҳамма гап вақтда, — жавоб берди у. — Бугун эрталаб келаси
душанба ҳақида қирмизи хонани ясатиб кўйиш масаласида оғиз
очганимни эшитган эдингиз. Душанба кунни келадиган меҳмон...

Унинг бундан ҳам ошкорароқ сўзларини кутиб ўтиришга сабрим чидамади. Ҳозиргина қулогимга чалинган гаплар, мисс Фэрлининг нонушта пайтидаги авзои билан хатти-ҳаракатлариёқ Лиммериж хонадонидида қутилаётган меҳмон бўлгуси куёв эканлигини кўрсатиб турарди. Ўзимни босишга ҳаракат қилдим; лекин ўша дақиқа ботинимда иродамдан ҳам кучлироқ нарса тугён уриб, мисс Ҳалкомбнинг сўзини бўлдим:

— Бугун кетақолайин, — дедим алам изтиробидида. — тезроқ бўлгани маъқулроқ.

— Йўқ, — бугун эмас. — жавоб берди у. — Битим муддатингиз ниҳоясига етмасиданоқ жўнаб кетишингиз масаласидида Фэрли жаноблари розилигини олишнинг бирдан-бир йўли кутилмаган зарурат туфайли Лондон сафарига ижозат сўрашингиз бўлади. Буни амалга ошириш учун эса эртагача — алоқа фарроши етиб келгунича кутиб туришингизга тўғри келади. Ўшандагина Фэрли жаноблари отланишингиз сабабини Лондондан келган хабарга йўйиб, режаларингизни беихтиёр ўзгартираётганингизга ишонч ҳосил қилади. Алдамчиликдек тубанликка юз тутиш, агар у бировга заррача озор етказмаса ҳам, тубанлик ва бемаънилиг-а, аммо Фэрли жанобларини яхши биламан, мабодо уни андак чалғитишга уринганингизни сезиб қолгудек бўлса, ишингиз пачава бўлди, деяверинг. У билан жума куни эрталаб учрашишни, кейин (валинеъматингиз билан ўртангиздаги ўзаро манфаатларингиз туфайли) ниҳоясига етмай қолган ишларингизни иложи борича бартараф қилиб, шанба куни жўнаб кетиш ҳаракатига тушинг. Мана шунда, жаноби Ҳартрайт, сиз учун ҳам, ҳаммамиз учун ҳам вақт етиб ортади.

У нимани лозим кўрса, ипидан-игнасигача бажо келтиришга тайёрлигимни, мендан кўнглини тўқ тутаверишини ҳали уқдириб улгурмаган ҳам эдим, бутазор оралаб яқинлашаётган оёқ шарпасидан ҳушёр тортдик. Кимдир хонадондан бизни излаб келарди! Назаримда, юзимга қон урилиб, қайтди. Наҳотки, шу пайт ва шундай вазиятда олдимизга келаётган учинчи шахс мисс Фэрли бўлса?

Бизни гулгулага солган ўша кимса бино остонасида пайдо бўлдию (мисс Фэрлининг дастёр чўриси экан) ҳафсалам пир бўлиб кетди — умидим пучга чиқиб, юрагим эзилганича мерайиб қолдим.

— Икки оғиз сўзимни эшитишга фурсатингиз бўладими, мисс? — деди шоша-пиша ўша чўри қиз ийманиброқ.

Мисс Ҳалкомб зинадан бутазор томон тушиб, у билан бир неча қадам четроққа ўтишди.

Ўзим танҳо қолгач, вужудимни жудолик ўкинчи босди, буни

сўз билан ифодалашга ожизлик қиламан. Хаёлим Лондондаги ўша ҳувиллаган ҳужрамда ўтиши яқинлашиб келаётган аянчли сўққабошлик кунларимга олиб кетди. Кумберленддаги омадларим хом хаёли билан қувонган меҳрибон нуроний онагинаму синглимни, эътиборсиз қолган дўстларимнинг жудолик изтиробларини эсларканман уларни бутунлай унутиб юборганим қанчалар уятлиги, гиналарга сабаб бўлиши энди хаёлимга келганди. Онаизорим билан синглимнинг олдига меҳнат битимининг бекор бўлиши ва анови шунчаки савдойилигим учун тавбаи-тазарру қилиб кириб борсам, улар не аҳволга тушаркин? Ахир, Хемпстед чорбоғидаги ўша сўнгги қувончли оқшом мени не-не умидлар билан кузатиб қолишганди!

Яна Анна Катерик! Ҳатто онам ва сингим билан бўлган ўша хайрлашув оқшоми хотираси ҳам менга ҳозир Лондон йўлидаги ойдин кеча саргузаштини эслатиб турарди. Бу нимага ишора экан? Ўша аёл билан яна бир бор учрашишим муқаррармикин? Шундай бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Лондонда яшашимни у билармиди? Ҳа. Баронет унвонли кишилардан танишларингиз кўпми, деб иккиланиб қолганида, ўша галати саволидан олдинми ёки кейинми айтган эдим. Олдинми ёки кейинми — ўшанда ҳам хаёлим буни эслаб қолгудек жойида эмас эди.

Мисс Ҳалкомб чўри қизни жўнатиб, олдимга қайтгунича бир неча дақиқа ўтди. У ҳам энди шошилаётгандай, безовтароқ кўринарди.

— Ҳамма долзарб масалаларни келишиб олдик, жаноби Ҳартрайт, — деди у. — Дўстона самимийлик билан бир-биримизга тушундик, энди тўғри уйга қайтсак ҳам бўлаверади. Сизга очиғини айтсам, Лаурадан кўнглим ғашланиб турибди. Мени зудлик билан кўриш ниятида эканлигини билдириш учун чўри юборган экан. Унинг сўзларига кўра бугун эрталаб олган мактуби (шакшубҳам йўқ, бу ерга келишимиз олдидан уйга йўлланилган ўша мактуб) уни анча саросимага солиб қўйгандек эмиш.

Биз биргаликда яна ўша бутазор сўқмоғидан орқамизга қайтдик. Мисс Ҳалкомб кўнглига тугиб қўйган бари гапини батафсил айтиб олган, менинг дилимдаги гаплар эса ичимда қолиб кетганди. Лиммерижда кўз тутилаётган меҳмон мисс Фэрлининг бўлажак ёри эканлиги пайқалган дақиқаданоқ аламзада кўнглим ва ўртанган юрагим ҳавас эҳтироси билан унинг кимлигини билишга ошиқарди. Кейинча мана шу савол ноўрин бўлиб қолармикин, деган андишада уйга қайтаётганимиздаёқ сўраб қўя қолишга аҳд қилдим.

— Бир-биримизга тушунганимизни ўзингиз, самимий изҳор қилиб турибсиз-а, мисс Ҳалкомб, — дедим. — Қаноатингизга балли, кўнглингиздагидек иш тутишимга ҳам ишонасизку-я, ҳалиги, сўрашга истиҳола қилиб тилим бормай турибди-да... (каловланиб қолдим — уни, ваъда қилинган ёри сифатида хаёлга келтириш нечоғлик қийин бўлса, уни тилга олиш ундан ҳам қийинроқ эди) мисс Фэрлига унаштирилган жентлменнинг ўзи ким экан?

Унинг фикри-ёди синглисидан келган хабар билан банд бўлса керак, паришонхотирлик билан шунчаки жавоб берди:

— Ҳемпширдаги каттагина мулкдор жентлмен.

Ҳемпшир! Анна Катерикнинг тугилган жойи. Яна ва яна ўша оқ кийинган аёл. Бунда бирон-бир тақдир тақозоси бўлса керак.

— Исми-чи? — дедим иложи борича мулойимлик ва лоқайдлик билан.

— Сэр Персивал Глайд.

Сэр — сэр Персивал! Анна Катерикнинг саволи (эҳтимол, менга таниш бўлган биронта унвонли кишилар ҳақидаги ўша сирли савол) мана шу жавобда такрорланишидан илгарироқ, ёзги бино ичида турганимизда мисс Ҳалкомб ёнимга қайтаркан, хаёлимдан ўтган эди. Таққа тўхтаб, ҳамроҳимга қараб қолдим.

— Сэр Персивал Глайд — такрорлади у, олдинги жавобини эшитмай қолди, деб хаёлидан ўтказган бўлса керак.

— Найтми¹ ёки баронет? — савол ташладим ҳаяжонланаётганимни энди ортиқча босолмай.

У бир лаҳза жим бўлиб қолди, сўнг лоқайдлик билан:

— Баронет, албатта, — совуққина жавоб берди.

Х

Уйга қайтар эканмиз, иккаламиздан ҳам бирон-бир садо чиқмади. Мисс Ҳалкомб шоша-пиша, синглисининг олдига чиқиб кетди, мен эсам Фэрли жанобларининг ҳали гардишланмаган, таъмирлаб улгурилмаган расмларини ниҳоясига етказиб, уларни бошимдан соқит қилишга тайёрлаб қўйиш ниятида студиямга қайтдим. Мана энди ўзим ёлғиз эканман шу пайтгача дилимдан нарироқ тутишга уриниб келган фикрлар, аянчли аҳволимни яна ҳам мушкуллаштирадиган фикрлар хаёлимни чулғай бошлади.

¹ Найт (knight) — инглиз қироли олдидаги хизмати учун бериладиган унвон.

Мисс Фэрлининг турмушга чиқиши аниқ — унаштириб қўйилган, бўлажак ёри сэр Персивал Глайд эди. Баронет унвонли, Хемпширдаги каттагина мулк эгаси.

Англияда юзлаб баронетлар, Хемпширда эса ўнлаб заминдорлар бор. Далиллар асосига суянадиган қуруқ қоидаларга қараб ҳукм қилгудек бўлсак, оқ кийинган аёлдан эшитган шубҳали маълумотларимга қўра, сэр Персивал Глайддан, умуман, гумон қилишга ҳам ўрин йўқ. Шунга қарамай, ҳамма гап ўшанда, деган қарорга келдим. Бунинг сабаби унинг мисс Фэрли билан чамбарчас боғланиб қолганлиги, мисс Фэрлининг эса, ўз навбатида, ўша мудҳиш кечадан буён менга аён бўлиб турган ўзаро машғум ўхшашлиги туфайли Анна Катерик билан алоқадор бўлиб қолганлиги хаёлимдан нари кетмаётганиданмикин? Асабларимни ўйнатиб қўйган эргалабки воқеалар яъни одатдаги тасодифлар ва ҳаётда учраб турадиган тақлидлар макридан васвасага тушиб қолмадиммикин? Бундай дейишга ўрин йўқ. Ёзги бинодан қайтишимизда мисс Ҳалкомб билан бўлган гаплар менга галати туюларди. Аниқ бўлмаса ҳам, қандайдир ёвуз бир хавф таҳдид қилиб турганидан гафлатда эканимизни сезаётгандек бўлардим. Назаримда, энди ўзимни бу воқеалар занжиридаги таркибий бир халқа, деб ҳисоблардим, ҳатто, яқин кунларда Кумберленддан жўнаб кетишим ҳам уни узиб ташлашга қодир эмасди. Бу ишлар нималарга олиб бораркин, оқибати нима бўларкин — мана шу хаёллар тобора миямни чулғаб, хаёлимдан нари кетмай қолганди. Ўзбошимчалигим туфайли мубтало бўлиб қолган оний муҳаббат савдосининг аянчли якунидан чекаётган аччиқ азоб-уқубатларим ундан ҳам кучлироқ тўлган ҳиссиётлар — таҳлика солиб турган мавҳум фалокат бошимиз устида вақт тақозосини кутиб турган кулфатлар ҳиссиёти — олдида заифлашиб, хира тортган эди.

Расмлар билан шуғуллана бошлаганимга энди ярим соатдан ортган эди ҳам, эшик тикиллаб қолди. Жавобимдан сўнг очилиб, мисс Ҳалкомб кириб келди. Ҳайрон бўлиб қолибман.

Афтидан, дилгир ва безовтароқ кўринарди. Курси қўйиб, ўтқазишимни кутмасданоқ ўзи курси олиб, менга ёнма-ён ўтирди.

— Жаноби Ҳартрайт, — деди у. — суҳбатимизнинг кўнгилхорлик мавзуларига чек қўйиб бўлдик, деган умидда эдим, ҳеч бўлмаса бугунгисига. Чучварани хом санаган эканмиз. Синглимни яқинлашиб қолган никоҳ масаласида уни зимдан кўрқитишга уринаётган қабихликлар чиқиб қолди. Мисс Фэрли номига ёзилган мактубни, ёзуви ҳам қизиқроқ туюлганди, боғбон орқали уйга жўнатганимни кўрган эдингиз-а?

— Албатта.

— Ўша мактуб имзосиз хат экан. Ундан кўзланган мақсад — сэр Персивал Глайдни синглим назарида очикдан-очик бадном қилиш. Мактуб у бечорани шунчалар ҳаяжонлантириб, юрагига гулгула солиб қўйбидики, уни ёлғиз қолдириб, бу ерга келиш учун озмунча уринмадим, озмунча тасалли беришга тўғри келмади. Бу — оила масаласи, айнаи мавзуда сиз билан маслаҳатлашишга ҳаққим йўқлигини биламан, бунинг сизга тааллуқлили жойи ҳам, қизиги ҳам йўқ...

— Мени маъзур тутгайсиз, мисс Ҳалкомб, мисс Фэрлининг ёки ўзингизнинг бахтнингизга тегишли масалаларга бефарқ қарай олмайман, хаёлим шуларда.

— Илтифотингиздан беҳад хурсандман. Сиз мана шу хонадон ичи-ю ташидаги менга маслаҳат бера оладиган якка-ю ягона кишисиз. Фэрли жаноблари саломатлигининг путури кетгани, ваҳима таҳликасига тушиб қолгани ва бошқа сир-асрори ҳисобга олинганида, уни хаёлга келтирилмаса ҳам бўлади. Руҳоний отамиз, эса, юмшоқ кўнгил, дурустгина кишию диний ақидалардан бошқа ҳеч нарсага ақли етмайди; қўшниларимиз бўлса шунчаки лоқайд, фақат ўз осойишталигини ўйлайдиганлар тоифасидаги танишлар, уларни бирон-бир кулфат ёки хавф-хатар пайтида безовта қилиш ортиқчалик қилади. Сиздан сўрашга мунтазир бўлаётган нарса — мактуб эгасини аниқлашга ҳозироқ киришишим шартмикин? Ҳамма гап айнан мана шу бугунги кунга тақалади. Шу бугуноқ киришишдан бирон наф чиқармикин ёки бефойдамикин — муҳими шун, деб ўйлайман. Бу ҳақда фикрингизни айтсангиз, жаноби Ҳартрайт. Мушкул аҳволим тақозо қилиб турганига қарамай, жуда нозик бир вазият туфайли сизга ишонч билан қарашга мажбур бўлиб қолганим ҳам, эҳтимол, ўзим учун ҳам узрли эмасдир. Лекин шунга қарамай, ўзаро муносабатларимизни назарга олганимизда ҳам, сизнинг уч ойлик дўст эканлигингизни унутмаслигим керак.

У мактубни менга берди. Унда мулозиматли мурожаат ҳам кўринмас, бетакаллуфлик билан қўйидагича бошланганди:

«Тушга ишонасизми? Ўз манфаатингиз туфайли ишонасиз, деб умид қиламан. Туш ва унинг таъбирлари ҳақидаги муқаддас саҳифаларга эътибор бериб (qenesis xL 8, xLi 25; Daniel iv 18-25), афсус ва надомат қилиб қолмасингиздан аввалроқ сизга етказган хабаримдан огоҳ бўлинг.

Ўтган кеча тушимга кириб қолибсиз. Гўё ибодатхона меҳроби

томонида турган эмишман — мен ризвон минбарининг бир томонидаю дуо қуллиётини ушлаб турган оқ ридоли руҳоний иккинчи томонида эмиш. Андак фурсат ўтиб, бир киши билан бир аёл ўрта йўлдан ёнма-ён тушиб келармиш, никоҳ ўқитиш учун биз томон яқинлаша бошлармиш. Ўша аёл сиз эмишсиз. Кўрам оқ ипак кўйлагингиз ва ҳаё пардасидек юзингизга тушиб турган ҳарир узун оқ шал рўмолингиз бирам ўзингизга ярашиб, шунақаям гўзал, беозор кўринармишсизки, сизга раҳмим келганидан юрагим эзилиб, кўзларим ёшга тўлармиш.

Бу, бекач ойим, гойибдан келган шафқат ёшлари эмиш; фақат улар ҳаммамизда ҳам кун сайин тўкилиб турадиган кўз ёшларимиздек оқиб тушмай, иккита ёруғ нурга айланармиш-да, сиз билан минбар олдида турган киши томон чўзилиб бориб унинг кўкрагида тўхтармиш. Шу тариқа ўша иккала нур у билан менинг орамизда само камалагидек пештоқ ҳосил қилармиш. Мен нурлар йўлидан қарармишман-да, ўша киши юрагининг ич-ичини кўрармишман.

Сиз турмушга чиқаётган кишининг ташқи қиёфаси анча саловотлик эмиш. Новча ҳам, пакана ҳам эмас — ўрта бўйликдан хиёл пастроқ эмиш. Кўринишидан қирқ беш ёшлар чамасидаги хуштабиат, серғайрат ва қувноқ киши. Юзи заҳил, пешона усти ялама кал, бошининг қолган қисмидаги сочлари хурмо ранг. Соқоли қирилгану, лекин икки чаккаси билан юқори лабининг устки қисмида худди ўша рангли мўйлар ўстирилган. Кўзлари ҳам хурмо ранг, пориллаб турармиш; қирра бурни хушбичим, насиб этгудек бўлса, аёлларга ҳам ярашгудек кўринармиш. Кўллари ҳам ўшандай эмиш. Ўқтин-ўқтин қуруқ йўтал безовта қилиб турармиш, шунда оппоқ ўнг қўли билан оғзини тўстганида панжасининг орқа томонида эски ярасининг қизил чандиғи кўзга ташланармиш. Тушимда намоён бўлган киши ўшами? Аниқроғини ўзингиз биласиз, мисс Фэрли, ҳақ ёки ноҳақлигим ҳукми ўзингизга ҳавола. Буёғини эшитинг, ташқи қиёфаси остида нималар кўрдим денг — сиздан илтижо қиламан, ўқинг ва ундан наф олинг.

Ўша икки нур йўлидан қарармишману, юрагининг ич-ичини кўрармишман. У ер зулматдек қоп-қора, устига эса кўкдан тушган паришта дасхати оловли қизил ҳарфлар билан қуйидаги лавҳа битилганмиш: «Раҳм-шафқат, тавба-тазарру нималигини билмайди. Кўпчиликнинг бошига қулфатлар солган, ёнидаги аёл бошига ҳам қулфат тушириш билан ҳаёт кўради». Мана шуларни ўқиганмишман, кейин нурлар силжиб, унинг елкаси устига йўналармиш; орқасида иблис қаҳ-қаҳ уриб кулиб турармиш. Нурлар яна

бир силжиб сизнинг елкангиз устига ўтармиш; орқангизда бир фаришта кўз ёши тўкиб турармиш. Нурлар учинчи маротаба силжиб сиз билан ўша киши ўртасига ўтармиш. Улар тобора кенгайиб, сизларни бир-бирингиздан ажратармиш. Руҳоний эса, никоҳ дуосини излаб бекорга овора бўлармиш; дуо китобдан ўчиб кетганмиш-да; шунда хуноб бўлиб китобни ёпармишда, четга суриб кўярмиш. Мен бўлсам, кўзим тўла ёш, юрагим пора-пора бўлганича уйғонармишман — тушга ишонаман-да.

Сиз ҳам ишонинг, мисс Фэрли, сиздан илтижо қиламан, ўз манфаатингиз ҳаққи, худди мендек ишонинг. Муқаддас китобдаги Юсуф билан Даниёл ва бошқалар ҳам тушга ишонишган. Унинг бебахт хотини сифатида боғлаб қўювчи ризолигингизни беришдан аввал ўша кўлида чандиги бор кишининг ўтмиш ҳаётини суриштириб кўринг. Мен ўз манфаатимни эмас, сизнинг манфаатларингизни кўзлаб огоҳлантиряпман холос. Мен учун сиз саломат бўлсангиз кифоя, танамда жоним бор экан, ўшанинг ўзи менга кифоя. Онангизнинг қизи дилимга жо бўлиб қолган, онангиз менинг дастлабки қадрдоним, менинг яккаю ягона дугонам эди».

Файритабий мактуб шу билан ниҳоясига етган, имзо ҳам қўйилмаганди.

Дастхатга қараб масалани ойдинлаштиргудек бирон-бир «калит»га умид қилиб бўлмасди. Тўғри чизиклар шартли хусниҳат ёзувида, бошқачароқ қилиб айтганда, «шоғирдлар кўли» билан наридан бери тўлатилганди. Унинг ноаниқлиги, хиралиги, сиёҳ доғларидан ажи-бужиси чиқиб кетгани ҳисобга олинмаса, кўзга ташланадиган бошқа ҳеч вақоси ҳам йўқ эди.

— Бу чаласавод мактуб эмас, — деди мисс Ҳалкомб, — айти вақтда, албатта, қовушмаган жумлаларига кўра ҳаётнинг юқори-роқ табақасидаги ўқимишли кишининг мактуби ҳам бўла олмайди. Никоҳ кўйлак билан шал рўмол тасвири ва бошқа шунчаки арзимас иборалар унинг муаллифи аёл кишилигини кўрсатаётгандай бўлади. Сиз нима деб ўйлайсиз, жаноби Ҳартрайт?

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Назаримда, у шунчаки аёл кишининг мактуби эмас, балки ақл-идроки...

— Жойида бўлмаган? — илова қилди мисс Ҳалкомб. — Менга ҳам шундай туюлганди.

Мен жавоб бермадим. Гапираётганимда кўзим мактубнинг сўнгги жумласига тушиб қолган эди: «онангизни қизи дилимга жо бўлиб қолган — онангиз менинг дастлабки, менинг жонажон, менинг бирдан-бир дугонам эди». Мана шу сўзлар билан мактуб муалли-

фининг ақл-хуши борасида ҳозиргина оғзимдан чиқиб кетган гумоним хаёлимда мужассамлашди-ю, бошқа бир фикр юзага келиб қолди. Тўғриси уни айтганда, уни очикдан-очик гапириш у ёқда турсин, хаёлан эътироф этишга ҳам юрагим дов бермасди. Ақл-хушим ўзи жойидамикин, деган хаёлга ҳам бора бошлагандим. Назаримда, бу ҳамма нарсани илгари бўлиб ўтган гаройиб воқеаларга, қайд қилинганидек, жамики тасодифларни ҳар вақт ўша мавҳум манбаъ ва ўша машғум таассуротга боғлаш васвасаси эди. Шу гал энди ўз туйғум ва ўз иродамга таяниб, ишончли далил тасдиқлаб турган ҳолда ҳам, хулоса чиқармасликка қарор қилдим, тахмин ва гумон қилинганки нарсадан қатъи воз кечдим.

— Мабодо мактубни ёзган шахсдан дарак топишнинг бирон-бир йўли бўлса, — дедим мактубни мисс Ҳалкомбга қайтариб берар эканман. — фурсатни бой бермай ўша имкониятни ишга солсак, ҳеч нарса йўқотмасдик. Хатни берган нуроний аёл ҳақида боғбон билан яна гаплашишимиз керак, деб ўйлайман, кейин қишлоқ аҳлидан суриштирсак. Аввало менинг битта саволимга жавоб берсангиз. Ҳозиргина Фэрли жанобларининг адлия маслаҳатчиси билан эртага учрашишингиз мумкинлигини қайд қилиб эдингиз. У билан тезроқ учрашишнинг иложи йўқми? Нега бугун эмас?

— Бунга фақат синглимнинг никоҳига тааллуқли аниқ вазиятларни тилга олиш билангина жавоб беришим мумкин, — деди у. — лекин эрталаб бу ҳақда сизга оғиз очиш ноўрин ёки ҳожати ҳам йўқ, деб ўйлагандим. Сэр Персивал Глайднинг бу ерга душанба куни келиш мақсадларидан бири — никоҳ фурсатини тайин этиш. Айни масала шу вақтгача ҳам қилинмаган. Унга қолса, маросим шу йил охиригача ўтиб кетиши керак.

— Унинг бу ниятини мисс Фэрли биладими? — сўрадим мен интиқлик билан.

— Заррача хаёлига ҳам келтирмайди. Энди, айниқса, анави воқеадан кейин, бу масаладан уни огоҳ этиб қўйиш масъулиятини ўз гарданимга ололмайман ҳам. Сэр Персивал ўз ниятларини Фэрли жанобларигагина ошкор қилган. Фэрли жанобларининг шахсан ўзи менга Лауранинг ҳомийси сифатида унинг истакларини жони дили билан қабул қилишга тайёр эканлигини айтган эди. Хонадоннинг Лондондаги вакили Гилмор жанобларига мактуб йўллаган эди. У иш юзасидан Глазгога жўнаш олдида экан, қайтишда йўл-йўлакай Лиммериж хонадонига учраб ўтишини ёзибди. Эртага у шу ерда бўлади ва сэр Персивал муҳим бир қарорга келиб, ҳужжат тайёрлагунча бир неча кун шу ерда туради. Иши

битгудек бўлса, Гилмор жаноблари синглимнинг никоҳ битимини олиб, Лондонга қайтади. Очиқ маслаҳатлашиш учун эртагача кутишга тўғри келади, дейишимнинг сабабига, жаноби Ҳартрайт, энди тушунгандирсиз? Гилмор жаноблари Фэрли хонадонининг икки авлодини кўрган қадрдон ва содиқ дўсти ҳисобланади. Ҳеч кимга ишонмасак ҳам, ўшанга ишонамиз.

Никоҳ битими! Мана шу икки оғиз сўзнинг очиқдан-очиқ қулогимга барала чалиниши табиатимдаги ахлоқ ва одоб туйғуларимга чек қўйиб, ўзимни рашк ўтига ташлади. Хаёлга чўма бошладим: ўзимга эп кўришим оғир бўлса ҳам, фош бўлиши арафасидаги даҳшатли воқеликни миридан сиригача очиб ташлашим керак — аламзадалик ўчи тугён уриб, имзосиз хат мазмунидан сэр Персивал Глайд гарданига юкланадиган жиноят эҳтимолига умид боғлай бошлаганди. Ўша даҳшатли айблар ҳақиқат замирига асосланган бўлиб қолса-а? Уларнинг айни ҳақиқатлиги машғум розилик сўзлари мисс Фэрли оғиздан чиқишидан олдинроқ далилланиб, никоҳ битимини чиппакка чиқариб юборса-а? Менга куч бағишлаётган мана шу хом хаёл дилимдан нари кетмас, бу эса фақат мисс Фэрлига бўлган чин садоқатимга асосланарди. Шуни ҳам қайд этиб ўтишим лозимки, ўша хаёлга умид боғлаб ўзимнинг алданиб қолишим эҳтимолдан холи бўлмаганидек, бошқаларни ҳам чалғитиш ҳаракатига тушмаслигим керак эди. Дилимдаги мана шу ҳиссиёт мисс Фэрлига уйланиш ниятидаги кишига нисбатан аламим, адоватим ва нафратим асосидаги ўч олиш эҳтимоли бўлиб қолиши ҳам хаёлимдан ўтганди.

— Агар бирор хабар топишимиз зарур бўлса, — дедим энди сал ўзимни босиб, беғаразлик билан — вақтни қўлдан бермаганимиз маъқул. Боғбон билан яна бир бор учрашиб, ундан бу масалага аниқлик киритиш имкониятини бой бермасак, шундан кейингина қишлоқ аҳлидан суриштирсак — маслаҳатим шу.

— Иккала ҳолда ҳам сизга кўмаклашишим мумкин, деб ўйлайман. — деди мисс Ҳалкомб ўнидан тураркан. — Кетдик, жаноби Ҳартрайт, вақт ўтмасин, қўлимиздан келганича уриниб кўрайлик.

Эшикни очиб бериш ниятида унинг дастасини ушлаган ҳам эдимки, қутилмаганда, чиқиб кетиш олдидан бир муҳим масалага ойдинлик киритиб олиш учун таққа тўхтаб қолдим.

— Имзосиз мактубнинг бир бандида — дедим. — номаълум шахс ташқи қиёфаси батафсил қайд этилган жумлалар бор эди. Биламан, сэр Персивал Глайднинг номи тилга олинмаган, лекин кўрсатилган ташқи қиёфаларнинг унга умуман ўхшашлиги бормикин?

— Айнан ўзгинаси, ҳатто унинг қирқ бешдалиги ҳам.

Қирқ беш; у ҳали йигирма бирга ҳам тўлмаган-а! Шу ёшдаги кишиларнинг ёш қизларга уйланиши кундалик ҳаётда учраб турарди, ўшандаги никоҳдагилар аксарият ҳолларда энг саодатли бўлиб кетишади. Бу менга аён. Шунга қарамай, унинг ёши қайд этиларкан, мисс Фэрли ёши ўртасида тафовут ҳаёлимга келиб, ўша зотга нисбатан нафратимга нафрат қўшилар, унга ишонмасдим.

— Айнан ўзгинаси, — давом этди мисс Ҳалкомб. — ҳатто, бундан бир неча йил аввал Италия сафарида юрган пайтларида олган жароҳатининг изи — ўнг қўлидаги чандиги ҳам. Мактуб битувчининг Глайд қиёфасидаги унинг ўзигагина хос икир-чикирларигача хабардорлигига шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

— Агар янглишмаётган бўлсам, ҳатто, уни безовта қиладиган йўтали ҳам қайд қииб ўтилган-а?

— Шундай, тўғри қайд этилган. Йўталига ўзи унчалик эътибор бермаса ҳам, дўстларини анча ташвишлантиради.

— Уни бадном қиладиган гап-сўзлар эшитилмаган бўлса керак-а?

— Жаноби Ҳартрайт! Сиз ўша қабиҳ мактуб таъсирига тушиб қоладиган енгилтақлардан эмассиз, деб ўйлайман?

Юзимга қон уриб, қизариб кетдим; хат таъсирига тушиб қолганимни билардим-да.

— Шундай бўлса керак, — жавоб қилдим хижолат тортиб. — эҳтимол, бундай саволга ўрин ҳам йўқдир.

— Саволингиздан ҳафа бўлмайман, — деди мисс Ҳалкомб. — Ахир, жавобингиз сэр Персивал обрўйига адолат билан ёндашишга имкон беради. Оиламиз ҳам, мен ҳам, жаноби Ҳартрайт, унинг номига доғ туширадиган бирон-бир овоза эшитмаганмиз. У икки сайлов олдида ўз номзодини жамоатчиликка ҳавола этиб, бу оғир синовлардан омон чиққан. Англияда мана шунга қодир кимсалар бообруъ, нуфузли ҳисобланади.

Чурқ этмай эшикни очиб, унинг кетидан ташқарига чиқдим. У иқрор қилдира олмаганди. Агар мангулик саҳифаларига гуноҳ ва савобларни битиб турувчи фаришта унга ён босиш учун осмондан тушганида ҳам, муқаддас китобини очиб, уни мен ожиз банданинг ногирон кўзи олдида пеш қилиб турганида ҳам, иқрор қила олмаган бўларди.

Богбонни ҳар вақтдагидек иш устида топдик. Ҳар қанча уринсак ҳам, бу ҳафтафаҳм йигитдан биронта жўялироқ жавоб ола олмадик. Мактубни бериб кетган аёл қари эмиш; бирон-бир сўз айтмай, шоша-пиша жануб томонга равона бўлган эмиш. Богбондан эшитганларимиз мана шулар бўлди холос.

XI

Биз Лиммериж қишлоғини бошдан-оёқ кезиб, турли тоифаларга мансуб кишилардан бирма-бир суриштириб чиқдик. Натижа чиқмади. Қишлоқ аҳлидан фаққат учтасигина ўша биз қизиққан аёлни аниқ кўришганига ишонч билдирган бўлсалар ҳам, уни мутлақо тавсифлаб бериша олмадилар. Ҳатто, охирги гал кўрганларида қайси томонга кетгани мунозарали бўлиб, бу ҳақда бирон нарса дея олмаганлар орасидаги бу уч билагонларнинг кўмаги ҳам бошқа гумроҳ ҳамқишлоқлари кўмагидан нари бормасди.

Суриштира-суриштира қутилмаганда, қишлоқ чеккасига — миссис Фэрли ташкил этган мактаб олдидан чиқиб қолибмиз. Бинонинг ўғил болаларга мўлжалланган қисми ёнидан ўтар эканмиз, назаримда, амал эътиборига кўра шу ерларнинг энг зиёлиси ҳисобланган ўқитувчидан ҳам сўраб кўриш маъқул кўриниб, фикримни ҳамроҳимга маълум қилдим.

— У аёл қишлоқ оралаб қайтиб кетган вақтда ўқитувчи ўз ўқувчилари билан овора бўлган бўлса керак, деб ўйлайман, — деди мисс Ҳалкомб. — Ҳар ҳолда, учраб кўрайликчи.

Биз панжаралар билан ўралган майдон тарафидан ичкари кириб, бинонинг орқа томонидаги эшикка айланиб ўтиш учун дарсхона деразаси ёнгинасидан юра бошладик. Дераза олдида бир лаҳза тўхтаб, ичкарига назар ташладим.

Ўқитувчи минбар ёнида қарши томонга қараб ўтирар, назаримда, бир боладан ташқари қолган ҳаммасини олдига тўплаб, уларга насиҳат қиларди. Даврадан ташқарида қолган миқтигина, малларанг бола бурчакдаги курси устида тик турар, у гўё кимсасиз орол сургунидаги дарвешона ҳаёт хўрлигига маҳкум этилган кичик Робинзон эди.

Айланиб йўлакка ўтдик, эшик очиқ экан, ўқитувчининг овози ҳам барала эшитилиб турарди. Ўша ерда бир лаҳза тўхтаб қолдик.

— Энди, болалар, — деди ўқитучи, — мана шу гапларим ёдингизда бўлсин. Мабодо шу мактабда арвоҳлар ҳақида яна бир сўз эшитгудек бўлсам, ҳаммангизнинг холингиз вой. Арвоҳ — йўқ нарса. Демак, арвоҳларга ишонадиган ҳар қандай бола ҳаётда умуман йўқ нарсага ишониб юрган бўлади; Лиммериж мактабида ўқийдиганки бола ҳаётда йўқ нарсага ишонгудек бўлса, у оқилона иш тутмаган ва интизомни бузган ҳисобланиб, шунга яраша жазоланиши керак. Сиз ҳаммангиз шармандалик курсисидан турган Жекоб Пестевейтни кўриб турибсиз. У «ўтган кеча арвоҳ

кўрдим» дегани учун жазоланмаган, балки ақл-идрок билан иш тутмагани, ўта ўжарлиги, унга ҳаётда бўлиши мумкин эмаслигини уқтирганимга қарамай, яна «ўша арвоҳни кўрдим» деб саркашлик қилгани учун жазоланди. Агар Жекоб Пестевейт ақлухушини йигиб олмаса, дилидаги арвоҳни таёқ билан чиқариб ташлашимга тўғри келади. Борди-ю, шу нарса бошқангизга ҳам юқгудек бўлса, аяб ўтирмайман — ҳаммангизни савалаб, ўша арвоҳни чиқариб ташлайман.

— Бевақт келиб қолганга ўхшаймиз, — деди мисс Ҳалкомб ўқитувчи сўзини яқунлагач эшикни кенгроқ очиб, ичкарига йўл бошлаганича.

Синфга кириб боришимиз болаларни анча саросимага солиб қўйди. Улар бизни Жекоб Пестевейтнинг саваланишини кўргани келишган, деб ўйлашган бўлсалар керак.

— Жекобдан бошқа ҳаммангиз — деди ўқитувчи — уйга бориб, овқатланиб келинглар. У қаққайиб қолаверсин; раҳм қилса, ўша арвоҳи овқатини олиб келиб берар.

Синфдошларининг чиқиб кетиши, овқатсиз қолиши — умуман олганда, қўшалоқ маҳрумият Жекоб Пестевейтнинг попугини анча пасайтириб қўйганди. У энди қўлларини чўнтақларидан чиқариб, панжа бўғинларига хомуш термуларди, кейин чуқур ҳомуза тортди-да, икки қўлини кўзларига қўйиб аста-секин ишқалай бошлади. Унинг бу болалик изтиробига бурни ҳам ҳамдардлик оҳанги билан бир меъёрда пиқиллаб турарди.

— Сиздан бир нарсани сўрагани келувдик, жаноби Демпстер, — деди мисс Ҳалкомб ўқитувчига мурожаат этиб, — Арвоҳ кўчириш билан оворалигингизни хаёлимизга ҳам келтирмаган эканмиз. Ўзи нима гап? Бирор воқеа бўлдимми?

— Анави баттол бола, мисс Ҳалкомб, «кеча кечкурун арвоҳ кўрдим» деб болаларнинг ўтакасини ёриб юрибди, — жавоб берди ўқитувчи. — Бўлиши мумкин эмас, деб қулоғига қайта ва қайта қуйсам ҳам, ўша сафсатасини маъқуллаб турибди.

— Таажжуб, — деди мисси Ҳамкомб. — Болаларнинг арвоҳ нималигини тасаввур қила олишини хаёлимга ҳам келтирмаган эканан. Бу нарса Лиммериж ёшларига таълим беришдек оғир заҳмат устига устак бўлибди-да. Ҳа, хурофотга барҳам беришингизда сизга чин кўнгилдан зафар тилайман, жаноби Демпстер. Энди буёғини эшитинг, олдингизга нима учун ва нима мақсадда келганимга қулоқ солинг.

У ўқитувчига қишлоқ аҳлининг қарийб ҳар бирига берилган

саволни такрорлади. Яна ўша ҳафсалани пир қиладиган жавоб. Демпстер жаноблари биз суриштириб юрган бегона аёлнинг қорасини ҳам кўрмабди.

— Уйга қайтсак ҳам бўлар, жаноби Ҳартрайт, — деди мисс Ҳалкомб кўз тутган илинжимиздан умид узилгач.

У Демпстер жанобларига таъзим қилиб, дарсхонадан чиқаркан шармандалик курсисида ҳиқиллаб турган ўжар Жекоб Пестевейтга кўзи тушиб, чиқиб кетиш олдида бир-икки оғиз сўз билан бу кичик махбус кўнглини кўтариб қўймоқчи бўлди:

— Вой, тентакваччайей, — деди у. — Демпстер жанобларидан узр сўраб, ўша арвоҳни тилга олмай юра қолсанг бўлмасмиди?

— Ий-йе! Ўшайвоҳни кўйдимда, — қатъи жавоб берди Жекоб Пестевейт кўзини лўқ қилиб йиглаганича.

— Бўлмаган гап! Ҳеч вақони кўрмагансан. Арвоҳни кўрганмиш! Қанақа арвоҳни...

— Узр, мисс Ҳалкомб, — гапга аралашди ўқитувчи бироз ташвишланиб. — бу болага савол бермаганингиз маъқулроқ дейман. Ўжарлик билан маъқуллаётган аҳмоқона сафсатаси — куракда турмайдиган гаплар; яна ўйламай-нетмай гапиривормаса...

— Нимани ўйламай-нетмай гапиривормаса? — сўради мисс Ҳалкомб қатъи.

— Ўйламай гапириб дилингизни оғритиб кўярмикин дейманда — жавоб берди Демпстер жаноблари анча безовталаниб.

— Ё тавба, жаноби Демпстер, дилимни мана шу гўдак гапидан озор чеккудек нозик деган хаёлга бориб, мулозимат қилиб юбордингиз-ку!

— Ҳали шундайми, — деган киноя билан болага шартта ўгирилиб, унинг жавобини аниқлаш пайига тушди.

— Қани, гапиравер! — деди у. — Бу воқеани миридан-сирига-ча билиб қўяй. Қани, қулоқсиз болакай, ўша арвоҳни қачон кўрдинг?

— Кеча кун ботаётганида. — жавоб берди Жекоб.

— Ҳа-а! Уни кеча кечқурун, оқшом пайтида кўрибсанда? У нимага ўхшаркан?

— Айвоҳдақа айвоҳда, ҳаммаёғи оқ. — жавоб берди арвоҳ шоҳиди кексалардек билагонлик билан.

— Уни қаерда кўрдинг?

— Аши қабйистонда-да, қайейда бўлайди.

— Арвоҳдақа арвоҳ, қаерда бўларди, қабристонда-да, дейсан-а! Вой, тентакваччайей. Арвоҳ урф-одатларини худди юрагингдан

биладигандай гапирасан-а! Чамамда, сафсатангни беш панжадай ёдлаб олганга ўхшайсан. Энди у кимнинг арвоҳи эканлигини ҳам эшитсам керак!

— Ҳе, биламан-да, — жавоб берди Жекоб тантанавор гурур билан бошини қимирлатиб.

Мисс Ҳалкомб ўқувчини савол-жавоб (имтиҳон) қилиб турганида Демпстер жаноблари бир неча бор оғиз жуфтлаб, сўз айтишга журъат қила олмаган бўлса ҳам, энди ортиқча чидаб тура олмади:

— Узр, мисс Ҳалкомб, бунақа саволларингиз билан болани ҳаддидан ошириб юбораяпсиз, дейишимга тўғри келади. — қатъи эътироз билдирди у.

— Яна биттагина саволим қолди, жаноби Демпстер, шу билан кўнглим таскин топади. — Биламан дегин, — давом этди у болага ўгирилиб, — у кимнинг арвоҳи экан?

— Миссис Фэйлининг айвоҳийкан. — шипшиди Жекоб.

Бундай гайритабийй жавобнинг мисс Ҳалкомбга қандай таъсир этиши аввалданоқ маълум эди. Ахир, ўқитувчининг куйиб-пишиб монельлик қилиши бежиз эмас эди-да. У жаҳл оловида ёниб Жекоб ёнига бориб қолганини ўзи ҳам билмай қолди. Боланинг ўтакаси ёрилиб, яна кўз ёши тўка бошлади. Мисс Ҳалкомб унга бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, ўзини қўлга олиб, болага эмас, ўқитувчига мурожаат қилди:

— Мана шу сўзлари учун болани айблашнинг ҳожати йўқ. Унинг қулоғига бошқалар куйишган бўлса керак. Мабодо, жаноби Демпстер, қишлоқ аҳли орасида онамнинг ҳайру-саҳоватини унутиб, унинг пок номига доғ тушираётганлар чиқиб қолган бўлса, уларни қидириб топаман. Фэрли жаноблари сўзларимни инobatга олсалар, улар бунинг учун ҳали жазосини тортишади.

— Янглишаётган бўлсангиз керак, мисс Ҳалкомб, бунга кўзим этиб турибди. — деди ўқитувчи. — Бу сафсаталарни бошдан-оёқ мана шу беодоб, шум боланинг ўзи тўқиб чиқарган. Кеча кечқурун қабристондан ўтаётиб оқ кийинган аёлни кўрганмиш ёки кўрингандай бўлганмиш; ўша, ҳақиқатми ёки хаёлотми билмадиму, арвоҳ — хилқат Лиммерижликларнинг каттадан кичигигача, жумладан, шу болага ҳам маълум бўлган мармар бут — миссис Фэрли қабри устидаги ёдгорлик устида турганмиш. Мана шу икки вазиятнинг ўзиёқ боланинг валдирашига сабаб бўлгани аниқ, сиз ҳам дарров қизиши б кетдингиз, шундай эмасми?

Мисс Ҳалкомбнинг кўнгли таскин топмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда,

ўқитувчининг мулоҳазаси ортиқча мунозарага ўрин қолдирмаганди. У гапни чўзиб ўтирмай, кўнгли ёзилган бир пайт яна бир бор учрашишини айтиб, самимий илтерламаоти учун миннатдорчилик билдириб қўя қолди. Кейин таъзим қилди-да синфдан чиқди.

Мана шу ажиб манзара менинг кўз ўнгимда содир бўлган экан, бутун вужудим қулоққа айланиб, аниқ хулоса чиқариб бўлгандим. Ташқарига чиқишимиз билан мисс Ҳалкомб эшитилган сўзлардан қандай таассуротда эканлигимни сўраб қолди.

— Таассурот ҳам гапми, — жавоб бердим мен. — боланинг гапларида ҳақиқатан ҳам жон бор, бунга ишончим комил. Очигини айтсам, миссис Фэрли қабри устидаги ёдгорликни кўриш пайига тушиб қолдим, унинг яқин атрофини назардан кечириш ниятим бор.

— Қабрни, албатта, кўрасиз.

Шу жавобни бергач у жим бўлиб қолди. Олдинга босарканмиз, у ҳамон хаёл оғушида эди.

— Синфда содир бўлган воқеалар — деди у ниҳоят тилга кириб, — хат масаласини бутунлай хаёлимдан чиқариб юборибди. У ҳақда ўйлагудек бўлсам, назаримда, ҳеч нарса чиқмайдиганга ўхшайди. Энди суриштиришни ҳам йиғиштириб, ҳамма ишни Гилмор жанобларининг қўлига топшириш учун эртагача кутиб тура қолсакмикин?

— Мутлақо ҳожати йўқ, мисс Ҳалкомб. Синфда содир бўлган воқеалар қидирувимизни давом эттириш лозимлигига даъват этиб турибди.

— Нима учун шундай фикрга келиб қолдингиз?

— Чунки ўша воқеалар хат ўқилгач дилимда тугилиб қолган гумонимнинг бежиз эмаслигини кўрсатди-да.

— Ўша гумонингизни, жаноби Ҳартрайт, шу дақиқагача мендан яширишингизга асосларингиз ҳам бўлган бўлса керак?

— Гумонимни эътироф этишга юрагим дов бермаганди, ҳатто, уни ҳақиқатдан узоқ ҳисоблаб, шахсан ўзимдаги қандайдир хаёл-парастлик нуқсонининг натижаси, деб шубҳалангандим. Лекин энди бундай шубҳаларга ўрин қолмади. Боланинг саволларингизга берган жавобларигина эмас, унинг нималар деганини сизга айтаётганида ўқитувчининг оғзидан тасодифан чиқиб кетган ибора ўша фикримни қайта ёдимга солди. Келажак буни пучга чиқариши ҳам мумкину, мисс Ҳалкомб, лекин қабристонда кўринган хаёлий арвоҳ билан имзосиз мактуб муаллифининг айнан бир киши эканлиги шу дақиқада дилимдан нари кетмай турибди.

Мисс Ҳалкомб таққа тўхтаб, ранги оқарганича ҳайрон бўлиб юзимга тикилиб қолди.

— Ким бўлиши мумкин?

— Бу саволингизнинг жавоби ўқитувчининг беихтиёр оғзидан чиққан сўзлариданоқ маълум бўлган. У ҳалиги боланинг қабристонда кўрган хилқат ҳақида гапирганида уни оқ кийинган аёл, деб тилга олганди.

— Анна Катерикмасмикин?

— Худди ўзгинаси, Анна Катерик.

У қўлини қўлтигимдан ўтказиб, менга суяниб қолди.

— Нималар бўлаётганига ҳам тушунмай қолдим. — деди мисс Ҳалкомб овози ичига тушиб.- Гумонингиз ўринлига ўхшаб қолди, даҳшат-а, ўтакам ёрилиб кетяпти. Баданим ҳам... — сўзини ниҳоясига етказмай, уни ҳазилга йўйиш ҳаракатида кулди.- Жаноби Ҳартрайт, — давом этди у. Қабрни сизга кўрсатиб қўйсаму, яхшиси, тез уйга қайтсам. Лаурани бунчалик узоқ ёлғиз қолдирмаганим маъқулроқ. Унинг олдида бўлақолайин. Сиз ҳам кейин ҳаялламай уйга қайтсангиз.

Гап билан бўлиб қабристонга ҳам етиб қолибмиз. Бутхона, кулранг харсанглардан қурилган маҳзун бино, пастқамгина оралиқда қад кўтарган бўлиб, гўё арчагул босган тепаликдан эсадиган аччиқ изгиринлардан пана тортаётгандай туюларди. Қабристон бутхона ёнидан бошланиб, қир бағридан юқорилаб кетган. Атрофи чақиртош девор билан ўралган. Қирнинг тошлоқ бағрида суви жилдираб оқиб турган ариқча билан унинг чеккасида ҳаккам-дуккам кўкариб турган ажриқларга олачалпак соя ташлаётган бир тўп бута ҳисобга олинмаса, ҳаммаёқ само гумбазигача кафтдек кўриниб турарди. Ариқ билан бутанинг шундоққина нариги ёнида қабристоннинг уч даҳасидан тушиладиган тош зиналардан бирига яқинроқ жойда қад кўтарган оқ мрамор бут кўзга яққол ташланиб, яқин атрофдаги ҳақирона қабрлар орасида миссис Фэрли қабрини ажратиб турарди.

— У ергача сиз билан бирга боришимнинг ҳожати бўлмаса керак. — деди мисс Ҳалкомб қабрни кўрсатиб. — Ҳозиргина менга маълум қилган фикрингизни далиллайдиган бирон-бир янгилик бўлиб қолса, мени хабардор қиларсиз. Энди уйда кўришармиз.

Ҳамроҳим кетиб, ёлғиз қолгач зинадан мазорга тушиб, миссис Фэрли қабри томон ўтиладиган иккинчи зина томон юрдим.

Қабр атрофидаги ўтлар дурустроқ ўсмаган, ер заранглашиб кетганидан оёқ излари қолгудек ҳам эмасди. Ҳафсалам пир бўлиб кет-

ди. Кейин бут ва унинг остидаги хотира лавҳаси ўйиб битилган чорраҳа мраммар сарсангни диққат билан кўздан кечирдим. Мраммар бутнинг табиий оқлиги хиёл хира тортган, у ер бу ерига об-ҳаво таъсиридан доғ ҳам тушганди. Унинг пастидидаги чорраҳа сарсангнинг лавҳа битилган қисми — ярмидан кўпроғи — ҳам ўша ҳолда эди. Иккинчи ярми эса тозаллиги, ҳатто гард ҳам юқмаслиги билан диққатимни жалб қилиб қолди. Энгашиброқ қарасам, яқиндагина артиб қўйилган экан, юқоридан пастга артилибди. Сарсангнинг мана шу қисми билан унинг лавҳали артилмаган қисми ўртасидаги фарқ шундоққина билиниб турар, орадаги чегара чизиқ унга кимнингдир қўли текканига шоҳид эди. Мраммарни ким тозалай бошлаганикин, ишни охирига етказмай кетиб қолган ким экин?

Бу муаммони қандай ечсам экан, деб бошим қотиб, атрофимга кўз ташладим. Турган еримдан бирон-бир бошпана кўринмас — қабристон фақат майитлар ихтиёрига ҳавола қилинганди. Бутхонага қайтдим, уни айланиб орқа томонига ўтдим; кейин яна бошқа бир зинадан девор ташқарисига чиқдим; ўша ердан ташландиқ сангтарошликка тушиладиган йўл бошланар экан. Сангтарошликнинг бир ёнида икки хоналик уй бўлиб, шундоққина эшиги олдида кексагина аёл кир юварди.

Аёлнинг олдида бориб, бутхона билан қабристон ҳақида гап очдим. У маҳмадонагина аёл экан, дастлабки сўзлариданоқ эрининг ўша бутхона секстони¹ ва котиблигини билиб олдим. Кейин миссис Фэрли қабри ёдгорлигини мақтаб бир оғиз сўз қотдим. Қария бош чайқаб, ҳали унинг ярқираб кўзга ташланишини кўрмаганимни писанда қилиб қўйди. Уни тозалаб туриш эрига топширилган экан, лекин у бир неча ойдан бери бетоб, қимирлашга холи йўқ эмиш. Яқшанба кунлари бутхонага аранг бориб, хизмат бурчини адо этиб келаётганмиш, ёдгорлик ҳам қаровсиз қолганмиш. Ҳозир анча ўзига келаётган эмиш, бирор ҳафта ёки ўн кунлардан кейин ишга чиқиб, ўша ёдгорликни ҳам тозалаб қўйишга қурби келиб қолар, деган умидда эмиш.

Бу маълумотлар, соф Кумберленд шеvasида узук-юлуқ эзма гаплардан чиқадиган хулосалар дилимдаги асосий саволларимнинг жавоби эди. Ҳозир аёлга чойчақа бериб, зудлик билан Лиммериж хонадонига қайтдим.

Ёдгорликнинг бир чеккаси мутлақо бегона қўл томонидан тозалангани очиқ кўриниб турарди. Шундай экан, аниқланган бу

¹ секстон — бутхона фарроши ва гўркови.

ҳақиқатни оқшом арвоҳи ҳикояси эшитилгач дилимда тугилиб қолган гумонимга қиёсласак, фикримнинг исботи учун энди миссис Фэрли қабрини зимдан кузатиб туришимни тақазо этарди холос — шу оқшомоқ кун ботиши олдидан мазорга қайтиб, кўздан панароқ ерда қоронги тушгунгача жойлашишим керак эди. Ёдгорликни тозалаш иши ниҳоясига етказилмаган, уни ким бошлаган бўлса ҳам, ниҳоясига етказиб қўйиш учун қайтиб келиши эҳтимолдан холи эмасди.

Уйга қайтгач ниятимни мисс Ҳалкомбга маълум қилдим. Мақсадимни тушунтирарканман у бироз ажаблангандай ва ҳаяжонлангандай кўринди, лекин сайъи ҳаракатимга эътироз билдирмади. Фақат «охири бахайр бўлсин» деб қўя қолди. Мени яна ёлғиз қолдириб кетар экан, уни тўхтатиб, иложим борича босиғи билан мисс Фэрлининг саломатлигини суриштирдим. Анча ўзига келиб қолибди. Мисс Ҳалкомб қуёш ботиши олдидан уни ташқарига чиқиб, бироз айланиб келишга кўндириш умидида экан.

Расмларни тартибга келтириш учун яна ўз хонамга қайтдим. Шундай қилишим зарур эди ҳам: диққат-эътиборимни бирор нарса билан банд қилишим — миямни ғовлатаётган хаёллар билан номаълум келажакимни унутишим учуноқ ўзимни чалғитишим зарур эди. Фақат вақти-вақти билан ишдан бош кўтариб, тобора уфққа яқинлашаётган қуёшга қараб туриш учун дераза ёнига келиб, ташқарига кўз ташлаб турардим. Мана шундай дақиқалардан бирида деразам остидаги шағал ётқизилган катта йўлдан келётган аёлга кўзим тушиб қолди. У мисс Фэрли экан.

Уни эрталабдан бери кўрмагандим, ўшанда у билан дурустроқ гаплашмагандим ҳам. Лиммериждаги ҳаётимнинг сўнгги куни қолганди, кейин уни умуман кўриш ҳам насиб бўлмас. Мана шундай хаёллар билан дераза ёнида қаққайиб туриб қолибман. Шунда ҳам мабодо юқорига қарагудек бўлса, мени кўриб қолмаслиги учун виждоним амри билан шабпардани суриб қўйган бўлсам ҳам, лекин ундан кўз узишга иродам етишмасди, кўзимдан ғойиб бўлгунча орқасидан қараб қолгандим.

Эғнида гулсиз қора ипак қўйлак, унинг устидан қаҳваранг манто кийган. Бошида ўша биз биринчи бор учрашган кун эрталабдаги оддийгина пахол шляпа. Энди унга тўр тугилмаган, аммо юзи менга кўринмасди. У сайр қилиб юрган пайтларида доимо унга овунчоқ ҳамроҳ бўладиган итальян лайчаси унинг ёнида йўргалаб борарди. Унга ўзига монанд пушти ранг нимча кийдириб қўйилган бўлиб, нозик терисини мавсум аёздан асрарди.

Мисс Фэрли, назаримда, ёнидаги бу овунчоғини мутлақо унутиб юборган. Бошини хиёл эгиб олдинга юрар, қўлларини манто ичига олиб олганди. Эрталаб унинг никоҳ битимини эшитганимда куз нафаси билан тўкилиб, атрофимда тўзгиган хазонрезгилар энди унинг атрофида чирпирак бўлиб учар, юқорига кўтарилар, пастга тушар ва ниҳоят оёқ ости бўлиб кетарди. У бўлса илиқроқ тафти ҳам қолмаган қуёшнинг бўзарган ёлдусида тобора мендан узоқлашар ва яна узоқлашарди. Ҳа, мени шунчалар термилтириб, ниҳоят гамгин кўзларимдан ғойиб бўлган, юрагим эзилганича яна ёлғиз қолгандим.

Бирор соатдан кейин ишим ҳам ниҳоясига етди. Қуёш уфққа яқинлашиб қолганди. Йўлакдан пальто ва шляпамни олиб, ҳеч кимга учрамай уйдан чиқиб кетдим.

Уфқнинг гарб томонини қора булут қоплаган, денгиз тарафидан совуқ шамол эсарди. Соҳил анча узоқ бўлса ҳам, қабристонга кирганимда қирғоққа урилиб қайтаётган тўлқинларнинг хиёл акс-садолари қулоғимга чалиниб турарди. Атрофда бирон тирик зот кўринмас. Панароқ жой топиб, миссис Фэрли қабри устидаги бутдан кўзимни узмай пойлаб турарканман, бу ер ниҳоят хилват туюларди.

ХII

Қабристон сатҳининг кўзга яққол ташланиши қаерда туришимни мўлжаллашда эҳтиёт бўлишимни тақозо этарди.

Бутхонага мозор томондан кирилиб, унинг кираверишида икки ёнигина тўсилган йўлакчаси бор эди. Панароқ жой бўлмаганидан бекинишнинг ҳам ҳожати бўлмаса керак, деган хаёлда андак иккиландиму, ўша йўлакчага кириб туришга жазм қилдим. Унинг иккала ёнига туйнук қилинган экан. Мана шу туйнукчаларнинг биридан миссис Фэрлининг қабри кўриниб турарди. Иккинчиси эса секстон уйи билан сангтарошлик тарафида эди. Йўлка рўпараси — олд томонимда эса қабристоннинг яйдоқ ерлари, унинг атрофидаги пастқамгина чақиртош девор ва усти одатдаги кучли шамолдан дарак берувчи кечки булутлар билан қопланган адирлар хувиллаб турарди. Бирон-бир тирик зот кўзга чалинмас, шарпаси ҳам эшитилмасди — на қуш учиб ўтар ва на секстон хонадомидаги кучук акилларди. Фақат узоқдаги қирғоқларга урилиб қайтаётган тўлқин садолари орасида миссис Фэрли қабри ёнидаги буталардан ҳали тўкилмай қолган қуриган япроқларнинг ёқимсиз шилдираши билан ариқдаги тош оралаб оқаётган сувнинг хиёл жилдирашигина қулоққа чалинарди. Мунгли манзара ва мунг-

ли дақиқалар. Бутхона йўлагида пана тортиб, интиқлик билан ўтказилган оқшом дақиқалари дарров руҳимни тушириб юборди.

Ҳали қош қораймаган — эндигина ботган қуёшнинг шаффоф нурлари кўк юзидан кўтарилмаган; кўздан панароқ пистирмада олазарак бўлиб турганимга ярим соат бўлар-бўлмас оёқ шарпаси билан номаълум овоз қулоғимга чалиниб қолди. Яқинлашаётган ўша оёқ шарпалари бутхонанинг орқа томонидан келар, овоз эса аёл кишига мансуб эди:

— Мактуб масаласида кўп сиқилаверманг, жонгинам, — деди ўша овоз. — Уни хонадон боғида ишлаётган бир йигитга топшириб кўя қолдим, у ҳам миқ этмай кўлимдан олақолди. Йигит ўз йўлига, мен ҳам ўз йўлимга равона бўлдик, бирон-бир инсон зоти кетимга тушмади ҳам — мана шунинг ўзиданоқ кўнглим тўқ.

Бу сўзлардан кейин бутун хаёлим ўша гумон қилинган шахсда бўлиб, уни хаёлга келтиришнинг ўзи анча оғир эди. Овоз тиниб қолган, лекин оёқ шарпалари тобора яқинлашарди. Яна бирор дақиқа вақт ўтдию, йўлак туйнуги қаршисида икки шахс, иккаласи ҳам аёл киши, пайдо бўлди. Улар тўғри ўша қабр томонга юрдилар, шунинг учун ҳам уларнинг фақат орқа томонигина кўринарди.

Аёллардан бирининг бошида боннет, елкасида шол рўмол, иккинчисининг эгнида тўқ ҳаворанг узун сафаржом, пешқалпоғини ҳам кўтариб олган. Кўйлагининг этаги сафаржомаси остидан кўриниб турарди. Унинг рангига кўзим тушди-ю, оқ эди, юрагим ўйнаб кетди.

Улар бутхона билан қабр оралиғи — ярим йўлда тўхташиб, мантолик аёл ёнидаги ҳамроҳига ўгирилди. Энди бошига боннет кийган бу аёлнинг юзини ён томонидан кўришим мумкин эди, лекин уни иккинчисининг бошидаги ҳалвираган пешқалпоғи тўсиб турарди.

— Мана шу хипчагина иссиқ сафаржомани эгнингиздан туширмасликни унутманг, — деди елкасига шол рўмол ташлаган аёл аввал ҳам қулоғимга чалинган овозда. — Миссис Тоддининг гапларида жон бор, кеча бошдан-оёқ оққа бурканиб кўзга ташланиб қолгансиз. Сиз шу ерда бўлгунингизча мен бироз айланиб келайин. Сизга қандайлигини билмийману, мен қабристондан сал нарироқ юришга ҳаракат қиламан. Қайтиб келгунимча, ишингизни саранжонлаб олинг, тун бемаҳалига қолмай уйга етиб олсак бас.

Шуларни тайинлагач, у орқасига бурилиб, яна изига қайтаркан, энди мен томон келарди. Юзи бугдой ранг, ажин босган, тетиккина ёши анчага бориб қолган, тетиккина аёл бўлиб, кўринишидан, ёмон

ниятда эмас, шубҳаланишга ўрин йўқ эди. Бутхонага яқинлашганида у шол рўмолига дурустроқ ўраниб олиш учун тўхтади.

— Тантиваччаей, — деди у ўзига ўзи, — уни танибманки, тажанглигию ўзбилармонлигини қўймайди-я, тантиваччаей. Ёш боладек мўмин, ожиз банда, беозор-да.

У ҳомуза тортди. Атрофдаги қабрларга маъюс назар ташлади, мунгли манзара кўнглига хуш келмади шекилли, бошини сарак-сарак қилиб қўйди ва бутхона муюлишида кўздан гойиб бўлди.

Унинг орқасидан борсамми-бормасамми, деб бироз иккиланиб турдим. Ҳамроҳи билан юзма-юз гаплашишга бўлган иштиёқим қароримни бир ёғлиқ қилди — униси билан учрашишдан воз кечдим. Шол рўмоллик бу аёлни бутхона ёнида кутиб, қайтишида учратишим аниқ эди-ю, лекин ундан ўзим маҳтал бўлиб турган бирон-бир маълумот олишга кўзим етмасди. Хат ташлаб кетган аёлнинг қарийб ҳожати ҳам қолмаганди. Бутун эътиборим энди бирдан-бир маълумот манбаи — мактуб муаллифида бўлиб қолган, ана ўша шахс ҳозир, бунга ишончим комил эди, рўпарамдаги қабр ёнида турарди.

Хаёлимдан шу фикрлар ўтаркан, сафаржомалик аёлнинг қабр ёнига келиб, бир лаҳза унга термилиб қолганини ҳам кўриб турардим. Кейин у атрофига олазарак бўлиб назар ташлади-да, қўйнидан бир парча латтами ёки рўмолчами чиқариб, ариқча томонга юрди. Жилдираб оқаётган бу сув девор ташқарисидаги кичкина ўпқондан кириб, ер остида бир неча газ у ёқ-бу ёққа буралиб оқарди-да, яна худди ўшандай бошқасидан чиқиб кетарди. Аёл латтани сувга чалиб, қабр ёнига қайтди. Оппоқ бутни ўпганини, кейин лавҳали сарсанг ёнига тиз тўкиб, уни юва бошлаганини кўрдим.

Аёлнинг олдига чиқишдан аввал иложи борича уни кўрқитиб юбормаслик чораларини ўйлаб, олдимдаги деворни ошиб ўтишга, муюлишдан айланиб ўтиб, мозордан ташқари чиқишга ва яқинлашиб келаётганимдан огоҳ бўлиши учун ўша қабр ёнидаги зинадан кириб боришга қарор қилдим. У ўз ишига шунчалар берилиб кетган эдики, ҳатто зина олдига келиб тўхтагунимча ҳам мени пайқамасди. Кейин бошини кўтариб қаради-ю, чинқариб ўрнидан туриб кетди, кейин кўрқиб кетганидан миқ этолмай бақрайиб қолди.

— Кўрқманг, — дедим. — Мени таниётган бўлсангиз керак?

Унга мурожаат этганимча тўхтадим, кейин оҳистагина уч-тўрт қадам олдинга юрдим, сўнг яна тўхтадим. Шундай қилиб, аста-секин унинг ёнига бордим. Ўша дақиқагача кўнглимда андак гумоним бўлган бўлса ҳам, энди унга мутлақо ўрин қолмаганди. Миссис Фэрли қабри ёнида менга юзма-юз турган бу сиймо мен

дастлаб ўша машъум кеча овлоқ йўлда учратган сиймонинг айнан ўзгинаси эканлигига гувоҳлик бериб турарди.

— Мени танидингизми? — дедим. Биз бемаҳал бир вақтда учрашган эдик, Лондонга етиб олишингизга кўмаклашгандим. Унутвормаган бўлсангиз керак, албатта?

Сал чеҳраси очилиб, енгиллашгандай чуқур хомуза тортди. Талвасали юзидаги ҳадиксираш аломатлари сўниб, хотира хаёлида жонланаётгани кўришиб турарди.

— Бирон нарса дейишга уринмай кўя қолинг, — сўзимда давом этдим. — Аввало, бемалол ўзингизга келиб, сизга бутунлай бегона эмаслигимга иқдор бўлиб олинг.

— Илтерламаотингизни кўриб турибман, — шивирлади у. — Ўшанда ҳам мана шундай илтерламаот кўрсатган эдингиз.

У жим бўлиб қолди, мен ҳам индамадим. Вақтни чўзишдан мақсад унинг ўзига келиб олиши учунгина эмас, балки ўзим ҳам фикримни йиғиб олишим керак эди. Ахир, мана шу бугунги сирли оқшом гира-ширасида ўша аёл билан яна қайта учрашиб турарканмиз, орамизда қабр, атрофимизда майидлар, тўрт томонимизни қирлар ўраб турарли. Мана шундай хилват воҳанинг кечки сукунатида юзма-юз турар эканмиз, шу дақиқа, айна мазгил ва айна вазиятда ўтадиган навбатдаги ўзаро суҳбатимиз, бировнинг умрбод тақдирини ҳал қилишини унутмаслигимни, хусусан, Лаура Фэрлининг келажаги — порлоқми ёки аянчлими шу дақиқа унинг волидаси қабри устида титраб турган бебахт бир ожизанинг кўнглини топа олиш ёки топа олмаслигимга боғлиқ эканлигини — мана шуларни ўйлаб, бошим қотар, асабларим ҳам ўйнаб кетгудек бўларди. Қўлга киритиладиган ҳар қандай муваффақият мана шуларга боғлиқ эди. Буни сезишим билан бутун иродамни қўлга олиб, ўзимни босишга ҳаракат қилдим; ўша саноқли дақиқаларда ижобий натижаларга эришиш йўллариини иложи борича чуқурроқ ўйлаб олдим.

— Энди ўзингизни анча босиб олгандирсиз? — дедим, назаримда сўзлаш фурсати келгач. — Мендан ҳадиксирамай, сизга бўлган дўстона муносабатимни унутмай гаплаша оласизми?

— Бу ерга қандай келиб қолдингиз? — ажабланди у ҳозиргина айтган гапларимни хаёлига ҳам келтирмай.

— Учрашувимиз ниҳоясида «Кумберлендга жўнаб кетаман» деганим ёдингиздан чиқдимми? Ўшандан бери Кумберленддаман, Лиммерижлар хонадонида турибман.

— Лиммерижлар хонадонида! — Шу сўзларни такрорларкан

унинг ғамгин юзи сал ёришгандай бўлди, хаёлчан кўзлари қувонч билан кўзларимга термулди. — Оҳ, қанчалар бахтиёрсиз! — деди у менга эҳтирос билан тикилиб, энди унинг қиёфасида илгариги шубҳаларидан асар ҳам қолмаганди.

Унинг дилида менга нисбатан уйғонган мана шу ишончидан руҳланиб, шу пайтгача ҳар эҳтимолга қарши унга тик қарашга ҳам ботина олмаган бўлсам, энди унинг юзига диққат-эътибор билан назар ташладим. Унга разм соларканман, сутдек ойдин пешайвонда худди мана шу машъум сиймони кўз олдимга келтирган бошқа бир диловор сиймо ҳам хаёлимдан нари кетмасди. Ўшанда мисс Фэрли сиймосида Анна Катерикнинг машъум сиймосини кўрган бўлсам, энди Анна Катерик сиймосида мисс Фэрлини кўриб турардим. Иккаласи орасидаги ўхшашликлар ҳам, тафовутлар ҳам кўз ўнгимда яққол гавдаланиб турганидан уларни яна ҳам аниқроқ кўрардим. Умуман, ташқи қиёфаларию юз ифодалари — сочларининг ранги, лабларининг хиёл учиб туриши, қадди-қоматлари, хипча беллари, танноз туришлари, хуллас, бир-бирига ўхшашлиги мен тасаввур қилганимдан ҳам зиёдароқ эди. Бир-бирларини айнан тақозо қиладиган томонлари шулар бўлиб, агар икир-чикирлари ҳисобга олингудек бўлса, бир-биридан фарқ қиладиган белгилари ҳам йўқ эмасди. Мисс Фэрли юзидаги нозик жозоба, кўзларидаги мафтункор дилраболик, юз-кўзларининг тиниқ ва беғуборлиги, лабларидаги ҳарир қирмизи нафосат айни вақтда менга юзланиб турган ҳорғин ва сўлғин сиймога бегона эди. Мана шуларни хаёлимдан ўтказганим учун ўзимдан-ўзим нафратланган бўлсам ҳам, айни вақтда қаршимдаги аёлдан кўз узмай турарканман, хаёлимга яна бошқа фикрлар ҳам тазйиқ қилиб турар, у ҳам бўлса, айни дақиқада тўла-тўкис ўхшашлик бўлишига етишмаётган бу икир-чикир тафовутлар олдида келажакда содир бўлиши эҳтимоли бўлган кулфатнинг ўзи кифоя эди. Мабодо мисс Фэрлининг мана шу латерлама ёшлик чеҳрасига ҳаётнинг аччиқ ғам-аламли изтироблари соя ташлагудек бўлса, ўшанда, ҳа, фақат ўшанда Анна Катерик билан мисс Фэрли бир-биридан фарқ қилиб бўлмайдиган тасодифий эгизак опа-сингилларга айланиб, бир олманинг икки палласи бўлиб қолардилар.

Юрагим шувиллаб кетди. Ҳеч қандай асосим бўлмаса ҳам, келажакда қандайдир даҳшатли фалокат рўй бериши эҳтимолдан холи эмасдек туюлар, шу фикрнинг хаёлимдан ўтишининг ўзи бежиз эмасдек бўларди. Яхшиям, Анна Катерик елкамга оҳиста қўлини қўйибди-ю, ўзимга келиб қолибман. Бу гал ҳам унинг

ҳаракатлари ўша ярим кечада биринчи гал учрашганимизда бутун вужудимни даҳшатга солганидек, зимдан ва кутилмаган бир пайт содир бўлганди.

— Кўзингиз мендаю, лекин хаёлингиз бошқа ерда. — деб қолди у шоша-пиша, нафаси ичига тушиб кетаётгандай галати бўғиқ овозда. — Нимани ўйлаяпсиз?

— Нимани ҳам ўйлардим. — жавоб бердим. — Бу ерга қандай келиб қолганингизга ҳайрон бўлиб турибман.

— Дугонам билан келганман, мени жуда ардоқлайди. Бу ерга келганимга икки кунгина бўлди.

— Кеча бу томонларга ўтганмидингиз?

— Буни қаердан билдингиз?

— Ўзимча, шундай бўлса керак, деб ўйладим.

У юзини мендан ўгириб, яна лавҳа олдига тиз чўкди.

— Шу ерга келмасдан, қаерга ҳам келардим. — деди у. — Лим-мерижда мен учрашадиган ягона дугонам, онамдан ҳам азизроқ кишим — шу ерда. Аттанг, унинг табаррук номи битилган лавҳа шунчалар доғ бўлиб ётса-я, юрагим эзилади. Унинг ҳурмати шарофати учун ҳам ҳар вақт оппоқ пахтадек туриши керак. Кеча уни тозалаб қўяйин деб иш бошловдим. Тозалаб улгурмагандим. Бугун яна келмасликка кўнглим бўлмади. Бунинг бирон-бир ёмонлик жойи борми? Йўқ, ёмон бўлмаса керак. Миссис Фэрли учун ни-майки қилсам, хато бўлмаса керак-а?

Ўша саховат соҳибасининг кўрсатган мурувватлари бу бечора қизнинг хаёлидан ҳанузгача кўтарилмаган, ҳамон унга эҳтиром билан юрар — заифроқ миясида дастлаб қувноқ болалик дамларида ўрнашиб қолган ҳиссиётлар ҳукмрон бўлиб, бошқа бирон-бир таассуротга ўрин йўқдек эди. Шунинг учун ҳам унинг ишончини қозонишнинг бирдан-бир йўли унинг шу ерга келишига сабаб бўлган эзгу мақсадини маъқуллашим эди. Шунга айтиб рағбатлаштиришим билан у ишига киришиб кетди. Унинг назарида мана шу эъзоз бўлиб, мраммарни ҳам қандайдир жонзотга муомала қилгандай меҳр билан беозор артар, лавҳа сўзларини эса ўзича қайта-қайта шивирлаб ўқирди, гўё болалик даврининг сўнгги кунлари қайта бошланганди-ю, уй вазифаларини миссис Фэрли кучоғида яна бир бор кунт билан такрорларди.

— Бир гап айтсам, ҳайрон бўлмасмикинсиз, — дедим, ҳар эҳтимолга қарши, кейинги саволларимга замин тайёрлаш ниётида иложим борича мулоимлик билан. — Сизни бу ерда учратиб, кўнглим анча таскин топди-ю, лекин шунга қарамай,

сал ажабланиб ҳам турибман, дейишга ҳаддим сигармикин? Кэбга ўтириб жўнаб кетганингиздан кейин сиздан анча ташвишланиб қолгандим.

У бирдан бошини кўтариб, хадиксираганича менга тикилиб қолди.

— Ташвишланиб, дейсизми? — такрорлади у. — Нима учун?

— Ўша кеча сиз жўнаб кетгач, қизиқ бир воқеа содир бўлди. Кимнингдир кетидан тушиб, таъқиб қилаётган икки киши ёнгинамдан ўтиб қолди. Улар мени кўришмади — панароқ жойда турардим, лекин унча узоққа кетишмаёқ тўхташиб кўчанинг нариги томонидаги бир миршаб билан гаплашишди.

Шу гап оғзимдан чиқдию у ишидан таққа тўхтади. Лавҳа устини нам латта билан артиб турган қўли ёнига шалпайиб тушди. Иккинчи қўли билан қабр бошидаги мрамар бутни ушлаб қолди. Миқ этмай мен томон юз ўгираркан, унинг яна таҳликага тушгани шундоққина кўриниб турарди. Таваккал қилиб, сўзимда давом этдим — чекиниш учун вақт ўтганди.

— Бир миршаб билан гаплашишди, — дедим, — ва фалондай бир аёлни кўрмадингизми, деб ундан сизни суриштирди. Миршаб сизни кўрмаган экан; кейин ўша кишилардан биттаси яна оғиз очиб, ўша кишининг хусусий телбахонасидан қочиб кетганингизни уқтирди.

У сакраб ўрнидан туриб кетди, кейинги гапларимдан, гўё таъқиб этаётганлар унинг изига тушиб қолишганди.

— Шошилманг, буёғини эшитинг, — дедим қатъи. — Шошилманг! Сизга дўстлик қилганимни ҳам англаб оласиз. Ўша кишиларга қайси томонга кетганингизни ишора қилиб биргина сўз айтсам кифоя эди, лекин ўша сўзни оғзимдан чиқармадим. Қочиб қутулишингизда кўмаклашдим — шунга қулай имконият яратдим. Ўйлаб кўринг, чуқурроқ ўйлаб кўришга ҳаракат қилинг. Нималар деётганимни тагига етинг.

Унга, назаримда, сўзларимдан кўра хатти-ҳаракатларим кўпроқ таъсир этар, гап нимадалигини англаб олишга уринарди. Саросимага тушиб, нам латтани қўлдан-қўлга оларкан, дастлаб ўша тунги учрашувимиздаги чоғроқ сафари сумкачасини қўлдан-қўлга олиб турганини эслатарди. Ниҳоят, сўзларимнинг асл моҳияти унинг таҳлика васвасасида карахт бўлиб қолган онгига ета бошлади. Юзидаги ҳаяжон ифодалари ҳам аста-секин сўнди, ҳозиргина жавдираб турган кўзлари энди менга умид билан термулганди.

— Сизнинг фикрингизча, яна қайта ўша телбахонага ташла-нишимнинг ҳожати йўқ. Шундайми? — деди.

— Албатта, шундай. У ердан қочиб қутулганингиздан хурсандман, ёрдамим тегиб қолганидан ҳам хурсандан.

— Шундай, шундай, сиз менга ёрдам қилдингиз, албатта; энг оғир вазиятимда ёрдам қилдингиз. — давом этди бир оз паришонхотирлик билан — осонгина қочиб кетақолдим, сизнинг ёрдамингизсиз қочиб қутулиб бўлармиди. Улар мендан, бошқаларга нисбатан, унча шубҳаланишмасди. Ниҳоятда мўмин-қобил, беозор ва ҳаддан ташқари кўрқоқ эдим. Лондонни топиб боришим ҳам амри маҳол эди, ана ўшанда сиз ёрдамлашвордингиз. Ўшанда сизга миннатдорчилик билдирганмидим? Мана энди чин дилимдан миннатдорлик билдирай.

— Телбахона сиз билан учрашган жойимиздан олисмиди? Айта қолинг! Дўстингиз эканимга ишонч билдиринг, қаердалигини айтинг.

Ўша хусусий телбахонанинг қаердалигини, ўзим тахминлаганимдек, қайд этиб қўя қолди, — учрашган еримиздан унча узоқда эмас экан, кейин жавобига биноан ўзига қасд қилиб қўйишидан очикдан-очик гумонсираб, яна бурунги саволини таъкидлади:

— Сизнинг фикрингизча, яна қайта телбахонага ташланишимнинг ҳожати йўқ, шундайми?

— Яна такрорлайман, қочиб кетганингиздан хурсандман; мени қолдириб кетгач орзуларингиз ушалганидан ҳам хурсандман, — дедим. — Лондондаги бир дугонангизникига бормоқчи эдингиз. Ўша дугонангизни топдингизми?

— Топдим. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолган эди-да, яхшиям, ўша хонадондаги бир қиз каштаси билан овора бўлиб, ҳали ётмаган экан, ана ўша қиз миссис Клементсни уйғотиб берди. Миссис Клементс дугонам бўлади. Мулойим, хушфеъл аёл, лекин бари бир миссис Фэрлига ўхшамайди-да. Эвоҳ! Йўқ, ҳеч бир кимса миссис Фэрлига ўхшамайди!

— Миссис Клементс қадрдон дугонангизми? Уни кўпдан бери танийсизми?

— Кўпдан бери, бир вақтлар Ҳемпширдаги уйимиз ёнгинасидаги қўшнимиз эди, мени хуш кўрарди, болалик вақтларимда менга гамхўрлик қилиб турарди. Бундан бир неча йил аввал кўчиб кетаётганида Лондонда туришга мўлжалланган қароргоҳи адресини ибодатномамга ёзиб қўйган экан, ўшанда, бошингизга бирон кулфат тушиб қолгудай бўлса, Анна, олдимга боринг. Эътироз билдирадиган эрим, вақтимни оладиган болаларим ҳам йўқ, хуллас, сизнинг бошингизни силаб юрарман, деган эди. Нечоғ-

лик меҳригиёли сўзлар, шундай эмасми? Бу сўзларини самимийлиги учун эслаб қолган бўлсам керак. Бундан бошқа хотирамда қолганлари ҳам оз, жуда оз, жуда оз!

— Сизга гамхўрлик қилиб турадиган отангиз ёки онангиз йўқми?

— Отангиз дедингизми? Умримда кўрмаганман, онам у ҳақда миқ этмаган. Отангиз дедингизми? Эвоҳ, азизим! У ўлган бўлса керак.

— Онангизчи?

— У билан чиқишолмайман. Биз бир-биримиздан таҳликадамиз.

Бир-биримиздан таҳликадамиз! Мана шу сўзлариданоқ, уни назорат қўлига топширган киши ҳам онаси бўлса керак, деган гумон хаёлимдан ўтди.

— Она ҳақида оғиз очмай қўя қолинг, — давом этди у. — Яхшиси, миссис Клементс ҳақида гаплаша қолайлик. Миссис Клементс ҳам сизга ўхшайди, телбахонага қайта ётқизилмаслигим керак, деган фикрда. Ўша ердан қочиб кетганимга у ҳам, худди сиздек хурсанд. Бошимга тушган мусибатдан кўз ёши қилиб, уни сир тутиш лозимлигини айтган.

Бошига тушган «мусибат». Бу сўзни қайси маънода тушуниш керак? Имзосиз мактубнинг ёзилиш сабаби ҳам мана шу «мусибат»га боғлиқмикин? Аксарият ҳолларда, кўпгина аёлларнинг нафсонияти поймол қилиниши сабабли уларнинг ўз жазманлари никоҳига раҳна солиш ниятида ёзилиши одат тусига кириб қолган имзосиз хатлар замиридаги маънода эмасмикин?

Ўртада анча гап ўтгач дилимда тугилиб қолган мана шу гумонимни аниқлаш пайига тушдим.

— Қандай мусибат экан? — саовл ташладим.

— Тутқунликка маҳкум қилинишим мусибати-да. — жавоб берди у саволимдан беҳад ҳайратланиб. — Бошқа қанақа ҳам мусибат бўлиши мумкин?

Иложим борича адаб-андишадан четга чиқмай, сабр-бардош билан мақсад сари интилдим. Ҳақиқатни аниқлаш учун, ҳозирданоқ анча ижобий натижаларга эришган бўлсам ҳам, ҳар бир қадимимни ўйлаб босишим керак эди, бу эса ниҳоятда эҳтиёт бўлишимни тақозо этарди.

— Яна бошқа мусибат ҳам бор, — дедим. — Аёл киши зийракликни қўлдан бериб қўйиши туфайли умр бўйи гам чекиб, орномус истиробида азобланиб ўтиши ҳам мумкин.

— Қанақа мусибат экан у? — сўради у интиқлик билан.

— Ўта соддалиги туфайли ўзи севиб қолган жазманининг виждони билан обрўсига ишониб қўя қолиш мусибати, — жавоб бердим.

У худди ёш боладек, бегараз ҳайрат билан менга тикилиб қолди. Бошқа ҳар қандай туйғулари очиқ кўриниб қоладиган юзида бирон-бир ўзгариш, уялганидан изза бўлиш — зимдан шарманда бўлаётганидан далолат бўлгудек ҳеч бир аломат кўринмасди. Унинг хат ёзиб, мисс Фэрлига юбориш сабаби борасидаги гумоним мутлақо янглиш эканини ўртада юзага чиқадиган бошқа бирон-бир сўз унинг айна вақтдаги юз ифодасио хатти-ҳаракатларичалик аниқ ва ишончли ифодалай олмасди. Гумоним асфаласофилин бўлиб, чиппакка чиққанди. Бу эса бошқа бир муаммони юзага чиқарарди. Мактубда сэр Персивал Глайднинг номи қайд этилмаган бўлса ҳам, маълум далилларга кўра, у ўша одам ҳақида ёзилганди. Хуфиёна мактубда қайд этилган иборалар билан сэр Персивал Глайдни миссис Фэрли олдида ёмонотлиқ қилиш учун Анна Катерикнинг ҳам қатор асослари йўқ бўлмаса керак, бу эса албатта, унинг дилига бениҳоя озор етганидан, лекин хулқи ёки соддалиги туфайли панд еб қолганидан дейиш мутлақо ноўрин эди. Сэр Персивал Глайд шу қиз олдида нима гуноҳ қилган бўлса қилгандиру, лекин унинг қизлик шаънига алоқаси йўқ эди. Нима гуноҳи бўлиши мумкин?

— Нималар деганингизга тушунмаяпман, — деди у кейинги сўзларимнинг маъзини чақишга уриниб, бирор натижа чиқара олмагач.

— Уни қўя қолинг, — дедим. — Аввалги мавзуимизни давом эттира қолайлик. Лондонда миссис Клементс билан қанча вақт турганингиз ва бу ерга қандай келиб қолганингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Қанча вақт, — такрорлади у. — Иккаламиз бундан икки кун илгари шу ерга келгунимизгача миссис Клементс билан бирга турдим.

— Ҳа, қишлоқда яшаяпсиз экан-да? — дедим. — Ҳайронман, келганингизга икки кун бўлиб қолибдию сиз ҳақингизда бирон оғиз хабар эшитмабман-да.

— Йўқ, йўқ, қишлоқда эмас. Уч милл четроқдаги бир фермада. Ўша фермани биласизми? Тодд бурчаги, деб аташади.

Ферма аниқ ёдимда — кабда сайр қилиб юрган пайтларимизда тез-тез ўша ерлар ёнидан ўтиб турардик. Ўша атрофдаги илк фермалардан ҳисобланиб, бир-бирига туташ икки қир ёнбағридан иборат кимсасиз ерлар эди.

— Ўша Тодд бурчагидагилар миссис Клементснинг қариндошлари экан, — давом этди у. — уни тез-тез бу ерга таклиф қилиб туришаркан. Мисс Клементс бу ерга келиш ниятини айтди. Тинч, ҳавоси тоза жой бўлгани учун сени ҳам ўзим билан бирга олиб кетсам, деб қолди. Меҳри товлаб туради-да, шундаймасми? Осойишталигимни, тинчлигимни, қўздан четроқ бўлишимни ўйласам, қаерга бўлмасин кетишга тайёр эдим. Тоддлар бурчаги Лиммерж яқинидалигини эшитиб, эҳҳа, шунчалар қувониб кетдимки, у ерга бориб, ўша мактаб, қишлоқ ва Лиммериждлар уйини яна қайта кўриш учун бутун йўлни яланг оёқ босиб ўтишга ҳам рози эдим. Тоддлар жуда бебаҳо кишилар. У ерда анча турсам керак. Фақат уларнинг битга қилигини ёқтирмайман-да, миссис Клементснинг ҳам менга ёқмайдиган...

— Нимаси ёқмайди?

— Оқ кийимда юришимни масхара қилишади-да, олақарга бўлиб юрармишман. Бунинг нимасига ақли етаркин? Миссис Фэрли менга нима ярашишини билардилар. Миссис Фэрли манонови кўк рўдапони кийдирмаган бўлардилар! Эвоҳ! Ҳаётликларидида оқ рангни хуш кўрардилар, мана энди қабрлари устида ҳам оқ тош турибди — ўшаларнинг ҳурмати, буни яна ҳам оппоқроқ қиляпман. Ўзлари ҳам тез-тез оқ кийимда юрардилар, жажжи қизларига доимо оқ кийим кийдирардилар. Мисс Фэрли саломатмилар, яйраб юрибдиларми? Қизалоқлик пайтларидагидек ҳозир ҳам оқ либосда юрадиларми?

Мисс Фэрли ҳақида савол бериши билан дами ичига тушиб кетди, юзини ҳам мендан четга ўгира бошлади. Ҳаракатларидаги бу ўзгариш имзосиз мактуб йўллагани эсига тушиб, ноқулай вазиятга тушиб қолганидан бўлса керак, деган хаёлда жавобимни ҳам шу ондаёқ унинг хаёлига мослаб, уни ҳайрон қилмоқчи бўлдим.

— Бугун эрталаб миссис Фэрлининг тоби қочиб, анча нохушроқ бўлиб турувди — дедим.

У нималардир деб гўлдиради, лекин сўзлари анча пала-партиш ва паст овозда чикдики, нима демоқчи бўлганини ҳам англаб ола олмадим.

— Миссис Фэрлига бугун нима бўлибди дегандай бўлдингизми?

— Йўге, — жавоб берди шошилмайгина, — ҳеч нарса сўраганим йўқ. Мутлақо сўраганим йўқ.

— Сўрамаган бўлсангиз ҳам, бари бир айтаман, — давом этдим. — Миссис Фэрли мактубингизни олган.

Суҳбатимиз давом этаркан, у анчадан бери чўккалаб ўтирга-

нича лавҳа устидаги об-ҳаво таъсиридан пайдо бўлган доғларнинг қолган-қутганини қунт билан кетказарди. Ҳозиргина айтган гапларимнинг биринчи жумласидаёқ уни ишини тўхтатиб, аста-секин юзини мен томон ўгиришга мажбур қилганди. Иккинчи жумла уни бутунлай қарахт қилиб қўйди. Қўлидаги латтаси тушиб кетди, оғзи очилиб, шундоқ ҳам ўзи рангпар юзи бир зумда оппоқ оқариб кетди.

— Буни қаердан билдингиз? — деди у заифгина овоз чиқариб. — Сизга уни ким кўрсатди? — Ўз тилидан илиниб қолгани миясига урди-ю, юзи қип-қизариб, ўзи довдираб қолди. Саросимада кафтини кафтига урди — Уни ҳечам мен ёзмаганман. — у энди ҳаяжонга тушиб, энтика бошлаганди. — Ўша хатдан менинг мутлақо хабарим йўқ.

— Йўқ, — дедим. — уни сиз ёзгансиз, ундан хабардорсиз. Бундай хат юборишнинг ҳожати йўқ эди, мисс Фэрлини ташвишга солишнинг ҳожати йўқ эди. Мободо унга айтишингиз зарур бўлган бирон муҳим гапингиз бўлса, Лиммериж хонадонига шахсан ўзингиз бориб, ёш ледига ўз оғзингиз билан айтишингиз лозим эди.

У қабр устидаги ясси сарсанг устига ётиб олди, юзини тўсиб олган, жавоб ҳам бермасди.

— Кўнглингиз оқ бўлса, мисс Фэрли ҳам ўз онасидек сиздан меҳрини аямайди. — давом этдим. — Мисс Фэрли сирингизни ошкор қилмайди, дилингизга озор етказдириб ҳам қўймайди. Эртагаёқ фермада учрашсангиз, шунга нима дейсиз? У билан Лиммерижлар боғида учрашсангиз ҳам бўлади, нима дейсиз?

— Вой-вой-ей, қани энди ўлиб қола қолсаму, ёнингизга кириб, паноҳ топсам! — шивирлади у юзини тош устидан узмай, шу ердаги жасадга дил-дилидан илтижо қилганича. — Сиз туфайли фарзандингизни қанчалар севишимни биласиз! Эшитаяпсизми, миссис Фэрли! Миссис Фэрли! Айтинг, уни бу балодан қандай асраса бўларкин. Қадрдоним бўлиб, яна бир оналик қилинг, айтинг, яхшиси нима қилайин.

Унинг тошни ўпаётгани эшитилар, элангандек суркалиб, силаб-сийпалаётганини кўриб турардим. Йиғи аралаш илтижолари, ўша ондаги аҳволи юрагимни эзарди. Эгилиб у бечоранинг озғин қўлларидан оҳиста ушлаб, тасалли беришга уриндим.

Вазият ўзгармади. Қўлларини қўлларимдан юлқиб олди, юзини тошдан кўтармасди. Қандай бўлмасин, иложини топиб, уни юпатиш зарур эди. Бунинг бирдан-бир йўли унинг ўзи ҳақидаги фикримга боғлиқ тадбир, у ҳам бўлса, назаримда, унинг овсар

эмаслиги ва бутун хатти-ҳаракатларини ақл-идрок билан қилаётганига ишонтириш истагига мурожаат қилиш эди.

— Давом этаверинг, — дедим мулойимлик билан — лекин ўзингизни қўлга олишни ҳам унутманг. Акс ҳолда, ўзингиз ҳақингиздаги фикримни ўзгартиришимга мажбур қиласиз. Мени баъзи-бир хаёлларга боришга мажбур қилманг, эҳтимол, сизни телбахонага ташлаган кишининг баъзи бир узрлари ҳам...

Кейинги сўзлар ичимда қолиб кетди. Уни телбахонага жойлаган шахсни тилга олишим билан у қаддини кўтариб, чўкка тушганича туриб қолди. Юзида қандайдир гайритабий ўзгариш намоён бўлди. Заиф, хоргин ва тажангнамороқ бўлса ҳам, бошқа вақтларда кўзга иссиқ кўринадиган чехрасида чексиз нафрат ва талваса ифодаланиб, бир зумда қорайиб кетгандай бўлди. Унинг ҳар бир нуқрасида гайритабий ваҳшиёна куч пайдо бўлгандай туюлиб кетди. Кўзлари оқшом гира-ширасида йиртқич махлуқ кўзларидек чақнарди. Ёнига тушиб кетган латтани ўз домига тушган ўлжадек илиб олиб, шундай сиқдики ундаги қолган-қутган рутубатнинг бир-икки томчиси ҳам қабр тоши устига тушди.

— Бошқа нарса ҳақида гапиринг, — шипшиди у гезариб, — ўша ҳақда валдирайверсангиз, асабларим ўйнаб нима қилганимни ҳам билмай қоламан.

Ҳозиргина юрагида жўшиб турган туйғулардан энди асар ҳам қолмаганди. Унинг хотираси, мен ўйлагандек, фақат миссис Фэрли мурувватлари таассуротларидангина иборат эмаслиги яққол кўришиб турарди. Лиммериж мактабида ўтган кунлари эзгу хотираларидан ташқари, телбахона қафасидаги ноҳақ тутқунлик аламларининг қасоскорона хотиралари ҳам мавжуд эди. Ўша ноҳақлик қилган кимикин? Наҳотки Аннанинг ўз онаси бўлса?!

Мана шу муаммо ечимини бир ёқлик қилиб қўйишдан воз кечиш анча мушкул бўлса ҳам, бу ҳақда ўйлаб қўйган саволларим баҳридан ўтдим. Унинг айна вақтдаги авзою аҳволини кўра туриб, одамгарчилик қилингудек бўлса, уни ҳовуридан тушишига кўмаклашишдан бошқасини хаёлга келтиришнинг ўзи шафқатсизлик бўларди.

— Дилингизга озор етгудек гап айтмаганим бўлсин, — дедим унга тасалли бериб.

— Менда нимадир қасдингиз бор, — қатъи жавоб қилди у шубҳаланиб, — менга бундай тикилманг. Очигини айтиб қўя қолинг, мendan нима истайсиз?

— Бирдан-бир истагим — ўзингизга келиб олинг, сўнг шошилмай айтган гапларим мағзини чақиб кўринг.

— Қайси гаплар? — У жим бўлиб қолди, сўнг қўлларидаги латтани у ёқ-бу ёққа айлантирганича, «нима деди у» деб мингирлади. Кейин яна мен томон ўгирилди ва норозилик билан бош чайқганича «Нега менга кўмаклашишни истамайсизлар?» савол ташлади хуноби ошиб.

— Майли, сизга ёрдамлашайин, — дедим. — Фэрли билан учрашиб, унга мактуб ҳақидаги бор ҳақиқат очиқ айтиб кўя қолинг деган...

— Ҳа! Мисс Фэрли, Фэрли, Фэрли... — такрорлаши унинг руҳини кўтараётгандек эди.

Чехраси очилиб, яна аввалги қиёфасига қайтди.

— Мисс Фэрлидан хавфсирамасангиз ҳам бўлавереди. — сўзимни давом эттирдим. — Ўша хат туфайли бирор галвага йўлиқмасам, деб хавотирланманг. Хат туфайли ўзи ҳам анча нарсдан хабардор бўлиб қолган. Бор гапни батафсил айтиб беришда мутлақо қийналмайсиз. Улардан ҳеч нарсани сир тутманг. Бунинг сиз учун ҳожати йўқ. Мактубда — ҳеч кимнинг номини тилга олмасиз, лекин мисс Фэрли сиз тасвирлаган шахс сэр Персивал Глайд эканини билади...

Глайд исми оғзимдан чиқар-чиқмас у ҳайқирганича сапчиб ўрнидан туриб кетди, ич-ичидан чиққан ҳайқириқ бутун мозорни кўтаргудек бўлиб, унинг ваҳимасидан юрагим така-пука бўлиб кетди. Эндигина юзидан кўтарилган вазоҳат яна қайта намоён бўлди. Бу қиёфаси аввалгисидан ҳам даҳшатлироқ эди. Ўша ном тилга олиниши билан ҳайқириб даҳшатга тушиши, таҳлика ва ҳаяжон босган қиёфасиданоқ менга ҳаммаси аён бўла қолди. Ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин қолмаганди. Унинг телбахона тутқунлигига маҳкум этилишида онасининг айби йўқ эди. Тутқунликка ҳукм этган кимса эркак зоти бўлиб, у ҳам бўлса, сэр Персивал Глайднинг ўзгинаси эди.

Ҳайқириқ бошқалар қулоғига ҳам бориб етганди. Олисроқдаги Секстон уйи эшиги зулфи шиқиллагандек бўлди. Бошига шол рўмол ташлаган миссис Клементс номли ўша дугонасининг ҳам овози эшитилди:

— Кетяпман! Кетяпман! — Овоз ўша бир тўп бутазор ортидан келарди.

Хиёл дақиқа ўтар-ўтмас халлослаб келаётган миссис Клементснинг ўзи ҳам кўзга кўриниб қолди.

— Кимсиз ўзи? — ўдагайлади у зинага оёқ қўяр-қўймас менга тикилиб. — Шундай беозор, бечора аёлнинг ўтакасини ёришга нима ҳаддингиз бор?

Жавоб беришга улгурмасимданоқ у Анна Катерик ёнига етиб келиб, уни ўз бағрига босди.

— Нима гап ўзи, жонгинам? — деди у Аннага. — Сенга нима қилди у?

— Ҳеч нарса, — деди бечора ҳилқат. — Ҳеч нарса. Қўрқиб кетдим холос.

Миссис Клементс жиги-бийрони чиққанича менга ўгирилиб, шундай ўқрайдики, унинг бу олижаноб матонатига қойил қоганимча:

— Мабодо, мана шу қаҳрингизга арзигудек гуноҳ қилиб қўйганимда эди, ўзимдан ўзим ҳижолат бўлган бўлардим. — дедим. — Лекин гуноҳим йўқ. Қўрқиб кетишидан ўзим ҳам беҳабар қолдим. Мени эндигина кўриб туриши эмас. Ўзингиз ҳам сўраб кўринг, аёл кишига озор берадиганлардан эмаслигимни ўзи ҳам билади, айтади.

Сўзларимни Анна Катерик эшитиб англаб олгудек аниқ ва дона-дона қилиб гапиргандим, буларнинг маъносига еткани кўришиб турарди.

— Шундай, шундай, — деди у. — Бир вақтлар менга яхшилик қилган, менга ёрдам берган. — Кейин ўша аёл дугонаси қулогига яна нимадир деб шипшиди.

— Шундай денг, қизиқ! — Миссис Клементс таажжубда эди. — У ҳолда фикрим бутунлай ўзгаради. Узр, сизга жуда қўполлик қилиб қўйдим, сэр, лекин сиз ҳам тан олишингиз керакки, бу ерда пайдо бўлиб қолишингиз шубҳа туғдиради-да. Аслида, сиздан кўра ўзимнинг гуноҳим кўпроққа ўхшайди. Ахир, унинг инжиқлигига йўл қўйиб, мана шунақа ерда бир ўзини ёлғиз қолдириб қўйдим. Қани, кетдик, жонгинам. Уйга қайтдик.

Назаримда, бу меҳрибон аёл қайтишда сайхон ерлардан ўтаётиб бироз ваҳимага тушгандек туюлди. Шунинг учун ҳам иккаласини уйга яқинроқ ергача кузатиб қўйишни таклиф этдим. Миссис Клементс мулозимат билан миннатдорлик билдириб, таклифимни рад этди. Ўтлоққа чиқишлари биланоқ фермада хизмат қилувчилардан учраб қолиши мумкинлигини айтди.

— Мени кечиргайсиз, деган умидламан, — дедим. Анна Катерик кетиш таралдудиди дугонаси қўлтиғидан олгач. Унинг таҳлика босиб оқариб кетган сўлгин юзига назар ташлаб, шундай бео-

зор заифанинг қўрқиб, ҳаяжонда қолишига беихтиёр сабабчи бўлиб қолганимдан ачиндим.

— Кечиринга ҳаракат қиламану, — жавоб берди у, — кўп нарсадан хабардорсиз-да. Энди мен ҳар вақт сизнинг таҳликангиз остида юрсам керак.

Миссис Клементс менга қараб, афсуслик билан бош чайқаб қўйди.

— Хайрли тун сэр, — деди у. — Биламан, сизда гуноҳ йўқ, лекин бу бечоранинг ўрнига мени қўрқитиб юборсангиз бўлмасмиди!

Улар бир неча қадам нари жилишди. Энди йўлга тушишди, деб ўйлагандим. Анна таққа тўхтаб, дугонаси ёнидан четлади.

— Андак кутиб туринг, — деди ҳамроҳига у. — Хайрлашиб кўйишим керак.

У қабр ёнига қайтиб келди, мрамор бутни кучиб, уни меҳр билан ўпди.

— Энди ўзимга келдим. — деди у уҳ тортиб, кейин менга хотиржамгина боқиб: — Сизни кечирдим, — деб қўйди.

У яна миссис Клементс ёнига қайтиб, унинг қўлтиқлаб олди ва улар қабристондан чиқиб кетишди. Кейин ибодатхона яқинида тўхташиб, секстон хотини билан гаплашиб туришганига кўзим тушди. У уйдан чиқиб, уларни кутган, ҳатто, олисдан бизни кузатиб ҳам турган бўлиши керак. Бироз ўтгач улар ўтлоққа чиқиладиган сўқмоқдан юқорилаб кетдилар.

Мен Анна Катерик кўздан ғойиб бўлгунча унинг қораси оқшом гира-ширасига сингиб кетгунча орқасидан термилиб қолдим. Бу бевафо дунёда ўша оқ кийинган аёлни сўнгги маротаба кўриб қолаётгандек ваҳима гулғуласида ўкинч билан термилиб қолдим.

ХIII

Ярим соат ўтар-ўтмас уйга қайтиб, содир бўлган бутун воқеани мисс Ҳалкомбга айтиб бердим. У ҳикоямни бошдан охиригача чурқ этмай, қунт билан тинглади. Бу эса ўзига хос феъл-атвори, ғайрат ва шижоати бўлган бир аёлга воқеанинг қанчалик чуқур ва жиддий таъсир қилганидан ёрқин далолат эди.

— Кўнглимга шубҳа тушиб қолди. — деди у гапимни тамомлаганимдан кейин. — Келажак масаласида кўнглимга шубҳа тушиб, дилимни ҳам хира қилиб қўйди.

— Келажак сиз билан менинг бугунги ҳаракатимизга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Анна Катерик бошқа бирор аёл зоти билан ёзилиброқ, очиқроқ гаплашар, -дедим таклиф киритмоқчи бўлиб. — Агар мисс Фэрли...

— Бу ҳақда ҳозир гап бўлиши ҳам мумкин эмас. — мисс Ҳалкомб ўз шаддодлиги билан гапимни чўрт кесди.

— У ҳолда, бошқа таклифим бор, — сўзимни давом эттирдим. — Анна Катерик билан ўзингиз учрашиб, иложингиз борича, унинг кўнглини топсангиз. Шахсан мен ўзим у бечорани ташвишга солиб қўйганим учун ҳам, уни иккинчи маротаба яна шу қўйга туширмасам, дейман. Эртага сизни фермагача кузатиб борсам, нима дейсиз?

— Эътирозга ўрин йўқ. Лаураинг бахти учун қаерга бўлса ҳам бораман, нимаики лозим бўлса, қиламан. Ўша жойнинг номини нима деб эдингиз?

— У ерни сиз яхши билсангиз керак, Тоддлар бурчаги дейишар экан.

— Биламан, биламан. Тоддлар бурчаги — Фэрли жанобларининг фермаларидан бири. Ҳозирги сут таъминотчимиз — ўша фермернинг иккинчи қизи. У фермага муттасил қатнаб туради. Эҳтимол, биз эҳтиёжманд нарсадан огоҳ ёки унга кўзи тушган бўлиши ҳам мумкин. Ўша қиз шу ердамикин, ҳозироқ суриштириб қўя қолайми?

Мисс Ҳалкомб кўнгироқ чалиб дастёр чақирди ва унга топшириқ берди. Дастёр тезда қайтиб, сут таъминотчиси фермага кетгани хабарини берди. У сўнги уч кун ичи фермага бормаган экан, шунинг учун ҳам бош бека уни ўша оқшом бир-икки соат муҳлат билан уйига бориб келишга рухсат берган экан.

— У билан эртага гаплашарман, — деди мисс Ҳалкомб дастёр хонадан чиқиб кетгач. — Унгача, очигини айтганда, Анна Катерик билан учрашувимдан муддао нималигини тушунтириб берсангиз. Ҳақиқатан ҳам телбахонага тикқан киши сэр Персивал Глайдлигига шубҳангиз йўқми?

— Мутлақо шубҳам йўқ. Фақат унинг бу ишга нима учун қўл урганига ақлим бовар қилмай турибди. Уларнинг ўзаро қариндош бўлишлари эҳтимолини чиппакка чиқарувчи жамиятдаги ижтимоий мавқеълари орасидаги тафовут назарда тутилгудек бўлса, бу қизнинг назорат остига олиниши зарур бўлиб қолган тақдирда ҳам, энг муҳими, уни жиловлаб туришдек жиддий масъулиятни нима учун айнан сэр Персивал ўз зиммасига олиб, амалга оширгани сабабини аниқлашдир.

— Хусусий телбахонага... дегандек бўлувдингизми?

— Худди шундай, ахир у ерга ётқизилган бемор учун, албатта, озмунча ҳақ тўланмаган, бунга эса камбағалнинг бели чидамайди.

— Шубхаларингизга тушунгандекман, жаноби Ҳартрайт. Уларни Анна Катерик кўмагидами ёки усиз ҳам узил-кесил ҳал қилишга ваъда бераман. Мабодо сэр Персивал Глайд жаноби Гилмор билан менинг ишончимизни оқлагудек тўла-тўқис баёнот бермаса, уйимизда узоқ турмайди. Синглимнинг истиқболи ҳаётимиздаги муқаддас бурчим. Унинг никоҳи масаласи менинг розилигимга боғлиқ. Шунга ҳуқуқим бор, деб ўйлайман.

Тунги ором учун ажрашдик.

Келаси куни эрталаб нонуштадан кейиноқ содир бўлиб, хотирамга ўрнашиб қолган вазият, зудлик билан фермага йўл олишимизга халақит бериб қолди. Лиммериждаги сўнги куним эди. Мисс Ҳалкомбнинг маслаҳатига кўра, почта етиб келиши биланоқ, Фэрли жанобларидан кутилмаганда Лононга жўнаб кетишим зарурати туфайли Фэрли жанобларидан ўртадаги битим муҳлатини бир ойга қисқартиришни илтимос қилишим керак эди.

Бахтим чопиб, лондонлик дўстларимдан юзаки бўлса ҳам, узуримга баҳона бўлгудек иккита хат келиб қолди. Зудлик билан хонамга бориб, муҳим бир масала бўйича Фэрли жаноблари мени қабул қила оладими-йўқми ёки қачон имкони бўлишини сўраб дастёр юбордим.

Энди дастёрни кутарканман валинеъматимнинг илтимосимга қандай муносабатда бўлишига бефарқ қарардим. Жаноби Фэрли ижозат берадими-йўқми, барибир, жўнашим керак. Фам-алам сафарига қадам кўярканман, ҳаётимнинг мисс Фэрли ҳаётига уланган риштаси узилди, деган тушунча миямни ғовлатиб, кўзимга ҳеч нарса кўринмай қолганди. Мен бечоранинг нозик, йигитлик ғурури поймол бўлган, арзимас мусаввирлик кибр-ҳавоси ҳам асфаласофилинга чиққанди. Энди Фэрли жаноблари таҳқирлагудек бўлса ҳам, парвойимга келмасди.

Дастёр кутилмаган хабар билан қайтиб келди. Ўчашгандек, Фэрли жаноблари худди ўша куни эрталаб тоби қочиброқ тургани сабабли мени қабул қилиш қувончига мушарраф бўла олмаганидан анча афсусланганмиш. Шунинг учун унинг узрини маъзур тутиб, унга айтиладиган ниятларимни хат орқали изҳор қилишимни илтимос қилибди. Бундай хабарлар шу хонадонда ўтган уч ойлик умрим давомида вақти-вақти билан такрорланиб турарди. Мана шу давр ичи Фэрли жаноблари «мени топиб олганидан» қувонарди-ю, иккинчи маротаба назар ташлашга холи келмасди. Гардишланиб, таъмирдан чиққан янги-янги расм боғламларини дастёр «иззат-икромим» билан қўшиб ўз соҳибига олиб бориб, қўли қуруқ

қайтса ҳам, лекин Фэрли жанобларининг «самимий мулозиматлари», «беҳад ташаккурлари» ва саломатлигининг заифлиги туфайли ўз хилватгоҳида танҳолик тутқунлигига мубтало бўлиб қолгани туфайли «самимий узрлари» билан келарди, икки томонга ҳам манзур бўладиган бундан ортиқ иш услубини ўйлаб топишнинг иложи ҳам бўлмаса керак. Мана шундай вазиятларда Фэрли жанобларининг ҳар ишда қўл келадиган асабларидан қайси биримиз кўпроқ манфаатдор эканлигимизни айтиш ҳам қийин эди.

Ўша вақтдаёқ хат ёзишга тутуниб, фикримни иложи борича қисқа ва лўнда ифодаладим. Фэрли жанобларининг жавоби анча ҳаяллаб, бирор соатдан кейингина қўлимга тегди. У садафдек силлик, қалин, ялтироқ қоғозга бинафшаранг сиёҳ билан дона-дона қилиб қуйидаги мазмунда битилган экан:

«Ҳартрайт жанобларига Фэрли жанобларининг мулозиматлари. Ҳартрайт жанобларининг илтимосидан Фэрли жаноблари (айни пайтдаги аҳволида) ҳайрон бўлиб, афсусланишдан бошқа бирон нарса дейишга ожиз. Фэрли жаноблари уддабурон кишилардан бўлмаса ҳам, ўзининг пуркор хўжалик мудирини билан маслаҳатлашиб олди, ўша киши Фэрли жанобларининг фикрини тўла қувватлайди — Ҳартрайт жанобларининг ўртадаги битимни бекор қилиш илинжида ҳавола қилган ваз-корсонини, ҳаёт-мамот масаласигина мустасно тутилгудек бўлса, инобатга олинмаса ҳам бўлади. Мабодо Фэрли жанобларининг азоб-уқубатли ҳаётидаги бирдан-бир эрмаги ва қувончи, у ҳам бўлса санъат ва санъат аҳллари билан нисбатан юксак эътиқоди бирон арзимас баҳона билан ўзгариб кетгудек бўлганда эди, Ҳартрайт жанобларининг мана шу ишиёқи уни бир ёқлик қилиши турган гап эди. Лекин шахсан Ҳартрайт жанобларидан ҳафсаласи пир бўлгани мустасно тутилса, бошқа ўзгариш бўлмади.

Чексиз азоб-уқубатларига қарамай, мана шу қисқача фикрини баён қиларкан Фэрли жаноблари ўша ҳаддан ташқари гайриқонуний мурожаат масаласидаги ҳукмини изҳор қилишдан бошқа қўшимча қилолмайди. Бу борада Фэрли жанобларининг саломатлиги унга ҳам жисмоний, ҳам маънавий осойишталик тақозо қилгани сабабли Ҳартрайт жанобларининг шу хонадонда қолиши билан иккала томоннинг ҳам жиғига тегувчи оғир бир вазият содир бўлиб, уни безовта қилишни кўтара олмайди. Шунинг учун ҳам Фэрли жаноблари ўз оромини йўқотмаслик нияти билангина илтимосни рад этиш ҳуқуқидан воз кечиб, Ҳартрайт жанобларининг кетавериши мумкинлигини маълум қилади».

Мактубни буклаб, бошқа қоғозларимга қўшиб олиб қўйдим. Бир вақтлар уни ўз шаънимга ҳақорат деб билиб, жиғи-бийроним чиқиб кетган бўларди, лекин ҳозир эса мен учун ишимдан озод этилганлигим ҳақидаги ёзма ҳужжат эди холос. Тамаддихонага тушиб, мисс Ҳалкомбга у билан бирга фермага боришга тайёр эканлигимни маълум қилганимда хат эсимдан ҳам чиқиб, хаёлимдан кўтарилиб кетганди.

— Фэрли жаноблари розилик билдирибдиларми? — мисс Ҳалкомб ташқарига чиққач сўраб қолди.

— Кетишимга ижозат бердилар, мисс Ҳалкомб.

У менга кескин бурилиб қаради-ю, кейин, шу ерга келиб, танишганимдан бери биринчи маротаба мени қўлтиқлаб олди. Ишдан кетиш ижозатининг қандай олинганини англаб, менга рақиб сифатида эмас, балки ҳақиқий дўстларча раҳм-шафқатини ифодаловчи бу мулозиматини сўз билан ифодалаб бўлмасди. Эр кишининг таҳқирли хатини парвойимга келтирмаган бўлсам ҳам, лекин аёл кишининг мулоийм лутфидан тўлқинланиб кетдим.

Фермага йўл олдик. Уйга мисс Ҳалкомбнинг ёлғиз ўзи кириши кераклиги, менинг эса яқин орада туришим борасида келишиб олдик. Бир кун бурун қабристонда бўлиб ўтган воқеалардан кейин менинг ҳам у билан бирга киришим Анна Катерикни яна қайта асабий таҳликага солиб қўймаслиги, нотаниш аёл садоқатига нисбатан эса ортиқча шубҳа туғдирмаслиги учун мана шу йўлни топган эдик. Мисс Ҳалкомб даставвал фермернинг хотини билан гаплашиш ниятида, ҳар ҳолда, унинг чин кўнгилдан кўмаклашишига ишончи комил эди. У кетди, мен эсам уй яқинида уни кутиб қолдим.

Мисс Ҳалкомбни энди анча вақт кутсам керак, деб ўйлагандим, лекин, чамамда, беш минут ўтар-ўтмас унинг қайтиб келишидан ҳайрон бўлиб қолдим.

— Анна Катерик сиз билан учрашишни хоҳламадими? — ажабланиб сўрадим.

— Анна Катерик кетиб қолибди, — деди мисс Ҳалкомб.

— Кетиб қолибди?

— Миссис Клементс билан бирга кетиб қолибди. Улар иккала-си бугун эрталаб соат саккизда фермадан чиқиб кетишибди.

Нима дейишни ҳам билмай қолгандим — масалани ойдинлаштирадиган сўнгги умидимиз ўшалар билан кетганини сезиб турардим.

— Миссис Тодд ўз меҳмонлари ҳақида нимаики билса, улар-

нинг ҳаммаси менга ҳам аён, — давом этди мисс Ҳалкомб. — Унинг ҳам, менинг ҳам бошимиз қотди. Ўтган кеча улар олдингиздан кетишгач, эсон-омон уйга қайтишибди ва одатдагидек, оқшомни Тоддлар оиласи даврасида ўтказишибди. Энди кечки таомга ўтирамиз, деб туришганида Анна Катерик тўсатдан ҳушидан кетиб, ҳамманинг ўтакасини ёрибди. Улар фермага келишган биринчи куни ҳам мана шундай ҳол юз бериб, енгилроқ ўтган экан; миссис Тодд унинг ҳушидан кетиши ўша кунги маҳаллий газетада босилган бирон-бир воқеадан огоҳ бўлишига боғлиқ бўлса керак, деган фикрда — бир-икки минут аввалроқ стол устидаги газетани олганига кўзи тушган экан.

— Газетадаги қайси бир аниқ воқелик уни шу кўйга солганини миссис Тодд биларканми? — қизиқиб сўрадим.

— Йўқ, — жавоб берди мисс Ҳалкомб. — У газетани кўздан ўтказибди, кишини ваҳимага соладиган ҳеч вақоси йўқ эмиш. Шундай бўлса ҳам, уни ўзим қараб чиқай, деб ижозат олдим. Газетани варақлақб, унинг биринчи саҳифасидаёқ Лондон газеталаридан бирининг «казо-казолар никоҳи»дан кўчириб босилган янгиликлар орасида, улар сўнгги хабарлар қисмини тўлароқ ёритиш учун берилган, бизнинг оиламиз ҳаётига ҳам тааллуқли — синглимнинг никоҳи масаласига кўзим тушиб қолди. Анна Катерикни талвасага солиб қўйган сатрлар мана шу, деган қарорга келдим, эртасига бизга юборилган мактубнинг ёзилиш сабаби ҳам шу туфайли бўлганини хаёлимдан ўтказдим.

— Иккала фикрингизга ҳам шак-шубҳам йўқ. Лекин кеча кечкурун иккинчи маротаба ўзидан кетиши сабаби ҳақида нима дейишди?

— Ҳеч нарса. Сабаби мутлақо номаълум. Уйда бегона кишилар ҳам бўлмаган экан. Ташқаридан фақат ўзимизнинг сут таъминотчимиз, у ҳақда сизга айтган эдим шекилли, Тодди қизларидан бири бўлиб, суҳбат мавзуи ҳам одатдаги маҳаллий олди-қочди гаплардан нари ўтмабди. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, у бирдан доллаб, ранги паға бўлиб кетибди. Миссис Тодд билан миссис Клементслар уни юқорига олиб чиқишибди, унинг ёнида миссис Клементс қолибди. Уларнинг одатдаги ётиш пайтидан кейин ҳам алламаҳалгача гаплашганини эшитишганмиш. Бугун тонг саҳарда миссис Клементс миссис Тоддни четроққа тортиб, тез жўнаб кетишлари зарур бўлиб қолганини айтиб, уни саросимага солиб қўйган эмиш. Меҳмоннинг гапларидан, фермер хонадонига дахли бўлмаган бир воқеа содир бўлгани ва ўша туфайли Анна Катерик зудлик

билан Лиммериждан чиқиб кетишга қарор қилганини англаб қолганмиш. Бунни очикроқ айтишга ҳар қанча уринса ҳам, бирон натижа бўлмаганмиш. Миссис Клементс бош чайқаб, Аннанинг осойишталиги учун бу ҳақда савол бермасликни илтижо қилиб туриб олганмиш. Ташқи қиёфасидан ҳам кўриниб турганидек, куйди-пишди бўлиб, Аннанинг жўнаб кетиши зарурлиги, ўзининг ҳам у билан бирга жўнаши лозимлиги, улар айна пайтда йўл олаётган бошпана мутлақо сир тутилишини қайта ва қайта уқтирганмиш. Миссис Тодднинг мезбонлик мулозиматлари ва уларга жавобан эътирозлари ҳақидаги майда-чуйда гапларни сизга айтиб ўтирмаман. Хуллас, бундан уч соат илгарироқ иккаласини ҳам яқинроқ станциялардан бирига обориб қўйибди. Йўл-йўлакай уларнинг дилини билишга ҳар қанча уринса ҳам, натижа чиқмабди. Шундай қилиб, уларнинг бемаврид йўлга чиқиши ва ҳатто унинг самимийлигидан ҳам шубҳаланганларидан дили ранжиб, хафа бўлганидан уларни станция йўлагидак қолдириб, оқ йўл тилаб қолиш учун кутиб ўтирмай жаҳл билан жўнаб кетибди. Аниқ нима бўлгани мана шулар экан. Хотиранинг кунжи-кавагини тинтиб, жаноби Ҳарт-райт, менга аниқ жавоб беринг, кеча кечқурун қабристонда шу икки аёлнинг бугун эрталаб туйқусдан жўнаб кетишига асос бўлгудек бирон воқеа бўлмаганмиди?

— Аввало, мисс Ҳалкомб, Анна Катерик мен билан хайрлашгач, унинг ўша алфозга тушиб ферма хонадонидагиларни талвасага солган вақт ўртасида, мабодо билиб-билмай дилига озор етказиб ҳаяжонга солиб қўйган тақдиримда ҳам, ўзига келиб олгудек фурсат ўтганини ҳисобга олиш керак. У ўзидан кетган пайтда ўша даврада, хусусан, қандай сафсаталар бўлиб турганини суриштирингизми?

— Албатта. Лекин миссис Тодд уй ишлари билан овора бўлгани учун ўша кеча фермер хонадони меҳмонхонасида бўлиб ўтган ҳамма гаплардан ҳам огоҳ бўла олмаган экан. У менга «шунчаки янгиликлар» эди дея олди, холос. Назаримда, бу ўзаро бўладиган одатдаги гаплар маъносида бўлса керак.

— Сут таъминотчининг хотираси онасиникидан дурустроқ бўлса керак, — дедим. — Уйга қайтишингиз биланоқ, мисс Ҳалкомб, ўша қиз билан гаплашиб кўришингиз маъқулроқ бўлса керак, дейман.

Уйга қайтдигу, таклифим ҳам амалга оша қолди. Мисс Ҳалкомб мени тўғри хизматкорлар иш жойига бошлади. Фермернинг қизи сутхонада экан. Енгларини баланд шимариб олиб, минғирлаб ашула айтганича сут бидонини ювиб турган экан.

— Қаршингиздаги жентельменга сутхонангизни кўрсатайин, деб бошлаб келдим, Ҳанна — деди мисс Ҳалкомб. — Бу ер хонадонимизнинг ифтихори-да, қолаверса, сизнинг ҳам обрўйингиз.

Ҳанна қип-қизариб кетди, хиёл тиз букиб таъзим қилди ва истиқола билан ҳар вақт ҳаммаёқни чиннидек тоза тутиш ҳаракатида эканлигини айтди.

— Отангизнинг фермасидан келяпмиз, — мисс Ҳалкомб давом этди. — Эшитишимча, кеча кечқурун ўша ерда бўлган экансиз; сиз борганингизда меҳмонлар уйдаиди?

— Ҳа, уйда экан, мисс.

— Уларнинг биттаси беҳузур ва бетоб бўлиб қолган эмишми? Унинг ўтакасини ёргудек бирон гап ё хапти-ҳаракат бўлмаганмиди?

— Йўғ-е, мисс! — деди қиз қиқирлаб кулиб, — янгиликлардан гаплашаётган эдик.

— Опа-сингилларингиз сизга Тоддлар бурчагидаги янгиликларни гапиришиб берган бўлсалар керак?

— Шундай, мисс.

— Сиз эса уларга Лиммерижлар хонадонидаги янгиликларни тўхфа қилгандирсиз?

— Шундай, мисс. Бечорани кўрқитиб юборгудек ҳеч нарса ҳам дейилмаган эди, бунга шак-шубҳа йўқ, ахир, у беҳузур бўлиб қолганида мен гапираётган эдим. Ўзим умримда бирон маротаба ҳушимдан кетмаганимданми, мисс, уни кўриб, кайфим учиб кетди.

Бошқа савол беришга ҳам улгурмасимизданоқ уни чақириб қолишди — сутхона эшиги олдига келтиришган бир сават тухумни қабул қилиб олиши лозим бўлиб қолибди. У чиқиб кетиши билан мисс Ҳалкомбга шивирладим:

— Лиммериж хонадонидагилар меҳмон кутиш тараддудида эканлари ҳақида кеча оғиз очганмикин, сўраб кўринг.

Мисс Ҳалкомб менга маънодор қараб, тушунганини билдирди ва у қайтиб кириши билан ўша саволни берди.

— Ҳа, шундай. Мисс, ўша ҳақда гапирганман, - деди қиз самимият билан. - Келадиган меҳмонлар, ола сигир воқеаси (мана шулар) фермага юборган янгиликларим эди-да.

— Кимнингдир исмини ҳам тилга олдингизми? Душанба куни сэр Персивал Глайд кутилаётганини ҳам айтдингизми уларга?

— Шундай, мисс, уларга сэр Персивал Глайд келаётганини айтдим. Бунинг бирор ёмонлиги бўлмаса керак — хато иш қилиб гуноҳкор бўлиб қолмаган бўлсам керак.

— Ҳе, йўғе, ёмонлиқ томони йўқ. Қани кетдик, жаноби Ҳар-

трайт, акс ҳолда Ҳанна улар мени ишдан қолдиришияпти, деган фикрга бориб қолади.

Ташқарида яна ўзимиз ёлғиз қолгач, тўхтаб, бир-биримизга қараб қолдик.

— Ҳали ҳам гумонингиз борми, мисс Ҳалкомб?

— Гумонимга энди сэр Персивал Глайд барҳам беради, жаноби Ҳарттрайт, акс ҳолда Лаура Фэрли ҳеч қачон унинг қайлиги бўлмайди.

XIV

Уй ёнидаги сўқмоқдан йўлакка чиққанимизда хиёбон бўйлаб келаётган кабриолетни кўриб қолдик. У ёнимизга етиб келгунча мисс Ҳалкомб бино олди зинасида туриб турди; кейин нарвонча ўрнига қўйилиши билан ундан чаққонлик билан тушиб келган нуроний бир жентельменга пешвоз чиқиб, у билан қўл олишиб саломлашди. Гилмор жаноблари келган экан.

Биз бир-биримиз билан таништирилгач, мен унга маҳлиё бўлиб қолибман, буни пинҳон тутишни ҳам унутворибман. Ахир, Лиммерижлар уйдан жўнаб кетганимдан кейин бу ерда мана шу нуроний киши қоларди-да. У сэр Персивал Глайднинг батафсил жавобини олиши; мисс Ҳалкомбнинг муҳим бир қарорга келишида унга ўзининг кўп йиллик тажрибаси асосида қўмаклашиши; никоҳ масаласи узил-кесил ҳал бўлгунча сабр қилиб туриши; мабодо бу масала ижобий ҳал бўлгудек бўлса, мисс Фэрли тақдирини бир умрга ҳал қилувчи никоҳ битимини тузиши керак эди. Шунда ҳам, мана энди кўзим анча очилган бўлса ҳам (илгари кўп нарсалардан беҳабар эканман), хаёлимга бошқа ҳеч нарса келмай, оиланинг хусусий адвокатига маҳлиё бўлиб қолибман. Илгарилари гимирлаб турган бирон-бир бегона инсон зотига ҳеч қачон бунчалик қизиқиб қарамагандим.

Гилмор жанобларининг ташқи қиёфаси қари адвокатлар ҳақида миямга сингиб қолган тасаввуримнинг мутлақо акси эди. Қаддиқомати анча тетик; нуроний сочлари узун тарашланиб, бир текисда таралган; қоп-қора сюртук, нимча ва шими ўзига ёпишибгина турар; оппоқ сербар бўйинбоғи дид билан боғланган; лаванда ранг шаброн дастпўши ҳар қандай олифта руҳоний қўлларига бежирим ярашгудек эди. Муомалаларида ширинсуханлик ва мулойимлик фазилатлари, ҳаётидаги хизмат тақозосига кўра ҳар вақт ақл-идрок билан иш тутишга одатланган кишининг зийраклигию, ҳозиржавоблиги сезилиб турарди. Унинг вужудида ҳали жўш уриб турган ғайрати; иш бошлаш учун кенг имкониятлари; узоқ

йиллар давомидаги мўътабар мартабаси билан беғубор иззат-эътибори; хуштабиат ва уддабуронлиги кўзга яққол ташланиб турган улугвор ёши — Гилмор жаноблари билан танишгач дилимдан ўтган таассуротлар мана шулар эди. Кейинча билганларим ва содир бўлган воқеалар ҳам мана шу фикрларимни тасдиқлади, унга нисбатан эътиқодим яна ҳам ортди.

Кекса жентельмен билан мисс Ҳалкомблар уйга киришлари олдида уларнинг оила масаласидаги суҳбатларига ҳалал бермаслик учун ўзимни четга олдим. Улар залдан ўтиб, меҳмонхона томон юришди, мен эсам боғни айланиш учун зинадан яна қайта пастга тушдим.

Лиммерижлар хонадонида ўтадиган вақтим ҳисоблоглиқ — келаси куни эрталаб жўнаб кетишим аниқ эди. Имзосиз хат тақозо қилган қидирув ишларидаги ҳиссам ҳам ниҳоясига етганди.

Беаёв шафқатсизлик мажбурияти туфайли жиловланиб турган қалбимга энди ўз ихтиёримдаги мана шу қисқагина вақтда эрк бериб, гўё тушдек бир зумда ўтиб кетган қувончли ва севги дамларимнинг гувоҳи бўлган табиат манзаралари билан видолашгудек бўлсам, ўзимнинг дилим вайрон бўлса ҳам, бошқа бирон-бир кимсага зиёни тегмасди.

Беихтиёр катта йўл четидаги сўқмоққа бурилдим. У ўз ишхонам деразаси тагидан ўтар, бир кунгина аввал мисс Фэрлини лайчаси билан ўша ерда кўргандим. Унинг мўътабар изларидан юриб, севимли гулзори дарчасигача бордим. Қиш нафаси ҳаммаёқни яланғочлаб гулзорга ҳам мотамсаро тус берганди. Мисс Фэрли туфайли энди мен номлариданоқ бир-бирдан фарқлай оладиган гуллар, унга эса мен айна табиий ҳолатидаги тасвирини чизишга ўргатган ўша гуллар тўзғиб кетган, пушталари орасидаги ингичка оқ жўяклар нам тортиб, кўкариб қолганди. Йўлимда давом этиб хиёбонга чиқдим. Август оқшомлари у билан бу ернинг хушбўй илиқ ҳавосидан бирга-бирга нафас олгандик, оёқларимиз остидаги нур ва соялардан иборат беҳисоб олачалпоқ шаклу-шамойилларга маҳлиё бўлгандик. Мана энди бўлса гичирлаб инграб турган шоҳ-шаббалардан атрофимга хазон ёғилиб турар, ердан ураётган зах суяк-суягимдан ўтарди. Яна бироз юриб, хиёбон бағридан чиқдим-да, шу атрофдаги қирлардан яқинроғи устига айланиб чиқиладиган сўқмоқдан юриб кетдим. Йўл четидаги кулаб ётган дарахт танаси, унинг устида дам олиб ўтиргандик, ёмғирдан бўкиб қолган, рўпарадаги бесўнақай харсанг остидан униб чиққан қирққулоқ ва чимлик жойлар, шу ернинг расмини унга чизиб бергандим, кўлоб бўлиб ётар, чириган уруғлар эса унинг ўртасида оролча бўлиб қолганди. Ниҳоят қир чўққисига чиқиб, беихтиёр онлари-

мизда тез-тез завқланиб тамошо қилган манзарага кўз ташладим. Ҳаммаёқ яйдоқ ва кўримсиз — энди у ерлар менинг хотирамдагидек жилоланиб кўринмасди. Порлоқ қуёшим мендан йироқ, унинг дилрабо сўзлари қулогимга чалинмасди. Мана шу турган жойимда у менга ҳаёт қолган биттаю-битта отаси ҳақида гапирганди. Улар бир-бирига қанчалик меҳрибон бўлганларини, бинонинг айрим хоналарига кирганида ёки отасини эслатадиган ишларга қўл уриб қолгудек бўлишса ёки шўхлиги тутиб кетса, ҳанузгача отасини ўкинч билан эслаб туришини айтиб берганди. Наҳотки, ҳозир ўзим танҳо туриб кўраётган манзара унинг сўзларини эшитиб кўрган ўша манзара бўлса! Ҳафсалам пир бўлиб орқамга қайтдим. Арчагулларни оралаб ўтиб, қумтепаларни айланиб соҳилга тушдим. Мисс Фэрли бир вақтлар шамсиясининг учи билан қандайдир расмлар чизган қумлоқ жойлар, ёнмаён ўтириб, менинг уйим ва ўзим ҳақимда айтган гапларини, онам билан синглим ҳақидаги аёллар синчковлигига хос саволларини, ногаҳон, сўққабошлик ҳаётимни тарк этиб, уйланишим ва ўзимнинг алоҳида уй-жойлик бўлишимни қайд қилиб, бегараз таажжубланганини эслатовчи жойларда пўртоналар мавж уриб турар, у ерлар ўрқач отиб келаётган чексиз тўлқинлар қаърида қолганди. Мисс Фэрлининг қумлоқ устида қолдирган ўша нишона изларини шамол ва тўлқинлар аллақачоноқ текислаб кетганди. Мен бепоён денгиз сатҳининг бир хил қиёфасига ва қувончли дамларимиз биргаликда ўтган соҳилга назар ташлар эканман, улар менга бутунлай бегона туюлар — гўё уларни кўрмагандек эдим, нотаниш соҳилда тургандек ажабланардим.

Қирғоқнинг хувиллаб туриши руҳимни яна ҳам тушириб юборганди. Уйга, боққа қайтишга шошилдим, ахир у ерларнинг ҳар қадамида мисс Фэрлидан гувоҳлик берувчи нишонлар қолганди.

Пешайвоннинг мағриб томонида Гилмор жанобларини учратдим. У мени излаган бўлса керак, бир-биримизга кўзимиз тушиши биланоқ қадамни тезлаштирди. Кайфиятим бу бегона киши билан суҳбатлашгудек эмасди, лекин учрашишимиз муқаррар экан, бундан унумли фойдаланиб қолишга жазм қилдим.

— Сизни учратармиканман, деб турувдим, — деди кекса жентлмен. — Сизга айтиладиган икки оғизгина гапим бор, ҳурматли сэр. Агар эътироз қилмасангиз, мана шу фурсатдан фойдаланиб қолсам дейман. Очигини айтсам, мисс Ҳалкомб билан оила масалалари ҳақида батафсил гаплашдик, менинг бу ерда бўлишимнинг асосий сабаби ҳам шу-да. Суҳбатимиз давомида у, албатта, ўша имзосиз мактубга боғлиқ бўлган дилгир воқеа ва унинг ол-

дини олишга қўшган оқилона, мақташга арзигудек ҳиссангиз ҳақида ҳам гапириб ўтди. Ана ўша ҳиссангиз туфайли, буни яхши тушунаман, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, ўзингиз бошлаган қидирув ишлари кимнинг қўлига топширилиб, қандай чоралар кўрилишига қизиқиб турибсиз. Ҳурматли сэр, бу масалада кўнглингиз хотиржам бўлаверсин, бу иш менга топширилади.

— Сиз, ҳар ҳолда, жаноби Гилмор, бу масалада бирор маслаҳат бериш ёки чора кўришда менга нисбатан омилкорроқ ва ҳақхуққлисиз. Бу борада нима қарорга келганингизни сўрагудек бўлсам, беадаблик қилиб қўйган бўлмасмиканман?

— Иложи борича, жаноби Ҳартрайт, кўриладиган чораларни белгилаб қўйдим. Мактубнинг бир нусхасини айна вазиятлар маълумотини илова қилганим ҳолда сэр Персивал Глайднинг Лондондаги ўзимга таниш ишончли вакилига юбормоқчиман. Мактубнинг аслнусхасини сэр Персивал келиши билан унга кўрсатиш учун олиб қоламан. Фэрли жанобларининг хизматкорларидан бири — ишончли кишини маълум топшириқ билан станцияга жўнатиб, ўша икки аёл изига тушиш чорасини ҳам кўриб қўйдим. Унга пул ҳам, кўрсатмалар ҳам берилган. Агар уларнинг изига тушиб қолгудек бўлса, зимдан таъқиб қилади. Сэр Персивал Глайд душанба кuni келгунигача қўлимиздан келгани шу бўлади. Унинг эса ҳақиқий жентлмен — соф виждонли кишидек ҳалол жавоб беришига шубҳам йўқ. Сэр Персивалнинг мартабаси улуғ, сэр, мавқеи баланд. Унинг обрўйи ҳар қандай шубҳадан мустасно туради. Шунинг учун ҳам бу иш натижаси масаласида кўнглим тўқ, бутунлай кўнглим тўқ. Буни сизга ишонч билан маълум қилишдек қувончимни яширолмайман. Бундай воқеалар иш тажрибаларимда тез-тез учраб туради. Имзосиз хатлар — бебахт аёллар жамиятнинг аянчли ҳолатидир. Лекин айна воқеанинг ҳам ўзига хос чигали бўлиши эҳтимолдан холи эмаслигини инкор этмайман. Шундай бўлса ҳам, воқеанинг ўзи, минг афсус, сийқаси чиққан ҳақиқат-да.

— Афу этгайсиз, жаноби Гилмор, бу масалада мен бутунлай бошқача фикрдаман.

— Фақат сизнинг назарингизда шундай, ҳурматли сэр, назарингизда. Мен бир кекса одамман, шунинг учун ҳам тажрибаларимга суяниб фикр юритаман. Сиз эса ёшсиз, фикрингиз хаёлга асосланади. Келинг, фикримиз устида бағшлашмай қўя қолайлик. Ўз ихтисосим бўйича ҳар вақт мунозара муҳитида юрганим учун ҳам, жаноби Ҳартрайт, мана ҳозир кўриб турганингиздек, ундан четроқ туриш қувончига мушарраф бўлиш умидидаман. Сабр қилайлик, қани нима бўлар-

кин. Шундай, шундай, шундай, сабр қилайлик — қани, нима бўларкин. Ажойиб жой-да бу ер. Ов қилса бўлармикин? Бўлмаса керак, назаримда, Фэрли жанобларининг ҳеч бир даҳаси овга мўлжалланмаган. Ажойиб жой, одамлари ҳам бирам сертакаллуф. Эшитишимча, чизиш, расм солиш ишлари қўлингиздан келармишми, жаноби Ҳартрайт? Ҳавас қилса арзигулик камолот. Қайси услубда чизасиз?

Суҳбатимиз умумий мавзуга ўтди, тўғрироғи, Гилмор жаноблари гапирар, мен тинглардим. Хаёлим эса бутунлай бошқа ёқда, унинг нималар ҳақида бунчалик ваъзхонлик қилаётгани қулоғимга ҳам кирмасди. Мен ўша сўнгги икки соатлик ёлғиз сайилим таассуротида эдим, Лиммериждлар хонадонидан тезроқ жўнаб кетиш пайига тушиб қолгандим. Видолашув мусибати вақтини чўзишнинг энди нима ҳожати бор? Бунинг буёғига мен кимга керакман? Кумберленда ҳаяллаб, иззат-икромда бўлишнинг ҳеч ўрни йўқ — валинеъматимдан теккан ижозатда жўнаш муддатим тайин ҳам этилмаган, буни интиҳосига етказиб қўя қолсам бўлмайдими?

Қатъий қарорга келдим — буларнинг ҳаммасига чек қўйиш керак. Кечгача ҳали яна бир неча соат вақт бор, лекин пешиндаёқ Лондонга жўнаб кетишимга монъелик қиладиган сабабнинг ҳам ўрни йўқ эди. Имконият бўлиши биланоқ Гилмор жанобларига узримни айтиб, у билан хайрлашдим-да, тўғри уйга қайтдим.

Ўз хонамга чиқаётиб зинада мисс Ҳалкомбни учратдим. У шошилиш ҳаракатларим билан юзимдаги безовталиқни кўриб, қандайдир ниятда эканлигимни фаҳмлади ва нима гаплигини сўради.

Тез жўнаб кетишимга асос бўлган сабабларни худди илгари ҳам изҳор қилганимдек, бирма-бир айтиб бердим.

— Йўқ, йўқ, — деди у шоша-пиша самимият билан, — дўстлардек иш тутайлик, биз билан яна бир маротаба туз-намак бўлинг. Шошилмай, кечгача шу ерда сабр қилинг. Сўнгги оқшомни, худди ўша дастлабки кунларимиздагидек, сиз билан биргаликда хушчақчақлик билан ўтказайлик. Бу — менинг илтимосим, миссис Везининг илтимоси — у бир оз иккиланиб турди-да, яна шунини ҳам қўшиб қўйди — шунингдек Лауранинг ҳам илтимоси.

Қолишга ваъда бердим. Худо ҳаққи, улардан биронтасининг дилига заррача озор етишини истамасдим.

Кечки таом қўнғироғи чалингунча ўз хонамда қарор топдим. Пастга тушиш вақтигача сабр қилдим.

Кун бўйи мисс Фэрли билан гаплашмагандим, уни ҳатто кўрмагандим ҳам. Тамадихонага кириб борганимда у билан учрашувимиз иккаламиз учун ҳам сиполик синови бўлди. У сўнгги оқшо-

мимизда ўзини, иложи борича, илгаригидагидек осуда, хотир-жам тутар, энди ҳеч вақт қайтиб келмайдиган қувончли онларимиздагидек ўтказишга уринарди. Эгнида, мен кўпроқ хуш кўрган, эски андозада гажимли қилиб тикилган тўқ хаворанг бежирим ипак кўйлак; ўзи ҳам худди аввалгидек олдимга дадил келиб, бахтиёр кунларимиздагидек очиқ кўнгил ва самимий эҳтирос билан менга қўл узатди. Кафтимда титраб турган панжалари, паға бўлиб кетган икки юзи ўрталаридаги қизил ёноқлари, лабларида акс этиб, унга кўзим тушиши билан сўниб қолган хиёл табассуми бу осойишталик унга қанчалик машаққатли эканини кўрсатиб турарди. Энди уни қалбимга яқин олмаслигим, акс ҳолда, меҳрим яна товланиб кетиб, савдойи бўлиб қолишим турган гап эди.

Гилмор жаноблари ҳам бизга кўмакдош бўлди. Унинг кайфи чоғ, руҳи баланд, суҳбат маромини сусайтмай, унга жон бағишлаб турарди. Мисс Ҳалкомб ҳам шунга интиларди. Мен эсам иложим борича унга тақлид қилиш пайида эдим. Стол атрофидан жой олишимиз биланоқ унинг мўмин мовий кўзлари илтижо билан менга термилиб «Синглимга кўмаклашинг» деяётгандек бўларди. Унинг беозор, лекин айни вақтда ташвишли қиёфасида ҳам худди ўша фикр — «синглимга кўмаклашинг, шунда менга ҳам ёрдамлашган бўласиз». Буларни тушуниб турардим.

Дастурхон атрофида, юзаки бўлса ҳам, ҳаммамиз шод-хуррам эдик.

Аёллар тарқалишиб, тамаддихонада Гилмор жаноблари билан ёлғиз қолган эканмиз, эътиборимиз кутилмаганда қизиқ бир воқеаликка жалб бўлиб, бир неча дақиқалик ўша вақт кайфиятим ўзгаришига кифоя қилди — ўзимни анча босиб олдим. Анна Катерик билан миссис Клементслардан дарак топиб келиш учун жўнатилган дастёр қайтиб келган бўлиб, топшириқ хабарини етказиш учун тўғри тамаддихонага кириб келган экан.

— Шундай қилиб, нималарни аниқладингиз? — деди Гилмор жаноблари.

— Ўша иккала аёл шу ердаги станциядан Карлайлгача билет олишибди. — жавоб берди у, — мана шунга аниқладим.

— Бу нарса маълум бўлгач, албатта, Карлайлга йўл олган бўлсангиз керак?

— Шундай, сэр, лекин афсус, уларнинг изига туша олмадим.

— Темир йўл ходимларидан суриштирган бўлсангиз керак?

— Суриштирдим, сэр.

— Ўша атрофдаги қўноқхоналариничи?

— Суриштирдим, сэр.

— Сизга ёзиб берилган арзномани миршабхонада қолдирган бўлсангиз керак?

— Шундай, сэр.

— Яхши, биродар, қўлингиздан келганини қилибсиз, мен ҳам қўлимдан келганини қилдим. Энди бошқа бирон-бир янгилик бўлгунча бу ишни четга қўйиб турайлик. Қўлимиздаги умид боғлаган карталаримизни юриб бўлдик; жаноби Ҳартрайт, — давом этди кекса жентлмен дастёр чиқиб кетгач. — Ҳозирча, фақат вақтинча бўлса керак, аёллар бизни лақиллатишибди, эндиги бирдан-бир умидимиз — мана шу душанба кунигача сэр Персивал Глайдни кутиш. Рюмкангизни яна тўлатмайсизми? Дурустгина партвейн экан, мазаси ҳам ёмон эмас, бақувватгина, анчагина сақланган. Менинг ертўламда бундан дурустроги ҳам топилади.

Биз меҳмонхонага қайтдик. Ҳаётимнинг энг қувончли оқшомлари ўтган хона. Шу бугунги сўнгги кечадан кейин уни яна қайта кўриш насиб бўлмайдиган хона. Кунлар қисқариб, совуқ тушиб қолганидан бери у ҳам анча ўзгариб қолибди. Пешайвон томондаги ойнаванд эшиклар ёпилиб, қалин пардалар тугилибди. Биз кўникиб қолган гира-шира ёруғлиги барҳам топиб, энди фонар чироқнинг ёруғ нурлари кўзларимни қамаштирарди. Ҳамма нарса ўзгариб кетган — ичқари ҳам, ташқари ҳам.

Мисс Ҳалкомб билан Гилмор жаноблари карта ўйнайдиган стол ёнига, миссис Вэзи ўзининг одатдаги креслосига ўтиришди. Улар бу оқшомни ҳам ўз хоҳишларича ўтказишлари мумкин эди. Буларни кўриб баттарроқ сиқилдим, ўзимни анча ноқулай ҳам сеза бошладим. Мисс Фэрлининг попитр ёнида тимирскиланаётганига кўзим тушди. Бир вақтлар ўша ерга бориб, унга ҳамроҳ бўлардим. Қарга боришимни ёки энди нима қилишимни билмай каловланиб қолдим. У менга хиёл кўз ташлади, кейин попитердаги ноталардан олиб, ёнимга келди.

— Моцартнинг сиз ёқтирган чоғроқ куйларидан чалиб берайинми? — ийманиброқ сўради у нотани очиб, ундан кўзини узмай.

Уларга миннатдорлик билдириб улгурмасимданоқ пионино томон шошилди. Унинг ёнидаги илгарилари ўзим ўтириб одатланган курси бўш эди. Мисс Фэрли бир неча аккордни босди, кейин ўгирилиб менга назар ташлаб, яна қайта нотага тикилиб қолди.

— Ўзингизнинг қадрдон жойингизга ўтирмайсизми? — шивирлади у галати бир овозда.

— Сўнгги оқшом ўтиришимга ижозат бўлса керак. — жавоб бердим.

У индамади, илгарилари қайта ва қайта чалавериб куйи ёд

бўлиб кетган, энди нотага эҳтиёж бўлмаса ҳам, ҳозир бутун эътибори ўшанда эди. Мен томондаги ёноғида илгари ёниб турган қип-қизил руҳи сўнгани ва умуман юзининг оқариб кетганини кўриб, сўзларимни эшитганини англадим, унга ҳамнафас бўлиб турганимдан ҳам огоҳлигини сездим.

— Кетаётганингиздан бениҳоя ҳафаман, деди у ҳазин овозда гўё шипшигандай. У кўзларини атайлаб нотадан узмас, панжалари ҳам, илгарилари ҳеч сезмагандим, безгак хуружида қолганедк пионино пардалари устида бежороқ тебранарди.

— Сизнинг бу дил сўзларингиз, мисс Фэрли, эртаги кун ортда қолишганидан кейин ҳам узоқ вақтлар дилимдан нари кетмайди.

Унинг юзи яна ҳам оқариб, нариги томонга ўгирилиб олди.

— Эрта ҳақида оғиз очмай кўя қолинг, — деди у. — Бу оқшом мусиқа тили билан гаплаша қолайлик, у гамгин тилимиздан кўра овунчлироқ.

Унинг лаблари титрар, ич-ичидан чиқаётган хўрсиниқни босишнинг иложи бўлмасди. Панжалари пардалар устида силтаниб бошқасига тушиб қоларди. Тўғрилашга уриниб яна ҳам чалкаштириб юборганидан ҳижолат чекиб, фиғони чиққанича кўлларини силтаб пардалардан олди. Картага шўнғиб кетишган мисс Ҳалкомб билан Гилмор жаноблари ҳам таажжубланиб биз томонга қараб кўйишди. Ҳатто креслосида мудраётган миссис Вэзи ҳам мусиқанинг ўринсиз узилишидан ҳушёр тортиб, нима гаплигини суриштирди.

— Вист ўйинини билсангиз керак-а, жаноби Ҳартрайт? — мурожаат қилиб қолди Ҳалкомб мен ўтирган курсидан кўз узмай.

Нимага киноя этаётганини фаҳмладим — у ҳақ эди. Шу ондаёқ ўрнимдан туриб, картабозлар томон юзландим. Жойимдан жилдиму, мисс Фэрли кейинги нотаниш саҳифани очиб, дадилроқ ҳаракат билан яна кўлларини пардалар устида югуртира бошлади.

— Бу куйни албатта чалишим керак, — деди у қатъи, пардаларни ҳам қаттиқ-қаттиқ босиб. — Мана шу сўнгги оқшом бунга албатта чалишим керак.

— Буёққа марҳамат қилсинлар, миссис Вэзи, — деб қолди мисс Ҳалкомб. — картасидан Гилмор жаноблари ҳам, мен ҳам туйдик. Ҳартрайт жаноблари билан вист ташлашинг.

Кекса адвокат кинояли жилмайди, кўли баланд — омади келиб, ютуқ кўриниб тургач, сўнгги королни ҳам очиқ ташлаб кўйганди.

Мисс Ҳалкомбнинг кутилмаганда ўйинга барҳам бериб, уни ўзгартириш ташаббусини у аёл кишининг ютқизиққа тоби йўқлиги нишонасига йўйгани очиқ кўринарди.

Шундан кейин кечанинг охиригача мисс Фэрлидан садо чиқмади, атрофига назар ҳам ташламади. У пиониноси олдидан, мен эсам карта столи ёнидан нари кетмадик.

У беихтиёр пианино чалар — гўё шу билан бутун борлиқни унутиб, енгил тортарди. Гоҳо бармоқлари соғинч интиқлиги билан пардаларга тегар-тегмас ҳимо этилиб қолганида ифодасига сўз ожиз нозик, хазин ва мунгли нидо қулоққа чалинар; гоҳо ўша бармоқлар бошқа пардага тушиб янглиштирар, ё пардалар устида беихтиёр йўргалаб, уларнинг оғир заҳмат аламиндан нолишлари янграётгандай туюларди. Лекин ўшалар ифодаляётган мусиқий куй ифодалари қанчалар турланмасин, ижрочи амридан нари кетмасди. Мисс Фэрли биз бир-биримизга хайрли оқшом тилаш учун ўрнимиздан қўзғолгачгина ўрнидан турди. Миссис Вэзи эшикка яқинроқ бўлганидан мен билан дастлаб қўл олиб хайрлашди.

— Сизни яна қайта кўриш менга насиб этмас, жаноби Ҳартрайт — деди кекса хоним, — жўнаб кетар экансиз, ич-ичимдан ачиниб қолаяпман. Сиз жуда меҳрибон ва илтерламаотли эдингиз, менинг ёшимдаги қариялар меҳр ва илтерламаот қадрини яхши ҳис қилишади. Сизга бахт тилаб қоламан, сэр. Меҳрибонона хайр дейман.

Кейин ёнимга Гилмор жаноблари келди.

— Келгусида бир-биримиз билан дурустроқ танишиш имконияти ҳам бўлиб қолар, деган умиддаман, жаноби Ҳартрайт. Ўша ўзингизга маълум шунчаки бир иш энди менинг қўлимда экан, кўнглингиз таскин топиб, хотирам бўлган бўлсангиз керак? Ҳа, ҳа, бошқача бўлиши ҳам мумкин ҳам эмас, албата. Ё тавба, совуқни қаранг! Сизни йўлакда тургизиб қўймайин. Оқ йўл, азизим сэр, фаранглар айтганидек, bon voyage.

Гал энди мисс Ҳалкомбга келди.

— Эртага эрталаб соат етти яримда, — деди у, кейин шивирлаб — «Сиз ўйлаганингиздан ҳам зиёдроқ сездим ва шунга иқроор бўлдим. Бу оқшомги омилкорлигингиз мени бир умрга сиз билан ошно қилиб қўйди».

Ниҳоят ёнимга мисс Фэрли келди. Унинг қўлини кафтимга олиб эртаги кунни хаёлга келтирарканман, юзига қарашга ҳам журъат этолмасдим.

— Тонг саҳарлаб йўлга чиқишим керак, — дедим. — Сиз, мисс Фэрли, ... жўнаб кетган бўламан.

— Йўқ, йўқ, — қатъи эътироз билдирди у. — хонамдан чиқишдан илгари эмас. Мариан билан биргаликда нонуштага тушамиз.

Шунчалик ношуд, сўнгги уч ойни ҳам шунча тез унутиб юборадиган эсараклардан бўлмасам керак.

Унинг овози галати бўлиб кетди, яна бир қўлини ҳам мулойимлик билан қўлим устига қўйдию бирдан қўйиб юборди. «Хайр-ли тун» дейишга ҳам улгурмадим, кетиб қолди.

Тонг шафағи сўнгги нурлари Лиммерижлар хонадонига тушиши муқаррар бўлганидек, менинг сафарим қаригани ҳам рост эди.

Пастга тушганимда ҳали етти ярим ҳам бўлмаганди, лекин уларнинг иккаласи нонушта дастурхони атрофида мени кутишга ётган экан. учаламиз каллаи саҳарлаб мана шу хувиллаб турган гира-шира, совуқ хонада ўтириб, тамадди қилишга ва гаплашишга уринардик. Лекин зоҳиран қанчалик мулозимат қилишга уринмайлик, гап-гапга қовушмас, барча саби ҳаракатларимиз зое кетарди. Бу ҳолга чек қўйиш учун ўрнимдан турдим.

Яқинроғимдаги мисс Ҳалкомбга қўл чўзганимни биламан, у билан энди қўл олишган эдик, мисс Фэрли кутилмаганда шартта бурилиб, шошилганича хонадан чиқиб кетди.

— Шуниси ҳам маъқул, — деди мисс Ҳалкомб эшик ёпилгач, — шуниси ҳам маъқул, сизга ҳам, унга ҳам.

Шу дақиқа нима дейишимни ҳам билмай анқайиб қолдим. Бир оғиз видолашмай ёки айрилиқ висолини кўрмай ундан жудо бўлиб қолиш оғир эди. Ўзимни босдим. Мисс Ҳалкомбнинг райига қараб, у билан хайрлашишга уриндим, лекин айтишга ошиқаётган гапларимдан бир жумласигина дилимда қолган, «Сиздан хат олиб туришга арзигулик хизматингизда бўла олдиммикин?» дея олдим холос.

— Иккаламиз ҳаёт эканмиз, иложим борича хизматингизда бўлишимга арзигулик меҳнатингизни сингдириб қўйдингиз. Бунинг ниҳояси нима билан тугашидан қатъи назар, сиз ҳамма нарсадан огоҳ бўлиб турсиз.

— Мабодо қачон бўлмасин — келгусида яна ёрдамим керак бўлиб қолгудек бўлсам, ўзбилармонлигим унтилганча,.. — ўпкам тўлиб бошқа бирон нарса деёлмай қолдим. Кўзимга беихтиёр ёш келди.

У мени бағрига олиб, бақувват ва эҳтиросли эр кишилардек қаттиқ кучоқлади. Қоп-қора кўзлари пориллаб кетди. Буғдой ранг қиёфаси ҳам ловуллаб турарди. Юзида акс этиб турган гайрат ва матонат қалбидаги мусаффо меҳр-муруввати ва раҳм-шафқат ҳароратида товланиб унга назокат бағишларди.

— Сиздан умидим катта — мабодо кейинчалик сизга муҳтож

бўлиб қолгудек бўлсак, сизга ўз дўстим ва унинг дўстидек, ўз акам ва унинг акасидек суянамиз.

У бир нафас сукут қилгач, ўша ялов қалб саховатли хилқат мени ўзига яқинроқ тортиб ўз синглимдек пешонамдан оҳиста ўпиб, исмимни тилга олиб:

— Тангри сизни ярлақасин, Валтер! — деди. — Шу ерда ёлғиз қолиб, бироз ўзингизга келиб олинг. Иккаламиз учун ҳам бу ерда қолмаганим маъқулроқ. Яхшиси, сизни юқоридаги балконда туриб кузатсам.

У хонадан чиқиб кетди. Нима қилишимни билмай деразалар томон ўгирилдим. Ҳувиллаган куз манзарасидан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Мен ҳам энди ўз навбатим билан бу хонани тарк этишим, бутунлай тарк этишим олдидан ўзимни босиб олиш учун четга ўгирилдим.

Бирор минут ўтар-ўтмас, ундан ортиқ эмас, эшик оҳиста очилиб гилам устидан мен томон яқинлашаётган аёл киши кўйлаги этакларининг шилдираган шарпаси қулоғимга чалиниб, ўгирилиб қарадим у юрагим така-пука бўлиб кетди. Хонанинг пойга томонидан мисс Фэрли олдимга келаётган эди.

Кўзимиз кўзимизга тушиб, ёлғиз ўзимизгина эканимизни кўргач таққа тўхтаб, нима қиларини билмай каловланиб қолди. Кейин аёлларнинг, одатда, арзимаган ҳолларда довдираб, жиддийроқ вазиятларда эса ўзини бутунлай йўқотиб кўйиш журъати билан менга яқинлаша бошлади. Ўзи хомуш, оқариб кетган юзларида таҳлика аломатлари сезиларди. Ўзи ёнгинаси бўйлаб келаётган стол томондаги қўли орқасида ҳаракатсиз, иккинчиси билан эса кўйлак қатларида яширинган ниманидир ушлаб турарди.

— Мен манавини излаб меҳмонхонага чиқиб кетувдим, — деди у ниҳоят тилга кириб, — шу нарса сизнинг бу ерга ташрифингизу ташлаб кетаётган дўстларингизни эслатиб туриши мумкин. Уни ниҳоясига етказганимда қўлим анча эпақага келиб қолганини айтиб эдингиз, шунинг учун ҳам у сизга манзур бўлар, деган умидда...

У кўзларини яширишга уриниб юзини хиёл четга ўгирганича ўз қўли махсули бўлган чоғроқ расм — биз биринчи дафъа учрашган ўша ёзги шийпон эскизини менга узатди. Сура унинг қўлида титраб турар, уни олишим билан менинг қўлимда ҳам худди шундай бўлди.

Нима кўйга тушганимни айтиб юборишимга сал қолди. «Сура-тингиз доимо менга ҳамроҳ бўлади, умрим бўйи у мен учун энг азиз бисот бўлиб қолади. Тухфангиз учун миннадорман. Бир оғиз арзиҳол, тарки дийдор қилмай жўнатмаганингиз учун ўзингиздан ҳам миннатдорман», дея олдим холос.

— Ҳа, нималар деяпсиз! — деди у самимият билан. — Шунча бахтиёр кунларни биргаликда ўтказиб, сизни хайрлашмай жўна-тишга кўнглим бўлармиди!

— Ўша кунлар энди қайтиб келмайди, мисс Фэрли. Менинг тақдирим билан сизнинг тақдирингиз бутунлай бошқача. Лекин вақти-соати келиб, чин меҳрим ва қилган хизматларим сизни бир лаҳза қувонтиргудек ёки гамгин кўнглингизни ёзгудек бўлса, сизга устозлик қилган бир бечора мусаввирни хаёлингизга олармикинсиз? Мисс Ҳалкомб менга ишонч билан ваъда қилдилар. Сиз ҳам ваъда қила олармикинсиз?

Унинг милтиллаган ёшларга жиққа тўлаётган беозор мовий кўзларида жудолик гам-алами яққол кўриниб турарди.

— Унутмасликка ваъда бераман — деди у маъюслик билан. — Эвоҳ, менга бунчалар термилманг энди! Менинг қалбимдасиз, шунга ваъда бераман!

Беихтиёр унга яқинлашиб, қўлимни ёй этдим.

— Сизга меҳр қўйган дўстларингиз талайгина, мисс Фэрли. Кўпгина диллар бахтли келажагингизга умидвор. Видолашув ол-дидан мен ҳам саодат нури билан мунаввар бўлгуси порлоқ ҳаётингизга тилакдошман дея олармикинман?

Унинг ёноқларидан кўз ёшлари оқа бошлади. Дағ-дағ титраётган қўлларидан бири билан столга суяниб, иккинчисини менга узатди. Уни маҳкам ушлаб олдим. Бошим эгилиб, кўз ёшларим ўша қўл устига тўкилди. Лабларим унга пайванд бўлдию, лекин бу энди муҳаббат бўсаси эмасди. Йўқ, йўқ, сўнгги дақиқалардаги муҳаббат бўсаси эмас, балки айрилиқ ўкинчи бўсаси эди.

— Худо ҳаққи, мендан умидингизни узинг! — деди у шивирлаб.

Ана ўша илтижоли сўзларда унинг қалб нидоси уфуриб турар, уларни эшитишга ҳам, жавоб беришга ҳам ҳаддим сигмас, фақат мисс Фэрлининг нотавон бокиралик ҳурмати хонани тарк этишимни тақозо этарди, холос. Ҳаммаси тамом бўлганди. Қўлини ночор бўшатиб, индамай қўя қолдим. Кўзим ёшга тўлиб, орамизда парда бўлиб қолганди. Унинг дийдорини сўнгги маротаба кўриб қолиш ниятида кўз ёшларимни артдим. Яна бир бора унга назар ташладим — у креслога ўтириб қолди, қўллари стол устида бехос ясланиб, аламли юзини ўшалар устига қўйди. Сўнгги видолашув назари билан унга термилдим, сўнг эшик ёпилиб, у кўзимдан гойиб бўлди — ўртамизда чексиз жудолик пўртаналари мавж уриб, Лаура Фэрли қиёфаси энди ўтмиш хотирасига айланди.

Ҳартрайт ҳикояси шу билан ниҳоясига етди.

ҲИКОЯНИ ВИНСЕНТ ГИЛМОР ДАВОМ ЭТТИРАДИ

(Чансерн Лейнлик, Фэрли оиласи адвокати)

Ушбу сатрлар дўстим Валтер Ҳартрайт жаноблари илтимосига биноан ёзилди. Унда кўзда тутилган ягона мақсад — Ҳартрайт жаноблари Лиммериждан жўнаб кетгач содир бўлиб, мисс Фэрли манфаатларига анча путур етказган баъзи бир воқеалар тафсилотини очиб бериш.

Мўътабаргина оила ҳаётига мансуб воқеанинг, ўз ҳикоямни ҳам унинг муҳим таркибий қисми қаторига қўшганим ҳолда, ошқора қилиниши масаласида узил-кесил бир нарса дейишим қийин. Бу масъулиятни Ҳартрайт жаноблари ўз зиммасига олган. У шунга ихтиёр этган экан, ҳадди сиғади. Ахир, бундан кейин тилга олинган вазиятлар ҳам шуни тақозо этади-да. Воқеанинг оммалаштиришда у кўзда тутаётган, айна вақтда ҳаққоният ва батафсил баёнотларга асосланган режаси содир бўлган воқеалар силсиласининг ҳар бир босқичи айна ўша фурсатда бевосита иштирок этган гувоҳлар томонидан бирин-кетин ҳикоя қилинган, мен ҳам бу ерда ҳикоячи сифатида саҳнага чиқаман. Сэр Персивал Глайд қисқа вақт Кумберлендда қарор то Парккан, айна вақтда мен ҳам ўша ерда бўлиб, унинг Фэрли жаноблари бошпанасида ўтган дамларида ҳал қилинган муҳим бир масаланинг гувоҳи бўлган эдим. Шунинг учун ҳам бўлиб ўтган воқеалар сирасига мана шу сатрларни илова қилиб, ҳикоянинг Ҳартрайт жаноблари тафсилоти билан узилиб қолган шу бугунги дақиқадан давом эттиришим тақозо қилинади.

Мен Лиммериж хонадонига иккинчи ноябрь, жума куни етиб келдим. Сэр Персивал Глайднинг келишини кутиш ниятида эдим. Агар у билан мисс Фэрли ўрталаридаги никоҳ куни тайин этилгудек бўлса, зарурий топшириқларни олиб яна Лондонга қайтишим ва ёш қаллиқнинг никоҳ битимини тузишга киришишим керак эди.

Жума куни Фэрли жанобларининг суҳбатига мушарраф бўла олмадим. У бир неча йилдан буён ногирон аҳволда бўлганиданми ёки шундай хаёлга борганиданми, мени қабул қилгудек холи йўқлигини маълум қилибди. Хонадон аъзоларидан дастлаб мисс Ҳалкомбни учратдим. У мени бино йўлагига кутиб олиб, анчадан бери Лиммерижда истиқомат қилиб турган Ҳартрайт жаноблари билан таништирди.

Мисс Фэрлини ўша куни тушлик таоми пайтида учратишга мушарраф бўлдим. Унинг юз қиёфаси анча сўлгин кўринарди, аҳволлига ачиндим. Кўзга ташланиб қолган бу беозор қиз бебаҳо волидасининг ўзгинаси — атрофдагиларга ширинсухан ва меҳрибон. Шунинг ҳам қайд этиб ўтиш керакки, ўзаро гап, турган-битгани отасининг қуйиб қўйган ўзгинаси. Миссис Фэрлининг кўзлари билан сочлари қорага мойил бўлганидек, тўнғич қизи мисс Ҳалкомб менга қуйиб қўйгандек онасини эслатади. Мисс Фэрли кеч-қурун бизга пианино чалиб берди, лекин назаримда, одатдагидек равон чала олмади. Картада бир қўл вист ташлагандек бўлди, тўғрироғи, казо-казолар эрмагига тақлид қилди. Ҳартрайт жаноблари билан дастлаб танишганимизда у анча бадастур кўринганди, лекин кўп ўтмай у ҳам ўз тенгдошларига хос ижтимоий нуқсонлардан холи эмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Ҳозирги ёшларда уч нарса етишмайди, у ҳам бўлса, шакарғуфторлик қилиб вино ичишни, вист ўйнашни ва қизларга хушомад қилишни билишмайди. Ҳартрайт жаноблари ҳам мана шу умумий нуқсонлардан холи эмас. Лекин шунинг ҳам айтиб қўяй: ўша дастлабки кунлар — қисқагина вақт ичи бўлиб ўтган мулоқатимизданоқ унинг камтар ва жентлмен йигит эканлигига ҳам ишонч ҳосил қилганман.

Шундай қилиб жума ҳам ўтди. Ўша куни фикру-ёдимни банд қилган анча жиддийроқ масалаларни — мисс Фэрли номига келган имзосиз хат, кўрилган чоралар, булардан огоҳ бўларканман, уларнинг тўғри иш тутганига амин бўлганим, бундай вазиятнинг иккичикиригача сэр Персивал Глайддан бирма-бир жавоб олишни ниёт қилиб қўйганим, хуллас, эътиборимга ҳавола қилиниб, олдинги ҳикояда батафсил қайд этилган воқеаларни айтиб ўтирмайман.

Шанба куни мен нонуштага тушгунимча Ҳартрайт жаноблари жўнаб кетибди. Мисс Фэрли бутун кун бўйи ўз хонасидан чиқмади, мисс Ҳалкомб эса анча нохуш кўринарди. Дангиллама бино ҳам Филипп Фэрли билан миссис Фэрлилар пайтларидагидек файзли эмасди. Чошгоҳ олдидан бир ўзим у ёқ-бу ёқни айланиб, бундан ўттиз йиллардан зиёдроқ илгари Лиммерижда шу оила ишлари билан овора бўлиб юрган пайтларимда илк бор кўзим тушган баъзи бир жойларни кўздан ўтказдим. Ўша ерлар ҳам анча бошқачароқ кўринарди.

Соат иккида Фэрли жанобларидан хабар келиб қолди — мени қабул қила олгудек холи борлигини маълум қилибди.

У мутлақо ўзгармабди, сирасини айтганда, дастлаб кўрганимда қандай бўлган бўлса, худди ўшандайлигича қолибди. Гап-сўзлари-

ям одатдагидек, хаёлидан нари кетмай қолган нарсаларга йўналган — шахсан ўзи, асаблари, антиқа тангалари ва Рембрантнинг бебаҳо гравюралари ҳақидагина сўз юритади. Шу хонадонга келишимга сабаб бўлган масалада сўз очишим билан кўзларини юмиб, «ҳафсаламни пир қиляпсиз» деди. Шунга қарамай, ўша мавзуда қайта ва қайта сўз очиб унинг ҳафсаласини пир қилавердим. Шу тариқа бу борада қуйидагиларга ишонч хаёл қилдим: жиянининг никоҳ масаласини у узил-кесил ҳал этилган, деб ҳисобларкан, қизнинг отаси шунга қарор қилганмиш, шахсан ўз фикри ҳам ўша бўлиб, кўнгилдагидек никоҳ эмиш. Тўй ташвишлари бошидан соқит бўлиши билан анча енгил тортган бўлармиш. Никоҳ битимига келсак, жияни билан маслаҳатлашиб, қолаверса, шу оила ёшларига тааллуқли жамики билганларимни икир-чкиригача ҳисобга олганим ҳолда ҳаммасини муҳайё этиб қўйишим кераклиги, унинг бу масаладаги васийлик бурчи эса вақти келганда чексиз мамнуният билан «розиман» деб қўя қолишдан иборатлигини шипшиди. Ўша дақиқада менинг ёки бошқа бировнинг мулоҳазасига қулоқ солиб ўтиришга тоби ҳам йўқ эди. Унинг ўз хонасида занжирбанд бўлиб қолган ожиз бир жафокаш эканлигини ҳам кўриб турардим. «Мени лақиллатмаяптимикин» деган фикр хаёлимдан ўтмадими? Йўқ. Шундай экан, унинг жигига тегишнинг нима ҳожати бор? Шу оила ишларига тааллуқли маълумотлар унинг Лиммериж мулкидан умрбод манфаатдор бирдан-бир шахс эканлигига асос бўлмаганида эди, эҳтимол, Фэрли жанобларининг васий сифатида бунчалик лоқайдлигидан бироз ажабланган бўлардим. Кўриб турганингиздек, суҳбатимиз натижаси мени на ажаблантирди ва на ташвишга солди. Фэрли жаноблари умидларимни оқлади. Суҳбатимиз шу билан ниҳоясига етди, вассалом.

Якшанба анча зерикарли ўтди. Уй ичи ҳам, ҳовли ҳам ҳувиллаб қолганди. Сэр Персивал Глайд адвокатидан хат олдим. Имзосиз хатнинг кўчирилган нусхаси билан унга илова қилинган шу масалага оид даъволаримни олганидан хабар берибди. Мисс Фэрли чошгоҳ пайт ранги рўйи синиққан, анча хомуш бир ҳолда олдимизга чиқди. Умуман олганда, ўзгариб кетган. У билан бирикки оғиз гаплашдим. Ўрни келганда ҳатто юрак ютиб бўлса ҳам, сипориш билан сэр Персивални киноя қилиб ўтдим. У гапларимга қулоқ солардию, лекин жавоб бермасди. Суҳбат қайси мавзуда бўлмасин, эътибордан четда қолдирмай, уларни мамнуният билан мулоҳаза қилиб борса ҳам, киноя мавзуига келганда назар писанд қилмасди. Қизлар ҳаётида тез-тез бўлиб турганидек, вақт-

ни қўлдан бой бериб қўйиб, энди бу никоҳдан пушаймон қилмаётганмикин, деган хаёлларга ҳам бора бошладим.

Душанба куни сэр Персивал Глайд етиб келди.

У анча басавлат, шунга яраша сипо ва сермулозиматгина киши экан. Ёши мен ўйлаганимдан улуғроқ. Пешона усти сочлари ялашиб кетган, синиққан юзига ҳам кексалик туси уриб қолган, ҳаракатларида эса ёшлик гайрати уфурар, кайфи чоғ эди. У мисс Ҳалкомб билан сидқидилдан саломлашар экан, такаллуф адабларининг ҳаммасини ўрнига қўйди. Мен билан ҳам, у билан таништирилгач, худди қадрдон дўстлардек самимий муносабатда бўлди. Уни кутиб олганимизда мисс Фэрли биз билан бирга эмас эди, у ўн минутлардан кейин олдимишга кирди. Сэр Персивал ўрнидан турди-да, киборона тавозеъ билан мулозимат қилиб унга бўлган иззат-аҳтиромини билдирди. Бўлажак ёш қаллиги юзидаги сўлгинликни кўргач, хушомадни яна ҳам меъёрига етказиб, ширинсуханлик ва хушмуомаласи билан тавозеъ қиларкан, унинг тарбия кўрган аслзодалигию очиқ кўнгиллиги билиниб турарди. Шунга қарамай, мисс Фэрлининг унинг ҳузурда хомуш ва бетоқат бўлиб, имконияти туғилиши биланоқ яна чиқиб кетишидан ҳайрон бўлдим. Сэр Персивал уни бунчалик нохуш кутиб олганини ҳам, тезда даврамизни тарк этганини ҳам сезмади. Ҳа, мисс Фэрли олдимишдалигида фикри-хаёли ўшанда бўлиб қолмаганидек, чиқиб кетганидан кейин ҳам ундан гина қилиб мисс Ҳалкомбга бирон сўз айтмади. Лиммерижда у билан ҳамсуҳбат бўлган эканман. унинг табиатида бирон-бир беодоблик ёки беандишаллик сезмадим.

Мисс Фэрли чиқиб кетиши билан у имзосиз хат масаласида ўз мулоҳазаларини айтиб, бизни бу борада сўз очиш андишасидан халос этди. Ҳемпширдан қайтаётиб йўл-йўлакай Лондонда тўхтаб, ўз вакили билан учрашибди. Мен юборган ҳужжатлар билан танишгач, тўла-тўкис маълумот бериб, кўнглимизни хотиржам қилиш учун зудлик билан Кумберлендга йўл олибди. У мана шу масалада оғиз очиши биланоқ сэр Персивалга кўрсатиш ниятида ёнимда олиб юрган ўша хат асл нусхасини унга ҳавола қилдим. Суҳбатдошим менга миннатдорлик билдириб, унинг қўлёзма нусхасини кўрганлиги ва шунинг учун ҳам асл нусха бизнинг қўлимизда қолаверишига хайрихоҳлик билдириб, унга ҳатто қайрилиб қараб қўйишдан ҳам воз кечди.

Хат масаласида шу вақтнинг ўзидаёқ берган тафсилоти (худди ўзим ўйлаганимдек) ҳаётда тез-тез учраб турадиган воқеа бўлиб чиқди.

Унинг бизга берган маълумотига кўра миссис Катерик анча йиллар илгари унинг оиласи ва шахсан ўзи олдида қилган садоқатли хизматлари туфайли ундан маънавий қарздор бўлиб қолган экан. Бу аёлнинг бахти чопмай бошига бирдан қўшалоқ кулфат тушибди — не умидлар билан ҳаётини боғлаган эри ташлаб кетибди, ёлғиз фарзандининг эса ёшлигиданоқ ақли-хуши заиф экани маълум бўлибди. Миссис Катерик турмушга чиққач, ҳаёт тақозоси уни Хемпширнинг бир чеккасига — сэр Персивал ерларига туташ бўлса ҳам, анча олисга улоқтирганига қарамай, унинг эътиборидан четда қолмабди. Ҳатто, ўша илк хизматлари туфайли бўлган дўстона муносабати унинг ўз бошига тушган мусибатларга бардош бериб, матонат билан чидаб келаётганидан қойил қолганлиги туфайли яна ҳам мустаҳкамланибди. Вақт ўтиши билан миссис Катерикнинг бечора қизи ақли-хушидаги заифлик авж олиб, уни тиббий назорат остида тутиш лозим бўлиб қолибди. Онаизорнинг ўзи шу қарорга келган бўлса ҳам, лекин айна вақтда уни қашшоқ бир кимса сифатида умумий телбахонага ётқизиб, атрофидаги унга ҳурмат билан қарайдиган кишиларнинг хурофий бидъатлари туфайли гап-сўз бўлишдан андиша қилибди. Сэр Персивал жамиятнинг ҳар бир тоифасидагилари сўз эркинлигига хайрихоҳ бўлганидек, уларнинг урф-одатларига ҳам ҳурмат назари билан қараганидан, миссис Катерикнинг қизини ишончли хусусий телбахонада тутиш чиқимини ўз зиммасига олиш билан унинг илгариги хизматларига яраша миннатдорлик билдиришга қарор қилибди. Бечора қиз эса ўзининг шифохона назоратига тушиб қолишида вазият тақозосига амал қилган сэр Персивалнинг ҳам қўли борлигидан огоҳ бўлиб қолгач, у кўзига балодай кўринадиган ва унга нафрат билан қарайдиган бўлиб қолибди. Онаси ҳам, унинг ҳомийси ҳам мана шундан афсусланишаркан. Қиз телбахонадан қочиб кетгач ёзилган имзосиз хат ҳам унинг шифохонадалигидаёқ аҳён-аҳёнда сезилиб турилган ўша нафрат ва кек оқибати эмиш. Мабодо мисс Ҳалкомб билан Гилмор жаноблари мана шу фикрлар кафолотига кўра хат асосидаги шубҳаларидан фориғ бўлиб, кўнгиллари таскин топмагудек бўлса ёки дилларида телбахонага оид бирон-бир қўшимча маълумот олиш ниятлари бўлса (унинг қаердалиги, ожиза қизнинг ўша ерга жойлаштирилишида тиббий шаҳодатлик берган икки врачнинг исмию турар жойларини ҳам маълум қилганди), ҳар қандай саволга жавоб бериб, мужмалликка хотима беришга тайёр эди. У ўз вакилига қизни қаердан бўлмасин топиб, яна қайта шифокорлар на-

зоратига топшириш учун ҳар қанча ҳаражатни аямасликни тайинлаш билан ўша бечора ожиза аёл олдидаги бурчини адо этган бўлса, айни вақтда эса худди ўшандай самимийлик ва садоқат билан мисс Фэрли билан унинг оила аъзолари олдидаги бурчини адо этиш илинжида эди.

Унинг шу илтерламаотига дастлаб жавоб берган мен эдим. Шахсий вазифам ўзимга аён эди. Адлия қонунчилигининг энг нозик томони шундаки, ўша қонунга биноан қандай вазият ёки қай ҳолда содир бўлишидан қатъи назар, можаро ҳақида кимданки маълумот тушмасин, уни муҳокама қилиш имкониятини берарди. Агар жорий вазифам туфайли сэр Персивал Глайдга қарши жинойи иш қўзғаш лозимлигини ҳис этганимда эди, шак-шубҳасиз, уни ўз огзидан чиққан сўзлариданоқ илинтириб қўйган бўлардим-а, лекин айни вақтдаги бурчим буни тақозо этмас, ҳозиргина эшитилган маълумотларни чамалаб кўриб, шунда ҳам вазиятни баён қилган жентельменнинг нуфузли мартабасини назарда тутганим ҳолда воқеълик тафсилоти уни оқлайдими ёки махв этадими — мана шунини одилона ҳал қилиб бериш эди холос. Унинг батафсил маълумоти шубҳага ўрин қолдирмай, ҳақлигини кўрсатди. Мен ҳам шунга иқрор бўлганимдан, сўзлари (шак-шубҳасиз) асосли эканини маълум қилдим.

Мисс Ҳалкомб менга маънодор қараб олгач, ўз навбатида, икки огиз сўз билан ўша фикрни маъқуллагандай бўлдию, вазият унинг шубҳаларига ўрин қолдирмаган бўлса ҳам, кўнгли тўлмагани сезилиб турарди. Сэр Персивал буни пайқадими-йўқми — бу ҳақда аниқ бир нарса дейишим қийин. Назаримда, сизди шекилли, ўзининг батафсил хотималари билан бу масалада огиз очишга ўрин қолдирмаган бўлса ҳам, атайлаб яна шу мавзуга қайтди.

— Агар далилларга асосланган мана шу беғараз маълумотларимиз Гилмор жанобларигагина ҳавола этилганида эди, — деди у. — бу кулфатли можаро масаласига яна қайтиб ўтиришнинг ҳожати ҳам бўлмасди. Ишончимиз комилки, Гилмор жаноблари сўзларимизни жентлменларча инобатга олган бўлардилар, камоли бизга нисбатан ўша ишончлари туфайли мунозарамиз ҳам ниҳоясига етган бўларди. Лекин аёллар билан масалани бундай ҳал қила олмаймиз. Ҳақ эканлигимиз айни ҳақиқатлигини эркак зоти билан эзмаланиб ўтириш амри маҳол ҳолларда ҳам, уларни аёллар олдида далиллар билан исботлашимизга тўғри келади. Шундай далил талаб қилишга тилингиз бормаи турибди, мисс Ҳалкомб, мана шунинг учун ҳам ўзларининг эътиборларига, айниқса, мисс

Фэрли эътиборларига далиллар ҳавола қилишга мажбурмиз. Мана шу бебахт аёлнинг онаси — миссис Катерикка ҳозирда мактуб йўллашингизни илтимос қилсам, нима дейсиз? У эътиборингизга ҳозиргина ҳавола қилинган жавобларимни тасдиқлаб гувоҳлик бериши мумкин.

Мисс Ҳалкомбнинг ранги ўзгариб, бироз ноқулай аҳволда қолганини сездим. Персивал жанобларининг бу таклифи чексиз, назокат билан изҳор қилинган бўлса ҳам, бундан бир-икки дақиқа илгарироқ унинг қиёфасида сезилган гумонига нозик киноядек эди.

— Ўзларидан шубҳаланаяпти, деган хаёлга бориб, сэр Персивал, менга нисбатан адолатсизлик қилмагайсиз, деган умидданман, — деди у шоша-пиша.

— Йўғе, мисс Ҳалкомб. Таклифимизни ўзларига бўлган самимий эҳтиромимиз туфайли қилинган сай-ҳаракат, деб билгайсиз. Таклифимизда қатъи туриб, ўжарлик қилгудек бўлсак, айбга санамайдиларми?

У сўзини тамомламасиданоқ стол томон юриб, унинг ёнига курси сурди-да, қоғоз кутисини ҳам очиб қўйди.

— Биз учун икки эллик хатингизни аямагайсиз, — деди у. — Илтижо қиламан. Бир нечагина минутдан ортиқ вақтингизни олмас керак. Миссис Катерикдан иккитагина нарсани сўрасангиз кифоя. Биринчиси, қизининг телбахонага тушишини билармиди ва шунга розилик берганмиди? Иккинчиси, бу борада қўшган ҳиссамиз туфайли уларнинг миннатдорлигига сазовор бўлмадикмикин? Мана шу ачинарли масалада Гилмор жанобларининг кўнгиллари таскин топган, ўзларининг кўнгиллари ҳам таскин топган. Энди мактубингиз билан бизнинг кўнглимизни ҳам хотиржам қилиб қўйсангиз, деган умиддамиз.

— Сиз илтимос ила мени кўнишга мажбур қилаяпсиз, сэр Персивал, ваҳоланки, буни рад этишни афзал деб билардим, — дея мисс Голкомб ўрнидан туриб, ёзув столи ёнига борди. Сэр Персивал миннатдорлик билдирди, унга ручка тутқазди ва ўзини камин томонга олди. Ўша ерда пояндозда мисс Фэрлининг лайчаси ётарди. Сэр Персивал унга қўлини чўзиб эркалатганича:

— Келақол, Нина, — деди у. — биз бир-биримизни унутвормагандирмиз, шундайми? — деди.

Одатдаги эркатой жониворлардек қўрқоқ ва инжиқ лайча унга ҳурпайиб олайди-ю, узатилган қўл остидан юлқиниб чиқиб, титраб ириллаганича ўзини диван остига урди. Кучукнинг мана шу арзимас хархашасидан унинг ҳуноби чиқишини кутмаган эдим,

лекин унинг чўрт бурилиб дераза томон кетганининг гувоҳи бўлдим. Эҳтимол, аҳён-аҳён у асабини жиловлаёлмай қолар. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, унга ачинаман. Ахир, ўзим ҳам баъзан асабимни қўлимдан чиқарвораман-да.

Мактуб ёзилишини мисс Ҳалкомб узоққа чўзмади. Кейин ўрнидан туриб, мурожаатнома варағини сэр Персивалга узатди. У таъзим билан уни қўлига олди, мазмунига қарамасданоқ шартта буклаб, уни муҳрлади. Устига адресини ёзди ва миқ этмай уни мисс Ҳалкомбнинг ўзига қайтарди. Ҳаётимда бундай улугворлик ва бекамикўст илтерламаотни ҳеч қачон кўрмагандим.

— Мактубни ўзингиз жўнатиинг, демоқчимисиз, сэр Персивал? — деди мисс Ҳалкомб.

— Шундай. Сиз ўзингиз жўнатишингизни ўтиниб сўрайман, — жавоб берди у. — Мана энди мактуб ёзилиб, муҳрланиб ҳам бўлгач, шу хат йўлланаётган бебахт аёлга тааллуқли бир-иккита сўнгги саволимни ўртага ташлашга ижозат этгайсиз. Гилмор жанобларининг ўша имзосиз мактуб муаллифи қандай вазиятда аниқланганини ифодалаб, вакилимга лутфан йўллаган хабарномаларини ўқиб чиқдим. Лекин унда баъзи бир аниқ фактлар қайд этилмай қолган. Анна Катерик мисс Фэрлини кўрдими?

— Кўргани йўқ, албатта, — деди мисс Ҳалкомб.

— Сизни кўрдими у?

— Йўқ.

— Демак, қабристонда у билан тасодифан учрашиб қолган ўша Ҳартрайт жаноблари ҳисобга олинмаса, хонадон аъзоларидан ҳеч кимни кўрмабди-да?

— Бошқа ҳеч кимни кўрмаган.

— Ҳартрайт жаноблари Лиммерижда расм ўқитувчиси сифатида ишга олинган эди шекиллик-а? У биронта рассомлар жамиятининг аъзоси эмасмикин?

— Шундай бўлса керак, — жавоб берди мисс Ҳалкомб.

Кейинги жавоб устида андак хаёлга чўмиб, кейин яна давом этди.

— Анна Катерик шу атрофдалигида қаерда истиқомат қилганини аниқладингизми?

— Аниқладик. Тоддлар бурчаги деб аталган яйлов фермада турган.

— Ўша бечора ожизага раҳм-шафқат юзасидан уни қидириб топиш ҳаммамизнинг бурчимиз, — давом этди сэр Персивал. — Тоддлар бурчагидагиларга у бирон нарса деган бўлиши мумкин, балки уни ўша сўзидан топиб олармиз. Мен, албатта, у

ерга бориб, буни суриштириб кўраман. Мана шу вақт ичи, бу нохуш мавзуда мисс Фэрли билан ўзим бевосита суҳбатлашишга журъат қила олмаганим учун ҳам, мисс Ҳалкомб, бу борадаги жавоб келгунча зарурий маълумотларни уларга етказиш масъулиятини илтерламаот юзасидан ўз зиммангизга олишингизни илтижо қилардим.

Мисс Ҳалкомб унинг илтимосини бажо келтиришга ваъда берди. Персивал Глайд миннатдорлик изҳор қилгач, тавозеъ билан бош эгиб, дам олиш учун ўз хонасига йўл олди. У эшикни очиши билан эркатой лайча диван остидан тумшугини чиқариб унинг ортидан акиллаб ва ириллаб қолди.

— Эрталабки ишимиз чакки бўлади, мисс Ҳалкомб — дедим ёлғиз қолишимиз билан. — Мана, сабрсизлик билан кутилган фурсат ҳам кўнгилдагидек ўтди.

— Шундай, — фикримни маъқулади у. — кўнглингиз таскин топганидан гоаят мамнунман, бунга шубҳам йўқ.

— Менинг кўнглим! Кўлингизда мана бу мактуб бўлгач, ўзингизнинг кўнглингиз ҳам енгил тортган бўлса керак, албатта?

— Худди шундай, нега ҳам бошқача бўлсин? Далилларнинг чуви чиқмаса керак, деган умиддаман, — сўзида давом этаркан, назаримда, у менга эмас, ўзига ўзи гапирётгандай туюларди. — ҳар ҳолда, Валтер Ҳартрайт шу ерда бўлиб, изҳор қилинган тафсилотлар ва мени мана шу мактубни ёзишга мажбур этган илтижолар устида ҳозир бўлгани чакки бўлмасди.

Мана шу кейинги сўзларидан андак ажабландим, ҳатто ҳамиятимга теккандек, ранжидим.

— Бўлиб ўтган воқеалар, ҳақиқатан ҳам, Ҳартрайт жанобларини мактуб масалаларига боғлаб қўйган, — дедим. Шундай бўлгач, бу борада жуда эҳтиётлик ва самимият билан иш тутганига ҳам ишончим комил. Лекин унинг бугунги суҳбат устида ҳозир бўлиши сэр Персивал берган маълумотларнинг сиз билан менинг кўнглимга тасалли беришига қандай даҳли бўлиши мумкин.

— Хаёлимдан ўтган фикр-да. — деди у паришонлик билан. — Бу борада баҳслашиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, жаноби Гилмор. Сизнинг улкан тажрибангиз, ҳар вақт қўл келганидек, айнаи вақтда менинг ҳам бирдан-бир муддаом ва раҳнамодир.

Иш тажрибамни таъкидлаш билан бутун масъулиятни менинг гарданамга юклаб қўйишини танамга сингдира олмасдим. Фэрли жаноблари шундай қилганида мутлақо ажабланмасдим. Ле-

кин ақлли-хушли, сўзамол мисс Ҳалкомбнинг ўз мулоҳазасини очиқ изҳор қилишдан қочишига ақлим бовар қилмасди.

— Бирон-бир гумон кўнглингизга ҳамон ғашлик солаётган бўлса, — дедим, — менинг ўзимга айтиб қўя қолсангиз бўлмай-дими? Очигини айтинг, сэр Персивал Глайддан шубҳалангудек гумонингиз борми?

— Ҳеч бир гумоним йўқ.

— Унинг сўзлари тафсилотида бирон зиддият ёки ҳақиқатдан йироқ нарса сездингизми?

— Воқеликнинг ҳақиқат эканлигига далил кўрсатиб тургандан кейин нима ҳам дея олардим? Ўша аёлнинг ўз онаси унинг манфатига кафил бўлса, жаноби Гилмор, бундан ортиги бўлмаса керак?

— Гувоҳликнинг ундан ортиги бўлмайди. Мабодо мактубингизда суриштирилаётган саволларингизга кўнгил таскин топгудек жавоб бўладиган бўлса, назаримда, Персивал жанобларининг хайрихоҳ дўстлари ундан яна нима ҳам талаб қила оларди дейсиз.

— У холда, мактубни жўната қолайлигу, — деди у хонадан чиқиш тараддудида ўрнидан туриб, — жавоби келгунча бу масалада ортиқча оғиз очиб ўтирмасак. Менинг шубҳаларимга кўпам эътибор бераверманг. Унинг бирдан бир сабаби кейинги пайтларда хаёлим Лаурада бўлиб қолганидан бўлса керак. Таҳлика эса, жаноби Гилмор, ҳар қандай бақувват кишиларни ҳам эсанкиратиб қўяди.

У шахдам юриб хонадан чиқиб кетган бўлса ҳам, табиат унга инъом қилган жарангдор овозида янграган сўнгги сўзлари юрагимга гулгула солиб қўйганди. Нечоғлик пурғайрат, оташқалб ва меҳрибон хилқат-а — бундай аёл зоти разолат ҳукм сурган, таши ялтироқ асримизда минглаб аёллар орасида камдан-кам учрайди. Уни илк ёшлигиданоқ билардим — аста-секин улғайиб бораркан, қанчалар оилавий инқирозлар синовидан ўтганига шохид бўлгандим. Мана шу кўп йиллик тажрибаларим унинг юқорида батафсил баён қилинган вазиятлар замиридаги шубҳасида жон бўлса керак, деган фикр туғдирди, ваҳоланки, бошқа аёлга нисбатан мутлақо бундай хаёлга бормаган бўлардим. Шунчаки шубҳа ёки пушаймон ўрни бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, у юрагимга андак шубҳа солиб, кўнглимни хижил қилиб қўйди. Ёшлигимда ноўрин хаёллар билан тажанглашиб, ич этимни еб юрардим. Мана энди мўйсафидлигимда ақлим анча пешланиб, файласуфона кўнгил ёзиш учун ташқарига чиқиб кетдим.

II

Тушлик пайтида биз ҳаммамиз яна учрашдик.

Сэр Персивал шунчалар хушчақчақ эдики, ўзини қўйгани жой тополмас, нонушта дастурхони устида ўтган суҳбатимиз пайтида ўзининг сертакалуфлиги, назокати ва хуштабиати билан мени лол қилган кишига мутлақо ўхшамасди. Унинг шахсиятида кўринган ўша хусусиятлар бутунлай барҳам топган. Хаёли мисс Фэрлида эканлиги гоҳо намоён бўлиб қолар — унинг бир оғиз сўзи ёки қиё боқиши кифоя — шу дақиқаёқ ҳатто қаҳқаҳа отишни ҳам бас қилиб, завқ-шавқ билан изҳор қилаётган сўзларига ҳам барҳам бериб, хаёли унга оғиб қоларди. Шунга қарамай, уни очиқдан-очиқ суҳбатга жалб қилишга уринмас, мабодо сал ён бериб қўйгудек бўлса, бошқа биронта бетакалуф ва беандишароқ кишининг хаёлига келгани (шу ондаёқ) оғздан чиқиб кетадиган ҳолларда ҳам суҳбат орасидаги тасодифий мулоқот тарзида икки оғиз гап билан уни суҳбатга тортиш имкониятини қўлдан бермасди. Мени бир нарса ажаблантирар, у ҳам бўлса мисс Фэрли унинг мулозиматини сезиб тургандай бўлса ҳам, парвосига келтирмасди. Гоҳо Персивал Глайд унга тик қараган ёки мурожаат қилган пайтларда ийманар, унга кўнгли мутлақо илимасди. Мартаба, омад, оқсуяклик, келишган қиёфа, жентлменлик мулозиматию, вафодор ошиқлиги — шуларнинг ҳаммаси хокисорона унинг оёғи остига ташланган бўлса ҳам, назаримда, буларни ҳам назар-писанд қилмасди.

Келаси куни эрталаб, сешанба, сэр Персивал хизматкорлардан бири ҳамроҳлигида Тоддлар бурчагига кетди. У ҳар қанча уринмасин, кейинроқ эшитишимча, бирон натижа чиқмабди. Фермадан қайтгач у Фэрли жаноблари билан суҳбатлашди, пешинларда эса мисс Ҳалкомб иккаласи кабда атрофни сайр қилиб қайтишди. Бундан бошқа деярлик ҳеч нарса бўлгани йўқ. Оқшом ҳам одатдагидек ўтди. На сэр Персивал ва на мисс Фэрлида бирон-бир ўзгариш бўлмади.

Чоршанба почтаси янги бир воқеълик инъом қилди — миссис Катерикнинг жавоби келиб қолди. Ўша ҳужатдан бир нусха кўчириб, эҳтиётлаб қўйгандим. Мана уни энди эътиборингизга ҳавола этишим мумкин. Жавоб қуйидагича эди:

«Бону, сизга маълум қиламанким, қизимиз Аннанинг тиббий назорат даргоҳига жойлаштирилишида менинг рози-ризолигим бўлган-бўлмагани, сэр Персивал Глайднинг бу борадаги ҳиссаси менинг ўша жентлменга нисбатан ихлосимга боғлиқ эканлигини

эътироф этиш-этмаслигим суриштирилган мактубингизни олдим. Ўша иккала саволингизга ҳам ижобий жавоб йўллаб, хизматингизга ҳамиша мунтазир чўрингиз».

Жейн Анна Катерик.

Озгинаю созгина, мўлжалга урибди. Шаклан уддабурон аёллар қаламига мансуб расмий мактубга ўхшаса ҳам, мазмунан сэр Персивал Глайд сўзларини тасдиқловчи, шунга яққол далил бўла оладиган кўнгилганидек гувоҳлик ҳужжати эди. Менинг фикрим мана шу, баъзи бир икир-чикирлар ҳисобга олинмаса, мисс Ҳалкомб ҳам шу қарорга келганди. Мактуб сэр Персивалга кўрсатилганда унинг қисқагинаю лўндагина руҳидан ажаблангандек ҳам бўлмади. Миссис Катерик фикри тиниқ, очиқ кўнгил, тўғри сўз ва камгап аёл бўлганидан ҳам дилидагини қисқагина, очиқ-ойдин ёзиб қўя қолганини бизга маълум қилди.

Мана энди жавоб олингач, ниҳоясига етказилиши лозим бўлган навбатдаги вазифа мисс Фэрлини сэр Персивал жавоби билан таништириш эди. Бу масъулиятни мисс Ҳалкомб ўз зиммасига олган бўлиб, эндигина синглисининг олдига чиқиб кетганди. Мен эсам креслода ўтириб газета варақлардим. Кутилмаганда у қайтиб келиб, ёнимга ўтирди. Сэр Персивал бир дақиқа илгарироқ хабар олиш учун ташқарига чиқиб кетган, хонада иккаламиздан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

— Тўғрисини айтганда, қўлимиздан келган ҳамма чораларни беками кўст кўрган бўлсак керак-а? — деб қолди у миссис Катерикнинг хатини пеш қилгандай ҳилпиратиб.

— Биз сэр Персивални биладиган ва унга ишонадиган дўстлари бўлгудек бўлсак, ҳамма чораларни кўрдик, ҳатто керагидан ҳам ортиқроқ иш қилиб қўйдик. — жавоб бердим унинг шубҳа таҳликасида яна шу масалани ўртага ташлаётганидан бироз ранжиб. — Лекин ундан шубҳаланувчи душманлари бўладиган бўлсак...

— Бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас, — эътироз билдирди у. — Биз сэр Персивалнинг дўстларимиз. Мабодо кўнгилчанлик билан сабр-қаноатимиз унга нисбатан ҳурматимизни яна ҳам орттиргудек бўлса, биз унинг муҳлиси бўлиб қолишга ҳам тайёرمىз. Кеча у Фэрли жаноблари ҳузурда бўлгани, кейин мен билан сайр қилиб келганидан хабардорсиз.

— Шундай. Бирга жўнаб кетганингизни кўрган эдим.

— Сайр суҳбатининг бошланишиданоқ Анна Катерик ва Ҳартрайт жанобларининг у билан фарйитабий учрашувидан гап очилди, лекин бу мавзудаги суҳбатимиз узоққа чўзилмади. Сэр Пер-

сивал ўзининг Лаура билан бўлган никоҳи масаласига ўтиб, ҳеч қандай шахсий манфаат кўзламагани ҳолда анчагина гапирди. У Лаураининг хомушлигини сезган эмиш. Мабодо бошқа бирон-бир сабаби бўлмаса, унинг қиёфасидаги бу ўзгариш айна мана шу галги ташрифи туфайли содир бўлганига йўйишини айтди. Шунга қарамай, унинг чехрасидаги бундай тундликка бошқа бирон бир жиддийроқ сабаб бўлган ҳолда ҳам, Фэрли жаноблари билан мен тазйиқ қилиб унинг дилига зинҳор озор етказмаслигимизни илтижо қилди. Айна вақтда ўртадаги никоҳ фотиҳаси қай вазиятда содир бўлганини, ўша дамдан то шу кунгача у ўзини қандай тутганини мисс Фэрлига бир карра писанда қилиб қўйишимни илтимос қилди. Мабодо, мана шу икки фактни чуқурроқ мулоҳаза қилгани ҳолда ҳам кўнгли унинг куёв бўлишлик шарафига умид боғламаслигини тақозо қилгудек бўлса ва буни ўз оғзи билан унга очиқ-ойдин изҳор қилгудек бўлса, никоҳ эркинлигини унинг ўзига ҳавола қилиш билан ўз шахсиятини маҳв этармиш.

— Ҳеч ким бундан ортиқ бирон бир нарса деёлмаса керак, мисс Ҳалкомб. Ўз тажрибаларимга суянгудек бўлсам, бундай вазиятда камдан-кам одам шундай деган бўларди.

Мана шу сўзлар оғзимдан чиқдию, унинг дами ичига тушиб, жовдираган кўзларини ташвиш билан менга тикди.

— Мен ҳеч кимни айблаётганим ҳам, бирон нарсадан шубҳаланаётганим ҳам йўқ! — тутоқиб кетди у. — Лекин Лаурани мана шу никоҳга кўндириш масъулиятини ўз зиммамга ололмайманда, олмайман ҳам!

— Ахир, сэр Персивал Глайднинг ўзи шунга йўл қўймаслигинизни илтимос қилган экан-ку, — жавоб бердим ҳайрон бўлиб, — уни тазйиқ билан шунга мойил қилмаслигинизни илтижо қилган.

— Ўша илтимосини Лаурага етказдириш билан уни кўндириш вазифасини бевосита менинг зиммамга қўймоқчи бўлади.

— Нега шундай бўларкан?

— Лаура ҳақидаги фикрингизни бир тасаввур қилиб кўринг-а, жаноби Гилмор, мабодо унга никоҳ вазиятини эслатгудек бўлсам, унинг табиатига хос энг нозик икки туйғуни, у ҳам бўлса, марҳум отасининг руҳига бўлган эҳтироми билан ҳақиқатга адолат кўзи билан ёндашиш ҳиссиётини кўзгатган бўламан. У ҳаётида ҳеч қачон ваъдасидан қайтмаган — бу сизга аён, у отасининг машъум касали бошланишиданоқ ўз тақдирини мана шу никоҳга боғлаган. Ахир, падари бузруквори унинг сэр Персивал билан

турмуш қуриши борасидаги орзу-умидларини ўлим талвасасида ётган онларида изҳор қилган эди-да — бу ҳам сизга аён.

Очигини айтганда, масаланинг бу томони мени ҳам хиёл ўйлан-тириб қўйди.

— Наҳотки, сэр Персивал кечаги суҳбат чоғидаги сўзлари билан ҳозиргина сиз чин кўнглингиздан изҳор қилган нозик туйғулар садоси илинжида, деб ўйлаётган бўлсангиз? — дедим.

Унинг бегараз, қатъи қиёфасиёқ жавоб мазмуни яққол кўри-ниб турарди.

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, мана шундай тубанликда шубҳаланган киши билан ортиқча бир дақиқа суҳбатдош бўла олармидим?

Қалбидаги дардини киноя билан олдимга тўкиб солганидан қойил қолдим. Ўз касбимизга кўра қанчадан қанча розолат шоҳиди бўлган бўлсак ҳам, бунақа абгорликка камдан-кам дуч келардик.

— У ҳолда, — дедим. — авф этгайсиз, касбимиз ибораси билан айтганда, анча режадан чиқиб кетибсиз. Нима бўлганда ҳам, сэр Персивал мутлақо ҳақ, синглингиз бу никоҳни бекор қилиш ол-дидан уни ҳар тарафлама ўйлаб кўриши керак. Агар у киши ўша машъум ҳаг туфайли синглингиз кўзига ёмон кўришиб қолган бўлса, тез бориб унга хабар қилинг: сэр Персивал сизнинг ҳам, менинг ҳам юз-кўзимиз одида ўзини оқлади. Шундай бўлгач, унга нисбатан қандай ҳам эътирози бўлиши мумкин? Бундан икки йил аввалроқ ўз кувёилигига иқрор бўлатуриб, энди у ҳақдаги фикрининг ўзгариб қолишига қандай узри бўлиши мумкин?

— Қонун ва адолат кўзи билан қаралса, жаноби Гилмор, менимча, ҳеч қандай узри йўқ. Бордию у ҳам, мен ҳам ҳануз икки-ланаётган бўлсак, бу ғалати муносабатимизни, истасангиз, ин-жиқлигимизга йўйиб қўя қолинг, биз эса ўз гуноҳимизга тан бе-риб юришга мажбурмиз.

Шундай дедию, лип этиб туриб, хонадан чиқиб кетди. Сезгир аёлларга жиддий савол берилганда маҳмадоналик билан унга аниқ жавоб қайтаришдан қочдими, ишонаверинг, бу — ниманидир сир тутаётганидан далолат, юздан тўқсон тўққизи шундай бўлади. Мен яна газета билан овора бўлиб қолдим, лекин хаёлимдан мисс Ҳалкомб билан мисс Фэрлилар ўртасида сэр Персивалдан, ҳатто мендан ҳам пинҳон тутилаётган сир бўлса керак, деган фикр нари кетмасди. Бунинг иккаламиз учун, айниқса сэр Персивал учун жиддий масалалигини ўйлардим.

Шубҳаларим, тўғрироғини айтганда, чиқарган хулосаларим ўша кунни кечроқ мисс Ҳалкомбни қайта учратганимда унинг гап-сўзла-

ри ва хатти-ҳаракатлари билан тасдиқланди. У синглиси билан қилган суҳбати натижалари ҳақида гапираркан, негадир эҳтиётлик билан гапни қисқа қилиб қўяқоларди. Мисс Фэрли, унинг айтишича, мактуб масаласидаги бор гап айтилганда лоқайд ўтирганмиш, лекин сэр Персивалнинг Лиммерижга келишдан мақсади ундан никоҳ куни борасида узил-кесил розилик олиб кетишлиги айтилганида, бу борадаги гап-сўзни йиғиштириб, мухлат берилишини илтимос қилганмиш. Агар сэр Персивал ҳозир уни ўз холига қўйгудек бўлса, йил охиригача узил-кесил жавоб беришга ваъда қилармиш. Муҳлатни суриш масаласида ялиниб-ёлвориб эланганидан, мисс Ҳалкомб иложи борича унинг илтимосини ерда қолдирмасликка уриниб кўришга, зарур бўлса, ўшанга эришаман, деб ваъда беришга мажбур бўлганмиш. Хуллас, мисс Фэрлининг чин кўнгилдан қилган илтижолари туфайли тўй тараддудига боғлиқ режалар барҳам топганди.

Кўзда тутилган вақтинча мухлат ёш леди учун айни муддао бўлса ҳам, лекин ушбу сатрлар муаллифига мушкуллик туғдирарди. Эрталабки почта ҳамкасбимдан хат келтирган бўлиб, у келаси куни кечки поезд билан шаҳарга қайтишимни тақозо этарди. Энди шу йил охиригача Лиммерижга қайта келишимнинг имкони бўлмаслиги эҳтимолдан холи эмасди. Бу ҳолда, агар мисс Фэрли ўз ваъдасига вафо қилгудек бўлса, никоҳ битими тузишдан олдин у билан шахсан келишиб олиш имкониятидан маҳрум бўлиб, одатда, ўзаро бирма-бир келишиб олинадиган масалаларни хат орқали ҳал қилишга мажбур бўлган бўлардик. Таклиф қилинаётган муҳлат масаласида сэр Персивал билан маслаҳатлашилгунча бу мушкуллик ҳақида оғиз очмадим. Унинг жентлменлик илтерламаоти илтимосни рад этишга ожиз эди. Мисс Ҳалкомбдан ҳалиги сўзларни эшитгач Лиммеридан жўнаб кетишим олдидан синглиси билан гаплашиб олишим зарурлигини айтдим ва у билан келаси куни эрталаб унинг ўз ташрифхонасида учрашишни келишиб олдик. Мисс Фэрли тушлик овқатга чиқмади, кечкурун ҳам орамизда бўлмади. Бетоблиги учун туша олмаганини маълум қилиб узр сўрабди. Бунини эшитгач, шундай бўлиши ҳам табиий, назаримда, сэр Персивалнинг дили ранжиб, авзойи бузилгандек бўлди.

Келаси куни нонуштадан кейиноқ, мисс Фэрлининг ташрифхонасига чиқдим. Бечора қизалоқнинг ранги сўлгин, ўзи гамгин кўринса ҳам, хушкўнгил ва очиқ чеҳра билан олдимга пешвоз чиқиб, йўл-йўлакай хаёлимга келган ниятимдан унинг инжиқлиги-мижғовлиги учун таъзирини бериб қўйишимдан қайтарди,

шаштимдан туширди. Уни ҳозиргина ўзи ўтирган креслосига ўтказдим, ўзим ҳам унинг қаршисидан жой олдим. Қизалогимизнинг арзанда лайчаси ҳам шу ерда экан, у акиллаганича менга ташланса керак, деб ўйлагандим. Таажжуб, бировга айтсанг ишонмайди, ҳеч нарсадан тоймайдиган бу махлуқ диванга ўтиришим билан тиззамга сакраб чиқиб, узунчоқ тумшуги билан кафтимга суркаганича эркаланиб мени ҳайратга солди.

— Болалик чоғларингизда, азизим, тез-тез кучоғимда ўтиришга одатланган эдингиз, — дедим. — мана энди бўш қолган тахтингизни кучугингиз эгаламоқчи шекилли. Анави дилрабо расмни ўзингиз чизганмисиз?

Стол устидаги унинг ёнгинасида турган чоғроқ альбомга (мен кирганимда у ўшанга қараб ўтирган бўлса керак, ишора қилдим. Унинг очиқ турган саҳифасида дид билан чизилган акварел манзара кўзга ташланарди. Саволимни, шунчаки саволимни мана шу расмдан бошлагандим-да, ахир, оғиз очиб мақсадни кўндаланг қилиб бўлармиди?

— Йўқ, — деди у хижолат бўлгандай расмдан кўзини четга олиб. — буни мен чизмаганман.

Ёдимдан ҳеч чиқмайди, болалик чоғларида у билан гаплашиб қолгудек бўлинса, ҳар вақт қўлига тушганки нарсани пайпаслаб турарди. Мана ҳозир ҳам қўлига альбом тушиб қолган экан бармоқлари ўша чоғроқ акварел расм атрофида гимирларди. Чеҳраси яна ҳам гамгинроқ тус олган. Энди у расмга ҳам, менга ҳам қарамас, кўзларини яширгани жой тополмай, олазарак бўлганича у ёқ-бу ёққа жовдираркан, у билан нима мавзуда гаплашиш ниятида келганимни сезаётгани яққол кўриниб турарди. Бу ҳолни кўргач иложи борица сусткашликни йиғиштириб, тезроқ мақсадга кўчиб қўя қолиш пайига тушдим.

— Мени бу ерга олиб келган вазифаларимдан бири, азизим, сиз билан хайрлашиб қўйиш. — гап бошладим. — Бугун Лондонга етиб боришим керак. Шундай экан, йўлга чиқиш олдидан шахсан ўзингизга тааллуқли масалалар ҳақида сиз билан бир-икки оғиз гаплашиб олмақчиман.

— Афсус, жўнаб кетар экансиз-да, жаноби Гилмор, — деди у менга меҳрибона назар ташлаб. — Сизнинг шу ерда бўлишингиз ўтиб кетган бахтиёр онларни эслатиб турувди.

— Яна қайтиб келиб ўша эзгу хотираларни яна бир бор эслатарман деган умиддаман. — давом этдим. — Лекин келажак масаласида бироз мужмаллик бўлгани учун ўшани аниқлаб олиш им-

кониятидан фойдаланиб, ҳозир сиз билан гаплашиб олишим керак. Мен сизларнинг кўп йиллик адвокатингиз ва қадрдон дўстингиз бўлганимдан, бунга ишончим комил, сэр Персивал Глайд билан турмуш қуриш имкониятингизни эслатиб ўтгудек бўлсам, хафа бўлмассиз.

Альбомдан гўё олов чиқиб куйдиргандек қўлини ундан тортиб олди. Хуноби ошиб бармоқларини уқалай бошлади. Кўзлари яна ерга қадалди. Юзидаги маъюслик ифодаларида дил изтироби ҳам яққол кўриниб турарди.

— Никоҳим масаласида гаплашиш шунчалик зарурмиди? — сўради у мингирлаб.

— Бу ҳақда шунчаки эслаб ўтиш кифоя, — жавоб бердим. — чўзиб ўтирмаймиз. Айтайлик, турмушга чиқа оларсиз ёки чиқа олмассиз. Биринчи ҳолда никоҳ битимини тузишга тайёргарлик қилиб қўйишимга тўғри келади. Ахир, одоб юзасидан ҳам, сиздан бемаслаҳат бу ишга қўл уришга ҳаддим сигмайди-да. Эҳтимол, бундан кейин орзу-умидларингизни ўз оғзингиздан эшитиш имконияти бўлмас. Мана шунинг учун ҳам, келинг, сиз турмушга чиқарсиз, деб фараз қилайлигу, айни вақтдаги мавқеингиз, агар рози бўлгудек бўлсангиз, келажакда нималарга эришингиздан иложи борича қисқача хабардор қилиб қўйишимга ижозат берсангиз.

Унга никоҳ битими асосларини тушунтирдим, кейин келажакда нималар кутаётганини, хусусан, дастлаб балоғат ёшига етганида, кейин амакиси оламдан ўтганида нималар содир бўлишини, айниқса унинг умрбод шахсий тасарруфига ўтадиган ер-мулк билан унинг ўз ихтиёрига ҳавола этиладиган маблағ орасидаги тафовутларни бирма-бир айтиб бердим. У гапларимга эътибор бериб қулоқ солса ҳам, лекин чеҳрасида ҳамон маъюслик бор эди, қўллари ҳам руҳига яраша бир-бирига ишқаланиб турарди.

— Мана энди — дедим ниҳоят гапларимни якунлаб, — ниятингиз холис бўлгудек бўлса, албатта, кабирлик ёшига етмаганингиз туфайли, ҳомийингиз розилигини олиб қўйишим учун дилингиздаги шартингизни менга айтиб қўйсангиз.

У ўтирган жойида бесаранжомлик билан тўлганиб олди, кейин нажот кутгандек шартга менга қаради.

— Агар шу нарса амалга ошгудек бўлса, — гап бошлади у маъюслик билан, — агар мен...

— Агар сиз турмушга чиққудек бўлсангиз, — қўшиб қўйдим унга кўмаклашиб.

— Мени Мэриандан жудо қилмасин! — чинқриб юборди у овозини барала кўйиб. — О, жаноби Гилмор, Мэрианнинг мен билан бирга яшашини қонунлаштириб кўйинг!

Бошқа вазиятларда, шунча батафсил тушунтиришларимдан кейин, ўртага ташланган масаланинг бундай заифона талқин қилинишидан, эҳтимол, ҳайрон бўлган бўлардим-а. Лекин ўша сўзлар айтилаётган пайтдаги унинг авзойи билан нидоли овозидаги илтижоси мени шаштимдан қайтариб, ўйлантириб кўйди. Унинг икки оғиз сўзиёқ содир бўлган воқеалар таҳликаси ҳануз дилидан нари кетмаганидан, бу эса бирон-бир фалокатдан башорат эди.

— Мэриан Ҳалкомбнинг сиз билан бирга яшашини ўзингизлар ҳам алоҳида келишиб олишингиз мумкин. — дедим. — Назаримда, саволимга тушунмаган бўлсангиз керак. Гап хусусий мулкингиз — маблағингиз васийлиги ҳақида эди. Ёшингиз бир ерга етиб қолгач васиятнома тайёрлаб кўймоқчисиз, деб фараз қилайлик. Ўша пулларни кимга қолдирган бўлардингиз?

— Мэриан мен учун ҳам она, ҳам опа бўлиб қолган. — деди ўша меҳрибон ва саховатлик қиз жозибали мовий кўзларини жовдира-тиб. — Уларни Мэрианга қолдира оламанми, жаноби Гилмор?

— Албатта, жонгинам, — жавоб бердим. — Лекин бу катта маблағлигини унутманг. Унинг ҳаммасини мисс Ҳалкомбга қолдирган бўлармидингиз?

У иккиланиб қолди, юзлари қизарди, кейин оқарди, қўли гимираб яна альбомчага тутинди.

— Ҳаммасини эмас, — деди. — Мэриандан бошқа яна бир киши бор...

У жим бўлиб қолди. Ранги яна ҳам оқариб кетганди. Ўзига хуш кўрган бир куй хаёлига келиб қолди шекилли, альбомча устидаги бармоқлари беихтиёр расм ҳошияясига аста-аста урилиб унга жўр бўла бошлади.

— Оиланинг, мисс Ҳалкомбдан ташқари бошқа бир аъзосини назарда тутаётган бўлсангиз кера-а? — луқма ташладим унинг очиқ айтишга тили бормаётганини кўриб.

Энди юзигина эмас, ҳатто бўйни ҳам паға бўлиб кетган, бармоқлариниям титроқ босиб, альбом чеккасини чангалаб қолганди.

— Яна бир киши бор, — деди у, сўзларимни эшитган бўлса ҳам, унга эътибор бермай. — Агар ўша маблағ васийлиги менинг, ҳа, менинг ихтиёримда бўладиган бўлса, улуш олишга лойиқ яна бир киши бор. Мабодо жувонмарг бўлиб кетсам, менга ким ҳам куярди.

У яна жим бўлиб қолди. Докадек оқариб кетган юзига бирдан қон югурди. Альбомни чангалаб турган бармоқлари бўшашиб, хиёл титраганича уни нари суриб қўйди. У бир лаҳза менга термилдию, кейин юзини четга ўгириб, бошини қўйи солганича, юзини кафтлари орасига олиб мендан яшираркан, рўмолчаси ерга тушиб кетди.

Бечора! Унинг кун бўйи ўйнаб-қулиб юрадиган қувноқ, бахтиёр қизалоқлик онлари хаёлимдан ўтди. Мана энди авжи етилган ва ҳусни баркамол бир пайтда шунчалар гамгин, мана шу ҳолга тушиб қолса!

Уни бу аҳволда кўриб, орада ўтган йилларни ҳам, энди ўзаро муносабатимиз бутунлай бошқача бўлишини ҳам унутибман. Ўзим ўтирган курсини унга яқинроқ суриб, рўмолчасини гиламдан олиб, қўлларини оҳистагина юзидан четга сурдим.

— Йигламанг, жонгинам, — деганимча, у гўё ўша кичкина Лаура Фэрлидек кўзларида тўлаётган ёшларини қўлим билан артардим.

Унинг кўнглини кўтаришнинг бирдан-бир йўли ҳам шу эди. У бошини елкамга қўйди ва аламли ёшларга тўлган кўзларини сузиб оҳиста жилмайиб қўйди.

— Ўзимни тутиб тура олмаганим учун афу этгайсиз, — деди у самимий сиполик билан. — Кейинги кунларда силлам қуриб, юрагим сиқиладиган бўлиб қолди, ёлғиз қолиб қолсам, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ йиглайвераман. Энди ўзимга келдим. Саволларингизга жавоб беришга тайёрман, жаноби Гилмор, албатта, иложим борича.

— Йўқ-йўқ, азизим, — дедим унга. — ҳозирча бу масалага яқун ясадик, десак ҳам бўлаверади. Гапларингиздан хулоса чиқариб, иложи борича сизнинг манфаатларингизни кўзлаб иш тутсам бўлаверади. Кейинча яна имконият тугилиб қолса, масаланинг бошқа икир-чикирларини ҳам келишиб олармиз. Келинг, бу савдони йиғиштириб, бошқа нарсалар ҳақида гаплашайлик.

Ниҳоят у билан бошқа мавзўларда суҳбатлашишга эришдим. Ўн минутлардан кейин унинг чехраси анча очилди, мен эсам хайрлашиш учун ўрнимдан турдим.

— Яна келишни унутманг, — деди у самимият билан — Албатта, келинг. Менга бўлган илтерламаотингиз ва мен учун жон куйдириб қилаётган ҳаракатларингизга яраша хизматингизда бўлайин.

У ҳамон ўтган йилларга тирмашарди: мисс Ҳалкомб ўтмишдан эзгу хотира бўлиб қолганидек, мен ҳам, ўз йўлида, ўтмиши-

ни эслатиб турардим. Мен ҳаётимнинг ниҳоясида эндигина орқага назар ташлаётган бир вақтда унинг ҳаётга қадам қўйиш олди-даноқ унга қараб қолиши юрагимга ғулгула соларди.

— Мабодо яна келиб қолгудек бўлсам, чеҳрангизда табас-сум, дилингизни равшанроқ, ўзингизни бахтиёрроқ кўрарман, деган умиддаман. — дедим. — Сизга Яратганнинг ўзи бахт ато қилсин, азизим!

У ўпич учун менга юз тутиш билан сўзларимга жавоб қилди. Адвокатлар ҳам меҳрдан холи эмас, у билан хайрлашарканман юрагим орзиқиб қолди.

Ўзаро суҳбатимиз ярим соатдан ортиқ чўзилмаган бўлса ҳам, шу вақт ичи у никоҳ арафасидаги қайғу ва ташвиш сирларини ошкора қилгудек бирорта сўз айтмади. Шунга қарамай, бу масалада мени ҳам ўзига ҳамдard қилиб қўйди, нима учун ва қай йўсинда шу фикрга келиб қолганимни ўзим ҳам билмайман. «Унинг муомалаларидан сэр Персивал Глайд ҳар қанча гина қилса арзийдиган ўринли сабаблар бор» деган хаёлда хонага кириб, «У Глайдни ўз оғзидан илинтириб, никоҳ ваъдасидан қайтсайди» деган илинжда у ердан чиқиб кетдим. Менинг ёшимдаги кўпни кўрган кишилар ҳамдамхаёл бўлмай, ўйлаб иш тутишлари керак. Беқарорлик — кечириб бўлмайдиган нуқсон, ҳақиқатини айтганда, гапнинг очиги шу.

Жўнаб кетиш вақти ҳам яқинлашарди. Фэрли жанобларининг олдига киши юбориб, агар эътироз этмаса, йўлга чиқиш олдидан ҳузурига кириш ниятим борлиги, фақат шошиб турганимни маъзур тутишини маълум қилдим. Бир парча қоғозга қалам билан наридан бери ёзилган жавобини юбориб қўя қолибди.

«Гилмор жаноблари, мастона кўнгилдан эзгу тилаклар, ҳар қандай шошқалоқлик — мен учун умр эгови. Саломатлигингизни тиланг. Хайр».

Жўнаш олдида мисс Ҳалкомб билан бир дақиқа учрашиб қолдик.

— Кўнглингизда тугиб қўйган ҳамма гапларингизни Лаурага етказдингизми? — сўраб қолди у.

— Ҳа, — жавоб бердим. — Ўзи анча ҳолдан тойиб қолибди, тажангроқ кўринади. Лекин сиздек жонқуяри борлигидан кўнглим тўқ.

У синчковлик билан юзимга назар ташлади.

— Лаура ҳақидаги фикрингиз ўзгариб қолганга ўхшайди, — деди у. — Бугун унга кечагидан кўра кўпроқ ён босаётгандексиз?

Эс-ҳуши жойида эркак зоти аёл киши билан ўринсиз гап таллашиб ўтирмайди. Гапни қисқа қилиб қўяқолдим:

— Ишнинг буёғи нима бўлишидан мени хабардор қилиб қўйинг. Сиздан бирон нарса эшитмагунимча ҳеч нарсага қўл урмайман.

У ҳамон юзимга тикилиб турарди.

— Бу нарсага барҳам бериб қўяқолсак дейман. Охири бахайр бўлсин, жаноби Гилмор, сизнинг фикрингиз ҳам шунинг ўзгинаси.

Шундай дедию, кетиб қолди.

Сэр Персивал бениҳоя иззат-эҳтиром билан мени каб эшиги-гача кузатиб қўйишга ҳаракат қилди.

— Биз томонларга ўтиб қолгудек бўлсангиз, — деди у. — каминаларининг ўзлари билан бўлган дўстона муносабатларини яна ҳам мустаҳкамлашга муштоқлигини унутмагайсиз. Ушбу хонадоннинг ишончли ва қадрдон дўсти тасарруфимиздаги ошиёнларнинг қайси бирида бўлмасин, азиз меҳмон саналгай.

Ҳақиқатан ҳам иродали киши, сермулозимат, оқ кўнгил, кибр-ҳаво нимлигини билмайди — сочидан тирноғигача жентлмен. Станцияга жўнаб кетар эканман, сэр Персивал манфаатларини амалга ошириш учун дунёда нимаики қилиш керак бўлса, ҳаммасини бажаришга тайёрдек эдим, фақат унинг бўлажак қаллиғи никоҳ битимини тузиш бундан мустасно эди.

III

Лондонга қайтганимга бир ҳафта бўлган, мисс Ҳалкомбдан дарак йўқ эди. Саккизинчи куни столим устидаги мактублар орасида унинг хати ҳам пайдо бўлиб қолди. Ундан маълум бўлишича, сэр Персивал Глайднинг тўйни йилнинг охирига қолдирмай ўтказиб юбориш ҳақидаги илгариги таклифига розилик берилибди. Тахминимча, маросим декабрнинг ўрталарида ўтказиларди. Мисс Фэрли мартнинг охирида йигирма бирга тўлар, демак, ўша келишувга биноан у балоғат ёшига етишидан уч ой олдинроқ сэр Персивалга қаллиғ бўларди.

Менинг ажабланишимнинг ҳам, афсусланишимнинг ҳам ўрни йўқ эди, шунга қарамай, дилим гашланиб, ҳайрон бўлиб қолдим. Бунинг устига мисс Ҳалкомбнинг батафсил ёзилмаган қисқача хати ҳам кўнглимни хижил қилиб, кун бўйи дилим гаш бўлди. хабарчим олтигина сатрда таклиф этилган никоҳ базми ҳақида маълумот берибди, яна учтасида сэр Персивал Кумберланддан Ҳемпширдаги уйига жўнаб кетганини айтибди ва якунловчи икки жумласида мени қуйидагилардан огоҳ қилибди. Жумладан, аввало, Лавраунинг гамгин кўнглини ёзиш учун уни қувноқ суҳбатдошлар даврасига олиб кириш зарур эмиш. Иккинчидан, мана шундан нажот

чиқиб қолар, деган умидда синглисини Йоркширдаги илк қадрдон дўстлари олдига олиб боришга жазм қилганмиш. Мана шу билан мактуб ниҳоясига етган. Лаура билан охириги маротаба учрашганимдан кейин бир ҳафтагина ўтар-ўтмас, унинг сэр Персивал таклифига розилик берақолиши учун қандай вазиятлар сабаб бўлганини ифодаловчи бирор калима сўз йўқ эди.

Кейинча бу тасодифий қарор тафсилотини менга бирма-бир айтиб беришди. Лекин бировдан эшитилган далилни рўқач қилиб, уларни эътиборингизга ҳавола қила олмайман. Ўша вазиятлар шахсан мисс Ҳалкомб иштирокида содир бўлган, шунинг учун ҳам, ҳикоя навбати келганида унинг ўзи ҳаммасини қандай содир бўлган бўлса, худди ўшандай қилиб, икир-чикиригача тасвирлаб беради. Ҳозирча, қалам-қоғозимни йиғиштириб, Ушбу тарих саҳифасидан чиқиб кетгунимча, менинг олдимда турган бевосита вазифам — мисс Фэрлининг мўлжалланаётган тўйига боғлиқ ва ўзим ҳам шунга алоқадор бир ҳужжат, у ҳам бўлса никоҳ битими тартибини тавсифлаб бериш.

Даставвал келиннинг маблағи масалаларига оид баъзи бир жузвий ҳолларни аниқламай туриб, юқоридаги ҳужжат моҳиятини тушунтириб бўлмайди. Мен уларни касбга хос мужмаллик ва баландпарвоз сўзларсиз, қисқа ва соддагина қилиб тушунтириб беришга ҳаракат қиламан. Бу ниҳоятда муҳим масала. Ушбу сатрларни ўқийдиган китобхонларнинг ҳаммасига шуни уқдириб қўймочиманки, мисс Фэрли мероси унинг тарихидаги энг муҳим масала бўлиб, шунинг учун ҳам, улар бундан кейин бошланадиган ҳикояларга тушуниш истагида бўлсалар, Гилмор жанобларининг тажрибаларини, хусусан, шу иш устидагисини кунт билан назардан ўтказиб қўйишлари лозим.

Ўша пайтда мисс Фэрли икки тоифа меросга ҳақдор бўлиб турганди, хусусан, мабодо амакиси оламдан ўтгудек бўлса, ер-мулкдан иборат ажралмас мерос; сағирликдан кабирлик ёшига тўлганида эса унинг ўз ихтиёрига ўтадиган шахсий мулк, яъни маблағ мероси.

Дастлаб ер масаласини кўриб чиқайлик.

Мисс Фэрлининг ота томонидан бобоси (уни кекса Фэрли жаноблари деймиз) вақтларида Лиммериж ер-мулкига бўлган ворислик шажараси қуйидагича эди:

Кекса Фэрли жаноблари оламдан ўтгач ундан уч ўғил қолган: Филипп, Фредерик ва Артур. Тўнғич ўғил бўлганлиги учун ер-мулк Филиппга теккан. Мабодо у дунёдан ўғилсиз ўтадиган бўлса,

бу мерос унинг ўзидан кейинги укаси Фредерикка қолган бўларди; мабодо Фредерик ҳам дунёдан ўгилсиз ўтадиган бўлса, ўша мерос иккинчи укаси — Артурга тегарди.

Ҳаёт тақозоси билан, Филипп Фэрлидан биргина қиз — ушбу ҳикоямиздаги Лаура қолган эди, шунинг учун ҳам мерос қонун талабига кўра унинг бўйдоқ укаси — Фредерик тасарруфига ўтган. Унинг укаси Артур эса Филипп ўлимидан бир неча йил аввалроқ оламдан ўтган бўлиб, ундан бир ўгил ва бир қиз қолган. Ўғли ўн саккиз яшида Оксфордда чўкиб кетганди. Унинг ўлими туфайли Филип Фэрли жанобларининг қизи Лауранинг ўша мулкка меросхўрлик эҳтимоли тугилиб қолганди. Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз, мабодо Фредерик оламдан ўгилсиз ўтгудек бўлса, ўша имкониятнинг рўёбга чиқиши учун ҳамма асослар бор эди. Фредерик жаноблари мабодо уйланмай, ундан ворис қолмагудек бўлса (дунё машмашаларидан бўлмиш мана шу иккитагина арзимас икир-чикирини адо этиш унинг олдида ҳали кўндаланг турарди), мерос унинг ўлимидан сўнг жияни- Лаура тасарруфига ўтиб, бунинг ёдингизда тутинг, ундан фақат ҳаётлик чоғидагина фойдалана олиш ҳуқуқига эга бўларди. Агар Лаура турмушга чиқмай, бева ўтиб, ёки фарзанд кўрмаёқ ҳаётдан кўз юмгудек бўлса, мерос унинг жияни — Магдалена (Артур Фэрлининг қизи)га ўтиб кетарди. Бордию мисс Фэрли муддодагидек битим, бошқача қилиб айтганда, унинг манфаатини кўзлаб мен амалга ошираётган битимга биноан турмушга чиққудек бўлса, тасарруфидаги меросдан умр бўйи яхшигина даромад (йилига уч минг фунт стерлинг) унинг қўлига нақд тушиб турган бўлади. Мабодо у эридан аввалроқ оламдан кўз юмиб кетгудек бўлса, ўша даромад завқи бутун умри бўйи эрига насиб этиши турган гап эди. Агар Лаура ўгил кўргудек бўлса, ўша ўгил холаваччаси Магдален ўрнига ворис бўлиб қоларди. Шундай қилиб, сэр Персивал мисс Фэрлига уйланиш билан (ўз хотинининг ер-мулкидан келадиган даромади аниқ бўлгач) Фредерик Фэрли ўлимидан кейин қуйидаги икки имтиёзга умид боғлаши мумкин эди: биринчидан, йилига уч мингдан харажат қилишга қодир бўлиш (хотини ҳаётлигида унинг ижозати билан, у оламдан ўтиб, ўзи узоқроқ яшагудек бўлса, ўз ихтиёри билан; иккинчидан, ўгил кўргудек бўлса, Лиммериж ворислигини қўлга киритиш.

Мисс Фэрлининг никоҳ қилиниши муносабати билан ер-мулк ва ундан келадиган даромад меросхўрлиги ҳақидаги гаплар мана шулар. Қисқаси, битимнинг бу масаласида сэр Персивал адвока-

ти билан менинг ўртамизда бирон бир қийинчилик ёки зиддият туғилиб қолиши эҳтимоли йўқ эди.

Энди мисс Фэрли йигирма бир ёшга тўлганида эришадиган хусусий мулк ёки бошқача айтганда маблағ масаласини кўриб чиқамиз.

Мероснинг мана шу қисмининг ўзиёқ, алоҳида олинганда, анчагина давлат эди. У отасининг васиятига биноан қизига қолдирилган йигирма минг фунтдан иборат яхлит маблағ. Бундан ташқари, унга яна ўн минг фунт ҳисобидан умр бўйи қўшимча даромад келиб туриши ва кейинча у оламдан ўтгач бу маблағ отасининг яққаю ягона синглиси — аммаси Элеанорага ўтиши керак эди. Мана шу ерда бу масалага нуқта қўйиб, нима учун аммаси ўз меросини жияни оламдан ўтгунигача сабр қилиши кераклигини тушунтириб берсам, ушбу оила можароларининг ўқувчилар олдида яққол намён бўлишига анча кўмаклашган бўламан.

Филипп Фэрли жаноблари синглиси Элианор сўққабош вақтларида у билан ниҳоят иноқ эди. Кейинча, у анча ёшга бориб Фоско исмли италян жентлменга, аниқроғи, граф унвонига сазовор бўлиб юрган италян казо-казоларидан бирига турмушга чиққач, Фэрли жаноблари бу никоҳдан шунчалар норози бўлиб, у билан алоқасини бутунлай узиб қўйган, ҳатто ўз васиятномасидан унинг исмини чиқариб ҳам ташлаган эди. Оиланинг бошқа аъзолари эса унинг синглиси никоҳидан ниҳоятда норозилигини тўла асосли деёлмасдилар. Граф Фосконинг ўзи бадавлат киши бўлмаса ҳам, қашшоқ мусофирлардан ҳам эмасди. Озроқ бўлса ҳам ўзига етарли даромади бор эди. У кўпгина йиллар давомида Англияда яшагани туфайли юқори табақадаги шахслар орасида нуффузи катта эди. Шунга қарамай, Фэрли жанобларининг унга нисбатан муносабати мутлақо ўзгармаган. У ўз фикр ва мулоҳазалари билан миллий гурури собит инглизлардан бўлиб, фақат ажнабий бўлгани учуноқ хорижийларга нафрат кўзи билан қарарди. Шунинг учун анча йиллардан кейин бўлса ҳам, асосан мисс Фэрлининг жонкуярлиги туфайли, уни синглисининг номини ўз васиятномасига қайта киритишга кўндириш анча мушкул бўлганди. Ўшанда ҳам у кўз тутадиган мерос маблағидан келадиган даромад умр бўйи қизининг нуфузида бўлиши, бордию синглиси қизидан олдинроқ оламдан ўтгудек бўлса, асосий маблағ мисс Фэрлининг жияни Магдалинга қолиши керак эди. Бу икки аёлнинг кўпга фарқ қилмайдиган ёшлари назарда тутиладиган бўлса, дунё тасодифларга тўла, холасининг ўн минг фунт олиш илинжи бор-йўқ ўртасида эди; шунинг учун

ҳам мадам Фоско, бундай ҳолларда тез-тез содир бўлиб турганидек, акасининг ўзига нисбатан адолатсизлигидан хафа бўлиб, ҳатто мисс Фэрли жонкуярлиги туфайлигина унинг номи Фэрли жаноблари васиятномасига қайта киритилганига ҳам ишонгиси келмай, ўз жиянидан ҳам юз ўгирганди.

Ўн минг фунт тарихи мана шу. Бу масалада ҳам сэр Персивалнинг махсус вакили билан ҳеч қандай қийинчилик тугилмасди. Даромад унинг хотини ихтиёрида бўлар, асосий маблағ эса меросхўр аммаси ёки жиянига фақат унинг ўлиmidан кейингина насиб қиларди.

Бу масалага оид ҳамма нарса очиқ-ойдин бўлгач, энди йигирма минг фунт моҳиятини очишга ўтаман.

Мазкур маблағ мисс Фэрли йигирма бир ёшга тўлиши билан бутунлай унинг хусусий мулкига айланар, кейинча ундан фойдаланиш имконияти эса, асосан, унинг манфаатларини кўзлаб никоҳ битимига киритишим мумкин бўлган шартларга боғлиқ эди. Никоҳ ҳужжатига киритиладиган бошқа қисмлар шунчаки расмиятчилик бўлиб, улар ҳақида илова қилшнинг ҳожати ҳам йўқ. Лекин асосий маблағ ҳақидаги қисм энг муҳими бўлгани учун, уни четлаб ўтиб бўлмайди. Мавзунни яққол тасаввур қилишингиз учун унинг қисқача тафсилотига бир нечагина сатр кифоя қилади.

Йигирма минг фунт масаласида битимга киритиладиган таклифим соддагина қилиб айтганда қуйидагича эди: яхлит маблағдан келадиган даромад умри бўйи ледининг ўзига келиб туриши, кейинча умри бўйи сэр Персивалга келиши ва ниҳоят маблағ ушбу оила фарзандларига қолиши керак эди. Мабодо ўртада бола бўлмаса, уни леди ўз ихтиёрича истаган кишиларига тақсимлаб бериши мумкин эди. Шунинг учун ҳам унга меросхўрлари аниқланган васиятнома ёзиб қолдириш ҳуқуқини ўртага қўйдим. Ушбу шартлардан кўзланган мақсад қуйидагича эди: мабодо леди Глайд оламдан фарзандсиз ўтгудек бўлса, у ўгай опаси мисс Ҳалкомб ва бошқа қариндошлари ёки дўстлари, умуман, у мурувват қилгиси келган кишилар унинг эри ўлиmidан кейин маблағни васиятномада кўрсатилганидек ўзаро бўлишиб олишлари керак эди. Мабодо, бунинг акси, у оламдан ўтгач фарзандлари қолса, ўшалар, шак-шубҳасиз, меросхўр бўлиб қолишлари, бошқаларнинг манфаати эса барҳам топиши керак эди. Никоҳ битимининг асосий банди шу бўлиб, уни ўқиган киши, менимча. эътироз билдира олмас, аксинча, ҳар иккала томон учун адолатли эканини тан олган бўларди.

Энди менинг таклифларимга куёв томон қандай қараганини кўриб чиқамиз.

Мисс Ҳалкомбнинг хати қўлимга текканида мен ҳаддан зиёд банд эдим. Шунга қарамай, никоҳ битимига ҳам вақт топдим. Мисс Ҳалкомб мени тўй тараддуд ҳақида огоҳлантирганидан бир ҳафта кейинроқ уни тайёр қилиб, сэр Персивал вакилининг розилигини олиш учун унга жўнатгандим.

Икки кундан кейиноқ ўша ҳужжат баронет адвокатининг айрим ишора ва мулоҳазалари билан ўзимга қайтарилди. Йигирма минг фунт масаласигача унинг эътирозлари асосан, баён услубига тааллуқли арзимас нарсалар эди. Маблағ ҳақидаги банд ёнига эса қизил сиёҳ билан қўшалоқ чизиқ тортилиб, кейин қуйидаги изоҳ ёзиб қўйилганди.

«Розилик бериб бўлмайди. Леди Глайддан кейин қолгудек зурёд бўлмаса, маблағ сэр Персивалга қолиши керак».

Бошқача қилиб айтганда, мисс Ҳалкомбга ёки леди Глайднинг бошқа бирон-бир қариндоши ёки дўстига йигирма минг фунтдан бир фартинги ҳам тегмасди. Маблағ яхлитлигича, ҳаётдан у бефарзанд ўтгудек бўлса, эрининг чўнтагига тушиб кетарди.

Андишасизлик билан қилинган бу таклифга яраша мен ҳам қўлимдан келганича қисқа ва чўрт жавоб қилдим:

«Муҳтарам сэр. Мисс Фэрли битими ҳақида. Сиз эътироз билдирган банд дастлабки ифодасида қолиши керак. Сизга содиқ фалончи».

Чорак соат ўтар-ўтмас жавоби келди: «Муҳтарам сэр. Мисс Фэрли битими ҳақида. Сиз эътироз билдираётган қизил сиёҳдаги-си қолиши керак. Сизга содиқ фалончи».

Иккаламиз ҳам шу кунларда эл оғзига тушиб қолган бемаъни ибора билан айтилганда, кишанга тушиб қолгандик, ўз мижозларимизга мурожаат қилишдан бошқа иложимиз қолмаганди.

Воқеалар сирасидан маълумки, менинг мижозим мисс Фэрли ҳали йигирма бирга тўлмагани учун унга Фредерик Фэрли васийлик қиларди. Ўша кунги почта орқали унга хат юбориб, битим масаласи қай аҳволда эканини оқизмай-томизмай унинг эътиборига ҳавола қилдим. Уни таклифимдаги мунозарага асос бўлаётган бандни қўллаб-қувватлатишга рағбатлантириш учун кўнглимда борки далилларимни рўқач қилдим, ҳатто битимнинг йигирма минг фунт борасидаги бандига нисбатан муҳолиф таклифи замирида ётган шахсий ғаразини ҳам унга очиқ айтдим.

Сэр Персивал ишларидан тўла хабардорлигим туфайли, бир

вақтлар у зарур бўлиб қолганидан бутун хўжалик ҳужжатларини тафтиш учун менга берган эди, шу нарса ҳам аниқ эдики, у ўз тасарруфидаги хусусий ер-мулк бўйича анча қарздор бўлиб қолганди. Даромади расмий жиҳатдан анча қатталигига қарамай, аслида бундай мавқедаги киши учун бор йўқ ўртасидаги арзимас нарса эди. Тайёр маблағ сэр Персивал ҳаётида долзарб эҳтиёжга айланган, адвокатнинг маблағ ворислилиги масаласида никоҳ битимига киритган банди худди ўша эҳтиёжнинг самимий ифодаланишидан бошқа нарса эмасди.

Фэрли жанобларининг жавоби ҳам хатни юборилган почта биланоқ етиб келди. Мактуб ниҳоят ажабтовур, кўнгилдагидек эмасди. Уни оддий инглиз тилида ифодалагудек бўлсак, қуйидаги маъно чиқарди:

«Азизим Гилмор, қачонлардир содир бўлиши эҳтимол тугилган арзимас нарсанинг баҳридан ўтиб, ўз дўсти ва мижози кўнглига озор етказмаслик илинжида ўшалар саховатига мушарраф бўлсалар бўлмасмикин? Наҳотки йигирма бир яшар аёл қирқ беш ёшдаги кишидан аввалроқ оламдан ўтиб кетса, тагин зурёд кўрмай-а? Иккинчи томондан, шу беш кунлик дунёда наҳотки тинчлик ва осойишталик қадрига етилмаса? Мабодо қачонлардир ўша йигирма минг фунтга эга бўлиш илинжида фоний дунё хом хаёли учун ўша икки муқаддас нарса таклиф қилинаётган бўлса, ахир, бу нуфузли савдо эмасми? Албатта, нуфузли. У ҳолда нега энди шу савдога рози бўлақолмайсиз?»

Хуноб бўлиб кетганимдан хатни улоқтириб ташладим. У ерга тушар-тушмас хона эшиги тақиллаб, сэр Персивалнинг вакили Мерриман жанобларининг жуссаси кўринди. Дунёда муғомбир юристларнинг турли тоифаси тўлиб тошиб ётибди, лекин менинг фикримча, ўшаларнинг энг баттарини — муомалани ҳазил-мутойиба билан хаспўшлаб, сизни лақиллатиб кетадиганларидан. Дўстона жилмайиб турадиган хўппа семиз касбдошлар ўша тоифа кишилар орасида арзимаган ишни ҳам келишиб бўлмайдиган энг бетайин ҳисобланади. Мерриман жаноблари мана шу синф вакили эди.

— Гилмор жанобларининг саломатликлари жойидами? — гап бошлади у ўз мулозиматидан ўзи маст бўлиб. — Ўзларини, сэр, мана шундай бардам кўриб турганимиздан гоят хурсандмиз. Эшиклари олдидан ўтиб кетаётган эдим, ҳузурларига кириб чиқсак чакки бўлмас, эҳтимол каминаларига айтиладиган гаплари бордир, деган фикр хаёлимиздан ўтди. Қўлимиздан келса, та-

валлоимиз ҳам шу, ўзлари ҳам йўқ демай, ўртамиздаги андак тафовутни бир оғиз сўз билан ҳал қилиб қўяқолсак. Мижозларидан янгилик борми?

— Бор. Ўзлариникиданчи?

— Азизим, саховатлик сэр! Қани энди улардан бир ёруғлик чиқса! Каминалари ўшаларнинг кўнглига қараб қолган. Ушбу масъулиятни каминалари бошимдан соқит қилса, дейман, аммо бениҳоя ўжарлар-да, айтганини қиладилар. Масъулиятни елкамиздан асло соқит қилмайдилар. «Мерриман, икир-чикир масалаларни ўзингизга ҳавола қиламан. Бизнинг нафимизни кўзлаб иш тутаверасиз. Битим ниҳоясига етгунча шахсан бизни бу ишлардан озод деб биларсиз». Сэр Персивалнинг бундан икки ҳафта илгарироқ қилган гапи — мана шу. Каминангиз қўлидан нима ҳам келарди — унинг ўша сўзларини такрорлайди-да. Ўзларига ҳам аён, Гилмор жаноблари, каминангиз бағри тош кишилардан эмас. Ишонсинлар, шахсан ўзимизга қолса, ўша изоҳ шартларини ҳозироқ чиқариб ташлаган бўлардик. Аммо сэр Персивалнинг ўзи бу ишларга аралашмаса ҳам, ўз манфаатларини таваккал қилиб каминангиз виждонига ҳавола қилиб қўйгандан кейин, уларнинг манфаатини ҳимоя қилмай нима ҳам қилардик? Қўлимиз ипсиз боғланган, кўриб тургандирсиз, азизим сэр? Қўлимиз боғланган.

— Шундай қилиб, битимнинг ўша бандига қилинган иловани ҳимоя қилмоқчимисиз? — дедим.

— Ҳа, қуриб кетсин! Бошқа иложимиз йўқ-да. — У камин олдида бориб исинаркан, кўтаринки руҳ билан гўнғиллаганича қандайдир куйнинг бемаъни савтини ҳиргойи қила бошлади.

— Ўзларининг томони нима дейдилар? — яна эзмаланди у. — Марҳаматларини аямай айтиб қўя қолсалар, ўзларининг томони нима дейдилар?

Унга ҳақиқатни айтишга тилим бормади. Вақтни чўзиш пайига тушдим. Ҳатто, устига устак ундан ҳам баттарини қилдим: юристларга хос туйғу қўл келиб, у билан ҳатто савдолашишга ҳам уриндим.

— Йигирма минг фунт — каттагина маблағ. Ледининг дўстлари ҳам уни икки кунлик иловага бериб қўя қолишмайдилар — дедим.

— Айни ҳақиқат, — маъқуллади Мерриман жаноблари бошини қуйи эгиб, хаёл сурганича ботинкасидан кўз узмай. — Кўзланг нўқталарига урдилар, сэр, Айни нўқтага урдилар!

— Куёв манфаати кўзланганидек, леди оиласи манфаатлари ҳам инобатга олинадиган ўзаро келишув мижозимни чўчитиб

юбормаса керак, — давом этдим. — Қани, қани, гапираверинг! Ахир, мана шу тасодифий учрашув ўртадаги савдони ҳал қилиб қўядиганга ўхшайди. Энг ками қанчага умидворсиз?

— Энг ками, — деди Мерриман жаноблари. — ўн тўққиз минг, тўққиз юз, тўқсон тўққиз фунт, тўқсон шиллингу ўн бир пенс, уч фартинги билан. Ҳа! Ҳа! Ҳа! Узр, Гилмор жаноблари. Қиттай ҳазиллашиб қўйдик-да.

— Қиттаккина денг, — писанда қилдим. — Ўша қиттак ҳазилинги баҳоси ҳам сиз ён берган бир фартини экан-да.

Мерриман жанобларининг кайфи чоғ эди. У киноядан қаҳқаҳ отиб хонани кўтарай деди. Менинг кўнглимга ҳазил сигармиди. Суҳбатимизга яқун ясаб қўя қолиш учун яна ўртадаги масалага қайтдим.

— Бугун — жума. — дедим. Аниқ жавоб учун келаси сешанбага муҳлат беринглар.

— Бош устига, — жавоб берди Мерриман жаноблари. — Истангиз, муҳтарам сэр, ундан ҳам чўзиброқ олинг, — кетиш тараддуида шляпасини олиб, кейин яна менга юзланганича, — Айтгандай, ўзларининг Кумберланддаги мижозлари қулоғига ўша имзосиз хат ёзган аёл ҳақида яна бошқа бирон бир хабар чалинганмикин, сиз бунга нима дейсиз?

— Бошқа ҳеч қандай дарак йўқ. — жавоб бердим. — Ўзлари унинг изига тушгудек бўлмадиларми?

— Йўқ ҳали, — деди касбдошим. — Лекин ҳали умидимизни узгунимизча йўқ. Сэр Персивалнинг гумонича, кимдир уни пинҳон тутаётган эмиш, ўша кишига кўз-қулоқ бўлиб турибмиз.

— Кумберландда унга ҳамроҳ бўлган қарияни назарда тутаётган бўлсангиз керак.

— Бутунлай бошқа шахс, сэр. — жавоб берди Мерриман жаноблари. — Қарияни ҳали қўлга тушира олмадик. Гумонимиз эркак киши. Ундан кўз узмай турибмиз, у шу ернинг ўзида — Лондонда. Аниқ тахминимизча, дастлаб қизнинг телбахонадан қочишида ҳам ўша кишининг ёрдами бўлган бўлса керак. Сэр Персивал уни дарҳол сўроқ қилмоқчи эдилар, лекин мен «Йўқ. Бу уни ҳушёр қилиб қўяди. Кузатинг, сабр қилинг» дедим. Кўрамиз, нима бўларкин. Анчагина хавфли аёл бўлса керак, жаноби Гилмор; яна нималар қилиб қўйишини ким билади дейсиз. Тонгингиз хайрли ўтсин, сэр. Келаси сешанба куни жавобингизни олиш қувончига мушарраф бўлурмиз, деган умиддамиз. — У дўстона жилмайиб чиқиб кетди.

Ҳамкасбим билан ўтган суҳбатнинг охирироғида анча хаёл суриб қолибман. Фикру ёдим битим масаласида бўлиб, бошқа масалаларга унча эътибор ҳам бермабман. Энди яна ўзим ёлғиз қолгач олдимда нима вазифалар тургани ҳақида ўйлай бошладим.

Агар бегона мижоз иши бўлганида эди, шахсан мен учун қанчалик хуш келмаса ҳам, берилган маслаҳатлари бўйича иш тутиб, йигирма минг фунт масаласидаги иловага риоя қилиб қўя қолган бўлардим-а. Лекин мисс Фэрлига нисбатан вазифам тақозоси бўйича совуққонлик билан шунчаки лоқайд иш тута олмасдим. Унга нисбатан виждонан ҳурматим, ҳавас тўла туйғуларим бунга йўл қўймасди. Отаси менинг ҳеч кимсага насиб этмаган меҳрибон валинеъматим ва қадрдоним бўлган. Никоҳ битимини тузарканман, кекса бўйдоқ бўлмаган тақдиримда ҳам, уни ўз қизимдек кўриб, унинг манфаатига тааллуқли ҳар қандай ишда ҳатто шахсан ўзимни маҳв этишга ҳам рози эдим. Фэрли жанобларига иккинчи хат ёзишнинг хожати йўқ — бу гал ҳам қўлимдан силлиққина чиқиб кетиши мумкин эди, холос. У билан шахсан учрашиб, иқдор қилиш билангина бирор натижага эришиш эҳтимоли бор эди. Келаси кун — якшанба. Фэрли жанобларини виждонан, оқилона ва адолатли қарорга кўндириш умидида қари бўлсам ҳам лақиллаб яна Кумберландга тушиб чиқишга қарор қилдим. Шубҳасиз, бундан кутилган нажот умиди деярлик бўлмаса ҳам, шунга уриниб кўрсам, виждоним енгил тортган бўларди. Ана ўшанда, менинг ўрнимда бўлган бошқа биронта киши қадрдон дўстининг ёлғиз қизи манфаатларини кўзлаб нима қила олгудек бўлса, ўшаларнинг ҳаммасини бажо келтирган бўлардим.

Шанба кунини ҳаво кўнгилдагидек — қуёш беғубор порлаб, гарб шаббода эсиб турарди. Кейинги пайтларда бошим сиқиб оғрийдиган бўлиб қолганидан, бу ҳақда доктор икки йил аввалроқ мени жиддий оғоҳлантириб қўйганди, жомадонимни бурунроқ юбориб, Энстон майдонидаги станциягача яёв юриб бироз бадатарбия қилиб олишга қарор қилгандим. Ҳалборнга чиқишим билан ёнимдан зипиллаб ўтиб кетаётган бир жентлмен таққа тўхтаб, менга мурожаат қилиб қолди. У Валтер Ҳартрайт жаноблари экан.

Унинг ўзи дастлаб саломлашмаганида, ишончим комил, уни танимай ўтиб кетаверган бўлардим. У шунчалар ўзгариб кетибдики, зўрга таниб қолдим. Юзлари сўлғин, ранги заъфарон. Ўзи ҳам безовтароқ, атрофга аланглаб турарди. Мен Лиммерижда учратган ўша олифта жентлмен эғнидаги кийимлари шунақа исқирт

эдики, клеркларимдан¹ биронтаси шу алфозда кўриниб қолгудек бўлса, уялиб кетган бўлардим.

— Кумберланддан қайтганингизга кўп бўлдимиз? — сўраб қолди у. — Кейинроқ мисс Ҳалкомбдан эшитишимча, сэр Персивал Глайднинг ўзини оқлаб кўрсатган далиллари инобатга олинбди. Никоҳ маросими ҳам яқинлашиб қолгандир-а? Шундан хабарингиз борми, жаноби Гилмор?

У ийманиброқ ғалати бидирлагани, саволлари ҳам устма-уст бўлиб кетганидан нима деётганини аранг англаб олардим. Шароит тақозосига кўра Лиммериж оила аъзолари билан у қанчалик сирдош бўлган бўлмасин, унинг ўша оила хусусий ишларидан хабардор бўлиш илинжи ақлимга сигмасди, иложи борича, мисс Фэрли никоҳи масаласидаги унинг ўчириб қўя қолмоқчи бўлдим.

— Ўз фурсатида бўлади-да, жаноби Ҳартрайт, — дедим. — Ўз фурсатида. Газеталардаги никоҳ эълонларидан хабардор бўлиб турсак, янглишмаймиз, десам хато қилмаган бўламан. Узр, Лиммерижда учрашган пайтимиздаги дуркун қиёфангиз қолмабди, ҳайрон бўлиб турибман.

Шу дақиқа унинг қошлари чимирилиб, лаблари бурилиб кетди. Уни шунчалар менсимай жавоб берганимдан анча пушаймон бўлдим.

— Унинг никоҳидан оғиз очишга ҳаддим сигмасди, — деди у изтироб билан, — шундай, бошқалардек буни газеталардан кутишга тўғри келади. Шундай, — мен ундан узр сўрашга ҳам улгурмай, у яна сўзида давом этди. — Шу кунларда тобим йўқроқ. Вазият билан ишимни ўзгартириб кўриш учун хорижий ўлкалардан бирига кетиш ниятидаман. Мисс Ҳалкомб ўз обрўлари туфайли менга самимий кўмаклашдилар. Тавсияномаларим ўринли деб топилди. Сафарим жуда олисга, лекин мен учун қаергалигининг ҳам иқлимининг ҳам, ёки ўша мусофир юртда қанча туришимнинг ҳам аҳамияти йўқ. У сўзлар экан, нукул атрофига аланглаб, у ён-бу ёнимиздан ўтиб турган нотаниш кимсалардан негадир шубҳаланаётгандай, гўё улар орасида кимдир уни таъқиб қилаётгандек олазарақ эди.

— Омад сизга ёр бўлсин, сафарингиз бехатар бўлсин! — дедим ва уни Фэрлилар оиласидан нари тутиб ўқситмаслик учун қуйидагиларни ҳам илова қилиб қўйдим: — Бугун иш юзасидан Лиммерижга тушиб кетаяпман. Мисс Ҳалкомб билан мисс Фэрлилар айни вақтда Йоркширдаги дўстлариникида юришибди.

¹ клерк — хизматчи

Унинг кўзлари пориллаб, сўзларимга жавобан бирон нарса демоқчи бўлди-ю, лекин шу дақиқа яна ўша бир лаҳзалик асаб ўйноғи юзида намоён бўлиб ўтди. Қўлимни кўлига олиб, қаттиқ сиқди ва бошқа чурқ этмай оломон ичида ғойиб бўлди. У мен учун бегонадан берироқ таниш бўлса ҳам, унга раҳмим келиб, орқасидан қараб қолдим. Ўз касбим туфайли ёшларнинг қандай қиёфаю одатлари уларнинг узлатга юз тутишидан башоратлигини яхши билиб олгандим. Шунинг учун ҳам йўлимни станция томон давом эттирарканман «жаноби Ҳартрайтнинг келажаги мен учун гумондан кўра қоронгироқ кўринади», фикри хаёлимдан ўтди.

IV

Тонгги Лондон поезде билан жўнаб, Лиммерижга тушлик пайтида етиб бордим. Уй ҳувиллаб қолган, зерикарли эди. Ёш ледилар йўқлигида мўминтой миссис Вэзи менга ҳамсуҳбат бўлсалар керак, деб умид тутгандим, лекин у шамоллаб ўз хонасига тиқилиб олган экан. Хизматкорлар мендан ийманиб, довдирашиб югуриб олишаркан, кишининг гашини келтирадиган нуқсонларга йўл қўйишарди. Ҳатто анча ёшга бориб қолган, кўпни кўрган бош хизматкор ҳам менга бир шиша яхна портвейн кўтариб келибди. Уларнинг айтишларича, Фэрли жанобларининг соғлиғи ўша-ўша эмиш. Лиммерижга келганимдан хабардор қилиб қўйиш учун унга киритган хатимга мени келаси куни эрталаб қабул қилишга мунтазирлигини айтиб юборибди. Лекин қутилмаганда пайдо бўлиб қолишим кун бўйи юрагини така-пука қилибди. Тун ҳам нотинч ўтди — шамол нола қилгандай увиллаб чиқди. Кимсасиз хоналарнинг гоҳ у ёғидан, гоҳ бу ёғидан, баъзан эса ҳаммаёғидан гўё инграган шарпалар эшитилиб турди. Уйқумда ҳам ҳаловат бўлмади. Шу сабабли эртасига эрталаб ланжликдан зўрға оёққа туриб, ёлғиз ўзим шумшайганимча нонуштага ўтирдим.

Соат ўнда мени Фэрли жаноблари апартаментига бошлб боришди. У ҳар галгидай ўз хонасида, бутун вужуди ва фикри-ёди таранглашган асабдай бўлиб ўша қадрдон креслосида ўтирган экан.

Хонага кирганимда камердионери унинг олдида эни билан бўйи менинг иш столимдай бир даста оғир гравюраларни ушлаб турарди. Бечора ажнабий хорғинликдан хокисорона мўлтиллаб қолган; валинеъмати эса хотиржамлик билан гравюраларни бирмабир кўздан кечириб, лупа ёрдамида уларнинг сирли нафосатини пайқашга уринаркан, у холдан тойиб, ўша санъат намуналарини ташлаб юборгудек бир алфозда аранг тутиб турарди.

— Ўзлари илк қадрдон дўстлардан энг эъозлилари-да, — деди Фэрли жаноблари менга назар ташлаш олдида эринибгина қаддини ростлаб, суянчиққа ясланганича. — Саломатликлари жойидами? Узлатда ётган каминалари билан дийдорлашишга келиб улуғ иш қилибдилар, муҳтарам Гилмор!

Ичкарига киришим билан камердионерига жавоб бериб юборса керак, деб ўйлагандим, лекин хаёлим пучга чиқди. У ҳамон ўз валинеъмати қаршисида қўққайиб турар, гравюралар вазнидан қўли толиб титрарди. Фэрли жаноблари эса лупасини нозик панжалари орасида айлантирганича пинагини бузмай ўтирарди.

— Жуда муҳим масала бўйича ўзлари билан гаплашиб олишга келгандик. — дедим. — Ўзимиз ёлғиз қолсак, қабилидаги таклифимиз учун бизни маъзур тутсалар.

Бечора камердионер менга миннатдорона назар ташлаб қўйди. Фэрли жаноблари эса бутун қиёфасидан яққол кўриниб турган таажжуб изтиробида таклифимни лоқайд такрорлади:

— Ўзимиз ёлғиз қолсак...

Ҳазил юрагимга сифмасди, шунинг учун ҳам ниятимни унга очикроқ айтмоқчи бўлдим.

— Анави кишига ижозат бериб юбориш илтерламаотларидан каминаларини бенасиб қилмасалар, — дедим камирдионерни кўрсатиб.

Фэрли жаноблари юзида истеҳзо аралаш табассум ва таажжуб излари кўринди. Қошлари чимирилиб, лаблари буришди.

— Анави кишига? — сўзимни яна такрорлади у. Кекса Гилмор ҳазил-мутойиба қилаётганга ўхшайди, уни одам қаторига қўшиб нима демоқчилар? У одам тоифасига кирмайди. Эҳтимол, ярим соат илгарироқ, гравюраларимни олиб келишдан олдин одам бўлгандир. Эҳтимол, яна ярим соатлардан кейин гравюраларнинг менга ҳожати қолмагач, яна одам кепатасига кирар. Ҳозирча у асбоб қўйиладиган токчадан бошқа нарса эмас. Токчага эътироз билдиришингизнинг нима ҳожати бор, Гилмор?

— Фикрларига қўшилолмаймиз. Ўзимиз холи қолсак, жаноби Фэрли, учинчи маротаба илтимосимизни такрорлашга тўғри келади.

Овозимдан қатъилик билан қиёфамдаги гезарик уни ён беришга мажбур қилган — илтимосимни қабул қилишдан бошқа иложи қолмаганди. У камердионерга тик қараб, жаҳл билан ўз ёнидаги креслога ишора қилди.

— Гравюраларни қўйиб, даф бўлинг, — деди. — Мен кўраётганимни чалкаштириб, хунобимни оширманг. Тушундингизми

ёки тушунмадингизми? Кўраётганимни чалкаштириб бўлдингизми? Унинг юзадалигига кўнглингиз тўқми? Кўнгироқни қўлим етадиган жойга қўйганмисиз? Шундайми? Даф бўлмай, нега кўққайиб турибсиз?

Камердионер чиқиб кетди. Фэрли жаноблари креслосини айлантириб олди, кейин лупасини ҳарир батис рўмолчаси билан артиб, гравюраларнинг юзадагисига кўз қирини ташлаб, уни назаридан ўтказа бошлади. Мана шундай вазиятда ўзимни босиб туришим амри маҳол эди, лекин алаимини ютдим.

— Каминаларини бу ерга жиянлари билан оилаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ташвиши, ўзларининг мўмайгина шахсий манфаатлари олиб келди, — дедим. — Шу туфайли, бироз бўлса ҳам, эътиборларига сазовор бўлиш умидидамиз.

— Каминаларининг ўтакасини ёрмасинлар! — киноя қилди Фэрли жаноблари кўзларини юмганича ўзини орқага ташлаб. — Ўтинамиз, каминаларининг ўтакасини ёрмасинлар. Соғлиғимиз кўтармайди.

Лаура Фэрли ҳурмати, мени лақилатишига йўл қўймасликни ният қилиб қўйгандим.

— Макгублари масаласида ўйлаб кўрсалар, деймиз, — давом этдим. — Жиянларини ўз ҳуқуқи ва тасарруфидаги бисотидан маҳрум этишга мажбур этмасалар, мақсадимиз — шу. Бу масала моҳиятини ўзларининг эътиборларига яна бир қарра, сўнги марта ҳавола қилиб қўйишни лозим топдик.

Фэрли жаноблари бош чайқаб, чуқур ҳомуза тортиди.

— Ахир, бу шафқатсизликку, Гилмор. Шафқатсизликнинг ўзгинаси-ку. — деди у. — Майли, давом этсинлар.

Дилимда тугилган ҳамма мулоҳазаларимни унга бирма-бир изҳор қилдим — битим оқибатини унинг кўз ўнгида яққол гавдалантирдим. Мен гапирарканман, унинг кўзлари юмуқ, ўзи орқасига ясланганича талтайиб ўтирарди. Сўзимни тамом қилишим билан кўзларини аста очиб, ёнгинасидаги столчадан кумуш флаконини олди-да, уни искаб анча енгил тортгандай бўлди.

— Марҳаматли Гилмор! — деди у ўқтин-ўқтин искаш орасида. — Бу ишларингизга қойилмиз! Лекин кишини инсон табиати билан келиштириб бўлармикин!

— Аниқ саволимизга сиз ҳам дангал жавоб берсангиз, жано-би Фэрли. Ўзларига яна бир бор эслатиб ўтамизки, сэр Персивал Глайд маблағ даромадидан умидвор бўлса ҳам, лекин бошқа ҳеч қандай даъвосига ўрин йўқ. Ўша яхлит маблағ, мабодо жиянин-

гиз фарзанд кўрмаган тақдирда ҳам, жиянингизнинг ихтиёрида бўлиши ва кейинги мана шу хонадон аъзоларига қайтарилиши керак. Агар ўзлари қатъи тургудек бўлсалар, сэр Персивал ён беришга мажбур. Ҳа, ён беришга мажбур. Гап шу, акс ҳолда, мисс Фэрлига уйланишидан бирдан-бир мақсади дунё орттириш эканини фош қилиб қўйган бўлади.

Фэрли жаноблари ҳазиллашаётгандай, қўлидаги кумуш тамакидонини мен томон чўзиб у ёқ-бу ёққа силкиди.

— Мўтабар, нуроний Гилмор, сиз казо-казо ва кабир-кубароларга нафрат билан қарайсиз, шундай эмасми? Глайдни ҳам баронетлиги учун кўргани кўзингиз йўқ. Радикаллик ҳам эви билан-да, эй азизим, радикаллик ҳам эви билан-да!

Радикал эмишман!!! Ҳар қандай игвога чидардим, лекин умрим бўйи консерваторларнинг баландпарвоз ақидаларига амал қилиб келганим учун, мени радикал дейишига чидаб туrolмадим. Бу сўз қонимни қайнатиб юборди — креслодан туриб кетиман, тилим ҳам калимага келмай қолганди.

— Хонани бошларига кўтармасинлар! — ўшқирди Фэрли жаноблари. Азиз ва авлиёлар ҳаққи, хонани бошларига кўтармасинлар! Жамики Гилморларнинг мўтабарисиз, кўнгилларига озор етказмоқчи эмасдик. Ўзимиз ҳам ўта либерал фикрдамиз. Бинобарин, назаримизда, ўзимиз радикал бўлсак керак. Гап шу. Иккаламиз ҳам радикалмиз. Узр, жаҳллари чиқмасин. Жанжалга тобимиз йўқроқ — каминаларида ортиқча куч нима қилсин. Мавзуни бас қилақолсак. Ҳа, яқинроқ келсалару, мана бу араваларга назар ташласалар. Уларнинг кўз илғамас нафосати сирларидан завқиб бўлишларига ҳамдамлашсак. Қани, келақолсинлар, садоқатли Гилмор!

У мана шундай минғирлаб турганида бахтимдан ўргилай, анча ўзимга келиб олгандим. Гапиришга холим келганида эса унинг сурбетларча ифодаланган бемаъни сўзларини писанд қилмай, сабр қилгудек ўзимни босиб олгандим.

— Сўзларимизни сэр Персивал Глайдга нисбатан қандайдир гараз туфайли, деган хаёлга бориб мутлақо янглишадилар, сэр, — дедим. — Афсуски, у киши бу масалада бутун масъулиятни ўз вакили ихтиёрига топшириб, ўзини четга олиб олган. Унга мурожаат қилишнинг иложи йўқ. Ахир, каминаларининг унга қарши даъвоси ҳам йўқ. Ўзларига маълум қилинган шартларимиз, олийми ёки қуйими — қайси табақага мансублигидан қатъи назар, шу вазиятдаги ҳар қандай киши олдига кўндаланг қўйилиши мумкин. Каминалари жон куйдирётган ҳамда адлия мутасаддилари-

нинг аксарияти томонидан тан олинган. Мабодо шу ерга яқинроқ шаҳарда омади ёр бўлиб турган қайси бир юристдан суриштирмасинлар, у каминаларининг мана шу дўстона йўл-йўригини холисона айтиши турган гап. Ледининг яхлит маблагини у турмушга чиқаётган киши ихтиёрига топшириб қўйиш ҳеч қандай қонунқоидага тўғри келмаслигини ҳам маълум қилади. Одатдаги расмиятчилик нуқтаи назаридан, қандай вазиятда бўлмасин, ҳар эҳти молга қарши, йигирма минг фунт ихтиёрини эрга бериб қўйишни рад этган бўларди.

— Ростдан ҳам шундай қилган бўлармиди-а, Гилмор? — деди Фэрли жаноблари. — Агар у шу ваҳиманинг ярмини айтгудек бўлганида ҳам, ўзлари бунга яхши билиб қўйсинлар, қўнғироғимни чалиб Луисни чақирардим унинг оёғини ерга тегиздирмай бу даргоҳдан гумдон қилган бўлардим.

— Каминаларини хуноб қилавермасинлар, жаноби Фэрли, жиянлари ҳурмати, уларнинг падарибузрукворлари руҳи ҳаққи, каминаларини хуноб қилавермасинлар. Ушбу шармандали битим масъулиятини ўз зиммаларига олмагунларича бу ердан чиқиб кетиш ниятимиз йўқ.

— Ўжарлик қилавермасинлар! Бас қилсинлар, ўтинамиз, ўжарлик қилавермасинлар! — деди жаноби Фэрли. — Вақт қадрини унутмасинлар, Гилмор. Уни беҳуда совурмасинлар. Қўлимиздан келса, ўзлари билан баҳшлашган бўлардигу, аммо ожизлик қилурмиз-да, холимиз ҳам забун. Бизни ҳам, ўзларини ҳам, Глайдни ҳам ва ҳатто Лаурани ҳам ранжитгудек кўринадилар, ё парвардигорим-ей! Дунё шунчалар алғов-далғов бўлса-я. Беш кунлик ҳаётда шунчалар машмаша-я. Бас, муҳтарам зот, каминалари тинчлик, осудалик гадоси. Шунга назарга олсалар, жавобмиз ҳам яққол кўринур — таклифларини рад этурмиз!

— Мактубларида қайд этилган мулоҳазаларини барқарор демоқчи бўладиларми?

— Худди ўшандек. Ниҳоят бир-биримизни тушунганимиздан хурсандман. Ўтирсинлар, яна бироз ўтирсинлар!

Шу дақиқаёқ эшик томон юрди. Фэрли жаноблари эса эътироз билдирганича қўнғироғини чала бошлади. Хонадан чиқиб кетишим олдида орқамга ўгирилиб, сўнгги марта унга мурожаат қилдим:

— Келажакда нималар содир бўлмасин, сэр, — дедим. — унутмасинлар, ўзларини огоҳ этиб муқаддас бурчимизни адо этдик. Ўзларининг содиқ дўсти ва оилаларининг ишончли адвокати си-

фатида хайрлашув олдида ўзларига шуни ҳам маълум қилиб қўймоқчимизки, мисс Фэрли никоҳи борасида ўзлари каминага мажбуран туздираётган битим асосида тирик инсон зотига бирон-бир қизимни раво кўрмаган бўлардим.

Орқамда эшик очилиб, камердионер остонада серрайганича туриб қолди.

— Луис, — деди Фэрли жаноблари, — Гилмор жанобларига йўлни кўрсатиб қўйинг, кейин қайтиб келиб, яна гравюраларимни ушлаб туринг. Пастдагилар нонуштангизни дурустроқ қилиб беришсин. Талаб қилаверсинлар, Гилмор, бекорчи дастёр махлуқларим нонуштангизни дурустроқ қилиб беришсин!

Ундан шунчалар нафратланиб кетдимки, сўзларига жавоб қайтаришга ҳам тилим бормади. Орқамга бурилиб, индамай чиқиб кетдим. Шаҳар поезди кундузи соат иккида жўнар эди, ўша билан Лондонга қайтдим.

Мисс Фэрлининг шахсан ўз оғзидан эшитилиб, унинг меросидан маълум улуш ажратилиши кўзда тутилган шахслар номи бутунлай ўчирилиб, қайта тузилган битимни сешанба куни сэр Персивал адвокатига юбордим. Бошқа иложим йўқ эди. Бу масъулиятни ўз устимга олмагудек бўлсам, у бошқа адвокатга туздирилган бўларди.

Вазифамни адо этдим. Шу оила тарихига доир воқеалардаги менинг шахсий иштироким ҳозиргина ниҳоясига етказилган ҳикоямиз билан тугаланади. Андак фурсатдан кейин давом эттириладиган ғаройиб вазиятлар бошқа қаламкашлар томонидан тасвирланади. Ўзимнинг қисқача ҳисоботимни алам ва ўкинч билан тугатарканман, уни Лиммериж хонадонидан айтилган хайрлашув олдидаги сўзларим билан якунламоқчиман: — Мисс Фэрли никоҳи ҳақида ўзлари каминага мажбуран туздираётган битимга кўра бирон-бир қизимни шу ёруғ дунёда истиқомат қилиб турган инсон зотига раво кўрмаган бўлардим.

*Гилмор жаноблари
ҳикояси шу билан якунланди.*

ИКИНЧИ ФАСЛ
ҲИКОЯНИ МАРИАН ҲАЛКОМБ
ДАВОМ ЭТТИРАДИ
(унинг кундалик дафтарида кўчирмалар)

Лиммериж хонадони 8 ноябрь¹

Бугун эрталаб Гилмор жаноблари жўнаб кетди. У Лаура билан суҳбатлашганидан кейин анча дилгир ва фаромуш кўринди, лекин бунинг сездирмасликка уринаётгандай эди. Шунинг учун бўлса керак, у билан хайрлашаётганимиздаги авзойидан «синглим ўз хомушлиги билан дилимдаги ҳақиқий таҳлика сабабини беихтиёр фош қилиб қўйдимикин» деб, юрагимга гулгула тушиб қолди. Хаёлот мени саросимага солиб, у жўнаб кетгач сэр Персивал билан биргаликда тулпор сайлига чиқишдан ҳам воз кечиб, Лауранинг олдида ошиқдим. Уни шу қўйларга солиб қўйган меҳр савдосини пайқамганимни сезганимдан бери бу мушкул масалада ўзимга ҳам инонмай, ҳафсалам пир бўлиб қолганди. Ўша бечора Ҳартрайтнинг ўзимни ҳам ром этиб, сермулозимат қилиб қўйган нозик табиати, сиполиги ва ориятлилик табиатига Лауранинг кўнгилчанлигию олийҳимматлиги ҳамоҳанг бўлиб, унга меҳри тушиб қолиши муқаррарлигини сезишим керак эди. Лекин бу масалада унинг ўзи менга юрагини очганига қадар қалбидаги муҳаббат куртаги анчагина илдиз отиб қолганини хаёлимга ҳам келтирмаган эканман. Аввалига вақт ўтиши ва унга тасалли бериш билан ҳаммаси унутилиб кетар, деган хаёлга боргандим. Энди эса қалбидаги бу армон умр бўйи уни таъқиб этиб, холини хароб қилмасайди, деган таҳликага тушиб қолдим. Хуллас, мана шундай хатога йўл қўйганимни пайқамганимдан бери ҳамма нарсанга шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолгандим. Аниқ далиллар асосида исботлаб турганига қарамай, сэр Персивалдан ҳам шубҳаланаман. Ҳатто Лаура билан гаплашишга ҳам иккиланиб тураман. Шу бугун эрталаб унинг эшиги бандини ушлаб турарканман, ундан суриштиришга мўлжаллаган саволларимни ўртага ташласамми-йўқми, деб иккиланиб қолдим.

Ниҳоят, таваккал қилиб хонага кирганимда у анча бетоқат-

¹ Мисс Ҳалкомб кундалик дафтаридаги шу каби тушириб қолдирилган парчалар мисс Фэрли ёки унга алоқадор бўлмаган шахсларга тааллуқли.

лик билан у ёқ-бу ёққа юриб турган экан. Юзлари қизариб кетган, безовта кўринарди.

Кўзи кўзимга тушдию олдимга пешвоз келиб, оғзимни очишга улгурмасимдан гап бошлади:

— Йўлингизга мунтазир эдим, — деди у. — Келинг, диванда ўтирайлик, Мариан! Ортиқча чидай олмайман. Бунга чек қўйишим керак, шу илинждаман.

Юзлари оташдек ёнар, вужудида ғайрат жўшар, сўзлари ҳам қатъи эди. Бир кўлида Ҳартрайт чизган расмлардан иборат альбомча, ёлғиз қолган пайтларида унга эрмак бўлиб, хаёл оғушига оладиган овунчоғи. Уни эҳтиётлик билан оҳистагина кўлидан олиб, кўздан четроқдаги столчага қўйиб қўйдим.

— Ўзингизни босиб, айтақолинг, жонгинам, нималар қилмоқчисиз, — дедим. — Гилмор жаноблари сизга бирор маслаҳат бердиларми?

У бош чайқаб, сўз бошлади?

— Йўқ, хаёлимдан нари кетмай қолган борада ҳеч нарса. Гилмор жаноблари меҳр ҳимматларини мендан аямадилар. Мариан, фақат йиғлайвериб уларни андак ранжитиб қўйганимдан хижолатдаман. Ахир, мен ҳеч нарсага қурби етмайдиган ожиза бўлиб қолганман — ўзимни босаолмайман. Ўзимни ҳам, ҳаммамизни ҳам ўйлагудек бўлсам, бу ишларни ниҳоясига етказиш учун қатъи ирода билан йўл тутишим керак.

— Никоҳ фотиҳасидан қутулиш учун бирор чора топмоқчимисиз?

— Йўғе, — жавоб берди у. — Ҳақиқатни айтиб қўяқолиш чорасини кўзлаб турибман.

У бўйнимдан қучиб, бошини оҳистагина кўксимга қўйди. Рўпарамдаги деворда отасининг чоғроқ расми осилиб турарди. Эгилиб унинг юзига разм солсам, у кўксимга бош қўйганича отасининг ўша сиймосига термулиб турган экан.

— Мен ҳеч қачон никоҳимнинг бекор қилинишини талаб қила олмайман, — давом этди у. — Унинг оқибати нимага олиб келишидан қатъи назар, ҳаётимнинг поймол қилиниши аниқ. Энди менинг кўлимдан келадигани, Мариан, отамнинг бу дунёдан кетиш олдида заиф овоз билан қилган васиятларини унутиб, ўз ваъдамдан қайтиш билан поймол бўлган ҳаётимни яна ҳам аянчлироқ қилмаслик.

— У ҳолда нима қилмоқчисиз? — сўрадим.

— Бор гапни сэр Персивал Глайдга ўз оғзим билан айтмоқчиман, — жавоб берди у. — Агар ўшанда у лозим топгудек бўлса,

фақат илтимос туфайли эмас, ҳаммасини унга очиқ-ойдин айтиб, унинг ўз ихтиёрига кўра никоҳидан чиқишга умид қиламан.

— Ҳаммасини деганингиз нимаси, Лаура. Сэр Персивалга бу фотиҳа сизнинг розилигингизсиз бўлганини айтсангиз кифоя, у дарров тушунади. Ўзи ҳам менга шундай деган.

— Отамнинг фотиҳаси менинг розилигим билан берилгач, уни алдашга тилим борармиди? Нечоғлик оғир бўлмасин, ҳар ҳолда шукур қилиб, ноилож ваъдамнинг устидан чиққан бўлардим, — у сукутга чўмди, ўгирилиб кўзимга термилоганича юзини юзимга қўйди. — Ўша дастлаб сэр Персивал билан турмуш қуришга розилик бераётганимда хаёлимга келмаган бошқа бир муҳаббат ўти қалбимга тушиб қолмаганида, Мариан, ваъдамнинг устидан чиққан бўлардим.

— Лаура! Унга дилингизни очиб, хокисор бўлишингизнинг нима ҳожати бор?

— Билиб қўйиши лозим бўлган ҳақиқатни ундан яшириш билан фотиҳани бузгудек бўлсам, ана ўшанда ҳақиқатан ҳам тубанликка йўл қўйган бўламан.

— Булардан огоҳ бўлишининг ҳожати ҳам йўқ!

— Янглишасиз, Мариан, янглишасиз! Кўзбўямачилик қўлимдан келмайди. Айниқса, отам мени раво кўрган ва ўзим ҳам сўз бериб қўйган кишини лақиллата олмайман. — У лабимдан ўпди. — Менинг муҳаббатим сизда, — деди у шивирлаб, — сиз менинг бирдан-бир харидоримсиз. Сизгина менинг қадримга етасиз. Шунинг учун ҳам менинг ўрнимда бўлганингизда нима қилгудек бўлсангиз, ўшани унутиб турибсиз. Майли, сэр Персивал менинг баҳоналаримдан шубҳаланиб, истаса, мени беодобга чиқарсин. Лекин унга хиёнат қилишни ҳатто хаёлимга ҳам келтиролмайман. Риёкорлик пардасига ўралиб, шахсий манфаатларимни кўзлашдан ҳазар қиламан.

Таажжубланиб уни бағримдан нарироқ сурдим. Ҳаётимизда биринчи маротаба. Ўрин алмашиб қолгандек эдик. У ўз фикрида қатъи турар, мен эсам иккиланардим. Унинг ранги оқариб кетганига қарамай, ёшларга хос осойишта ва мунис чеҳрасига назар ташладим. Жовдираб турган шаҳло кўзларида мусаффо ва беозор қалби кўриниб турар, тилим учуда турган насихату эътирозларимнинг ҳожати йўқ, оғзимдаги оғзимда, бўғзимдаги бўғзимда қолганди. Чурқ этмай бош эгдим. Унинг ўрнида бўлганимда, ҳатто мен ҳам аксарият аёлларни йўлдан оздириб маккорлик йўлига ружуъ қилдирадиган тубанлик шамчироғи бўлмиш машъум гурур васвасасига оғиб кетган бўлардим.

— Мендан хафа бўлманг, Мариан, — деди у хомуш кайфиятимни ўзича тушуниб

Уни яна ўз бағримга олдим. Жавобим шу бўлди. Гапиргудек бўлсам, йиғлаб юборишим турган гап эди. Кўз ёшларим бошқа аёллардагидек бўлар-бўлмасга оқавермас, лекин бордию унинг йўли очилгудек бўлса, қарийб эркаклар обидийдасидек инграш билан бошланиб, бутун вужудимни ўртаб юбораётгандек бўлар, ҳатто атрофимдагиларни ҳам довдиратиб қўярдим.

— Бир неча кундан бери, жонгинам, хаёлим шу билан банд. — давом этди у болаларча бетоқатлик билан сочларини бармоқлаб тараганича. Бечора миссис Вэзи ҳанузгача унинг шу одатини ташлатишга уринса ҳам, тарки одат амри маҳол эди. — Бу ҳақда ҳар томонлама ўйлаб кўрдим, виждоним ҳақлигимдан гувоҳлик бериб тургач, буни юзига очиқ айтишдан тоймайман. У билан эртага гаплашиб олсам, йўқ демассиз. Ўзингизнинг олдингиздаёқ гапира қоламан, Мариан. Бирор оғиз ёлгон аралаштирмайман. Сизни ҳам, ўзимни ҳам мулзам қилгудек гап қилмасман. Лекин дилимдаги мана шу дардимдан халос бўлиб олсам оҳ, юрагим қанчалар енгил тортарди-я! Фақат ундан пинҳон тутилган сиримнинг йўқлигига ишонч ҳосил қилиши, менинг эса виждоним пок бўлиши керак. Ана ўшанда дилимда туғиб юрган гапларимни эшитиб, билганини қилсин, ихтиёр ўзида.

У бир ҳомуза тортиди-да, кейин бошини яна худди аввалгидек кўксимга қўйиб олди. Мана шу аҳвол келажакда қандай аянчли оқибатларга олиб келиши хаёлимдан нари кетмас, лекин ҳамон ўзимга ишончим йўқлигидан, ниманики ихтиёр этса, ўшани қилавериши мумкинлигини айтдим. У менга миннатдорлик билдиргач биз аста-секин мавзунни ўзгартириб, суҳбатни давом эттирдик.

Тушлик таоми вақтида у яна биз билан бирга бўлди. Чехраси анча очиқ, сэр Персивалга нисбатан муносабати ҳам илгаригига қараганда юмшаброқ қолганди. Кечкурун пионино чалишга тутиниб, қатор мунгли товушлардан иборат ўзича янги мусиқа ижро этди. Ҳартрайт жўнаб кетганидан бери Моцартнинг ўша бечорани мафтун этадиган илк дилрабо куйларини чалмай қўйганди. Ноталар рисоласи ҳам попитрда кўринмасди. Уни биронтамиз топиб олиб, ўша тўпламдан бирон куй чалиб беришини илтимос қила олмагудек қилиб беркитиб қўйганди.

Лаура Персивалга хайрли тун тилаб, хонадан чиқиш олдида у билан бир-икки оғиз гаплашганигача эргалабки нияти нима бўлганидан беҳабар эдим. Мана энди унинг сўзларидан ўша фикрлари

қатъи эканлиги аён бўлди — келаси куни нонуштадан кейин сэр Персивал билан гаплашиб олмоқчилигини, у билан мени ўз қабулхонасида кутишини хотиржамгина маълум қилди. Унинг шу сўзларини эшитиб сэр Персивалнинг ранги қув ўчиб кетди. Ҳайрлашиш навбати энди менга келиб, у билан қўл олишганимизда Лауранинг титраётгани сезилиб турарди. Навбатдаги ўша учрашувда унинг тақдири ҳал бўлар, суҳбат натижаси нима билан яқунланишини сезаётгани ҳам яққол кўришиб турарди.

Биз — опа-сингиллар оромгоҳимиз ёнма-ён бўлиб, Лаура ҳали ухлаб қолмасидан, одатдагидек, унинг олдига кирдим. Уни ўпиб қўйиш ниятида эгиларканман ёстиги остидан чиқиб турган альбомга кўзим тушиб қолди. Болалик чоғларида ҳам суюкли кўғирчоқларини худди шу ерга беркитиш одати бор эди. Унга бирон нарса дейишга журъат қилолмай, Ҳарттрайт альбомига ишора қилиб бош чайқаб қўяқолдим. У юзимни иккала кафти орасига олганича лабларимни лабларига босди.

— Шу оқшом ҳам қолақолсин, — шивирлади у. — эртадан мусибатлар бошланиб қолар, балки ундан бутунлай воз кечимизга тўғри келар.

9-нчи. Эрталабданоқ содир бўлган янгилик таъбимни чоғ қилгудек эмасди — бечора Валтер Ҳарттрайтдан хат келган, бу Анна Катерик мактуби туфайли туғилган шубҳалардан сэр Персивал ўзини қандай оқлаганлиги батафсил ёзилган мактубимга жавоб эди. Унда сэр Персивал кўрсатган важ-корсонлар ҳақида афсус ва надомат тўла қисқача маълумот берилган, айтилиши вақтда ўзининг зўравонлар таъқиб остида қолгани туфайли ўз мулоҳазаларини эътиборимга очиқроқ ҳавола этишга ожизлиги айтилган. Аянчли ҳол, айниқса ўзи ҳақидаги қутилмаган писандаси мени яна ҳам ташвишлантириб қўйди. Унинг айтишича, ўз машгулот ва одатдаги турмуш тарзига қайтиш учун қанчалик уринмасин, кун сайин енгил тортиш уёқда турсин, оғирлашаётган эмиш. Шунинг учун ҳам қўлимдан келса, унинг Англиядан кетиб, бегона юрт ва бегона кишилар орасида яшашини тақозо қиладиган биронта ишга жалб этилишида иложи борича кўмаклашимни илтижо қилибди. Хатининг сўнги сатрлари мени яна ҳам талвасага солиб, илтижосини тезроқ амалга оширишга ҳам тайёр бўлиб қолдим.

Анна Катерикни учратмагани, у ҳақда бирон хабар эшитмаганини маълум қилатуриб, бирдан бошқа мавзуга ўтганича Лон-

донга қайтганидан бери у нотаниш кишилар таъқиби остида қолганини, уни узлуксиз кузатишаётганини мавҳум писандалар билан пойма-пой жумлаларда ифодалабди. Ўша ғайритабиий шубҳаларини маълум шахслар доирасида исботлаёлмаслигини тан олса ҳам, айна вақтда кечаю кундуз унга кўз қулоқ бўлиб туришгани аниқлиги, шубҳалари бежиз эмаслигини қайд қилибди. Бу мени анча ташвишлантириб қўйди. Лаурани ўйлайвериб васвас бўлиб қолмаганмикин, деган хаёлга бора бошладим. Онамнинг Лондондаги баъзи бир нуфузли қадрдон дўстларига зудлик билан хат ёзиб, унинг илтимосини амалга оширишим керак. Иш ва муҳитнинг ўзгариши, ҳақиқатан ҳам, уни ўз бошига тушган савдосидан халос қилиб юборса ажаб эмас.

Сэр Персивал биз билан нонушта қила олмаслигини айттириб узр сўрабди. Буни эшитиб анча енгил тортдим. Наҳорга ўз хонасидаёқ қаҳва ичиб олган экан, ўшандан бери хат ёзиш билан банд эмиш. Соат ўн бирда, агар маъкул бўлса, албатта мисс Фэрли билан мисс Ҳалкомб ҳузурида ҳозир бўлишга мушарраф бўлармиш.

Дастёр ўз валинеъмати топширигини маълум қилаётганида Лаура юзидан кўз узмай турдим. Эрталаб унинг олдига кирганимда у ўзини бутунлай босиб олган, ажабтовур осойишта эди. Нонушта вақтида ҳам худди ўшандай хотиржам ўтирди. Ҳатто унинг хонасидаги диванда сэр Персивални кутиб ўтирганимизда ҳам унинг осойишталиги ўзгармади.

— Мендан хавотирланманг, Мариан, — деб қўя қолди у юрагини ёзиб, — Гилмор жанобларидек қадрдон дўстимизга ёки сиздек меҳрибон опажонимгагина эркатойлик қилишим мумкин, лекин сэр Персивал Глайд олдида пинагимни бузмайман.

Ундан кўз узмай сўзларига қулоқ соларканман, зимдан таажжубланардим. Шунча йиллар бир-биримиз билан сирдош бўлатуриб, унинг шунчалик матонатлилиги муҳаббат эҳтироси туфайли юзага чиқиб, жудолик изтиробни ларзага солмагунича мутлақо пайқамаган эканман, ҳатто унинг ўзи ҳали буни сезмаган бўлса керак.

Камин устидаги антиқа соат ўн бир бўлиб бонг урилиши билан эшикни дукиллашиб сэр Персивал кириб келди. У нечоғлик ўзини босишга ҳаракат қилмасин, ҳаяжонланаётгани юзидан шундоққина кўриниб турарди. Ўқтин-ўқтин безовта қиладиган қуруқ йўтали энди аввалгидан ҳам кучайиб тинкасини қуритаётгандек эди. Меҳмон олдимиздаги столнинг нариги томонига ўтирди. Лаура эса менинг ёнимда қолди. Уларнинг иккаласига разм солдим. Персивалнинг юзи пағароқ кўринарди.

У уч-тўрт оғиз ҳавойи сўз билан гап бошларкан, одатдаги сиполигидан тушмасликка уринаётгани яққол кўриниб турарди. Овозидаги осойишталик ҳам барҳам топган, жовдираб турган кўзларини яширишга жой тополмасди. Буни ўзи ҳам сезган бўлса керак, бошлаган жумласини охирига етказмаёқ тамомлаб қўя қолди. Ҳатто, ҳаяжонланаётганини энди яширишга ҳам ҳожат қолмаганди.

Лаура унга мурожаат қилгунигача орага бир лаҳза сукут чўкди.

— Иккаламиз учун ҳам жуда муҳим бир масалада, сэр Персивал, гаплашиб олсак, деган эдим. — гап бошлади у. — Опам ҳам шу ердалар. Бу эса менга анча далда бўлиб, ҳатто мадад ҳам бериб туради. Сизга айтиладиган гапларимга уларнинг мутлақо дахли йўқ, ўз фикр ва мулоҳазаларимни ҳатто улар билан маслаҳатлашмаёқ сизга ошкора қилмоқчиман. Гапларимни кўнглингизга оғир олмай ўйлаб кўрарсиз, деган умиддаман. Мен ҳам шунга қараб иш тутарман.

Сэр Персивал таъзим қилди. Лаура эса мана шу дақиқаларда бениҳоя осойишталик билан одоб сақлаб турарди. У сэр Персивалга, сэр Персивал унга разм солди. Эҳтимол менга шундай туюлгандиру, лекин, назаримда, улар бир-бирларини яхшироқ тушунишга уринишаётгандек эди.

— Мариандан эшитишимча, — давом этди Лаура. — ўртамиздаги никоҳ фотиҳасидан фориғ бўлишим учун ўша эркинликни сиздан тилаб қўя қолишим кифоя эмиш. Менга мана шу хабарни етказиш билан, сэр Персивал, сабр-бардошингизни намойиш этиб, олижаноблик ҳам қилибсиз. Мана шу адолатли ҳимматингиз ҳурмати, ўша таклифингиз учун чексиз миннатдорлик билдириб, худди ўшандай адолат юзасидан таклифингизни рад этиш ниятидаман.

Сэр Персивалнинг ташвишли чехраси бироз очилгандек бўлди, лекин шу пайт стол остидан кўриниб турган оёғи бир меъёрда ликиллаб турганига кўзим тушиб қолди. Унинг аввалгидек зимдан ташвишланиб турганини сездим.

— Ҳали ёдимдан кўтарилгани йўқ, — деди Лаура. — менга уйланиш ниятингизни ўз оғзингиздан эшитишга муяссар бўлишимдан аввал отамнинг розилигини олган эдингиз. Никоҳимизга розилик берганимда яна нималар деганим сизнинг ҳам ёдингиздан кўтарилмаган бўлса керак-а? Розилигим асосан отамнинг ҳурматлари ва маслаҳатлари сабабли бўлганини сизга айтиб ўтишга журъат этган эдим. Ўшанда отамнинг маслаҳати билан иш тутган эдим-да. Ахир уларни мен доимо жамики маслаҳатгўйлар ичида ҳаққоний-

си ва жамики хайрихоҳ дўстлар орасида энг аълосию жонкуяри, деб ҳисоблардим. Энди ундан жудо бўлганман. Қалбимда эзгу хоти-расигина қолган, лекин ўша меҳрибон марҳум дўстимга бўлган эътиқодим ҳеч қачон ўзгармайди. Шу дақиқада ҳам, худди ўша вақтлардагидек, бир нарсага ишончим комил — у менинг бахтим-ни ўйлар, ўз орзуларини менинг орзуим, деб биларди.

Унинг овозида ҳаяжон тўлқинлари сезила бошлади. Бесарам-жон панжалари ҳам кучогимда гимирлаб, қўлимни маҳкам ушлаб олди. Орага яна бир лаҳзалик сукут чўкди. Кейин сэр Персивал гап бошлаб,

— Сиздан бир нарсани сўрашга ҳаддим сигармикин, — деб қолди. — мен учун ҳам муқаддас ва улкан бахт ҳисобланган ўша орзу-умидларни поймол қилгудек ножўя иш билан ишончингиздан маҳрум бўлмадикмикин?

— Сиздан гина қилишга ўрин йўқ, — жавоб берди Лаура. — Мендан ҳеч қачон хушмуомалангизни аямагансиз, ўшандан бери сабр қилиб келасиз. Сиздан кўнглим тўқ, яна бир муҳим томони шуки, сиз отамнинг ишончини қозонгансиз, бу эса менинг ҳам ишончимга ишонч кўшади. Ваъдамдан қайтгудек бўлганимда ҳам, сизга рўкач қилгудек биронта баҳонага йўл қўймадингиз. Буларнинг ҳаммасини тўкиб солишимдан бирдан-бир мақсад — ўз масъулиятимни тан олишимни эътиборингизга ҳавола қилиб қўйиш. Ўша масъулият ҳурмат, отамнинг хотираси ҳурмати ва ниҳоят ўз ваъдам ҳурмати, шуларнинг ҳаммаси ўртамаздаги айни муносабатга мен томонимдан раҳна солиниб, эл оғзига тушишимизга мутлақо йўл қўймайди. Никоҳимиз тақдири сизнинг ихтиёрингизда, сизнинг қўлингизда, сэр Персивал, менинг ихтиёримда эмас. Персивалнинг оёқ ўйнатиб туриши бирдан тўхтади ва ҳайрон бўлганича стол устида энкайиб қолди.

— Менинг қўлимда? — ажабланди у. — Никоҳни бузиш учун менда нима ҳам сабаб бўлиши мумкин?

Лаура ҳаяжонланганидан энтикар, қўли ҳам яхлай бошлаганди. Иккаламизнинг юзма-юз суҳбатимиз чоғида кўнглимни тўқлаб у менга нималар демаган бўлмасин, ундан ҳадиксирай бошладим. Янглишган эканман.

— Ўша сабабни сизга изҳор қилиб қўйишнинг ўзи ҳам анча мушкул-да. — жавоб берди Лаура. Кўнглимда қандайдир ўзгариш содир бўлган, сэр Персивал, ўша ўзгариш анча жиддийлиги туфайли ўртамаздаги никоҳнинг бекор қилинишида сизга ҳам, менга ҳам асос бўлаолади.

Унинг ранги яна оқариб, ҳатто лаблари ҳам кўкариб кетди. Стол устидан кўлини тортди, ўтирган ерида сал ён томонига ўгирилди-да, чаккаси билан кафтига суянди. Энди биз уни фақат ён томонидан кўриб турардик.

— Қандай ўзгариш экан ўша? — савол ташлади у. Овозидаги аянчли ташвиш мени ҳам ўйлантириб қўйганди.

Мисс Фэрли чуқур ҳомуза тортди. Мен томон бироз эгилиб елкамга елкасини тиради. Унинг титраётганини сезиб, ўзимоқ жавоб бериб қўймоқчи бўлдим. У кўлимни сиқиб шаштимдан қайтарди. Сэр Персивалга яна мурожаат қиларкан энди унинг юзига тик қарамасди.

— Эшитишимча, шу гаплар чин бўлса ҳам керак, — сўз бошлади. — Севги замирида ётган энг мусаффо ва энг муқаддас нарса — аёл кишининг ўз эрига бўлган садоқати. Никоҳимиз бошланишида ўша садоқатим ўз ихтиёримда бўлиб, кўнглим шунга мойил бўлса, уни сизга ҳадя қилишим мумкин эди. Сиз эса кўнглимни топиб, ўша садоқатга сазовор бўлишингиз керак эди. Мана шу туйғулар энди барҳам топганини изҳор қилгудек бўлсам, шафқат юзасидан мени кечира олармикинсиз?

У жавоб кутиб сукут сақларкан, кўзларига тўлган ёшлар юзларидан қатра-қатра оқиб туша бошлади. Сэр Персивалдан эса садо чикмади. У чаккасига тираб турган кўлини аввалроқ юзи томон суриб олган, стол ортида жуссасининг юқори қисмигина кўриниб турарди. Бирор туки миқ этмас, юзи аралаш пешонасини тираб турган кўли бармоқлари ҳам сочлари орасига кириб кетганди. Унинг энг нозик ҳис-туйғулари — пинҳон тутаётган ғазаби ёки афсусланаётганини, қайси бирилигидан қатъи назар, бармоқларидан ҳам билиб олиш мумкин эдию, лекин айна вақтда бунинг иложи йўқ эди. Шу дақиқада, ҳар иккаласининг тақдири қил устида турган дақиқада унинг нима хаёлдалигини билиб олгудек ҳеч бир аломат кўринмасди. Мен уни, Лаура учун, тилга киритмоқчи бўлдим.

— Сэр Персивал! — қатъилик билан орага тушдим. — Синглим шунча гапирганида, наҳотки бир оғиз ширин сўзингиз бўлмаса! Ахир, менимча, сизнинг мавқеингиздаги бошқа бирон зот талаб қилгудагидан ҳам ортиқроқ гапириб юбордику! — асов феълим жунбушга келиб писанда қилдим.

Тасодифан оғзимдан чиқиб кетган кейинги жумла унга қўл келиб, менга чап бериш пайида шу заҳотиёқ гапни илиб кетди.

— Афу этгайсиз, мисс Ҳалкомб, — деди у кўлини ҳамон юзидан олмай. — Мен бунақа ҳуқуқ талаб қилмагандим шекилли, узр.

Бир-иккита савол билан унинг хаспўшланиб турган асл муд-
даосини билиб қўя қоламан, деб энди огиз жуфтлаган эдим, Ла-
ура яна гап бошлаб шаштимдан қайтарди.

— Нечоглик оғир бўлишига қарамай, сизга дилимни очишим ҳам
бежиз эмас, — давом этди у. — Бу билан сизга айтиладиган сўзларим-
га ишонч ҳосил қилиб, унга иқдор бўлишингиздан умидворман-а?

— Сўзларингизга ишонаман, гапираверинг — деди у мулой-
имлик билан. Шу вақт қўлини юзидан олиб, яна биз томон ўги-
рилди. Энди унинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетганди. Юзида
чексиз интиқлик, муштоқлик — Лаураининг кейинги сўзларига
мунтазирдек эди.

— Шуни ҳам билиб қўйганингиз маъқулки, мен шахсий ман-
фаатларимни кўзлаб гапираётганим йўқ. — деди Лаура — Мабодо
ҳозир гапларимни эшитиб, сэр Персивал, эркимни ўзимга ҳаво-
ла қилишга жазм қилгудек бўлсангиз, бу билан мени бошқа би-
рон кишига турмушга чиқишимга эмас, балки умрбод танҳо ўти-
шимга имкон берган бўласиз. Сизни олдингиздаги бирдан бир
гуноҳим аввалидан охиригача фақат хаёлан содир бўлган. Бундан
нари ўтиш мумкин ҳам эмас. Орамизда бирон гап ҳам бўлмаган.

Навбатдаги ибора дилидан ўтаркан нафсоний шарм-хаё ҳис-
сиёти юзига уриб, ийманиб кетди. Ўша холини кўриш оғир эди.
Унга раҳмим келди, ачиндим.

— Сизнинг олдингизда эндигина тилга олинаётган ўша шах
билан ўзаро ҳиссиётимиз ҳақида гап бўлмаган. Энди, умуман бу
дунёда на унинг ва на менинг яна қайта дийдор кўришишга уми-
димиз ҳақида сўз қотишнинг ҳам ҳожати йўқ. — У ўзининг қатъи
қарорини мутеълик билан очиқ айтди. — Мана шу чин сўзларим-
га ишонч ҳосил қилиб, бу ҳақда мени яна қайта огиз очиш изти-
робидан асрашингизни ўтинаман. Сэр Персивал, мени умидвор
қилиб қўйган ёрим билиб қўйиши лозим бўлган чин ҳақиқат —
ўз туйғуларимнинг поймол этилиш ҳақиқати мана шу. У киши
марҳаматларини аямай мени кечириши ва бу сирни пинҳон ту-
тиш билан ўз обрўйига хилоф иш тутмаслигига ишонаман.

— Ўша иккала умидингиз мен учун муқаддас, — деди у. —
иккаласи ҳам кўз қорачиғимдай асралади.

Шу жавобидан кейиноқ сукутга чўмиб, яна нималар дер экан,
деган назарда Лаурага қаради.

— Дилимдаги гапларнинг ҳаммасини гапириб бўлдим, — деб
қўя қолди Лаура хотиржамлик билан. — Никоҳдан қутулишин-
гизга асос бўлгулигидан ҳам ортиқроқ гапириб юбордим.

— Кўпроқ гапириб, ўша фотиҳани янада мустаҳкамлаш тилагини ҳаётимнинг мазмунига айлантириб қўйдингиз. — Шу сўзларни айтаркан у ўрнидан туриб, Лаура томон бир неча қадам ташлади.

Синглим таҳликага тушиб, ўзини шартта орқага олди. Ҳатто нима қиларини билмай хиёл қичқириб ҳам юборди. Ҳозиргина ўз огзидан чиққан сўзлариёқ унинг мунис ва мусаффолигини ошкор қилиб қўйган, соф ва садоқатли аёлнинг қадрига етадиган ҳар қандай киши бунини фаҳламай иложи йўқ эди. Ўта мунис одоби ўзига зимдан рақиблик қилиб қўйган, ваҳоланки, бутун умиди ўшанда эди. Ўзим ҳам аввало мана шундан ҳадиксирардим. Агар менга заррача имконият берганида эди, бунинг олдини олган бўлардим. Энди бўлари бўлганидан кейин ҳам, зора сэр Персивал тилидан илинсаю уни чалгитиб юбориш имконияти тугилиб қолса, деган умидда кўз-қулоқ бўлиб турдим.

— Сиздан воз кечишимни, мисс Фэрли, ўзингиз ўртага қўйиб турибсиз. — сўзида жавоб этди сэр Персивал. — Наҳотки мен шунчалар тошбағир бўлсам, айти вақтда ўз тенгдошлари орасида энг маъсумаси эканлигини ошкора қилиб турган қиздан воз кечсам.

У ҳиссиётга берилиб шунчалар атайин, шунчалар фидойилик ва шунчалар назокат билан гапирдики, Лауранинг юзига қон югуриб сал жонлангандай бошини кўтариб унга назар ташлади.

— Йўқ! — деди у қатъи. — Меҳри тушмаган кишига турмушга чиққан қиз ўз дугоналари орасида энг бебахтлиси бўлади.

— Ёрининг ягона мақсади ўз маҳбубасининг меҳрини қозониш бўлса, кейинча ҳам меҳр қўя олмасмикин? — савол ташлади у.

— Ҳеч қачон! — жавоб берди Лаура. — Мабодо сиз никоҳимизнинг муқаррарлигини эътироф этгудек бўлсангиз, мен сизнинг содиқ ва вафодор ёрингиз бўларману, сэр Персивал, ўз кўнглим ўзимга маълум, лекин ҳеч қачон меҳрибон ёрингиз бўла олмасман!

У ўша қалтис сўзларни айтаётганида шунчалар очилиб кетдики, инсон боласи ундан умид узишга ожизлик қиларди. Сэр Персивалнинг ноҳақлигига иқрор бўлишига нечоғлик уринмайин, очигини айтганда, аёллигимга бориб, беихтиёр, унга раҳмим келарди.

— Менга бағишлаган садоқату вафоингизни жоним билан қабул қиламан. Сизнинг мана шу арзимас ҳадянгизнинг ўзи дунёдаги бошқа бирон бир аёл зотидан умид тутиладиган улкан тўхфалардан ҳам аълодир.

Лаура чап қўли билан ҳамон қўлимни сиқиб турар, ўнг қўли эса беҳол шалвираб қолганди. Сэр Персивал унинг ўша қўлини оҳиста ушлаб, ўпганнамо лабига оҳиста босди. Менга таъзим қилди. Кейин мулозимат икир-чикирларини ўрнига қўйганича хонадан чиқиб кетди.

Сэр Персивал чиқиб кетгач Лаура анча вақтгача ўзига келолмади — ёнимда ўтираркан, ердан кўзини узмас, карахт бўлиб қолганди. Унга гапириш бефойда, буни хаёлга келтиришнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Шунинг учун ҳам унимни чиқармай белидан қучиб, уни бағримга босдим. Тоқатим тоқ бўлганди. Ниҳоят уни ўзига келтириб, далда бериш ниятида унга оҳистагина гапирдим.

Овозим тўлқинлари уни ҳушига келтиргандай бўлди. Кейин бирдан ўзини четга олиб, ўрнидан туриб кетди.

— Иложим борича, Мариан, тақдиримга тан беришим керак. — деди. — Янги ҳаётим менга огир вазифалар юклайди, ана ўшалардан бири бугуноқ бошланди.

Шундай деди-ю, дераза олдидаги столча ёнига бориб, унинг устидаги мусаввирлик асбобларини оҳиста йиғиштириб, ҳаммасини жавончаси тортмасига жойлагач, уни қулфлади-да, калитини менга олиб келиб берди.

— Уни эслатадиганки нарсаларнинг ҳаммасидан воз кечшим керак. — деди. — Калитнинг ихтиёри ўзингизда, энди менга ҳожати йўқ.

Унинг сўзларига жавобан бирон нарса дейишга улгурмасимданоқ терс бурилиб, китоб жовони ёнига борди-да ундан Валтер Ҳартрайт расмлари альбомини олди. Уни меҳр билан кафтлари орасига олганича бир лаҳза иймангандек бўлди-ю, кейин уни оҳиста лабларига обориб ўпди.

— Оҳ, Лаура! Лаура! — дедим на жаҳл қилиш ва на кесатиш уёқда турсин, ўзимнинг ҳам дилим огриб, бутун вужудимни гам босиб.

— Сўнгги маротаба, Мариан, — илтижо қилди Лаура. — У билан бир умрга видолашмоқдаман.

У альбомни стол устига қўйди-да, сочларини тутамлаб турган тароқни олди. Гажак сочлари ёйилиб, елкаларию орқаларини белигача ўраб бениҳоя чирой бахш этди. У узун сочларидан ингичкароқ бир тутамини қирқиб олди, уни чамбарак қилиб ўраб, альбомнинг биринчи бўш бетига оҳистагина жойлади. Соч чамбараги кўнглидагидек жойлангач, альбомни ёпиб, уни менинг қўлимга тутқазди.

— Сиз унга хат ёзиб турасиз, у ҳам сизга ёзади. — деди. — Токи ҳаёт эканман, менинг ҳол-аҳволимни суриштиргудек бўлса, ҳар вақт яхши, деб жавоб қилинг, ҳеч қачон бебахт деманг. Унинг кўнглига озор етмасин. Мариан, мени эъзозлашингиз ҳаққи, унинг кўнглига озор етмасин. Мабодо аввалроқ кўз юмгудек бўлсам, у чизган расмлардан иборат мана шу альбомни ичидаги сочим билан унга бериб қўйишга ваъда беринг. Оламдан ўтиб кетганимдан кейин эса сочимни альбом ичига ўз қўлим билан солиб қўйганимни унга етказсангиз ҳеч кимга зарари тегмайди. Яна шуни ҳам айтиб қўйсангиз, оҳ, Мариан, ўзимга ҳеч қачон айтиш насиб бўлмайдиган шу сўзларимни ҳам менинг номимдан айтиб қўйсангиз: мен уни севардим!

У бўйнимга осилганича ўша дил сўзларини надомат билан қулогимга шивирлаб нола қиларкан, юрагим эзилиб кетди. Шунча вақтдан бери ичига солиб юрган аламлари ўша аввалгию охириги арзихолида ташқарига уриб кетганди. У қучоғимдан силтаниб чиқиб, ҳўнграб кўз ёши тўкканича ўзини диванга отди, бутун вужуди титрар эди.

Тасалли ва насиҳатларим бефойда эди, қулогига ҳеч нарса кирмасди. Хотирамизда қолган ўша кун тўсатдан иккаламизни ҳам гамга ботириб кетди. У ҳовуридан тушганида гапиришга ҳам холи йўқ эди. Пешинга яқин ухлаб қолди, мен эсам уйғонганида кўзи тушиб қолмасин, деб альбомни яшириб қўйдим. Лаура кўзини очиб менга қараганида дилимда нималар кечаётган бўлса ҳам, ташқи кўринишим осойишта эди. Эрталабки нохуш суҳбат тўғрисида кўп гаплашмадик. Сэр Персивалнинг номи тилга олинмади. Куннинг кейинги соатларида Валтер Ҳартрайтни ҳам бошқа эсламадик.

10-нчи. Бугун эрталаб унинг овуниб қолганини кўриб, ундан сэр Персивал ва Фэрли жаноблари билан аянчли никоҳ масаласида очиқ, узил-кесил гаплашиб қўйишга розилик олиш умидида кечаги нохуш масаладан гап очдим. Фикримни ҳали айтиб улгурганим ҳам йўқ эли, гапимни у мулоимлик билан бўлиб қўя қолди.

— Кеча аниқ бир қарорга келиш ниятида хонамга кириб кетган эдим. — гап бошлади у. — Бу масалани кечанинг ўзидаёқ ҳал қилиб қўйганман. Чекинишга кеч бўлди.

Пешинларда сэр Персивал менга мурожаат қилиб, Лаура хонасида содир бўлган воқеълик ҳақида гап очди. Лаура томони-

дан ўта самимият билан айтилган ҳақиқат унга маъқул бўлгани — унинг мутлақо бегуноҳ ва маъсума эканлигига иқрорлиги, шунинг учун ўша суҳбат чоғида ҳам, у ердан чиқиб кетганидан кейин ҳам андак рашк васвасасига йўл қўйиб гуноҳкор бўлмаганини уқтирди. Ўз нафсониятига путур етказган ўша хушторликдан кўнгли нечоғлик хижил бўлмасин, вазият ўзгариши билан бу ҳиссиётнинг ўтиб кетишига умид боғлаб, дилафгорлик илгари хаёлига келмаганидек, келажакда бутунлай унутиб юборишини маълум қилди. Фикрининг қатъилиги исботи тариқасида кўрсата оладиган аниқ далилининг ишончилиги шу эдики, у ҳатто ўша хушторлик қачон бошлангани ва уни мана шу кўйга солган киши кимлигини ҳам суриштирмади. Мисс Фэрлидан кўнгли тўқ, арзимас шубҳалари унинг эътиборига ҳавола қилинган гапларданоқ елдек учиб, яна нималар дер экан, тарзида мўлтайиб турмаганди.

Юқорида изҳор қилинган фикрини айтгач сукут билан менга қараб турди. Ундан ноҳақ гина қилганимни яъни айни масаладаги саволларига шартта жавоб бериб кўя қолишимни ўйлаб суриштиришни эп кўрмаганмикин, деган шубҳаларим ўринсизлигини ҳис қила бошлаганимдан анча андишага бориб, бу мавзуда оғиз очмасликка ҳаракат қилдим. Айни вақтда Лаура илинжини аниқлаб олишни қасд қилиб қўйганимдан фурсатни бой бериб қўймаслик учун, унинг олийҳимматлилиги шаштини қайтариб, никоҳдан воз кечишга йўл қўймаганидан афсусланганимни шартта айтиб кўяқолдим.

Бу гал ҳам у ўзини ҳимоя қилишга уринмаёқ қўл-оёғимни боғлаб қўйди. Никоҳни бекор қилиш ихтиёрини мисс Фэрлига ҳавола қилиш билан ўз тақдирига тан беришини, ундан воз кечишга ўзини мажбур этиши эса ўз орзу-умидларига суиқасд қилишдан бошқа нарса эмаслигини, буларнинг бир-биридан фарқини унутмаслигимни илтижо қилди. Мисс Фэрлининг аввалги кунги хатти-ҳаракатлари унинг икки йиллик чин муҳаббат шайдолигига олов ташлаб уни сармаст қилиб қўйганидан энди мана шу ҳиссиётларига зид қадам ташлашга ожиз эмиш. Унинг шунчалар иродасиз ва худбинлигини, ўз таъбири билан айтганда, санамдек бир қизга нисбатан шафқатсизлик қилаётганини юзига айтгудек бўлсам, бу фикримни тан олмай иложи йўқ эдию, ўзи ҳам менга буёғини рўқач қиларди-да — ҳеч қачон изҳор қилинмайдиган мафтунлик ўтида танҳо ёниб ўтиш истиқболи унинг изларига сажда қилишга тайёр бир шайдосига севикли ёр бўлиш истиқболидан

афзалроқ деб ким айта олади? Дастлабки ҳолда, унинг ўзи эътироф этишича, бахтиёрлик кунларига умуман умид йўқ, иккинчи ҳолда эса вақти келиб ширин дамлар ҳам бўлиши мумкин.

Унинг сўзига яраша жавоб қилдим, аниқроғи, бирон қатъи фикримни ҳимоя қилганим йўқ, аёллигимга бориб, тилимни чархладим ҳам. Фақат шу нарса аниқ эдики, у бир кун илгари Лаура таклиф қилган шартни қабул қилгудек бўлса, омад унга ёр бўлган бўларди. Натижа ҳам шундай бўлди — у таклифни қабул қилди. Ўша вақтда шундай бўлишини олдиндан сезган эдим, энди ўз хонамда ушбу сатрларни ёзаётганимда ҳам худди ўша вақтдагидек сезиб турибман. Ягона умид энди шундаки, унинг сўзларига қараганда, шундай қарорга келишнинг омили — унинг Лаурага бўлган чексиз меҳри.

Кундалик хотираларимнинг бугунги қисмини яқунламай туриб, шуни ҳам қайд этиб ўтишим лозим: бечора, Ҳартрайтга кўмаклашиш учун онамнинг Лондондаги иккита қадрдон дўстига (иккаласи ҳам мансабдор, нуффузли кишилар) хат ёздим. Иложи борича унга ёрдам қўлини чўзишларини илтимос қилдим. Кўнглим тўқ, улар, албатта, ёрдам қиладилар. Шу кунларда, агар Лаура ҳисобга олинмаса, Валтерга ҳеч ким менчалик жон қуйдираётгани йўқ. У кетганидан кейин содир бўлган воқеалар унга нисбатан ишонч ва ҳурматимни яна ҳам орттирди. Унинг хорижий ўлкаларда ишлашига кўмаклашиб тўғри қилаётган бўлсам керак. Чин кўнгил ва бутун вужудимдан чиққан тилагим шуки, охири бахайр бўлсин!

11-нчи. Сэр Персивал Фэрли жаноблари билан суҳбатлашаётган экан, мени ҳам чақиртиришибди.

Фэрли жаноблари оила ташвишининг (унинг назарида жиянининг никоҳи шундай туюларди) ниҳоят барҳам топаётганидан анча енгил тортаётгандек эди. Мени бу масаладаги фикримни билиш учун чақиртирмагани сезилиб турарди. Лекин у кишининг гашига тегадиган даражада мингирлаб никоҳ фурсатини сэр Персивал таклиф қилган кунга тайинлаш ниятини маълум қилганида чидаб туrolмай Лаура таклифига зид бўлган бундай шошқалоқликка қарши эътироз билдириб Фэрли жанобларининг жигига тегдим. Сэр Персивал шу заҳотиёқ орага тушиб эътирозимда жон борлигини, Лаура таклифи Фэрли жанобларига мутлақо дахлсизлигини инонтиришга уриниб тавалло қилди. Фэрли жаноблари эса кресло суянчигига ястаниб, кўзларини

юмди-да, иккаламиз ҳам инсоний фазилатимизни намоиш қилганимизни қайд этгач на сэр Персивалнинг ва на менинг эътирозимни писанд қилмай, хотиржамлик билан яна ўша таклифини такрорлади. Бу масаладан Лауранинг ўзи хабардор бўлмагунча бирон нарса деёлмаслигимни очиқ айтишим билан суҳбат ниҳоясига етди. Ўз эътирозимни билдирибоқ эшик томон қадам ташладим. Сэр Персивал анча мулзам ва хомуш кўринар, Фэрли жаноблари эса беҳол оёқларини бахмал супачага узатганича «Азиз Мариан! Сизнинг соғлом асабларингизга ҳавасим келади! Эшикни тарақлатиб юборманг!» деганича қолди.

Лауранинг олдига чиқиб, у мени йўқлагани, миссис Вэзидан Фэрли жаноблари олдида эканлигимдан хабардор бўлганини билдим. Лаура мени нима учун чақиришганини билишга муштоқ эди. Мен ҳам дилимдаги алам ва армонларимни яширмай ҳаммасини бирма-бир унга айтиб бердим. Унинг жавобидан юрагим орқага тортиб, анқайиб қолибман. Ундан буни мутлақо кутмагандим.

— Тоғам ҳақлар, — деди у. — сизни ҳам, бошқаларни ҳам анча ташвишга солиб, нотинч қилиб қўйдим. Шуларга барҳам берайин, Мариан! Сэр Персивал билганини қилсин!

Самимият билан унга эътироз билдирдим, лекин сўзларим қулоғига кирмасди.

— Никоҳимга розиман, — деди у яна тилга кириб. — Ўтган ҳаётимдан умидимни уздим. Пайсалга солганим билан қаро кунлар келмай қолмайди. Йўқ, Мариан! Такрор айтаман, тоғам ҳақлар. Анча ташвишга солиб, нотинч қилдим. Энди бунга барҳам берайин.

Илгари у кўнгилчан, мопора бўлса, энди ўжарлик билан аста-секин тақдирга тан берар, ноумид бўлиб қолган, десам ҳам янглишмасдим. Унга шунчалар бино қўйган эдимки, агар ҳаяжонланиб, изтироб чекканида бунчалар алам қилмасди. Айни вақтда рўпарамда бепарвогина безрайиб тураркан илгариги нозик табиат Лаурага мутлақо ўхшамасди.

12-нчи

Нонушта пайтида сэр Персивал Лаура ҳақида баъзи бир нарсаларни суриштирди, мен эсам унинг ўз оғзидан эшитганларимни айтишга мажбур бўлдим.

Суҳбатимиз устида Лауранинг ўзи ҳам тушиб қолиб, ёнимизга ўтирди. У ўзини менинг олдимда қандай тутган бўлса, сэр

Персивал ҳузурда ҳам худди ўшандай — гайритабиий осойишта эди. Нонуштадан кейин сэр Персивал Лаурани деразалардан бири ёнига бошлаб бориб, шахсан унинг ўзига бир-икки огиз гапиришга мушарраф бўлди. Суҳбатлари икки-уч минутдан ортади. Кейин Лаура миссис Вэзи билан биргалашиб чиқиб кетишди. Сэр Персивал эса олдимга келиб, никоҳ маросими муддати Лаураинг ўз ихтиёрига ҳавола этиб, ўзи истаган фурсатга тайинлаб, хотиржам бўлишини уқтирганидан мени хабардор қилди. Бунга жавобан Лаура миннатдорлик билдириб, тўй масаласида фақат мисс Ҳалкомбга мурожаат қилишини маслаҳат берибди.

Ортиқча ёзишга тоқатим йўқ. Бу масала ҳам, ҳар вақтдагидек, бутун уринишларим пучга чиқиб, сэр Персивал фойдасига ҳал этилди. Унинг нияти, шубҳасиз, дастлаб келганида нима бўлса, ҳозир ҳам ўша эди; Лаура эса мана шу мажбурий никоҳ қурбони бўлишга рози ҳаётдан ҳафсаласи пиру, лекин сабр қиларди. Ҳартрайтни эслатиб турадиган машғулотлари ва ёдгорликларидан маҳрум бўлгач унинг назокату дилраболиклари барҳам топганди. Кундузи соат учларда — мана шу сатрларни ёзиб ўтирганимда сэр Персивал қаллигини кутиб олиш тараддудини кўришга ошиқиб, куёвлик бахти қувончига тўлганича Ҳемпширга жўнаб кетди. Агар бирон тасодифий воқеа рўй бериб қолмаса, уларнинг никоҳи сэр Персивал таклифи бўйича — янги йил арафасида ўтиши керак. Мана у ҳақда ёзар эканман, юрагим қанчалик ўрта-наётганини билсангиз эди!

13-нчи. Лаура ташвишида мижжа қоқмай ўтказилган тун. Тонга яқин шу муҳитдан чалғитсам, кўнгли ёзилармикин, деган фикр хаёлимга келиб қолди. Уни Лиммериждан олиб кетиб, қадрдон дўстлар даврасига олиб кирсам, шу кунлардаги қарахтлиги ёзилиб кетармикин? Ўзимча бироз мулоҳаза қилгач, Яркширдаги Арнолларга хат ёзишга қарор қилдим. Улар камтар, очиқ кўнгил ва меҳмондўст кишилар бўлиб, Лаура ҳам уларни болалигиданоқ танирди. Хатимни почта қутисига ташлагач, бу ҳақда уни хабардор қилдим. Қилиб қўйган ишимга эътироз билдириб, оёқ тираб олгудек бўлганида анча енгил тортган бўлардим. Лекин ундай қилмади, «сиз билан қаерга десангиз кетавераман, Мариан. Сиз ҳақ бўлсангиз керак — ўша ерларга бориб кўнглим ёзилар» деб қўйди холос.

14-нчи. Гилмор жанобларига хат ёзиб, ушбу ножўя никоҳнинг содир бўлиши айна ҳақиқатга айланаётгани, шунингдек, Лауранинг саломатлигини ўйлаб уни у ёқ-бу ёққа обориб келиш ниятимдан хабардор қилиб қўйдим. Икир-чикирларини ёзиб ўтиришга юрагим дов бермаганди. Бунинг учун янги йил арафасигача ҳали анча вақт бор эди.

15-нчи. Учта хат олдим. Биринчиси Арноллардан. Лаура ва мен билан учрашиш имкониятидан бошлари кўкка етибди. Иккинчиси — Валтер Ҳартрайтга кўмаклашиш масаласида ўзим мурожаат қилган жентлменлардан бирининг жавоби. Учтинчиси Валтер Ҳартрайтнинг ўзидан. Бечора йигит ўз уйи, ўз ватани ва ўз дўстларини тарк этишига имконият туғдириб берганим учун дил сўзларини изҳор этиб миннатдорлик билдирибди. Қандайдир хусусий экспедиция Марказий Америкадаги вайрона шаҳар қолдиқларини ўрганиш мақсадида, чамаси, Ливерпулдан жўнаб кетиш тараддулида экан. Ўшалар билан бирга кетиш мўлжалланган чизмаканиннинг бу сафар ташвишларига юраги дов бермай, қатордан чиқарилиб, унинг ўрнига Валтер жўнайдиган бўлибди. Унинг меҳнат контракти роппа-роса олти ойга мўлжалланган бўлиб, Ҳондурасга тушишидан эътиборан, мабодо қидирув ишлари кўнгилдагидек чиқиб, ажратилган маблағ кўтаргудек бўлса, яна бир йил қолиши мумкин экан. Мактуб уларнинг ҳаммаси кемага чиқишиб, боцман соҳилга қайтганидан кейингина хайрлашув сатрларини илова қилиб хат ёзиш ваъдаси билан якунланибди. Иккаламиз ҳам бу масалада тўғри иш тутган бўлсак керак, деган умидданман, ниятим фаққат шу. У анча таҳликали ишга қўл урган, буни хаёлга келтиришнинг ўзи юрагимни талвасага соларди. Шундай бўлса ҳам, у аянчли шароитда турганида ундан нима ҳам умидвор бўлиб, жўнамасин, дея олардим?

16-нчи. Каб дарвоза олдида турибди. Лаура билан мен бугун Арнолларникига жўнамоқчимиз.

23-нчи. *Йоркшир, Поулсдин Бог*

Мана шу меҳр-оқибатли кишилар орасида, бошқа бир муҳида ўтган бир ҳафталик ҳаёт, мен умид қилганчалик бўлмаса ҳам, уни анча ўзига келтириб қўйди. Энг камида яна бирор ҳафта шу ерда қолсак, деган қарорга келдим. Лиммерижга қайтишимиз зарур бўлиб қолгунича у ерга қайтишнинг ҳожати ҳам йўқ.

24-нчи. Эрталабки почта орқали нохуш хабар келди. Марказий Америкага отланган экспедиция йигирма биринчида бандардан чиқиб кетибди. Биз адолатли кишидан узоқлашибмиз. Биз содиқ дўстдан ажралибмиз. Валтер Ҳартрайт Лондондан жўнаб кетибди.

25-нчи. Кеча нохуш хабару, бугунгиси таҳликалироқ. Сэр Персивал Глайд Фэрли жанобларига, Фэрли жаноблари эса Лаура билан менга хат ёзиб, зудлик билан Лиммерижга қайтишимизни маълум қилибди. Нимага чақирдийкин? Бизсизоқ никоҳ куни белгилаб қўйилдимикин?

II

Лиммериж хонадони

27-нчи ноябрь

Гумоним тўғри чиқди. Никоҳ муддати йигирма иккинчи декабрга тайинланибди.

Поулсдин Паркка жўнаган кунимиз эртасига, назаримда, Фэрли жанобларига сэр Персивалдан хат келиб, унда қуйидагилар маълум қилинган экан. Унинг Ҳемпширдаги уйини таъмирлаб, жиҳозларини алмаштириб, ҳаммасини бадастир қилиш учун унинг тахминидан анча кўпроқ вақт талаб қилинар эмиш. Умумий ҳаражат ҳам тез кунларда маълум бўлармиш. Мабодо у никоҳ маросимининг қачонга мўлжалланаётганидан хабардор қилинса, баъзи бир жузый масалаларда таъмирчилар билан сўнгги муддат ҳақида аниқ келишиб олишда унга анча қулайлик туғилармиш. Шунга кўра ҳамма ишларини режалаб олармиш, хусусан, шу киш уникага келишни мўлжаллаб қўйган дўстларига узрнома йўллаб, уйи таъмирчилар қўлида бўлганлиги учун албатта, уларни қабул қила олмаслигини маълум қилармиш.

Ўша хатга жавобан Фэрли жаноблари никоҳ маросими муддатини сэр Персивал ўз ихтиёрича ҳал қилаверишини таклиф этибди, мисс Фэрлини кўндириш масъулиятини эса ўз зиммасига олибди. Сэр Персивалнинг навбатдаги почта орқали келган жавобида (унинг дастлабки фикр ва мулоҳазасига кўра) маросимни декабрнинг иккинчи ярми — йигирма иккинчи ёки йигирма тўртинчиларга ёки леди Лаура билан унинг ҳомийи томонидан таклиф этиладиган бошқа муддатни белгилашни ил-

тимос қилибди. Ўша вақтда леди сафарда бўлиб, у билан бево-сита гаплашишнинг иложи бўлмагани учун Фэрли жаноблари унинг розилигисизоқ таклиф қилинган куннинг эртароғини, йигирма иккинчи декабрни маъқул топиб, бизни шу муддатга қақирган экан.

Кечаги ўзаро суҳбатимизда Фэрли жаноблари мени мана шу икир-чикирлардан хабардор қилиб, одатдаги мулойимлиги билан шу бугуноқ Лауранинг розилигини олишимни илтимос қилди. Эътироз билдириш бефойдалигини сезиб, у билан гаплашиб, ўртадаги таклифдан уни хабардор қилишга рози бўлдим. Аммо айни вақтда сэр Персивал кўзлаган вақтга кўндириш масъулиятини зиммамга ололмаслигимни ҳам уқдириб ўтдим. Фэрли жаноблари мени ташқарида учратиб қолгудек бўлса, хушомад юзсидан «қоматингизга борман-да» деганидай, энди мулозимат билан «зийрак-лигингизга қойилман-да» деганди. Ўзи ҳам анча мамнун кўри-нарди. Ахир, яна бир оилавий масъулиятини ўз елкасидан менга ағдариб кўя қолганди.

Бугун эрталаб ўз ваъдамга вафо қилиб Лаура билан гаплаш-дим. Сэр Персивал жўнаб кетганидан бери унинг табиатида ҳукм суриб, ҳаммамизни танг қолдирган хотиржамлик, менимча, ка-рахтлик менинг хабарим туфайли бир зумда чилпарчин бўлиб кетди. Бирдан ранги оқариб, вужудини титроқ босди.

— Шошилишмасин! — нидо қилди у. — Оҳ, Мариан, шоши-лишмасин!

Унинг мана шу қиттай кинояси мен учун кифоя эди. Ўрним-дан туриб кетдим. Унинг номидан бориб, Фэрли жаноблари би-лан олишиб келишга жазм қилганимча эшик томон шаҳдам қадам ташладим. Эшикни ҳали очиб улгурмасимдан Лаура кўйлагимдан ушлаб, мени тўхтатиб қолди.

— Ушламанг мени! — дедим. — Амакингиз юзига солинадиган гапларим тилимни қичитиб турибди. Сэр Персивал билан икка-ласи билганини қилишавермасин-да!

У кўйлагимни ҳамон кўлидан чиқармай аламли ҳомуза тортди.

— Йўқ! — деди у оҳистагина. — Мутлақо кеч бўлди, Мариан, мутлақо кеч!

— Бир дақиқа ҳам кеч эмас! — гапини қайириб ташладим.. — Никоҳ муддати масаласи бизнинг ишимиз, Лаура, бир заифани ҳимоя қила олишимга ишонаверинг.

Шу гап орасида кўйлагимни кўлидан юлқиб олдим, лекин шу пайт у белимдан кучоқлаб мени қимирлатмай қўйди.

— Бу шаштимиз билан бошимизга яна гавго ташвиш орттириб оламиз — деди у. — Амаким билан сизнинг орангизда келишмовчилик юз беради. Сэр Персивалга эса яна шикоят учун янги баҳона топилиб, мингирлаб етиб келади...

— Бўлгани бўлар! — чинқирдим мен тажанглашиб. — Шикоятга ким қулоқ соларкин? Уни хотиржам қилиш учун сиз юрагингизни қон қилишингиз керакми? Ер юзидаги бирорта эркак зоти биз аёлларнинг бундай хокисор бўлишимизга арзимади. Эркак зоти! Улар — осойишталигимиз ва лақмалигимиз душманлари бизларни ота-онамиз бағридан, опа-сингиллар меҳридан жудо қилиб олиб кетадилар. Улар бизларнинг вужудимиз билан руҳимизни ҳам тортиб олиб, кучук ўз катагига занжирлаб қўйилганидек, биз бечоралар ҳаётини ўз ҳаётларига боғлаб оладилар. Мана шулар эвазига уларнинг энг аълоси бизга нима ҳам бераоларкин? Мени қўйиб юборинг, Лаура, мана шуларни ўйлаганимда тутоқиб кетаман!

Кўзларим ёшга тўлди, бу нотавон аёлларнинг аламли кўз ёши, афсус ва надомат тугёни эди. У гамгин бир қиёфада жилмайиб, кўнглимнинг шунчалар бўшлигини эп кўрмай (бошқаларнинг шундай нозиклиги менга хуш келмаслигини яхши биларди-да), рўмолчасини юзимга ёпди.

— Оҳ, Мариан! — деди у. — Кўз ёшингиз нимаси! Ўйлаб кўринг, ўрнингизга мени қўйинг-да, шу кўз ёшларингизни мен тўккудек бўлсам, нималар деган бўлардингиз? Меҳр, садоқат ва жонкуярлигингиз эртами-кечми содир бўладиган ишни даф қилмайди. Амаким билганича иш тутаверсин. Бошимдаги мусибатларни енгиллаштириш учун энди безовта бўлиб, жон куйдирмай қўя қолайлик. Турмушга чиққанимдан кейин ҳам, Мариан, мен билан бирга бўлишга қаъда берсангиз бас, бошқа сўзнинг ҳожати йўқ.

Лекин мен яна анчагина валдирадим. Кўнглим тасалли топмаса ҳам, уни ранжитаётган бемаъни кўз ёшларимни тўхтатдим. Қўлимдан келганича уни иқрор қилишга уриндим, илтижо қилдим. Бефойда эди. Никоҳ маросими ўтгач у билан бирга туришимга икки маротаба ваъдамни олди. Кейин, қутилмаганда, савол бериб (ўкинч ва ташвишларимни унутибман), хаёлимни бошқа ёққа буриб юборди.

— Послдиндалигимизда хат олган эдингиз, Мариан, ... — деб қолди.

Овозидаги кескин ўзгариш, бежо хатти-ҳаракатлари — шарм-

ҳаё босиб, саволини ҳам яримта қилиб мендан кўзини олиб қочганича юзини елкамга қўйиб олиши, уни довдиратиб қўйган андишаси — мана шуларданоқ ўша чала саволи ким ҳақида эканлигини фаҳмлаб олдим.

— У ҳақда ҳеч қачон оғиз очмасак, деб ўйлагандим, Лаура, — дедим. Мулойимлик билан.

— Ундан хат олганмидингиз? — тазйиқ қилди у.

— Ҳа, — дедим. — билишингиз шарт бўлса.

— Унга яна хат ёзмоқчимисиз?

— Нима дейишимни билмай қолдим. Унинг Англиядан жўнаб кетгани, маълум сабабларга кўра шу сафарга отланишида ўзининг ҳам ҳиссам борлиги хусусида гапиришга тилим бормасди. Нима ҳам дея олардим? У бир неча ойлаб хат етиб бормайдиган, йиллаб хат етиб келмайдиган манзилга жўнаб кетганди.

— Фараз қилинг, яна хат ёзарман, — дедим ниҳоят. — у ҳолда нима демоқчисиз, Лаура?

Унинг юзлари оловдек ёнаётганини бўйним сезиб турарди, қўллари эса титраб, белимни қаттиқроқ сиқиб олганди.

— Йигирма иккинчи кун ҳақида унга бирон нарса дея кўрманг. — Шивирлади. — Ваъда беринг, Мариан, энди хат ёзганингизда унга номимни ҳам эслатмаслигингизга қатъи ваъда беринг.

Ваъда бермай иложим йўқ эди. Лекин бунинг мен учун қанчалик мушкул бўлганини сўз билан ифодалаш қийин. Шу дақиқа у қўллари белимдан олиб, дераза томон юрди ва менга терс турганича ташқарига қараб қолди. Андак фурсат ўтар-ўтмас яна тилга кираркан мен томон ўгирилмай юз ифодасини яширди.

— Амакимнинг олдига бормоқчимидингиз? — сўраб қолди у. — У нимани раво кўрса, ўшанга розилигимни айтиб қўя оласизми? Мендан хавотирланманг, Мариан. Бироз ёлғиз қолсам дейман.

Хонадан чиқиб кетдим. Қани энди синчалоғимнинг бир ҳимоси билан Фэрли жаноблари ва сэр Персивал Глайдни дунёнинг нариги четига гумдон қилишнинг иложи бўлса, йўлакка борибоқ ўша бармоғимни ишга солардим-а. Телба феълим ўшанда яна бир карра қўл келди. Бутун аламимни жаҳл оловида куйдириб, у кўз ёшларим билан вужудимдан кўтарилиб, хумордан чиқмагунимча афсус ва надомат билан уввос солиб йиғлаган бўлардим, лекин шундай қилмадим. Кўз ёшим қуриб қолганди. Фэрли жанобларининг олдига отилиб кириб, унга иложим борича кўрслик билан «Йигирма иккинчига Лаура рози» дедиму, унинг бирор оғиз жа-

вобини ҳам утмаёқ ташқарига отилиб чиқдим. Эшикни ҳам шунақа тарақлатиб ёпдимки, Фэрли жанобларининг асаблари шу куннинг охиригача ўйнаб туришига шубҳам йўқ эди.

28-нчи. Бугун эрталаб бечора Ҳартрайтнинг видолашув хатини қайта ўқиб чиқдим. Кечадан бери хаёлимдан бир шубҳа нари кетмай қолганди — унинг узоқ сафарга чиққанини Лаурадан яширишим тўғримикин?

Кўнглим сезиб турибди, ҳақ эканлигимга ҳали ҳам ишончим комил. Мактубдаги унинг Марказий Америка экспедицияси тайёргарлигига боғлиқ учирма гапларига қараганда, раҳбарларнинг ўзлари ҳам сафарларининг анча хатарли эканини эътироф этишармиш. Мана шуни ҳис қилатуриб, ўзим шунчалар ташвишланаятган бўлсам, Лауранинг холи нима кечаркин? Унинг жўнаб кетиши билан, зарур бўлиб қолган вақтларда (унинг кўмагига маҳтал бўлиб, ночор аҳволга тушгудек бўлсак) дўстлар орасида садоқатидан умид тутиладиган бирдан-бир кишидан маҳрум бўлганимизнинг ўзи нечоғлик оғир эди, лекин унинг бу ерларни тарк этиб, дашти-биёбон жазирамасига, тинчлиги бузилган ҳиндулар таҳликасига ўзини уришидан огоҳ бўлиши ундан ҳам оғирроқ эди. Албатта, ноиложликдан айтишга тўғри келгудек бўлмаса, Лаурани бундай аччиқ ҳақиқатдан хабардор қилиш ўта тошбағирлик эмасми?

Энди буёғини ҳам ўйлай бошладим — бегоналар қўлига тушиб қолмаслиги учун хатни ёқиб юборсам, деган хаёлга бориб қолдим. Бунинг асосий сабаби унинг Лаурага тааллуқлиги, бу эса хат муаллифи билан менинг орамиздаги қатъи сир эканлигидангина эмасди. Ахир, мактубда Ҳартрайтнинг шубҳалари — номаълум сабабларга кўра у узлуксиз таъқиб қилиниб, хавф остида қолгани — Лиммериждан жўнаб кетганидан бери уни хуфиёна кузатишяётгани ҳам бир неча бор қайд этилганди. Унинг маълум қилишича, экспедицияни кузатиш учун Ливерпул бандарига тўпланган оломон орасида уни Лондон кўчаларида олисроқдан таъқиб этиб юрган ўша икки барзанги ёвуз башаранинг ундан кўз узмай турганини кўрган, кемага чиққанидан кейин орқадан Анна Катерик номи қулоғига чалинган, шунга иқрорлиги таъкидланган. Ўша маълумотлар унинг ўз сўзлари билан куйидагича берилган:

«Бу воқеаларда бир гап бор, бу воқеалар бирор натижага олиб келади. Анна Катерикнинг сири ҳали аниқланмаган. У билан йўли-

миз кесишмаса керак, лекин мободо у сизга дуч келиб қолгудек бўлса, мисс Ҳалкомб, ўша имкониятдан мендан кўра унумлироқ фойдаланиб қолиш ҳаракатида бўлинг. Шунга иқрорлигимдан гапираяпман. Сўзларимни унутманг, илтижо қиламан» – ўз тили билан ифодалаган гаплари мана шулар. Улар ёдимдан чиқади, деб кўрқмасам ҳам бўлади. Ҳартрайтнинг Анна Катерик ҳақидаги ҳар бир сўзи хотирамга жо бўлиб қолади. Лекин хатни сақлаб туришим хавфли. Арзимаган тасодиф туфайли у бегона кишилар қўлига тушиб қолиши мумкин. Касал бўлиб қолишим, эҳтимол, ҳаётдан кўз юмишим ҳам мумкин. Яхшиси уни ёқиб юбориб, битта даҳмазани камайтириш керак.

Ҳат ёқиб юборилди. Унинг видолашув мактуби кули (эҳтимол, бу унинг менга ёзилган сўнгги мактубидир) бир нечагина бўлакдан иборат қоп-қора кукун бўлиб ётарди. Наҳотки, улар қайғули бир ҳикоянинг ўкинчли интиҳоси бўлса? Оҳ, йўқ, интиҳоси эмас. Мутлақо, мутлақо, интиҳоси эмас!

29-нчи. Тўй тарадудлари бошланиб кетган. Тикиладиган саруполар бичимини олиш учун чевар ҳам етиб келган. Лаура эса — беҳафсала. У аёл кишининг ўз шахсий манфаатларига чамбарчас боғлиқ масалага бошқаларга нисбатан мутлақо лоқайд бепарволик билан қарайди. Ҳамма ишларни чевар билан менга топшириб қўйган. Мабодо бечора Ҳартрайт баронет бўлиб, отасининг хоҳиши билан куёвлик фотиҳасини олганида эди, ўзини қанчалар бошқача тутган бўларди-я! Завқи ичига сиғмай, қанчалар инжиқлик ҳам қилган бўлар, менман деган чеварлар ҳам унинг кўнглини топиш учун анча пойпатак бўлишган бўларди.

30-нчи. Ҳар куни сэр Персивалдан хабар келиб турибди. Охириги маълумот шуки, уйининг таъмирлаш ва пардозлаш ишлари тўрт ойдан олти ойгача чўзилармиш. Агар рассомлар, гулкорлар ва саҳҳофлар нафосат яратганларидек, бахт ато қилишга ҳам қодир бўлганларида эди, Лауранинг улар қўлида сайқал топаётган кошонасига ҳам қизиқиброқ қараган бўлардим. Тўғриси айтганда, сэр Персивалнинг сўнгги хабарида қайд қилинган талайгина режалари қаторидаги никоҳ саёҳати масаласига бефарқ қарай олмасдим. У Лауранинг ўта нозиклиги, қишнинг эса анча совуқ келиши кутилаётганидан, уни Римга олиб кетиб, келаси йил эрта баҳоригача Италияда туришни таклиф қилган эди. Мабодо унинг бу нияти Лаурага хуш келмаса, шаҳарда хусусий бошпанаси бўлма-

са ҳам, шу мавсумни Лондонда ўтказишга ҳам розилигини билдирганди. Бунинг учун эса ўша ердан ҳамма нарсаси бадастур бир уйни ижарага олиш ниятида экан.

Ўзимни ҳам, шахсий ҳис-туйғуларимни ҳам бир чеккага йиғштириб айтгудек бўлсам (бу менинг бурчим, шундай қилдим ҳам), бу таклифларнинг биринчиси маъқулроқ кўринди. Иккала ҳолда ҳам Лаура билан менинг бир-биримиздан жудо бўлишимиз аниқ. Улар Лондонда қолмай, чет элга жўнаб кетгудек бўлсалар, жудолигимиз анчага чўзилади. Лекин, буёғи ҳам бор, қишнинг қаҳратон совуғини мўътадил иқлимда ўтказиш, айниқса, ҳаётидаги бу биринчи саёҳат дамларини дунёдаги энг кўркем мамлакатда ўтказиш билан у ердаги ажиб манзаралардан мароқланиб, руҳининг кўтарилиши, янги ҳаётга кўника бориши Лауранинг ютуғи эди. Лондонда шакаргуфторлик билан ўтадиган оилавий хурсандчилик кечалари унга хуш келмасди. Улар бу машъум никоҳ илк оғирлигини унинг учун яна ҳам залворлироқ қилиб қўярди. Лауранинг янги ҳаётидаги ўша дастлабки дамларидан анча таҳликадаман, буни сўз билан ифодалаш қийин. Саёҳатга чиққудек бўлсалар, кўнглим қандайдир илинж билан сал таскин топган бўлар, лекин уйда қолгудек бўлса, ўша умид ҳам пучга чиқарди.

Кундалик дафтаримнинг мана шу сўнги муқаддимасига қайта нигоҳ ташлагудек бўлсам, ўша никоҳ туфайли Лаурадан жудо бўлишимни, бошқалар жўнгина ҳаётий воқеликка йўйганларидек, бемалол ёзганимдан ҳайрон бўламан. Келажакнинг бунақа бешафқат қиёфасини тасаввур қилишнинг ўзи киши кўнглини музлатиб, унга нисбатан нафрат уйғотади. Лекин ўша вақт яқинлашиб келаётган бир пайтда бошқа нима илож ҳам бор? Яна бир ой ўтар ўтмас у менинг Лаурам эмас, унинг Лаураси бўлиб қолади! Унинг Лаураси-я! Шу иккитагина сўз ифодалаган маънони ақлимга сиғдира олмасдим, ўша сўзлар миямдан нари кетмай, мени қаловлатиб қўйган синглимнинг никоҳи тўғрисида ёзиш унинг ўлимни қайд этиш билан баробар эди.

1-нчи декабрь. Фам-алам билан ўтган кун. Бу кунни батафсил тасвирлашга ҳам юрагим дов бермайди. Сэр Персивалнинг никоҳ саёҳати ҳақидаги таклифини кеча кечқурун Лаурага айтишга тилим бормай, ўша ҳақда бугун эрталаб оғиз очишга мажбур бўлдим.

Бечора қизалоқ (у ҳақиқатан ҳам, кўп нарсаларда ҳали гўдак эди) мени ҳар вақт ўзига ҳамроҳ бўлади, деган ишонч билан

юргани учун Флоренция, Рим ва Неапол мўъжизаларини кўриш дарагини эшитиб қувонгандай бўлди. Унинг бу хом хаёлларини уқдириб, аччиқ ҳақиқат билан юзлаштиргунимча ўлиб бўлдим. Ҳар бир эркак зоти дастлаб уйланганида, кейин қандай муносабатда бўлмасин, ўз қаллиги меҳрига илҳақ рақибни, ҳатто мендай аёл зотини ҳам унинг яқинига йўлатмаслигини тушунтиришга тўғри келди. У келин бўлиб тушган хонадонда доимо унга ҳамсоя бўлиб истиқомат қилишим борасида кўзда тутилаётган имконият фақат сэр Персивалнинг гашига тегиб қўймаслик, янги куёв-келинлик вақтларидаёқ қаллигининг сирдош маҳраמידек улар орасида олатўганоқ бўлиб, унинг ишончидан чиқиб қолмаслигимга боғлиқ эканлигини ҳам тушунтиришга мажбур бўлдим. Бу дунё ҳикматларининг сийқаси чиқиб кетган аччиқ-чучукларини томчилаб, томчилаб ўша мусаффо қалби ва ўша бегараз идрокига етказарканман, бундай арзимас бурчимни ўтайман деб ўзимнинг ҳам энг нозик туйғуларим тугён уриб, мана шундай ҳаётдан нафратланиб кетдим. Насиҳат берилиб бўлди. У ўз бошидан кечирадиган мушкул сабоқни билиб қўйди. Қизлик даврининг ҳавойи умидлари учиб кетди, уларни ўз қўлим билан сидириб юбордим. Кейин унинг ҳафсаласи пир бўлиб юрмаслиги учун ўз вақтида шундай қилиб қўйганим маъқул, шунисиға шукр қиламан. Ҳафсаласи пир бўлиб юрмаслиги учун ўзимоқ шундай қилиб қўйганим маъқул.

Қисқаси, биринчи таклиф қабул қилинди, дейилса ҳам бўлаверади. Улар Италияга жўнашади, мен эсам, сэр Персивалнинг ижозати билан, улар ўз сафаридан қайтишларигача ўшалар билан биргаликда яшаш тараддудини қилишим керак. Бошқача қилиб айтганда, (ҳаётимда биринчи маротаба) ўзимга шахсий илтерламаот тилаб олишим керак эди. Ўчашгандек, илтимос билан мурожаат қилинадиган шахс олдида заррача бўлса ҳам масъулиятли бўлиб қолишни истамасдим. Садқаи сар! Менимча, Лаура учун бундан ортиғроғини ҳам қилишим мумкин.

2-нчи. Орқага назар ташлаб, сэр Персивал кўзимга умуман ёв кўриниб қолганини сезаман. Энди ишлар бошқача тус олгач, ўша нафратимни ҳам тағ-томири билан юлиб ташлашга тўғри келади. Шундай қилишим керак. Лекин бу ҳиссиётимнинг ўзи дастлаб миямга қачон ўтириб қолганини эслай олмайман. Илгарилари бундай эмасди.

Лауранинг унга кўнгли йўқлигидан кўзимга бало бўлиб кўри-

ниб қолганмикин? Ҳартрайтнинг рад этиб бўлмайдиган мулоҳазаларига, беихтиёр, лаққа тушиб қолганмикинман? Сэр Персивал кўнгил ёриб ўзини оқлаган, бунга ишонч ҳосил қилатуриб, айна вақтда Анна Катерик мактуби таҳлиқкаларини ёдимдан бутунлай чиқармаганмикинман? Нима дейишни ҳам билмай қолдим. Мен энди фақат бир нарсага иқрор эдим, у ҳам бўлса, сэр Персивалдан ноҳақ шубҳаланмаслик — менинг бурчим, менинг муқаддас бурчим. Мабодо унга ҳар вақт гараз билан қараб, шу аснода ёзишга одатланиб қолган бўлсам, бундай бемаънилиқдан қутилишим керак. Зарур бўлса, тўй ўтгунча ҳатто кундалиқ дафтаримни ҳам йиғиштириб қўйишга тўғри келади. Ўзимдан ҳам ҳафсалам пир бўлиб турибди, бугун бошқа ёзмаёқ кўя қолайин.

16-нчи декабрь. Тўлиқ икки ҳафта ўтди, ушбу саҳифаларга қайрилиб қараб ҳам қўймадим. Шунча вақтни ўтказиб, кундалиқ дафтаримни эндигина қўлимга оларканман, бунинг бирдан-бир сабаби сэр Персивал ҳақидаги фикримни анча соғломлаштириб, унга самимийроқ кўз билан қарашга уриниш эди.

Ўтган шу икки ҳафта ичи батафсил ҳикоя қилишга арзигулик воқеалар деярлик бўлмади. Саруполар қарийб тикиб бўлинди, Лондондан юборилган янги сафари сандиқлар ҳам етиб келди. Лаура бечорагинам кун бўйи мендан бир қарич нари кетмасди. Ўтган кеча хонамга келиб, мен билан гаплашиш илинжида ёнимга ётиб олди. Иккаламизда ҳам уйқу бўлмади. «Тез кунларда сиздан ажраб қоламан» — деди у. — Иложим борича дийдорингизга тўйиб олайин».

Уларнинг никоҳ маросими Лиммериж ибодатхонасида ўтказилади. Худога шукр, кўшниларимиздан ҳеч ким бу маросимга таклиф қилинмайди. Маросимда ҳозир бўладиган бирдан-бир меҳмон — қадрдон дўстимиз Арнолд жаноблари. Улар Полединдан келиб, Лаурага вакил ота бўлишлари керак. Ахир, Лауранинг амакилари ҳаддан ташқари нимжон бўлиб қолганидан шу кунларнинг қаҳратон совуғида кўчага чиқишга журъат қила олармиди. Яхшиям, бугундан эътиборан келажакимизга умид боғлаб, унинг фақат порлоқ истиқболини кўзлашга аҳд қилиб қўйгандим, акс ҳолда, Лаура ҳаётининг энг муҳим онларида унинг ота уруғидан ҳеч кими йўқлиги руҳимни тушириб, келажакдан ҳам ноумид қилиб қўйган бўларди. Лекин маъюслик билан ноумидликка барҳам бериб қўйганман. Бошқача қилиб айт-

ганда, кундалик дафтаримда бундан буён на унисини ва на бунисини изҳор қиламан.

Сэр Персивал эртага етиб келиши керак. Унинг илтимосига, мабодо унинг бу ташрифи анъанавий одат ва анъанага риоя қилиш деб ҳисоблангудек бўлса, маҳаллий руҳонийга хат ёзиб, ундан куёв Лиммерижга келгач, то никоҳ кунигача ибодатхона хужраларидан бирида истиқомат қилиб туришига ижозат сўрашимиз керак. Айни вазиятда на Фэрли жанобларининг, на менинг бундай бемаъни удум машмашаларига риоя қилиб ўтиришга тобимиз йўқ. Бизнинг бу бепоён ўтлоқзор юртимизда, мана шу қаққайиб турган дангиллама бинода бошқа кўпгина ерлар фуқаросини овора қиладиган беҳисоб расмиятчиликларни даъво қилмасак ҳам бўлаверади. Сэр Персивалга хат ёзиб, унинг лутфан қилинган таклифи учун узр сўраб, Лиммериж биносининг, ҳар вақтдагидек, унинг ўзи истиқомат қилиб турадиган хоналари унга мунтазирлигини маълум қилдим.

17-нчи. У бугун етиб келди. Ташқи қиёфасидан, назаримда, бироз ҳорғин ва безовта кўринса ҳам, завқи ичига сигмас, қувноқ кишидек, сергап ва сертакаллуф эди. У, ҳақиқатан ҳам, кўз ўйнатарли жавоҳир совға-саломлар олиб келибди. Лаура ўзини йўқотмай, зоҳиран шундай туюлгани аниқ, уларни мулозимат билан қабул қилди. Унинг тақдири ҳал бўлаётган шу дақиқаларда ўзини нечоғлик осойишта тутишга уринмасин, ёлғизланиб қолмаслик пайида эканини ҳам сезиб қолгандим. Одатдагидек, ўз уйига қамалиб олиш у ёқда турсин, энди у ерга киришга юраги бетламаётгандек туюларди. Бугун нонуштадан кейин баннетимни олиб тушгани юқорига чиқиб кетаётганимда ҳам, биз айланиб келмоқчи эдик, менга ҳамроҳ бўлиб олди. Тушлик олдида ҳам, ҳатто кийингунимизча гаплашиб турайлик, деб ўртадаги эшикни ланг очиб қўйди. «Мени ҳар вақт иш билан маъмир қилиб турунг» деди у менга. — Ҳар вақт бирор кимсага ҳамсуҳбат қилиб турунг. Хаёл суриб қолмайин, сиздан бирдан-бир илтимосим шу, Мариан, хаёл суриб қолмайин».

Мана шу машъум ўзгариш сэр Персивал назарида уни яна ҳам жозибалироқ қилиб кўрсатарди. Буни, ҳатто ўзи эришган ютуққа йўяётганини ҳам сезиб турардим. Лаура қалбидаги ҳис-ҳаяжон тўлқинлари ёноқларига урган қирмизи ранг, кўзларидаги жўшқин мусаффолик — унинг асл ҳуснига келиши ва руҳининг кўтарилишидек кўринарди. Бугун тушлик дастурхони ус-

тида шундоққина сохта қувонч ва бепарволик билан гап қилдики, бу ҳол унинг феълига мутлақо ёт эди. Ташқарига олиб чиқиб, унини ўчириб қўя қолсам, деб ўйладим. Сэр Персивалнинг қувончи ичига сиғмай, шунчалар лол бўлиб қолгандики, буларни ифодалашга тилим ожиз. Синглимнинг эрталабки қиёфасида сезилган безовталиқ энди мутлақо кўринмас, назаримда, у бир мучал ёшариб кетгандек эди.

Сэр Персивалнинг баъзи бир ғалати нуқсонлари у ҳақдаги фикримга зид бўлса ҳам, шубҳага ўрин йўққи, Лауранинг бўлажак куёви кўркам, ҳа, бениҳоя кўркам. Шахснинг жозибаси аввало унинг баркамол ҳуснидан бошланади. Ўша хусусият унда яққол кўриниб турарди. Ҳурморанг шаҳло кўзлар — эркаклар учун ҳам, аёллар учун ҳам дилрабо фазилат. Унда ўша ҳам муҳайё. Ялама каллиги (пешонаси устидан сийқалана бошлаган, ҳаммада ҳам шундай бўлавермайди) пешонасини кенгроқ кўрсатиб, ақл-идрокидан дарак беради. Ҳаракатларидаги ўйлаб иш тутиши, оғирвазминлиги, ҳаракатчанлик одати, қувноқлиги, ҳозиржавоблик, ширинсўзлик ва камтарлик хусусиятлари — шуларнинг барчаси сўзсиз, ижобий фазилатлар бўлиб, ўша кишида мужассамлашган. Ахир, Лауранинг юрак сирларидан бутунлай беҳабар Гилмор жанобларини ҳам, унинг бу никоҳидан «қиз нима учун ҳам норози бўлиши мумкин» деб ажабланишида айблаб бўлмаса керак. Унинг ўрнида бошқа ким бўлмасин, ўша кексайиб қолган қадрдон дўстимизнинг фикрини айтган бўлар эди. Шу дақиқада мендан Персивал жанобларида қандай нуқсон сезганимни очиқ айтишимни сўраб қолгудек бўлсалар, фақат иккита камчилигини кўрсата олган бўлардим. Биринчиси, ўта ҳаракатчан ва тажанглиги — ўта қаттиққўллигидан бўлса, иккинчиси, ўз хизматкорларини менсимай, улар билан кўрс ва киброна муносабати эди. Мана шулар унинг салбий хусусиятлари бўлиши мумкин. У — ҳуснда бежирим, ёқимтой киши, бу масалада баҳслашишнинг ҳожати ҳам йўқ, баҳслашмайман ҳам. Ана! Ниҳоят, уни тасвишлаб бўлдим, тутатганимга шукур.

18-нчи. Бугун эрталаб ўзимни анча ҳорғин ва нохуш сезганимдан, чоштгоҳларда Лаурани миссис Вэзи ҳомийлигига топшириб, кейинги пайтларда — анчадан бери имкони бўлмай қолган одатимдагидек, айланиб келиш ниятида бир ўзим уйдан чиқдим. Арчагул билан қопланган баҳаво адирни кесиб чиқиб, Годдлар бурчаги томон ўтиладиган йўлдан олдинга юрдим. Ярим соат

ўтар-ўтмас ўша ферма томондан менга яқинлашиб келаётган сэр Персивалга кўзим тушиб анқайиб қолибман. У ҳар вақтдагидек кеккайиб, таёқчасини ўйнатганича халлослаб келаркан, эгнидаги ов жакетининг икки баърини шамол учириб, ҳилпираб турарди. Бир-биримиз билан бақамти келганимизда у савол беришимни кутмасданоқ, Лиммерижга сўнгги бор келганидан бери Тодд жаноблари Анна Катерикдан дарак эшитмаганмикин, деб фермага борганлигини айтиб қўя қолди.

— Ҳеч қандай дарак бўлмади, деган жавоб олган бўлсангиз керак, албатта, — дедим.

— Дом-дараксиз кетганмиш. — жавоб қилди у. — Уни энди бутунлай қўлдан чиқариб юборган бўлсак керак, деган таҳликадаман. Мабодо кулогингизга чалинмадими — давом этди у юзимга синчиклаб тикилганича, — рассом Ҳарттрайт жаноблари бизга бирон маълумот беролмасмикин?

— Ҳарттрайт жаноблари Кумберленддан жўнаб кетгач уни кўрмаган, ҳатто у ҳақда ҳеч нарса эшитмаган ҳам. — жавоб бердим.

— Афсус, — деди сэр Персивал ҳафсаласи пир бўлгандек, — лекин айни вақтда, ажабланарлиси шуки, у анча енгил торгандек ҳам кўринарди. — Бу бечора мўмин бандасининг бошига нима кулфатлар тушишини айтиш қийин. Фақат саломатлиги юзасидан уни ўз ҳимоясига олиб, парвариш қилиб турувчилар қўлига топшириш ниятидаги уринишларим зое кетганидан беҳад афсусланаман.

У ҳақиқатан ҳам, ҳафа кўринарди. Уч-тўрт оғиз сўз билан кўнглини кўтардим, шундан кейин бошқа мавзуларда гаплашганимизча уйга қайтдик. Бу тасодифий учрашувимиз унинг яна бир олижаноблик хусусиятини яққол кўрсатмаётганмикин? Уйланиш арафасида Анна Катерикни ўйлаб, уни суриштириб Тоддлар бурчагига сарсон бўлиб бориши, ҳақиқатан ҳам, унинг ўзига хос фидойилиги, раҳмдиллиги эмасмикин? Мана шу вақтларини Лаура билан ўтказиши маъқулроқ эмасмиди? Шулар назарда тутилса, унинг бутун ҳаракатлари чин садоқатию одоби туфайли бўлиб, айни вазиятда эса бениҳоя раҳмдиллигини ифодалагани ҳолда ҳар қанча мақтовга ҳам лойиқлигини кўрсатарди. Мақтовини ҳам қойил қиламан-да! Қисқаси шу.

19-нчи. Сэр Персивал саховат булогидан топилган янги ва янги ёмбилар.

Бугунги суҳбатимизда улар ўз сафаридан Англияга қайтиш-

гач, рафиқасининг янги бошпанасида вақтинча истиқомат қилиб туришим эҳтимолдан холи эмаслигини айтмоқчи бўлдим. Оғзимдан бунга ишора бўлгудек сўз чиқар-чиқмас у меҳрибонлик билан қўлимдан ушлаб, ўзи ҳам худди шуни таклиф қилиш илинжида эканини айтди. Мени бошқалар орасида рафиқаси осойишталиги учун ягона ҳамроҳ, деб ўйлаб юрган экан. Шунинг учун Лауранинг никоҳидан кейин ҳам, худди авваллари доимо бирга бўлганимдек, унга яна ҳамсоя бўлиш таклифим билан уни умрбод қарздор қилиб қўяётганимни таъкидлаб, миннатдорлик билдирди.

Унинг бунчалар сертакаллуфлик билан қилган илтерламаоти учун Лаура ва ўз номимдан унга миннатдорлик билдиргач, суҳбатни уларнинг сафари мавзуига кўчириб, Римда Лаура таништирилиши кўзда тутилган инглиз оқсуяклари ҳақида гаплаша бошладик. У кириб келаётган қиш давомида хорижий ўлкаларда учратиши мумкин бўлган бир неча дўстларининг номини айтиб ўтди. Агар янглишмасам, биттасидан ташқари уларнинг ҳаммаси инглизлар эди. Ўша мустасноси — граф Фоско.

Граф номининг тилга олиниши, шунингдек, унинг ўша қитъада куёв билан келини ўз рафиқаси билан кутиб олиш дараги Лауранинг янги ҳаёти дастлабки кунларданоқ киборлар даврасида ўтишини тақозо этарди. Айни вақтда оилавий гиналар ҳам барҳам топиши мумкин эди. Марҳум Фэрли жанобларининг ноҳўя васиятномаси туфайли мадам Фоско шу вақтгача Лаурага аммалик қилишдан воз кечиб келарди. Энди, нима бўлганда ҳам муносабатини ўзгартмай иложи йўқ. Сэр Персивал билан граф Фосколар қадрдон ва ажралмас дўст бўлганидан, уларнинг рафиқалари ҳам тотувлик билан муомала қилишдан бошқа иложлари йўқ эди. Мадам Фоско қизлик пайтларида мен учратган ашаддий шадлодлардан бири — ўта инжиқ, дағал ва учига чиққан шуҳратпараст аёл эди. Мабодо эри унинг попилтиригини сал пасайтириб қўйган бўлса, у оиламиздаги ҳар биримизнинг, айниқса, менинг дуоимизга қолган бўлур эди.

Тезроқ графнинг кимлигини билгим келади. У — Лаурага куёв бўлгувчининг энг сирдош дўсти, мана шу томонлари мени қизиқтириб қолди. Уни Лаура ҳам, мен ҳам ҳеч қачон кўрмаганмиз. Билишимча, бундан бир йил муққаддам у, тасодифан, Римдаги Тринита дел Монте ибодатхонаси зинасида турган бир пайт сэр Персивал қўлидан жароҳатланиб, чавоқланиб кетиш хавфи остида қолган бир вазиятда уни қочириб юбориб, ўлимдан ва ту-

налишдан асраб қолган экан. Яна шу ҳам ёдимдаки, Фэрли жаноблари синглисининг турмушга чиқиши масаласида бемаъни эътирозлар билдирганида граф бу ҳақда унга босигида бўлса ҳам, лекин суяк-суягидан ўтадиган хат ёзган. Ўша хат, айтишга ҳам юзим чидамайди, жавобсиз қолган. Сэр Персивалнинг дўсти ҳақида билганларим мана шулар. Буёғига ҳайронман — у, умуман Англияга келармикин? У менга ёқармикин?

Қаламим хаёл огушига бурилиб кетди. Энди буни бас қилиб, асл воқеликка кўчиш керак. Шу нарса аниқки, сэр Персивал ўз рафиқаси билан бирга яшашим борасидаги қалтис таклифимни инобатга олиб, олий ҳимматлилиқдан ҳам зиёдроқ мурувват кўрсатди. Шунинг ўзи катта гап. Агар унга бўлган илк муносабатимни сақлаб қола олсам, кейинчалик мендан норози бўлишига ўрин ҳам қолмайди. Мен унинг кўркамлиги, мулойимлиги, мискинларга ачиниши, мендан чин меҳрини аямаслигини айтиб ўтдим. Тўғриси айтсам, сэр Персивалга ўзимни дўст тутиб, шу қиёфага кириб қолганимдан ўзимни ўзим танимай ҳам қолдим.

20-нчи. Сэр Персивални кўргани кўзим йўқ! Истараси иссиқлигини мутлақо инкор этаман. Назаримда, у — ўта баджаҳл, дағал; меҳр, раҳм-шафқат нималигини билмайди. Кеча кечқурун янги куёв-келин ташрифномасини олдик. Лаура конвертни очиб, босма ҳарфларда терилган оилавий исмига биринчи дафъа кўзи тушди. Сэр Персивал бу янги ташрифномага (унда мисс Фэрли энди леди Глайд, деб ёзилганди) унинг елкаси устидан шунчаки қараб қўйди, кибрли мамнуният билан мийиғида кулиб, қулоғига шипшиди. Нима деганини билмадим — Лаура ҳам менга айтмай қўя қолди. Лекин унинг юзи оппоқ оқариб кетганини кўриб, ўздан кетиб қолмасайди, деган хаёлга бордим. Сэр Персивал эса ўзини сезмаганга олди, гўё унинг дилини оғритадиган ҳеч нарса демагандай, пинагини бузмади. Унга нисбатан жаъмийки адоват ва нафратларим шу лаҳза яна уйғонди. Шундан кейин ўтган соатлар ичи ҳам ўша ҳиссиётим тарқалмади. Мен энди ўжарроқ, янада адолатсизроқман. Уч сўз билан айтганда — қаламимнинг йўрғалашини қаранг! — уч сўз билан айтганда, кўргани кўзим йўқ!

21-нчи. Бесаранжомлик билан ўтган сўнгги кунлар ташвишлари ақлимни фаромуш қилиб қўймаганмикин? Кейинги бир неча

кунлар давомида енгилтаклик билан ёзаётганларимни, худо шоҳид, чин юрагимдан чиққан туйғулар, деб бўлмайди. Кундалик дафтаримнинг сўнгги лавҳаларига назар ташларканман, бу аҳволни кўриб юрагим орзиқади.

Лауранинг сўнгги ҳафта ичи чеккан изтироблари жунбушга келтирган кайфияти, эҳтимол, мени ҳам ўз домзига олгандир. У ҳолда, ўша ҳиссиётлар учиб кетган бўлса ҳам, ақл-хушимни чапгитиб кетганди. Илгариги кечадан бери шу никоҳни асфаласофилинга чиқарадиган бирон басталик содир бўлиб қолармикин деган фикр хаёлимдан нари кетмай қолганди. Бу хомхаёл қаердан илашдийкин? Лаура истиқболи таҳликасидан эмасмикин? Ёки тўй куни яқинлашган сари сэр Персивал феъл-атворида намоён бўлаётган бетоқатлигу тажанглик таҳликасиданмикин? Бирор нарса дейиш қийин. Шуниси аниқки, хаёлимда фақат ўша фикр, албатта, шундай вазиятларда аёллар хаёлига келадиган бемаъни фикр. Аммо қанчалик уринмайин, унинг асоси нимадалигини англай олмасдим.

Никоҳ арафасидаги сўнгги кун, умуман, безовталиқ ва гашлик билан ўтди. Бу ҳақда ёзишга қўлим борармикин? Нима бўлганда ҳам, ёзишим шарт. Маъюс хаёл оғушида юргандан кўра бирон нарса билан машғул бўлиш аълороқ.

Кейинги пайтларда кўзга кўринмай, хаёлимиздан бутунлай кўтарилиб қолган саховатли миссис Вэзи эрталабданоқ, беихтиёр, таъбимизни хижил қилдилар. Сўнгги ойларда улар ҳеч кимга билдирмай ҳомийлигида тарбия топаётган суюкли шогирдига иссиққина шотланд рўмоли тўқиётган экан. Ёши анчага бориб қолган қўли гул аёлнинг кўз-кўзлашга арзигулик рўмоли! Онасиз етимликда ўтган болалигиданоқ унга ҳомийлик қилиб, меҳр қозонган энагаси рўмолини унинг елкасига тантанавор ғурур билан ёпар экан, бечора кўнгли ўксик Лаура ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Уларни энди юпатиб, ўзимни ҳам сал қўлга олишга улгурмасимдан Фэрли жаноблари олдидан одам келиб қолди. Никоҳ куни унинг осойишталиги бузилмаслиги учун тайинлаб қўйиладиган қатор эҳтиёткорлик тадорикларидан огоҳлантириш мақсадида мени йўқлабди.

«Суюкли Лаура» унинг туҳфасини — нодир жавоҳир ўрнига «меҳрибон» амакисининг соч толасидан кўз ясалиб, остига унинг қондошлиқ ҳиссиётларию дўстлиги ҳақида француз тилида ёзилган лавҳа қистирилган эски узукни олиб қўйиши керак эмиш. «Суюкли Лаура»га ўша нодир туҳфасини ўз қўлим билан ҳози-

роқ топшириб қўйишим, у эса Фэрли жаноблари хузурига бор-гунигача совға таассуроти ҳаяжонларини босиб олиши зарур эмиш. «Суюкли Лаура» кечкурун уни зиёрат қилиши, амакисига раҳм-шафқат юзасидан можаро чиқармаслиги керак эмиш. «Суюкли Лаура» келаси куни эрталаб никоҳ либосларини кийиб, уни яна бир бор зиёрат қилиши, яна унга раҳм-шафқат юзасидан можаро чиқармаслиги керак эмиш. «Суюкли Лаура» жўнаб кетиш олдидан уни учинчи бор зиёрат қилиши, хонадан чиқиш олдида қачон жўнаб кетишини арзиҳол қилиб кўз ёши тўкиш билан унинг дилини вайрон қилмаслиги, хуллас, «унга раҳм-шафқат юзасидан, ҳурматли Мариан, барча оила аъзолари, меҳрибонлар ҳаққи, шахсан унинг қувончи ва осойишталиги ҳаққи, кўз ёши тўкилмаслиги керак!» Ўша дақиқалардаги унинг бундай худбиник сафсатасидан жуда хунобим ошиб, уни умрида эшитмаган бирон аччиқ ва қўланса гап билан тузлаб қўярдим, Полсдиндан Арнолд жаноблари келиб қолиб, мени пастдаги бошқа ишларга чақириб қолишди.

Куннинг қолган қисмини тасвирлашга тил ожизлик қилади. Хонадондагиларнинг бошқа биронтаси ҳам унинг қандай ўтганини сезмаган бўлсалар керак. Кетма-кет ўтказиладиган маросимлар аралашиб кетиб, ҳаммани каловлатиб қўйганди. Кутилмаганда, хаёлдан кўтарилиб қолган саруполар келиб қолар, узоқ ва яқиндаги каттаю кичик дўстлардан совғалар кети узилмасди. Баъзи сандиқларга юклар жойлаштирилиши керак, баъзилари эса бўшатилиб, яна қайтадан тўлатиларди. Ҳаммамиз бемаврид югуриб елардик, ҳаммамиз эртаги кун ташвишида эдик. Айниқса сэр Персивал бир ерда андак хотиржамгина турулмасди. Унинг қисқа-қисқа қуруқ йўтали яна ҳам авжига минган бўлиб, тинкасини қуритарди. Кун бўйи у гоҳ ичкарига кирар, гоҳ ташқарига чиқар, кутилмаганда синчков бўлиб қолгандай туюлар — арзимас топшириқ билан келган бегоналарга савол бериб бошини қотирарди. Устига устак, Лаура билан менинг хаёлимиздан нари кетмай қолган ташвишларни айтмайсизми: эртадан бошлаб бир-биримиздан жудо бўламиз, ҳеч биримиз очиқ айтмаган бўлсак ҳам, лекин иккаламизга ҳам аён бир таҳликанинг мавжудлиги, у ҳам бўлса, шу аянчли никоҳ Лаура ҳаётидаги машъум хато, мен учун эса интиҳосиз кулфат бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмасди. Аҳиллик ва қувонч билан ўтган шунча йиллардан бери энди биринчи маротаба бир-биримизга тик қарамасликка ури-нардик, кечки ўтиришда ҳам аввалидан охиригача, ҳудди кели-

шиб қўйилгандек. ўзаро гаплашишдан ўзимизни тутдик. Бу ҳақда ортиқча лақиллашни кўнглим кўтармайди. Келажақда бошимга қанча кулфатлар ёғилиши эҳтимоли бўлмасин, шу йигирма биринчи декабр мен ҳам ҳаётимнинг энг бесаранжоми ва энг аянчли куни бўлиб қолади.

Ушбу сатрларни мўъжазгина оппоқ каравотида (болалик вақтларидан ўшанда ётарди) ётган Лаурага хуфиёна назар ташлаб чиққач, тун ярмидан оғиб кетган бир вақт хувиллаган хонамда ёзиб ўтирибман.

Лаура (унга қараб турганимдан беҳабар) осойишта, умид қилганимдан ҳам осойиштароқ ётибди, лекин ҳали ухлаб қолмаган. Кўзларининг хиёл очиглиги, киприкларидagi ҳари қурмаган кўз ёшларининг милтиллагани тун шабчироғи шуъласида кўриниб турарди. Унга инъом қилинган эсдалик совғам — баргак унинг ён столчаси устидаги дуо рисоласи, отасининг расмчаси (уни ҳар вақт ўзи билан бирга олиб юрарди) қаторида турарди. Ёстиғи орқасидан унга бир лаҳза термилиб турдим: у шундоққина кўз ўнгимда қўлларини оқ кўрпа устидан кўкрагига қўйганича шунчалар беозор ётардики, ҳатто тун қўйлаги бурмасидан унинг нафас олаётганини ҳам сезиб бўлмасди. Унга термулиб, кўз узолмасдим, гўё уни мингларча маротаба кўратуриб, энди диёдорини кўриш мутлақо насиб бўлмай қоладигандай туюларди. Кейин оҳиста юриб хонамга чиқдим. Менинг меҳригиёҳим! Шунчалар давлат ва шунчалар ҳуснингиз бўлатуриб, ғарибликда қолган бўлсангиз-а! Сизга жонини фидо қилишга тайёр ягона бир зот мана шу бўрон ҳайқираётган тун олис уммонлар тўлқинида чилпирак бўлмоқда. Сизнинг бошқа кимингиз ҳам бор? На отангиз ва на онангиз! Кўмаклашишга ожизлигимдан куйиб, ниятлари ушалармикин, деган таҳликада ушбу аламли сатрларни битиб, эрта тонггача сизга термулиб ўтирувчи ожиз ва муштипар аёлдан бошқа биронта жигаргўшангиз йўқ. Эвоҳ! Эртадан бутун илинжимизни анави кишига топширамиз-а! Умидимизни пучга чиқармасин-да, Лаурага озор етказмасин-да!

Йигирма иккинчи декабрь. Соат етти. Файритабийй, бесаранжом тонг. У эндигина ўрнidan турди. Вақт — жароҳат малҳами, у кечагидан кўра анча ўзига келиб қолибди.

Соат ўн. У кийиниб олган. Қучоқлашиб, ўпишдик, ноумид бўлмасликка ваъдалашдик. Кейин андак фурсатга ўз хонамга

ўтдим. Хилма-хил хаёллар миямда айқашиб, нима қилишимни билмай қолган бўлсам ҳам, орага бирор басталик тушиб, никоҳ бузилиб кетар, деган ўша хом хаёл дилимдан нари кетмасди. Худди шундай хаёл сэр Персивал дилидан ҳам ўтмаётмаганмикин? Унинг дарвоза олдидаги каблар орасида бетоқатлик билан гир айланиб юргани деразадан кўриниб турарди. Никоҳ маросимининг ўтказилиши муқаррар. Сал кам ярим соатлардан кейин ибодатхонага жўнаб кетамиз.

Соат ўн бир. Маросим ниҳоясига етди. Улар никоҳдан ўтишди.

Соат уч. Улар жўнаб кетишди! Йиглайвериб кўзларим шишди, бошқа ёзишга холим ҳам йўқ.

(Ҳикоянинг биринчи даври шу билан якунланди)

Ҳикояни Мариан Ҳалкомб давом эттиради

I

Ҳемпшир, Блэквотер чорбоғи

1850 йил 11 июнь.

Лаура билан сўнгги бор кўришганимизга роса олти ой тўлди. Олти ойдан бери юрагим ҳувиллаб, кўзларим унинг йўлига нигорон-а!

Яна неча кун сабр қилишим керак? Бир кунгина! Эртага, ўн иккинчида, сафардагилар Лондонга қайтишади. Наҳотки шундай қувончга мушарраф бўлаётган бўлсам! Яна йигирма тўрт соатдан сўнг Лаура билан ўртамиздаги сўнгги ҳижрон куни барҳам топади.

Куёв-қалиғ бутун қишни Италияда ўтказишди, кейин Тиролда бўлишди. Улар граф Фоско ва унинг рафиқаси билан бирга қайтишаётган эмиш. Ҳамроҳлари Лондон бўсағасида жойлашишармиш. Ўша ерлардан биронта муқим қароргоҳ топгунларича ёз ойлари ичи Блэквоутер Паркда истиқомат қилишлари келишиб кўйилибди. Лаура қайтиб келгудек бўлса, у билан ким бирга келса келавермайдими? Хушласа, Сэр Персивал уйини остонасидан шифтигача меҳмон бостирсин, фақат ўша ерда хотини билан бирга туришимга кўнса бўлгани.

Мана, Блэквотер Паркка ҳам келиб олдим. Ўша ердаги «Баронет Сэр Персивал Глайдга тегишли (ўлка тарихига доир ишончли маълумотларга кўра) «кўҳна антиқа» маскандаман. Бунга яна кўшимча қилгудек бўлсам, унинг шинамгина хужрасида учта кутию битта жомадонга жо бўлган бори бисоти орасида чой хўплаб ўтирган Мариан Ҳалкомб исмли ному нишонсиз қари қиз ҳам бу манзил яқин орада ўзининг қароргоҳи бўлиб қолишига илҳақ.

Лауранинг Париждан жўнатилган қувончли мактубини ўтган куни олиб, кеча Лиммериждан йўлга чиққанман. Уларни Лондондами ёки Ҳемпширдами — қаерда кутишимни аниқ билмай, бошим қотаётган эди.

Сўнгги хатда Сэр Персивал Саитҳамптон бандаргоҳига етгач ўша ердан тўғри чорбоғига йўл олиш ниятида экани хабар қилинибди. У сафар чоғида ортиқча ҳаражатга йўл кўйиб, мавсумнинг қолган қисмини Лондонда ўтказишга сариф чақаси ҳам қолмаганидан ёз ва куз бўйи Блэквотерда тежамкорлик билан ҳаёт кечи-

ришга қарор қилганмиш. Лаура ҳам анча толиққан. Сафар таассуротлариям қувончлариям меъдасига теккан. Эрининг камхаржликдан мўлжаллаган осойишта қишлоқ ҳаётига кўникиб, ҳордиқ чиқариш имконияти унинг учун айни муддаодек кўринарди. Мен эсам Лаура қаерда бўлмасин, у билан бирга бўлсам бўлди — кўнглим тасалли топаверарди. Хуллас, ҳаммамиз ҳам ҳаётимиз тақозосидан ўз холимизча мамнун эдик.

Ўтган кеча Лондонда тунаганман. Тинимсиз келди-кетдилару кутилмаган юмушлар билан бугун ўша ерда анча ҳаяллаб, Блэквоутерга кундузи қайтишнинг иложи бўлмади, қош қорайган паллада етиб келдим.

Шунчаки илк таассуротларимга кўра бу ер мутлақо Лиммерижга ўхшамайди.

Кўргон кафтдек текис жойда қад кўтарган. Шимолий ўлкаликларга хос тасаввуримда у дарахтлар орасида бўғилиб қолганга ўхшайди. Ҳалигина эшик очиб, мен учун мўлжалланган хонамга бошлаб борган хизматкор билан кейинроқ чой олиб келиб берган хўжалик бекасидан бошқа (ўзи жуда хуштабиат аёл) ҳеч кимга кўзим тушгани йўқ. Чоғроғу кўркамгина хўжрам билан оромгоҳим иккинчи қаватдаги узундан-узун йўлакнинг охирида. Хизматдагилар хоналари билан яна бир неча хувиллаганлари учинчи қаватда. Меҳмонхона, тамаддихона биринчи қаватда. Улардан биронтасини ҳали кириб кўрганим йўқ. Айтишларича, бинонинг беш юз йиллик тарихи билан ажралиб турган бир қанотидан ташқари, у ҳақда ҳеч нарсадан хабарим йўқ. Қачонлардир ўша кўҳна бино атрофини сув билан тўлатилган ҳандак ўраб тураркан. Блэквоутер номи эса боғ ичидаги кўл рангига нисбат қилинган экан.

Бино марказий пештоқидаги ҳашаматли соат, кириб келаётганимда унга кўзим тушган эди, ваҳшат ва салобат билан бонг урди — соат ўн бир. Қаердадир, тахминимча, шу бино муюлишидан бонг овозидан уйғониб кетган (бесўнақай бўлса керак) кўппак дўриллаган овоз билан акиллай бошлади, кейин увиллашга тушди. Юрагим орзиқиб кетди. Пастки йўлакларда оёқ шарпалари, дарвоза темир танбасию лўкидонларининг тақир-туқури эшитилди. Хизматкорлар ётишга тайёргарлик кўраётган бўлсалар керак. Мен ҳам ётақолсаммикин?

Йўқ. Ҳали уйқум келганича йўқ. Уйқу деяпманми? Назаримда, энди мутлақо мижжа қоқмасам ҳам керак. Эртага ўша мен учун азиз сиймони кўриш, унинг қулоғимдан нари кетмай қолган та-

ниш овозини эшитиш илинжи мени бетоқат қилиб қўйганди. Қани энди эркак зотига насиб бўлган хусусиятларга қодир бўлиб қолсам шу лаҳзаёқ сэр Персивалнинг энг зўр тулпорини эгарлатиб, шарқ томонга елиб қуёшни қаршиласам! Ашаддий Йорк қароқчисидек ҳайқириб тинимсиз от сурсам! Нима бўлганда ҳам, умр бўйи сабр қилиш, одоб сақлаш ва аёллик бурчини адо этишга маҳқум қилинган бир заифалигим учун, хўжалик бекаси маслаҳатларига сомё бўлганимча, энг осони, бошқа аёллардек, ўзимни босишга мажбур эдим.

Ўқишга тутуниш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас — хаёлим сочилиб, барибир, китоб нафосати миямга кирмасди. Яхши-си, ёзишга уринсаму ҳолдан тойиб ухлаб қолсам. Кейинги пайтларда кундалик дафтарим ҳам хаёлимдан кўтарилган. Ҳозир янги ҳаёт остонасида туриб, Лаура никоҳидан кейинги соғинч ва ташналик билан ўтган бемаъни давр — сўнгги олти ой ичи содир бўлган қайси воқеаларни, тақдирнинг қандай иноятларию имкониятларини, кимларни эслай оларкинман?

Валтер Ҳартрайт хаёлимдан нари кетмайди. У кўз ўнгимдан ғойибона ўтиб турувчи дўстларим сафининг аввалида туради. Ундан бир неча сатрлик хат олдим. Экспедиция Ҳондурас соҳилига тушгач, илгаригидан кўра анча мамнун, бахтли дамларга умидворлик билан ёзибди. Бир, бир ярим ой кейинроқ Америка газетасидан кўчирилиб, ўша экспедициядагиларнинг қитъанинг чекка ўлкаларига жўнаб кетгани ҳақидаги маълумотга кўзим тушди. Уларни сўнгги марта ибтидоий чакалакзор ўрмонга кириб кетишаётганларини кўришган экан. Ҳар бирининг елкасида милтиқ, орқасида юки. Ўшандан бери экспедициядан дарак йўқ эмиш. Валтердан менга ҳам бошқа хат-хабар келмади. Оммабоп журналларнинг биронтасида ҳам улар ҳақида ҳатто қисқагина бўлса ҳам бошқа маълумот берилмади.

Анна Катерик билан ҳамроҳи миссис Клементслар ҳаёти билан тақдири ҳам худди ўшандай таҳликали зулматга буркалган. Уларнинг иккиласидан ҳам ҳеч қандай дарак йўқ; шу юртдами ё чиқиб кетишганми, ҳаётми ёки кўз юмишганми, ҳеч ким билмайди. Ҳатто сэр Персивалнинг вакили ҳам улардан умидини узиб, ўша қочоқларни излаб овора бўлишнинг баҳридан ўтиб қўя қолишга қарор қилган.

Бизнинг қадрдон дўстимиз Гилмор жаноблари эса ўзининг гуркираб турган адлия фаолиятига чек қўйишга мажбур бўлиб қолган. Эрта баҳор фасли эди. У иш столи ёнида ҳушидан кетиб

қолибди, бу сакта касалидан нишона бўлса керак, деган хабарни эшитиб анча хавотирлана бошладик. Илгарилари юраги ҳаққириб, боши сиқиб оғришидан шикоят қилиб юрарди. Хусусий врач ҳам у, ёш йигитлардек, эртадан кечгача ишлайверадиган бўлса оқибат нима бўлишини уқтирган эди. Мана энди нима бўлди — энг ками бир йил мобайнида умумий ишга яқинлашмаслиги, кундалик турмуш тарзини ҳам мутлақо бошқа изга солиб ўзига ҳам, миясига ҳам дам бериши керак. Ҳамма ишларини, ўз-ўзидан маълум, шериги давом эттиради. Унинг ўзи ҳозир Германияда — савдо кетидан қувиб, ўша ерларда қолиб кетган қариндошлариникида юрибди. Қисқаси, яна бир содиқ дўстимиз ва ишончли маслаҳатчимиздан узоқлашиб турибмиз, фақат бу ҳол вақтинча бўлса керак, деган умиддамиз, шунга ишонамиз ҳам.

Бечора миссис Вэзи эса Лондонгача мен билан бирга келди. Лаура билан мен уйдан чиқиб кетиб, у шўрликнинг бир ўзини Лиммержда ёлғиз қолдиришга кўнглим бўлмади. Шунинг учун Клабҳамда мактаб очган сўққабош синглизиникида туриб туришини лозим топдик. Кузда у ўз толибаси — асраб олган қизини десам ҳам бўлаверади — кўргани келиши керак. Бу муштипар кампирни эсон-омон ўз манзилига обориб, ўша туғишганининг қўлига топширдим. Яна бир нечагина ойдан кейин Лаура билан қайта дийдор кўришиш умидида кўнгли кўтарилиб қолди.

Фэрли жанобларига келсак, уйимизнинг биз аёллардан холи бўлиб қолганидан бениҳоя енгил тортади, дегудек бўлсам, унга нисбатан адолатсизлик қилиб гуноҳга ботмасам керак. Унга жиянининг ўрни билинаётган бўлса керак, деб хаёл қилиш, гапнинг очиғи, ақлга сиғмайди. Ахир, илгарилари ҳам уни бир неча ойлаб кўриш у ёқда турсин, ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Мен билан миссис Вэзига бўлган муносабати ҳақида сўз очсак, жўнаб кетаётганимизда унинг «юрагимни яримта қилиб кетяпсизлар» деб биздан қутилганига хуфиёна шукр қилаётганини тан олганга йўйворсак ҳам бўлаверади. Унинг чексиз инжиқликларига бардош бераётган иккита фотографи унинг бисотидаги антиқа хазиналари бўлмиш дагерротинларини чизиш билан овора эди. Ўша дагерратин хазиналаридан тўла бир комплекти, уларнинг ҳар бири бежирим картон муқоваларга ўрнатилиб, остига кўзга яққол ташланадиган алвон рангда «Рафаэлнинг чақалоқлик Биби Марями. Эскваер Фредерик Фэрли коллекциясидан» «Тиглат Пилсер даврининг мисс чақаси. Эскваер Фредерик Фэрли коллекциясидан». «Рембрантнинг нодир гравюраси. Унинг бурчагидаги матбу-

от доғи туфайли Оврупода Фуршот номи билан машхур, бошқа биронта нухасида ўша доғ учрамайди. 300 гинига баҳоланган. Эскваер Фредерик Фэрли коллекциясидан» лавҳалари ёзилгач, Карлисл механиклар жамиятига инъом қилиниши керак эди. Кумберленддан жўнаб кетгунимгача шундай шарҳлар билан берилган айти тоифадаги ўнлаб дегорратиплар тайёр бўлган, яна бир неча юзтаси тахт қилиниши керак эди. Фэрли жанобларининг хаёли ўша мақсад билан банд бўлиб, ойлар кетидан ойларни завқ-шавқ билан ўтказарди. Шўринг қургур икки фотограф эса унинг бирдан-бир камердионери бошига тушган ижтимоий мусибатлар азобини тортишга мажбур бўлишади.

Менинг ёдимда қолган асосий шахслару воқеалар мана шулардан иборат. Айти вақтда дилимнинг эзгу кошоналарини забт қилиб турган ким бўлиши мумкин? Шу сатрларни ёзарканман хаёлим Лаурада. Кундалик дафтаримни тун сукутига ҳавола этгунимгача сўнги олти ой давомидаги унга боғлиқ хотираларимдан нималарни эслай оларкинман?

Фикр ва мулоҳазаларим унинг хатларигагина асосланади. Уларнинг биронтасида ҳам, масаланинг асосий моҳияти шунга боғлиқ саволларимга очиқ жавоб олмаганман.

Сэр Персивал у билан хушмуомаладамикин? Лаураининг ўзи биз видолашган никоҳ кунидан бахтиёрроқмикин? Хатларимнинг ҳаммасида шу икки саволим такрорланар — бевосита ёки билвосита ўртага ташланар, лекин ҳаммаси ҳам мен назарда тутган маънода жавобсиз қолар ёки саволларим унинг фақат саломатлигига тааллуқлидек жавоб келарди. У менга қайта ва қайта ўзининг мутлақо соғломлиги, сафар натижаларидан мамнунлиги ва ҳаётида биринчи мартаба қишни шамолламай ўтказаётганини маълум қилардию, лекин ўша хатларидан ўз никоҳига кўнигиб қолгани, йигирма иккинчи декабрь кунига энди ҳеч қандай афсус, армон ва надоматсиз қараётганини аниқ ифодаловчи бирон бир сўз топа олмасдим. Эрининг номи ҳам унинг мактубларида гўё сафардаги ҳамроҳлари номидек ёки сафар икир-чикирларини ўз гарданига олган кишидек тилга олинарди. «Сэр Персивал» фалон кун иўлга чиқишимизни лозим топди. «Сэр Персивал» сафаримизни фалон томон билан давом эттиришга қарор қилди. Баъзан «Персивал» деб ҳам ёза қолади, лекин ўнтасидан тўққизиди фахрий унвонини қўшиб ёзади.

Лаура ўз мулоҳазалари ва муайян турмуш тарзининг бирон нуқрасида сэр Персивал кўйига тушиб қолибди, дея олмаман. Одат-

дагидек, софдил, нозиктабиат ва лобар қизлар турмушга чиққач, уларнинг табиатида содир бўладиган ахлоқий ва маънавий ўзгаришлар унинг қалбини бутунлай четлаб ўтгандек эди. Шунчалар гаройиб оламда юратуриб, фақат ўз хаёлию ўз таассуротлари ҳақида ёзарди. Бундай хатлар гўё унга эри эмас, балки мен ҳамроҳ бўлиб юрганимдек, бошқа бировга ҳам ёзилавериши мумкин эди. Улар ўртасидаги ўзаро меҳрдан нишона бўлгудек бирон ишора кўринмасди. Ҳатто сафар мавзуларидан четлашиб, кейинчалик Англияда ўтадиган келажак ҳаёти ҳақидаги мулоҳазаларида ҳам ўз истиқболлини менинг синглим сифатидагина тасаввур қилар, сэр Персивал хотинилигини хаёлига ҳам келтирмасди. Шу тоифа хатларида унинг ўз эрининг куёвлик ҳаётидан норозилик аломатлари ҳам сезилмасди. Ундан келаятган хатлардан умумий таассуротим, ҳудога шукр, аянчли хулосаларга олиб келмайди. Фақат синглимнинг илгариги феъл-атворини мактубларида кўриниб турган феъли-атворига хаёлан қиёсий назар ташлаб, унинг анча гамгин ва ҳаддан ташқари лоқайд бўлиб қолганини кўраман. Бошқача қилиб айтганда, шу ўтган олти ой ичи менга мулақо леди Глайд эмас, балки ўша-ўша Лаура Фэрли хат ёзиб турарди.

Эрининг феъли ва оилавий ҳаётидаги мавқеи масаласида негадир чурқ этиб оғиз очмаганидек, сўнгги хатларида номи тилга олинган, эрининг қадрдон дўсти, граф Фоско ҳақида ҳам худди шундай эҳтиёткорлик билан уч-тўрт оғизгина илов қилиб қўя қоларди.

Баъзи бир номаълум сабабларга кўра граф билан унинг рафиқаси ўтган йил кузи охирларида ўз режаларини бирдан ўзгартириб (сэр Персивал Англиядан жўнаб кетгач, уларни ўша ерда учратиш умидида экан), Венага йўл олишган бўлсалар керак. Венадан эса баҳордагина йўлга чиқишиб, уйга қайтишларида куёвқаллиғ билан учрашиш учун Тиролгача боришибди. Лаура ўзининг мадам Фоско билан учрашуви ҳақида эринмай батафсилгина ёзибди. Аммаси турмушга чиққач сўққабосшлик вақтидагидан кўра анча босиқ, дилкаш бўлиб, шунчалар ўзгариб кетган эмишки, уни бу ерда учратгудек бўлсам, зўрға танир эмишман. Лекин граф Фоско шахсига келсак (мени унинг хотинидан кўра ўзи кўпроқ қизиқтиради), Лаура атайлаб гап очмай қўя қолибди. У ҳақда ёзган гапи шуки, ундан ҳайиқармиш. Шунинг учун ҳам у билан учрашиб, дастлаб ўзим бир қарорга келмагунимча унинг ҳақидаги ўз таассуротини айтмоқчи эмас эмиш.

Бу, менимча, графнинг нопоклигини кўрсатади. Лауранинг болалик чоғларидаёқ сезилган зийраклиги, дўст-душманни бир ыара-

шидаёқ ажрата олиш туйғуси ҳали ҳам ўз тенгдошлариникидан беқиёс устун. Унинг ўша хусусияти назарга олингудек бўлса, унинг граф Фоско ҳақидаги дастлабки таассуроти яхшилик аломати эмас, деб хулоса чиқаришда ҳақ бўлгудек бўлсам, унга кўзим тушмасиданоқ мен ҳам ўша олифта ажнабийдан шубҳаланиб, ундан ҳайиқишим турган гап. Лекин сабр қилиш керак, сабр. Бу мавҳумлик, бошқалари ҳам узоққа чўзилиши мумкин эмас. Вақти келиб, бутун шубҳаларим интиҳо топади. Қани, эртага нима бўларкин.

Соат ўн иккига бонг урди. Очиқ деразамдан ташқарига назар ташлаб, ушбу сатрларга яқун ясаб қўя қолишга қарор қилдим.

Сокин, дим кеча. Ой кўринмайди. Онда-сонда юлдузлар милтиллайди. Атроф манзараларини тўсиб турган дарахтлар олисдан яхлит тим қора кўриниб, гўё юксак тошдеворни эслатади. Қурбақаларнинг олисдан келаётган вақирлаши қулоққа чалинади. Антиқа соат бонгидан таралган садолар (у бонг уришини аллақачон тўхтатган бўлса ҳам) дим ҳаволи туннинг ҳувиллаган сукунатида ҳали ҳам янграб турибди. Ҳайронман, Блэквоутер Парк кундузи қандай кўринаркин? Унинг тунги манзараси менга ёқмади.

12-нчи. Тадқиқот ва ихтиролар куни. Хаёлимга келмаган тасофиларга тўла антиқа кун.

Хонадон мулки билан танишишни, албатта, бинонинг ўзидан бошладим. Унинг асосий қисми ўша кўкларга кўтарилган аёл — Елизавета даврида қурилган экан. Биринчи қаватининг ўзида ёнма-ён чўзилган иккита кенг ва узун галареялари бор. Шиплари пастроқ, бунинг устига, деворларга ўрнатилган оилавий шажара намоёндаларининг бадбашара сиймолари (уларни битталаб ёқиб ташлагим келади) атрофни зимистон қилиб, юракка таҳлика солади. Шу галереялар устидаги хоналар анча бежирим сақланган бўлса ҳам, кам ишлатилади. Мени бошлаб юрган хўжалик мудираси, жуда мулоим аёл, тепага чиқишни таклиф қилган ҳолда сизга андак бесаранжом кўринармикин, деган андишада эканлигини писанда қилиб ҳам ўтди. Қироллича Елизавета даврига хос жаъмики оромхоналарни кўриш иштиёқидан кўра ўз жуббаю пайпоқларим озодалигини афзал кўрганимдан, эгнимдаги оҳорлик либосларимга гард юқтирмаслик учун чанг ва чирк босган ўша юқори қават тадқиқоти баҳридан ўтиб қўя қолдим. «Фикрингизга қўшиламан, мисс», — деди мудира. Назаримда, у ўз хаёлида мендек нозиктабиат аёлни биринчи мартаба кўриб тургандек эди.

Асосий бино тафсилотига энди шу билан чек қўямиз. Унинг икки чеккасида қўшимча бинолар қад кўтарган! Чап томонидаги (унга юзма-юз турган бўлсангиз) ярим хароба қаноти 14 асрда қурилиб, бир вақтлар мустақил қароргоҳ бўлган экан. Сэр Персивалнинг она аждодларидан бири — қайсинисилигининг аҳамияти йўқ, ёдимдан ҳам кўтарилибди — ўша мадҳияларга кўмилган қиролича Елизавета пайтларида қароргоҳнинг ўнг томонига туташтириб ундан салобатлироқ бино бунёд эттирибди. Мудира «ўша кўҳна қанот»да мужассамлашган меъморчилик санъати, унинг ички ва ташқи томонлари ҳам етук меъморлар назарида анча нафис ишланганини айтди. Бинонинг қолган қисмларини ҳам кўздан кечириб шундай хулосага келдим: ўша етук меъморлар сэр Персивалнинг жузъий осори-аъйиқасини баҳолашда ўз маҳоратларига асосланган бўлсалар ҳам, лекин бу хувиллаган, зимистон хоналарда каламушлар гужғон ўйнаши ваҳимасини хаёлларига ҳам келтиришмаган бўлишлари керак. Мана шундай вазиятда (ҳеч иккиланмай) уларнинг ҳаммасини кўздан ўтказиш асосида хулоса чиқариш баҳридан ўтиб қўя қолишга қарор қилиб, сал илгарироқ Елизавета даврига хос оромхоналарни қандай қадрлаган бўлсак, «кўҳна қанот»ни ҳам ўшандай қадрлаб қўя қолишимизни таклиф этдим. Мудира мендаги тафаккур теранлигини зийнатлаган нозик дидимдан қойил қолиб, яна бир бор «фикрингизга мен ҳам қўшиламан, мисс» деб қўя қолди.

Кейин Блэквотер Паркдаги антиқа бинолар мажмуаси зиёратини ниҳоясига етказиб қўяқолиш учун ўнг қанотга ўтдик. Бинонинг бу қисми Георг иккинчи даврида бунёд қилинган экан.

Ўнг қанот бинонинг ҳаёт билан чамбарчас боғланган қисми бўлиб, Лаура келиши туфайли таъмирланган, ички томонлари безатиб ҳам қўйилганди. Менга ажратилган икки хона, шунингдек, бошқа ҳамма оромхоналар ҳам иккинчи қаватда; меҳмонхона, ошхона, пардозхона, кутубхона ва Лаура учун тайёрлаб қўйилган чоғроқ будуар биринчи қаватда жойлашган бўлиб, уларнинг ҳаммаси замонавий шаффоф ранг кўркем нақшлар билан безатилган, кўзни қамаштирарли анвойи, замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Уларнинг биронтаси Лиммериджадаги хоналаримиздек кенг-каври ва баҳаво бўлмаса ҳам, баҳри дилинг очилиб яшагудек хоналар. Блэквотер Парк ҳақида қулогимга чалинган миш-мишлар — бесўнақай қадимий курсилар, моғорлаб қўланса ҳид босган пардалар, хуллас, дунёга келиб, ҳузур нималигини билмай, дўстларига манзур бўлгудек қулайликларни

писанд ҳам қилмаган бандалар йиғиб қўйган дунёда борки, эскилик сарқитлари ўтакамни ёрарди. Ниҳоят ўн тўққизинчи аср ҳаёт тақозоси мени улоқтираётган ушбу хонадонга ҳам тазйиқ этиб, чиркин «бебаҳо олтин даврлар»ни кундалик ҳаётимиз йўлидан супуриб ташлаганини кўриб қанчалик енгил тортганимни ифодалашга ожизман.

Эрталабки вақтимни елга совурдим — унинг бир қисми пастки қаваддаги хоналарда, қолган қисми эса ташқарида — бинонинг тўрт томонини муҳофаза қилиб турган темир дарвозали баланд панжаралар ичидаги улкан ҳовлида ўтди. Ҳовлининг ўртасида тошдан гардишсимон ишланган каттагина ҳовуз кўзга ташланади. Унинг ўртасида қандайдир кумушранг махлуқ, тиниқ сувида эса анвойи олтин балиқчалар гужғон ўйнайди, атрофига эса момикдан майин майса пояндоз тўшалган. Бунақа сўқмоқда умрим бино бўлиб юрмаганман. Шу ернинг соя-салқинида тушликкача санғидим. Кейин сербар шляпамни олиб, қуёш тафти анча ёқимли эди, чорбоғ сатҳини кўздан кечириш учун бир ўзим чиқиб кетдим.

Чарақлаб турган кун тунги таассуротларимни тасдиқлади. Блаквоутерни дарахт босиб кетибди. Бино ҳам уларнинг орасида бўғилиб қолибди. Дарахтларнинг аксарияти унча етилмаган, лекин ўта қалин экилган. Назаримда, шу яқин-атрофдаги қурилишга яроқли дарахтлар сэр Персивалга қадар беаёв кесилиб кетган. Кейинги мулкдор эса яйдоқ бўлиб қолган ерларни — зудлик билан зич қилиб тўлатиш пайига тушган бўлса керак. Уй олди саҳнини кўздан кечирарканман, чап томонимдаги гулзорга кўзим тушиб, нималари борлигига қизиқсиниб ўша томон йўл олдим.

Кафтдаккина ерни эгалаган гулзор қаровсизликдан бир аҳволда экан. У ердан ўтиб, темир панжара дарчаси орқали пихтазорга чиқиб қолдим.

Файритабий туюлган ўта айланма сўқмоқ мени дарахтлар орасидан олдинга бошлади. Ўзим шимолий ўлкалик бўлганим учун ҳам, кўп вақт ўтмаёқ арчагул босган кумлоқ сайҳонликка чиқаётганимни сездим. оққарағай дарахтлари оралаб, чамамда, ярим милдан ортиқроқ йўл босган эдим шекилли, сўқмоқ йўналиши кескин бурилиб, икки томонимдаги дарахтлар ҳам сийраклашдию, қутилмаганда воҳа чеккасидан чиқиб қолдим. Пастда бинога ўз номини ҳады этган Блаквотер кўли ясланиб турарди.

Турган жойимдан паст томон суйри бўлиб тушган ерлар бир текис кумлоқ, ҳаккам-дуккам жойларидагина устини арчагул қоп-

лаган дўнгчалар қаппайиб, хувиллаган манзарага жон багилаб турарди. Кўл сатҳи бир вақтлар мен турган нуқта кенглигида бўлгани, кейинча суви тортилиб, қуриб, учдан бир қисми қолгандек кўринарди. Унинг айни вақтда миқ этмай турган суви мандан чорак мил нарироқда атрофини гумай босган бир неча кўлоб ва халқобларга бўлинган. Уларнинг ҳам у ер-бу ерида дўнглик чўққилари кўзга ташланади. Кўлнинг нариги томони яна қалин дарахтзор бўлиб, уфқ манзараларини бутунлай тўсиб қўйган, кўлнинг юзагина халқобларига ҳам қоп-қора соя ташлаб турибди. Кўл лабига тушганимда нариги соҳил юзини сув ўтлари билан мажнунтол босиб кетган зах ва ботқоқлик эканини кўрдим. Куёш нури барқ ураётган қумлоқ ерларда тиниқ кўринган сув рўпарамдаги говак қирғоқлар соясию мажнунтолларнинг шокила-шокила осилиб турган новдалари остида қолган қисми қоп-қора кўринарди. Нариги ботқоқлик томон яқинлашганим сари бақаларнинг вақир-вуқури қулоққа чалина бошлади, сув каламушлар гоҳ соядаги сувларга шўнғиб, гоҳ чиқиб туришаркан, уларнинг ўзлари ҳам жонли соядек туюларди. Ўша ерда чириб тамом бўлаётган эски қайиққа кўзим тушиб қолди. У тўнтарилган ҳолда ярми сув ичидаю ярми сув юзида эди. Дарахт шохлари орасидан таралаётган куёш нури ёритиб тураркан, сув ўртасида бир илон қулча бўлганча макр сукутида ўзини офтобга солиб ётарди.

Хувиллаб, тўкилиб турган яқин атроф кўнгилга гашлик соларди. Беғубор ёз самосида пориллаб турган куёшнинг мунаввар нурлари эса ўз бағридаги мана шу ташландиқ жойни яна ҳам хилватроқ, ваҳималироқ қилиб қўяётгандек туюларди. Орқамга бурилиб яна ўша арчагул босиб кетган қирғоқ томон юрарканман, илгариги йўлимдан хиёл четлаб, пихтазор этагидаги нураб кетган шийпон томон йўл олдим. Шу пайтгача бутун хаёлим кўл ва унинг атрофидаги бўз ерларда бўлиб, уни пайқаманган ҳам эканман.

Шийпон ёнига келиб, унинг бир вақтлар қайиқ сақланадиган омбор бўлгани, кейинроқ пештахта, бир нечагина курси ва арча ёғочдан наридан бери йўнилиб тайёрланган узун ўриндиқлар қўйилиб равоқнамо қилингани кўриниб турарди. Ўша ерга кириб, нафасимни бироз ростлаб олиш ниятида ўтирдим.

Омборга кирганимга ҳали бирор дақиқа ўтмаёқ хансирашим негадир шундоққина остимдан акс садо бераётгандек туюлиб кетди. Бир лаҳза нафасимни ичимга ютиб, қунт билан қулоқ солдим. Ўзим ўтирган ўриндиқ остида нимадир хириллаб нафас олаёт-

гандек туюлди. Анча-мунча нарсага парво қилмасам ҳам, лекин бу ҳолдан ўтакам ёрилиб, сапчиб ўрнимдан туриб кетдим. Чинқ-ириб ҳам юбордим. Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Ниҳоят ўзимни босиб, менга бевафолик қилган довиорақлигим билан ўриндиқ остига энгашиб қарашга журъат этдим.

Буни қаранг, мени даҳшатга солган — ташландиқ лайча қиёфасида бир бурчакка тиқилиб олган ола спаниел экан. Ўша махлуқни ёнимга чақирсам, ихраб сал гингшидию лекин қимирламади. Ўриндиқни четроқ суриб, уни яқинроқдан қарадим. Жониворнинг мўлтираган кўзлари хира тортиб кетаётгандек туюлар, унинг ялтироқ оқ томонида эса қон доғлари бор эди. Айтишга тили йўқ, нотавон ва заиф бир махлуқнинг азоб чекаётганига шубҳа йўқ, бу дунёнинг жаъмийки қабоҳатлари ичида энг аянчлисиси шу бўлса керак. Кучук жониворни иложим борича эҳтиётлик билан қўлимга олиб, уни этагим барига солдим, у гўё беланчакда ётгандек бўлиб қолди. Шу алфозда унга заррача озор етказмай зудлик билан уйга олиб келдим.

Залда ҳеч ким бўлмаганидан, бу ерда ҳаялламай тўғри ўз ҳужрамга чиқиб, эски рўмолларимдан бирини унга тўшаб бергач, кўнғироқни чалдим. Хонадон дастёр аёлларидан энг басавлату бақалоғи, назаримда, ҳатто сабр-бардошли авлиёнинг ҳам гашини келтиргудек аҳмоқона иржайиб кириб келди. Ерда ётган мажруҳ махлуққа кўзи тушдию, тарвақайлаб кетган баркаш юзи икки томонига чўзилганича ишшайиб қолди.

— Нимаси кулгили экан? — дедим жаҳл билан гўё у ўз дастёримдай. — Кимнинг кучугийкин, билмайсизми?

— Йўқ, мисс. Мутлақо билмайман. — У эгилиб спаниелнинг жароҳатланган томонини назардан кечирдию хаёлига келиб қолган фикрдан очилиб кетди. Ўзича мамнунлик билан ҳиринглаб кучук жароҳатига ишора қилганича, — Бакстернинг иши, ўшанинг иши — деди.

Шунчалар жиғи-бийрон бўлиб кетдимки, унинг қулогини узиб олишимга сал қолди.

— Бакстер? — дедим зарда билан. — Бакстер ким экан ўша Бакстер исмли қаттол?

Дастёр қиз бу гал аввалгидан ҳам талтайиброқ ҳиринглади.

— Худо асрасин сизни, мисс! У Бакстернинг боғбони, санғиб юрган дайди кучук учраб қолгудек бўлса, уни паққа отади. Боғбонлик вазифаси шуни талаб қилади, мисс. Менимча, кучук ўлиб қолса керак. Мана бу еридан отилганга ўхшайди, шундай-

ми? Бакстернинг иши, ўшанинг иши. Бакстернинг иши, мисс, Бакстернинг вазифаси.

Тутоқиб кетганимдан Бакстер кучукни отгандан кўра мана шу дастёрни отиб ташласа бўлмасмиди, деган хаёлга бордим. Ўша тепса тебранмас етимчадан оёғимиз остида азобланиб ётган махлуқ дардига малҳам бўлгудек бирон нажот чиқишидан умидим узилгач, воқеадан рўзгорбошини огоҳ қилиб қўйиш ниятида унга самимий саломимни етказиб, уни йўқлаётганимни айтиб қўйишни илтимос қилдим. У қандай илжайиб кирган бўлса, худди ўшандай илжайганича чиқиб кетди. Эшик ёпилар-ёпилмас унинг гудурагани қулоғимга чалинди: «Бакстернинг иши, Бакстернинг вазифаси. Гапнинг очиги шу».

Рўзгорбоши мактаб кўрган, эс-хушли аёл бўлганидан, ҳар эҳтимолга қарши, озгина сут билан илиқ сув олиб олдимга чиқибди. Рўмол устида ётган кучукка кўзи тушдию ранги оқариб, бақрайганича қолди, хиёл ўтмай чинқариб ҳам юборди:

— Ийе, ё парвардигорим-ей! Бу миссис Катерикнинг кучуги бўлса керак!

— Кимнинг кучуги дедингиз? — ажабланиб сўрадим.

— Миссис Катерикнинг кучуги. Миссис Катерикни танийсиз шекиллик, мисс Ҳалкомб?

— Шахсан ўзини кўрмаганман, лекин эшитганман. Шу ерда турадиларми? Қизидан дарак борми?

— Йўқ, мисс Ҳалкомб, бечора ўшанинг дардида келган экан.

— Қачон келувди?

— Кечагина. Унинг айтишича, кимдир шу атрофларда худди унинг қизига ўхшаган аёлни кўрган эмиш. Бундай миш-мишдан бизнинг хабаримиз ҳам йўқ. Миссис Катерикнинг илтимосига биноан қишлоққа одам юбордик. У еда бунақа гаплар йўқ эмиш. Лекин мана шу кучук миссис Катерик билан келгани аниқ, кетаётганида ҳам орқасида дикиллаб юрганига кўзим турган эди. Жонивор дарахтзорга кириб адашиб қолгану отилган бўлса керак. Уни қаердан топиб олдингиз, мисс Ҳалкомб?

— Кўл томондаги эски шийпон ичидан.

— Э, ҳа, дарахтзор чеккасидан денг. Жонивор, назаримда, бошқа ҳамзотларидек, ўлим олдидан яқинроқдаги панароқ жойга судралиб бориб олибди-да. Мисс Ҳалкомб, сиз тумшугини сут билан намлаб турсангиз, мен жароҳати атрофини ювай. Лекин бу муолижамизда анча кечиккан бўлсак керак, деган хавфдаман. Ҳар ҳолда, уриниб кўрайликчи.

Миссис Катерик! Бу ном ҳамон қулоғимдан нари кетмас, уни эшитиб юрагим така-пука бўлаётгандек эди. Кучук билан овора бўлиб турарканмиз Валтер Ҳартрайтнинг гаплари хаёлимдан ўтди: «Мабодо Анна Катерик билан учрашиб қолгудек бўлсангиз, мисс Ҳалкомб, бунақа имкониятдан мендан кўра унумлироқ фойдаланинг». Жароҳатланган спаниелни топиб олишим туфайли миссис Катерикнинг Блаквотер Паркка келиб кетганидан хабар топган бўлсам, кейинги воқелик, ўз навбатида, яна қўшимча маълумотлар бериб қолиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам ўша ондаги имкониятимдан унумлироқ фойдаланиб, иложим борича кўпроқ маълумот олишга уриндим.

— Миссис Катерик шу атрофда яшаган, дегандек бўлдингизми?

— О, азизим, йўқ, — деди рўзгорбоши. — У аёл Велмингҳамда яшайди, вилоятнинг нақ нариги чеккасида — бу ердан қарийб йигирма беш мил нарида туради.

— Миссис Катерикни анча йиллардан бери танисангиз керак?

— Аксинча, мисс Ҳалкомб, кеча келгунигача уни мутлақо кўрмагандим. Сэр Персивал унга мурувват қилиб, қизини шифокорлар назоратига олганидан хабардорлигимдан, албатта, унинг номи қулоғимга чалинганди. Миссис Катерик, табиатан, ажабтовур бўлса ҳам, лекин ўзи анча салобатли аёл. У қизини шу атрофда кўришгани ҳақидаги миш-мишлар ўринсиз эканига иқрор бўлгач, ахир, ҳеч бўлмаганда, бирортамиз сезгудек бўлганимизда ҳам бошқа гап эди, ҳафсаласи пир бўлгандек бўлди.

— Миссис Катерик мени жудаям қизиқтириб қолди-да — дедим иложим борича суҳбатимизни чўзиш илинжида. — Кеча эртарақ келганимда, уни учратган бўларканман. Бу ерда анча вақт бўлдиларми?

— Ҳа, — деди рўзгорбоши — анчагина вақт бўлди. Бир нотаниш жентлмен келиб қолиб, мени унинг олдига чақиритмаганида, менимча, яна бироз ўтирган бўларди. Хизматкор аёл ўша жентлмен сэр Персивал қачон қайтиб келишини суриштирганини айтиши биланоқ ўрнидан туриб кетдию зипиллаб жўнаб қолди.

Кетиш олдидан бу ерга келганини сэр Персивалга айтиб ўтирмаслигимни уқтирди. Бундай воқеалар масъулияти менинг зиммадалигини билатуриб, шахсан менга қилган мана шу писанда си ғализроқ туюлди.

Менинг назаримда ҳам ўша писанда тагида бир гап бордек эди. Сэр Персивал Лиммерижда бўлиб ўтган суҳбатимизда мени шунга иқрор қилгандики, у билан миссис Катерик ўрталаридаги

ўзаро ишончининг муқаррарлигига шубҳам қолмаганди. Ўша гаплар ҳақиқат бўлса, нега энди миссис Катерик ўзининг Блаквотер Паркка келганини ундан пинҳон тутишга уриндийкин?

— Эҳтимол, — аста гап бошладим рўзгорбоши миссис Катерикнинг кетиш олдида қилган писандаси ҳақидаги фикримни эшитишга умидвор бўлаётганини сезиб. — Эҳтимол, уни ўз зиёратидан хабардор қилиш билан дом-дараксиз гойиб бўлган қизидан ҳанузгача дарак йўқлигини эслатиб, ноҳўя ранжитиб қўймаслик ҳаёлига боргандир. У, асосан, қизи ҳақида лақиллаган бўлса керак-а?

— У ҳақда унчалик кўп гапиргани ҳам йўқ. — жавоб берди рўзгорбоши. — Лекин сэр Персивални оғзидан туширмади. Унинг қаерларда сафар қилиб юргани, ёш қаллигининг қанақа қизлиги ва бошқа шу тоифа саволлар билан мени кўмиб ташлади. Бу ерларда қизидан бирон-бир дарак топиш умиди пучга чиққач, ташвишланишдан кўра кўпроқ асабийлашгандек ва тажанглашгандек туюлди. «Ундан умидимни уздим» деган сўнги сўзлари ҳануз ҳаёлимдан нари кетмайди; «Ундан умидимни уздим, мэм, ундан жудо бўлдим». Кейин бирдан леди Глайд ҳақида сўрай бошлади: у ҳуснда баркамол, дилрабо ледими, мулойим ва соғломми, ёшми... Ё парвардигор! Охири нима бўлишига кўзим етувдия. Уни қаранг, мисс Ҳалкомб, жонивор азобдан қутилибди!

Кучук ўлиб қолганди. Рўзгорбоши айни «мулойим ва соғломми, ёшми», деб турганида кучук нолигансимон хиёл гиншиганича оёқларини кериб талвасаланганди. Ўлим қош билан қовоқ ўртасида, деганларидек, бир лаҳза ўтмай кўз ўнгимизда жони узилганди.

Соат саккиз. Пастда бир ўзим овқатланиб, эндигина хонамга чиқдим. Уфққа бош қўяётган қуёшнинг шаффоф нурлари ғовлаб кетган дарахтлар устида зарҳалланиб тургани деразадан кўриниб турибди. Мен бўлсам сайёҳларнинг йўлига кўзим тўрт бўлиб, кўнглимга тасалли бериш учун яна кундалик дафтарим билан овора эдим. Менинг ҳисобимча, улар аллаққачон келишлари керак эди. Жимжит оқшом сукунатида бу бино яна ҳам ҳувиллаб, юракни арзиқтирарли ҳилватгоҳга айланади-я! Ё худойим-ей! Каб гилдираклари овозини эшитиб Лаура қучоғига отилиб тушишим учун яна неча дақиқа қолдийкин-а?

Жонивор лайча! Қани энди Блаквотер Паркка қилган биринчи кунги ташрифим адашган махлуқ ўлими билан бўлса ҳам ноқутлуғ бўлмаган бўлса!

Велмингҳам, мана шу илгариги саҳифаларимни кўзан кечириб иқроор бўлиб турибман, Велмингҳам — миссис Катерик яшай-

диган жойнинг номи. Унинг мактуби, сэр Персивалнинг тазйиқи билан унинг бебахт қизи ҳақида ёзилган хатимга жавоби, айна вақтда ўз қўлимда. Яқин кунларнинг бирида, қулай имконият туғилиши билан шу хатни баҳона қилиб миссис Катерик билан учрашаман-да, дилига қўл солиб кўраман. Бу ерга келганини сэр Персивалдан яширишига ҳеч ақлим бовар қилмайди. Бунинг устига, ҳатто рўзгорбошининг «унинг қизи — Анна бу ерларда эмас» деб ишонтиришга уриниши ҳам кўнглимни хижил қилиб турибди. Мана шу жумбоқ масаласида Валтер Ҳартрайт нима деган бўлардийкин? Бечора, қадрдон Ҳартрайт! Унинг самимий маслаҳати билан бевосита кўмагига муҳтожлим сезила бошланди. Иййе, қулоғимга қандайдир шарпа чалингандай бўлди. Пастда дупурлашиб қолишдими? Худди шундай! Йўрга отларнинг тапир тупури, филдиракларнинг шигиллашини ҳам эшитиб турибман.

II

15 июнь. Сафардагилар қайтиши билан хонадонда ғала-ғовур бошлан кетди. Блаквотер Паркнинг одатдаги ҳаёт тарзи икки кундан кейингина яна аввалгидай ўз изига тушди. Мен ҳам энди хаёлимни пешлаб, ўз таассуротларимни, ҳар вақтдагидек, кундалик дафтаримда қайд этиб қўйиш учун бироз осойишталик топдим.

Лаура билан дийдор кўришганимиздан бери қизиқ бир ҳолнинг гувоҳи бўлиб турибман, ана ўшандан бошлаш керак, деган фикрдаман.

Бир оиланинг икки аъзоси ёки ўзаро қадрдон икки дугона бир-бирдан жудо бўлишса, бири чет элга кетсаю иккинчиси уйда қолса, сафарда юрган жигарбанд ёки дугонанинг қайтиб келиши улар дастлаб учрашганларидаёқ уйда қолган жигарбанд ёки дугонани ноқулай аҳволга солиб кўяр экан. Биринчисининг шу қисқа вақт ичи ўзгариб кетган тафаккур дунёсию одатлари иккинчисининг илгаригидай қотиб қолган мулоҳазаю одатлари тўқнашиб, меҳрибон жигарбанд ва шайдойи дугоналарни, кутилмаганда, беихтиёр бир-бирдан бегоналаштириб, ғалати вазият содир бўлиб қолгандай туюларкан. Лаура билан учрашиш қувончли дақиқалари ўтиб, бироз ўзимизга келгач мириқиб гаплашиш ниятида бир-биримизнинг пинжимизга суқулиб ўтирганимизда худди ўша аҳвол яққол сезилди. Лаура назарида ҳам шундай туюлганини пайқаб турардим Энди, одатдаги ҳаётимиз асосан ўз изига тушгач, орамиздаги тафовут ҳам қисман кўтарилиб қолди. Кўп ўтмай ундан ном-нишон қолмаса ҳам ажаб эмас. Ҳозир-

ча яна қайта бирга яшар эканмиз, ўша дастлабки таассуротим ҳамон хаёлимдан нари кетмай қолган, шунинг учун ҳам бу ҳақда илова қилиб ўтишга қарор қилдим.

Унинг назарида мен ўша-ўша Мариан эмишман, менинг назаримда эса у бошқачароқ бўлиб қолган: ташқи қиёфаси, айниқса феълү атвори ўзгарган. Илк ҳусни анча сўлибди, дея олмасам ҳам, мен учун ўз жозибасини йўқотибди.

Унга менинг кўзим билан қараб, тасаввур қилмаганлар, эҳтимол, чиройи очилиб кетибди, деган хаёлга боришлари ҳам мумкин. Юзлари анча тўлишган, қизил югуриб, ранги очилибди. Қадди-қомати қизлик давридагидан хушбичимроқ, ўзи ҳам диллашиб, уятчанлиги ҳам саранжом топибди. Шунга қарамай, унга назар ташлаб, нимадир етишмаётганини — бир вақтлар қувноқ ва беозор Лаура Фэрли сиймосида кўзга ташланган хусусият Леди Глайд сиймосида кўринмаётганини сезардим. Илгарилари унинг чехраси бегубор, мулойим товланиб турса ҳам, лекин кишини мафтун қиладиган ҳусн нафосати, ифодалашга сўз ожиз ёки бечора Ҳартрайт таъбири билан айтилганда «тасвирий санъатда ифодалаб бўлмайдиган жозибаси» бор эди. Ана ўша жозоба барҳам топганди. У сафардан қайтиб келган оқшом кутилмаганда дийдор кўришишимиздан тўлқинланиб ранги паға бўлиб кетган дақиқада ўша жозибанинг гира-шира шуъласини кўргандек бўлувдим, лекин ўшандан бери қайта намоён бўлмади. Унинг биронта хатидан шунчалар ўзгариб кетишини кутмаган эдим. Аксинча, мактубларига биноан, у турмушга чиқиб, ҳеч бўлмаганда юзаки қаралса ҳам, мутлақо ўзгармаганини кутган эдим. Илгари унинг хатларини тушунмай ўқиб, айнаи вақтда ҳам қиёфасини ноҳўя талқин этаётганмикинман? Бу гапларнинг ҳожати йўқ! Ахир, сўнгги олти ой ичи унинг ҳуснига ҳусн қўшилдими ёки ҳусни завол топдими, нима бўлганда ҳам, ўртадаги жудолик уни мен учун ҳар қачонгидан ҳам мўътабарроқ қилиб қўйдим, нима бўлсаям, бу айнаи никоҳнинг ижобий ҳосилаларидан бири эди-да!

4— Иккаламиз қачон бирга бўлмайлик, Мариан, — деди у, — ҳар вақт бир-биримизнинг тафтимизни олиб, қувончимизга қувонч қўшилаверади. Фақат менинг келинлик ҳаётимни ўз холига қўйсақ, буни камроқ эслаб, камроқ тилга олсак. Ўзим ҳақимда, жонгинам, сизга ҳаммасини очиқ айтган бўлардим, — давом этди у. — ранжиганнамо бир қиёфада белбоғимни ечиб қайта боғлаганича. — кошки, бу ўз шаънимгагина боғлиқ бўлса. Лекин бу-

нинг иложи йўқ, акс ҳолда, эрим шаънига ҳам тил тегизишга тўғри келади, энди мен эрлик аёлман. Уни ҳам, сизни ҳам ва ўзимни ҳам эҳтиётлаб, бунга йўл қўймаслик илинжидаман. Бу билан сизниям, ўзимниям ранжитмоқчи эмасман, икки дунёда буни ҳелингизга келтира кўрманг, кўнглимга сиғдира олмайман. Аксинча, сизни яна топиб олганимдан қувониб юрсам, сиз ҳам ўша қувончимга ҳамдам бўлсангиз дейман... — Кутилмаганда у гапини узиб, хона атрофига, ўзимиз суҳбатлашиб ўтирган меҳмонхонам у ёқ-бу ёғига алангларкан, — Иййе! — чинқириб юборди у қувонганидан чапак чалиб, — яна битта қадрдонимни топиб олдиму! Сизнинг китоб жавонингиз, Мариан, сизнинг сийқаланиб кетган суюкли кўҳна ёғоч жавонингиз. Уни Лиммериждан олиб келиб, мени қанчалик қувонтирганингизни билсангиз эди! Бундан ташқари, ёнгарчилик пайтларида қўлингиздан туширмайдиган мана бу зилу замбил бесўнақай зонтни айтмайсизми! Лекин буларнинг ҳаммасидан ҳам афзали — ҳар вақтдагидек меҳр товлаб, ақл-идрокингиз намоён бўлиб турган бугдойранг сиймонингиз! Бу ер гўё ўз уйимдек-а. Буни ўша уйимизга яна ҳам тақлидроқ қилишнинг иложи бормикин! Хонамдаги отамнинг расмини меҳмонхонангизга кўчирсам, Лиммериждан олиб келинган ҳамма зебу зийнат бисотимни ҳам шу ерда асраб, ҳар кунги вақтимизни — соатлар кетидан соатлар — мана шу қадрдон тўрт девор ичида ўтказсак. Оҳ, Мариан! — деди у кутилмаганда шундоққина тиззаларим ёнида турган оёқ курсига силжиб, юзларимга маънос термилганича. — Ҳеч қачон турмушга чиқмасликка, мени ёлғиз қолдириб кетмасликка ваъда беринг. Сўзларим, эҳтимол, худбинлигимдандиру, лекин ёрингизга меҳрингиз тушмаса, ҳа, меҳрингиз тушмаса, эрсиз юрганингизга нима етсин. Ҳар ҳолда, меҳрингиз мендан бегоналашмасин, шундай эмасми? — У яна сўзини бўлди, қўлларимни тиззамга устма-уст қилиб, унга юзини қўйди.

— Кейинги вақтларда тез-тез хат ёзиб, жавобини ҳам олиб турибсизми? — оҳистагина савол ташлади у бирдан бошқачароқ оҳангда. Саволи нима устидалигини даров фаҳмлаган бўлсам ҳам, фикрини дарров инобатга олиш билан уни ҳаяжонлантириб қўймасликни маъқул топиб, индамай қўя қолдим.

— Ундан нима хабарлар бор? — сўзини давом эттираркан, юзи ҳамон ясланган қўлларимни ўпиб, дилидан нари кетмай қолган илинжини очиқ айтишга журъат этгани учун эланиб узр сўради.

— Ўзи саломатми, ҳаётдан мамнунми, мусаввирлик ишлари

юришиб турибдими? Анча ўзига келиб қолган, мени ҳам хаёлидан чиқаргандир-а?

Бундай саволларга ўрин йўқ эди. Сэр Персивал никоҳ фотиҳасидан сўз очган кун эрталабки узил-кесил қарорини, Хартрайт расмлари альбомидан воз кечиб, уни менга бутунлай берганини ёдидан чиқармаслиги керак эди-да. Лекин, эвоҳ! Бирор ножўя қадам ташламай, чекинмай, ўз қарорида собит қадам бўлган бандаси топилармикин? Ишқ савдосига мубтало бўлиб, кейинча ўша ошиқ сиймосини юрагидан шартта юлиб ташлайдиган аёл зоти топилармикин? Китобларда ёзилишича, ўшандай ғайритабиий махлуқлар бўлган эмиш, лекин ҳаёт сабоқлари ўша китобларга нима жавоб қиларкин?

Унга эътироз билдиришни ўзимга эп кўрмадим. Эҳтимол, бу унинг мана шу мардонавор сидқидиллиги туфайли бошқа аёлларнинг худди шундай вазиятда ўз ҳиссиётларини энг қадрдон дугоналаридан ҳам пинҳон тутгудек баҳоналарга тармашишини яққол тасаввур қилиб, унга қойил қолганимдандир. Эҳтимол, унинг ўрнида ўзим бўлганимда (буни дилим сезиб, ақлим ҳам етиб турибди), мен ҳам ўша хаёлларга бориб, шундай саволлар берган бўлардим. Виждонан қўлимдан келгани — унга хат ёзмай қўйганман, ундан ҳам домдарак йўқ, деб қўя қолиб, суҳбатни бехатароқ мавзуга кўчирдим.

У сафардан қайтганидан кейинги мана шу суҳбатимиз хуфия дилкашлигимиз кўнглимни хижил қиладиган анча иллатларни ошқора қилди. У турмушга чиққач, орамизда сир тутиладиган мавзуъ юзага келиб (ҳаётимизда биринчи маротаба содир бўлиши), ўзаро муносабатимиз ўзгарибди, ўзи очиқ айтмаган бўлса ҳам, миямга уриб турибди, эр-хотин ўртасида муҳаббат эҳтиросию дилбандлик туйғуларидан заррача нишона йўқлигига ўкинаман, афсусланаман; машъум шайдолик ҳам қанчалик беғараз ва қанчалик безарар бўлмасин, унинг нозик қалб торларини ҳамон аввалгидек чертиб турган экан — мана шулар мендек унга ўз жонини ҳам фидо қилишга тайёр, унга заррача озор етишишини раво кўрмайдиган ожизани изтиробга соладиган нохуш янгилик эди. Ўшанга кўндаланг бўлгудек тасаллиси ҳам бор, ана ўша тасаллигина кўнглимга таскин бериши, албатта, таскин бериши керак эди. Лаура энди қайтиб келган экан, унинг феъл-атвориға мансуб дилраболиғу назокат, табиатидаги самимийлик жилолари унга юзма-юз келувчи ҳар кимсани ҳам ўзига мафтун этиб, меҳрини товлайдиган жамики мафтункорлик фази-

латларидан иборат аёллик жозибалари кўнглимни яна қайта мунаввар қиларди. Булардан бошқа таассуротларимга келсак, баъзан бироз иккиланиб ҳам қоламан. Таассуротларимнинг ўша сўнги, энг қадрли ва энг қувончлисига эса кун сайин, соатлар сайин қайта ва қайта иқрор бўлиб турибман.

Энди Лаурани бас қилиб, унинг ҳамроҳларига ўтсам. Аввало, эътиборим эрига жалб қилиниши керак. Сафардан қайтганидан буён сэр Персивал қиёфасида кўнглимни илитгудек бирон нарса сезилдими?

Жавоб бериш анча мушкул. Сафардан қайтганидан бери қандайдир арзимас дилхиралигу ташвишлар уни хуноб қилаётган бўлса керак. Ўша вазиятда бошқа бирон-бир кимсанинг ўзини шунчалик дадил тутиши амри маҳол. Назаримда, у Англиядан жўнаб кетиши олдидагидан кўра анча озиб қолган. Тинкасини қуритадиган йўтали ҳам кучайиб, янада бесаранжомроқ аҳволга тушгани шундоққина кўриниб туради. Унинг муомалалари, айниқса, менга нисбатан муносабати илгаригидан бутунлай ўзгариб қолган. Ҳатто сафардан қайтиб келган оқшом ҳам мен билан наридан-бери саломлашиб кўя қолган, илгариги одобию мулозиматларидан қарийб ҳеч вақо қолмаган — на бу ерга келганимдан мамнунлиги изҳор қилинган бир-икки оғиз ширин сўзу, на чехрасида ниҳоят дийдор кўришишимиздан самимий қувонч, шунчаки кўл олишишу, тўтинами «Омонилар, мисс Ҳалкомб, дийдорлашиш насиб этганидан хушнудмиз», вассалом. Назаримда, у мени гўё Блэквотер Паркдаги ўз жойида қаққайиб турган уй анжомларидек фаҳмлаб, ортиқча эътиборнинг ҳожати йўқ, деб ҳисоблайди. Эркак зотининг аксарияти ўз уйларида саранжому саришталикка эътибор берадилар. Сэр Персивал ҳам ўзини тартиб-интизом ва озодаликка муккасидан кетганлардан, деб кўрсатишга уринади, ваҳоланки, бу унинг табиатига тиқиштирилган бир янгилик холос. Ахир, илгарилари унинг шахсияти, назаримда, бутунлай бошқача кўринарди. Мабодо кутубхонадан бирорта китоб олиб, уни столда қолдиргудек бўлсам, кетимдан кириб, уни қайта жойига қўйиб қўяди. Курсидан туриб кетсаму у ўз жойида қолдирилгудек бўлса, уни эҳтиётлик билан ўша девор ёнидаги илгариги ўрнига обориб қўяди. Гилам устига тўзғиб тушган гултожлар кўзига гўё алангаллашиб турган чўғу, бисотини куйдириб тешиб қўядигандек, нолиганича нималардир деб пўнғиллайди. Дастурхоннинг бирор ери гижимлигини сезиб қолгудек бўлса ёки столда биронта пичоқ етишмагудек бўлса, гўё бу билан хиз-

маткорлар Персивал шахсиятини ҳақорат қилиб қўйгандек, уларга аҳаннос солиб дағдага қилади.

Сафардан қайтиб келганидан бери уни хуноб қилган баъзи бир арзимас камчиликларини қайд этиб ўтдим. Унинг табиатида сезилган аксари салбий ўзгаришлар ҳам, эҳтимол, ана ўшалар туфайли юзага чиқаётгандир. Ўзим мана шунга ишонч ҳосил қилиш пайидаман. Ахир, келажакдан умидимни узоқчи эмасман-да. Узоқ вақт мусофирликда юриб, ўз уйига кириб келиши дақиқасиданоқ дилхираликка дучор бўлган ҳар қандай одамнинг ҳам, албатта, қони қайнаб кетиши турган гап. Сэр Персивал ҳам менинг кўз олдимда худди шундай бемаъни вазиятга тушиб қолган.

Улар қайтиб келишган кунни кечкурун рўзгорбоши ўз соҳиби, соҳибаси ва уларнинг меҳмонларини кутиб олиш учун менинг кетимдан залга кирди. Унга сэр Персивалнинг кўзи тушдию ундан сўнги кунларда уйга биров келган-келмаганини суриштириб қолди. Рўзгорбоши бунга жавобан, илгари менга айтиб ўтганидек, номаълум бир жентлмен келиб, соҳибихонанинг қачон қайтишини сўраганини унга маълум қилди. Сэр Персивал шу ондаёқ унинг исмини билмоқчи бўлди. Исмини айтмай кетган экан. Нима иш билан шуғуланаркан? Иши ҳам номаълум. Афтиангори қандай? Рўзгорбоши уни тавсифлаб беришга уриндию, лекин ўша исми номаълум шахс қиёфасини ўз соҳиби танигудек қилиб аниқроқ бир шахсий белгилари билан таърифлаб беролмади. Сэр Персивалнинг қошлари уюлиб, жаҳл билан депсинди ва ҳеч кимга назар-писанд қилмай ичкарига кириб кетди. Нима учун у шунчаки бир тасодифга тирсиллаб кетдийкин, бирон нарса дейишим қийин. Лекин ўзини қўйгани жой тополмай қолгани аниқ, бунга шубҳам йўқ.

Умуман олганда, нима бўлса ҳам, айна вақтда унинг фикру хаёлини шаксиз зимдан безовта қилаётган ташвишларидан фориг бўлганича, эҳтимол, нима деганию, нима қилганини қайд қилиш билан сохта фикр туғдириб қўймаслигим маъқулроқдир, шунинг учун янги саҳифа очиб, ҳозирча Лауранинг ёстикдошини қаламга олмай, уни ўз холига қўя қоламан.

Ўз навбати билан энди гал икки меҳмон — граф ва графиня Фосколарга берилади. Аввал графиняни эътиборингизга ҳавола қилиб, бу аёлдан иложи борича тезроқ кутилиб қўя қолайлик.

Лаура ўз мактубларида ёзганидек, аммаси билан яна қайта учрашиб қолишим насиб этгудек бўлса, уни танишим анча мушкул-

лиги муболага эмас экан. Аёл зоти турмуш қургач, мадам Фоскодек бутунлай бошқача бўлиб қолишини умримда учратмаган эдим.

У ҳали (ўттиз етти яшар) Элионор Фэрли эканлигида ҳар вақт виқор билан вақиллаб, эркак зотини таҳқирловчи ўзбилармон беҳаё аёлдек, бахт қиё боқмаган кишиларни бўлар-бўлмасга ранжитиб юрарди. Энди (қирқ уч яшар) мадам Фоско экан, хаёл огушига берилиб ажиб қиёфада қотиб қолгандек, бир неча соатлаб ҳам миқ этмай ўтирадиган бўлиб қолибди. Унинг икки чаккасида осилиб кишининг кулгисини қистатадиган сатангча кокиллари ҳам тарашланган гажакчаларга айланиб, қачонлардир урф бўлган ясама сочи эслатади. Бошидаги одмигина сарпўш тасаввуримдаги бу аёлни ҳозир улугвор қилиб кўрсатади. Илгарилари ҳамманинг кўз ўнгидаги турқи-таровати (кўкрак устидан курагигача жуссасини назарда тутаман) энди эридан бошқа ҳеч кимнинг кўзига ташланмайди. Бўйинларигача ўраб турадиган қоп-қора ёки кулранг либосга бурканганича (қизлик пайтларида кўнглининг кўчасига кириб бунақа кийимлардан нах уриб, уларни масхараларди), бурчак-бурчакда миқ этмай ўтираверади. Қуришиб кетганидан ғовак бўрни эслатадиган қақраган оппоқ қўллари кашта ё шахсан граф учун тамакидон тўқиш билан банд. Аҳён-аҳёнан ишдан бош кўтариб қолган дақиқаларда унинг ёқимсиз кўк кўзлари, гўё вафодор кучук ўз эгасига итоаткорона мўлтираганидек, эрининг кўзларига термиларди. Рангидан муз ёғиладиган хомуш қиёфасидан бир-икки маротаба ички ҳиссиёти тафтини ҳам сезгандек бўлдим. У эрини хонадонда борки аёллардан (ҳатто дастёр заифалардан ҳам) рашк қилиб, граф уларга бирон бир топшириқ бериш илинжида яқинлашгудек бўлса, ўшаларга ҳам еб қўйгудек бўлиб қарарди. Мана шундай эҳтиросга берилмаган ҳолларда — эртами, кечми, ичкаридами, ташқаридами, ҳаво очиқми-тундми — ҳар вақт тошдан ясаиб, ҳеч нарса қор қилмайдиган ҳайкалдек музрайгани музрайган эди. Унинг табиатида содир бўлган ўзгаришга келсак, жамоатдаги нафи эътиборга олингудек бўлса, ижобий бўлиб, у ҳеч қачон бошқалар йўлида тўғаноқ бўлмайдиган ҳеч кимнинг жигига тегмайдиган мўмин-қобил, беозор бўлиб қолган. Лекин ботинан юксалганми ёки тубанлашганми — бу бошқа масала. Бир-икки маротаба қўққисдан лабларини буриб, авзойи бошқачароқ бўлиб қолганига кўзим тушган. Мулойим овозида қулгимга бежороқ оҳанг чалингандай туюлган. Шулар кўнглимга шубҳа солиб турибди: илгарилари пов этиб ичидан чиқиб кета-

диган хавф-хатарлар энди попилтириги пасайтириб қўйилган пайтда тўпланиб қолмаганмикин? Бундай хаёлга боришим, эҳтимол, мутлақо ўринсиздир. Лекин, нима бўлганда ҳам, кўнглим гувоҳлик бериб турибди-да, ҳақ бўлсам керак. Вақт кўрсатар.

Бир вақтлардаги ўзбилармон инглиз аёлини энди қариндошлари ҳам зўрга танийдиган кепатага солиб қўйган ўша ажнабий эр, мана шунақа каромат кўрсатган ўша авлиё — графнинг ўзи кимикин? Граф қандай одам?

Қисқа қилиб айтганда, у дуч келганки махлуқ зоти попилтиригини пасайтириб қўя оладиган қаттиққўл одамга ўхшайди. Мабодо бирор аёлга эмас, мода йўлбарсга уйланиб қолгудек бўлса, ўшани ҳам тинчитиб қўйса керак. Бордию менга уйланиб қолганида, мен ҳам унинг хотинидек қаршисида сигаретини тутиб турган бўлармидим. Унинг бир қараб қўйиши кифоя — миқ этмай қолганидек, мен ҳам тилимни қисиб қолган бўлармидим.

Ушбу фикрларимни изҳор қилишга, ҳатто, уларни ушбу махфий саҳифаларда ифодалашга ҳам юрагим дов бермайди. У мени ўзига маҳлиё этиб, хаёлимни олиб қўйган, ҳатто менга ёқиб ҳам қолган. Шу икки кун ичидаёқ кўнглимга йўл топиб, меҳримни қозонган бўлсаю, юқоридагидек бемаъни сароб унинг кўлидан келиши ақлимга сифмасди.

Ҳозир уни эсларканман, ўзи ҳам кўз ўнгимда яққол намоён бўлиб турибди-я, таажжуб! Хаёлимга ғойибона келадиган ҳеч бир кимса, Лаурадан ташқари, ҳатто сэр Персивал, Фэрли жаноблари билан Валтер Ҳартрайтлар ҳам шунчалик рўй-рост гавдаланмайди! У шу дақиқа ҳам гапирётгандай, овозини ҳам эшитиб тургандайман. Кечаги суҳбати қулоғимда ҳозиргидай янграб турибди. Уни қандай таърифласамикин? Қиёфаси, одатлари ва ҳазилларида кишининг жиғига тегадиган нозик томонлари ҳам бор, ўша қилиқларини бошқа бировда кўриб қолгудек бўлсам, аччиқ сўзлар билан таъзирини бериб қўйган ёки боплаб калака қилган бўлардим-а. Унинг бу камчиликларини юзига солиш ёки мазах қилиш шаштидан қайтараётган нимакикин?

Масалан, у хўппа семиз. Шу вақтгача умуман қориндор одам зотини хуш кўрмай келардим. Эл оғзидаги кишининг басавлатлиги унинг кенг феълига узвий боғлиқ, хушмуомала одамларгагина эт битади, бошқача қилиб айтганда, кишининг этига эт қўшилиши унинг феълига ижобий таъсир этади, деган фикрларни ҳеч қачон маъқул топмагандим. Семизларнинг ҳам худди ўз атрофларидаги озгин ва чиллашир кимсалардек разил, нопок

ва тошбагир бўлишларига мисоллар келтириб, ўша беъмани ишончларини пучга чиқаришга уринардим. Ҳенри VIII¹ хушмуомала киши эдимми? Папа Александр VI² яхши одамми? Қотил эр-хотин Маннингларнинг иккаласи ҳам бақалоқ эмасми? Ўзларининг шафқатсизлиги билан бутун Англия аёллари оғзига тушиб дoston бўлган энагалар — эмиқдош бола боқувчиларнинг аксарияти шу мамлакатдаги энг лаппос аёлларимасми? Шу тоифа замонавию қадимий, ватандошу хорижий, кибору авомлардан иборат ўнлаб мисоллар тимсолида саволлар ёғдирардим. Бу масалада айни дақиқалар ҳам ўша фикримга бутун вужудим билан қатъи ишонатуриб, Ҳенри VIII нинг ўзгинаси-дек хўппа семиз граф Фоскога келганда, унинг совуқдан-совуқ бесўнақай жуссасига қарамай, бир кунлик таассуротимоқ меҳримни товлаб қўя қолди. Ажиб ҳақиқат!

Юз қиёфаси уни кўзимга иссиқ қилиб кўрсатдимикин?

Шундай бўлиши ҳам мумкин. У буюк Наполеоннинг айнан ўзгинаси, фақат жуссаси каттароқ. Унинг қиёфасида Наполеон сиймоси улугворлиги кўриниб туради — ўша улуг зобит юзидаги куч-қудратни намоён қилган салобати аксларди. Аввало, албатта, кўзга яққол ташланадиган мана шу ўхшашлигидан таъсирланган бўлсам керак, лекин унинг юзида бундай ўхшашликдан ташқари мени лол қолдирган яна бошқа нарса ҳам бордек туюлади. Номаялум ўша жодуни энди унинг кўзларида кўраётгандек бўламан. Бениҳоя мусаффо синжоний кўзлар, бунақасини ҳаётимда биринчи кўришим. Гоҳо бу кўзлар пориллаган жозибаси билан беихтиёр ўзига тортадию, унга қарагудек бўлсам, юрагим арзиқиб, ҳафсалам пир бўлиб кетади. Унинг қиёфасида яна бошқа анвойи хислатлари ҳам бор. Тўқ жигарранг сочлари заҳил тортган оппоққина ранги рўйига қовушмаётгандек туюлиб, уни ясама сочмикин, деган хаёлга ҳам бораман. Сэр Персивал ҳисобига кўра у олтмишларга яқинлашиб қолгану қиртишлаб қирилган юзи менинг юзимдан тарангроқ, доғ-дуғ ва ажинлариям камроқ кўринади. Лекин, назаримда, уни мен учратган жамики эркак зотидан бошқачароқ қилиб ажратиб турадиган шахсий хусусиятлари булар ҳам эмас. Инсоният киборларию чурвақаларидан уни яққол

¹ Ҳенри VIII (1491-1547) — Англия қироли. Серсавлат, айни вақтда ўта золим бўлган.

² Папа Александр Боржиа — католиклар ибодатхонаси бошлиғи (XV аср иккинчи ярми), золим ва маккорлиги билан ном қолдирган.

ажратиб турадиган хислати (ҳозирча шундай дея оламан) — унинг нигоҳидаги гайритабиий куч-қудрат ифодасида.

Одоб билан тилимизда равон гапириши ҳам, эҳтимол, маълум даражада, уни бамаъни киши, деган хаёлга боришимга сабаб бўлгандир. Аёл киши сўзларига очиқ чехраю самимий эҳтиром билан қулоқ солиб сукут сақлаши, аёл кишига мурожаат қиларкан мулойим овози замиридаги назокати, мана шундай мўмин-қобиллик фазилатининг ўзиёқ, нималар деб валақлашимизга қарамай, ҳаммамизни сеҳрлаб қўяди. Айниқса инглиз тилини ўта мукамал билиши айни муддаодек унга қўл келиб турибди. Бизнинг жўшқин ва мураккаб шимолий нутқимизни ўзлаштиришда ажойиб қобилият намойиш қилишган кўпгина италянлар ҳақидаги гаплар қулогимга тез-тез чалинарди. Лекин граф Фоскони учратганимга қадар бирон-бир ажнабий инглиз тилида мана шундай равон гапира олишини ҳеч қачон хаёлимга ҳам келтирмаган эканман. Шундай пайтлар бўладики, талаффузига кўра унинг ватандошимиз эмаслигини фаҳмлаб олиш ҳам амри маҳол. Нутқ равонлигида эса камдан кам инглиз фуқароси граф Фоскодек чайналмасдан равон гапира олса керак. У жумлаларини озми-кўпми хорижий нутқ услубида тузиши мумкиндиру, лекин шу вақтгача ҳеч қачон биронта иборани ноўрин қўллагани ёки биронта зарур сўз саралаш тараддудида бир лаҳзагина ўйланиб қолганини сезмаганман.

Бу ғаройиб кишининг жамики ичир-чикир хусусиятлари таасуфланарли даражада ўзига хос ва ажабтовур зиддиятли. Бақалоқ ва кексалигига қарамай чаққонлиги кишини лол қолдиради. Уй ичида худди биз аёллардек тиқ этган овоз чиқармай юради. Булар ҳам майлия, афтидан (шак-шубҳага ўрин йўқ) зукко ва иродали кўринадую, аслида биз — заифаларнинг энг нимжонимиздан ҳам нозикроқ, асаб ўйноғида юради. Лаурадан бир туки кам эмас — тирқ этса, чўчиб тушади. Кеча сэр Персивал лайчаларидан бирини урганида шунчалар чўчиб, қалтираб қолдики, ўзимнинг унга нисбатан бераҳмлигим ва тўпорилигимдан уялиблар кетдим.

Шу сўнги воқеа унинг ажиб хислатларидан ҳали тилга олинмаган яна бирини, у ҳам бўлса, хонаки жониворларга ўта ишқи-возлигини кўрсатади.

Асранди жониворларидан бир қисмини Қитъада қолдириб, какаду¹, иккита канарейка ва бир оила оқ сичқонларини шу хонадонга ўзи билан бирга олиб келган экан. Ўша бемаъни арзандаларининг

¹ какаду — дурагай тўтиқуш.

икир-чикирларига ўзи қараб, ҳаммасини ўзига ўргатиб, ҳатто уларга овунчоқ ҳам бўлиб қолган. Ҳеч кимга эл бўлмайдиган ўта маккор парранда — кокету ҳам эгасига содиқ бўлиб қолганга ўхшайди. Уни қафасдан чиқаргудек бўлса, сакраб тиззасига ўтади. Кейин унинг бесўнақай жуссасига тирмашиб юқори кўтарилади. Тумшугини унинг саргимтир кўшалок бағбақасига эҳтиёткорлик билан оҳистагина ишқалагандай бўлади. Канарейкалар қафасларини очиб, уларни чақириб кўйса, бас, ўргатилган ўша беозор митти махлуқлар ҳам ҳайиқмай унинг кафтига кўнишиб, бирин-кетин тарвойиб турган бармоқлари учига ўгишади. «Тепага чиқилсин!» дейилгудек бўлса, бармоқларидан сакраб-сакраб бошбармоққа чиқишгач, гўё қувониб кетгандай томоқлари қирилгудек бўлиб сайраб кетишади. Энди оқ сичқонларига келсак, улар Будда ибодатхоналаридек найзасимон қилиб ясалган кажавага солиб кўйилган. Кажавани графнинг ўзи лойиҳалаб, ўзи ясаган ва ажабтовур қилиб бўяб кўйган. Сичқонлар ҳам канарейкалардек одамдан ҳайиқишмайди. Вақти-соати билан уларниям кажавадан чиқариб туради. Сичқонлар граф нимчасининг буёғидан кириб, уёғидан чиқиб, унинг жуссасида тирмалашгани тирмалашган. Иккитадан бўлиб яғриндор елкаларига ҳам чиқиб олишади, оппоқ қор дейсиз. Ўша сичқонларини у бошқа арзандаларидан кўра кўпроқ хуш кўрадигандек туюлади. Уларга қараб жилмаяди, уларни ўпади, тўқон тўққиз хил ном билан атаб, эркалатади. Мабодо биронта инглиз зоти болалар дидига эп келадиган шунақа овунчоққа мубтало бўлиб қолган, деб фараз қилингудек бўлса, у катталар олдида уялганидан ўзини кўйгани жой тополмай, улардан узр сўраш пайига тушган бўларди. Лекин граф, кўриниб турганингиздек, ўз сўлоқмонлиги билан ўша резги арзанда махлуқлари орасидаги улкан тафовутда ҳеч қандай бемаънилик сезмасди. Тулкибосар инглиз овчилари даврасига тушиб қолгудек бўлса ҳам, тап тортмай оқ сичқонларини меҳр билан ўпиб, канарейкалари билан чулдирашган бўларди. Мабодо унинг бу қилиғини мазах остига олиб қулишгудек бўлса, уларни ёввойиларга чиқариб ачинган бўларди.

Мана бу ёзаётганларим эҳтимолдан йироқ туюлиши ҳам мумкин, лекин булар айти ҳақиқат. Қари қиздек бутун хаёли кокатусида бўлган, оппоқ сичқонларини созанда маҳорати билан ўйнатадиган ўша киши мабодо бирон воқеълик туфайли тилга киргудек бўлса, Оврупо мамлакатлари марказларидан нисбини ўз тасарруфига олган биронта жамият фаолияти тажрибаларида ўзини муштарак сезгандек фикр юритиб, турли тиллардаги адабиёт ман-

балари асосида шунақа дадил гапирардики, ўша хусусияти биланоқ юксак маданият дунёсининг муайян нуқтасида ўтказиладиган анжуманларда яққол намоён бўладиган шахсга айланиб қолиши мумкин. Канарейка-паррандасини қўлга ўргатадиган ўша мударрис, оппоқ сичқонларига найзасифат кажава ясаган ўша меъмор (шахсан сэр Персивалнинг менга айтган гапларига қараганда), замонамизнинг илк тажрибашунос-кимёгарларидан бири эмиш. У, бошқа ажойиб кашфийётлар қатори инсон жасадини тошдек қотириб қўйиш усулини кашф этган эмишки, ер юзида ҳаёт мавжуд экан жасад ўзгармай тураверармиш. Асаблари ўта таранглашганидан тирқ этса, сакраб тушадиган, хонаки лайчанинг калтакланишига кўзи тушиб қалтираб қоладиган ўша бақалоқ, танбал қария сафардан қайтганидан кейинги кун эрталаб отхона томондаги ҳовлига ўтиб, занжирбанд бўрибосар кўппак бошини силаса бўлади-ми! У шунақаям қутуриб кетган махлуқки, ҳатто овқатини бериб турадиган отбоқар ҳам ундан ҳайиқиб, нарироқ юради. Графнинг хотини билан мен ҳам ўша ерда эдик. Қисқагина фурсатда бўлиб ўтган ўша манзара кўз ўнгимдан нари кетмай қолган.

— Кучукдан эҳтиёт бўлинг, сэр, — деганди отбоқар. — Унинг ҳар кимга ташланаверадиган одати бор!

— Ҳар кимга ташланаверишнинг сабаби ҳам бор-да, оғайни, — хотиржамгина жавоб берганди граф ўшанда. — чунки ҳамма ундан кўрқади. Қани, кўрайликчи, менга ҳам ташланармикин, деганича илгари босиб, ўн дақиққача илгарироқ канарейкалар кўниб турган оқ-сарғиш хўппа бармоқларини ўша баҳайбат махлуқ бошига қўйиб, кўзларига тик қараганича: сиз, бесўнақай кўппаклар, ҳаммангиз кўрқоқсиз деганди менсимай. Айни вақтда юзини унинг тумшугига тирагудек яқинлаштириб, сен, тубан кўрқоқ, бечора мушукни ғажиб ташлагудек бўласан. Сен, тубан кўрқоқ, оч-яланг фақирларга ташланишга тайёрсан. Фафлат босганларнигина таҳликага солишинг мумкин — сенинг важоҳатинг, гижиниб турган оппоқ қозиқ тишларинг ва сўлаги оқиб қонсираб турган тумшугингдан ваҳимага тушадиганларгагина ташланишга тайёрсан. Мени шу дақиқада таппа босиб қўя қолсам, деб ўйлаётганмикинсан, ожиз сўтак, журъат қила олмайсан ҳам, ҳатто кўзимга тик қарай олмайсан. Чунки мен сендан кўрқмайман. Бу масалада яхшироқ ўйлаб, эҳтимол, тишларингни менинг ёғ босган бўйнимда синаб кўрмоқчи бўларсан? Эээ! Бундай қиладиган сен эмас! — у атрофида бақрайиб қолганларга қараб кулганича орқасига қайтди. Кўппак эса думини қисганича инига уриб кетди.

— Эссиз! Бежирим нимчагинам! — деди у ачиниб. — Нимагаям келдим бу ерга. Охори кетмаган нимчамга анави сўлақмоннинг сўлаги сачрабди-я! — Шу сўзларининг ўзиям унинг яна бир сирли жумбоқлигидан далолат бериб турибди. У ўзига шунчалар оро бериб кийинадики, менман деган олифталарни ҳам доғда қолдиради. Благвотер Парк қароргоҳининг ўзидаёқ кейинги икки кун ичи унинг эгнида тўрт хил анвойи нимча кўрдим. Улар қаддига ёпишиб турмаса ҳам, антиқа рангпарлиги билан кўзни ўйнатади.

Феълу атворидаги қатъиятсизлиги, ҳатто енгилтаклик билан ҳар нарсага ўзини ураверишидаги болаларга хос масъулиятсизлиги кўзга яққол ташланса ҳам, арзимаган ишларни эътиборидан четда қолдирмай, ақл-идрок билан бартараф қилиши ҳам сезилиб туради.

Менга яна бир нарса аён бўлгандай. У шу хонадон меҳмони экан, ҳар вақт ҳаммамиз билан самимий муносабатда бўлиш пайида. Афтидан, Лаура уни зимдан хуш кўрмай юрганини ҳам сезиб қолганга ўхшайди (Айни масалада синглимни қийин-қистов қилганимда бунга иқрор бўлиб, кўнглини бироз очган эди), лекин унинг гул шайдосилигидан ҳам огоҳ бўлиб олибди. Лаура гулдан огиз очса, ўзи териб саралаган гулдастани муҳайё қилиб туради. Шунисига қойил қоламанки, рашк балосига муккасидан кетган хотинининг жунбушга келиб кетиши олдини олиб, доимо худди ўша тоифа гуллардан айни ўша андозада ясалган иккинчи гулдастани аввало унга мунофиқона ҳавола этади. Кўпчилик олдида графиняга бўлган мулозимати манзарасини ҳам бир кўрсангиз эди! Унга эгилиб таъзим қилади. «Фариштагинам» деб мурожаат қилишга одатланган. Канарейкаларини бармоқларига кўндириб олганича уни зиёрат қилдириб, сайратиб беради. Сигарет тутиб турган пайтларида қўлларидан ўпади. Хотинининг мулозиматига яраша мулозимат билан жавоб қилгандай, доимо чўнтагида олиб юрадиган қутичадан марципан¹ чиқариб, унинг оғзига хушомадгўёна солиб кўяди. Хотинини йўл-йўриққа солиб турадиган пўлат қамчиси издаҳомдан мутлақо пинҳон тугилади — хусусий қамчи-да, юқори хонадагина ишлатилади.

Унинг менга нисбатан муносабати бутунлай бошқача. Гўё эр киши билан муомала қилаётгандек ўзини сипо тутиши ва мулоҳазали гаплари билан аёллик ғурурим олдида сажда қилиб туради! У кўзимдан нари бўлгудек бўлса, унинг ҳақиқий башарасини яққол кўриб тураман — ҳозир ҳам ўз хонамда ўтириб уни тасав-

¹ марципан — бодомли ширинлик

вур қиларканман, аёллик гурурим олдида сажда қилаётганини кўриб турибману, лекин пастга тушиб, унга ҳамсухбат бўлишим билан мени яна шабкўр қилиб қўяди. Ҳақиқий башарасидан мутлақо беҳабардек, галаридан ийиб кетаман. Хотини билан Лаура ни ўз измида тутганидек, отхона ҳовлисида бўрибосар кўппакни авраб қўйганидек, ҳатто сэр Персивалнинг ўзини ҳам куни бўйи ва соат сайин лақиллатиб турганидек, мени ҳам измига тушуриб олиши ҳеч гап эмас. «Саховатли Персивалгинам! Дағалроқ инглиз ҳажвларингизга қойилманда! «Саховатли Персивалгинам! Инглизларга хос кескин мулоҳазаларингиздан завқланиб кетаман-да!» Сэр Персивал унинг нозик табиатига хуш келмайдиган дағалроқ гап қотиб ёки ҳазил-мутойиба қилиб юборгудек бўлса, граф баронетнинг елкасига қоқиб, унинг исмини айтибоқ мурожат қилганича бениҳоя осойишталик билан жилмайиб юқорида айтиб ўтилганидек мулозимат билан вазиятни юмшатиб қўя қолади, гўё ҳазилкаш ота саркаш ўгил инжиқлигини кўтарганидек унга ҳам раҳм-шафқат қила қолади.

Ҳаётда аҳён-аҳёнан учраб қоладиган ўша ажибтабиат кишига шунчалар қизиқиб қолдимки, сэр Персивалдан унинг ўтмиш ҳаётини ҳам суриштиришимга тўғри келади.

Сэр Персивал унинг ҳаётини ё унчалик билмайди, ё менга айтгиси келмайди. У граф билан дастлаб бундан анча йиллар илгари Римда, муайян хавфли вазият фурсатида учрашган экан. Бу ҳақда илгари қайд этиб ўтган эдим. Ўшандан бери улар Лондон, Париж ва Венада бирга бўлишгану, лекин Италияга қайта боришмаган. Шуниси таажжубки, ўтган йиллар мобайнида граф ўз она ватани тупроғига қайта қадам қўймаган. Қандайдир сиёсий таъқиб қурбони бўлиб қолмаганмикин? Нима бўлганда ҳам, ватанпарварлик руҳи устунлигиданмикин, Англияга қадам ранжида қиладиган ватандошларини назардан четда қолдирмасликка уринаётгандек туюлади. Бу ерга келишган куни кечқуруноқ турар жойимиз билан энг яқин шаҳар ораси қанчалик узоқлиги, ўша ерга биронта италян жентлмени келиб қолгани ҳақида бирон гап қулоғимизга чалинган-чалинмаганини суриштирганди. Унинг қитъадаги кўпгина кишилар билан хат ёзишиб туриши аниқ. Ахир, унинг номига келадиган беҳисоб мактуб конвертларидаги хилма-хил маркалар шуни яққол кўрсатиб туради. Бугун эрталаб ҳам нонушта дастурхони ёнидаги унинг курсисидан ўшандай хатлардан яна бирига кўзим тушиб қолди. Конверт устига, чамамда, каттагина расмий муҳр босилган. Ўз ҳукумати билан ёзма алоқа-

дамикин? У ҳолда, сиёсий таъқиб остида қолган бўлса керак, деган шубҳамга ўрин қолмайди.

Граф Фоско таърифини жуда чўзиб юбордим шекилли! Бечора, қадрдон Гилмор жаноблари пинагини бузмай расмиятчилик билан савол ташлаганидек, қиссанинг ҳиссаси нима? Яна такрор айтишим мумкинки, шу қисқагина вақт ичи унга ҳамнафас бўлиб турарканман, кўнглимга у хуш келиб-келмай, галати аҳволга тушиб қолдим. Граф сэр Персивалга ўз ҳукмини ўтказиб олганидай, мени ҳам ўзига ром қилиб қўйди шекилли. Сэр Персивал бу бақалоқ дўсти билан бўлган муомаласида баъзан ўзига эрк бериб, ҳатто, дағалроқ гапиришга журъат этса ҳам, аммо унинг дилини оғритиб қўйишдан ҳайиқади, бунга кўзим етиб турибди. Ҳайронман, мен ҳам юрак олдириб қолганмикинман-а? Шунча ҳаёт сўқмоқларидан ўтиб, мабодо душманим бўлиб қолгудек бўлса, ундан шунчалар ташвишлангудек бирон-бир инсон зотини ҳеч қачон учратмаган эдим. Сабаби уни хуш кўриб қолганимикин ёки ундан ҳайиқиб қолганимикин? Граф Фоско ўз она тилида: *Chi sa?* — деган бўларди. Ким билади?

III

16 июнь. Тун ороми учун бош қўйганимча уч-тўрт сатр воқелик баёнининг бугунги қисмига яна бироз илова киритиб қўйиш зарур бўлиб қолди.

Ҳаммамиз яқиндагина ўрнатилган фаранги деразалари айвон томонга очиладиган хонада тамаддиланиб ўтирардик. Хамир томоққа муккасидан кетадиган граф эса, етимхона қизларининг шунақа очофатлигини кўрсам кўргандирману бошқа ерда кўзим тушмаган, эндигина тўртинчи пирог илинжида ҳаммамизни кулдириб турганида хизматкор кириб, меҳмон келганидан хабар бериб қолди.

— Мерримен жаноблари ташриф буюрдилар, сэр Персивал, сиз билан ҳозироқ учрашиш ниятида эканлар.

Сэр Персивал таҳликага тушиб, жаҳл билан тумтайганича хизматкорга тикилди.

— Мерримен жаноблари! Такрорлади у гўё ўз қулоқларига ишонмагандай.

— Шундай, сэр Персивал, Мерримен жаноблари, Лондондан.

— Ўзи қаерда?

— Кутубхонадалар, сэр Персивал.

Шу жавоб қулогига чалиниши билан у стол ёнидан кўзголиб, биронтамизга ҳам миқ этмай хонадан чиқиб кетди.

— Мерримен жаноблари ўзи ким? — Лаура қизиқсиниб менга мурожаат қилди.

— Мутлақо хабарим йўқ. — Бундан бошқа нима ҳам дея олардим.

Граф тўртинчи пирогни ҳам паққос тушириб, шаллақи кокадусига парвона бўлиш учун бир чеккадаги стол ёнига кетганди. Энди ўша паррандасини елкасига қўндириб олиб биз томонга ўгирилди.

— Мерримен жаноблари сэр Персивалнинг кафолатли вакили бўладилар, — деди у хотиржамлик билан.

Сэр Персивалнинг кафолатли вакили. Лауранинг саволига берилган мукамал жавобнинг ўзгинасию, шундай бўлса ҳам, айна вазиятдаги умумий саволга жавоб бўла олмасди. Мабодо Мерримен жанобларини соҳиби хизматнинг ўзи йўқлаганида эди, унинг бу ерда пайдо бўлиб қолишидан ҳеч ким ажабланмаган бўларди. Лекин адвокат Лондондан Ҳемпширга етиб келган, бу эса ҳатто мезбонни ҳам каловлатиб қўйган экан, ўша масъул шахс хушхабарми ёки шумхабарми, нима бўлганда ҳам, одатдаги кундалик ишлари билан эмас, балки қандайдир жуда муҳим ва фавқулодда масала билан келгани эҳтимолдан холи эмаслиги аён эди.

Лаура билан мен, нима гапикин, деган ташвиш билан чорак ёки ундан зиёдроқ соат сэр Персивалнинг қайтиб келишига илҳақ бўлиб ўтирдик. Ундан дарак бўлавермагач, ночор ўрнимиздан қўзғолиб, хонадан чиқмоқчи бўлдик.

Граф, ҳеч қачон мулозиматини қанда қилмаганидек, тўтисига хўрак бериб турган жойидан олдимизга пешвош чиқиб (паррандаси ҳамон елкасида эди), бизга эшикни очиб қўйди. Олдин Лаура билан мадам Фосколар чиқишди. Улардан кейин гал менга келиб, унинг олдидан энди ўтаётганимда қўли билан менга ишора қилиб ажиб бир қиёфада гапириб қолди:

— Шундай, — деди у гўё дилимга нима келганидан уни илгари хабардор қилиб қўйганимдек, ўша дақиқалар ҳам хаёлимдан нари кетмай турган саволга жавоб бериб, — Шундай, мисс Ҳалкомб, бирон воқеа содир бўлган.

«Ҳеч қачон бундай демаганман» демоқчи бўлиб турганимда баджаҳл какадуси қирқилган қанотларини қоққанича қийқириб асабларимни шунақаям ўйнатиб юбордики, ташқарига чиқиб сал ўзимга келдим.

Зинапоя этагида Лаурага етиб олдим. Унинг фикри ҳам ҳозиргина граф Фоско оғзидан эшитиб ҳайрон бўлганимдек, менинг фикрим билан ҳамоҳанг экан. Унинг сўзлари худди граф сўзлари

садосидек аксланиб турарди, у ҳам менга, бирон нарса содир бўлган, деган таҳликадалигини шипшиди.

Сэр Персивал ўзининг ишончли вакили Мерримен жаноблари билан учрашиш учун тамаддихонадан туриб, кутубхонага чиқиб кетганидан икки соатчадан кейин мен ҳам бир ўзим боғ сайли ниятида хонамдан ташқарига чиқдим. Энди зинапоя бошига етганимда кутубхона эшиги очилиб, ичкаридан икки жентлмен чиқиб қолди. Зинада улар кўзига ташланиб қолишни ўзимга эп кўрай, улар залдан ўтиб кетгунларича тушмай турдим. Улар пичирлашганича ўзаро пинҳона гаплашишаётган бўлсалар ҳам, овозлари менга аниқ эшитилиб турарди.

— Хотирдам бўлаверинг, сэр Персивал, — адвокатнинг овози қулоғимга чалиниб қолди. — Буларнинг ҳаммаси леди Глайдга боғлиқ.

Бир-икки дақиқа ўз хонамда туриб тура қолиш ниятида эндигина орқамга ўтирилган ҳам эдим, лекин бегона киши оғздан чиққан Лаура исми мени таққа тўхтабтиб қўйди. Очигини айтганда гап пойлаш нечоғлик беодоблик, ўтакетган тубанликку-я, лекин аёл зоти орасида виждон қоидаларига риоя қилиб ўзини босиб юрадигани топилармикин, айниқса, ўта йўл-йўриқ асослари бир томонни кўрсатгани ҳолда, унинг натижаларию оқибатлари бошқа томонни кўрсатиб турса!

Уларнинг гапига қулоқ солиб туравердим. Мабодо яна шундай вазият юзага келиб қолгудек бўлса, шу тақлид иш тутаверишим турган гап. Ҳа, қулоқ тутавераман. Бошқа иложини топа олмасам, ҳатто эшик тирқишига қулоқ тутишга ҳам тайёрман.

— Яхшилаб уқиб олинг, сэр Персивал, — гапини давом эттирди адвокат. — Масалага жиддий ёндашиб, эҳтиёт бўлиш учун леди Глайд бир-иккита гувоҳ ҳозирлигида ўз номидан имзо чекиши керак. Кейин бармоғини босганича «Бунга ўз ихтиёрим билан розилик бердим. Шунинг имзоим билан тасдиқлайман дейиши керак. Агар шу расмиятчилик бир ҳафта ичи амалга ошгудек бўлса, битим беками-қўст ниҳоясига етган бўлади, ташвишлар ҳам барҳам топади. Акс ҳолда...

— Бу нима деганингиз? — сэр Персивал зарда билан унинг сўзини бўлди. — Шундай қилиш зарур бўлса, албатта қилинади, менга ишонаверинг, Мерримен.

— Жуда соз, сэр Персивал, мулк масаласини икки усулда ҳал этиш мумкин. Биз, адлия ходимлари, ўша жиҳатларини назардан четда қолдирмаслигимиз керак. Бордию, бирор қутилмаган тасо-

дифий вазият туфайли амалга ошмай қолгудек бўлса, уларни яна уч ойлик муддат билан векселни ушлаб туришга кўндира оларман. Бордию ўша муддат ўтиб кетгач маблағни қаердан топамиз?

— Ўша векселлари ҳам қуриб кетсин! Маблағ нима қилиб бўлса ҳам, топилиши керак, сизга яна бир бор уқтираман, топилиши керак. Сафарингиз олдидан Мерримен, бир қултум винога тобингиз қалай?

— Илтерламаотларига ташаккур, сэр Персивал, поездга улгиб қолишим учун ҳар бир дақиқа ганимат. Битим масаласи бир ёқлиқ бўлиши биланоқ менга хабар қиларсиз-а? Мен тавсия этган эҳтиёт чораларини унутманг...

— Йўқ, унутмаймиз. Ана дарвоза олдида кабингиз ҳам тайёр турибди. Амримдаги дастёр сизни бир зумда станцияга етказди. Бенжамин, отни қамчиланг! Ўтирақолинг. Мерримен поездга кечиккудек бўлса, ишдан ажралдим деяверинг. Маҳкам бўлинг, Мерримен, оёгингиз осмонда бўлиб кетгудек бўлса, иблисингиздан ёмонлик тилаверинг. — Йўловчига сафар тилагини яқунлаб, баронет шартта ўгирилиб кутубхона томон йўл олди.

Қулогимга чалингани ўшагина бўлса ҳам, кўнглим-га гулгула босишига кифоя эди. Қулогимда ўрнашиб қолган «Содир бўлган нимадир» аниқдан аниқ мўмайгина пул васвасасидан дарак бериб, сэр Персивалнинг ундан халос бўлиш умиди Лаурага боғлиқ. Унинг ўз эри ундан хуфия тутаётган мушкуллик найранги домига илиниб қолиш хавфи мени таҳликага солар, пул топиш сирларидан нўноқлигим ва сэр Персивалга ишончим йўқлиги эса, албатта, мени яна ҳам гижинтирарди. Илгари мўлжаллаганимдек, ташқарига чиқиш баҳридан ўтиб, содир бўлган воқеликдан хабардор қилиб қўйиш учун Лауранинг олдига шошилдим.

Нохуш хабаримга унинг лоқайдлиги мени ҳайратга солди. Эрининг феъли-атвори ва ташвишларини, назаримда, мен ўйлаганимдан кўра дурустроқ биладиганга ўхшайди.

— Нотаниш бир жентлмен келиб кетди, исмини ошкора этмади, дейишганидаёқ сизнинг холингизга тушган эдим — деди у.

— Ўша жентлмен ким бўлиши мумкин, деб ўйлайсиз? — савол бердим.

— Сэр Персивал устидан хусумат даъвосидаги киши бўлса керак, — жавоб берди у. — Мерримен жанобларининг бугунги ташрифи ҳам ўша кишига боғлиқ бўлса керак.

— Ўша хусуматдор хусусида бирон нарса дея оласизми?

— Йўқ, мутлақо хабарим йўқ.

— Аввало синчиклаб қараб чиқмагунингизча, Лаура, хужжатга имзо чекмасангиз-а?

— Турган гап, Мариан. Унга қўмаклашиш учун кейин пушаймон қилинмайдиган, қўлимдан келганича виждонан ва самимият билан нима қилсам ҳам, меҳрибоним, ҳаммасини сиз билан ўзимнинг осойишта ва қувончли ҳаётимиз ниятида қиламан. Куни келиб, шарманда қилгудек ишга билар-билмас қўл урмайман. Келинг, шуни ҳадеб чўзавермайлик. Шляпангизни ҳам кийиб олибсиз. Ташқарига чиқиб, пешин вақтини боғ сайрию эзгу хаёллар оғушида ўтказсак, нима дейсиз?

Бинодан четлашгач яқинроқдаги соя томон қадам ташладик.

Йўлак атрофида қад кўтарган дарахтлар оралигидаги очиқ майдондан ўтаётганимизда граф Фоскога кўзимиз тушиб қолди. У майдонда у ёқ-бу ёққа юрганича ўзини июнь жазирамасига тоблаётган экан. Унинг бошида бинафшаранг лента билан ҳошияланган кенг барли похол шляпа, эгнида кўкрак қисми оқ ранг қилиб ажабтовур кашталанган ҳаворанг коржомо нимча. Бу баҳайбат жуссанинг бир вақтлардаги тахминий белида пуштиранг, сербар, сахтиён камар. Чиночин шалворининг тўпиқ қисмида ҳам коржомо нимчаси каштасидек оппоқ гуллар кўзга ташланади. Оёқларида қирмизи ранг, марокаш шиппаги жилоланади. Айни вақтда «Севилия сартароши»дан элга манзур бўлиб, оғиздан тушмай қолган Фигаро ариясини худди ўша буро ва оҳангдорлик билан хиргойи қилардики, бунақа товуш фақат италян бўғзидангина чиқиши мумкин эди. У консертинода завқ билан ўйнаганича хуштак ҳам чалиб жўр бўлганича бошини ҳам ликиллатиб тураркан, гўё бақалоқ авлиё Цецилия эркаклар либосига бурканиб олганича ўзини гўлликка солаётганга ўхшарди. «Figaro qua! Figaro la! Figaro su! Figaro giu!» — граф йигирма яшар Фигаронинг ўзгинасидек консертинасини у ёқ-бу ёққа ўйнатиб, ҳавойи назокату олифталик билан бизга таъзим қилганича ария ҳиргойисиди давом этди.

— Шу сўзларим қулоғингизда бўлсин, Лаура, бу киши сэр Персивалнинг мушкул аҳволдан хабардор — дедим граф саломига Алик олгач, бетаҳликароқ масофага етгач.

— Нима учун шу хаёлга келиб қолдингиз? — савол берди Лаура.

— Акс ҳолда, Мерримен жанобларининг сэр Персивал ваколлатдори эканини қаердан билсин? — эътироз бидирдим. — Бундан ташқари, тамаддихонадан чиқаётганимизда, «нима гап» деб оғиз очмасимданоқ бирор воқеа содир бўлганини айтган эди. Шунга қараб иш тутинг, у биздан кўра кўпроқ хабардор.

— У суриштиргудек бўлса ҳам, сиз ҳеч нарса айтманг. Сири-миздан огоҳ бўлиб қолмасин!

— Кўзингизга у жуда совуқ кўриниб қолганга ўхшайди, Лаура. Бирон сўзи ёки қилиги билан дилингизни оғритиб қўймаганми, ўзи нима гап?

— Ҳеч гап йўқ, Мариан. Аксинча, сафаримиз қариб, уйга қайтаётганимиз пайтлари у мендан ўз меҳр ва мулозиматини аямаган, ҳатто сэр Персивал тутоқиб кетган пайтларда ёнимни олиб бир неча маротаба уни ҳовуридан тушириб ҳам қўйган. Уни хуш кўрмаслигимнинг сабаби, эҳтимол, эримга мендан кўра кўпроқ тазийқини ўтказиб олганидандир. Эҳтимол, орамизга тушаверганидан унга мутеълик ҳиссиётим гуруримни поймол қилаётганидандир. Гапнинг қисқаси, уни кўргани кўзим йўқ.

Куннинг қолган қисми билан оқшом анча хотиржамликда ўтди. Граф билан мен шахмат ўйнадик. Дастлабки икки қўлни илтерламаот юзасидан ютқазиб берди. Кейин, уни писанд қилмай қўйганимни сезгач узр сўрадио учинчи қўлнинг ўнинчи минутидаёқ мот қилиб қўя қолди. Сэр Персивал эса оқшом бўйи адвокатдан оғиз очмади. Лекин ўша воқеа сабаб бўлдимиз ёки бошқасими, у бутунлай ўзгариб, мўмин-қобил бўлиб қолган. Худди Лиммерижда ўтказилган синов кунларигагидек ҳаммамиз билан хушмуомала, кўнглимизга қараб иш тутади. Ҳатто ўз хотинига ҳам шунчалар ажабтовур илтерламаот ва меҳрибонлик қиладики, ранги совуқ мадам Фосконинг ҳам энсаси қотиб, унга қараб-қараб қўяди. Бу ниманинг аломатийкин? Ниманидир сезаётгандекман. Лаура ҳам сезаётган бўлса керак, деган хавфдаман. Назаримда, граф Фосконинг билиши аниқ. Кечки ўтириш давомида сэр Персивал «маъқулми» деган назарда бир неча маротаба унга қараб қўйганига кўзим тушди.

17 июнь. Тасодифларга тўла кун. Кулфатлар ҳақида ёзгилик қилмасин.

Сэр Персивал нонушта дастурхони устида ҳам, кеча кечқурундагидек, адвокат тили билан айтганда сирли «битим» мавзуида яна миқ этмади. Ахир, ўша битим бошимиз устида муаллқ турарди. Ҳар ҳолда, бирор соатдан кейинроқ сайр қилиб келиш тараддуида унинг қаллиғи билан мадам Фоскони кутиб турганимизда у пардозхонага кириб келиб, граф қаердалигини суриштириб қолди.

— Ҳозир чиқиб қолар, деган умиддамиз. — дедим.

— Бу ерга келишдан мақсад — сўзини давом эттирди сэр

Персивал асабий кайфията у ёқ-буёққа босиб, — шунчаки бир расмиятчилик масаласида Фоско билан унинг рафиқасини кутубхонага таклиф этмоқчи эдим Сиз ҳам, Лаура, бирор минут ўша ерда бўлсангиз. — Ташқарига чиқиш тараддудида кийиниб олганимизни сезиб қолди шекилли, гапни бошқа ёққа бурди. — Ҳозир қайтиб келдингизми ёки эндигина чиқиб кетаяпсизларми? — суриштирди у.

— Бугун эрталаб ҳаммамиз кўлга чиқиш ниятида эдик — деди Лаура. — Мабодо бошқа биронта хизматингиз бўлса...

— Йўқ, йўқ, — шоша-пиша жавоб қилди у. — Менинг ишим кейин ҳам бўлаверади. Нонуштадан кейин бўлмаса, ҳалироқ — тамаддидан кейин бўлар. Ҳаммангиз кўлга кетаётган экансизларда, чинданамми? Айни муддао. Эрталабданоқ ҳордиқ чиқарақолайлик бўлмаса, мен ҳам сизларга ҳамроҳ бўлақолайин.

Унинг сўзларида бундай гайритабиий ёнберишга ишонч сезмасак ҳам, айни вақтда бошқаларнинг райига қараб ўз иш режаларини кейинга суриб қўяётгани унинг қиёфасида шундоққина кўришиб турарди. Ҳозиргина оғзидан чиққан сўзларида ифодаланган нияти яъни хизмат расмиятчилиги туфайли кутубхонада учрашишни кейинроққа суриш учун ҳар қандай баҳона кўрсатишига тайёрлиги аниқ эди. Шу қарорга келдиму юрагим орқамга тортиб кетди.

Айни шу пайт граф билан унинг рафиқаси келиб, даврамызга кўшилди. Графинянинг кўлида эрининг кашталиқ тамакидони билан бир даста қоғоз — узлуксиз чекиладиган сигареталар таъминоти учун хомашё. Графнинг эгнида, одатдагидек, калта коржомаси, бошида — похол шляпа, кўлида эса суюкли сичқонлари солинган ўша ажабтовур рангдаги найзадор кажава. У гоҳ бизга қараб, гоҳ уларга қараб мамнун жилмаяр, бунинг таъриф ва тавсифини келтириш қийин.

— Сизларнинг лутфан ижозатларингиз билан — гап бошлади граф. — менинг қарамоғимдаги мана шу кичкинагина бир оилани яъни бечора ва беозор митти сичқонларимни ҳам олиб олсам; бизлар билан бирга улар ҳам тоза ҳаводан баҳраманд бўлиб келишса. Уй атрофида доимо кучуклар изғиб юришади. Беозор, момикдай чақалоқларимни ўша кучуклар иноятига ҳавола қилиб кета оламанми? Эээ, ҳеч қачон!

У ўша оппоқ чақалоқларига кажава симлари орасидан термилганича чуғурлади. Кейин кўл томон йўл олдик.

Сайхонликка чиққач сэр Персивал биздан ажралиб нари кетди. Мана шундай оилавий сайл пайтларида у тиниб-тинчимас та-

биати туфайли доимо ўз ҳамроҳларидан ажралиб, ҳар гал таёқча ясаш билан овора бўларди. Нима десамикин, кесиш ва йўнишдек арзимас машғулот унинг овунчоғи бўлиб қолганга ўхшарди. Уй ичини ҳам қўлбола таёқларга тўлатиб юборган. Улардан биронтасини яна қайта қўлга олмасди. Қачонлардир уларни бир-бир ишлатса ишлатгандиру, кейин уларни хаёлига ҳам олмаган. Аммо таёқча ясаш одатини канда қилмай, янги ва янгисини ясайверарди.

Эски қайиқхонада у бизга қўшилиб олди. Ҳамма жой-жойини топиб ўтиргач, суҳбат бошланиб кетди. Ана ўшани оқизмай-томизмай қайд қилиб ўтишга ҳаракат қиламан. Ўзим ҳам бунга алоқадор бўлганимданмикин, бу суҳбат ўз моҳияти билан эътиборга лойиқ. Ахир, ўша суҳбат туфайлигина граф Фоско ҳис-туйғуларимни ўзига ром қилиб, эс-хушимни олиб қўяётганидан анча шубҳаланиб қолдим. Энди бундан буён, иложим борича, унинг гапларига учмасликка қарор қилдим.

Қайиқхона ҳаммамиз жойлашгудек кенг эди. Лекин сэр Персивал ташқарида қолиб, боғ паккиси билан сўнгги таёқча пардозини ниҳоясига етказа бошлади. Биз — учала аёл учун каттагина скамейканинг ўзи кифоя қилди. Лаура каштасига тутинди, мадам Фоско сигаретлари билан овора бўлиб кетди. Мен эсам, ҳар вақтдагидек, қиладиган ишим йўқ, бекорчи бўлиб қолдим. Менинг қўлларим илгари қандай бўлса, келажакда ҳам (ҳамма вақт) эркаклар қўлидай эпсиз бўлиб қолаверса керак. Ҳазилни дўндириб қўядиган граф ўз жуссасига монанд кичкинагина бир курсини маъқул топиб, унга омонатгина ўтириб бошпанамиз деворига сунянаркан ҳаммаёқ қисирлаб ва гижирлаб кетди. У кажавасини тиззасига олиб, сичқонларини қўйиб юборди. Улар, одатдагидек, граф жуссасига тармаша кетдилар. Сичқонлар кўринишидан мулойим ва беозор махлуқчалару кишининг буёғидан кириб, у ёғидан чиқиб туриши нимагадир менга совуқ кўринади. Ҳатто асабларим ўйнаб, баданим жимирлаб кетади. Авахталарда жон бераётган беҳол кишилар устида қурт-қумурсқаларнинг бемалол гужғон ўйнаб юришидек даҳшатли манзарани кўз ўнгимга келтиради.

— Баъзи бир кишиларга анави ерлар хушманзара кўринади — деди сэр Персивал ҳали йўниб улгурмаган таёқчаси билан кўз ўнгимиздаги кенгликка ишора қилиб. — Менинг назаримда эса, бу ерлар мулкдор тасарруфидаги воҳанинг ташландиқ қисми. Бобокалоним вақтларида қўлнинг суви мана бу ерларгача чиқарди. Эндичи, унга бир назар ташланг. Тўрт футдан чуқурроқ жойи ҳам

йўқ. Кўл ва кўлобча бўлиб ётибди. Иложим борича уларни қури-тиб, бу ерларни дарахтзор қилсам дейман. Хўжалик мудиримнинг зўр бериб вақиллашича (ўзи миясини еб қўйган аблах), кўл юзи Ўлик денгиздек инс-жинслар маконига айланиб кетганмиш. Сиз нима деб ўйлайсиз, Фоско? Кишига суиқасд қилинадиган хилватгоҳнинг ўзгинаси, шундай эмасми?

— Саховатли Персивалгинам, сизнинг зукко инглизларга хос тафаккурингизга нима бўлди? — эътироз билдирди граф. Кўл суви жасадни кўмгудек чуқурроқ ҳам эмас, ҳаммаёқ қотилнинг изи қоладиган қумлоқ бўлса. Умуман олганда, бу ерлар кўзим тушган хилватгоҳлар орасида суиқасд учун энг ноқулай жой.

— Бемаънилик! — деди сэр Персивал таёқчасига жаҳл билан тиг тортиб. — Нима демоқчилигимни билиб турибсиз. Юракка гулгула соладиган хилват жой. Фикримни илиб олишга уринсангиз, фаҳлаб оларсизу, акс ҳолда, гапни чўзиб, ўзимни овора қилишимнинг нима ҳожати бор.

— Нега ҳожати бўлмас экан, — писанда қилди граф. — ахир, ўша фикрингизни бошқа биров икки калима сўз биланоқ айтиб қўяқолиши мумкин-а? Агар тентак суиқасд пайига тушгудек бўлса. унинг учун кўлингиз ани муддао жой. Шундай демоқчисиз-да? Мабодо фикрингиз шу бўлса, сизни кўп гапиртирмай, ўзимоқ айтиб қўяқолдим-да. Билиб қўйинг, Персивал, олижаноб Фоско-ингиз ўша фикрингизга қўшилади.

Лаура графга қараб қўйди. Уни хуш кўрмаслиги юзида шундоққина кўриниб турарди. Графнинг ўзи эса сичқонлари билан овора бўлиб қолганидан буни сезмай ҳам қолди.

— Тавба, наҳотки кўл манзараси даҳшатли суиқасдлар хаёли билан боғлиқ бўлса! — деди Лаура. — Мабодо граф Фоско қотилларни тоифаларга ажратгудек бўлсалар, ўз ибораларида андак нўноқликка йўл қўйдилар. Уларни тентаклар тоифасига киритиш шафқат қилишдан бошқа нарса эмас, лекин улар бунга арзимайди. Донолар тоифасига киритиш эса ҳақиқатга мутлақо зид. Эшитишимча, ҳақиқий доно зотлар кўнгли пок бўлади, улар жиноятдан ҳазар қилишади.

— Азизим леди, — деди граф. — сиз ажойиб ҳикматларни қайд этиб ўтдингиз. Улар мен учун ҳайратомуз ҳис-туйғулар ифодаси бўлиб, мактаб дарсликлари сарлавҳаларидагина кўрганман. — У оппоқ сичқонларидан бирини кафтига олиб, ўша билан маҳмадоналик қила бошлади. — Эй, беозор, мулойим, оппоқ фирибгарчам — гап бошлади у. — Мана бу ахлоқий сабоқни қулоғингга илиб ол:

вафодор доно сичқон — вафодор сичқон ҳисобланади. Малол кел-маса, ҳамроҳларингга ҳам уқдириб қўйгин, бир умр гимирлаб ту-ришаркан кажава симларини ҳеч қачон кемиришмасин.

— Ҳамма нарсани ҳам кулгига олавериш осон — деди Лаура ишонч билан унинг юзига тик қараб. — Лекин ақли расо кишининг катта жиноятга қўл ургани ҳақида, граф Фоско, бирорта мисол келтиришингиз мушкул бўлса керак.

Граф сербар елкаларини қисди, кейин Лаурага қараб самий қиёфада истеҳзо билан жилмайиб қўйди.

— Айни ҳақиқат! — деди у. — Нодоннинг жинояти дарров ошқора бўлади-қолади, дононики эса сезилмайди ҳам. Бунга мисол кўрсатгудек бўлсам, ақлли кишилар бунини инобатга олмай қолишлари мумкин. Азизим леди Глайд, сизнинг инглизларга хос ақл-идрокингиз олдида ип эшолмай қолдим. Бу гал мот бўлдим-а, мисс Ҳалкомб?

— Бўш келманг, Лаура, — милтигингизни қўлдан қўйманг, — киноя қилди эшик олдида гапга қулоқ солиб турган сэр Персивал. — Энди унга мана бунисини ҳам айтинг: жиноят ўзининг фош бўлишига йўл очади. Буниси, Фоско, сиз учун мактаб дарслигидан яна бир аччиқ сабоқ. Жиноят ўзининг фош бўлишига йўл очади. Шайтон сафсатасини қаранг!

— Бунини ҳақиқат деб биламан, — деди Лаура мулойимлик билан.

Сэр Персивал ўзини тутолмай қаҳ-қаҳ отиб шунақаям заҳар-ханда қилдики, ҳаммамиз, айниқса граф, ҳайрон бўлиб қолдик.

— Мен ҳам ўшанга ишонаман, — дедим Лаурага ён босиб.

Менинг гапим ҳозиргина хотинининг писандасини мазах қилганича тап тортмай қулаётган сэр Персивалнинг жигига текканди. У йўнаётган янги таёқчасини жаҳл билан қумга уриб, олди-миздан кетиб қолди.

— Бечора Персивалгинам! — Граф Фоско завқланиб айҳаннос солганича унинг орқасидан қараб қолди. — У инглизлар тажанглиги қурбони бўлди. Лекин, ҳурматли мисс Ҳалкомб, ҳурматли леди Глайд, ҳақиқатан ҳам жиноятлар ўзининг фош бўлишига йўл очишига ишонасизларми? Сизчи, фариштам? — шу вақтгача миқ этмай ўтирган хотинига ўгирилиб мурожаат қилди. — Сиз ҳам шу фикрдамисиз?

— Бирорта маслаҳатчи чиқиб қолармикин, деган илинжда ўтирибман, — жавоб берди графиня Лаура билан мендан гина қилгандай энсаси қотиб. — Ҳамма нарсдан хабардор кишилар олдида бемаслаҳат бир нарса деб бўладими?

— Ҳали шундайми? — дедим. — Бир вақтлар, графиня, аёллар хуқуқини, ожизалар фикр хурлигини ҳимоя қилиб юрганларингиз эсимда.

— Бу масалада, граф, ўзлари нима фикрдалар? — Менинг гапларимни парвосига ҳам келтирмай, сигарет ўраганича эрига мурожаат қилди мадам Фоско.

Граф жавоб беришдан олдин дўмбалоққина синчалоғи билан оппоқ сичқонларидан бирини силаганича хаёлга чўмди.

— Қойил, қойил, — деди у. — холи танг бўлиб турса ҳам, жамият вақиллаб ўзини овутади-я. Эндигина йўлга қўйилган жиноят қидирув идораларининг ўзи ночор аҳволда-ю, ишни қойилмақом қилиб қўяётгандек, баландпарвоз ақидалар билан айюҳаннос соладилар-а. Сизлар бўлсангиз шунга лаққа тушиб, бошқаларни ҳам чалғитасизлар. Жиноят ўз-ўзини фош қилишга йўл очармиш, шундайми? Қотил эса фош этилади (яна бир ахлоқий ақида), шундайми? Катта шаҳарларнинг тергов ишларида ўтирган адлия пешволаридан суриштириб кўринг, леди Глайд, бу тўғримикин? Ҳаётни суғурта қилиш ширкатларида ишлайдиган котиблардан суриштириб кўринг, мисс Ҳалкомб, бу тўғримикин? Оммавий журналларимизни ўқиб кўринглар. Ногаҳон газета саҳифаларига тушиб қоладиган ахборотларда ўлдирилганлар жасади топилиб, қотилларнинг гумдон бўлгани маълум қилинмайдими? Матбуотда эълон қилинган ўша фожиаларни эълон қилинмаганларига, топилган жасадларни топилмаганларига кўпайтирингчи, ўшанда нима хулосага келган бўларкинсиз? Хулоса шу. Калтафаҳм жиноятчилар бор, ўшалар қўлга тушади. Зукколари эса дом-дараксиз ғойиб бўлади. Жиноятнинг пинҳон қолиши ёки жиноятнинг фош бўлиши нима? Қисқаси, полиция бир томондаю, алоҳида шахслар иккинчи томонда, ўшалар ўртасидаги маҳорат синови. Жиноятчи баттол, ўтакетган аҳмоқ бўлса, полиция беллашувнинг ўндан тўққизида голиб чиқади. Мабодо жиноятчи иродали, билимдон, ҳар томонлама етук киши бўлса, полиция беллашувнинг ўндан тўққизида бой беради. Мабодо полиция голиб чиққудек бўлса, бу ҳақдаги маълумот ипидан игнасигача қулгингизга етади. Полиция бой бериб қўйгудек бўлса, ундан мутлақо беҳабар қоласиз. Мана шундай омонат пойдевор асосига ўша «жиноят ўз-ўзини фош этишга йўл очади» деган қулайгина ахлоқий ақидангизни қўндириб қўя қоласиз! Ҳа, билганингизга қараб йўрғалайсиз. Қолганлари-чи?

— Иблис ип эшолмайдиган ҳақиқат. Гапни ҳам дўндириб

қўйдингиз-да. — Қайиқхона йўлагидан қийқириқ овоз эшитилди. Биз граф сўзларига сукут қилиб турганимизда сэр Персивал ҳовуридан тушиб, қайтиб келган экан.

— Айтганларингиздан бир қисми тўғри бўлиши мумкин. — дедим. — Бу масала тафсилотини қойил қилиб ташлаган бўлишингиз ҳам мумкин. Лекин граф Фоско нима учун жиноятчиларнинг жамият устидан ғалабасини шунчалар тантанавор қутлаётганига тушунмай турибман. Сиз, сэр Персивал, нима учун уни ўша хатти-ҳаракатлари учун барала олқишляяпсиз?

— Эшитаяпсизми, Фоско? — киноя қилди сэр Персивал. — Маслаҳатимга кириб, толибаларингиз билан сулҳ тузинг. Саховатнинг қадри улуг, деб қўйинг уларга. Ақлим етиб турибди, уларга ўша ёқади.

Граф овозини чиқармай ич-ичидан мириқиб кулди. Унинг нимчаси ичида юрган сичқонларидан иккитаси оёқлари остидаги силкинишлардан даҳшатга тушиб, ўқдек учиб чиқишди-да, ўзларини кажаванига уриб кетишди.

— Ледиларимиз, олий ҳиммат Персивалгинам, менга саховат нималигини айтиб беришади. — деди у. — Улар мендан пешқадамроқ. Ахир саховат нималиги уларга маълум-да, мен уни қаердан билай?

— Сўзларини эшитаяпсизларми? — деди сэр Персивал. — Бемаънилик эмасмикин?

— Айни ҳақиқат, — деди граф вазминлик билан. — Мен дунё кезган одамман. Шунинг учун ҳам, ҳаётимда саховатнинг кўпгина хилини кўрганман. Энди кексайиб қолганимда уларнинг қайси бири тўғри ва қайси бири нотўғрилигини ҳам ажратиб ололмай турибман. Бу ерда — Англияда бир хил саховат. Узоқ Хитойда эса бошқа хил саховат. Англиялик Жон «бизнинг саховатимиз ҳақиқий» дейди. Хитойлик Жон эса «бизнинг саховатимиз ҳақиқий» дейди. Мен ўзим эса бирига «ҳа», иккинчисига «йўқ» десам ҳам, лекин аслида этиклик Жонники тўғримикин ёки кокиллик Жонники тўғримикин, деб бошим қотади. Ҳой, ширин бўлмай қолгур митти сичқонной! Келиб мени тавоф қилгин. Сенинг ўз тушунчангда саховатли киши ким бўлдийкин-а, гў-гў-гўзалим? Сени иссиқ тутиб, хўрагингни мул-қўл қилиб қўядиган киши бўлса керак. Тўғриси ҳам шу. Ахир, бунга ҳамманинг ҳам ақли етади-да.

— Бир минут сабр қилинг, граф, — гапини бўлдим. — Кўрсатган мисолларингизга тан берамизу, лекин Англияда, шубҳасиз, фақат ўзимизгагина хос саховат ҳукм суради. Хитойда ана ўша

етишмайди. Хитой адлия ҳуқуқи минглаб гуноҳсиз кишиларнинг арзимаган баҳоналар билан қатл қилинишига йўл қўяди. Биз эса Англияда ана ўша тоифа гуноҳкорликдан холимиз. Бундай мудҳиш жиноятга йўл қўйилмайди. Гуноҳсиз қон тўкилиши юрагимизни ларзага солади.

— Худди шундай, Мариан, — деди Лаура. — Етти ўлчаб, бир кесилган гап.

— Худо ҳаққи, графнинг гапини бўлмайд туринглар, — деди мадам Фоско қўрслик билан. — Ўзингиз ҳам тушуниб қоласиз, маҳмадона ледилар, улар мукамал асоси бўлмаса гапирмайдилар.

— Ташаккур, фариштам, — мулозимат қилди граф. — Қўнглингиз бонбон тиламайдими? — чўнтагидан садафланган қутича чиқариб, уни стол устига очиб қўяркан тавозеъ билан атрофдагиларга таъзим қилганича ширикликка ишора қилиб гапида давом этди ўша қув зот. — *A la vanille* шоколади Фосконинг сиз, дилраболарга бўлган эҳтиромидан нишона.

— Сўзингизни канда қилмай давом этира қолинг, граф, — деди хотини менга нисбатан кинояли кесатиқ билан. — Ўтиниб илтимос қиламан, мисс Ҳалкомбнинг саволларига жавоб берсангиз.

— Мисс Ҳалкомб шу фикрда эканлар, — деди сипо италян. — Нима ҳам дея олардик, уларга эътироз билдириб бўладими? Қойил! Мен ҳам уларнинг фикрига қўшиламан. Жон Булл Жон хитой жиноятларидан бениҳоя нафратланади. Бу кекса жентлмен тушмагур қўшнилари сал бежороқ қадам ташласа, сезадию ўз уйидаги қабоҳатларга келганда кўриб турса ҳам, парвойига келтирмайди-да. У ўз билганича иш тутаетган бир халқни айблар экан, унинг ўзини улардан аълороқ, деб бўладими? Инглиз жамияти, мисс Ҳалкомб, жиноят рақиби бўлганидек, тез-тез ўзи ҳам унга қўл уриб туради. Ҳа! Ҳа! Бошқа ўлкаларда нимаики жиноят ҳисобланса, бу ўлкада ҳам ўша-ўша жиноят, кимлардир уни хуш кўради, кимлардир унга нафрат билан қарайди. Учига чиққан фирибгар ҳам хотини билан болаларининг гамини ейди. У қанчалик тубан бўлса, унинг оила аъзоларига шунчалик кўпроқ ачинасиз. У кўпроқ ўзини ўйлайди. Қарздан боши чиқмайдиган нопок исрофгар дўстларидан кетма-кет пул сўраб турса, соф виждонли тежамкор одам эса ноилож аҳволда қолганидагина бирор маротаба қарз сўраши мумкин. Биринчи ҳолда ҳеч ким ажабланмайди, пул ҳам бериб туради. Иккинчи ҳолда эса дўстлари таажжубланиб, пул беришга иккиланиб қолишади. Ахир, товламачи жанобларининг ишлари вой бўлиб, унинг ётоғига айлан-

ган ҳибсхона Виждон жанобларининг умри ўтаётган ишхонасидан афзалроқ эмасми? Филантроп Жонми ёки Ҳовардми заҳмат бандалари мусибатини енгиллаштирмоқчи бўлса, хайру-саховатга умидвор кулбаи вайроналарга эмас, жиноят умидидаги ҳибсхоналарга боради. Қайси мавзуда ёзмасин, шеърларини сайратиб, уларнинг тасвирий жилоси билан кўпчилики қойил қилиб шуҳрат қозонган инглиз шоири ким эди? Ўша ёқимтой ёш йигит, сизлар ёқтирган хаёлпараст, ҳусндор Чаттертонингиз¹ ўз ҳаётини қалбаки имзодан бошлаб, жонига қасд қилиш билан яқунлаган. Қорни нонга тўймайдиган икки бечора чеварнинг қайси бирига омад ёр бўларкин, деб ўйлайсиз: васвасага берилмай, виждонан пок қолган аёлгами ёки васвасага учиб ўғирлик йўлига кирган аёлгами? Ўғирлик иккинчи аёлнинг бахтини очишини, ҳатто, уни меҳри дарё ва саховатли Англиянинг тўрт томонига машҳур қилишини, диний ақидани тарк этиши билан мустагриқ бўлиб кетгандай, енгил тортишини, агар унга риоя қилгудек бўлса, очликка маҳкум этилишини биласиз. Қани буёққа кел-чи, эркатой митти сичқончам! Ҳей қани келақол! Сен бир лаҳза мопора қизга айландинг дейлик! Тўхта шу ерда! Салмоқли қўлим кафтида тин олиб, азизим, гапимга қулоқ солгин. Сен ўзинг севган қашшоқ кишига турмушга чиқдинг дейлик, сичқонгинам. Дугоналарингнинг ярми сенга ачинади, қолган ярми эса номаъқул иш қилиб қўйганингни юзингга солади. Бордию, аксинча, ўзинг хуш кўрмайдиган кишининг олтинларига ружуъ қилсанг, дугоналарингнинг ҳаммаси сени олқишшлашади. Жамоа руҳонийси эса, инсон савдосидек энг тубан разолатга фатво беради. Кейин уни зиёфатга таклиф қилгудек бўлсанг, ҳатто дастурхон усти — уй тўрида ҳам ҳеч нарса билмагандек ишшайиб ўтираверади. Ҳей! Қани! Вассалом! Яна қайта сичқон холига қайтиб, чийиллаб юравер. Мабодо яна бироз мопора қиз бўлиб тургудек бўлсанг, жамият жиноятдан жирканади, деб қолмагин тагин. У ҳолда, сен сичқонча, кўз-қулоғинг ўзи жойидами, дейишимга тўғри келиб қолмасин. А лаббай! Мен ёмон одамман-да, леди Глайд, шундай эмасми? Бошқалар хаёлига энди келаётган фикрни мен олдиндан шартта гапириб қўяқоламан. Бундан ташқари, ер юзида гимирлаб турганлар сохта қўғирчоқбозликни айна ҳақиқат деб кўрсатишга тил бириктириб туришганда менинг аёвсиз қўлларим уларнинг юзидаги мунофиқлик пардаларини йир-

¹ Чаттертон (1752-1770 йй.) — инглиз шоири.

тиб, ҳақиқий башараларини очиб ташлашга одатланган. Энди яна бирор шаккоклик қилиб, сизларнинг назарингиздан қолмаслик учун сумбатдек оёқларим чигалини ёзиб олайин. Ўрнимдан туриб, бироз тоза ҳавода айланайин. Мухтарам ойимчалар, сизларнинг севикли Шериданинглар¹ тили билан айтганда «Мен кетаману обрўимни қолдираман».

У ўрнидан туриб, кажавани стол устига қўйди-да, бир лаҳза унинг ичидаги сичқонларини санай бошлади.

— Бир, икки, уч, тўрт... Ийе! — қийқириб юборди у авзойи ўзгариб. — Ё худойимей, бешинчиси қаердайкина; миттичаси, момикчаси, ҳаммасидан ҳам ширини — сичқонлар соҳибжамоли!

На Лауранинг, на менинг кўнглимга ҳазил сизмасди! Графнинг худбинлик руҳидаги бурро тили феъл-атворининг яна бир қиррасини ошқор қилган бўлиб, иккаламиз ҳам талвасага тушиб қолгандик. Лекин мана шундай баҳайбат кишининг зумраша бир сичқоннинг ғойиб бўлишидан телбаларча қайғуриши кулгимизни қистатарди. Қани энди ўзимизни тута олсак — шарақлаб кулиб юбордик. Мадам Фоско эрининг қайиқхона бурун-бурчагини қидириб нодир матоҳини топиб олиши учун уни бўшатиб қўйиш керак, дегандек ўрнидан туриб ташқарига йўл оларкан, биз ҳам унинг кетидан эргашидик.

Ҳали уч-тўрт қадам юрганимиз ҳам йўқ эди, графнинг олазарак кўзлари йўқолган сичқоннинг биз ўтирган скамейка остида эканлигини пайқаб қолибди. Скамейкани бир томонга суриб, митти жонзотни қўлига олибди. Кейин, кутилмаганда, чўкка тушган холида оёғи остидаги бир нуқтага тикилганича меърайиб қолибди.

У ўрнидан турганида қўллари дағ-дағ қалтираб тураркан, ҳатто сичқонни ҳам кажавасига аранг киритган, ранги заъфарон тортиб кетган экан.

— Персивал! — деди у шивирлаб. — Персивал! Буёққа келинг.

Кейинги ўн минутлар ичи сэр Персивал бирортамизга ҳам эътибор бермай, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолган — таёқчаси учи билан қумга қандайдир рақамларни ёзиб ўчириш билан овора эди.

— Нима гап ўзи? — деди у бепарвогина қайиқхона ичкарасига аста қадам ташлаб.

— Мана бу ерда ҳеч нарса қўрмайсизми? — деди граф бир

¹ Шеридан (1751-1816 йй.) — машҳур инглиз драматурги. Юқоридаги ибора унинг «Ғийбат мактаби» комедиясидан олинган.

қўли билан унинг ёқасидан тортиб, иккинчиси билан эса сичқони топилган нуқтани кўрсатиб.

— Сочилиб кетган қумни кўриб турибман, — жавоб берди сэр Персивал. — Ўртасида қатқалоқ доғи ҳам бор.

— Қатқалоқ доғ эмас, — шивирлади граф, ҳаяжонланганидан сэр Персивал ёқасини қаттиқроқ тутамлаб пастга тортганича — қон.

Сўнгги сўз оқистагина шивирлаб айтилган бўлса ҳам, ҳали унча узоқлашиб кетмаган Лауранинг қулоғига чалинганди. У ваҳимага тўлиб, менга қаради.

— Хотиржам бўлинг, азизим. — дедим унга. — Ваҳимага тушишнинг ҳожати йўқ. У дайди лайчанинг қони-ку.

Ҳаммалари ҳайрон бўлиб, менга тикилиб қолишди.

— Сиз буни қаердан биласиз? — деб қолди сэр Персивал тилга кириб.

— Сизлар хорижий сафарингиздан қайтиб келган кунингиз ўша кучук шу ерда жон талвасасида ётган экан, — жавоб бердим. — Жонивор адашиб дарахтзорга кириб қолган экан, қоровулингиз отиб ташлабди.

— Кимнинг кучуги экан? — қизиқиб қолди сэр Персивал. — Менинг кучукларимдан бири бўлмасин тагин?

— Бечорани асраб қолишга ҳаракат қилдингизми? — маъюс мурожаат қилди Лаура унга ачиниб. — Асраб қолишга уринганиз-а, албатта, Мариан?

— Шундай, — фикрини эътироф этдим. — Рўзгорбоши билан иккаламиз қўлимиздан келганини қилдик. Афсус, ўладиган ҳолда яраланган экан, қўлимизда жон берди.

— Кимнинг кучуги экан у? — сэр Персивал бироз қизишиб саволини тазйиқ билан яна такрорлади. — Менинг кучукларимдан биримасми?

— Йўқ, сизнинг кучукларингиздан эмас.

— Кимники экан унда? Рўзгорбоши биладими?

Шу кейинги савол берилган дақиқа рўзгорбошининг «Миссис Катерик Блаквоутер Паркка келганини сэр Персивалдан пинҳон тутишимни илтимос қилди» дегани хаёлимдан ўтиб қолди. Шунинг учун саволга жавоб бериш билан сирни фош қилиб қўйиш таҳликасида андак иккиланиб қолдим. Лекин ваҳима босиб турганларни хотиржам қилиб қўя қолишга ошиқиб ишнинг пачавасини чиқариб бўлгандим, чекинишга ўрин қолмаганди. Бундан ташқари, энди чекиниб, уларнинг юрагига гулгулалаи шубҳа солиб, аҳволни яна ҳам мушқуллаштириб қўйишдан чўчидим. Оқибат

ти нима бўлишини ўйлаб ўтирмай дадил жавоб беришдан бошқа иложим қолмаганди.

— Ҳа, — дедим. — Рўзгорбоши биларканлар. Уларнинг айтишларича, миссис Катерикнинг кучуги экан.

Мен остонада туриб гапираётганимда шу дақиқагача сэр Персивал қайиқхона рўпрасида граф Фоско билан қаққайиб турарди. Лекин миссис Катерикнинг номи оғзимдан чиқиши билан у графни беандишаллик билан туртиб ташлаганича шу лаҳзаёқ ёнимда пайдо бўлдию, ҳали қош қораймаган бўлса ҳам, юзини юзимга тирагандай қаршимда бақамти туриб қолди.

— Миссис Катерикнинг кучугилигини рўзгорбоши қаердан билибди? — деб қолди сэр Персивал менга бақрайганича. Унинг важоҳати энсамни қотирди, ўйланиб ҳам қолдим.

— Улар биларканлар, — дедим хотиржамлик билан. — Миссис Катерикка эргашиб келган экан ўша кучук.

— Миссис Катерикка эргашиб келган экан? Ўша кучукни эргаштириб қаерга келибди?

— Мана шу хонадонга.

— Қайси шайтон озиктирдийкин уни, бу хонадонда миссис Катерик нега ивирсиб юрибди?

Саволнинг бу тариқа қўйилиши майлия, лекин дўқ билан айтилиши дилимни ранжитди. Индамай ундан юзимни ўтирдиму нари кетдим. Шу тариқа унинг андишасизлигига киноя қилмоқчи бўлдим.

Мен нарига кетган заҳотиёқ граф залворли қўлини унинг елкасига оҳиста қўйиб, ширинсўзлик билан уни ҳовуридан туширишга ҳаракат қилди.

— Азиз Персивалгинам! Ўзингизни босинг, ўзингизни босинг!

Сэр Персивал жаҳд билан орқасига ўгирилиб унга қаради. Граф эса жилмайганича яна ўша бемаъни насиҳатини такрорлади.

— Ўзингизни босинг, қадрдоним, ўзингизни босинг!

Сэр Персивал бироз иккиланиб қолди, бир неча қадам мен томон юриди ва мутлақо хаёлимга келтирмаган воқеа содир бўлди — мендан узр сўради, таажжуб.

— Афу этгайсиз, мисс Ҳалкомб, — деди у. — Кейинги пайтларда анча издан чиқиб қолдим, жиртакилик касалига мубтало бўлмаганмиканман, деган хавфдаман. Ҳар ҳолда, миссис Катерик бу ерга нима учун келиши мумкин, бошим қотиб қолди. Қачон келган? У билан рўзгорбошигина гаплашдими?

— Менимча, рўзгорбошигина гаплашди.

Граф яна гапга аралашди.

— У ҳолда рўзгорбошининг ўзидан суриштириб қўя қолсангиз бўлмайдими? — деди у. — Ҳозироқ, Персивал, ўша маълумот манбаига борилса бўлмайдими?

— Тўғри! — деди сэр Персивал. — Албатта, аввал рўзгорбошидан суриштириш керак. Каллаварамлигимни қаранг, шу ҳам хаёлимга келмабди-я. — Шундай дедию, бизга ҳам қарамай, уйга шошилди.

Графнинг бу ишга бош қўшиш сабаби, аввало бунга ҳайрон бўлган бўлсам ҳам, сэр Персивал шошилиб кетиб қолиши билан аён бўлиб қолди. У миссис Катерик шахсияти ва унинг Блэквоутер Паркка нима мақсадда келгани ҳақида мендан сўрашга мўлжаллаб қўйган бир даста саволи бўлгани ҳолда, бу борада дўстининг олдида оғиз очишга журъат этолмас эди-да. Графнинг саволларига иложим борица эҳтиётлик билан қисқа-қисқа жавоб бердим, чунки у билан умуман сирдош бўлмасликка қарор қилиб қўйгандим. Шунга қарамай, Лаура анча-мунча нарсаларга қизиқиб суриштирверганидан, беихтиёр, бутун маълумотни сиқиб олишида унга кўмаклашиб қўйди. Ахир, унинг саволларига ҳам жавоб беришдан ёки сэр Персивал сирлари кўмилиб ётган хазинадан унинг ўта тубан феъл-атворини ҳам ошқора қилиб қўйишдан бошқа иложим қолмаганди. Хулласи, суҳбатимиз якуни ҳақида қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: ўн минутлардан кейин миссис Катерик ва унинг қизи — Аннани Ҳартрайт тасодифан учратиб қолганидан то шу кунгача ўртадаги алоқадорлик сабаблари бўлиб қолаётган ажиб воқеалар ҳақида нималарни билсам, граф Фоско ҳам ўшаларнинг ҳаммасидан огоҳ бўлди.

Маълумотларим, бир томон қаралганда, унга ғалати таъсир қилди.

Граф сэр Персивалнинг сирдоши, унинг ҳамма ишларидан огоҳ кўринса ҳам, Анна Катерикнинг аслида кимлиги ва унинг тақдири менга қоронғи бўлганидек, у ҳам булардан бутунлай беҳабар экан. Сэр Персивал ўша муштипар аёл ҳаётига боғлиқ сирли жумбоқ калитини ҳатто жонажон дўстидан ҳам пинҳон тутганига иқрор бўлдиму шубҳамга шубҳа қўшилди. Граф оғзимдан чиққан ҳар бир сўзни ташналик билан сипқориш пайида экан, ана ўша муштоқлик унинг бутун авзойию қиёфасидан ҳам яққол кўриниб турар, янглишишнинг ўрни йўқ эди. Биламан, муштоқликнинг ҳам хили кўп, лекин бундай ҳайрат муштоқлик билан мўлтиллаб туришини бошқача ифодалашнинг иложи ҳам йўқ.

Мабодо ҳаётимда умуман муштоқликни кўриш насиб этган бўлса, ўшани граф юзида кўргандим.

Мана шундай савол-жавоблар билан фикр алмашганимизча аста-секин дарахтзор оралаб орқага қайтдик. Бино ёнига яқинлашиб қолганимизда сэр Персивалнинг йўлакдаги қўш ўринли кабиға кўзимиз тушиб қолди. От қўшиғлик, коржомалик отбоқар унинг ёнида турарди. Мана шу тасодифий вазиятга қараб ҳукм қилинса, рўзгорбоши билан бўлган савол-жавоблар анча муҳим натижалар билан яқунлангани аниқ эди.

— Зап от эканда, оғайни, — дея граф отбоқарга қадрдонларча мурожаат қилди. — Қаергадир жўнамоқчимисиз?

— Мен жўнаётганим йўқ, сэр — жавоб берди у киши ўз коржомасига назар ташлаб. Эҳтимол «Бу хорижий женглмен коржомани мавсум либоси, деб ўйлагандир» деган фикрни хаёлидан ўтказган бўлса керак. — Валинеъматимиз ўзлари жўнамоқчилар.

— Ҳа-аа! — деди граф. — Ростдан ҳам жўнаб кетяптиларми? Ҳайронман, сиз турганда, ўзини уринтириб нима қилардийкин. Шундай ялтираб турган суқсурдай отни қора терга тушириб олисга жўнармикин бугун?

— Билмадим, сэр. — жавоб берди у киши. — Ижозатлари билан айтгудек бўлсам, сэр бу от — байтал. Отхонамиздагилардан энг чопқирни мана шу. Исми Малла нозик, сэр. Олдинга сурганисурсан. Сэр Персивал яқинроқ жойга отлансалар, одатда, йўрклик Исаакни қўштирадилар.

— Узоқ жойларга шу суқсурдай Малла нозигингиз қўшиларкан-да?

— Шундай, сэр.

— Мантиқий хулоса шуки, мисс Ҳалкомб, — граф анча жонланиб сўзида давом этаркан, орқасига ўгирилиб менга мурожаат қилди — Сэр Персивал бугун олисга жўнаяптилар.

Мен миқ этмадим. Рўзгорбошидан эшитганларим ва айни вақтда кўз ўнгимда муҳайё бўлиб турганлардан ўзимча бошқа хулоса чиқарган бўлсам ҳам, бу ҳақда граф Фоскога оғиз очишни лозим топмадим.

Сэр Персивал Кумберлендда экан (ўзимча ўйладим) Тоддлар бурчагидаги оиладан Аннани суриштириб келиш учун ўша ерга кетган эди. Энди у Ҳемпширда экан Велмингҳамдаги миссис Катерикдан яна ўша Аннани суриштириш учун узоққа отланиб турибди.

Биз бинога кирдик. Энди залдан ўтиб кетаётганимизда кутубхонадан сэр Персивал бизга пешвоз чиқиб қолди. У шошаётгандек

кўринар, юзи пага бўлиб кетган, хаёли паришон эди. Шунга қарамай, биз билан гаплашаркан, хушуомилаликни қўлдан бермасди.

— Каминаларини маъзур тутгайсизлар, сизларни мустар қилиб, отланишимизга тўғри келиб қолди, — гап бошлади у. — Олисроққа жўнаб кетяпман. Муҳим масала, кечиктиришнинг иложи йўқ. Эртага эртароқ қайтаман Лекин йўлга чиқиш олдидан бугун эргалаб тилга олинган арзимас битим ҳужжатини бир ёғлиқ қилиб қўйсақ, дейман. Лаура, кутубхонага кириб чиқасизми? Бироз дақиқа вақтингизни олишга тўғри келади, шунчаки расмиятчилик. Графиня, сизни ҳам андак безовта қилишга журъат этсак нима дейдилар? Сиз билан графиня, граф, имзо гувоҳлари бўлсангиз, деган умиддаман, бор-йўғи шу. Келинлар, ҳозироқ кириб, уни ниҳоясига етказиб қўя қолайлик.

Улар ичкарига киришаркан, сэр Персивал эшикни очиб турди. Сўнгра улар кетидан ўзи ҳам ичкари кириб, эшикни оҳиста ёпди.

Шундан кейин залда бир ўзим андак қаққайиб қолдим. Дилимга гулгула тушиб, юрагим така-пука бўлиб кетди. Кейин зинапоя томон юрдим ва шошилмай ўз хонамга чиқиб кетдим.

IV

17 июнь. Хонам эшигига қўл уриб энди уни очайин деб турганимда пастдан сэр Персивалнинг овози эшитилиб қолди.

— Қайтиб тушишингизни илтимос қилишимизга тўғри келиб турибди, — деди у. — Фоскодан хатолик ўтди, мисс Ҳалкомб, мендан эмас. У хотинининг иккинчи гувоҳ бўлишига қарши арзимас эътирозини рўкач қилганидан сизни кутубхонага таклиф этишга тўғри келиб турибди.

Орадан кўп ўтмай сэр Персивал билан биргаликда ўша хонага кириб бордик. Лаура ёзув столи ёнида бизга интиқ бўлиб ўтирар, саросимада қолганидан похол шляпасини гижимлаб айлантитарди. Мадам Фоско эса хонанинг нариги чеккасида деразадаги гулларнинг сўлиган баргларини териш билан овора бўлиб турган эрига термилганича пинагини бузмай ўтирарди.

Хонага кириб боришим билан граф менга пешвоз чиқиб фикрини изҳор этишга шошилди.

— Минг бор афу этгайсиз, мисс Ҳалкомб, — деди у. — Инглизларнинг ватандошларимга берган баҳосини сиз яхши биласиз-а? Олижаноб Жон Булнинг назарида биз жамики италянлар табиатан жуда маккор ва бировга ишонмайдиган кишилармиз.

Истасангиз, мени ҳам ўз ҳамзотларидан афзал бўлмаса керак, деб ҳисоблай қолинг. Ўзингиз ҳам хаёлингиздан шуни ўтказиб турибсиз, мўтабар леди, шундай эмасми? Ана кўрдингизми! Қисман маккорлигим ва қисман бировларга ишонавермаганимдан, леди Глайд имзосига ўзим гувоҳ бўлатуриб, унга мадам Фосконинг ҳам гувоҳ бўлишига эътироз билдираман.

— Уларнинг эътироз билдиришларига мутлақо ўрин йўқ, — сэр Персивал гапга аралашди. — Инглиз қонуниятини буйича мадам Фоско ҳам, эри гувоҳ бўлганидек имзога гувоҳ бўла олишини уларга тушунтирдим.

— Шундай бўлсин ҳам дейлик, — граф ўртадаги фикрни давом эттирди. — Инглиз қонуниятини «ҳа» дейди, лекин Фосконинг виждони «йўқ» дейди. — У бақалоқ панжаларини кериб, қўлини кўксига қўйганича мулозимат билан таъзим қиларкан, гўё ўз виждонини бизларга ҳам раво кўриб, ўз қавми олдида намойишкорона фатво бераётгандек туюларди. — Леди Граф имзо чекадиган бу ҳужжат нима ҳақидайкин, — давом этди у. — Хабарим йўқ, қизиқмайман ҳам. Лекин шуни айтиб қўяйин, вақти келиб вазият тақозоси билан Персивал ёки унинг ваколатдорининг ушбу икки гувоҳга мурожаат этишларига тўғри келиб қолар. Ана ўшанда гувоҳларнинг ҳар бири мустасно ҳолда ўз фикрини изҳор этиши, албатта, мақсадга мувофиқ деб биламан. Мабодо мен гувоҳ сифатида имзо чекканим ҳолда хотиним ҳам гувоҳ бўлиб имзо чеккудек бўлса, ана ўша мустақил фикр заволи топди, деяверинг. Чунки биз ўзаро фақат биргина фикрга, у ҳам бўлса, менинг фикримга таяниб иш тутамиз. Кунини келиб, мадам Фоско менинг тазйиқим билан гувоҳлик берган, деган таънага қолишни, аслини олганда, унинг умуман сохта гувоҳ бўлиб қолишини истамасдим. Куёвнинг қадрдон дўсти сифатида менинг номим келиннинг қадрдон дугонаси сифатида эса, мисс Ҳалкомб, сизнинг номингиз қайд этилса, деган таклиф билан Персивал манфатини кўзлаймиз-да. Мабодо сиз ҳам мени кашмири (иезуит) деган хаёлда бўлсангиз, на чора, кашмири бўлақолайин. Пашшадан фил ясаб, қилдан қийиқ чиқариб ҳеч кимга ишонмайдиган нобакор одамман. Лекин менинг феъл-атворимдаги италянларга хос эҳтиёткорлик ва виждон эҳтиросини лутфан тан олиб, бизни хушнуд қилгайсиз, деган умиддаман. — У яна бир бор таъзим қилганича, андак орқасига тисланаркан гўё ўз виждонини бизга одоб билан ҳавола қилгандек, яна одоб билан уни ўз ўрнига қўйгандек бўлди.

Графнинг виждонига қойил қолиб, кўрсатган далилларини ҳам

асосли деб тан олиш мумкин эдию, лекин ўша далилу-исботларни ифодалашда ўзини сал бошқачароқ тутиб, имзо масаласидаги бу ишга кўнглим дов бермай турган бир вақтда ҳафсаламни яна ҳам пир қилиб юборди. Лаурага бўлган меҳримдан бошқа ҳеч қандай тафсилот энди мени гувоҳликка кўндира олмасди. Шунга қарамай, синглимнинг ташвишли қиёфасини кўриб, юрагимга ҳеч нарса сиғмай қолди. Уни ёлғизлаб қўймаслик учун ҳамма нарсадан кечишга мажбур бўлдим.

— Шу ерда бўлишга жоним билан тайёрман, — дедим. — Мабодо эътироз билдиргудек сабаб бўлмаса, менинг гувоҳлигимга ишонаверсангиз бўлавереди.

Сэр Персивал менга ўгирилиб, нимадир демоқчи эдию, шу пайт мадам Фоско креслодан туриб унинг эътиборини бўлиб қўйди. У эри билан кўз уриштириб, чиқиб кетишга буйруқ олгани аниқ эди.

— Чиқиб кетишингизнинг ҳожати йўқ — деди сэр Персивал.

Мадам Фоско яна амр-фармон кутди ва яна ўша буйруқни олгач бизни ўз холимизга қўйишни маъқул топганини айтиб, зудлик билан чиқиб кетди. Граф эса сигаретини тутатиб олиб, яна деразадаги гуллар ёнига қайтди. Энди у баргларга сигарет тутунини ингичка оқим билан пуфлаганича ҳашоратларни қириш билан оворадек кўринарди.

Айни вақтда сэр Персивал жавонлардан бирининг қуйи тортмасини очиб, у ердан пергамент ўрамаси олиб, стол устига қўйдида, унинг юза ўраминигина очиб, қолган қисмини ушлаб турди. Ўша очиқ ерида ҳеч вақо йўқ, имзо билан муҳр ўрни эди холос, ёзуви эса Персивал ушлаб турган ўрам ичидайди. Лаура билан мен кўз уриштириб олдик. Унинг ранги қув оқариб кетган бўлса ҳам, на саросима ва на ваҳима кўринарди.

Сэр Персивал пат қаламни даватга уриб, уни хотинининг қўлига тутқазди.

— Мана бу ерга қўл қўйинг, — деди у махсус жойни кўрсатиб. — Сиз билан Фоско иккалангиз, мисс Ҳалкомб, кейин анави гувоҳликка ўтувчилар номи қайд этиладиган жойлар қаршисига қўл қўясизлар. Бу ёққа келақолинг, Фоско! Дераза ёнида юлдуз санаб, гулларни дудлаш билан имзога шаҳодатлик бериб бўлмайди.

Граф қўлбола сигаретини ташлаб, стол атрофида турганлар қаторига қўшилди. У қўлларини лоқайдлик билан қирмизи камарига суқиб олганича сэр Персивал юзига тикилиб қолганди. Эрининг нариги ёнида ўтирган Лаура ҳам пат қалам тутганича ундан кўз узмасди. Уларнинг ўртасида турган сэр Персивал эса қўлёзма-

нинг ўрама қисмини стол устига ниқтагандек босиб тураркан, таъна ва ҳадик аралаш назар билан менга тикилиб (мен унинг рўпарасида ўтирардим), ўз хонадони адолатпарваридан кўра панжара ортидаги махбусни эслатарди.

— Шу ерга қўл қўйинг. — такрорлади у Лаура томон кескин ўгирилиб, қўлёманинг бўш жойини яна бир бор кўрсатганича.

— Мен ўзи нимага қўл қўйишим керак? — Лаура мулойимгина мурожаат қилди.

— Тушунтириб ўтиришга вақтим йўқ, — деди у. — Каб кутиб турибди, тез жўнаб кетишим керак. Бундан қатъи назар, вақтим бўлганда ҳам, барибир, ақлингиз етмаса керак. Қисқаси, адлия сўзларию ва ҳоказолар қалашиб ётган шунчаки расмий ҳужжат. Бўлақолинг! Бўлақолинг! Қўл қўяверинг! Ҳар бир дақиқа ганимат, уни ниҳоясига етказиб қўяқолайлик.

— Қўл қўйишдан олдин, сэр Персивал, нимага имзо чекишимдан огоҳ бўлишим шарт эмасми?

— Бемаънилик! Бу ишларга аёлларни аралаштиришнинг нима ҳожати бор? Сизга яна бир карра айтиб қўяйин, унга тушуна олмайсиз.

— Ҳар ҳолда, тушунишга уриниб кўрайин. Гилмор жаноблари менинг номимдан иш юритган пайтларда, ҳар вақт, менга дастлаб иш моҳиятини тушунтирар, ақлим ҳам етақоларди.

— Шундай қилгандир ҳам дейлик. У сизнинг масъул ходимингиз экан, тушунтиришга ҳам мажбур бўлган. Мен эсам сизнинг эрингиз эканман, бундай қилишим шарт эмас. Мени яна қанча вақт илҳақ қилмоқчисиз? Такрор айтиб қўяйин, ўқиб ўтиришга вақт йўқ, каб кутиб турибди. Қисқаси, қўл қўясизми ёки йўқми?

Лаура пат қаламни ушлаб турган бўлса ҳам, қўл қўйишга жазм қилмади.

— Имзоим билан бирор масъулиятни ўз зиммамга олар эканман, — деди у. — ўша масъулият нимадан иборатлигини билиб қўйишга ҳаққим борми?

Сэр Персивал ҳужжат ўрамини баланд кўтариб жаҳл билан столга урди.

— Очигини айтинг! — ўшқирди у. — Сиз доимо адолатли сўзларингиз билан мўътабар эдингиз. Мисс Ҳалкомбга ҳам, Фоскога ҳам эътибор бермай, очигини айтиб қўя қолинг, сиз менга ишонмайсиз.

Граф бир қўлини камаридан чиқариб, оҳистагина сэр Персивалнинг елкасига қўйди, сэр Персивал эса унинг қўлини жаҳл

билан улоқтириб ташлади. Граф пинагини бузмай, ўша-ўша осойишталик билан қўлини яна унинг елкасига қўйди.

— Ҳаддингиздан ошмай, ўзингизни босинг, Персивал, — деди у. — Леди Глайд ҳақлар.

— Ҳақлар!? — ўшқириб кетди сэр Персивал. — Ўз эрига ишонмаётган аёл ҳақ эмиш!

— Сизга ишонмаслигимда айблашингиз адолатдан эмас, шафқатсизлик қиляпсиз — деди Лаура. — Мариандан сўранг, наҳотки ўзимга тааллуқли мана шу ҳужжатга қўл қўйишимдан олдин унинг нималигини суриштира олмасам.

— Миссис Ҳалкомбга мурожаат қилишнинг нима ҳожати бор, — эътироз билдирди сэр Персивал. — Бу ишга миссис Ҳалкомбнинг ҳеч қанақа даҳли йўқ.

Шу дамгача миқ этмагандим. Ҳозир ҳам тишимни-тишимга қўйган бўлардим, лекин Лаура ўгирилиб менга телмураркан, унинг изтироб тўла қиёфасига, эрининг эса ҳақоратомуз ноҳақ дағдағасига чидаб туролмадим. Унга ачинганимдан, гап келиши билан дилимдаги гапни шартта айтишдан бошқа иложим қолмаганди.

— Узр, узр Персивал, — дедим. — Имзо гувоҳларидан бири эканман, бу ишга менинг ҳам даҳлим бор, деган хаёлдаман. Лауранинг эътирози, назаримда, жуда асосли туюлади. Шахсан ўз мулоҳазамни гапиргудек бўлсам, у сиз қўл қўйдирмоқчи бўлаётган ҳужжатингиз тагига етмагунча унинг имзосига кафолат бериш масъулиясини ўз зиммамга ололмайман.

— Тап тортмай гапиришини қаранг, ё парвардигор! — жеркиди сэр Персивал. — Яна бошқа бирорга кишининг уйига ташриф буюргудек бўлсангиз, мисс Ҳалкомб, унинг меҳмондўстлиги учуноқ ўзингизга даҳли йўқ масалада соҳибхона хотинига ён босиб, унинг райига қарши иш тутмаслигингизни маслаҳат берардим.

Юзимга тарсаки тортиб юборгандек сакраб ўрнимдан туриб кетдим. Эр киши бўлганимдаю уни ўз уйи остонасидаёқ сулайтириб, бу ерга у дунё-бу дунё қадам босмайдиган бўлиб чиқиб кетган бўлардим. Афсус, аёллигимга бордим, унинг хотини мен учун жонимдан ҳам азиз-да!

Худога шукр, ўша садоқат тўла меҳрим шаштимдан қайтариб, ортиқча гап қилмай, яна жойимга ўтирдим. Қанчалик дилим оғриганини ва нима учун ўзимни босганимни Лаура фаҳмлаганди. У югурганича ёнимга ўтди, кўз ёшларини тиёлмасди.

— Оҳ, Мариан! — оҳиста шивирлади у. — Онаизорим ҳаёт бўлганларида ҳам, менга сизчалик мурувват қила олмаган бўлардилар.

— Жойингизга қайтиб қўл қўйинг! — ўшқирди сэр Персивал столнинг нариги томонидан.

— Шундай қилайми? — Лаура қулоғимга шипшиди. — Сиз айтгудек бўлсангиз, қўл қўйганим бўлсин.

— Йўқ,- дедим. — Ҳақиқат ҳам, адолат ҳам сиз томонда. Аввал уни ўқиб чиқмагунингизча қўл қўя қўрманг.

— Жойингизга қайтиб қўл қўйинг! — У жаҳл билан ўдағайлаб яна ўшқирди.

Лаура билан мени зимдан кузатиб турган граф иккинчи мартаба орага тушди:

— Персивал! — деди у. — Мўътабар аёллар ҳузуридалигимни унутмайман. Илтерламаот юзасидан сиз ҳам шуни ёдингиздан чиқармасангиз.

Сэр Персивал жаҳл билан унга қайрилиб қаради. Графнинг залворли панжалари унинг елкасини аста қисаркан, унинг яна ўша салобатли овози эшитилди:

— Илтерламаот юзасидан, сиз ҳам шуни ёдингиздан чиқармасангиз.

Улар бир-бирига қараб қолишди. Сэр Персивал елкасини граф қўлидан аста бўшатиб, кўзларини ҳам унинг назаридан четга олди. Тумтайганича стол устидаги ёзув ўрамига бир лаҳза тикилдию, кейин ўз ноҳақлигини тан олгандек бўлмаса ҳам, қамчи зарбидан итоатгўй бўлиб қолган махлуқдек хўмрайганича ночор тилга кирди.

— Ҳеч кимнинг дилига озор етказиш ниятим йўқ, — деди у. — лекин хотинимнинг ўжарлиги ҳар қандай авлиёнинг ҳам поймонасини тўлдириб юборади-да. Бунинг шунчаки расмий ҳужжатлигини унга айтдимку, ахир, у яна нима истайди? Сизлар нима десангиз, деяверингу, аёл киши эрининг измига тўғаноқ бўлиб нима қилади. Яна бир бор айтаман, леди Глайд, сўнги мурожаатим, қўл қўясизми ёки қўймайсизми?

Лаура жойига қайтиб келиб ўтирди ва яна қўлига пат қаламни олди.

— Менинг масъулиятимни ҳам назарда тутгудек бўлсангиз, — деди у. — бош устига қўл қўяман. Агар керак бўлса, жонимни фидо қиламан, менга энди фарқи йўқ. Фақат бошқалар азият чекмаса, кейин чуви чиқиб қолмаса...

— Ким сизга жонингизни фидо қилинг, деяпти? — унинг гапини бўлди сэр Персивал сал ҳовуридан тушиб.

— Фикримни очиқ айтсам, — давом этди Лаура. — сизга ҳурматим туфайли райингизни қайтармоқчи эмасман-а. Лекин но-

маълум бир битимга қўл қўйиш-қўймасликка иккиланиб турганимда нега уни менга тиқиштириб қолдингиз? Назаримда, граф Фоско инжиқлигига миқ этмаганингиз ҳолда, менга келганда тазйиқ қилиб туришингиз оғир туюларкан.

Очиқ айтилмаган бўлса ҳам, шундай бўлиши табиий, граф олдида эрининг тили қисиклигига тааллуқли бу машъум киноя сэр Персивалнинг тутаб турган газабини шу дақиқаёқ ловиллатиб аланга олдирди.

— Инжиқлик! — такрорлади у. — Сизнинг инжиқлигингиз! У вақтлар ўтиб кетди. Менга турмушга чиқишингиз билан мўъминқобил ва садоқатли бўлишга жазм қилиб, мана шунақа зайф хислатларингизга барҳам бергандирсиз, деб ўйлагандим.

Ўша сўзлар унинг оғзидан чиқар-чиқмас Лаура патқаламни столга улоқтириб сэр Персивалга маънодор қараб олди. Уни қанчалик яхши билмайин, шу алфозда назар ташлашини хаёлимга келтирмаган эканман. Кейин миқ этмай ундан юзини ўгирди.

Лауранинг ўз алам ва нафратларини бунчалик очиқ ифодалашини кутмагандик, бу ҳол унинг табиатига мутлақо бегона эди. Ҳаммамиз анқайиб қолибмиз. Ҳозиргина унинг эри оғзидан чиққан дағал сўзлар замирида, шак-шубҳасиз, қандайдир сир ётарди. Ўша унинг ҳамиятига тегадиган ҳақорат заҳри, бундан мен мутлақо беҳабар эдим, юзига яққол қалқиб чиққани ҳар қандай бегонага ҳам аён эди.

Граф, вазиятга узвий алоқадор бўлганидан, буни дарҳол сизди. Лауранинг олдида ўтиш ниятида ўрнимдан турарканман, графнинг сэр Персивалга шивирлагани қулоғимга чалинди.

— Сиз тентак экансиз!

Мен олдинга қадам ташлашим билан Лаура эшик томон йўл олди, шу дақиқада эри унга яна бир марта мурожаат қилди:

— Шундай қилиб, битта имзоингизни мендан аядингиз-а? — деди у ўз тилидан илиниб қолганини англаган кишидек овозини ўзгартиб.

— Ҳозиргина менга айтган гапларингиздан кейин, — деди Лаура қатъилик билан — ушбу ҳужжатни нимадан бошланиб, нима билан яқунланишигача ҳар бир сатрини ўқиб чиқмагунимча имзо чекишдан воз кечаман. Кетдик, Мариан, бу ерда анча ҳаяллаб қолдик.

— Бироз сабр қилинг! — орага тушди граф сэр Персивал яна нимадир дейишига улгурмасидан. — Бироз сабр қилинг, леди Глайд, сиздан ўтиниб сўрайман.

Лаура унинг илтимосини писанд қилмай чиқиб кетган бўлардию, уни тўхтатиб қолдим.

— Графни ўзингизга душман қилиб олманг! — шивирладим унга. — Нима қилганингизда ҳам, графни ўзингизга душман қилиб олманг!

У менга ён берди. Эшикни қайта ёпиб қўйдим ва йўлакда туриб қолдик. Сэр Персивал эса тирсагини кўлёма устига, бошини кафти устига қўйганича ўтириб қолганди. Ҳамма нарсада йўл-йўриқ кўрсатганидек, ҳозир мана шу диққатвозлик пайтида ҳам граф ўртага тушди.

— Леди Глайд, — деди у мулойимлик билан, лекин бундай муомала бизга нисбатан эмас, балки ўртадаги нохуш вазиятни юмшатиш ниятида бўлаётгани сезилиб турарди. — бизни маъзур тутгайсиз, дилга келиб қолган таклифимизни ўртага ташласакмикин, деган фикр туғилиб қолди. Шу хонадон бекасига бўлган чексиз ҳурматимиз ва дўстона муносабатимиз туфайли сўз очаётганимизга ишонасиз, деган умиддамиз. — У шартта сэр Персивал томон ўгирилди. — Тирсақлари остидаги мана бу нарсага шу буюноқ қўл қўйилиши шартми? — савол ташлади.

— Менинг режаларим ва хоҳишим бўйича шарт. — дийдаси қотиб жавоб берди сэр Персивал. — Лекин ниятимизни, ўзингиз ҳам сезиб турибсиз, леди Глайд писанд қилмаяпти-да.

— Аниқ саволимга лўнда жавоб қайтаринг. Имзо масаласи эртага қолдирилса бўладими? Ё ҳа, ё йўқ.

— Сиз шунга ихтиёр этган бўлсангиз, ҳа.

— У ҳолда нега бу ерда вақтингизни ўтказиб турибсиз? Имзонини эртага қолдира қолинг, қайтиб келгунингизча қочиб кетмас.

Сэр Персивалнинг қошлари чимирилиб, унга ўқрайганича тикилиб пўнғиллади.

— Менга ҳавойи гап қилманг, кўнглим кўтармайди. Ҳеч кимнинг иддаосини кўтара олмайман.

— Маслаҳатим сизнинг нафингиздан ҳам холи эмас. — жавоб берди граф истехзоли жилмайиб. — Сабр қилинг, леди Глайдга ҳам муҳлат беринг, ўйлаб кўрсин. Ишвош йўлакда кутиб тургани ёдингиздан кўтарилмадими? Сал дағалроқ гапларимдан ҳайратга тушдингизми? Шундай бўлиши ҳам турган гап. Ахир, бу жаҳлини ичига ютадиган кишининг пўписаси-да. Сизга ҳамроҳ бўлганимдан бери озмунча насиҳат қилдимми? Ҳисобига етолмаймиз. Бирорта ножўясини эслай оласизми? Мисол келтиришингизга ақлим етмайди. Жўнай қолинг! Йўлингиздан қолманг. Имзо масаласи

эртага ҳам бўлаверади. Ҳозирча туриб турсин, қайтиб келганингиздан кейин ҳал қилаверамиз.

Сэр Персивал нима дейишини билмай, ҳайратга тушди, кейин соатига қараб қўйди. Унинг граф сўзларидан жонланган ўша куниёқ жадал махфий сафарга жўнаб кетиш нияти энди Лаура имзосини қўлга киритиш ташвиши билан қоришиб довдиратиб қўйганди. У бироз хаёлга ботгач, кейин ўтирган еридан кўзғолди.

— Вақтим тигиз бўлиб турганида мени кўндиришингиз осон. Маслаҳатингизга кўра иш тутавераман, Фоско, лекин билиб қўйинг, ўша маслаҳатингизга зориқиб турганимдан ёки унга ишончим комил эканлигидан эмас, фақат вақтим тигизлигидан.

У бироз ўйланиб қолди, кейин тумтайганича хотинига ўгирилиб қаради.

— Эртага қайтиб келганимдан кейин қўл қўймагидек бўлсангиз... — жумланинг қолган қисми қўлёмани қўйиш учун зарда билан жавон тортмасини очиб, унга тиқиштириб ёпганида чиққан тарақ-туруқига сингиб кетди. У стол устидаги шляпаси билан қўлқопини олиб, эшик томон юрди. Лаура билан мен орқага четланиб уни олдинга ўтказиб юбордик. Сэр Персивал хотинига қараб «Эртанги кун ёдингиздан кўтарилмасин!» деганича хонадан чиқиб кетди.

У залдан ўтиб жўнагудек вақт ичи сабр қилиб турдик. Биз эшик олдида эканмиз граф ёнимизга келди.

— Ҳозиргина Персивалнинг бемаъни қилиқларини кўрдингиз, мисс Ҳалкомб, — деди у. Унинг қадрдон дўсти бўлганим учун ҳам унга ачинаман, раҳмим келади. Унинг қадрдони сифатида сизларга сўз бераман — эртага у бугунгидек беодоблик билан повилламайди.

У гап бошлаганида Лаура қўлимдан ушлаб олган эди, гапини тамомлаши биланоқ қўлимни маънодор сиқиб қўйди. Ҳар қандай аёл ҳам ўз уйида бегона эркак олдида эридан дакки еб туришга чидай олмайди, эрининг кўрслиги учун бегона ошнаси узр сўраб, ўз зиммасига яна масъулият олиб туриши оғир ботади. Лаура ҳам ўшалардан мустасно эмас, эзилиб кетди. Графга назокат билан миннатдорчилик билдириб, Лаурани бошлаб чиқиб кетдим. Ҳа, унга миннатдорлик билдирдим. Чунки ўзимнинг ўта ожизлигим ва таҳқирланаётганлигимни аллақачоноқ ҳис қилиб, унинг ўз манфаатини кўзлабми ё Блэквоутер Паркдан мени бездириш пайидамилигини пайқагандим. Сэр Персивалнинг кейинги муомалаларидан аён бўлишича ҳам айнан графнинг бевосита кўмагисиз у

ерда қолиш умидим пучга чиққан эди. Графнинг сўзлари сэр Персивал учун инобатли экани назарда тутилса, Лаура менга интиқ бўлиб турган ўша оғир дамларда унга ҳамроҳ бўлиб қолишим учун бирдан-бир мадад илинжим ўшандан эди.

Залга чиққанимизда шагал йўлдан шигирлаб узоқлашаётган гилдираклар шарпаси қулогимизга чалинди. Сэр Персивал йўлга тушганди.

— Қаерга кетяптийкин, Мариан? — шивирлади Лаура. — Унинг ҳар бир қадами юрагимга гулгула солаётгандек туюлади. Бирор шубҳангиз йўқми?

Ўша куни эрталабки дилхиралигидан кейин шубҳаларим ҳақида сўз очишга кўнглим бўлмади.

— Унинг сирларини мен қаердан билай? — деб қўяқолдим гапни қисқа қилиб.

— Ажаб, рўзгорбоши билармикин? — деб қолди у қатъи.

— Йўге, билмаса керак, — жавоб бердим. — У ҳам бизга ўхшаб гум бўлса керак.

Лаура ишонқирамай бош чайқади.

— Анна Катерикни шу атрофда кўришгани ҳақидаги миш-мишларни рўзгорбошидан эшитмовдингизми? Ўша аёлни излаб кетмаганмикин?

— Бу машмашани умуман хаёлимдан чиқариб, Лаура, ўзимга келиб олсам дейман. Ҳалиги можаролардан кейин, яхшиси, сиз ҳам менинг йўлимни тутинг. Менинг хонамга кириб, андак дам ола қолинг. Ховурингиздан тушасиз.

Иккаламиз дераза ёнига ўтирдик. Мусаффо ёз ҳавоси юзимизга урилди.

— Мени деб пастда бўйин эгиб турганингизни эсласам, Мариан, — деди у. — юзингизга тик қарашга ҳам уяламан. Эвоҳ, жонкуярим, ўшани эсласам, юрагим қинидан чиқиб кетаёзди! Лекин шунга қарамай, кўнглингизни кўтариш пайида бўламан. Албатта, кўнглингизни оламан!

— Ҳай-ҳай-ҳай! Асло бундай дея кўрманг. — дедим. — Сизнинг бахтингиз жаҳолат қурбони бўлиб турган бир пайтда андак мулзам бўлиб туришим нима бўлибди?

— Менга нима деганини эшитдингизми? — сўзида давом этди у ўқиниб, ўзини босолмай, — сўзларини эшитдингизу лекин маъносига етганингиз йўқ. Нима учун ручкани улоқтириб, ундан юз ўтирганимни хаёлингизга ҳам келтирмайсиз. — У ўқиниб ўрнидан туриб кетди ва уёқ-буёққа юра бошлади. — Дилингизни ран-

житиб қўймайин, янги ҳаётимизнинг дастлабиданоқ ташвишга солиб қўймайин, деб кўп ишларни сиздан пинҳон тутардим. Менга нималар қилдирганини билмайсиз. Бугунги муомаласини ўз кўзингиз билан кўрдингиз, сиз билиб қўйишингиз зарурлари ҳам бор. Икир-чикири суриштирилган саволларимга беписанд истеҳзо билан берган жавобларини эшитдингиз. Таънасини қаранг, у билан турмуш куриб олиш заруратидан ўзимни маъсума тутган эмишман. — У яна жойига келиб ўтирди. Юзлари қип-қизариб кетган, қўллари мушт бўлганича тиззалари устида турарди. — Бу ҳақда ҳозир гапириб бера олмайман. Ҳозир айтгудек бўлсам, — деди у чуқур тин олиб — додлаб юбораман. Фурсати келиб, Мариан, ўзимни қўлга олиб олган пайтда гапириб берарман. Фурбатда қолган бошим зирқираб кетяпти, азизим, зирқираяпти, зирқираяпти. Искаладиган шишангиз қаерда? Келинг, ўзингиз ҳақингиздаёқ гапира қолайин. Фақат сизнинг манфаатингизни кўзлаб қўл қўйиб беришга розиман. Эртага қўл қўйиб берақолайми? Сизни ёмон отличқа чиқариб қўйишдан кўра ҳамма бало-қазони ўзимга олганим маъқулроқ. Яна эътироз билдирадиган бўлсам, менинг ёнимни олиб, унга зид турганингиз учун ҳамма айбни сизга юклайди. Нима қилишимиз керак? Эвоҳ, қани энди бизга маслаҳату, кўмак берадиган бирорта дўстимиз бўлса!

У ўкинч билан хомуза тортди. Хаёлидан Ҳартрайт ўтаётгани кўзларидан шундоққина кўриниб турарди — бунга шак-шубҳа йўқ, чунки Ҳартрайт номи қулоғимга чалинганида мен ҳам ўша ҳақда ўйлаётгандим. Лауранинг турмушга чиққанига ҳали олти ой ўтар-ўтмас унинг хайрлашаётиб хизматимизга доимо сидқидилдан тайёрлиги ҳақида берган ваъдасига муҳтож бўлиб қолдик. Ўша вақтлар буни хаёлимга ҳам келтирмаган эканман.

— Қўлимиздан нима келса, шуни қилишимиз керак, — дедим. — Келинг, бу ҳақда шошилмай яна бир карра мулоҳаза юритиб кўрайлик, Лаура. Иложимиз борича бу масалани ижобий ҳал қилишга уринишимиз керак. Унинг ўз эри гина-гудратию ташвишларидан билганлари ва унинг адвокат билан ўзаро суҳбатидан эшитганларимни мулоҳаза қилиб, кутубхонадаги ҳужжат пул қарз олиш масаласида тузилган бўлса керак, Сэр Персивал кўзлаган мақсаднинг амалга ошиши учун эса албатта Лаура имзоси бўлиши шарт, деган қарорга келдик.

Кўзланган маблағ қўлга киритилиши учун тузилган ўша расмий битимнинг Лаурага кўр-кўрона имзо чектирилиши билан унинг зиммасига қўйиладиган масъулиятдан иборат иккинчи то-

мони — асосий мағзига ақлимиз бовар этмас, турмуш тажрибамиз етишмасди. Шахсан мен ўзим қўлёзманинг хуфя мазмуни энг қабиҳ ва ўта фирибгарлик найранги бўлса керак, деган фикрга келиб қолгандим.

Хаёлимдан нари кетмай қолган бу фикр сэр Персивалнинг ўша битимни бизга кўрсатишидан воз кечгани ёки унинг тафсилоти ҳақида маълумот бермагани туфайли юзага келмаган, чунки унинг эътирози сабабини одатдаги ўжарлиги ёки айни вақтда асаби таранглашиб турганигаёқ йўйиб қўя қолиш ҳам мумкин эди. Сэр Персивалнинг поклигига бўлган ишончимнинг пучга чиқиши Блэквоутер Паркда сезилган бугунлай бошқача муомаласию феъли-атворида яққол намоён бўлиб, Лиммериж хонадонидаги куёвлик синови дамларида тилёғламалик қилиб юрганига иқрор бўлгандим. Унинг табиатидаги беқиёс назокат, эски одатларга муккасидан кетган Гилмор жанобларининг кўнглидагидек киборларга хос анъанавий мулозиматлари, Лаура олдида ўзини хокисор тутиши, менга нисбатан самимийлиги, Фэрли жаноблари қаршисида сиполиги — шуларнинг ҳаммаси ғаламислик ва фирибгарлик найранглари бўлиб, мунофиқлик ниятлари амалга оширилгач улоқтириб ташланган, бағри тош баттол бугун кутубхонада ўзининг ҳақиқий башарасини кўрсатганди. Унинг янги қиёфаси Лаура бошига нима кулфатлар солиши хаёлимдан ўтиб қанчалар эзилганим ҳақида оғиз очмай қўя қолайин, буни ифодалашга тилим ожиз. Лаура ҳужжатнинг асл моҳияти билан таништирилмагудек бўлса, бунинг оқибати нималарга олиб келишидан қатъи назар, унга қўл қўйдирмасликка аҳд қилдим. Сэр Персивалнинг фош бўлиб қолган қиёфаси мени шунга мажбур қиларди.

Вазиятга кўра энди бирдан-бир илинжимиз келаси куни далил ва исботлар асосида имзо чекишдан қатъий воз кечиш билан сэр Персивал азмига барҳам бериш, маблағ битимларию қонун масъулиятини у қанчалик сув қилиб ичиб юборган бўлмасин, биз иккала аёл ҳам бу борада ундан қолишмаслигимизни англаиб юрагига гулгула солиб қўйиш эди.

Бироз ўйлаб кўргач шу мушкул аҳволимиз туфайли, ўзи олисларда бўлса ҳам, оқилона кўмагига умид боғлагудек бирдан-бир ҳалол кишига хат ёзишга қарор қилдим. У Гилмор жанобларининг ҳамкасби — Кирл жаноблари бўлиб, қадрдонимизнинг ўзи саломатлигининг ночорлиги туфайли бутун ҳужжатларни унга топшириб, Лондондан кетганларидан бери ҳамма ишлар ўша киши-

нинг қўлида эди. Гилмор жанобларининг ўз ҳамкасби самимиятию мулоҳазали иш тутишига кафолат бериб, кўзда тутилган масъулиятни унга ҳавола қилиб қўйгани, ўша масаланинг ипидан игнасигача уни хабардор қилиб қўйганини Лаурага тушунтириб, унинг розилигини олишим биланоқ хат ёзишга киришдим.

Мактубимни аянчли аҳволимиз ҳақида бор ҳақиқатни Кирл жанобларига очиқ баён қилиш билан бошлаб, чалкаш тушунилиб бирон-бир хатога йўл қўйилмагудек аниқ ва пухта маслаҳат кўрсатишларини илтимос қилиб якунладим. Кўлимдан келганича гапни қисқа қилиб қўя қолдим. Ортиқча мулозимату тафсилотлар кўнгилга сигмади.

Конвертга энди адресини ёзмоқчи бўлиб турганимда Лаура хат ёзишга муккасидан кетиб, хаёлимдан мутлақо кўтарилган бир муаммони эслатиб қолди:

— Жавоби вақтида етиб келармикин. Буёғи нима бўлади? — деб қолди. — Мактубингиз Лондонга эртага эрталаб етиб борса, жавоби индинга эрталаб етиб келади-да.

Бу мушкулотнинг бирдан-бир ҳал қилиш йўли жавоб мактубининг адвокат маҳкамасидан махсус фаррош орқали юбориш эди. Мана шу мақсадни амалга ошириш учун мактубим жавобини олиб келувчи фаррош эрталаб ўн бирда жўнаб, бекатимизга соат биру йигирмада етиб келадиган поездга чиқиб, Блэквоутерга кечи билан соат иккига етиб келиб, тўғри менга учраши, бошқа бирон кимсага оғиз очмаслиги ва мактуб мендан бошқа киши қўлига тушиб қолмаслигини тайинлаб қўйиши каби илтимосларимни хатимга илова қилдим.

— Мободо сэр Персивал эртага соат иккигача келиб қолгудек бўлса, — дедим Лаурага — бунинг олдини олиш учун эрталабданоқ, каштангизними ёки китобингизними қўлтиқлаб боққа кириб кетишингиз ва фаррош жавоб хатини олиб келгунча уй атрофида қорангизни кўрсатмай турганингиз маъқул. Бирор хатолик ёки гов чиқиб қолмаслиги учун эрталабданоқ бу ердан жилмай тураман. Мана шу шартларга риоя қилгудек бўлсак, саросимага тушиб қолишдан қутулиш умидидаман. Режамизнинг амалга ошишига кўнглим йўқ. Энди меҳмонхонага тушайлик. Бу ерда тиқилиб олиб, ортиқча шубҳа туғдириб қўйишимиз мумкин.

— Шубҳа дедингизми? — ажабланди Лаура. — Сэр Персивал жўнаб кетган бир вақтда яна кимни шубҳалантириб қўйишимиз умкин? Граф Фоскони назарда тутяпсизми?

— Эҳтимол, шундай бўлса керак, Лаура.

— Менга ўхшаб сиз ҳам уни хуш кўрмай қолдингиз, Мариан.
— Йўқ, гап хуш кўрмасликда эмас. Хуш кўрмаслик одатда озми-кўпми нафратга боғлиқ бўлади, граф қиёфасида эса ёқтирмасликка аригулик бирон нарса кўрдим деёлмайман.

— Сиз ундан ҳайиқмайсиз, шундайми?

— Эҳтимол, бироз ҳайиқарман.

— Наҳотки бугун бизни ҳимоя қилиб орага тушганидан кейин чўчиб қолган бўлсангиз?

— Худди шундай, сэр Персивалнинг газабидан кўра унинг ҳомийлигидан ҳайиқаман. Кутубхонада айтган сўзларим ёдингизда бўлсин. Нима қилсангиз ҳам, Лаура, графни ўзингизга душман қилиб олманг?

Биз пастга тушдик. Мен рўпарамдаги деворга осиглиқ почта халтасига хатни ташлаб қўйиш учун зални кесиб ўтдим, Лаура эса меҳмонхонага кириб кетди.

Бинонинг ташқи эшиги очиқ эди, унинг рўпарасидан ўтарканман граф Фоско зинада хотини билан гаплашиб турганига кўзим тушиб қолди. Иккаласи ҳам мен томон юзланиб туришарди.

Графиня жадал юриб залга кирдию, у билан бироз сирлашиб олишга фурсатим бор-йўқлигини сўраб қолди. Димоғдор аёлнинг таклифидан бироз таажжубланиб, мактубни сумкага солдим-да, ўзимни бутунлай унинг ихтиёрида эканимни билдирдим. У гайритабий мулозимат билан қадрдонларча қўлтиғимдан олиб, мени бўш хоналардан бирига бошлаш ўрнига ҳовуз атрофини гир ўраган майсазорга олиб чиқди.

Зинада турган граф ёнидан ўтарканмиз у жилмайиб таъзим қилди, кейин шу заҳотиёқ бинога кириб, зал эшигини қия ёпиб қўйди.

Биз ҳовуз атрофида айланарканмиз, графиня нечукдир хушмуомаласини кўймасди. Дилига тугиб қўйган бирон-бир ажабтовур сиридан мени огоҳ қилиб, уни сир сақлашимни тайинламоқчи бўлса керак, деган хаёлга бордим. Мадам Фосконинг мени хилватга тортишидан мақсади кутубхонада бўлиб ўтган можаролардан кейин менга меҳри товлаб қолганини уқдириб қўйиш эканини фаҳмлаб анграйиб қолибман. Эри ўша ерда бўлиб ўтган воқеаларни, ҳатто сэр Персивал мени назарига илмай ўдағайлаганини ҳам оқизмай-томизмай айтиб берган экан. Шуларни эшитгач Лаура билан менга ачиниш шунчалар куйиб кетибдики, мабодо яна шунақа аҳвол юз бериб қолгудек бўлса, сэр Персивалнинг баттоллигини юзига солиб, бу хонадондан жўнаб кетишга аҳд

қилибди. Граф ҳам унинг бу фикрини маъқуллаган эмиш. Энди менинг розилигимни олиш умидида экан.

Мадам Фоскодек бировга қони қўшилмайдиган аёлдан, айниқса ўша куни эрталаб қайиқхонадаги суҳбат чоғи орамизда ўтган аччиқ гаплардан кейин мана шундай садо чиқиши хаёлимга сизмасди. Нима бўлганда ҳам ўзимдан ёши улугроқ бир кимсанинг дўстона ва илтерламаот тўла муомаласига яраша дўстона ва илтерламаотона муомала қилишга мажбур эдим. Графинянинг мулойим сўзларига яраша мен ҳам мулойим жавоб бериб, иккаламиз ҳам бор гапимизни айтиб бўлдик, деган хаёлда уйга қайтишга ҳаракат қилдим.

Лекин мадам Фосконинг мени қўйиб юборгиси йўқдек туюлар, ошқора қилмаса ҳам, таажжубки, суҳбатни давом этириш пайида эди. Шу пайтгача миқ этмай юрадиган ўта камсухан аёл энди никоҳлик ҳаёти мавзуида, сэр Персивал ва Лауралар ҳақида, ўзининг бахт-саодати, сўнгги Фэрли жанобларининг унга тегишли мерос масаласидаги васияти ва бошқа яна алланималар тўғрисида валақлаганича ярим соатдан ортиқроқ мени ҳовуз атрофида айлантириб силламни қуритди. Ўзи сездими-йўқми, бир нарса дейишим қийину, ҳозиргина маҳмадоналик қилиб турган одам бирдан дами ичига тушиб, шу дақиқаёқ йўлак томон назар ташладию энсаси қотиб, қўлимни қўлидан олишга изн сўраб улгурмасимданоқ қўлимни қўйиб юборди.

Босиғида ва ақл-идрок билан иш тутишимни тақозо қиладиган эртанги кун мени қарийб талвасага солиб қўйганди. Нима бўлса ҳам, икки нарсага эҳтиёт бўлишим, у ҳам бўлса граф билан дўстона муносабатимизни зоҳиран барқарор тутишим, фаррош маҳкамадан хатимга жавоб олиб келишига кўз-қулоқ бўлиб туришим керак эди.

Эшикни очиб залга кирарканман қутилмаганда яна графга дуч келиб қолдим. У почта халтасига хат ташлаётган экан.

Хатни ташлаб, халтани беркитгач у мендан мадам Фоскони қаерда қолдирганимни сўради. Саволига жавоб олгач хотини олдига шошилганича чиқиб кетди. Менга мурожаат қилган дақиқада унинг осойишта қиёфаси ғайритабиийроқ, аслида хомуш кўринганди. Шунинг учун ҳам, унинг тоби қочганмикин ёки авзойи бузқмикин, деган хаёлда қайрилиб орқасидан қараб қолдим.

Кейин нима учун тўғри почта халтаси олдига бориб, унинг ичидан хатимни қайтариб олишга жазм қилганим, негадир шу бҳаланиб, уни кўздан ўтказганим, ҳар эҳтимолга қарши, кон-

вертни муҳрлаб қўйиш лозимлиги хаёлимга келиб қолгани — сирли жумбоқ, бунинг сабаби нималигига ўзимнинг ҳам ақлим бовар қилмайди. Ҳаммага маълумки, аёллар, одатда, хаёлига келганини қилаверадилар. Сабабини ўзлари ҳам тушунтириб бериша олмайди. Менинг ҳаракатларимда ҳам ўшанинг оқибатлари ётса керак.

Нима бўлганда ҳам, ўз хонамга чиқиб, хатни муҳрлаб қўйиш тараддудини кўрарканман, кўнглим амрига биноан иш тутаётганимдан ўзим ҳам қувониб кетдим. Конвертни, одатдагидек, елимли чеккасини намлаб, ёпиштириб қўйгандим. Чораги кам бир соатдан кейин уни очай деб тирноқласам, ҳеч ери илинмай лоппа очилиб кетди. Ҳафсаласизлик билан ёпиштирганмикинман? Ё клей қуруқшаб қолганмидийкин?

Ё, эҳтимол,... Йўғ-е! Учинчи гумоним бошқаларидан устун келиб хаёлимдан нари кетмай қолганди. Қани энди мана шу аниқдан-аниқ кўриниб турган аҳвол кўнглимга гулгула солмаса!

V

17 июнь. Кечки дастурхон устида яна ҳаммамизнинг бошимизни қовуштирганда граф Фоско, одатдагидек, хушчақчақ эди. Гўё у ўша кунни эрталаб кутубхонада юз берган нохушликдан кейин кўнглимизни кўтариш учун ҳаммамизни ўзига маҳлиё қилиб, овутишга уринарди: сафар саргузаштларидан иборат жонли қиссалар; хорижий ўлкаларда ўзи учратган буюк зотлар ҳақидаги «ичак узди» латерламаалар; Оврупо халқлари урф-одатларидаги чексиз тафовутлар, айниқса, эркалар билан аёллар орасидаги ижтимоий муносабатларга яққол мисоллар; илк ҳаётининг Италиядаги чоғроқ бир шаҳарчада янги либос андозалари бўйича мутасаддилик қилиб, мўъжазгина газета саҳифалари учун фарангча ошиқномаларга тақлид муҳаббатномалар битиб юрган кезларидаги шўхликлари туфайли йўл қўйган гуноҳларига тавбаю тазарруларини завқ-шавқ билан гапириб, ҳаммани ўзига маҳлиё қилиб олган, ҳатто Лаура билан мен ҳам худди мадам Фосконинг ўзгинасидек бутун вужудимиз билан унга маҳлиё бўлиб, бемаъниликдек туюлса ҳам, ҳатто ҳавас билан қулоқ солардик. Аёллар эр кишининг муҳаббати, унинг шахсий жозибаси ва пулига учмаса ҳам, шакарғуфторлиги олдида ожиз қолади.

Кечки таомдан сўнг, кўнглимиздагидек гаплари таассуроти ҳали хаёлимиздан нари кетмай, граф пинагини бузмай кутубхонага чиқиб кетди.

Лаура ўша бениҳоя чўзилиб кетган оқшом ниҳоясини боғ сайлига чиқиб ҳордиқ чиқариш билан якунлашни таклиф этди. Одоб юзасидан бўлса ҳам, мадам Фоскони даврага таклиф этиш лозим эди, лекин бу гал у топшириқни илгарироқ олган бўлса керак, уни маъзур тутишимизни айтиб узр сўради.

— Граф кўнгиллари кўлбола сигарета тусаб қолиши мумкин. — баҳона қилди у. — Мендан бошқа ҳеч ким унинг кўнглидагидек қилиб тамаки ўрай олмайди. — Шу сўзларни айтarkan унинг совуқдан совуқ кўк кўзларида қарийб жон ато бўлди, унинг ўз паноҳгоҳи ва амрбардорининг тамаки кайфи билан ўзини босиб юришида ваколатдорлиги билан мағрурланиши очикдан-очик кўриниб турарди.

Лаура иккаламиз ташқарига чиқдик.

Атроф туман пардасига буркалган. Ҳавонинг авзои бузуқ. Чақмоқ чақиб қолиши эҳтимолдан холи эмасди. Ернинг нами кўтарилиб, қуруқшаб кетган, гулзордаги жаъмики наботот сўла бошлаганди. Қилт этмай турган дарахтлар устидан кўзга ташланаётган мағриб самоси заъфарон товланар, гира-шира кўринаётган қуёш уфққа ҳорғин бош кўярди. Ёмғир ёғадигандек туюлар, туннинг олашовут билан бошланиши кўриниб тургандек эди.

— Қайси томонга юрсагикин? — луқма ташладим мен.

— Сизга ҳам маъкул бўлгудек бўлса, Мариан, кўл томон юра қолайлик. — жавоб берди Лаура.

— Ўша ҳувиллаган кўлга, Лаура, меҳрингиз тушиб қолган кўринади.

— Йўқ, кўлга эмас. Унинг атрофидаги манзарага. Шу ҳайҳотдек ерлардаги қумлоқ, арчагул босган бўз ерлар билан қарағайлар, назаримда, Лиммерижни эслатиб тургандек бўлади. Мабодо бошқа таклифингиз бўлса, ўша томонга ҳам кетаверамиз.

— Браквоутер Паркда кўнглимдагидек сайлгоҳлар ҳам йўқ, жонгинам. Қайси томон бўлмасин мен учун бирдек. Келинг, кўлга бора қолайлик. Бу ердан кўра бағри кенг, салқинроқ.

Ним қоронғи дарахтзор оралаб олдинга юрарканмиз чурқ этиб оғиз очмадик. Дим оқшом ҳавоси иккаламизнинг ҳам тинкамизни қуритган қайиқхонага етишимиз билан ўша ерга кириб ҳордиқ чиқаришга жазм қилгандик.

Кўл юзини туман босган. Унинг устидан кўзга ташланаётган нариги соҳил дарахтлар қатори кўнғир ранг товланиб, гўё ҳавода муаллақ турган хомаки ўрмон тасвирини эслатарди. Биз ўтирган жойдан пастга қиялаб кетган қумлоқ ерлар туман орасида ғойиб бўлиб, мўъжизадек туюлар, ҳувиллаган сукунат эса юракка гул-

гула соларди: на дов-дарахтлар барги шитирлайди, на ўрмон пар-рандаларидан биронтаси чирқиллайди ва на кўздан ғойиб бўлиб қолган кўлу кўлобчалар сувининг шилдираши эшитиларди.

Бу оқшом ҳатто қурбақалар вақвуқи ҳам қулоққа чалинмасди.

— Хувиллаган хилват жой-а. — деди Лаура. — Майли, бема-лолроқ гаплашиб олгудек бошқа жой ҳам бўлмаса керак.

У хотиржамгина гапириб, туман қалинроқ тушган каттароқ кум гумбазига хаёлчан тикилиб қолди. Унинг хаёли ўз машъум таассуротларини кўз олдига келтириш билан банд эканини яққол кўриб турганимдан, ўзим беҳабар бўлсам ҳам, унга ҳамдард бўлиб қолгандим.

— Мариан, — гап бошлади у. — эрлик ҳаётим ҳақида сизни кўп ўйлатмай, бор ҳақиқатни айтиб беришни ваъда этиб эдим. Ўша ҳақиқат, тасаддиқ, сиздан хуфия тутган аввалгию охириги сирим бўлиб қолади. Ўзингизга ҳам аён, фақат сизни деб, эҳти-мол, бироз ўзимни ҳам ўйлаб тилимни тийиб юрдим. Ҳаётини бутунлай ўз турмуш йўлдошига бағишлаган аёлнинг эри унинг қадрига етмайдиган энг разил кимсалиги ҳақида огиз очиши ниҳоятда огир. Сиз ўзингиз турмушга чиққан бўлганингизда эди, Ма-риан, ўшанда ҳам севги орзуларингиз ушалганда эди, менинг холим нима кечаётганини ҳар қандай мунис ва мўтабаб аёлдан ҳам яхшироқ сезган бўлардингиз.

Нима ҳам дея олардим? Унга дил-дилимдан ачинарканман, фа-қат қўлидан ушлаганимча кўзларига хомуш термилиб қолгандим.

— Неча бор «мен нотавонман» деб истеҳзо қилганларингиз ҳануз қулоғимдан нари кетмайди, — сўзида давом этди у. — Неча бор менинг давлатмандлигимдан сўз очиб мени лол қилиб қўйган-ларингиз ёдимда. Оҳ, Мариан, энди бировлардан асло кула кўрманг. Нотавон бўлсангиз ҳам, эркингиз ўз қўлингизда. Менинг бошим-га тушган мусибатлардан сиз форигсиз.

Ёшгина бир қаллиғнинг шунчалар нола қила бошлаши — бу сипо сўзлар аччиқ ҳақиқат эканлиги ачинарли ҳол эди. Блaквaртeр Паркда у билан биргаликда ўказилган уч-тўрт кунлик ҳаёт куёвнинг нима мақсадда уйланганини фош қилиб қўйган, буни мен ҳам сезгандим.

— Кўп вақт ўтмаёқ дилим гашланиб, ҳафсалаларим пир бўлган-ини айтиб кўнглингизни ранжитиб қўймасам дейман, — сўзи-ни давом эттирди у. — Бошимдан ўтган не-не савдоларни ошкo-ра қилиб дилингизни огритишнинг нима ҳожати бор. Уларнинг менинг кўнглимда доғ бўлиб қолгани ҳам етар. Тасодифан, бир

маротаба эркалик қилиб қўйганимда мени не қўйларга солганини айтиб бергудек бўлсам, унинг менга нисбатан муносабати, гўё ҳаммаси оқизмай-томизмай айтиб берилганидек, сизга аён бўла қолади. Бир куни Римдан Сесилиа Мателла мақбарасига отландик. Ҳаво очиқ. Атроф манзарасидан кўз қувонар, салобатли кўҳна обида ажиб муҳташамлик билан қад кўтариб турарди. Бу кошона қачонлардир эр муҳаббатининг севгили ёрга хотира рамзи сифатида бунёд қилингани хаёлимга келиб, эримга нисбатан ҳам меҳрим товланиб:

— Менга ҳам шундай мақбара қурдирармидингиз, Персивал? — деб унга мурожаат қилдим. Тўйимздан олдин менга ошиғубеқарорлигингизни айтган эдингиз, лекин ўшандан бери ... Бугини айтишга тилим бормади. Мариан! У менга ҳатто қайрилиб қараб ҳам қўймади-я! Кўз ёшларимни кўрмай қўя қолсин деб нигоҳ пардамни тушириб олдим. У менга умуман эътибор бермади, деб ўйлагандим. Янглишган эканман.

— Кетдик! — деди у, кейин отимга миндиришвораркан ўзича кулиб қўйди. Ўзи ҳам отига мингач йўлга тушганимизда яна кулди.

— Сизга мақбара қурдиргудек бўлсам, — деди у. — ўз пулингизга қурдираман-да. Сесилиа Мателла ҳам давлатманд бўлиб, ўз мақбараси учун маблағ қолдирган бўлса ажаб эмас.

Мен индамадим, нигоҳ пардам ортига яширинган кўзларим дув-дув ёш оқиб турган бир вақтда нима ҳам дея олардим.

— Ҳа, сиз танноз аёлларнинг кўнгиллари нозик, — деди у. — Кўнглингиз нима тилайди? Ҳушомаду мулозиматми? Яхши! Бугун кайфим чоғ. Ўзингизни ўша ҳушомаду мулозиматлардан баҳраманд, деб ҳисоблайверинг.

Эркакларнинг дағал гаплари биз аёллар кўнглига оғир ботиб, дилимиздан чиқара олмаслигимизни улар хаёлларига ҳам келтиришмайди. Ўқиниб-ўқиниб йиғлаганимдаю енгил тортардим-а, лекин ўша вақтдаги таҳқирлаши кўз ёшларимни қуритиб, бағримни ҳам тош қилиб қўйганди. Ўшандан бери, Мариан, Валтер Ҳартрайтни хаёлимдан чиқаришга уринмай ҳам қўйдим. Бир-биримизга ғойибона ошиқ бўлиб юрган бахтли онларимизни эслаб ўзимни овутадиган бўлиб қолдим. Менга тасалли берадиган бошқа нимага ҳам умидвор бўлардим? Агар сиз билан бирга бўлганимизда эди, мушкулотларни енгиллатишга қўмаклашган бўлардингиз? Шундай кўнгил кўчасига кириб қолганим ноҳўялиги ўзимга ҳам аён, лекин ўзингиз айтингчи, бесабаб шу қўйларга тушармидим.

Унга тик қарай олмай, кўзимни четга олиб:

— Бир нарса дейишга ожизман! — дедим. — Сиз чеккан азобларни мен кўрибманми? Сизнинг бошингиздан ўтган савдолар ҳақида нима ҳам дея олардим?

— Уни тез-тез эслайдиган бўлиб қолгандим. — овозини сал пасайтириб, ёнимга сурилганича сўзида давом этди у. — Персивал кечқурунлари сафсатавоз дўстлари даврасига кетиб, ёлғиз қолган пайтларимда уни ўйлайдиган бўлиб қолгандим. Хаёлим у билан банд бўлиб қоларди. Тангри-таоло мендан қашшоқликни дариг тутмай, унга қаллиғ бўлишни насиб этганида қандай ҳаёт кечиришимни тасаввур қилардим. Ҳақирона ҳаётимни, у нон пули топиш илинжида уйдан чиқиб кетган пайтлари йўлларига илҳақ бўлишимни, ҳориб-чарчаб қайганида эса унга бўлган меҳрим яна ҳам товланиб, эгнивошини ечиб, атрофида парвона бўлишимни, қолаверса, Мариан, у туфайли кўлимдан келиб қолган шунчаки таомларни олдига қўйиб кўнглини олишимни кўз олдимга келтирардим. Ҳа, майли! Менинг хаёлимдан чиқмай, кўз ўнгимдан нари кетмай қолганидек, у ҳам мени ўйлаб, хаёлидан чиқара олмай алам ўтида ёниб юргандир.

Кишини маъюс этувчи мана шу аччиқ ҳақиқатни ошкора қиларкан, унинг овози яна ўша қизлик дамларидагидек беозоргина янграб, тунд чехраси ҳам очилиб кетди. Кўзлари эса рўпарамиздаги тавқи лаънат уриб қуруқшаб кетган яйдоқ ерларга маҳлиё бўлиб қолган, гўё у ўша кўримсиз машъум манзара уфқларида қадрдон Кумберленд қирларини кўриб тургандек эди.

— Валтер ҳақидаги сўзларингизни бас қилсангиз, — дедим ақлу ҳушимни йигиб. — Оҳ, Лаура, энди уни тилга олиб ўксишимизнинг нима ҳам ҳожати бор!

У ўзига келиб, хушрўълик билан менга қаради.

— Дилингизга андак озор еткудек бўлса, у ҳақда умуман оғиз очмаганим бўлсин — деди у.

— Менинг гапим — сизнинг нафингиз. — Унга очигини айтдим. — Осойишталигингизни ўйлайман. Мабодо бу гап эрингизнинг қулоғига етиб қолгудек бўлса...

— Етса нима бўларди, парвосига ҳам келтирмайди.

Бундай ғалати жавоб оғзининг бир чеккасидан чиқиб кетди-я, тап тортмай бемалол гапирди. Шу лаҳзадаги унинг авзойи ҳам, худди жавобидек, юрагимга гулгула солиб қўйганди.

— Парвосига ҳам келтирмайди! — унинг сўзларини такрорладим. Лаура, нималар деяпсиз, юрагимга гулгула солиб қўйдингиз-ку!

— Бор гапни айтдим-да, — деди у. — Бугун сизнинг хонангиз-

да гаплашиб ўтирганимизда худди шуни сизга айтиб қўймоқчи бўлувдим. Лиммерижда унга дилимни очарканман пинҳона қолган бирдан-бир сиримнинг ҳеч кимга оғирлиги йўқ эди. Мариан, ўзингиз ҳам худди шундай деб эдингиз. Ундан, бори-йўғи, исмини сир тутгандим, ўшани ҳам билиб олди.

Унинг сўзларини эшитаётган бўлсам ҳам, бирон нарса дейишга ожиз эдим. Кейинги сўзлари кўнглимда милтиллаётган умид учқунларинни ҳам пучга чиқарганди.

— Воқеа Римда содир бўлди, — гапини давом эттирди у ўша ўша осойишталик ва бепарволик билан. — Сэр Персивал дўстларидан Маркландлар хонадониди англизлар шарафига уюштирилган чоғроқ базмга ташриф буюрган эдик. Миссис Маркланд мусаввирлик маҳорати билан эл оғзига тушган экан. Шунинг учун ҳам меҳмонлардан баъзилари ундан ўз ижоди намуналаридан кўрсатишини илтимос қилишди. Ҳаммамиз унинг санъатига қойил қолдик, лекин мен қандайдир сўзим билан мусаввиранинг эътиборини ўзимга жалб қилиб қўйибман. «Сиз ўзингиз ҳам мусаввирлик шайдоларидан бўлсангиз керак-а?» деб қолди. «Бир вақтлар анча-мунча чизиб турардим» — жавоб бердим. — эндиликда бу ишларни йиғиштириб қўйганман». «Санъатга қўл урган экансиз», — деди у. — «шу кунларда яна унга ружу қилиб қоларсиз. Бордию айтганим келгудек бўлса, Сизга устоз тавсия қилиш измини менга ҳавола қилсангиз, деган умиддаман». Мен миқ этмадим. Сабаби сизга аён, Мариан. Ҳатто суҳбат мавзуини ўзгартишга ҳам уриниб кўрдим. Лекин миссис Маркланд ўз сўзидан қолмади. «Хилма-хил устозларни кўрдим» — сўзида давом этди у. — «аммо ўшалар ичида энг аълоси, энг зуккосию киши қадрига етадигани Ҳартрайт жаноблари эди. Мабодо мусаввирлик ишқингиз яна жўш уриб қолса, ўша устоз сабогидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилинг. Ўзи ёш йигит, бениҳоя камтар ва сертакаллуф. Сизга ҳам манзур бўлишига ишончим комил». Шу сўзлар издаҳом олдида — куёв билан келинни муборакбод қилиш учун таклиф этилган нотаниш сайёҳлар олдида айтилаётганини тасаввур қилиб кўринг-а! Иложим борича ўзимни дадил тутиб, сир бермаслик пайида бўлдим. Эгилиб олдимиздаги расмларга разм солганимча миқ этмай туравердим. Ниҳоят, бошимни кўтариб, қаддимни ростлаганимни биламан. Эрим менга қараб турган экан. Кўзимиз кўзимизга тушди. Унинг авзойидан юзимнинг хиёнат қилиб қўйганини фаҳмладим. «Ҳартрайт масаласини» — деди у мендан кўзини узмай — «Англияга қайтгач ҳал қиламиз. Фикрингизга қўшиламан, миссис Марклайд. Менинг назаримда ҳам

леди Глайднинг ўша йигитни хуш кўриб қолиши аниқ». Охириги сўзларини у шунақаям дўндириб айтдики, юзимнинг олови чиқиб, нафасим ичимга тушиб кетди. Шу билан мавзуга чек қўйилди. Кўп вақт ўтмаёқ биз чиқиб кетдик. Каб меҳмонхона томон еларкан у миқ этмади. Ундан тушаётганимда ҳатто кўмаклашди. Меҳмонхона зиналаридан юқорига кўтариларканман, одатдагидек, ортимдан юриб менга ҳамроҳлик ҳам қилди. Лекин қабулхонамизга киришимиз биланоқ эшикни қулфлаб, мени креслога михлангандай ўтказди-да, икки қўлини елкамдан узмай тепамда серрайиб қолди. «Лиммериждаги эрталабки беҳаёларча дилизҳорингиздан бери» — гап бошлади у. — «ўша кишининг кимлигини билиш пайида юрардим. Ниҳоят шу оқшом жумбоқ жавоби юзингизда намоён бўлди. Мусаввир устозингиз худди ўша кишининг айнан ўзи бўлиб чиқди, исми шарифлари — Ҳартрайт. Бунга ҳали кўп пушаймон қиласиз, у ҳам четда қолмайди. Иккалангиз ҳам умрингизнинг сўнги дақиқаларигача афсус ва надоматда ўтасиз. Энди бориб ётинг. Кўнглингиз хушласа, тушингизга ҳам кириб чиқсин. Фақат унинг елкаларидаги қамчим изларидан ҳам огоҳ бўлинг». Энди қачонки менга захрини сочгудек бўлса, ўша сизнинг олдингизда унга айтган гапларимни кинояю дағдаға билан юзимга солади. Самимий сўзларимни ўзича шармандали бемаъниликка йўйиб тургандан кейин нима ҳам дея олардим. Унинг на ишончини қозонимга ва на тилини тийиб қўйишга иложим йўқ. Бугун у гўё сен номусингни аритиб олиш учун мен билан турмуш куришга мажбур бўлгансан, дегандек гап қилганида ажаблангандек бўлдингиз. Жазавази кўзиб кетганида яна ўша гапни кўзиб валдираши қулоғингизга чалингудек бўлса, ажабланмай ҳам қоласиз. Оҳ, Мариан, қўйинг, қўйинг, юрагимни ўртаманг.

Уни бағримга олдим. Афсус ва надомат исканжасида азобланаётган меҳрим яна ҳам товланиб уни ўкинч билан кўксимга босдим. Ҳа, ўкинч билан кўксимга босдим. Лиммериж шийпонида аччиқ сўзларим қалбига наштардек ботиб талвасага тушган Валтернинг аламли гина билан мўлтираган гамгин сиймоси кўз ўнгимда намоён бўлди. Синглим меҳр қўйган ўша кимсани ўз қўлим билан йўлга равона қилгандим. Бу йўл эса уни аста-секин ўз ватанидан ва дўстларидан айирди. Ўша икки ёш қалб ўртасида мен тўғаноқ бўлиб, уларни бир-бирларидан умрбод жудо қилдим. Энди иккаласининг ҳам ҳаёти гўё қилмишимдан яққол гувоҳлик бериб тургандай эди. Ҳа, шундай қилиб қўйгандим, сэр Персивал Глайд учун қилгандим.

Сэр Персивал Глайд учун.

Лауранинг сўзлари қулоғимга чалинарди. У менга, мабодо гина-гудурат қилгудек бўлса, унинг бир калима сўзига арзимайдиган кимсага тасалли берарди! Хаёлот оғушида қанча вақт эзилиб турганимни айтишим қийин. Унинг бўсасидан ўзимга келибман. Кўзларим ҳам ёришиб, атрофни илгай бошлади. Рўпарамга — кўл сатҳига анграйиб қолганимни сездим.

— Кеч бўлди. — унинг шивирлагани қулоғимга чалинди. — Дарахтзор ичи қоронгилашиб кетади. — У қўлимни оҳиста силтаб сўзини яна такрорлади. — Мариан! Дарахтзор ичи қоронгилашиб кетади.

— Мени андак ўз холимга қўйинг, — дедим. — андаккина, ўзимга келиб олайн.

Унинг юзига тик қарашга ботина олмасдим. Кўз ўнгимдан ҳамон ўша манзара нари кетмасди.

Кеч бўлиб қолганди. Самога бўй чўзган тўқ жигарранг дарахтлар қатори қуюқлашиб келаётган оқшом гира-ширасига сингиб яхлит тутун пардага айланганди. Пастдаги кўл юзини қоплаган туман ҳам тобора катталлашиб, биз томон оҳиста ёйилиб келарди. Атроф илгаригидек жимжит, энди қўнгилга гулгула солмаса ҳам бу сукунат замирида ҳамон ўша сирли сокинлик ҳукмрон эди.

— Биз уйдан анча олисдамиз, — шивирлади у, — қайта қолайлик.

Кутилмаганда унинг нафаси ичига тушиб, ҳозиргина менга юзма-юз тургани ҳолда энди қайиқхона йўлагига тикилиб қолганди.

— Мариан! — нидо қилиб қолди у қалтироқ босиб. — Сиз ҳеч нарса кўрмаяпсизми? Қаранг!

— Қаерга?

— Анави ёққа, пастга!

У ўша томонга ишора қилди. Қўл чўзилган томонга қараб мен ҳам уни пайқадим.

Биздан анча наридаги ўт-ўлан босиб ётган ташландиқ ерда қандайдир жонзот гимирлаб борарди. Ниҳоят у қайиқхона эшиги рўпарасидан кўзга ташланадиган масофани босиб ўтди-да, кейин туман қатлами сарҳади бўйлаб олдинга силжиди. Рўпарамизда бўлса ҳам, анча олисда тўхтади. Ўша ерда бироз тин олгач яна илгари силжиди. Аввал орқа томонидан кейин тепасидан туман пардаси қоплаганича аста-секин илгарилаб, ниҳоят қайиқхона муюлишида кўздан ғойиб бўлди — у энди бизга кўринмасди.

Ўша оқшом биз иккаламиз гувоҳ бўлган воқеа юрагимга гулгула солиб қўйди. Лауранинг дарахтзор оралаб ўтишга журъат эти-

шию менинг эса ўзимга келиб, у билан уйга қайтишим хаёлимга келгунигача яна анча дақиқалар ўтди.

Ниҳоят ташқарининг рутубатли ҳавоси юзимизга уриб, гирашира сўқмоқдан борарканмиз, Лаура шивирлаб менга мурожаат қилиб қолди:

— У эркакми ё аёлмикин?

— Бирон нарса дейишга ҳам ожизман.

— Кўнглингиз қайси бири эканига мойилроқ?

— Аёлга ўхшади.

— Янглишмасам, рўдаподек кийинган эр киши эди.

— Шундай бўлиши ҳам мумкин. Қош қорайган маҳалда уни аниқ илгаб олиш ҳам қийин эди-да.

— Шошманг, Мариан! Сўқмоқ ҳам кўринмай қолди. Кўнглим така-пука бўлиб кетяпти. Ҳалиги одам изимизга тушиб қолмасмикин, деган фикр хаёлингизга келмаяптими?

— Муллақо, нималар деб валдираяпсиз, Лаура. Ваҳимага тушишнинг ҳожати йўқ. Кўл соҳиллари қишлоқдан унча олис эмас. У ерлар кечаю кундуз ҳамма учун очиқ, юришаверадида. Фақат бир нарсага ҳайронман, бу ерларда илгари биронта инсон зоти-ни учратмаган эдик.

Биз энди анча ичкарилаб кетгандик. Атроф анча қоронғи, ҳа қоронғилашиб кетганидан ҳатто сўқмоқни топиб юриш ҳам анча мушкуллашиб қолганди. Мен Лауранинг кўлидан ушлаб олдим, иложимиз борича зудлик билан уйга етиб олишга интилардик.

Ҳали ярим йўлни босиб ўтганимиз ҳам йўқ эди Лаура бирдан тўхтаб, мени ҳам ушлаб қолди. У атрофга қулоқ соларди.

— Жим, — шивирлади у. — Орқамиздан қандайдир шарпа эшитиляпти.

— Ҳазон япроқлардир. — дедим унинг кўнглига далда бериш учун. — ёки қуриган шох-шаббалардир.

— Ҳозир ёз фасли бўлса, Мариан, тиқ этган шаббода ҳам йўқ-ку! Қулоқ солинг!

Ўша шарпа менинг ҳам қулоғимга чалинди — гўё кимдир орқамиздан писиб изма-из келарди.

— У кимийкин ёки нимакин, деб ҳадиксирайверманг. — дедим. — Йўлимиздан қолмайлик. Яна бирор дақиқа юрсак, уйга яқинлашиб қоламиз. Таҳликага тушгудек бўлсак, овозимизни эшитишади.

Шоша-пиша олдинга интилдик. Шунчалик тез юрибмизки, тезда деразалардан чиқаётган чироқ шуълалари ҳам кўзга

ташланиб, ҳали дарахтзордан чиқмасимизданоқ Лаура ҳаллослаб қолди.

Унинг нафасини ростлаб олиши учун бироз тўхташга тўғри келди. Энди юрмоқчи бўлиб турганимизда Лаура мени яна тўхташиб, атрофга қулоқ солинг дегандай ишора қилди. Орқа томонимиздан — дарахтзорнинг зим-зиё бағридан кимнингдир ҳансираши қулоғимизга чалинади.

— Ким у? — дедим овозим борича.

Ҳеч қандай жавоб бўлмади.

— Ким у? — такрорладим яна.

Атрофни бир лаҳза сукунат босиб, кейин оҳиста-оҳиста қўйилган оёқ шарпаси қулоққа чалинди. Ўша шарпалар тобора сустлашиб, зулмат қаърига сингиб кетдию яна жимжит бўлиб қолди.

Биз дарахтзордан тезроқ ўтлоққа чиқиб олишга шошилдик. Мана, энди уни ҳам апил-тапил кесиб ўтдик-да, нафасимизни ичимизга ютганимизча уйга ҳам етиб олдик.

Залга қадам қўйишимиз ҳамано Лаура менга маънодор қараб олди. Унинг рангида қон асари қолмай паға бўлиб кетгани, олазарак кўзларидаги ваҳима аломатлари чироқ шуъласида шундоққина кўриниб турарди.

— Кўрққанимдан ўтакам ёрилаёзди, — деди у сал ўзига келиб. — Нимаидийкин?

— Нималигини эртага чамалаб кўрамиз — дедим. — Ҳозирча оғиз оча кўрманг.

— Нима учун?

— Чунки тилингни тийдинг — балони даф қилдинг. Бу хонадонда биз осойишталик гадойимиз.

Лаурани шу заҳотиёқ юқорига чиқариб юбордиму, ўзим шляпамни ечиб, сочимни наридан-бери текисладим-да китоб баҳонаси билан, аслида эса асл синчковлигимни ишга солиш ниятида кутубхонага шошилдим.

Граф ўша ерда экан. Хонадоннинг улкан креслосида талтайиб олганича (оёқлари лўла курсида, қўйлаги ёқалари ланг очик, галстугини эса тиззалари устига кўндалангига ташлаб қўйган) сигарет тутатиб ўқишга мукка кетганди. Мадам Фаско ҳам унинг ёнгинасидаги курсида, гўё беозор боладек, сигарет тайёрлаш билан банд бўлиб ўтирарди. Эр-хотиннинг ҳар қандай имконияти бўлганида ҳам, ўша оқшом ташқарига чиқиб, зудлик билан уйга қайтиб келиши эҳтимолдан холи эди. Уларга кўзим тушиши биланоқ кутубхонага кириш олдидаги таҳликама пучга чиққанини сездим.

Мен хонага кириб борганимда граф хижолатликдан алланечук бўлиб ўрнидан турди-да галстугини тақиб олди.

— Сизларни безовта қилиб қўйдим, маъзур тутгайсизлар. — дедим. — Биронта китоб олиш илинжида келувдим.

— Мен тоифа жамики бечоралар учун иссиқ азобидан нари бўлишнинг иложи йўқ. — деди граф салобатли яшил ранг елпигичла ўзини виқор билан елпиб. — Қани энди бебаҳо хотин билан шундог жуссагардан бўлишнинг иложи топилса! Мана шу дақиқада ҳам бу хоним ташқаридаги ҳовуз балигидек яхдеккина бўлиб ўтирибдилар.

Графиня эрнинг ҳазил-мутойибасидан эриб кетди.

— Мен, умуман, иссиқ нималигини билмайман, мисс Ҳалкомб, — дея у ҳам ўз қадрига етадиган аёлларга хос камтарлик билан ҳақиқатни тан олди.

Мен эсам ўзимни гўлликка солиб тахта токчалардан китоб излар эканман, граф менга мурожаат қилиб қолди:

— Бу оқшом леди Глайд билан ташқарига чиқдингларми?

— Худди шундай, бироз ҳаволаниб олайлик, дедикда.

— Қайси томонларга қадамранжида қилганларини суриштирсак айбга буюрмайдиларми?

— Кўл томонга-да, қайиқхонагача бордик.

— Ийе? Қайиқхонагача денг?

Бошқа вақтларда унинг бундай қитмирлигидан ансам қотган бўларди-я. Лекин айни вақтдагисини на граф ва на унинг рафиқаси кўлдаги сирли ҳодисага дахлсиз эканлигига йўйиб қўя қолдим.

— Бу оқшом энди ҳеч қандай саргузаштсиз ўтган бўлса керак-а? — у сўзида давом этди. — Оёғингиз остидан жароҳатланган кучук чиқиб қолганидек, бошқа бирон-бир тасодифга дуч келиб қолмадингизми?

Унинг синчков чақир кўзлари менга қадалди. Бу милтираган совуқдан-совуқ жоду кўзлар, одатда, мени ўзига сеҳрлаб олар, ундан кўз узолмай қолардим. Айни вақтда эса мени таҳлика босарди. Бундай дақиқаларда у кўнглимга човут солаётгандек туюлар, ҳозир ҳам худди шу аҳвол эди.

— Йўқ, — деб қўя қолдим гапни қисқа қилиб, — саргузашт ҳам, тасодиф ҳам бўлмади.

Ундан юзимни ўгириб, хонадан чиқиб кетиш пайига тушдим. Бахтимдан ўргилай, тасодифни қарангки, мадам Фоско унинг хаёлини бўлиб ўрнидан қўзғалмаганида саъи ҳаракатимнинг амалга ошиши амри маҳол эди:

— Граф, мисс Ҳалкомбни маҳтал қилиб қўйдингиз-ку!

У менга курси олиб қўйиш учун ўгирилиши билан имкониятни бой бермай унга миннатдорлик билдириб, узр сўрадим у ташқарига жилвордим.

Бирор соат ўтар-ўтмас Лауранинг олдига унинг дастёри кириб қолди. Бу имкониятдан фойдаланиб қолиш илинжида, хизматкорлар бўш вақтларини қандай ўтказишини аниқлаб олиш пайида ўша оқшомга алоқадор сўз очдим:

— Пастда ҳам иссиқ азобини тортаяпсизларми?

— Йўғе, мисс, — деди қиз. — Тилга олгулик иссиқни сезаётганимизча ҳам йўқ.

— У ҳолда сизлар боғ сояи салқинида юргандирсизлар?

— Баъзи бирларимиз шундай қилишмоқчи ҳам эди, мисс. Лекин пазандамиз курсисини ошхона эшиги ортидаги салқингина ҳовлига чиқариб олишини гапириб қолди. Шундан кейин бошқалар фикри ҳам ўзгариб, ҳаммамиз курсиларимизни ташқарига олиб чиқдик.

Энди назардан ўтказилмаган бирдан-бир шахс, у ҳам бўлса, рўзгорбоши қолганди.

— Миссис Михелсон ётиб олган бўлсалар керак-а? — суриширдим.

— Ётмаган бўлсалар керак, мисс, — жилмайибгина жавоб берди қиз. Миссис Михелсон ётишга эмас, туришга тарадуд қилаётган бўлсалар керак.

— Нега? Нима демоқчисиз? Миссис Михелсон кундузи ётиб олган эдиларми?

— Йўқ, мисс, айтганингиздек бўлмаса ҳам, шунга яқинроқ. Пешиндан бери ўз хоналаридаги диванда миқ этмай ухлаб ётган эдилар.

Кутубхонада ўз кўзим билан кўрганлариму ҳозиргина Лауранинг дастёридан эшитганларимдан чиқарилган хулоса аниқ. Кўл атрофида кўзимиз тушган одамзот қораси на мадам Фоско, на унинг эри ва на хизматкорлардан бирортасининг қораси эди. Орқа томондан қулоғимизга чалинган оёқ товушлари ҳам шу хонадонга мансуб бирон-бир кимсанинг шарпаси эмасди.

Ўша зот ким бўлиши мумкин?

Буни суриштиришнинг ҳам ҳожати йўқдек туюларди. Ҳатто ўша зот эр кишими ёки аёлми, қатъи бир қарорга кела олмасдим. Шундай бўлса ҳам, назаримда, у аёл киши қорасидек туюларди.

VI

18 июнь. Лауранинг қайиқхонадаги арзихолидан кейин бошла-
ниб, кеча кечқурун мени изтиробга солган виждон азоби тунги
танхолигим туфайли яна ўз исканжасига олди. Уйқумни ўчириб,
алламаҳалгача ўзим билан ўзимни овора қилиб қўйди.

Ниҳоят шамни ёқдим. Лаура никоҳида йўл қўйилган жиддий
хатода — ўзимнинг аслида қанчалик гуноҳкорлигим ва ўша хато-
дан уни асраб қолишда қандай имкониятларим бўлганини билиб
олиш учун кундалигимнинг илк саҳифаларини синчиклаб қараб
чиқдим. Натижа шу бўлдики — кўнглим анча таскин топди. Ҳарқа-
лай, гумроҳларча кўр-кўрона иш тутган бўлсам ҳам, эзгу ният
пайида бўлган эканман. Аслида, кўз ёшларидан бирор наф топча-
нимни билмайман, лекин кечаги йигиларимдан кейин, назарим-
да, анча енгил тортдим. Бугун эрталаб фикру-хаёлим ойдинла-
шиб, қатъи бир қарор билан уйқудан турдим. Энди сэр Персивал
нималар деб валдирамасин, ҳар қанча найранг кўрсатмасин, мени
хуноб қилолмайди; суиқасд, ҳақоратлару дағдағалари ҳам шу ерда
бўлишим шартлигини бирор дақиқа ёдимдан фаромуш қилол-
майди. Ахир, менинг бирдан-бир мақсадим Лаурани паноҳимга
олиб, унинг хизматида тайёр туриш.

Кўл бўйида кўзга чалинган одам қораси билан дарахтзордаги
оёқ шарпалари масаласида бугун эрталабга мўлжалланган муло-
ҳазамиз Лаурани анчагина ташвишга солиб қўйган арзимас бир
тасодиф туфайли амалга ошмай қолди. У тўй арафасида совға
қилинган баргакчасини йўқотиб қўйибди. Кеча кечқурун ташқа-
рига чиқиб кетаётганимизда ўша баргакча ўз ўрнида қадаглиқ
тургани назарда тутилса, у ё қайиқхонада, ё ўша ердан қайтиши-
мизда тушиб қолган бўлса керак. Уни хизматкорлар излашиб кел-
ди, топиша олмабди. Энди уни Лауранинг ўзи ўша ёққа қидириб
кетди. Баргак топиладими ё топилмайдими, бундан қатъи назар,
мабодо Гилмор жанобларининг шеригидан кутилаётган хат қўлим-
га теккунича сэр Персивал келиб қолгудек бўлса, ўша йўқолган
нарса Лауранинг уйда эмаслигига узрли баҳона бўла қолади.

Ҳозиргина соат бирга занг урди. Мен Лондондан келадиган
фаррошни шу ерда кутганим маъқулмикин ёки оҳистагина чиқиб
кетиб, кўча дарвозаси ташқарисида унга кўз-қулоқ бўлиб турга-
ним маъқулмикин, деган хаёлга бориб турибман.

Бу хонадондаги ҳар бир тирик жон ва ҳар бир нарсдан шубҳа-
адалигим туфайли иккинчи фикрни маъқул кўришга мойил эдим.

Графдан хавотирланилмаса ҳам бўларди. У тамаддихонада эди. Бундан ўн минут илгарироқ юқорига бир рав ўтганимда унинг канарейкалари билан овора бўлиб тургани қулоғимга чалинганди: «Чиқиб синчалогимга қўнинг, жаж-жаж-жажжиларим! Чиқинглару юқорига зипилланглар! Бир, икки, уч — чиқдингиз! Уч, икки, бир тушдингиз! Бир, икки, уч — чирк, чирк, чирк! Қушчалар одатдагидек жўр бўлиб сайрай кетдилар. Графнинг ўзи ҳам гўё ўша паррандаларнинг биридек уларга жавобан хиргойи қилиб хуштак чала бошлаганди. Мана, хонамнинг эшиги ланг очиқ. Шу дақиқалар ҳам уларнинг жўр овозию хуштаги қулоғимга чалиниб турарди. Мабодо ҳеч кимга сездирмай чиқиб кетишим лозим бўлса, ҳозир айни вақти.

Соат тўрт.

Кундалик саҳифаларига сўнгги иловамни ёзганимдан бери ўтган уч соат ичи Блэквоутер Паркда сидир бўлаётган воқеалар оқими бутунлай бошқа ёққа бурилиб кетди. Бунинг оқибати хайрлимикин ё бирон бало-қазога гирифторм қилармикин, бир нарса дейишим қийин, журъат этолмайман.

Келинг, яхшиси воқеълик узилган дамга қайта қолайин, акс ҳолда фикрим сочилиб, ўзим ҳам чалкашиб кетаман.

Илгари ният қилиб қўйганимдек, Лондондан хат олиб келадиган фаррошни дарвоза олдида кутиб олиш учун чиқиб кетдим. Зинада ҳеч кимни учратмадим. Залдан ўтаётганимда графнинг ҳамон ўз паррандаларига сабоқ бериб тургани эшитилди. Лекин кафтдек ҳовли юзини кесиб ўтарканман мадам Фосконинг ёнидан юришга тўғри келди. У ёлғиз ўзи, кўнглига хуш келиб қолган гардишсимон пояндоз майса бўйлаб кўркем ҳовуз атрофида айланиб юрарди. Шошилаётганимни унга сездирмаслик учун шу заҳотиёқ қадамимни секинлатдим. Ҳар эҳтимолга қарши, унга сал яқинлашиб, тушликкача айланиб келишга иштиёқи бор-йўқлигини суриштириб ҳам қўйдим. У менга дўстона жилмайганича уй атрофида сайр қилишни афзал кўришини айтиб оҳистагина бош чайқади-да, уйга кириб кетди. Дарвоза ён эшигини очишдан олдин орқамга ўгирилиб қараганимда у эшикни ёпиб қўйган экан.

Чорак соат ўтар-ўтмас дарвозабон кулбасига етиб бордим.

Ташқи хиёбон чапга кескин бурилиб юз ярдлар чамаси тўғрига қўзилган, кейин эса кескин ўнгга бурилиб катта кўчага туташарди. Мен шу икки муюлиш оралиғидаги дарвозабон кулбаси томонидан ҳам, станцияга бориладиган йўлдан ҳам кўзга ташланмайдими

ган жойда у ёқ-бу ёққа юриб турдим. Иккала томоним ҳам говлаб кетган дарахтлар билан тўсилиб турарди. Йигирма минутлар ичи, менинг соатим бўйича, бирон нарса кўринмади, бирон янгиликдан ҳам дарак бўлмади. Лекин қутилмаганда гилдирак шарпаси эшитилиб қолди. Тез-тез юриб иккинчи муюлишдан қайрилганимда вокзал томондан елиб келаётган файтон аравага дуч келдим. Жилонинг тўхташига ишора қилдим. У тизгинни тортиши билан де-разадан бир киши бошини чиқариб аланглади.

— Бизни маъзур тутгайсиз, — дедим. — Блэквоутер Паркка йўл тутган бўлсалар керак, деб янглишмадикмикин?

— Шундай, мэм.

— Бирор кимсага мактуб ҳам бўлса керак-а?

— Мисс Ҳалкомбга мактуб бор, мэм.

— Мактубни менга бера қолинг, Мисс Ҳалкомб менман.

Йўловчи шу заҳотиёқ зинабошига келиб, қўл учида шляпасини авайлаганича пастга тушиб, хатни менга топширди.

Уни ўша ердаёқ очиб, ўқиб ҳам чиқдим. Ҳар эҳтимолга қарши, унинг асл нусхасини йўқ қилиб қўя қолишим маъқул кўриниб, айнан кўчирмасини илова қиламан.

«Инобатли мадам, бугун эрталаб қўлимга теккан мактубингиз мени анча ташвишлатириб қўйди. Иложим борича унга қисқа ва аниқ жавоб беришга ҳаракат қиламан.

Баёнотингизни синчиклаб мулоҳаза қилгач леди Глайднинг битимдан кўриниб турган мавқеини назарда тутиб, афсус, очигини айтганда, қуйидаги хулосага келдим: сэр Персивал кафолатлигига бериладиган маблағнинг, яъни бошқача айтганда леди Глайд тасарруфидаги йигирма минг фунтдан унинг ўзига тегишли улуши ҳам қарзга берилиши мўлжалланади. Сармоя соҳибасининг ишончи суиистеъмол қилинган ҳолда ана ўшанга розилик олишга уринилади. Кейинча мабодо арз қилиб қолгудек бўлса, унинг даъвосини рад этиш учун ўз имзосини ҳам олиб қўйиш мақсадида унинг ўзи ҳам шу битим аъзолигига тиркалади. Унинг қанақа битимда иштирок этиши расмийлаштирилаётганидан қатъи назар, эҳтиёж туфайлигина амалга оширилаётгани аниқ, бошқача изоҳлашнинг ўрни йўқ. Акс ҳолда, соҳибанинг айни вазияти ҳам шуни кўрсатиб турибдики, уни бу битимга жалб қилишнинг ҳам ҳожати йўқ.

Бундай ҳужжатга леди Глайд имзо чеккудек бўлса, битим шартига кўра амалга ошириладиган мажбуриятларни қуйидагича фарз қилишимга тўғри келади: сармоя соҳибасининг ваколатдор-

лари ўша йигирма минг фунт ҳисобидан сэр Персивалга бемалол нася қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бордию ўша нася маблағ қайтарилмай қолса, леди Глайд эса бир неча фарзандлик бўлиб қолса, ана ўша болалар хиссаси миқдорига кўра чегараланиб қолади. Очигроқ қилиб айтганда, бу қилгилик, мабодо леди Глайдга бунинг акси маълум бўлмагудек бўлса, унинг бўлажак фарзандларига нисбатан фирибгарликнинг ўзгинаси.

Мана шу жиддий вазият туфайли леди Глайд аввал бу борада оила адвокати — мен билан (шеригим Гилмор жаноблари бўлмаган тақдирда, маслаҳатлашиб олиши зарурлигини баҳона қилиб имзо чекиш муддатини кечиктириши лозимлигини тавсия қилардим. Бундай таклифга эътирознинг ҳам ҳожати бўлмайди. Чунки ўзаро битим виждонан ҳалолликка асосланган бўлса, менинг розилигимни олиш учун оврагарчиликнинг ҳам ҳожати бўлмайди.

Зарур бўлса, сиздан ҳар қанча кўмагу маслаҳатимни аямасликка тайёр эканлигимни чин кўнгилдан изҳор қиламан. Сизга, мадам, ҳаминша содиқ хизматкорингиз

Виллиам Кирл.

Самимий ва сидқидилдан ёзилган мактубни мамнуният билан ўқиб чиқдим. Унда Лаура менинг бошимизни қотираётган, ҳатто, нима жавоб беришимиз ҳам мушкул бўлиб турган имзо масаласида эътироз билдиришга арзигулик баҳона ҳам кўрсатиб қўйибди. Хатни ўқир эканман, курьер нима топширих бўларкин, деб ёнимда кутиб турарди.

— Кирл жанобларига маълум қилиб қўйсангиз: мактублари тушунарли. Илтерламаотларини аямай, бизни қарздор қилиб қўйибдилар, — дедим. — Ҳозирча бундан бошқа жавобнинг ҳам ҳожати йўқ.

Хатдан энди кўзимни узиб, ҳалигидай гап қилиб турганимда граф Фоско, қаердан пайдо бўлди, билолмадим, катта кўча томондаги муюлишдан чиқиб, олдимда қаққайиб қолса бўладими!

Кутилмаганда унинг пайдо бўлиб қолиши, бу ҳол хаёлимга ҳам келмаганди, мени бутунлай эсанкиратиб қўйди. Курьер менига қувончли кун тилаб, капалакка¹ чиқиб кетибди. Унинг таъзимига жавобан бирон-бир илиқ сўз айтишга ҳам тилим бормабди. Сирим фош бўлгани, келиб-келиб мана шу киши олдида фош бўлиб қолгани мени бутунлай қарахт қилиб қўйганди.

¹ капалак — енгил арава.

— Уйга қайтадиларми, мисс Ҳалкомб? — деб қолди у мутлақо хотиржамлик билан. Менга гапираркан, ҳатто жўнаб кетаётган капалакка ҳам эътибор бермади. Саволига ижобий жавоб ўрнида имо қила олгудек ўзимни тез ўнглаб олдим.

— Каминангиз уйга қайтиш ниятида, — деди у. — Ўзларига ҳамроҳ бўлиб бориш завқидан бенасиб қиламагайсиз, деган умиддамиз. Каминангизни қўлтиқлаб олсангиз, рад этмайдиларми? Каминаларига кўзлари тушиб, андак ажаблангандек бўлдилар!

Унинг қўлтиғидан олдим. Сал ўзимга келишим билан хаёлимга шу нарса келдики, бу кишини ўзимга душман қилиб олишимдан кўра бошқа ҳар қандай... баҳридан ўтганим маъқул.

— Каминаларига кўзлари тушиб, андак ажаблангандек бўлдилар! — такрорлади у яна ўша одатдаги қатъи хотиржамлик билан.

— Хаёл суриб қолибман, граф. Овозингиз паррандаларингиз сайрашига жўр бўлиб тамаддихонани обод қилаётгандай бўлувди. — дедим иложим борича осойишталик ва дадиллик билан.

— Албатта, шундай эдику-я, лекин патли жажжи чақалоқларимиз ҳам, азиз леди, айни болалардек-да. Уларнинг ҳам саркашлик қилиб турадиган кунлари бўлади. Бугун эрталаб худди ўшандай кунлардан бири бўлди. Каминангиз уларни энди кажаваларига қайта солаётганларида хонага рафиқалари кириб келдилар-да бир ўзингиз айлангани чиқиб кетганингизни айтиб қолдилар. Уларга шундай дебсиз, тўғрими?

— Албатта. Шундай деганман.

— Шундай бўлгач, мисс Ҳалкомб, сизга ҳамроҳ бўлиш завқини суриш васвасасига бардош беролмадик. Бизнинг ёшимизда шунақа очик айтиб қўя қолишнинг айби йўқ, тўғрими? Шартта шляпамизни илиб, ўзлари атрофида парвона бўлиш илинжида йўлга туша қолдик. Умуман, ёлғиз зерикиб юришдан кўра, Фоскодек бақалоқ қариянинг ҳамроҳи бўлганлари ҳам, албатта, маъқулроқ бўлса керак. Шошиб бошқа сўқмоққа уриб кетибмиз. Ҳафсаламиз пир бўлиб, орқага қайтишга тўғри келди ва ниҳоят мана, ёнларида турибмиз. Таъбир жоиз бўлса, ниятимиз чўққисига чиқдик.

У мана шундай мулозиматлар билан бидирларкан, ўзимни ўнглаб олишга уринишнинг ҳам ҳожати бўлмади. Граф ҳатто йўлида дуч келган кабу, ҳануз қўлимдаги мактубга шаъма қилишни ҳам хаёлига келтирмади. Унинг ўша мунофиқона кайфиятидан гўё Лаура манфаатини кўзлаб оила ҳимоячисига хуфиёна йўлланган мурожаатномадан нопоклик билан огоҳ бўлиб ажаблангану, энди ўшанга олинган жавобни ўз кўзи билан кўргач унинг мазмунини

ўз таъбирича ечиб, ҳатто, мўлжалидаги жавобларни амалга ошириш пайига тушиб, кўнглидан ўтиши эҳтимолдан холи бўлмаган шубҳага ўрин қолдирмасликка уринаётгандек фикр туғилиб қолганди. Мен ҳам анойи эмасман, айна вазиятда ҳақиқатнамо ёлгонни дўндириб, уни лақиллатишга уринишнинг ҳожати йўқлигини билардим. Шунга қарамай, аёллигимга бориб, ундан ҳайқардим. Уни қўлтиқлаб олишни ўзимга эп кўрмасам ҳам, сомеъ бўлишга уриндим.

Бино олди хиёбонида отхона томон қайтаётган кабриолетни учратдик. Сэр Персивал эндигина сафардан қайтган экан. У бизни йўлакда кутиб олди. Сафари нима натижа билан яқунланганини билмайману лекин баттол феъли ўшалигича.

— Ийёе! Мана, иккитаси пайдо бўлиб қолди. — деди у лабилунжи осилиб. — Уйни хувиллатиб қўйганинглар нимаси? Леди Глайд қани?

Унга баргакнинг йўқолганини маълум қилиб, Лаура ўшани излаб плантацияга кетганини айтдим.

— Баргаги билан менинг нима ишим бор, — гудранди у хуноби ошиб. — Пешинда кутубхонага келишни унутмаслигини маслаҳат бераман. Ярим соатлардан кейин у билан учрашармиз.

Қўлимни граф қўлтигидан олиб, зинадан аста-секин кўтарилла бошладим. У эса менга одатдагидек сертакаллуфлик билан таъзим инъом этгач, ҳазил аралаш кайфиятда хонадон абужаҳлига мурожаат қилди:

— Қани эшитайлик, Персивал, — деди у. — Сафарлари кўнглидагидек ўтдими? Гижинглаган Малла нозигингиз ҳовуридан тушиб қайтгандир?

— Малла нозик ҳам қуриб кетсин! Сафарни йиғиштириб туринг! Аввал қорин гамини еб тушлик қилиб олайин.

— Мен бўлсам, Персивал, аввал сиз билан бирор беш минут гаплашиб олиш илинжидаман, — жавоб қилди Граф. — Дўстим, беш минутлик гап. Шу майсазорда турибоқ...

— Нима тўғридаги гап экан?

— Айнан ўзларининг муддаоларидаги тижорат тўғрисида-да.

Зал эшигидан ўтишни анча пайсалга солиб шу савол-жавобларни эшитдим, сэр Персивалнинг эса нима дейишини билмай тумтайиб, қўлларини ён чўнтакларига суққанини кўрдим.

— Мабодо яна ўша танбалларча мижговлигингиз билан гашимга тегмоқчи бўлсангиз, — деди у, — бирор дақиқа сукут қилишга ҳам кўзим учаётгани йўқ. Оч қоринга гап кирадими?

— Тажанглик қилмай, буёққа ўтиб, гапни эшитсангизчи! — деди граф дўстининг дағал сўзларини парвосига ҳам келтирмай.

Сэр Персивал зинадан пастга тушди. Граф эса унинг қўлтигидан олиб, аста-секин нарига олиб кетди. «Тижорат» дейилганда бунга ишончим комил, имзо масаласи назарда тутилди. Улар Лаура билан мен ҳақимда сўз юритишаётганига шубҳам йўқ эди. Юрагим гашланиб, така-пука бўла бошлади. Қани энди ўшалар суҳбатидан огоҳ бўлақолсанг! Шу дақиқаларда уларнинг оғзидан тушмаётган мавзу Лаура билан менинг ҳаёт-мамотимизнинг энг нозик нуқтасига тегишли бўлиши мумкин эди. Афсус, бирор калима сўзи ҳам эшитилмас, улар суҳбатидан огоҳ бўлишнинг имконияти ҳам йўқ эди.

Адвокат хатини кўкрагимга солволганимча (энди уни ҳеч қанақа қулф-калитли ерга қўйишга ҳам юрагим дов бермади) ҳамма хоналарга кириб бино атрофини кўздан кечириб чиқдим. Сабр косам тўлиб, тоқатим ҳам тоқ бўлиб кетди. Лаурадан ҳануз дарак йўқ эди. Уни излаб келсам, деган хаёлга ҳам бордим. Лекин эрта-лабдан бошланган ташвишу сарсонгарчилик тинкамни қуритган, бунинг устига кун қизиб кетганидан қимирлашга ҳам холим қолмасди. Шунга қарамай, эшиккача аранг бордим. Фикримдан қайтишга тўғри келди. Меҳмонхонага ўтиб, бироз ҳордиқ чиқариш ниятида дуч келган диванга ўзимни ташладим.

Ўзимни ҳали ўнглаб олганимча ҳам йўқ эди, эшик оҳиста очилиб, граф мўралаб қолди.

— Каминани минг бор маъзур тутгайсиз, мисс Ҳалкомб, — деди у. — Хуш, хабар олиб келганимиз учуноқ безовта қилишга журъат этдик. Ўша ўзларига маълум инжиқ Персивал шу дақиқаларда ўз қарорини ўзгартириб, тижорат имзосини кейинга кўчирди. Шу қарор туфайли, мисс Ҳалкомб, чеҳрангиздан кўриниб турганидек, ҳаммамизнинг ҳам анча енгил тортишимиз турган гап. Вазиятнинг айни муддаодек ўзгаришини леди Глайдга етказар экансиз, уларга бўлган эҳтиромимизни изҳор этиб, муборакбод ҳам қилиб қўйгайсиз.

Таажжубланганимдан хаёлим сочилиб, ҳали ўзимга келмаёқ у хонадан чиқиб кетибди. Имзо масаласига боғланиб турган режанинг бунчалар тез ўзгариб қолиши, бунга шак-шубҳа қилинмаса ҳам бўлади, шу кишининг ташаббусига боғлиқ эди. Кеча Лондонга йўллаган мурожаатномамиз, бугун эса ўшанга олган жавобимдан огоҳ бўлиб қолиши уни шунга мажбур қилган ва дўстини ҳам кўндиришга эришганди.

Шундай таассурот огушида эканман, хаёлим ҳорғин жуссам азобига малҳам бўлаётгандек туюлса ҳам, бугунги шубҳали дамлару эртанги хавfli кунларни ўйлаб жўялироқ хулоса чиқаришга ожиз эдим. Лаурани топиш илинжида ташқарига йўл олдим. Лекин бошим айланиб, оёқларим қалтираганича ўтириб қолдим. Яна шаштимдан қайтиб, ночор жойимга бориб ётишдан бошқа иложим қолмаганди.

Ҳайхотдек бинонинг хувиллаб туриши ёз ҳашоратларининг очиқ дераза орқасидан қулоққа чалинаётган бир меъёрдаги гув-гуви мени сармаст қилди шекилли, мудрай бошладим. Кўп ўтмаёқ гаройиб бир ҳолатга тушиб қолдим: атрофимда нималар содир бўлаётганини сезгудек бедор эмасдиму лекин айна вақтда ўзимнинг қай ҳолатдалигимни сезгудек ақл-идроким жойида, бинобарин, гафлат уйқусида ҳам эмасдим. Борлиқ вужудим ором огушида ётаркан, қутилмаган ташвишлар таъсирида говлаб, шу аҳволга тушиб қолган эс-хушим энди жисмимни тарк этиб, карахт бўлиб қолганимданми ёки хаёлотга берилиб кетганимданми нима дейишга ҳам ожизман, Валтер Ҳартрайт кўз ўнгимга келибди. Ўша куни эрталаб уйқудан турганимдан бери уни хаёлимга ҳам келтирмагандим. Лаура ҳам бевоситами ёки билвоситами унга алоқадор бирон сўз айтмаганди. Шунга қарамай, гўё ўтган кунлар қайтиб келгандай, уни яққол кўриб турармишман. Иккаламиз ҳам Лиммериж хонадонидида эмишимиз.

У бир тўда кишилар орасида эмиш. Бошқаларидан бирортасининг ҳам афти-ангорини ажрата олмас эмишман. Ҳаммалари улуғвор бир ибодатхона вайронаси зиналарида думалаб ётишганмиш. Ибодатхона атрофида мўътадил минтақага хос баҳайбат дарахтлар қад кўтарган бўлиб, уларга девпечаклар чирмашиб кетганидан кўк юзини ҳам қоплаб, зиналардаги афтодаҳол кишилар бошига аянчли соя ташлаб турармиш. Шох-шаббалар оралигидан эса у ер-бу ерда милтиллаган бесўнақай тош санамлар галвайиб, уларнинг бадбашара қиёфалари гўё заҳарханда қилаётгандек тиржайиб турармиш. Ер юзидан оппоқ буғ буралиб-буралиб кўкка кўтарилармиш-да, кейин тутундек халқаланиб, ҳалиги кишилар томон йўналармиш ва кимгаки тегиб ўтгудек бўлса, ўшанинг жони узилиб, бирин-кетин жойидаёқ сулайиб қолишармиш. Валтерга ачиниб, унинг қочиб кетишини илтижо қилганимча лабим лабимга тегмай ҳайқирармишман. «Қайта қолинг, қайта қолинг!» дермишман: «У билан менга берган вадангизни унутманг. Бу офат сизни ҳам бошқалардек қурбон қилиб қўймасидан ёнимизга қайта қолинг!»

У менга самовий бир сиполик билан назар ташлармиш. «Сабр қилинг», — дермиш. — «Қайтаман. Фақат йўлимда ўша адашган аёл учраган кечадан бери ҳаётим ўз ихтиёримдан чиқиб, ҳозирга пинҳоний бир тақдир бунёдкорига айланиб қолганман. Шу ерларда гумдон бўлиб, чўлу-биёбонлар кезаманми ёки она юртимга, мунтазир дўстларим бағрига қайтаманми — йўлим ҳамон хатарли. Бу сафар мени ҳам, сизни ҳам ва ҳатто иккимиз учун ҳам ардоқли синглингизни ҳам қандайдир беомон қасос билан якунланувчи манзилга элтади. Сабр қилинг, кўрасиз. Бошқаларга қирон келтираётган офат мени четлаб ўтади».

У яна кўзимга кўринди. Ҳамон ўрмонда эмиш. Жафокаш ҳамроҳлари ҳам сепсилиб қолганмиш. Ибодатхонаю санамлар гойиб бўлганмиш. Уларнинг ўрнида энди қорачадан келган пакана-пакана одамлар пайдо бўлиб, уларнинг ҳаммаси камонлари зеҳларига тир қўйишганларича шайланган бир ҳолда дарахтлар паналарида писиб туришганмиш. Яна Валтердан хавфсираб, уни огоҳлантириб қўйиш илинжида бақирармишман. У ҳам менга яна ўша-ўша сиполик билан қарармиш-да: — Ўша мудҳиш йўлдан яна бир қадами — дермиш. — Сабр қилинг, кўрасиз. Бошқаларни қулатаётган бу тири парронлар менга шафқат қилади.

Учинчи маротаба уни ҳалокатга учраб, хувиллаган қумлоқ соҳил томон улоқтирилган кемада кўрибман. Одам уюлиб кетган қайиқлар соҳил сари силжиб, ундан узоқлашармиш, Ҳартрайт эса кема билан бирга аста чўкиб борармиш. Унинг ҳаётини асраб қолишнинг ягона илинжи — сўнгги қайиққа ишора қилганимча бақирармишман. У эса бунга жавобан хотиржам бир қиёфада менга қарармиш-да ҳеч қандай таҳликага тушмай, оҳистагина жавоб бериб қўя қолармиш:

— Сафардаги яна бир қадамим. Сабр қилинг, кўрасиз. Бошқаларни ўз гирдобига тортаётган уммон менга шафқат қилади.

Кейин у яна бир маротаба кўзимга кўринди. Энди оқ мрамар мақбара ёнида тиз чўкиб турганмиш. Ўша қабрдан ниқобли бир аёл сояси қад кўтарармиш-да, унинг ёнида бош эгиб турармиш. Валтер чехрасидаги самовий осойишталик барҳам топиб, энди самовий ғамноклик босармиш. Лекин унинг овози ҳамон ўша-ўша барала янгрармиш:

— Атрофни зулмат босяпти, — дермиш у. — мен эсам ҳамон олдинга, ҳа, олдинга силжимоқдаман. Ажал мўтабарларни, ҳусни баркамолларни ва сағирларни қийратиб, менга шафқат қилади. Бемаҳал офат, қиргинбарот, уммонлардаги ажал гирдоблари, муҳаб-

бату умидвор бандаларини ўз қаърига яширувчи мақбаралар менинг сафаримдаги қадамжоларим, ўшалар мени манзилга элтади.

Ифодалашга тил ожизу, ҳатто кўз ёшлари ҳам далда беролмайдиган бундай даҳшатдан юрагим така-пука бўлиб кетди. Мармар мақбара олдида турган зиёратчини зулмат қоплади, қабрдан чиқиб келган ниқобли аёлни ҳам зулмат босди, уларга қараб турган хаёлпарастнинг ўзи ҳам зулмат ичида қолди. Шулар кўзимга кўринди, шулар қулогимга чалинди.

Елкамда бегона қўл сезиб ўзимга келибман. Лаура экан.

У диван олдида тиз чўкиб турарди. Юзлари қизариб кетган. Безовта кўринарди. Кўзлари ҳам олазарақ. Унга кўзим тушиб, юрагим сесканиб кетди:

— Нима бўлди? Нимадан кўрқдингиз?

У қия очиқ турган эшикка томон ўгирилиб, таҳликали кўзларини унга тикканича лабларини қулогимга тақаб шивирлади:

— Мариан! Кўлдаги қиёфа, кеча оқшомдаги оёқ шарпалари... Ўша аёлни кўрдим! Ҳозиргина ўшалар билан гаплашдим!

— Ё парвардигор! Ким экан у?

— Анна Катерик.

Лауранинг бежо ҳаракатларию безовта чеҳрасидан кайфим учиб, даҳшатли тушим таъбири хаёлимни сочиб, нес бўлиб қолибман. Ҳатто, у ҳалиги исмни тилга олганида ҳам ҳушёр тортмабман. Миқ этмай унга тикилганимча мўмиқдай суррайиб тураверибман.

Лаура ҳам содир бўлган воқеа таассуротига гарқ бўлиб кетганидан унинг сўзлари миямга етиб бормаганини фаҳмламай эшитмади, деб ўйлабди шекилли, сўзида давом этавериб: — Анна Катерикни кўрдим! Анна Катерик билан гаплашдим! О Мариан, сизга айтиладиган шунақа гапларим борки, оғзингиз очиб қолади! Кета қолайлик, бу ерда гаплашишга қўйишармиди. Яхшиси, менинг хонамга кета қолайлик.

Шундай деганича у қўлимдан ушлаб, мени кутубхона орқали биринчи қават этагидаги хусусан унинг ўзига ажратилган хонага бошлади. Бу ерда бизни унинг мулозимасидан бошқа ҳеч ким ҳам безовта қилавермас эди. Мени у ичкарига киритиб юбориб, ўзи эшикни қулфлади-да, четга суриғлиқ чит пардаларни ёпиб қўйди.

Мен ҳамон ўша-ўша галати бир аҳволда, карахт эдим. Шунга қарамай, тобора авж олаётган васваса яъни Лаура билан мени кўпдан бери таҳликага солиб келаётган муаммолар энди тўсатдан иккаламизни ҳам чулғаб олибди, деган хаёлот голиблик қилиб, шунга иқрор бўла бошлагандим. Буни сўз билан ифодалашга ожиз

эдим, ҳатто ўзим ҳам гира-шира тасаввур қилардим. Шунинг учун ҳам ўзимча «Анна Катерик!», «Анна Катерик!» дея валдирардим.

Лаура мени яқинроқдаги лўла курсига ўтқиза қолди.

— Буни қаранг! — деди у менга. — Буёққа қаранг! — такрорлади яна кўйлагининг сийна томонини кўрсатганича.

Йўқолиб қолган баргак, унга энди кўзим тушибди, яна ўз ўрнида аввалгидек қадалиб турарди. Унинг кўзга ташланиши эса ҳақиқий борлиқ инъикоси эканлиги (уни, ҳеч бўлмаганда, ушлаб кўриб иқрор бўлиш мумкин эди-да) хаёлимдан нари кетмаётган васвасаларга барҳам бериб, анча ўзимга келгандай бўлдим.

— Баргагингизни қаердан топдингиз? — ўша нозик бир дамда тилимга келган сўзлардан мана шу бемаъни савол тугилибди.

— Ўша аёл топиб олибди, Мариан.

— Қаердан?

— Қайиқхонадан. Оҳ, нимадан бошласамикин. Суҳбат тафсилотини сизга қандай тушунтирсамикин! У мен билан гаплашаркан каловланиб турди-я... Ранги ҳам бир аҳволда, оғир дардманд кўринади. Туйкусдан кетворди-я!

Хотира таассуротлари унинг хаёлини чуллаган сайин овози ҳам баралла чиқарди. Бу хонадонга ишончим йўқолиб, кечаю кундуз шубҳада юрадиган бўлиб қолганимдан, ҳозиргина баргакка кўзим тушиб Лаурани саволга тугганимдек, шу лаҳзаёқ уни огоҳлантириб кўймоқчи ҳам бўлдим:

— Секинроқ гапиринг, — дедим. — Дераза очиқ. Боғнинг ўртасидан ўтадиган сўқмоқ шундоққина унинг ёнидан ўтади. Бошидан бошланг, Лаура. Ўша аёл билан бўлган суҳбатни менга ипидан игнасигача айтиб беринг.

— Деразани ёпиб кўйсаммикин?

— Йўқ, секинроқ гапирсангиз бўлаверади. Фақат эрингиз тасарруфидаги бу хонадон учун Анна Катерик хавfli шахс эканини унутманг. Дастлаб уни қаерда кўриб қолдингиз?

— Қайиқхонада, Мариан. Баргагимни қидириб чиқиб кетганимни биласиз. Дарахтзор оралаб ўтиладиган сўқмоқдан йўлга тушиб, ҳар бир кунжи-кавакни синчиклаб қараб бордим. Шу алфозда аста-аста юрганимча анчадан кейин қайиқхонага бориб қолибман. Ичкарига кирибоқ чўкалаб баргак қидиришга тушдим. Кутилмаганда орқадан — эшик томондан кимнингдир нотаниш, лекин мулоиймгина мурожаати қулоғимга чалинди:

— Мисс Фэрли!

Ҳа, қизлик номим — бутун умрим бўйи жудо қилиндим, деб

хаёлимдан ўтказилган ўша мўтабар ва қадрдон номим. Сакраб ўрнимдан туриб кетдим, лекин таҳликага тушмадим. Овоз шунчалар мулойим ва шунчалар диловар эдики, бировни асло чўчи-тиб юборгудек эмасди. Лекин анқайиб қолибман. Эшик олдида менга термулиб турган ўша аёлга илгари кўзим тушганини ҳеч эслаёлмасдим.

— У қанақа либосда эди?

— Эгнида оҳорлик, хушбичимгина оппоқ кўйлак. Елкасида анчагина уриниб қолган, қорамтир, ҳарир шол рўмол. Бошидаги жигарранг похол шляпаси ҳам, худди рўмолидек, анча уриниб гарибона бўлиб қолган. Кўйлаги билан ўша бошқа кийимлари орасидаги шу тафовутдан ҳанг-манг бир ҳолга тушибман. Нимага эътибор берганимни у ҳам фаҳмлаганди.

— Шляпам билан рўмолимга эътибор берманг, — деб қолди у чуқур тин олиб шоша-пиша бидирлаганича. — Эгнимга кийгулигим оқ бўлмагудек бўлса, бошқаларига эътибор ҳам бермайман. Кўйлагимга хоҳлаганингизча қарайверинг. Ундан хижолат тортадиган жойим йўқ.

— Таажжуб, шундай эмасми-а? Унинг кўнглини кўтариш учун ҳали бирон сўз айтишга улгурмасимданоқ бир кўлини олдинга чўзиб қолди. Ўша кўли кафтидаги баргагимга кўзим тушди. Қувончим ичимга сигмай, ундан миннатдор бўлиб кетганимдан дил сўзларимни изҳор этишга шошилиб унга яқинлашдим.

— Андак илтерламаотингиздан умидвор бўлишимга яраша кўнглингизни ола олдиммикин? — деб қолди.

— Ҳа, албатта. — жавоб ердим. Кўлимдан келганини сиздан аярмидим.

— Ундай бўлса, рухсат этсангиз, баргагингизни ўз кўлим билан тақиб кўйсам. Уни топиб олиб, қанчалар қувонганимни билсангиз эди.

Бунақа илтимосини мутлақо кутмаган эдим, Мариан, у ялиниб-ёлворгандек илтижо қиларди. Нима қилишимни билмай довдираб қолдим. Ҳатто, бир-икки қадам орқамга тисланиб ҳам кетдим.

— Ана холос! — деб юборди у. — Ойижонингиз баргагини тақиб кўйишимга эътироз билдирмаган бўлардилар.

Унинг гиналик овози билан кўзлари, онамни ёд этиши унга нисбатан ноҳўя шубҳамга барҳам бериб, ҳижолатда қолдим. Баргаклик кўлидан ушлаб, уни самимият билан оҳиस्ताгина сийнамга босганимча «Ойимни танирмидингиз?» дедим. — «Ўша вақтларга анча бўлган бўлса керак-а? Мен ҳам сизни аввал кўрганмидим?»

У баргак тақиш билан овора эди; бирдан баргакни ҳам унутиб, қўллари кўкрагимда туриб қолганича Лиммериж баҳорининг қувончли бир куни ёдингиздан кўтарилдими?» деса бўладими у. — Ойижонингизнинг икки ёнидада биттадан икки қизалоқ, ўшаларни етаклаганича сўқмоқ бўйлаб мактабга тушиб келиши-я? Ўша дамлар асло ёдимдан чиқмайди. Кейинча эсимда қолгулик ҳеч вақо ҳам бўлмаган. Ўша қизчаларнинг бири сизу яна бири мен эдим. Жажжигина оқила қиз мисс Фэрли билан бечораҳол Анна Катерик ўша вақтлар ҳозиргидан кўра бир-бировларига анча яқинроқ эдилар!»

— Исмини айтгач, Лаура, уни эсладингизми?

— Эсладим. Лиммерижда Анна Катерикни суриштирганларингиз, у «бир вақтлар сизга ўхшашроқ бўлган бўлса керак» деганларингиз хаёлимдан ўтди.

— Нега энди хаёлингизга шулар кела қолди?

— Ўша қиз қиёфасида ўз аксимни кўриб қолдим-да! Унинг юзига разм солиб турарканман яқинроғимга келиши билан, кутилмаганда, хаёлимдан бир фикр ўтди: «биз бир-биримизга ўхшарканмиз!» Юзи рангпар, озгин ва хоргин кўринса ҳам, лекин қиёфаси мени анқайтириб қўйганди. — Ўзимни гўё узоқ хасталикдан сўнг кўзгуда кўриб тургандек эдим. Мана шунга иқрор бўлгач, негадир, хаёлим сочилиб, ўша дақиқа бирон сўз айтишга ҳам тилим бормай, лол бўлиб қолибман.

— Миқ этмай туришингиздан ранжигандай бўлмадимми у?

— Ранжиган бўлсалар ҳам керак. «Зоҳиран ҳам, ботинан ҳам волидангизга ўхшамабсиз» деб қолса бўладими у. «Волидангизнинг юзи буғдой ранг, қалби эса, мисс Фэрли, фаришталарни-кидек мусаффо эди».

— Сиздан самимий илтерламаотимни аягулигим йўқ, — дедим. — Фақат дилимдагини тилимда ифодалашга ожизлик қилиб қоламан-да. Нега мени мисс Фэрли деяпсиз?

— Чунки Фэрли исми мен учун азиз. Глайд исмидан эса нафратланаман!» — Унинг авзойи бузилиб пўнгиллади. Ҳаракатларида, кўзларида шу дақиққагача кўринмаган телбалик аломатлари намоен бўлгандек туюлди.

— Турмушга чиққанимдан беҳабар бўлсангиз керак, деб ўйлагандим. — дедим унинг Лиммерижга йўллаган машъум мактубини эслаб. У аламзадаларча хўрсиниб, тортиб, юзини четга ўгирди. «Турмушга чиққанингиздан мени беҳабар, деб ўйладим денг?» — таъкидлади. «Турмушга чиққанингиз важидан шу ерда турибман-

да. Нариги дунёда онангиз билан дийдор кўришмай туриб сизнинг олдингиздаги гуноҳларимдан мустаҳиқ бўлиш учун келганман». У аста-секин мендан нарилашиб, қайиқхонадан ташқарига чиқди-да, у ёқ-бу ёққа аланлаганича қулоқ солиб турди. Кейин сўзини давом эттириш учун орқасига ўгирилди-ю, лекин ичкарига кирмай, турган жойида эшикнинг икки томониغا қулочкашлаб йўланганича менга термилиб, «Кеча кечқурун кўл бўйида юрганимни кўрган бўлсангиз керак-а?» — деб қолди у. — «Дарахтзорда кетингиздан изма-из юрганимни ҳам сезган бўлсангиз керак-а? Ана кўрдингизми, ёлғиз ўзингиз билан гаплашиш илинжида неча кундан бери сарсон бўламан-а! Ёруғ дунёда менинг бирдан-бир ҳамдамим бўлиб қолган дугонамни ташвишга солиб, кўзларини йўлларимга нигорон қилиб қўйганимни билсангиз эди! Яна васавсхонага тушиб қолиш хавфи-чи — шуларнинг ҳаммаси сизнинг осойишталигингиз учун, мисс Фэрли, ҳаммаси сизнинг осойишталигингиз учун». Унинг гаплари юрагимга гулгула солди. Айни вақтда ўша гап, сўзларга қараб, негадир, унга дилдилимдан ачиндим. Ҳатто раҳмим келганидан у бечорани ичкарига таклиф қилиб, ёнимдан жой ҳам кўрсатдим.

— У ичкарига кириб ўтирдими?

— Йўқ. Бош чайқаб, ўша ерда туравериши, бегона бирон кимса келиб қолмаслиги учун атрофга кўз-қулоқ бўлиб туриши лозимлигини айтди. Шундай қилиб, суҳбатимизнинг бошидан охиригача йўлакда турди. Кўзларини эшикнинг икки ёнидаги кесакисига тираб олган. Баъзан менга гапириш учун ичкарига шартта эгилди-да, кейин ўзини яна дарров ташқарига олиб, атрофга олазарақ бўларди. «Кеча оқшомгача шу ерда эдим» — гап бошладди у. «Ўша леда ҳамроҳингиз билан ўзаро ўтган суҳбатингизни эшитдим. Унга эрингиз ҳақида айтганларингизни ҳам эшитдим. Унинг ишончини қозонишга ожизлик қилаётганингиз, бу ҳақда уни огиз очирмасликка ҳам қурбингиз етмаётгани ҳақидаги сўзларингизни эшитдим. Эҳ-ҳааа! Ўша сўзлар замиридаги фикрни англаб турибман — улар қулоғимга ччалиниши биланоқ маъносини чақиб қўйганман. Нега сизни у билан турмуш қурдириб ўтирибман-а! Эй, кўрқоқ! Тентак, тубан ва ожиз банда!» — У ҳақирона рўмоли билан юзини яшириб, ўзича нималардир деб гудранганича ингради. Мен ҳам таҳликага туша бошладим. Ахир, асаб ўйноғида шайтонлаб қолгудек бўлса, қўлимдан нима келарди. «Ўзингизни босинг» — дедим. — «Менинг никоҳимни бузиш урдасидан чиқа олармидингиз, бунга нима дейсиз?» У рўмолини

юзидан олиб, паришонхотир бир қиёфада менга қараб қолди. «Лиммерижда қолишга журъат қилсам, бас эди-да» — жавоб берди у. — «Унинг ўша ерга келаётгани ҳақидаги хабардан талвасага тушиб, жўнаб кетмаслигим керак эди. Ишнинг пачаваси чиқмасиданоқ сизни огоҳлантириб, бундан халос қилишим керак эди. Сизга ўша хатни ёзишимга журъат этишдан мақсадим нималигини ўйларсиз? Эзгу ният йўлида савобли иш қиламан, деб нега уни барбод қилдим? Эҳ, қўрқоқ! Тентак, тубан ва ожиз банда!» Ўша сўзларини яна бир неча бор такрорлади-да, юзини яна ўша ҳақирона рўмолига буркади. Унинг ўша қиёфаси киши юрагини эзиб юборар, сўзларини ҳам хотиржам тинглаб бўлмасди.

— Лаура, сиз, албатта, уни шунчалар безовта қилаётган таҳликаси нимаданлигини сруиштиргандирсиз?

— Албатта, суриштирдим.

— У нима деди.

«Сизни васвасихонага ташлаб қўйган ва иложи топилса, яна ўша ерга гумдон қилиш пайида юрган кишидан ҳайиқарминдигиз?» деб сўраб қолди. «Сиз ҳамон таҳликадамисиз? Мабодо кўрққанингизда, ҳозир бу ерда турмаган бўлардингиз шекилли?» — жавоб бердим. «Йўқ» деди у. — «Энди ундан кўрқмайман». Сабабини сўрадим. У шу лаҳзаёқ ичкарига энгашиб, «Ўзингиз фаҳламаяпсизми?» — деди. Бош чайқадим. «Ранги-рўйимга эътибор беринг» — сўзини давом эттирди у. Унинг анча гамгин ва касалванд кўринган қиёфаси мени ранжитаётганини айтдим. Унинг чеҳрасида илк табассум кўрингандай бўлди. — «Касалванд дедингизми?» — сўзимни такрорлади. — «Вақти-соатим битиб турибди. Ундан ҳайиқмаётганимнинг сабаби мана шунда. Энди тушунган бўлсангиз керак. Маҳшарда онангиз билан дийдор кўришиш менга насиб этармикин, нима дейсиз? Мабодо учрашиб қолсак, менинг гуноҳимни кечирармикинлар?» — Кайфим учиб, юрагим така-пука бўлиб кетганидан нима дейишимни ҳам билмай қолибман. У бўлса яна сўзида давом этиб. — «Эрингиз таъқибидан бекиниб юарканман, бетоб ётарканман — ҳамма вақт мана шуни ўйлайман» — деди. — «Шу ерга ҳам мени ўша хаёлим олиб келган. Гуноҳимни бошимдан соқит қилмоқчиман. Бир вақтлар гофиллик билан йўл қўйган гуноҳларимдан қўлимдан келганича пок бўлиб олсам дейман». Нима демоқчилигини ундан тавалло қилиб сўрадим. У эса менга безрайганича тураверди. — «Гуноҳларимдан фориг бўла олармикинман» — гудранди у ноумидлик билан. — «Сизни ҳимоя қиладиган дўстларингиз бор. Унинг сирини билиб олсангиз бас, сиз-

дан ҳайиқиб қолади. Мени лақиллатгандек лақиллатмайди. Сиз билан дўстларингиздан ҳайиққудек бўлса, ўз манфаатини кўзлабоқ сизга шафқат қилиши керак. Қани энди у сиз билан меҳршафқатга тўла муомалада бўлиб қолсаю, ана ўшанда менинг ҳам ҳиссам бор, деёлсам...» Яна нималар деркин, деган илинжда турдим, лекин унинг оғзидан бошқа бирон садо чиқмади.

— Сўзини давом эттиришга урингандирсиз?

— Албатта, лекин у яна ўзини мендан четга олиб, юз-қўли билан деворга суяниб олди.

«Эвоҳ! Кошкийди менга онангизнинг ёнгинасидан жой насиб этган бўлса!» — унинг маъюс илинжли ноласи қулоғимга чалинди. «Кошкийди Исрофил сури янграб, махшар куни жамики майидлар қабрларидан бош кўтариб чиққанларида мен ўшаларнинг ёнида уйғонсам!» Мариан! Вужудимни бошдан-оёқ титроқ босиб кетди. Сўзлари юракни орзиқтирарди. «Лекин бунга умид йўқ» — деди у яна қайта менга қараб олиш учун девордан бироз четлашиб, «Мендек бир нотавон бечора бундан умидвор бўлмаса ҳам бўлаверади. Ўшалар илинжида шу қўлларим билан ювиб, гард қолдирмай мусаффо тозаланган мрамор бут остида ором топишга йўл бўлсин! Эээ, йўқ! Эээ, йўқ! Инсоннинг эмас, Оллоҳнинг марҳаматигина мени уларнинг ҳузурига — заифлар ўз ташвишларию мусибатларидан халос бўлиб, ором оладиган манзилга етказди». Шу сўзларни маъюс таъкидлаб, ноумидлик билан чуқур ҳомуза тортди-да, жим бўлиб қолди. Юзидан андак саросимада безовталанаётгани сезилиб турар, хаёл сураётгандек ёки ниманидир эслашга уринаётгандек эди. — «Ҳозиргина нима деб турувдим?» — деб қолди ва бироздан кейин. — «Онангизни эслагудек бўлсам, хаёлимдан бошқа бошқа ҳамма нарса чиқади-кетди. Нима деятувдим? Нима деятувдим?» — Иложим борича ширинсуханлик ва мулойимлик билан бечоранинг дардига малҳам бўлишга уриндим. «Эээ, ҳа,ҳа» — деди у каловланиб ҳамон паришонхотирлик билан. — «Золим эрингиз олдида ожизсиз. Ҳа. Шу ерга нима мақсадда келган бўлсам, ўшани бажаришим керак. — Осойишта дамларда ошқора қилишга журъат этилмаган нарсдан сизни огоҳлантириб қўйишим керак». «Ўша менга айтадиганингиз нимаикан» — сўрадим. «Тошбағир эрингизнинг ўтакасини ёрадиган сир-да» — жавоб берди у. «Бир вақтлар ўша сирни рўқач қилиб, уни қўрқитиб ўтакасини ёрган эдим. Сиз ҳам ўша сирни пеш қилиб, уни қўрқитиб қўя қолинг». — Яна унинг авзойи бузилди, кўзларида аламли ғазаб ўтлари чақнади. Қутилмаганда қўлини мен-

га шоп қилиб силтай бошлади. — «Ўша сирни онам биледи» — деди у. — «Ўша сирни пинҳон тутиш учун онам ярим умрини сарфлади. Бир куни, анча катта бўлиб қолганимда, онам менга бир нарса деган эди. Эртасигаёқ эрингиз...»

— Иййе! Иййе! Гапира қолинг. Эрим ҳақида нима деди?

— Ўшандай деди-ю, Мариан, яна жимиб қолди.

— Бошқа ҳеч нарса демадими?

— Юрагини ҳовучлаганича атрофга қулоқ солди. «Жим!» шивирлади у ҳамон менга қўлини силтаганича. — «Жим!» — У йўлак остонасидан четга сурилди. Пусиб аста-секин қадам ташлаганича қайиқхона муюлишида кўздан ғойиб бўлди.

— Сиз ҳам, албатта, унинг орқасидан боргадирсиз?

— Шундай, унинг сўзларига илҳақ бўлиб қолганимдан, таҳлика нималигини ҳам унутибман. Ўрнимдан туриб, унинг орқасидан боришга жазм қилдим. Энди йўлакка етганимда у яна қайиқхона муюлишида пайдо бўлиб қолди. «Ўша сирни» — шивирладим унга. — «андак сабр қилиб, ўша сирни айтиб қўя қолинг!» У қўлимни маҳкам ушлаб, менга тик қаради. Кўзлари олазарак — уни таҳлика босганди. «Ҳозир эмас». — деди у. — «Бизни кўриб қолишибди, бизни кузатиб туришибди. Эртага шу пайт келинг, «Ёлғиз ўзингиз. Унутманг, ёлғиз ўзингиз». У мени итариб яна қайиқхонага киритиб юборди. Кейин бошқа кўрмадим.

— Эээ, Лаура, Лаура, яна бир имконият бой берилибди! Сизнинг ёнингизда бўлганимда эди, уни кўлдан чиқармасдик. У қайси томонда ғойиб бўлди.

— Чап томонда. Дарахтлари қалинлашиб кетган ўша жарлик томонда.

— Яна югуриб чиққандирсиз, албатта? Уни чақирмадингизми?

— Иложим бормиди дейсиз? Қўрқиб кетганимдан қимирлашга ҳам, гапиришга ҳам холим қолмаганди.

— Ўзингизга келиб, у ердан чиққач-чи?

— Сизни шулардан хабардор қилиш учун буёққа чопдим.

— Дарахтзорда ҳеч ким кўриндими ёки биронта овоз эшитилмадими?

— Йўқ, дарахтзорни оралаб ўтаётганимда атроф жимжит ва осойиштадек эди.

Бироз ўйланиб қолдим. Ўша суҳбатдан огоҳ бўлиб туришида гумон қилинган шахс ҳақиқиймикин ёки Анна Катерикнинг эҳтиросли хаёли маҳсулимикин? Аниқ бир қарорга келишнинг иложи йўқ эди. Фақат бир нарса аниқ, у ҳам бўлса, жумбоқ энди ечи-

лай, деб турганда имкониятни яна қўлдан чиқариб юборибмиз. Ҳа, мабодо Анна Катерик ваъдасига мувофиқ келаси куни қайиқхонада кўринмагудек бўлса, ўша имкониятдан энди бутунлай маҳрум бўлгандик.

— Ҳаммасини батафсил гапириб кўнглингизни бўшатганингизга ишончингиз комилми? Ҳеч нарса ёдингиздан кўтарилмадимикин? — таъкидлаб сўрадим.

— Ҳаммасини айтдим шекилли. — жавоб берди у. — Хотирам ўзингизга маълум, Мариан, сизнинг хотирангизга тенглаштириб бўладими? Лекин бутун вужудим билан унга кўз-қулоқ бўлиб турганимдан заррача имосини ҳам назардан қочирмаган бўлсам керак.

— Азизим Лаура, Анна Катерик билан боғлиқ арзимас нарса ҳам биз учун қиммат. Яна бир бор ўйлаб кўринг. Мабодо гап-сўзларидан ҳозир қаерда яшаётганига бирор ишора бўлмадими?

— Мутлақо, эслай олмайман.

— У ўз ҳамроҳи ёки дугонаси бўлмиш миссис Клементс исмли аёлни тилга олмадими?

— Ий-йе, ҳа-я! Ёдимдан кўтарилибди. Миссис Клементс кўлга у билан бирга келиб, унга кўз-қулоқ бўлиб турмоқчи бўлганини, энг асосийси, бу томонларга ёлғиз ўта кўрмаслигини тайинлаганича илтижо билан қолганини ҳам айтувди.

— Миссис Клементс ҳақида бошқа ҳеч нарса демадими?

— Йўқ бошқа ҳеч нарса демади.

— Тоддлар муюлишдан жўнаб кетгач қаерда қарор топишгани ҳақида-чи?

— Миқ этмади. Буниси аниқ.

— Ўшандан бери қаерда яшаётгани, нима касалга чалингани ҳақида ҳам ҳеч нарса демадими?

— Йўқ, Мариан, миқ этмади. Айтинг, нималар бўляпти ўзи, ўтиниб сўрайман. Нима қилишни ҳам билмай, бошим қотиб қолди.

— Ваъдангизнинг устидан чиқишингиз керак, тасаддиқ, мана нима қилишингиз керак. Эртага ўша аёл билан қайиқхонада учрашингиз не омад келтиришини башорат қилиш қийин. Фақат бу гал сизни ёлғизлатиб қўймайман. Сезилмагудек масофада сизга изма-из бораман. Ҳеч ким мени пайқамайди. Мабодо зарурат туғилгудек бўлса, овозингизни эшитгудек масофада тураман. Анна Катерик Валтер Ҳартрайт қўлидан чиқиб кетди. Сизни ҳам доғда қолдирди. Нима бўлганда ҳам, менинг қўлимдан чиқиб бўпти.

Лаура кўзларимга жовдираб турарди.

— Эримни ҳайиқтиргудек сир борлигига ишонасизми? — деб

қолди у. — Ўзингиз ўйлаб кўринг-а, Мариан, бу Анна Катерик хаёлидаги сароб эмасмикин? Ўйлаб кўринг-а, нияти ўша илк хотиралар туфайли мен билан дийдор кўришиб, хумордан чиқиш бўлса-чи? Ҳаракатлари ҳам бежороқ туюлди, ундан гумонсираб қолдим. Сиз унинг бошқа гапларига ишонмоқчимисиз?

— Мен, Лаура, эрингиз тутган йўл-йўриқларни ўз кўзим билан кўриб турибман. Ўшандан бошқа ҳеч нарсага ишонмайман. Анна Катерик сўзлари мағзини ҳам эрингизнинг ўша қилмишларига қараб чақаман. Шундай экан, орада бирор сир борлиги аниқ.

Шу билан гапимни яқунлаб, хонадан чиқиш ниятида ўрнимдан турдим. Суҳбатимиз чўзилиб кетгудек бўлса, юрак-бағримни тирнаётган ташвишларимни унга айтиб қўйишим ҳеч гап эмас, бу эса унинг ўзи учуноқ хатарли эди. Ҳозиргина у мени уйғотганида туш даҳшатларидан алаҳсираётган бўлсам, энди устига устак, унинг қалтис ҳикоясини эшитиб кўнглим бағтарроқ гашланарди. Қора кунлар яқинлашаётганини сезардим. Бизни қандайдир машғум мушкулот қамраб келаётгани таҳликасидан юрагим орзиқарди. Ҳартрайт хаёлимдан ўтарди. Унинг хайрлашаётган вақтдаги қиёфаси кўз ўнгимга келарди. Кейин тушимдаги руҳий ҳолати кўз ўнгимда гавдаланарди. «Ўзимиз ҳам муқаррар мақсад сари тахминий йўл тутмадикмикин» деган шубҳага ҳам тушиб қолгандим.

Лаураининг ёлғиз ўзини тепага чиқариб юбориб, ўзим эса уй атрофидаги сўқмоқ йўлларни кўздан кечириб қўйиш ниятида ташқарига чиқдим. Анна Катерикни Лаура олдидан кетишга мажбур этган вазият мени граф Фоско пешиндан кейинги вақтини қандай ўтказганидан хабардор бўлиб олиш пайига тушириб қўйганди. Шунингдек, бундан бир неча соатгина аввал қайтиб келган сэр Персивалнинг ёлғиз ўзи сафарга чиқиши ҳам бежиз эмас, деган шубҳа туғдирганди.

Атрофга кўз ташлаб чиқдим. Уларнинг қораси кўринмагач, уйга қайтиб, қуйи қават хоналарини бирма-бир айланиб чиқдим. У ерлар хувиллаб турибди. Яна залга қайтиб, Лаураининг олдига кириш учун юқорига чиқдим. Коридордан юриб мадам Фокско хонаси олдидан ўтаётганимда эшик очилиб, ўзи чиқиб қолди. Эри билан сэр Персивалнинг қаердалигидан хабардормикин, деган илинжда тўхтаб қолдим. Ҳа, бир соатдан аввалроқ уларнинг шу хона деразаси олдидан ўтиб кетишаётганига кўзи тушган экан. Граф одатдаги хушомоди билан унга қараб, ҳар вақтдаги эзма гаплари орасида катта сайлга равона бўлишаётганини ҳам қистириб ўтибди.

Катта сайл! Менинг кузатишимча, улар ҳеч қачон биргаликда

сайр қилишмаган бўлсалар керак. Сэр Персивалга от миниб юриш бўлса бас, бошқа бирон-бир жисмоний ҳаракатни тан олмасди. Граф эса, хуши келиб қолганида менга ҳамроҳ бўлиб қолиши ҳисобга олинмаса, катта сайлни умуман хаёлига ҳам келтирмасди.

Лаура билан яна қайта учрашганимизда у келишиб қўйилган имзо масаласи нима бўларкин, деган таҳликада ўтирган экан. Анна Катерик суҳбатига берилиб кетганимиздан имзо масаласи хаёлимиздан бутунлай кўтарилиб кетибди. У мени кўриши биланоқ оғзидан чиққан биринчи калима шу вақтгача негадир кутубхонага — сэр Персивал хузурига чақиритилганидан ажабланаётгани ҳақида бўлди.

— Бу ҳақда бошингизни қотирмасангиз ҳам бўлади. — дедим. — Ҳозирча, фақат ҳозирча на сизнинг ва на менинг розилигимизни бирон-бир битимда рўқач қилишга ҳожат йўқ эмиш. Сэр Персивалнинг режалари ўзгарибди, имзо масаласи ҳам қолдирилибди.

— Қолдирилибди? — такрорлади Лаура ҳанг-манг бўлиб. — Сизга ким шундай деди?

— Менинг ишонган тоғим — граф Фоско. Ўшаларнинг орага тушиши туфайли эрингиз кўзлаган мақсадини кескин ўзгартирганига ишончим комил. Мана шунисига ҳам шукр қилишимиз керак.

— Назаримда, бундай бўлиши мумкин эмас, Мариан. Мабодо менга имзо чектиришдан мақсад, биз ўйлагандек, сэр Персивал илҳақ бўлиб турган маблағни қўлга киритиш бўлса, нечук бу масала қолдирилиши мумкин?

— Менимча, Лаура, гумонимизни пучга чиқаргулик асосимиз ҳам бор. Сэр Персивал билан адвокат залдан ўтаётганларида уларнинг қўлоғимга чалинган суҳбатини унутдингизми?

— Йўқ, лекин нима деганларини эслаёлмай...

— Менинг эсимда. Ўшанда иккита таклиф ўртага ташланганди. Биттаси — сизнинг имзоингизни олиш яъни ҳужжатга қўл қўйдириш. Иккинчиси эса вексел муддатини яна уч ойга чўзиш эди. Кейингиси амалга ошганга ўхшайди. Хуллас, сэр Персивал тажанглиги олдида андак хижолат чекиб туришдан халос бўлибмиз, десак ҳам бўлаверади.

— Ё Мариан, кошки айтганингиз ҳақиқат бўлиб қолса!

— Инонмаяпсизми, тасаддиқ? Ҳозиргина хотирамнинг зўрлигига қойил қолиб, тасаннолар айтиб турувдингиз. Энди-чи, худди ўшанга иккиланиб турибсиз. Кундалигимни олиб келганим бўлсин, ўшанда ҳақ-ноҳақлигимни кўрасиз.

Шу ондаёқ хонадан чиқиб, кундалигимни олиб келдим. Кундалигимнинг олдинги саҳифаларини варақлаб адвокат ташрифига оид ёзувларни топдик. Хотирамга келган икки имконият ҳақидаги фикрим мутлақо тўғри эканига иқрор бўлдик. Хотирам, одатдагидек, шу гал ҳам менга садоқат билан хизмат қилганига ишонч ҳосил қилгач мен ҳам, Лаура ҳам анча енгил тортдик. Эртаги кунимиз таҳлика остида турган бир пайтда воқеликни мунтазам ёзиб бориш, зарур пайтларда эса хотирамнинг ҳам мана шундай ҳозиржавоблиги омад бизларга ёр бўлиши учун қанчалар мадаккор эканини ифодалашга тил ожиз.

Лауранинг қиёфаси ва ҳаракатларидан унинг хаёлига ҳам, мен ўйлагандек, фикрлар келгани сезилиб турарди. Аслида, бу тилга олишга ҳам арзимайдиган қуруқ гап, омадимизни ҳатто кундалигимга боғлиқ қилиб қўяётганимдан уялиброқ турибману, лекин айни вақда қанчалар ожизлигимизни сал бўлса ҳам кўрсатаётгандек эди-да. Биз зарарча бўлса ҳам, нимагадир суянишимиз керак эди. Шунинг учун ҳам менинг хотирамга таяниб иш тутсак бўлаверишга иқрор бўлгач, гўё янги дўст топиб олгандек ўзимиз ҳам қувониб кетдик.

Тушликдан дарак берувчи биринчи кўнғироқдан кейиноқ суҳбатни бас қилиб, ажралишдик. Сэр Персивал билан граф ҳам сайлдан эндигина қайтишган экан. Соҳибихонанинг беш минутга кеч қолганларини рўкач қилиб хизматкорларга заҳрини сочаётгани, меҳмонининг эса, ҳар вақтдагидек, ушбу хонадонда ҳам рисоладагидек одоб, сабр ва осойишталик ҳукм суришини кўзлагани ҳолда орага тушаётгани қулоққа чалинарди.

* * *

Ниҳоят ўша кунги оқшом ҳам ўтди. Ортиқча ҳеч қандай гап-сўз бўлмади. Фақат сэр Персивал билан граф авзои бежороқ бўлиб қолганини сездим. Ёстиққа бош қўярканман, негадир, кўнглим гашланиб, Анна Катерикдан хавотирлана бошладим. Эртага нима бўларкин, деган ташвиш хаёлимдан нари кетмасди.

Ўша вақтгача сэр Персивал қиёфасини анча тушуниб қолгандим. Энг хавфлиси унинг маккорона тилёғламалик қилиши эди. Дўсти ҳамроҳлигида ўтган бемаҳал сайлдан кейин унинг муомаласи, айниқса хотинига нисбатан, ўзгариб қолганди. Унинг исмини айтиб мурожаат қилар, амакисидан хат-хабар бор-йўқлигини сўрар, миссис Вэрсини Блэквоутерга қачон таклиф қилишини суриштирар ва шунга ўхшаш яна анчагина арзимас муло-

зиматлари билан ўзининг Лиммериж хаусдаги бемаъни ошиқлик кунларини эслатиб, Лауранинг энсасини қотирар, менинг юрагимга гулгула соларди. Бу эса яхшиликдан башорат эмасди. Айнакча, тушликдан сўнг меҳмонхонага ўтилгач у ўзини пинакка кетганга солиб (гўё биз буни сезмаётгандек), Лаура билан мени зимдан кузатгани пайқаб қолингач яна ҳам кўпроқ таҳликага туша бошладик. Кутилмаганда бир ўзининг сафарга чиқиб келишидан бирдан-бир мақсади Велмингхамга бориб, миссис Катерикнинг фикрини билиб келиш эканлигига шубҳам йўқ эди. Шу оқшом бўлиб ўтган ҳангомаларидан кейин, унинг сафари зое кетмай, керакли маълумотлардан хабардор бўлиб олгани учун ҳам бизларни ўз холимизга қўйиб қўйди-да, деган таҳликага тушиб қолдим. Анна Катерикни топишнинг иложи бўлганида эди, эртагаёқ тонг ёришмасидан туриб, уни огоҳлантириб қўйган бўлар эдим.

Сэр Персивалнинг бугун кечқурунги қиёфаси, афсуски, менга жуда таниш бўлса ҳам, лекин графнинг қиёфаси, аксинча, мен билганимдан бутунлай бошқача эди. Шу оқшом у менга энди ҳақиқий қиёфасини — раҳмдил киши эканини (кўнглим шунга гувоҳлик бериб турибди) вазият тақозоси билан эмас, балки ҳақиқатан ҳам раҳмдил эканини ошкора қилган эди.

Масалан, у ювош-мўмин, камгап; кўзлари билан овози ҳам ботинидаги самимиятни ифодалаб турарди. Унинг кийинишини айтмайсизми (гўё олачиפור либослари билан нозик ҳис-туйғулари орасида қандайдир сирли мутаносиблик бордек), сизнинг кўзингиз тушган ўша кошинкор камзули ҳам оч сабзаранг атласдан бўлиб, кумушранг нозик жимжималар билан ҳошияланганди. Лаура ёки мен билан гаплашиб қолгудек бўлса, овозида меҳр оҳанграболари янграр, табассумларида эса оталарнинг пурмаъно ифтихори кўринарди. Тамадди пайтида хотини унинг қиттай мулозиматига миннатдорлик билдирганида стол остидан унинг қўлини ҳам сиқиб қўйганди. Вино ичишаётганларида эса хумор кўзларини ўйнатиб «Сизнинг саломатлигингизу саодатингиз учун, париштам!» деб қўйганди. Дўсти уни мазах қилиб қўйгач иштаҳаси бўғилиб, оғзига ҳеч нарса олмади. Ҳомуза тортдию, «Ажойиб Персивалсиз-да!» деб қўя қолди. Овқатланиб бўлишгач Лауранинг қўлидан ушлаб унга мурожаат қилди:

— Мусиқалари билан бизни хушнуд этсалар, деган умиддамиз.

Лаура ҳайрон бўлганича унинг илтимосини инобатга олди. Граф пионино ёнида ўтираркан-соатининг занжири ўша оч сабзаранг камзули бағрида сариғ илондек чирмашиб турарди. У хумдай кал-

ласини бир томонга гарибона ҳам қилиб олган, оқ-сарик бармоқлари эса куй мақомини чертиб турарди. Куй мусиқасига лолу Лаура маҳоратидан сармаст кўринарди. Лекин бечора Ҳартрайтдек мусиқа нафосатидан завқланиб, самимий мулозиматгагина зўр бермай, маҳорат йўлини босиб ўтган пухта билимли бастакор кўзию, созанда диди билан ҳукм чиқараётгани сезилиб турарди. Қош қорайгач дарров чирог ёқиб, сўнаётган ёруғлик манзарасини асфаласофилинга чиқаришдек нодонликка йўл қўймасликларини ҳам илтимос қилди. Кутилмаганда у илвирсдек йўргалаб тўғридаги дераза ёнига борди-да (ундан нарироқ туриб, мен ҳам назарига тушмаслик ниятида берироқ келиб олган бўлсам ҳам) чироқларни ёқмаслик ҳақидаги таклифини қувватлашимни илтимос қилди. Мабодо чироқлардан биронтаси ўша дақиқа уни ёндириб юборишга қодир бўлганида эди, ўзимоқ ошхонага чопиб тушиб, уни олиб чиққан бўлардим.

— Юракларни ўйнатиб, кишини маҳлиё қилувчи инглиз оқшомларини сиз ҳам хуш кўрсангиз керак-а? — деди у мулойимгина. — Оҳ! Оқшом — жону дилим. Табиат менга инъом этган бундай ташналик худди шу бугунгидек, само нафаси билан жонланган жамики буюк, муқаддас ва кўркам мавжудотларга талпинди. Мен учун табиатда мангу жозибаю тенгсиз нафосат мавжуд! Мен ёшимни яшаб, ошимни ошаган бир киши бўлганим учун ҳам, сизнинг тилингиздан гапираётгандекман, мисс Ҳалкомб, менинг тилимда эса шунчаки валдираш ё масхаралашдек кўринади. Ҳиссиётга берилган пайтларда кулгили аҳволга тушиб қолиш ачинарли ҳол, гўё қалбинг ҳам ўзингдек ёшини яшаб, ошини ошаб қўйгандек кўринади. Анави дарахтлар устидаги ёруғликнинг сўнишига бир назар ташланг-а, азизим леди! Бу манзарани мен ҳис этгандек ҳис эта олармикинсиз?

У бироз сукутга чўмиб, кейин менга қаради ва Дантенинг¹ оқшом ҳақидаги машҳур сатрларини қироат билан шундай ўқидики, уларнинг шоир бахш этган нафосатига яна нафосат қўшилгандек бўлди.

— Эээ! — деб юборди у кутилмаганда ўша машҳур итальянча сатрларнинг сўнгги бўғинини айтиб бўлгач. — Мен қари тентак шунчаки валдираб ҳафсалангизни ҳам пир қилиб юбордим-да! Келинлар, ички дунёим дарчасига қулф солиб, шу ёруғ дунё-

¹ Данте (1265-1321) — буюк итальян шоири, «Илоҳий комедия» муаллифи.

нинг ўзига қайта қолайлик. Персивал! Чирогларнинг ёқилишига ижозат бера қолинг. Леди Глайд, мисс Ҳалкомб, Элеанор — вафодор рафиқам, қайси бирингиз домино ташлашиб мени хушнуд этасиз?

У ҳаммамизга мурожаат қилган бўлса ҳам, лекин, хусусан, Лаурадан кўз узмасди.

Лаура эса унинг дилини оғритиб қўйишдан ҳайиқишимдан ҳабардор бўлгани учун ҳам таклифини қабул қилиб қўя қолди. Бу эса ўша дақиқада ташланган энг тўғри қадам эди. Чунки, нима дейилганда ҳам, мен унинг ёнида ўтира олмасдим. Назаримда, унинг кўзлари тобора қуюқлашаётган оқшом гира-ширасида ҳам дилимни шундоққина кўриб турарди. Овози эса жисмимдаги жамики асаб торларимни кўзгаб, қонимни қайнатар, совуқ терга ботирарди. Кечки суҳбатимиз давомида ўқтин-ўқтин ёдимга тушиб турган ўша тушимдаги сирли даҳшатлар энди чексиз азобу уқубатлардан башоратдек хаёлимдан кетмай қолганди. Яна ўша оқ мрамор мақбараю унинг остидан чиқиб, Ҳартрайт ёнида ҳарир пардага бурканганича қад кўтариб турган аёл кўзимга кўринарди. Лауранинг айтганларини хаёлимга келтириб, юрагим орқамга тортиб кетди. Дилим гашлана бошлаганди. У домино столчаси томон боришга чоғланиб ёнимдан ўтаркан, кўлидан маҳкам ушлаб, гўё шу кеча биз сўнгги маротаба кўришиб тургандек, уни бағримга босиб ўпдим. Атрофдагилар ҳайрон бўлганича менга тикилиб қолишди. Уялганимдан қаерга яширинишни билмай, рўпарамдаги пастаккина очиқ деразага ўзимни уриб ташқарига отилиб чиқдим-да, зулмат қаърига кириб кетдим.

Ўша кеча одатдагидан кечроқ тарқалишдик. Тун яримларида андак шаббода кўзгалиб, дарахтлар кўзгалиши билан ёз осойишталиги ҳам барҳам топди. Бирдан салқин тушганини ҳаммамиз сездик. Лекин ундан нишона бўлган шаббода еллари яқинлашиб келаётганини ҳаммадан аввал сезган бирдан-бир киши граф эди. У шамимни ёқиб бораётиб хиёл туриб қолган, кўлини маънодор кўтариб: — Билиб қўйинг! — деганди мени огоҳлантириб қўяётгандек. — Эртага қандайдир ўзгариш бўлади.

VII

19 июнь. Кечаги воқеалар шу кунларда ёки кейинроқ бошимизга тушадиган оғир мусибатларга ҳозирлик кўришимга далолат эди. Бугун қуёш уфққа бош қўймасиданоқ ўша мусибатлар йўлимизда кўндаланг бўлиб турибди.

Лаура билан биргаликда қилган тахминий ҳисобимизча, кеча-ги пешин вақти яъни соат икки яримларда Анна Катерик қайиқхона атрофида пайдо бўлиши керак эди. Шунинг назарда тутиб, бугун Лаура иккинчи тушлик издаҳомига кўриниш бериб, имконият туғилиши билан секин силживориши, мен эсам, шубҳа туғдирмаслик учун, ўша ерда қолиб, кейин фурсатни бой бермай, унинг кетидан йўлга тушишим керак эди. Мабодо ишимиз ўнгидан келиб, ўртада бирон нарса тўғаноқ бўлиб қолмагудек бўлса, у қайиқхонага соат икки яримда етиб борар, мен ўзим эсам (мўлжалланганидек, даврадан чиқиб) соат учларда чорбоғнинг хуфийроқ хилватгоҳидан жой олиб турган бўлардим.

Тунги шаббода бежиз эмас экан. Эрталаб ҳаво бутунлай ўзгариб қолибди. Уйқудан турганимда жала қуяётган эди. Ўн иккиларгача ҳам тинмади. Кейин булуллар тарқаб, мовий кўк юзи очилиб кетди. Қуёш яна чарақлаб, кечгача нурафшон бўлиб туришидан башорат қилди.

Қанчалик уринмайин, сэр Персивалнинг ҳам, графнинг ҳам эрталабдан нима билан оворалигини аниқлай олмадим. Чунки сэр Персивалнинг ўзи жала қуйиб туришига қарамай, нонуштадан кейиноқ қаёққадир чиқиб кетганди. Қаерга кетаётгани ёки тахминан қачон қайтиши ҳақида миқ этмаганди. Ногаҳон унинг тамаддихона деразаси ёнидан шошилиб ўтиб кетаётганига кўзимиз тушиб қолди. Оёғида этик, эгнида плаш — уни шу қиёфада кўрдик.

Графнинг эрталабки вақти уйда осойишталик билан ўтди. Бироз кутубхонада бўлди, яна шунча вақтини меҳмонхонада ўзича минғирлаганича наридан бери пианино тинғирлатишга бағишлади. Агар юзаки қаралса, унинг феъл-атворидаги нозик табиати шундоққина кўриниб турарди. Ўзи камгап, кўнгли ҳам шунчалар бўш эдики, бўлар-бўлмасга (одатда, бақалоқлар инқиллаб оҳ-воҳ қилганларидек) уҳ тортиб, ҳасратланувчилардан эди.

Вақти-соати билан тушлик дастурхони ҳам ёзилди, лекин сэр Персивалдан дарак бўлмади. Унинг ўрнига талтайиб олган граф мевали тортнинг ярмидан кўпроғини паққос тушургач, устидан уни бир кўзача қаймоқни гум қилиб нафсини ором олдиргач таом мулоҳазасидан сўз очиб, «ширинликка ўчлик» деди ўта мулойимлигу хуш овоз билан. — «аёллар билан болаларга хос беозор хусусият. Бу борада мен ҳам уларга шериклигимдан мамнунман. Шериклик эса, муҳтарам ледилар, сизлар билан менинг орамиздаги яна бир ҳамкорлик риштасидир.

Ўн минутлардан кейин Лаура дастурхонни тарк этди. Қани энди унга ҳамроҳ бўла қолсам! Лекин у билан бирга чиқиб кетгудек бўлсам, шубҳа туғдириб қўйишим муқаррар. Бунинг устига, Анна Катерик Лаурани бошқа бирон бир нотаниш аёл ҳамроҳлигида кўриб қолгудек бўлса, шунга йўл қўйилса, ўша дақиқаданоқ биз унинг ишончидан маҳрум бўлиб, яна қайта кўнглини топишимиз амри маҳол эди.

Шуни ўйлаб, хизматкорлар столни йиғиштириш учун киришигача сабр қилишимга ҳам тўғри келди. Хонадан чиқар эканман, ичкарида ҳам, ташқарида ҳам сэр Персивалнинг қораси кўринмасди. Граф эса лабларига бир думалоқ қанд қистириб олганича шум какадусини камзулига кўндириб олиб, уни ўша хўрак илинжида юқорига тирмаштирар, мадам Фоско эса бундай манзарани ҳаётида энди кўраётгандек, эрининг қаршисида ўшанга маҳлиё бўлиб ўтирарди. Дарахтзор томон йўл оларканман, ҳар эҳтимолга қарши, тамаддихона деразасидан кўзга ташланиб қолмаслик учун панароқдан юрдим. Мени ҳеч ким кўрмади, ҳеч ким изимга ҳам тушмади. Вақт, менинг соатимча, чорақтаси кам уч эди. Дарахтзорга киргач тез-тез юриб йўлнинг ярмидан кўпроғини босиб ўтдим. Шундан кейин қадамимни секинлатиб, гоят эҳтиёткорлик билан йўлимни давом эттирдим. Лекин ҳеч кимга кўзим тушмади, ҳеч қанақа шарпа қулоғимга чалинмади. Кўп ўтмаёқ қайиқхона орқаси кўзга ташланди. Тўхтаб, у ёқ-бу ёққа кулоқ солдим. Кейин яна йўлимда давом этиб, қайиқхона ичидаги гап эшитилгудек масофада тўхтадим. Ўша-ўша жимжитлик, яқин атрофда инсон зоти кўзга чалинмасди.

Бинонинг орқа томонидан келиб аввал унинг бир ёнини, кейин иккинчи ёнини айланиб чиқиб, одам зотидан дарак йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, бинонинг олд томонига ўтиб, эҳтиётлик билан унинг ичкарисига кўз ташладим. Шийпон бўм-бўш эди.

— Лаура! — Аввал оҳистагина, кейин эса овозимни тобора баландроқ қилиб бир неча бор чақирдим. Жавоб бўлмади, ҳеч ким кўринмади ҳам. Кўл ва дарахтзорнинг кўзимга ташланиб турган яқин атрофида ўзимдан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Юрагим така-пука бўлиб кетди, лекин ўзимни босдим. Лауранинг бу ерга етиб келган-келмаганидан бирон нишона топилармикин, деган умидда аввал шийпон ичини, кейин эса ташини ҳам синчиклаб қараб чиқдим. Бино ичкарисидан унинг келганидан далолат бўлувчи ҳеч вақо йўқ, лекин ташқарида — қум юзидаги изларга кўзим тушиб қолди.

Назаримда, булар икки кишининг изи, катталари эр кишиники, кичкиналари эса (уларга оёгимни қўйиб кўриб ўлчаган-дим), шубҳасиз, Лаураники эди. Шуниси ҳам бор, бундай айқи-тайқи излар фақат қайиқхона йўлагидагина кўринарди холос. Кейин бинонинг шундоққина ён томони қаршисидаги, том бўғоти остгинасидаги қумнинг тешилиб турганини сезиб қолдим. Ўзидан ўзи шу ҳолга келмаганига шубҳа йўқ эди. Шу заҳотиёқ ўша ердаги излар пайига тушдим. Улар мени қайиқхонанинг чап томонидан дарахтзор чеккаси бўйлаб анчагина масофага, икки юз ёки уч юз ярдларча нарига бошлаб борди. Қумлоқдан кейин кўринмай қолди. Менинг тақибимдаги бу изларнинг эгалари шу ерга келганларида дарахтзорга кириб кетишга мажбур бўлганларини сезиб, мен ҳам дарахтзорга кирдим. Аввалига бирон-бир сўқмоқ кўринмади, кейинча дарахтлар оралаб ўтган сўқмоқни (унда билинар-билинемас ҳолдаги ўша излар ҳам бор эди) сезиб қолдим ва ўша йўлдан юрдим. Қишлоқ томон анчагина йўл босгач, бу сўқмоқни бошқа яна биттаси кесиб ўтган жойда тўхтадим. Иккинчи сўқмоқ қалин ёввойи олчазор оралаб ўтарди. Қайси йўлдан юрсамикин, деган хаёлда иккинчи йўл бўйлаб кўз югуртирарканман диккайиб турган бир шохчада илиниб турган попикни кўриб қолдим. Уни синчиклаб қараб, Лауранинг рўмолидан юлиниб қолганига ишонч ҳосил қилгач, шу иккинчи сўқмоқдан илгарилаб кетдим. Бу йўл ниҳоят мени бинонинг орқа томонидан олиб чиқиб кўнглим анча тасалли топди. Кўнглим анча тасалли топди, деяётганимнинг сабаби шуки, Лаура баъзи бир сабабларга кўра уйга мана шу айланма йўл орқали мендан олдинроқ қайтган бўлса керак, деган хаёлга боргандим. Отхона ва бошқа хўжалик бостир-малари ёнидан ўтдим. Хизматкорлар уйи ёнидан ўтаётиб, миссис Михелсонни — рўзғорбошини учратиб қолдим.

— Леди Глайд ўз сайлидан қайтдилармикин ё қайтмадилармикин, хабарингиз борми? — унга муружаат қилдим.

— Миледи бундан сал илгарироқ сэр Персивал билан бирга қайтиб келдилар. — жавоб берди рўзғорбоши. — Мис Ҳалкомб, қандайдир кўнгилихиралик содир бўлган бўлса керак, деган хавфдаман-да.

— Бирон-бир фалокат юз бермаган бўлса керак-а? — дедим гапиришга ҳам холим етар-етмас.

— Йўқ, йўқ, худо асрасин, фалокат эмас. Лекин миледи кўзларида ёш, югурганича хоналарига чиқиб кетдилар. Сэр Персивал эса менга Фаннини бир соат ичи жўнатиб юборишимни буюрди.

Фанни бир неча йилдан бери Лаураининг хизматида юрган ёқимтойгина қиз бўлиб, шу хонадондагилар ичида бизлар учун бирдан-бир самимий, садоқатли ва ишончимизни оқлайдиган ҳам ўша эди.

— Фанни қаерда? — сўрадим ундан.

— Менинг хонамда, мисс Ҳалкомб. Бечора куйиб-ёниб ўтирибди. Ўша ерда бироз ўзига келиб олиши зарурлигини тайинлаб чиқдим.

Миссис Михелсоннинг хонасига ўтдим. Фанни хонанинг бир бурчагида (жомадони ҳам ёнида) ҳиқиллаганича йиглаб турарди.

Нима учун ишдан ҳайдалганини ўзи ҳам билмасди, бу ҳақда менга бирон бир аниқ жавоб ҳам беролмади. Сэр Персивал унинг бир ойлик огоҳлантирув муддати ҳақини ҳам нақд бериб, кутиб ўтирмай, жўнаб кетаверишини талаб қилибди. Бунинг ноаниқ бир сабабини айтган ва на андак норозилик билдирган. Унинг ўз соҳибасига мурожаат қилишини тақиқлабди, ҳатто бир оғиз хайрлашиб кўйишга ҳам йўл кўймабди. Арзиҳолу рози-ризолик қилиб ўтирмаёқ тез жўнаб кетишга мажбур қилибди.

Бечора қизни икки оғиз ширин сўз билан овутиб, ўша кеча қаерда тунамоқчилигини сўрадим. У ўша атроф қишлоғидаги чоғроқ бир мусофирхонага бориш ниятида эканини, унинг соҳибаси Блэквоутер Парк хизматкорларига таниш бир саховатли аёл эканини маълум қилди. Эртасига эрталаб йўлга чиқиб, Лондонга тушмасданоқ (у ерда танишлари ҳам йўқ экан) тўғри Кумберленддаги дўстлари олдига қайтармиш.

Фаннининг жўнаб кетиши муносабати билан Лондон ва Лиммериж Хаус ўртасида бетаҳлика алоқа ўрнатиш имконияти туғилгани миямга урди. Бу эса ўзимизни ҳимоя қилишда жуда қўл келарди. Шунини ҳисобга олиб, ўша кунини кечгача ўз соҳибасиданми ёки менданми хат кутиши лозимлиги, унинг шу ташвишли дамларида биз иккаламиз ҳам иложимиз борича унга кўмакдош бўлишимизни уқтирдим. Шундан кейин у билан хайрлашиб, тепага чиқиб кетдим.

Лаураунинг ётоғига даҳлиздан ўтилиб, эшиги ичкарига очиларди. Унга қўл уриб итарсам — берк, лўкидан тушириб кўйибди.

Тақиллатдим. Уни ўша жароҳатланган кучукни топиб олган куним бағри қаттиқлиги билан қонимга ташна қилган тепса тебранмас, сочи пахмоқ хизматкор аёл очди. Исми Маргарет Торчер, шу хонадонда хизмат қилиб юрганлар орасида энг бесўнақайи, исқирти ва ўжари эканлигини ўша пайтдан билардим.

У эшикни шартта очиб, остонадан ўтди-да, миқ этмай иш-шайганича туриб қолди.

— Нега йўлда сўррайиб турибсиз? — дедим. — Ичкарига ўтмоқчиман, кўрмайсизми?

— Ҳе, ичкарига кириб бўпсиз. — жавоб берди у беҳаёларча тиржайиб.

— Мен билан бундай муомала қилишни сизга ким қўйибди! Нарг туринг-е!

У занжиранг бақувват қўлларини икки томонига тираб йўлим-да гов бўлганича қовоқ калласини қатъи сарак-сарак қилди.

— Валинеъматнинг буйруқлари шу, — пўнғиллади у яна бо-шини сарак-сарак қилиб.

У билан можаро қилиб ўтиришдан аранг ўзимни тийдим, унга яна бир нарса дегудек бўлсам, кейин валинеъматини ҳам чандиб ўтган бўлардим-да. Шартта орқамга бурилиб, фурсатни бой бер-май, ўша заҳотиёқ буйруқ берган киши билан учрашиш ниятида пастга тушиб кетдим. Сэр Персивал ҳар қанча жигимга тегса ҳам, миқ этмасликни ният қилиб қўйдиму андак фурсат ўтмасданоқ (ўзим хижолатдаман) гўё бу ҳақда ўйламагандай, ниятим хаё-лимдан ҳам кўтарилиб кетибди. Шундай бўладиям-да. Ўша хона-донда қанчалар сиқилиб, азият чекиб, дилим хун бўлавергани-нинг натижаси ўша-да.

Меҳмонхона билан тамадихоналарда ҳеч ким йўқ эди. Кутуб-хонага ўтдим. Сэр Персивал, граф ва мадам Фосколар ўша ерда экан. учаласи бир-бировининг пинжига суқилишиб олишган. Сэр Персивалнинг қўлида бир парчагина қоғози ҳам бор эди. Эшикни очаётганимда графнинг унга «Йўқ, минг маротаба такрорлайман, йўқ» дегани қулоғимга чалинди.

Мен тўғри сэр Персивал ёнига бориб, кўзларига тик қарага-нимча унга муружаат қилдим:

— Мен янглишмасам, сэр Персивал, хотинингиз уй ҳибси-даю хизматкор ходимангиз эса унга соқчи бўлиб қолибди-а?

— Шундай, худди ўшандай тушинишингиз керак, — жавоб берди у. — Эҳтиёт бўлинг, назоратчимнинг хизмати дуваракла-шиб қолмасин тагин. Эҳтиёт бўлинг, сизнинг уйингиз ҳам хибс-хонага айланиб қолмасин.

— Хотинингизга муносабатингизу менга қилаётган дағдаган-гиздан ўзингиз эҳтиёт бўлинг! — газабланиб повиллаб кетдим. — Англияда аёлларни зулм ва жаҳолатдан муҳофаза этадиган қонун-лар бор. Мабодо Лауранинг бирор тола сочи тўкилгудек бўлса,

менинг эркимга раҳна солишга журъат этгудек бўлсангиз, таваккал қилиб, ўша қонунлар асосида иш тутаман.

У менга жавоб бериш ўрнига граф томон ўгирилди.

— Сизга нима дегандим? — Иддао қилди у. — Энди нима дейсиз?

— Илгари нима деган бўлсам, яна ўшани айтаман. — жавоб берди граф. — Йўқ.

Ҳазабдан тутоқиб турсам ҳам граф ёвуз кўк кўзларини мендан узмай, мунофиқона сабр-бардош билан сукут сақлаётганини сезиб турардим. Нималардир дея хотинига маънодор қараганидагина мен унинг кўз таъқибидан халос бўлдим. Шу дақиқадаёқ мадам Фоско мен томон сурилиб, яна бирон нарса дейишга улгурмасимиздан сэр Персивалга мурожаат қилиб қолди:

— Менинг сўзларимга ҳам андак қулоқ соларсиз, деган умиддаман. — гина аралаш писанда билан сўз бошлади у. — Меҳмондўстлигингиз учун, сэр Персивал, миннатдорлик билдириб, бундан буён энди ўша илтерламаотингиздан баҳраманд бўлишликнинг ҳожати қолмаганлигини айтиб қўймоқчиман. Хотиннинг ҳурмати мана, кўриниб турибди! Бугун эрталаб худди шу ерда мисс Ҳалкомб нима қўйга тушмади! Аёлларга нисбатан бундай муомала қилинадиган хонадонда ортиқча туролмайман.

Сэр Персивал бир қадам орқага тисланиб, миқ этолмай унга бақрайиб қолди. У ҳозиргина юзига солинган таъналардан (аслида, эрининг розилигисиз бундай гап юритишга мадам Фосконинг тили бормаслигини худди мендек яхши билса ҳам) саросимага тушиб қолгандек бўлди. Унинг ёнида турган граф эса, гўё хотинига қойил қолгандек, мамнуният билан унга маҳлиё бўлиб турарди.

— Фариштанинг ўзия! — минғирлади у. Айни вақтда хотинининг ёнига келиб, унинг қўлини ўз қўлтиғига олди. — Хизматларига мунтазирмиз, Элеанор, — гапида давом этди у илгари мутлақо кўзим тушмаган иззат-эҳтиромни ўрнига қўйиб. — Мабодо илтерламаотингизни рад этмай, бизни хушнуд этгудек бўлсалар, мисс Ҳалкомб хизматларига ҳам тайёрмиз.

— Жин чалдими? Бу нима деганингиз? — ўшқирди сэр Персивал хотини билан аста-секин эшик томон силжиётган графга тик қараб. —

Бошқа вақтларда нима десам ўшаю, лекин ҳозир хотинининг айтганига розиман. — жавоб берди ўша сиртига сув юқтирмас италян. — Биз энди ўз мавқеимизни алмаштириб олганмиз, Персивал. Мадам Фоско нима десалар, ўша бўлади.

Сэр Персивал қўлидаги қоғозни гижимлаб, яна бир бор сўкин-ганича графни туртиб унинг олдида ўтди-да, эшик ёнида тўхтади.

— Билганингизни қилинг! — жаҳл билан гижинганича эшитилар-эшитилмас шиврлади у. — Билганингизни қилинг! Кўрамиз, охири нима бўларкин! — шу билан гапини тамомлаб, жаҳл билан чиқиб кетди.

Мадам Фоско, нима гап деган назарда эрига юзланиб:

— Бевақт чиқиб кетиб қолди-да, — деди, — бу нимаси, қандай тушуниш керак?

— Буни шундай тушуниш керакки, сиз билан мен биргаликда бутун Англиядаги энг тажанлар тажанги попилтиригини пайсайтириб қўйдик. — граф унга жавоб берди. — Яна шундай тушуниш керакки, мисс Ҳалкомб, леди Глайд бемаъни тазийқдан, сиз ўзингиз эса ноҳақ таҳқирланишдан халос бўлдингиз. Энг масъулиятли дамлардаги бардошингизу жасоратингизга қойил қолганимни мамнуният билан изҳор этмай бўладими.

— Самимий тасанноларга арзийди. — мулозимат қилди мадам Фоско.

— Самимий тасанноларга арзийди, — маъқуллади граф.

Менинг газаб ва аламларим барҳам топиб, анча ҳовурирдан тушиб қолгандим. Қайиқхонада нима воқеалар содир бўлганикин, ўшалардан ўз вақтида огоҳ бўлишга ожизлик қилиб қолганимни ҳис этганим ҳолда бутун хаёлим Лаурада бўлиб қолган, у билан учрашишга ошиқардим. Граф ва унинг хотини билан суҳбатлашарканман, уларнинг муомаласига яраша муносабатда бўлишга ҳаракат қилардим, лекин энтикиб қолганимдан сўзлашга ҳам холим йўқ эди. Кўзларим ҳам эшикка маъюсгина термилиб қолган. Граф кўнглимдаги гулгулани фаҳмлаб, эшикни очиб ташқарига чиқди-да, уни қайта ёпиб қўйди. Худди ўша фурсатда зинадан шаҳдам қадам ташлаб тушиб келаётган сэр Персивал шарпаси қулоғимга чалинди. Мадам Фоско бизларга ён босиб, сэр Персивалнинг газабига дучор бўлишларига сал қолгани — эри билан бирга Блэквоутерни тарк этишларига тўғри келиб қолмаганига шукур қилаётганини менга уқдирар экан, уларнинг ташқарида шивирлашаётгани қулоғимга чалинди. Суҳбатдошим ҳали гапини тугатгани ҳам йўқ эди ташқаридаги шивир-шивир барҳам топиб, эшик очилди-да граф кириб келди.

— Мис Ҳалкомб, — деди у. — леди Глайднинг яна қайта ўз хонадони бекаси эканлиги хабарини сизга етказишга мушарраф бўлганимдан мамнунман. Ушбу қутлуғ хабарни сэр Персивалдан

кўра мендан эшитганингиз маъқулроқ бўлар, деган хаёлга бориб, сизни хушнуд этишга ошиқдим.

— Дилингизга қойил! — деб юборди мадам Фоско эрининг ҳозиргина унга қилган мулозиматига жавоб бераётгандай. Граф эса гўё нотаниш бир киши олқишига сазовор бўлгандек жилмайиб, унга таъзим бажо келтирди-да, мени ўтказиб юбориш учун орқасига тисланди.

Сэр Персивал залда турган экан. Мен зина томон шошарканман, унинг бетоқат бўлиб, кутубхонадаги графга ўшқиргани кулоғимга чалинди.

— Нимани кутиб турибсиз у ерда? — деди у киноя билан. — Сиз билан гаплашиб олмоқчиман.

— Мен эсам ўзимча андак мулоҳаза қилиб олмоқчиман. — жавоб берди иккинчиси. — Сабр қилинг, кейинроқ. Сабр қилинг, кейинроқ.

На униси ва ну буниси бошқа биронта сўз айтмади. Мен зинадан тепага чиқдим у йўлакдан югуриб кетдим. Лаурага нима бўлганикин, деган хаёлда шошилганимдан даҳлиз эшигини ёпишни ҳам унутиб, Лаура хонасига кириб, эшикни ёпибман.

Лаура тўғрида юзини кафллари орасига олганича столга мук тушиб ўтирарди. Менга кўзи тушдию қувончидан қийқариб ўрнидан туриб кетди.

— Бу ерга қандай кирдингиз? — суриштирди у. — Сизга ким ижозат берди? Сэр Персивал бўлмаса керак?!

Унинг гапларига илҳақлигимдан саволига ҳам жавоб бериб ўтирмай, ўзим савол беришга тайёр эдим. Лекин Лауранинг пас-тда нималар содир бўлаётганига маҳталлиги устунлик қилди. У саволида қатъи туриб олди.

— Ким бўларди, граф-да, — дедим ноилож унга ён бериб. — Бу хонадонда кимнинг гапи ўтарди.

Унинг энсаси қотиб, бас қилинг, дегандек қўл силтади.

— Номини тилга олмай қўя қолинг, — деди у фигони ошиб. — Граф — ер юзидаги энг малъун махлуқ. Граф — энг тубан жосус...!

Бошқа бирон сўз айтишга ҳали улгурмаган ҳам эдик, хона эшиги хиёл тиқиллаб, довдираб қолдик.

Ким бўлиши мумкин? Ҳали ўтирганим ҳам йўқ эди, ўзимоқ эшик томон шошилдим. Уни очсам, не кўз билан кўрайки, қаршимда мадам Фоско қўққайиб турибди. Қўлида менинг рўмолчам.

— Манавини пастда тушириб қўйибсиз, мисс Ҳалкомб, — деди у. — Хонамга келаётган эдим. Йўл-йўлакай уни сизга бериб қўяқолишни маъқул топдим.

Унинг шундай ҳам рангпар юзи мурданикидек бўзариб қолганини кўриб сесканиб кетдим. Бошқа вақтларда осойишта ва мулоим қўллари дағ-дағ титрар, пиндор кўзлари эса кишини еб юборгудек бир алфозда Лаурага тикилиб қолганди.

Эшикни тиқиллатиш олдидан ичкарига қулоқ солган! Унинг бўзрайган важоҳати, титраб турган қўлларию ёв назари шундан яққол далолат бериб турарди.

Бир лаҳза шу алфозда тургач, миқ этмай ўтирилди-да, зипиллаб йўлига равона бўлди.

Эшикни қайта ёпдим, дилимдаги тилимга чиқди:

— Оҳ, Лаура! Лаура! Сиз графни жосусликда айблаган шу кунни ҳали кўп эслайсиз, ҳасратлашамиз!

— Менинг билганларимдан воқиф бўлганингизда эди, Мариан, сиз ҳам уни шундай атаган бўлардингиз. Анна Катерик тўғри айтган экан. Кеча дарахтзорда бизни кимдир пойлаб юрган экан, ана ўша киши...

— Граф эканлигига аминмисиз?

— Бунга шак-шубҳам йўқ. У сэр Персивалга жосуслик хизматини ўтаган. Сэр Персивални эрталабданоқ Анна Катерик билан менинг изимга маҳтал қилиб қўйган ҳам ўша.

— Аннани топишдимикин? Кўлда у билан учрашдингизми?

— Йўқ. Ўша ерга яқинлашмаёқ ўзини асраб қолган. Қайиқхонага кирсам ҳеч ким йўқ экан.

— Кейин нима бўлди? Кейин нима бўлди?

— Ўша ерга кириб, бир неча дақиқа кутиб ўтирдиму лекин сабрим чидамай туриб кетиб, у ёқ-бу ёққа юра бошладим.

Ташқарига чиқарканман, шундоққина йўлакдаги қум устидаги қандайдир чизиқларга кўзим тушиб қолди. Нимайкин, деб энгашиб зеҳн солсам, катта-катта ҳафрлар билан ёзилган бир сўз, у ҳам бўлса, «қаранг» деб ёзиб қўйилган экан.

— Қумни суриб ташлаб, унинг остидаги чуқурчани ковлаб кўрган бўлсангиз керак?

— Буни қаердан билдингиз, Мариан?

— Сизнинг орқангиздан қайиқхонага борганимда ўша чуқурчани ўзим кўрган эдим. Гапираверинг! Гапираверинг!

— Ҳа, худди шундай. Юзадаги қумни суриб ташлаб, унинг остидан букланган қоғоз топиб олдим. Унга алланималар битил-

ган, имзо ўрнида эса Анна Катерик исми шарифи бош ҳарфлари ёзиб қўйилган.

— Қани ўша хат?

— Сэр Персивал қўлимдан тортиб олиб қўйди.

— Нима ёзилгани эсингиздами? Ўша ёзувни менга такрорлаб бера оласизми?

— Мазмунини айтиб беришим мумкин, Мариан. Ўзиям қисқагина эди. Уни сиз дилингизга сўзма-сўз жойлаб олган бўлардингиз.

— Воқеанинг у ёғига ўтишдан олдин мени ўша хат мазмунидан огоҳлантириб қўйсангиз чакки бўлмасди.

У рози бўлди. Ўша сатрларни менга қай тартибда айтиб берган бўлса, худди ўшандайлигича илова қиламан. Мана ўша ёзувнинг мазмуни:

«Кеча сиз билан турганимни бир новча, бақалоқ қария кўриб қолибди, ундан қочиб қутулишимга тўғри келди-я. Мени қувлагудек холи бўлмаганидан дарахтзордаёқ кўзидан ғойиб бўлдим. Бугун ўша келишилган вақтда ваъда қилинган жойга келишга юрак бетламайди. Шуларни сизга айтиб қўяйин, деб эрталабки соат олтида шуларни ёзиб, қумга кўмиб қўйдим. Жоҳил эрингизнинг сири ҳақида яна гаплашгудек бўлсак, жуда эҳтиёт бўлишимиз ёки умуман оғиз очмаслигимиз керак. Сабр қилишга ҳаракат қилинг. Мени яна учратасиз, яқин фурсатдаёқ, шунга ваъда бераман. А.К.»

«Новча, бақалоқ қария» иборасининг илова қилиниши (бу сўзларни айнан ёзилганидек такрорлаётганимга Лауранинг ишончи комил эди) орага суқилган кишининг кимлигига шак-шубҳа қолдирмаганди. Бир кун аввал сэр Персивалга (граф ҳам ўша ерда эди) Лауранинг ўз баргагини излаб қайиқхонага кетганини айтганим хаёлимга келди. Нима бўлганда ҳам, граф меҳмонхонада мени сэр Персивал режаларининг ўзгариб қолганидан огоҳлантиргач, ўша имзо масаласини ўз оғзи билан Лаурага ҳам айтиб, унинг қўнглини тинчитиб қўйиш учун кетидан борган бўлса керак. Бу ҳолда у қайиқхона яқинига Анна Катерик уни пайқаб қолган дақиқадагина етиб борган бўлиши керак. Аннанинг, негадир, Лаура олдидан шоша-пиша нари кетиши графни шубҳага солиб, унинг изидан тушганига шубҳа йўқ. Ўша дақиқадан олдинроқ бўлиб ўтган ўзаро суҳбатни у эшитмаган бўлса керак. Қайиқхона билан қўл оралиғидаги масофа, шунингдек граф меҳмонхонага мўралаб, менга хушxabар етказиб кетган пайт билан Лаура ва Анна Катерик гаплашишган вақт назарга олиниб, таққос-

ланса, албатта, шубҳага ўрин қолмайди, далил ва исботнинг ҳам ҳожати йўқ.

Қатъий бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, маълум бир қарорга келгач, энди сэр Персивал граф Фоско маълумотидан хабардор бўлиб олгач, яна қандай сирдан воқиф бўлганини билишга интиқ эдим.

— Қандай қилиб хатни олдириб қўйдингиз? — ундан сўрадим.
— Уни кум остидан топиб олгач нима қилдингиз?

— Уни бир марта ўқиб чиққач, — жавоб берди у. — қайиқхонада ўтириб хотиржамлик билан яна ўқирман, деган ниятда ичкари кирдим. Хатни ўқирканман унга соя тушгандек бўлди. Бошимни кўтариб қарасам, сэр Персивал остонада менга тикилиб турган экан.

— Хатни бекитишга уриндингизми?

— Уриниб кўрдим, лекин у шаштимни қайтарди. «Яширишингизнинг ҳожати йўқ» — деди у. — «Уни аллақачон ўқиб бўлганман». Нима қилишимни билмай, унга бақрайиб қолибман. Миқ этмай тураверибман. Кейинроқ у фикрини давом эттириб — «тушундингизми?» — деди. — «Хатни ўқиб чиққанман. Уни кум остидан ковлаб олганимга роппа-роса икки соат бўлди, кейин уни яна ўз жойига қўмиб, устидаги ёзувини ҳам қўйиллатдим-да, сизнинг қўлингизга тушишига муҳайё қилиб қўйдим. Энди бу мушкул аҳволингизни ҳаспўшлай олмайсиз. Кеча Анна Катерик билан хуфия учрашган эдингиз, шу дақиқада эса унинг қўлингиздаги хатига мушарраф бўлиб турибсиз. Уни ушлай олмаган бўлсам ҳам, сизни қўлга туширдим. Хатни беринг». У ёнимга девайлаб келди. Унинг олдида ожиз эдим, Мариан. Қўлимдан нима ҳам келарди? Хатни унга бердим.

— Хатни олгач у сизга нима деди?

— Аввалига ҳеч нарса демади. Қўлимдан ушлаб қайиқхонадан ташқарига олиб чиқди. Кейин, гўё биров кўрмасайди ёки эшитмасайди, деган таҳликада атрофга аланглади-да, билагимдан маҳкам тутганича «Кеча сизга Анна Катерик нималар деди? Бошидан охиригача оқизмай-томизмай айтиб беришингизни талаб қиламан» деб шивирлади.

— Айтиб бердингизми?

— Унинг олдида ожиз эдим, Мариан. Раҳм-шафқат нималигини билмайдиган қўллари билагимни исканжага олиб турганида айтмай бўлармиди?

— Билагингизнинг кўки ҳали кетмаганми? Қани кўрайинчи.

— Кўриб нима қиласиз?

— Кўриб қўймоқчиман-да, Лаура. Ахир сабрнинг ҳам чегараси бўладику. Бугун биз ҳужумга ўтишимиз керак. Ўша кўк уни дўппослашимизда қўл келади. Менга кўрсатиб қўя қолинг. Эҳтимол, фурсат тақозоси билан уни кўрганимга қасамёд этишга тўғри келиб қолар.

— Оҳ, Мариан, бунчалик куюнманг, бундай деманг! Оғриги ҳам босилди-ку!

— Қани кўрайчи!

У менга билагидаги кўкларни кўрсатди. Уларни кўриб, ич-ичимдан эзилиб кетдим. Кўзим йиғламаса ҳам, дилим йиғларди. Юрагим орқамга тортиб кетди. Айтишларича, биз эркаклардан ё яхшироқ, ё ёмонроқ бўлармишимиз. Бир тоифа аёллар ўша дақиқада менга хуруж қилаётган васвасага йўлиқиб, ёмон отлиқ бўлиб қолган бўлсалар, худога минг бор шукрки, аёлларга баҳо берадиган бандаларидан бирининг хотини юзимда ҳеч нарса сезмади. Бу мулойим, беозор ва вафодор хилқат мени шунчаки унинг ташвиши, унинг дардида куйиняпти, деб ўйлар, хаёлига бошқа ҳеч нарса келмасди.

— Қўлимнинг кўкини ўйлаб ташвишланаверманг, Мариан, — деди у ўша-ўша соддалигича енгини яна қайта тушириб. — Оғримай ҳам қолди.

— Сизнинг кўнглингизга қараб, тасаддуқ, уни кўнглимга олмасликка ҳаракат қиламан. Бўлгани бўлибди. Майли! Шундай қилиб, Анна Катерикдан эшитганларингизнинг ҳаммасини, менга айтганларингизнинг ҳам ипидан игнасигача унга айтдингизми?

— Айтдим, ҳаммасини айтдим. У шуни талаб қилди. Унинг олдида ожиз эдим. Ҳеч нарсани яшира олмадим.

— Гапингиз ниҳоясига етгач у бирон нарса дедими?

— Менга қараб, ўзича, истехзо билан маккорона ишшайиб қўйди-да, «қолганларини ҳам ичингиздан суғуриб олиш ниятидаман» — деди. — Эшитаяпсизми? Қолганини ҳам». Мен билганларимнинг ҳаммасини унга айтиб берганимни очиқ-ойдин айтдим. «Бунақа гапларни кўйинг», — эътироз билдирди у. — «Менга айтишни лозим топганингиздан кўпроғини биласиз! Мабодо шу ерда суғуриб олишнинг иложини қила олмасам, уйда суғуриб оламан». Кейин у мени дарахтзор оралаб нотаниш бир сўқмоқдан бошлаб кетди. Сиз билан яна қайта учрашиш умидимни ҳам узган эдим. Бино қораси кўрингунча у бошқа бирон сўз демади-ю, кутилмаганда бирдан тўхтаб, «Мабодо ўз ихтиёрингизга қўйсам, иккинчи имкониятни бой бермаслик пайига тушармикинсиз?

Яхшироқ ўйлаб, қолганларини ҳам айтиб берармикинсиз?» — деб қолди. Олдин нималар деган бўлсам, худди ўшаларни такрорлай олдим холос. У «ўжарлигим»ни лаънатлаб, йўлида давом этганича мени уйга олиб кели. «Сиз мени алдай олмайсиз», — деди у. — «айтишни лозим кўрганингиздан ортиқроқ биласиз. Ўша сиригизни ичингиздан суғуриб оламан. Опажонингизнинг ичидан ҳам суғуриб оламан. Энди ўзаро хуфия гийбатларингизга чек қўйилди. Ҳақиқатни айтиб, тавба-тазарру қилмагунингизча на у ва на сиз бир-бирингизни кўрмайсиз. Ҳақиқатни айтиб тавбаю-тазарру қилмагунингизча эртадан кечгача, ҳатто кечаси ҳам назорат остида бўласиз». Менинг илтижоларимга у қулогини кар қилиб олганди. Мени тўғри ўз хонамга олиб чиқди. Фанни ўша ерда бўлиб, менинг нимадир ишим билан овора бўлиб ўтирган экан. Унинг ўша дақиқаёқ чиқиб кетишини талаб қилди. «Хуфия фитнага араллашиб юрмаслигингиз учун сизга ўзим кўз-қулоқ бўлиб тураман» — деди у. — «Бу даргоҳдан бугуноқ жўнаб кетасиз. Мабодо бекангизга дастёр зарур бўлса, менинг кўнглимдагиси унинг хизматида бўлади». У мени ичкарига итариб юбориб, эшикни қулфлади. Ҳалиги тошбағир аёлни эса менга ташқаридан соқчи қилиб қўйиб кетди, Мариан! У важоҳатию гап-сўзлари билан турган-битгани телбанинг ўзгинаси. Бунга ақлингиз бовар қилмайди. Худди шундай қилиб кетди.

— Буни тушуниб турибман, Лаура. У қутуриб кетган. Нопок виждони талвасасида қутуриб кетган. Менга айтган ҳар бир сўзингиз кеча Анна Катерик ғойиб бўлиб қолган пайтда сиз ўша палид эрингизнинг чувини чиқариб қўядиган сирдан огоҳ бўлиш олдида турганингиздан далолат бериб, ўшани иқрор қилиб турибди. У эса сиз ўша сирдан огоҳ бўлиб қолгансиз, деган фикрда юрибди. Энди сиз харчанд уринманг, нималар деманг, ўша гуноҳкор бандга гумонини арита олмайсиз, унинг сохта табиатига чин сўзингизни сингдира олмайсиз. Буларни, тасаддуқ, юрагингизга гулгула солиш учун гапираётганим йўқ. Бироз кўзингизни очиб қўйсам, ҳозирги мавқеингизни англатиб, вақт бизга қўл келиб қолган бир пайт сизнинг манфаатларингизни кўзлаб қўлимдан келганича бемалол иш тутишимга йўл қўярсиз, шунга иқрор қилармикинман, деган умиддаман. Бугун граф Фосконинг ваколатлиги туфайлигина сиз билан дийдор кўришишга муваффақ бўлдим, эртага эса у бунақа вакилнинг баҳридан ўтиб юбориши мумкин. Сэр Персивал Фаннини ишдан четлатиб бўлди. Чунки у зийракда, сизга меҳр қўйиб, садоқат билан хизмат қиларди. Энди унинг

ўрнига фаҳм-фаросати ҳовлидаги соқчи кучукниқидан қолишмайдиған ва сизнинг холинғизга заррача бўлса ҳам куймайдиған бир аёлни тайинлаб қўйибди. Ҳозир имкониятимиз борида иложимиз борича ҳаракатимизни қилиб қолмасак, у яна бошқа қаттиқроқ чоралар кўришини ким билади, дейсиз.

— Қўлимиздан нима ҳам келарди, Мариан? Оҳ, қани энди бу хонадонни тарк этиб, унинг остонасига қайта қадам қўймасликнинг иложи бўлса!

— Гапимга қулоқ солинг, тасаддуқ, токи мен ёнингизда эканман, ўзингизни бунчалар ожиз, деб ўйлайверманг.

— Ўзим ҳам ноумид бўлмаслик пайидаман. Ёлғиз эмаслигимни унутгудек эмасман. Сиз ҳам мени ўйлайвериб, бечора Фаннини унутиб қўйманг. У ҳам кўмагимизгаю илиқ сўзимизга зор бўлиб турибди.

— У қизни ҳечам унутмайман. Бу ерга чиқишимдан олдин уни учратиб, бугун кечқурун гаплашиб олишга келишиб қўйдим. Блэквоутер почта халтаси ишончли эмас, шунинг учун ҳам сизнинг манфаатларингиз борасида иккитагина хат ёзиб, уларни ҳеч кимга ишонмайман, фақат Фанни орқалигина бериб юбормоқчиман.

— Қанақа хатлар экан?

— Аввало, Лаура, Гилмор жанобларининг шеригига хат ёзмоқчиман. Ўша киши, зарурат туғилиб қолгудек бўлса, бизга ёрдам қўлини чўзишга тайёрлигини айтган эди. Қонунни унчалик яхши билмасам ҳам, юрагим сезиб турибди, у бугун сизга озор етказиб турган безори ўзбошимчаликларидагина эмас, ҳар қандай аёлни ҳимоя қилишга қодир кимса. Қўлимда асосли маълумотлар бўлмагани учун Анна Катерик масаласида батафсил ёзишга иложим йўқ. Лекин адлия вакили билагингиздаги кўкдан хабардор бўлиб, мана шу хонада сизга қилинган зўравонликни ҳам билиб қўйиши керак. Бугун бошим ёстиққа теккунигачаёқ у бундан хабардор бўлади!

— Ахир, Мариан, сирнинг ошкор бўлиб қолишини ўйланг!

— Мен айна ўша шов-шувга умид боғлаб турибман. Овоза сиздан кўра Сэр Персивални кўпроқ ташвишга солади. У ҳеч нарсадан ҳайиқмаса ҳам, ўша овоза дарагидан ҳайиқиб, инсофга келиб қолса, ажаб эмас.

Шундай дея ўрнимдан турдим, лекин Лаура уни ёлғиз қолдириб чиқиб кетмаслигимни илтимос қилиб қолди.

— Сиз уни қутуртириб юборсангиз, — деди у. — натижада ўзимиз таҳлика остида қоламиз.

Унинг сўзларида жон борлигини, шаштимдан қайтаргудек ҳақиқат борлигини сездим. Лекин буни очиқ тан ола олмасдим. Биз шунчалар аянчли аҳволда қолган эдикки, бизга ён босадиган кишимиз, ҳатто ёрдамга илинжимиз ҳам йўқ, таваккалига иш тутишимиз керак эди. Шуларни унга ётиги билан тушунтирдим. У афсусланиб хўрсиндию, лекин бу борада баҳслашиб ўтирмади. Аммо мен ёзмоқчи бўлган иккинчи хат масаласига тўхталиб, «У кимга юборилади?» деб қолди.

— Фэрли жанобларига, — дедим. — Амакингиз ота томонингиздан энг яқин кишингиз, шунингдек, оила бошлиғи ҳам ҳисобланади. Унинг бу ишга аралашуви ҳам фарз, ҳам қарз.

Лаура маънос бош чайқади.

— Ҳа, ҳа, — давом этдим мен. — Амакингиз жисмонан нозик бўлсалар ҳам, анча ўзбилармонликларини биламану лекин улар сэр Персивал Глайд олдида ип эшолмайдилар-да. Уларнинг ёнида граф Фоскодек суянган тоғлари ҳам йўқ-да. Улар сиз билан менадан андак меҳру-шафқатларини аямас, деб умидвор бўлмасам ҳам, ўз ҳузур-ҳаловатлари билан осойишталикларига путур етмаслиги учун ҳеч нарсадан тоймайдилар. Шу кунларда жонбозлик қилгудек бўлсалар, кейинроқ бошига тушиши муқаррар гавго, мусибату жавобгарликни даф қилиб қолишга ишонтиришимга йўл қўйсангиз бас, ўзлари учун ўзларийёқ отини қамчилаб қоладилар.

— Бироз фурсатга Лиммерижага қайтиб, ўша ерда сиз билан хотиржам ҳаёт кечиришнинг иложи бормикин, кошки уларни мана шунга кўндира олсангиз-а, Мариан, яна ўша бахтли онларим, турмуш савдосигача ўтган қувончли кунларим қайтиб келган бўларди!

Унинг бу сўзлари фикримни бутунлай ўзгартириб юборди. Сэр Персивал олдида икки йўлдан бирини танлаш масаласини кўндаланг қилиб бўлармикин: ё хотини билан унинг орасида содир бўлган можаро туфайли қонун олдида жавоб берсинми, ё хотинининг қисқа муддат ичи амақисини зиёрат қилиб келишига ижозат берсинми? Шулардан иккинчисига мойиллиги бўлармикин? Буниси гумонроқ, розилигидан рози бўлмаслиги кўпроқ. Умид бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда уриниб кўришга арзийди. Уларнинг қайси бири маъқулроқлигидан қатъи назар, иккинчи шартга уриниб кўришга қарор қилдим.

— Ҳозиргина изҳор этган тилагингиздан амакингиз, албатта, хабардор бўлади, — дедим. — Адлия ваколатларидан ҳам бу маса-

лани суриштириб кўраман. Мурод ҳосил бўлса ажиб эмас, айтганингиз бўлади, деган умиддаман.

Ўша билан сўзимни якунлаб, яна ўрнимдан турдим, Лаура эса мени яна қайта ўтқазииш пайига тушди.

— Мени ташлаб кетманг, — деди у ташвишланиб, — Қалам ва қоғозларим анави стол устида урибди. Шу ерда ёза қолсангиз ҳам бўлаверади.

Унинг бу таклифини унинг ўз манфаати учуноқ рад этишга тўғри келди. Бу ерга тиқилиб олганимизга анча вақт бўлиб қолганди. Бир-биримиз билан яна қайта дийдорлашишимиз бировларнинг дилига шубҳа солиб қўймаслигимизга боғлиқ эди. Вақт аллақачоноқ пастдаги, эҳтимол, айни дақиқада хаёли бизларда бўлиб, гийбатимизни қилиб ўтиришган ярамаслар кўзига хотиржам ва осойишта кўриниб қўйишимни тақазо этарди. Ана ўша арзимас заруратни Лаурага тушунтириб, уни иқрор қилишга эришдим.

— Бирор соатдан кейин ёки аввалроқ, тасаддиқ, яна қайтиб келаман. — дедим. — Бугунги энг мушкул аҳволимиздан халос бўлдик. Хотиржам бўлаверинг, ҳеч нарсадан хавотирланманг.

— Калит эшикнинг ўзидами, Мариан? Ички томонидан қулфлаб олсам бўлаверадими?

— Албатта, мана калит. Эшикни бекитиб олинг-да, мен қайтиб келгунимча, ҳеч кимга очманг.

Уни ўпиб, хонадан чиқдим. Эшикдан узоқлашарканман, қулфдаги калитнинг буралгани қулоғимга чалиниб, энди унинг бемаҳал очилмаслигига ишонч ҳосил этгач анча енгил тортидим.

VIII

19 июнь.

Зина бошига етганимда хаёлимга бир фикр келиб қолди — хонамдан чиққан пайтларимда, балодан ҳазар, Лаурадек эшикни қулфлаб, калитни чўнтагимга солиб олсам бўлмайдими! Кундалигим билан бошқа баъзи бир ҳужжатларим стол тортмаларида асралса ҳам, лекин ёзув-чизув анжомларим, жумладан, бир идишдан сув ичаётган икки каптар тасвиридан иборат муҳрим билан олдинги кун оқшом ёзилган кундалик битиклар сўнгги сатрлари сингиб қолган босма қоғоз варақлари ташқарида қолаверарди. Қандайдир шубҳа таҳликасида кўнглим, ҳатто, мана шу арзимас матоҳларни ҳам кунжу-кавакка тиқиштиришга мойил бўлиб қолган, очигини айтсам, эҳтиёт чораларини кўриб, ўз хонамнинг

оёқ-ости қилинишидан асрамайдиган бўлсам, ўша қулф-калитли тортмаларга ҳам ишонч қолмаганди.

Лаура билан гаплашган вақт ичи хонамга бегона кимса оёқ кўйгани ишора бўлгудек бирон бир аломат сезмадим. Ёзув анжомларим ҳам, одатдагидек, ёйилиб ётарди. Хизматкор ходиманинг уларни саранжому саришта қилиб кўйишини тақиқлаб, қўл урмаслигини тайинлаб кўйгандим. Шунинг учун ҳам уларга кўзим тушиши билан кўнглим ҳижил бўла бошлади. Негадир, патнисдаги ручка билан довод қаторидаги муҳр кўзимга ноҳўяроқ тургандек кўринди. Аччиқ ҳақиқатни тан олишим керак, ўзим сарамжону саришта бўлмасам ҳам, уни ўша ерга кўйганимга ақлим бовар қилмас, қачон кўйганимни ҳам хаёлимга келтира олмасдим. Ё шу гал уни беихтиёр ўз ўрнига кўйиб кўйгандирман, деган фикр ҳам хаёлимдан нари кетмасди. Лекин шу бугунги воқеалар таҳликасида миям говлаб турган бир пайтда ўша арзимас шубҳа устида бош қотириб ўтиришни ўзимга эп кўрмадим. Эшикни қулфлаб, калитни чўнтакка уриб, пастга тушиб кетдим.

Залда мадам Фосконинг бир ўзи барометрга қараб ўтирган экан.

— Босим тобора тушиб кетяпти — гап бошлади у. — жала бошланиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

Унинг ранги заъфарон, авзойи ҳар вақтдагидек кўринса ҳам, барометр милига ишора қилаётган кўли титраб турарди.

Лаура ўзаро суҳбатимизда унинг эрини «жосус» деб ҳақоратлагани қулоғига чалинганини эрига етказганмикин? Унга айтиб бўлган бўлса керак, деган хаёлга боришим, бунинг оқибати нималарга олиб келишини ўйлаб (мавҳум нарсанинг ваҳимаси кўпроқ бўлади, деганларидек), не-не хаёлларга боришим бежиз эмас, бундай таҳликага тушмасликнинг иложи йўқ. Ахир аёлларнинг ўзаро ҳасадгўйлигию иғвосини назарда тутмай бўладими? Мадам Фоско ҳам ўшаларнинг биттаси эди-да. У ҳаддан ташқари мулойим бўлгани билан, ўн минг фунтлик мерос эгадорлигига, беихтиёр бўлса ҳам, ўша жияни тўғаноқ бўлиб қолганини ҳали кечирмаганди. Мана шулар хаёлимдан ўтиб, умид бўлмаса ҳам, бутун маҳоратимни ишга солиб, Лауранинг гуноҳсиз эканлигига ишонч ҳосил қилдиришни тақозо этарди.

— Сизнинг илтерламаотингиз соясида, мадам Фоско, ўта нозик бир мавзуда мурожаат қилсам, айбга буюрмайсизми?

У қўлларини қовуштириб кўксига кўйганича кўзини кўзимдан узмай ва на бирон сўз ҳам айтмай, тантанавор бош ирғаб қўя қолди.

— Ҳимматингиз юзасидан рўмолчамни олиб келганингизда — сўзимда давом этдим мен. — Лауранинг оғзидан ноҳўя бир сўз чиқиб кетгани қулогингизга чалинган бўлса керак, деган андишада ич этимни еб юрибман. Уни тилга олишнинг ҳожати йўқ, у ҳақ эди, деб даъво қилмоқчи ҳам эмасман. Фақат сиз ўша сўзни кўнглингизга қаттиқ олиб, графга айтиб қўймагандир-сиз, деган умиддаман.

— Нима бўлганда ҳам, менимча, ўтган ишга салавот, — шартта жавоб қилди мадам Фоско бироз тажанглик билан. Кейин «лекин» деганича бир лаҳза хаёл сургач, сўзини давом эттирди. — Эримдан сир бекитмайман, заррача сир бекитмайман. Таъбим тирриқлигини кўриб турганидан кейин нимага тўмтайиб қолганимни айтмай бўладими? Сизга очигини айтиб қўя қоламан, мисс Ҳалкомб, унга айтиб қўйганман.

Мана шундай жавоб олишимга ақлим етиб турган бўлса ҳам, унинг сўзларини эшитиб, бутун вужудимдан муз чиқиб кетди.

— Сиздан, мадам Фоско, ўтиниб илтижо қиламан, графдан ҳам ўтиниб илтижо қиламан, синглимнинг нима ташвишларга дучор қилиб қўйишганларини назарга олиб, уни маъзур тутгайсизлар. Эрининг ноҳақ ҳақоратлари аламига чидаёлмай гапириб юборди. Ўша ноўрин сўзлар оғзидан чиққанини ўзи ҳам билмайди. Мана шу вазиятлар эътиборга олиниб, адолат юзасидан унинг гуноҳи кечирилишига умид тутсак бўлармикин?

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, ишонаверинг, — графнинг салобатли овози эшитилиб қолди орқа томонимдан. У илвирсдек пишиб ичкари кириб олган экан, кутубхонадан олган китоби ҳам қўлида. — Леди Глайд ўша аччиқ сўзлари билан — сўзини давом эттирди у. — менга нисбатан адолатсизлик қилди, дилимни ранжитди. Майли, кечирдим. Бу борада энди оғиз очмай қўя қолайлик, мисс Ҳалкомб, келинлар, шу дақиқаданоқ уни хаёлимиздан чиқариб юборайлик.

— Бениҳоя раҳмдилсизда — деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолибман. — Дилимдаги ташвишларимдан мени қанчалик энгиллатганингизни билсангиз эди...

Сўзимни давом эттирар эдим, лекин у кўзларимга тикилиб қолган; тарвақайлаб кетган башарасида шундоққина кўриниб турган истеҳзо бежиз эмасди. Унинг маккорликда суяксизлигига яна бир бор иқрор бўлиб, унинг хотинию ўзи билан мурасасозлик қилишдек пасткашликка бориб, ўзимни улар олдида хор этганимни сезиб ҳафсалам пир бўлганидан ўзимдан ўзим уялиб,

оғзимдаги оғзимда, бўғзимдаги бўғзимда қолганича миқ этмай туравердим.

— Олдингизда тиз чўкиб бас қилиб қўя қолишингизни илтижо қиламан, мисс Ҳалкомб. Шунчалар арзиҳол қилишни лозим топишингиз мени лол қилиб қўйди. — Мана шундай ширин сўзлар билан кўлимдан ушлаб, оғули лабларига босди (Эвоҳ, ўзимдан ўзим нафратланиб кетдим. Лаура туфайли шу аҳволга тушганимга иқрор бўлсам ҳам, кўнглимга чироғ ёқилса ёришмагудек эди-да!) Ўша дамгача унинг олдида қанчалар талвасага тушиб қолишимни ҳаёлимга ҳам келтирмаган эканман. Унинг ўша беозор такаллуфи гўё биров мени ҳақорат қилгандай қонимни қайнатиб юборди. Лекин ўзимни босиб, хуноб бўлганимни унга сездирмадим. Жилмайишга уриндим. Бир вақтлар бошқа аёлларнинг мунофиқона муомаласидан жунбушга келгудек нафратланган бўлсам, энди эса ўшаларнинг энг тубанидан ҳам тубанроқ, айна вақтда кўлимни лабига тутиб турган Иудадек маккор эдим.

У мабодо юзимдан кўз узмай туравергудек бўлса, таранглашаётган асабим жиловини ушлаб тура олмай сафосини бериб қўйган бўлардим-а! Кўлимни тутганича тавоф қилиб турганида хотинининг асов рашки жонимга оро кириб, унинг эътиборини чалғитиб юборди. Графинянинг ўқрайган мовий кўзлари пориллаб, хомуш ва рангпар яноқларига жон кириб, анча ёшариб кетгандай бўлди.

— Граф! — деди у. — англиз аёллари сизнинг хорижий мулозиматларингизни тушунишармиди.

— Бизни маъзур тутгайсиз, фариштам! Ер юзида энг мўтабар ва тенги йўқ англиз аёли уларни тушунади, — дедию кўлимни кўйиб юбориб, энди хотинининг кўлини оҳистагина лабига босди.

Ўз хонамда паноҳ топиш илинжида юргунимча юқорига чиқиб кетдим. Хонамда энди яна бир ўзим эканман, дилимдаги дардларим мулоҳазаси учун вақт бўлганида эди, алам изтиробидан ёнган бўлардим, лекин мулоҳаза қилиш учун вақт йўқ. Ҳатто, сал таскин топиб, ўзимни ўнглаб олишнинг ҳам иложи йўқ — вақт зиқ эди.

Адвокат билан Фэрли жанобларига хат ёзилиши муаллақ турарди, шунинг учун ишни пайсалга солмай, унинг ижросига кириша қолдим.

Кўмак умидида кимга мурожаат қилиш ҳақида бош қотиришнинг ҳам ҳожати йўқ, аввало, ўзинг билганингдан қолмасинг керак эди. Яқин атрофда Сэр Персивалнинг на дўстларию ва на уруғ

аймоғи борки, ўшалар кўмагини ишга солсам. Унинг бошқалар билан муносабати совуқдан-совуқ, хусусан, ўз мавқеидаги оилалару яқин атрофидагилар билан ҳам юзи тескари эди. Биз икки аёлнинг эса бу даргоҳга келиб, бизни ҳимоя қилгудек на отамиз ва на акамиз бор. Қисқаси, ўша нима билан яқунланиши ноаниқ икки хатга қўл уришдан бошқа умид йўқ. Ёки Блакватер Паркдан хуфия ғойиб бўлиш билан бўлажак тотувлик битимига барҳам берилиб, Лауранинг ҳам, менинг ҳам юзимиз шувут бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Ўйлаб ўтиришнинг нима ҳожати бор, гумонроқ бўлса ҳам, ўша икки хатни ёзишдан бошқа иложим йўқ.

Анна Катерик ҳақида адвокатга оғиз очмай қўя қолдим, чунки (илгари Лорага ишора қилиб ўтганимдек) бу мавзунинг сирли томони бўлиб, уни изоҳлашга ожиз эдик, шунинг учун ҳам бу борада ипидан игнасиғача таълим олган шахсга ёзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Унинг эътиборига сэр Персивалнинг маблағ масаласидаги сўнги низоларини ҳавола этиб, мабодо Сэр Персивал Лауранинг вақтинча Блаквоутер Паркни вақтинча тарк этиб, мен билан биргаликда Лиммериғга қайтишига ижозат бермагудек бўлса, уни ҳимоя қилгудек қонуний дастур асосидаги имконият бор-йўқлиги ҳақида маслаҳат сўрадим. Сўнги битимнинг икир-чикирларигача Фэрли жанобларига етказишни маслаҳат бердим. Ушбу хат Лауранинг розилиги билан ёзилганини қайд этиб, иложи борича зудлик билан унинг номидан иш тутишни илтимос қилдим.

Кейин Фэрли жанобларига хат ёзиш билан овора бўлдим. Унга қилинган мурожаатимда Лаурага айтилган ибораларни унга лўнда-лўнда ошқора қилишдан мақсад уни ҳам сал ҳаракатга солиб қўйиш эди. Масаланинг жиддийлигини кўрсатиш учун адвокатга ёзилган мактубдан бир нусхасини ҳам илова қилиб қўйдим. Лиммериғга йўл олишимизда кўзда тутилган бирдан-бир мақсад — шахсан унинг ўзи билан Лауранинг яқин орада ҳафсалалари пир бўлмаслиги учун Лауранинг айни вақтдаги мавқеига путур етиб, бошига мусибат тушиши олдини олиш зарурлигини уқтирдим.

Икки конверт юзига манзилларини ёзиб, муҳрлаш билан ниҳоясига етказгач, уларни Лаурага ҳам кўрсатиб қўйиш ниятида унинг хонасига қайтиб бордим.

Лаура эшикни очиб, юзма-юз бўлиши биланоқ унга мурожаат қилдим:

— Ҳеч ким безовта қилмадим?

— Ҳеч ким тақиллатгани ҳам йўқ. — жавоб берди у. — Фақат йўлакдан кимнингдир шарпаси эшитилди.

— Эркакмиди ё аёл?

— Аёл киши эди. Аёл либоси шитирлаши қулоғимга чалинди.

— Ипак қўйлак шитирлашимми?

— Шундай, ипак қўйлак шитири бўлса керак.

— Йўлакда мадам Фоско кўз-қулоқ бўлиб турган бўлиши мумкин. Бундай бемаънилик ташаббускори ўзи бўлсаю, ташвишланишга ўрин ҳам бўлмас эди-я, лекин бунда эрининг қўли бўлиб, ўшанинг ногорасига ўйнаётган бўлса, эҳтиёт бўлишга тўғри келади. Бу — даҳшат.

— Ўша шарпа сўнги бор қулоғингизга чалингандан кейин нима бўлди? — суриштирдим. — Йўлакдан узоқлашдимми ёки коридор бўйлаб юргани ҳам қулоғингизга чалиндими?

— Шундай. Миқ этмай қулоқ солиб турдим. Аниқ эшитилди.

— Қайси томонга гумдон бўлди?

— Сизнинг хонангиз томонга.

Энди ўйланиб қолдим. Ўша товуш менинг қулоғимга чалинмади-да. Хатларим билан овора бўлиб қолган бўлсам керак, қўлим ҳам залворлида, ёзаётганимда қоғоз устида юраётган перо қирсиллаб, унинг остидаги қоғоз ҳам шитирлаб туради. Мадам Фоско либоси шитирлашини эшитмаган бўлсам ҳам, у менинг пероим қирсиллашини эшитган бўлса керак. Ана сизга далил, хатларимни галдаги почта халтачасига солишга ишонч йўқ.

Хаёл суриб қолганимни Лаура сезибди.

— Мусибат устига мусибат! — деб қолди у ҳорғин бир овозда.

— Мусибат кўпайган сари хавф ҳам кўпаяверади!

— Ҳеч қандай хавф йўқ. — дедим. — Шунчаки арзимас тўғаноқ. Шу иккита хатимни Фанни қўлига топшириб олиш хаёлидаман.

— Унда ҳақиқатан ҳам уларни ёзиб бўлибсизда? Оҳ, Мариан, эҳтиёт бўлинг. Ўзи асрасин, ўзи асрасин, эҳтиёт бўлинг.

— Йўқ, йўқ, ваҳима қилаверманг. Айтингчи, соат неча бўлди ҳозир?

Чоракитаси кам олти экан. Кечки таомгача қишлоқ мусофирхонасига бориб қайтганимча вақт етарли. Мабодо оқшомгача кутиб қолгудек бўлсам, уйдан хуфиёна суғурилиб чиқиб кетиш имкониятидан маҳрум бўлган бўлардим.

— Эшикни қулфлаб олинг, калитини чиқарманг, Лаура, — дедим. — Мендан хавотирланманг. Бордию сиздан мени сўраб қолишса, эшик тирқишиданоқ «айлангани чиқиб кетувди» деб жавоб бериб қўя қолинг.

— Қачон қайтасиз?

— Тушлик таомгача, кечикмайман. Бардам бўлинг, қоқиндиқ. Эртага шу вақтда ақлли-хушли ва ишончли бир зот сизнинг манфаатингиз ҳимоясига киришган бўлади. У Гилмор жанобларининг шериги, сиз билан мен учун Гилмор жаноблари шахсидан кейинги энг яқин қадрдонимиз бўладилар.

Лаура олдидан ҳали унча узоқлашмаёқ дилимга келиб қолган бир фикр хаёлимдан нари кетмай қолди — аввало пастда нималар содир бўлаётганидан хабардор бўлмай туриб, сафаржомада кўзга ташланмай турганим маъкул. Сэр Персивалнинг қаердалигидан ҳам беҳабар эдим — уйдаими ёки чиқиб кетганмикин?

Канарейкаларнинг кутубхонадан қулоққа чалинаётган чирқиллаб сайраши, унинг қия очиқ эшигидан бурқиб чиқаётган тамаки тутуни графнинг қаердалигидан башорат бериб қўя қолди. Йўлакнинг ўша еридан ўтаётиб ичкарига разм қолдим. Не кўз билан кўрайки, граф ўз паррандалари маҳоратларини ширинсўзлик билан намойиш қилганича рўзгорбошини бунга маҳлиё қилиб қўйганди. Паррандаларини кўз-кўзлаш учуноқ уни атайлаб чақиртирган бўлса керак, акс ҳолда рўзгорбошининг ўзича кутубхонага қадам қўйиши унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган бўларди. Графнинг ҳар бир ҳаракати замирида қандайдир режалари ётарди. Айни вақтдаги мақсади нимакин?

Буларни суриштириб ўтиришга вақт йўқ эди. Кейин яқин атрофдан мадам Фоскони қидирдим ва унинг, одатдагидек, ҳовуз атрофидаги гулпоёндоз бўйлаб гирдикапалак бўлаётганини кўрдим.

Яқиндагина унинг рашк ўтидаги куйди-пишди ҳолатига сабабчи бўлиб қолганим туфайли, у менга рўйхуш берармикин, деган андишада эдим. Лекин шу қисқа фурсат ичиёқ унинг попилтиригини пасайтириб қўйган экан. Шунинг учун бўлса керак, мендан одатдаги ширин сўзини аямади. Унга мурожаат қилишдан илинжим Персивал нима ташвишларда юрганидан огоҳ бўлиб олиш эди. Гапни узоқдан бошлаб, айлантирганимча, айнан кўнглимдаги мавзуга боғлашга муяссар бўлдим. Аввалига бироз саркашлик қилган бўлса ҳам, ниҳоят, у қаёққадир кетганини маълум қилиб қўйди.

— Отлардан қайси бирини миниб кетди? — хотиржамгина сўраб қўйдим.

— Биронтасини ҳам минмади. — жавоб берди у. — Икки соатча илгари чиқиб кетувди. Агар янглишмасам, Анна Катерик исмли

аёлни суриштирмоқчи. Негадир ўша аёл изига тушишга қасд қилиб қолган кўринади. Сизнинг хабарингиз йўқми, мисс Ҳалкомб, ўша аёл ашаддий жиннилардан эмасмикин?

— Билмадим, графиня.

— Уйга кириб кетяпсизми?

— Ҳа, шундай қила қолсам. Ҳадемай тушлик вақти бўлиб, кийинишга ҳам тўғри келиб қолади.

Иккаламиз биргалашиб бино ичига кирдик. У кутубхонага бурилиб, эшикни ёпди. Мен эсам шляпам билан рўмолимни олиб тушиш учун шошилдим. Мусофирхонадаги Фаннига хатларни етказиб, кечки таомгача қайтиб келишим учун ҳар бир дақиқа ганимат эди.

Зал йўлагидан қайта ўтаётганимда у ерда ҳеч ким йўқ эди. Кутубхонада чириллаётган паррандалар уни ҳам ўчганди. Атрофга разм солиб тура олмасдим. Йўлим очиқ, ёнимдаги икки хат билан уйдан чиқиб, йўлга тушсам ҳам бўлаверади, деб ўзимга далда бердим.

Қишлоққа йўл оларканман, сэр Персивални учратиб қолишим эҳтимолини ҳам назарда тутиб қўйдим. Унинг ёлғиз ўзи билан тўқнашиш мени довдиратиб қўймаслигига ишончим комил эди. Ўзига ишонган ҳар қандай аёл бўлар-бўлмасга повиллаб кетадиган одам учун ёниб турган чўғ. Сэр Персивал олдида, графдан ҳайиққанамдек, талвасага тушмасдим. Унинг нима мақсадда чиқиб кетганини эшитиб, типирчилаб қолиш у ёқда турсин, кўнглим анча таскин топганди. Унинг, хаёли Анна Катерик изига тушиш билан банд экан, Лаура билан мен унинг узлуксиз таъқибидан анча холи бўлишга умидвор бўла олар эдик. Айни вақт Аннанинг ҳам, ўзимизнинг ҳам ишимиз ўнгидан келиб, ўша бечора бу гал ҳам баттолнинг қўлига тушиб қолмасин! — дея дил-дилимдан тангрига нола қилдим. Қишлоқ йўлига туташ чорраҳага етганимча, биров изимга тушмаганмикин, деган таҳликада орқамга қараб-қараб, жазирама иссиқ бўлса ҳам, олдинга жадал юрдим.

Бутун йўл бўйи кетимдан келган бўм-бўш қишлоқ соябон аравасидан бошқа ҳеч нарсага кўзим тушмади. Фақат унинг мойсираган гупчакларининг ғичирлаши ғашимни келтирарди. Шунинг учун ҳам унинг мен йўл олган қишлоқ томон бурилганини кўргач, уни ўтказиб юбориб, нарироқ кетгунча сабр қилиш ниятида тўхтадим. Энди унга синчиклаброқ разм соларканман, унинг орқасида писиб келаётган кимнингдир оёқларини кўраётгандек бўлдим —

ҳа, жиловдорнинг орқагинасида, отларнинг ёнгинасида. Ҳозиргина ўзим бурилган чорраҳа муюлиши шунақаям тор эдики, менадан кейинроқ бурилган ўша арава йўлнинг икки чеккасидаги дарахт ва буталарни силаб ўтганди. Мен эсам ҳалиги гумонимни аниқлаб олиш учун уни ёнгинамдан ўтқазиб юбордим. Таҳликама ноўринлиги маълум бўлди. Ахир, арава ўтиб кетгач, унинг ортида ҳеч ким йўқ эдида.

Ниҳоят мусофирхонага етиб ҳам келдим. Сэр Персивал учрамади, бошқа шубҳалангудек нарсага ҳам кўзим тушмади.

Мусофирхона соҳибаси Фаннини эъзозлаб кутиб олганини эшитиб қувониб кетдим. Унга газакхона шовқинларидан четроқдаги хоналардан бирини шахсий хужра, юқоридагиларидан шинамгинасини эса оромгоҳ қилиб беришган экан. У бечора мени кўриши биланоқ кўзига ёш олиб, тўғриси айтганда, унинг шаънига заррача маломат тушиши ҳам ўринсиз, ҳатто, уни қувғин қилган соҳибпаноҳи ҳам аниқ бирор нарса дея олмагани ҳолда, гўё у кечирилмас бир гуноҳ қилиб қўйгандек, тўрт томони қибла бўлиб қолишидан азобланаётганини айтди.

— Буни кўнглингизга яқин олманг, Фанни, — дедим. — Соҳибангиз билан мен сизнинг дугонангизлигимизча қоламин, тавсияномангизга ҳам путур етмаслиги пайида бўламиз. Энди буёғига қулоқ солинг. Вақтим зиқ. Сизга муҳим бир вазифа топшироқчиман. Манави иккитагина хатни эҳтиёт қилинг. Манави маркалигини Лондонга борибоқ почта кутисига ташлайсиз. Ферли жанобларига йўлланган, иккинчисини эса уйга етиб боришингиз билан шахсан ўзингиз унинг қўлига топширасиз. Иккала хат ҳам ёнингизда турсин ва ҳеч кимга бера кўрманг. Соҳибангизнинг умид учқунлари шуларга боғлиқ.

Фанни мактубларни сийнасига солиб олди.

— Топширигингизни ўрнига қўймагунимча, мисс, — деди у. — улар шу ерда туради.

— Эртага эрталаб барвақтроқ станцияга етиб олинг, — сўзимни давом эттирдим. — Лиммериж хонадони рўзгорбошиси билан учрашганингизда уларга менинг номимдан кўпдан-кўп салом айтинг ва леди Глайд сизни яна қайтариб олишга мушарраф бўлгунигача менинг хизматимда эканлигингизни уқдириб қўйишни унутманг. Сизни илҳақ қилмай, тезда юз кўришиб қолармиз. Шунинг учун хотиржам бўлинг, соат еттидаги поезддан кеч қолиб кетманг.

— Миннатдорман, мисс, чин қалбимдан миннатдорман. Сўзла-

рингиз доимо кўнглимни кўтаради. Соҳибамдан ҳам нечоғлик мамнунлигимни уларга етказсангиз. Ҳамма ишларни, кўлимдан келганича, ўз вақтида саромжонлаб қўйганман. Ё фариштагинам! Фариштагинам! Бугун кечки таом олдида уларга ким парвона бўларкин — ким эгнига қараркин? Шу нарса хаёлимга келиб, мисс, юрагим эзилиб кетаяпти.

Уйга қайтиб келганимда кечки овқат ҳозирлигию Лаура билан бир-икки оғиз сўзлашиб, пастга тушгунча чорак соат вақтим қолганди.

— Хатлар Фаннининг кўлида — шипшидим унга эшик тирқишидан. — Кечлик дастурхонида бирга бўламизми?

— Эээ, йўқ, йўқ. Мутлақо.

— Нима гап, бирон воқеа содир бўлдими? Биров дилингишни оғритиб қўймадими?

— Айтганингиз бўлди. Ҳозиргина Сэр Персивал...

— У ичкарига кирдимми?

— Йўқ. Эшикни тақиллатиб, ўтакамни ёрди. «Ким у?» дедим. «Билиб турибсиз» деди у. — Ўжарлигингизни йиғиштириб, қолганини ҳам айтиб берасизми? Албатта. Айтиб берасиз! Эртами-кечми, барибир, ичингиздан суғуриб оламан. Шу дақиқада Анна Катерик қаердалигини сиз биласиз». «Мутлақо, мутлақо билмайман. — дедим. «Биласиз!» — ўшқирди у. — «Ўжарлигингизни кўрсатиб қўяман, шунини унутманг! Сирингизни ичингиздан суғуриб оламан!» Ана шунақа деб кетди. Гумдон бўлганига, Мариан, ҳали беш дақиқа ҳам бўлгани йўқ.

— Аннани топа олмаган экан! Бу оқшом биз хотиржам бўлсак ҳам бўлаверарди. Уни ҳануз топа олмаган экан.

— Пастга тушиб кетаяпсизми, Мариан? Оқшом яна келарсиз.

— Келаман, келаман. Сал ҳаяллаб қолгудек бўлсам, ташвишланиб ўтирманг, даврани тезда тарк этиб, уларни ранжитиб қўйишдан эҳтиёт бўлишим керак.

Тушлик кўнғироғи чалиниб, шоша-пиша пастга тушиб кетдим.

Сэр Персивал мадам Фоскони ошхонага олиб кириб кетди, граф эса менга уни қўлтиқлаб олишимни ишора қилди. У қизариб кетган, ҳарсиллар, эгни-боши ҳам, одатдагидек, дид билан меъёрига етказилмаганди. У ҳам тамадиланиш олдида қаергадир бориб, аранг етиб келдимикин? Ёки одатдагидан анча кўтарилиб кетган жазирама иссиқ азобиданмикин? У ёғи нима бўлса, бўлгандиру, аини вақт таҳлика исканжасида экани шундоққина кўри-ниб турарди. Ҳар қанча ўзини босиб, сир бой бермасликка урин-

масин, уни пинхон тутиши амри маҳол эди. Дастурхон устида Сэр Персивалдек миқ этмай ўтирса ҳам, тез-тез хотинига зимдан таҳликали назар ташлаб, хуноб бўларди. Илгарилари унинг бундай холатини мутлақо сезмагандим. Инсонпарварлик фазилати аввалгидек, менга нисбатан мулозимату хушмуомалалари ҳамон ўша-ўша. Бундай олижаноблик хусусиятлар унинг шу хонадонга қадам қўйган куниданоқ бошланиб, ўша хушмуомаласию мулозиматини мендан аямагани, Лаурага нисбатан ҳам ўшандай одамгарчилиги, ҳатто сэр Персивалнинг кўрслигию тазйиқларига даф бўлиб туриши бежиз эмасдек туюлар, бу эса унинг қандайдир режадарига мўлжаллангани, қандай разил ниятлари борлигини ҳанузгача англаб ола олмасдим. У дастлаб ишимизга аралашиб, кутубхонада бизни ҳимоя қилганида ундан шубҳаланиб қолгандим. Ҳозир ҳам худди ўша ҳиссиётдаман.

Мадам Фоско билан мен туриб кетиш тараддудида ўрнимиздан кўзгалганимизда граф ҳам бизни меҳмонхонагача кузатиб қўйиш учун ўрнидан турди.

— Нега ўзингизни четга олиб қолдингиз? — сўраб қолди сэр Персивал. — Фоско, сизга гапираяпман.

— Қорин тўйгач, вино ичилгач кетамиз-да, — жавоб қилди граф. — Бизни маъзур тутгайлар, Персивал, ажнабийлик одатимизни канда қилмасак дейман, хонимлар ҳамроҳлигида кирдик, ўшалар билан бирга чиқсак.

— Бемаънилик! Яна бир қултум Bardeaux виноси тешиб чиқмасди. Инглиз фуқаросидек ўтира қолинг. Вино баҳонаю сиз билан ярим соат отамлашмоқчи эдим.

— Отамлашмоқчисиз, Персивал, жоним билан, лекин ҳозир эмас, винонинг ҳам ҳожати йўқ. Йўқ демасангиз, кечга яқин учрашсак, кечроқ, шу оқшом.

— Мулозиматни қаранг! — ўшқирди сэр Персивал хуноби ошиб. — Соҳибхонага қилган мулозиматини қаранг, ўргулдим ўша мулозиматдан!

Тушлик таоми устида унинг негадир таҳликада графга ўқтин-ўқтин қараб қўйганига бир неча бор кўзим тушган. Граф эса, аксинча, унга қарамаслик пайида бўлганини сезгандим. Мезбоннинг қиттай-қиттай вино устида бемалолроқ гаплашиб олиш илинжидаги таклифи билан меҳмоннинг узил-кесил эътирози хаёлимда айқаш-уйқаш бўлиб, ўша кун эрталаб сэр Персивалнинг мана шу дўстини кутубхонадан чиқиб, у билан бироз хангомалаштириш таклифини рад этганини эдимга солди. Ўша ўзаро

суҳбат ҳақидаги таклиф дастлаб тушлик олдида пайсалга солинганди. Энди дастурхон устида иккинчи маротаба пайсалга солинмоқда. Ўртадаги ўша ўзаро суҳбат нима устида бўлишидан қатъи назар, сэр Персивал назарида, шубҳасиз, жуда муҳим, граф назарида эса (бундан ўзини очиқдан-очиқ четга олаётгани назарда тутилса), эҳтимол, қалтисроқ мавзу бўлиши ҳам мумкин эди.

Тамаддихонадан меҳмонхонага ўтарканмиз сэр Персивалнинг уни ёлғиз қолдириб чиқиб кетаётган дўстига қарата зарда аралаш писандаси хаёлимдан ўтди. Граф писандага парво ҳам қилмаган. Аксинча, ҳатто пинагини ҳам бузмай, бизга ҳамроҳлик қилганича чойхўрликка мўлжалланган махсус пештахта ёнига келган. Ўша ерда бир-икки дақиқа тургач залга чиқиб кетган. Кейин қўлида почта халтаси билан қайтиб келган. Ўшанда соат саккиз, одатда, Блэквоутер Паркдан хатлар олиб кетилдиган пайт эди.

— Почтага топшириладиган хат-патингиз борми, мисс Ҳалкомб, — деди у ҳамон халтани қўлидан туширмай, мен томон юрганича.

Чой дамлаётган мадам Фосконинг бир қўлида қандолат чўпю, мени нима деркин, деб қаққайиб қолганига кўзим тушди.

— Йўге, граф. Миннатдорман. Бугун ҳеч қанақа хат йўқ.

У хат халтасини ўша фурсатиёқ нарироқда турган дастёрга узатди-да, ўзи пианино ёнига ўтириб, эл оғзидан тушмайдиган «*Lamia Carolina*» неополитан ашуласи куйини икки маротаба қаторасига завқ билан чалди. Хатти-ҳаракатларида аёл зоти сусткашлигини ўзида мужассам этган хотини оёғи олти бўлдим — бир зумдаёқ чой дамлаб келди-да (Ўзим ҳам шу вақт ичи зўрга ухдасидан чиққан бўлардим), чойини апил-тапил ютиб, ташқарига чиқиб кетди.

У тепага чиқиб, Лаура дилига озор етказиб қўймаса, деган таҳликага бориб, бунинг устига, унинг эри билан хонада ёлғиз қолишни ўзимга эп кўрмай, мен ҳам уларнинг кетиданоқ ўрнимдан турдим.

Эндигина эшик олдида бориб қолганимда граф бир финжон чой беришимни илтимос қилиб, шаштимдан қайтариб қолди. Унга чой бериб, энди кетай, деб турганимда мени яна тўхтатди. Бу гал ўзи ҳам пианино ёнига қайтиб, қутилмаганда, мусиқа мавзуидаги бир савол билан менга мурожаат қилиб қолди. Айни масала унинг она юрти шаънига тааллуқли эканини илова қилди.

Мусиқадан мутлақо беҳабарлигим, ҳатто, у кўнглимнинг кўчасига ҳам кирмаслиги уқдирилган эътирозларимни ҳам инобатга олмасди. У ўз илтижосида қаттиқ туриб олгач ортиқча эътирозга ҳам ўрин қолмади. Инглизлар билан олмонлар (эҳтирос билан даъват қилди) италянларни юксак мусиқа яратишга қодир эмас, деб камситардилар. Биз эҳтирос билан ораторияларимиз ҳақида гапирсак, улар ўз симфонияларини пеш қилардилар. Биз ҳам, улар ҳам ўша ернинг абадий фарзанди ва фуқароси Россинини унутганмикинмиз? «Мусо Мисрда» мўъжиза ораториясини концерт залида қуруқ хиргойи қилгандан кўра уни саҳналаштирганимиз маъқул эмасми? Гуаллауте Телл увертюраси бошқача номланиб қолган симфониямикин? «Мусо Мисрда» ораториясини тингламабманми? Уни қайта ва қайта тинглашга ҳам тайёрман, лекин ҳали биронта инсон зоти ўшанчалик мафтункор ва антиқа жозибадор мусиқа басталамаганини барала айтавераман.

Кейин розилигимни сўрамасданоқ юзимга чақчайганича гумбурлатиб пианино чала бошлади. Айни вақтда гўранглаган овозини ҳам баралла қўйганича хониш қилишни ҳам бошлаб юборди. Фақат мусиқа давомидаги сокинлик лаҳзаларидагина хиёл тин олиб, ўша дақиқалар менга эълон қилиб қўйиш учун мусиқа парчалари номларини қистириб ўтарди: «Мисрликларнинг зулмат балосидаги зикри», мисс Ҳалкомб, «Мусонинг қонун лавҳаларига бағишланган тиловати», «Бани Исроил қавмининг Қизил денгиз кечигидаги муножоти». Эҳҳааа! Булар муқаддас мусиқа эмасми? Булар улугвор мусиқа эмасми?

У бесўнақай оёғи билан куй такти калитини ўз меъёрида босиб, залворли бақалоқ панжаларини моҳирона ўйнатганича парда калитларини зарб билан босаркан, пианино ларзага келар, стол устидаги чой финжони ҳам ўйнаб турарди. Унинг ўша завқшавқ билан жазавага тушиб, менинг аста-секин эшик томон силжишимни гўё ўша найранглар таъсирига йўйиб тантанавор қиёфада туриши менга негадир, бежо ҳаракат, иблис найрангларидек кўринар, даҳшат шарпаларидек туюларди.

Ниҳоят тутқунликдан озод бўлдим, лекин ўз раъйим билан эмас, орага сэр Персивалнинг суқилиб қолиши сабаби билан. У тамаддихона эшигини очиб, жаҳл билан «Бу қанақа қиёматқойим!» деб ўшқирди. Граф шу дақиқаёқ ўрнидан туриб кетди.

— Ҳеес, Персивал келган ерда — деди у товлаб, — куй билан дилкашлик завол топади. Илҳом парисининг ҳам, мисс Ҳал-

комб, ҳафсаласи пир бўлиб кетади-да. Энди мен — сайёр бас-такор, қолган-қутган ташаббусимни кўча-кўйда ҳам намойиш қилавераман!

У пинагини бузмай ташқарига чиқиб кетди; қўлларини чўнтакларига тикқанича Мусо муножотини ҳиргойи қилиб юрди.

Сэр Персивалнинг тамаддихона деразасидан уни чақиргани қулоғимга чалинди. Лекин у миқ этмади. Назаримда, у ўзини эшитмасликка соларди. Интиқлик билан кутилаётган ўзаро осойишта суҳбат муддати пайсалга солинар, бу эса фақат граф ихтиёрига ҳавола бўлиб қолганди.

Хотини олдимиздан чиқиб кетгач, граф мени қарийб ярим соат меҳмонхонада чалгитиб турди. Шу муддат ичи у қаерларга бориб, нималар қилиб юрибдйкин, шу таҳлика билан юқорига чиқдим, лекин бу ҳақда ҳеч қандай янгилик бўлмади. Лаурадан суриштираман, у ҳам беҳабар экан. Уни ҳеч ким безовта қилмабди. Даҳлиздан ҳам, йўлакдан ҳам ипак кўйлак шарпаси қулогига чалинмабди.

Йигирма дақиқаси кам тўққиз эди. Кундалигимни олиб келиш учун ўз хонамга бориб келдим у Лаура ёнида бўлдим. Гоҳ ёзиб, гоҳ у билан гаплашиб ўтирдим. Олдимизга ҳеч ким кирмади, тинчгина ўтирдик. Ўнгача бирга бўлдик. Кейин ўрнимдан туриб, унинг кўнглини кўтаргудек гап билан унга хайрли тун тилаб шипшидим. Келаси кун эрталаб аввал унинг олдига кириб, ҳол-аҳволдан огоҳ бўлишимни келишиб олгач, у эшигини яна қулфлаб олди.

Ётишдан олдин кундалигимга яна бир неча жумла қўшиб қўйишим зарур эди. Шунинг учун ҳам Лаура билан хайрлашгач, меҳмонхонага тушиб кетдим. Ўша ердагиларга кўриниш бериб, одатдагидан бирор соат олдинроқ ётаётганим учун узр сўраб қўймоқчи эдим.

Сэр Персивал, граф ва унинг хотини ўша ерда экан. Сэр Персивал креслода эснаб ўтирибди. Граф ўқиш билан банд. Мадам Фоско эса елпинганича турарди, юзи, негадир қип-қизариб кетган, гўё ловиллаб ёнарди. Ҳеч қачон иссиқ нималигини билмайдиган ўша аёл бу оқшом, шубҳасиз, ўзини қўйгани жой топа олмасди.

— Графиня, одатдагидек, бардам кўринмаётгандексиз? — дедим.

— Мен ҳам сизга худди шундай демоқчи бўлиб турувдим. — жавоб берди у. — Рангингиз ўчиброқ турибди, жонгинам.

«Жонгинам!» — унинг менга биринчи маротаба қилган такал-луфли мурожаати эди. Ўша мурожаат сўзи оғзидан чиқар-чиқмас юзида истехзоли заҳарханда ҳам кўринди.

— Бош оғриқларимдан бирининг азобидаман, — деб қўя қолдим энсам қотиб.

— Эээ, шундайми? Ташқарига чиқмай, диққат бўлиб кетганингиздан эмасмикин? Тушлик олдидан сайр қилиб олиш айна муддаойингизда. — у «сайр» сўзини галатироқ таъкидлаб ўтди. Чиқиб кетганимни кўриб қолувдимикин? Кўрган бўлса, нима бўлибди. Хатлардан кўнгил тўқ — улар Фаннининг қўлида.

— Юринг, битгадан чекайлик, Фоско, — деди сэр Персивал ўрнидан туриб, дўстига ҳайиқиброқ нигоҳ ташлаганича.

— Ледилар ётишгач, Персивал, жоним билан. — жавоб берди граф.

— Узр, графиня, мен ётақолайин, — дедим. — Бош оғригимнинг даъвоси — уйқу.

Ўрнимдан турдим. У билан қўл олишиб хайрлашарканман унинг юзида яна ўша аввалгидек истеҳзоли заҳарханда намоеън бўлди. Сэр Персивал менга эътибор ҳам бермади. Мен билан бирга чиқиб кетиш у ёқда турсин, миқ этмай ўтирган мадам Фоскодан энсам қотиб турарди. Граф эса китоб соясида ўзича жилмаярди. Сэр Персивал билан бемалолроқ гаплашиб олиш фурсати яна пайсалга солинар — энди графиня тўғаноқ бўлиб ўтирарди.

IX

19 июнь. Энди ўз хонамга қамалиб хотиржам бўлиб олгач, ушбу саҳифаларни очиб, уни кундалигим жузъий давоми — бугунги ҳангомалар билан тўлатиб қўйишга жазм этдим. Қўлимда ручка, сўнгги ўн икки соат ичи бўлиб ўтган воқеалар тафсилоти устида хаёл сурганимча, ўн минутлар ёки ундан кўпроқ вақт ўтириб қолдим. Ниҳоят, кўзлаган масъулиятим ижросига тутиндим. Лекин ишим юришмади. Илгари ҳеч қачон бундай бўлмаганди. Диққат-эътиборимни қанчалик мақсадим сари йўналтиришга уринмайин, хаёлим негадир сэр Персивал билан графга оғиб кетаверарди. Мақсад бир томонда қолиб, хаёлим, аксига олиб, ўшаларнинг кун бўйи пайсалга солиниб, мана энди тун сукунатию, унинг ҳувиллаган оғушида рўёбга чиқадиган хуфия суҳбатлари устида бўлиб қолганди. Мана шу гайриихтиёрий хаёлот васвасасида эрталабдан бери нималар бўлгани ҳам хаёлимга келавермасди. Шунинг учун кундалигимни йиғиштириб, ўзимни бошқа нарса билан чалгитиш пайига тушдим. Оромхонадан хужрамга ўтиладиган эшикни очиб, ундан ўтгач пардоз столчаси устидаги шам елви-

закдан ўчмаслиги учун эшикни қайта ёпиб қўйдим. Хужрам деразаси ланг очиқ эди. Тун манзарасига назар ташлаш хаёлида беихтиёр бориб, унга суяндим.

Ташқари қоп-қоронғи, сукунатда эди. На ой ва на юлдуз кўринадди. Ҳаво дим, ёмғир ҳиди сезиларди. Қўлимни дераза ташқарисига чўздим. Йўқ, ёмғир дараги келиб турибдию, лекин ҳали бошланмабди.

Деразага қапишганимча бинонинг қуйи қисмидаги воқеликлар — хизматкорларнинг аҳён-аҳёнан овози ёки олисроқда бекилаётган эшикларнинг гичирлашидан бошқа ҳеч нарса қулоғимга кирмай қарийб чорак соат чамаси тун зулматига паришонхотир тикилиб қолибман.

Кундалигимнинг якунига етмаган қисмини тамомлаб қўя қолишга яна бир бор уриниб кўриш ниятида оромхонамга қайтмоқчи бўлиб турган бир пайт дим ҳавода димоғимга тамаки ҳиди урилиб қолди. Лаҳза ўтмай бинонинг нариги четдаги зимистондан қип-қизил чўғ яқинлашаётганига кўзим тушди. Оёқ товуши қулоққа чалинмас, ўша чўгдан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. У тун зулматида муаллақ силжиганича мен турган дераза остидан ўтиб, шам шуъласи ёритиб турган оромхонам деразаси рўпарасида тўхтади.

Ўша чўғ бир зумгина тин олиб, яна орқа томонга силжиди. Ундан кўз узмай турарканман, анча олисдан унга яқинлашаётган иккинчи чўққа кўзим тушиб қолди. У аввалгисидан каттароқ эди. Зулмат қаърида иккаласи бир-бирига яқинлашди. Кимнинг қўлбола сигарету, кимнинг сигара чекишини хаёлимдан ўтказиб, дастлаб пайдо бўлиб, деразам томон кўз ташлаб қулоқ солгани граф, кейин унга қўшилгани сэр Персивал, деган қатъи қарорга келдим. Улар чим устидан юришган бўлсалар керак, акс ҳолда, графнинг (шағал устида юрганидаям) илвирсдек юришини пайқамасам ҳам, сэр Персивалнинг шахдам қадами қулоғимга чалинган бўларди.

Хонанинг қоронғи бағрида бўлганим учун ҳам уларнинг на унисю ва на буниси мени кўрмаслигига ишонганимдан дераза ёнидан жилмай туравердим.

— Ўзи нима гап? — сэр Персивалнинг шипшигани қулоғимга чалинди. — Нега ичкарига кириб, бемалол ўтираолмай турибсиз?

— Ана ўша дераза нурига қараб турибман-да. — оҳистагина жавоб берди граф.

— Ўша нур бошингизда ёнғоқ чақяптими?

— Чирогнинг ўчмагани — ледининг ётмагани. У — бениҳоя зийрак. Фаҳмлаб қолса, иложини топиб, пастга тушганича қулоқ солишдан ҳам тоймайди. Сабр қилинг, Персивал, сабр қилинг.

— Бемаънилик! «Сабр» сўзи оғзингиздан тушмайди.

— Бўёгини ҳам очиқ айтиб қўя қолайин. Инобатли дўстим, сиз ўз хонангиздаги жар ёқасида турибсиз. Мабодо каминангиз сизнинг шу аёллар олдида яна бир имконият яратишингизга йўл қўйгудек бўлса, муқаддас номим ҳаққи, улар сизни ўша жарга қулатишлари аниқ.

— Шайтон васвасасига тушиб нималар демоқчисиз?

— Деразадан таралаётган нур сўнгач, кутубхона икки ёнидаги хоналар бирма-бир кўздан ўтказилгач, ўшалар қатори зина ости ҳам қараб қўйилгачгина арзиҳоллашаверамиз.

Улар аста-секин нари кетдилар. Суҳбатлари илгаригидек паст овоз давом этаётган бўлса ҳам, лекин бутунлай эшитилмай қолганди. Ҳечқиси йўқ. Эшитганларим графнинг зийраклигим ва журъатим ҳақидаги фикрини оқлашга етарли эди. Ўша қизил чўғлар зулмат қаърида ғойиб бўлгунча аниқ бир қарорга ҳам келиб қўйгандим. Уларнинг суҳбати пайтида бегона тингловчи эҳтимоли бор эмиш. Ўша тингловчи, граф қанчалик эҳтиёткор бўлмасин, мен бўлишим керак. Бундай масъулиятни зиммамга олиб, уни амалга ошириш учун юрагимга ўт соладиган асос бўлиши керак. Ўшандай асосим — Лаураининг ор-номуси, Лаураининг бахт-саодати, қолаверса, Лаураининг тақдири эди. Бундай масъулият ҳосили эса шу оқшом қулоқларим динглигию қувваи муҳофазам асосида юзага келарди.

Графнинг Сэр Персивал билан ўтадиган ҳар қандай маслаҳат олтидан кутубхона икки ёнидаги хоналару зина остини қараб қўйиш лозимлиги ҳақидаги сўзлари қулоғимга чалинганди. Унинг ниятини ифодаловчи ўша сўзлари маслаҳат жойи кутубхона эканини маълум қилганди. Шу фикр хаёлимга келиши биланоқ унинг нечоғлик эҳтиёткорлигини пучга чиқариш яъни, бошқача қилиб айтганда, сэр Персивал билан ўзаро маслаҳатига (балодан ҳазар, деганларидек) пастга тушмаёқ қулоқ солиш имкониятим борлигини кўнглимга тугиб қўйдим.

Биринчи қаватдаги хоналар ҳақида сўз очганимда уларнинг бўғот пештоқли фаранги деразаларининг ташқарига очилишини ҳам тилга олиб ўтгандим. Ўша пештоқлар ясси бўлиб, уларнинг тарновларидан бочкаларга оқиб тушадиган ёмғир сувлари хўжалик эҳтиёжларига ишлатиларди. Оромхоналаримиз дераза-

лари пештахтасидан уч футча пастроқдан ўтадиган, усти тунука билан қопланган ўша бўғот пештоқлар устига гултуваклар терилган бўлиб, уларнинг шамол пайтларида ағдарилиб кетмаслиги учун пештоқ чеккалари нақшдор темир панжара билан тўсиб кўйилганди.

Ҳозиргина дилимга туғиб кўйган режам бўйича ўз ҳужрам деразасидан ўша бўғот пештоқ устига тушиб, тирқ этган овоз чиқармай аста силжиганимча кутубхона деразаси устигача етиб боришим, кейин гултуваклар орасига яшириниб олганимча пастга кўз-қулоқ бўлиб туришим керак эди. Мабодо сэр Персивал билан граф, бир неча кун аввалроқ кўрганимдек, креслоларини очиқ дераза ёнига суришиб олиб, оёқларини ялтироқ ўриндиқларга узатганларича чекиб ўтиришгудек бўлишса, уларнинг шивирлашдан баландроқ овозда айтиладиган ҳар бир сўзи (ҳаёт кўрсатганидек, ҳаммамизга маълумки, шивирлашиб узоқ гаплашиб бўлмайди) қулоғимга чалиниши турган гап. Мабодо, аксинча, бу оқшом хонанинг ичкарасига ўтириб олишгудек бўлишса, имкониятим чегараланиб, ё қисман эшитарман, ё мутлақо эшитмасман. У ҳолда рақибларимни доғда қолдириш учун таваккал қилганим ҳолда пастга туришимга тўғри келарди.

Бизнинг грибонимиздан сиқиб турган вазият туфайли ўз қасдимда қанчалик қатъи турмайин, ҳар ҳолда, сўнгги мажбурий қадамга муҳтож қилмасайди, деган умиддаман. Нима бўлганда ҳам, менинг бунчалар чиранишим бор-йўғи бир заифанинг жасорати эди-да. Шунинг учун ҳам тун зулматида бўғот пештоққа тушиб, сэр Персивал билан граф қамзига илиниб қолгудек масофага боришга журъат этишни ҳаёлимдан ўтказиб, юрагим орқамага торгганидан шаштимдан қайтворишимга ҳам сал қолди.

Аввал бўғот-пештоқ орқали амалга ошириладиган бу усулдан хавфсизроғини топиш ҳаёли билан аста-секин оромхонамга қайтдим.

Айрим сабабларга кўра устибошларимни бошдан-оёқ ўзгартиришим керак эди. Ипак кўйлагимни ечишдан бошладим. Ахир, ўша ҳувиллаган тунда ҳатто кўйлагимнинг қилпираши ҳам мени ошкор қилиб кўйиши мумкин эди. Кейин белимдан пастидаги оппоқ ва ҳалвираган томонини ҳам ўзимдан соқит қилиб, ўрнига тўқ рангли сурп юбка кийдим. Устидан сафари жуббамни ёпиниб, қалпоғини ҳам бошимга илдим. Одатдаги кечки либосимда камида уч кишининг ўрнини эгалагудек бўлсам, эндигисида — улар эғнимга ёпишиб тургани ҳолда, мен бемалол ўтишим мум-

кин бўлган туйнукдан биронта эркак зоти ўтиши амри маҳол эди. Бўғот-пештоқнинг қисик жойлари, у ҳам бўлса, гултуваклар ораси, қолаверса, бино деворию дераза усти оралиги нечоғлик энсизлиги назарга олингудек бўлса, бу тадбирнинг мушкуллиги яна ҳам очигроқ кўринарди. Мабодо бирон нарсани тушуриб юборгудек ёки андак ортиқча шарпага йўл қўйгудек бўлсам, бунинг оқибати нималарга олиб келишини ким билади?

Шамни ўчиришдан аввал гугуртни топиб, унинг олдига қўйиб қўйиш учун андак хаялладим. Кейин тимирскиланиб хужрамга ўтдим. Оромхонам эшигини қулфлагандек, хужрамни ҳам қулфладим. Кейин деразадан оҳистагина ошиб ўтиб, юрак ютгандек эҳтиётлик билан пештоқ бўйлаб олдинга силжидим. Менинг иккала хонам бинонинг ҳамма истиқомат қиладиган янги қанотида бўлиб, анча ичкарида эди. Шунга кўра кутубхона устидаги мўлжалга етиш учун бешта дераза ёнидан кесиб ўтишим керак эди. Биринчиси ҳисобланмаса ҳам бўлади — бўш хонаники, иккинчи ва учинчилари Лаурага тегишли хоналарники, тўртинчиси сэр Персивал хонасиники ва ниҳоят бешинчиси графиня хонасиники. Қолганлари графнинг либосхонаю ваннахонаси, шунингдек, айна вақтда бўм-бўш ортиқча хона деразалари бўлиб, улар олдидан ўтилмасди.

Дастлаб пештоққа тушганимда, мадам Фоско деразаси назарда тутилмаса, атроф қоп-қоронғи, ҳеч нарса кўринмас, тирқ этган шарпа эшитилмасди. Ўчашгандек, кутубхона устидаги ўша мен мўлжаллаб турган ерда чироғ шуъласи кўринарди. Графиня ҳали ётмаганди.

Чекинишга энди кеч бўлган, сабр қилиш фурсати ҳам эмасди. Нима бўлганида ҳам, ниятимдан қайтмасликка қарор қилдим. Тадбирнинг беҳатар амалга ошишидаги бирдан-бир умидим ўз эҳтиёткорлигиму тун зулмати эди. Бир қўлим билан жуббамни ҳимариб, иккинчиси билан бино деворига суянганимча олдинга қадам қўярканман хаёлимда «Лаура учун!» деб қўйдим. Оёқ изларимдан бир-икки бахягина четда қолаётган гултувакларга қоқилиб кетмаслик учун деворга қапишиброқ юришга тўғри келарди.

Ҳар бир қадамимни пайпаслаб босиб, мувозанат сақлаганимча бўш хона деразаси ёнидан ўтдим. Лаура хонасининг қоронғи деразалари ёнидан ҳам ўтдим. (Ё тангрим, уни ўзинг ёрлақаб, ўзинг асрагин!) Сэр Персивал хонасининг зулмат қоплаган деразаси ёнидан ҳам ўтдим. Кейин андак тин олгач, тиз чўкиб эмаклага-

нимча чироғ шуъласи чиқиб турган деразанинг пастки кесакиси билан том оралигига суқулдим. Бошимни кўтармай деразага разм солдим. Унинг устки қисми очиқ бўлса ҳам, лекин ички шабпарда тушириб қўйилган экан. Шу дақиқа мадам Фоско қораси кўриниб қолди — у парда ортидаги ёруғликни кесиб ўтиб, кейин шошилмай яна орқасига қайтди. У менинг шарпамни эшитмаган бўлса керак, акс ҳолда, унинг қораси парда орқасида тўхтаган бўларди. Бордию ташқарига қарамоқчи бўлганда ҳам деразани очиб, ташқарига бош чиқариб қарашга журъат қила олмасди.

Икки ёнимдаги гултуваклар ўрнини пайпаслаб белгилагач, кейин пештоқ четидаги панжара томон чўққайиб олдим. Гултуваклар ораси менга мўлжаллангандек, ортиқча қил ҳам сизмасди. Энди хиёл эгилиб панжарага аста бош кўярканман, чап томонимдаги гул чечаклари билан япроқлари яноғимни силаб тарқалган хушбўй ҳид димоғимга урилди.

Пастдан дастлаб қулоғимга чалинган товуш, ишнинг юришганини қаранг, эшикларнинг очилиши ёки ёпилиши (аниқроғи ёпилиши бўлса керак), граф кўздан ўтказиб қўймоқчи бўлган кутубхона икки ёнидаги хўжралару залнинг учала эшиклари шарпалари эканига шубҳам қолмади. Кўзимга кўринган дастлабки нарса яна ўша қизил чўғ бўлиб, пештоқ остида пайдо бўлиб, тун зулматида менинг деразам томон силжиб, андак тин олгач, орқага силжиганигача чиққан ерига кириб ғойиб бўлди.

— Астағфирулло, намунача потирлайсиз! Ўтириш кўнглингизда борми ўзи? — пастдан сэр Персивалнинг писандали гудрагани эшитилди.

— Уффф! Шунақа ҳам дим бўладими! — ҳансираганича бетоқатлик билан ҳомуза тортиб нолиди граф.

Унинг нидосидан кейин енгил креслоларнинг ерга ётқизилган кафеллар устидан сурилишидан чиққан ғичирлаш қулоққа чалинди. Бу уларнинг, одатдагидек, дераза ёнида ўтиришидан дарак эди. Шундай қилиб, омадим келиб турганди. Улар креслоларига хотиржам ўтиришганида минора соат чорак кам ўн иккига бонг урди. Деразанинг очиқ қисмидан мадам Фосконинг эснани эшитилиб, унинг қораси шабпарда ортидаги ёруғликни яна бир бор кесиб ўтди.

Пастда сэр Персивал билан граф ўртасидаги ўзаро суҳбат бошланган, уларнинг овози баъзан сал пасаярдию лекин шивирлашга ўтилмасди. Вазиятнинг мен учун ниҳоятда хавфлилиги мени таҳликага солар, мадам Фосконинг чироғи ёниб тургани туфай-

ли диққат-эътиборимни пастдагилар суҳбатига йўналтириш иложини қила олмасдим. Ўтган бир неча дақиқа ичи суҳбатнинг умумий маъносинигина илиб қола олдим холос. Менимча, граф чироқ нури чиқиб турган дераза унинг рафиқасига тегишли экани, бинонинг биринчи қаватида эса ҳеч ким йўқлиги, шунинг учун ҳам энди ҳеч нарсадан ҳадиксирамай бемалол суҳбатлашаверишлари мумкинлигини айтганди. Сэр Персивал эса бунга жавобан дўстининг кун бўйи унинг сўзларини инобатга олмай, ҳатто, манфаатларини ҳам назарга илмай қўйганини таъна қилди. Граф бунга эътироз билдириб, ўзини ҳимоя қилишга уриниб, бутун хаёли унинг оромини олган ташвишлару таҳликкалар билан банд бўлиб қолганидан ўзаро бафуржа гаплашиб олиш фурсатини кутгани, уларни ҳеч ким безовта қилмайдиган ва суҳбатларига кўз-қулоқ бўлиб турувчилар эҳтимолдан холи ўша фурсат келганини маълум қилди.

— Бизнинг ишларимизга басталик тушиб турибди, Персивал. — деди у. — Мабодо мўлжалимизни узил-кесил ҳал этиб қўйиш лозим бўлса, уни ҳозироқ хуфия ҳал қилиб қўя қолайлик.

Графнинг ўша гапи миямга ўтириб, қандай эшитган бўлсам, шундайлигича ёдимда қолган дастлабки ибора бўлди. Шу дақиқадан эътиборан (албатта, маълум узилиш ва сукутлари билан) бутун вужудимни кўз-қулоққа айлантирганимча суҳбатнинг ипидан игнасигача огоҳ бўлиб турдим.

— Басталик дейсизми? — такрорлади сэр Персивал. — Сизга айтгудек бўлсам, сиз ўйлаганингиздан ҳам баттароқ басталик.

— Сўнгги кунлардаги авзоимиздан ўзим ҳам шундай бўлса керак, деб фараз қилгандим, — деди иккинчиси совуққонлик билан. — Лекин андак сабр қилгайсиз. Мен ҳали ўзим беҳабар нарсадан гап очишдан аввал билганларимни аниқлаб кўнгилни равшан қилиб олсак. Сизга маслаҳат беришдан аввал ўтган кунларга тегишли тасаввурим тўғримикин, дастлаб мана шуни ойдинлаштириб олсам.

— Бренди билан сув олиб келгунимча андак сабр қилсангиз. Ўзлариям қиттай тортадиларми?

— Раҳмат, Персивал, яхна сув бўлса, жоним билан. Битта қошигу бир ваза қанти ҳам бўлсин! Ширин сув, қадрдоним, бошқа ҳеч нарса.

— Сизнинг ёшингиздаги азаматга қант билан сув нимаси! Муҳайё қилинади! Бадтаъм ширанингизни аралаштираверасиз. Сиз, хорижийларнинг томирингиз битта.

— Энди кулоқ солинг, Персивал. Ҳозир нима аҳволдалигимизни менинг тушунчам бўйича очиқ ойдин олдингизга қўймоқчиман. Мен ҳақманми ёки ноҳақ, ўзингиз айтарсиз. Сизу мен иккимиз бу хонадонга Қитъадан анча камхарж бўлиб қайтдик...

— Гапни қисқа қилинг! Мен бир неча мингта, сиз эса бир неча юзга муҳтож эдик. Ўша пуллар бўлмаса, иккаламининг холимизга маймунар йиглаб қолишган бўларди. Вазият мана шундай. Қўлингиздан келганини қилинг. Гапиринг.

— Маъқул, Персивал, сизнинг пурвиқор инглиз сўзларингиз билан ифодалагудек бўлсам, сиз бир неча мингта, мен эсам бир неча юзга муҳтож эдик. Ўша сизнинг ҳожатингизни чиқаргудек, қисман, менга ҳам ажратиладиган пулни қўлга киритиш учун бирдан-бир иложингиз хотинингиз кўмагига боғлиқ эди. Англияга қайтаётганимизда хотинингиз ҳақида нималар деган эдим? Бу ерга етиб келгач, мисс Ҳалкомбнинг қандай аёл эканини ўз кўзим билан кўргач, яна нималар деган эдим?

— Қаердан билай? Менимча, сиз одатдагидек санамай саккиз деб кўя қолгандирсиз.

— Мен бундоғ дегандим: инсон заковати, дўстим, ҳозиргача аёлларни эр измида тутишнинг фақат икки усулини кашф этган. Биринчиси асосан инсон зотининг жоҳил қўйи табақалари томонидан қўлланадиган — уларнинг попилтиригини пасайтириб қўйиш, лекин бу — ўқимишли, нозиктабиат зиёлилар синфи нафратланадиган усул. Иккинчиси (анчагина вақт оладиган, муркабброқ бўлгани ҳолда натижаси ундан кам бўлмаган) аёллар макрига учиб, уларнинг домига илинмай, қатъи ирода билан тазйиқ ўтказиб туриш. Ҳайвонларга нисбатан шундай муносабатда бўлинади; болаларга нисбатан ҳам шундай муомала қилинади. Хуллас, аёллар ҳам қаттиққўлликка муносибдир. Ахир, улар кабир бўлиб қолган сағирлар-да. Ўша қатъи иродага асосланган осойишта тазйиқ ҳайвонларга ҳам, болаларга ҳам, ҳатто, аёлларга ҳам хос бўлмаган бирдан-бир хусусиятдир. Мабодо улар ўз соҳибларининг мана шу устунлигига андак путур етказсалар, бас, жиловдан чиқиб кетишади. Аксинча, ўшанинг уҳдасидан чиқа олгудек бўлсалар, жилов соҳибнинг қўлида тураверади. Маблағ масаласида хотинингиз кўмагидан умидвор бўлгудек бўлсангиз, ўша оддий ҳақиқатни унутмаслигингизни айтгандим. Айниқса, хотинингизнинг опаси мисс Ҳалкомб ҳозир у нозир бўлиб турган пайтларда ўша қоидани ду бора эмас, ҳатто се бора ёдда тутишингизни тайинлагандим. Эсладингизми? Уму-

ман, бу хонадонда не можароларни кўрмадик. Хотинингиз билан опасининг истаган нағмасию инжиқлигига йўл қўйдингиз. Тажанглигингиз туфайли имзо ишлари барбод бўлди, тайёр пул қўлдан чиқди. Мисс Ҳалкомбнинг адвокатга йўллаган дастлабки хатига йўл қўйдингиз...

— Дастлабки! У яна хат ёздими?

— Шундай, бугун яна хат ёзди.

Балкон остонасига урилган кресло чил-чил бўлди, кимдир уни эзгилаб тепгандай эди.

Граф маълумотидан сэр Персивалнинг жиғи-бийрон бўлиши менинг нафим эди. Сирим яна бир бор ошкора бўлиб қолганини эшитиб титраб кетганимдан мен суянган панжара гичирлаб кетди. У мусофирхонага орқамдан изма-из борганмикин? Унга почтадан жўнатгулик хатим йўқ, деганимда хатни Аннадан бериб юборган бўлса керак, деб ўйлагандир. Мабодо шу хаёлга борганда ҳам, хатлар менинг қўлимдан тўғри қизнинг сийна банди ортига тушиб кетгач уларни қандай назардан ўтказдийкин?

— Тангрига шукр қилинг, бахт юлдузингиз порлоқ экан. — графнинг гаплари қулоғимга чалинди. — Менинг шу ердалигим асқотиб, пачаваси чиқиб кетаётган ишларингизни ўз вақтида тўғрилаб турибман. Тангрига шукр қилинг, яхшиям ўйламай ноҳўя қадам ташлаб — хотинингиз устидан қулфлаб қўйганингиздек, бугун мисс Ҳалкомб устидан ҳам қулф солдираман, деб валдираганингизда шаштингиздан қайтариб қолдим. Кўзингиз қаерда? Мисс Ҳалкомб сиймосида эр киши пуркорлигию иродасини кўрмаясизми? Шу аёл менга улфат бўлиб қолганида борми, бутун дунё гавғоларига қўл силтаб қўя қолардим. Шу аёл душманим бўлса, ҳатто ақл-заковат, тажрибаларимга қарамай (ҳа, сиз минг маротаба юзимга солганингиздек), шайтонга ҳам фириб бериб кетадиган Фоско бўлсам ҳам, инглиз ибораси билан айтганда, қил устида юрган бўлардим! Мана шу буюк хилқат... Манави ширин сувимни ўшалар саломатлиги учун ичаман... Мана шу буюк хилқат ўз муҳаббати ва жасорати туфайли биз иккимизу ўша нозик табиат, ҳуснда баркамол, бечораю беозор қаллиғингиз ўртасида гранит қоясидек қалқон бўлиб турибди. Сиз билан ўзимнинг нафимизни кўзлаб унга рақиблик қилиб турсам ҳам, бутун вужудим билан ҳавасимни келтираётган ўша матонатли аёлни, Персивал, унинг ўша заифалар зотидагилардан довьоракроғи ва абжирроғилигини тан олмай, қатъи чоралар кўришга мажбур этмоқдасиз. Пер-

сивал! Персивал! Сиз таназзулга лойиқсиз, асфаласофилинга кетиб бўлдингиз.

Орага жимлик чўкди. Ўзим ҳақимдаги ушбу манфур сўзларни ёзишимдан мақсад — куни келиб буларнинг ҳаммасини сўзма-сўз унинг юзига солиб, дилимни бўшатарман, деган умиддаман.

Сукунатни яна сэр Персивал бузди:

— Шундай, шундай. Истаганингизча айюҳаннос солиб, дагдага қилаверинг — деди у авзойи бузилиб. — Маблаг ташвиши бирдан-бир ташвиш эмас. Менинг дилимдагилардан сиз ҳам огоҳ бўлганингизда, бу аёлларни ўзингизоқ бирёғлик қилиб қўйган бўлардингиз.

— Ҳамма ишнинг ҳам ўз вақти бор. Иккинчи муаммоингизни кейинроқ мулоҳаза қилармиз. — эътироз билдирди граф. — Сиз истаганингизча валдирайверинг, Персивал, лекин мени довдирата олмайсиз. Келинг, аввал пул масаласини ҳал қилиб олайлик. Ўжарлигингизни уқдира олдимми? Ўжарлигингиз билан ишингиз унмаслигини уқдира олдимми? Ё ўшанга қайтиб, қадрдон инглиз тилингизда тўғриси айтиб қўя қолганингиздек, яна бошқатдан айюҳаннос солиб, дагдага қилайми?

— Бее! Менга ўшқиринг осон. Нима қилиш кераклигини айтинг, шуниси мушкулроқ.

— Шундайми! Ҳа-аа! Мана нима қилиш керак: шу кечадан эътиборан ҳамма тижорат ишларидан воз кечиб, буёғини менга қўйиб берасиз. Мен уддабурон инглиз фуқароси билан гаплашиб турибман-а? Жуда соз, уддабурон, сизга шу маъқулми?

— Ҳамма масъулиятни сизга топшириб қўйгудек бўлсам, нима қилмоқчисиз?

— Аввал менга жавоб беринг. Менинг ихтиёримда бўладиганми, йўқми?

— Сизнинг ихтиёрингизда, деб фараз қилинг, кейин нима бўлади?

— Баъзи бир саволлардан бошлашга тўғри келади, Персивал. Бироз сабр қилишим керак. Вазиятга кўра иш тутиш учун ҳозир у қандайлигини аниқлаб, унинг ҳамма чораларини кўриб қўйишим керак. Вақт зиқ. Мисс Ҳалкомб бугун адвокатга иккинчи маротаба хат ёзганлигини сизга айтдим.

— Буни қаердан била қолдингиз? Ўзи нима деди?

— Сизга айтадиган бўлсам ҳам, Персивал, барибир ниҳояси ҳозирги нуқтага келиб тақалади. Билиб олганимнинг ўзи катта гап. Ўшандан огоҳ бўлганим туфайли безовталигу таҳлика бошла-

ниб, бугун кун бўйи сиздан қочиб юрганимнинг сабаби ҳам шу. Энди ишларингизни эслайдиган бўлсак, бу ҳақда гаплашганимизга анча бўлиб қолди. Керакли пул қаллигингизнинг имзосийёқ уч ой муддатли вексел тариқасида олингани, бунинг устидаги фойда ҳақи мен бечораҳол ажнабийнинг хаёлига келиб қолгудек бўлса, тепа сочини тикка қилгудек-а! Вексел муддати битиб қолгудек бўлса, наҳотки, қаллигингиз кўмагидан бошқа, ўшалар қимматини қоплагудек бошқа биронта чора топилмаса?

— Мутлақо иложи йўқ.

— Нима! Банкка қўйилган пулингиз ҳам йўқми?

— Бор-йўғи бир неча юз, менга эса бир неча минг керак.

— Гаровга қўйиб, қарз кўтаргудек бисотингизчи?

— Ҳеч вақо йўқ.

— Ҳозир қаллигингиз билан ўзингизнинг нима даромадингиз бор?

— Қаллигимнинг йигирма минг фунтидан келадиган даромадан ташқари ҳеч вақо, кундалик харажатимизга аранг етади.

— Мерос масаласида қаллигингиздан нима умидидасиз?

— Амакилари оламдан ўтиб қолса, йилига минг.

— Омадингиз чакки эмас, Персивал. Ўша амакиси қанақа одам ўзи, қарими?

— Йўқ. Қари ҳам, ёш ҳам эмас.

— Хуштабиат, бадавлатгина кишиларданми? Уйланганми? Йўғ-а, хотиним уйланмаган деганди шекилли.

— Уйланмаган албатта. Мабодо уйланиб, ўғли бўлганида эди, леди Глайд меросхўр бўла олмасди. Унинг кимлигини сизга айтиб қўя қолайин. У миёнғи, вайсақи, худбин бир тентак, унга яқинлашганки одамга саломатлигидан нолигани нолиган.

— Бу тоифа кишилар, Персивал, узоқ яшашади. Ҳатто, ўчакишгандек, ҳеч қутилмаганда уйланиб ҳам олишади. Йилига уч мингдан олиб туриш ниятингизнинг рўёбга чиқишига, дўстим, кўнглим унча ишонқирамай турибди. Қаллигингиз томондангиз қутиладиган бошқа даромадга умид йўқми?

— Умид йўқ.

— Мутлақо-я?

— Унинг ўлими назарда тутилмаса, бошқа мутлақо.

— Ана! Ўлиб-нетиб қолгудек бўлса, денг.

Орага яна жимлик чўкди. Граф айвондан ҳовлининг шағал ётқизилган сўқмоғи томон йўналди. Бу унинг овозидан билиниб турарди.

— Ниҳоят ёмғир ҳам бошланибди. — Унинг овози қулоғимга чалинди. Ҳақиқатан ёмғир бошланган эди. Эгнимдаги плашнинг жикқа ҳўллиги ҳам анчагина ёққанини кўрсатарди.

Граф айвонга қайтди. Кейин ўз жойига ўтираркан унинг зал-ворида бўлса керак, кресло гичирлаб кетди.

— Шундай қилиб, Персивал, — деб қолди у. — леди Глайд оламдан ўтгудек бўлса, сизга нима тегади?

— Мабодо у фарзандсиз ўтса...

— Ниятида борми ўзи?

— Мутлақо йўқ шекилли.

— Шундай денг?

— Акс ҳолда йигирма минг фунт менга тегармиди.

— Нақд тўланадими?

— Нақд.

Улар яна жимиб кетишди. Овоз тиниши биланоқ парда орқасида яна мадам Фоско қораси кўринди. Бу гал энди ўтиб кетмай, бир лаҳза қимирламай туриб қолди. Парда бурчагидан панчалари чиқиб, уни бир томонга суриб қўйганига кўзим тушди. Дераза ортида унинг бошимдан юқорироққа тикилган гира-шира юз қиёфаси кўриниб, қоп-қора плашимга бурканганимча нафасимни ичимга ютиб турдим. Мени жикқа қуяётган ёмғир дераза ойналарини ҳам қоплаб қўйганидан унга ҳеч нарса кўринмасди. «Яна ёмғира!» деб гудурангани қулоғимга чалинди. Парда ёпилиб, яна эркин нафас ола бошладим.

Пастимдагиларнинг суҳбати давом этиб, бу гал граф тилга кирди:

— Персивал! Қаллигингизга кўнглингиз борми?

— Фоско! Бу ошқора савол-ку.

— Мен чўрткесар одамман, саволимга жавоб беринг.

— Қайси жин чалиб, менга бундай тикилиб қолдингиз?

— Жавоб бера олмайсиз-а? Яхши, ундай бўлса, айтайлик, ёз чиққунча қаллигингиз оламдан ўтди...

— Бас қилинг бунди, бас қилинг деяпман!

— Ўшандай бўлса, йигирма минг кўлингизга киради, акс ҳолда...

— Бир йиллик уч минг имкониятидан ажраламан.

— Нася имконият, Персивал, фақат нася имконият. Сизга пул ҳозир керак. Вазиятингизга кўра, насясидан нақди аълороқ.

— Мен учун қайгуравермай, ўзингизни ҳам ўйланг. Ниятимдаги пулнинг бир қисми сизга қарз берилиши мумкин. Ма-

бодо ишингиз ўнгидан келса, қаллигимнинг ўлими хотинингиз ҳамёнига ўн минг фунт солиб қўяди деяверинг. Очиқ кўнгилсизу, мадам Фоско меросини атайлаб хаспўшлаётгандек кўри-насиз. Менга бунақа бўзрайманг! Табиатим кўтармайди. Авзонингиз билан саволларингиз дилимни таҳликага, бутун вужудимни ларзага солди.

— Вужудим дейсизми? Вужуд инглиз тилида виждон маъноси-ни англатадими? Қаллигингиз ўлими ҳақида сўз очарканман, шундай бўлиб қолиши эҳтимолини назарда тутяпман. Буни инкор этиб бўлармиди? Хужжатлару васиқаларингизни сарамжону саришта қилиб турувчи, қилни қирқ ёрадиган мўътабар ҳуқуқшунослар ҳам ўлимга тик қарайдилар. Ўшалар фаолияти ҳам вужудингизни ларзага соладими? Нега сўзларим ёқмайди? Бирон бир хатога йўл қўймаслигим учун бугун сизнинг вазиятингизни аниқлаб олишим керак эди, ана ўшани ниҳоясига етказиб қўйдим. Сизнинг аҳволингиз қуйидагича: қаллигингиз ҳаёт экан, векселлар қимматини ўшалар имзоси билан тўлайсиз. Мабодо улар оламдан ўтгудек бўлса, векселларни бошдан соқит қилиш учун ўшанинг ўзи кифоя.

Граф шундай деб турганида мадам Фоско хонасидаги чирроғ ўчиб, бинонинг иккинчи қавати тамоман зулматга чўмди.

— Валдирайверинг! Валдирайверинг! — гўлдиради сэр Персивал. — Сўзларингизгни эшитган одам ўша хужжатлар қаллигимнинг имзоси билан мухтасар қилиб қўйилибди, деб ўйлайди.

— Бу ишларни менга ҳавола этиб қўйдингизку, — шартта жавоб берди граф — Шундай экан, бунинг уддасидан чиқиш учун ихтиёримдаги икки ойдан зиёдроқ вақт кифоя. Бу ҳақда бошқа оғиз оча кўрманг. Ижозатингиз билан энди бу масалага нуқта қўямиз. Векселлар муддати келгач менинг валдираганимда жон бирлигига ўзингиз ҳам иқрор бўлиб қоласиз. Энди, Персивал, маблағ масалалари ҳозирча ҳал бўлгач, кейинги муаммо бўйича маслаҳатлашмоқчи бўлсангиз, бутун эътиборим сизнинг ихтиёрингизда. Сизни танг аҳволга солиб қўйган ўша масала (у сизни бутунлай бошқача қилиб қўйди) ўртага суқулиб, иккаламизнинг ҳам дилимизни сал хира торттиргандек бўлди. Гапираверинг энди, дўстим, мабодо иккинчи стакан ширин сувни аралаштириб соф миллий дидингизни андак хижил қилгудек бўлсам, мени маъзур тутгайсиз.

— Гапираверинг дейиш осон, — жавоб берди сэр Персивал илгаригидан кўра сал босигида ва мулойимроқ оҳангда. — Лекин нимадан бошлашимни ҳам билмай қолдимда.

— Ёрдамлашиворайми? — граф унинг жонига оро кирмоқчи бўлди. — Ўша шахсий муаммоингиз нималигини айтиб берайинми? Уни Анна Катерик, деб атасам нима дейсиз?

— Менга қаранг, Фоско, сиз билан мен бир-биримизни анчадан бери яхши биламиз. Шу кунгача сиз менга бир-икки маротаба ёрдам қўлингизни чўзиб ҳожатимни чиқардингиз. Мен ҳам бунга жавобан қўлимдан келганича, пул билан битса ҳам, ёрдамимни аямадим. Хуллас, эркаклар удумича, иккала томон ҳам бир-бировидан дўстона муруватларини аямадилар, лекин, тўғриси айтганда, ўзаро пинҳон сирларимиз ҳам бор, шундай эмасми?

— Сиз мендан бир сирни пинҳон тутардингиз, Персивал, Блэквоутер Паркдаги жавонингизда турган бир скелетнинг учи очилиб, яқин кунларда сиздан бошқа ҳаммага маълум бўлиб қолди.

— Хўш, шундай деб фараз ҳам қилайлик. Сизга дахли бўлмаса, уни тимирскилаб нима қиласиз, шуни ҳожати борми?

— Ўшани тимирскилаётгандекманми?

— Шундай, тимирскилаяпсиз.

— Ана холос. Ана холос. У ҳолда қиёфам ҳақиқатни ошкора қилиб тураркан-да? Менинг ёшимга етган бир кишининг қиёфаси ҳамон ҳақиқатни акс эттириб турса, бу ўша кимса табиатидаги олийжаноблик фазилати эмасми? Келинг Глайд! Бир-биримизга содиқ бўлайлик. Ҳалиги сирингизни тасодифан билиб қолгандим. Изидан тушмаганман. Келинг, мени синчков, деб ҳисоблаб кўя қолайлик. Лекин қадрдон дўстингиз сифатида сирларингизни муқаддас билиб, уларни фақат ўз виждонингизга ҳавола этишим керак эмасми?

— Шундай, худди мана шуни сиздан илтимос қилмоқчи эдим.

— У ҳолда менинг синчковлигимни барҳам топди деяверинг. Шу дақиқадан эътиборан ботинимдаги ўша хусусият сўнди.

— Ҳақиқатан ҳам ниятингиз шуми?

— Нима учун менга ишонмайсиз, сабаби борми?

— Тилингизнинг тагида тилингиз бор-да, Фоско, бу менга маълум-ку? Шунинг учун ҳам тилимни ўз холига қўйишингизга ишончим йўқ. Вақти-соати келгач ичимдан суғуриб оласиз.

Кутилмаганда яна пастдаги кресло гижирладию остимдаги гажмдор темир устун ларзага келгандек бўлди. Графнинг хуноби ошиб, ўрнидан турганича жаҳл билан устунни муштлаган экан.

— Персивал, Персивал, — ўшқирди у айюҳаннос солиб. — Наҳотки мени шунчалар пасткаш деб ўйласангиз? Мен билан шунча гаплашиб, феълимни билиб олмадингизми? Мен антиқа

одамман! Имкониятини топсам, не-не муаззам ишлар қўлимдан келади. Ҳаётимда бахтимнинг кулиб боқмагани шундаки, ўша имкониятларга етиша олмадим. Дўстлик мазмуни мен учун муқаддас! Скелетигизнинг ўзи мўралагандек менга мингайиб қараб турса, менинг айбимми? Синчковлигимни нега тан оляпман? Сиз бечора юзаки инглиз, шунга яхши билиб қўйинг, бу билан мен ўз иродамни яна бир бор тоблаб олмақчиман. Хоҳласам, кўз очиб юмгунча сиригизни ичингиздан сугуриб олиш қўлимдан келишини биласиз! Лекин сиз менинг дўстлигимга тил тегиздингиз, дўстлик шартлари эса мен учун муқаддас. Кўриб қўйинг! Мен тубан синчковлигимни оёқ ости қилмоқдаман. Жунбушга келган ҳиссиётим мени ундан халос этди. Буларнинг фарқига боринг, Персивал! Ўрнак олинг, Персивал! Келинг, қўл олишиб қўяйлик. Мен сизни кечирдим.

Ўша сўнги сўзлар нидодек туюлди, гўё у ҳақиқатан ҳам кўз ёши тўкаётгандек нидо қиларди!

Сэр Персивал мулзамлик билан узр сўраш тараддудига тушди. лекин унинг сўзлари саховатли графнинг қулоғига кирмасди.

— Ҳожати йўқ! — деди у. — Дўстим мени ранжитган бўлса, узр сўратмасданоқ унинг гуноҳидан ўтиб юбораман. Очигини айтинг, сизга ёрдам беришимни истайсизми?

— Албатта, истаганда қандоқ.

— Ундай бўлса, қанақа ёрдамлигини ўз шаънингизга тегмайдиган қилиб айта оласизми?

— Ҳар ҳолда, айтишга уриниб кўраман.

— Уриниб кўрингчи.

— Шундай қилиб, гап бундоқ: бугун сизга айтганимдек, иложим борича Анна Катерикни топишга ҳаракат қилдим, лекин бундан бирон натижа чиқмади.

— Ҳа, айтгандингиз.

— Фоско, мабодо уни топмагудек бўлсам, мен асфаласофилинга кетдим.

— Иййе! Шунчалар нозик масалами?

Ингичка ёруғлик нури айвондан таралиб шағал сўқмоқни ёритди. Граф дўстининг юзига зеҳн солиш учун хона ичкарисидан лампа чироғни олиб олган эди.

— Ҳа! — деди у. — Бу гал юзингиздан ҳақиқат кўриниб турибди. Пул масаласидек, албатта, жиддий масала.

— Ундан ҳам жиддийроқ. Шу ерда ўтирганим ҳақиқат бўлганидек, анча жиддийроқ масала.

Чироқ нури яна қайта ғойиб бўлиб, суҳбат давом этди.

— Анна Катерикнинг қаллигимга ёзиб, қумга қўмиб кетган мактубини сизга кўрсатган эдим — Сэр Персивал сўзини давом эттирди. — Ўша хат мазмуни мақтаниш эмас, Фоско. У сирни аниқ билади.

— Иложи борича, Персивал, менинг олдимда ўша сир ҳақида огиз очманг. Сирингизни у ўз огзингиздан эшитганмиди?

— Йўқ, онасидан эшитган.

— Шахсий ишларингиздан икки аёлнинг хабардор бўлиши яхшилик аломати эмас, дўстим, яхшилик аломати эмас! Буёғига ўтишдан аввал яна бир савол. Ўша қизни нима учун васвасахонага тиқиб қўйганингиз энди менга аён, лекин унинг қандай ғойиб бўлиб қолганига тушунмайроқ турибман. Бунда душман қўли борлиги, қизга кўз-қулоқ бўлиб турганлар ўшалар тазйиқи билан уни атайлаб қочириб юборишмаганмикин, деган гумонингиз йўқми?

— Йўқ, у ўша ердаги энг мўмин-қобил хасталардан эди. Шунинг учун ҳам, атрофидаги каллаварамларнинг ундан кўнгли тўқ экан. Аслида, у васвасахонада тутгудек тентак бўлса ҳам, лекин ўз холига қўйиб берсангиз, мени хароб қилгудек ақлу-ҳуши ҳам бор. Кошки, ўша нозик томонларини илғаб олсангиз.

— Ҳаммасини тушуниб турибман. Келинг, Персивал, гапнинг пўст каласини айтиб қўя қолинг, мен ҳам нима чора кўриш тараддудига тушайин. Назарингизда ҳозир хавф-хатар нимадан иборат?

— Анна Катерик шу атрофда ўралашиб, леди Глайд билан учрашиб турибди. Ишнинг пачаваси чиқиши аниқ. Наҳотки, у қумга қўмиб кетган хатни ўқиган одам қаллигимнинг ўша сирдан хабардорлигини фаҳмламаса? Тилида буни рад этаверади-да.

— Андак сабр қилинг, Персивал. Леди Глайд ўша сирдан огоҳ бўлиб қолган экан, демак сизнинг шаънингизга доғ туширишини ҳам билиши турган гап. У сизнинг қаллигингиз бўлгач, буни сир тутишдан унинг ўзи ҳам манфаатдор эканлигига шак-шубҳа йўқку!

— Шундай деб ўйлайсизми? Бошқа томони ҳам борда. Унинг кўнгли аросат жафосини тортмаганида, ўзини ҳам ўйлаб қолган бўларди. Лекин мен бошқа бир киши йўлида тўғаноқ бўлганман-да. Менга турмушга чиққунигача қаллигим ўша кишини севаркан. Ҳартрайт исмли ўша дарбадар иблис мусаввирдан ҳали ҳам кўнглини узгани йўқ.

— Азизим! Бу гайри табиий нарсами? Уларнинг ҳаммаси ҳам бошқа бировга ошиқу беқарор бўлишади. Аёл қалбини биринчи бўлиб ким забт қилибди. Менинг тажрибам шуни кўрсатадики, бунақа биринчисини ҳали учратмаганман. Баъзан, иккинчиси бўлиши мумкин. Кўпроғи учинчи, тўртинчи, бешинчиси бўлади. Биринчиси ҳеч қачон!» Ўшанга мушарраф бўлган одам, албатта, топилади, лекин мен уни ҳалигача учратганим йўқ.

— Сабр қилинг! Ҳали тамомлаганим йўқ. Васвасахона одамлари Анна Катерик изига тушганида унга дастлаб ким кўмаклашган, деб ўйлайсиз? Ҳартрайт. Кумберландда уни яна учратган ким деб ўйлайсиз? Ҳартрайт. Иккала гал ҳам Анна Катерик билан бирма-бир гаплашган. Тўхтанг! Сўзимни бўлмайд туринг. Ўша савил бизнинг ёрга хуштор, буниси ҳам унисига хуштор. Сир унга маълум, сир бунга ҳам маълум. Улар яна бир бор учрашиб қолгудек бўлса, иккаласи мақсадни бир ерга қўйиб, менга қарши тил бириктиришлари мумкин.

— Оғирроқ бўлинг, Персивал, оғирроқ бўлинг! Леди Глайд садоқатини сезмайсизми?

— Леди Глайд садоқати ўз йўлига! Мен унинг пулидан бошқа ҳеч нарсага ишонмайман. Аҳвол қанақалигини кўрмайсизми? Леди Глайднинг ўзи беозор бўлиши мумкин, лекин анови дарбадар Ҳартрайт билан бириккудек бўлса...

— Тўғри, тўғри, кўриб турибман. Ҳартрайт жанобларининг ўзлари қаерда?

— Чет элда. Териси шилиниб кетмаслигини ўйласа, қайтишга шовилмаслигини маслаҳат берардим.

— Унинг чет элдалигига ишончингиз комилми?

— Албатта. Мени уни Кумберленддан жўнаб кетганидан то соҳилдан узоқлашганигача кузатганман. Эҳ-ҳа, мен сизга айтсам, қанчалар эҳтиётлик билан иш тутишга тўғри келди. Анна Катерик Лиммериж яқинидаги бир фермер хонадонидан ким биландир бирга турганди. У менга чап бериб, ҳеч нарса билмагандай ғойиб бўлганида ўша ерга ўзим боргандим. Қизини васвасахонага жойлаганим туфайли шаънимга ёғиладиган маломатлар олдини олиб мисс Ҳалкомбга хат ёзиб қўйиши учун унинг онасига хат намунасини ҳам бериб қўйгандим. Бу қизни қидиришга қанчалар пул сарф қилмадим, қанчалигини ўзим ҳам аниқ билмайман. Шунга қарамай, у яқин атрофда пайдо бўлиб, ўз мулкимада ўзимга чап беради-я! Ким билсин. яна кимлар у билан учрашиб, яна аллакимлар у билан гаплашаётганикин? Ҳалиги хархаша қилаётган

савил Ҳартрайт қайтиб қолиши (мен эсам бундан беҳабар қолиб) ва эртагаёқ уни ишга солиши мумкин.

— Лекин у ишга солиб бўпти, Персивал. Мен шу даргоҳда эканман, ҳалиги аёл ҳам яқин атрофда экан, ҳатто Ҳартрайт жаноблари қайтиб келган бўлсалар ҳам, ўша аёлни ундан бурунроқ қўлга олиш вазифасини ўз зиммамга оламан. Тушуниб турибман! Ишонаверинг, ишонаверинг, тушуниб турибман! Дастлаб Анна Катерикни топишингиз керак. Қолганларидан хотиржам бўлаверинг. Қаллигингиз шу ерда — бош бармогингиз остида. Мисс Ҳалкомб эса ундан заррача ажралмайди, демак, у ҳам сизнинг бош бармогингиз остида. Ҳартрайт жаноблари бўлса чет элда. Айни вақтда биз фақат сизнинг ўша ғойиб бўлиб турган Аннангиз ҳақида бош қотиришимиз керак. Сиз уни суриштириб кўрдингизми?

— Суриштирдим, онасига учрадим, қишлоқнинг ҳам ковак-бурчакларини ҳам қолдирмай қидириб чиқдим. Бирон натижаси бўлмади.

— Онасига ишонса бўладими?

— Бўлади.

— Сирингизни бир маротаба фош қилиб қўйибди-ку.

— Бошқа айтмайди.

— Нега айтмайди? Пинҳон тутишидан ўзи ҳам манфаатдорми?

— Шундай, ўзи ҳам манфаатдор.

— Бу бошқа гап, Персивал. Кўнглим анча таскин топди. Сизни ўйлайманда. Ноумид бўлманг, дўстим. Маблағ масалалари билан шуғулланиш муддати, сизга айтганимдек, анча бемалолроқлигидан қўл-оёғимни боғламайди. Шунинг учун эртаданоқ Анна Катерик пайига тушиб, омад сизга ёр бўлмаган бўлса, менга кулиб боқар, деган умиддаман. Хайрли тун, дейишдан олдин яна бир саволим бор.

— Нима савол экан у?

— Гап бундоғ. Имзо масаласидаги арзимас расмиятчилик қолдирилганини леги Глайдга айтиб қўйиш ниятида қайиқхонага борганимда, тасодифан, қаллигингиз билан галатироқ хайрлашиб кетган нотаниш бир аёлга кўзим тушиб эди. Лекин ўша аёлнинг юзини аниқ эслаб қолгудек яқинига бориш насиб этмаганди. Кўринмас Аннамизни қандай таниб олишни билишим керак. У кимга ўхшайди ўзи?

— Кимга ўхшайди? Икки сўз биланоқ уқдириб қўяман. У қаллигим касалванд қиёфасининг ўзгинаси.

Кресло яна гичирлаб, устун ҳам дириллади. Граф сапчиб ўрнидан турган, лекин бу гал ҳайратланганидан шундай бўлганди.

— Нима дедингиз!!! — чинқириб юборди муштоқлик билан.

— Қаллигимнинг оғир хасталигидан сўнг тасаввур қилаверинг. Миясида ҳам нимадир етишмаслигини ҳам назарда тутсангиз бас, ана сизга тайёр Анна Катерик, — жавоб берди сэр Персивал.

— Улар қариндошми?

— Мутлақо йўқ.

— Қондош бўлмаса ҳам, шунчалар ўхшашми-я?

— Ҳа, жуда ўхшаш. Нега куляпсиз?

Жавоб бўлмади, бошқа бирон-бир садо ҳам чиқмади. Граф иччида мугомбирона куларди.

— Нега куляпсиз? — такрорлади сэр Персивал.

— Хаёлот олиб қочди шекили, саодатли дўстим. Италияликлар ҳажвини эшитиб қўйинг: мен ахир, Пунч дурдоналарини яратган мумтоз миллат вакилиман-а! Қойил, қойил, қойил, Анна Катерикка кўзим тушса бас, уни таниб оламан. Бугунги суҳбатимизни шу билан якунласак! Миянгишни қотираверманг, Персивал. Ухланг, ўғлоним, ухланг. Тонг нурлари таралиб, бизга мадад бўлгач, менинг сиз учун нималарга қодирлигимни кўрарсиз. Лойиҳалару режаларимни мана бу буюк калламда пишитиб қўйганман. Ўша векселлар харажатидан қутуласиз, Анна Катерикни ҳам топасиз. Қасамёд этишга ҳам тайёрман. Мақсадга, албатта, етишасиз. Мен қалбингизда жо бўлгудек дўстликка арзийманми-йўқми? Ҳозиргина сиз менга шама қилиб ўтган қарзимчалик қадрим йўқмикин? Нима қилганингизда ҳам, бундан буён қалбимни ортиқча жароҳатламагайсиз. Шуларни тан олинг, Персивал. Шунга яраша иш тутинг, Персивал. Яна бир бор гуноҳингиздан ўтиб, яна қўлингизни сиққанымча «Хайрли тун!» дейман.

Бошқа биронта сўз айтилмади. Графнинг кутубхона эшигини ёпгани қулоғимга чалинди. Сэр Персивалнинг эса дераза қопқаларини сургани эшитилди. Ёмғир тинимсиз савалаб ёққанди. Қимирламай ўтираверганимдан совуқ бадан-баданымдан ўтиб, қотиб қолибман. Жиламан деб ҳаракат қилганимни биламан, бутун вужудимга оғриқ кириб, қимирлай олмай қолдим. Кейин яна уриниб жикқа ҳўл бўғот сатҳига аранг чўккаланиб олдим. Деворгача эмаклаган ҳолда сурилиб бориб, унга суянганимча қаддимни ростлаб олгач, орқамга қарадим. Граф сарупохонаси деразаси-

да чирог шуъласи кўринарди. Сўниб қолган шижоатимга яна шижоат қўшилиб, унинг деразасидан кўз узмай, девор багирлаб қадамма-қадам силжиганимча орқага қайтдим.

Ўз хонам деразаси кесакисига қўлимни қўярканман соат бонг урди — бирдан 15 дақиқа ўтганди. Назаримда, хуфия пистирмамни сезишиб қолдимикин, деб гумон қилишга асос бўлгудек ҳеч нарса кўзимга кўринмади, қулоғимга ҳам ҳеч нарса чалинмади.

Х

20 июнь. Соат саккиз. Куёш мусаффо кўк гумбазида порлаб турибди. Мен эсам ҳали каравотим яқинига ҳам борганим йўқ — хоргин кўзларимдан уйқу қочган, тунни мижжа қоқмай бедор ўтказганман. Кеча тун ярмида деразага ясланиб зулмат қаърига назар ташлаган бўлсам, бугун шу онда худди ўша деразага ясланиганимча куёш нурлари билан чарақлаб турган ёруғ жаҳонни кўриб турардим.

Ўзимни мана шу хона паноҳига олганимдан бери ўтган соатлар, назаримда, ҳар бир соат ҳафтадек чўзилганди.

Вақт елдек ўтади-ю, лекин тун қоронғусида эгним шилтаюшалаббо, совуқ суяк-суягимдан ўтиб, ночор аҳволда мўлтиллаб қолган ожиз бир махлуқ қиёфасида мана шу ер — бўғотда ўтказган пайтдан бошлаб, назаримда, интиҳосиз чўзилиб кетганди.

Қачон эс-хушимга келганимни эслай олмайман, қачон оромгоҳимга ўтиб, шамни ёққаним, эгни-бошимни алмаштириш учун куруқ кийимларимни қидирганимни ҳам (аввалига уларнинг қаердалигига ҳам фаросатим етмабди) эслай олмайман. Шулар билан овора бўлганим гира-шира ёдимда қолган бўлса ҳам, аниқ эслай олмасдим.

Хатто ёмғирда бўкиб, совуқдан қақшаб қалтираган баданим қачон илиб, қачон иситма ҳароратидан ёна бошлаганимни ҳам эслай олмасдим.

Субҳи содиқдан аввалроқмикин! Ҳа, шундай. Соат учга бонг ургани қулоғимга чалинганди. Ўша пайтда сал хушёр тортиб, ақлухушим жойига келиши билан ҳис-туйғуларимнинг гоҳ таранглашиб, гоҳ жунбушга келганларини эслаганим ёдимда. Лаурани бу мудҳиш даргоҳдан олиб қочиш фурсати келгунча, ҳа, сезишиб қолиб зудлик билан изимизга тушишиб қолмайдиган фурсат келгунча тишимни тишимга қўйиб сабр қилиш ва ўта хушёр бўлишга қатъи аҳд қилганим ҳам эсимда. Ўша икки нуханинг ўзаро

гаплари бу хонадонни тарк этишимизнигина далили бўлмай, ҳатто ўзимизни ҳимоялашда уларга қарши қурол бўлишини ҳам дилимга тугиб қўйганим эсимда. Шунинг учун ҳам ўша гаплар хотирамдан қўтарилмай туриб, фурсат ганиматида уларни оқизмай-томизмай қоғозга тушириб қўйиш лозимлиги хаёлимдан ўтганини эслайман. Ҳаммаси ёдимда, — улар миямда ҳали айқаш-уйқаш бўлиб кетганича йўқ. Бу ерга тонг ёришишидан анча олдин қоғоз, ручка ва қаламим билан чиққандим. Аёзли тун ҳавосида ақлу-хушимни йиғиб олиш учун ланг очиқ турган дераза ёнига ўтирдим. Шу хонадондагилар уйғонишиб, атрофга ёйилишгунича бир нафас ҳам тинмай, чарчаш нималигини билмай, ҳатто, уйқум ҳам келмай тинимсиз ёздим. Ҳанузгача ёдимда: шам ёруғида ёзишни бошлаган бўлсам, келаси куни қуёш уфқдан бош қўтаргунча уни ниҳоясига етказибман!

Нега қаққайиб ўтирибман? Нега шу ёзув-чизувлар учун кўз нуриمنى тўкканимча иситма ҳароратида ёнётган бошимни қотираман-а? Нега мундоқ ётиб ором олиш билан мени куйдириб кул қилаётган ҳарорат азобини уйқу билан сўндириш пайига тушмайман?

Бунга юрагим дов бермайди. Ҳар қандай бошқа таҳлиқкалардан кўра хатарлироқ ваҳима остида қолганман. Танамни ёндираётган ҳарорат ҳам юрагимни ўйнатиб турибди. Хаёлимдан чиқмай бошимни қотираётган хавфу хатарлар тинчлигимни олган. Ҳозир ётиб олгудек бўлсам, ўз ақл-идроким билан қайта уйғониб, ишга киришишга қурбим етармикин?

Эҳ, ёмғир, ёмғир, раҳми йўқ ёмғир, ўтган кеча мени роса бошладинг — суяк-суягимдан ўтказиб яхлатдинг!

Соат тўққиз. Саккизта бонг урилдими ёки тўққизтами? Тўққизта бўлди шекилли-а? Яна қалтираяпман. Ёз фаслида бошимдан оёғимгача қалтироқ босиб турибди-я. Шу ерда ўтирганимча ухлаб қолибманмикин? Нималар қилиб қўяётганимни ўзим билмайман.

Ё парвардигоро! Касалга чалинай деб турибманми? Касаллик нимаси, шундай масъулиятли пайтда-я!

Нима бўлганда ҳам, бошим омон бўлсин-да, таҳликага тушиб қолганман. Ёзиб турибману сатрлар ўйнаб кетяпти. Сўзларни кўриб турибман. Лаура. Лаура деб ёза оламан. Ёзаётганимни кўриб ҳам турибман. Саккиз ёки тўққиз — қайси бири тўғри?

Ичимдан муз чиқаяпти, ичимдан муш чиқаяпти — ҳаммаси тунги ёмғирнинг касофати — соат бонглари, миямда узлуксиз уриб турган ўша бонглар, уларнинг ҳисобига ета олмасдим.

Изоҳ

Кундаликнинг мана шу қисмидан бошлаб ёзувлар ўз раволигини йўқотган. Кейинги икки-уч сатри бир-бирига қовушмаган сўз ёки сўз парчаларидан иборат бўлиб, ўшалар ҳам сиёҳ доғларига перо тирнаган чизиқлардан иборат холос. Ўша саҳифадаги сўнгги алоҳида-алоҳида бўжамалар леди Глайд исмининг дастлабки ҳарфларига (Л ва Г) мойил.

Кундаликнинг кейинги саҳифасидан бошқа мавзу бошланади. Бу ёзув эркак кишининг дастхати — йирик ҳарфлар билан аниқ ва текис ёзилган. Кўрсатилган муддати 21 июнь. Унинг мазмуни қуйидагича...

Содиқ дўст иловаси

Мўътабар мисс Ҳалкомбимиз бетоблиги туфайли ўша ақл-идрок намоёндаларнинг мутлақо ҳаёлимга келмаган таассуротларидан завқланиш имкониятига муяссар бўлдим.

Мен (ҳозиргина ўзим ўқиб чиққан) мана шу ажойиб кундалик таассуротларини назарда тутяпман.

У бир неча юз саҳифадан иборат. Қўлимни кўксимга қўйиб баралла изҳор этаманки, унинг ҳар бир саҳифаси мени ўзига мафтун қилиб, кўнглимга қувонч бағишлади, анча енгил тортдим.

Мендек нозик таъб бир кишининг қуйидаги сўзларига сазовор бўлиш ноёб мукофотдир.

Тасанноларга лойиқ аёл!

Мисс Ҳалкомбни назарда тутаман.

Бепоён заҳмат!

Кундаликка асосланаман.

Худди шундай! Кундалик саҳифалари кишини ўзига мафтун этади. Менинг эътиборимни тортгани шу аёл феълдаги шуур, сабр, ноёб шижоат, хотира ҳофизасининг нечоғлик теранлиги, шахс феъл-атворини янглишмай аниқлаши, тил раволиги, аёлларга хос ҳиссиётининг ажабтовур тутоқиб кетиши, хуллас, шуларнинг ҳаммаси санамдек муқаддас ўша хилқатга — дилрабо Марианга бўлган эҳтиромимни яна ҳам зиёд қилди. Менинг феъл-атворимни ҳам шундай қойиллатиб чизибдики, унинг олдида манадан деган устаси фаранги ҳам ип эшолмайди. Қиёфамнинг аниқлигига чин кўнгилдан гувоҳлик беришга тайёрман. Ўша ран-

гбаранг бӯёқларда улугвор ва басавлат қиёфада ифодаланишим учун унга қанчалар кенг таассурот қолдирганимни ҳис этиб турибман. Тақдиримизнинг турлича, ўзимизни эса бир-биримизга рақиб қилиб турган шафқатсиз эҳтиёж туфайли мотамсаролигимни изҳор этаман. Бошқа қувончлироқ вазият бўлганида мен мисс Ҳалкомб иззатиға, мисс Ҳалкомб эса менинг иззатимга лойиқ бўлган бўларди.

Юрагимни изтиробга солаётган мана шу туйғулар ҳозиргина ёзилган сатрларимнинг айна ҳақиқатлигидан далолатлиги кўнглимга таскин беради.

Ўша туйғулар менда бошқа ҳар қандай шахсий мулоҳазалардан устунроқ. Шунинг учун ҳам тенги йўқ шу аёлнинг Персивал билан мени доғда қолдириб, ўртамиздаги шахсий суҳбатимизни илиб олиш учун қўллаган ўта нозик хийласию, ўша суҳбатни бошдан охиригача оқизмай-томизмай баён этиш маҳоратига бегараз иқрор бўлмай иложим йўқ.

Ўша туйғулар ўзимнинг кимё бўйича чуқур билимимни, шунингдек, тиббиёт ва қаҳрабо илми инсоният тасарруфига ҳавола этган кўпгина нозик дориворлар бўйича орттирган кенг тажрибаларимни унинг холидан хабар олиб турган докторга тавсия этишга мажбур этди. У эса ҳозирча менинг кўмагимсиз иш тутишни маъқул кўриб турибди. Вой, авомей!

Ниҳоят, ўша туйғулар шу ерда намоён бўладиган миннатдорлик, ҳамдардлик ва оталарча ғамхўрлик сатрларини битишга ундайди. Энди кундаликни ёпаман. Менинг хусусий мулкка нисбатан қатъи муносабатим унинг (хотинимнинг қўли билан) ёзув столи устидаги (фото нусхаларини назарда тутаман) илгари қандай турган бўлса, худди ўша холида жойига қўйишни талаб этади. Воқеълик мени шошириб турибди. Вазият мени жиддий ишларга қўл уришимни тақозо этиб турибди. Унумли муваффақиятлар манзараси кўз ўнгимда намоён бўлмоқда. Тақдирга тан бермай иложим йўқ. У қанчалик даҳшатли бўлмасин, уни сипқоришга мажбурман. Ўз ихтиёримча фақат орзу-ҳавасимнигина изҳор этишим мумкин. Ўша орзу-ҳавасимни назокатли эҳтирос ила мисс Ҳалкомб оёқларига қўяман.

Тилагим ижобат бўлиб, тузалиб кетсин.

Синглиси манфаатларини кўзлаб тузган ҳар қандай режасининг (мен ҳам унга қўл урганим ҳолда) муқаррар поймол бўлишига нисбатан уларга қўшилишиб таъзия изҳор этаман. Айна вақтда уларни иқрор этиш учун илтижоим шуки, улар-

нинг кундалигидан олган маълумотларимнинг ўша поймолда ҳеч қандай ҳиссаси бўлмайди. Улар фақат ўзимнинг илгари мўлжаллаган режаларимнинг тўғрилигини тасдиқлайди холос. Мазкур саҳифалар табиатимдаги энг нозик туйғуларнинг уйғонишига сабаб бўлгани учун миннатдор бўлишим керак, фойдаси шу холос.

Феъл-атворида худди шундай туйғулар мужассам шахс учун ушбу қисқача илованинг ўзи кифоя — ҳаммаси аниқ ва кечирарлидир.

Мисс Ҳалкомб шу тоифа шахс.

Шунга ишонч билан имзо чекаман.

Фоско.

ҲИКОЯНИ ЛИММЕРИЖ МУЛҚДОРИ, ЭСКВАЙР ФРЕДЕРИК ФЭРЛИ¹ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Ҳаётимдаги бирдан-бир улкан бахтсизлигим — мени ўз холимага қўйишмайди.

Нега? — савол бераман ҳаммасига — нега мени безовта қиласизлар? Саволимга ҳеч ким ҳам жавоб бермайди ва ҳеч ким мени ўз холимага қўймайди. Қариндошлар, дўстлар ва нотаниш кимсаларнинг ҳаммаси менга озор бериш учун тил бириктиришкан. Нима ёмонлик қилдим? Ўзимдан ўзим ёки дастёрим Луисдан кунига эллик маротаба сўрайман — мен нима ёмонлик қилиб қўйдим? Ҳеч биримиз бирон нарса дея олмаймиз. Таажжуб!

Ҳолимни танг қилган энг сўнги дилозорлик ушбу қиссани ёзиш машмашаси бўлди. Турган битгани асаб толалари иборат мендек кимса қисса ёзишга қодирмикин? Мана шу ўта залворли эътирозимни ўртага қўйганимда жияним менинг қўлимдалигида унга алоқадор қандайдир жиддий воқеалар содир бўлганини пеш қилишиб, ўша масала ҳақида аниқ маълумот берувчи бирдан-бир кимса мен эканлигимни маълум этишди. Мабодо таклиф ижросидан бош тортугудек бўлсам хаёлимга ҳам келмаган оқибатларга олиб келишини писанда қилишиб, қўрқитишди. Бунинг ҳолати ҳам йўқ эди. Аянчли аҳволим ва оила ташвишлари билан адою тамом бўлиб қолганимдан эътироз билдиришга ҳам холим йўқ. Шунга мажбур қилгудек бўлсангиз, жисмоний устунлигингизни адолатсизлик билан ишга солиб мажбур қилгудек бўлсангиз, дарров таслим бўла қоламан. (Тасдиқ остида) иложим борича эслаш пайига тушаман, яна (тазийқ остида) қўлимдан келганича ёзиб ҳам бераман. Мен эслаш олмаган ва ёза олмаганларимни эса Луис эслаб, мен учун ёзиб бериши керак. Ўша ҳомкалла, мен ожиз банда, хуллас икки ёрти бир бўлсак ҳам, беҳисоб хатоларга йўл қўйсак ажаб эмас. Қандай тубанлик!

Қайсидир кунни эслашим зарурлигини айтишяпти. Ё парвардигор. Нима кунларга қолдим! Умримда бунақа машмашага дучор бўлмаган бўлсам, нимадан бошлашим керак?

¹ Фэрли жанобларининг қиссаси ва бошқа қиссаларнинг қандай юзага келгани кейинги даврларда юзага чиқадиган мавзу.

Луисдан суриштирдим. У мен ўйлагандек хомкаллалардан эмас экан. Бир-икки ҳафта ичи содир бўлган воқеалар куни эсида, иштирокчилари исмлари эса менинг ёдимда. Шундай қилиб, ўша кун июннинг охири ёки июлнинг бошларида эди. Исмига келсак (назаримда, анча гализроқ исм) – Фанни.

Июнь охири, июль бошлари эди, ўшанда, яқин атрофимдаги тўпори қўшниларимнинг маданий савияларини сал кўтариш мақсадида йиғилган турли-туман санъат обидаларига кўмилганимча, одатдаги кайфиятда орқамга ясланиб ўтирдим. Бошқача қилиб айтганда, рангли тасвирлару заргарлик зийнатлари, тангалар ва ҳоказолар тасвири туширилган фотоларни атрофимга тўплатиб қўйгандим. Уларни (дағал инглиз тилида ифодалаш имконияти бўлса, фото нусхаларини назарда тутаман) яқин кунларнинг бирида Карлайледаги институт (бемаъни жой) ходимлари савиясини ошириш илинжида (инсонга нисбатан шафқатсиз Готлар ва Вандаллар) ўша ерга инъом этмоқчи эдим. Ўз ҳамюртлари миллий равнақ устида бош қотираётган бир жентлменни шахсий азоб-уқубату оилавий машмашалардан холи киши, деб ўйлаш мумкин. Лекин аслида ўзимдан қиёс қилиб айтгудек бўлсам, бунга шак-шубҳа қилинмаса ҳам бўлади, бу – янглиш фикр.

Нима бўлганда ҳам, атрофимга санъат хазиналарини йиғиб, эрталабдан кун осойишта ўтармикин, деган илинжда орқамга ясланиб ўтирдим. Ҳа, осойишталикка муштоқлигим учун ҳам Луис кириб қолди. Кўнғироқ чалиб чақирилмагач, қайси жин чалиб бу ерга ўралашиб кирганини суриштиришим табиий-да. Мен бўлар бўлмасга сўкиनावермайман. Сўкиниш – жентлменлар одатига ёт, лекин Луис тиржайиб тургач, менимча, тиржайиш нималигини кўрсатиб қўйиш учун уни жаҳаннамга кўндаланг қилишим ҳам табиий эди-да. Нима бўлганда ҳам, уни қарғадим. Муомаланинг бундай кескин усули, менинг кузатишимча, ҳаётнинг тубан синфи вакилларини дарров ўзига келтириб қўяди. Луис ҳам ақлу-хушини йиға қолди. Кўнглимга қараб, тиржайишига чек қўйганича ёш бир кимса менга учраш ниятида турганини маълум қилди. (Дастёрларга хос бемаъни маҳмадоналик билан). Унинг исми Фанни эканини ҳам қўшиб қўйди.

– Фанни ким экан?

– Леди Глайднинг дастёри, сэр.

– Леди Глайд дастёрининг менда нима иши бор экан?

– Мактуб, сэр...

- Мактубини олинг.
- Уни ўзингиздан бошқа ҳеч кимга бермас эмиш, сэр.
- Мактуб кимдан экан?
- Мисс Ҳалкомбдан, сэр.

Мисс Ҳалкомб номини эшитишим биланоқ ён бера қолдим. Мисс Ҳалкомбга ён бериш мен учун одат тусига кириб қолганди. Тажрибам шуни кўрсатардики, ён берсам галва камроқ бўларди. Шунинг учун ҳам ён бера қолдим. Садаганг кетай, Марианей!

– Леди Глайд дастёри кира қолсин, Луис. Тўхтанг! Оёқ кийими гижирламайдими?

Шу саволни беришга мажбур эдим. Оёқ кийим гичирлаши кун бўйи кўнглимни хижил қиларди. Ўша қизалоқни қабул қилишга рози бўлсам ҳам, оёқ кийими гичирлаши таъбимни тирриқ қилишга рози бўла олмасдим. Сабр-тоқатимнинг ҳам чегараси бор-да.

Луис унинг оёқ кийими панд бермаслигига қатъи ишонч билдирди. Кўлим билан имо қилдим. Қизни ичкарига киритиб юборди. Унинг уялганидан оғзини бекитиб, бурнидан нафас олишини айтишим шартми? Аёллар табиатининг қуйи жараёнларини мутлаа қилаётган талабаларга, албатта, бунинг ҳожати йўқ.

Келинг, шу қизга адолат кўзи билан қарайин. Оёқ кийими гирчилламасди. Лекин хизмат бурчи билан келган ёшлар – ҳаммасининг нега кўли терлайди? Нега ҳаммасининг бурни танқайгану, ёноқлари кирттайган? Нега энди юзлари шунчалар ачинарли даражада ногирон қилиб яратиларкин, айниқса қовоқлари? Бирор мавзуъ устида чуқурроқ бош қотиришга ожизлик қилгудек бўлсам, махсус мутахассисларга мурожаат қиламан. Нега бизда ёш-яланг ходимларни юзага келтирувчилар йўқ?

– Мисс Ҳалкомбдан менга хат олиб келган бўлсангиз керак-а? Уни стол устига қўйиб қўя қолинг, марҳамат. Фақат бирон-бир нарсани тушуриб юборманг. Мисс Ҳалкомбнинг саломатлиги қалай?

- Ёмон эмас, сэр, миннатдорман.
- Леди Глайдчи?

Бу саволимга жавоб олмадим. Қизалоқнинг юзи илгаригидан ҳам ноқисроқ кўринди. Назаримда, у йиғлай бошлаганди. Унинг кўзлари атрофида қандайдир намлик кўрганим аниқ. Кўз ёшларими ёки термикин? Луис (у билан ҳозироқ маслаҳатлашдим) кўз ёшлари дейишга мойилроқ. Унинг ўзи ҳам ўша қиз ҳаёт муҳитига мансуб, шунинг учун буёғи унга равшанроқ. Келинг, биз ҳам кўз ёшлари дея қолайлик.

Санъатнинг такомиллашиш жараёнида унинг табиий бўлмаган

томонларига онгли равишда барҳам берилишига ишонгудек бўлсам, умуман, кўз ёшларининг тўкилишига умуман қаршиман. Кўз ёши, илмий тил билан тавсифлагудек бўлсам, назала демакдир. Менинг тушунчам бўйича, назала соғлом ёки носоғлом бўлиши мумкин, лекин ҳиссиёт нуқтаи назаридан, назала келиш сабабларини англай олмаيمان. Эҳтимол, ўзимдан келадиган назалаларнинг ҳаммаси чалкашиб кетганидан, бу борада бироз бошқача фикрдаман. Шунга қарамай, айна вақтда, иложи борича адаб сақлаб, ҳатто ачингандек ҳам бўлдим. Кўзларимни юмиб, Луисга мурожаат қилдим:

– Нима демоқчилигини аниқлашга уриниб кўринг.

Луис уринди, қиз ҳам уринди. Натижа шу бўлдики, улар бир-бировини ҳам чалкаштириб юбориб, бу манзара менга ҳузур бахш этди. Шунинг учун улардан беҳад миннатдорман. Энди ҳафсалам пир бўлиб кетган пайтларда ўшаларни чақиртириш ниятидаман. Шу фикримни ҳозиргина Луисга айтдим. Қизиқ, гапларимдан андак ҳижолат бўлгандек туюлди. Бечора ажнабий!

Жияним дастёри кўз ёшларининг сабаби Швециялик камердионерим тили билан инглизча талқин этилиши яна тилга олинади, деб ким ҳам хаёлига келтирибди, дейсиз? Лекин бунинг мутлақо иложи йўқ. Эҳтимол, ўша суҳбат пайтидаги ҳис-туйғулариму таассуротларимни ифодаласам ҳам катта гап. Шуниси ҳам кифоя қиладими? Ҳа денг.

Менимча, қиз гапни (Луис орқали) ўзининг ишдан бўшатиладиганидан бошлади – гўё валинеъмати уни ўз бекасига хизмат қилишидан маҳрум этибди (сўзлари ажабтовур ноўрин. У ишдан бўшатиладиган бўлса, мен айбдорманми?). Ишдан маҳрум бўлгач кечани ўтказиш учун бир амаллаб мусофирхонага етиб олибди. (Мен мусофирона соҳиби эмасман-ку, бу гапнинг менга нима даҳли бор?). Соат олти билан еттилар орасида мисс Ҳалкомб у билан хайрлашгани келиб, унга иккита хат берибди. Биттаси менга, иккинчиси Лондондаги бир жентлменга (Мен Лондондаги жентлмен эмасман-ку! Куриб кетсин ўша Лондондаги жентлмени ҳам!). Ўша икки хатни эҳтиётлик билан кўкрагига жойлаб қўйибди (Унинг кўкрагини бошимга ураманми). Мисс Ҳалкомб яна қайтиб кетиб қолгач жуда маънос аҳволга тушган эмиш; қарийб ётар маҳали бўлиб қолганига қарамай, у кун бўйи туз татимаган – оғзига на бирор тишлам нон ва на бирор хўплам сув олган эмиш. Ниҳоят соат тўққизларга яқин бирор қултум чой ичкиси келиб қолганмиш (Ғам билан бошланиб, чой билан тамомланадиган бундай бемаъни субутсизликка мен айбдорманми?) У чой қайнатиб турганида (бунинг

нималигини биладиган Луис гапларига ишониб гапирмоқдаман. У тушунтириб бермоқчи ҳам бўлди-ю, лекин мен уни, нима ҳожати бор, дегандек жеркиб ташладим), чой қайнатиб турганида эшик очилиб хужра йўлагига муҳтарама графиня пайдо бўлиб қолганидан кайфи учиб бақрайиб қолибди (шу сўзлар ҳам қизнинг ўз оғзидан чиққану, лекин маъноси менгагина эмас, ҳатто, Луисга ҳам англандек эмасди). Жиянимнинг дастёри синглимни қанчалар кўкка кўтариб мопора қилганини аччиқ киноя билан ифодаламай иложим йўқ. Ўша бечора қадрдон синглим нотаниш бир ажнабийга турмушга чиққан ўтакетган мижгов аёл. Қисқасини айтганда, эшик очилиб, мусофирхонада муҳтарама графиня пайдо бўлибди, бу ойим қизимиз эса бақрайиб қолибди. Антика воқеа.

Воқеликни давом эттира олишим учун бироз тин олиб, ўзимга келиб олмасам бўлмайди. Кўзларимни юмиб, бир неча дақиқа орқага ясланиб олсам, кейин, Луис лўқиллаб азоб бераётган бечора чекка томирларимга одеколон суртиб уларга мадад бўлса, воқеликни давом эттиргудек холим келиб қолар.

Муҳтарам графиня...

Йўқ. Давом эттиришнинг иложи бору, лекин ўтиришнинг иложи йўқ. Орқамга ясланиб олиб, айтиб турарман. Луиснинг талаффузи қулоққа ёқмаса ҳам, тилни бинойидек билади, ёзиш ҳам қўлидан келади, ишнинг ўнгидан келишини қаранг!

Муҳтарама графиня ўзининг қутилмаганда меҳмонхонада пайдо бўлиб қолиши ҳақида Фаннига оғиз очиб, мисс Ҳалкомб шошиб қолганидан ёдидан кўтарилган бир-иккита арзимас рисоаларни бериб қўйиш учун келганини айтган. Ойим қизимиз эса ўша рисоалар нимакин, деб сабрсизлик билан унга интизор бўлган, лекин графиня эса аини топшириқни Фанни чойини ичиб бўлгунигача пайсалга солаётгандек туюлган (синглимнинг мижговлиги ҳам шунда-да!). Муҳтарама ажабтовур хушмуомаласию жонсараклиги билан (бундай хусусият синглимга мутлақо бегона эди) гап бошлаган:

– Кўриб турибман, бечора қизалоғим, чойга ташна бўлиб турибсиз. Рисоалар ҳақида кейинроқ гаплашсак ҳам бўлаверади. Келинг, кўнглингизга қил ҳам сиғмаётган бўлса керак. Чойни сизга ўзимоқ дамлаб бера қолайин. Сизга ҳамдамликда ўзим ҳам бирор қултум чой ичаман.

Назаримда, шу сўзлар ўша ойим қиз менинг ҳузуримда тўлибтошиб гапирган сўзларнинг худди ўзгинаси. Нима бўлса ҳам, графиня ўзим чой дамлаб бераман, деб туриб олибди. Унинг тилёгламалик билан қилган бемаъни одамшавандалиги ўзига бир фин-

жон, қизга ҳам бир финжон чой олиб келиб, иккинчисини унга мажбуран ичиргунича давом этибди. Қиз чойни ичгач, унинг ўз огзидан чиққан сўзларга кўра, бу гайриоддий мулозимат натижаси беш минутлардан кейин қизнинг умрида биринчи маротаба ҳушидан кетиши билан якунланибди. Буларнинг ҳаммаси унинг ўз огзидан эшитилган сўзлар. Луиснинг фикрича, қиз шуларни ифодаларкан, у яна ҳам кўпроқ кўз ёши тўккан. Бунга бир нарса деёлмайман. Иложим борича осойишталик билан қулоқ солиш пайида бўлганим учун кўзларимни юмиб олгандим.

Нимада тўхталгандим? Ҳа, ёдимга тушди — қиз графиня билан ўтириб, чойини ичгач ҳушидан кетган. Унинг даволовчиси бўлганимда эди. кейин нима бўлганини муштоқлик билан эшитган бўлардим-а, лекин бунақа ишлардан анча узоқ бўлганим учун эшитганларим билан кифояланиб қўя қолдим. Ортиқчасининг нима кераги бор? Ярим соатлардан кейин ўзига келибди. Диванда ётган экан. Олдида мусофирхона соҳибасидан бошқа ҳеч ким йўқ. Графиня бўлса, қиз сал ўзига кела бошлаши билан, кеч бўлиб қолганидан ортиқча қола олмаслигини баҳона қилиб кетиб қолган экан. Мусофирхона соҳибаси одамгарчилик юзасидан уни ўз жойига ётқизган.

Фанни ёлғиз ўзи қолгач ўша заҳотиёқ кўкрагини пайпаслаб кўрган (афсус, бу борада яна сўз юритишга тўғри келиб турибди). Иккала хат ҳам жойида экан, фақат, ажаблангудек бир ҳолда гижимланиб кетибди. Кечаси боши айланиб, гандираклаб қолган бўлса ҳам, эрталаб йўлга тушгудек анча енгил тортиб турган. Хаёлидан нари кетмай қолган нотаниш киши — Лондондаги жентлменга аталган хатни почта қутисига ташлаб, иккинчисини эса, унга тайинлаганидек, менга етказиб, мана кўлимга топшириб турибди. Бу айна ҳақиқат бўлгани ҳолда, унинг ўзи кўра-била бирор нуқсонга йўл қўйгани учун афсусланмаётган бўлса ҳам, негадир, кўнгли хижил, икки огиз ширин сўзга зор эди. Гап шу нуқтага келганда, Луиснинг айтишича, қиз яна кўзига ёш олган. Шундай бўлса бўлгандиру, лекин яна бир нарсани қайд этиб ўтишим шарт — худди ўша вазиятда менинг ҳам сабр косам тўлиб, кўзимни очганимча гапга аралашиб:

— Булардан кўзда тугилган умумий мақсад нима? — сўраганман.

Жиянимнинг каллаварам дастёри менга бақрайганича миқ этмай туриб қолган.

— Суриштиришга уриниб кўринг, — деганман дастёримга. — Мени ҳам хабардор қилинг, Луис.

Луис суриштиришга киришиб, мени хабардор қилган. Бошқача

қилиб айтганда, дастёрим ўша заҳотиёқ тубсиз чалкашлик қудугига шўнгиған, ойим қиз ҳам унинг кетидан ғойиб бўлған. Қачон бунчалар завқиб бўлғаным мутлақо ёдимда йўқ. Улар менга эрмак бўлиб туришаркан, мен ҳам бу текин томоша намоеਂдаларини қудуқ тубида ўз холича ташлаб қўйғанман. Ниҳоят, бу эрмакдан зериккач, ақлу ҳушимни йиғиб, уларни қайта юқорига чиқариб олдим.

Бу можароларга аралашувим, кейинча (вақти-соати келиб) ойим қиз нияти нима эканини англаб олишимга имкон берганини таърифлаб ўтиришнинг ҳожати бормикин? Назаримда, ҳозиргина ўзи менга изҳор қилған воқеалар занжирига кўра, у энди мисс Ҳалкомбнинг хатнинг етиб бориши хусусида графинядан шубҳага тушиб қолиши эҳтимолини ўйлаб пушаймон қилаётгани шундоққина кўриниб турарди. Юборилған маълумотлар ўз соҳибаси манфаатларига боғлиқ ўта муҳим бўлиши эҳтимоли уни таҳликага соларди. Ўша оқшомоқ Блэквоутер Паркка бориб, арзи-ҳол қилиш учун сэр Персивалдан ҳайиқарди. Мисс Ҳалкомб эса, нима бўлганда ҳам, эрталабки поездда албатта жўнаб кетиши лозимлигини унга тайинлаб, келаси кунни мусофирхонада ўтказиш шаштидан ҳам қайтарған экан. Энди ўша мусофирхонада беҳуш бўлиб қолиш бахтсизлиги бекасининг уни анқовга чиқариб қўйиш бахтсизлигига олиб келмасмикин, деган андишада ўзини қаерга қўйишини билмай, изоҳ ва арзиҳолини айтиб, агар кеч бўлмаған бўлса, мисс Ҳалкомбга хат ёзсаммикин, деб мендан маслаҳат сўрарди.

Киши хафсаласини пир қилгудек ушбу сатрлар учун узр сўрамасам ҳам бўлаверар. Лекин мени ёзишга мажбур қилишған. Эҳтимолдан ҳар қанча йироқ бўлмасин, шунақа одамлар ҳам борки, уларни бу борада менинг жияним дастёрига нима деганларимдан кўра жияним дастёрининг менга нима деганлари кўпроқ қизиқтиради. Шунчалик ҳам пасткашлик бўладими!

— Нима қилсам маъқулроқ бўларкин, сэр, марҳаматингизни мендан аяманг — ёлворди ойим қиз.

— Қўяверинг, ўз холига ташлаб қўяверинг, — дедим тилимни тингловчиникига мослаб. — Мен ишларни мутлақо ўз холига ташлаб қўяман. Шундай. Тамом бўлдими?

— Хат ёзишим, сэр, сизга ўзбошимчаликдек туюлса, албатта, бундай қилмағаным маъқул. Лекин мен ўз соҳибам учун қўлимдан келганича хизмат қилишга тайёр...

Ҳаётнинг қуйи табақадагилари қачон гапни тамомлаб, қачон чиқиб кетишларини ҳам билишмайди. Шунинг учун ҳам юқори

табақадагилар бу борада уларга, албатта, қўмаклашиб туришлари зарур. Назаримда, бу ойим қизни ҳам аллаққачоноқ чиқариб юбо-риш фурсати бўлган эди. Мен буни икки оғиз ширин сўз биланоқ ҳал қилиб қўя қолдим:

– Кунингиз қувончли ўтсин.

Кутилмаганда бечора қизнинг ичиданми-ташиданми қисир-лаган товуш эшитилди. Унга қараб турган Луиснинг айтишича (мен эътибор бермаган эканман), ўша товуш у эгилиб таъзим қилаётганида чиққан экан. Ажабо. У оёқ кийими гичирлашими, корсетиданми ё суяклари шиқирлаб кетганмикин? Луис назари-да корсетидан чиққан. Тавба, шунақаси ҳам бўларканми!

Хонада ўзим ёлғиз қолгач, андак мизгиб олдим, мудроқ босиб ўтиргандим-да. Сал тиниқиб ўзимга келгач, қадрдон Мариан макту-бига кўзим тушиб қолди. Унинг мазмунидан хабардор бўлганимда эди, умуман очмай ҳам қўя қолган бўлардим. Бахтга қарши, ўзимга ўзим қилиб, хаёлимга заррача ҳам шубҳа келтирмай уни хотиржам ўқиб чиқибман. Бутун кун бўйи таъбим тирриқ бўлиб юрди

Ўз табиатим бўйича, мен ёруғ дунёдаги энг содда махлуқот-лардан бири бўлсам керак. Бўлар-бўлмаста гина қилавермайман. Бировнинг гуноҳидан кечаману кек сақламайман. Лекин юқори-да айтиб ўтганимдек, сабрнинг ҳам чегараси бўлади. Мариан мак-тубини жойига қўйдим. Шунчалар қадрсиз бўлдимми, деб ич-ичимдан ачиндим.

Энди юракдаги дардимни очиқ айтиб қўя қолмоқчиман. Чун-ки айни вақтда у долзарб масала бўлиб турибди. Акс ҳолда, бу ҳақда оғиз очмай қўя қолган бўлардим.

Инсоният феълидаги ўта бемаъни худбинлик одати жамият-нинг ҳамма табақаларида учраб турса ҳам, менимча, ўша иллат уйланганларнинг бўйдоқларга муносабатларидагидек, кўзга яққол ташланмаса керак. Бир вақтлар сиз чуқурроқ ўйлаб, меъъридан ошиб кетган ахоли сонини ўз оилангиз билан яна ҳам зиёдароқ этишдан воз кечган бўлсангиз, бунақа фикрни хаёлига ҳам кел-тирмай, ўзини тия олмайдиган уйли-жойли дўстларингиз ўзла-рини ўша оила аъзоси ҳисоблашадию, сиз гўё уларнинг фарзан-дларига қараш учун дунёга келганингиздек роса таъзирингизни беришади. Эру-хотин ўз савдолари билан банд, бўйдоқлар билан қари қизлар эса балога қолишади. Бошимдан нималар ўтаётгани-га бир эътибор беринг-а. Мен била кўра дунёдан тоқ ўтмоқдаман, бечора жондан азиз акам Фитлип эса ўйламай-нетмай уйланиб олди. Оламдан ўтиб, нима каромат кўрсатди? Қизини менга таш-

лаб кетди. Ёқимтой қиз, лекин масъулияти ҳам катта-да. Нега ўша масъулиятни ўз гарданимга олишим керак? Чунки ҳеч нарсадан ташвиши йўқ сўққабoshiгим учун уларнинг оғирлигини енгил қилишим керакда. Акам масъулиятини ўрнига қўйиш учун қўлимдан келганича ҳаракат қиламан: жиянимни, маълум қийинчилигу оворагарчилиги билан бўлса ҳам, отаси ўз розилиги билан унаштириб қўйган кишига турмушга чиқараман. Жияним билан эри орасида келишмовчилигу унинг нохуш оқибатларига нима дейсиз? Ўша келишмовчилик оқибатларидан қандай қутилмоқчи? Ўшаларни менга юклашмоқчи. Уларни менга юклашининг сабаби нимада? Чунки ҳеч нарсадан ташвиши йўқ сўққабoshiман-да! Уларнинг оғирини енгил қилишим керак-да! Бечора сўққабoshiлар! Бечора инсон зотлари.

Мариан мактубига кўра хавфда қолганимни айтишим шартмикин? Менга ҳар ким ҳам тазйиқ қилаверади. Мабодо Лиммериж хонадонини жияним билан унинг машмашалари учун бошпана қилиб қўйгудек бўлсам, бу азиз бошимга не гафғолар ёғилмасди дейсиз? Шундан ҳам хавотирдаман.

Шу вақтгача шовқин-сурон чиқмасин, деб ҳурматли Марианга ҳар вақт ён бериб келганимни эслатиб ўтгандим. Аммо унинг мутлақо ўйламай-нетмай қилган бу галги таклифи нима оқибатларга олиб келиши эҳтимоли жавобимни андак кечиктиришимга сабаб бўлади. Мабодо Лиммериж хонадонини леди Глайдга бошпана қилиб бергудек бўлсам, унинг орқасиданла «нега хотинимни яширдингиз?» деб сэр Персивал Глайд газаб билан кириб келгудек бўлса, уни қандай даф этаман? Сабр қилиб, ўша таҳлика кўзғалмай туриб, унинг олдини олиш учун тегишли чора кўриб қўйиш пайига тушдим. Шунинг учун ҳам ҳурматли Марианга ёзган мактубимда аввало унинг ўзи шу ерга келиб, бу масалада мен билан маслаҳатлашиб кетиши зарурлигини илтимос қилдим, уни тергаб турадиган эри йўқ-да. Менинг эйтирозларимга тўла жавоб бериб, кўнглимни тўла хотиржам қила олсагина, суюкли Лаурамизни жон деб қабул қилишимни изҳор этдим, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Айни вақтда, буёғи ҳам бор, ишни бунчалик пайсалга солишим Марианинг жиғибийрон бир ҳолатда етиб келиб, эшикни синдиргудек қарсиллатиб ёпиши билан яқунланишини ҳам сезиб турибман. Бордию бошқача йўл тутгудек бўлсам, худди ўша алфозда сэр Персивал етиб келиб, у ҳам эшикни қарсиллатиши турган гап. Хуллас, мана шу дилсиёҳлигу тарақ-туруқлардан кўра Марианникини

маъкул топдим, чунки уникага кўникиб қолганман. Шунга кўра, хатимни олганлиги ҳақида жавоби кутиладиган тарзда жўнатдим.. Лекин, ё парвардигоро, яна қандай мусибатларни менга раво кўриб турибсан!

Ҳафсалам пир бўлгудек бўлса (Марианинг хатидан хафсалам пир бўлиб кетганини айтгандим-а?), одатда, уч кундан кейин сал ўзимга келардим. Лекин бу гал янглишган эканман. Осойишталикни бекорга уч кун кутибман. Кўнглимнинг таскин топиши қаёқда дейсиз.

Учинчи куни менга бутунлай нотаниш бир кишидан бемаъни хат олдим. У ўзини адлия ишлари бўйича маслаҳатчимиз пўкак калла қария — муҳтарам Гилморнинг ижрочи шериги эканлигини маълум қилиб, яқин кунларнинг бирида почта орқали мисс Ҳалкомб имзоси билан хат олганини хабар қилибди. Конвертни очганида не кўз билан кўрсинки, ичидан бир варақ оқ қоғоздан бошқа ҳечвақо чиқмабди. Бу ҳол уни анча шубҳага солиб (адлия ишлари билан пишиб кетган ақл-идроки хатга бегона қўл текканини яққол кўрсатиб турган эмиш), зудлик билан мисс Ҳалкомбга хат йўллабди. Лекин қайтиб келган почта орқали ҳеч қандай жавоб олмабди. Шундай масъулиятли дамда ақлли-хушли кишилардек йўл тутиб — ишни ўз холига ташлаб қўйиш ўрнига, уни яна ҳам чигалаштириб, бундан менинг хабарим бор-йўқлигини суриштириб, ўзбошимчалик билан хат ёзиб жиғимга тегишининг нима ҳожати бор эди! Эй жин ургур, буни мен қаердан билай? Нега ўзи тинч турмаганига яраша мени ҳам безовта қилади? Шулар ҳақида унга жавоб ёзвордим. Бу менинг энг аччиқ хатларимдан бири бўлса керак. Ҳеч хархашасиз юра олмайдиган башара — Валтер Ҳартрайт жанобларини ишдан бўшатишда унинг таъзирини бериб ёзганимдан буён бунақа аччиқ панду насихат чегарасидан ўтмагандим.

Мактубимнинг нафи ҳам тезда кўрина қолди. Юрист гумдон бўлиб кетди.

Бунга ажабланмаса ҳам бўлаверади. Ахир, Мариандан бошқа хат-хабаргина эмас, унинг келиб қолишидан ҳам заррача ишора йўқ. Мана шу вазиятни албатта сезмакликнинг иложи йўқ эди. Унинг кутилмаганда жимиб қолишидан анча енгил тортдим. Ниқоҳдаги уруғларим яна апоқ-чапоқ бўлиб қолишган бўлса керак, деган ҳаёлга бориб, дилим равшанлашди. Кайфиятим кўтарилди. Ниҳоят, беш кунлик осуда ҳаёт, тангри таоло иноят этган ёлғизлик завқи қўшилиб бутунлай ўзимга келдим. Олтинчи куни фотографикимни чақиртириб, илгари айтганимдек, яқин-атрофдаги гўл

қўшниларим дидини ошириб қўйиш учун санъат хазиналаримдан кўчирма олдириш учун уни эндигина устахонага чиқариб, ўзим эса тангаларимга маҳлиё бўлиб турганимда кутилмаганда ташрифнома кўтариб Луис кириб қолди.

— Яна бир ойим қизми? — деб юборибман. — Уни қабул қилмайман. Ойим қизлар менинг саломатлигимга тўғри келмайди. Уйда йўқ, деб қўйинг.

— Бу галгиси нотаниш бир жентлмен, сэр.

— Жентлмен бўлса, албатта, бошқа гап.

Унинг ташрифномасига назар ташладим. Ё парвардигор! Мижгов синглимнинг ажнабий эри граф Фоско-ку! Меҳмоннинг ташрифномасига кўзим тушгач нима хаёлларга борганимни айтиш шартмикин? Ҳожати йўқ. Синглим бир ажнабий кимсага турмушга чиққан. Ақли-ҳуши жойида ҳар ким ҳам бир фикрга келиши мумкин — граф Фоско, албатта, мендан қарз олгани келган.

— Луис, — дедим. — Унга беш шиллинг бериб юборсангиз, кетармикин, нима дейсиз?

Луис нима дейишини билмай ҳайрон бўлиб қолганди. У синглимнинг ажнабий эри башанг кийинган, омади юришиб турган кишининг савлати борлигини айтиб мени анча ўйлантириб қўйди. Бу эса, ўз навбатида, дастлабки таассуротимни анча ўзгартирди. Граф ўзининг оилавий қийинчиликлари билан ўралашиб қолгач, оиламиз аъзолари одатига амал қилиб ўша мусибатларнинг ҳаммасини бошидан соқит қилиб, менинг гарданимга юкламоқчи бўлса керак, деган қарорга келдим.

— Нима иш билан келганини айтдими? — сўрадим.

— Граф Фосконинг айтишича, сэр, унинг бу ерга келиш сабаби, сэр, мисс Ҳалкомб Блаквоутер Паркдан жилолмас экан. Яна бошқа гавғолар бўлса керак, илгари ўйлаганимдек, унинг ўз ташвишлари эмас, балки ҳурматли Мариан ташвишлари. Ҳар ҳолда, ортиқча машмаша-да. Вой, жонимей!

— Уни ичкарига таклиф қилинг, — дедим тақдирга тан бериб, Графга кўзим тушдию унинг савлатидан довдираб қолдим. У шунчалар ҳайбатли, жуссадор эканки, ҳатто бутун вужудимни қалтироқ босиб кетди. Юрган йўлини ларзага солиб яқинлашаркан, ҳозир санъат дурдоналаримни ҳам ерпарчин қилиб ташлайди, деган қатъи хаёлга бордим. Лекин униси ҳам, буниси ҳам содир бўлмади. У енгил-елпи ёз либосида эди. Ҳаракатлари осойишта, ёқимтой сиполигини айтмайсизми — рўпарамда ўзига мафтун этганича жилмайиб турарди. Илк таассуротлари анчагина ижобий

эди. Бу мақтовлар кейинги воқеликлар кўрсатишига, менинг ўта зийрак фаҳм-фаросатимга зийнат бўла олмасди. Бу ҳақда огиз очмай қўя қолсам ҳам бўлардию, лекин табиатан очиқ кўнгил бўлганимдан уни тан олмай иложим йўқ.

— Каминаларини танитишга ижозат берсалар, жаноби Фэрли, — деди у. Блэквоутер Паркдан келдик. Мадам Фосконинг завжи бўлиш каминалари учун шарафу қувонч бахш этади. Бинобарин, ифтихор ила сўз очиб тавалло қилишдан мақсад каминаларини ўзларига бегона тутмасалар. Безовта бўлмасалар, овора бўлиб кўзголмасалар!

— Илтерламаотларига тасанно, — жавоб бердим. — Қанийди ўрнимдан туришга холим келса. Лиммерижга қилган қадамларига хасанот! Қани, креслога ўтирсинлар.

— Бугун ўзлари андак изтиробда бўлсалар керак, деган андишадамиз, — деди граф.

— Ҳар вақтдагидек, — жавоб бердим. — Устига либос илиниб одамсифат қилиб қўйилган бир тутам асабнинг ўзгинасимиз.

— Ҳаётимизда кўпгина мавзуларни мутолаа этишга тўғри келган, — таъкидлаб ўтди ўша ёқимтой киши. — Ўшалардан чексиз уммони асаб ҳақида. Дилимизга бир таклиф келиб қолди, ўзлари нима дейдиларкин, жуда соддаю, нафи зўр? Хоналари ёруғлигини андак андозага солиб қўйсақ, йўқ демайдиларми?

— Бемалол, фақат биздан мурувватларини аямай, ўша нурлардан бир чимдими ҳам бизга тушмайдиган қилинса, нур устига нур.

Граф дераза ёнига борди. Ҳурматли Мариан билан еру кўкча фарқини қаранг! Ҳар бир қадамини ўйлаб босади-я!

— Нур — деди у ҳар қандай ногирон кўнглига малҳам бўлгудек хуш овоз билан — бирламчи аҳамиятга эга. Нур жон бағишлайди, озиклантиради, муҳофаза этади. Мабодо ўзлари гул бўлиб қолганларида эди, жаноби Фэрли, нур бўлмаса, нима қилардилар? Эътибор берсинлар. Ўзлари ўтирган жойларида куёш нури тушмай таскин топишлари учун ташқи шабпарданинг бир қанотини ёпиб қўямиз, анави ўзларидан четроққа шифобахш куёш нурлари тушиши учун эса ташқи шабпарданинг иккинчи қанотини очиб қўямиз. Куёш нуруни таъблари кўтармаса ҳам, у хоналарини мунаввар этиб туриши шарт. Нур, сэр, тангрининг иродаси билан ато этилган бир неъмат. Ундан баҳраманд бўлиб туришлари лозим.

Бу гаплар жуда ишончли ва эътиборга лойиқ деб, хаёлимдан ўтказдим. Хуллас, у мени нур ҳақидаги ўша фикрга иқрор қилди. Ҳа, шубҳа йўқ, иқрор қилди.

– Ўзлари ҳузурларида андак хижолатдамиз, — деди у ўз жойига қайтиб. — Ҳақиқатан ҳам, жаноби Фэрли, ҳузурларида хижолатдамиз.

– Йўғе, таажжуб, сабабини билсак бўладими?

– Ўзларидек узлатдаги бир жафокаш хоналарига бевақт қадам ранжида этиб безовта этишга, шундай гаройиб санъат дурдоналарига гарқ бўлган кимса вақтини олишга ҳаддимиз сигармикин? Ахир, ўзларининг ўта нозик таъбларидан беҳабар бўлсак. Ҳамма-ни ҳам хуш кўравермасалар ҳам керак. Айтсинлар, шунга ҳаддимиз сигармикин?

Қани энди креслога ясланиб турган қадимни ростлашга мадорим бўлсаю, сўзсиз, унга таъзим қилган бўлардим-а. Ҳолим йўқлигидан, эътироф ўрнида жилмайиб қўя қолдим. Шуниси ҳам аини муддаодагидек бўлди, биз бир-биримизни тушундик.

– Каминалари фикрининг буёғига ҳам эътибор берсалар, — сўзини давом эттирди граф. — Каминаларининг ўзлари нозик таъб бўлганлари ҳолда худди шундай нозик таъб бир зот ҳузурда ўтирибдилар. Каминалари зарурат туфайли оилавий нохуш бир воқеликни қайд этиш билан ўта нозик табиат дилига озор етказиб қўймасмикан, деган андишадалар. Бунинг оқибати нима билан яқунланаркин? Каминалари ўша ҳақда ўзларига ишора қилиб ўтдилар, деб ҳисобласинлар. Хижолат чекмай, не чора?

Ўша дақиқаданоқ у ҳафсаламни пир қила бошлади, деган хаёлга бордиммикин? Ҳа, шундай бўлгани аниқ.

– Ўша нохуш хабарни эсламай ўтишнинг ҳеч иложи йўқми? — сўраб кўрдим ундан. — Хонаки инглиз тилимиз ибораси билан айтганда, граф Фоско, уни пинҳон тутиб бўлмайдами?

Граф таҳликали мамнуният билан ҳомуза тортиб, бош чайқади.

– Эшитишим шартми?

У елкасини қисиб (хонага кирганидан буён ажнабийларга хос дастлабки қилиғи) менга ўқрайганнамо синчиклаб қараб қўйди. Ундан юз ўтиргим келиб кетди. Кўзларимни юмиб олдим.

– Дилларини аста очаверсинлар, — илтижо қилдим. — Кимдир оламдан ўтдими?

– Оламдан ўтдими? — ҳайқириб юборди граф ажнабийларга хос ўринсиз тажанглик билан. — Жаноб Фэрли, табиатларидаги миллатга хос оғир-вазминлик хунобимизни оширади. Тангри ҳаққи, каминалари ҳузурларида не сўз ёки не ножўя ҳаракат этдики, ўлимдан хабар келтирди, деган хаёлга борсалар?

– Бизни маъзур тутсалар, — жавоб қайтардим унга. — Оғизла-

ридан ножўя сўз эшитмадик, ножўя ҳаракат ҳам қилмадилар. Шундай ташвишли ҳолларда – оғир мусибатмикин, деб гумонсираш одат тусига кириб қолган. Зарбага олдинроқ тайёрланиш унинг кучини синдиради ва ҳоказо. Ҳайрият ҳеч ким ўлмабди, анча енгил тортдим. Кимдир бетоб эмасми?

Кўзимни очиб, унга кўз ташладим. У хонага кириб келганида малла рангимди ё шу кейинги дақиқаларда шунақа тус олдимми? Бирон нарса дейишим қийин. Луисдан ҳам сўрай олмайман. Унинг ўзи бу ерда эмасди.

Унинг миллатга хос хотиржамлигимдан эҳтиросга берилиб, ҳанузгача ўзига кела олмаганини кўриб, саволимни такрорладим:

– Кимдир бетоб эмасми?

– Нохуш хабаримнинг бир учи – шу, жаноби Фэрли. Шундай. Кимдир бетоб.

– Бу гаплари ҳам бормиди. Қайси бири бетоб?

– Афсус ва надоматларки, мисс Ҳалкомб. Эҳтимол, ўзлари ҳам шундан шубҳаланиб турган бўлсалар ажаб эмас. Эҳтимол, ўзларининг таклифларига биноан мисс Ҳалкомб ҳузурларига етиб келмагач ёки яна бошқа мактуб юбормагач, хаёллари ўшаларда бўлиб, бетобликдан ётиб қолмадимикин, деб азият чеккан бўлсалар ажаб эмас-а?

Хаёлим ўшаёққа кетиб, кўнглимга ҳеч нарса сигмай қолган вақтлар бўлса бўлгандир, бунга шубҳам йўқ, аммо айти дақиқада қачон ўша ҳолга тушганим ногирон хотирамга келмасди. Шунга қармай, ўзимга нисбатан адолат нуқтаи назаридан унинг сўзларини тасдиқладим. Мен ҳайратга тушгандим. Суюкли Мариандек бақувват аёлнинг бетоб бўлиб қолиши ақлга сигмасди. Шунинг учун ҳам, фақат шунинг учун, у бирор фалокатга йўлиққан бўлиши мумкин, одан учиб кетдимикин, бежо қадам ташлаб зинадан қулаб тушдимикин ёки бошқа бир фалокат, хаёлига боргандирман:

– Ростдан ҳам шундайми? – суриштирдим.

– Ростдан ҳам шундайми дейсизми? – жавоб берди у. – Ростдан ҳам шундай, хавфлими? Умид қиламизки, хавfli эмас. Бечора мисс Ҳалкомб ўзларига ўзлари қилди, қаттиқ жалада роса бўкибдилар. Натижада шунақа қаттиқ шамоллабдиларки, енгиллашай демайди. Устига устак, шамоллаш асорати – иситма ҳароратида алаҳлаши ҳам бор.

Алаҳлаш сўзини эшитгач, айти вақтда менга мурожаат қилиб турган ҳаёсиз кишининг ҳозиргина Блэквоутер Паркдан келгани хаёлимга тушиб, назаримда, ўзимни йўқотиб қўя ёзим.

– Ё парвардигоримей – деб юборибман. – Юқумли эмасми?

– Ҳозирча юқумли эмас, — совуққина жавоб берди у қўрелик билан. — Юқумлига айланиб кетиши ҳам мумкин, лекин Блэквоутер Паркдан йўлга чиққанимда бунақа аянчли натижаси кўринмаган. Бунга каминаларининг ўзлари ҳам кўз-қулоқ бўлиб турибдилар, жаноби Фэрли. Уларнинг холидан мунтазам хабардор бўлиб турган тиббий ходим назоратида унга кўмаклашишга ҳам уриндим. Уларни сўнги бор назоратдан ўтказишимиз натижасича, ўзлари амин бўлсинларки, ўша алаҳлашда мутлақо юқумлилик аломати сезилмади.

Амин бўлар эмишман! Ҳаётимда ҳеч қачон бировнинг сўзига лаққа учмаганман. Унга ҳам, ҳатто қасамёд қилганида ҳам, ишонмоқчи эмасман. Ўзининг ранги заъфарон тортиб тургач, ишониб бўладими. Унинг башарасиёқ офат тарқатиб юрган Фарбий Ҳиндистон вабосининг худди ўзгинасию. Бесўнаққай жуссаси гўё тоғдек вабони кўтариб юргандек, ҳатто, тинимсиз алаҳлаганича шу гилам устидаёқ жон таслим қилиб қўя қолаётгандек. Иложи бўлса, ҳозироқ бир фикрга кела қоламан-да. Уни даф қилиб юборишга қарор қилдим.

– Бир ногирон кимсани маъзур тутгайлар, — гап бошладим. — Сухбат сал чўзилгудек бўлса, таъбим тирриқ бўлиб кетади. Ўзларининг келишларидан асосий муддаолари нималигини билсак бўладими?

Мана шу лўндагина кинояга чидаб тура олмаса керак — мулзам бўлиб, узр сўрайди, уни ўчади, қисқаси, хонадан гумдон бўлади, деган умидда эдим. Лекин, аксинча, киноям уни қреслога михлаб қўйди. У энди янаям виқорлироқ, янаям кибру ҳаволироқ ва янаям сирли тусга кирганди. Тарвақайлаган икки бармоғини юқори кўтарганича яна бир бор менга назар ташлади (унинг кўзлари кишини тешворгудек бўлди). У билан жанжаллашишга холим келмаса, нима қилишим керак-а? Аҳволимни ўзингиз ҳам бир тасаввур қилиб кўринг-а! Ёруғ дунёда бундай аҳволни ифодалай оладиган бирон-бир тил топилармикин? Йўқ, топилмайди.

– Каминалари ташрифидан муддаолари — тап тортмай гапида давом этди у. — мақсад (бармоқлариданоқ кўриниб турарди) иккита. Биринчиси, сэр, афсус ва надоматлар бўлсинким, Персивал билан леди Глайдлар ораларида нохуш келишмовчилик юзга келгани ҳақида холисона гувоҳлик бериш. Каминалари сэр Персивалга қадрдон дўст бўлганлари ҳолда леди Глайдга эса никоҳдаги аёлимиз туфайли қариндошлигимиз бор. Блэквоутер Паркда

содир бўлган ҳамма воқеликларни ўз кўзи билан кўрган гувоҳ ҳам ўзлари. Мана шуларга таяниб, таассуф билан бўлса ҳам, ҳақли равишда ишонч билан сўз юритиш умидидамиз. Сэр, ўзларига маълум бўлмайки, мисс Ҳалкомбнинг сиз – леди Глайд оиласи улуғига ёзган мактубида ҳеч қандай лоф йўқ. Ўша ажойиб леди тавсия этаётган тadbир ўзларини эл кўзи олдида содир бўладиган шов-шувлардан халос этувчи бирдан бир чора. Куёв билан келинни вақтинча ажратиб қўйиш мана шу муаммони ими-жимида ечишнинг ягона усули. Ҳозирча уларни бир-биридан ажратиб, кейинча ораларидаги гашларига тегадиган икир-чикирлар барҳам топгач, каминалари, айни вақтда ўзларига мурожаат этаётгандек, сэр Персивалга ҳам мурожаат этиб, уни ақлу ҳушига келтириб қўйишни ўз зиммамизга олурмиз. Леда Глайдда гуноҳ йўқ. Леда Глайд таҳқирланган. Фикримиз тақозосига эътибор берсинлар, улар ўз куёви хонадонида қолгудек бўлсалар, афсус ва надомат чекмай илож йўқ, яна ўша-ўша дилихиралик давом этиб қолаверади. Уларнинг боши ўз кулбагоҳларидан бошқа қаерга ҳам сизгари дейсиз. Эшикларини очсинлар, таклиф шу.

Гапнинг совуқлигини қаранг. Жанубий Англия оилалари устида она ҳукмронлиги дўли уриб турган бир пайтда бутун вужудидан офат ёғилиб турган бир инсон зотининг менга қилаётган илтижоларини кўринг. Шимолий Англиядан келиб, ўша тошбўрончилар сафига суқилармишман. Гапнинг пўст калласини шартга айтиб қўяқолганимдек, унинг нафасини ўчириб қўя қолмоқчи эдим, лекин у бесўнақай бармоқларидан биттасини тушириб, иккинчисини диккайтганича гапни илиб кетди. Очиғини айтганда, ҳатто, кабини елдириб келаётган жиловдордек бир оғиз «пўшт!» ҳам демаёқ мени янчиб ўтди.

— Рад этмай, яна бир бор каминалари фикрига эътибор берсалар, — деди у қатъи бир оҳангда. — Каминаларининг биринчи мақсадларини ўзлари эшитдилар. Каминаларини ушбу хонадонга ташриф буюришга ундаган иккинчи мақсадлари — мисс Ҳалкомб касалликка чалиниб, шахсан ўзлари амалга ошира олмай қолган вазифани рўёбга чиқариш. Каминаларининг чексиз тажрибалари Блэквоутер Паркдаги жамики мушкулотларни ҳал этишда қўл келганидек, ўзларининг мисс Ҳалкомбга йўллаган мактубларидаги нозик бир масалада ҳам дўстона маслаҳатимизга муштоқ бўлиб қолишган. Леда Глайдни таклиф этиш масъулиятини ўз зиммаларига олишдан аввал мисс Ҳалкомбнинг ўзлари билан учрашишдан мақсадлари нималиги каминаларига ҳам аён бўлиб турибди. Ахир,

кўнглимиз бир-да. Эр ўз хасмидаги аёлни қайтариб олмоқчи эмаслигига амин бўлмагунларича ўша заифани ўз паноҳларига олишга шубҳа билдириб, сэр, жуда тўғри иш тутибдилар. Бу эса каминаларига ҳам маъқул кўринади. Шуниси ҳам маъқулки, ушбу мураккаб масалада изҳор этилган ўша нозик мулоҳазаларини шунчаки қалам тебратиш биланоқ ҳал бўлиб қоладиган мулоҳазалардан, деб бўлмайди. Каминаларининг, шахсан қанчалар ноқулай аҳволда бўлмасин, сиз жаноблари ҳузурида ҳозир бўлишлари ҳам айни сўзларининг самимийлигидан далолатдир. Ўша мулоҳазаларга яна қайтгудек бўлсак, каминалари — Фоско, сэр Персивалдан мисс Ҳалкомбга нисбатан яхшироқ оғоҳ бўлган каминалари виждон ва лабзини ўртага қўйиб сиз жанобларига тавалло қиладиларки, уларнинг заифалари шу даргоҳда қарор топгудек бўлсалар, улар бу хонадон яқинига ҳам оёқ босмагайлар, ҳатто, мазкур хонадондан хабардор бўлиб туришга ҳам уринмагайлар. Камхаржликдан ишлари ҳам юришмай турибди. Леди Глайдни ажратиб олиб, уларни ўз холига қўйсалар. Ишончим комилки, сэр Персивал эрк қадрига етар. Имконият туғилиши биланоқ қитъага — Оврупого йўл олур. Масала ўзларига ҳам кундек равшан бўлгандир-а? Албатта, шундай. Каминаларига саволлари борми? Марҳамат қилсинлар. Каминаларининг бу ерга ташрифларидан мақсадлари шулар эди. Савол бераверсинлар, жаноби Фэрли — каминаларига савол ёғдириб, дилларини бўшатиб олсинлар.

Мени чурқ эттирмай, гапни қалаб ташлади. Қўйиб берсам, гап билан миямни қоқиб қўлимга бергудек. Ўзимни эҳтиётлаб, лутфан қилган таклифини рад этдим.

— Беҳад ташаккур. — жавоб бердим. — Ҳолимиз курийдиган бўлиб қолган. Бу аҳволда тақдиримизга тан бермай иложимиз йўқ. Лекин эҳтиёт бўлган яхши-да. Бир-биримизни тушунган бўлсак керак. Ҳа, шундай. Бу ишларга бош қўшиб, қилган илтерламаотларига ташаккур. Андак тетиклашгач яна учрашиб чуқурроқ танишишга умидвормиз...

У ўрнидан турди. Кетаётган бўлса керак, деб ўйлабман. Йўқ. Юқумли бало-қазоларини беармон тарқатиш учун яна вақтни чўзиб валдираши керак экан. Буёғи ҳам бор. Қарда денг? Билиб қўйинг, зинҳор ёдингиздан кўтарилмасин, менинг хонамда. Ҳа, менинг хонамда!

— Яна бир дақиқа, — деди у — жўнаб кетишим олдидан яна бир дақиқа. Хайрлашмай туриб, каминаларига ижозат берсалар, кечиктириб бўлмайдиган бир заруратни ўзларига уқдириб ўтсак.

Гап бундоқ, сэр. Леди Глайдни олиб келиш қочиб кетмас, мисс Ҳалкомб соғайиб кетгунча сабр қилайлик, деган фикрни хаёлларига ҳам келтирмасинлар. Блэквоутер Паркда мисс Ҳалкомбнинг холидан хабар олиб турадиганлар бор — доктор, рўзгорбоши, шунингдек, тажрибали энага. Учаласининг ҳам қобилиятию садоқатига каминалари ўз боши билан жавоб бергайлар. Каминалари ўзларига шуни ҳам, ўзларига яна шуни ҳам уқдириб ўтмоқчиларки, леди Глайднинг опаларидан ташвишланиб ваҳимага тушиши уларнинг ўз саломатликларини кайфиятларини анча ночор қилиб қўйган, ҳатто касалванд олдида туришига ҳам ҳожат қолмади. Эрлари билан муносабати эса кундан кунга ачинарли ва хатарли тус олмақда. Мабодо уларни Блэквоутер Паркда яна бироз қолдирмоқчи бўлсалар, опаларининг тезроқ шифо топишлари ҳақида ўйламасалар ҳам бўлади. Айни вақтда эл оғзига тушиб қолишлари эҳтимолдан холи эмас. Ахир, ўзларига ҳам, каминаларига ҳам, умуман ҳаммамиз ҳам ушбу хонадоннинг муққаддас наъфига боғлиқ бўлганимиз ҳолда, бунга йўл қўймаслигимиз керак. Бу ерга зудлик билан етиб келишлари ҳақида леди Глайдга мактуб йўллаб, пайсалга солишдек жиддий масъулиятни ўз елкаларидан соқит қилишларини лутфан маслаҳат берурмиз. Ўзларининг жиганбандлик, ҳаммалари ичида ёши улуглик тақозосидаги муқаррар бурчларини ўташ билан, келажакда нималар содир бўлмасин, ҳеч бир кимса ўзларини гуноҳкор қила олмасин. Каминалари беҳисоб тажрибалари асосида мулоҳаза юритиб, ўзларига дўстона маслаҳатларини раво кўргудек бўлсалар, уни қила олармиканлар — ҳа ёки йўқ?

Унинг бунчалар ўзбилармонлигидан энсам қотиб, қани энди Луисни чақириб, уни бу ердан гумдон қилсам, деган хаёлда — важоҳат билан унга қараб қўйдим. Ҳа, унга мийиғимда қараб қўйдим. Лекин ишонасизми, важоҳатимни парвосига ҳам келтирмади. Асабсиз туғилган, асабсиз туғилган бўлса керак.

— Шубҳаланиб қолдилар шекилли? — деди у. — Жаноби Фэрли, шубҳаларини тушуниб турибмиз. Кўнгилларида эътироз намён бўлиб турибди (буни қаранг, сэр, ўзларига бўлган меҳримиз туфайли хаёлларига олган фикрларини ҳам уқиб турибмиз), Ҳемпширдан шу ергача чўзилган олис сафарга ёлғиз отланиш учун леди Глайд саломатлиги анча заифлик қилар, деган андишалари ошкор бўлиб турибди. Ўзларига маълумки, улар ўз хизматларидаги дастёридан маҳрум этилган. Англиянинг бир чеккасидан иккинчи чеккасигача қилинадиган олис сафарда уларга

кўнгилларидагидек ҳамроҳлик қила олгудек бошқасини Блэк-воутер Парқдан топиш амри маҳол. Сафар давомида Лондонга тушишлари бор. Бу ерда унинг ғариб мусофирлиги кўзга яққол ташланиб, умумий меҳмонхонага ҳам ёлғиз ўзи бемалолроқ бора олмаслиги, борганида ҳам хотиржамгина ҳордиқ чиқара олмаслиги сабабли эътироз билдирмоқчилар. Каминалари ўша иккала эътирозларини ҳам бир нафасда маъқуллаб, яна бир нафасда уларни рад этгайлар. Сабрларини аямай, фикримизга сўнгги бор эътибор берсалар, каминалари сэр Персивал билан бирга Англияга қайтганларида Лондон атрофларида истиқомат қилиш ниятида эдилар. Орзу ушалиб, яқинда ўша муждалар амалга ошди. Сент Жонс Вуд даҳасидан шинамгина тайёр бошпанани олти ой муддат билан ижарага олдик. Ўшани назарда тутганлари ҳолда эътиборларига энди ҳавола этиладиган дастуримизга эътибор бергайлар. Леди Глайд Лондонга жўнаб кетадилар (қисқагина масофа). Каминалари уларни станцияда кутиб оладилар-да, ором олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун ўз уйларига, айни вақтда, уларнинг аммаларининг ҳам уйларига олиб борадилар. Ўша ерда ҳордиқ чиқарилгач, каминалари уларни яна станцияга олиб келадилар. Бу ерга леди Глайднинг ўзлари етиб келаверадилар. Уларнинг ўз дастёрлари эса (у ҳозир ушбу хонадондан бошпана топган) ўз соҳибаларини каб эшигидан тушириб олаверади. Қулай таклифимиз мана шу, таклифданоқ кўриниб турган қариндош-уруғчилик оқибати ҳам шу, ўзларининг шахсий бурчлари ҳам шулар — бошпана, меҳр-оқибат ва ҳимоя қаноти остига олиш. Бечора леди мана шу учаласига интиқ бўлиб турибдилар. Мўлжалланган йўл-йўриқлар аввалию охири — улар кўнглига тасалли, дилига нур ёғдириш. Оиланинг муқаддас шаъни учун, сэр, каминаларининг иккинчи тавсияларига эътибор беришларини истардик. Кўнгли озор топган ўша муштипар ледига сиз жаноб уйлари (юрақларининг ҳам) эшиги очиклиги, каминалари уйлари (юрагимизнинг ҳам) эшиклари очиклиги ҳолда хат ёзиб, шу бугуноқ каминаларидан бериб юборишларини астойдил маслаҳат берардик.

У бесўнақай қўлини менга шоп қилди. Мараз босган кўкрагига муштлиди ҳам. Нотиқларча мурожаатини айтмайсизми, гўё у мени парламент олдида муҳокама қиларди. Нима бўлганда ҳам, тегишли чора кўриш керак эди. Луисни чақириб, ҳар эҳтимолга қарши, хонани зудлик билан дезинфекциялаш ишини ҳам бошлаб юбориш зарур эди.

Жоним ҳиқилдоғимга келиб турган ўша вазиятда хаёлимга зўр фикр келиб қолди, бошқача қилиб айтганда, бир тош билан икки асфаласофилин қилувчи фикр. Ўша жирқанч ажнабийнинг илтимосига биноан зудлик билан хат ёзиб, ҳам графнинг чакагини ўчириш, ҳам леди Глайднинг юрагимга сигмайдиган ташвишларидан қутулиб қўя қолишга аҳд қилдим. Таклифимнинг инобатга олинишидан заррача чўчимаса ҳам бўларди. Чунки Мариан Блэквоутер Паркда касал ётган бир пайтда Лауранинг у ердан жўнаб кетишига розилик бериши ақлга сигмасди. Нечук шундоққина кўриниб турган монёлик ҳамма нарсага ақли етадиган, зийрак графнинг хаёлидан фаромуш бўлиб қолдйкин? Бунга ишонгим ҳам келмайди. Лекин хаёлидан фаромуш бўлгани аниқ эди. Мабодо имиллаб вақтни қўлдан бой бериб қўйгудек бўлсам, ўша баҳона унинг ҳам хаёлига келиб қолмасайди, деган таҳликада ўтирган еримда пирлаб қолдим: ёнгинамдаги қалам-қоғозга ёпишиб, ҳа, ёпишиб, оддий бир маҳкама котибидек шу заҳотиёқ хатни дўндириб ташладим. «Жондан азиз Лаура, кўнглингиз хушлаган вақтда келаверинг, марҳамат. Лондондаги аммангиз уйига тушиб, ўша ерда тунаб олинг. Азиз Марианнинг бетоблигини эшитиб, ҳафа бўлдим. Меҳрибон амакингиз». Шу сатрларни ёнгинамда турган графга узатиб, яна қайта креслоимга ясланганимча унга мурожаат қилдим:

— Афу этгайлар, бутунлай ҳолдан тойдим. Ортиқча ёзишга мажолим йўқ. Пастда тамадиланиб, дамингизни ҳам оларсиз-а? Ҳаммага меҳру-муҳаббатимиз ва ҳоказолар. Хайр.

У яна гапга тушиб кетди. Бу кишининг умуман тинкаси қурмас экан. Кўзларимни юмиб олдим. Иложим борича, эшитмаслик пайида бўлдим. Ҳар қанча уринмайин, унинг валдирашларини эшитишга маҳкум эдим. Синглимнинг тиниб-тинчимас эри суҳбатимиз натижаси билан ўзини табриклади, мени ҳам табриклади. Мен билан ўз шаънига мулозиматлар ёғдириб валақлади. Аянчли аҳволимдан ўртанди, муолажа дориларидан ёзиб беришни таклиф этди. Куёш нури моҳияти ҳақидаги гапларини унутмаслигим кераклигини қайта ва қайта уқтирди. Ҳордиқ чиқариб, тамадиланиб олиш ҳақидаги илтерламаотимдан хурсанд бўлибди. Леди Глайдни икки ёки уч кундан кейин кутаверишимни тавсиф қилди. Ўзимизнинг саломатлигимизга эҳтиёт бўлайлик, дейиш ўрнига кейинча яна учрашишимизга умидворлигини билдириб, мендан розилик сўради. Булардан ташқари, яна нималардир деб

валақлади. Лекин нима деганига ўша вақтда ҳам эътибор бермаган эдим, ҳозир ҳам хаёлимда йўқ, шунисига шукур. Унинг аста-секин мендан узоқлашаётган мулойим овози қулоғимга чалинган, ўзи жуссадор бўлишига қарамай, оёқ товушини эшитмаман ҳам. Унинг илвирсдек шарпасиз юришдек бемаъни одати бор экан. Эшикни қачон очдию қачон ёпди – хабарим йўқ. Анча сукутдан кейин бир қараб қўйишга журъат этиб, кўзимни очсам, кетиб қолган экан.

Луисни йўқлаб қўнгироқ чалдим, кейин ваннахонага равона бўлдим. Ўзим хушбўй сирка аралаштирилган илиқ сувга чайинишим, кабинетимни эса қуюқ тутатқи билан дезинфекциялаш зарур эди. Албатта, булар ўрнига қўйилди.

Натijasи ёмон бўлмади, шунисига ҳам шукур. Тушликдан кейин, одатдагидек, мириқиб ухлабман. Ҳеч нарса кўрмагандек энгил тортиб турибман.

Аввало графни суриштирдим. Ҳақиқатан ҳам ундан халос бўлдикмикин? Ҳа, шундай – пешинги поездда жўнаб кетибди. Тушлик қилдимикин ва мабодо тамаддиланган бўлса, нима едийкин? Асосан мевали торт ва қаймоқ ебди. Ўзи қанақа одам у? Ошқозони нимадан қилинганикин?

Яна бирон нарса дейишнинг ўрни бормикин? Менимча. ҳожати йўқ. Ишончим комил, менга тааллуқли ҳаммасини ипидан игнасигача айтиб бўлдим. Кейинги вақтлар содир бўлган машъум воқеаларда эса, тангрига шукроналар бўлсинким, аралашмаганман. Ўша воқеалар туфайли, қиттай бўлса ҳам, ҳеч ким мени беҳаёларча гуноҳдор этмагай, деб тангрига тавалло қилурман. Қўлимдан келганича, яхшилик қилишга уриндим. Кутилмаганда содир бўлган аянчли бахтсизликка жавобгар эмасман. Шундай бўлиши кимнинг ҳам хаёлига келарди, дейсиз. Мен жавобгар эмасман. Бу бахтсизлик мени адою тамом қилди. Ҳеч ким менчалик куймаган бўлса керак. Гўллигидан менга содиқ бўлиб қолган камердинерим Луиснинг фикрича, бу азоблардан кейин одам бўлишим қийин. Айни вақтда у қўлимда рўмолчаю кўз ёшларимни артганимча ушбу сўзларимни унга ёздирётганимнинг гувоҳи бўлиб турибди. Шуни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиманки, ўзимга ҳам адолат кўзи билан қараганда, бунда менинг гуноҳим йўқ. Ўзим ҳайрон, дилим вайрон. Бошқа гапга ўрин борми?

ҲИКОЯНИ ЭЛИЗА МИХЕЛСОН ДАВОМ ЭТТИРАДИ

(Блаквоутер Парк рўзғорбоиши)

Мисс Ҳалкомб дардининг оғирлашиши ва леди Глайднинг Блаквоутер Паркдан жўнаб кетишига сабаб бўлган вазиятлар ҳақида билганларимни ипидан игнасигача ёзиб беришимни илтимос қилишди.

Зиммамга бундай бурч тушиши сабаби шундаки, ҳақиқатни юзага чиқариш учун менинг гувоҳлигим зарур бўлиб қолганди. Масихий инглизлар саждагоҳи пешвосининг беваси бўлганим учун (бахтга қарши, ўша можаролар атрофида ўралашиб қолгандим), ҳақиқат даъвосини бошқа ҳар қандай мулоҳазалардан устун қўйишга одатланганман. Шунинг учун ҳам илтимосни рад эта олмадим. Акс ҳолда, розилик бериб, гам-алам тўла оила можароларига ара-лашишга журъат этмаган бўлардим.

Ўша вақтлар қачон нима бўлганига унча эътибор бермас эканман. Шунинг учун ҳам содир бўлган воқеалар кунини аниқ айтишга ожизман. Шундай бўлса ҳам, мисс Ҳалкомбнинг аянчли бетоблиги июннинг ўн ёки ўн икки кун қолганида бошланган, деб хато қилмаслигимга ишонаман. Блаквоутер Паркда нонуштага анча кеч ўтириларди — кечи билан ўнларда, лекин тўққиз яримлардан олдин эмас. Мен тилга олаётган ўша кун эрталаб (одатда биринчи бўлиб тушадиган мисс Ҳалкомб нонушта пайтида кўринмади. Дастурхон атрофида йиғилган оила аъзолари уни чорак соат кутишгач юқори қават фаррошини ундан хабар олиш учун юбордилар. Мисс Ҳалкомб хонасидан у ўтакаси ёрилгудек талвасада югуриб чиқди. Фаррошни зина тепасида учратдим, нима бўлдикин, деб мисс Ҳалкомб ёнига шошилдим. Бечора леди менга бирор сўз айтишдан ожиз эди. Кўлида ручка, иситма ҳароратида алаҳсираганича хонани гир айланиб турарди.

Унинг олдига дастлаб леди Глайд (сэр Персивал хизматидан бўшаб кетганим учун собиқ соҳибамни ортиқча мулозиматсиз, расмий номи билангина тилга олсам беодоблик бўлмайди) оромгоҳидан елиб кирганди. Кўрқиб кетганидан саросимага тушиб, нима қиларини ҳам билмасди. Салгина кейинроқ чиқиб келишган граф билан унинг рафиқаси меҳрибонлик кўрсатиб қўллари-дан келганича кўмакдош бўлишди. Графиня (Her ladyship)

мисс Ҳалкомбни кароватига ётқишида менга қўмаклашди. Граф ҳазратлари бўлса даҳлизда турганларича тиббий қутичани олдириб келиб, доктор келгунича вақтни зое кетказмай нималарнидир аралаштириб дори тайёрлар, бош ҳароратини тушириш учун сувга бўктирилган мато бериб турди. Биз матони пешонасига босиб турдигу, дори ичира олмадик. Сэр Персивал докторга одам юбориш тараддудига тушди. Жиловдорлардан бирини отда энг яқинимиздаги тиббий шифокор Оук Ложлик Даус жаноблари олдига юборди.

Даусон жаноблари бирор соат ўтмаёқ етиб келди. У вилоятимиз яқин атрофида ном чиқарган табаррук мўйсафид эди. Шунинг учун ҳам ундан Мариянинг аҳволи анча оғирлигини эшитиб, таҳликага тушиб қолдик.

Граф ҳазратлари Доусон жаноблари эътиборини мулойимлик билан ўзига тортиб, ўз мулоҳазаларини унга изҳор этди. Доусон жаноблари эса (ортиқча мулозиматсизоқ) граф маслаҳатини тиббий мутахассис маслаҳатими – йўқми – суриштириб, ундан норасмий мутахассис маслаҳати, деган жавоб олгач, тиббиёт ишқивозлари маслаҳати билан иш тутмаслигини билдирди. Граф ҳам ҳақиқий масихдек иш тутиб, сукут билан жилмайганича хонадан чиқиб кетди. Ҳа, остонада андак тўхтаб, чиқиб кетиш олдида менга мурожаат этиб, мабодо ўша кунни кечгача у зарур бўлиб қолгудек бўлса, кўл лабидаги қайиқхонада бўлишлигини тайинлади. У ерга нима мақсадда кетгани ҳақида бирон нарса деёлмайман. Лекин кун бўйи – кечки соат еттигача яъни таом пайтигача ўша томонда бўлгани аниқ. Эҳтимол, бу хонадонда иложи борича осойишталик яратиш илинжида ўзини четга олгандир. Унинг феъл-атвори шунга мойиллиги аниқ. У кенг мулоҳазали оқсуяклардан эди.

Биринчи кеча мисс Ҳалкомб учун анча оғир ўтди. Иситмаси дам тушиб, дам кўтарилиб турди. Эрталабгача енгил тортиш у ёқда турсин, яна ҳам оғирлаша бошлади. Яқин атрофдан унга кўз-қулоқ бўлиб тургудек биронта ҳамшира ҳам топилмади. Бу вазифа ҳурматли графиня билан менинг зиммамизга тушди, навбатма-навбат унинг ёнида ўтириб чиқдик. Леди Глайд ҳам ўйламай-нетмай, биз билан бирга бўламан, деб туриб олдилар. Уларнинг нозик табиати ва саломатлигининг ҳам анча заифлиги мисс Ҳалкомб касали ташвишларини кўтара олмасди. Улар аслида қиттай ёрдам қилиш у ёқда турсин, ўз саломатлигига путур етказарди холос. Дунёда ҳеч қачон бунчалар меҳрибон ва жонсарақ би-

ронта леди бўлмаган — улар нукул кўз ёши тўкар, талвасага тушарди. Мана шу иккита заиф томони унинг бемор олдида бўлмаслигини тақозо этъарди.

Сэр Персивал билан граф эрталаб ҳол-аҳвол сўраб кирдилар.

Сэр Персивал (ўз қаллиги ташвишларига мисс Ҳалкомбнинг бетоблигидан дилгирлиги туфайли бўлса керак) анча хомуш, ҳаёли ҳам паришонроқ кўринарди. Граф ҳазратлари эса, аксинча, осойишта, огир-вазмин эди. Бир қўлида похол шляпаси, иккинчи қўлида — китоб. Сэр Персивалга яна қўл томон чиқиб, ўша ерда тадқиқот билан банд бўлиши ҳақида писанда қилганини эшитдим. «Уй ичи осойишталигини таъминлаш лозим» — деганди у. — «Уй ичида чекишни ҳам бас қилишимиз керак, дўстим. Мисс Ҳалкомб бетоб ётибдилар. Сиз ўз ишларингизга йўл олинг, каминалари ҳам ўз ишига равона бўладилар. Тадқиқот пайтида каминалари ёлғизликни маъқул кўрадилар. Тонгингиз хайрли ўтсин, мисси Михелсон».

Сэр Персивал хушмуомала кишилардан эмасди, аҳтимол, адолат юзасидан айтилганда у менга нисбатан худди ўшандоқ хушмуомала бўлгудек ювош-мўмин кишилардан эмасди, дейиш мумкин. Лекин ушбу хонадонда (ўша пайтдами ёки бошқа пайтлардами мендек гамгузор бир нотавон аёлнинг кўнглига яраша муомала қиладиган бирдан-бир киши ўша граф эди. У ҳақиқий оқсуяклик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, барчага баробар — ҳаммининг ҳурматини жойига кўярди. Ҳатто леди Глайд олдида келиб турадиган (Фанни исмли) қизалоқ ҳам унинг эътиборидан четда қолмасди. Сэр Персивал у қизни ҳайдаб юборганида герцог ҳазратлари (ўша пайтлари ёқимтой қушчаларини менга кўрсатаркан) ўша қизнинг тақдири нима бўлганини — Блэквотер Паркдан чиқиб кетган куни қаердан бошпана топа олиши мумкинлиги ва бошқа майда-чуйдаларини қайта-қайта суриштириб жони ҳалак бўлганди. Насл-насабли оқсуякларнинг бошқалардан устунлиги мана шундай назарга илинмайдиган арзимас муомалаларда ҳам билиниб қоларкан. Шунчалар майда гап бўлиб кетишим ўринсиз, деб, узр ҳам сўрамоқчи эмасман. Ахир, уларнинг феъл-атворини яхши билганим учун ҳам, герцог жаноблари ҳақида бор ҳақиқатни баралла айтиш керак-да. Баъзи доираларда улар ҳақида бежо гапираётганлар ҳам топилиб турибди. Ночор аҳволга тушиб қолган бир қизга ҳурмат билан қараб, ўшандай бечораҳол ожизанинг тақдирига оталарча муносабатда бўлган зотнинг шу фазилатлари мақташга арзигулик олижаноблик эмасми?

Мен ўз фикримни рўкач қилаётганим йўқ, балки бор ҳақиқатни ҳавола қилаяпман. Менинг ҳаётдаги саъи ҳаракатларим замона-созлик эмас. Суюкли эрим хутбаларининг ҳам энг зўри шу эди. Бева қолган кунларимда муштарийлар томонидан чоп этилган хутба тўпламининг ўзимдаги нусхасини доим ўқиб тураман ва ҳар гал ундан маънавий ва дунёвий озуқа оламан.

Мисс Ҳалкомб қиттай бўлса ҳам енгил тортмас, иккинчи кеча эса ҳатто бироз оғирлашиб ҳам қолганди. Даусон жаноблари энди уйига ҳам кетмасди. Ҳамширалик ишлари ҳамон графиня билан менинг зиммамда эди. Леди Глайд бўлса, нечоғлик ялиниб-ёлвориб дам олишини қистамайлик, сўзидан қайтмас — ўжарлик билан ёнимиздан нари кетмасди. «Мен Мариан жоним олдида бўлишим керак» — унинг бирдан-бир жавоби эди. — «Касалманми ёки соғманми, ҳеч нарса мени ундан нари қила олмайди».

Чошгоҳга яқин одатдаги баъзи бир ишларим билан маъмур бўлиш учун пастга тушдим. Бирор соатлардан кейин яна ўша бетоб ётган хонага қайтаётиб залга кириб келаётган графни учратиб қолдим. Уч кундан буён у уйдан эрта саҳарлаб чиқиб кетар, бугун ҳам шундай бўлган эди. Афтидан, қувончи ичига чигмасди. Худди шу пайт сэр Персивал кутубхона эшигидан бош чиқариб, интиқлик бир оҳангда ҳурматли дўстига мурожаат қилиб қолди:

— Уни топдингизми?

Граф жаноблари парвойи палак жилмайиб, баркашдек юзини кулдиргич босиб кетди. Лекин оғзидан бирон садо чиқмади. Айни пайтда сэр Персивал ўгирилиб, зинага яқинлашиб келаётганимга кўзи тушдию, хуноб бўлгандек ўқрайиб қолди.

— Бу ёққа кириб, ўша ҳақда гапириб беринг. — деди у графга. — Аёллар уйда бўлсалар, ликиллаб қолишади. Бир оёғи пастда, бир оёғи юқорида.

— Азизим Персивал, — мурожаат қилди граф жаноблари унга мулойимлик билан. — Миссис Михелсоннинг ҳам ўз вазифалари бор. Ўшаларни каминаларидек сидқи дилдан қойил қилиб қўяётганларини тан олсалар бўларди! Азият чекувчининг аҳволи қандай, миссис Михелсон?

— Афсус, яхшироқ дея олмайман, жаноблари.

— Аянчли ҳол, ўта аянчли ҳол! — ачингандай бўлди граф. — Ўзингиз жуда ҳолдан тойгандек кўринасиз, миссис Михелсон. Касалга қарашнинг ўзи бўладими, бу ишда сиз билан каминангизнинг хотинига ёрдамчи зарур. Назаримизда ўшандай ёрдамчини каминаларининг ўзлари тавсия этадилар шекилли. Вазият ма-

дам Фосконинг эртами ё индинми Лондонга бориб келишини тақозо этиб турибди. Эрталаб жўнаб, тунда қайтадилар. Елкангиздаги юкни сал енгиллатиш учун мураббия олиб келадилар. Хулқи-одоби бебаҳо, тажрибаси зўр. Ҳозир ишламаётган экан. Ўша аёлни рафиқамиз билар эканлар. Ишончли эмиш. Шу ерга келиб ишга тушгунларича докторга у ҳақда оғиз очмай турганингиз маъқул. Чунки каминалари тавсиясидаги мураббияни уларнинг жинлари хуш кўрмайди. Ўша аёл шу ерга келгач, ўзингиз гаплашиб оларсиз. Даусон жаноблари эса уни ишга олдирмаслик иложи йўқлигига иқрор бўлишга мажбур бўладилар. Леди Глайд ҳам шу сўзни айтадилар. Уларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромимизни уларга етказарсиз, деган умиддамиз.

Граф жанобларининг самимий илтерламаотларидан беҳад миннатдорчилигимни изҳор этдим. Сэр Персивал ўша ҳурматли дўстига (афсуски, бемаъни бир ибора билан, мурожаат қилганича гапни қисқа қилиб, уни маҳтал қилмай кутубхонага кира қолишини уқдирди.

Мен юқорига йўл олдим. Биз бечора гуноҳкор бандаларнинг аёллик иродаси қанчалик мукамал бўлмасин, ноўрин олазарақлик васвасаларини даф этишга ожизлик қилиб қолади. Ҳозир ҳам, айтишга тилинг бормайди, ўша васваса одоб, андишаларимдан голиб келиб, сэр Персивалнинг кутубхона эшигидан бош чиқариб, ҳурматли дўстидан суриштирган масала мени бутунлай ўзига ром қилиб олди. Тадқиқот ишлари билан банд бўлиб юрган граф эрталабдан Блэквоутер Паркда сайр қилиб, кимни учратмоқчидийкин? Сэр Персивалнинг гапларига қараганда, аёл киши, деган хулоса чиқариш мумкин. Граф ножўя қадам ташлаётганмикин, деган шубҳам ҳам йўқ эмас — унинг мафкуравий томонлари менга беш қўлдай аён эди. Мен учун бирдан-бир жумбоқ — ўша аёлни топдимикин?

Давом эттираман. Бу кеча ҳам одатдагидек ўтди. Мисс Ҳалкомб аҳволида қиттай бўлса ҳам нажот кўринмади. Эртасига сал тетиклашгандай бўлди. Индинига миледи графиня қаерга кетаётгани ҳақида миқ этмай, бу ҳақда гапиргани қулоғимга чалинмаган, эрталабки поездда Лондонга жўнаб кетди. Ҳурматли эри одатдаги эътиборини қанда қилмай, уларни станциягача кузатиб қўйди.

Мисс Ҳалкомбнинг бутун оғирлиги энди менинг зиммамга тушганди. Бунинг устига сингисининг унинг ёнидан нари кетмаслик аҳди назарда тутилса, леди Глайднинг ўзига ҳам энагалик қилишим зарур эди.

Ўша куни содир бўлган бирдан-бир тилга олгудек воқелик доктор билан граф ўртасида содир бўлган навбатдаги кўнгилхорлик тўқнашуви эди.

Граф жаноблари станциядан қайтгач ҳол-аҳвол сўраш учун юқорига чиқиб, мисс Ҳалкомб ҳужрасига кирдилар. У билан гаплашиш ниятида ичкаридан олдига чиқдим. Даусон жаноблари билан леди Глайд иккаласи бемор олдида қолишди. Граф муолижа ва унинг натижалари ҳақида мендан анчагина нарсаларни суриштирди. Мен эсам унга муолажа, тавсия қилинганидек, «saline» усулида олиб борилаётганини, натижаси — иситма хуружлари орасида ҳолсизлик ва exhaustion юз бераётганини маълум қилдим. Ўша охириги сўзларимни айтаётганимда ичкаридан Даусон жаноблари чиқиб келди.

— Тонглари хайрли ўтсин, сэр, — деди граф жаноблари одобу мулозиматни ўрнига қўйиб унга пешвоз чиққанича. Овозида оқсуякликка хос қатъилик гўё эътирозга ўрин қолдирмаётгандек эди. — Бугун бемор аҳволида ижобий жонланиш сезмаган бўлсангиз керак, деб қўрқаман?

— Аксинча, эришган муваффақиятимиз яққол кўрсатиб турибди, — жавоб берди Даусон жаноблари.

— Безгакни даволашда ўзлари ҳамон ўша ибтидоий муолижа тарафдори бўлиб қоларкан-да — граф жаноблари фикрини давом эттирди.

— Тиббий тажрибамизда қўл келган муолажа усулига амал қилиш лозим.

— Тиббий тажрибаларидек кенг мавзуда ўзларига бир савол билан мурожаат этишга ижозат берсалар — деб қолди граф. — Маслаҳат беришга ҳаддимиз сифмаса ҳам, суриштириб қўйишга ҳаддимиз сифар, деган умиддамиз. Ўзлари, сэр, фан гуркираётган Лондон ва Париждек буюк илм даргоҳларидан анча олисда турадилар. Безгакни даволашда силласи қуриб, ҳолдан тойиб қолган беморларни вино, коньяк, ношатир спирти ва хинин билан қувватлантириш оқилона ҳисобланиб, ўшалар наф беришини эшитганмилар? Тиббиёт ёруғ юлдузларининг ўша сўнгги ақидалари қулоқларига чалинганмикин, ҳа, ёки йўқ?

— Бу тоифа саволни мутахассис оғзидан эшитсам эди, жоним билан жавоб берган бўлардим. — жавоб берди доктор чиқиб кетиш учун эшикни очиб. — Сиз мутахассис эмассиз, бас, саволингиз жавобсиз қолса, бизни маъзур тутгайсиз.

Кутилмаганда юзига шармандалик тарсақиси тушиб қолган граф ҳақиқий масиҳийдек мулойимлик билан унга иккинчи юзини ҳам тутди:

– Тонглари хайрли ўтсин, жаноби Даусон. Мабодо раҳматлик эргинам граф ҳазратлари билан учрашиш бахтига мушарраф бўлганида, улар бир-бирларининг қадрига етишган бўлишарди-я?

Графиня олиялари ўша куни тунги поездда қайтиб келди. Лондондан энага олиб келибди. Айтганларича, исмлари миссис Рубелле эмиш. Ташқи қиёфаси, гап сўзларидан сезилиб турган ноқис инглиз тилига қараганда, у ажнабий эди.

Мен ажнабийларга нисбатан ҳар вақт мутаносиблик назари билан қарашга уринардим. Улар бизларга насиб этган фазилатлару эришган муваффақиятларимиздан маҳрум эдилар. Яна аксарияти нацизм шабкўрлигида тарбияланишарди. Раҳматлик қадрдон эрим фарз ва суннат, деб ўзи амал қилгани ҳолда менинг ҳам қулогимга куйган насиҳатларига астойдил амал қиламан (Самуэл Михелсоннинг сўнги хутбалари тўпламидаги XXIX хутбага қаранг). Шунинг учун ҳам миссис Рубелле, бугдойранг яъни креолсифат, оч кўк кўзлари аланглаб турадиган, зуваласи пишиққина, югуриб-елиб чарчамайдиган писмиқ аёлдек кўринди, дейишга тилим бормади. Ҳозиргина айтилган сабаблар туфайли унинг кўйлаги ҳақидаги фикримни ҳам эслаб ўтирмасам. Рост, кўйлаги одмигина ипак матодан тикилгану, баҳоси фалон пул-да! Бунақа жимжимаю хашаматларга зеб бериб, ўзи ким бўлибди. Ўз шаънимга шунақа сўзлар айтилишини ҳам кўрмаганимдек ўзим ҳам миссис Рубелле шахсиятига тегадиган гап-сўздан тилимни тийишим керак.

Мен унинг хулқ-атвори ҳақида сўз юритиб, ўшанда ҳам, эҳтимол, юрагингизни сиқиб юборгудек камсуханлиги эмас, балки очикдан-очик кўриниб турган писмиқлигию одамовилигини қайд этиб ўтмоқчиман, холос. Атрофга аланлагани-аланлаган, миқ этмай юради. Бу хусусиятлар унинг Блэквоутер Паркдагилардан ёгинқираётгани ёки камтарлигидан ҳам бўлиши мумкин. Яна шунисиям борки, ўша куни кечки таомга ҳам чиқмади (нимага шундай қилдийкин, бир балоси бўлса керак), нима бўлгандаям, уни овқатсиз қолдирмаслик учун илтерламаот юзасидан, ўз хонамга таклиф қилдим.

Графнинг шахсий таклифига биноан (гина тутмаслик граф жанобларига хос фазилат), миссис Рубелле келаси куни эрталаб доктор розилиги олинмагунча ишга тушмаслиги керак эди. Ўша тун бемор олдида мен ўтириб чиққанман. Бу янги энаганинг мисс Ҳалкомб хизмати учун ёлланишига леди Глайднинг кўнгли йўқдек туюларди. Ўқимишли ва нозик табиат аёлнинг ажнабий заифага нисбатан менсимаслик туйғуси менга анча ғализ туюлди. «Миле-

ди, меҳнат аҳли, айниқса хорижийлар ҳақида ҳукм чиқаришда ошиқмаслигимиз керак, буни хаёлдан фаромуш тутиб бўлмайди» — деганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Гапимни леди Глайд эшитмаган бўлса керак. У хўрсиниб мисс Ҳалкомбнинг кўрпа устидаги кўлини ўпарди. Беморга нечоғлик осойишталик зарур бўлиб турган бир пайтда ледининг бу ҳаракати ақлдан эмасди. Лекин бечора леди Глайд энагалик нималигини ҳам билмасди. Мени маъзур тутсинлару мутлақо билмас экан.

Кейинги кун эрталаб миссис Рубеллени мисс Ҳалкомб хужрасига жўнатишибди. Бемор олдига кириши олдидан доктор розилигини олиб қолиш керак, деб ўйлашган бўлса керак.

Мен леди Глайдни мизғиётган мисс Ҳалкомб ёнида қолдириб, ўзим миссис Рубелле олдига чиқдим. Ёлғиз ўзи, ишим нима бўларкин, деб таҳликага тушмасин, нотаниш ерда шумшайиб қолмасин, деб ўйлагандим. Ўйларим пуч бўлиб чиқди. У хотиржам ўтирарди. Аввалданоқ Даусон жаноблари розилик берадилар-да, деб кўнглини тўқлаб олганга ўхшарди. Дераза олдида (хотиржамгина) қишлоқ табиатидан завқланиб ўтирарди. Баъзи бировлар буни ўзбилармонликка йўйишлари ҳам мумкин. Мен эсам бошқача таъбирладим — иродаси зўр экан.

Докторнинг олдимизга чиқиши у ёқда турсин, мени унинг олдига чақиртириб қолишди. Ишнинг бунчалик чаппасига кетиши бежо бўлмаса керак, деган хаёлга бордим. Миссис Рубелле эса бунга парво ҳам қилмади. Чиқиб кетаётганимда у ҳамон қишлоқ манзарасига маҳлиё бўлганича миқ этмай хотиржам ўтирарди.

Даусон жаноблари мени тамаддихонада кутаётган экан. Ёлғиз ўзи.

— Ўша янги энага масаласида йўқлагандим, миссис Михелсон, — деди менга доктор.

— Тушундим, сэр.

— Эшитишимча, бу аёлни гашимга тегиб юрадиган анави хорижий бақалоқ қариянинг хотини Лондондан олиб келган эмиш, миссис Михелсон, бу хорижий бақалоқ — фирибгар.

Бу ўтакетган кўрслик эди. Оғзим очилиб қолди.

— Гап бир аристократ устида бораяпти-я, билиб гапираяптиларми, сэр? — дедим.

— Эээ! Номини сотиб юрган ўшанақа фирибгар биттами. Ҳаммаси ҳам граф. Худо олсин уларни!

— Олий аристократия табақасидан бўлмаганида, албатта, инглиз аристократияси бундан мустасно, сэр Персивал Глайд уни дўст тутмаган бўларди, сэр.

– Майли, миссис Михелсон, уни ким десангиз деяверинг, ихтиёр ўзларида. Келинг, анави энага ҳақида гаплаша қолайлик. Мен унга қатъи эътироз билдираётгандим.

– Ўзларини кўрмасдан-а, сэр.

– Ҳа, ўзларини кўрмасдан. Бу аёл жаъмики энагалар ичида аъло-си бўлиши ҳам мумкин, лекин менинг кўнглимдагиси эмас. Эътирозимни айтиб, соҳиби хона сэр Персивал олдидан ўтдим. Фикримга кўшилмади. Унинг айтишича, менинг кўнглимдагидек энага ҳам Лондондан олиб келинадиган бир ажнабий бўлармиш. Бу аёлни қаллигининг аммаси не азиятлар билан Лондондан олиб келгани учун уни синаб кўриш лозим эмиш. Гапларида жон бор, шунинг учун ҳам йўқ дейишга тилим бормади. Лекин шарт кўйдим – мабодо ундан шикоят қилгудек бўлсам, нари-берисиз ишдан бўшатилади. Тиббий муолажа олиб бораётганим учун ҳам, шундай шарт кўйишга ҳақлиман. Сэр Персивал ҳам шунга розилик берди. Энди, миссис Михелсон, бутун умидимиз сиздан. Бир-икки кун энагадан кўз узмай турарсиз, деган умиддамиз. Мисс Ҳалкомбга фақат менинг дориларимдан бериб туришини ҳам назардан қочирманг. Анави ажнабий аристократингиз ўзининг фирибгарлик доридармонларини (ҳатто месмеризминини ҳам) кўлимдаги беморда синаб олай, деб ўлиб ётибди. Хотини олиб келган анави энага ҳам унга бироз ёрдамлашвориши мумкин. Тушундингизми? Яхши, энди тепага чиқа қолайлик. Энага ўша ердами? Бемор олдига киришидан олдин у билан бир-икки оғиз гаплашиб олмоқчиман.

Миссис Рубелле ҳамон дераза ёнида ўзини овунтириб ўтирган экан. Даусон жаноблари билан таништирганимда ҳам доктор унга шубҳали назар ташлаб, илмоқли саволлар берганида ҳам, сал бўлсаям ийманиб кўймади. Саволларга ўзининг ожиз инглиз тилида шошилмай жавоб берарди. Уни довдиратиб кўйиш учун ҳар қанча уринмасин, ўз вазифаси кўламидаги ишларда заррача бўлса ҳам нўноқлигини сездирмади. Бу эса унинг беҳаёларча ўзбилармонлиги эмас, балки, шубҳасиз, илгари айтганимдек, ирода кучининг зўрлиги эди.

Учаламиз оромхонага кирдик. Миссис Рубелле беморга синчковлик билан назар ташлади. Леди Глайдга таъзим қилди. Ўша ердаги баъзи бир майда-чуйда нарсаларни ўз жойига кўйиб, унинг хизматига зарурат туғилгунча бир чеккага бориб ўтирди. Леди Глайд нотаниш энагага кўзи тушиб, андак чўчигандек, ҳатто норози бўлгандек туюлди. Ҳали ҳамон қуш уйқусида мизғиётган мисс Ҳалкомбни уйғотиб юбормаслик учун ҳеч ким бирон сўз демади. Фа-

қат доктор шивирлаб тун қандай ўтганини суриштирди. «Одатда-гидек» — деб оҳиста жавоб берганимдан кейин у чиқиб кетди. Леди Глайд ҳам, миссис Рубелле ҳақида гаплашиш учун бўлса керак, унинг орқасидан чиқди. Шахсан мен ўзим бир қарорга келиб қўйгандим — бу мулоим ажнабий аёл ўз вазифасига яраша иш тутиши мумкин эди. Ақлу ҳуши жойида, ўз бурчини қойиммақом қилишига шубҳа йўқ. Хуллас, ўзим бемор ёнида бўлиб қолгудек бўлсам, ундан дўндириброқ хизмат қилишимга ақлим етмасди.

Даусон жаноблари қулоғимга қўйган эҳтиёткорликка амал қилиб, кейинги уч ёки тўрт кун ичи вақти-вақти билан миссис Рубеллени зимдан қаттиқ кузатиб юрдим. Кутилмаганда хонага бир неча бор бостириб кирдим, лекин бирон маротабасида ҳам унинг шубҳали ишга қўл ураётгани устидан чиқмадим. Уни худди мендек зийраклик билан кузатиб юрган леди Глайд ҳам унинг ножўя ҳаракатига дуч келмаган. Дору-дармон шишачаларида ҳам бегона қўл текканидан аломат сезилмади. Миссис Рубелленинг графга бирон сўз айтаётгани, графнинг миссис Рубеллега бирон сўз айтаётганига ҳам кўзим тушмади. Мисс Ҳалкомб олдида чин дилидан хизмат қилар, уддабуронлик маҳоратини ишга соларди. Бечора леди гоҳ беҳушлигу мизғиш орасида қарахт бўлиб қолар, гоҳ иситма ҳароратида ёниб алаҳларди. Биринчи ҳолда миссис Рубелле уни мутлақо безовта қилмас, иккинчи ҳолда эса, хорижийларга хос одат билан қаравот ёнига югуриб келиб, унинг жигига тегмасди. Ҳурмат ўз эгасини топсин (инглиз ёки ажнабийлигидан қатъи назар), шахсан мен бу борада миссис Рубеллега ён босаман. Бу аёл атрофдагилар билан камгап бўлса ҳам, лекин касални парвариш қилиш нималигини биладиганлар маслаҳатига ҳам учавермасди. Шу томонларини олганда манзур бўлгудек энага бўлиб, леди Глайд билан Даусон жанобларининг шикоятларига ўрин йўқ эди.

Бу хонадонда содир бўлган муҳим вазиятлардан яна бири графнинг вақтинча ғойиб бўлиб қолиши — тижорат ишлари билан Лондонга жўнаб кетиши эди. Янглишмасам, у миссис Рубелле келганидан кейин тўртинчи кун эрталаб жўнаб кетган. У леди Глайд билан хайрлашаркан, унга менинг олдимда мисс Ҳалкомб ҳақида қуйидагиларни тайинлади:

— Даусон жанобларига яна бир неча кунгина умид боғлашингиз мумкин. Лекин шу вақт ичи бемор бироз енгил тортмаса, Лондонга одам юбориб, консултант сўранг. Манави ўжар эшшакдан фарқи йўқ доктор ўшанинг гапига қулоқ солар. Даусон жа-

ноблари хафа бўлса бўлар, мисс Ҳалкомб ҳаётини асраб қолинг. Гапларим қатъи, илло юзим қаро бўлсин, сидқидилдан чиққан сўзларимга инонинг.

Граф жаноблари эҳтиросга берилса ҳам, мулойимгина гапирди. Лекин леди Глайднинг асаблари шунчалар адою тамом бўлган эдики, унинг олдида таҳликага тушиб қолгандек кўринди. Бутун вужудини титроқ босди. Унга оқ йўл тилаб бирон-бир илиқ сўз ҳам айтолмади. Граф жаноблари жўнаб кетгач, у менга ўгирилиб бундай деди:

— Оҳ, миссис Михелсон, опамни ўйлаб, юрагим порт ёрилиб кетгудек бўлаяпти. Менга маслаҳат берадиган дўстим ҳам йўқ. Даусон ҳазратлари янглишайптилармикин, сиз нима дейсиз? Уларнинг ўзлари бугун эрталаб менга далда берган эдилар. Ҳавфсирашнинг ўрни йўқ, бошқа доктор чақиришнинг ҳам ҳожати йўқ» — дегандилар.

— Даусон жанобларининг ҳурмати ўз йўлига, — жавоб бергандим. — Сизнинг ўрнингизда бўлсайдим, миледи, граф маслаҳатларини ҳам унутмаган бўлардим.

Леди Глайд, ҳафсаласи пир бўлгандай, юзини шартга четга ўгирди. Нима дейишимни ҳам билолмай қолдим.

— Граф маслаҳати эмиш! — шивирлади у ўзича. — Унинг маслаҳати эмиш! Тангрининг ўзи шифо берсин!

Янглишмасам, графнинг Блаквотер Паркдан кетганига бирор ҳафта бўлиб қолганди.

Сэр Персивалга граф жанобларининг қадри ўтилаётгандек эди. Бунинг устига, оиладаги бемор машмашаларию бошқа ташвишлар уни ўйга солиб қўйган, анча ўзгариб ҳам қолганди. Баъзан ўзини қўйгани жой топа олмай қолгандек кўринар — ичкари киришию ташқарига чиқиши, ҳовлида ўралашиб, ўзини у ёқ-бу ёққа уриши шундоққина сезилиб турарди. Мисс Ҳалкомб билан ўз қаллиғи аҳволини муттасил суриштириб туриши (қаллиғи саломатлигининг заифлашиши уни ҳақиқатан ҳам таҳликага солаётгандек туюларди) кўзга ташланарди. Назаримда, унинг кўнгли анча юмшаб қолгандек. Шундай пайтларда унга бебаҳо сўнги эримдек художўй бир зот ошно бўлиб қолгудек бўлса, унинг феъли-атвори анча эпқага келиб қолган бўларди. Оила қувончи билан масрур юрган дамларимда эримнинг менга қилган насиҳатлари ҳамон ёдимда, ўша масалаларда зинҳор янглишмайман.

Нонушта пайтлари сэр Персивалнинг бирдан-бир ҳамроҳи бўлиб қолган графиня олиялари, менимча, уни назар-писанд

қилмас ёки сэр Персивалнинг ўзи графиняни назарига илмаслиги ҳам эҳтимолдан холи эмасди. Бегона киши уларни бир-биридан ҳазар қилишади, ҳозир ўз майлларича юришгани учун, аслида, бир-биридан қочиб юришибди, деган хаёлга бориши ҳам мумкин эди. Бундай бўлиши, албатта, мумкин эмасди. Лекин негандир, графиня тушлигини ёлғиз ўзи шомда ўтказиб, ҳожати бўлмаса ҳам, оқшом вақтлари тепада бўларди. Миссис Рубелле энагалик вазифаларини бутунлай ўз қўлига олган бўлса ҳам, кечга яқин ҳар доим юқорига чиқарди. Сэр Персивал ёлғиз ўзи тушликка ўтирар, Виллиам исмли норасмий кишининг айтишича (менинг ҳам қулогимга чалинган), унинг валинеъмати ўз насиба луқмаси ярим-ёртисинигина еб, нуқул чойга зўр берармиш. Бир хизматкор одамнинг бунақа бемаъни мулоҳазаларига унчалик аҳамият бермайману, ҳар ҳолда, ўша заҳотиёқ унинг таъзирини бериб қўйдим. Бу ҳол назарга олиб қўйилади, деган умиддаман.

Кейинги бир неча кун ичи мисс Ҳалкомб ҳаммамизнинг назаримизда, шубҳасиз, бироз тетиклашиб қолгандай бўлди. Яна Даусон жанобларига илинж боғлай бошладик. У ўз муолажаларида билиб иш тутаётгандек кўринарди. Леди Глайд шу масалада унга мурожаат қилганида, у ҳатто ўз муолажасида андак гумон содир бўлгудек бўлса ҳам, унинг ўзиёқ бошқа доктор чақириш таклифини ўртага қўйишини айтиб, кўнглини тўқ.

Бу сўзлар графинягагина ёқмагандек туюлган. У шахсан менга, ўзаро гап, Даусон жаноблари сўзларига ишониб, мисс Ҳалкомбдан кўнглини тўқ қила олмаслиги, шунинг учун ҳам эрини сабрсизлик билан кутиб, унинг фикрини билишга мунтазирлигини айтган. Ундан келадиган хатларга кўра, ўша учрашувга уч кун қолганди. Граф жаноблари жўнаб кетганидан бери ундан ҳар кун хат келар, бирор маротаба канда бўлмаганди. Бу масалада ҳам улар, бошқа ўзаро ҳамжиҳатликларидек, эр-хотинлик намунаси эдилар.

Учинчи кун кечқурун мисс Ҳалкомб қиёфасида қандайдир ўзгариш сезилгандек бўлиб, кўнглим гашланган. Буни миссис Рубелле ҳам сезган экан. Лекин бу ҳақда леди Глайдга оғиз очмадик. У опасига куйинаверганидан, силласи қуриб, ён хонадаги деванда ухлаб қолганди.

Даусон жаноблари кечқурун одатдагидан кечроқ келди. Беморга кўзи тушиши билан қиёфаси бирдан ўзгариб кетганини фаҳмлаб қолдим. У эса буни сездирмасликка уринар, ҳайрон бўлаётганию таҳликага тушиб қолгани ҳам шундоқ кўриниб турарди. Зудлик чоралари кўрилди: дори-дармон қўтисини олиб келиш учун док-

тор уйига одам юборилди, бемор ётган хона дезинфекцияланди. Даволовчи таклифига кўра, хонадоннинг ўзида унинг учун жой ҳозирлаб қўйилди.

— Безгак юқумли касалликка айланиб кетибдими? — шивирладим унга.

— Ҳайронман, шунга ўхшаб қолди, — жавоб берди у. — Тўғрироғи, эртага маълум бўлади.

Бемор аҳволи танглашганини, шахсан Даусон жанобларининг кўрсатмасига биноан, леди Глайдга билдирмадик. Унинг ўз аҳволи ночорлиги учун ҳам, доктор ўша тун унинг бемор ётган хонага кириши, ҳатто, биз билан яқинлашишини ҳам тақиқлаб қўйди. Леди Глайд ҳам бўш келмай, эътироз билдириш пайига тушди. Нохуш манзаралар бўлиб ўтди, лекин Даусон жанобларининг докторлик обрўйи устунлик қилиб, гапини ўтказди.

Келаси куни эрталаб соат ўн бирлардан хизмат ходимларидан бири орқали Лондонга хат юборилди. Мактубда кенг ихтисосли тиббий мутахассис таклиф этилган, ходимнинг ўзига эса уни иложи борича эртароқ жўнайдиган поездга ўтказиб, зудлик билан олиб келиш вазифаси юкланганди. Фаррош жўнаб кетганидан ярим соат кейин граф Блэквоутер Паркка қайтиб келди.

Графиня бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, уни ўша заҳотиёқ юқорига олиб чиқиб, бемор аҳволдан хабар олди. Унинг ўша хатти-ҳаракатларида бирон бир беодобликка йўл қўйилган деёлмайман. Граф жаноблари хаёлга ботиб (мисс Ҳалкомбнинг отаси тенги ўша одам), уни ўз хотин қариндоши — леди Глайднинг аммаси олдида кўздан кечирди. Шунга қарамай, Даусон жаноблари унинг беморга яқин йўлашига эътироз билдирдию, лекин очигини айтганда, қаттиқроқ туришга юраги дов бермади.

Азобда ётган бечора Леди атрофдагиларни таниб-танитай қолгандек эди. Дўстлари унга гўё душмандек кўринарди. Граф унинг ёнига келганида ҳозиргина атрофга жаланглаётган кўзларини даҳшат босиб, унга шундай бақрайдики, бу ҳолни умримнинг сўнгги дақиқаларигача ҳам унутиб бўлмайди. Граф унинг ёнига ўтирдида, аввал билагидан ушлаб томир уришини, кейин чекка муртагидан қон босимини билгач, унинг юзига синчиклаб разм солгач, орқасига ўгирилиб, докторга норозилик ва таҳдид важоҳати билан шунақа ўқрайдики, Даусон жаноблари нима дейишини ҳам билмай қолди. Жаҳли чиқиб, ранги ўчган бўлса ҳам, айни вақтда, гулгула босиб, миқ этолмай қолганди.

Граф жаноблари кейин менга юзланиб:

– Қачон шу аҳволга тушдилар? – суриштирди у.

Вақтини айтдим.

– Ўшандан бери леди Глайд бу хонага кирдиларми?

Леди Глайднинг кирмагани, ўтган қуни кечқурун доктор унинг ўша хонага киришини қатъи тақиқлаб қўйгани, шу бугун эрталаб ҳам яна ўша талабини такрорлаганини айтдим.

– Бу янглишиш замирида нималар ётганини сиз билан миссис Рубеллега айтдиларми? – унинг сўнги саволи шу бўлди.

– Хабардор эдик, – жавоб бердим. – Ўзимиз ҳам бу касаллик юқумли бўлса керак, деган гумонда эдик.

Бошқа бирон сўз айтишимга улгурмай, у сўзимни бўлди:

– Терлама иситмаси. – деди.

Ўша савол-жавоблар ўтган вақт ичи Даусон жаноблари ўзини қўлга олиб, одатдагидек ишонч билан графга мурожаат этди:

– Муллақо терлама иситмаси эмас, – қатъи эътироз билдирди у. – Иддаоларига ўрин йўқ, сэр. Бу ерда савол-жавоб қилишга мендан бошқа ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди. Ўз бурчим уддасидан чиқиш учун қўлимдан келганини қилдим...

Граф бирон сўз айтмаса ҳам, беморга ишора қилиб унинг сўзини бўлди. Ўша ишора зарбаси Даусон жанобларининг ҳамиятига тегиб, уни яна ҳам туюқтириб юборди.

– Ўз бурчим уддасидан чиқиб турибман, деяпман – гапини такрорлади у. – Доктор қақиртириб Лондонга одам юборилди. Иситма сабаблари масаласида фақат ўшалар билан маслаҳатлашмоқчиман. Бошқа ҳеч кимга тоби-тоқатим йўқ. Хонани тарк этсинлар.

– Мени бу ерга, сэр, одамгарчилик дейиладиган муққаддас туйғу олиб чиққан, – деди граф. – Мабодо докторингиз ҳаяллаб қолгудек бўлса, ўша туйғу бизни яна қайта шу хонага чиқишимизга сабаб бўлиши мумкин. Ўзларини яна бир карра огоҳлантириб ўтишимиз лозим кўрилади, безгак иситмаси терламаникига айланибди. Сизнинг муолажангиз туфайли бемор мана шундай аянчли аҳволга тушган. Мабодо бу бечора леди оламдан ўтиб кетгудек бўлса, адолатли суд олдида ўзим гувоҳликка ўтиб, унинг бевақт ўлимига жоҳиллигингиз билан ўжарлигингиз сабаб бўлганини айтаман.

Даусон жаноблари ҳали жавоб беришга улгурмай, граф жаноблари ҳам хонадан чиқиб кетиш тараддудига тушмай, эшик очилиб, йўлакда леди Глайд кўринди.

– Мен киришим керак, кираман ҳам, – деди у ғайритабиий қатъилик билан.

Граф уни тўхтатиш ўрнига, ичкарига киритиб, ўзи ён хонага чиқиб кетди. Одамгарчилик икир-чикирларини ҳеч қачон қанда қилмайдиган одам, таажжуб, айни вақтда терлама хавфи хатарини ҳам, леди Глайдни бундан огоҳлантириб, эҳтиёт бўлиши лозимлигини уқдириб қўйишни ҳам унутгандек эди.

Даусон жанобларининг эс-ҳуши жойида экан, анқайиб қолибман. Бемор томон эндигина қадам ташлаган Лаурани тўхтатиб, унга мурожаат қилди:

— Афсус, бизни маъзур тутгайсиз, кўнглингизга олманг, касаллик юқумлик бўлиб қолмаса, деган таҳликадамиз. Шубҳаларимиз ўринсизлигига ишонч ҳосил этмагунимизча бу хонага кирмай туришингизни илтимос қиламиз.

Леди Глайд у билан ортиқча олишмади ҳам. Кутилмаганда қўллари шалвираб, ўзи олдинга мункиб кетди. У ҳушини йўқотганди. Графиня билан мен уни доктор қўлидан олиб, ўз хонасига олиб ўтдик. Граф орқамиздан бориб, ичкаридан чиққунимизча йўлакда кутиб турган экан. Унга леди Глайд ўзига келганини айтиб, кўнглини тўқладим.

Ўзим докторнинг олдига шошилдим. Леди Глайд унинг бир оғиз сўзига мунтазир ётганини айтиб қўйишим керак эди. У ҳам бунга жавобан, ҳурматли леди кўнглига тасалли беришга ошиқди, бир неча соатдан кейин кўз тутилаётган доктор келиб қолади, деб уни тинчлангирди. Ўша соатлар жуда азоблик билан ўтарди. Сэр Персивал билан граф пастда бўлишиб, вақти-вақти билан одам чиқариб, бемор аҳволидан огоҳланиб туришарди. Ниҳоят, соат беш ва олтилар орасида доктор етиб келди. Анча енгил тортдик. У Даусон жанобларидан ёшроқ, анча сипо ва уддабурон экан. Унинг илгариги муолижалар ҳақидаги фикри масаласида бирон нарса деёлмайману, лекин доктордан кўра мен билан миссис Рубеллега кўпроқ савол бергани, Даусон жаноблари муолижасидаги беморни кўздан кечираркан, даволовчи доктор сўзларига унча эътибор ҳам бермагани менга ажабтовур туюларди. Кўз ўнгимда содир бўлган айни хатти-ҳаракатлар дилимда шубҳа туғдирди: бемор касали ва уни даволаш бўйича наҳотки шу вақтгача граф ҳақ бўлган бўлса? Кейинроқ Даусон жаноблари Лондондан таклиф этилган доктор ҳал қилиб бериши лозим бўлган асосий саволини ўртага ташлаганида фикрим янглиш эмаслигига иқроп бўлдим.

— Иситма нимадан деб ўйлайсиз? — савол ташлади Даусон.

— Терламаники. — жавоб берди доктор. — Бунга шак-шубҳа йўқ.

Ювош ажнабий миссис Рубелле қаҳваранг, қилтириқ қўллари кўксига қўйганича менга қараб мамнуният билан жилмайиб қўйди. Графнинг ўзлари шу ерда бўлиб, ўзининг ҳақ эканлигини ўз қулоғи билан эшитганида ҳам шунчалар талтайиб, кеккаймаган бўларди.

Лондонлик доктор касални парваришлаш хусусида бизга андак кўрсатма бергач, яна беш кунлардан кейин келиб қолишини айтиб, Даусон жаноблари билан алоҳида гаплашиб олиш учун ташқарига чиқди. Миссис Ҳалкомбнинг соғайиб кетиши масаласида у ўз фикрини очигроқ айтмади ҳам. Фақат касалнинг ўша даврида унинг ё у ёқлик, ё бу ёқлик бўлиши ҳақида оғиз очиб бўлмастлигини писанда қилиб ўтди.

Кейинги беш кун бесарамжонлик билан ўтди.

Мисс Ҳалкомбнинг аҳволи тобора оғирлашиб, ҳаммани шошириб қўйган, ундан кўз узмай қолгандик. Миссис Рубеллега бироз енгиллик туғдириш учун гоҳо графиня Фоско билан мен бемор ёнида навбатчилик қилиб турдик. Ўша кунлар мудҳиш синов эди.

Леди Глайд ётиб қолмаганига ақл бовар этмасди. (Даусон жаноблари тили билан айтилгудек бўлса, у опасига илҳақ бўлгани учун ҳам гимирлаб турарди). Унинг ўз мақсадини амалга оширишга қатъи қасд қилиши ва бу борадаги матонатини хаёлимга ҳам келтирмаган эканман. У мисс Ҳалкомбни ўз кўзи билан кўриб турсин учун кунига икки ёки уч маротаба бемор ётган хонага кириб туришига рухсат этилишини талаб қилди.

Мабодо доктор унга ижозат бергудек бўлса, опаси олдига ҳатто яқинлашмасликка ҳам ваъда берди. Даусон жаноблари ночор розилик беришга мажбур бўлди. Назаримда, у билан тортишиб ўтириш ўринсизлигига амни бўлганди. Шундай қилиб, леди Глайд бемор хонасига ҳар куни кириб турадиган бўлди. Қатъий иродаси туфайли сўзининг устидан чиқди. Бу ҳол эримнинг сўнгги бор касалликка чалинганида чеккан ғам-ғуссаларимни эслатиб, худди ўшандай вазиятга тушиб қолган леди Глайд аҳволини ҳис этиш мен учун жуда оғир эди. Шунинг учун ҳам мавзуънинг шу қисмини чўзмасликка ижозат этгайсизлар. Яхшиси, ўз кўнглимдагиларидан оғиз оча қолайин: Даусон жаноблари билан граф ўрталаарида бошқа ихтилоф бўлмади. Граф жаноблари ҳеч қаерга чиқмай, пастда сэр Персивал билан бирга бўлиб, бемор аҳволдан хабар олдиртириб турди.

Бешинчи куни Лондонлик доктор яна беморни кўргани келиб, дилимизни сал ёритгандай бўлди. У терлама белгилари кўрин-

ганидан ҳисоблаганда ўнинчи куни касалнинг оғир-енгиллиги маълум бўлишини айтиб ўша куни яна бир маротаба келиб кетишини мўлжаллаб қўйганини маълум қилди. Ўша кунлар ҳам илгаригиларидек ўтди. Фақат шу орада граф Лондонга бориб келди — эрталаб жўнаб, кечаси қайтди.

Ўнинчи куни яратганнинг инояти билан, хонадонимиздагилар барча таҳликаю ташвишлардан фориг бўлдилар. Доктор мамнуният билан гап очиб, мисс Ҳалкомбнинг хавф-хатардан халос бўлганини маълум қилди:

— Энди уларга докторнинг ҳам ҳожати йўқ. Вақти-вақти билан холидан хабар олиниб, парвариш қилиниб турилса бас. Бу ёғидан камчилик йўққа ўхшайди. — Булар шахсан докторнинг сўзлари.

Ўша оқшом мен эримнинг «Беморнинг шифо топиши» мавзудаги хутбасини сурур билан ўқиб, руҳим анча енгил тортди. Илгари ундан бунчалик таъсирланганимни эслай олмайман.

Уқоридаги хушxabар, айтишга ҳам тилинг бормаиди, бечора леди Глайд учун оғирлик қилди. Унинг заифлашиб қолган саломатлиги қутилмаган қувончга бардош бера олмади. Бир-икки кундан кейиноқ унинг силласи қуриб, қарахт ётиб қолди. Даусон жанобларининг тавсияси бўйича унга хотиржамлигу осойишталик, хуллас, ҳордиқ чиқаришдан зўр шифо йўқ экан, уй ҳавоси ҳам алмаштирилиб туриши лозим. Яхшиям, бахтимизга, кейинги ташвиш унча хавфли эмас экан. Қаранг, айнан леди Глайд беҳол ётиб қолган куни граф билан доктор яна гап талашиб, гижиллашиб қолишибди. Лекин бу гал улар ўртасида шунчалар кўнгилсизлик бўлибдики, Даусон жаноблари кетиб қолибди.

Мен бу можаролар устида бўлганим йўқ, лекин эшитишимча мунозара мисс Ҳалкомбнинг беморлиги туфайли овқатдан қолиб, силласи қуриб кетгани сабабли энди уни ўз холига келтириш учун қандай парҳез тутиш зарур, деган масаладан бошланибди. Даусон жаноблари унинг қўлида даволанаётган бемор омон қолгач, тиббиётдан йироқ бўлган бир кишининг орага суқулаверишига тоби йўқ эди. Илгари бундай ҳолларда ақл-идрок билан иш тутадиган граф эса бу гал (сабабини тасаввур қила олмайман) ўзини тута олмай, унинг безгак билан терламанинг фарқига бормаслигини қайта ва қайта таъна қилаверибди. Можаро якуни шунга борибдики, Даусон жаноблари шикоят билан сэр Персивалга мурожат қилиб, мабодо шу дақиқаданоқ графнинг ўзбошимчалигига қатъи чек қўйилмагудек бўлса (мисс Ҳалкомбдан кўнгли тўқлиги туфайли), Блэквоутер Паркка умуман қадам қўймаслигини маъ-

лум қилибди. Сэр Персивалнинг жавоби (айтарли даражада дағал бўлмаса ҳам) можарони яна ҳам кескинлаштириб юборибди. На-тижада Даусон жаноблари граф Фоско таъналарига чидай олмай, бу хонадонни тарк этиб, эртасига эрталабоқ хизмат ҳаққи ҳисо-бини юборибди.

Шундай қилиб, биз тиббий маслаҳатчидан маҳрум бўлдик. Лондонлик доктор айтганидек, энди мисс Ҳалкомб учун кунда-лик парвариш кифоя, докторнинг ҳожати бўлмаса ҳам, менинг фикрим назарга олингудек бўлса, одоб юзасидан, яна беш-олти кун мутахассис шифокор назорати ортиқчалик қилмасди.

Сэр Персивал эса бу масалага бутунлай бошқача қарарди. Унинг айтишича, мабодо мисс Ҳалкомб касалида такрорланиш алома-ти сезилгудек бўлса, бошқа бирорта доктор чақиршига улгурар эдик. Айни вақтда зарурат тугилгудек бўлса, графга мурожаат этиб, унинг маслаҳати билан иш тутишимиз лозим, беморимиз ҳолдан тойиб, асаблари ҳам таранглашиб турган бир пайтда унинг кўзи-га бегона кишини кўндаланг қилиб, безовта қилишнинг ҳожати йўқ эди. Унинг бундай мулоҳазаси, шубҳасиз, анча асосли бўлса ҳам, лекин кўнглимга далда бера олмасди. Шунингдек, доктор-нинг кетиб қолганини леди Глайддан сир тутишимиз ҳам, ме-нинг мулоҳазамга, ақлим бовар қилмас, кўнглим хижил эди. Ал-батта, бу унга нисбатан мурувватсизлик эди. Эҳтимол, шундай қилиш заруратдир — ахир, леди Глайд ортиқча ташвишларни кўтара олмасди. Шундай бўлса ҳам, бу — мурувватсизлик, мендек мустақил фикр юритувчи бир инсон учун учига чиққан мутта-ҳамликнинг ўзгинаси эди.

Ўша кuni содир бўлиб, мени бутунлай довдиратиб қўйган ик-кинчи жиддий воқеа шу кунгача юрагимга гўлгула солиб келаётган бир таҳликани ҳақиқатга айлантириб, энди бошимни ғов қиларди.

Сэр Персивал мени кутубхонага чақиртирганди. Олдиларига кирганман. У билан суҳбатлашаётган граф ўша заҳотиёқ ўрнидан туриб, иккимизни ёлғиз қолдириб чиқиб кетган. Сэр Персивал мулозимат билан ўтиришим учун жой кўрсатган, кейин қуйида-ги гаплари билан мени хангу-манг қилиб қўйган.

— Сиз билан гаплашиб олмоқчиман, миссис Михелсон. Бун-дан анча вақт илгари кўнглимга тугиб қўйган бир масала устида, бу ҳақда илгари ҳам гапирган бўлишим мумкин, лекин хонадон-даги касаллигу ташвишлар уни пайсалга солиб қўйганди. Қисқа-си, маълум сабабларга кўра шу ерда хизмат қилувчиларнинг бар-часидан воз кечмоқчиман. Албатта, уй ишлари, одатдагидек, сизга

топширилади. Леди Глайд билан мисс Ҳалкомблар кучга кириб, сафарга отлангудек бўлишлари биланоқ иккаласи ҳам дам олиб келишлари керак. Дўстларим бўлмиш граф Фоско билан графиня эса унча жўнаб кетишиб, Лондон атрофида истиқомат этишди. Шундай бўлгач, уйни бир тўда бекорчи хизматкорларга қолдириб ўтирмай, иложим борича, ортиқча харажатларга чек қўймоқчиман. Сизларни айбламоқчи эмасман, лекин харажатларим елкамда ортиқча юк бўлиб турибди. Хуллас, отларни сотаман, бошқа ходимларнинг ҳаммасидан ҳам биратўла қутуламан. Мен, ўзингизнинг ҳам хабарингиз бор, бошлаган ишимни ҳеч қачон чала қолдирмаганман. Бу гал — эртагаёқ хонадонимизни бир тўда бекорчи одамлардан тозалаб қўя қолмоқчиман.

Унга қулоқ солиб турарканман, гапларидан ҳайратланиб, ҳатто, талвасага тушардим.

— Қўл остимиздаги ички ходимларни, сэр Персивал, одатдагидек, бир ой илгари огоҳлантирмасданоқ бўшатиб юборинг, демоқчиларми? — суриштирдим.

— Худди шундай, албатта. Келаси ойгача бу хонадонда ҳеч ким қолмаслиги ҳам мумкин, шундай бўлгач, мушугини пишт дейдиган одам қолмагач, бекорчи ходимларни қолдиришнинг нима ҳожати бор?

— Ҳозирча шу ерда экансизлар, сэр Персивал, озиқ-овқатингизга ким қараб туради?

— Маргарет Порчерни қолдира қолинг. Ўшалар қозон-товоқ уддасидан чиқар. Казо-казолар учун зиёфат уюштирилмагач, менга пазанданинг нима ҳожати бор?

— Сиз айтган ходима аёл, сэр Персивал, шу хонадондаги энг беодоби-да...

— Ўшани қолдираверинг, гапимга қулоқ солинг, қишлоқдан келиб, у ёқ-бу ёқни тозалаб кетадиган бирорта аёлни топинг. Ҳафталик харажати ҳозирданоқ камайтирилиши ва камайиши керак. Сизни, миссис Михелсон, эътироз билдиришга чақирмаганман, балки харажатларимни тежаш мақсадидаги режаларимни амалга оширтириш учун чақирганман. Порчердан бошқа, бекорчи ходимлар тўдасини эртагаёқ бўшатиб юборинг. Порчернинг эшакдек кучи бор — уни эшакдек ишлатаверамиз.

— Мени маъзур тутгайсиз, сэр Персивал, бир нарсани эсла-тиб ўтмоқчиман, ходимлар ишдан эртагаёқ бўшатилгудек бўлса, бир ойлик огоҳлантирув муддатига тегишли маошларини тўлашга тўғри келади.

– Олишаверишсин! Ўшанда ҳам уларнинг жигилдонига кетадиган сарфу харажат тежаб қолинади.

Ўша сўнги киноя хўжалик ишларимга ҳақоратли туҳмат эди. Мен ўзимга бундай ноҳақ маломатлар ёғдириб қўядиганлардан эмасдим – ўз қадримни яхши билардим. Мисс Ҳалкомб билан леди Глайдларнинг ночор аҳволини масиҳийларча англаганим, бемаврид кетиб қолишим эса улар бошига талай ноқулайликлар тушишини ўйлаб, бундай хизмат баҳридан ўтиб қўя қолиш фикримдан қайтиб, ўрнимдан туриб кетдим. Суҳбатнинг яна бирор дақиқа чўзилиши ўз қадримнинг поймол бўлиши билан тенг эди.

– Сўнги кинояларидан кейин, сэр Персивал, яна нима ҳам дея олардим. Буйругингиз бажарилади – дедиму бош эгиб, номига мулозимат қилганимча хонадан чиқиб кетдим.

Келаси куни ходимларнинг ҳаммаси тарқалиб кетишди. Жилвордорлару отбоқарлар билан сэр Персивалнинг ўзи муомала қилди. Уларни (биттасидан ташқари) отлар билан биргаликда Лондонга жўнатди. Катта хўжаликнинг ички ва ташқи ходимларидан фақат мен, Маргарет Порчер ва боғбон қолдик. Боғбон ўз уйида яшаб, отхонада қолдирилган отга қараш вазифаси ҳам унга юкланганди.

Ҳамма ҳар томонга питраб, ҳовли ҳувиллаб қолган – уй соҳибаси дард чекиб хонасидан чиқмас, мисс Ҳалкомб эса ҳамон ожиз чақалоқдек мўлтираб ётар, беморлар холидан хабар олиб турадиган доктор ҳам аразлаб қорасини кўрсатмай кетган бир пайтда руҳим тушиб, ўзимни, одатдагидек, сипо тута олмай қолишимни ҳам ғайритабий деб бўлмасди. Ичимга чироқ ёқса ёришмас. Бечора ледиларнинг иккаласи ҳам тезроқ шифо топишсин, ўзим ҳам Блэквоутер Паркдан даф бўлайин, деб ният қилардим.

II

Кейин содир бўлган воқеа ўз хусусиятига кўра ҳаётда камдан кам учраб, ҳар қандай бемаъни нарсаларга ишониб кетаверадиган мажусийлардан эмаслигим, эътиқодим қатъилиги учун ҳам мени довдиратиб қўймади. Бу оилага зил кетаётганини сезгандек, негадир, ичим ғашланиб, Балквоутер Паркдан чиқиб кетгим келарди. Айтсанг, биров ишонмайди, ҳақиқатан ҳам шундай бўлган – мен бу хонадонни тарк этдим. Тўғри хонадондан фақат вақтинча чиқиб кетгандим, лекин воқеликнинг шу пайтда содир бўлиши, менимча, бежиз эмасди.

Менинг жўнаб кетишим қуйидаги вазиятга тўғри келганди.

Ходимларнинг ҳаммаси тарқалиб кетишгач, бир-икки кундан кейин сэр Персивал мени яна чақириб қолди. Рўзгор ва хўжалик ишлари бўйича унинг менга қилган ножўя таъналари, уларни барала айтиб кўнглим енгил тортади, ёмонлиққа яхшилик, деганларидек, кўлимдан келганича яхшилик қилишимга халал бермади — илтимосини икки қилмай, ҳурмати юзасидан, унинг хизматини апил-тапил бажардим. Мўмин бандаларининг ҳаммаларига хос гинахонлик мени ҳам анча алахситдию, лекин ўзимни кўлга олдим. Иродам жиловини кўлимдан чиқармасликка одатланганим учун, бу гал ҳам гинамни ичимга ютдим.

Сэр Персивал билан граф Фоско яна бирга ўтиришган экан. Бу гал граф жаноблари чиқиб кетмай, суҳбатга аралашиб, сэр Персивал фикрини кўллаб-қувватлаб турди.

Улар ўртага ташлаб, эътиборимни тортган мавзуь мисс Ҳалкомб билан леди Глайдлар яқин орада сафарга чиқиш тараддудида экани, ҳаммамиз умидвор бўлганимиздек, уларнинг мусарфо тузалиб кетишлари устида экан. Сэр Персивалнинг айтишича, иккала леди бу кузни эскваер Фредерик Фэрли таклифига биноан Кумберленддаги Лиммериж Хаусда ўтказишлари мумкин эди. Лекин ўша граф Фосконинг ҳам тасдиқлашича (у гапни шу ерида қилиб олганича ниҳоясига ҳам етказган), аввало, улар Порквейда бироз тўхтаб, ўша ернинг шифобахш иқлимидан баҳраманд бўлишлари керак экан. Шунга кўра, ўртада кўндаланг бўлаётган муаммо ўша ердан ижарага олинadиган жой топиш, истиқомат вақтида эса жаъмики қулай шарт-шароитлар муҳайё этиш, энг муҳими, ўшаларнинг кўнглидагидек манзил топа оладиган тажрибали бирон кимсани топиш экан. Ўша зарурат туфайли граф сэр Персивал номидан илтимос қилиб, ледиларга Торквейгача ҳамроҳ бўлиб, уларга кўмаклашишимни сўраб қолди.

Мана шундай шарт асосидаги таклифни менинг вазиятимдаги ҳеч бир аёл рад этолмаса керак.

Уй хизматларида Маргарет Порчердан бошқа ҳеч ким қолмаган бир вақтда Блэквоутер Паркдан кетиб қолишим туфайли жиддий ноқулайликлар туғилишини писанда қилиб ўтдим. Сэр Персивал билан граф жаноблари эса фикру хаёллари беморларда экани ва ўшаларни деб, ўзларининг ҳамма рўшноликларидан кечиб, ҳар қандай қийинчиликка тайёр эканликларини айтишди. Кейин Торквей даллолларида бирига хат ёзиш ҳақида таклиф киритган эдим, аввал кўрмай туриб, бошпана олиш нодонлик, дейишиб оғзимга уриб қўя қолишди. Графинянинг ўз жияни леди Глайдни мана шу

аҳволда қолдириб кетишга қўнглим бўлмаётгани, акс ҳолда Девонширга унинг ўзиёқ бора қолган бўлиши, сэр Персивал билан графларнинг эса Блэквоутер Паркдан кета олишмасликлари – ўзаро амалга ошириладиган масъулият уларнинг қўл-оёғини боғлаб турганини ҳам маълум қилдилар. Қисқаси, бу масъулиятни ўз зиммамга олмагудек бўлсам, уни бошқа бирон бир кимсага топширишга ишонч йўқлигини менга ошкора қилишди. Вазият шундай бўлгач, мисс Ҳалкомб билан леди Глайд хизматларига тайёрлигимни айтиб, сэр Персивалга розилик бериб қўя қолдим.

Хуллас, келишиб қўйдик. Кейинги кун эрталаб жўнайдиган бўлдим. Бир-икки кун ичи Торквейдаги ижарага бериладиган уйлардан маъқулроғини бориб кўришим, кейин ўша маълумотлар билан тез қайтиб келишим керак эди. Граф жаноблари мен учун сафар топшириги шартлари кўрсатилган тавсиянома ёзиб қўйган, сэр Персивал эса харажат миқдорини аниқлаб қўйган экан.

Тавсияномани ўқиб, шундай хулоса чиқардимки, унда кўрсатилган масканни Англиянинг биронта шифобахш сувли бурчагидан топиш амри маҳол, мабодо топилиб қолгудек бўлса ҳам, ихтиёримга ҳавола этилган баҳода ижарага олишнинг мутлақо иложи йўқ эди. Ўша мушкулликларни иккала жентлменга писанда қилиб кўрдим, лекин жавоб беришга уринган сэр Персивал ҳали писанда мағзига етмагандек кўринарди. Бу борада баҳслашишга ҳаддим сиғмасди. Шунини ўйлаб, индамай қўя қолдим, лекин зиммамга қўйилаётган топшириқнинг бошиданоқ турлича муаммолар билан чалкаштириб қўйилгани, унинг амалга ошишига умид йўқлиги ҳам маълум эди.

Йўлга тушишдан аввал мисс Ҳалкомбнинг холидан хабар олиш учун олдига кирдим.

Унинг чеҳрасида қандайдир изтиробли таҳлика аломатлари сезилиб турар, бу эса (у тузала бошлаган бўлса ҳам) қўнгли хотиржам эмаслиги далолати бўлиб, мени ташвишлантириб қўйди. Унинг ўзига келаётгани шундоққина кўриниб турарди, буни хаёлимга ҳам келтирмаган эканман. У, ҳатто, леди Глайдга тез кунлардаёқ дармонга кириб кетиши, сингилжонининг эса бевақт ўзини уринтириб қўймаслигини илтижо қилиб турадиган ҳам бўлиб қолибди. Мисс Ҳалкомбни бу хонадонда ҳеч кимдан тап тортмай юрган эркатой миссис Рубелле ихтиёрига ҳавола қилиб чиқдим. Йўл-йўлакай леди Глайд эшигини тақиллатганимда унга қўз-қулоқ бўлиб туриш учун ҳамсоя бўлиб олган графинядан унинг аҳволи ҳамон танглиги, ҳеч қандай ўзгариш сезилмаётганини маълум

қилди. Почта кабида жўнаб кетарканман, сэр Персивал билан графнинг дарвозабон кулбаси сўқмоғида юришганига кўзим тушди. Уларга эгилиб салом берганимча ҳовлидан чиқиб кетарканман, хизматчи ходимлар бурчагида Маргарет Порчердан бошқа ҳеч ким қолмагани хаёлимдан ўтди.

Ўша пайтдан бошлаб нима аҳволга тушганим равшан бўлса керак. Бундай вазиятларни шунчаки галатироқ, гайритабиийроқ, деб бўлмасди – шубҳалироқ кўринарди. Шунга қарамай, ўзим бировга тобеъ бўлганимдан, буюрганини қилмай, бошқача йўл тутишимнинг ҳеч иложи бўлмаганини яна бир бор таъкидлаб ўтишимга тўғри келади.

Торквейга қилган сафарим натижаси ҳам худди ўзим ўйлаганимдек бўлди. Ҳайҳотдек ердан маслаҳатдагидек бошпана топишнинг иложи бўлмади. Кўнглимдагини топсам ҳам, берилган ваколатим шартида белгиланган ижара ҳақи ҳақиқийсидан анча паст эди. Шунинг учун ҳам Блэквоутер Паркка қайтиб, мени йўлакда кутиб олган сэр Персивални сафардан кўзланган мақсад амалга ошмаганидан хабардор қилиб қўйишга тўғри келди. Топшириқнинг чиппакка чиққанини эшитиш қаёқда дейсиз, хаёли бутунлай бошқа фикр билан банддай кўринганди. Унинг дастлабки сўзлариданоқ сафардалиқ вақтимда – ўша қисқагина фурсат ичи бу хонадонда яна бир жиддий ташвиш содир бўлгани сезилиб турарди.

Граф билан графиня Фоско Блэквоутер Паркдан Сент Жоиз Вуддаги ўзларининг янги қароргоҳларига жўнаб кетишибди.

Нима учун шунчалар зудлик билан кетишиб қолгани ҳақида менга оғиз очишмади. Фақат граф, ҳиммат юзасидан менга самимий ҳурматини изҳор қилиб қўйишини тайинлабди. Графиня кетиб қолганидан бери леди Глайд холидан ким хабар олаётганини юрак ютиб сэр Персивалдан суриштирганимда унга Маргарет Порчер қараётганини маълум қилиб, қишлоқлик бир нотаниш аёл пастки хоналарни йиғиштириб кетаётганини ҳам қўшиб қўйди.

Унинг жавобидан анқайиб қолибман – леди Глайддек мўғтабар аёл хизматиға оддий бир ходима жалб этилган бўлса-я! Шу ондаёқ тепага чиқиб, оромгоҳга етар-етмас Маргаретни учратдим. Хизматга унинг ҳожати ҳам қолмабди. Унинг соҳибаси ўша кунни эрталаб шунчалар ўзига келиб қолибдики, ҳатто, ўзи ўрнидан ҳам турармиш. Кейин мисс Ҳалкомб аҳволини суриштирдим. Жиртақлик билан наридан бери жавоб бериб қўя қолди. Нима дейишимни ҳам билмай, гангиб қолибман. Қайта сўрашга журъат эта олмадим, эҳтимол, ўша дағал жавобидан кейин эс-

хушимни йиғиб олгандирман. Нима бўлганда ҳам, оддий бир ходимнинг леди Глайд хонасига зудлик билан йўл олишидан бошқа иложи қолмаганди.

Кейинги кунлар ичи миледи ҳақиқатан ҳам анча ўзига келиб қолибди. Дармонсизликдан ҳали бутунлай қутулмаган, юрак ўйноқлари босилмаган бўлса ҳам, энди бировлар кўмагисиз ўрнидан туриб, хона ичида аста-секин юрадиган бўлиб қолибди. Бу ҳаракатларининг салбий асорати сезилмаса ҳам, ҳолсизланиш давом этаркан, мисс Ҳалкомбдан ҳеч қандай хабар келмай қолгач, ўша куни эрталаб уни ўйлаб, кўнгли анча гашланибди. Бу мисс Рубелленинг уқувсизлиги туфайли шунчалик эътиборсизликка йўл қўйилган бўлса керак, деб хаёлимдан ўтказдим индамай қўяқолдим. Леди Глайднинг кийинишига кўмаклашдим. У тайёр бўлгач иккаламиз хонадан чиқиб, мисс Ҳалкомб олдига кирмоқчи бўлдик.

Коридорда сэр Персивалга кўзимиз тушиб, тўхтадик. Назаримда, у атайлаб бизни кутиб тургандек эди.

– Қаерга кетяпсиз? – деди у леди Глайдга.

– Марианнинг олдига, – жавоб берди у.

– Ҳафсалангиз пир бўлиб қолмасмикин, – писанда қилди сэр Персивал. – Сизга очигини айтиб қўйгудек бўлсам, уларни истаб овора бўлманг.

– Излаб овора бўлманг?

– Шундай. Улар кеча эрталаб Фоско ва унинг хотини билан бирга жўнаб кетишди.

Леди Глайднинг бунчалар қутилмаган нохуш хабар зарбасига дош бергулик холи йўқ эди. Ранги паға бўлиб, нафаси тикилганича деворга суяниб қолди.

Мен ўзим ҳам довдираб қолганимдан, нима дейишимни билмасдим. Ниҳоят сэр Персивалга мурожаат этиб, мисс Ҳалкомбнинг Блаквоутер Паркдан чиқиб кетгани аниқми, деб суриштирдим.

– Худди шундай демоқчиман. – жавоб берди у.

– Уларнинг аҳволи, сэр Персивал! Уларнинг ниятини леди Глайдга етказмаёқ-а!

У жавоб беришга улгурмаёқ миледи сал ўзига келиб, гапга аралашди:

– Бундай бўлиши мумкин эмас! – ваҳима босиб ожизона чинқирганича бир-икки қадам олдинга юрди. – Мариан кетаётганида доктор қаерда эди? Даусон жанобларичи?

– Даусон жанобларига ҳожат қолмаган, бу ерда эмасди. – деди сэр Персивал. – У ўз ихтиёри билан кетган. Шунинг ўзиёқ кўрса-

тиб турибдики, опангиз сафарга чиққудек тетиклашиб қолган. Намунча тикилмасангиз! Кетганига ишонмаётган бўлсангиз, ўзингиз қараб кўринг. Эшигини очиб, қаранг. Хоҳласангиз, бошқа ҳамма хоналар эшигини ҳам очиб кўринг.

Леди Глайд мисс Ҳалкомб хонасига шошилди. Мен ҳам уларнинг кетидан эргашдим. У ерда хонани саранжому-саришта қилаётган Маргарет Порчердан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Кейин бўш хоналару сарпохоналарни ҳам кўриб чиқдик. У ерларда ҳам ҳеч ким йўқ эди. Сэр Персивал бизларни ҳамон коридорда кутиб турарди. Кўздан ўтказилган сўнгги хонадан чиқиб кетаётганимизда леди Глайд менга шивирлаб бундай деди:

– Кетиб қолманг, миссис Михелсон, Тангри ярлақасин, мени ташлаб кетманг!

Унга жавобан бирон сўз айтишга улгурмасимданоқ у энди коридорга чиқиб, эри билан гаплаша бошлаган эди:

– Бу нимаси, сэр Персивал? Талаб қиламан, илтимосу илтижо қиламан, менга айтинг, бу нима қилганингиз?

– Нималигини билиб қўйинг, — жавоб берди у. — Кеча эрталаб мисс Ҳалкомб бемалол ўтирадиган ва кийинадиган бўлиб қолганди. Шунинг учун ҳам Фосколар билан биргаликда Лондонга кетаман, деб туриб олди.

– Лондонга!

– Шундай, Лиммерижга жўнаркан, йўл-йўлакай...

Леди Глайд ўгирилиб менга мурожаат қилди:

– Мисс Ҳалкомбни ўша куни кўрган бўлсангиз керак, менга очигини айтинг-чи, миссис Михелсон, сиз нима деб ўйлайсиз, унинг сафарга чиққудек холи бормиди?

– Менимча, йўқ, миледи.

Энди сэр Персивал менга ўгирилиб мурожаат қилиб қолди:

– Сафарга чиқишингиз олдида — деди у — энагага «мисс Ҳалкомб анча дармонга кириб, енгиллашиб қолди», деганмидингиз ёки йўқми?

– Албатта, албатта, шундай луқма ташлагандим, сэр Персивал.

Мана шу жавобдан кейин у яна миледига мурожаат қилди:

– Миссис Михелсон фикрларини ўзингиз холисона таққослаб, аниқдан-аниқ кўриниб турган ҳақиқатни фаҳмлаб олишга уриниб кўринг. Мабодо сафарга чиқишларига холи келмаганида уларни йўлга чиқаришга ким ҳам журъат қила оларди? Улар масъулият нималигини биладиган уч киши ҳамроҳлигида йўлга тушишди: Фоско, аммангиз ва хусусан уларнинг хизматига мўлжал-

ланган миссис Рубелле. Кеча улар бутун бир аравани эгалашди. Уриниб қолса деб, ҳар эҳтимолга қарши, бир ўриндиққа улар учун жой ҳам солиб қўйишди. Бугун Фоско билан миссис Рубеллелар уни Кумберленгача кузатиб боришади.

– Мени бу ерда ёлғиз қолдириб, нега энди Мариан Лиммерижга бораркан? – деди миледи сэр Персивал гапани бўлиб.

– Чунки амакингиз аввал опангиз билан учрашмагунча сизни қабул қила олмас эмиш, – жавоб берди у. – Улар бетоб бўлиб ётиб қолган дастлабки кунларнинг бирида улардан олинган хат ёдингиздан кўтарилдими? Ўша хатни сизга ҳам кўрсатишган, уни ўқиб чиққансиз, ёдингизда бўлиши керак.

– Албатта, ёдимда.

– У ҳолда нега энди мени ташлаб кетибди, деб таажжублана-япсиз? Сиз Лиммерижга қайтиш илинжидасиз, опангиз эса ўша ерга амакингиздан худди ўша шартли ижозатни олгани кетган.

Бечора леди Глайднинг кўзлари жиққа ёшга тўлди.

– Мариан ҳеч қачон мен билан хайрлашмай бир ёққа кетма-ганди, – деди у.

– У ўзидан ҳам, сиздан ҳам хотиржам, кўнгли тўқ бўлган-да, – жавоб қилди сэр Персивал. – Бу гал ҳам сиз билан хайрлашган бўлардилар. Уларни йўлдан қайтаришга уринишингизни, кўз ёши тўкиб дилини вайрон этишингизни ҳам билардилар-да. Яна эътирозингиз борми? Мабодо эътирозингиз бўлса, пастга тушишингизга тўғри келади. Қанча саволингиз бўлсаям, тамаддихонада бераверасиз. Мана шунақа машмашалардан тўйиб кетдим-да. Бир стакан вино ичвормасам кўнглим ўрнига тушмайди.

У шоша-пиша пастга тушиб кетди.

Мана шу галати суҳбат давомида у ўзини бутунлай бошқача тутди. Гоҳо, худди ўз рафиқасидек, асаб касалига чалингандай ўзини тугулмай қоларди. Унинг соғлиги шунчалар ночор ёки кўнгли шунчалар нозик, деб ўйламаган эканман.

Мен леди Глайдни ўз хонасига қайтишига кўндирмоқчи бўлдим, лекин иложини қила олмадим.

У бутун важоҳатини даҳшат босган бир аёлдек коридор ўртасида туриб қолганди.

– Опамга бир нарса бўлган! – деди у безовталиқ билан.

– Хаёлингизни жойига қўйинг, миледи, мисс Ҳалкомбнинг ҳаммамизни лол қолдирадиган гайратини биласиз, – унга тасалли беришга уриндим. – Бошқа аёллар унинг ўша аҳволида мутлақо хаёлига ҳам келтирмайдиган ишларга қўл уриб қолишлари

мумкин. Улардан хавотирланмасангиз ҳам бўлади. Ишонаверинг, менинг кўнглим тўқ. Ҳа, кўнглим тўқ.

— Марианнинг орқасидан боришим керак — деди миледи яна ўша таҳликали бир қиёфада. — Қаерга кетган бўлса, ўша ерга боришим керак. Унинг соғлом юрганини ўз кўзим билан кўришим керак. Юринг! Сэр Персивал ёнига бирга тушамиз.

Мен иккиланиб қолдим, бировнинг ишига суқилаётгандек, юрагим гашлана бошлади. Фикримни миледига қанчалар тушунтиришга уринмайин, гапим қулогига кирмасди. Қўлимдан маҳкам тутганича пастга судради. Тамаддихона эшигини очганимда беҳол менга суялиб қолганди.

Сэр Персивал стол ёнида ўтирарди. Олдида бир графин вино. Биз ичкарига киришимиз билан у стаканни кўтариб, уни бир нафасдаёқ бўшатди. Кейин уни жойига қўйиб, жаҳл билан менга тикилиб қолганини кўрдиму бу ерга тасодифан келиб қолганимни маълум қилиб, узр сўрашга ҳаракат қилдим.

— Бу ерда хуфия иш бормикин, деб ўйлаяпсизларми? — жаҳл билан ўшқирди у бирдан. — Ҳеч қандай сир йўқ. Сизларданми ёки бошқа бировданми сир тугилган ҳеч вақо йўқ. Бу ерда хуфия иш нима қилсин! — Кишининг кўнглига гулгула соладиган мана шундай гап-сўзлар билан ўшқириб, яна стаканини тўлатди-да, кейин леди Глайдга мурожаат қилиб, нима истаги борлигини суриштирди.

— Опамнинг сафарга чиққудек холи бўлган бўлса, менинг ҳам сафарга чиққудек холим бор, — деди миледи энди аввалгидан анча қатъилик билан. — Олдингизга илтимос билан келдим. Мариандан хавотирдалигимни эътиборга олиб, пешинги поезд билан унинг олдига жўнаб кетишимга ижозат берарсиз, деб келдим.

— Эртагача сабр қилишингиз керак, — жавоб берди сэр Персивал. — Ўшанда ҳам, сафарингизга эътироз билдиришмасагина йўлга чиқишингиз мумкин. Сизга монёлик қилишларини хаёлимга ҳам сигдира олмайман. Хуллас, оқшом почтаси биланоқ Фоскога хат йўллайман.

Шу охириги сўзларини айтarkan, у қўлидаги қадаҳни чироққа тутиб, одоб юзасидан, леди Глайдга эмас, қадаҳ ичидаги винога термилиб қолганди. Ҳатто, бутун суҳбат давомида миледига бирон маротаба бўлса ҳам назар ташлаб қўймаганди. Шу тоифа жентлменларнинг оқсуяклик табиатига сингиб кетган арзимас мулозиматни ҳам унга раво кўрмаганидан ғалати бўлиб кетдим, дилим оғриди.

— Граф Фоскога хат ёзишингизнинг нима ҳожати бор экан? — деди миледи ажабланиб.

— Пешинги поезд билан етиб боришингизни огоҳлантириб қўймоқчиман-да, — жавоб берди сэр Персивал. — Лондонга етиб борганингизда у сизни вокзалда кутиб олиб, аммангизнинг Сент Жонз Вуддаги қароргоҳига олиб кетади. Ўша ерда тунайсиз.

Леди Глайднинг қўлини қалтироқ босиб, кафтидаги қўлимни қаттиқроқ қисди. Бунинг сабабини англай олмадим.

— Граф Фоско мени кутиб олмай қўя қолсин. — деди миледи. — Лондонда тунамаганим маъқулроқ.

— Тунашингиз керак, Кумберлендгача бўлган масофани бир кунда ўта олмайсиз-ку. Бир кеча Лондонда дам олишингизга тўғри келади. Буёғи ҳам бор, менимча, бир ўзингиз меҳмонхонага боришингиз ҳам маъқул эмас. Фоско амакингиз билан гаплашганларида сиз йўлга чиққудек бўлсангиз, унинг уйида тунаб қолишингизни таклиф қилибди. Амакингиз ҳам рози бўлибди. Мана, амакингизнинг сизга йўллаган хати. Уни бугун эрталаб сизга чиқартириб юборишим керак эди, лекин хаёлимдан кўтарилибди. Уни ўқиб, Фэрли жанобларининг ўзлари сизга нима деганини ўқиб олинг.

Леди Глайд бир лаҳза хатга қараб, кейин уни менга тутқазди.

— Ўқинг-чи уни, — деди у мажолсиз бир ҳолда. — Менга нима бўлганини ҳам билмай қолдим. Уни ўзим ўқий олмайман.

Бу хат тўрт сатргина — қисқа ва эътиборсизлик билан ёзилгани мени ҳайратга солди. Хотирамдан кўтарилгудек бўлса, ўша мактуб қуйидаги сўзлардангина иборат эди:

«Азизларнинг азизи Лаура, истаган вақтингизда келаверишингиз мумкин. Йўлга чиққач, аммангизникида тунарсиз. Азиз Марианнинг бетоблигини эшитиб эзилиб кетдим. Сизнинг меҳрибонингиз Фредерик Фэрли».

— Уларникига боргим йўқ. Лондонда тунашга ҳам тоқатим йўқ, — деди миледи ўша қисқагина хатни ўқиб бўлгунимча ҳам сабр қилмай. — Граф Фоскога хат ёзманг! Илтимос қиламан, илтижо қиламан, унга ёзманг!

Сэр Персивал қадаҳини яна вино билан тўлатаркан, эҳтиётсизлигидан қадаҳ ағдарилиб, вино стол устига ёйилиб кетди.

— Кўздан қоляпман шекилли, — пўнғиллади ўзича. Қадаҳни оҳисталик билан тургазиб, уни тўлатди-да, яна қултиллашиб ютиб юборди. Вино миясига ура бошлаган — ҳаракатлари ҳам, кўзлари ҳам бежороқ бўлиб қолган, бу эса мени таҳликага сола бошлаганди.

– Илтижо қиламан, граф Фоскога хат ёзманг! – леди Глайд илгаригидан ҳам ўтиниbroқ, қатъироқ мурожаат қилди.

– Нега ёзмас эканман, билсак бўладими? – зарда билан ўшқирди сэр Персивал.

Иккаламининг ҳам эхонамиз чиқиб кетди.

– Лондонда манзил тутаркансиз. Амакингининг ўзлари тавсия қилган. Аммангининг уйдан яхшироғини қаердан топардингиз? Миссис Михелсондан ҳам сўраб кўринг-а.

Таклиф қилинаётган режанинг энг тўғри ва қулайлигига шакшубҳа бўлиши мумкин эмас, бинобарин, унга эътироз билдиришининг ҳам ўрни йўқ эди. Аксарият ҳолларда леди Глайд фикрига хайрихоҳ бўлсам ҳам, лекин унинг граф Фоскога нисбатан ноҳақ гумондорлигига қўшила олмасдим. Ҳорижийлар ҳақида шу тоифадаги аёллар орасида бунчалик калтафаҳмлиқ қиладиганини илгари мутлақо учратмаган эдим. Унга на амакисининг мурожаати ва на сэр Персивалнинг таваллолари заррача таъсир қиларди. У ҳамон Лондонда бир кеча тунаб қолишга рози бўлмай, эрининг графга хат ёзмаслигини илтимос қиларди.

– Бас қилинг! – ўшқириб, сэр Персивал шартта тескари ўгирилиб олди. – Ўзингининг нафингизни ўзингиз билмаганингиздан кейин, бошқалар сизнинг гамингизни ейишлари керак-да. Бу ишлар келишиб қўйилган. Чўчиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Мисс Ҳалкомб нима қилган бўлса, сиз ҳам худди ўшани қилсангиз кифоя...

– Мариандек? – ўжиқиб тақрорлади миледи. – Мариан граф Фоско уйида ухляпти денг!

– Шундай, граф Фоско уйида. Ўша ерда у ўтган кеча тунаган, сиз ҳам худди ўшалардек, амакингининг айтганини қилишингиз керак-да. Узоқ йўл машаққатини сал енгиллатиш учун худди опангиздек, сиз ҳам эртага Фосконикида тунайсиз. Менинг йўлимга басталик солаверманг. Сафарга чиқишингизга ижозат бериб қўйганимдан пушаймон едирманг!

У сапчиб ўрнидан турди-да, кутилмаганда, очиқ турган ойнаванд эшикдан балконга чиқиб кетди.

– Миледи, мени маъзур тутгайсиз, — шипшидим унга. – Сэр Персивалнинг қайтишини кутмаганимиз маъқулроқмасмикин? Назаримда, вино миясига уриб, кўнглига қил сигмай тургандек кўринади.

Леди Глайд таклифимга рози бўлиб, хомуш ва паришонхотирлик билан хонадан чиқди.

Яна тепага қайтиб, хотиржам бўлиб олгач қўлимдан келганича

миледининг кўнглини кўтариш пайига тушдим. Фэрли жанобларининг мисс Ҳалкомб билан уларнинг ўзларига йўлланган мактубларидаги тез кунларда амалга ошириладиган заруратлар туфайли кўрсатилган йўл-йўриқ ва тавсиялардан огоҳлантириб ўтдим. Улар бу ҳақдаги фикримга мойил бўлибгина қолмай, ҳатто, ўша иккала хатдан ҳам амакисининг инжиқлик руҳи аниқ кўриниб турганини ҳам тан олди, лекин қанчалик уринмайин, мисс Ҳалкомбдан хавотириу графнинг Лондондаги уйида тунаб қолиш ташвишидан халос қила олмадим. Леди Глайднинг граф ҳазратларига нисбатан ноҳақ фикрига эътироз билдиришни ўз бурчим деб ҳисоблаб, одоб ва сабртоқат билан ўша бурчимни амалга ошириш пайига тушдим.

— Тилимга эрк бериб, андак беодоблик қилсам, мени маъзур тутгайсиз, миледи, — аста гап бошладим. — «Мевасига қараб баҳо берасиз» дейлади муқаддас китобда. Мисс Ҳалкомб касалга чалинган дастлабки онларданоқ графнинг унга кўрсатган муттасил меҳр-шафқатию иззат-эътибориёқ ишонч ва ҳурматимизга кафолат бўла олади. Ҳатто граф ҳазратлари билан Даусон жаноблари ораларидаги жиддий англашилмовчилик ҳам унинг Ҳалкомб учун таҳликага тушишидан эди холос.

— Қанақа англашилмовчилик экан? — деб қолди миледи ҳайрон бўлганича.

Мен Даусон жанобларини кетишга мажбур этган ўша аянчли вазиятни унга айтиб бердим. Айниқса, сэр Персивалнинг содир бўлган воқеани (менинг кўз ўнгимда қилганларини) леди Глайдан ҳанузгача сир сақлашидан норози бўлганим учун ҳам, ўшалар ҳақида оқизмай-томизмай маълум қилдим.

Гапларимдан миледи юрагига гўё ўт тушдию яна ҳам тутоқиб кетди.

— Тубанлик! Мен ўйлаганимдан ҳам тубанроқ-ку! — инграгандай нидо қилди у ўзини қаерга қўйишни билмай хона ичида гир айланганича. — Даусон жаноблари Мариан сафарига мутлақо розилик бермаслигини граф билган, шунинг учун ҳам граф уни уйдан четлатиш ниятида атайлаб ҳақоратлаган.

— Басс, миледи, нималар деяпсиз! — эътироз билдирдим.

— Миссис Михелсон! — куюниб сўзида давом этди у — опамнинг ўз розилиги билан ўша киши амрига бўйсуниб, ўша киши уйига қадам босишига мени ҳеч ким ишонтира олмайди. Уни эсласам юрагимни даҳшат босади. Сэр Персивал нималар демасин, амаким нималарни ёзмасин, ўз ихтиёрим ўзимда бўлса, унинг уйида егулик, ичкулик ва тунагулик қилмасин. Лекин Мариан-

нинг холи нима кечдийкин, деган таҳликада унга интизорлигим туфайли, у билан дийдор кўришиш учун ҳар қаерга боришга, ҳатто, граф Фоско уйига йўл олишга ҳам тайёрман.

Сэр Персивалнинг бу борадаги сўзларига мисс Ҳалкомб Кумберлендга жўнаб кетгани ҳақида уни огоҳлантириб қўйишни лозим топдим.

— Бунга ишонишга юрагим дов бермайди! — жавоб берди миледи. — Опам ҳамон ўша киши уйида бўлса керак, деган таҳликадаман. Мабодо янглишгудек бўлсам, улар ҳақиқатан ҳам Лиммерижга жўнаб кетган бўлсалар, шу қарорга келдимки, эртага граф Фоско хонадониди тунашимнинг ҳожати ҳам йўқ. Опажонимдек бошқа бир қадрдоним Лондонга яқин ерда туради. Мисс Ҳалкомбми ёки ўзимми миссис Вэзи ҳақида гапирганимиз қулогингизга чалинган бўлса керак-а? Ўшаларга хат ёзиб, ўшаларникида тунамоқчилигимни маълум қилиб қўймоқчиман. Фақат у ерга қандай етиб олиш, граф билан учрашиб қолмаслик муаммо бўлиб турибди холос. Мабодо опамнинг Кумберлендга жўнаб кетгани аниқ бўлса, унга чап бериб, ўша бошпанага етиб олган бўлардим. Сиздан бирдан-бир илтимосим, сэр Персивалнинг хати Фоскога жўнатилиши аниқ бўлганидек, менинг миссис Вэзига ёзилган хатимнинг шу бугун оқшомидаёқ Лондонга албатта жўнатилишига кўзқулоқ бўлиб турсангиз. Пастдаги почта халтасига ишонмай қўйганман. Сиримни ошкора қилмай, менга кўмаклаша олармикинсиз? Эҳтимол, бу сиздан умид қилинаётган энг сўнгги илтимосимдир.

Нима қилишимни билмай қолдим. Нималар бўлаяпти ўзи, ақлимга сигдира олмасдим. Яқиндагина содир бўлиб ўтган ташвишу мусибатлар миледини ҳардамхаёл қилиб қўймаганмикин, деган хаёлларга ҳам бордим. Шунга қарамай, таваккал қилиб, рози бўла қолдим. Мабодо мактуб, эшитишимча, ҳаммага маълум миссис Вэзига эмас, балки бошқа бирон-бир нотаниш кимсага бўлганида эди, таклифни рад этган бўлардим. Кейинроқ содир бўлган воқеаларни эслаб, тангрига шуқр қиламан. Леди Глайднинг Блэквоутер Паркдаги сўнгги куни менга мурожаат этиб, қолган ўша илтимосию бошқа истакларини рад этмаганимни эслаб, тангрига шуқур қиламан.

Юқорида тилга олинган хат ёзилиб, қўлимга берилганди. Мен эсам ўша оқшомоқ уни қишлоқ почтаси қутисига ташлаб келгандим.

Куннинг кейинги ярмида сэр Персивалга кўзимиз тушмади.

Мен, леди Глайд ихтиёрига кўра, уларнинг ён хоналарида ётдим. Орамиздаги эшик очиқ қолди. Ҳувиллаб қолган бино ичи нечук-

дир ваҳимали бўлиб, юракка ғулгула соларди. Мен ҳам, ўзимча, ёнимда ҳамсоям борлигидан мамнун эдим. Миледи алламаҳалгача ўтириб чиқди — мактеб ўқиб, уларни ёқиш билан овора бўлди. Тортмалару қутичаларидаги ўзи учун қадрли майда-чуйдаларнинг ҳаммасини олди, гўё Блэквоутер Паркка қайтиб келишини хаёлига ҳам олмаётгандек эди. Ниҳоят вақт алламаҳал бўлганида ётдию лекин мириқиб ухлай олмади. — бир неча маротаба алаҳсираб чинқирди, бир маротаба ҳатто ўзи ҳам уйғониб кетди. Нима тушлар кўрдийкин, улар ҳақида менга оғиз очмади. Мен ким бўлибману, кўрган тушларини айтиб берса. Хомтамаъ бўлиш ҳам эвида-да. Энди буларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Уларга ачинаман. Нима бўлганда ҳам, уларга чин кўнглимдан ачинаман.

Эртасига ҳаво очиқ, қуёшли кун бўлди. Сэр Персивал нонуштадан кейиноқ юқорига чиқиб, каб чорактаси кам ўн иккида дарвоза олдида бўлиши, Лондон поезди эса станциямизга йигирма минут ўтганида келишини маълум қилди. Шунингдек, леди Глайдга ўзининг қаергадир боришга мажбур бўлиб қолганини айтиб, улар жўнаб кетгунларича уйда бўлолмаслигини ҳам писанда қилиб қўйди. Мабодо бирон-бир қутилмаган тасодиф туфайли келолмай қолса, миледини станцияга мен кузатиб қўйишим, уларни поездга ўз вақтида етказиб боришимни унутмасликни ҳам тайинлади. У ўша узук-юлуқ кўрсатмаларини бераркан, бир дам тинч турмай, у ёқ-бу ёққа юриб турарди. Миледи эса у қайси томонга юрмасин, уни назаридан қочирмай, диққат билан кузатарди. Сэр Персивал эса буни парвосига ҳам келтирмай, ҳатто қайрилиб қараб ҳам қўймасди.

Миледи у гапини тамомлаганидан кейингина тилга кирди. Эшикка етиб қолганидагина қўл чўзиб уни тўхтатди.

— Сизни бошқа учратмайман, — деди у аниқ ва ишонч билан. — Биз ажралишяпмиз, ажралишяпмиз. Бошқа учрашмасак ҳам керак. Сизни чин дилимдан кечирганимдек, сиз ҳам мени кечира олармикинсиз?

Унинг ранги ўчди, сийқа манглайига қўшилиб кетган пешонасини тер босди.

— Қайтиб келаман, — деганича ўзини ташқарига оларкан, гўё хотинининг видолашув сўзлари уни даҳшатга солиб, қувлагандек бўлди.

Сэр Персивални ҳеч қачон хуш кўрмаганман, лекин леди Глайдни ёлғиз ташлаб кетаётганидаги авзойини кўриб, унинг хизматида бўлганим, насибамни ўшанинг қўлидан олиб турганим учун, аф-

сусландим. Бечора миледига бир-икки огиз илиқ сўзу масихий оятларидан айтиб, унинг кўнглига тасалли бермоқчи бўлдим, лекин эри уйдан чиқиб кетаётганида юзида нимадир содир бўлганини сезгандек бўлганим учун фикримдан қайтдим – индамай қўя қолдим.

Белгиланган вақтда каб дарвоза олдига келиб тўхтади. Миледи ҳақ эканлар – сэр Персивал қорасини кўрсатмади. Уни сўнгги дақиқагача кутдим, вақт зое кетди.

Миледининг жўнаб кетишида менинг ҳеч қандай гуноҳим бўлмаса ҳам, кўнглим хижил эди.

– Миледи, Лондонга ўз ихтиёрлари билан кетяптиларми? – каб кўча дарвозасидан силжигач савол ташладим.

– Айни вақтда мени изтиробга солаётган махвумлик азобиға чек қўйиш учун дунёнинг у чеккасиға боришға ҳам тайёрман.

Унинг мулоҳазалари менинг дилимға ҳам мисс Ҳалкомб ташвишини солиб, худди унинг ўзидек, гулгулага тушиб қолдим. Юрак ютиб бўлса ҳам, Лондонда ишлари ўнгидан келгудек бўлса, менга икки огиз хат ёзиб юборишини истилмос қилдим.

– Жоним билан, миссис Михелсон, — деб қўя қолди.

– Ҳаммамиз ҳам бошимизға тушганини кўрмай иложимиз йўқ, — дедим унинг хаёл суриб қолганини кўриб.

Миледи миқ этмади – у хаёлотға берилиб кетган, гапларимни эшитмаётган эди.

Бироз сабр қилгач яна гап бошладим.

– Шу кеча, миледи, дурустроқ ором ололмадингиз-да.

– Шундай, — деди у, — даҳшатли тушлардан тун бўйи довдираб чиқдим.

– Ростданми, миледи? – У кўрган тушларини айтиб берар, деган умидда эдим, лекин қаёқда дейсиз. Яна тилға кириб, савол ташлади холос.

– Миссис Вэзига ёзилган мактубни почтаға ўз қўлингиз билан ташладингизми?

– Шундай, миледи.

– Сэр Персивал кеча Лондон вокзалида мени граф Фоско кутиб олишини айтмадими?

– Айтган эди, миледи.

Унинг сўнгги саволиға жавоб берганимда у чуқур хўрсиниб, жим бўлиб қолди.

Станцияға етиб келганимизда икки минутта етар-етмас вақтимиз қолганди. Бизни олиб келган боғбон юк билан овора бўлди, мен бўлсам билет олишға шошилдим. Платформада турган миле-

ди олдига етиб келганимда поезд гудоги ҳам чалинди. У галати бўлиб кетди, ўша пайт, кутилмаганда, огриқ сезганиданми ёки кўрқиб кетганиданми юрагини ҳовучлаб қолди.

Билетни унга узатарканман кўлимдан маҳкам ушлаб «Мен билан бирга кетсангиз бўларкан!» деб қолдилар.

Вақт бўлганида, бир кун аввал кўнглим миледига, худди ҳозиргидек, илиб турганида уларга ҳамроҳ бўлиш тараддудини қилиб қўйган бўлардим. Бу уринишларим мени сэр Персивал мурувватидан маҳрум қилгудек бўлса ҳам, йўлимни тўса олмаган бўларди. Энди ўша дақиқа хаёлига келиб қолган истагини инобатга олиб, розилик беришимга кеч бўлганди. Буни, жавоб бермасимданоқ ўзи ҳам тушунди шекилли, уларга ҳамроҳ бўлишимни такрорлаб ўтирмади. Поезд платформага келиб тўхтади. Вагонга киришдан аввал миледи боғбонга (унинг болалари учун) совға инъом этди, мен билан ҳам ўзига хос камтарлик ва сидқидиллик билан кўлимни олиб хайрлашди.

— Сиз мендан ҳам, опамдан ҳам ўз илтерламаотингизни аямадингиз. — деди . — Биз иккаламиз ёлғиз қолган пайтларимизда илтерламаотингизни аямадингиз. Умр бўйи сизни миннатдорлик билан эслаб юраман. Хайр, сизни тангрининг паноҳига топширдим!

Унинг сўзлари шунчалар самимият билан айтилган эдики (овоziю қиёфасидан шундоққина кўриниб турарди), гўё улар мен билан бир умрга видолашарди. Кўзларим жиққа ёшга тўлди.

— Хайр, миледи, — дедим вагонга чиқишларига ёрдамлашиб, кўнглини кўтаришга уриниб, — хайр, фақат ҳозирча, хайр, бахтиёр дамларингизда эзгу тилакларим сизга ёр бўлсин!

У вагонга чиқиб олгач бош чайқаб, кўлини силкилатди. Кондуктор эшикни ёпди.

— Тушга ишонасизми? — шивирлади у менга деразадан. — Авваллари ўтган кеча кўрган тушларимнинг учқунини ҳам кўрмагандим. Ўшалар даҳшатидан ҳали ҳам юрагим ҳапқириб турибди.

Жавоб беришга улгурмасимдан поезд гудоги чалиниб, олдинга силжиди. Миледи мендан кўз узмай узоқлашаркан, уларнинг рангпар, ожизона қиёфаси ғамгин, айни вақтда тантанавор ҳам кўринарди. Ниҳоят дераза ортидан қўл силтаганича кўздан гойиб бўлди.

Ўша кунни соат бешлар эди. Энди бир ўзимга юкланиб, мени бутунлай каловлатиб қўйган рўзғор ишлари орасида андак бўш вақт топиб, эримнинг хутбалар тўпламига кўз югуртириб таскин топиш умидида ҳужрамга кириб ўтирдим. Кишини тўғри йўлга

бошлаб, руҳини тетиклаштирувчи бу хутбалар ҳаётимда биринчи дафъа миямга кирмай, хаёлим унинг калималари устида гирди-капалак бўлаётгандек эди. Леди Глайднинг жўнаб кетиши дилимни мен ўйлагандан ҳам ортиқроқ вайрон қилибди-да, деган хулоса чиқариб, китобни бир четга қўйдим-да, бироз айланиш учун ҳовлига чиқдим. Билишимча, сэр Персивал ҳали қайтиб келмаган, шунинг учун ҳам мени пастда кўриб қолишларидан ҳадик-сирамасам ҳам бўларди.

Бино муюлишидан қайрилиб, боғ саҳнига чиқарканман, ўша ерда юрган нотаниш бир кимсага кўзим тушиб, юрагим такапука бўлиб кетди. Аёл киши экан — сўқмоқ бўйлаб аста юрганича (менга орқаси билан турарди) гул териш билан овора эди.

Унга яқинлашарканман, шарпам қулогига чалинди шекилли, қайрилиб қаради.

Даҳшатга тушиб, серрайиб қолибман. Боғдаги ўша нотаниш аёл миссис Рубелле-я!

Оёқ-қўлимда жон қолмади — на кимирашга ва на гапиришга холим бор. Унинг ўзи, одатдагидек, тап тортмай олдимга келди. Қўлида бир даста гул.

— Нима гап, мэм? — деди у хотиржамлик билан.

— Сиз шу ердасиз-ку! — деганимни ўзим ҳам сезмай қолибман.

— Лондонга кетмабсиз-ку! Кумберлендга кетмабсиз-ку!

Миссис Рубелле заҳарханда қилганича гулларини ҳидлади.

— Мутлақо кетганим йўқ, — деди у. — Блаквоутер Паркдан ҳатто бир қадам ҳам четга чиққанам йўқ.

Нафасимни ростлаб, анча ўзимни босганимча иккинчи саволимни ташлашга журъат этдим:

— Мисс Ҳалкомб қаерда?

Бу гал мисс Рубелленинг кулиб юборишига сал қолди, лекин ўзини босиб, қуйидаги жавобни берди:

— Мисс Ҳалкомб ҳам, мэм, Блаквоутер Паркдан чиққани йўқ.

Мана шу ҳайратомуз жавобни эшитгач бутун фикру ёдим леди Глайд билан хайрлашилган дақиқада бўлиб қолди. Ўзимдан ўзим гина қилдим, десам камлик қилару, ҳозиргина менга аён бўлиб қолган бу хабардан бундан тўрт соат аввалги дақиқада огоҳ бўлганимда эди, йил бўйи йиққан жамғармамни ҳам ҳадя этишга рози бўлган бўлардим.

Миссис Рубелле, гўё яна нима деркин, деб гап пойлаётгандек, буруноқи гулларини саришталаганича пинагини бузмай турарди.

Бошқа бирон нарса деёлмадим. Ҳолдан тойиб, заифлашиб қол-

ган леди Глайд хаёлимдан нари кетмас, ҳозиргина мен воқиф бўлган сир унинг қулоғига еткудек бўлса, не алфозга тушиб қолиши фурсатини ўйлаб, бутун вужудимни титроқ босарди. Бечора леди ташвиши билан анча хаёлотга ботибман. Ниҳоят, миссис Рубелле гулларидан кўз узиб, атрофга алангларкан, кутилмаганда «Ана, мэм, сэр Персивал ўзлари ҳам келиб қолдилар» деди.

Миссис Рубелле уни кўрган дақиқада унга менинг ҳам кўзим тушганди. У ўз атрофидаги гулларни қамчилганича жаҳл билан бизга яқинлашарди. Мени танигудек масофага келганида таққа тўхтаб, этиги қўнжига қамчи уриб шундай қаҳ-қаҳ отиб кулдики, унинг ёнидаги дарахт устида ўтирган қушлар ҳам тўзғиб кетишди.

— Хўш, миссис Михелсон, — деди у. — Ниҳоят сиз ҳам бундан огоҳ бўлдингиз, шундай эмасми?

Мен жавоб бермадим. У миссис Рубеллега ўгирилди.

— Боғда қачон кўзга ташландингиз?

— Ярим соатлар илгари, сэр. Леди Глайд Лондонга жўнаб кетиши биланоқ ўз ихтиёримча иш тутаверишимни айтган эдингиз.

— Худди шундай. Сизни айблаётганим йўқ. Шунчаки сўраб қўйдим-да. — Бир лаҳза сукут сақлаб, кейин яна менга қаради.

— Ишонгингиз келмаяпти, шундай эмасми? — деди у истеҳзо билан. — Қани буёққа! Мен билан бориб, ўз кўзингиз билан кўринг.

У бинонинг рўпараси томон йўл бошлади. Мен унинг кетидан, миссис Рубелле эса менинг кетимдан юрдик. Чўян дарвозадан ўтгач у тўхтаб, қамчи дастаси билан бинонинг умуман ишлатилмайдиган ўрта қанотига ишора қилди.

— Ана у ёққа! — деди у. — Иккинчи қаватга қаранг. Мозийда одат бўлган Элизабет оромхоналарини биларсиз? Айни вақтда мисс Ҳалкомб ўша хоналардан энг аълоларидан бирида ўз муддаосидек жойлашиб олган, ўзлари соғ-саломат. Буларни ўша хонага олиб кириш, миссис Рубелле. Калитингиз ёнингиздадир-а? Миссис Михелсонни олиб кириб, бу гал ҳеч қандай ёлғони йўқлигини ўз кўзи билан кўрсин.

Унинг менга бўлган муомаласи, шунингдек, боғдан шу ерга келгунимизча ўтган дақиққалар ичи ўзимни бироз ўнглаб олган бўлсам ҳам, умрим бировлар хизматида ўтгач, мана шундай масъулиятли дамларда қўлимдан нима келиши ҳақида бир нарса дейишим қийин. Очигини айтганда, табиатим нозик. Ўз сўзимда собит бўлганим ва ледиларча таълим олганим учун ҳам, ҳаққоний йўлдан боришда иккиланиб ўтирмасдим. Виждоним билан леди

Глайд олдидаги бурчим иккаламизни ҳам фирибгарлик қилиб лақиллатган бир кимса қўлида хизматни давом эттириш энди менга гумроҳликдек туюларди.

– Афу этгайсиз. Сэр Персивал, — дедим. — Сиз билан бирикки оғиз гаплашиб олиш ниятимни рад этмагайсиз. Ўшандан кейингина манави аёл билан мисс Ҳалкомб хонасига йўл олсам, дейман.

Ҳозиргини бошим билан хиёл имо қилганимни кўрган миссис Рубелле жиркангандай афтини бужмайтириб, гулдастасига қараб ишшайди-да, кейин ўзини пайсалга солганича бино йўлаги томон йўл олди.

– Хўш, — деди сэр Персивал тажанглик билан, — нима демоқчимиз?

– Шуни айтмоқчийдимки, сэр, Блэквоутер Паркда энди ортиқча тура олмасам керак.

Сўзма-сўз худди шундай жавоб бердим. Сўзимни унинг хизматидан кетиш ниятимни аниқ изҳор этишданоқ бошлашга қарор қилгандим.

У жаҳл билан менга ўқрайиб, еб юборгудек бир қиёфада қўллари эгнидаги чавандошжомаси чўнтақларига сукди.

– Нима учун? — деди у. — Нима учун, билсак бўладими?

– Бу хонадонда содир бўлган воқеалар ҳақидаги фикримни, сэр Персивал, ифодалашнинг ҳожати йўқ. Ҳеч кимнинг дилини огритмоқчи ҳам эмасман. Виждонан иш тутиб, леди Глайд олдидаги масъулиятимни ўйласам, бундан буён хизматингизда қолишимга ҳаддим сигмаслигини айтиб қўймоқчиман холос.

– Шу ерда туриб, юз-кўзим олдида мендан гумон қилиб туришингизга ҳаддингиз сиғадими? — дағ-дага қилди хуноби ошиб. — Нимага шамаъ қилаётганингизни сезиб турибман. Леди Глайднинг ўз нафини ўйлаб қилинган бегараз кўзбўямачиликдан ўзингизча хулоса чиқариб турибсиз. Уларнинг саломатлиги учун зудлик билан ҳаво алмаштириш зарур бўлиб қолганини, мабодо мисс Ҳалкомбнинг шу ердалигини билиб қолгудек бўлсалар, ҳеч қаерга бормаслиги менга қанчалик аён бўлса, сиз ҳам ундан ўшанчалик хабардорсиз. Уларнинг нафини ўйлаб, алдашга тўғри келган. Бундан ҳайиқадиган жойим йўқ. Истасангиз, кетаверинг. Сиздақа рўзгорбошилардан қанчадан қанчаси интизор бўлиб туришибди. Хоҳлаган вақтингизда жўнайверинг, лекин хизматимдан кетгач, ишларим ёки ўзим ҳақимда гийбат қилишга эҳтиёт бўлинг. Тўғрисини, фақат тўғрисини гапиринг, акс ҳолда, азо-

бини ўзингиз тортиб қоласиз! Мисс Ҳалкомбни ўз кўзингиз билан кўриб, унга бинонинг бошқа қисмида ҳам, худди аввалги қисмидагидек, парвариш қилиб туришганини билиб қўйинг. Докторнинг шахсий тавсияси — леди Глайд имконияти туғилиши биланоқ бошқа манзилгоҳга жўнатилиши лозимлиги эканини ҳам унутманг..

Шуларнинг ҳаммасини миянгизга яхшилаб қуйиб олинг, кейин, лозим топсангиз, саъйи ҳаракатларим ҳақида жар солиб, шаънимга нима ёғдирсангиз, ёғдираверарсиз!

У ёқ-бу ёққа юриб, қамчисини шопдек ўйнатганича жаҳл билан ўша сўзларини бир нафасда тўкиб солди.

У нималар демасин ёки нималар қилмасин, бир кунгина аввал унинг ўз кўзим олдида уялмай-нетмай ёлгонни ямламай ютган каззоб бўлиб қолганини, леди Глайд мисс Ҳалкомб ташвишида ўзини қаерга қўйишини билмай турган бир пайтда уни опасидан ажратиб, Лондонга жўнатиб, сарсон қилишдек тошбағирлигини унута олармидим! Шундай ўйларимни юрагимга тугиб қўйганим аниқдан-аниқ бўлса ҳам, унинг жигига тегмаслик учун ўшалар ҳақида оғиз очмай қўя қолдим, лекин бу шаштимдан қайтишим эмас эди. Ширин сўз жоҳилни ҳам эритади. Унга жавоб берарканман, мен ҳам ўзимни босдим.

— Қўлингизда хизмат қилиб турарканман, сэр Персивал, — дедим, — вазифам ишларингизга аралашмаслик эканини яхши тушунсам керак, деган умиддаман. Сиздан бўшаб кетгач эса менга алоқаси бўлмаган ишлар ҳақида оғиз очмасликни ҳам яхши билсам керак, деб умид қиламан...

— Қачон кетмоқчисиз? — гапимни бўлди мулозиматни йиғиштириб. — Сизни олиб қолишга кўзим учиб турибди, деб ўйламанг. Кетсангиз, кетаверинг. Парвойим фалак, гап шу. Бу масалада аввалию охири мутлақо ҳақман, гапнинг очиги шу. Қачон кетмоқчисиз?

— Сизга энг қулай вақтда, иложи бўлса, ҳозир, сэр Персивал.

— Менга қулайлигини қўяверинг, унинг аҳамияти йўқ. Эртага эрталаб мен бу ердан бутунлай жўнаб кетяпман, шунинг учун сиз билан бугун кечқурунроқ ҳисоб-китоб қилиб қўя қолишим мумкин. Мабодо бошқа бировга қулайлигини ўйлагудек бўлсангиз, унга мисс Ҳалкомб эҳтиёжманд бўлсалар керак. Миссис Рубелленинг муддати бугунгача, у бугун кечқурун Лондонда бўлишим керак, деб қолиши мумкин. Сиз шошилинч жўнаб кетгудек бўлсангиз, мисс Ҳалкомбга қарайдиган одам бўлмай қолади.

Леди Глайд билан мисс Ҳалкомб бошларига тушган мана шун-

дай оғир бир вазиятда мисс Ҳалкомбни ташлаб кета олмаслигим ҳақида гапиришимнинг ҳожати бўлмаса ҳам керак. Мисс Рубелле ўрнида қолгудек бўлсам, унинг зудлик билан жўнаб кетишини сэр Персивалнинг ўз оғзидан эшитиб, бунга ишонч ҳосил қилгач, шунингдек, Даусон жанобларининг беморга муолажа қила бошлашига розилик олгач мисс Ҳалкомбга ҳожатим қолмагунча Блэквоутер Паркда қолишга ўз ихтиёрим билан розилик бердим. Кетишимдан бир ҳафта олдин сэр Персивал адвокатига хабар бериб қўйишим, у эса ўрнимга бошқа биронтасини тайинлаш чорасини кўриши ҳақида келишиб олдик. Бу масалада гап чўзиб ўтирилмади. Бир хулосага келишимиз биланоқ сэр Персивал шартта орқасига ўгирилиб, мени мисс Рубеллега ҳавола этгандай, ўзи нари кетди. Хонадондаги ўша ягона ажнабий шахс мени мисс Ҳалкомб ёнига бошлаб бориш учун шу дамгача эшик зинасида ялпайиб ўтирган экан.

Бино томон бориладиган йўлнинг ҳали ярмини босиб ўтмасимдан қарши томонда ғойиб бўлган сэр Персивал кутилмаганда мени чақириб:

— Нега хизматимдан кетяпсиз? — деб қолди.

Ҳозиргина ўртамизда бўлиб ўтган суҳбатдан кейин бундай савол берилиши қизиқ туюлди, ҳатто, унга нима деб жавоб беришимни ҳам билмай қолдим.

— Ўзингиз ўйлаб кўринг! Кетишингиз сабаби менга қоронғи. — давом этди у. — Яна иш масаласига дучор келганингизда, назаримда, хизматимдан кетишингиз сабабини кўрсатишингиз лозим бўлади. Сабаби нима дейсиз? Оиланинг тарқалиб кетишими? Шундайми?

— Бундай сабабга, сэр Персивал, ҳеч қанақа эътироз бўлмаса керак...

— Жуда соз. Мана шуни билмоқчи эдим, холос. Сиз ҳақингизда маълумот сўраб мурожаат қилингудек бўлишса, ўша ўзингиз айтган сабабни кўндаланг қила қоламан. Сиз оиланинг тарқалиб кетиши туфайли кетяпсиз.

Бирон-бир сўз айтишга улгурмасимданоқ у яна шартта ўгирлиди-да, шахдам қадам ташлаганича ташқарига чиқиб кетди. Унинг гап-сўзлари пойма-пой бўлганидек, феъл-атвори ҳам галатироқ эди. Ростини айтсам, юрагимга гулгула тушиб қолганди.

Йўлак зинасида ўтирган миссис Рубелле ёнига борганимда, ҳатто, ўша ҳам хуноб бўлиб турган экан.

— Ниҳоят! — деб юборди у ажнабийларга хос озгин елкала-

рини қисиб. Кейин мени бинонинг ҳеч ким яшамайдиган тарафига бошлади. Зинадан юқорига чиқди ва йўлакнинг охиридаги кўҳна Элибазет оромхоналарига ўтиладиган эшикни ўз ёнидаги калити билан очди. Бу эшик Блэквоутер Паркка келганидан буён мутлақо ишлатилмасди. Ўша хоналарни мен яхши билардим. У ерларга илгарилари баъзи бир сабабларга кўра кириб чиққандиму, фақат бинонинг нариги томонидан киргандим-да. Миссис Рубелле мозий галареяси қаторидаги учинчи эшик олдида тўхтади. Унинг калитига йўлак дарвозаникани ҳам қўшиб қўлимга тутқазди-да, мисс Ҳалкомб ўша хонада эканлигини айтди. Ичкарига кириш олдидан ҳамроҳимга унинг сафари қариганлигини огоҳлантириб қўйишим лозим, деган халғла бордим. Ўша дақиқадан бошлаб бемор леди ҳол-аҳволига қараб туриш вазифаси зиммамга юкланганини икки оғиз сўз билан унга маълум қилдим.

— Қувончли хабар, мэм, — деди миссис Рубелле — жўнаб кетишга интиқ бўлиб турувдим.

— Бугун жўнаб кетмоқчимисиз? — бунга ишонч ҳосил қилиш учун ундан сўрадим.

— Мана, энди ҳамма масъулиятни сиз ўз зиммангизга олгач, мэм, ярим соатдан кейиноқ жўнаб кетаман. Сэр Персивал боғбон билан кабни ихтиёримга топшириб қўйдилар. Улар истаган пайтимда хизматимга тайёр туришибди. Ярим соатлардан кейин мени станцияга олиб кетишаётган бўлади. Йўлга чиқиш тарадудидида юкларимни ҳам сарамжонлаб қўйганман. Кунингиз хайрли ўтсин, мэм.

У фарангинамо таъзим бажо келтириб, қандайдир бир куйни мингирлаб хиргойи қилганича, ҳатто, қўлидаги гулдастаси билан куй мақомини таъкидлаганича йўлак-галарея бўйлаб орқага қайтди. Тангрига шукроналар бўлсинки, ўшандан кейин миссис Рубеллени қайта кўриш насиб бўлмади.

Хонага кирганимда мисс Ҳалкомб ухлаётган экан. Алмисоқдан қолган бесўнақай, кўримсиз каравотда ётган ледига синчиклаб рамз солдим. Уни охириги маротаба кўрганимдан бери анча азият чекибди, дейишга мутлақо ўрин йўқ эди. Нима бўлганда ҳам, ўз холига ташлаб қўйилибди дейишга арзигулик ҳеч вақо сезмадим. Хонани ис босган, қоронғи ва хувиллаб турса ҳам, тоза ҳаво кириб туриши учун орқа боғ томондаги дераза ланг очиб қўйилганди, умуман, иложи борича ҳамма зарурий қулайликлар муҳайё қилинганди. Демак, сэр Персивал қаҳри-

нинг ҳамма азоби бечора леди Глайд бошига тушганди. Назаримда, сэр Персивал ёки миссис Рубеллеларнинг мисс Ҳалкомб олдидаги бирдан-бир айби уни ҳилват бир бурчакка яшириб қўйишлари эди.

Ухлаётган бемор ледини ўз холича қолдириб, боғбонга доктор чақиришни тайинлаб қўйиш учун аста орқамга қайтиб, чиқиб кетдим. Унга миссис Рубеллени станцияга элиб қўйгач, қайтишида Даусон жанобларига учраб, унинг менга учрашиши лозимлигини тайинлаб қўйишини уқтирдим. Доктор илтимосимни рад этмаслиги, граф Фосконинг бу ердан кетиб қолганидан хабардор бўлгач, ҳатто яна Блэквоутерда қолиб, беморга муолажа қила бошлаганидан хабардор эдим.

Анчадан кейин боғбон қайтиб келиб, миссис Рубеллени станцияга элиб қўйгач, Даусон жанобларига учраганини айтди. Доктор ўзининг бетоб бўлиб қолгани, шунга қарамай, имкони бори-ча, келаси куни эрталаб етиб келишини маълум қилибди.

Боғбон омонат гаплардан мени хабардор этиб, қайтиб кетмоқчи бўлиб турганида уни тўхтатиб, қош қорайгунча шу ерга қайтиб, тунни бўш хоналарнинг бирида ўтказишини илтимос қилдим. Мабодо зарур бўлиб қолгудек бўлса, уни ёрдамга чақиришим мумкинлигини уқтирдим. Ҳувиллаб қолган бинонинг энг хилват бурчагида тунашга кўнглим дов бермаётганини фаҳмлай қолди. Соат саккиз билан тўққизлар ўртасида шу ерда бўлишини келишиб қўйдик.

Боғбон ваъдаси устидан чиқиб, ўз вақтида келди. Яхшиям, ҳар эҳтимолга қарши, уни чақириб қўйган эканман, ундан миннатдор бўлишга арзигулик бир гавғонинг олди олинди. Ярим кечга яқин сэр Персивал айюҳаннос солиб гавғо кўтарди. Ҳаммаёқни ваҳима босиб кетди. Ўша атрофда турган боғбон уни вақтида тинчитмаганида нималар бўлишини хаёлга келтиришнинг ўзи даҳшат.

Қарийб бутун пешин ва оқшом бўйи сэр Персивал авзойи бузилиб, хуноби ошганича бино атрофию пастки қаватда тажанг бўлиб юрди. Назаримда, тушлик пайтида сўққабош ўтириб меъеридан ортиқ ичиб юборган винолари, эҳтимолга энг яқини — шу, ўз кучини кўрсатган. Нима бўлганда ҳам, ўша оқшом нима қилишимни билмай галарея бўйлаб у ёқ-бу ёққа юриб турганимда бинонинг янги қаноти томонидан унинг газабнок ҳайқириғи эшитилиб қолди. Боғбон шу заҳотиёқ унинг олдига тушиб кетди, мен эсам бу гала-ғовур мисс Ҳалкомб қулоғига чалинмаслиги

учун иложи борича, йўлак эшигини беркитдим. Ярим соатлардан кейингина боғбон қайтиб келди. Унинг айтишича, валинеъмати бутунлай ақлу-хушини йўқотган эмиш (лекин, мен ўйлагандек ичимлик кайфидан эмас), балки ақл бовар қилмайдиган хаёлот васвасаси ёки жаҳолат тугёнидан эмиш. У пастга тушганида сэр Персивалнинг жазаваси тутиб, залда оғзига келганини қайтармай айюҳаннос солиб сўкингани, ўзининг бу зиндон уйида энди бир дақиқа ҳам ёлғиз тура олмаслиги, бугун тун ярмидан кечиктирмаёқ дастлабки сафарига отланиши муқаррар экани ҳақида валақлаётган экан. Боғбон олдига бориши билан унга ўшқириб лаънатлаганича зудлик билан от-аравани тайёрлаб беришини буюрибди. Чорак соат ўтар-ўтмас у ташқарига чиқиб, сакраб кабга ўтирибди-да, отни қамчилаб йўрттирганича жўнаб кетибди. Ойдин кечада унинг юзи докадек оппоқ кўринганмиш. Унинг дарвозабонга «тез туриб, дарвозани оч» деб ўшқиргани, дарвоза очилгач эса гилдиракларнинг шиддат билан чарх уриб кетиши тун сукутида унга баралла эшитилганмиш. Кейин ҳаммаёқни яна сукут босганмиш.

Эртасигами ё бир-икки кундан кейинми, аниги эсимда йўқ, от-аравани Ноулсбери — бизга энг яқин шаҳар илк мусофирхонаси отбоқари олиб келиб берди. Сэр Персивал ўша ерда тунаб, кейин поездда жўнаб кетибди. Қаёққа кетганини ҳеч ким билмайди. Унинг қисмати нима кечди, бу ҳақда на унинг ўзидан ва на бошқа бировлардан ҳеч қандай дарак бўлмади. У Англиядами ё чет элга чиқиб кетганми — ҳозиргача хабарим йўқ. У ўз уйидан қувғин қилинган жиноятчидек шошилинч жўнаворганидан бери учрашмадик. Бирдан бир умидим ва тангридан тилаганим — у билан асло учрашгулик қилмасин.

Ўша ачинарли оила ҳаёти тарихидаги иштироким шу билан якунланади.

Менга айтишларича, мисс Ҳалкомбнинг уйғонишига, ўшандан кейинги ўзаро суҳбатларимиз тафсилотига ҳожат йўқ экан, чунки улар ушбу ҳикояда кўзда тутилган асосий мақсад талабларига жавоб бермас эмиш. Шундай бўлса ҳам, мисс Ҳалкомбни бинонинг обод қисмидан унинг ҳувиллаган томонига кўчиришганларида у беҳуш эканлигини бир оғиз айтиб ўтмасам, кўнглим ўрнига тушмайди. Ўша вақтда у қаттиқ уйқуда бўлганми ёки уни ухлатиб қўйишганми, ўзи бирон нарса деёлмади. Мен Торкейга кетиб, бу хонадонда (ишдан сал холи бўлиши билан фақат ебичиш ва ухлашдан бошқасини билмайдиган) Маргарет Порчкер-

дан бошқа ҳеч қандай хизматчи қолмагач, мисс Ҳалкомб бионинг бир томонидан иккинчи томонига хуфиёна ўтказилиб қўйилиши осонгина амалга оширилганига шубҳа қилинмаса ҳам бўлади. Хонанинг у ёқ-бу ёғига қўз ташлаб, миссис Рубелленинг бемор леди билан тутқинликда ўтказиладиган ўша бир неча кунга етгулик озиқ-овқату бошқа ҳамма зарурий анжомлар, ҳатто, олов ёқмасданоқ сув иситиш, шўрва тайёрлаш ва бошқа эҳтиёжларга мўлжалланган мосламаларгача муҳайё қилиб қўйилганига амин бўлганман. Мисс Ҳалкомб саволларига, албатта, у жавоб беришдан бош тортган, лекин унинг шахсига тегиб камситмаган. Назаримда, миссис Рубелленинг бирдан-бир айби унинг шу қабиҳ фирибгарчиликка бош қўшиши эди.

Леди Глайднинг жўнаб кетиши ёки тезда Блэквоутер Паркка овоза бўлиб, эл оғзида тарқалган ундан ҳам нохушроқ хабарлар мисс Ҳалкомбга қандай таъсир этганини ёзиб ўтиришнинг ҳожаги йўқ эмиш, бунинг эшитиб анча енгил тортидим. Иккала ҳолда ҳам, иложим борича мулойимлик ва эҳтиётлик билан уларни олдинданоқ тақдирларига тан бердириб қўйганим, айниқса, кейингисидо докторнинг маслаҳати қўл келгани, Даусон жанобларининг ўзлари анча оғир ётиб қолганлари туфайли, уларни чақиртирганимдан кейин бир неча кун ўтгачина етиб келган эдилар. Ўша вақтлар жуда ташвишли ўтган. Эслагудек ёки ёзгудек бўлсам, ҳануз юрагим орқамга тортиб кетади. Мисс Ҳалкомбни сабр-қаноатдек диний бебаҳо таълимотга амал қилдириш анча мушкул бўлган, ҳар ҳолда, шунга иқрор бўлганига шак-шубҳам йўқ. У тетиклашиб оёққа турмагунларича у бир қадам нари кетмаганман. Мени ўша қарғиш теккан қулбагоҳдан олиб кетган поезд мисс Ҳалкомбни ҳам ўз бағрига олганди. Биз Лондонда ажрашганмиз, бунинг қанчалик оғир бўлганини ифодалаш қийин. Мен Айлингтондаги қариндошимникида қолганман, у эса Кумберленддаги Фэрли жанобларникига ўтиб кетган.

Ушбу ўкинчли маълумотномани яқунлаш олдидан яна бир-икки сатр қўшимча қилмоқчиман. Виждоним амри шуни тақозо этади.

Авалло, ҳозиргина мен таъкидлаб ўтган воқеалар муносабати билан граф Фоскони айбдор қилиш мумкин эмаслиги ҳақидаги шахсий ишончимни маълум қилмоқчиман. Эшитишимча, мудхиш шубҳа туғилиб қолган эмиш — граф ҳазратлари зиммасига анчагина жиддий бўҳтонлар юкланаётган эмиш. Нима бўлганда ҳам, мен граф мутлақо гуноҳкор эмас, деган ишончдаман. У мени Торквейга юборишда сэр Персивалга кўмаклашиб янглишган

бўлиши мумкин, бунинг учун (ажнабий ва мусофирлиги назарда тутилиб) уни гуноҳқор қилиб бўлмайди. Мабодо миссис Рубелленинг Блэквоутер Паркка олиб келинишига аралашган бўлса, бу унинг кўргилиги, лекин айби эмас. Ахир, ўша хорижий аёл соҳибхонанинг макрига илиниб, унинг амалга оширилишида кўмаклашган бўлса, унда нима айб? Одоб юзасидан, граф зиммасига юкланаётган асосиз ва айни вақтда ҳеч қандай далилсиз ҳақоратларга қарши раддия билдираман.

Иккинчидан, леди Глайднинг Блэквоутер Паркдан Лондонга жўнаб кетган аниқ кунини эслай олмаганимдан пушаймонда эканлигимни маълум қилмоқчиман. Ўша масъум сафарни аниқ муддатини белгилаш қанчалар муҳим эканлигини менга айтишди, мен ҳам ўша кунни эслаш учун қанчалар бош қотирмадим дейсиз. Бутун ҳаракатларим зое кетди. Фақат июннинг иккинчи ярми эканини эслай оламан холос. Ўз вақтида ёзиб қўйилмаганидан кейин, маълум вақт ўтгач мозийнинг аниқ бир муддатини эслаш амри маҳол экани ҳаммамизга маълум. Леди Глайд жўнаб кетган кун ҳақида оғиз очарканмиз, ўша қийинчиликдан ташқари, содир бўлган чалкаш ва даҳшатли воқеаларни ҳали ҳисобга олиш керак. Қани энди буни ўша вақтнинг ўзидаёқ ёзиб қўйган бўлсам! Қани энди ўша кунни, бечора ледининг вагон деразасидан сўнгги бор мўлтираб қолган қиёфасидек, аниқ эслаб қолган бўлсам!

ҲИКОЯНИ БИР НЕЧА ГУВОҲ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

1. Граф Фоско пазандаси Ҳестер Пинхорн ҳикоя қилади (унинг ўз оғзидан ёзиб олинган)

Айтишга ҳам тилинг бормайди – ўқиш ва ёзиш нималигини билмайман. Бутун ҳаётим оғир меҳнат билан ўтган бир мўмин аёлман. Йўқни йўндириб гапириш каззоблик, гуноҳ эканлигини яхши биламан. Шунга кўра, ушбу гувоҳномада ҳам ўша ақидага риоя қилганим ҳолда иш тутаман. Билганларимнинг ҳаммасини айтиб бераман, фақат, буларни хатга туширувчи жентлмендан арзимас бир илтимосим шуки, ўқимишди аёл эмаслигимни маъзур тутиб, қоидага сизмайдиган гапларимни тўғрилаб ёзсин.

Ўтган сўнгги ёз мавсуми ишимдан ажраб қолгандим (бунда менинг айбим йўқ). Сент Жонз Вуддаги Форест Роуд, бешинчи уйига оддий пазанда кераклигини эшитиб қолдим. Синов шарти билан ўша ишга ёлландим. Валинеъматимнинг ота исми Фоско эди. Уй соҳибаси инглиз ледиларидан. Эри – граф, хотини – графиня. Ўша ердан бошпана топганимда у ерда бир қиз дастёрлик қиларкан. Уни озода, саранжом-саришталик, деб бўлмасди, лекин бировга ёмонлиги ҳам йўқ эди. Иккаламизгина ўша хонадон хизматида эдик.

Валинеъматимиз билан соҳибамиз ўша ерга биздан кейинроқ келишди. Ўшанда улар, албатта, ҳали юқорига чиқишмаслариданоқ қишлоқ ҳовлидан меҳмон кутишаётганини маълум қилишди.

Меҳмон – соҳибамизнинг қиз жиянлари экан. Уларга биринчи қаватнинг энг ичкарасидан оромхона ҳозирлаб қўйилди. Соҳибамиз мени леди Глайд (жиянлари)нинг соғлиги ночорлигидан хабардор қилиб, таом тайёрлашда шуни назарда тутганим ҳолда эҳтиёт бўлишим кераклигини эслатиб ўтди. Янглишмасам, жиянлари ўша кунийёқ келишлари керак эди, лекин нима десангиз деяверинг-у, бу борада менинг хотирамга кўп ишонаверманг. Афсуски, сизларга айтиб қўяй – мендан бир ой бурун ўтган кунимни ёки шунга ўхшаш воқеъликни

сўрашдан наф йўқ. Якшанба кунлари бундан мустасно. Олима эмас, заҳматкаш аёл бўлганим учун ҳам бошқа кунлар қандай ўтганини билмайман. Ёдимда қолгани қуйидагилар: леди Глайд етиб келди. Ҳа, етиб келди-ю ҳаммамизнинг ўтакамизни ёра-ёзди. Ўша пайт иш билан ўралашиб қолганимдан валинеъматимиз меҳмонни уйга қандай олиб келганидан ҳам беҳабар қолибман. Менимча, пешинларда олиб келган. Ходима эшикни очиб, уларни меҳмонхонагача кузатиб қўйган. Унинг ошхонага қайтиб келганига ҳеч қанча вақт бўлмаёқ юқорида бақир-чақир эшитилиб қолди. Меҳмонхона қўнғироғи қулоқни батанг қилгудек чалиниб қолди. Соҳибамиз ҳам ёрдамга чақириб чинқирди. Иккаламиз югурганимизча тепага чиқиб, диванда ётган ледига кўзимиз тушди. Юзи оппоқ оқариб кетган, қўлларини мушт қилиб олган, боши эса, ёнига хиёл эгилиб тушганди. Соҳибамизнинг айтишича, у ҳаддан ташқари қўрқиб кетган эмиш. Валинеъматимизнинг сўзларича эса унинг тутқаноғи тутиб қолган. Яқин атофдагиларни бошқалардан кўра бироз яхшироқ билганим учун ҳам югурганимча яқинроқдаги докторни чақиргани чиқиб кетдим. Мен назарда тутган докторлар Гудрик билан Гартлар бўлиб, улар бирга ишлашар, эшитишимча, бутун Сент Жонз Вуд атрофида обрў қозонишиб, ҳожатпаноҳ ҳисобланишарди. Гудрик жаноблари уйда эканлар. Уларни тўғри уйга бошлаб келдим.

Сал бурунроқ келганида нафи тегиб қолар экан. Бу бахтиқаро бечорага ёпишган дард бирин-кетин ҳуруж қилиб, холини шунчалар қуритибдики, гўё янги туғилган чақалоқдек шалпайиб қолибди. Уни каравотга ётқизиб қўйдик. Гудрик жаноблари дори олиб келиш учун уйга кетиб, чорак соатми ёки кўпроқ вақт ўтиб, қайтиб келдилар. Доридан ташқари сурнайсифат ишланган ичи говак қизил ёғоч ҳам олиб келибди. Бироздан кейин ёғочнинг бир учини ледининг юраги устига, иккинчи учини эса ўз қулоғига қўйиб синчиклаб қулоқ солдилар. Текширувни якунига етказгач, ёнида турган соҳибамга бундай дедилар:

— Аҳволи анча оғир кўринади. Леди Глайднинг дўстларига ҳозироқ хат ёзиб юборишларини маслаҳат берардим.

— Юрак дардими? — деди унга соҳибам.

У бўлса:

— Шундай, юрак дардининг ҳам энг оғири, — жавоб бердилар. Кейин бемор дарди ҳақидаги фикрларини гапира кетдилар. Нималар деганларига ақлим етмади. Бироқ сўзларини на ўзи ва на

бошқа биронта доктор унга нажот бера олмаса керак, деган таҳликада эканлиги билан яқунлаганини биламан.

Соҳибам ушбу шум хабарга валинеъматимчалик ҳам эътибор бермади. Валинеъматим ёши анчаларга бориб қолган, лўппи семиз ва барвастагина киши бўлиб, парранда ишқивози, ҳатто оқ сичқони ҳам бор эди. Улар билан, гўё масихий болаларга муомала қилгандек чуғурлашардилар. У содир бўлган воқеликдан гўё изтиробга тушаётгандек эди.

Эвоҳ! Бечора леди Глайд! Бечора, муштипар леди Глайд! – деб бақалоқ қўлларини ишқалаганича савлат тўкиб у ёқ-бу ёққа юраркан, ҳақиқий жентлмендан кўра кўпроқ артистни эслатарди. Соҳибам ледининг бу дарддан мусаффо тузалиб кетиш-кетмаслиги ҳақида докторга биргина савол билан мурожаат қилган бўлса, валинеъматим эса савол устига савол ёғдириб, камида, элликтачасини тахлаб ташлади. Очигини айтганда, у ҳаммамизнинг ҳам жонимизни ҳиқилдоғимизга келтирди. Ниҳоят, ўзини анча босиб олгач, орқа ҳовлига чиқиб, йўлидаги ҳашаки гуллардан терди. Кейин ўша гулларни қўлимга тутқазиб, уларни бемор ётган хонага олиб чиқиб, ўша хонага файз киритиб кўйишимни илтимос қилди. Кошки, ўша билан мурод ҳосил бўлса. Назаримда, унинг мияси, баъзан суюлиб, нималар қилаётгани ва нималар деяётганини ҳам билмай қоларди. Шундай бўлса ҳам, у ёмон валинеъматлардан эмасди: гапга чечан, ширинсўз, хушмуомала, ҳазилкашу кўнгилчанлигини айтмайсизми. Соҳибамдан кўра уни кўпроқ хуш кўрардим. Соҳибам эса ўта дағал аёл, дунёда шунқасидан иккита бўлса, ўшалардан биттаси шулар эди.

Кечга яқин леди сал ўзига келди. Ўшангача қайта ва қайта шайтонлаб, қўл-оёқ пайларини чангак тутиб, бир нафас кўйиб юбормаганини, ҳеч кимга миқ этмай ўз азобини ўзи тортиб, ҳолдан тойганини билсангиз эди. Энди ётган ерида сал гимирлар, атрофига аланглаб, бизга ҳам қараб-қараб кўярди. Соғлиқ пайтларида жуда кўзга яқин қиз бўлган бўлса керак: сочлари олтиндек товланар, кўзлари мовий ва ҳоказо дилраболиклар. Қош қорая бошлагач, яна безовта бўла бошлади. Қисқаси, унинг олдида ёлғиз ўзи қолган соҳибамдан эшитганларим шулар. Мен ётиш олдидан бир маротабагина улардан хабар олгани чиқиб, менга нима хизматлари борлигини сўрадим. Ўшанда бемор гўё алаҳлаётгандек ўзича нималардир деб валаҳларди. У гойибдаги биров билан гаплашишга зорланаётгандек туюлди. Аввалгисида ўша гойиб исмининг англай ола олмадим, кейингисида эса валинеъмат эшикни

тақиллатиб, яна хашаки гулини рўкач қилганича минг бир савол билан муружаат қилиб қолди.

Эртаси куни эрталаб бемор хонасига кирганимда у яна беҳол бўлиб, ўзини билмай ётган экан. Гудрик жаноблари маслаҳатлашиш мақсадида ўз шериги Гарт жанобларини бошлаб келиб қолди. Улар, нима бўлганда ҳам, беморни безовта қилмаслик зарурлигини айтишди. Соҳибамга аллақанча саволлар беришди. Уйнинг бир чеккасига боришиб, илгарилари ледининг саломатлиги қандай бўлгани, унга ким тиббий муолижа қилгани ва қачондан бери боши ташвишдан чиқмаётгани ҳақида суриштиришди. Ўша сўнгги саволга соҳибамнинг маъқуллаб жавоб бергани ҳанузгача ёдимда. Гудрик жаноблари Гарт жанобларига қараб бошини сарак-сарак қилиб қўйганди. Гарт жаноблари ҳам Гудрик жанобларига қараб бошини сарак-сарак қилганди. Гўё улар ўша ташвиш леги юрагини адою тамом қилган бўлса керак, деган қарорга келишгандек эди. У бечорага қараб раҳмим келарди. Бандаи беозор-а! Қимирлашга холи йўқ, ҳа, қимирлашгаям холи йўқ.

Ўша куни эрталаб кейинроқ леги уйқудан кўз очганида кутилмаганда, анча тетикроқ кўринибди. Уни бегоналар безовта қиласлиги учун менинг ҳам, фаррошнинг ҳам уни кўргани киришимизга яна ижозат бўлмади. Унинг энгил тортганини валинеъматимдан эшитдим. Бемор аҳволидаги бундай ўзгаришдан у ўзида йўқ хурсанд бўлиб, ҳатто қаёққадир йўл оларкан, боғ томондан келиб, кенг гардишли бесўнақай оқ шляпаси кўндирилган бошини ошхона деразасидан ичкари суқиб:

— Инобатли миссис Кук, — дейди, — леги Глайд анча энгил тортиб қолдилар. Дилимга анча ёруғлик тушиб, ёз офтоби тафтида бироз юриб оёқларим чигалини бироз ёзиб келмоқчиман. Сизга нима буюртма қилсамикин, сизга нима олиб келсамикин, миссис Кук? Нималар қиялпсиз ўзи? Тушликка мазаси оғзимда қоладиган пирогми? Сингдириброқ пиширарсиз, деган умидданман, карсиллатиб ейиладиган бўлсин, азизим, оғизда эрийдиган кумоқ-кумоқ бўлсин.

Гапларини кўринг! Ёши олтмишдан ошиб қолсам, пишириққа ўчлигини қаранг. Шунақасиям бўладими?

Чошгоҳга яқин доктор яна келиб, леги Глайд анча тетиклашиб уйғонганини ўз кўзи билан кўрибди. У билан гаплашишимизни тақиқлабди. Мабодо унинг ўзи гаплашмоқчи бўлгудек бўлса ҳам, бунга йўл қўймасликни тайинлабди. Унга ҳамма нарсадан

хам осойишталик зарурроқ эмиш, иложи борича кўпроқ ухлаши керакмиш. Ўша хонага қачон кирмайин, унинг гаплашишга раъи ҳам йўқлиги шундоққина кўриниб турарди. Албатта, ўтган кеча бундан мустасно — ўшанда нима деганини англаб ололмагандим, гапиришгайм холи йўқ эди-да. Гудрик жаноблари бемор аҳволини кўриб, валинеъматимдек қувониб ҳам кетмаганди. У пастга тушгач соат бешда яна ундан хабар олишини айтган, бошқа ҳеч нарса демаган.

Ўша белгиланган вақт яқинлашиб қолганида (валинеъмат уйга қайтишидан аввалроқ) бемор ётган хонадон кўнгироқ чалинган. Соҳибам зина бошига келиб, овози борича менга мурожаат қилиб, Гудрик жанобларига учраб, унга леди хушидан кетиб қолганини етказишимни буюрган. Эндигина қалпоқчамни кийиб, шол рўмолимни елкамга ташлаганимда, тангридан ўргилай, ваъдаси бўйича докторнинг ўзи келиб қолган.

Уни олдинга ўтказиб, ўзим ҳам кетидан юқорига чиққанман.

— Леди Глайд одатдагидек ётибди. — дейди соҳибам унга эшик олдида туриб — негадир, атрофига хомуш жовдираб ётибди.

Кутилмаганда сал инграгандай бўлган, ўша заҳотиёқ хушидан кетган.

Доктор каравот ёнига бориб, бемор леди юзига эгилган. Унга кўзи тушиб, қути ўчган. Бемор юраги устига қўлини қўйган.

Соҳибам Гудрик жаноблари юзига тикилиб қолганди.

— Оламдан ўтмаган! — дейди у шивирлаб, бошдан-оёқ титраганича.

— Оламдан ўтибди — дейди доктор босиғи билан ҳазин бир товушда. — Жон таслим қилибди. Кеча юрагини текшириб, тез орада тамом бўлса керак, деб ўйлагандим.

Доктор гапини тугатмаёқ соҳибам ўзини каравотдан четган олган. Даг-даг титраган.

— Ўлибди! — шивирлаган у ўзича. — Тўсатдан ўлибди! Бир зумда ўлиб қолибди! Граф нима деркин?

Гудрик жаноблари соҳибамнинг пастга тушиб, бироз ўзига келиб олишини маслаҳат берган.

— Тун бўйи ўтириб чиқибсиз, — деган у. — Асабларингиз ўйнаб кетган. Манави аёл — деган у, мени назарда тутиб, — манави аёл сизни ёрдамга чақиргунимча шу ерда туриб тура қолсин.

Соҳибам унинг айтганини қилган. «Графга тасалли бериб қўйишим керак» дейди у. «Графга ётиғи билан тасалли бериб қўйишим керак». Кейин даг-даг титраганича чиқиб кетган.

– Валинеъматингиз ажнабий-а. – дейди Гудрик жаноблари соҳибам чиқиб кетгач. – Ўлим расмиятчилигидан хабардормикин?

– Аниқ бир нарса деёлмайман, сэр, — дейман. — Билмасалар ҳам керак. Доктор андак хаёлга ботиб, кейин: «одатда, бундай ишларга қўл урмайману, — дейди. — лекин оила ташвишларини енгиллатиш учун ушбу ўлим расмиятчилигини ўзимоқ қилиб қўя қолмоқчиман. Ярим соатдан кейин қишлоқ маҳкамаси олдидан ўтаман, ўша ерга кириб чиқарман. Шу ишни ўз зиммамга олдим. Огир бўлмаса, шуни айтиб қўярсиз».

– Албатта, сэр, — дедим. — жоним билан. Қилган яхшилигингиз унитилармиди.

– Ўрнингизга бирортасини жўнатгунимча шу ерда туриб тура олармикинсиз? — дейди у.

– Албатта, сэр, — дейман. — Ўшангача бу бечора леди олдида қолавераман. Назаримда, бундан ортиқ нима ҳам қила олардик, сэр?

– Йўқ, қўлимиздан келмайди, — дейди у. — Даствлаб келиб кўргунимчаёқ азоб-уқубатини тортиб бўлган экан. Мени чақиришганида ундан умид йўқ эди.

– Ё парвардигоримей! Эртами-кечми, ҳаммамизнинг ҳам холимиз шу-да, шундай эмасми, сэр? — дейман.

Саволимга жавоб бермади, кўнглига ҳеч нарса сифмаётгандек эди.

– Хайр, — деганича чиқиб кетди.

Жаноби Гудрик ваъдаси бўйича, юбориладиган одам келгунигача каравот ёнидан нари кетмадим. У Жейн Гулд исмли аёлни юборган экан. Назаримда, анча мўътабар кимсадек кўринди. Ундоқ қилмабсизлар, бундоқ қилмабсизлар, деган гап бўлмади, фақат ўз вазифасини пухта билиши, ҳаётида бундайлардан кўпини ювиб-тараб, охиратга жўнатганини эслатиб ўтди.

Бу шум хабарни эшитиб валинеъматнинг нима аҳволга тушгани, ўз кўзим билан кўрмагач, менга қоронги. Унга кўзим тушганида, ишонаверинг, ғамга ботиб қолгандек эди. Бақалоқ қўллари бесўнақай тиззаларида шалвираган, боши куйи солиқ, хаёли паришон бир ҳолда бир бурчакда миқ этмай ўтирарди. Содир бўлган воқеадан дили вайрон кўринмас, фақат қаттиқ кўрқиб кетганидан энди нима қилишини била олмай ҳайрон бўлаётгандек эди. Дафн маросимига боғлиқ ҳамма икир-чикирларга соҳибам воҳселик қиларди. Чакана пул кетмаган бўлса керак — хусусан, антиқа ясалган тобутнинг ўзигаёқ анча кетган. Мархуманинг эрлари, эшитишимча, чет эл сафарида экан. Шунга қарамай, соҳи-

бамиз (марҳуманинг аммалари ҳамюрт қариндошлари билан (Кумберленддаги бўлса керак) келишиб қўйибди, ўша ердаги онаси қабрига қўйилар экан. Дафн маросими ҳеч бир камчиликсиз, даб-даба билан ўтибди. Яна такрор айтаманки, бу маросимда, ҳатто, валинеъматнинг ўзлари ҳам қатнашдилар. Унинг чуқур мотам қиёфасидаги савлатига тенг келадигани йўқ эди – мунгли чалпак юзи, оғир қадамлари, шляпасига қадаб олган сербар қора лентаси — ҳаммасини ўрнига қўйганди.

Ниҳоят менга берилган саволларга жавобан яна қуйидагиларни ҳам айтиб қўйишим керак:

1. На мен ва на бошқа биронта менга ўхшаш мулозим валинеъматимизнинг леди Глайдга дори берганини кўрмаган.

2. Менимча, бунга иқрорман, у леди Глайд олдида ҳеч қачон бир ўзи қолмаган.

3. Нима учун леди дастлаб шу хонадонга олиб келинганида кўрқиб кетгани (соҳибамнинг сўзларига қараганда) ҳақида бирон нарса деёлмайман. Бу ҳақда на мен ва на бошқа мулозимларга ҳеч қачон оғиз очмаган.

Юқоридаги баённома менга ўқиб берилди. Унга қўшимчам ҳам, эътирозим ҳам йўқ. Тўғри йўлдан озмаган бир масихий аёл сифатида таъкидлайманки, бу айтилиши ҳақиқатдир.

(имзо) Эстер Пинхорн, бош бармоқ изи

2. Доктор ҳикояси

Мазкур ўлим содир бўлган ноҳия назорат бўлими мутасаддисига: ушбу билан кафолат бераманки, мен йигирма бир ёшдаги леди Глайд хузурига унинг сўнгги таваллуд куни ташриф буюрдим; уларни охириги маротаба 1850 йили 25 июль сешанба куни кўрганман; ўша куни Сент Жонз Вуд, Форест Роуд №5 манзилгоҳида оламдан ўтибди. Ўлим сабаби – ансуризм. Касалик тарихи номаълум.

(имзо) Алфред Гудрик

Prof. Title, M.R.C.S. Eng. LSA
Addres: 12 Croydin Jardens
St. Gonu's Wood.

3. Жейн Гоулд ҳикояси

Мен Гудрик жаноб томонидан юборилиб, олдинги гувоҳномада кўрсатилган хонадонда оламдан ўтган марҳума аёл жаса-

дини таомилга кўра дафн маросимига тайёрлашим керак эди. Ўша хонадонга келганимда мархума олдида Эстер Пинхорн исмли оқсоч аёл ўтирган экан. Кейин мархума олдида бир ўзим қолиб, уни маълум вақт ичи дафн маросимига тайёрладим. Жасад менинг кўз олдимда тобутга солиниб, қопқоғи жойига қўйилиб, маҳкамлашганини ҳам кўрдим. Шундан кейин, олдин эмас, хизмат ҳақимни олиб, чиқиб кетдим. Мабодо менинг кимлигимни суриштириш лозим бўлиб қолса, Гудрик жанобларига мурожаат қилишларини тавсия этаман. У сўзларим ишончли эканига тўла кафолат бера олади.

(Имзо) Жейн Гоулд

4. Қабртошдаги лавҳа

Лиммериж Хаус қавмидаги адвокат, сўнгги Филипп Фэрли қизи; Хемпшир, Блаквоутер Парклик баронет сэр Персивал Глайд рафиқаси леди Глайд Лаура хотирасига бағишланган. 1829 й. 27 мартада таваллуд топган; 1849 й. 22 декабрида турмушга чиққан; 1950 й. 25 июлида оламдан ўтган.

5. Валтер Ҳартрайт ҳикояси

1850 йил ёз мавсуми бошларида омон қолган дўстларим билан бирга Марказий Америка қалин ўрмонлари, чўлу биёбонлари оша ватанимизга йўл олдик. Соҳилга етиб келгач, Англияга жўнаётган кемага чиқдик. Мексика қўлтигида у фалокатга учради. Денгиздан омон чиққан бир нечагина киши қатори мен ҳам омон қолибман. Бу менинг ўлимга учинчи маротаба чап беришим. Вабо ҳалокати, ҳиндулар қўлида хомталаш бўлиш ва ниҳоят, чўкиб ўлиш — учаласи ҳам жонимга қасд қилди, лекин учаласи ҳам юз ўгириб кетди.

Ҳалокатдан омон қолганлар Ливерпулга ўтиб кетаётган Америка кемасидан нажот топишди. У 1850 йил ўттизинчи октябрида манзилга етиб келди. Кеч пешинда соҳилга тушдик, ўша куни кечқуруноқ Лондонга етиб келдик.

Ушбу саҳифаларда кўзда тутилган мақсад мусофирона саргузаштларим хавф-хатарларини баён этиш эмас. Ватаним, дўстларимдан жудо бўлиб, мусофирликда сарсонлигим, тортган азобу уқубатларим сабаби — маълум. Ўша ихтиёрий қувғинликдан, ўзим ният қилганимдек, бутунлай ўзгариб қайтдим. Янги ҳаёт тўлқинларида тобландим. Бошимдан ўтган аччиқ-чу-

чуклар иродамни мустаҳкамлади, юрагимни дадиллаштирди, мустақилликка ўргатди. Тақдиримдан чўчиб, ўзимни ундан четга олгандим. Энди унга ҳақиқий эр кишилардек, тик қарайдиган бўлиб қайтганман.

Тақдир учун курашда андак сабр-бардошли бўлишим керак-лигини ҳам билардим. Ўтмишнинг аччиқ аламларини унутган бўлсам ҳам, хотирамдаги мунаввар кунларнинг ширин дамларию ташвишлари дилимдан ҳали кўтарилмаганди. Ҳаётимнинг тузалмас жароҳатларига айланган пушаймоним дилимдан нари кетмас, сабр қилишга кўникиб қолгандим. Англия соҳилидан узоқлашиб, унга сўнги бор назар ташлаганимда хаёлим фақат Лаура Фэрли билан банд эди. Сафардан қайтарканман, тонг шуъласида қадрдон соҳил кўзимга чалиниши биланоқ хаёлим яна Лаура Фэрлида бўлиб қолди.

Қаламим илк чизиқлар узра тушаркан, юрагим ҳам илк савдо ҳиссиётида уюшиб кетарди. Уларни ҳамон Лаура Фэрли, деб ёзаман. Эрининг номи билан тилга ола олмайман, буни ҳатто хаёлимга ҳам келтира олмайман.

Ушбу саҳифаларда яна қайта кўзга ташланиш учун қўшимча қилгудек сўзим ҳам қолмаган. Ҳикоя эса (иродам бардош бериб, ёзишга журъат этсамгина) давом эттирилиши мумкин.

Тонг ёришиши билан хаёлим онам билан синглимда бўлиб қолди. Бир неча ойлardan буён мен ҳақимда бирон оғиз хабар топишнинг иложини қилолмай сиқилишиб юришганини ўйлаб, тўсатдан бундай дийдор кўришиш қувончи олдини олиб қўйиш лозимдек туюлди. Эрта тонгдаёқ Ҳаммстед коттежига хат йўлладим. Бирор соатдан сўнг ўзим ҳам жўнаб кетдим.

Дастлабки учрашув қувончлари сал босилиб, эс-ҳушимиз жойига келгач, онамнинг юзида дилидаги қандайдир сирли дарди намоён бўлаётганини сезгандек бўлдим. Менга мўлтираб турган безовта кўзларида меҳрдан ҳам юксакроқ таҳлика кўринарди, қўлимни оҳиста кафтига олиб, силаган мулойим ҳаракатларида ўкинч сезардим. Биз бир-биримиздан ҳеч нарсани сир тутмасдик. У эзгу ниятларимнинг пучга чиққани, нима учун кетиб қолганимдан хабардор эди. Иложим борича ётиги билан унга мурожаат қилиб, мисс Ҳалкомбдан хат-хабар бор-йўқлигини, синглим ҳақида нима янгиликлар борлигини сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтладим. Лекин онамнинг юзига кўзим тушгач, ҳатто ўша эҳтиёткорона саволимни беришга ҳам журъат этолмадим. Нима дейишимни билмай, босифида:

– Менга бирон нарса демоқчимидингиз? – деб қўя қолдим.

Қаршимизда ўтирган синглим бирон сўз айтмай, шартта ўрнидан турди-да ташқарига чиқиб кетди.

Онам дивандан ёнимга сурилиб келиб, бўйнимдан қучоқлади. Унинг самимий эҳтироси жўшаётганидан қўллари титрар, оналик меҳри билан маъюс тортган юзини кўз ёшлари юварди.

– Валтер! – шипшиди онам. – Болажоним! Сенга раҳмим келади. Эвоҳ, ўғилгинам! Ўғилгинам! Ғамирлаб турганимга ҳам шуқр қил.

Бошим онаизорим сийнасига эгилди. Ўша уч-тўрт оғиз сўз биланоқ юракдаги дардини ифодалаб бўлганди.

Ўн олтинчи октябрь. Эрта тонг. Сафаримдан кейинги учинчи кун эди.

Чорбоғда онам билан синглим олдида қолгандим. Уларнинг мен билан дийдор кўришиш қувончларини, ўзимнинг захарланиб бўлган қувончимдек, оғуға айлантирмаслик пайида бўлдим. Иложим борица қутилмаган зарбадан ўзимни ўнглаб олишга, тақдирга тан беришга уриндим. Бошимга тушган оғир мусибатдан тугёнга келмай, аксинча, сабр қилиш пайида бўлдим. Нажот кўринмас, хаёлдан чиқаришнинг иложи йўқ эди. Кўзимда ёш бўлмаса ҳам, дилим йиғларди. Онамнинг меҳрию синглимнинг ҳамдардлиги кўнглимга тасалли бера олмасди.

Ўша учинчи куни эрталаб уларга дилимни очдим. Онам ўша бокира қиз ўлими ҳақида оғиз очган куни айта олмай, дилимни тирнаётган сўзларимни ниҳоят очиқ айтдим.

– Қисқагина бир муддат мени ўз холимга қўйсангиз, сафарга отлансам – дедим. – У билан илк бор кўришган ерларга яна бир бор термилсам, уларнинг жисми абадийликда ётган қабр устида тиз чўкиб, ҳамду сано ўқисам, юрагим совурмикин.

Сафарга отландим. – Лаура Фэрли қабри зиёратига отландим.

Кимсасиз станцияга тушганимда куз фаслининг сокин кунларидан бири, пешин вақти эди. Ўша таниш сўқмоқ бўйлаб олдинга юрдим. Тафти анча қайтиб қолган қуёш оппоқ булутлар ортида гира-шира нур сочиб турар, ҳаво илиқ. Атроф жимжит, осойишта – қишлоқ манзараси куз нафасидан ўз кўркини йўқотиб, хувиллаб турарди.

Ниҳоят арчагул босиб кетган шўрхокка ҳам етиб келдим – яна ўша таниш қир чўққисида турардим. Сўқмоқ бўйлаб кўз югуртирдим. Унинг нариги чеккасида менга таниш боғ, катта йўлнинг ярим доира шаклидаги муюлиши, Лиммериж Хауснинг юксак,

оппоқ деворлари кўзга ташланади. Имтиёзлару инқирозлар, бир неча ойлар давом этган дарбадарлигу хавф-хатарлар — ҳаммасини унутдим. Гўё арчагул ҳиди анқиган мана шу ерларда кечагина юргандек эдим. Назаримда, у намуна бўлгудек эскиз — альбомини олиб олганича ихчамгина похол шляпаси билан юзини қуёшдан пана қилиб, одми кўйлагини елларда қилпиратганича олдимга пешвоз чиқиб, мени кутиб оладигандек туюларди.

Эҳ ўлим, мунчалар шафқатсиз бўлмасанг!

Ён томонимга ўгирилдим. Пастдаги кафттаккина водий ўрта-сида бутхона қўққайиб турар, унинг йўлагидаги бостирмасида ўша оқ кийинган аёлни пойлаб ўтирганим, ҳувиллаган қабристон атрофини қуршаган булоқдан оқиб чиқаётган муздаккина сув ҳам сершағал ўзанида шилдираб оқиб турарди. Онабола қабри бош томонидаги ўша оппоқ муқаддас мрамар салб кўзга ташланади.

Қабр ёнига келдим. Муқаддас масканнинг пастаккина тош деворидан яна бир бор ошиб ўтарканман, бош кийимимни қўлимга олдим. Ахир, бу муқаддас даргоҳда саховат ва илтерламаот маъбудаси ётар, бу муқаддас даргоҳда ғам-алам қурбони ётарди.

Қабрнинг салб кўтарилган бош томонига ўтдим. Унинг мен турган томонида яқиндагина ўйиб ёзилган лавҳага кўзим тушди. Унинг ҳаётию қазосини шафқатсизлик ва раҳмсизларча ифодаловчи машъум қора ҳарфларни кўриб қолдим. Ўқишга тутиндим. Кўзим унинг номида туриб қолди. «Лаура хотирасига бағишланади...» Меҳр тўла мовий кўзлари жиққа ёшга тўлиб қолганди-я! Маъбудаваш бошини қайгудан ҳам қилиб қолганди-я! Ундан умидимни узиб кетишимни илтижо этиб айтган беозор сўзлари-я! Кошкийди у билан видолашув хотираси шунчалар оғир бўлмаган бўлса-я! Ўша армон менга ҳамиша ҳамроҳ бўлганди. Энди яна ўша армон билан унинг сўнгги гўшасида турибман.

Лавҳани яна қайта ўқишга ҳаракат қилдим. Унинг кетида қазо муддати, юқорисида эса...

Юқорисида — мрамарга ўйилган бошқа сатрлар ҳам бўлиб, ўшалар орасида дил-дилимдан ўрин олган маъбуда ҳақидаги ҳаёлимни сочиб юборадиган бир исм чақир тиканакдек кўриниб, армонли ҳаёлимни чирпарчин қилди. Лавҳали мрамар орқа томонига ўтдим. Уёғида ўқиғулик ҳеч вақо йўқ, унинг руҳи билан орамизда раҳна бўлгудек ҳаёт тўғаноғи йўқ эди.

Қабр ёнига тиз чўкдим. Оқ мрамар тошга қўл ташлаб, унга бошимни қўйдим; бу ёруғ дунё азоб-уқубатларига тўйган кўзла-

римни юмиб, уни ўз ёнимга чорладим. Эвоҳ, дилбандим! Муҳаббатим! Энди сизга қалбимни очай! Сиз билан кечагина ҳайрлашган эдиг-а, кечагина нозик қўлларингизни ушламаганмидим! Қўзларим кечагина сизга термилиб қолган эди-ку. Муҳаббатим! Муҳаббатим!

* * *

Орадан анча вақт ўтди. Атроф гўё зулмат босгандек, жимжит эди. Ногаҳон шу илоҳий сукунат бузулгандек, гўё қабристон ичидаги гиёҳларни еллар силаб ўтаётгандек бўлди. Кейин у шарпага айланиб, қулоққа аниқроқ чалина бошлади ва ниҳоят, кимдир менга яқинлашаётгандек туюлдию яна жимжит бўлиб қолди.

Бошимни кўтардим.

Қуёш эндигина ботган экан. Булутлар тарқалиб, шафақ нурлари чўққиларга ёғду сочиб турган экан. Бу — куннинг интиҳоси, ҳаво очиқ бўлишига қарамай, анча салқин, майитлар маскани сукути инсон қалбини ларзага соларди.

Қабристоннинг мендан анча нарироғида турган икки аёл қорасига кўзим чалинди. Улар мана шу қабрга, менга қараб туришарди.

Икки аёл.

Улар бироз олдинга юриб, яна тўхтаб қолишди. Юзларида парда, кимлигини билолмасдим. Биттаси юзпардасини кўтариб қўйди. Ҳали қош қораймаганидан уни таниб қолдим — Мариан Ҳалкомб.

Ўзгариб кетибди, гўё йиллар ўз изини қолдиргандек, бутунлай ўзгариб кетибди. Ваҳима босиб, менга тикилиб қолган кўзларида даҳшат аломатлари намоён. Шунчалар озиб кетибдики, кинининг раҳми келади. Юзида ғам, алам, изтироб излари шундоққина кўриниб турибди.

Қабрдан четлаб, ўшалар томон бир неча қадам ташладим. У эса жойидан кўзгалиб ҳам қўймади, бирон садо ҳам чиқармади. Ёнидаги пардали аёл эса инграб юборди. Мен таққа тўхтаб қолдим. Юрагим шув этди-ю, бошдан оёғимгача қалтироқ босиб кетди. Бутун вужудимни талваса босди.

Юзи пардали аёл ҳамроҳидан ажралиб, аста-секин мен томон юрди. Ёлғиз ўзи қолган Мариан Ҳалкомб ниҳоят тилга кирди.

Ўша-ўша менга таниш овоз — озиб кетган юзларию қўрқув босган кўзларидек ўзгариб кетмаган ўша таниш овоз:

— Тушимми-ўнгимми! Тушимми-ўнгимми! — Таҳликали сукунатда унинг аста шивирлагани қулоғимга чалинди. У тиз чўкиб,

қўлларини қўкка чўзди. — Ё парвадигор, ўзинг унга мадад бер! Ё парвардигор, уни ўзинг қўллагин!

Нариги аёл ҳамон олдинга силжир, сас-садосиз аста-секин мен томон яқинлашарди. Шу дақиқадан эътиборан наригисига эмас, фақат бунисига қараб қолдим.

Ҳозиргина парвардигордан менга мадад тилаётган овоз гўлдираганича пасайиб кетди, кейин бирдан яна кўтарилиб, айюҳаннос солганича мени четлашимга нидо қилди.

Лекин эс-ҳушим, қалбим, бутун вужудим пардали аёлда бўлиб қолганди. У қабрнинг бир четига келиб тўхтади. Орамизда фақат қабртош, бир-биримизга бақамти турардик. У қабрнинг лавҳали томонига яқинроқ бўлиб, либоси қора ҳафрларга тегиб турарди.

Овоз яқинлашган сари авжига чиқиб айюҳаннос соларди:

— Юзингизни ўгиринг! Унга қараманг! Ё парвардигоро, уни ўз паноҳингда асра...

Аёл юзидан пардани кўтарди,

«Лаура, леди Глайд хотирасига бағишланади...»

Лаура, леди Глайд эса, лавҳали мрамор ёнида турганича қабр устидан менга қараб турарди.

(Бу тарихнинг иккинчи фасли шу билан якунланади)

УЧИНЧИ ФАСЛ

Ҳикояни Валтер Ҳартрайт давом эттиради

I

Янги саҳифа очаман. Ҳикоям бир ҳафта кейинроқдан бошла-
нади.

Шу бир ҳафталик воқелик, мен уни атайлаб тушириб қолди-
раяпман, ошкора қилинмай турилиши керак. Уни эсласам, юра-
гим орзиқиб, кўз ўнгим қоронғилашади-ю, хаёлим ҳам алкаш-
чалкаш бўлиб кетади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ахир мен сиз-
ларни воқелик силсиласидан олиб ўтишим керак. Бунга йўл қўйиб
бўлмайди. Ахир, бу чалкаш ҳикоя калаваси учини бошдан охири-
гача қўлдан чиқармаслигим керак.

Ҳаёт кутилмаганда ўзгариб, унинг мазмуни бутунлай бошқа
маъно кашф этиб қолди. Умид ва армонлар, мақсад ва кураш-
лар, қурбонлар – ҳаммаси бирдан ўзгариб, янги оқимга кўчган.
Мен ҳам энди гўё баланд тоғ чўққисига чиқиб қолгандек, кўз
ўнгимда бепоён манзаралар яққол намоён бўлиб, ўшаларга қараб
иш тутишим керак.. Ҳикоям Лиммериж ибодатхонаси тасарру-
фидаги хувиллаган қабристонда узилиб қолган эди. Энди воқе-
ликни ўша вақтдан бир ҳафта ўтказиб, Лондонга кўчирамиз.
Ҳамма ўз иши билан овора гавжум кўчалардан бири. Бу кўча
шаҳарнинг қашшоқ фуқаролари уймалашган даҳасига туташ
бўлиб, унинг икки томонида қад кўтарган кўп қаватли бино-
лардан бирининг пастки қавати газета ва журнал тижорати би-
лан шуғулланувчи ўртаҳол бир дўкондор ижарасида, иккинчи
ва учинчи қаватлари эса бечораҳол кишиларга мўлжалланиб
наридан-бери жиҳозлаб қўйилган экан.

Ўша иккала қаватини қалбаки ном билан ижарага олдим.
Юқорисини ўзимга қолдирдим. Бир хонасини ижодхона, иккин-
чисини эс ўзимга ётоқ қилиб олдим. Пастки қаватга ҳам қалбаки
ном билан икки аёл жойлашишди. Улар гўё опам билан синглим
эди. Тирикчилигим жўнгина журналлар учун расм чизиш-у ўйма-
корлик билан ўтарди. Опам билан синглим эса гўё кашта тикиб,
менга қўмаклашишарди. Ҳақирона кулбамиз, оддий хунаримиз,
бегоналар оғзида жигаргўшалигимиз, сохта исмимиз – шулар-

нинг ҳаммаси бизларни Лондоннинг бир чеккасидаги мана шу уйда хуфия истиқомат қилишимизга имкон берарди. Биз эл олдида бемалол бош кўтариб юрадиганлар қаторидан чиқиб ҳам қолгандик. Мен суюнгани тоғи йўқ, ҳеч ким танимайдиган бир мусофирман. Мариан Ҳалкомб эса опам, бутун рўзгор даҳмазалари унинг елкасида, ҳамма ишларни ўша шўрлик қилади. Биз иккаламиз, бошқалар назарида, қандайдир мудҳиш фирибгарлик домига тушиб қолган нотавонлар ёки айгоқчилармиз. Бизларни ҳатто ўзини марҳум леди Глайд деб, айтиб, унинг молу мулки, ходимларига даъвогар бўлиб юрган телба Анна Катерикнинг шериклари, деб ўйловчилар ҳам бор.

Мана шундай аҳволда қолдик. Шунинг учун ҳам учаламиз бундан буён ушбу ҳикоянинг навбатдаги кўпгина саҳифаларида ўшанга яраша қиёфада намоён бўлиб турамиз.

Ақлу идрок, қонун нуқтаи назаридан, жигаргўшалару дўстлар назарида, илғор жамиятларда одат тусига кирган барча анъаналарга кўра «Лаура леди Глайд» Лиммериж қабристонидagi онаси ёнига дафн этилганди. Ҳаётлик чоғидаёқ тириклар қаторидан юлиб ташланган бир инсон — Филип Фэрли қизи, Персивал Глайд қаллиғи фақат опаси учун тирик бўлиши мумкин, мен учун тирик бўлиши мумкин, лекин дунёда гимирлаб турган бошқалар учун эса оламдан ўтган эди. Амакиси назарида — ўлган, ҳатто ундан воз кечганди; уйдаги ходимлар назарида — ўлган, уни тан олишмаганди; расмиятчилик аҳллари назарида ҳам — ўлган, унинг тақдирини эри билан амакисига ёзиб беришганди; онам билан синглим назарида — ўлган, улар мени бир дайди қиз ҳийласига учиб, фирибгарлик қурбони бўлган, деб ўйлашарди. Хуллас, жамоатчилик ва қонун юзасидан, одоб ва ахлоқ юзасидан, расмиятчилик юзасидан ҳам оламдан ўтганди.

Айни вақтда у ҳаёт эди. Фақат хилватда, ҳақирликда яшарди. Мендек бечораҳол рассом кўмагида курашиб, ер юзида яшаётганлар қаторига кириш илинжида яшарди.

Дастлаб унинг юзига кўзим тушганида Анна Катерик қиёфаси Лауранинг айнан ўзгинаси эканлиги хаёлимдан ўтиб, довдираб қолмадимми? Ўз ўлимини ифодаловчи лавҳа ёнгинасида юзини очган дақиқаданоқ дилимда ҳеч қандай шубҳа асарини сезмаганман. Ўша кунни қуёш уфққа бош қўйгунигача эшиклари унинг учун тақа-тақ бекилган бино қораси кўздан ғойиб бўлгунча бир вақтлар Лиммериж Хаусда у билан видолашаётиб айтган дил сўзларимни эсладик — мен такрорладим, у ҳам хаёлидан

ўтказди. «Мабодо вақти келиб, меҳр, илтерламаот ва интизорлик тўла садоқатим сизга бир лаҳза қувонч бахш этгудек бўлса ёки оний ташвишдан халос этгудек бўлса, сизга таълим берган бечора рассом устозингизни хаёлингизга олармикинсиз?» Кейинги пайтлардаги ташвишу алам-изтироблар туфайли анча паришонхотир бўлиб қолганига қарамай, ўша сўзларни эсладида, ғариб бошини самимият ва ишонч билан муаллиф кўксига қўйди. «Ҳаммасини хаёлимдан чиқартириш пайига тушдилар, Валтер, лекин мен Марианни унутганим йўқ, сизни унутганим йўқ» деб исмимни тилга олган ўша дақиқадан, ҳа, ўша дақиқадан (кўпдан бери унга ишқим тушиб қолган эди) унга бутун ҳаётимни бағишлаб, мени унга етказган парвардигорга шукроналар айтдим. Шу дамларга етишадиган кун ҳам бўларкан-а! Эҳ-ҳааа, мусофирлик сарсончилигида неча минглаб мил йўл азобларини тортмадим. Чакалакзор ўрмонлару сувсиз саҳролардан ўтдим. Мендан бақувватроқ ҳамроҳларим ўша ерларда нобуд бўлиб кетдилар. Ўлим чангали менга ҳам уч бора човут солган, уч бора унга чап берганман. Одамларни зулмат сўқмоқларига етаклаган тақдир тақозоси мени шу дамларга етказди. Қувғинлик, маҳрумият изтироблари машъум из қолдирибди: мени мафтун этиб, дилимдан нари кетмай қолган ҳусни-малоҳати сўнибди, хотираси хира тортибди. Бу дунёлик қароргоҳи — бошпанасидан маҳрум қилинибди. Бир вақтлар унга садоқат ваъда этгандим. Чин дилимдан, юрак-юрагимдан, бутун борлигимдан изҳор этилган ўша ваъдам энди унинг муборак қадамига шодиёна гулдаста бўлсин. Бошига кулфат ёғилиб, атрофидаги унга тасалли берувчи кўмакдош дўстларидан маҳрум бўлиб қолган дамда бўлса ҳам, ниҳоят, унга етишгандим! Энди менинг паноҳимда нажот топсин, уни асраб-авайлайин, кўнглини кўтарайин, дардига малҳам бўлайин. Менинг паноҳимда таскин топсин, ўз отаси ва ўз акасидек, ундан меҳримни аямайин, эъзозлаб юрайин.

Шон-шухратим, дўстларим бўлмаса ҳам, ҳар қанча хавфу хатарга кўндаланг келмайин, ўз ҳаётимни тиксам ҳам, тенгсиз казозолар қудратига қарши туриб, ҳийлаю найранг тузоғини қурол қилиб зафар қалъасида тантана қилаётганлар билан аёвсиз олишайин, токи менинг паноҳимда ҳақ-ҳуқуқини қўлга олсин.

II

Менинг аҳволим аниқланди, ниятларим ҳам ошкора этилди. Энди навбат Мариан билан Лаура саргузаштига келди.

Иккала ҳикояни ҳам сўзловчилар тилидан узук-юлуқ гаплар билан эзмалаштириб, ўқувчилар хунобини оширмаслик учун ўзимоқ уларни аниқ ахборот ёки қисқача ва лўнда хулоса шаклида ифодалаб қўя қолмоқчиман. Ўшанда ўзимга ҳам, адлия маслаҳатчигаям қўл келадию чувалашиб кетган калаванинг учи тезроқ топилиб, чигали ҳам тезроқ ечила қолади.

Мариан саргузашти Блаквоутер Паркдаги рўзгорбоши ҳикояси узилиб қолган ердан бошланади.

Леди Глайднинг эри уйидан жўнаб кетиши, сафар тараддуди, сабаби ва шунга боғлиқ бошқа ҳамма маълумотлар рўзгорбоши томонидан мисс Ҳалкомбга айтилган эди. Ўшандан кейин кўп ўтмасданоқ (бу борада бирон-бир ёзув бўлмагач, аниқ неча кундан кейинлигини миссис Михелсон аниқ айта олмади) мадам Фоскодан хат келибди. Унда леди Глайднинг граф Фоско уйида тўсатдан вафот этгани маълум қилинибди. Содир бўлган бу мудҳиш воқеанинг аниқ муддати – мавҳум. Бундан мисс Ҳалкомбни тез огоҳлантириш ёки у сал ўзига келиб олгунча сабр қилиб, кейинроқ оғиз очиш ихтиёри миссис Михелсонга ҳавола этилган экан.

Миссис Михелсон (бетоблиги туфайли шу пайтгача Блаквоутер Паркка бориш иложини топа олмай) Даусон жаноблари билан маслаҳатлашиб, ўша доктор тавсиясига кўра ва унинг кўз олдида хат келган куниеқ ёки бир кун кейинроқ мисс Ҳалкомбни ўша шум хабардан огоҳлантирибди. Леди Глайднинг бевақт ўлими ҳақидаги хабар унга қандай таъсир этганини чўзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ундан кўра мисс Ҳалкомбнинг ўшандан кейин уч ҳафтадан зиёдроқ ётиб қолиб, йўлга чиқа олмай қолганини айтиб қўя қолиш маъқулроқ. У сал оёққа туриши биланоқ рўзгорбоши ҳамроҳлигида Лондонга йўл олибди. Ўша ерда улар ажралишибди. Вақти келиб бир-бирлари билан алоқа қилиб туришлари илинжи туғилиб қолиши эҳтимолини назарга олиб, миссис Михелсон олдинроқ миссис Ҳалкомбни ўз турар жойидан огоҳлантириб қўйган экан. Рўзгорбоши билан хайрлашган заҳотиёқ мисс Ҳалкомб адвокат Гилмор ва Кирллар маҳкамасига йўл олибди. Бу икки ҳамкор касбдошларнинг аввалгиси таътилда бўлганидан, кейингиси билан маслаҳатлашиб олмоқчи бўлибди. Леди Глайднинг оламдан ўтиш тафсилотига кўра, унинг бевақт жон таслим этиш вазияти шубҳали туюлаётганини унга маълум қилиб, бу сирни ҳеч кимга (ҳатто, миссис Михелсонга ҳам) ошкора қилмаслиги лозимлигини ҳам уқтириб қўйибди.

Ўша арафада мисс Ҳалкомбни дўстона садоқат билан хизмат этишга муштоқ эканлигини изор этган Кирл жаноблари айни масалани ойдинлаштириш ишлари анча нозик ва хавфли эканини назарда тутиб, зудлик билан иш бошлаб, маълумот йиғишни ўз зиммасига олибди.

Ҳикояни давом эттиришдан аввал мавзунинг сўнгги қисми тафсилотига яқун ясагудек бўлсак, қуйидагиларни илова қилиб ўтиш жоиздек туюлади: мисс Ҳалкомб топшириғига биноан, хусусан, леди Глайд ўлимига боғлиқ қўнғил хижиллигига алоқадор жузый шубҳалар бўйича маълумот йиғиб келиш учун юборилган Кирл жанобларига граф Фоско қўлидан келганича ёрдамни аямаган. Уни даволаган доктор — Гудрик жаноблари ва яна икки мулозим билан учраштирган. Леди Глайднинг Блэквоутер Паркдан жўнаб кетган кунидан аниқ далолат берувчи бирон-бир асос бўлмагач, учрашилган кишиларнинг гувоҳлигию граф Фоско билан хотинининг холисона гувоҳлик маълумотлари шунчаки қуруқ гап бўлиб қолаверган. Кирл жаноблари мисс Ҳалкомб синглисидан жудо бўлгач, унинг доғида куяверганидан савдойилик васвасасига тушиб қолгани эҳтимолдан холи эмас деган. Шунинг учун жавоб хатида «сизнинг кишини ўйлантириб қўядиган шубҳаларингизда аслида ҳеч қандай асос йўқ экан» деб ёзишига тўғри келган. Қисқаси, Гилмор жанобларининг ҳамкасби бошлаган тафтиш кун кўрмаёқ ниҳоясига етган.

Айни вақтда мисс Ҳалкомб Лиммериж Хаусга қайтиб, қўлидан келганича, жамики қўшимча маълумотларни йиғибди.

Фэрли жаноблари жияни ўлими ҳақидаги дастлабки хабарни синглиси мадам Фоскодан эшитган. Унинг ўша хатида ҳам аниқ бир муддат кўрсатилмаган. Синглисининг леди жасадини Лиммериж қабристонига онасининг сағанасига қўйилиши лозимлиги ҳақидаги таклифини маъқуллаб қўя қолган. Майитни Кумберлендга олиб келиш маросимида қатнашган граф Фоско 30 июль кuni Лиммериждаги дафн маросимида ҳам қатнашибди. Мотам маросимида қишлоқ ва яқин атрофдан йиғилган тумонат эл унга иззат-эҳтироми туфайли сўнгги қароргоҳигача кузатишибди. Эртасига (айтишларича, марҳум ледининг аммаси чизиб, унинг акаси — Фэрли жаноблари маъқуллаган) лавҳа қабр устига ўрнатилган тош юзига ўйиб ёздирилган.

Дафн кунини ҳам, кейинги кунни ҳам граф Фоско Лиммериж Хаус меҳмони сифатида ўтказган. Фэрли жанобларининг райига кўра у билан гаплаша олмаган. Уларнинг мулоқоти хат орқали

бўлган. Жиянининг сўнгги кунлардаги бетоблигию ўлими тафсилотлари ҳам Фэрли жанобларига хат орқали етказилган. Лекин ўша мактубларда ҳам ўқувчиларга аён воқеликлардан бошқа ҳеч қандай янгилик йўқ. Шундай бўлса ҳам, ўша хат иловаси эътибор қилгудек андаккина банддан ҳам холи эмас, у ҳам бўлса, Анна Катерик тилга олинган.

Илова мазмуни қуйидагича, яъни, Фэрли жаноблари аввало Анна Катерик изига тушилиб (унинг кимлиги ҳақидаги батафсил маълумот мисс Ҳалкомб Лиммерижга қайтганида ўшалардан олиниши мумкин), Блаквоутер Парк яқинида қўлга туширилиб, кейин унга тиббий муолижа қилиб юрган шахс назоратига қайта топширилганидан хабардор қилинганди.

Илованинг биринчи қисми ўша билан яқунланиб, иккинчи қисми Фэрли жанобларини хушёрликка даъват этади: гўё анчадан бери тиббий муолажасиз юргани сабабли ана Катерикнинг ақлий заифлиги яна ҳам авж олиб, илгариям кўзига бежороқ кўриниб юрган сэр Персивал Глайд энди унга балоқазодай туюлиб, илгариги ҳайиқиши бошқача тус олаётган эмиш. Бу бечора заифанинг хаёли ўзини сэр Персивалнинг марҳум қаллиғи кепатасига солиб, ўз назарида, унинг дилини вайрон этишу бошига кулфатлар ёғдириш, беморлари билан ҳамширалар ҳурматини қозониш билан обрў орттириш бўлиб қолганмиш. Бундай қиёфага кириш режаси леди Глайд билан хуфия учрашиб, у билан суҳбатлашаётган чоғида тасодифан ўзининг қуйиб қўйгандек марҳума ледининг ўзгинаси эканлигини фаҳмлаганида тузиб қўйилгани аниқдан аниқ кўриниб турарди. Унинг васвасахонадан иккинчи маротаба қо чиб кетишига ақл бовар қилмасди, айна пайтда, хат орқали леди Глайднинг сўнгги қариндошларининг таъбини тирриқ қилиш йўлини топиши эҳтимолдан холи эмасмиш. Шунинг учун ҳам Фэрли жаноблари ўшандай хатларга қандай муносабатда бўлишлари олдинданоқ огоҳлантирилмиш.

Шу мавзуларда битилган илова мисс Ҳалкомб Лиммерижга келганида унга кўрсатилган. Леди Глайд аммасиникига кийиб келган эгнибошию қўлидаги нарсалар ҳам топширилган. Мадам Фоско уларнинг ҳаммасини эҳтиётлик билан йиғиштириб Кумберлендга жўнатган экан.

Мисс Ҳалкомб сентябрь бошларида Лиммерижга келганида умумий аҳвол мана шундай бўлган.

Кейин кўп вақт зтмаёқ уйдан чиқолмай ётиб қолган. Бетоб-

ликдан силласи қуриб турган бир вақтда бошига тушган бу оғир мусибатга у ортиқча бардош бера олмаган. Бир ойлардан кейин сал ўзига келган бўлса ҳам, лекин, унга айтганларидек, синглисининг ўлими вазияти бўйича шубҳа туғилиб, дилидан нари кетмай қолган. Ўша вақт ичи сэр Персивал Глайддан ҳеч қандай хат-хабар бўлмаган, фақат мадам Фоскодан хат олиб турган. Эри ва ўзи номидан изҳор этилган мулозиматлар поёнсиз бўлган. Бу хатларга жавоб ёзиш ўрнига мисс Ҳалкомб Сент-Жоиз-Вуддаги уйни назоратга олган — хусусий аёғоқчи ёллаб, ўша атрофда яшовчилар хатти-ҳаракатларини кузаттирган.

Гумон қилгудек ҳеч нарса сезилмаган. Миссис Рубелле орқасидан қўйилган хуфий нагжаси ҳам худди ўшандай яқунланган. У Лондонга олти ой муқаддам эри билан бирга келган экан. Улар Лиондан келишган. 1851 йил кўргазмасини тамошо қилиш мақсадида Лондонга ёғилиб келиши мўлжалланган ажнабийларга жиҳозли уй тавсия қилиб, уларни ижарага ўтказиш учун Лайкестер майдони ёнгинасидан уй-жой сотиб олишган экан. Яқин атрофдагилар бу эру хотин шаънига бирон ёмон гап айтишмаган. Бениҳоя беозор эмишлар. Ҳамма чиқимларини ҳам ўша кунгача тўлаб қўйишган.

Ниҳоят, сўнги маълумотимиз сэр Персивал Глайд хусусида. У Парижни манзил тутиб, инглиз ва фаранглардан иборат чоғроқ дўстлар даврасида хотиржам яшаётган эмиш. Бутун ҳаракатлари зое кетаётган бўлса ҳам, ҳафсаласи пир бўлмаган мисс Ҳалкомб энди телбахонага боришга қасд қилибди. Унинг тахминича, Анна Катерик яна ўша ерга тегиб қўйилган бўлиши керак экан. Мисс Ҳалкомб илгари ҳам бу аёл тақдирига қизиқиб юраркан, энди эса унга яна ҳам қизиқиб қолибди — аввало, Анна Катерик ўзини леди Глайд қилиб кўрсатяпти, деган гаплар тўғримикин, қолаверса, (мабодо ҳақиқатан шундай бўлгудек бўлса), ўша бечоранинг одамларни чалғитишдан кўзлаган ҳақиқий мақсади нима экан, шуларни ўз қулоғи билан эшитишга қарор қилибди.

Граф Фосконинг Фэрли жанобларига йўллаган мактубида телбахонанинг қаерда жойлашгани қайд этилмаган бўлса ҳам, бу қийинчилик мисс Ҳалкомб йўлини тўса олмабди. Ҳартрайт жаноблари Анна Катерикни Лиммерижда учратиб қолганида у шўрлик ўша бино қаерда жойлашганини унга айтиб берган экан. Мисс Ҳалкомб эса суҳбат мазмунини Ҳартрайт жаноблари оғзидан қандай эшитган бўлса, худди ўшандай, бутун икир-чикирла-

ригача оқизмай-томизмай ёзиб, айна манзилга тегишли йўналишларни ҳам кундалигига чизиб қўйган экан. Шунга кўра, кундалигининг кириш қисмига қараб манзил йўналишини кўчириб олибди. Ишончнома сифатида асқотиб қолар, деган умидда графнинг Фэрли жанобларига ёзган мактубини ҳам олиб, ўн биринчи октябрь куни ёлғиз ўзи телбахона йўлига тушибди.

У ўн биринчи куни оқшомида Лондонга етиб келибди. Кечани леди Глайднинг қадрдон энагасиникида ўтказмоқчи бўлибди, лекин миссис Вэзи ўзининг сўнгги толибаси, қадрдони, мўтабар дугонасига кўзи тушиши билан талвасага тушиб, шунчалар қайгура бошлабдики, мисси Ҳалкомб, вазиятни ҳисобга олиб, унинг олдида қолиш ниятидан воз кечиб, миссис Вэзининг турмуш қурган сингиси тавсияси билан ўша атрофдаги ободгина меҳмонхонага чиқиб кета қолибди. Эртасига у Лондондан унча узоқда бўлмаган, марказнинг шундоққина шимолидаги телбахонага йўл олибди.

Уни узоқ кутдирмай, ўша заҳотиёқ мудир олдида киритиб юборишибди.

Аввалига мудир мисс Ҳалкомбни шифохона бемори билан учраштириш нияти йўқдек туйилибди. Лекин граф Фоско мактубидаги илова унга кўрсатилиб, ўша хатда қайд этилган «мисс Ҳалкомб» марҳум леди Глайднинг яқин қариндошларидан бири бўлгани учун, оила манфаати юзасидан, Анна Катерикнинг сингисига нисбатан фирибгарлигини икир-чикиригача ўз кўзи билан кўриш табиий ҳол эканлиги писанда қилинган, телбахона мудирининг авзойию-муомаласи ўзгариб, эътирозлари ҳам барҳам топибди. Эҳтимол, у мана шундай сабаблар рўқач қилиниб турган бир вазиятда саркашлик қилиб туравериш беодобликкина эмас, ҳатто бу муассаса фаолияти пуркор бегоналар назаридан четда тутиларкан, деган фикрга келиб қолиши мумкин, деб ҳам ўйлагандир.

Мисс Ҳалкомб шундай хулосага келибдики, телбахона мугасаддиси сэр Персивал билан граф режаларидан беҳабар экан. Унинг шу ерда даволанаётган бемор билан учрашишига йўл қўйиши ҳам шунга бир далилдек туюларкан, дадил гаплашавериш иштиёқи эса (жиноятчи билан тил бириктирган киши бундан эҳтиёт бўлиш пайига тушади), албатта, яна бир яққол далил экан.

Очқроқ айтгудек бўлсак, суҳбатнинг кириш қисмидаёқ у мисс Ҳалкомбга Анна Катерикнинг йигирма еттинчи июль куни граф Фоско томонидан тегишли тавсияномаю ҳужжатлари билан қайтариб олиб келинганини, ҳа, айнан шу граф сэр Перси-

вал Глайд имзоси билан ёзилган изоҳ ва йўл-йўриқ кўрсатилган мактуб билан келганини ҳам маълум қилибди. Телбаҳона мудирини ўз собиқ беморини қайта қабул қиларкан, у ажабтовур ўзгариб кетганига иқрор бўлганини тан олган. Унинг кўп йиллик меҳнат фаолияти, шубҳасиз, бундай тасодифлардан холи бўлмаган – ақли заифларда учратган. Аксари васвас балосига йўлиққанлар ҳали истарак, ҳали пистарак бўлиб юришаркан – дурустгина юратуриб, бирдан айниб қолиши, аксинча, айниб туриб бирдан ўзига келиб қолиши ҳеч гап эмас. Хуллас, оvsар одамларнинг қиёфаси тез-тез ўзгариб туришга мойил бўларкан. Шунларни эътироф этгани ҳолда у Анна Катерик қиёфасида содир бўлган ҳавойи ҳавасни ҳам васваса ҳисоблаб, унинг феъл-атворидаги ўзгаришлару гап-сўзларини ана ўшанинг натижасига йўйган экан. Шунга қарамай, баъзан қочиб кетишидан аввалги бемори билан қайта олиб келинган бемори ўртасидаги маълум тафовут уни ҳамон ҳайратга соларкан. Бу тафовутларни аслида шунчаки ҳисоблаб ҳам бўлмас экан. Очигини айтганда, унинг бўйи-басти ёки қадди-қомати, афти-ангорию, қош-кўзи бутунлай ўзгариб кетибди, деёлмаса ҳам, шундай тафовутни кўрдим дейишдан кўра сездим, деб қўя қолиш ўнгайроқ бўлган. Қисқаси, бу ҳол дастлабиданоқ кишини қанчалик ҳайратга солса, шунчалик таҳликага ҳам сола бошлаган.

Сухбат тўғриси мисс Ҳалкомб ўзини анча босиб, ҳатто, навбатдаги учрашувга биров тайёр – хотиржам бўлиб олган, дейиш қийин. Аксинча, нима бўлганда ҳам, бу учрашув унга қаттиқ таъсир қилган! Ҳатто, доvdиратиб ҳам кўйган. Шунинг учун бўлса керак, шифохона мудирини билан биргаликда бинонинг беморлар ётган қисмини айланиб чиқиш олдидан биров нафасини ростлаб, ўзига келиб олишга тўғри келган.

Суриштирилиб, тахминланаётган Анна Катерик ўша фурсат ички ҳовлида даво машқи билан овора эканлиги маълум бўлган. Ҳамширалардан бири мисс Ҳалкомбни ўша ерга бошлаб борадиган бўлган. Шифохона мудирини эса зарур иши чиқиб қолгани учун бир муддат бино ичида қолиб, меҳмонига ҳовлида етиб оладиган бўлган.

Ҳамшира мисс Ҳалкомбни ҳайҳотдек боғ ичкарасига бошлаган. У атрофига назар ташлаганича, икки томони манзара буталари билан тўсилган чимли йўлга бурилган. Сўқмоқ ўртасида икки аёл улар томон аста юриб келишаётган экан. Ҳамшира ўшаларни кўрсатиб:

— Ана Анна Катерик, мэм, уларга кўз-қулоқ бўлиб юрадиган ҳамроҳи билан келаяпти. Ҳамроҳлари истаган саволларингизга жавоб бераверади, — деган ва меҳмонни ўша ерда қолдириб, ўзи бино ичига қайтиб кириб кетган.

Мисс Ҳалкомб йўлида давом этган. Нариги аёллар ҳам яқинлашиб келишаверган. Орада ўн-ўн беш қадам масофа қолганида аёллардан бири кутилмаганда, таққа тўхтаб, нотаниш аёлга тикилганича ўша ондаёқ қўлини ҳамшира қўлидан силтаб олиб, мисс Ҳалкомб бағрига отилган. Ўша дақиқа мисс Ҳалкомб ҳам ўзининг тирик даф, этилган синглизини таниган.

Бахтлари кулиб, омадлари келгани шу-да, ўша дақиқа уларнинг олдида ҳамширадан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Ҳамшира жувон ўз кўз ўнгида содир бўлган воқеликдан ҳайратга тушиб, бирон нарса дейишга ҳам холи бўлмаган. Ўзини сал ўнглаб олгач, ўша дақиқа унга далда беришга уриниб, ўзи ҳушидан кетиб қолган мисс Ҳалкомб билан овора бўлиб кетган. Соф ҳавою салқин соялар таъсирими ё ўзининг табиий гайратию шижоатиданми, тезда ўзига келиб, синглизининг бахти-саодати учун ақли-ҳуши билан иш тутиши лозимлиги хаёлидан ўтиб, ҳушёр тортган.

Мисс Ҳалкомб бемор билан алоҳида гаплашиб олиш учун «кўз ўнгидан нари кетмаслик» шарти билан ҳамшира розилигини олган. Савол-жавоб қилиб ўтиришга вақт зиқ, фақат кулфатга дучор бўлган ледига тасалли бериб, сабр қилиши зарурлигини уқдириб қўйиш, шунга рози бўлган тақдирдагина, зудлик билан ёрдамга келиш тараддудига тушиш мумкинлигини уқдириб қўя қолишгагина улгурган. Опасининг йўл-йўриғига амал қилиб телбахонадан қочиб кетиш умиди леди Глайд кўнглига тасалли берган ва шунинг учун ҳам ҳар қандай шартни бажаришга рози бўлган. Кейин мисс Ҳалкомб ҳамширанинг ёнига қайтиб келиб, чўнтагида қолган пулини (уч соверен) унинг қўлига тутқазиб, у билан қачон ва қаерда бирма-бир гаплашиб олиши мумкинлигини сўраган.

Ҳамшира аввалига таажжубланиб, бир оз шубҳага ҳам тушган. Лекин мисс Ҳалкомб ўша дақиқада бениҳоя тўлқинланиб турганидан сўрашга тили бормаётган саволлари борлиги, ҳамширани ўз вазифасига хиёнат қилдириб, уни йўлдан оздириш фикри йўқлигини айтгач, у пулни олиб, келаси куни соат учда учрашишга розилик берган. Беморлар тушлигидан кейин ярим соатга чиқа олиши, ўшанда ҳам, ледини шифохона ҳовлисини ўраб турган баланд деворнинг кўздан панароқ шимолий қисми

ортида кутишини маълум қилган. Мисс Ҳалкомб ҳам бунга розилик билдириб, синглисига келаси куни дардлашишларини айтишга улгурган холос, шифохона мудир келиб қолган. У меҳмоннинг ҳаяжонланаётганини сезган. Мисс Ҳалкомб ҳам «Анна Катерик билан бўлган суҳбат дилимдаги ярамга туз сепди» деб қўя қолган. Кейин кетиш тараддудига тушган – бечора синглиси билан ҳамнафас туриш илинжини узиб кетиш унинг учун огир бўлган.

Ақлу ҳушини бир оз пешлагач, қонуний йўллар билан леди Глайд шахсини аниқлаб, уни озод қилишга уриниш, мабодо ижобий ҳал бўлганда ҳам, ишнинг анча орқага сурилиши эҳтимоли борлиги, аниқроғи, синглиси бошига тушган мусибатлардан каловланиб қолгани туфайли ақл-идроки бардош бера олмаслиги хаёлига келиб қолган. Мисс Ҳалкомб Лондонга қайтгунигача леди Глайдни фақат ҳамшира кўмагидагина озод этишга қатъи қарор қилиб қўйган.

Шаҳарга етиб келгач, у зудлик билан таниш ломбардчига учрашиб қўлидаги бор бисотини унга топшириб, етти юз фунтча ҳақ олган. Синглисининг озодлиги учун, зарур бўлса, сўнгги фартингини ҳам беришга тайёр бўлган. Эртасига у фунт банкнотларини ҳамёнига солиб, тўғри телбахона томон йўл олиб, ваъдалашилган девор ёнида ҳозир бўлган.

Ҳамшира ҳам ўша ерда экан. Мисс Ҳалкомб асосий масалага ўтишдан олдин эҳтиёткорлик билан бир талай юзаки саволлар бериб кўрган. Ҳамшира жавобларидан маълум бўлишича, илгари ҳақиқий Анна Катерикни назорат қилиб юрган ҳамшира беморнинг қочириб юборилишида айбланиб (аслида, унинг айби бўлмаса ҳам), ишдан ҳайдалган экан. Мабодо Анна Катерик, деб тахминланаётган жувон яна қочиб кетгудек бўлса, ўша гаплашиб турган ҳамшира бошига ҳам аввалгисининг қисмати тушаркан, бундан ташқари, айни вақт ишлаб турган ҳамширанинг кўзлаган мақсади бўлиб – (турмуш қуришга аҳду паймон қилиб қўйишган) ошиғи билан биргаликда икки уч юз фунт ўртасида жамғарма тўплаб олиш илинжида эканлар. Ҳамширалик хизмат ҳақи анча баракали бўлиб, бир фартинги ҳам бежо сарфланмай, тежаб турилса, икки йил ичи унинг ҳам ҳиссаси қўшилиб, ўша умид тутилган маблағ йиғилиб қолар экан.

Мисс Ҳалкомб худди мана шу нозик еридан ушлаш пайига тушган. У Анна Катерик, деб тахмин қилинаётган аёлнинг ўзига қариндошчилиги бўлиб, тасодифий англашилмовчилик туфайли

шифохонага келиб қолгани, шунинг учун ҳам уни озод қилиш билан, ҳақиқий масихийдек, савобли ишга қўл уришини маълум қилган. Ҳамшира ҳали эътироз билдиришга улгурмасиданоқ мисс Ҳалкомб ҳамёнидан тўртта юз фунтлик банкнотни чиқариб, унинг хатарли ишга қўл уриб, ишидан ажралишига кафорат сифатида унга таклиф этган.

Кутилмаган бу таклифдан саросимага тушган ҳамшира нима қиларини билмай қолган. Мисс Ҳалкомб ҳам бўш келмаган.

— Савобли иш қилган бўласиз, — деган у. — Ҳаётнинг нималигини унутган бир дилпора шўрликка ёрдамлашган бўласиз. Мана бу кафорат никоҳ тўйингизга аталган тўёна. Уларни эсон-омон шу ерга олиб чиқиб берсангиз, мана бу тўртта банкнотни олдинданок қўлингизга нақд тутқизаман.

— Ошигим пулни қаердан олганимни сўраб қолгудек бўлса, бунни тасдиқлаш учун шу гапларингизни хатга тушириб бера ола-сизми? — суриштирган у.

— Ёзиб қўл қўйилган тайёрини олиб келиб бераман. — жавоб берган мисс Ҳалкомб.

— У ҳолда уриниб кўраман, — деган ҳамшира.

— Қачон?

— Эртага.

Улар шоша-пиша келишишган: мисс Ҳалкомб келаси куни эрталаб этароқ келиб, деворнинг қутб томони яқинроғида, да-рахтлар панасида кутадиган бўлган.

Ҳамшира қачон чиқишини айта олмаган, эҳтиёткорлик юза-сидан, вазиятга қараб иш тутиши мўлжалланган. Шунга келиши-либ, ажралишган.

Эртасига соат ўн бўлмаёқ мисс Ҳалкомб ваъдалашган хат би-лан банкнотларни олиб мўлжалланган ерга етиб келган. Бир ярим соатдан ортиқроқ сабрсизлик билан кутган. Ниҳоят девор муюли-шидан ҳамшира ҳаллослаганича леди Глайдни етаклаб чиқиб кел-ган. Улар бир-бирларига бақамти келишлари биланоқ мисс Ҳал-комб банкнотлар билан хатни унинг қўлига тутқазган ва ниҳоят опа-сингиллар яна топишишган.

Ҳамшира, ҳар эҳтимолга қарши, леди Глайдга ўз қалпоқчаси, юз пардаси билан шол рўмолини бериб ишни бениҳоя пишиқ қилган экан. Мисс Ҳалкомб унга шифохонада беморнинг ғойиб бўлгани ошқора бўлиб қолгач, таъқиб этувчиларни чалғитиш йўлинигина тайинлаган холос. У бино ичига қайтгач бошқа ҳам-ширалар орасида Анна Катерикнинг кейинги пайтларда Лондон

билан Ҳемпшир орасидаги масофа қанчалигини суриштириб қолгани ҳақида овоза тарқатиши, беморнинг ғойиб бўлгани ошқора бўлиши олдидангина Аннанинг кўринмаётгани ҳақида жар солишини тайинлаган. Ҳемпширнинг тилга олиншидан мақсад телбахона мудир суриштириши натижасида бемор ўзини леди Глайд, деб хаёл қилганидан Блэквоутер Парк томон йўл олган бўлса керак, деган хаёлга бориб, дастлабки таъқиб йўналишини ўша томон буриш бўлган.

Ўша маслаҳатлар ҳамширага жуда маъқул тушган, чунки ўшаларга амал қилгудек бўлса, телбахонадан нари кетмай, ҳамманинг назарида айбсиз бўлиб кўринар, айниқса, ишидан маҳрум бўлишдан ҳам оғирроқ жазодан ҳам халос бўлиб қоларкан. Ўша хаёллар билан тўғри бинога қайтган, мисс Ҳалкомб эса вақтни бой бермай, синглисини Лондонга олиб кетган. Ўша кунийёқ улар пешинги Карлиел поездига чиқишиб, кечқурун эсон-омон Лиммерижга етиб келишган.

Манзилга етиб боргунча вагонда ўзлари ёлғиз қолишгач, мисс Ҳалкомб ниҳоят синглисининг узук-юлуқ ва ноаниқ хотираларидан иборат саргузаштларидан хабардор бўлишга муяссар бўлган.

Зимдан уюштирилган мудҳиш суиқасд тарихи мана шундай боши-кети йўқ калта-култа гаплардан иборат бўлган. Бу маълумотлар суиқасд моҳиятини фош қила олмаса ҳам, ҳикояни кейинги кун Лиммерижда содир бўлган воқеалар тафсилоти билан яқунлашдан олдин, ҳар ҳолда, ўша қисқа воқеликни қайд этиб ўтишни лозим топдик.

Леди Глайд Блэквоутер Паркдан жўнаб кетганидан кейин содир бўлган саргузашт воқеалар унинг Соут-Вест Лондон вокзалига келишидан бошланган. Қачон сафарга чиққанини ёзиб қўйиш хаёлига ҳам келмаган экан. Муҳим аҳамиятга эга бўлган ўша муддатни леди Глайд ва миссис Михелсонлардан суриштириб аниқлаб олиш умиди ҳам чипакка чиққан.

Поезд платформага келиб тўхташи билан леди Глайд уни кутиб турган граф Фоскога дуч келган. Проводник вагон эшигини очганида у шундоққина эшик ёнида турган экан. Ўша поездда келган йўловчилар сони ҳаддан ташқари кўплигидан юкларни олиш ҳам анча машаққатли бўлган. Шунинг учун ҳам унинг юкини граф Фоско билан келган бегона бир киши олиб келиб берган. Устига Леди Глайд номи ёзиб қўйилган экан. У граф билан бирга кабада жўнаб кетган. Негадир, ўша пайтда қанақа каблигига ҳам эътибор бермаган.

Вокзалдан жўнаб кетишлари биланоқ граф дастлаб мисс Ҳалкомбдан оғиз очган. У мисс Ҳалкомбнинг Кумберлендга ҳали жўнаб кетмагани, шунчалик олис йўлга чиқишдан олдин бир неча кун дам олиб олиши зарурлигини маслаҳат берганини маълум қилган.

Кейин леди Глайд «Опам сизларникида бўлсалар керак-а?» – деб яна графга мурожаат этган. Унинг жавоби ҳаёлида айқаш-уйқаш бўлиб кетган, фақат шуниси аниққки, граф уни мисс Ҳалкомб олдига олиб кетаётганини маълум қилган. Леди Глайд Лондонни унчалик яхши билмаганидан ўша вақт қайси кўчалардан ўтишганларидан ҳам хабари йўқ. Лекин шаҳар кўчаларидан мулақо чиқишмагани, боғу роғлар ва дарахтзорлардан мутлақо ўтишмагани аниқ эди. Каб тўхтаганида, савдо расталарию, жамоа уйлари қад кўтарган майдон биқинида тўхтаганида атроф одамлар билан гавжум бўлган (Леди Глайднинг ишончи комил) ўша хотираларига кўрк, граф Фоско уни шаҳар ташқарисидаги Сенд Жонз Вуддаги қароргоҳига олиб келмаганидек туюларди.

Улар бинога киришиб, юқорига чиқишган, биринчи ё иккинчи қаватдаги четроқ бир хонага киришган. Юк ҳам эҳтиётлик билан ўша ерга олиб кириб қўйилган. Аёл ходим эшикни очиб, қора соқолли, ажнабий қиёфали бир киши уларни қарши олиб, мулозиматни ўрнига қўйганича юқорига марҳамат қилишларини ишора этган. Граф леди Глайд саволига жавобан, мисс Ҳалкомб ҳам ўша бинода экани, уни синглиси келганидан ўша заҳотиёқ хабардор қилишини айтиб, шубҳага ўрин қолдирмаган. Аввал граф, кейин ажнабий ҳам ташқарига чиқишиб, хонада леди Глайднинг ёлғиз ўзи қолган. Бу ер ғарибона жиҳозланган меҳмонхонага ўхшар, деразаси бинонинг орқа томонига очиларкан. Ҳувиллаганроқ жой экан – зинадан чиқаётганлар, туншаётганлар оёқ товушлари ҳам эшитилмас, фақат пастки хонадан гурунглашаётган кишилар шарпасигина қулоққа чалинаркан. Леди Глайднинг ёлғизликдан тоқати тоқ бўлмасидан граф хонага қайтиб, мисс Ҳалкомб ором олаётгани ва уни андак бир вақт безовта қилмаслик лозимлигини айтган. У билан хонага яна бир жентлмен (инглиз) бирга кирган, уни дўстларидан бири сифатида таништирган.

Ўша қисқагина таништирувдан кейин (леди Глайднинг аниқ эслашича, унинг номи ҳам тилга олинмаган) у ўша нотаниш кимса билан ёлғиз қолдирилган. У ўта маданиятли – хушмуома-ла бўлса ҳам, унга разм солиб, шахсиятига тегишли бежороқ

саволлари билан леди Глайдни таажжублантирган, ҳатто, таҳликага солган. Кўп ўтмаёқ у чиқиб кетиб, бир-икки дақиқа ўтмаёқ бошқаси — у ҳам инглиз — кириб келган. Буниси ҳам ўзини граф Фоско дўстларидан, деб таништириб, ўз навбатида, буниси ҳам бежороқ разм солганича, худди аввалгисидек, (аниқ эсида) унинг исмини тилга олмай, галати-галати саволлар бериб, бироздан кейин чиқиб кетган. Шу дақиқадан леди Глайд ўзидан таҳликага тушиб, опасидан ҳам хавотирлана бошлаган. Зудлик билан пас-тага тушиб, бу ерда ўзи учратган ўша бирдан-бир аёл — эшикни очган мулозим паноҳига ўзини отиб, ундан мадад сўраш хаёлида бўлиб қолган.

У курсидан эндигина турганида граф хонага қайтиб кириб қолган. Ўша дақиқаёқ леди Глайд бетоқатлик билан унга мурожат этиб, яна қачонгача опаси билан дийдор кўришишига илҳақ бўлишини писанда қилган. Граф аввалига очик жавоб бериши ниятида бўлмаса ҳам, лекин унинг тазйиқига бардош беролмай, нохуш бир кайфиятда, аввал айтганидек, мисс Ҳалкомб соппасоғ эмаслигини тан олишга мажбур бўлган. Мана шу сўзлар қай оҳангу қай тарзда айтилгани леди Глайдни талвасага солиб қўйган. Ахир, ҳозиргина икки бегона киши олдида нима қиларини билмай каловланиб қолгани устига энди буниси ортиқчалик қилган, оёқ-қўли бўшашиб, бирор қултум сув сўрашга мажбур бўлган. Граф эшик олдида турибоқ сув билан тутатқи туз олиб келишларини буюрган. Айтилган нарсаларнинг иккаласини ҳам соқолли ажнабийнамо киши олиб кирган. Леди Глайд сув ичишга уринаркан, таъми галатироқ туюлиб, яна ҳам беҳушроқ бўлиб кетаётганидан апил-тапил граф қўлидан тутатқи туз қовоқчасини юлқиб олиб, уни ҳидлаган. Шу лаҳзаёқ боши гир айланиб кетган. Граф эса унинг қўлидан тушиб кетган қовоқчани олиб, уни яна унинг бурнига туггани ғира-шира эсида қолган.

Ўша дақиқадан бошлаб унинг хотирасида қолгани айқаш-чайқаш, узук-юлуқ бўлганидан, бирон хулоса чиқариш ҳам амри маҳол бўлиб қолган.

Унинг назарида, ўша куни (кейинроқ) кечга яқин ўзига келган, ўша бинодан чиқиб кетган, (Блаквоутер Паркда ният қилиб қўйганидек) миссис Везиникига кетиб, ўша ерда чой ичган, тунни миссис Вези уйида ўтказган. Лекин граф Фоско обориб қўйган уйдан қачон, кимлар билан ва қандай чиқиб кетгани ҳақида бирон сўз айтишга ожизлик қилган. Бунинг устига, миссис Везиникида бўлганига ишонтиришга уринган, яна бир ажаб-

товур томони шуки, уни миссис Рубелле ечинтириб ётқизган эмиш! Миссис Вэзиникида нима гаплар бўлгани ёки ўша леди-дан бошқа яна кимларга кўзи тушгани ёки миссис Рубелле унга кўмаклашиш учун нега ўша хонадонда пайдо бўлиб қолганини эслай олмаскан.

Келаси куни эрталаб нима бўлгани ҳақидаги хотиралари ундан ҳам чалкашроқ ва яна ҳам ишончсизроқ.

Граф Фоско ва яна мулозима-дастёр миссис Ребелле билан биргаликда жўнаб кетишганини (соат нечалардалигини айтиб бера олмаган) гира-шира эсларди. Лекин миссис Вэзи билан қачон ва нима учун ажралишгани ҳақида бирон нарса деёлмаскан. У на карета қайси томон йўл олиб, уни қаерда тушириб қолдирганини ва на бутун сафар бўйи граф билан миссис Рубелле унга ҳамроҳ бўлган-бўлмаганини биларди. Аянчли ҳикоянинг мана шу нуқта-сидан жарлик бошланарди. У қутилмаганда нотаниш манзилнинг бутунлай бегона аёллари ўртасида ўзига келганига қадар ўтган вақт мезонидан бутунлай чиқиб кетган — бир кун ўтдими, ундан кўпроқми — бундан заррача ҳам тушунчаси йўқ, бирон сўз айта олмас экан.

Бу ер ўша телбахона бўлган. Дастлаб мана шу ерда ўз номини Анна Катерик, деб эшитган ва айнан шу ерда у ушбу суиқасд тарихининг яна бир аниқ нишонаси — ўзининг ана Катерик либосида эканлигини ўз кўзи билан кўрган. Телбахонадалиқ ҳаётининг биринчи тунӣёқ ҳамшира ечаётган ҳар бир ич кийими белгиларини кўрсатиб, чин кўнгилдан, ҳатто мулозиматини ҳам аямай «ўз либосларингиздаги исмингизни кўриб олинг, бундан буён леди Глайдман, деб ҳаммамизни ҳам безовта қилаверманг. Леди Глайд оламдан ўтиб, сўнгги манзилига элтиб қўйилган. Сиз эса ҳаётсиз, соппа-соғсиз. Устибошларингизга яна бир қаранг-а? Сиёҳ излари шундоққина кўриниб турибди. Бу ерда сақланган ажносларингизни ҳаммасида ҳам муҳрлангандек ёзувни кўрасиз — Анна Катерик!» — деган. Улар Лиммериж Хаусга келишган биринчи кеча мисс Ҳалкомб синглиси ич қўйлагига зеҳн солишиб, ўша ёзувни кўришганди.

Булар ўша Кумберленд йўлида эҳтиёткорона берилган саволларга леди Глайд жавобларидан сиқиб олинган мавҳум ва чалкаш хотиралардан иборат маълумотлар эди. Мисс Ҳалкомб телбахонада содир бўлган воқеалар тафсилотини икир-чикиригача суриштириш билан уни изтиробга олмаслик пайида бўлган, чунки унинг нозик табиати бундай мусибатларга бардош беришига

ожизлигини тушунган. Телбахона мудирининг бегараз кафолатига кўра, шифохонага у йигирма еттинчи июлда қабул қилингани маълум. Ўша кундан йигирма бешинчи октябргача яъни халос этилган кунгача у назорат остида бўлган, Анна Катерик эканлиги узлуксиз уқдириб турилган, соғломлиги эса дастлабидан сўнгги дақиқাগача мутлақо тан олинмаган. Бундай мусибатларга фақат иқтидорининг тайини йўқ, фаҳм-фаросати ҳам мундоғроқ кишиларгина бардош беришлари мумкин. Инсон боласини бундай кулфатларга йўлиқтиргулик қилмасин, ундан соғсаломат чиқиши қийин.

Ўн бешинчи куни Лиммерижга анча кеч қайтишгач, мисс Ҳалком баъзи бир мулоҳазаларга бориб, леди Глайд шахсини аниқлаш ҳаракатини келаси кунгача бошлмасликка жазм қилган.

Эртасига эрталаб у аввало Фэрли жаноблари олдига бориб, эҳтиёткорлик чораларини кўргач, унга нималар содир бўлганини айтиб берган. Дастлаб у талвасага тушиб, ваҳимада қолган бўлса ҳам, кейин ҳис-ҳаяжонларини босиб олгач, мисс Ҳалкомбни Анна Катерик фирибларига лаққа тушганликда айблаб айюҳаннос солган. Унга граф Фоско мактубини ва шахсан ўзининг Анна билан марҳум жияни бир-бирига ўхшашлиги ҳақида айтган сўзларини пеш қилиб, ақлдан озган аёлни ҳатто бир дақиқага бўлса ҳам қабул қилишдан қатъи воз кечган, ҳатто, уни уйга яқин йўлатиш беодоблик ва шармандалик, деб ҳисоблаган.

Мисс Ҳалкомб унинг олдидан чиқиб, ҳовуридан тушгунча бироз сабр қилган, Фэрли жаноблари ўз жиянини бегоналаштириб, унинг учун бу хонадон эшигини тақа-тақ ёпгунигача, одамгарчилик нуқтаи назаридан, у билан учрашиб қўйиши керак, деган қарорга келиб, бир оғиз огоҳлантирмаёқ леди Глайдни етаклаганича унинг ҳузурига йўл олган. Хизматкор уларнинг йўлини тўсиб, эшик олдида гов бўлган, лекин мисс Ҳалкомб уни бир четга сурилишга мажбур этиб, синглисини етаклаганича Фэрли жаноблари ҳузурига кириб борган.

Шундан кейинги манзаранинг (бир неча дақиқалик бўлса ҳам) қанчалик аянчлилигини тасвирлашга қалам ожизлик қилади. Мисс Ҳалкомбнинг ўзлари ўша дақиқаларни эслатиб ўтишга журъат этолмаган. Келинг, биз ўша манзарани қуйидагича ифодалаб қўя қолайлик: Фэрли жаноблари ҳаддан ташқари дағаллик билан ўшқирганича унинг ҳузурига олиб кирилган аёлни танимаганлигини, унинг қош-кўзларию, хатти-ҳаракатларида Лиммериж қабристонига дафн этилган жиянига андак шубҳа туғдирувчи жиҳат-

ларини кўрмаганини, бордию ўша куни оқшомигача у бу хонадондан чиқариб юборилмагудек бўлса, ўз ҳимояси учун қонунга муурожаат қилажагини билдирган.

Фэрли жанобларининг худбинлиги, касалвандлиги ва инжиқлиги каби бемаъни сифатлари назарда тутилган ҳолда ҳам, ўз укаси фарзандини таниб, танимасликка солишдек тубанликка бориши мумкин, деб гумонсирашга ҳам ўрин йўқ эди. Мисс Ҳалкомб масаланинг бундай ҳал қилинишини тақдирга тан бериб кўя қолишга йўйиб, Фэрли жанобларини гуноҳкор ҳам қилмай, одамгарчилик ва виждон амри билан иш тутган. Лекин кейинча хизматкорлар синовига ҳавола этилганида улар ҳам, гапнинг сирасини айтганда, рўпараларидаги леди ўзларининг мисстрессими ёки ўзининг леди Глайдга ўхшашлиги билан шов-шув бўлган ўша Анна Катерикми — иккиланиб қолишгани маълум бўлган. Очiqдан-очiq кўриниб турган хулоса шундан иборат эдики, телбахона тутқунлиги туфайли леди Глайд хатти-ҳаракатларида содир бўлган ўзгаришлар мисс Ҳалкомбнинг дастлабки чамасидан ҳам анча жиддийроқ экан. Унинг ўлими шаҳодатидек тубан каззоблик ҳатто ўзи туғилиб ўсган хонадонга ҳам кириб, шу ердаги у билан ҳамнафас юришган барча аҳли оилани ҳам меров қилиб улгурган экан.

Вазият қанчалик оғир бўлмасин, ҳақиқат қарор топишидан ҳали умид узилгани йўқ эди. Масалан, ўша кунлари Лиммерижда бўлмаган дастёр Фенни икки кундан кейин қайтиши керак эди. У ўз соҳибаси билан кўпроқ мулоқотда бўлгани ва бошқаларга нисбатан унга кўпроқ меҳр қўйгани назарда тутилса, ўша дастёрнинг тан олиши дастлабки галаба бўлган бўларди. Шунда ҳам, леди Глайднинг соғлиги сал тикланиб, ақлу-ҳушини йигиб олгунигача шу ердами ёки қишлоқдами — алоҳида бир хонада туриб туриши тақозо этиларди. Хотираси қайта тикланиб, унинг ўз ҳимоясига қодир эканлигига ишонч ҳосил этилгач, албатта, бўлиб ўтган воқеаларни иштирок этган шахслар билан юзма-юз туриб далиллар асосида исботлаши аниқ. Ўшанда ҳеч бир мунофиқ унинг олдида ип эшолмай қоларди. Хуллас, вақти соати келиб, ҳамсиймолик оқибатлари исботланиб, ҳақиқат қарор топади.

Лекин унинг озод этилиши муносабати билан юзага келган вазият ҳозирча бутун режаларни пучга чиқарарди. Телбахонадан бошланадиган таъқиб бир муддат Ҳемпширда чалғиб турса ҳам, кейин Кумберленд томон йўналиши муқаррар эди. Қочоқ изига тушганлар бир неча соатлардан кейиноқ Лиммериж Хаусга етиб

келишлари мумкин. Фэрли жанобларининг айнаи вақтдаги кайфияти эса уларга қўл келиб, у маҳаллий раъият олдидаги иззат-эътиборини ишга солиб, уларга кўмаклашиб юбориши мумкин эди. Леди Глайдни асраб қолишнинг энг маъқул йўли мисс Ҳалкомбни адолат учун курашдан воз кечиб, леди Глайдни зудлик билан бу ердан, айниқса, унинг учун энг хавфли ўз уйи атрофларидан четлатиш зарур эди.

Кечиктирмай Лондонга қайтиш хавфсизлик чорасини дастлабки ва оқилона йўли эканлиги шундоққина кўриниб турарди. Улкан шаҳарда изларидан ному-нишона ҳам қолмаслиги аниқ. Сафар тайёргарлигининг ҳожати ҳам йўқ, ҳеч ким билан хайрлашиб ҳам ўтирилмайди. Ўн олтинчи куни пешинда мисс Ҳалкомб синглисига далда бергач, оқ йўл тилаб қолувчиларсизоқ иккаласи йўлга чиқиб, Лиммериж Хаусни бир умрга тарк этдилар.

Улар қабристон юқорисидаги қирни босиб ўтишганларида леди Глайд онаси қабрини сўнги маротаба зиёрат қилиш учун орқага қайтамиз, деб туриб олган. Мисс Ҳалкомб уни бу фикридан қайтаришга уриниб кўрган, лекин унинг қулоғига ҳеч нарса кирмаган. Турган еридан кўзгаб ҳам бўлмаган. Унинг ҳорғин кўзлари кутилмаганда чарақлаб кетгани нигор пардаси устидан ҳам шундоққина сезилган. Унинг кафти орасида шу вақтгача хотиржам турган нимжон бармоқларига жон кириб, шу вақтгача унинг қўлидан хотиржамгина тутиб келаётган бармоқларига ҳам жон кириб, опасининг кафтини сиқа бошлаган. Миссис Ҳалкомб назарида парвардигорнинг ўзи йўл кўрсатиб, мутлақо бегуноҳ бўлса ҳам, азобу уқубатда қолган бандаларининг ҳожатини равон қилаётгандек туюлган.

Улар қабристон томон ўгирилишиб, изига қайтишган, ўзларининг шу рағбатлари билан уч киши тақдирини муҳрлаб қўйишган.

III

Илгари содир бўлиб, кейинча бизга маълум бўлган воқеа шундан иборат эди.

Уни эшитдимү аниқдан-аниқ иккита хулоса чиқариш мумкинлиги хаёлимдан ўтди. Аввало, суиқасд мақсади тахминан нимадан иборатлиги, ўшанинг уддасидан чиқиш имкониятига кўзқулоқ бўлиб туришгани ва ниҳоят ўша чалкаш жиноятга қай йўсинда қўл уриш билан жавобгарликка тортилмаслик вазияти туғилганини тасаввур этдим. Воқеликнинг икир-чикирлари мен-

га қоронғи бўлса ҳам, лекин оқ кийинган аёл билан леди Глайд ораларидаги ўзаро ўхшашлик асосида қабиҳ ниятлари амалга оширилганига шак-шубҳа йўқ эди. Анна Катерик граф Фоско уйидагиларга леди Глайд сифатида таништирилгани аниқ, леди Глайд эса марҳума қизнинг телбахонадаги ўрнини олгани ҳам аниқ, хуллас фирибгарлик шундай уюштирилганки, бегуноҳ кишилар (доктор билан икки ходим-ку — шак-шубҳасиз, телбахона мудирини эса эҳтимолдан холи эмас) ушбу жиноят иштирокчиларига айлантириб қўйилган.

Иккинчи хулоса эса биринчисининг муқаррар натижаси. Учаламиз ҳам граф Фоско билан сэр Персивал Глайддан меҳр-шафқат кутмасдик. Амалга оширилган қаллоблик туфайли ўша икки гумроҳ нақд ўттиз минг фунтни қўлга киритишган — биттаси йигирма минг, иккинчиси эса хотини туфайли ўн минг. Мана шу ва бошқа манфаатлари ҳимояси, фош қилинмаган ўша жиноятлари жазосидан беҳадик юришлари учун ўз қурбони яширинган жойни аниқлаб, уни ёруғ дунёда қолган дўстлари — Мариан Ҳалкомб билан мендан айириш учун чор атрофни синчиклаб титипитини чиқаришлари муқаррар, ҳатто қотилликдан ҳам тойишмай, ҳар қандай розолатга қўл уришлари мумкин эди.

Мана шу жиддий хавф-хатар таҳликаси — ҳар куни ва ҳар соат бизга тобора яқинлашиб келаётган таҳлика эҳтимоли хуфийроқ бошпана қидиришимга бирдан-бир сабаб бўлган. Ниҳоят, шарқий Лондон чеккароғидан кўнгилдагидек жой топдим. Ўша атрофда ишсиз тентираб, олазарак бўлиб юрганлар қарийб кўринмасди. Бу ерларда асосан йўқсил фуқаролар яшар, ахоли жуда зич эди. Ахир, яқин атрофимизда яшовчилар рўзгор ташвишида қанчалик ўзлари билан ўзлари ўралашиб қолган бўлсалар, ораларига кириб қолган бегоналарга эътибор бериб, уларнинг икир-чикирлари билан қизиқишларига вақтлари ҳам бўлмайди-да. Янги бошпанамизнинг мана шу томонлари айни муддаодагидек бўлиб, унинг биз учун бошқа устунликлари ҳам бор эди. Кундалик меҳнат билан топганимга арзонгаров яшашимиз мумкин, ҳатто, тежалган озми-кўпми жамғармамизни ҳаққоний йўл тутиб, олдимизга қўйган мақсадимизни амалга оширишга — доим кўз ўнгимизда турган қаллоблик илдизини бошдан охиригача фош этишига сарф қилишимиз мумкин эди.

Бир ҳафта ўтгач Мариан Ҳалкомб билан биргаликда янги ҳаётимиз қай тарзда ўтишини режалаштирдик.

Биз турган бинода бошқа ижарачилар яшамасди, шунинг учун

ҳам бу ерга бемалол кириб чиқаверардик, савдо дўкони орқали юришнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Фақат ҳозирча, айниқса шу кунларда, Мариан билан Лаура менсиз остона ҳатлаб ташқарига чиқмаслигини, мен уйда йўқ пайтларимда эса, ҳар қандай баҳона бўлса ҳам, ҳеч кимни уйга киритмасликларини тайинлаб қўйдим. Шундай тартиб-интизом ўрнига қўйилгач, иш олиш учун қадрдон дўстларимдан бири – қўли гул наққош олдига бордим. Унга маълум сабабларга кўра, ўзаро ишларимиз ҳақида ҳеч кимга оғиз очмаслигини тайинладим. У мени қарздор бўлса керак, деган гумон қилиб, одатдаги сиполиги билан афсуслик билдириб, қўлидан келганича ёрдамини аямасликка ваъда берди. Унинг ноўрин гумони ҳақида оғиз очмай, берган ишларини бажаришга кириша қолдим. У иш қобилиятиму уддабуронлигимдан хабардор бўлиб, менга ишонарди. Унинг кўнглидагидек киши эдим – бир сўзлик, қўли гул. Шунга қарамай, топишимнинг унуми йўқ, эҳтиёжимизга учма-уч етарди. Ишимиз шунчалик юришганига ҳам шукр қилиб, Мариан Ҳалкомб билан боримизни ўртага қўйдик. Унинг икки юз-уч юз фунт ўртасида нақд пули бор экан, менда ҳам Англияга жўнаб кетгунимча мусаввирлик билан топган пулларимдан шунчача қолган экан. Иккаламизники қўшилиб, тўрт юз фунтдан ортиқроқ бўлди. Ўша арзимас жамғармамиздан тушадиган наф қисми ҳисобига хуфия маълумотлар йиғиб, бу масалада ёрдам бергудек одам топилмагудек бўлса, тергов ишларини йўлга қўйишим учун, уни банк муомаласига топширдим. Ҳафталик чиқимимизнинг бир фартингигача ҳисоблаб, жамғармамиздан Лаура ва унинг манфаатидан ташқари, мутлақо сарфламадик. Турар жойимизга бегона кимсаларназарига тушмаслиги туфайли, биронта ходима ёллаб қилдириладиган уй-рўзгор ишлари дастлабки кунларданоқ Мариан Ҳалкомб ўз зиммасига олган эди:

– Аёллар қўли нималар қилишга қодир бўлса, эртами-кечми, ҳаммасини мана бу қўлларим ҳам қилаверади, — дея қўлларини олдинга чўзганди у. Ўшанда қўллари титраб турарди. Номигагина эгнига илиб олган ғарибона, одми қўйлаги енгларини шимарганида озиб кетган қўллари бошидан ўтказган кунларининг аламли тарихини эслатиб турарди, лекин бу аёлнинг енгилмас иродаси, ғайрат ва шижоати ҳали сўнмаганди. У менга нигоҳ ташлаганида кўзларида жиққа ёш кўрганман. Ўша ёшлар ёноқларини ювган. Аввалги чаққонлигида бир ҳаракат билан кўз ёшларини артиб қувончли дамларидагидек жилмайиб қўйган.

— Менинг жасоратимдан шубҳаланманг, Валтер, — деган у менга мурожаат этиб, — кўз ёшлари тўкаётган мен эмас, заиф-лигим. Уни мен енга олмасам, уй ишлари енгиши муқаррар!

Ҳақиқатан ҳам, у ўз сўзи устидан чиқди. Кечқурун учрашганимизда у дам олиб ўтираркан, галаба нашидаси завқини сураётгандек кўринарди. Унинг қоп-қора пурмаъно кўзлари бир вақтлардагидек жовдираганича менга боқарди.

— Ҳали ҳафсалам пир бўлиб, шаштимдан қайтганим йўқ, — деганди у. — Зиммамга олган масъулият уддасидан чиқишимга ишонилса бўлгани.

Унинг сўзларига яраша ҳали жавоб қилишимга улгурмасимдан оқ шивирлаб сўзида давом этган:

— Хавф-хатарда ҳам зиммамдаги масъулият уддасидан чиқаман. Эслаб қўйинг, ўша вақтлар келар!

Вақти келиб, ўша сўзларини эсладим.

Октябрь охирларига бориб ҳаётимизнинг кундалик оқими ўз изига тушиб қолган, учаламиз хуфия даргоҳимизда ғойиб бўлганмиз, гўё ўша биз турган бино кимсасиз хувиллаган оролу атрофидаги беҳисоб кўча чорраҳалари билан ўша ерларда қайнаётган минглаб ҳамшаҳар махлуқлар чексиз уммон сувларидек эди. Энди мен андак бўш вақтларимда амалга оширилиши кўзда тутилган иш режаларимни пухта ўйлаб кўришим, сэр Персивал ва граф билан тўқнашув муддати яқинлашаётгани туфайли дастлабки курашдаёқ мағлубиятга учраб қолмаслигим учун қандай қуролланишим кераклигини аниқлаб олишим мумкин эди.

Лаура шахсиятини тиклашда асос бўладиган далил сифатида ўзим билан Марианнинг гувоҳлигидан бутунлай воз кечдик. Мабодо Лаурага бўлган меҳримиз сал бўлса ҳам носамимий бўлганида эди, агар ўша меҳр туфайли қалбимизда тобланган унинг ҳарорати меъеридан ҳам зиёда тафт бериб турмаганида эди, ҳар қанча синчков бўлмайлик, уни биринчи кўришдаёқ биз ҳам иккиланиб қолган бўлардик.

Ўтган кунлар азоб-уқубатларию даҳшатлари унинг қиёфасини шунчалар беаёв, ҳатто, ишониб бўлмас даражада ўзгартириб, Анна Катерик билан унинг орасидаги табиий ўхшашликка яна ҳам сайқал бериб юборганди. Лиммериж Хаусдаги пайтларимда содир бўлган воқеалар ҳақидаги ҳикоямда иккаласини ҳам ўз кўзим билан кўрганимни эслатиб ўтгандим. Бир қарашда улар бир-бирига ўхшаш туюлсалар ҳам, синчиклаб қаралгудек бўлса, баъзи бир арзимас юз ифодаларида фарқланиб турардилар. Ўша вақтлари, агар ёнма-

ён туришганлари кўзга ташланиб қолгудек бўлсалар, эгизакларни кўриб янглишмаганларидек, уларни бир-биридан ажрата олмай қолмасдилар. Энди ўшандай дея олмасдим. Бир вақтлар Лаура Фэрли истиқболини дея ўткинчи хаёллар билан ўзимга ўзим орттирган не-не ташвишу изтироблар унинг ёшлик ва гўзаллик сиймосига соя ташлаб ўтганди: бир вақтлар унга кўзим тушганида мени эсанкиратиб қўйган ўша самовий ҳилқатдаги ўхшашлик (фақат тасаввуримда) энди кўз ўнгимда намоён бўлиб турган росмана ҳақиқат, бир олманинг икки палласига айланиб қолганди. Ҳатто, уни бизнинг кўзимиз билан қарашдан ожиз етти ёт бегоналар, таниш-билиш, дўстлар ҳам, мабодо уни телбахонадан қочган дастлабки кунлари кўриб қолганларида, унинг ўша ўзлари кўрган Лаура Фэрли эканига шубҳаланишар, бунинг учун улардан гина қилишнинг ҳам ҳожати бўлмасди.

Бизнинг ҳаракатларимизда қўл келишига умид тугилган бирдан-бир имконият (уни бурунроқ хаёлимдан ўтказиб қўйган эдим), у ҳам бўлса Лаура Фэрлининг ҳеч бир қаллобнинг хаёлига келмайдиган шахслару воқеалардан иборат хотираларига асосланган имконияти ҳам чипакка чиққанди — ҳаётнинг кейинги бу аччиқ сабоқлари бунни яққол қўйганди. Мариан билан менинг унга губор теккизмай эъозлашимиз, заифликдан паришонхотир бўлиб қолган эс-хушини аста-секин ўзига келтириш учун нимаики қилмайлик, унинг бошдан кечирган азоб-уқубатли савдоларини эслатиб, бу эса унинг саломатлигига путур етказиб қўйиш хавфини тугдирарди.

Ўтган кунлар воқеликларидан уни фақат Лиммерижда кечирган бахтиёр онларимизда содир бўлган шунчаки кундалик икир-чикирларни, хусусан, дастлаб ўша ерга бориб, уни расм чизишга ўргатганларимнигина эслатишга журъат этардим.

Видолашув кунимиз эрталаб унинг ўзи менга ҳадя этган ва ўшандан буён ёнимдан тушмаётган шийпон тасвирини унга кўрсатиб, бахтиёр дамларимизни эслатган куним дилимиздаги умид учқунлари дастлаб барқ урган кунга айланди. Ўша осуда дамлардаги сайру томошаларимиз хотиралари уни аста-секин гафлат уйқусидан уйғотди. Мариан билан менга термилган ҳорғин ва гамгин кўзларида жонланиш пайдо бўлди, унда тафаккур нурлари акс эта бошлади. Биз ҳам ўша куртаклар ривожи пайига тушдик. Мен унга бир қутича бўёқ билан худди ўзининг илгариги (дастлаб учрашган кунимиз эрталаб унинг қўлида кўрганимдек) альбомидек альбом олиб келиб бердим. Яна ўша дамлар, ё парварди-

горим-ей, яна ўша дамлар! Ишларимдан тежалган бўш вақтларим энди унинг ёнгинасида ўта бошлади — Лондондаги кулбагоҳимизнинг нурсизгина чироқларининг ёруғида унинг титраган қўлини тасвир чизиқлари бўйлаб йўналтириш билан овора бўлиб қолдим. Кун сайин унинг расм чизишга майли ортиб, ниҳоят сархуш юрмай, расмлари ҳақида ўйлай оладиган, шу ҳақда гапирадиган ва ўзи ҳам сабр-тоқат билан мустақил чизадиган бўлиб қолди, ҳаётидаги завол топиб ўтмишга айланган мақтовларимдан болаларча қувонишлари, ўз маҳорати ютуқларидан эса яна ҳам шоду хуррам бўлиб кетишлари каби ўтган кунларнинг сўнгги қувончлари ҳам дафъатан юзага чиқа бошлаганди.

Мана шундай оддий муолажа билан унинг хотирасини аста-секин тиклай бошладик. Ҳаво очиқ кунлари уни ёнгинамиздаги кўҳна шаҳар майдонига олиб чиқиб айлантирардик. Бу ерда уни безовта қилиб, хаёлини қочирадиган ҳеч вақо йўқ эди. Банкдаги жамғармадан бир нечагина фунтини унинг учун олинадиган виною, шунингдек, уни қувватга киритадиган зарурий озиқ-овқатга сарфлардик. Кечқурунлари эса уни болалар карта ўйинлари, мени иш билан таъминлаб турган наққошдан вақтинча олиб туриладиган суратли китоблар билан кўнглини ёзардик. Мана шулар ва шу тоифа овуноқ машғулотлар билан унга тасалли бериб, кўнглини кўтарардик. Бутун умидимизни унга бўлган меҳр-муҳаббатимиз кўрига боғлаб, вақти-соати билан енгил тортиб кетиши илинжида эдик. Фақат уни узлатдан озод этиш ёки ўз холига қўйиб қўйиш, бегоналарга, айниқса, унга ачинганидан бўлса ҳам, алам ва изтироб чеккан дамларини эслатиб қўйишлари туфайли (биз бу ҳақда оғиз очмасликка келишиб қўйгандик) етти ёт бегоналардан фарқланмайдиган танишлар билан учрашиб қолишига йўл қўймасликда тошбагир эдик. Бунинг учун тош келса кемириб, сув келса симиришга, ҳар қанча чўзилса ҳам, бардош беришга тайёр эдик. Фақат, чеккан азиятларимиз (ундан пинҳона тутилгани ҳолда) унинг бошига тушган ўша дарддан мусаффо қутулиб, ҳатто кўрмагандай бўлиб кетишига кафорат бўлса бас эди. Бу масала ҳал қилинган, энди навбат нима ҳужжатлар керагу дастлабки хатарли ишни нимадан бошлаш турарди.

Мариан билан маслаҳатлашиб, содир бўлган воқеалар ҳақида иложи борича муфассал далил тўплаб, кейин Кирл жаноблари билан маслаҳатлашиб (у ишончимизни оқлашига ишонардик), аввало, қонун дастурларига таяна оламизми, йўқми суришти-

риб олмоқчи бўлдим. Лауранинг бутун келажагини ўз саъйи ҳаракатимгагина боғлаб, бор имкониятни суиистеъмол қилиб қўймаслик учун, ўша ишончли манбаъ асосида ўз кучимизни мустаҳкамлаб олиш ниятида, фақат унинг манфаатини кўзлаб шу қарорга келдим. Мен учун дастлабки манбаъ Мариан Ҳалкомб Блэквоутер Паркда ёзиб борган кундалик дафтари бўлди. Кундаликда менга тегишли сатрлар ҳам бор экан, у мени ўшалардан огоҳ бўлиб қолмаслигимни лозим топган. Шунинг учун ҳам қўлёзманни менга ўзи ўқиб берди, мен эсам, ўзимча зарур топилган воқеаларни ёзиб олдим. Бу машғулотивимизни фақат тун алламаҳал бўлиб қолган пайтлардагина амалга ошира олардик. Бунга уч кеча вақтимиз кетди. Мариан оғзидан эшитганларим мени анча нарсадан огоҳлантирди.

Менинг бундан кейинги саъй ҳаракатим, иложи борича шубҳа туғдирмай, бошқа кишиларнинг кўрган-билганларини йиғишдан иборат бўлди. Миссис Вэзи олдига бордим. Лауранинг ўша ерда тунагани ҳақидаги тасавури тўғри-нотўғрилигига ишонч ҳосил қилишим керак эди. Миссис Вэзи билан учрашарканман, унинг ёши ва оққўнгиллигини назарда тутиб, қолаверса, эҳтиёткорлик томонларини ҳам ўйлаб, ҳақиқий мақсадимизни сир тутганимча, Лаура ҳақида оғиз очарканман, ҳар вақт эҳтиётлик билан уни «марҳум Лаура Глайд» деб тилга олдим.

Миссис Вэзининг саволларимга берган жавоблари илгариги шубҳаларим бежиз эмаслигини шундоққина тасдиқлади. Лаура, ҳақиқатан ҳам, ўз мактубида — кечани мўътабар энагаси кучоғида ўтказганини ёзган, лекин аслида унинг кулбасига умуман яқин ҳам йўламаган экан.

Унинг бу борадаги тушунчаси, фақат бугина эмас, ҳатто, мен таҳликага борганимдек, бошқа ҳоллардагиси ҳам ҳақиқатдан йироқ бўлиб, ундоқ қиламан, мундоқ қиламан, деб дилига тугиб қўйган ниятлари унинг назарида амалга ошгандек туюларкан. Унинг ҳаёлидаги бундай карахтлиқ зиддиятларини тушуниш қийин эмасди, лекин бунинг оқибати яхшиликка олиб бормаслиги ҳам эҳтимолдан холи эмасди. Бу ҳали иш бошламасимизданоқ йўқнинг емирилишидек гап, ишимизнинг бутунлай чаппасига кетишидан далолат берувчи башоратдек эди.

Кейин Лаура Блэквоутер Паркдан миссис Вэзига йўллаган мактубини сўрасам, уни менга конвертсиз беришди, конверти аллақачоноқ ахлатга ташлаб юборилган экан. Мактубнинг ўзида эса ойнанинг нечанчи қунилиги қайд этилмаган, ҳатто ҳафта-

нинг қайси кунилиги ҳам йўқ. Мактуб қуйидаги сатрлардан иборат эди:

«Жонгинам миссис Вэзи, ғам ва ташвиш ўтидаман, эртага кечкурун сизникига бориб, ётиб қолиш ниятим бор. Мактубимда нималар содир бўлгани ҳақида оғиз оча олмайман. Мактубни ҳам, ҳозир мени топиб олишармикин, деган таҳликада ёзмоқдаман, хаёлим сочилиб турибди, фикр юритгудек холим йўқ. Дийдор кўришишимизни насиб этсин, дуода бўлинг. Юзларингиздан ўпиб, ҳаммасини айтиб бераман. Сизнинг меҳрирон Лаурангиз».

Шу сатрлардан нима ҳам умид қилиб бўлади? Ҳеч нарса.

Миссис Вэзаникидан қайтгач, Мариандан миссис Михелсонга (ҳар эҳтиёт шартларига риоя қилингани ҳолда) хат ёзишини илтимос қилдим. У, маслаҳатимга кўнгудек бўлса, граф Фоско шахсияти поклигидан андак шубҳаланиб қолганини изҳор этиб, ҳақиқат қарор топиши учун ўша рўзгорбошидан бўлиб ўтган воқеъликлар ҳақида аниқ маълумот беришини илтимос қилиши керак эди. Ундан жавоб келгунигача (уни бир ҳафтадан кейин олдик) мен Сент Жонз Вуддаги доктор Гудрик олдига бориб, ўзимни миссис Ҳалкомб номидан келганимни маълум қилиб, Кирл жаноблари вақт ажратиб маълумот йиққунча, иложи бўлса, ўзимоқ соҳибам синглисининг сўнгги бетоблигидан батафсил маълумот олмоқчилигимни изҳор этдим. Гудрик жанобларининг ёрдамида леди Глайднинг ўлими ҳақидаги гувоҳномадан бир нусха чиқариб олишга ва жасадни дафн маросимига тайёрлаш учун ёлланган аёл (Жейн Гоулд) билан гаплашишга муваффақ бўлдим. Ўша аёл орқали Ҳестер Пинхорн исмли хизматкор аёл билан ҳам алоқа боғлашга муваффақ бўлдим. У ўз соҳибаси билан чиқишолмай, ўшандан салгина вақт илгарироқ кетиб қолган бўлиб, ўша атрофдаги хонадонлардан бирида (уларни миссис Гоулд таниркан) истиқомат қиларкан. Рўзгорбоши, доктор, Жейн Гоулд ва Ҳестер Пинхорнлардан эшитганларим оқизмай-томизмай кейинги саҳифаларда эътиборингизга ҳақола қилинади.

Мана шу ҳужжатларда асос бўлгудек қўшимча далил ва исботлар билан қурооллангач, Кирл жаноблари билан маслаҳатлашишга кўрбим етгудек тайёрман, деган қарорга келдим ва Мария ҳам шунга биноан хусусий масалада унга мурожаат қилишимни тавсия этиб хат ёзди, қайси кун ва қайси соат унга учрашишимни ҳам уқдириб қўйди.

Ўша кун эрталаб Лаурани одатдагидек айлантириб келишга ва уни расм ишлари билан астойдил овора қилиб қўйишга вақ-

тим етарли эди. Шундай бўлса ҳам, ташқарига отланиб ўрнимдан туришим билан у бошини кўтариб таажжубланган бир қиёфада менга қараб, негадир, бармоқлари бир вақтлардагидек стол устидаги мўйқаламу ручкаларни бежороқ ўйната бошлади.

— Жонингизга тегмадимми? — деб қолди у кутилмаганда. — Жонингизга текканимдан чиқиб кетмаяпсизми? Чиройлироқ қилиб чизишга ҳаракат қиламан. Соғайиб кетишга ҳаракат қиламан. Валтер, ҳали ҳам ўша бир вақтлардагидек, кўнглингиз мендами? Ҳозир озиб-тўзиб, рангимда ранг қолмаган, расм чизиш иқтидорим ҳам анча суст-а?

У болаларча гапирар, ўз фикрларини ҳам болаларча ифодаларди. Мен бир неча дақиқа туриб қолдим, ҳозир у мен учун ўша бир вақтлардагидан ҳам азизроқлигини айтиш учун туриб қолдим.

— Соғайиб кетишга ҳаракат қилинг, — дедим унинг фикрида уйғонган ўша истиқбол умиди руҳини яна ҳам кўтариб. — Марианнинг бахтига, менинг бахтимга, соғайиб кетишга ҳаракат қилинг.

— Шундай қилайин, — деди у ўзича яна расм чизишга берилиб, уларнинг иккаласи ҳам менга меҳрибонлиги учуноқ ҳаракат қилайин.

У яна бошини шартта кўтарди.

— Узоқ қолиб кетманг! Ёнимда кўмаклашиб турмасангиз, Валтер, ишим ҳам унмайди.

— Тезда қайтаман, азизим, муваффақиятларингизни кўриш учуноқ тез қайтаман.

Овозим гўлдираб кетганини ўзим ҳам сезмай қолибман. Хонадан зўрға чиқиб кетдим. Эҳтиросга берилиш вақти эмасди, шу кун заволигача ақлу-ҳушимни пешлаб туришим керак эди.

Эшикни ёпиб, Марианга, зинага чиқинг, дегандек, имо қилдим. Кўчаларда бемалол юришим бир кун эмас, бир кун қандай интиҳо топишига олиб келиши мумкинлигини, пухталаб қўйишим зарур эди.

— Нима бўлмасин, бир неча соатдан кейин қайтаман, — дедим. — Чиқиб кетган пайтларимда, одатдагидек, ичкарига ҳеч кимни киритмаслик пайида бўлинг. Мабодо бирон воқеа содир бўлиб қолгудек бўлса...

— Нима бўлиши мумкин? — шартта гапимни бўлди у: — Менга очигини айтаверинг, Валтер, бирор хатар борми, бўлиб қолса, нима қилайин?

— Бирдан-бир хавф шундан иборатки, — жавоб бердим унга. — Лауранинг қочиб кетганини эшитиб, сэр Персивал Глайд Лон-

донга қайтган бўлиши мумкин. Англиядан жўнаб кетгунимгача у мени таъқиб қилганидан, мен уни танимасам ҳам, лекин у мени таниши эҳтимолдан холи эмаслигидан хабардорсиз-а?

У қўлини елкамга қўйиб, кўзларимга маънодор термилди. Бошимизда каттагина хатар борлигини тушунганини сездим.

— Лондонда тезда сэр Персивалнингми ёки у ёллаган кишиларнингми назарига тушиб қолмасам керак, — дедим. — Лекин, бўлиб қолишини ҳам эҳтимолдан холи тутиб бўлмайди. Ўшандаям, бордию шу кеча қайтиб кела олмагудек бўлсам, таҳликага тушмай, йўқлигимни билдирмай, Лауранинг кўнглини кўтариш пайида бўлинг, келишдикми? Изимга тушишганини қитгай сезгудек бўлсам, шундай йўл тутаманки, биронта айғоқчи менга дум бўлиб, бу хонадон яқинига йўлай олмайди. Ҳар қанча кечикмайин, Мариан, кўнглингизни тўқ тутаверинг, албатта, қайтиб келаман.

— Кўнглим тўқ! — жавоб қилди у қатъи. — Бирдан-бир кўмакдошингиз аёл киши бўлиб қолганидан, Валтер, мутлақо афсусланмайсиз. — У андак сукутга чўмганидан, менинг ҳам туриб қолишимга тўғри келди.

— Эҳтиёт бўлинг! — деди у кўлимни эҳтирос билан сиқиб. — Эҳтиёт бўлинг!

Унинг олдидан чиқиб, адолат излаганимча адвокат остонасидан бошланадиган ноаниқ ва мавҳум йўлга тушдим.

IV

Гилмор ва Кирл жаноблари маҳкамаларига етиб боргунимча Чансери Лейнда тилга олгудек бирон-бир вазият содир бўлмади.

Ташрифномамни Кирл жанобларига киритиб юборгач, хаёлимга бир фикр келиб қолди, ўша ҳақда бурунроқ ўйлаб кўрмаганимга анча пушаймон едим. Марианнинг кундалик дафтаридан олинган маълумотларга кўра граф Фоско унинг Блэквоутер Паркдан Кирл жанобларига йўллаган биринчи мактубини очиб кўрган, кейинча, хотини кўмагида иккинчисини ҳам қўлга туширгани маълум эди. Демак, у ўша маҳкама қаердалигини яхши билар, Лаура телбахонадан қочгач, Мариан, албатта, маслаҳат ёки кўмак илинжида яна ўша Кирл жаноблари кўмагига муҳтож бўлади, деб хулоса чиқариши турган гап эди. Бу ҳолда Чансерн Лейндаги маҳкама Фоско билан сэр Персивал айғоқчи қўядиган дастлабки манзил бўлар, мабодо бу мақсадни амалга ошириш ишлари яна

ўша Англиядан жўнаб кетишим олдида орқамдан қўйилган айғоқчилар зиммасига топширилган бўлса. бу ерга қадам қўйишим ўша куниеқ маълум бўлиб қолиши эҳтимолдан нари эмасди. Қисқаси, мени ўша кўчалардаёқ таниб қолишлари эҳтмолдан холи эмаслиги миямга урди, шу дамгача бу маҳкамага боғлиқ шунчалар хавф эҳтимолини хаёлимга ҳам келтирмаган эканман. Энди бундай машғум кўргилик олдини олишга кеч бўлган, ўша адвокат билан илгарироқ келишилган холи жой ҳақида ўйлаш фурсати ўтганди. Энди фақат Чансерн Лайндан жўнаб кетишда эҳтиёт бўлишим, вазиятдан қатъи назар, уйга тўппа-тўғри йўл олмаслигим керак эди.

Кўп ўтмаёқ Кирл жаноблари хузурига кирдим. У озгин, юзи заҳирроқ, ҳар қандай вазиятда ўзини тута оладиган сипо киши бўлиб, кўзлари жуда зийрак, овози ҳам мулойим, хатти-ҳаракатлари ҳам шунга яраша ўзига муносиб экан. Мен ўйлаганимдек, бировнинг дардига дарров малҳам бўладиганлардан бўлмаса ҳам, ўз касби-кори анъаналарига беписанд қаровчилардан ҳам эмас экан. Менинг мақсадларимни рўёбга чиқариш учун ундан уddaбуронроқ кишини топиш амри маҳол эди. Мабодо у масалани ҳал этишга киришиб, унинг ижобий натижасига кўзи етгудек бўлса, шу дақиқадан эътиборан ишимиз юзасидан қилган саъй-ҳаракатларимизнинг ижобий самараси ҳам аниқ эди.

— Мени шу ерларга олиб келган масала ҳақида оғиз очишдан олдин, жаноби Кирл, — сўз бошладим, — ўзларини андак огоҳлантириб қўймоқчиман, у ҳақдаги қисқача маълумотимнинг ўзиёқ анча вақтингизни олиб қўйиши мумкин.

— Менинг вақтим мисс Ҳалкомб ихтиёрларида, — жавоб берди у. — Ўшаларнинг манфаатига алоқадор нимаики иш бўлмасин, ихтисосим бўйича шахсан ҳамкорим Гилмор жаноблари ваколатдори сифатида ижро этишга тайёрман. Уларнинг ўзлари бу ишларда фаол қатнаша олмай қолган пайтларида ўша масъулиятларни менга топшириб, хизматимни аямаслигимни илтимос қилганлар.

— Гилмор жанобларининг ўзлари Англиядамикин, билсам бўладими?

— Йўқ, улар Олмониядаги қариндошлариникида, уларнинг саломатлиги анча яхшилаб қолган бўлса ҳам, лекин қачон қайтишлари ҳамон номаълум.

Мана шундай кириш сўзлар билан энди гап бошлаётганимизда у олдидаги қоғозларни титкилаб, улар ичидан бир муҳрланган

хат олди. Хатни менга берса керак, деб ўйлагандим, лекин бу фикридан қайтди шекилли, уни стол устига алоҳида қўйиб қўйди, креслосига жойлашиброқ ўтириб олди-да, энди гапларимни эшитишга тайёрдек сукут қилди.

Муқаддима сўзлар билан вақтни бой бериб ўтирмай, ушбу саҳифаларда ҳикоя қилинган воқеаларни бутун тафсилоти билан унинг эътиборига ҳавола қилдим. У қанчалик сипо ва пихини ёрган ҳуқуқшунос бўлмасин, унинг ихтисосий виқорини ҳам чип-пакка чиқариб юбордим. Воқеъликни ниҳоясига етказгунимча гумону таажжуб ҳиссиётларидан ўзини тутолмай, бир неча бор гапимни бўлиб турди. Мен ҳам бўш келмай, воқелик тафсилотини ниҳоясига етказдим-да, умумий хулоса юзасидан унга дадил савол ташладим:

– Сиз нима фикрга келдингиз, жаноби Кирл?

У аввал ўйлаб, маълум бир фикрга келиб олмагунича жавоб беришга шошилмас, жуда эҳтиёткор эди.

– Фикримни айтишдан олдин – деди у. – бир неча саволлар билан асосий нуқталарни аниқлаб олишимга ижозат берсангиз.

Унинг саволлари кескин, шубҳа ва ишончсизлик билан суғорилган бўлиб, у мени хомхаёл қурбони, деб ўйлаётгани саволларидан шундоққина кўриниб турар, мабодо мисс Ҳалкомбнинг тавсияномаси бўлмса, мени учига чиққан қаллоб найранги билан жиноятга қўл урувчига чиқариб қўйиш хаёлига бориши ҳам мумкин эди.

– Сизга айтганларимнинг айна ҳақиқат эканлигишга ишонч ҳосил қилдингизми, жаноби Кирл? – У мени имтиҳон қилиб бўлгач савол бердим.

– Сизнинг ўз инонч-иқдорингизни назарда тутгудек бўлсам, айтганларингиз айна ҳақиқат, бунга ишонаман. – жавоб берди у. – Мисс Ҳалкомбни бениҳоя ҳурмат қиламан, шунинг учун ҳам улар шу каби масъулиятли топшириқ ваколатини бериб қўйган бир жентлменни ҳам эъозлайман. Яна очикроқ айтгудек бўлсам, истасангиз, баҳслашиб ўтирмай, ҳурмат юзасидан шуни ҳам тан олишим мумкинки, леди Глайднинг бошқа бир ҳаёт аёл билан мутаносиблиги мисс Ҳалкомб билан сиз учунгина айна ҳақиқатдир. Лекин сиз менинг олдимга қонун талаблари нималарни тақозо этишини билгани келгансиз. Қонуншунос сифатида, фақат қонуншунос сифатида сизга шуни айтиб ўтишим шартки, жаноби Ҳартрайт, даъвоингизни исботловчи ва далилловчи ҳеч вақоингиз йўқ.

– Мураккаблаштириб юбордингиз-ку, жаноби Кирл.

– Буни соддароқ қилиб тушунтиришим ҳам мумкин. Леди Глайднинг ўлимига гувоҳлик шаҳодати, очикдан-очик кўриниб турибди, аниқ ва етарли. Унинг граф Фоско уйига келгани, бетоб бўлиб қолгани ва оламдан ўтганига ўз аммаси гувоҳлик бериб турибди. Ўша ўлим ҳолати табиий бир вазиятда содир бўлганини тасдиқловчи тиббий хулосадан иборат гувоҳлик шаҳодатномаси ҳам бор. Лиммерижда ўтказилган дафн маросими воқеълиги, қабр тошига ёзилган лавҳа – далили. Ўз даъвоингиз билан мана шуларни инкор этмоқчисиз. Оламдан ўтиб, дафн этилган аёлнинг леди Глайд эмаслиги ҳақидаги даъвоингизни асослагудек нима далилларингиз бор? Келинг, баёнотингизнинг асосий нуқталарига эътибор бериб, уларнинг нима қиммати борлигини қараб чиқайлик. Мисс Ҳалкомб маълум бир хусусий телбахонага бориб, у ерда маълум бир аёл беморни кўради. Ташқи қиёфаси куйиб кўйгандек леди Глайдни эслатадиган Анна Катерик исмли аёл телбахонадан қочиб кетгани маълум; сўнги июль ойида ўша ерга қабул қилинган кимсанинг бу ерга қайта олиб келинган Анна Катерик сифатида қайд этилгани маълум; уни телбахонага қайта олиб келган жентельмен ўша аёлнинг ақлдан озганлиги туфайли Фэрли жанобларини унинг ҳаётдан кўз юмган жияни эканлигига даъво қилаётганидан огоҳлантиргани маълум; телбахонада (ҳеч ким унга ишонмаса ҳам) у ўзининг леди Глайд эканлигини қайта ва қайта таъкидлагани ҳам маълум. Буларнинг ҳаммаси – содир бўлган воқеълик. Буларга раддия билдиргудек нима асосларингиз бор? Ўша аёлни мисс Ҳалкомбнинг танигани содир бўлган воқеалардан кейин зиддиятга учраб, инobatга ўтмайди. Мисс Ҳалкомб ўша сингиси, деб гумон қилинган аёлнинг айнан ўхшашлиги ҳақида телбахона соҳибига бир оғиз ишонч билдириб, ўша ердан қонуний йўллар билан олиб чиқиб кетдими? Йўқ, у энага билан хуфия тил бириктириб, уни қочиришга муваффақ бўлган. Бемор мана шундай шубҳали усул билан озод этилиб, Фэрли жаноблари хузурига олиб келинганида у уни танидими? Бирор лаҳза бўлса ҳам ўз жиянини ўлимига шубҳа қилдими? Йўқ. Уни хизматкорлар танидими? Йўқ. У ўзини танитиши ва яна бошқа йўллар билан синаб кўрилиши учун ўша атрофда қолдирилдими? Йўқ, у яширинча Лондонга олиб кетилган. Ўша вақт ичи сиз ҳам уни таниб қолибсиз, лекин сиз унга қариндош эмассиз – ўша оиланинг, ҳатто, қадрдон дўстларидан ҳам эмассиз. Хизматкорлар сизга эътироз билдиришади, Фэрли жаноблари эса мисс Ҳал-

комбга эътироз билдиради, леди Глайд, деб гумон қилинаётган аёл эса ўзига ўзи қарши гапирди. У Лондондалигида бир кечани маълум бир уйда ўтказганини эътироф этади. Сизларнинг шахсан гувоҳлигингиз бўйича эса у ўша уйга яқин ҳам бормаган, яъни унинг ақли-ҳуши ўзида эмаслиги туфайли уни у ёқ-бу ёққа экспертизага олиб бориб, ўзини ҳимоя қилдириш имкони йўқлигига ҳам иқрорсизлар. Вақтни чўзмаслик учун иккала томон учун ҳам унча аҳамияти бўлмаган майда-чуйда далилларни қайд этиб ўтирмай, сиздан шу нарсани сўраб қўя қолайин, мабодо бу масала адлия маҳкамасига тушиб, содир бўлган воқелик асосларига таянувчи суд ҳайъати эътиборига ҳавола этилгудек бўлса, сизнинг далил ва исботингиз қани?

Мен миқ этолмай қолгандим. Унга жавоб бера олишим учун сал ўзимга келиб олишим керак эди. Лаура тарихи билан Мариан тарихи биринчи маротаба бегона бир киши нуқтаи назаридан кўз ўнгимда намоён бўлиши йўлимизда кўндаланг бўлган дастлабки шафқатсиз говларнинг ҳаққоний моҳиятларига кўра рўйи-рост кўриниши эди.

— Ҳеч қандай шубҳага ўрин йўқ, — дедим. — сиз таъкидлаб ўтган фактлар бизга қарши тўғаноқ бўлади, лекин...

— Лекин ўша фактларга хотима берилиб, рад этилиши ҳам мумкин, деб ўйлайсиз, — гапни бўлди Кирл жаноблари. — Бу борадаги тажрибаларим натижасини эътиборингизга ҳавола қилишга ижозат берсангиз. Инглиз суд ҳайъати яққол кўриниб турган юзаки факт билан ўша юзаки факт замиридаги узундан-узун изоҳдан бирини танлаши зарур бўлиб қолгудек бўлса, одатда, изоҳдан кўра фактни афзал билади. Масалан, леди Глайд (сиз шу ном билан аташни маъқул кўрганингиз учун, баҳслашиб ўтирмай, мен ҳам леди деб қўя қоламан) маълум уйда тунаганини даъво қилади, лекин унинг ўша уйда ётмагани исботланади. Сиз бундай ҳолатни унинг ақли-ҳушига боғлаб, ундан метафизик хулоса чиқарасиз. Мен бундай хулоса чиқариш нотўғри, демоқчи эмасман, фақат суд ҳайъати сиз рўкач қила олишингиз мумкин бўлган ҳар қандай раддиядан кўра леди Глайднинг ўз манфаатига зид кўрсатмаси фактини афзал кўришини айтмоқчиман холос.

— Лекин бундай бўлиши мумкин эмас, — мен ҳам бўш келмадим. — қўшимча далиллар келтирилиши талаб этилиб, сабр қилинмайдими? Мисс Ҳалкомб билан менинг бир нечаюз фунтгина жамгармамиз бор...

У менга ачингандай бўлиб қараб қўйди-да, бош чайқади.

— Бу масалани, жаноби Ҳартрайт, яна бир бор ўйлаб кўринг, — деди у. Сэр Персивал билан граф Фоскога нисбатан ҳақ бўлсангиз (бу фикрингизга қўшила олмайман, билиб қўйинг), ҳар бир далил-исботингиз йўлига ҳаёлингизга келмаган қийинчиликлар кўндаланг қилиниши мумкин. Турлича монельлик мусибатлари юзага келтирилиши турган гап, бу масаланинг ҳар бир нуқтаси узлуксиз эътиборга дучор қилиниб, ўша бир неча юзимиз ўрнига бир неча юз минг сарфлаб қўйганимизда ҳам, охир-оқибат, бунга кўзим етиб турибди, уларнинг қўли баланд келадиганга ўхшайди. Шахсиятга нисбатан туғилган шубҳани бартараф этишнинг ўзи, биз мулоҳаза юритаётган ҳолдагидек чалкашиб кетмаганида ҳам, ўта оғир масала. Шундай экан, қўлимиздаги ақл бовар қилмайдиган муаммони қиттай бўлса ҳам, юзага чиқариш илинжига умид боғлай олмайман. Мабодо Лиммериж қабристонида дафн этилган шахс, сизнинг далолат беришингизча, аслида унинг ҳаёт мутаносиби леди Глайд бўлмаган тақдирда ҳам, бунинг исботи учун тегишли ҳукмдорлар ижозати билан жасадни лаҳаддан чиқариб, уни ашёвий далил сифатида кўндаланг қилиб қўйганимизда ҳам, қўлимиздан ҳеч нарса келмайди. Қисқаси, бирон бир асос йўқ, жаноби Ҳартрайт, ҳақиқатан ҳам, бирон-бир асос йўқ.

Менинг назаримда эса асос бордек туюлиб, ўша илинж менга мадад берарди. Шунинг учун ҳам унга яна бир бор мурожаат этиб:

— Наҳотки, уларнинг қиёфасидаги ўхшашликдан бошқа ўртага ташлагудек далиллар бўлмаса? — дедим.

— Ҳозирги мавқеингизда кўринмаяпти, — деди у. — Оддий бўлса ҳам, далиллар далили бўла олгудек бир асосни, у ҳам бўлса, аниқ фурсатлар муқоясасига асосланган далил кўрсатиш, менимча, қўлингиздан келмайди. Мабодо сиз докторнинг ёзма гувоҳномасидаги муддат билан леди Глайднинг Лондонга жўнаб кетиш муддати орасида тафовут борлигини исботловчи далил кўрсата олганингизда эди, бу иш бутунлай бошқача тус олиб, мен ўзимоқ ташаббусни қўлдан бермайлик, деган бўлардим.

— Ўша муддат аниқланиши мумкин, жаноби Кирл.

— Уни аниқлаган кунингиз, жаноби Ҳартрайт, ютуқ сизники бўлади. Мабодо бу масалада ҳозир бирон бир режангиз бўлса, менга айтинг. Ўйлаб кўрамыз, эҳтимол ёрдамим тегиб қолар.

Мен чамалаб кўрдим. Рўзгорбоши бизга кўмаклаша олмасди. Шунингдек, Лаура билан Мариан ҳам кўмаклаша олмасдилар. Лауранинг Блэквоутер Паркдан жўнаб кетган вақтини фақат сэр Персивалу граф билишлари мумкин эди.

— Ҳозир ўша муддатни аниқлаш чоралари ҳаёлимга келмай турибди, — дедим. — чунки уни аниқ биладиганлардан граф Фоско билан сэр Персивал Глайддан бошқа бирон бир кимсани эслай олмаяпман.

Кирл жанобларининг хотиржам ва синчков чехрасида биринчи дафъа табассум кўринди.

— Ўша икки жентлмен ахлоқини била-кўра, — деди у. — менинг фикримча, нажот истаб ўша томонларга қадам ранжида қилмассиз? Улар қаллоблик йўли билан каттагина маблағни ўмариш учун тил бириктириб олишганг бўлсалар, ҳар ҳолда, ўзларини ўзлари фош қилиб тан олиш ниятида бўлмасалар керак.

— Тан олишга мажбур қилинишлари мумкин, жаноби Кирл.

— Ким тан олдиради?

— Мен ўзим.

Иккаламиз ҳам ўрнимиздан турдик. У менга синчковлик билан маънодор қараб олди. Уни бир оз доводиратиб кўйганимни сездим.

— Сиз жуда таваккалчи экансиз, — деди у. — Шундай иш тутишингинг, албатта, маълум сабаби ҳам бўлса керак. Уни суриштиришга эса менинг ҳаддим сигмайди. Фақат, очигини айтиб кўя қолайин, мабодо ишларингиз юришб кетгудек бўлса, қўлимдан келганича хизматингизга тайёрман. Маблағ масаласи, одатда, қонун ришталари билан чамбарчас боғланиб кетганлигини назарда тутиб, айти вақтда сизни яна бир нарсадан огоҳлантириб кўйишим керак. — Мабодо, леди Глайднинг ҳаёт эканлигини тазйиқ билан тан олдириганингизда ҳам, унинг маблағини ундириб беришингизга унчалик умидим йўқ. Тергов ишлари ҳали бошланмасиданоқ ўша ажнабийингиз, эҳтимол, мамлакатдан жуфтагини ростлаб қолар, сэр Персивалнинг эса қарзлари бошидан ошиб-тошиб кетганидан кўлига ҳар қанча маблағ тушмасин, ўша судхўрларига берворишига кўзи тўрт бўлиб турибди. Сиз ҳам, албатта, булардан хабардор бўлсангиз...

Шу нуқтада унинг гапини бўлдим.

— Келинг, леди Глайд масалаларини муҳокама қилмай кўя қолайлик, — дедим. — Илгари бу борада ҳеч нарсадан хабарим йўқ эди, ҳозир ҳам, унинг омади завол топганини ҳисобга олманганда, бирон нарса деёлмайман. Бу гавғоларга бош уришимдан менинг шахсий манфаатларим бордир, деган хулосангизда ҳақсиз. Ўша манфаатлар ҳар вақт айти шу дақиқадагидек беғараз бўлсин...

У гапимни бўлиб, ялтоқланишга уринди. Менга ишончсизлик билан қараб ҳамиятимга тегди шекилли, бир оз қизишиб

кетганимдан, унга мулозимат қилиб ўтирмаёқ гапимни давом эттирдим.

— Пул илинжи ҳақида гапга ўрин йўқ, — дедим. — Леди Глайд учун жон қуйдиришимда шахсий манфаатдорлик ҳам йўқ. У киндик қони тўкилган ўз уйидан бегоналардек улоқтириб ташланди. Унинг ўлимини ифдаловчи сохта лавҳани эса онасининг қабр тошига муҳрлашди. Мана шундай разилликка қўл урган икки шахс эса жазо нималигини билмай, ялло қилиб юришибди. Ўша уй дарвозаси қайта очилиб, сохта дафн маросимида қатнашган ҳар бир азадор гувоҳлигида леди Глайд ўз уйига қайтиши керак. Қабр тошига битилган қаллоблик лавҳаси ҳам соҳибихона иқдорлиги билан эл олдида ошкора даф этилади. Адолат минбарида ўтирганлар ўша икки кишини жазолашга ожизлик қилиб турган бўлсалар ҳам, улар ўз жиноятлари учун менга жавоб беришади. Мен ҳаётимни мана шу мақсад учун тикканман, насиб этса, уни бир ўзим рўёбга чиқараман.

У яна қайта столига ясланди, лекин миқ этмади. Унинг нима хаёлда экани юзидан шундоққина кўриниб турар — мени асос ва далилларни унутиб, хом хаёл оғушида қолган, деб ўйлар, шунга кўра, менга яна бирон-бир маслаҳат бериш мутлақо ўринсиз, деган қарорга келганди.

— Иккаламиз ҳам ўз фикримизда қоламиз, жаноби Кирл, — дедим. — Бўлажак воқеалар қайси биримизга ён босиб, орани очиқ қилгунигача сабр қилишимиз керак. Шундай бўлса ҳам, сафсаталаримни сукут билан тинглаб, мени беҳад қарздор қилиб қўйдингиз. Сиз мени адлия дастурлари мушқулимиз чигалини ечишга мутлақо ожизлигидан воқиф этдингиз. Биз қонуний далилу исбот кўрсата олмаймиз, адонатпешалик ҳаражатларини эса ҳамёнимиз кўтармайди. Шуларни билганимиз ҳам катта гап.

Мен таъзим бажо қилиб, эшик томон юрдим. У мени олдига қақриб, суҳбатимиз бошланишида ўзи стол устига алоҳида ташлаб қўйган мактубни берди.

— Бу мактуб уч-тўрт кун илгари келган эди, — деди у. — Уни эгасига етказарсиз, деган умиддамиз-а? Яна бир илтимосимиз, мисс Ҳалкомбга айтиб қўйинг, уларга маслаҳат беришдан бошқа дурустроқ кўмаклаша олмаганимдан кўнглим хижил бўлиб қолди. Афсус, маслаҳатимдан сизга ўхшаб улар ҳам қувониб кетмасалар керак.

Гапираётганида мактубга назар ташладим. Конверт юзига «Миссис Ҳалкомбга. Гилмор ва Кирл жаноблари воситалигида. Чансерри Лейн» деб ёзиб қўйилган. Дастхат менга мутлақо нотаниш эди.

Бу ердан чиқиб кетиш олдидан сўнгги саволимни ўртага ташладим.

– Хабарингиз йўқми, — дедим. — Сэр Персивал Глайд ҳали ҳам Париждамикин?

– Лондонга қайтиб келганлар, — жавоб берди Кирл жаноблари. — Кечагина унинг вакилини учратгандим, нима бўлганда ҳам, ундан эшитганим шу.

Шундан кейин ташқарига йўл олдим.

Маҳкамадан чиқиб кетарканман, таъқиб этилиш эҳтиёткорлигини кўриб, бир дафъа бўлса ҳам тўхтаб, атрофга аланглаш билан эътиборни ўзимга жалб қилиб қўймаслик пайида бўлдим. Ҳолборн шимолидаги улкан майдонларнинг одамлардан холироқ энг ҳувиллаган томонига йўл олдим. Сўқмоқнинг анча қисмини босиб ўтгач, бирдан тўхтаб, орқамга қарадим.

Майдон муюлишидаги икки кишига кўзим тушди. Улар ҳам тўхтаб, ўзаро гаплашганича туриб қолишди. Андак хаёлотга бордим, уларнинг олдидан ўтиш учун орқамга қайтдим. Уларга яқинлашганимда биттаси ўзини четга олганича муюлиш ортида, майдондан чиқиладиган катта кўча тарафда ғойиб бўлди. Иккинчиси жойидан жилмай тураверди. Унинг ёнидан ўтаётиб унга назар ташладиму ўша заҳотиёқ танидим — Англиядан жўнаб кутишим олдидан мени таъқиб этганлардан бири эди.

Ўз ихтиёрим ўзимда бўлганидаю, у билан гаплашиб қўйган бўларди-ма, эҳтимол, сулайтириб ҳам кетардим. Лекин бунинг оқибатини ўйлашим керак эди. Мабодо ёмон отликқа чиқиб қолгудек бўлсам, бу сэр Персивалга қўл келган бўларди. Маккорликка маккорлик билан жавоб беришдан бошқа иложим йўқ эди. Мен унинг шериги ғойиб бўлган кўчага бурилиб (у уй йўлакларидан бирида кутиб турган экан), ёнидан ўтдим. У менга нотаниш эди. Унинг қиёфасини билиб қўйганим келажак балоқазоларидан асқотиб қолар, деб анча енгил тортдим. Бу ишлар маромига етгач, яна шимол томон йўл олдим. Ниҳоят, Нью Родга етиб бориб, ғарбга бурилдим (ҳалиги кишилар ҳам орқамдан таъқиб қилиб келишарди), тахминан каб бекатига етар-етмас тўхтаб, биронта бўш кэб¹ ўтиб қолиши умидида кутиб турдим. Кўп ўтмаёқ, ўша ният қилганимдек каб ўтиб қолди. Унга сақраб чиқдим-да, жиловдорга отларни Ҳайд Парк томон елди-

¹ кэб — икки ғилдиракли, жиловдор ёнида яна бир ўринли транспорт воситаси

ришини айтдим. Изимдан тушган айғоқчилар учун эса иккинчи кэб қораси кўринмасди. Улар мени кўздан қочирмаслик учун йўлнинг нариги четида орқамдан апил-тапил зингиллашиб, бекатга етгунларича бирон-бир кэб ёки бошқаси умидида эдилар. Лекин биз уларни анча ортда қолдириб кетгандик. Кэбни тўхта-тиб, ундан тушганимда таъқибчиларнинг нишонаси ҳам кўрин-масди. Ҳайд Паркни кесиб ўтиб, ялангликка чиққандан кейин-гина уларнинг таъқибидан чиқиб кетганимга ишонч ҳосил қил-дим. Ниҳоят, энди уй томон қадам ташлаганимда вақт аллама-ҳал бўлиб қолган — атроф қоп-қоронғи эди.

Мариан ёлғиз ўзи каталакдек меҳмонхонада кутиб ўтирган экан. Лаурани уйга қайтишим биланоқ чизган расмини менга кўрсатиш ваъдаси билан ётишга аранг кўндирибди. Бир оз тўқ ва очранг бўёқ-лар билан чизилган, рангпар, кўринса ҳам, лекин мазмунан ва умумий кўркемлиги билан кишига маъқул бўладиган чизгиси стол устидаги икки китобга эҳтиётлик билан суяб қўйилган, бисоти-миздаги биттагина шам ҳам ўша ерга қўйиб қўйилган бўлиб, гира-шира нур сочганича ўша чизгини кўз-кўзлаётгандек эди.

Мен расмга разм солганимча, нималар содир бўлганини ши-вирлаб Марианга етказиш учун стол ёнига ўтирдим. Ён хона би-лан орамиздаги девор шунчалар энсиз эдики, ҳатто Лауранинг нафас олиши ҳам қарийб эшитилиб турар, қаттиқроқ гапиргудек бўлсак, уни безовга қилиб қўйишимиз ҳам мумкин эди.

Кирл жаноблари билан бўлиб ўтган суҳбатимиз тафсилотини ифодаларканман, Мариан хотиржам ўтирди. Лекин кейин сэр Персивалнинг сафардан қайтиб келганини аниқлаганим, мени адвокат маҳкамасидан бошлаб таъқиб этиб келишган кишилар ҳақида гапирганимда талвасага тушиб қолди.

— Нохуш хабар, Валтер, — деди у. — Бундан баттари бўлмаса керак. Менга бошқа гапингиз йўқми?

— Сизга аталган нарса бор, — деб Кирл жаноблари топширган омонат мактубни унга узатдим.

У мактуб юзасига кўз ташлабоқ, ундаги дастхат муаллифини даров таниди.

— Кимдан келганини биласизми? — дедим.

— Жуда яхши биламан, — жавоб берди у. — Хат муаллифи граф Фоско бўлади.

Саволимга жавоб берибоқ конвертни очди. Хатни ўқир экан, унинг юзлари оловдек товланиб кетди. Уни энди менинг эътибо-римга ҳавола этар экан, газабдан кўзлари ҳам пориллаб кетганди.

Мактуб қуйидаги сатрлардан иборат эди: «Сиз ва мен учун шарафли бўлган мўътабар фасоҳатдан руҳланиб, дилрабо Мариан, сизнинг осойишталигингизни ўйлаб, икки оғиз сўз билан кўнглингизни кўтаришга жазм этдим:

Ҳеч нарсадан кўрқманг!

Табиат инъом этган нечоғлик хушёрлигингиз сизга ёр бўлиб, сабр этгайсиз. Муҳтарама ва мўътабар мужда, хатарли шухратдан ўзингизни асранг. Тақдирга тан бериш — улуг иш, бунга амал қилинг. Оч қорним — тинч қулоғим, ҳаёт тақозоси шу — бунинг завқини суриг. Ҳаёт довуллари узлат воҳаларига озор бермай ўтади, мўътабар леда, ўша воҳада истиқомат қилинг.

Шундай қилсангиз, осойишталигингизга кафолат бераман. Бошқа ҳеч қандай алам-изтироб, мен ўз туйғуларимдек ҳис этган нозик туйғуларингизни изтиробга солмайди. Озор чекмайсиз, узлатдаги беозор ҳамроҳингиз ҳам таъқиб этилмайди. У сизнинг қалбингизда ором топибди. Бебаҳо оромгоҳ! Унга ҳавасим келди, ўша ерда қолаверсин.

Оталарча ғамхўрлик билан Сизга яна икки оғиз насиҳатимни битиб, ушбу оташин сатрларни яқунлайману сизга мурожаат этиш завқ-шавқига барҳам бераман.

Шу вақтгача етган ерингиздан энди нари ўтманг, жиддий манфаатларга хомтамаъ бўлманг, бировга таҳдид қилманг. Сиздан ўтиниб илтижо қиламан, сизни деб бутун ғайрату шижоатимни жиловлаб, кенг имкониятларимга йўл бермай, мўъминқобиллик ниятини дилимга жо этиб юрганымда мени, мендек удабурон кишини тугёнга келтириб, алғов-далғов ишларга қўл урворишга мажбур этманг. Елўпка дўстларингиз бўлса, уларни ачинарли ҳовуридан тушириб қўйинг. Ҳартрайт жаноблари Англияга қайтгудек бўлса, у билан алоқани узинг. Мен ўз йўлимда юрибман, Персивал эса измимда кетмоқда. Ҳартрайт жаноблари йўлимизга кўндаланг бўлган. У билан тўқнашгудек бўлсак, асфаласофилинга кетади».

Ушбу сатрлар ниҳоясига оилавий ном бош ҳарфи — **Ф** қўйилган бўлиб, атрофи ажи-бужи доиралар билан гардишлаб қўйилганди. Хатни нафрат билан стол устига улоқтирдим.

— У сизни кўрқитмоқчи, бу эса унинг таҳликадалигидан аниқ нишона — дедим.

Бу хатга менинг назарим билан қараш учун у ўта софдил аёллигига борарди. Шундай бўлса ҳам, мактуб тилидаги ўта сурбетликка у бардош беролмади. У стол ортидан менга қараганида унинг

қўллари мушт бўлиб қисилган, юз-кўзларида эса ўша илгариги шаддодлик аломатлари яна яққол намоён бўлиб турарди.

– Валтер! – деди у. – Бир кун эмас бир кун ўша икки кишининг тақдирини сизнинг қўлингизда бўлиб, улардан бирини афу этишга мажбур бўлиб қолгудек бўлсангиз, ўша мурувватни графга асло раво кўрманг.

– Ўша вақт келганида хаёлимдан фаромуш бўлиб қолмаслиги учун, Мариан, бу хатни асраб кўяман.

Хатни ҳамёнимга соларканман, у хаёлотда менга қараб қўйди.

– Ўша вақт қачон келади? – Яна ўша савол. – Ўша келажак дамлар ҳақида, гўё ишончингиз комилдай, рўйи рост гапира оласизми? Албатта, Кирл жаноблари маҳкамасида эшитганларингизу, бугун бошдан кечирганларингиз асосида-а?

– Бугунги кундан шундай хулосага келдим, деёлмайман, Мариан. Бугун қилган ишим ўз масъулиятимни бошқа бир киши зиммасига юклаш ҳаракатидаги илтимосим бўлади.

Вақт ҳисобини эртадан бошлайман...

– Нима учун эртадан?

– Чунки эртага ўзим мустақил иш бошламоқчиман.

– Қандай қилиб?

– Биринчи поезд билан Блэквоутерга жўнайман-да, кечаси қайтарман, деган умиддаман.

– Блэквоутерга!

– Шундай, Кирл жаноблари олдидан чиққанимдан бери бу ҳақда кўп ўйладим. Биргина масалада фикримиз тўғри келиб қолди. У ҳам бўлса нима қилганда ҳам, Лауранинг йўлга чиққан кунини аниқлаб олиш пайига тушишимиз керак. Суиқасднинг бирдан-бир заиф нуқтаси, Лауранинг ҳаётлигини далилловчи яқкаю ягона имконият илинжи ҳам ўша кунни аниқлашга боғлиқ экан.

– Сиз – деди Мариан, — Лаура Блэквоутер Паркдан докторнинг унинг ўлими ҳақидаги гувоҳномасида қайд этилган кундан олдин эмас, балки кейин жўнаб кетган демоқчи бўласиз-да?

– Албатта.

– Унинг йўлга чиққан куни ўлган кунидан кейин бўлиб қолган, дейишга қандай асосларингиз бор? Лауранинг ўзи Лондонга келган куни ҳақида бирор оғиз гапира олмайди-ку.

– Ахир, телбахона соҳиби сизга унинг йигирма еттинчи июлда қабул қилинганини айтганди. Мен граф Фосконинг Лаурани Лондонда яшириб, бир кечадан зиёдроқ вазият ичи уни ўз атро-

фида нималар содир бўлаётганини сезмайдиган даражада қарахт қилиб қўя олиш маҳоратига ишончим йўқ. Агар юқорида вақт назарда тутилгудек бўлса, у йигирма олтинчида йўлга чиқиб, Лондонга докторнинг гувоҳномасида кўрсатилган ўз ўлиmidан бир кун кейин етиб келган бўлиб қолади. Биз ўша кунни далиллай олгудек бўлсак, сэр Персивал билан графга қарши даъвоимизни ҳам далиллаган бўламиз.

— Ҳа, ҳа, тушундим! Лекин ўша далил қандай қилиб қўлга киритилади?

Миссис Михелсоннинг гаплари бўйича, бунга эришишнинг икки усули бор. Улардан бири — доктор Доусон жанобларидан суриштириш. У Блэквоутер Паркка Лаура уйдан чиқиб кетганидан қанча вақт кейинроқ борганини билиши турган гап. Иккинчи усули — кечаси сэр Персивал ўз холича жўнаб кетиб, қарор топган меҳмонхонадан суриштириш. Бизга шуниси маълумки, у Лаура жўнаб кетганидан ҳеч қанча вақт ўтмаёқ йўлга тушган. Мана шу усул билан ҳам ўша кунни аниқлаб олишимиз мумкин. Ҳаракатда баракат дейдилар, шунинг учун эртагаёқ ўша ҳаракат пайига тушмоқчиман.

— Саъи ҳаракатингиз пучга чиқиб қолармикин, — ҳозир ишнинг пачавасини кўриб турибман, Валтер, лекин ҳафсаламизни пир қилгудек синовларга дуч келсак ҳам, охири баҳайр бўлади, деган умидлану, ўзингиз ўйлаб кўринг, Блэквоутерда сизга кўмаклашгудек бирон-бир киши йўқда-а?

— Лондонда менга ёрдамлаша оладиган икки киши бор, ёрдамлашадилар ҳам. Улар — сэр Персивал билан граф. Гуноҳсиз кишилар ўша кунни аллаққачоноқ унутворган бўлишлари мумкин, лекин улар айбдор, шунинг учун ҳам ўша кун уларнинг ёдидан чиқмайди. Мен ҳар қанча душворликка учрамайин, уларнинг биттасини ёки иккаласини ҳам даъволаримни тан олишга мажбур эман.

Шу гаплар оғзимдан чиқиши билан Марианнинг бутун аёллик ҳиссиёти юзига урди.

— Графдан бошланг, — шипшиди у гижиниб. — Мен учун графдан бошланг.

— Биз Лаура учун, деб бошлашимиз керак. Шунда омад бизга ёр бўлиб қолар, — унинг гапига яраша жавоб бердим.

Унинг юзи яна бўзариб кетди, руҳи тушганича бош илгаб ҳам қўйди.

— Ҳа, — деди у. — Сиз ҳақсиз. Шундай дейишга қандай тилим

борди. Сабр қилиш пайига тушаман, Валтер. Бахтиёр дамларда сабр нималигини билмаган бўлсам ҳам, энди унга кўникаяпман. Лекин ўша шаддодлигимдан яна бир оз бор-да, графни ўйлагу-дек бўлсам, ўзимни туютолмай қоламан.

— Унинг ҳам навбати келади. — дедим. — Лекин унинг ҳаётидаги нозик томонларидан биз ҳали бехабармиз, — шуни унутманг. — У бироз ўзига келиб олиши учун андак сабр қилдим, кейин гапнинг индаллосини айтдим:

— Мариан! Сэр Персивал ҳаётидаги нозик томони иккаламизга ҳам аён...

— Унинг сири демоқчисиз-да!

— Шундай, ўша сир. Бу унинг гирибонидан оладиган бирдан-бир таянчимиз. Унинг ҳимоя пардаларини йиртиш учун бу гуноҳкор бандани ўша машъум кун зиёсига солишдан бошқа иложим йўқ. Граф нималар қилган бўлмасин, сэр Персивал Лаурага қарши суиқасдга розилик беришида ўз моддий манфаатинигина эмас, балки яна бошқа томонини ҳам кўзлаган. Сиз унинг графга айтган гапларини — хотини уни асфаласофилин қилворгудек маълумотларга эга эканига иқрорлигини айтганини эшитганмидингиз? Мабодо Анна Катерик ҳақидаги сир фош этилиб қолса, у барбод бўлажagini айтганини эшитганмидингиз?

— Ҳа! Ҳа! — Эшитганман.

— Шундай экан, Мариан, бизнинг бошқа далилларимиз пучга чиққудек бўлса, ўша сирнинг қўл келишини назарда тутаман. Кўнглим сезиб турибди. яна бир бор айтаман: ўша оқ кийинган аёл учаламизнинг ҳам тақдиримизга ҳаёт бахш этади. Натижа аниқ, биз унга яқинлашиб қолдик, Анна Катерик ўзи ... дунёда ётган бўлса ҳам, бизга ҳамон ўша музаффар манзилни кўрсатиб турибди.

V

Энди Ҳемпширдаги дастлабки суриштиришларим тафсилоти билан танишинг.

Лондондан эрта тонгда жўнаб, пешинларда Доусон хонадонига етиб бордим. Кўзланган асосий мақсад назарда тутилгудек бўлса, ўзаро суҳбатимиздан кўнгилдагидек натижа чиқмади.

Доусон жанобларининг дафтарида, албатта, Блэквоутер Парк-лик мисс Ҳалкомб холидан яна қачондан хабар ола бошлагани аниқ кўрсатилган эдию, лекин ўша вақт асосида, миссис Михел-

сон баъзи бир икир-чикир иловалар билан унга аниқлик киритмагудек бўлса, менимча, кўмаклашишга ожиз, ўша вақтдан илгарироқ содир бўлган воқелик муддатини аниқлашга умид йўқ эди. Бемор олдига доктор яна қачондан кела бошлагани, ўшангача леди Глайднинг жўнаб кетганидан бери неча кун ўтганини бу аёл эслай олмасди. Бундай кезларда ким ҳам эслаб қоларди дейсиз?

Сафар олдида вазият таранглашган бўлиб, кейинги куниёқ у мисс Ҳалкомбни бундан хабардор қилганини гира-шира эсласа ҳам, лекин леди Глайднинг Лондонга жўнаб кетган кунини эшлаш у ёқда турсин, ҳатто, ўша сафар шов-шувлари кейинча қачон ошкора бўлиб кетгани ҳақида ҳам аниқ бир нима деёлмасди. Шунингдек, мадам Фосконнинг муддати номаълум мактуби ўз соҳиббахонаси жўнаб кетгач, неча кунлардан кейин қайтиб келганини ҳам чамалай олмасди. Ниҳоят, бундай устма-уст қийинчиликлар етмаганидай, докторнинг ўзи ҳам ўша пайтлар бетоб бўлганидан, Блэквоутер Парк боғбони унга миссис Михелсон хабарини етказган кунига ойини, одатдагидек, қайд этиб ҳам қўймаган экан.

Доусон жаноблари кўмагидан ҳафсалам пир бўлгач, энди сэр Персивалнинг Нолсберига келган кунини аниқлаш пайига тушдим.

Пешонага битганни кўргиликми?! Нолсберига келсам, маҳаллий қароргоҳ тақа-тақ бек, деворларига унинг савдо нархи ёпиштирилиб қўйибди. Ўша ердагиларнинг айтишларича, темир йўл ишга тушганидан бери рақобат ўз қиёфасини кўрсатаётган эмиш. Темир йўл бекатида қад кўтарган янги меҳмонхона ишлари гуллаб, бизнинг фикримизча, сэр Персивал истиқомат қилган илгариги қароргоҳ тахминан икки ойлардан буён ёпиқ экан. Қароргоҳ эгаси топган-тутганию бола-чақасини олиб у ердан жўнаб кетибди, қаерга кетганини ҳеч кимдан аниқлай олмадим. Мен учраган тўрт фуқаро унинг режалари ҳақида тўрт хил фикр билдирдилар. Хуллас, у Нолсберидан жўнаб кетибди.

Сўнги Лондон поезди жўнашигача ҳали яна бир неча соат вақтим бор эди, шундан фойдаланиб, боғбон билан дарвозабондан ҳам суриштириб қўйиш учун Нолсбери бекатидан каб ёллаб, Блэквоутер Паркка қайтдим. Мабодо улар ҳам менга ёрдам бериша олмагудек бўлса, ҳозирча режаларим ниҳоясига етиб, қайтиб кетишим мумкин эди.

Кўзлаган манзилимга бирор мил етмасданоқ жиловдор билан ҳисоблашиб, ундан борадиган еримни суриштириб олгач, қўрғон томон йўл олдим.

Шоҳ кўчадаги тор кўчага бурилдиму, мендан сал нарида сак-вояж кўтарган бир киши зипиллаганича қаршидаги хужра томон кетаётганига кўзим тушиб қолди. Унинг бўйи басти чувакроқ бўлиб, эгнида ранги ўчган қора либос, бошига бесўнақай шляпа кўндириб олганди. Таъбир жоиз бўлса, уни адлия югурдаклари-дан бўлса керак, деган хаёлга бориб, уни нарироқ кетказиб юбориш учун таққа тўхтадим. У менинг шарпамни эшитмаган бўлса керак, орқасига қарамай юрганича кўздан ғойиб бўлди. Бироздан кейин дарвозадан ичкари кирганимда у кўзга кўринмади – катта бино қаърида ғойиб бўлгани аниқ эди.

Йўлак хужраси олдида иккита аёл турган экан. Улардан бири анча ёшга бориб қолган, иккинчиси эса, Мариан таърифича, Маргарет Порчернинг ўзгинаси эди.

Авалло сэр Персивални йўқладим, унинг йўқлигини эшитгач, қачон кетганини суриштирдим. Аёлларнинг иккаласи ҳам унинг ёз фасли чиқиб кетганидан бошқа бирон сўз дейиша олмади. Маргарет Порчерга савол берсам, ғиқ этмай, ишшайганича бошини сарак-сарак қиларди, холос. Кекса аёл анча одамшаванда экан, шунинг учун ҳам уни гапга солиб, сэр Персивалнинг қай кайфиятда жўнаб кетгани ва у нима учун шунчалар таҳликага тушганини суриштирдим. Хўжайини уни ётган еридан чақириб олгани, сўкиниб ўтакасини ёргани эсидан чиқмабди, фақат бу воқеа қачон содир бўлганини мутлақо эслай олмасди – виждонан айтганда, ақли бовар этмас эмиш.

Хужрадан чиқиб кетаётиб, ўша атрофда хизмат қилиб юрган боғбонни кўриб қолдим. Унга мурожаат қиларканман, дастлаб у менга ишонқирамагандай бўлди, лекин миссис Михелсон номини тилга олиб, ўзининг иззат-ҳурматини ҳам жойига қўйганимдан кейин кўнгли ёришиб, гапга кириб кетди. Ўртадаги гаплар тафсилотини айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак – бу суҳбат ҳам, илгариги саъй-ҳаракатларим қандай яқунланган бўлса, худди ўшандай тамом бўлди. Боғбоннинг эътироф этишича, унинг валинеъмати «июль ойларида, шу ойнинг сўнгги ўн кунлари орасидами ё сўнгги тунидами», кечаси жўнаб кетган, билгани – шу.

Биз гаплашиб турган пайтимиз қора кийимдаги бесўнақай шляпали кишининг бинодан чиқиб, сал нарида бизга кўз-қулоқ бўлиб турганини кўргандим.

Унинг Блэквоутер Паркда пайдо бўлиб қолиши менда қандайдир шубҳа туғдиргани хаёлимдан ўтган эди. Унинг ким экан-

лигини боғбон айтиб беролмагач (ёки айтишга тили бормагач) шубҳамга шубҳа қўшилди-ю, иложи бўлса, у билан гаплашиб, ўз йўлимни очиб олмоқчи бўлдим. Бир мусофир кимса сифатида унга мурожаат этиб, йўловчиларнинг бу уйни зиёрат қилиш имконияти хусусида сўрашим мумкин эди. Фурсатни бой бермай, унинг олдига бориб, дилимда тугиб қўйган сўзларимни айтдим.

Унинг кўзлари ва хатти-ҳаракатлари менинг кимлигимдан огоҳлиги, нима қилиб бўлса ҳам, орамизда низо чиқариш пайидалиги шундоққина кўриниб турарди. Мабодо мен ўзимни сал босмагудек бўлсам, унинг жавоби мақсадига яраша беозор туртки бўлиб кетиши ҳеч гап эмасди. Лекин мен ширин муомаламни аямай, у даргоҳга ўйламай қадам қўйганим учун (унинг сўзи билан айтганда «оёқ ости қилганим учун») узр сўраб, чиқиб кетдим. Шубҳаларим тўғри чиқди. Кирл жаноблари маҳкамасидан чиқиб кетаётганимда мени танишиб қолишлари биланоқ бу ҳақда сэр Персивал Глайдга хабар беришган, бу хонадондан ёки шу атрофдан маълумот йиғиш эҳтимоли олдини олиш учун ўша қорага бурканган кишини Паркка юборишган. Агар менга қарши очикдан-очик шикоят қилгудек заррача баҳонага йўл қўйиб, унинг олдида гуноҳкор бўлиб қолгудек бўлсам, менинг бу бежо ҳаракатим баҳонасида маҳаллий қонунпаноҳлар ишга туширилиб, мени, ҳеч бўлмаганда, бир неча кун Мариан билан Лаурадан ажратиб қўйишлари мумкин эди.

Бир кун аввал Лондонда изимга тушишганларидек, Блэквоутер Парк билан темир йўл бекати оралигидаги йўлларда ҳам мени таъқиб этиб қолишларидан эҳтиёт бўлишим керак эди. Лекин бу гал орқамдан одам тушган-тушмаганини аниқ илғаб ололмагандим. Қора кийимли кишининг мени гафлатда қолдириб, таъқиб этадиган бошқа чоралари ҳам бўлиши мумкин эди. Лекин темир йўл бекатигача йўлда ҳам, ниҳоят, ўша кун кечқурун Лондон вокзалига етиб келганимда ҳам шахсан унинг қораси кўринмагани аниқ. Эҳтиёткорлик юзасидан уйга яёв кетдим, уйимиз эшиги олдига келишдан аввал ўша атрофдаги хувиллаган кўчани айланарканман, гоҳо тўхтаб орқамга бир эмас, бир неча маротаба ўгирилиб, узундан-узун ясланган йўл сатҳига кўз ташладим. Бундай ҳийлакорлик усули нималигини дастлаб Марказий Америка дашти биёбонларида содир бўлиб турадиган хиёнат таҳликаси туфайли ўрганиб, унга амал қилган бўлсам, энди эса ундан маданият қарор топган Лондоннинг қоқ юрагида худди ўша мақсадда ва ҳатто яна ҳам эҳтиёткорлик билан қўллардим.

Менинг йўқлигимда Марианни безовта қилгудек бирон-бир ҳодиса рўй бермабди. У нималарга эришганимни интиқлик билан сўради. Кўрган-кечирганларимни батафсил гапириб, бу гал омадимиз юришмай ишқали чиқаёзганини очиқ айтганимда, менинг хотиржамлигимдан ҳайрон бўлганини яшира олмади.

Тўғриси айтганда, югуриб-елишимдан ҳеч вақо чиқмаган бўлса ҳам, парвойига келмасди. Чунки бу саъй-ҳаракатларим менинг бурчим амри эди, холос. Улардан бирон натижа чиқишига умид ҳам тутмагандим. Ўша дақиқа хаёлим бошқа фикр билан банд – кураш майдони энди анча торайиб, мен билан сэр Персивал Глайднинг куч синаш пайти келганини ўйлаб кўнглим таскин топарди. Шунини ҳам тан олишим керакки, ўч олиш нияти бошқа эзгу ниятларим орасида яна ҳам алангаланиброқ турар, очигини айтганда, Лаура учун қилинадиган хизматнинг бирдан-бир ва энг маъқул йўли унга уйланган ўша малъун билан яккама-якка олишиб, уни маҳв этиш хаёли гайратимга гайрат қўшиб мени руҳантитарди.

Менинг гайрат ва шижоатим қасос олиш хирсимни қондиришдан кўра кўпроқ шахсий ниятларимга етиш илинжи эмаслигини тан олиш билан бирга, виждонан гапирганда, бошқа томони ўз манфаатларим қасдида ҳам эмас эдим. Мабодо сэр Персивал тақдири менинг амримда бўлиб қолгудек бўлса, Лаура билан ўзаро муносабатимизни тиклаш учун уни шахсий ва хусусий ҳуқуқларидан воз кечишга мажбур этиш фикри хаёлимга ҳам келмаган. Мен ҳеч қачон «Мабодо омадим ёр бўлса, нима қилишимни биламан – бу хотинли тўкисни энди Лаурани менидан қайта тортиб ололмайдиган қилиб қўяман» деб ўзимга ўзим сўз бермаганман. Шундай хаёллар билан унга тик қарашга юзим чидамаган бўларди.

Унинг руҳий қиёфасидаги аянчли ўзгариш меҳримни гўё ўз отаси ё ўз акасининг меҳридек шунчалар беғубор ва нозик қилиб қўйгандики, ёлғиз тангрига аён, буни юрак-юрагимдан сезардим. Бутун фикру ёдим, умидим фақат унинг мусаффо соғайиб кетишида эди. У яна қайта кучга тўлиб, ўйнаб-қулиб юрса, яна қайта менга ўша бир вақтлардагидек қиё боқиб, ширин сўзларини ҳада этса, – менинг орзу-умидим, қувончим шу эди.

Бу сўзлар ўзимни ўзим овутиш учун ёзилган бекорчи сафсаталар эмас. Воқеликнинг бундан кейинги боблари менинг одоб-ахлоқимни тўлароқ ёритиб, бу ҳақда бошқаларни ҳам маълум хулосага келтириб қўяди. Лекин шунгача менинг яхши ва ёмон

томонларим ҳаққоний кўрсатилса, чакки бўлмасди. Унга етишиш учун эса, ўз навбатида, Анна Катерикнинг онаси кўмагига эришиш лозим эди.

Ҳемпширдан қайтган куним эртасига эрталаб Марианни юқоридаги иш хужрамга бошлаб чиқиб, сэр Персивал Глайднинг гирибонидан ушланадиган энг нозик жойини топиш режасини унга маълум қилдим. Нозик жойини фақат шу вақтгача бизга мавҳум бўлган ўша оқ кийимли аёл сиру асрорини ечиш билангина аниқлаш мумкин эди. Бу эса ўз навбатида, Анна Катерикнинг кўмагини тақозо этар, миссис Катерикни бу масала бўйича рўйи рост гапириши, аввало миссис Клементсдан суриштириб, унинг оилавий ҳаёти икир-чикирларию маҳаллий идора ҳужжатларини аниқлаб олишимга боғлиқ эди. Бу масалани ҳар томонлама қайта-қайта ўйлаб, навбатдаги суриштиришни Анна Катерикнинг ўша энг садоқатли дугонаси ва ҳомийсига учрашишдан бошлашим маъқуллигига ишонч ҳосил қилдим.

Энди олдимизда миссис Клементсни топиш муаммоси кўндаланг турарди.

Бу жумбоқнинг ўнгайгина ечиш калитини ўша дақиқаёқ ўртага ташлаган Марианнинг заковатига қойил қолдим. Ҳожатимиз ўша ондаёқ равон бўлди. Унинг таклифича, Лиммерижга шундоққина туташ (Тоддлар муюлиши) фермага хат ёзиб, миссис Клементсдан сўнгги ойлар ичи миссис Тоддга хат-хабар келган-келмаганини суриштиришимиз керак эди. Миссис Клементснинг Аннадан қандай ажралиб қолгани ҳақида бирон сўз айтишга ожиз бўлсак ҳам, лекин бир вақтлар содир бўлганидек, у гойиб бўлгач миссис Клементс зудлик билан уни яқин-атрофдан қидириш пайига тушаркан, аввало, унинг фикр-ёдидан чиқмай қолган Лиммериждан суриштиришини ўйлардик. Марианнинг бу таклифи бизни зафар йўлига бошлаётганини мен ҳам кўриб турардим. Шунинг учун у миссис Тоддга хат ёзиб, ўша кунги почта биланоқ жўнатиб юборди.

Хатимиз жавобига мунтазир турарканмиз, Мариандан Персивал оиласию унинг ёшлик пайтларига хос маълумотларни эшитиб, уларнинг миридан сиригача ёд қилиб ташладим. Албатта, у бу мавзуда эшитганларинигина гапира олса ҳам, лекин ўша қиттай маълумотлари айни ҳақиқат эканига ишончи комил эди.

Сэр Персивал оилада яккаю ягона бола экан. Унинг отаси — сэр Феликс Глайд давосиз туғма мажруҳлик ва оғриқ изтиробиб-

да яшаганидан, ёшлигиданоқ одамови экан. Унинг бирдан бир қувончи мусиқа бўлиб, ўзига ўхшаш бир мусиқа шайдоси аёлга уйланган, айтишларича, у беқийёс созанда бўлган экан. Сэр Феликс Глайд ҳали ёш йигитлигидаёқ Блэквоутер мулки мерос сифатида унинг қўлига ўтган. Мулк эгаси бўлгач, ўзи ҳам хотини ҳам яқин атрофдаги жамоа аҳллари даврасига қадам қўйишмаган, ўз навбатида, фуқаролар ибодатхонаси поpidан бошқа, бирон-бир киши уларнинг осойишталигини бузишга журъат этмаган. Ўша поп жаъмики бегуноҳ гиз-гизловчилар ичида энг батарини, ўта рашкчиси экан. У сэр Феликснинг сиёсатда сал кам инқилобчи, деган шахсиятнома билан коллеждан четлатилгани, эътиқодда эса даҳрий эканлигини эшитиб, ўзича: бу шайтон васвасасига учраган авбошни ҳовуридан тушириб қўйиш учун уни ибодатхонага тортиб, хутба ваъзларини дилига сингдириш ўзининг муқаддас бурчи, деган қарорга келган. Сэр Феликс эса попнинг бегараз бўлса ҳам, лекин бемаъни хархашасидан зардаси қайнаб, уни издиҳом олдида роса ҳақоратлаган. Натижада унга нисбатан норозилик туғилиб, яқин атрофдаги оилалардан Парк соҳиби номига таҳқирли мактублар кела бошлаган, ҳатто Блэквоутер мулкидаги ижарачи деҳқонлар орасида ҳам ўзлари эп кўрганларича гап-сўз тарқалган. Қишлоқ ҳаётига заррача меҳри бўлмаган, на ўша катта мулку ва на у ерларда истиқомат қилувчи бирон-бир кимса билан узвий алоқаси бўлмаган баронет, Блэквоутер аҳли энди мени ҳафа қилиб бўпти, деганича у ердан чиқиб кетган.

Лондонда биров туришгач, эру хотин қитъага жўнаб кетишиб, Англияга бошқа қайтиб келишмаган. Улар умрининг бир қисмини Францияда, яна бир қисмини Германияда ўтказишган, ўшанда ҳам сэр Феликснинг шахсий ногиронлиги туфайли ҳар вақт ҳеч кимга қўшилмай узлатда яшашган. Уларнинг бирдан бир фарзанди — Персивал хорижда дунёга келиб, у ерда хусусий устоз қўлида таълим олган. Дастлаб у онасидан айрилган. Онаси ўлимидан бир неча йил кейин (ё 1825, ё 1826 й.) отаси ҳам оламдан ўтган. Шу вақтгача сэр Персивал йигитлик даврида Англияда бори-йўғи бир ёки икки маротаба бўлган, лекин унинг сўнгги Фэрли жаноблари билан танишлиги отаси ўлимидан сўнг бошланган бўлиши мумкин, унгача улар учрашишмаган. Сэр Персивал ўша ўз сафари дамларида Лиммериж Хаусга тез-тез келиб турганми ёки мутлақо келмаганми, бундан қатъи назар, улар тезда жуда иноқлашиб кетишган. Фреде-

рик Фэрли жаноблари уни Филипп Фэрли жаноблари хузурида бир ёки икки маротаба учратган бўлиши мумкин, лекин унинг кимлигини ўша вақтда ҳам, кейин ҳам аниқ билишмаган. Сэр Персивалнинг Фэрлилар оиласидаги бирдан-бир қадрдон дўсти Лауранинг отаси бўлган.

Марианнинг эшитган ва билганлари асосидаги аниқ маълумотлар шулардан иборат эди, холос. Буларнинг ҳозирги мақсади учун деярлик нафи бўлмаса ҳам, лекин вақти келиб далил ва исбот учун муҳим аҳамият касб этиб қолар, деган ниятда уларни оқизмай-томизмай ёзиб қўйдим.

Почтадан хабар олгани борсам, (ўз ихтиёримиз билан, ўзимизга яқинроқ бир почта адресини берган эдик) миссис Тодднинг жавоб хати ўша манзилга етиб келган экан. Басталикка учраб турган ишлар шу дақиқадан эътиборан чинакамига юришиб, энди бизнинг нафимиз рўёбга чиқа бошлаган эди. Миссис Тодднинг мактубида биз қидираётган маълумотнинг илк хушхабарни қайд этилган экан.

Миссис Клементс, мактубда ёзилишича, (биз ўйлаганимиздек) Тоддлар муюлишига хат йўллаб, аввало ёзқоқдаги дўстлари кучоғидан бемаврид жўнаб қолишганлари учун (ўша оқ кийинган аёлни Лиммериж қабристонидан учратиб қолган куним эрталаб) узр сўрабди-да, кейин миссис Тоддга Аннанинг ғойиб бўлиб қолганини маълум қилиб, яна Лиммерижда адашиб сарсонун-саргардон бўлиб юрмаганмикин, шунини суриштириб кўришини илтижо қийбди. Миссис Клементс ўз илтимосномасига тайин манзилни ҳам илова қилиб, унинг жавобига мунтазирлигини таъкидлаган экан. Ўша манзилни миссис Тодд Марианга ёзиб юборибди. Миссис Клементс қароргоҳи Лондонда бўлиб, кулбамиздан у ергача атиги ярим соатлик йўл экан.

Машойихлар айтганидек, темирни қизигида босишга қарор қилдим. Эртасига эрталаб миссис Клементс билан суҳбатлашиш илинжида йўлга чиқдим. Бу – кашфиёт сари ташланган менинг дастлабки қадамим эди. Мен фош этишга қасд қилиб, астойдил бел боғлаган воқелик шу ердан бошланади.

VI

Миссис Тодд ёзиб юборган манзил мени Грейд Инн Роудга туташ ободгина кўчалардан бирида жойлашган ижарахона биносига олиб борди.

Эшикни тақиллатишим биланоқ уни миссис Клементснинг ўзи очди. Мени танимади шекилли, нима иш билан келганимни сўради. Унга оқ кийинган аёл билан Лиммериж ибодатхонаси қабристонидagi ўзаро суҳбатимни эслатиб, Анна Катерикни телбахона таъқибидан асраб қолганимни (буни Аннанинг ўзи ҳам очик айтган эди) алоҳида писандалаб ўтдим. Бу миссис Клементс ишончини қозониш учун бирдан-бир даъвоим эди. Бу сўзлар оғзимдан чиқиши биланоқ ўша вазиятни эсладию Анна ҳақида бирон-бир хабар топиш илинжида мени даров ичкарига олди.

Фитна икир-чикирларини аниқлаб олмагунимча, шунингдек, нотаниш кимсага сир айтиб, панд еб қолиш таҳликасидан бор ҳақиқатни унга айтиб бера олмасдим. Фақат, нечоғлик эҳтиётлик билан, иложи борича, уларни йўқ нарсага умидвор этмаганимдан кейингина Аннанинг гойиб бўлишига асосий жавобгарлар кимлигини аниқлаш мақсадида келганимни тушунтира олдим. Шунда ҳам, кейинроқ виждон азобига тушиб қолмаслик учун, ундан хабар топишимизга заррача умидим йўқлиги, ҳатто у билан энди ҳеч қачон дийдор кўришишлик насиб этмаслигини ҳам айтиб, бу масалага қўл уришдан кўзлаган мақсадим Аннанинг гойиб бўлишида шубҳали туюлган икки кишини, баъзи бир қадрдон дўстларим билан менга ҳам панд бериб, ташвишга солиб қўйган ўша ғаламисларни жазога тортиш эканлигини айтдим. Шулардан уларни хабардор қилганимдан кейингина (бизни сарсон қилган манфаат сабаблари турлича бўлса ҳам) бу масалада мақсадимиз муштаракми-йўқми, кўнгиллари таскин топиб, лозим кўрсалар, саволларимга жавоб бериб, ўша ҳақдаги маълумотлардан мени хабардор қилиш-қилмасликларини ўз ихтиёрларига ҳавола этдим.

Дастлаб муштипар аёл гапларимдан ҳаяжонланиб, нима дейишини ҳам билмай, довдираб қолди. Ниҳоят, Аннага кўрсатган илтерламаотларим туфайли менга нимаики керак бўлса, ҳаммасини айтиб беришга тайёрлигини билдирди, лекин ёшлигиданоқ гапга нўноқроқ бўлса керак, нимадан бошлашини билмай, мендан йўл-йўриқ сўради.

Ўз тажрибам бўйича, хаёлини жиловлаб туришга одатланмаган кишилардан бирон воқелик ҳақида тўлиқ маълумот олишнинг энг осон йўли уларни дудуқлантириб ўтирмай, ўша воқеликни аввал бошидан бошлатиб қўя қолиш кераклигини билганимдан, миссис Клементсдан дастлаб Лиммериждан жўнаб кетганларидан кейин нималар содир бўлганини айтиб беришини

илтимос қилдим. Кейин ёрдамчи саволлар билан уни маълум йўналишга солиб, қадамма қадам Аннанинг гойиб бўлишига ўтган даврни босиб ўтдик.

Шу алфозда қўлга киритилган маълумотлар қуйидагилардан иборат эди:

Тоддлар муюлиши фермасидан жўнаб кетишгач, ўша куни миссис Клементс билан Анна Дербига етиб боришиб, Аннанинг саломатлиги ночорлиги туфайли ўша ерда бир ҳафта қолиб кетишган. У ердан Лондонга ўтишиб, бир ойча ёки ундан кўпроқ вақт миссис Клементс ижарага олган хужрада истиқомат қилишган. Ўша хонадондаги вазият тақозосию соҳиби хона тазйиқи билан бошқа даҳага кўчишга мажбур бўлишган. Қачон кўча сайлига чиқишмасин, Лондон ва унинг атрофларида фош бўлиб қолиш таҳликасига тушавериш миссис Клементсни талвасага солиб, ниҳоят, Англиянинг энг хилват гўшаси Линколншайрнинг Гримсби шаҳарчасига (марҳум эрининг болалик даври ўша ерда ўтган экан) жўнаб кетишга қарор қилган. Эрининг уруғлари ўша шаҳарчадаги кўзга кўринган кишилар бўлиб, миссис Клементсга нисбатан илтерламаотини аямас эканлар. Шунинг учун ҳам унинг ўша ерга бориб, эр уруғи ёру-биродарлари билан бамаслаҳат иш тутишидан бошқа чораси қолмаган. Анна эса Велмингҳамдаги онаси ёнига қайтишни хаёлига ҳам келтирмас, ҳатто, бу ҳақда бирон-бир сўз эшитишни ҳам истамас экан. Чунки у телбахонага ўша ердан олиб кетилгани сабабли сэр Персивал ўша ерда пайдо бўлиши муқаррар деб, уни топиб олишидан чўчиркан. Унинг таҳликасида жон борлигидан миссис Клементс ҳам унинг бу ҳадигини хаёлидан кўтариш иложи йўқлигини сезаркан. Анна мижозидаги дастлабки жиддий касаллик белгилари Гримсбида кўринган. Ўшандан олдинроқ газеталарда леди Глайд никоҳи ҳақида эълон босилган, демак, ўша нохуш хабар сабабли унинг ақли-хуши учган.

Бемор муожаласи учун чақирилган доктор уни кўрибоқ, юрагида оғир дард бор, деб ташхис қўйган. Бу дард узоққа чўзилиб, уни чўп қилиб кетар, маълум муддат ўтгач яна қайтиб, тобора тинкасини қуритаркан. Шунинг учун ҳам улар янги йилнинг биринчи ярми давомида Гримсбида қолиб кетишибди. Ўша ерда яна ҳам узоқроқ қолиб кетишган бўларкану, лекин кутилмаганда Анна Хемпширга қайтиб, леди Глайд билан шахсан гаплашиб олмоқчи бўлиб қолибди.

Миссис Клементс унинг бу ноҳўя ва хатарли ниятини амалга

оширмаслик учун қўлидан келганича ҳаракат қилибди. Анна эса, ўз ўлими яқинлигини сезаётгандек эканини маълум қилгани ҳисобга олинмаса, бошқа бирон сабабини очиқ айтмай, фақат ҳар қанча хатарли бўлса ҳам, леди Глайд билан учрашиб, унга бир сирдан хабардор қилиб қўймоқчиман, деб туриб олибди. Унинг фикри ёди ўша мақсадига етишиш илинжида бўлиб қолганидан, ҳатто мабодо миссис Клементснинг у билан боришга оёғи тортмагудек бўлса, Ҳемпширга бир ўзиёқ кетавериш ниятини очиқ айтибди. Маслаҳатлашилган доктор эса беморнинг шашти қайтарилгудек бўлса, унинг касаллиги яна ҳам оғирлашиб, ҳатто охири вой бўлиши эҳтимолдан холи эмаслигини билдирибди. Шундан кейингина миссис Клементс, қандайдир хавф-хатар ва ташвишлар содир бўлишини сезаётганига қарамай, тақдирга тан бериб, яна бир бор Анна Катерикнинг ўз ихтиёрича иш тутишига рози бўлибди.

Лондон Ҳемпшир сафари чоғида миссис Клементс ён йўловчилардан бирига Блэквоутер атрофлари беш панжадек таниш бўлиб, шу жойлар ҳақида унга зарур маълумотлар бера олишидан огоҳ бўлиб қолибди. Ўша йўловчи орқали сэр Персивал қароргоҳи яқинроғидаги бирдан бир хавфсизроқ жой Сандон қишлоғи эканлигини аниқлаб, ўша ерни манзил тутишга қарор қилибди. Блэквоутер Паркдан бу қишлоқ ораси уч-тўрт мил бўлиб, Анна ҳар гал кўл атрофига борган пайтларида ўша масофани у ёқ-бу ёққа босиб ўтишига тўғри келган экан.

Сандонда бегоналар назарига тушишмай ўтказган бир неча кунларини қишлоқ четроғида яшовчи оқ кўнгилгина бир бева аёлдан ижарага олинган ҳужрада ўтказишган экан. Мисси Клементс эҳтиёткорлик қилиб, ўзлари ҳақида камида бирор ҳафта ичи бировга оғиз очмаслигини тайинлаб, ўша аёл оғзини маҳкамлаб ҳам қўйган экан.

Шунингдек, у аввалига Аннани леди Глайдга хат ёзиб қўя қолишга кўндириш пайига тушибди, лекин Лиммеришга жўнатилган имзосиз огоҳлантирув мактуби фош бўлиб қолганидан, бу гал энди у леди Глайд билан шахсан ўзи учрашиб ўз оғзи билан унга дилидаги гапларини етказиш ниятидан қайтмабди.

Хуллас, нима бўлганда ҳам, у ҳар гал кўлга йўл олганида миссис Клементс ҳам унга кўз-қулоқ бўлиб туриш учун орқароғида юрибди, фақат қайиқхонада нималар содир бўлганига гувоҳ бўлгудек даражада у ерга яқинлашмабди. Анна ўша хатарли қўшни даҳадан охириги маротаба қайтганида унинг саломатлиги кўтар-

майдиган шундай олис масофани ҳар куни босиб ўтавериш унинг тинкасини қуришиб, бунга яна дилидаги ваҳима таҳликасидаги ҳаяжонланишини қўшгудек бўлсак, миссис Клементсни ташвишга солаётган мусибат содир бўлибди. Гримсбудда бошланган ўша юрак оғриғию бошқа иллатлар ҳуруж қилиб, уни бутунлай ётқизиб қўйибди.

Бундай ҳолларда миссис Клементснинг тажрибасига кўра, дастлабки муолижа Анна истагини бажо келтириш билан унинг кўнглини таскин топдириш бўлганидан, шу мақсадни амалга ошириш учун леди Глайд билан учрашиб (Аннанинг айтишича, у ҳар куни қайиқхонага келиб турар экан), уни Сандон яқинидаги хонадонга келишга кўндириш умидида ўша меҳрибон аёлнинг ўзи келаси куни кўлга йўл олибди. У дарахтзор пайкалига чиққанида леди Глайд эмас, кўлида китоб ушлаган, новча, бақалоқ бир мўйсафид жентлменга, бошқача қилиб айтганда, граф Фоскога дуч келиб қолган. Граф уни бир лаҳза синчиклаб назардан ўтказгач, ундан ким биландир учрашмоқчимидингиз, деб сўрабдию, жавобини кутмаёқ ўзи яна сўзида давом этиб, ўзининг ўша ерга леди Глайд илтимосига кўра келгани, фақат қаршисидаги аёл қиёфаси у кутаётган аёл тавсифига монанд эмаслиги уни ҳайратга солаётганини айтган. Шу аснода миссис Клементс ўша заҳотиёқ кўнглида борки сир-асрорини унга очиб, ҳеч шубҳаланмай, леди Глайд топширигидан воқиб этиб, шу билан Анна кўнглига тасалли беришини илтижо қилибди. Граф илтимосни чин кўнгил ва самимият билан қабул қилибди. Топшириғи жуда муҳимлигини таъкидлабди. Леди Глайд мабодо улар Блэквоутер атрофида туриб қолгудек бўлсалар, сэр Персивал уларни пайқаб қолиши мумкин, деган таҳликага тушмаслиги учун Анна билан унинг қадрдон дугонаси вақтни ўтказмай Лондонга жўнаб кетишлари кераклигини ўтиниб илтимос қилибди. Тез кунларда ўзи Лондонга бориб қолармиш. Миссис Клементс билан ана у ерга олдинроқ бориб, қаерда туришлари ҳақида хабар берсалар, икки ҳафталар ичи леди Глайддан хабар бориб, унинг ўзи билан ҳам учрашиб қолишларини айтибди. Граф илгарироқ ҳам Аннанинг ўзини дўстларча огоҳлантириб қўймоқчи бўлгани, лекин у бегона одамни кўргач таҳликага тушиб, гапиртириш у ёқда турсин, ҳатто яқинига йўлатмаганини ҳам таъкидлаб ўтибди.

Унинг гапларидан тўлқинланиб, довираб қолган миссис Клементс ўзи ҳам Аннани эсон-омон Лондонга олиб кетиб олиш

умидидалиги, айна вақтда у бетоб ётгани туфайли уни бу хатарли жойлардан олиб кетиш имконияти йўқлигидан афсусланаётганини айтибди. Граф миссис Клементсдан тиббий маслаҳат учун одам чақирган ёки чқирмаганини суриштириб, бу билан ўзларини бутун қишлоққа ошкора қилиб қўймаслик учун унинг нима қилишини ҳам билмай турганини эшитиб, унинг ўзи тиббий шифокор эканлиги, агар миссис Клементс хоҳлагудек бўлса, у бирга бориб, Аннага нима бўлганини кўриб қўя олишини билдирибди. Леди Глайнинг махфий ваколоти инониб топширилганидан унга ишонч ҳосил қилган миссис Клементс унинг таклифига рози бўлақолган ва иккаласи қишлоқдаги қароргоҳига бирга келишган. Улар уйга кирганларида Анна ухлаётган экан. Граф уни кўриб, (албатта, леди Глайдга ўхшашлигидан ҳайратланиб) талвасага тушибди. Бечора миссис Клементс эса у Аннанинг аҳволи нечоғлик оғирлигидан шу кайфиятга тушган бўлса керак, деган хаёлга борибди. Граф Аннадан кўз узмай, унинг билагига хиёл қўл тегизиб томир уришини аниқлаётгандай бир ҳолда миссис Клементсга саволлар бериб, беморнинг касаллик белгиларини аниқлаб олиш ниятида Аннани уйғотирмабди ҳам. Сандон ўз баққоллик дўконю дорихонасига эга бўлган каттагина музофотлигидан, граф рецепт ёзиб, дори тайёрлатиб келиш учун ўша ёққа кетибди. Дорини ўзи олиб келиб, мисси Клементсга унинг кишини қувватлантирадиган бениҳоя ўткир дорилиги, Аннани тезда оёққа тургазиб, бир неча соатлик Лондон сафари азиятларини кўтаргудек қилиб қўйишини уқдирибди. Фақат берилган дори ўша кунни ҳам, эртасига ҳам аниқ соатларда ичирилишини тайинлабди. Учинчи кунни бемор йўлга чиқа олгудек тетиклашиб қолишига умид билдириб, миссис Клементс билан Блэквоутер станциясида учрашиб, уларни пешинги поездга чиқариб юборишга ваъда берибди. Мабодо улар келмай қолгудек бўлишса, у Анна оғирлашиб қолган бўлса керак, деган таҳликага бориб, тезлик билан уларнинг олдига келмоқчи бўлибди. Воқеа жараёни кўзда тутилган тарадудларга ҳожат бўлмаганини кўрсатади.

Ичирилган дорилар Аннага ўз кучини кўрсатибди. Миссис Клементснинг Аннани тез кунларда леди Глайд билан учрашишга умидвор қилиши ҳам дори таъсирига қўшимча мадад бўлибди. Ҳемпширда бор-йўғи бир ҳафта бўлишгач, белгиланган куну соатида вокзалга келишибди. Граф уларни ўша ерда кутганича кексароқ бир аёл билан гаплашиб турган экан. У аёл ўша поезд билан Лондонга кетаётгандек туюлибди. Граф уларга лутфан кўмакла-

шибди, ҳатто, вагон ичкарисигача кузатиб, мисси Клементсдан турар жойлари манзилини леди Глайдга юборишни унутмаслигини илтимос қилибди. Кекса аёл улар жойлашган купеда кетмабди. Лондон вокзалига етиб боришганида эса, у ердаги гала-говур билан бўлиб, унинг қаерга кетганини ҳам сезишмабди. Миссис Клементс ўша атрофдаги овлоқроқ ердан дурустгина бир ҳужрани ижарага олиб, илгари келишиб қўйилганидек турар жойларини кўрсатиб, леди Глайда хат ёзибди.

Икки ҳафтадан кўпроқ вақт ўтгач ҳам жавобдан дарак бўлмабди. Ўша кезлари бир аёл кэбда келиб (у вокзалда учратишган кекса аёлнинг ўзгинаси экан), уни Лондон меҳмонхоналаридан бирига тушган леди Глайд жўнатганини, Анна билан учрашиш масаласида келишиб олишиши учун миссис Клементсни йўқлаётганини айтибди. Кўзлаган ниятлари тезроқ рўёбга чиқишини ўйлаб (ўша пайт Анна ҳам борақолинг, деб қистайверганидан), айниқса, бу учрашув кўпи билан ярим соатдан ортиқ вақт олмаслигини писанда қилингач, миссис Клементс ҳам рози бўла қолибди. Шундай қилиб, миссис Клементс билан кекса леди (аниқроғи, мадам Фоско жўнаб кетишибди. Кэб анча йўл босиб ўтгач, улар меҳмонхонага етишидан сал олдинроқ бир савдо дўкони олдига етишгач, кекса аёл кэбни тўхтатиб, миссис Клементсдан узр сўрабди-да, унинг хаёлидан кўтарилаёзган ниманидир харид қилиб чиққунча уч-тўрт минут кутиб туришини илтимос қилибди. Шундан сўнг қорасини кўрсатмабди.

Анчагина вақт кутганидан кейин миссис Клементсни гулгула босиб, жиловни ўз кулбалари томон буришини хитоб қилибди. У уйга қайтиб келганида маълум бўлишича, улар кетганидан ярим соат ўтар-ўтмас Анна ҳам чиқиб кетган экан.

Бино аҳллари хабардор бўлиши мумкин бўлган бирдан-бир маълумот ижарачиларга дастёрлик қилувчи жувондан олинбди. Тепа хонада яшовчи жувонга (бинонинг миссис Клементс ижарага олган қисми) хат ташлаб кетган бир болага ўша дастёр эшикни очган экан. У хатни юқорига олиб чиқиб бергач, пастга тушиб кетибди. Орадан беш минутча ўтар-ўтмас бошида қалпоқча, елкасига шал рўмолини ташлаб олган Аннанинг кўча эшикни очиб, ташқарига чиқиб кетганига кўзи тушибди. Хатни у ўзи билан олиб чиқиб кетган бўлиши мумкин, чунки уни ҳеч ердан топиша олишмабди. Шунинг учун ҳам уни уйдан чиқишига нима сабаб бўлганини аниқлашнинг имкони бўлмабди. Бунинг замирида каттагина насос ётган бўлса керак, чунки у Лондонда ўз ихтиёри билан

ёлғиз ўзи мутлақо кўчага қадам қўймас экан. Миссис Клементс ўз тажрибасига кўра, унинг шу одатини билмаганида, ҳеч қандай важ-карсон уни кэбга ўтказиб, ҳатто, ярим соатга бўлса ҳам, нари кетказа олмаган бўларкан.

Миссис Клементс ақлу ҳушини йиғиб олиши биланоқ дастлаб, албатта, телбахонани суриштириш хаёлига келибди — ўзи ҳам доимо ўша ерга олиб кетиб қолишмаса, деган таҳликада юраркан.

Телбахонанинг қаердалигини Аннанинг ўз оғзидан эшитгани туфайли, унга маълум бўлганидан, эртасигаёқ ўша ерга борган. Унга бу жувонни қайта олиб келишмаган (унинг мурожаати асосида сохта Анна Катерик телбахонага тиқилганидан бир-икки кун аввалроқ содир бўлган бўлса керак), деб жавоб қилишибди. Кейин Велмингҳамдаги миссис Катерикка яқин орада қизингизни кўрдингизми ёки унинг ҳақида бирон нарса эшитдингизми, деган маънода хат ёзибди, инкор жавоб олибди. Ўша жавоб хат қўлига теккач, бутун умиди пучга чиқиб, нима қилишини ҳам, қаердан суриштиришини ҳам билмай боши гаранг бўлиб қолаверибди. Ўшандан шу вақтгача Аннанинг ғойиб бўлишию унинг тарихи нима билан якунлангани унга қоронғи эмиш.

VII

Шундай қилиб миссис Клементсдан олинган маълумотлар (ўшангача мен хабардор бўлмаган воқеликларни юзага чиқарган бўлса ҳам) асосий далил ва исботларнинг ҳали дебочаси эди, холос.

Анна Катерикни ҳийлаю найранглар билан Лондонга кўчириб, кейин уни миссис Клементсдан ажратганлар фақат граф Фоско билан унинг хотини эканлиги аниқдан-аниқ бўлса ҳам, лекин бу эр-хотинларнинг айна масаладаги ҳар бирига хос турку тароватини фош этиб, уларни қонун қармоғига илинтириш учун ҳали яна анчагина далилу исбот керак эди. Лекин хаёлим бутунлай бошқа нарсада бўлиб қолган. Зудлик билан миссис Клементсга учрашишдан мақсад, ҳеч бўлмаганда, сэр Персивал сирини фош этишга андак йўл топиш экан, мени ҳали ўша зафар қирғоғига элтувчи йўлга солиб юборгудек бирон нарса айтмаганди. Назаримда, яқиндагина унинг бошига тушган мусибатларни эслатишдан кўра бошқа вақтлар, кишилар ва воқелиқлар ҳақидаги хотираларини уйғотиш пайига тушишим керак эди. Шунинг учун ҳам энди ўша мақсадларимни назарда тутиб сўз очдим:

– Қани энди бу оғир мусибатингизда сизга малҳам бўла олсам. Ҳамдардлик билдиришдан бошқа иложим йўқ. Анна ўз фарзандингиз бўлганида ҳам, миссис Клементс, унга шунчалар илтерламаот қилмаган бўлардингиз, унинг учун жонингизни тикиб, шунчалар саргардон бўлмасдингиз.

– Бунинг нима фарқи бор, сэр, — деди миссис Клементс самимият билан. — Бечора менга ўз боламдай бўлиб қолганди. Унга болалигиданоқ энагалик қилиб, сэр, ўз қўлим билан катта қилгандим. Уни оёққа тургазишнинг ўзи бўлмаган. Уни ўзим йўрғаклаб, ўзим тетапоя қилдирмаганимда эди, ундан айрилиб қолганимга шунчалар куймасдим. Ўз бола-чақам бўлмагани учун ҳам, менга уни овунчоқ қилиб берган, деб юрардим. Энди ундан ажралиб, ўткан кунлар хаёлимдан нари кетмай қолди. Ёшим анчага бориб қолган бўлса ҳам, уни ўйлаб йиғлаганим-йиғлаган. Кўз ёшим оққани-оққан, сэр!

Миссис Клементс ўзини бир оз босиб олсин, деган ниятда андак сабр қилдим. Бу меҳрибон аёл хотирасида намоён бўлган илк ҳаёти мен излаётган нурнинг ҳали олис-олисларда милтиллаётган гира-шира учқуни эмасмикин?

– Миссис Катерикни Анна туғилмасидан илгари ҳам танирмидингиз? — сўрадим.

– Танишганимизга ҳали кўп бўлмаганди, сэр, тўрт ойдан ошмаганди. Ўша вақтлар жуда кўп учрашганимизу, лекин ҳеч қачон дўстона муносабатда бўлмаганмиз.

Шу жавоб оғзидан чиқдию, овози ҳам меъёрига туша бошлади. Унинг хотиралари қанчалик оғир бўлмасин, назаримда, анчадан бери алам-изтироб ўтидан чиқмай қолгани туфайли, ҳатто ўтмишнинг гира-шира ташвишларини хаёлга олиш ҳам унга ғайри шуурий таскин бераётгандек эди.

– Миссис Катерик билан кўшни эмасмидингиз? — деган савол билан ўша дамлар хотираларини эслатишга уриниб кўрдим.

– Шундай, сэр, кўҳна Веллингҳамда кўшни эдик.

– Кўҳна Веллингҳамда? Ундай бўлса, Ҳемпширда шу ном билан аталган иккита жой бор эканда?

– Нима десам экан, сэр, ўша вақтларда — аниқроғи, бундан йигирма уч йил аввал шунақа бўлиб қолганди. Икки мил четроқ — дарёга яқин ерда янги шаҳарча бунёд этилди. Каттароқ қишлоқ ҳисобидаги Кўҳна Веллингҳам эса кейинча хувиллаб қолди. Ўша янги шаҳарчани ҳозир Велмингҳам дейишади. Лекин ўша ердаги маҳаллий ибодатхона ҳанузгача ўз қавми ибодатхонасилигича

қолган. У бузиб юборилган ёки нураб кетган уйлар ўртасида қаққайиб турибди. Ўша ерларнинг бунчалик харобазорга айланиб кетишини кўрарман, деб ўйламагандим. Бир вақтлар – ўша мен яшаган пайтларда Кўҳна Велмингхам кўркам, ажойиб жой эди.

– Ўша ерларда турмушга чиққунингизгача яшаганмисиз, миссис Клементс?

– Йўқ, сэр. Мен Норфолкликман. Менинг эрим ҳам у ерлик эмас эди. Сизга айтганимдек, у Оримсбилик бўлиб, ўша ерда унинг ўз устахонаси бор эди. Жануброқда дўстлари бўлганидан, янги шаҳар бунёдга келганини эшитиб, Саузхемртонда тижоратга киришиб кетди. Чакана ишлар билан шуғулланса ҳам, омади юришиб, кейинча Кўҳна Велмингхамда туриб қолди. Турмуш қурганимиздан кейин мен ҳам у билан ўша ерга кетдим. Иккаламиз ҳам ёш эмасдигу, лекин бахтиёр эдик, Кўҳна Велмингхамга биздан бир-икки йил кейинроқ келишган қўшнимиз эру-хотин Катериклардан дурустроқ умргузаронлик қилардик.

– Эрингиз уларни илгари ҳам танирмиди?

– Катерикни танирди, сэр, хотини билан эса таниш бўлмаган. Бу жувон иккаламиз учун ҳам нотаниш эди. Қандайдир бир жентельмен Катерик ишларига аралашиб, у Велмингхамдаги ибодатхона клерки этиб тайинлангач, бизга қўшни бўлиб келиб қолган. У билан бир ёш қаллиғи ҳам келган (улар эндигина турмуш қуришган экан). Бир оз вақт ўтгач у жувоннинг Саудхамптон яқинидаги Варнек Холлда истиқомат қилувчи бир оила соҳибасига дастёрлик қилишини эшитдик. Катерикнинг бу жувонга уйланиши осон бўлмаган экан, чунки у ҳаддан ташқари такаббур экан. Катерик бу қизга қайта ва қайта муҳаббат изҳор этиб, унга турмушга чиқишини таклиф этган экан, лекин таклифини рад этавергач, ундан умидини ҳам узган экан. Катерик бу савдодан воз кечганидан кейин эса, ҳеч қандай сабабу синоатсиз, ўша қиз ўз хоҳиши билан унга мойил бўлиб келган экан. Бечора эрим, ҳар вақт, ўша пайтлар бу жувонга сабоқ бериб қўйиладиган вақти эди, деб юрарди. Лекин Катерик қаллиғига бўлган чексиз муҳаббати туфайли, бундай сабоқ беришга ожиз эди – на никоҳларигача ва на никоҳларидан кейин ҳам қаллиғи раъйини қайтармаган. У ҳис-туйғуга тез берилиб кетадиган елўпкароқ киши бўлиб, ўша эҳтирослари туфайли, ҳушига келган томонга йўрғалайверарди. Мабодо дурустроқ қаллиққа учраб қолганида, ўша миссис Катерикдан дурустроқ қаллиғини ҳам бошига чиқариб қўйган бўларди. Биров ҳақида игво юритишни ёқтирмайману, сэр, у фақат ўз хоҳишича иш тутадиган бемехр

аёл эди — олифталик билан кўз-кўз бўлиб юриш шайдоси, Катерикнинг одатдаги хушмуомалалари эвазига ҳатто яқиндагина унга нисбатан бўлган сохта хушомадини ҳам тарк этиб юборганди. Улар бизларга қўшни бўлиб келишган дастлабки пайтларда эрим бундай муносабатнинг охири вой бўлади, деб ўйлаётганини айтган эди, унинг сўзлари ҳақиқат бўлиб чиқди. Бизларга қўшни бўлиб келишганига ҳали тўрт ой бўлмасданоқ уларнинг оиласида машъум можаро бошланиб, турмушлари аччиқ кўйди-чиқди билан якунланди. Менимча, иккаласи ҳам бир-биридан қолишмас — иккаласи ҳам баббаровар гуноҳкор эди.

— Эру-хотин иккаласи ҳам гуноҳкор, демоқчимисиз?

— Иййе, йўғе, сэр! Катерикни назарда тутаётганим йўқ, У аянчли аҳволга тушиб қолганди. Мен унинг қаллиги билан ўша кишини назарда тутгандим...

— Ўша можаро бошлаган кишиними?

— Шундай, сэр. Катта даргоҳда дунёга келиб, тарбия кўрган бир жентельмен ор-номус нималигини ҳам билмади-я. Сиз уни танийси сэр. Менинг бечора Аннагинам ҳам уни жуда яхши биларди.

— Сэр Персивал Глайдми?

— Худди шундай, сэр Персивал Глайд.

Юрагим ўйнаб кетди, тузоқ ипи қўлимга тушди, деб ўйладим. Ўшанда мени чалкаш йўлларга соладиган лабиринтларнинг яна қанчадан-қанча сирли сўқмоқлари борлигини ҳалигача хаёлимга ҳам келтирмаган эканман!

— Ўша пайтларда сэр Персивал яқин атрофингизда яшармиди? — сўрадим.

— Йўқ, сэр. У биз томонга келганида ҳеч ким уни танимасди. Отаси ўшандан сал илгарироқ чет элда оламдан ўтган экан. Унинг мотамсаролиги эсимда. Балиқ овига ишқивоз жентельменларга тўлиб кетадиган дарё бўйидаги чоғроқ меҳмонхонага тушганди. Дастлаб келган пайтлари уни ҳеч ким ҳам танимас, Англиянинг жаъмийки даҳасидан дарёмизга балиқ ови учун келадиган жентельмен мусофирларнинг кўзга ташланиши оддий ҳол эди.

— Анна таваллудидан илгари ҳам қишлоғингизда кўриниб турармиди?

— Шундай, сэр. Анна 1927 йил июнь ойида туғилган, у эса, назаримда, апрельнинг охири ёки майнинг бошларида келган.

— Ҳеч ким танимайдиган бир мусофир сифатида келганмиди? Уни, худди бошқалардек, миссис Катерик ҳам танимасмиди?

— Дастлаб биз шундай, деб ўйладик, сэр. Лекин машмаша чиқ-
қач, ҳеч ким бунга ишонмай қўйган. Ўша машмаша нимадан бош-
лангани шундоққина кўз ўнгимда турибди. Бир куни кечаси Ка-
терик боғимизга кириб, деразамизга шундоққина йўлдан олган
бир сиқим майда шагал аралаш қум сепиб бизни уйғотди. Эрим-
нинг пастга тушиб, у билан гаплашиб қўйишини ўтиниб илти-
мос қилгани ҳамон эсимда. Улар айвонда анча вақт гаплашиб
туришди. Эрим тепага қайтиб чиққанида дир-дир титрарди. У ка-
лавот чеккасига ўтириб, менга: — Лизи! Анави аёлнинг бадхулқ-
лигини айтмасмидим, — охири бахайр бўлмаслигини айтмасми-
дим, янглишмаган эканман. Мана, ишнинг пачаваси ҳам чиқиб-
ди. Катерик хотинининг тортмасидан анчагина тўр ҳошиялик
рўмолча, иккита қимматбаҳо узук, янги олтин соату занжир то-
пиб олибди. Бунақа нарсалар фақат бойвачча бонулардагина бўла-
ди, хотини эса уларни қасрдан олганини айтмаётган эмиш, —
деб қолди.

— «Хотиним буларни ўғирлаб олган бўлса керак» деб ўйляяп-
тими? — дедим.

— Йўқ, — деди у. — Ўғирлик ўзи ёмон одату, лекин бундан ҳам
бадтарроқ, бунақа буюмларни ўмаришнинг ҳам ўрни йўқ. Имко-
ни бўлганда ҳам, олишга журъат этолмасди. Улар совға, Лизи.
Соатнинг ич томонига ҳатто унинг исму зоди ҳарфлари ўйиб ёзил-
ганмиш. Катерик унинг ўша мотамсаро жентлмен сэр Персивал
Глайд билан худди қари қизлардек пинҳона шакаргуфторлик қил-
ганини ўз кўзи билан кўрибди. Бу ҳақда бировга оғиз очиб ўтир-
манг. Катерикни сал ҳовуридан тушуриб қўйдим. Ҳозирча тилини
тийиб, атрофга кўз-қулоқ бўлгани ҳолда қатъи қарорга келгуни-
гача бир-икки кун сабр қилишини тайинладим.

— Менимча, иккалангиз ҳам янглишасиз, — дедим. — Ўзи бу
ерда тўққизи тахт бойвуччалардек яшаб турганда сэр Персивал
Глайддек бир мусофирга илакишиб қолиши ақлга сигмайди.

— Ий-йе, бу таннозга у мусофирмиди? — деди эрим. — Бу жу-
воннинг Катерикка қандай илашиб қолганини унутибсиз. У ишқ-
ивозлик билан оғиз очганида қайта-қайта наҳ уриб ноз қилган
ойимча кейин ўз холича унга тегиб олган. Кўнгли пок шайдола-
рига турмушга чиқиши биланоқ уларни лақиллатиб, ўзларини
мопора кўрсатиб, юрадиган енгил табиат жувонлар озми. Миссис
Катерик ўша тоифа жувонлар тубанидан ҳам тубанроқ бўлмаса,
деб кўрқаман. Ҳали бу аён бўлади, — дерди эрим. — Тездаёқ аён
бўлади. Ҳақиқатан ҳам, орадан икки кун ўтмаёқ аён бўлди.

Миссис Клементс гапини тўхтатиб, андак хаёл суриб қолди. Мен эсам ўша дақиқада ҳам фақат бир нарсани ўйлардим — менга аён бўлиб қолгандек туюлаётган калаванинг учи, ҳақиқатан ҳам, мени сирли сўқмоқ ниҳоясидаги асосий жумбоққа олиб боришига шубҳалана бошладим. Эркаклар хиёнатия аёллар кўнгли бўшлигидан бошқа нарса бўлмаган бу оддий, ўша оддий воқеа бутун умр бўйи сэр Персивал Глайдни таҳликага солиб келаётган жумбоқни фош этувчи калит бўла олармикин?

— Шундай қилиб, сэр, Катерик эримнинг маслаҳатига кўниб, сабр қилди, — сўзини давом эттирди миссис Клементс. — Сизга айтганимдек, унинг узоқ кутишни ҳам ҳожати бўлмади. Эртасига хотини билан сэр Персивалнинг ибодатхона ридохонасида ҳеч кимдан тап тортмай бемалол пичирлашиб туришгани устидан чиқиб қолибди. Ридохона атрофида уларни ҳеч ким пайқамайди, деб ўйлашган бўлсалар керак-да. Лекин, нима бўлганда ҳам, улар ўша ерда қўлга тушишибди. Сэр Персивал саросимага тушиб, ҳижолат чекканидан бўлса керак, гуноҳкорона бир қиёфада ўзининг айбсизлигини уқтира бошлабди. Бечора Катерик эса (унинг тажанлигини сизга айтиб ўтган эдим) ўз номуси поймол бўлганидан жунбушга келиб, сэр Персивалга ташланибди. Уни бадном қилган рақибига бас келгудек холи бўлмагани учун (афсуски, шундай дейишга тилим борди) то тўс-тўполондан хабардор бўлиб йиғилганлар уларни ажратишгунларича кўпчилик олдида роса таъзирини ебди. Бу можаро кечга яқин содир бўлган экан. Эрим қош қорайиши олдида Катерикларникига борганида у кетиб қолган экан. Қаерга кетганини қишлоқда ҳеч ким билмайди. Кейинча ҳам уни ҳамқишлоқларидан биронтаси учратмаган. Ўша вақтгача Катерик хотинининг асосан нима мақсадда унга турмушга чиққанини аниқ англаган бўлса ҳам, лекин сэр Персивал билан орада ўтган можародан кейин эса ўзининг қанчалик заифлиги ва беобрўй бўлганини ҳам сезган. Ибодатхона руҳонийси ўз иши ва дўстларини тарк этмаслик учун қайтиб келишини илтимос қилиб, газетада эълон чиқарган. Лекин, назаримда, сэр, сиркаси сув кўтармаганидан, бошқаларнинг айтишларича, виждони ва гурури йўл қўймаганидан, қўниқўшнилари билан яна юзлашиб, нафсоният таҳқирида умр ўтказишга кўнгли дов бермаган. Эрим, аввало, унинг Англияни тарк этгани, кейинча Америкада жойлашиб, ишлари юришиб кетганидан хабардор бўлган. Менимча, у ҳозир ҳам ҳаёт, ўша ерда истиқомат қилади. Лекин турфа ҳамқишлоқларидан биронтаси,

айниқса, енгил табиат хотини энди у билан умрбод дийдор кўришишмасалар керак.

– Сэр Персивал нима бўлди? – суриштирдим. – У шу атрофда қолавердимиз?

– Йўқ, сэр. Бу ердагилар олдида юзи шувит бўлиб қолганди. Можаро содир бўлган кеча, айтишларича, у миссис Катерик билан анча гавғолашиб, эртасига эрталаб гумдон бўлибди.

– Миссис Катерикчи? У ҳам ҳамқишлоқлари олдида шармандаси чиққач, жўнаворган бўлса керак.

– Йўқ, сэр, яшайверди. Кўни-қўшнилар гапу сўзларини парвосига ҳам келтирмай, пинагини бузмай юраверди. Ҳатто, дуч келганки одамга (руҳонийдан фаррошгача) «мен бемаъни англашилмоқчилик қурбони бўлдим. Бутун игвогар аҳли йиғилганда ҳам, мени нопокка чиқариб, қишлоқдан қувғин қилиша олмайди» — деб айюҳаннос солган. Кўҳна Велмингҳамда яшаган пайтларимда у ҳам ўша ерда эди. Мен кетганимдан кейин, янги шаҳарча қурила бошлаб, ўзига тўқ ҳамқишлоқлар ўша ерга кўча бошлагач, у ҳам, гўё уларга ўчакишиб кўзларига тўганок бўлмоқчидек, янги шаҳарчага кўчибди. Ҳозир ҳам ўша ерда, бамаъни одамлар кўзига ола кўриниб қолган бўлса ҳам, қазо кунигача ҳеч қаёққа кетмоқчи эмас эмиш.

– Лекин шу йиллар ичи у қандай тирикчилик ўтказди? – савол ташладим. – Эри унга ёрдам бергудекмиди, шунга рағбати бормиди?

– У ўзига тўқ одам, ёрдамлашмоқчи ҳам бўлган, сэр, — деди миссис Клементс. — Эримга йўллаган иккинчи мактубида бу жувон менинг фамилиямда қолиб, унинг хусусий уйида яшаркан, ҳар қанча енгилтак бўлса ҳам, кўчада қолган гадодек оч қолмасин, деган. Нафақа йўллаб туриш имконияти борлигини, ҳар ойда бир маротаба Лондонга бориб олиб туриши мумкинлигини ёзган экан.

– Ўша нафақани олиб турганми?

– Сарик чаққасини ҳам олмаган, сэр. Мабодо юзга киргудек бўлса ҳам, Катерикнинг бирор тишлам нонию бирор томчи сувига зор бўлмаслигини айтган. Ҳозир ҳам сўзининг устида турибди. Эрим оламдан ўтиб, ҳамма нарса менга қолгач, Катерикнинг хати ҳам қўлимга тушиб қолди. Ўшанда мабодо зарурат туғилгудек бўлса, менга айтарсиз, деб уни огоҳлантирдим. «Муҳтожлигимни бутун Англия аҳли билса билсинки, лекин Катерик билан унинг бирон бир дўстига тишимнинг оқини кўрсатмайман», дебди у. — «Жавобингизда шуни назарда тутинг. Яна хат ёзгудек бўлса, уни ўшандан хабардор қилинг».

– Унинг ўз жамғармаси йўқмидийкин, нима деб ўйлайсиз?
– Бўлса бордир, лекин кўп эмас, сэр. Гапларида жон бор, айтишларича, бутун харажатларини шахсан сэр Персивал кўта-ради, десам янглишмасман.

Шу жавобдан кейин эшитганларимни ўзимча мулоҳаза қилиб олиш учун бир оз ўйлаиб қолдим. Воқелик яхлит олинганида ҳам, буёғи аниқ – назаримда, ошкора бўлиб қолаётгандек сир томон бир баҳя ҳам силжиш кўринмас, кўзланган мақсадим рўёбга чиқмай, ҳафсалам пир бўлгудек эди.

Шунга қарамай, бу гап-сўзларнинг ҳаммаси ҳам чинлигига шубҳаланиб, унинг замирида бошқа яна бирор асос ётмаганми-кин, деган фикрга келиб қолдим.

Клерк никоҳидаги зинокор хотиннинг эл-юрт олдида шарман-даси чиққанига қарамай, ҳеч кимдан тап тортмай бош кўтариб юришини танамга сингдиролмасдим. Бу аёлнинг одамларни ўзининг гуноҳсизлигига иқрор қилдириш учуноқ шундай йўл тутилган, дейиши ҳам гайри табиийроқ туюларди. Назаримда, бундай хатти-ҳаракатлари бир томондан, ўзи таъкидлаганидек, табиий туюлса ҳам, айни вақтда ўз ихтиёри ўзида бўлмаса керак, деган фикрга ҳам борардим. Бордию, ўз эрки ўзида бўлмаса, уни Велмингҳамда туришга мажбур қилаётган кимикин? Жавоби ҳам аниқ – унинг харажатларини кўтарадиган киши. Бу жувон эрининг кўмагидан воз кечган экан, ўзининг мундоқ бир тирикчилик ўтказгудек кўр-кути ҳам йўқ, ҳатто, биронта дугона тутмаган сўққабош беҳаё аёл бўлса, кимдан ҳам ёрдам олиши мумкин, ўша йўл-йўриқ кўрсатиб турувчи сэр Персивал Глайддамасмикин?

Шу хаёлга бордиму, дилимдан нари кетмай қолган бир фикр, у ҳам бўлса, миссис Катерик ўша сирдан хабардорлиги асосида унинг Велмингҳамда туришидан сэр Персивалнинг манфаатдор эканлигини шу заҳотиёқ англаб олдим, чунки унинг феъл-атвори-га кўра ўша ерлардаги аёлларнинг биронтаси ҳам у билан гаплашмас, бу эса унинг шакаргуфторлик пайтларида қадрдон дўстлари ҳақида оғзидан гуллаб қўйиш имкониятидан маҳрум этарди. Лекин шунчалик хаспўшланаётган ўша сир нимаикин? Миссис Катерикнинг эл оғзига тушиб шармандасини чиқарган ўша сэр Персивал билан бўлиб ўтган муносабат эмас, албатта, чунки кўни-қўшниларнинг ҳаммаси ҳам бундан хабардор эдилар. Уни Аннанинг отаси, деб гумон қилиниши бўлса керак, деб ҳам бўлмасди, чунки бу миш-мишлар айнан мана шу Велмингҳамнинг ўзгинасидан тарқалиши эҳтимолдан холи эмасди.

Мабодо менга тавсифланган гуноҳкорлик шак-шубҳаларини бошқалардек қабул қилгудек бўлсам, ўша воқеаларга биноан Катерик жаноблари билан унинг қўни-қўшниларидек юзаки хулоса чиқаргудек бўлсам, у ҳолда эшитганларим асосида юзага келган хулоса – сэр Персивал билан миссис Катерик ўрталарида шу вақтгача пинҳон тутилиб келаётган машъум сир қаерда қолади? Ҳар ҳолда, машъум сирнинг калити Клеркнинг хотини билан «мотамсаро жентельмен» ўрталарида бўлиб ўтган ўша хуфиёна учрашувлардаги, ноўрин пичирлашувларда эканига шак-шубҳа йўқ эди.

Бу можаролар ташқи кўриниши билан бир маъно англатса ҳам, аслида, унинг замирида бошқа маъно яширинмаганмикин? Миссис Катерикнинг аянчли англашилмовчилик қурбони бўлдим, деб айюҳаннос солиши айна ҳақиқат бўлиб қолмасмикин? Ё бўлмаса, бу жувоннинг ёмонотлиғ бўлиб қолиши сэр Персивалга қўл келиб, ўша миш-мишларни сохталигича қолдириш тубида бошқа бир мушкулроқ жиноят ётмаганмикин? Сэр Персивал зиммасидаги ҳақиқий гумонни ўзидан нари қилиш учун сохта гумон билан юришни афзал кўрмаётганмикин? Ҳозиргина мен эшитган шунчаки бир воқелик замирида ётган сирни очиш учун, агар уни уддасидан чиққудек бўлсам, ана ўшани аниқлашим керак эди. Навбатдаги саволим Катерик жаноблари ўз хотини бевафолигига ҳақиқатан ҳам ишонган-ишонмаганини аниқлашга боғлиқ эди. Миссис Клементсдан олинган жавоблар бу борада иккиланишга ўрин қолдирмади. Миссис Катерик, ҳали қизлигидаёқ, аниқ далилларга кўра, номаълум бир киши билан бўлиб, номига доғ тушириб қўйгач, ўз шаънини оқлаш мақсадида турмушга чиққан экан. Иги-жигини суриштиришимнинг ҳожати ҳам бўлмади, вақт ҳисобию тегишли жойлар назарда тутилгудек бўлса, эрининг номидаги қизи, аслида, Катерикнинг қизи эмаслиги аниқ экан.

Мени қизиқтирган кейинги масалани ёритиш – Аннанинг ҳақиқий отаси сэр Персивал бўлса керак, деган гапларни очиқ-ойдин қилиш анча қийин бўлди. Мен у томонга ҳам, бу томонга ҳам оғмай, миш-мишларга холис баҳо беришим керак, бунинг учун эса шахслар қиёфасини таққослашдан бошқа илож йўқ эди.

– Сэр Персивал қишлоғингизда юрган пайтлари уни тез-тез кўриб турган бўлсангиз керак? – дедим.

– Шундай, сэр, ўйлаганларидан ҳам кўпроқ кўриб турардим. – жавоб берди миссис Климентс.

- Анна унга ўхшаброқ кетадигандай туюлмаганми сизга.
- Анна унга мутлақо ўхшамайди, сэр.
- У ҳолда онасига ўхшайдими?
- Онасига ҳам ўхшамайди, сэр. Миссис Катерик қорачароқдан келган бўлиб, юзлари ҳам дўмбоққина эди.

Онасига ҳам ва (тахминий) отасига ҳам ўхшамас экан. Шахслар қиёфасидаги ўхшашликка кўра қондошликни белгилаш анча асоссиз туюлса ҳам, лекин, айти вақтда, ундан бутунлай воз ҳам кечиб бўлмасди. Бу борада миссис Катерик билан сэр Персивалларнинг Кўҳна Велмингҳамга келишганига қадар ўтган ҳаётига оид бирор ишончли фақт топиб, далил-исботларни асослаш имкони бўлармикин? Кейинги саволларимда шуларни назарда тутдим.

– Сэр Персивал дастлаб сиз тарафларда пайдо бўлганида – дедим. – қаердан келгани қулоғингизга чалинмаганмиди?

– Йўқ, сэр. Баъзилар Блэквоутер Паркдан, бошқа бировлар Шотландиядан дейишди, лекин анигини ҳеч ким билмайди.

– Миссис Катерик турмушга чиққунигача Варнек Ҳоллда хизмат қилиб турармиди?

– Шундай, сэр.

– У ерда кўпдан бери ишлармиди?

– Уч ёки тўрт йил бўлганди, сэр, лекин аниқлигига кафолат беролмайман.

– Ўша вақтларда Варнек Ҳолл соҳиби кимлиги қулоғингизга чалинмаганмиди?

– Қулоғимга чалинган, сэр. Исми-шарифлари Мейжор Донтхорн эди.

– Катерик жанобларими ёки сизга таниш кишилардан бошқа биронтасими сэр Персивал Мейжор Донтхорннинг дўсти эканлигини ёки сэр Персивални Варнек Холл атрофида учратишганини эшитишмаганмикин?

– Катерик бу ҳақда огиз очмаган, сэр, хотирамдан нолимайман, танишларимдан ҳеч ким бу ҳақда гапирмаган.

Мейжор Донтхорн ҳаёт бўлса керак, вақти келиб у билан учрашиб ҳам қоларман, деган умидда унинг исми билан турар жойини ёзиб олдим. Айти вақтда, сэр Персивал Аннанинг отаси, деган хаёлларим ҳам пучга чиқиб, унинг миссис Катерик билан хуфия суҳбатлари бу аёлнинг ўз эрига хиёнат қилиб, унинг номига доғ туширишга мутлақо алоқаси йўқ, деган хулосага келдим. Лекин бу фикримни яна ҳам мустаҳкамроқ қилиб олишнинг ҳожа-

ти бўлмаганидан бу борада бошқа суриштириб ўтирмаёқ, миссис Клементс хаёлини энди Аннанинг болалик даврларига буриб, шу йўсинда бирор янгилик чиқиб қолишига умид боғладим.

– Мана шундай зиною тубанликда дунёга келган бечора болакайнинг, миссис Клементс, сизга ишониб тарбиянгизга топшириб қўйганини эшитсак бўлармикин, – дедим.

– Бу бечора мурғак мавжудотни, сэр, қўлга оладиган одам бўлмади, – гап бошлади миссис Клементс, – гўё бу бечора чақалоқ айбдордек, туғилган куниданоқ силласи қуриган она унга нафрат кўзи билан қарагандай эди-я! Чақалоққа раҳмим келарди, шунинг учун ҳам уни ўз боламдек кўриб, меҳр билан тарбиялашни таклиф этдим.

– Анна ўша вақтдан бери бутунлай сизнинг тарбиянгизда қолдими?

– Бутунлай эмас, сэр. Вақти-вақти билан миссис Катерик ҳар хил хаёлларга бориб, инжиқлиги тутиб қолар, ўшандай кезларда яхшиликка ёмонлик, деганларидек, болага даъвогар бўлиб қоларди. Лекин унинг бундай хурмача қилиқлари узоққа чўзилмасди. Бечора чақалоқ Аннани яна менга олиб келиб беришарди. Анна ҳам, бу ерда бошқа болалардек тенгдошлари билан тўстўполон қилиб ўйнамасдан, зерикиб юришига қарамай, жон-жон деб қайтиб келарди. Бир гал онаси уни Лиммерижда олиб кетиб қолганида анча вақт кўришмадик. Худди ўша пайтда эримдан ажралдим. Шунинг учун ҳам Аннанинг уйда бўлмаганига шукр қилдим. Ўшанда у ўн-ўн бир ўрталарида бўлиб, дарсларини ўзлаштириши ҳам сустроқ эди, беозор бечора, бошқа болалардек қувонч нималигини ҳам билмасди. Лекин ёқимтойгина қизча бўлиб, кўрсангиз яна кўргингиз келарди. Онаси уни қайта олиб келгунча уйда кутиб турдим, кейин уни Лондонга олиб кетишга ижозат беришини сўрадим (тўғриси айтганда, сэр, эрим оламдан ўтгач Кўҳна Велмингҳамда туриш менга оғир бўлиб қолган, назаримда, ҳаммаёқ ўзгариб, бўм-бўш бўлиб қолгану юрагимга ҳеч нарса сиғмасди).

– Таклифингизга миссис Катерик розилик бердими?

– Йўқ, сэр. Шимолдан у илгаригидан ҳам кўрсроқ ва тажангроқ бўлиб қайтганди. Одамларнинг айтишича, Сэр Персивалдан кетишга рухсат сўрашдан бошқа иложи қолмабди; Лиммериждаги ўлим тўшагида ётган опаси хизматида бўлиш учун борган экан, буёғи ҳам бор – ўша бечора жувоннинг анча пул жамғармаси бор, деган гап тарқалган экан. Аслида, дафн маросимига етгулик

пул қолдирибди холос. Шундан ҳам миссис Катерик анча тумтайиб қолган бўлиши мумкин, лекин шу сабаб бўлдим, нима бўлганда ҳам, болани олиб кетишим ҳақидаги гапимни эшитгиси ҳам келмади. Бизларни бир-биримиздан жудо қилиб ранжитиш билан кўнгли таскин топгандек эди. Қўлимдан келгани шу бўлдики, — Аннага адресимни бериб мабодо бошига ташвиш тушиб қолгудек бўлса, тўғри олдимга бораверишини секин унинг ўзига уқдириб қўйдим. Лекин у озодликка чиқиб, яна қайта дийдор кўришгунимизча йиллар ўтди. Уни телбахонадан қочиб чиққан ўша тунгача кўриш насиб бўлмаган эди, бечорагинам-а.

— Сэр Персивал Глайд уни нима учун ўша ерга тиқиб қўйганини биласизми, миссис Клементс?

— Аннанинг ўз оғзидан эшитганимни биламан холос, сэр. Бунинг учун у бечора ўқсиб, нолигани нолиган эди. Унинг айтишича, онаси сэр Персивалнинг қандайдир сирини пинҳон тутиб юриши керак экан, лекин мен Хемпширдан жўнаб кетганимдан кейинроқ Аннага сал ёрилиб қўйибди. Сэр Персивал бундан хабардор бўлиши биланоқ уни ўша ерга тиқиб қўйибди. Ўша сир нималигини сўраганимда, Аннанинг ўзи ҳам аниқ бир нима деёлмаган. У менга бор-йўғи шуни айтганки, мабодо ёмонлик қилгудек бўлса, онаси сэр Персивал умидларини пучга чиқариб, хонавайрон қилиши ҳам мумкин экан. Миссис Катерикнинг оғзидан шунчаки чиқиб кетган бир гап бўлиши ҳам мумкин, бор-йўғи шу. Мабодо Анна ўртадаги ўша сирдан аниқ воқиф бўлганида эди. мен ҳам, албатта бор ҳақиқатни ундан эшитиб, иқрор бўлган бўлардим. Анна ўзича хаёл оғушига берилиб, ўша васвасадарди-ҳасратида юрган, бечора.

Бу фикр менинг хаёлимга ҳам бир неча бор келганди. Граф Фоско қайиқхонада Лаура билан Анна Катерик суҳбатига тўғаноқ бўлганида Лаура муҳим бир кашфиёт олдида турганига ишонгим келмаганини Марианга айтган эдим. Ўзаро суҳбат чогида тасодифан опасининг оғзидан чиқиб кетган ишораларга кўра вужудга келган ғира-шира гумондан кўра дурустроқ асос бўлмаса ҳам, ўртадаги сирдан аниқдан-аниқ хабардор бўлдим, деб ўйлаш, албатта, Аннанинг овсарлик касали натижаси эди. Бу ҳолда, сэр Персивалнинг миссис Катерикка нисбатан ишончини йўқотиш касри унда Анна онасидан ҳамма гапни эшитган, деган сохта фикр туғилишига олиб келган, бу эса энди ўз навбатида, хотини бор гапни Аннадан эшитган бўлса керак деган сохта шубҳага солиб қўйганди.

Вақт ўтиб борар, қуёш ҳам найзага келиб қолганди. Миссис Клементсдан яна мақсадимни амалга оширишда асқотиб қолгудек қўшимча янгилик чиқиши умидида ортиқча вақт ўтказишнинг ўрни йўқ эди. Миссис Катерик яшаган ерлар, оилавий ҳаётига оид кўнглимдагидек маълумотлар бутун икир-чикири билан олинганди, ҳатто, кутилмаганда, бутунлай бошқача хулосага ҳам келгандимки, бу эса ўз навбатида, кейинги режаларимнинг амалга оширилишида раҳнамодек асқотиб қолиши мумкин эди. Кетиш тараддудида ўрнимдан туриб, миссис Клементснинг самимий муносабати ва мени қизиқтирган масалаларнинг аниқланишида дўстона савй-ҳаракатини аямагани учун унга миннатдорлик билдирмоқчи бўлдим.

— Сиз мени жуда майда гап одам экан, деб ўйлагандирсиз, деган таҳликадаман, — дедим. — Керагидан ортиқ саволлар билан бошингизни қотирдим.

— Қўлимдан келса, ҳар вақт хизматларига тайёрман, сэр. Хуш келибдилар, — деди миссис Клементс. Кейин нафаси ичига тушиб, менга маъюс тикилди.

— Кўнглимга малҳам бўлиб, сэр, — деди ўша бечора аёл — қанийди яна Анна ҳақида уч-тўрт оғиз гапириб берсалар. Ичкарига кираётганларида юзларига қараб, бу ҳақда нимадир десалар керак, деб умидвор бўлувдим. Унинг на тирик ва на ўлимидан беҳабарлик азоби қанчалар мушкуллигини хаёлларига ҳам келтира олмайдилар. Хабардор бўлганимда бунчалар куймасмидим. Ўзлари «уни энди қайта кўришлик насиб этмаса керак» дедилар. Тангрининг иродаси билан унинг дорилбақога равона бўлганини аниқ биладиларми, сэр, ростдан ҳам биладиларми?

Бундай даъвога эътироз бўлгудек далил келтиришга ожиз эдим. Унинг умидини пучга чиқаришнинг ўзи одамгарчиликдан эмас, бағритошлик бўларди.

— Бунинг айна ҳақиқат эканлигига шак-шубҳа бўлмаса керак, деб ўйлайман, — дедим мулойимлик билан. — Ўз фикримни очиқроқ айтгудек бўлсам — у бу дунё азоб-уқубатларидан халос бўлган бўлса керак, деб ўйлайман.

Бечора аёл креслога чўкиб кетгандай мункайиб, юзини кафтларига олди.

— Эвоҳ, сэр, — деди у. — буни қаердан биладилар? Ўзларига ким айтган?

— Ҳеч ким айтмаган, миссис Клементс. Бунинг сабабини ди-

лим сезиб турибди. Ўша сабабларни эсон-омон кўрсата олишим биланоқ сизни ҳам улардан хабардор қилишга ваъда бераман. Ҳаётининг сўнгги дамларида у эътиборсиз қолмаганига шубҳам йўқ. Ўзи ҳар вақт хасталигидан нолиб юрарди, уни ўша хасталик олиб кетганига ҳам шубҳам йўқ. Бунга ўзингиз ҳам мендек иқроор бўлиб қолишингиз аниқ. Кўп вақт ўтмаёқ, тезда сиз унинг қишлоқ ибодатхонаси ҳудудидаги сарамжон-сариштали қабристонга — ўзингиз унга раво кўргудек шинамгина оромгоҳга дафн этилганидан огоҳ бўлиб қоларсиз.

— Хазон бўлибдия!.. Нидо қилди миссис Клементс. — Жувонмарг бўлиб кетибди-я, кошки шу сўзларни эшитмасам! Унинг илк чақалоқлик кийимларини ростлаган эдим-а. Уни тетапоя юришга ўргатгандим... Тили чиққач, дастлаб менга қараб «она» деганди-я. Энди мени қолдириб, Аннани олиб кетибди-я! Нималар дедингиз, сэр, — илтижоли нидо қилди бечора аёл рўмолчасини юзидан олиб, бошини кўтарганича биринчи дафъа менга юзма-юз мўлтираб, — Уни расм-русмлар билан дафн этишди, дедиларми? Мотам маросими у ҳақиқатан ҳам ўз фарзандимдек бўлганига яраша ўтказилганми?

Мотам маросими унинг кўнглидагидек ўтганига ишонтирдим. Юз ифодасида хиёл мамнунлик намоён бўлгани тасвирига тил ожиз. Кўнгли андак таскини топиб, чехраси сал очилди. Шунга эришдим.

— Мабодо Анна расм-русмлар билан дафн этилмаганида юрагим эзилиб кетган бўларди. Ҳар ҳолда, ўзлари буни қаердан билдилар, сэр? — деб қолди у. — Ўзлари буни кимдан эшитдилар?

Вақти келиб ўзим айтмагунча сабр қилиши лозимлигини яна бор бор илтижо қилдим.

— Инонинг, сиз билан яна албатта учрашамиз, — дедим. — Бу ғамлардан сал ўзингизни босиб олгач, эҳтимол, бир-икки кундан кейиноқ учрашамиз, ўтинчли илтимосим бор.

— Менинг раъйимга қараб, кутиб ўтирмасинлар, сэр, — деди миссис Катерик. — Нафим теккудек бўлса, йиғи-сигимга қарама-синлар. Дилларида менга айтиладиган гаплари бўлса, сэр, ҳозироқ айтаверсинлар, марҳамат.

— Сиздан фақат сўнгги саволимга жавоб олишдан умидворман, — дедим. — Мени миссис Катерикнинг Велмингҳамдаги турар жойидан воқиф этсангиз.

Илтимосим миссис Клементсни шунчалар талвасага тушуриб қўйдики, ҳатто, ўша дақиқада Аннадан жудолик мотами ҳам ха-

ёлидан кўтарилгандек туюлди. Кўз ёшлари ҳам тийилиб, менга бақрайганича ўтириб қолди.

— Тангри ҳаққи, сэр! — деб юборди у чинқириб. — Миссис Катерикдан нима истайдилар?

— Истагимиз, миссис Клементс, — дедим. — Унинг сэр Персивал Глайд билан шахсий учрашувлари сиридан огоҳ бўлиш. Ўша жувон алоқалари, ўша кишининг у билан муносабатига доир воқеалардан мени хабардор қилганингиздан ташқари, яна қандайдир мавҳумлик бор, ана ўша мавҳумлик на сиз ва на кўшниларингиз хаёлига келган. Иккаласи орасида бирортамизга ҳам маълум бўлмаган сир бор. Ана ўшани аниқлаш учун миссис Катерик билан учрашмоқчиман.

— Бу масалани аввал яхшилаб ўйлаб кўрсалар, сэр, — деди миссис Клементс яна ҳам ҳаяжонланиброқ, кўлини билагимга қўйиб. — У ўта батарин аёл. Уни менчалик билмайдилар. Бу масалани яхшилаб ўйлаб кўрсинлар.

— Бекорга бунчалар ҳадиксирамаётганингизни тушуниб турибман, миссис Клементс. Лекин нима бўлганда ҳам, ўша аёл билан учрашишга аҳд қилиб қўйганман.

Миссис Клементс менга таҳликали бир қиёфада қараб қўйди.

— Қарорлари қатъи эканлигини кўриб турибман, — деди у. Адресини беришим мумкин.

Берилган адресни ён дафтаримга ёзиб, у билан хайрлашиш учун қўл узатдим.

— Яқин кунлардаёқ мenden хабардор бўлиб қоласиз, — дедим. — Сизга берган ваъдаларимга амал қилиб, ҳаммасини айтиб бераман.

Миссис Клементс чуқур хўрсиниб, афсуслангандек бошини сарак-сарак қилди.

— Қариянинг маслаҳатида жон бор, уни инобатга олсалар бўларди, сэр, — деди у. — Велмингхамга бориш олдидан яна бир ўйлаб кўрсинлар.

VIII

Миссис Клементс билан суҳбатлашиб, яна остона хатлаб уйга кирарканман, Лаураинг авзойига кўзим тушиши билан юрагим хапқириб кетди.

Анчадан бери азоб-уқубат ўз исканжасига олиб келаётган мушибат залвори энди унинг метиндек иродасини букиб, ўзини ҳам тамом қилгандек эди. Мариан унга ҳар қанча тасалли бериб,

кўнглини кўтаришга уринмасин, парво қилмай, чизаётган тас-
вирини ҳам ҳафсаласизлик билан бир чеккага суриб қўйиб, бо-
шини ҳам, бармоқларини қучоғи устида мушт қилганича ёзиб
ўтирарди. Хонага киришим билан Мариан ташвишли қиёфада
ўрнидан туриб (Лаура менга эътибор берадимми-йўқми), унга зеҳн
солди-да, «унинг кўнглини кўтаришга уриниб кўринг» деб ши-
вирлаб, ўзи хонадан чиқиб кетди.

Бўш курсига ўтириб, унинг титраб турган озгин, нимжон
бармоқларини оҳистагина ёйиб, қўлларини кафтларим ораси-
га олдим.

— Нималарни ўйлаб қолдингиз, Лаура? Кўнглингизни гаш
қилаётган чигиллар нимакин, азизим, менга айтаверинг.

У андак хаёлга чўмди, кейин бошини кўтариб менга қаради.

— Кўнглим гаш. — деди у. — Хаёлимда фақат бир ўй...

У ёгини гапирмай, бироз ожизлик ўкинчи билан эгилиб бо-
шини елкамга қўйди. Ич-ичимдан унга раҳмим келди.

— Нега кўнглингиз гашлигини айтаверинг, — дедим меҳри-
бонлик билан. — Очиқ айтаверинг.

— Қўлимдан бирор иш келмай, иккалангизга ҳам ортиқча юк
бўлиб қолдим. — деди у ноумидлик билан ожизона уҳ тортиб. —
Сиз ишлаб пул топяпсиз, Валтер. Мариан эса сизга ёрдам бериб
турибди. Наҳотки кўлимдан ҳеч нарса келмаса. Ожиз бўлиб қолган-
ним туфайли, мана кўрасиз, мендан кўра Марианни хуш кўриб
қоларсиз! Уҳ, кўйинглар, кўйинглар, мени ёш боладек лақил-
латманглар!

Унинг бошини оҳистагина кўтариб, тўзғиб кетган сочларини
силагандай юзидан олиб, хаёлимдан «бечора сўлгин гулим! Ҳазон
бўлган гамгузор синглим!» деган фикр хаёлимдан ўтганича ёно-
гидан ўпиб қўйдим.

— Бизга ёрдамлашасиз, Лаура, — дедим. — Азизим, бугунда-
ноқ ёрдалашасиз.

Унинг кўзларида умид учкунлари барқ уриб, менга термилиб
қолди. Сўзларим унга нажот бахш этганини кўриб, тўлқинланиб
кетдим.

Ўрнимдан туриб, унинг сочилиб ётган чизгию дов-дастгоҳ-
ларини тартибга солиб, уларни яна қайта унга яқинроқ суриб
қўйдим.

— Сиз менинг расм чизиш билан пул топишимни биласиз, —
дедим. — Анча азият чекиб, қўлингиз ҳам келишиб қолди. Энди
сиз ҳам ўз меҳнатингиз билан пул топишингиз мумкин. Мана

шу расмчани қўлингиздан келганича бежирим ва кўркам қилиб ниҳоясига етказишга ҳаракат қилинг. Тайёр бўлгач, уни олиб кетиб, ўз ишларим харидорига уни ҳам сотаман. Топганингиз ўзингизда бўлади. Мариан эса умумий харажат учун мендан неча бор пул сўраса, ҳар гал сиздан ҳам олишни канда қилмайди. Бу эса Мариан билан менга қанчалик мадад бўлишини хаёлингизга келтириб кўринг-а, тезда кўнглингиз равшан тортиб, Лаура, олам гулистон бўлади.

Унинг юзига қон югуриб, жилмайиб қўйди. Ўша дақиқаларда, бир чеккага улоқтирилган қаламини қўлга олганида у гўё ўша-ўша илгариги Лаурага ўхшаб кетди.

Юқорида ифодаланганидек, опаси билан менинг куйди-пишди бўлаётганимизни у гайришуурий ҳис эта бошлаган экан, демак, ташқи муҳит инъикоси унинг тафаккурида ўз ифодасини топа бошлаган, бу эса соғайишининг аниқдан-аниқ дастлабки куртакларидан нишонаси эди. Нималар содир бўлганини Марианга айтганимда у ҳам, худди мендек, Лаура бироз бўлса ҳам орият талаб бўлиб қолибди, ўз қадр-қимматига эга бўлиш илинжида экан, деган хулосага келди ва унинг бахтиёр келажагидан нишонадек туюлган бу истагини пайсалга солмай, ўша кундан-ноқ рўёбга чиқариш пайига тушдик. Унинг расмлари чизиб битирилиши биланоқ ёки ниҳоясига етиб-етмасданоқ менга топширила бошланди. Мариан эса уларни мендан олиб, эҳтиёткорлик билан кўздан яшира бошлади. Унинг расм дейишга ҳам арзимас бўзранг чизгилари учун бегоналар томонидан тўланган баҳо сифатида кўрсатиш учун (уларнинг бирдан-бир харидори ўзим бўлганим ҳолда) иш ҳақимдан унга ҳафталик улуш ажрата бошладим. Баъзан у қилинадиган харажатларда ўз ҳиссасини ажратиш учун ҳамёнчасини виқор билан олиб чиқиб, ўша ҳафта ким кўпроқ пул топганини (менми ёки уми) писанда қилиб, самимий таажжубланганларида беғараз қувлигимизни ошқора қилиб қўйишимизга сал қоларди. Ундан хуфия тугилган ўша расмларнинг ҳаммаси ҳозир менинг ўзимда — улар бебаҳо бойликларим, ўтмишнинг мусибатли дамларида менга ҳамроҳ бўлиб, қалбимдан умрбод жой олган ва ҳамон меҳримни товлаб турувчи дўстларимдан хотира.

Олдинда қанчадан-қанча вазифалар ясланиб ётганида сафсата сотмаяпманмикин? Ҳикоямда тафсилотдан ҳали ниҳояси кўринмаган бахтиёр онлар сароб эмасмикин? Барибир, орқага — руҳим ўз ҳаёти учун курашган дамларга, мавҳум ва хатарли

кунларга, чексиз шубҳа сукунатига қайтамыз. Мақсад йўлига чиқишдан олдин бироз тин олиб, хордиқ чиқаришга муяссар бўлдим. Мабодо ушбу саҳифаларни ўқиётган дўстларимиз ҳам тин олиб, хордиқ чиқаришган бўлсалар, демак, вақт зое кетмабди, деб ҳисоблайверинг.

Мариан билан бақамти гаплашиб олиш имконияти тугилиши биланоқ ўша куни эрталабки суҳбат — суриштириш натижаларидан уни хабардор қилдим. Велмингхамга бориш масаласидаги таклифим бўйича миссис Клементс фикрига қўшилгандек бўлди.

— Очигини айтганда, Валтер, — деди у, — миссис Катерик ҳақида қиттайгина тасаввурингиз йўқлигидан, унинг сиру аспоридан воқиф бўлишга хомтамаъ бўлмаясизмикин? Мақсадингизга эришиш учун аввало, иложи борича, оддийроқ ва хавфсизроқ чоралар кўрмай туриб, бирдан шунақа ўта жиддий ишга қўлиши оқилонамикин?

Лауранинг аниқ қайси куни йўлга чиққанини фақат икки киши, у ҳам бўлса, сэр Персивал билан графгина билишлигини айтганингизда, буни аниқ биладиган яна учинчи шахс ҳам борлиги сизнинг ҳам, менинг ҳам ёдимдан кўтарилибди. Миссис Рубеллени назарда тутяпман. Ахир, сэр Персивални тан олишга мажбур қилишдан кўра, шу аёлнинг иқдор-эътирофига эришиш осонроқ ва хавфсизроқ эмасмикин?

— Буниси осонроқ бўларди-я, — эътироз билдирдим, — лекин миссис Рубелленинг бу фитнадан манфаатдорлигию лақмалик икир-чикирларини тўлиқ билмаймиз-да. Шунинг учун ҳам ўша кун, сэр Персивал билан графнинг миясига қуюлиб қолганидек, унинг хотирасида турганига ҳам ишонч йўқ. Сэр Персивал ҳаётидаги бирдан-бир нозик жойини аниқлаб олишда миссис Рубелле қанчалик қўл келмасин, энди бу ҳақда у билан овора бўлишга анча кеч ҳам бўлди. Лекин Ҳемпширга бориб, йўлиқишим эҳтимолдан холи бўлмаган хавфи-хатарларни, Вариан, андак ўйлаб гапираяпсизми ё муболағаси ҳам борми? Ё сэр Персивал Глайднинг таъқибларимга чидаёлмай ён беришига шубҳаланиб қолдингизми?

— Сиздан устунроқ келолмайди? — деди у ишонч билан. — Чунки гапининг субути йўқ граф сизни таъқиб этишда унга кўмаклашмай қўйиши мумкин.

— Нима сабабли шу хулосага келдингиз? — сўрадим ундай хайрон бўлиб.

– Сэр Персивалнинг қайсарлиги-ю, унинг граф назоратига тоби йўқлигидан шу хулосага келдим – деди у. – Илгари ҳам Блаквоутер Паркда бир ўзим шуғулланаман деб туриб олганидек, сиз билан ҳам бир ўзиёқ олишишга жазм қилиб қолади. Графнинг аралашадиган вақти келганида сэр Персивал тақдири сизнинг қўлингизда бўлган бўлади. Унинг шахсий манфаатлари хавф остида қолганидан, Валтер, у ўз фойдасини кўзлаб ножўя қадам ташлайди.

– Унинг шаштини олдинроқ қайтариб қўйишимиз ҳам мумкин? – дедим. – Миссис Клементедан эшитилган баъзи бир икирчикирлар унга зид бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас, бу масалада бизга қўл келадиган бошқа бир далилни ҳам қўлга кириштишимиз мумкин. Миссис Михелсоннинг сўзларидан маълум бўлишича, унинг нияти граф Фэрли жаноблари билан шахсан учрашиб, у билан гаплашиб олиш, демак, айтиш ишларда ўзининг шармандасини чиқаргудек вазият туғилиб қолиши ҳам мумкин. Мен йўлга чиққач, Мариан, Фэрли жанобларига хат ёзиб, у билан граф орасида нима гаплар ўтганини, айтиш вақтда жияни ҳақида хаёлидан нимаики ўтган бўлса, ҳаммасини бутун тафсилоти билан маълум қилишини илтимос қилинг. Мабодо ушбу саволларингизга ўз ихтиёри билан жавоб беришга ҳафсаласизлик қилгудек бўлса, барибир, эртами-кечми шундай маълумот беришга мажбур бўлиб қолишини огоҳлантиринг.

– Шу мазмундаги хат ёзилади, Валтер. Лекин сиз ҳақиқатан ҳам Велмингхамга бориш ниятидамисиз?

– Фикрим қатъи. Икки кун шу ҳафта харажатига етқулик пул ишлаб қўйиш билан овора бўламан-да, учинчи кунни Хемпширга жўнайман.

Учинчи кун, ҳақиқатан ҳам, сафарга тайёр эдим. Сафарим сал чўзилиброқ қолиши эҳтимолдан холи бўлмаганидан, Мариан билан ҳар кун хат ёзиб туришни келишиб олдик. Балодан ҳазар, деганларидек, бир-биримизга хуфия номларда мурожаат қиладиган бўлдик.

Ундан узлуксиз хат олиб тургудек бўлсам, хавотирланишнинг ҳожати йўқ. Хотиржам юраверишим мумкин. Лекин тонг отиб, хат келмай қолгудек бўлса, албатта, биринчи поезд биланоқ Лондонга қайтишим керак эди. Лаурага эса у билан ўзим чизган расмларимизни харид қиладиган мижоз излаб қишлоққа кетаётганимни айтиб, кўнглини тўқлаб қўйдим. Кетаётганимда унинг руҳи очиқ, иш билан овора бўлиб қолди. Мариан эса мени пастга – кўча дарвозасигача кузатиб тушди.

– Жонимизни ҳовучлаб ўтиришимизни унутманг, — шивирлади у йўлакда турганимзда. — Бутун умидимиз сизнинг эсон-омон келишингизга боғлиқ эканини унутманг. Мабодо ушбу сафарингизда бирорта ножўя воқеа содир бўлиб қолгудек бўлса, мабодо сэр Персивал билан учрашиб қолгудек бўлсангиз...

– Нега энди бизни учрашиб қолар, деган хаёлга боряпсиз? — сўрадим ундан.

– Билмасам, дилимга гулгула тушиб, ҳар хил хаёлларга бораяпман-да, сабабини ўзим ҳам билолмайман. Хушласангиз, Валтер, улар устидан қулаверинг, лекин, тангри ҳаққи, ўша киши билан гаплашишга тўғри келиб қолгудек бўлса, ўзингизни босинг.

– Хавотирланманг, Мариан! Тажанглик қилмаслик пайида бўламан.

Шу сўзлардан кейин ажралишдик.

Вокзал томон илдам юриб кетдим. Дилимда умид учқуни барқ урарди. Хаёлимдан бир фикр нари кетмас — бу галги сафарим зое кетмаслигига аниқ ишонардим. Мусаффо тонг ҳавоси анча салқин, атроф сокин эди. Асабларим ҳам рисоладагидек жойида, лекин бутун вужудим (бошдан оёқ) қатъи қароримга саффарбар этилиб, ўшанга талпинаётгандек эди.

Вокзал саҳнини кесиб ўтаётиб таниш-билиш кўриниб қолармикин, деган хаёлда ўнгу-сўлга қараб тўпланганларга разм соларканман, Ҳемпширга жўнаш олдидан қиёфамни ўзгартириб олсам, дурустроқ бўлмасмидийкин, деган фикр хаёлимга келди, лекин шу ондаёқ бу хаёлимдан воз кечишимга тўғри келди. Ахир, қиёфанинг сал ўзгартирилиши ҳам жосус ва айғоқчиларга хос хатти-ҳаракат эди. Ҳатто, фавқулудда шунга эҳтиёж туғилиб қолганда ҳам, бундай хатти-ҳаракатга ишонч йўқ эди. Мабодо шу тажрибани уйда ўтказгудек бўлсам, эртами-кечми соҳибхона бундан огоҳ бўлиб қолиб, менга нисбатан унда шубҳа туғилиб қолиши турган гап. Мабодо бундай қалбакиликни уйдан четроқда амалга оширгудек бўлсам, тасодифан, таниш-билишлар кўзига тушиб, ўзимга нисбатан уларни гумонсиратиб қўйишим мумкин, бундай ҳолга йўл қўйиб бўлмасди. Фейл-атворимнинг ўзи шу эди, бундан кейин ҳам уни ўзгартирмай, ўз холича давом эттиришга қарор қилдим.

Велмингхамга тушлик чоғи етиб келдим. Англия қишлоқ музофотларида эндигина қад кўтараётган ёки гуркираб ривож топиш арафасида турган шаҳарчанинг дастлабки нохуш манзараси билан киши таъбини тирриқ қилишида Арабистон сахрола-

рининг бирон-бир хувиллаган қумтепасию Фаластин харобаларини кесиб ўтган кимсасиз йўлаклари рақобатлаша олармикин? Велмингхамнинг маълум шаклу-шамойилда сумбатдек чўзилган, кимсасиз кўчаларидан ўтарканман, ўзимга ўзим шу саволни бердим. У ер-бу ерда сўппайган дўконларида орқамдан анграйиб қолишаётган ҳунармандлар, ҳали меъёрига етказилмаган майдонлару ёйсимон хиёбонларда сувсираб қадди букилган дарахтлар, одамлар кириб жонланиб кетишга маҳтал бўлганича сўппайиб турган синчкор уйлар, хуллас, кўзим тушган ҳар бир мавжудот, назаримдан ўтган ҳар бир хилқат саволимга бир хил жавоб бераётгандай туюларди: маданий ваҳшат олдида Арабистон саҳролари ҳеч гап эмас, замонавий тараққиёт олдида Фаластин харобалари виқор билан турарди. Йўл-йўлакай миссис Катерик турар жойини суриштириб, шаҳарчанинг ўша мавзеи томон кетавердим ва ниҳоят атрофи бир қаватли чоғроқ уйлардан иборат майдондан чиқиб қолдим. Яйдоқ майдон ўртасида кафтдек бир кўкаламзор жой бўлиб, атрофи фақирона сим четан билан ўраб қўйилган экан. Майдоннинг бир бурчагида ёши анчага бориб қолган энага иккита болакайи билан ўша атрофда ўтлаб юрган қилтириққина эчкига маҳлиё эди. Уйлар ёнидан ўтган тратуарнинг бир чеккасида эса икки йўловчи гаплашиб туришар, кўчанинг қарама-қарши томонида бир бекорчи бола бўйни боғлиқ кучугини айлантириб юарди. Узоқдан келаётган пианино тинғир-тирғири қулоққа чалинар, шу атрофда кимнидир қўлидан тушмаётган болганинг тақир-туқури гўё унга жўр бўлаётгандек туюларди. Майдонга кирганимда ўша ерда кўзимга ташланиб, қулоғимга чалинган ҳаёт аломатлари шулардан иборат эди.

Вақтни ўтказмай тўғри ўн учинчи дарвоза — миссис Катерик келиб, ичкари киргач ўзимни ким, деб таништириш дурустроқ бўлишини бироз мулоҳаза қилиб олишга сабрим чидамай, эшикни тақиллатдим. Аввало миссис Катерикни кўришим керак эди. Шундан кейингина, вазиятни ўз кўзим билан кўргач, бу ерга келишимдан мақсад нималигини жўнроқ ва бежавотирроқ ифода-далай олардим.

Эшикни ўрта ёшлардаги маҳзунгина бир хизматкор аёл очди. Унга ташрифномамни бериб, миссис Катерик билан учрашиш ниятимни билдирдим. Ташрифномамни у кираверишдаги меҳмонхонага олиб кириб кетди-да, нима иш билан келганимни суриштириш учун қайтиб чиқди.

– Миссис Катерикнинг қизларига боғлиқ масала билан келганимни уларга етказсангиз, — дедим. Ўша дақиқада хаёлимга келган энг зўр баҳона шу эди.

Хизматкор аёл яна меҳмонхонага равона бўлди, кейин яна изига қайтиб чиқди-да, бу гал энсаси қотиброқ ичкарига марҳамат қилишимни билдирди.

Деворлари олачипор қизил гулқоғоз билан қопланган чоғроқ хонага кириб бордим. У ердаги стол ва стуллар, жавон ва ҳатто диван ҳам — ҳаммаси бачкана арзон мато билан қопланган. Ўртадаги бесўнақай стол устида кўзга ташланаётган Инжил ҳам қизил ва сарғиш рангли юнгдан тўқилган паҳмоқча устига қўндириб қўйилган. Ўша столнинг деразага яқинроқ томонида кексагина бир аёл ўтирар, қучоғида тўқув ашёлари солинган саватча, оёқлари остида эса шалпангқулоқ — олакўз кекса лайча ҳақкиллаб турарди. Аёл эгнида қора кўйлак, бошида тўр сарпўшт, кафтига ҳам тўқ кулранг ним миялак¹ илиб олган. Оқ тушиб кетган сочлари икки чаккасида кокилдек ташланиб турар, қоп-қора кўзлари ўқрайганнамо, нигоҳида эса шубҳа ва олазараклик сезилиб турарди. Лўппи юзли, ияги чўзикроқ, лаблари қалин, гезариб туришидан анча тажанг табиат эди. Ўзи жуссадор, миқтигина, афтидан бировга сўзини бермайдиган аёл эди. Ўша аёл миссис Катерик экан.

– Сиз мен билан қизим ҳақида гаплашишга келган экансиз, — деди у ҳали бирор оғиз гапиришга улгурмасимданоқ. — Нима демоқчисиз, марҳамат, гапираверинг.

Унинг товуш оҳанги ҳам, кўзларидан кўриниб турганидек, тунд, такаббуруна ва раҳм-шафқат нималигини билмайдигандек эди. У менга қараб, курсига ишора қилди. Ўша кўрсатилган жойга ўтирарканман, бошимдан оёғимгача назар ташлаб, мени синчиклаб кўздан ўтказди. Бу аёл билан сўзлашишнинг бирдан-бир йўли гапни чўзиб ўтирмай, унинг муомаласига яраша муомала билан саволига шартта жавоб бера қолиш эканини сездим.

– Қизингиз бедарак йўқолганидан хабардор бўлсангиз керак-а? — дедим.

– Билганда қандоқ.

– Унинг бедарак йўқолиш кулфати устига, ўлим кулфати ҳам содир бўлиб қолишини хаёлингизга келтирганмидингиз?

– Ҳа. Унинг ўлими ҳақида хабар бергани келдингизми?

¹ миялак — беш панжалик қўлқоп

– Шундай.

– Нима учун?

Мана шундай ноўрин савол бераркан, унинг овозида, юзида ёки бирон-бир хатти-ҳаракатида заррача ҳам ўзгариш бўлмади. Мабодо унга ташқарида бир эчки ўлиб қолганидан хабар берганимда ҳам, бунчалик бепарво бўлмаган бўларди.

– Нима учун дейсизми? – саволини такрорладим. – Нима учун қизингизнинг ўлими ҳақида хабар бергани келганимни сўрамоқчимисиз?

– Шундай. Мен биланми ёки қизим биланми нима ишингиз бор? Умуман, қизимнинг ишларига нега аралашиб юрибсиз?

– Гап бундай. Қизингиз телбахонадан қочиб чиққан кеча уни учратиб қолиб, хавф-хатарсиз жойга етиб олишида кўмаклашгандим.

– Чакки қилган экансиз.

– Афсус, онасининг оғзидан шундай сўз чиқишини кутмагандим.

– Онаси шундай деяпти. Ўлганини қаердан билдингиз?

– Қаердан билганимни айтишга тилим боғлиқ, лекин бу менга аёндан-аён.

– Турар жойимни қандай топганингизни айтишга тилингиз боғлиқ эмасми?

– Йўқ, миссис Клементсдан олдим.

– Миссис Клементс тентакроқ аёл. Сизни бу ерга ўшалар юбордимми?

– Улар эмас.

– У ҳолда саволимни такрорлайман, нима учун келдингиз?

Миссис Катерик ўз саволи жавобига интиқ экан, мен ҳам уни лўндагина қилиб айтиб қўя қолдим.

– Келишимнинг сабаби, Анна Катерикнинг онаси унинг ўлик ё тириклигидан хабардор бўлишга кўзи тўртлиги табиий ҳол, деб ўйлаган эканман.

– Шундайку-я, — деди миссис Катерик ўзини яна ҳам дадилроқ тутиб. — Бошқа сабаб хаёлингизга келмаганми?

Мен довираб қолдим. Бу саволга ўша ондаёқ тўғри жавоб бериш анча мушкул эди.

– Мабодо бошқа илинжингиз бўлмаса, — сўзини давом эттирди у тўқ кулранг билак бандларини оҳишта ечиб, уларни турмаклаганича, — ташрифингиз учун миннатдорчилик билдириб, ортиқча вақтингизни олишга ҳаддим сигмаслигини маълум қилиб

қўйишим керак. Агар маълумотларингизни қандай қўлга киритганингизни тушунтириб бериш кўнглингизда бўлганида эди, улар анча кўнгилдагидек бўларди. Ҳар ҳолда, маълумотларингиз, назаримда, аза тутаверишимга далолат бўлиб турибди. Кўриб турибсиз, бунинг учун кийимларимни ортиқча ўзгартиришимнинг ҳам ҳожати йўқ. Билакбандларимни ўзгартириб олсам бас, қорага ўра-ламан қоламан.

У эгнидаги либоси чўнтагини кавлаб, бир жуфт қора ҳошияли билакбанд чиқариб, бағритошлик билан безрайганича кийиб олди, кейин қўлларини қучоғида бепарвогина чалкаштирди.

— Кунингиз хайрли ўтсин, — деди у.

Унинг қиёфасида яққол кўриниб турган ўта совуққонлик бу ерга келишдан кўзлаган асосий мақсадимга ҳали етишмаганимни тан олдириб турарди.

— Бу ерга келишимнинг бошқа бир сабаби ҳам бор, — дедим.

— Ҳа! Мен ҳам шундай, деб ўйлагандим, — писанда қилди миссис Катерик.

— Қизингизнинг ўлими...

— Унинг ўлимига нима сабаб бўлибди?

— Юрак хасталиги.

— Хўп. Давом этинг.

— Қизингизнинг ўлими мен учун энг азиз бўлган бир кимсага жиддий талофат етишида сохта сабаб бўлиб қолган. Ўша разолатнинг амалга оширилишида, мендаги аниқ маълумотларга кўра икки кишининг қўли бор. Уларнинг биттаси сэр Персивал Глайд.

— Шундай денг!

Ўша киши исмини кутилмаганда тилга олишим билан қанақа тус оларкин, деган ҳаёлда унга синчиклаб назар ташладим. У эса пинагини ҳам бузмади, ўкинчдан ному-нишон бўлмаган дийда-си қотиб, ўқрайганича тураверди.

— Қизингизнинг ўлими — сўзимда двом этдим, — қанақасига бегона бир кимса талофатига сабаб бўлиб қолиши мумкин, деб ажабланишингиз мумкин.

— Йўқ, — деди миссис Катерик. — Ҳеч ажабланмайман. Бу сизнинг ўз ташаббусингиз билан бошланган ишга ўхшайди. Сиз менинг ишларимга қизиқиб қолибсиз. Мен эсам сизникига қизиқмайман.

— У ҳолда бу масалада сизга оғиз очаётганимни суриштиришингиз мумкин, — писанда қилдим.

— Ҳа, суриштирдим, деб фараз қилинг.

– Бу масалада оғиз очишим сабаби шуки, сэр Персивал Глайд қилган жиноят учун уни жавобгарликка тортмоқчиман.

– Бу ниятингиз билан нима ишим бор?

– Буёғини эшитинг. Ниятимни амалга ошириш учун сэр Персивал ўтмиш ҳаёти ҳақидаги маълум воқеликлардан тўла хабардор бўлишим керак. Сиз улардан хабардорсиз. Олдингизга келишдан мақсадим ҳам шу.

– Қайси воқеликларни назарда тутяпсиз?

– Кўҳна Велмингхамда эрингиз маҳаллий ибодатхона клеркси бўлиб турган пайтлари қизингиз дунёга келишидан илгари содир бўлган воқеаларни.

Ниҳоят унинг орамизда тиклаган сиполик занжирини узиб, олдига ўтишга эришдим. Қўлларини қаерга қўйишини билмай, панжалари ёйилиб, тиззаларини ёпиб турган қўйлаги этакларини гайри шуурий равишда силай бошлаганини аниқ кўрганимдек, кўзларида ҳам газаб учқунлари чақнаётгани ҳам шундоққина кўриниб турарди.

– Ўша воқеалар ҳақида нималарни биласиз? – сўраб қолди у.

– Миссис Клементс менга айта олганларининг ҳаммасини, – жавоб бердим.

Шу лаҳза унинг музрайган лўппи юзи гезариб, беҳаловат қўллари қотиб қолгандек туюлди. Асаблари ўйнаб, жиловдан чиқиб кетгудек эдию, лекин ўзини босиб, креслоси ортига қўйганича истеҳзоли табассуму дўрдоқ лабларини бурганича аввалгидек менга чақчайди.

– Энди ҳаммасини тушуна бошладим, – деди у. Тугёнга келиб, жиловланган газаби энди овоз оҳангию юз ифодаларида намоён бўларди. – Сэр Персивал Главдга нисбатан шахсий қасдингиз бор экан. Ўша ўчингизни олишингизда мен кўмаклашим керак. Мана шуни сизга уқдириб қўйишим керак. Сэр Персивал ҳақидаги у бу ёки бошқа икир-чикирлар ва ўзим ҳақимда сизга маълумот беришим керак, шундай эмасми? Албатта, шундай-а? Сиз менинг шахсий ишларимга бурун тиқиб турибсиз. Мардудлиги¹ билан эл назаридан қолиб, кун кўриб юрувчи аёлни топиб олдим, деб ўйлайсизу, у гўё ҳамюртлари орасида шармандасини чиқаришингиз таҳликаси остида оёқ ости бўлиб юраверади. Маккорона фирибларингизни рўйирост кўриб турибман. Ҳа, кўриб турибман! Ўша жигимга тегаяпти. Ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ!

¹ Мардуд – тўғри йўлдан адашган.

У бир лаҳза тин олиб, кўксидаги кўллари таранглашганича газаб ва нафрат билан қаҳ-қаҳ отиб куди.

– Бу ерда қандай яшаганиму нималар қилганимни билмайсиз, исмингиз нимаиди, жаноб? – сўзида давом этди у. – Кўнғироқни чалиб, йўлингизни кўрсаттириб қўйишдан олдин сизга айтиб қўяй. Шу ерга осий аёл сифатида келганман, шу ерга иззат-этиборимдан айрилиб, номимни оқлаш илинжида келганман. Йиллар ва йиллар давомида шунинг пайига тушиб, ниҳоят ўзимни оқладим. Ўзимни казо-казо рўпочлардек тутдим. Менинг устимда игво қилгудек бўлсалар, улар фақат хуфиёна огиз очишади. Бирон нарса дейиша олмайди ҳам. Ошкора гапиришга ҳайиқишади. Шаҳарда обрўйим баланд, кўлингиз етмайди. Менга руҳоний ота таъзим қилади. Эҳ-ҳа! Бу ерга келишингизда шундай бўлишини ўйламагансиз. Черковга бориб, мени суриштириб кўринг, миссис Катерикнинг бошқалар қатори ўрни борлиги, шу кунгача жой ҳақини канда қилмай тўлаб келаётганидан хабардор бўласиз. Шаҳар ҳокимиятига боринг. Ўша ерда инобатли фуқаролар даъволарини – сайёр цирк масхарабозларининг бу ерларда тамошо кўрсатиб, мафкуравий аънаналаримизни бузмасликларига қарши даъволарини кўрасиз, шуни ҳам билиб қўйинг! Бизларнинг мафкуравий аънаналаримиз. Ўша даъвога бугун эрталаб имзо чекканман. Китобфуруш дўконига боринг. Ўша ерда волиюл ҳаворийимиз чоршанба оқшомлари хутбаларининг «Нажот умидим – этиқодимда» номи билан чиқадиган китобига даъвогарлар рўйхатга олинмоқда. Ўша рўйхатга ҳам ёздириб қўйилганман. Докторнинг хотини сўнгги хутба садақаси учун бир шиллинг ташлади, мен эсам ярим крон. Садақа йигаётган Чачварден Севард жаноблари менга таъзим қилган. Ўн йил муқаддам ўша Севард дорифуруш Пигримга мени арава ортига боғлаб, шаҳардан ққамчилаб чиқариб юбориш керак, деган экан. Онангиз ҳаётми? Уларнинг кўлларидаги инжили меникидан зўрроқмикин? Уларнинг дўкандорлар олдидаги ҳурмати меникидан ортиқмикин? Ҳар вақт кўрпасига қараб оёқ узатганмилар? Мен ҳар вақт шунга риоя қилганимча яшаб келаман. Ана, майдон оралаб волиюл ҳаворийимиз келаяпти. Қаранг, жаноби.. исми шарифлари нимаиди, қарасинлар!

У ёш жувонлардек сакраб турганича дераза ёнига борди, руҳоний ота ўтиб кетгунча ўша ерда турди. Унга мулозимат билан таъзим қилди. Руҳоний ота ҳам шляпасини намоишкорона тарзда кўтариб қўйиб, йўлида жавом этди. Миссис Катерик ўз жойига қайтиб, истехзоли бир қиёфада менга қаради.

– Кўрдингизми! – деди у. – Ўз обрўсини йўқотган аёл учун бу нимаси, деб ўйлайсиз? Бунинг олдида сафсатангизнинг қадри қаерда қолади?

Унинг ўз мавқеини тиклаш учун тутган йўли, иззат-эътибори қайта қарор топганидан яққол далолат сифатида ҳозиргина менга намойиш этилган бор ҳақиқатдан ҳайратга тушганимча, миқ этмай қулоқ солиб ўтиравердим. Шунга қарамай, ҳафсалам пир бўлмаган, яна бир бор довдиратиб қўйишга ҳаракат қилиб кўриш умидидан қайтмагандим. Бу аёл тажанглиги бир бор жунбушга келиб валдираган бўлса, яна ўша ҳол такрорланиб, мен кутган маълумотларни айтиб, муаммо калитини қўлимга тутқазиб қўйиши мумкин эди.

– Сафсатангиз қадри қаерда қолди? – деди у.

– Шу хонадонга дастлаб қадам қўйганимда қандай бўлса, ўшандайлигича қолди. – жавоб бердим. – Бу ерда эришган иззат-эътиборингизга шубҳам йўқ. Ҳатто қўлимдан келгудек бўлса ҳам, унга путур етказиш ниятим йўқ. Ихтиёримдаги маълум асосларга кўра, сэр Персивал Глайд менга қандай душман бўлса, сизга ҳам шундайлиги мени остонангизга олиб келди. Мен ундан норози бўлсам, сиз ҳам ундан норозисиз. Истасангиз бунга эътироз билдириб, менга хоҳлаганингизча ишончсизлик билдиришингиз мумкин, истаганингизча ғазаб билан қарашингиз мумкин, лекин Англиядаги жамики аёл зоти ичида фақатгина сиз, агар дилингиз оғриган бўлса, ўша одамни маҳв этишда бирдан-бир аёл бўласиз.

– Ўзингиз маҳв этинг, — деди у. — кейин қайтиб келинг, ўшанда жавобимни эшитасиз.

Ўша вақтгача тилга олинмаган ўша қатъи сўзлари ғараз ва интиқомга тўла эди. Илон инини қўзғаб қўйгандим. Фақат бир лаҳзагагина. Гўё илон менга бош кўтарганидек миссис Катерик мен ўтирган томон интиқлик билан эглиб қулоқ тутганида ўша нафратдан асар ҳам қолмаганди.

– Менга ишонмайсизми? – дедим.

– Йўқ.

– Кўрқаяпсизми?

– Ўшандайларга ўхшайманми?

– Сэр Персивалдан кўрқаяпсиз.

– Мен-а?

Унинг ранги оқара бошлаган, қўллари яна тиззалари устидаги этагини силай бошлади. Унинг ўзини ўнглаб олишига имкон бермаслик учун фикримни мустаҳкамлаш пайига тушдим.

– Сэр Персивал мавқеи ҳаётда баланд, — дедим. — Ундан кўрқиб

юрган бўлсангиз, бундан ҳайратланишга ўрин йўқ. Сэр Персивал кудратли киши, баронет, ажойиб мулк эгаси, улуғ оила вориси...

У кутилмаганда қаҳ-қаҳ отиб кулганича мени ҳайратга солиб қўйди.

– Шундай, — такрорлади у эҳтирос билан чиққан оҳангда ўта жиркангандай. — Баронет, ажойиб мулк эгаси, улуғ оила вориси. Шундай, бунга гап йўқ! Улуғ оила... айниқса она томонидан.

Ҳозиргина оғзидан чиқиб кетган сўзларнинг магзини чақишга вақт йўқ, бинони тарк этганимдан кейин мулоҳаза этиб кўришга арзигулик эканини сезгандек бўлгандим.

– Оила масалаларида сиз билан баҳслашиш учун келмаганман, — дедим. — Сэр Персивал онаси ҳақида ҳеч нарсадан хабарим йўқ..

– Сэр Персивалнинг ўзи ҳақида ҳам озгина биласиз! — шартга гапимни бўлди.

– Бу борадаги фикрингизда қаттиқ туриб олмаслигингизни маслаҳат берган бўлардим. — эътироз билдирдим. — У ҳақдаги баъзи бир нарсалардан хабардор бўлсам ҳам, шубҳаларим ундан ҳам кўп.

– Шубҳангиз нимада?

– Сизга шубҳам йўғиниёқ айтиб қўя қолайин. Аннанинг отаси эканлигига шубҳам йўқ.

Шу сўзлар оғзимдан чиқар-чиқмас сапчиб ўрнидан турганича Фуриядек¹ олдимга юзма-юз келди.

– Аннанинг отаси кимлиги ҳақида менга оғиз очишга қандай журъат этдингиз! Унинг отаси киму-ким эмаслиги ҳақида оғиз очишга қандай журъат этдингиз! — юзида важоҳат билан ўшқирди у.

– Сиз билан сэр Персивал орангиздаги сир мен кўзлаган сир эмас. — Бўш келмадим. — Сэр Персивал юзини қора қилувчи сир қизингиз туғилишига мутлақо алоқаси йўқ, қизингиз ўлимидан кейин ҳам у барҳам топмаган.

У бир қадам орқага тисланди.

– Йўқолинг! — ҳукмрона буюрганича эшик томонни кўрсатди.

– Дилингизда (сизнинг ҳам, унинг ҳам, чақалоқ хаёли бўлмаган, — сўзимда давом этиб, унинг сўнгги раддиясига барҳам бермоқчи бўлдим. — Хуфия учрашувларингиз, эрингиз келиб қолганида черков қазноғида у билан пичирлашиб турганингиз орангиздаги севги жиноятига асос бўла олмайди.

¹ Фурия — мифологияга кўра, қасос илоҳаси.

Гапираётганимда у эшикка ишора қилиб турган қўлини туширди, юз-кўзларидаги газаб учқунлари ҳам сўнди. «Черков қазноғи»ни тилга олганимда унинг авзойи бузилганини, тошбағир, қайсар ва шафқатсиз аёл ҳар қанча ўзини босишга уринмасин, даҳшатга тушиб қолганини кўрдим.

Бир-икки дақиқа бир-биримизга тикилганимизча жимиб қолдик. Дастлаб мен сўз очдим.

– Ҳамон менга ишонмоқчи эмасмисиз? — дедим.

Юзи ўша-ўша бўзрайган, овози тетиклашиб қолганди. Саволимга илгаригидек кўрслик билан менсимайгина жавоб берди.

– Мутлақо ишонмайман, — деди.

– Ҳамон кетинг, дейиш ниятидамисиз?

– Шундай, кетинг ва бошқа қайтиб келманг.

Эшик томон йўл олдим, уни очишдан олдин бир лаҳза тин олиб, унга яна бир бор назар ташлаш учун орқамга ўгирилдим.

– Сэр Персивал ҳақида қутилмаган янгиликни сизга етказгудек бўлсам, — дедим — қайтарман.

– Сэр Персивал ҳақида ҳеч қандай хабар умидвори эмасман, фақат...

У жимиб қолди, рангпар юзи тундлашди, илвирсдек эҳтиёткорлик ва оҳисталик билан ўз ўрнига қайтди.

– Фақат унинг ўлимигагина.. — деб қўйди ўтираётди. Дўрдоқ лабларини буриб, мийиғида истехзоли жилмайиб ҳам қўйди. Осойишта кўринган кўзлари замирида эса нафрат ҳиссиётига тўла оташ қақнаб ўтди.

Чиқиб кетиш ниятида ҳужра эшигини очарканман, у зимдан менга кўз ташлади. Фазабнок заҳархандасидан оғиз бурчлари кенгайди. Менга тикилиб бошимдан оғимгача синчиклаб разм соларкан, унинг қиёфасида хаёлотга чўмаётгани кўриниб турарди. Ёшлигиму ташаббусим, аламзадалик ҳиссиётлари билан қилаётган саъй-ҳаракатларим, мақсад сари интилишларимдаги сабрбардошимни ўзича мулоҳаза қилаётганмикин? Бордию сэр Персивал билан тўқнашиб қолгудек бўлсам, ўшалар бардош бера олармикин, деган хаёлга бормаётганмикин? Айнан ўшаларни ўйлаётгани ҳақидаги ишонч ўша ерни тарк этишимга туртки бўлди, ҳатто одатдаги хайр-маъзурни ҳам унутиб, хонадан чиқиб кетибман.

Кўча дарвозани очганимда илгарироқ уй олдидан ўтиб кетган руҳоний отага кўзим тушиб қолди. У яна шу йўлдан қайтиб кетаётган экан. Уни ўтказиб юбориш учун эшик остонасида

тўхтаб атрофга назар ташладим, меҳмонхона деразасига ҳам қараб қўйдим.

Миссис Катерик ўша ҳувиллаган жой сукунатида клеркнинг бу томон яқинлашаётганини оёқ шарпасидан билиб қолган, оёғини қўлга олганича дераза олдига келиб, уни кутиб турган экан. Ҳозиргина ўша аёл қалбини ғазаб тугёнига тўлдириб чиққан бўлсам ҳам, кўп йиллар давомида муттасил саъй ҳаракат билан эл олдида эришган обрўсини қўлдан чиқармаслик пайида экан. Унинг олдидан чиққанимга ҳали бирор минут ўтмасданов у яна атайлаб дераза олдига келиб иккинчи маротаба клерк эътиборини қозониш учун унинг таъзимига илҳақ турарди. Клерк яна бир бор шляпасини кўтариб қўйди. Дераза ортидаги шайтон қиёфасидек тунд башаранинг енгил тортиб, мамнун ишшайганини кўрдим. Клерк таъзимига жавобан юракка гулгула солувчи қора қалпоқча қўндирилган бош тантанавор таъзимига ҳам кўзим тушди. Шундай қилиб, менинг кўз ўнгимда клерк унга таъзим қиларди, ўша бир куннинг ўзида икки маротаба.

IX

Уйдан кетар эканман, миссис Катерик, беихтиёр, бу ишларимни давом эттиришга рағбатлантирганини сезардим. Майдондан чиқаверишдаги муюлишга етмасимдан, кутилмаганда, орқа томонимда эшик ёпилгани шарпаси қулоғимга чалиниб қолди.

Орқамга ўгирилиб, миссис Катерик қароргоҳининг, назаримда, шундоққина ёнгинасидаги уй дарвозаси остонасида, менга яқинроқ томонида қора либосга буркалган паст бўйли бир киши турганига кўзим тушди. У қайси томонга йўл олишини ўйламади ҳам. Муюлишнинг мен турган томонига шошиганича йўл олди. Уни танидим — Блэквоутер Паркка борганимда у ерга мендан аввалроқ етиб, ўзини адвокат ходими деб танитган, ундан чорбоққа кириш ижозати бор-йўқлигини сўраганимда низо чиқаришга уринган киши эди. У шу атрофда мен билан учрашиб, ўша можарони бошласа керак, деган хаёлда турган еримдан жилмадим. Олдимдан шошилаганича ўтаркан, бирон-бир сўз айтмади, ҳатто юзимга қараб ҳам қўймади, ҳайрон бўлиб қолдим. Ундан буни кутмаган эдим. Тахминнинг акси бўлди. Ўйланиб қолдим, тўғрироғи, гумонсираб, уни кўздан қочирмасликка, қаёққа шошилаётганини аниқлашга қарор қилдим. У мени пайқаяптими-йўқми, эътибор бермай орқасидан кетавердим. Орқасига мутлақо қарамади, кўчалар оралаб юрганича мени темир йўл бекатига чиқариб қўйди.

Поезд жўнаб кетиш олдида экан, икки-уч кеч қолган йўловчи кассанинг кичкина туйнуги олдида уймалашишарди. Мен ҳам уларга қўшилдим, адвокат ходимининг Блэквоутер Парк бекатига бита билет сўраганини аниқ эшитдим. Унинг ҳақиқатан ҳам ўша поезд билан мендан олдинроқ жўнаб кетишидан кўнглим таскин топди.

Шу қисқа вақт ичи кўрган-эшитганларим асосида қуйидагича хулоса чиқариш мумкин эди. Ўша кишининг миссис Катерик қароргоҳи ёнгинасидаги уйдан чиққанини ўз кўзим билан кўрдим, бу борада ҳеч қандай саволга ўрин йўқ. Менинг из қувишларим охир-оқибат миссис Катерик билан суҳбатга олиб келишидан ҳадиксираган сэр Персивал кўрсатмасига биноан у ўша ерга ижарачи сифатида жойлаштирилган бўлиши мумкин. Ўша ижарачи, шубҳа йўқки, менинг бу хонадонга кириб чиққанимни кўрган, бу ҳақда зудлик билан хабар бериш учун биринчи поезд биланоқ Блэквоутерга жўнаб кетган. Чунки у мўлжаллаган мақсадларимдан огоҳ бўлганидан, мен Хемпширга қайтгудек бўлсам, албатта, сэр Персивалнинг ўша ерда бўлиши ҳам табиий. Тез орада у билан учрашиб қолгудек эдик.

Воқеликлар қандай натижага олиб келмасин, кўзланган мақсадни ниҳоясига етказиш учун на сэр Персивал ва на бошқа томон бурилмай, мақсад сари ўз йўлимни тутиб, ҳаракатни тўхтовсиз давом эттиришга қарор қилдим. Энди Хемпширда эканман, Лондондаги ўта оғир масъулият яъни қиттай хатога йўл қўйгудек бўлсам, Лауранинг ҳижрат масканини тасодифан ошқора қилиб қўйиш масъулияти зиммамдан соқит бўлган эди. Бу ерда, худди Велмингҳамда бемалол юрганимдек, хоҳлаганимдек у ёқ-бу ёққа бораверишим мумкин эди. Мабодо таъқиб остига тушиб қолганимни сезмай, хатога йўл қўйгудек бўлсам, бундан ҳеч ким азият чекмас, жазосини шахсан ўзим тортган бўлардим.

Бекатдан чиқиб кетаётганимда шаҳарни қиш оқшоми гираширалари қоплай бошлаганди. Тун қоронғусида нотаниш кимса яқин атрофда мени излаётганини суриштириб изғиб юриш натижасидан умид оз эди. Шунинг учун ҳам, энг яқин меҳмонхона томон йўл олдим, жойимни тайин этиб, кечки таомимни тайёрлатдим. Шулар яқунлангач, Марианга хат ёзиб, соғ-саломатлигим, ижобий натижалар қўлга киритилганини маълум қилдим. Уйдан чиқаётиб «Фелмингҳам. Почта маҳкамаси» манзилига хат ёзишини тайинлаган эдим (ўша хатини эртага эрталаб олсам керак), ҳозирги хатимда иккинчи кун ҳақидаги мактубини ҳам ўша

манзилга юборишини илтимос қилдим. Бу мактуб етиб келганида шаҳардан чиқиб кетган бўлгудек бўлсам, почта мудирига хат қолдириб, уни бошқа ерда ҳам олишим мумкин эди.

Анча кеч бўлиб қолганидан тушган манзилим қаҳвахонаси хувиллаб қолганди. Мен, гўё ўз уйимда эканимдек, бугун нималарга эришганим ҳақида ўзимча бемалол мулоҳаза юритиб олишим мумкин эди. Етишдан олдин миссис Катерик билан ўтган фавқулодда суҳбат мазмунини бошдан-оёқ батафсил мулоҳаза қилиб, куннинг дастлабки онларда шоша-пиша қилган хулосаларимни ҳам текшириб олдим.

Кўҳна Велмингхам ибодатхонаси қазноғи муаммонинг бошлангич нуқтаси бўлгани ҳолда хаёлан орқага қайтиб, миссис Катерикдан эшитганлариму унинг хатти-ҳаракатларида кўрганларимни шошилмай мулоҳаза қилиб кўрдим.

Миссис Клементс дастлаб қазноқ атрофлари ҳақида оғиз очганида қазноқ сэр Персивалнинг ибодатхона клеркси хотини билан хуфия учрашуви учун лозим топган энг ноҳўя ва энг ноқулай жой эканини хаёлимдан ўтказган эдим. Ана ўша таассурот остида, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, миссис Катерик билан суҳбатимда ибодатхона қазноғи ҳақида атайлаб оғиз очдим, чунки ўшанда қазноқдаги учрашув воқеликнинг нозик томонларидан бири сифатида хаёлимга келиб қолган эди. Саросимада қолиб ёки жаҳл билан жавоб беришини кутгандим, лекин ўша сўзни тилга олганимда унинг даҳшатга тушишидан анграйиб қолдим. Илгари сэр Персивал сири миссис Катерик хабардор бўлган жиддий бир жиноятга боғлиқ, деган тушунчада эдим, бундан бошқача бўлиши хаёлимга ҳам келмаган. Энди бу аёлнинг даҳшатдан тутқаноқ тутгандай бўлиб қолиши қақзноққа боғлиқ ўша жиноятда у шунчаки гувоҳ эмас, балки билвосита ёки бевосита жиноят иштирокчиси эканидан далолат берар, бунга шубҳа қилинмаса ҳам бўларди.

Ўша жиноят таркиби, хусусияти нимадан иборат эди? Унинг нафратга лойиқ, хавфли томонлари бўлган, акс ҳолда миссис Катерик сэр Персивалнинг иззат-эътибори, куч-қудрати ҳақидаги гапларимни истехзо билан такрорламаган бўларди. Демак, у жирканч, хавфли жиноят бўлиб, унда миссис Катерикнинг ҳам қўли бўлган, ўша жиноятга ибодатхона қазноғи ҳам алоқадор бўлган.

Ўшаларни назарда тутиб, қуйидаги хулосага келдим.

Миссис Катерикнинг сэр Персивалга нисбатан ошкора на-

фрати унинг онасига ҳам тақаларди. Ўша мўътабар оила ҳақида, айниқса, оила сулоласи бўлмиш сэр Персивалнинг «она томони» аччиқ истеҳзо билан тилга олганди. Бу нимадан далолат бераркин? Уни икки хил талқин этиш мумкин эди. Ё онаси киборлар табақасидан эмас, ё унинг обрўсига доғ тушган бўлиб, бундан сэр Персивал билан миссис Катерикларгина хабардор бўлишган. Биринчи тахминни аниқлаш учун никоҳлар қайд этиладиган дафтарни кўздан ўтказиш кифоя — қизлик исми табақасини ҳам, аждодини ҳам ошқора қилиб кўя қоларди, кейинги суриштиришларимга ҳам замин бўларди.

Бордию иккинчи тахмин тўғри бўлгудек бўлса, уни беобрў қилган ўша доғ нимакин? Марианнинг сэр Персивал ота-онаси ҳақидаги фикрлари, айниқса, уларнинг ҳаётда, номатлуб-ажрим яшашганлари ҳақидаги сирли жумбоқни эслаб, унинг онаси, умуман, никоҳдан ўтмаганмикин, деган савол туғилиб қолди. Бунинг исботи ҳам, ҳар ҳолда, никоҳ гувоҳлигидан ёзма далил сифатида қайд этиб қўйиладиган ўша никоҳ дафтари гумонининг асосизлигини исботлаши мумкин эди. Лекин ўша никоҳ дафтари қаердан топиларкин? Бу муаммо устида ҳам бош қотириб, сирли жиноят изларини қаердан излашни ният қилиб қўйганимдек, буни ҳам ўша Кўҳна Велмингхам ибодатхонаси қазноғидаги никоҳ дафтарида излашим лозимлигига ишонч ҳосил қилдим.

Буларнинг ҳаммаси миссис Катерик билан суҳбатим натижалари эди. Буларнинг ҳаммаси охир оқибат бир хулосага олиб келувчи, мени ҳам келаси куни маълум йўналишга сафарбар этувчи турлича фикрлар эди.

Х Х Х

Келаси куни эрталаб ҳавонинг авзойи бузуқ, булутли эди, аммо ёмғир ёғмасди. Жомадонимни меҳмонхона асровида қолдириб, йўлларини суриштириб билгач, Кўҳна Велмингхам ибодатхонаси томон яёв йўлга тушдим.

Икки милдан ортиқроқ йўл босдим. Ўр тортиб аста-секин юқорига кўтарилдим.

Энг юқорида ибодатхона қад кўтариб турарди, кўҳна, иссиқ-совуқлардан нураган бино, икки ёнида оғирдан оғир тирговучлар, юз томонида эса тўрт-бурчаклик бесўнақайгина минора. Ибодатхона орқа томонига туташ хужра ҳам кўҳна эди. Ибодатхона атрофининг у ер-бу ерида миссис Клементс менга ҳикоя қилган

қишлоқ (унинг эри қачонлардир ўша ерда яшаган экан) қолдиқлари кўзга ташланарди. У ердаги ахоли аллақачонлар янги шаҳарга кўчиб кетишган. Бўш қолган уйларнинг баъзилари бузиб, олиб кетилган, деворларигина сўппайиб қолган, баъзилари қаровсиз шундайгина ташлаб кетилган, бошқаларида эса кимлардир, назаримда, фақир-фуқаро йўқсиллар яшашарди. Умуман олганда, беҳад кўримсиз манзара эди. Шунга қарамай, ҳозиргина мен чиқиб келган янги шаҳарчалик кўримсиз эмасди. Атрофда сап-сарғайиб кетган воҳа ясланган, уларни кўриб, кўз қувонади; япроқлари тўкилиб, яйдоқ бўлиб қолган дарахтлар ҳамон алоҳида манзара кашф этиб, баҳор фасллари сояларини эсга соларди.

Ибодатхона орқасидан узоқлашиб, клеркни топишга кўмаклашгудек бирон бир кимсани излаб, ўша ташландиқ уйлардан анчасини босиб ўтгач, орқамда қолган девор ортидан чиқиб келган икки кишини кўриб қолдим. Ўшалардан новчаси – табиат посбони кийимидаги бақувват, барвастаси менга нотаниш эди. Иккинчиси Кирилл жаноблари маҳкамасидан чиққан куним Лондонда изимга тушган кишилардан бири эди. Ўшанда шахсан уни эслаб қўйиш хаёлимдан ўтган, бу галгисининг айнан ўшанинг ўзи эканига шубҳам йўқ эди.

Улар иккови ҳам мен билан гаплашишга уринмай, мендан анча четроқда туришди, лекин уларнинг ибодатхона яқинида ўралашиб қолиши бежиз эмаслиги ўз-ўзидан маълум эди. Тахминимча, шу нарса аниқ эдики, сэр Персивал аллақачоноқ менга тузоқ қўйиб қўйганди. Миссис Катерик билан учрашганим ҳақида бир кун аввал унга хабар берилган бўлиб, ўша икки киши менинг Кўҳна Велмингҳамда кўзга ташланиб қолишим пайига тушиш учун ибодатхона яқинига кўз-қулоқ қилиб қўйилганди. Мабодо, энди менинг тергов ишларим ниҳоят тўғри йўлга тушгани ҳолда олиб борилаётганига қўшимча далил зарур бўлиб қолгудек бўлса, мана шу икки нафар айғоқчининг ҳузуримда туришиёқ тахминимни бутунлай оқларди.

Ибодатхонадан анча узоқлашиб, истиқоматчилари бўлган уйлардан бири олдида тўхтадим. Бинога туташ полиз майдони бўлиб, ўша ерда бир меҳнаткаш иш билан овора эди. Ўша кимса менга клерк кулбаси қаердалигини кўрсатди. Унинг кулбаси мана шу ташландиқ жойнинг бир четида экан. Ҳақкам-дуккам уйлар ора-лаб, кўрсатилган ерга бордим. Клерк уйда бўлиб, ибодатхонага бориш тараддудиди ридосини кияётган экан. Ўзи қувноқ, очик

кўнгил ва маҳмадонагина қария бўлиб, яшаб турган жойлари аҳволдан уялар (ўшандаёқ менга маълум бўлди), атрофидаги қўшниларини назарга ҳам илмас, қачонлардир Лондонга бир маротаба қадам ранжида қилиб келгани учун ўзини улардан устун тутаркан.

— Эртароқ келганингиз, сэр, анча маъқул иш бўлибди, — деди у келишдан мақсадим нималигини айтганимда. — Ўн минутлардан кейин кетиб қолган бўлардим. Қавм ишлари, сэр, оёққа тин бермайди. Ҳаммаси мен қариянинг зиммасига юклаб қўйилган. Лекин, тангрига шукр, ҳамон оёқда туриб пилдираб юргудек холим бор! Одам оёқдан қолмаса, ҳар қанча иш бўлса ҳам, югуриб-елаверар экан. Ўзлари ҳам шу фикрда эмасмилар, сэр?

Гап устида у ўчоқбоши юқорисидаги қозиқдан калитларни олиб, ташқари чиқилгач, ҳужра эшигини қулфлади.

— Ҳужрага қараб турадиган ҳеч ким ҳам йўқ — деди клерк оила икир-чикирларидан мутлақо бўшаб олганига киноя қилиб.

— Хотиним ибодатхона ҳовлисида (мозорда) ётибди, болаларимнинг ҳаммаси оилалик. Қарғишда қолган ер, шундай эмасми, сэр? Лекин қавм анча катта, ҳар ким ҳам, мендек бу ишлар уҳдасидан чиқа олмайди. Билимнинг нафи-да, менга ҳам озгина тегиб қолган экан, сал кўпроқ. Мен қиролича лаҳжасида инглиз тилида гаплаша оламан (Қиролича омон бўлсинлар). Бу эса шу атрофдагилар кўплари қўлидан келмайди. Сиз Лондондансиз, техминимча, сэр? Лондонда йигирма беш йиллар аввал бўлганман. Энди у ерда қандай янгиликлар бўлганикин, нима дейсиз?

Мана шундай валақлашиб, мени қазноққа олиб борди. Ўша икки хуфиядан хавфсираб, атрофга кўз ташладим. Улар кўринмасди. Клерк ҳузурига кириб кетганимдан огоҳ бўлишгач, қайтиб чиққанимда бемалол кузатиш учун ўзларини панага олиб олишган бўлсалар керак.

Қазноқ эшиги қалин эман тахтадан ясалган бўлиб, қалпоқли михлар билан ҳошияланган экан. Клерк оғирдан-оғир бесўнақай калитни қулф оғзига тикиб, очишга кўзи етиб-етмай, уни у ёқ-бу ёққа бурай бошлади.

— Сизни шу томондан олиб келишга мажбур бўлиб қолдим, сэр, — деди. — Қазноқ билан ибодатхона орасидаги эшик лўкидонни қазноқ томондан суриб қўйилган. Шундай бўлмаганида, ибодатхона ичиданоқ ўта қолардик. Саркаш қулф-да. Бунақаси бошқа бўлмаса керак. Катталигини айтмайсизми, ҳибсхонабоп-да, бу ҳақда қайта ва қайта қулоққа қуйилган, янгисига алмаштирили-

ши керак, буни омилкорга минг маротаба айтганман. «Ўйлаб кўрар-миз» дегани-деган — ўйлаб кўриши тамом бўлмайди. Эээ, жин чалган ер-да, бу ерлар. Лондонга ўхшамайди, шундай эмасми, сэр? Ё парвардигор, ҳаммамизни гафлат босган бу ерда! Ҳаётдан орқада қолганмиз.

Калит бир неча маротаба олиб-солиниб буралгач, ниҳоят, ўша қайсар қулф ён берди, эшик ҳам гичирлаб очилди.

Қазноқ мен ташқаридан фараз қилганимдан каттароқ экан. Хужра ичи нимқоронги, ис босиб кетган, деворлари нураб турибди, эман тўсинлар ётқизилган пастаккина шипи ҳам бир аҳволда, умуман, киши дилига гулгула солади. Ибодатхонага яқинроқ икки томонда қурт еб адою тамом қилган, алмисоқдан қолган жавонлар қаққайиб турибди. Ўшаларнинг бири ички томонидаги қозикларда бир неча ридо осиглиқ, уларнинг этаклари жавон эшиклари остидан ташқарига чиқиб қолган бўлиб, чанг босиб ётган кўримсиз пардаларни эслатарди. Уларнинг остида — ерда усти номигагина беркитилган учта қути турар, ўшалар ёрикларидан тушган похол сочилиб ётарди. Қутилар ортидаги бурчакда эса чанг босган қоғозлар, меъмор режаларидек думалоқланган ўрамлар, устма-уст тахланган ҳужжатлару хатлар уюлиб ётарди.

Қачонлардир бу хонани унинг ён томонидаги чоғроқ дераза ёритиб турган, лекин у гишт билан уриб ташланиб, шипидан туйнук очиб қўйилган экан. Ҳавоси оғир, зах ҳиди уфурар, ибодатхонага ўтиладиган эшик мутлақо очилмайдиган қилиб беркитиб қўйилганлиги ҳам бу ҳолга сабаб бўлган. Ўша оғирдан-оғир эман тахтали эшик ҳам юқориси, ҳам пастидан лўкидонланган.

— Сарамжонлироқ бўлишимиз мумкин эди, шундай эмасми, сэр? — деб қўйди ўша ҳазилкаш клерк. — Лекин мана шу жойдек қарғиш теккан бурчакда қўлимиздан нима ҳам келарди? Ҳайрон бўлманг, буёққа қаранг-а, мана бу қутиларга қаранг. Бир ёки ундан кўпроқ йиллар аввал Лондонга тушириш учун тайёрланганди — ҳамон шу ерда, жойни банд қилиб турибди, қутилар сочилиб кетмагунча тураверади. Сизга айтгудек бўлсам, сэр, аввалроқ айтганимдек, бу ер Лондон эмас. Ҳаммамиз гафлатда қолганмиз. Ё парвардигорим-ей, замондан ортда қолганмиз.

— Қутидагилар ўзи нима? — савол ташладим.

— Роҳиб минбарининг ёғоч наққошлари парчалари, меҳроб гулдевори ва орган хори ҳайкалчалари. Ёғочга нақшланган ўн икки ҳаворий, ҳаммасининг бурни учиб кетган. Синган, қурт еб, уша-

либ адою тамом бўлган. Куриган лойдек мўрт, сэр, шу ибодатхона ёшини ҳам яшаб қўйишган, эҳтимол ундан ҳам қарироқдир.

– Лондонга нега жўнатилмоқчи эди? Таъмирлашгами?

– Худди шундай, таъмирлашга, таъмирлаш вақти ўтганларидан қаттиқ ёғочга нусха кўчириш учун. Лекин, парвардигор ўзинг раҳм қил, бунга маблағ танглик қилиб қолди. Шунинг учун ҳам жойида ўралашиб ётибди, пул тушмаса, кимдан ҳам тушарди. Бир йил аввал, сэр, олтига жентельмен янги шаҳар меҳмонхонасида ўша таъмирлаш ишлари шарофати билан зиёфат ўтказишди. Нутқ сўзлашди, айюҳаннос солиб қадаҳлар кўтаришди, қарорлар қабул қилишди, имзо чекишди – минглаб эълонлар чоп этиришди. Эълонларнинг чиройини айтмайсизми, сэр, гот шрифтида қизил бўёқ билан. Эълонларда ибодатхона билан қадимий мумтоз ёғоч ҳайкалчаларни таъмирламаслик уят, деб ёзилганди. Булар эса, жойидан жилгани йўқ. Улар меъмор режасию, харажат миқдори ва бошқа қоғозлари билан асрлар якунини кутиб ётаверсалар керак. Бу ишлар ур-йиқитгача олиб борган, лекин жойидан жилмаган. Аввалига озроқ хайр-эҳсон пули тушган, лекин у билан иш битармиди! Бу ер Лондон эмас-да, сэр! Маблағ ёғоч парчаларини қутиларга жойлаш билан эълонигагина етган, тамом. Хуллас, сизга айтганимдек, оёқ ости бўлиб ётибди. Уларни қўйгани жой йўқ, янги шаҳарликларнинг эса биз билан иши йўқ. Биз панадамиз, бизни унутиб юборишган. Қазноқда ҳамма нарса остин-устун бўлиб ётибди, ёрдамни қардан кутсагикин? Мана шуни билмоқчийдим.

Никоҳ дафтарини кўриб чиқишга кўзим тўрт эди, шунинг учун ҳам қарияга ён босиб, гапни чўзиб ўтирмадим. Унинг ёрдамга умид боғлаб, қазноқни тартибга келтиришнинг иложи йўқ, деган фикрини маъқуллаб, мўлжаллаган масалани ортиқча кейинга сурмай, зудлик билан иш бошлашни таклиф этдим.

– Ҳа, ҳа, никоҳ дафтари, шундай қилиш керак, – деди клерк чўнтагидан бир боғлам калитларни чиқариб. – Қайси йилларни кўрмоқчи эдингиз, сэр?

Мариан билан сэр Персивал ва Лаура никоҳи ҳақида гаплашганимизда унинг ёшини айтган эди. Унинг тавсифича, ўшанда қирқ беш ёшда экан. Ҳисоб-китоб қилиб, ўшандан буён бир йилдан ортиқ вақт ўтганини назарда тутиб, 1804 йили туғилган, деб хулоса чиқардим, никоҳ дафтаридан ҳам тахминан, ўша йилни излаш керак эди.

– Бир минг саккиз юз тўртинчи йилдан бошламоқчиман, – дедим.

– Ўшандан кейин қайси томонга, сэр? – деди клерк – замонамиз томон олдингами ёки биздан орқагами?

У жавонлардан бири – ўша ички ёнига ридолар осиб қўйилгани эшигини очиб, вақт тақозоси билан жигарранг тери қопланган муқоваси шилиниб кетган калон дафтарни чиқарди. Никоҳ дафтари сақланадиган жой хавфсизлиги таъминланмаганини кўриб анқайиб қолибман. Жавон эшиги путурдан кетиб, зўрга илиниб турар, қулфини айтмайсизми, ундан кичигию оддийси бўлмаса керак. мен уни нозик ҳассачам биланоқ очиб қўйишим мумкин эди.

– Ўша ерни никоҳ дафтари сақлангудек хавфсиз жой, деб бўладими? – фикримни билдирдим. – Бу тоифа муҳим дафтар дурустроқ қулф ҳимоясида, пўлат сандиқда эҳтиёт қилиниши керак.

– Ий-йе, буни қаранг, қизиқ бўлдию! – деди клерк ҳозиргина очилган дафтарни қайта ёпиб, устини оҳиста силаганича. – Бундан кўп йиллар аввал, болалик пайтларимда собиқ соҳибим оғзидан тушмайдиган сўзларнинг айнан ўзгинаси-ку. «Нима учун бу никоҳ дафтари (тасарруфимдаги мана шу дафтарни назарда тутгани ҳолда) нима учун у пўлат сандиқда асралмайди», деганини бир маротаба эмас, минг маротаба эшитганман. Ўша вақтлар у қонун ва ҳуқуқ ишларини олиб борар, мана шу ибодатхонанинг қазноқ ходими ҳам эди. Очиққўнгил, ажойиб мўйсафид жентельмен, одамларнинг сараси. Бутун умри бўйи мана шу дафтар нусхасини Нолесбуридаги маҳкамасида асраб, муттасил текшириб борар, гоҳ-гоҳ келиб, қўшимча ёзувлардан хабардор бўлиб турарди. Буни хаёлингизга ҳам келтиролмайсиз, аниқ белгиланган кунлари бўларди, ҳар уч ойда бир ёки икки маротаба манави дафтар билан унинг нусхасини текшириш олиш учун қартайган оқ тўпичоғида ибодатхонага келиб турарди. Ўз кўзи билан кўриб, ўз қўли билан ёзиб оларди. «Ким билади дейсиз? Бу қазноқдаги дафтар ўғирланмайди, титилиб кетмайди, деб бўладими? Нега у пўлат сандиқда асралмайди? Нега одамларни ўзимдек эҳтиёткор қилиб бўлмайди. Кунларнинг бирида фалокат босиб, дафтар йўқолгудек бўлса, бу ернинг бутун қавми мана шу нусха қадрига етиб қолишади». Ўша сўзлар оғзидан тушмасди. Кейин бир чимдим талқон тамакисини ҳидлаб, атрофига кўз ташлаганича лорддек хотиржам турарди. Эээ! Ҳозир ўз ишини билиб қиладиган кишини топиш амри маҳол. Унақасини Лондондан ҳам тополмайсиз. Қайси йилни сўровдингиз, сэр? Минг саккиз юз... қайси?

– Минг саккиз юз түрт, – ишимни якунига етказгунимча унинг валдирашига йўл қўймаслик ниятида қисқа жавоб бериб қўя қолдим.

Клерк кўзойнагини тақиб, ҳар уч варақдан кейин бармоқларини тупуклаганича дафтарни варақлай бошлади.

– Мана ўша, сэр, – деди дафтарнинг очиқ бетига мамнуниятла оҳиста қўл уриб, – Мана сиз истаган йил.

Сэр Персивал таваллуд ойидан беҳабарлигимдан, қидирувими январдан бошладим. Дафтар тутилиши эскича – ҳар бир никоҳ сиёҳ билан бирин-кетин ёзилиб, ораларига чизиқ тортиб қўйилган экан.

Бир минг саккиз юз тўртинчи йил бошигача қараб чиқиб, изланган никоҳ ҳақида ҳеч нима топмагач, орқага қайтдим. – Бир минг саккиз юз учинчи йил, декабрь, ноябрь, октябрь.

Ниҳоят шу йилнинг сентябрида ёзилган қайдларда изланган никоҳ қайти топилди.

Ёзувни диққат билан кўздан кечирдим. У саҳифа тубидан ўрин олган бўлиб, жой танлигидан юқоридагиларидан кўра зичлаштирилиброқ ёзилган экан. Юқорисида қайд этилган никоҳ ёзувида куёв исми менинг исмим билан ҳамоҳанглигига кўра эътиборимни тортди. Кейинги саҳифа юқорисида эса жуда катта жой эгалагани ва фаройиброқ воқеълиги билан ёдимда қолган. Унда ёзилишича, ака-укалар бир вақтда уйланишган экан. Сэр Феликс Персивал Глайд никоҳ қайди, агар унинг саҳифа тубига зичлаштириб ёзилгани назарда тутилмаса, кўзга ташлангудек ҳеч вақоси йўқ эди. Хотини ҳақидаги маълумот одатдагидек: «Сесилия Жейн Элстер, Парк Вию Коттедждан, Нолесбери, Батнинг собиқ ҳуқуқшуноси марҳум Патрик Элстернинг ёлғиз қизи».

Мана шу аниқ маълумотларни ён дафтаримга ёзиб оларканман, ҳафсалам пир бўлиб, энди нима қилишимни ҳам билмай довдираб қолгандим. Шу дақиққагача мен умидвор бўлган сиру асрорга энди мутлақо қўлим етмайдигандек туюлди.

Қазноққа келиб, нима ҳам топдим? Менга ҳамон сирлигича қолаётган ўша жумбоқни ҳал қилишнинг бирон-бир учкунни кўриндими? Йўқ, мутлақо. Сэр Персивал онаси шаънида гумон қилинаётган қора доғ нималигини ойдинлаштиришда нимага эришдим? Бир нарсага иқрор бўлгандим – ўша аёл номи мусаффо эди. Интиҳосиз келажакда яна бошқа шубҳаю гумонлар, машаққатлар ва сабр қилишимга тўғри келиши намоён бўла бошлаганди. Энди нима қилишим керак? Ҳали имконият бордек кўринарди. Асосий мақсадга эришишим учун Ноулесбурилиқ Мисс Элстер

ҳақида маълумот йиғишни давом эттирганим ҳолда, аввало, миссис Катерикнинг сэр Персивал онасига нисбатан гарази замирида нима сир борлигини аниқлаш зарур эди.

Дафтарни ёпишим биланоқ клерк:

– Истаганингизни топдингизми, сэр? – деб қолди.

– Топдим, – дедим. – Лекин яна баъзи бир нарсаларни суриштирмоқчиман. Бир минг саккиз юз учинчи йили шу ерда ёзувчизув қилган клерк оламдан ўтиб кетмаганмикин?

– Оламдан ўтган, сэр. Шу ерга келишимдан уч-тўрт йил аввалроқ. Бунга анча вақт бўлди, 27-йил бўлса керак. Бу жой, менга, сэр – гапини давом эттирди ўша маҳмадона ошнам, – мендан аввалги ходим кетиб қолган кейин насиб бўлган. Айтишларича, у хотини туфайли уйидан ҳам, ишидан ҳам мосуво бўлган экан. Ўша аёл ҳануз пастда янги шаҳарда яшаб турибди. Можаро тарихини ўзим батафсил билмайман, билганим шуки, мана шу жойга эгадор бўлиб қолдим. Вансбороу жаноблари менга олиб берган, илгариги соҳибимнинг ўғли. Соҳибим ҳақида сизга айтиб ўтганман. Ўғли ҳам бағри кенг, хушмуомала жентельмен, овни хуш кўради, овга яроқли итлари бор ва ҳоказо. Ҳозир бу ерда қазноқ ходими, отаси ўрнини эгалаган.

Маҳмадона ошнамга никоҳ дафтарини очишидан олдин ўша эски мактаб таълимини кўрган бебаҳо жентельмен ҳақидаги узоқдан-узоқ чўзилган ҳикояси билан хунобимни оширганини эслатгандек савол бердим:

– Илгариги соҳибингиз Ноулесбурида яшаган дебмидингиз?

– Шундай, албатта, сэр, — жавоб берди у. — Кекса Вансбороу жаноблари Ноулесбурида яшаганлар, ёш Вансбороу жаноблари ҳам ўша ерда яшайдилар.

– Ҳозиргина уни, ўз отасидек, қазноқ ходими эканлигини айтиб ўтдингиз. Қазноқ ходими кимлигини тушунмайроқ тургандекман.

– Тушунмайман денг, сэр? Сиз ҳам Лондондан келгансизда! Ҳар бир қавм ибодатхонасида, хабарингиз бўлса керак, қазноқ ходими ва қавм ходими бўлади. Қавм ходими мен каби хизматчи (фақат, мен уларнинг кўпларидан билимлироқман, лекин бунга таъна қилаётганим йўқ), қазноқ ходими ишларига қонуншунослар белгиланади. Қазноқ ишлари масаласида бирон-бир муаммо туғилгудек бўлса, ана ўшалар қилиши керак. Лондонда ҳам худди шундай. Ҳар бир қавм ибодатхонаси ўз қазноқ ходимига эга, сўзларимга инонаверинг, қазноқ ходими, қонунбардор бўлиши керак.

– Ёш Вансборау жаноби ҳам қонунбардор бўлсалар керак-а?

– Албатта, шундай, сэр! Отасининг ўша Ноулесбури Ҳайстритдаги маҳкамасида қонунбардор. Ўша маҳкамадан қанчадан-қанча маротаба чиқиб, кекса жентельменнинг оқ тўпичогини йўрғалатганича кўчанинг ўнг ва сўлидаги одамларга бош эгиб таъзим қилиб келганини кўрмаганман дейсиз! Парвардигорнинг ўзи шоҳид, ажаб табиат, бообрўъ эди-да! Лондонда ҳам ўшандай обрўъ топган бўларди!

– Бу ердан Ноулесбурига узоқми?

– Анча бор, сэр, — деди ходим у ёқ-бу ёққа бориш йўл азоблари нималигидан хабардор қишлоқ аҳлининг масофа ҳақидаги тушунчасида. — Аникроғини айтгудек бўлсам, беш милдан кам эмас!

Куннинг иккинчи ярми бошланмаган. Ноулесбурига бориб, яна Велмингхамга қайтиш учун вақт етарли эди; шаҳарчанинг ўзида сэр Персивал онасининг никоҳдан олдинги феъл-атворию обрўси ҳақидаги саволларимга жавоб бериб кўмаклашгудек бирор кимса топилишига умид йўқ, бу масалада ўша ердаги маҳаллий қонунбардоргина бир нарса дейиши мумкин эди. Қисқаси, Ноулесбурига боришга қарор қилиб, қазноқдан ўша томон йўлга тушдим.

– Чин кўнгилдан раҳмат, сэр, — деди клерк кафтига чой чақа қистирарканман. — Ҳақиқатан ҳам Ноулесберига яёв бориб келмоқчимисиз? Буни қаранг-а! Оёқларингиз бақувват кўринади, тангрининг иродаси-да, шундай эмасми? Йўл адашгудек эмас. Сизга ҳамроҳ бўлиш умидим йўқ эмасди — шу ердек унутилган кунжақда Лондонлик жентельмен билан учрашганимдан мамнунман. Янгилеклар қулоққа чалинар. Кунингиз хайрли ўтсин, сэр, яна бир бор чин кўнгилдан раҳмат.

Хайрлашдик. Ибодатхонадан сал узоқлашгач, орқамга ўгирилиб, пастдаги йўлда яна ўша икки киши турганини кўриб қолдим, энди улар учта бўлиб қолишган, қора либосдаги пакана учинчисига бир кун аввал темир йўл томонида кўзим тушганди.

Учаласи бироз гаплашиб туришгач ажралишди. Қора кийимдагиси ёлғиз Велмингхам томон йўл олди, иккитаси жойидан жилмади, мен юришим билан изимга тушишмоқчи бўлишган бўлса керак.

Мен уларни кўрмаганга солиб, йўлимда тўғри кетавердим. Ўша дақиқаларда улар гашимга тегмас, аксинча, уларнинг шу ерда пайдо бўлиб қолиши сўнаётган омадимга умид боғларди. Никоҳ

дафтарини кўриб, чиқарган хулосам ҳафсаламни пир қилиб юборгани учун ҳам, уларни яна қайта қазноқ атрофида кўриб қолганимга унча аҳамият ҳам бермаган эканман. Бу бежиз эмасди. Сэр Персивал миссис Катерик билан учрашишим нима билан якунланишини тўғри тахминлаган – Кўҳна Велмингхам ибодатхонасига келишимни билган, акс ҳолда бу ерларга мени кутдириб айғоқчи кўярмиди. Қазноқ ичи қанчалик осойишта ва сокин кўринмасин, ўшандай вазият замирида нимадир яширинган – никоҳ дафтарыда нимадир нигоҳимдан четда қолган, ўшани аниқлашим керак эди.

Х

Ниҳоят ибодатхона қораси кўринмай ҳам қолди, мен эсам ҳамон Ноулесбури томон жадал қадам ташлардим.

Йўл асосан тўғри ва текис эди. Қачон орқамга қарасам, ўша икки айғоқчининг изимдан қолмай таъқиб қилиб келишаётганини кўрардим. Йўлнинг кўпроқ қисми ўтилгунча улар ўзларини мендан олисроқда тутишди. Бир-икки маротаба гўё мендан ўтиб кетишмоқчидек, қадамларини тезлатишди, кейин тўхташиб, маслаҳатлашишгач, қадамини сустлаштириб, яна ўша илгариги масофага тушиб олишди. Назаримда, улар нимадир қилиш пайида эдилару, лекин уни амалга оширишда иккиланиб ёки келиша олмай қолаётгандек эди. Уларнинг мақсади нималигини аниқ тахминлай олмасдим, лекин Ноулесбурига бирор фалокатсиз етиб бормаслигимга кўзим етиб турарди. Ўша таҳлиқкалар бежиз эмас экан.

Йўлнинг хилват қисмига чиқиб, олдиндаги муюлишга яқинлашиб қолганимда (вақт бўйича шаҳарчага яқинлашиб қолган бўлсам керак, деб ўйлагандим) таъқиб қилувчиларнинг шахдам қадамлари шарпасини эшитиб қолдим.

Орқамга қарашга улгурмасимдан улардан бири (мени Лондонда таъқиб остига олгани) елкаси билан чап томонимни туртиб ўтди. Унинг ҳамроҳи билан биргаликда Қадим Велмингхамдан бери изимдан тушиб келишаётганидан хунобим чиқиб келаётгани учун ҳам бўш қўлим билан уни дадил итариб юбордим. У ёрдам сўраб бақаришга тушди. Табиат посбони кийимидаги новча ҳамроҳи ўнг томонимга ташланди. Лаҳза ўтмай йўл ўртасида икки аблаҳ орасига тушиб қолдим.

Тузоққа тушганим аниқ, афсусландим, лекин қурбим етмагани ҳолда икки киши билан олишиб, вазиятни кескинлаштириб

қўймаганимга шукур қилдим. Барвастасининг бир ўзига ҳам бас келишим амри маҳол эди. Силкиниб, улар орасидан чиқишга ҳам уринмай, ёрдам илинжида атрофга алангладим.

Даланинг йўл чеккасидаги фосиласида кимдир иш билан банд, нималар бўлиб ўтгани ҳақида ўша кишининг гувоҳлик бериши турган гап эди. Уни чақириб, биз билан шаҳарга тушишини илтимос қилдим. У қатъи бош чайқаб, кўчадан анча олисдаги уй томон йўл олди. Мени ушлаб туришганлар эса бизни ҳақоратландинг, деб дағдаға қилишарди. Мен энди ҳовуримдан тушиб, қаршилиқ қилишнинг ҳожати ҳам йўқлигини тушунгандим.

— Қўлларимни қўйиб юбораверинглар, — дедим. — шаҳарга сизлар билан бирга боравераман.

Табиат посбони кийимидагиси қўполлик билан рад этди. Лекин паканароғи анча зийракроқ бўлиб, ҳамроҳининг ноўрин куч ишлатиш оқибати ўзларига зиёнлигини тушунганди. У шеригига ишора қилди, қўлларим бўшалиб, иккаласининг орасида йўлимни давом эттирдим.

Йўлнинг муюлишига етдик, ўша ер, кўз ўнгимизда ясланган жойлар Ноулесбери этаклари экан. Маҳаллий миршаблардан бири йўл ёқасидаги сўқмоқдан келиб қолди. Мени олиб кетаётганлар унга мурожаат этишди. У холис судя шаҳар ҳокимлигида эканини айтиб, тез ўша ерга етиб боришимизни тавсия этди.

Шаҳар ҳокимиятига ҳам етиб келдик. Ҳокимият ижрочи ходими, одатдагидек, асл воқеликни лойқалатиб бўрттирганича менга айб қўйиб, суд чақириғини тайёрлади. Холис судя эса (тажанг одам, амал қудрати нималарга қодирлигидан зардали мамнуният билан) йўлда ёки йўл атрофида ўша ҳақоратга гувоҳ бўлгудек бирон кимса бўлган-бўлмаганини суриштирди. Шикоятчи даланинг бир четида ишлаётган бир меҳнаткаш бунга гувоҳлик бера олишини маълум этди, ҳайратга тушиб, анграйиб қолибман. Холис судьянинг кейинги сўзларидан бу можаронинг уюштирилиш сабаби очиқ-ойдик бўлиб қолди. У гувоҳ келгунигача назорат остида туришимни буюрди, айти вақтда, мабодо кафолатга олувчи одам топгудек бўлсам, озодликда туришимга ҳам эътирози йўқлигини ҳам билдирди. Мабодо шаҳарликларга таниш бўлганимда ҳам, шикоят сабаби аниқлангунча мени қўйиб юбориш имконияти бўлишини маълум қилди, лекин мен бу ерда ҳақиқий мусофир эдим, кафолатга олувчи киши топишим шарт эди.

Ҳамма умид йўллари мен учун ёпилганди. Бу ишларнинг ҳам-

маси менинг бу ерда мусофирлигим ва кафолатга олувчи одамим йўқлигига асосланганди. Тутқунлик вақти уч кундан ортиқроқ вақт олиши, холисона суд аъзоларининг навбатдаги йиғилишигача чўзилиши мумкин эди. Шу вақт ичи эса сэр Персивал хоҳлаганича иш тутиб, бўлажак режаларимга гов қўйиши мумкин – мендан хавфсирамай, ўз жинояти изларини йўқотиши мумкин, у ҳолда гувоҳнинг ҳам ҳожати қолмасди.

Аввал бундай макр тузоғига илинганимдан жиғи-бийроним чиқиб, жунбушга келгандим. Шунчаки разил, арзимаган бўлса ҳам, унинг оқибати нималарга олиб бориши бошимни говлатиб, бу аҳволдан қандай қутулиб кетишни дурустроқ ўйлаб ҳам кўрмаман. Хаёлим сочилиб, бор ҳақиқатни холис судга ёзма баён этиш учун қоғоз ва давот сўрабман. Бу ҳаракатимнинг бефойдалиги, эҳтиётсизлик экани хаёлимга ҳам келмабди. Хатнинг кириш қисмини ҳам ёзиб улгурмай, айтишга ҳам уяламан, чорасизлик мени таслим қилиб, тушкунлик тушиб қолган бир пайтимда, тасодифан, хаёлимга бир фикр келиб қолдики, у сэр Персивал хаёлидан кўтарилган бўлса керак, ўша туфайли бир неча соат ичи эркинликка чиқиб кетишим мумкин эди. Қаерда ва қандай вазиятда эканимни Оук Ложлик Даусон жанобларига хабар беришга қарор қилдим.

Ёдингизда бўлса керак, Блэквоутер Парк атрофларидаги дастлабки суриштиришларни бошлаган пайтимда мана шу жентлмен уйига бориб, унга мисс Голкомб номидан ўз шахсим ҳақида мақтовлар билан ёзилган тавсиянома мактубини топширган эдим. Энди ана ўша мактуб ва суриштирилаётган муаммонинг қанчалик нозик ва хавфли экани ҳақидаги сўзларимни эслатиб ёздим. Ўша жаноб билан бўлиб ўтган суҳбатимизда Лаура ҳақидаги бор ҳақиқатнинг ҳаммасини айтмай, менга топширилган вазифа мисс Голкомбга боғлиқ ўта муҳим оилавий масала, деб кўя қолгандим. яна худди ўшандай эҳтиёткорлик билан энди Ноулесбуридаги аҳволимни изҳор этдим. Унинг қадрдонларидан бўлган ледининг менга нисбатан ишончи, унинг ўз уйида иззат-икром билан қабул қилинганим шарофати туфайли, бегона бир шаҳарда таниш-билишсиз қолиб, азият чекаётган бир вақтимда уларга мурожаат этишга ҳаддим сиғармикин, ёрдам қўлини чўзиб келиш-кела олмаслигини сўраб, бу масала ихтиёрини ўзларига ҳавола этдим.

Бирон-бир киракаш жиловдор-дастёр ёллаб, ўша орқали Доусон жанобларига зудлик билан мактуб йўллашга ижозат олдим. Ўша кабда унинг ўзи ҳам келиб қолишига умид боғлардим.

Оук Лож Блоуквоутернинг Наулесбури томонида эди. Жилвдор ўша ерга қирқ минутда етиб бориши, ундан сал кўпроқ вақт ичи Доусон жанобларини етказиб кела олишини айтди. Мен унга ўша кимса мабодо уйда бўлмаса, қаердан бўлмасин, излаб топиши зарурлигини тайинладим. Жилвдор жўнаб кетгач, бутун умидимни унинг келишига боғлаб, сабр билан илҳақликда ўтирдим.

Жилвдор жўнаб кетганида ҳали соат бир ярим ҳам бўлмаган эди, уч ярим бўлмай қайтиб келди, докторни ҳам олиб келибди. Доусон жанобларининг саховату назокат кўрсатиб ёрдам қўлини чўзиб келганидан бошим осмонга етди. Кафолат тақдим этилди ва ўша ондаёқ қабул қилинди. Ўша куни соат тўрт бўлмасиданоқ Ноулесбури кўчасида ўша саховатли кекса доктор билан самимий қўл олишиб турардим – озодликка чиққандим.

Доусон жаноблари илтерламаот кўрсатиб, ўзи билан бирга Оук Ложга қайтишим, бир кеча ўз уйда тунаб қолишимни таклиф этди. Вақтим ўз ихтиёримда эмаслиги, ўша ташрифимни айни вақтда имкони йўқ, лекин унинг кўмагида эришилган ютуқлар ҳақида унга батафсил айтиб, яна қайта миннатдорлик билдириш вақти келгунича бир неча кунга кечиктиришни илтимос қила олдим холос. Биз ҳақиқий дўстлардек хайрлашдик ва мен вақтни ўтказмай, Вансбороунинг Ҳай-стритдаги маҳкама-сига йўл олдим.

Вақт тигиз эди.

Кафолат билан озод этилганим ҳақидаги янгилик оқшомгача сэр Персивал қулоғига етиши мутлақо аниқ. Агар шу икки-уч соат ичи у мени ўзининг таҳликали қабиҳ қилмишларини исботлашимдан маҳрум этиб қўймаса, уни ўз марҳаматимдан бенасиб этмасам, эришган ютуқларимдан заррача ҳам қолмас – ҳаммасини барбод бериб, уни қайта тиклашнинг иложи қолмасди. Бу кишининг тутуруқсизлиги, сурбетлиги, маҳаллий амалдорлар билан алоқалари, ўшалар олдидаги иззат-эътибори ўз терговларимни жадаллаштириш билан унинг кирдикорларини фош этиб, холини танг қилиб қўйиш имкониятим вақтнинг бир дақиқасини ҳам зое кетказмай ҳаракат қилишимни тақозо этарди. Доусон жаноблари йўлига мунтазир бўлиб турганимда ўзимча анча мулоҳаза қилиб олгандим. Ўшанга энди қатъи амал қилишим керак эди. Маҳмадона мўйсафид ходим суҳбати (ўшанда гашимни келтирган эди)дан бир чимдими энди асқотиб ҳам қолди. Қазноқда ҳаёлимга келмаган янги бир шубҳа ҳаёлимдан ўтди. Наулесбурига

кетаётганимда сэр Персивалнинг онаси ҳақида маълумот олиш учун Вансбороу жанобларига мурожаат этсаммикин, деган хаёлга борган эдим. Энди Кўҳна Велминҳам ибодатхонаси қазноғидаги никоҳ дафтари нусхасини кўздан кечиришга қарор қилдим. Суриштирсам Вансбороу жаноблари ўз маҳкамаларида экан. Қабулига кирдим.

У қизгиш юзли, қувноқ, ёқимтой киши бўлиб, юристан кўра қишлоқ қонунбардорига ўхшарди. Мени қизиқтирган саволим уни ҳам ажаблантиргандай, ҳам кўнглига овунчоқ бўлгандек кўринди. Отасининг қўлида ўша дафтар нусхаси борлигини эшитгану лекин уни ҳатто кўрмаган ҳам экан. Шу вақтгача у ҳеч кимга керак бўлмаган. Махсус хонадаги ҳужжатлар орасида бўлишига шакшубҳа қилмас, отаси ўлимидан кейин уларга бирон кимса қўл ҳам урмаган экан.

— Афсус, — деган Вансбороу жаноблари, — Қанийди кекса жентельмен ҳаёт бўлиб, унинг бебаҳо дафтари нусхаси, ниҳоят, кимгадир керак бўлиб қолганини эшитса! Бугундан бошлаб у ўзининг бундай эрмагидан бутунлай бош кўтармай қолган бўларди.

Кейин у бу дафтар ҳақида кимдан эшитганимга қизиқиб:

— Маҳаллий фуқаролардан бирортаси айтмадими? — деди.

Иложим борича аниқ жавобдан қочдим. Айниқса мақсад натижаси шу дарадага етиб қолганида ўта эҳтиёт бўлиш керак эди. Вансбороу жанобларининг никоҳ дафтари асл нусхасини кўриб чиққанымдан хабардор бўлмаслиги маъқулроқ туюларди. Шунинг учун ҳам унга бир оила иши билан бандлигим, вақт зиқлигини пешт қилиб кўя қолдим.

— Баъзи бир маълумотларни бугуноқ Лондонга жўнатишим керак. Шунинг учун ҳам вақт кетказиб кўҳна Велмингҳамга бормай, нусхасиниёқ кўриб қўйишни (албатта, ҳақ тўлаш шарт билан) маъқул топдим — дедим. Мабодо кейинроқ яна таваллуд дафтари зарур бўлиб қолгудек бўлса, яна Вансбороу маҳкамасига мурожаат этишимни кўшимча қилиб қўйдим.

Бундай ваз-корсонлардан кейин эътирозга ўрин қолмади. Махсус хонага дастёр юборилди, кўп ўтмаёқ у дафтарни олиб келди. Бу дафтар ҳам қазноқдаги оригинали ҳажмида, фарқи фақат нусха муқовасининг юксак беағида экан. Уни олиб, бўш столга бориб ўтирдим. Қўлларим қалтирар, бошимга оғриқ кириб кетганди. Дафтарни очишдан олдин атрофимда ўтирганларнинг эътиборига тушмаслик учун ўзимни сал босиб олишга ҳаракат қилдим.

• Дафтарни очиб, биринчи саҳифасида сиёҳ билан ёзилиб, ранги анча ўчиб кетган қўйидаги жумлаларга қўзим тушди:

• «Велмингхам қавми ибодатхонасидаги никоҳ дафтари нусхаси. Шахсан менинг ташаббусим билан юзага келган, кейин унинг ҳар бир бандини ўзим асл нусхаси билан солиштириб чиққанман. (Имзо) Роберт Вансбороу, қазноқ ходими».

• Ўша илова остига бошқа дастхат билан қўйидагилар ёзиб қўйилганди:

• «1800 йил 1 январидан 1815 йил 13 июнигача даврни ўз ичига олади».

• Бир минг саккиз юз учинчи йил сентябрь ойини очиб, номи номимга ҳамоҳанг кимсанинг никоҳ бандини топдим. Ака-укалар никоҳи бандини ҳам топдим. Мана шу бандлар оралиғи аввалги саҳифа ниҳояси...»

• Бўм-бўш! Ибодатхона дафтарида қайд этилган сэр Феликс Глайд билан Сесилия Жейн Элстерлар никоҳидан ному-нишона йўқ!

• Юрагим така-пука бўлиб, қалтироқ босганича томоғимга нимадир тиқилгандай бўлди. Шундай далил гувоҳи бўлиб турган кўзларимга ҳам ишонмай, синчиклаброқ қарадим. Йўқ! Шубҳага ҳам ўрин йўқ. Ўша никоҳ қайд этилмаган. Нусхадаги ёзувнинг ҳар бир алоҳида банди айнан асл нусхадагидек қилиб кўчирилганди. Очилиб турган саҳифанинг сўнгги бандида ўша номи номимга муқобил шахснинг никоҳи қайд этилган. Унинг остида бўш жой қолган. Чунки аслида ҳам, унинг нусхасида ҳам кейинги саҳифа устки қисмида қайд этилган ўша ака-укалар никоҳини ёзиш учун бўш жойнинг торлиги шундоққина кўринарди. Ўша бўм-бўш жой сохталикни яққол-ошкора этиб турибди! 1803 йилдан то 1827 йилгача яъни, сэр Персивал қадами кўҳна Велмингхамга етгунча ўша саҳифанинг бўш ўрни бўлган бўлиши керак. Қаллоблик Кўҳна Велмингхамда, Ибодатхонанинг никоҳ дафтарида содир этилган, унинг ошкора этиш имкониятини эса Наулесбуридаги мана шу дафтар нусхасидан топгандим.

Бошим айланиб, йиқилиб тушмаслик учун пештахтани ушлаб қолдим. Ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ўша тубан кимсага нисбатан гумонларимдан биронтаси ҳам ҳақиқатга яқин келмасди. Гап шунда эдики, у ҳаётдаги сэр Персивал Глайдга мутлақо ўхшамасди, унинг баронет ва Блэквоутер мулкдори бўлишининг ўрни йўқлиги, ўша ерда тер тўқувчи энг қашшоқ оддий заҳматкашдан ортиқ эмаслиги хаёлимга ҳам келмаган экан. Бир вақтлар уни Анна Катерикнинг отаси бўлса керак, деб ўйлаган бўлсам, кей-

ин унинг эри ҳисобида кўрганим учун ҳам, ўша аёл бошига тушган гурбатларда уни айбдор, деб билардим. Лекин менинг хаёлларим сароб бўлиб чиқди.

Мана шундай қаллоблик туфайли содир бўлган жиноятларнинг қанчалар машғум ва қанчалар илдириб кетгани, мабодо ўша қаллоблик ошкора бўлиб қолгудек бўлса, жиноятчи бошига тушадиган оғир кулфат таҳлиқкалари — шуларнинг ҳаммаси мени талвасага солди.

Бу лаънати муттаҳамнинг ноҳақ ўшқириқлари, беасос тўполонлари, гоҳо ҳазин юриши, шубҳа таҳликасида Анна Катерикни телбахонага тикиб қўйиши, ҳатто, Анна Катерикдан сирни эшитиб қолган бўлса керак, деган беасос вазвасада ўз хотинига қарши қилган ёвуз жинояти туфайли юзага келган олазарақ ҳаётидан энди ажабланишнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Ўша сирнинг ошкора этилиши уни ўтмишда ўлимга ҳукм қилиниши (осилиши), ҳозир эса умрбод сургун билан яқун топиши мумкин эди. Сирнинг ошкора этилиши, азият чекканлар ўз хоҳишлари билан қонун жазосидан кечгудек бўлсалар ҳам, лекин бу уни ўз номидан, унвонидан, мулкидан, жамиятда тугган мавқеидан асраб қола олмасди. Мана ўша сирнинг нималиги, у мени кўлимда! Бир сўзим билан уйи, ерлари, баронетлигидан ажраб, ҳаммаси асфаласофилинга кетарди, бир сўзим билан номи ўчиб, бир чақасиз дарбадарликка, йўқсилликка, бевафо дунёга улоқтирилади! Ўша кишининг бутун келажаги менинг лабимда илиниб турарди. Мана шунга ҳозирги дақиқада унинг ўзи ҳам, худди мендек, иқрор эди!

Сўнгги фикр мени ҳушёр торттирди. Шахсий манфаатимдан зиёда мақсадимнинг рўёбга чиқиши нечоғлик эҳтиёт бўлишимга, ҳар бир қадамимни ўйлаб босишимга боғлиқ эди. Сэр Персивалнинг менга қарши уюштириши эҳтимолдан холи бўлмаган макр, ҳийлаю найрангларининг чеки йўқ. Ҳавфу хатарда қолгани туфайли, у ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун ҳеч қандай ёвузликдан ҳазар қилмай, ҳар қандай тубанликка бориши мумкин эди.

Аммо бир зум фикрга чўмдим. Ҳозиргина қўлга киритган далил-исботимни мустаҳкамлаб қўйишим керак эди. Бирон-бир фалокатга дучор бўлишим эҳтимолдан холи бўлмаганидан, уни ёзиб қўйишим керак. Ўша далил-исботнинг сэр Персивал қўлига тушиб қолишидан асраш керак эди. бунинг учун эса уни ўша имкониятдан маҳрум этиб қўйиш кўзда тутилари. Вансборау қўлида

асралаётган никоҳ дафтари нусхасидан хавфсирашга ўрин йўқ — у хавфсиз жойда. Лекин қазноқда сақланаётган асл нусха хавфсизлигига, ўз кўзим билан кўрганимдек, ишонч йўқ эди.

• Юқоридаги вазиятни назарга олиб, мусофирхонага қайтишимдан олдин зудлик билан кўҳна ибодатхонага қайтиб, яна ўша клерк билан сўрашиб, ўша тунги ёстиққа бош қўйгуни-мизгача никоҳ дафтарида зарурий кўчирма олиб қўйишга қарор қилдим. Ўша пайтлар ҳужжат нусхалари нотариус томонидан тасдиқланиши лозимлиги, шахсий кўчирма далил-исбот ҳужжати бўла олмаслигини ҳали билмас эканман. Бундан ташқари, ниятимнинг сир сақланиши учун бу масалада ҳеч кимга мурожаат ҳам қила олмасдим. Фикру ёдим Кўҳна Велмингхамга қайтиш бўлиб қолганди. Юзимдаги безовталиқ аломатларини сезган Вансборау жанобларига бу борада чексиз узрлар билдириб, зарурий тўлов ҳақини столи устига қўйдим-да икки-уч кундан кейин хат ёзишимни билдирганимча хонадан чиқиб кетдим. Бошим иситмадан ёнар, юрагим така-пука, бутун вужудим безгак қалтироғида эди.

• Қош қорайиб қолган. Мени таъқиб этувчилар яна изимдан тушиб, улар шоҳ кўчада менга ташланиб қолишлари ҳам эҳтимолдан холи эмаслиги хаёлимдан ўтди. Кўлимдаги хассам енгилроқ, чоғроқ, ҳимояга ярамасди. Наулесбуридан чиқиб кетиш олдидан йўғонроқ қишлоқ тўқмоғи сотиб олдим. Қисқароқ бўлса ҳам, бош томони оғир. Мабодо биронтаси йўлимни тўсгудек бўлса, мана шу хонаки қурол билан унга бас кела олардим. Бордию биттадан ортиғи ҳужумга ўтгудек бўлишса, оёқларимга ишонардим. Ўқувчилик пайтларимда кўзга кўринган чопар бўлганим ҳолда, Марказий Америкада ўтган сўнги пайтлар анча тажриба ўтказиб олганимдан бери бунга ҳушим йўқ эди.

• Шаҳардан жадал чиқиб, катта йўл ўртасига тушиб олдим. Ёмғир шивалаб турарди. Йўлнинг ярмини босиб ўтганимча изимдан одам тушган-тушмагани ҳақида бирон нарса дейишим қийин. Лекин йўлнинг иккинчи ярмига ўтганимда, ибодатхонагача тахминан икки мил қолувди, ёнимдан бир киши югурганича ўтиб кетди ва сал кейинроқ йўл ёқаси фосилалари томонида эшикнинг тарақлаб ёпилгани қулоғимга чалинди. Тўқмоғимни қаттиқ сиқиб, қулоғимни динг қилганимча туман босган зулмат пардасига тикилиб олға юравердим. Ҳали юз ярдча ўтмасимдан ўнг томонимдаги шоҳ-шаббалар шитирлаб, уч киши сакраганича йўлга чиқишди.

Шу лаҳзаёқ ўзимни четга ташлаб, сўқмоққа чиқиб олдим. Уларнинг иккитаси ўзларини тўхтата олмай, ёнимдан мункиб ўтишди. Учинчиси чақмоқдек чаққон экан. Ўзини тўхтатиб, ярим ўгирилганича елкамга таёғини тушуриб қолди. Зарба тахминий бўлиб, унча оғир эмасди. Мен унинг калласига тушуриб, жавобини бердим. У орқасига тисланиб, менга ташланаётган икки шериги йўлини тўсиб қолди. Шу қўл келдию, ёнларидан ўтиб, йўлга тушиб олганимча жуфтакни ростлаб қолдим.

Тўқмоқ емаган иккитаси мени қувлай бошлашди. Иккаласи ҳам яхшигина югурувчилар экан. Йўл силлиқ ва текис эди, даслабки беш ёки ундан ортиқроқ вақт ичи улардан илгарилаб кетмаётгандек эдим. Қоронгида узоқ югуриш хатарли эди. Йўлнинг икки чеккасидаги бута қаторлари қораси гира-шира кўринар, бирор фалокат юз бериб, мункиб юз тубан йиқилиш ҳеч гап эмасди. Орамиздаги масофа қисқа-қисқа муддат ичи ўзгариб тураётгандек гоҳ қисқариб, гоҳ узоқлашиб қоларди. Пастликка юз тутганимизда улар яқинлашиб қолишар, ўр тортилганида илгарилаб кетардим. Орқадан эшитилаётган ва тапир-тупир оёқ товушлари аста пасайиб, кейин умуман эшитилмай қолди. Ўшандан уларнинг анча орқада қолиб кетишгани маълум бўлди. Бу эса тун қоронгисида ўзимни кенг дала бағрига уриб, уларни ўтказиб юбориш билан таъқибдан қутулиб қолишнинг бирдан-бир имконияти эди. Шундай ҳам қилдим. Йўл чеккасидаги буталарнинг очиқ ери келиши биланоқ ўзимни ўша томон урдим. Дарвозаси қулф панжарага дуч келдим. Уни ошиб ўтиб, далага чиқиб қолдим. Ўша ерда писиб олиб, нафасимни ростладим. Таъқибчилар югурганларича дарвоза қаршисидан ўтиб кетишганлари шарпасини эшитдим. Кейин кўп ҳам ўтмай улардан бири иккинчисини орқага қайтинг, деб чақириб қолди. Энди улар нима қилишмасин, мен учун аҳамияти йўқ — уларнинг кўзидан гойиб бўлгандим, овозлари ҳам қулоғимга чалинмай қолганди. Тўғрига йўл олиб, фосилани кесиб ўтдим-да, унинг нариги чеккасида тўхтаб, нафасимни ростладим.

Қайта йўлга чиқишнинг иложи йўқ эди, лекин нима бўлганда ҳам, ўша кеча Кўҳна Велмингҳамга етиб боришга қасд қилдим.

Атроф зим-зиё, милт этган юлдуз кўринмасди. Қайси томон юришимни билмасдим. Фақат шу нарса маълум эдики, Наулесбуридан чиқиб келаётганимда орқа томондан эсаётган шамол туфайли, ёмғир орқамга урилиб турарди. Ўшанга риоя қилгудек бўлсам, янглишмаган — йўналишимда янглишмаган бўлардим.

Ўшанга амал қилиб, ариқ, канор ва буталардан бошқа тўсиққа дуч келмай анча майдонни босиб ўтиб, ниҳоят, қир ёқасидан чиқиб қолдим. Майдоннинг у томони пастлик бўлиб, жилгага тушиб, дарадан чиққач сўқмоқ бошланди. Сўқмоқ бўйлаб юриб, катта йўлга етмай ўнга бурилдим, кейин ўша четлашиб кетилган масофани қайта босиб ўтиш учун чапга бурилдим. Чамамда, ўн минут ёки кўпроқ вақт ичи сўқмоқнинг лой ва чуқур-чақир ерларини босиб ўтиб, деразалари биридан чироқ нури таралиб турган уйни кўриб қолдим. Сўқмоқ мени тўғри ўша уйга олиб борди. Ташқи дарвоза очиқ экан. Йўлимни суриштириб олиш учун тез ичкари кирдим.

Уй эшигига қўлим тегар-тегмас у бирдан очилиб, кимдир қўлида фонус тутганича отилиб ташқари чиқди. Таққа тўхтаб, фонусини мен томон кўтарди. Бир-биримизга кўзимиз тушгач иккаламиз ҳам анграйиб қолибмиз. Сарсонгарлигим мени қишлоқнинг шундоққина қуйи чеккасига олиб келиб қўйган, Кўҳна Велмингҳамда эканман. Фонус кўтариб турган киши у ҳам эмас, бу ҳам эмас, эрталабки танишим, қавм ходимининг ўзгинаси экан.

Унинг ташқи қиёфаси эрталаб кўрганимдан бери анча ўзгариб кетгандай, галати туюлди. Тажангроқ, олазарак кўринарди, қизгиш юзи қип-қизариб кетган, дастлабки сўзларидан ақли-ҳуши ҳам жойида эмасдек туюлди.

— «Калитлар қани?» — деб қолди у. — Уларни сиз олганмидингиз?

— «Қайси калитлар?» — дедим. — Ноулесбуридан эндигина келиб турибман. Қайси калитларни сўраяпсиз?

— Қазноқ калитларини-да! Ё парвардигор, ўзинг асра, ўзинг мадад қил! Энди нима қиламан? Калитлар ғойиб бўлиб қолибди! Эшитаяпсизми? — фонусини менга яқинлаштириб қимирлатганича куйиб-пишиб айюҳаннос солди. — Калитлар йўқ!

— Нега? Қачон? Уларни ким олиши мумкин?

— Билмадим. — Зим-зиё атрофига олазарак аланглаганича гўлтиради у. — Ҳозиргина қайтдим. Эрталаб сизга бугун ишларим кўп демабмидим. Эшикни қулфлаб, деразани ҳам ёпиб қўювдим, ҳозир у очиқ, дераза очиқ. Қаранг! Кимдир ичкари кириб, калитларни олибди.

У деразанинг ланг очиқлигини менга кўрсатиш учун ўша машъум дераза томон ўгирилди. У фонусни кўтариб, у ёқ-бу ёққа ҳавола этганида эшиги очилиб кетиб, шамол нафаси тегдию шам ўчди.

– Бошқа фонус олинг! – дедим. – Қазноққа борайлик. Тез! Тез!
Уни тезлик билан ўша ерга етиб боришга ундадим. Эҳтимол-
лимдан холи бўлмаган қабиҳлик, мени эришган ютуқларимдан
бутунлай мосуво қилувчи қабиҳлик содир бўлаётган бўлса керак,
эҳтимол, ўз якунига етаётгандир, деб ўйлардим. Ибодатхонага етиб
боришга шунчалар шошилдимки, шеригимнинг шаъмни қайта
ёқишини кутиб турмаёқ ҳовлидан чиқиб сўқмоқдан йўл олдим.
Ўн қадамча юрмасимданоқ ибодатхонага олиб борувчи сўқмоқ
қаршисидан нотаниш бир одам менга яқинлашиб, мулозимат
билан мурожаат қилди. Юзи кўринмасди, овозидан эса менга бу-
тунлай бегона эди.

– Кечирсинлар, сэр Персивал... — мурожаат қилиб қолди у.
яна бирон нарса дегунича гапини бўлиб,

– Қоронғида янглишдингиз, — дедим. — сэр Персивал эмасман.
У орқага тисланиб кетди.

– Валинеъматим, деб ўйлабмиан. — гўлдиради у ҳижолатликда
хайрон бўлиб.

– Валинеъматингиз билан шу ерда учрашмоқчимидингиз?

– Сўқмоқда кутишимни тайинлаган эди.

Ўша жавобидан кейиноқ изига қайтди. Орқамга ўгирилиб қара-
ганимда мен илҳақ бўлган киши фонусини қайта ёқиб ҳовлидан
чиқиб келаётган экан. Қадамини тезлатиш учун унинг қўлини
кўлимга олдим. Сўқмоқдан жадал йўлга тушдик, менга мурожаат
этган кимсани босиб ўтдик. Фонуснинг гира-шира ёруғида у мах-
сус кийимсиз хизматкордек кўринди.

– Ким у? — шивирлади шеригим. — Калитлар ҳақида бир нарса
билмасаканми?

– Суриштиришга вақт йўқ. — дедим. — Аввал қазноққа борайлик.

Ибодатхона кўринмасди, бу ердан ҳатто кундузи ҳам. У сўқмоқ
охирига етилгачгина кўзга тушиши мумкин эди. Биз тепаликка
чиқиб, ўша ердан ибодатхонага тўғри бориладиган йўлга тушга-
нимизда қишлоқ болаларидан бири — ёнимизга келиб, фонус
шуъласида қазноқ ходимини таниб:

– Мен айтмай, мистей, — деб қолди унинг этагидан тортиб, —
аяйда бил одам ибодатхона ичида юйибди. Эшик қулфини очга-
нини эшиттим. Кўўп таяқлатиб уйганини эшиттим.

Қазноқ ходимини қалтироқ босиб, менга суяниб қолди.

– Юринг! Юринг! — дедим уни дадиллаштириб. — Ҳали кечик-
мабмиз. У ким бўлмасин, қўлга оламиз. Фонусни эҳтиётлаб, ило-
жи борича тезроқ орқамдан боринг.

Зудлик билан қирга кўтарилдим. Тун самосида ибодатхона минорасининг баҳайбат қораси кўзга чалинди. Энди қазноққа айланиб ўтиш учун бурилдиму, гурсиллаб яқинлашаётган оёқ товушини эшитиб қолдим. Йўлда қолган хизматкор орқамиздан етиб келган экан.

— Ҳеч қандай қора ниятим йўқ, — деди у ўгирилиб унга тикилиб қолганимда. — Ўз валинеъматимни излаяпман холос.

Овозидан унинг ваҳима таҳликасида қолгани шундоққина кўриниб турарди. Унга ортиқча эътибор бермай, олдинга шошилдим.

Муюлишни айланиб қазноқ томон ўтганимда унинг тепа туйнугидан чиқаётган шуълага кўзим тушди. У гўё зим-зиё зулматни кесиб ўтаётгандек эди.

Ибодатхона ҳовлисидан қазноқ эшиги томон чопдим.

Етиб борганимда заҳ тун ҳавосини ичкаридан чиқаётган ноҳуш хид босиб кетган экан. Ичкаридан тасир-тусир овози эшитилар. Туйнукдан чиқаётган шуъла ҳам тобора ёрқинлашиб, атрофни ёритарди. Ойна тирсиллади. Эшикка ёпишдим. Ёпиқ. Қазноқни ўт олган!

Ҳали жойимдан жилмагандим, ёнгиндан хабардор бўлгач, ақли ҳушимни ҳали йигиб ҳам улгурмасимдан, эшик ичкаридан гумбирлатила бошлади. — Даҳшатга тушдим. Қулф кўзидаги калит жон талвасасида буралаётгани эшитиларди. Эшик ортидан эркак кишининг ёрдам сўраб даҳшатли фарёд кўтаргани ҳам эшитилди. Ортимдан келган хизматкор қалтироқ босганича ортага тисланиб, тиз чўкиб қолди.

— Ё Раббим! — деди у. — Сэр Персивал!

Шу сўзлар унинг оғзидан чиқар-чиқмас қазноқ ходими ҳам олдимизга етиб келди. Ўша пайтда қулф кўзидаги калит сўнгги маротаба ва қаттиқ буралди.

— Парвардигор уни ўзинг раҳмат қилгин! — деди мўйсафид. — У тамом бўлди, ўлди. Қулфни ишдан чиқарди.

Эшикка ташландим. Фикру хаёлимни чулғаб, вужудимни қамраган ягона мақсад аста-секин совуди, шу лаҳзада дилимдан кўтарилиб ҳам кетди. Мана шу инсон боласининг шафқатсизлик билан қилган ёвузликлари — меҳр, муҳаббат, бахт ва маъсумликни оёқ ости этгани туфайли унга нисбатан нафрат, уни ўша қилмишларига яраша, албатта, жазога торттириш учун қилган қасамёдим — ҳаммаси туш каби хаёлимдан кўтарилиб, рўёга айланди. Хаёлимда унинг айни вақтдаги аянчли аҳволидан бошқа ҳеч нар-

са йўқ эди. Дилимда бирдан-бир инсоний шафқат туйғуси — уни даҳшатли ўлимдан асраб қолиш эди.

— Бошқа эшикни очинг! — бақирдим. — Ибодатхонага кирила-диган эшикни очинг! Қулф ишдан чиқибди. Вақтни ўтказманг. Тамом бўласиз.

Калитнинг сўнгги буралишидан кейин бақирди ҳам тинганди. Уни ўчганди, унинг ҳаётлигига умид қолмаганди. Фақат авж олаётган иссиқлик тафтидан синаётган ойналарнинг тарс-турсию, шип туйнугидан сиқилиб чиқаётган оловнинг гувиллашигина қулоғимга чалинарди.

Атрофимга аланглаб, икки ҳамроҳимга разм солдим. Хизматкор фонусни баланд кўтариб, эшикка тикилганича қаққайиб қолганди. Даҳшатдан ақлдан озгандек кўринарди — оёқ остимда ўралашар, орқамдан қолмай, итдек эргашарди. Черков ходими эса қабр тошларидан бирида букчайганича қалтираб гулдирарди. Уларнинг ночор аҳволи шундоққина кўриниб турарди. Довдираб қолгандим. Нима қилиш керак? Хизматкорни шаппа ушлаб, уни қазноқ девори томон суриб бордим.

— Туринг! — дедим унга. — Пойдевор тошларидан маҳкам ушлаб олинг. Сизга тираниб, томга чиқмоқчиман. Шип туйнугини бузиб, унга ҳаво етказмоқчиман.

Уни бошдан-оёқ қалтироқ босди, лекин қимирламай турди. Тўқмоғимни тишлаганимча унинг белига чиқдим, икки кўлим билан том панжарасига тирмашиб, ўша лаҳзаёқ тепага чиқиб олдим. Шошилиб қолганимдан, бу ҳаракатим билан ҳавони ичкарига эмас, қамалиб қолган оловга йўл очишим хаёлимга ҳам келмаган экан. Туйнуқ деразасини тўқмоқ билан урдим, қолган-қутган ойналар ҳам чил-чил бўлиб, қамалиб турган олов қутурган махлуқдек ўзини ташқарига урди. Шамол оловни бошқа томонга даф қилмаганида, менинг холим нима бўлиши аён — ўша ондаёқ, ўша ердаёқ тамом бўлардим. Томга қапишиб олишим биланоқ тутун аралаш аланга устимдан яшиндек ўтди. Аланга ва ёлқин шуъласида хизматкорнинг девор ёнида мен томон бақрайиб қолганини, клеркнинг эса оёққа қалқиб, қабр тоши устида қўлларини ишқалаганича даҳшатга тушиб турганини кўриб турардим. Олов авж олиб, чақнаб кетган пайтлари ибодатхона ҳовлисида йиғилган бир тўп қишлоқ аҳли — талва-сада қолган эркақлару даҳшат босган аёллар ҳам кўринар, олов пасайгач, улар кўздан ғойиб бўлиб, тутун ортида қолишарди. Менинг остимдаги киши-чи! Уни қўяверинг, ёнгинамизда бўғи-

лаётган, ёнаётган, ўлаётган бўлса ҳам, уни қутқариш қўлимиздан келмасди.

Мана шу фикр хунобимни оширди. Томдан тушдим.

– Ибодатхона калитини беринг! – мутавалига мурожаат қилдим. – Нариги томондан ҳаракат қилиб киришимиз керак. Ички эшикни оча олгудек бўлсак, эҳтимол, уни қутқариб қолармиз.

– Йўқ, йўқ, йўқ! – қатъи бош чайқади клерк. – Умид йўқ! Ибодатхона калити билан қазноқ калити ўша бир боғламда эди. Иккаласи ҳам ичкарида! Эвоҳ, сэр, вақт ўтди – шу вақтгача у кул бўлиб, чангга айланиб кетган бўлса керак!

– Шаҳардан ёнгинни кўришади, — деди орқамдаги кишилардан бири. – Ўша ерда мотор ҳам бор. Ибодатхонани сақлаб қолишади.

Ўша кишининг ақли-хуши жойида кўринди. Уни олдимга чақириб, гаплашдим. Шаҳардан ўша моторли ёрдам бу ерга етиб келгунча чорак соат ўтади. Шу вақт ичи ҳаммамизнинг таҳлика босиб мерайиб туришимизга виждоним чидамасди. Ўз асосларимга зид бўлса ҳам, тақдир тақозосига биноан қазноқда қолиб кетиб, ҳаётдан умидини узган ўша шўрлик ҳамон беҳуш ётган бўлиши, ҳали эҳтимол ўлмагандир, деган вазваса дилимдан нари кетмасди. Агар эшикни бузиб очгудек бўлсак, уни асраб қолишимиз мумкинми? Залворли қулфни очиш амри маҳоллигини билардим. Қалпоқли миҳлар қадалган эман эшик энини ҳам билардим. Унисини ҳам, бунисини ҳам шунчаки қўлбола асбоб билан очиб бўлмаслигини билардим. Лекин ибодатхонага туташ ерлардаги вайрона уйларда тўсинлар қолгани аниқдир? Ўшалардан биттасини олиб, эшикни бузиш учун манжаниқ қилиб бўладими?

Мана шу фикр хаёлимдан яшиндек ўтди. Шаҳардаги мотор ҳақида сўз очган кишига мурожаат қилдим:

– Мисрангингиз борми?

– Бор.

– Болта, аррангичи?

– Бор, бор.

– Уч-тўрт қулоч арқон?

– Топилади.

Фонусни юқори кўтарганимча шоша-пиша йиғилганлар орасига кириб эълон қилдим.

– Менга кўмаклашган ҳар бир кишига беш шиллинг берилади!

Бу сўзларни эшитиб одамларга жон қирди. Ярим очлик –

қашшоқлик ҳамроҳи, пулга ташналик бир зумда ҳаммани гимирлатиб қўйди.

– Иккитангиз, уйингизда бўлса, фонус олиб келинг! Икитангиз мисранг, болта, арра ва арқон! Қолганларингиз тўсин топиш учун орқамдан эргашаверинглар!

Атрофга жон киргандай бўлди. Ўша пулни ундиришга умидворлик шов-шувлари кўтарилди. Аёллар билан болалар бир томон сурилишди. Биз эса тўдалашиб, пастдаги биринчи ташландиқ уйга шошилдик. Орқада клеркдан бошқа ҳеч ким қолмади. Бечора ўша кекса клерк теп-текис қабр тоши устида қаққайганича ибодатхонага мотам тутаётгандай инқиллаб кўз ёши тўкарди. Хизматкор ҳамон изимдан қолмас – уй ичига ёпирилиб кетаётганимизда ҳам унинг шундоққина орқамда даҳшат босиб, оппоқ оқарган талвасали юзига кўзим тушган. Ичкарида томдан бузиб олинган таг тахталари сочилиб ётарди, лекин улар енгил эди. Бошимиз устида эса ўз жойида қолган отёғоч ястаниб турар, лекин уни қўлимиздаги арра, болталар билан кўчириб бўлмасди. У икки томонидан ҳам деворга маҳкамлаб ташланган экан. Унинг икки томонидан ҳужум бошладик. Ё парвардигор! Шунча ҳам метин бўладими – гишт билан семент шунчалар ёпишиб кетибдики, ажратишнинг иложи йўқ. Болта уриб синдиришга, чопишга тўғри келди. Ниҳоят, унинг бир томони бўшатилгач пастга қулаб, гиш-тларни ҳам суриб кетди. Остонада тўпланган томошабин аёллар чинқириб юборишди, улардан иккитаси думалаб ҳам қолишди, лекин шикаст етмади. Яна бир бор ёппасига ёпишиб унинг иккинчи томонини ҳам бўшатдигу кўпчилик қўлга олиб, пўшт-пўштлаганимизча йўлга тушдик. Энди асосий ишга ўтиш керак! Эшикка ҳужум бошлаш керак! Олов ҳамон туйнукка уриб, кўкка ўркак отар, атрофни ёритиб турарди. Эшикка зарб билан уриш учун югуриш йўлига бироз тайёргарлик қилинган, ишни бошлаб юбордик. Бир, икки, уч... Атрофда ҳамжиҳатлик қийқириқлари. Ниҳоят, эшик жойидан сал кўзгалди. Қулф миқ этмаса ҳам, эшик зулфидан чиқиб кетиши мумкин эди. Хола билан яна бир зарба! Бир, икки, уч...! Эшик кесакидан кўчди! Унинг бутун атрофидан ташқарига олов ура бошлади. Яна кетма-кет зарбалар. Эшик ичкарига ағдарилди. Ҳаммани таҳлика босиб, жим бўлиб қолишди. Ҳаммамиз нафасимизни ичимизга ютиб, атрофга аланглаб жасадни қидирардик. Олов тафти юзимизга уриб, бизни орқага қайтарди. Юқорида, пастда, умуман хона ичида мавж уриб турган олов пардасидан бошқа ҳеч нарса кўзга кўринмасди.

– Қанийкин у? – шивирлади хизматкор хомуш бир аҳволди оловга бўзрайганича.

– Кул бўлиб, чангдек учиб кетган. – деди клерк – Китоблар ҳам кул бўлибди, афсус, сэр! Тез орада ибодатхона ҳам ёниб, кулга айланса керак.

Ўша иккаласидангина садо чиққанди. Улар жим бўлишгач, ловиллаб ёнаётган оловнинг гувиллашию тасир-тусиридан бошқа ҳеч нарса қулоққа чалинмай, атрофни сукут босди.

Ий-йе!

Узоқдан бўғиқ тақа-туқ шарпа қулоққа чалинди. Кейин у чопиб келаётган отлар туёқлари тақир туқурига айланди, кейинроқ вис-вислар бошланиб, юзларча одамларнинг ҳайқиригига айланиб кетди. Ниҳоят, ўт ўчирувчи гуруҳ мотори билан етиб келди!

Атрофимдагилар ёнгиндан кўз узиб, қир ёқасига чопиб кетдилар. Клерк ҳам уларга ҳамроҳ бўлишга уриндию, лекин мадори келмади. Қабр тошларидан бирини ушлаганича туриб қолди.

– Ибодатхонани асранглар! – нидо қилди у мажолсизгина. Кошки унинг овози ўт ўчирувчилар қулоғига етиб борса. – Ибодатхонани асранглар!

Жойидан кўзгалмаган бирдан-бир киши – хизматкор эди. У ҳамон ўша гувиллаб ёнаётган оловга маъносиз бақрайиб қолганди. Унга мурожаат этдим, туртиб ҳам кўрдим. Несайганича турарди. Ниҳоят у тилга кириб, яна бир бор «қани у?» деб қўйди.

Ўн минутдан кейин насос ҳам ишга тушди. Ибодатхона ҳовлисидаги қудуқдан олинаятган сув хартумлар орқали қазноқ эшигигача етказиб берилаятган эди. Мен зарур бўлиб қолгудек бўлсам ҳам, кўмаклашгудек холим қолмаганди. Унинг ўлиб бўлганига ишонч ҳосил этгач, ҳафсалам пир бўлиб, ташаббусларим сўнганди. Энди оловга тўлган хонага маъюс термулганимча ночор меърайиб турардим.

Ёнгин аста-секин таслим бўлганди. Ловиллаб ёнаётган олов тамом бўлган – ердан оқ булутлардек тутун кўтарилар, ўшалар орасидан гоҳ қизил, гоҳ қора товланиб тутаётган кўмир уюмлари ётарди. Орага жимлик чўкди. Кейин ўт ўчирувчилар билан мишраблар тўпланишиб, эшик томонни тўсдилар, пичирлашганича бир-икки оғиз маслаҳатлашиб олишгач, ниҳоят, ораларидан икки киши ажралишди. Ана ўшалар тўпланган тамошабинларни ёриб ўтиб, ибодатхона ҳовлисидан ташқари чиқиб кетдилар. Оломон миқ этмай орқага тисланиб, уларни ораларидан ўтказиб юборди.

Кўп ўтмай, оломон яна жунбушга келиб, жонли девор аста чўзила бошлади. Ҳозиргина ўтиб кетган ўша икки киши кимсасиз қолган ташландиқ уйларнинг биридан эшик кўчириб келишган эди. Уни ичкарига олиб киришди. Миршаблар яна қазноқ остона-сини тўсиб олишди. Баъзилар оломон орасидан чиқиб икки-уч қатор бўлиб олишганича нималар бўлаётганини билиш учун жонли девон ортида уймалашиб, ичкарига мўралашарди. Уларнинг орқ-аларида аёллар билан болалар ҳам бор эди.

Ниҳоят қазноқдан бошланган миш-мишлар оғиздан оғизга ўтиб, оломон орасида кенг тарала бошлади, менинг қулогимга ҳам етиб борди. Бутун атроф ўша узун-қисқа саволу жавоб вис-вислари билан тўлганди:

- Уни топишибдими?
- Ҳа.
- Қаердан?
- Эшик ёнидан, мук тушган экан.
- Қайси эшик?
- Ибодатхонага кириладиган. Боши ўша томонда экан – дум тушиб қолибди.
- Юзи ёниб кетибдими?
- Йўқ. Ҳа, ёниб кетибди.
- Йўқ, куйибди, ёнмабди. Мук тушиб ётган экан, деяпманку!
- Ўзи ким экан?
- Айтишларича, лорд.
- Йўқ, лорд эмас. Сэр фалончи; сэр – княз дегани.
- Баронет дегани ҳам.
- Йўқ.
- Йўқ, баронет дегани.
- Нимага кирган экан?
- Нияти яхши бўлмаган, ишонаверинг.
- Қасддан қилибдими?
- Ўзини қасддан ёндирибди!
- Ўзини ёндирмаган бўлса керак, қазноқни ёндирган.
- Башарасига қараб бўладими?
- Даҳшат!
- Юзи унчалик бўлмаса керак?
- Йўқ, йўқ, унчалик эмас.
- Уни танийдиган бормикин?
- Бир киши бор эмиш. Ўша таниркан.
- Ким?

– Хизматкор эмиш, Лекин ақли-хуши жойида эмасмиш, миршаблар унинг гапига ишонмаётганмиш.

– Кимлигини биладиган бошқа ҳеч ким йўқ эканми?

– Жим бўлинг! – савлатли бир кишининг аниқ ва баланд овози бир зумда атрофимдагиларнинг вис-висларини ўчирди-қўйди.

– Уни қутқаришга ҳаракат қилган жентлмен қани? – деди ўша овоз.

– Шу ерда, сэр, шу ерда, сэр!

Ўнлаб томоша талаб башаралар атрофимда уймаланишиб қолишди, ўнлаб тамошоталаблар қўли оломонни четга сурди.

Ўша савлатли киши қўлида фонус тугганича олдимга келди.

– Бу ёққа юринг, сэр, марҳамат, — деди у оҳистагина.

Нима дейишимни билмай қолдим, қўлимдан ушлаганида эътироз ҳам билдира олмадим. Ўша ҳаётдан кўз юмган кишини ҳаётлигида ҳеч қачон кўрмаганман, мен бир мусофирнинг уни танишига умид қилинмаса ҳам бўлади, демоқчи бўлиб оғиз жуфтладим. Лекин оғзимдаги оғзимда, бўғзимдаги бўғзимда қолди. Карахт, ночор аҳволда миқ этолмасдим.

– Уни танийсизми, сэр?

Мен бир гуруҳ кишилар давраси олдида турардим. Ўшалардан қаршимдаги учтаси фонусларини пастлатиб туришарди. Уларнинг, бошқаларининг ҳам нигоҳи менда эди — ҳаммалари қувлик билан жимгина юзимга назар ташлаб туришарди. Оёқ остимда нималигини билардим — нима учун фонусларини ер тубан пастлатиб туришганини ҳам билардим.

– Уни таний оласизми, сэр?

Оҳисталик билан пастга назар ташладим. Аввалига фонуслар остида дағал матодан бошқа ҳеч нарса кўрмадим. Ўша мато устига томаётган ёмғир томчиларининг чаккилаши ҳувиллаган сукунатда қулоққа чалинарди. Ўша мато юзидан юқорига кўз югуртиб, охирида кўмирдай қорайиб қотиб қолган даҳшат важоҳатидаги башарани кўрдим.

Хуллас, уни аввалию охири кўришим шу эди. Демак, тангрининг иродасига кўра, менинг у билан учрашувим тақдири азалда шундай битилган экан.

XI

Суд ҳайъати билан шаҳар маъмурияти фаолиятига боғлиқ баъзи бир маҳаллий сабабларга кўра тергов ишлари тезлаштирил-

ганди. Фожиа содир бўлган кун эртасигаёқ пешин вақтида тергов бошланди. Мен масалани ойдинлаштириш учун йиғиладиган гувоҳлардан бири бўлиб ҳозир бўлишим шарт эди.

Ишим эрталабдан, аввало, почтага бориб, Мариандан кутилган хат бор-йўқлигини суриштиришдан бошланарди. Вазият қандай бўлмасин, ҳатто фавқулодда қор-қол юз бермасин, Лондондан чиқиб кетганимдан бери хаёлимдан нари кетмай қолган бир ташвиш туфайли, бунга чек қўя олмасдим. Эрталабки мактуб менсиз бирор бахтсизлик юз бериб қолмаганидан хабар бериб, қўнглимни хотиржам этувчи бирдан-бир манбаъ бўлиб, ишимни ўшаларга бўлган эътиборимдан бошлардим.

Бахтимга, Мариандан мактуб бор экан.

Ҳеч қандай ўзгариш бўлмабди. Иккалалари ҳам хавфу-хатардан омон, тинчгина, ўзим боримдагидек юришган эмиш. Лаура салом йўллаб, уйга қайтишим муддатидан уни бир кун аввалроқ огоҳлантириб қўйишимни илтимос қилибди. Опаси ўз мактубининг изоҳ қисмида ёзишича, Лаура шахсий чиқимларидан қарийб бир соверен¹ тежаб қўйганмиш. Ўша пул ҳисобига тушлик таоми тайёрлатиб, уйга қайтишим шарофати билан тантанавор зиёфат уюштиришни ният қилиб қўйган эмиш. Қуёш чарақлаб чиққан ушбу кунги фаолиятимни оилавий сирга тўла ушбу мактубни ўқиш билан бошлар эканман, кунни кеча содир бўлган даҳшатли хотиралар ҳам кўз ўнгимдан шундоққина ўтиб турарди. Хатни ўқиб бўлгач, қандай бўлмасин, Лауранинг ҳақиқатдан огоҳ бўлиб қолмаслиги чорасини кўриш лозимлиги хаёлимдан ўтди. Шу ондаёқ Марианга хат ёзиб, Лаурага фақат ушбу сатрларимда ифодалаган маълумотлар — имкон қадар эҳтиётлик ва ётиги билан ёзилган миш-мишларнигина айтиши мумкинлиги, то уйга қайтганимча газета ва шу каби оммавий ахборот воситалари унинг қўлига тушиб қолмаслиги зарурлигини уқтирдим. Мабодо Мариан ўрнида бошқа иродасизроқ ва ишончсизроқ аёл бўлганида эди, бор ҳақиқатни ундан яширмай, шундоққина очиқ-ойдин айтиб қўя қолишга журъат эта олмаган бўлардим. Лекин у илгариданоқ ишончимни қозонган, ўзимга қандай ишонсам, унга ҳам шундай ишонардим.

Мактубим жуда чўзилиб кетганди. Суд тергови бошланишига-ча ўша билан машғул бўлдим.

Юзма-юз тергов жараёни ўзининг баъзи бир нозик ва му-

¹ Соверен — англиз пули, йигирма шиллинг қийматидаги олтин танга.

раккабликлари билан чигаликлардан ҳам холи эмасди. Масала фақат ўша бир кишининг қандай ўлганинигина аниқлаб қўя қолиш эмас, ёнгин сабаби, калитларнинг гойиб бўлиб қолиши, ёнгин бошланган пайтда бегона кимсанинг қазноқ ичида қамалиб туриши каби бир қатор жиддий саволлар ечилиши керак эди. Ҳатто ҳалок бўлган кимсанинг шахси аниқланмаганди. Полиция маъмурияти, хизматкорнинг ночор аҳволи туфайли, ўз валинеъматини таниганига иқрорлигини тан олишга иккиланарди. Сэр Персивал (ташқи қиёфасини) танийдиган гувоҳ топиб келиш учун улар кечанинг ўзидаёқ Наулесбурига одам юборишган экан, бугун эрталабдан эса Блэквоутер билан алоқа боғлашибди. Кўрилган мана шу чоралар туфайли терговчи билан суд ҳайъати шахсият масаласини ҳал этишиб, хизматкорнинг гувоҳлиги тўғри эканини ҳам тан олишибди; холис гувоҳлар кўрсатмалари ва улар кўз ўнгида содир бўлган воқелиklar, хусусан, майитнинг чўнтагидан чиққан соат, ички қисмида хоч ва сэр Персивал Глайд, деб нақшланган ёзув бу масалага нуқта қўйибди.

Ёнгин масаласидаги терговлар.

Дастлабки гувоҳлар сифатида хизматкорни, мени қазноқда олов чақнаганини эшитган болани чақиришди. Бола очиқ-ойдин ва етарлича гувоҳлик берди, лекин хизматкор ўша даҳшатли фожиа туфайли ақли-ҳушини йўқотиб, ҳали ўзига келмагани туфайли гувоҳлиги ҳам ишончли бўлмаслиги назарда тутилгани ҳолда қўйиб юборилди.

Ишим ўнгидан келиб, менга нисбатан савол-жавоб узоққа чўзилмади. Майит билан таниш эмасдим. Уни мутлақо кўрмаганман. Унинг кўҳна Велмингҳамдаги ҳаётидан хабарим бўлмаган. Жасад топилганида қазноқ ичида эмасдим. Фақат қуйидагиларга гувоҳлик беришим мумкин: клерк уйига йўл суриштириб борганман; ундан калитларнинг йўқолганини эшитганман; қўлимдан келганича кўмаклашиш ниятида ибодатхонага у билан бирга борганман; ёнгинни кўрганман; қазноқ ичида номаълум бир шахснинг эшик кулфини очишга уринганини эшитганман; инсоний раҳм-шафқат туфайли, ўша кимсани қутқариш учун қўлимдан келганича уринганман. Майитни таниган бошқа гувоҳлардан калитларнинг ўғирланиши ва сэр Персивалнинг ўша олов босган хона ичида қамалиб қолиши сирлари ҳақидаги фикрлари суриштирилди. Лекин терговчи, менинг бу шаҳарда мусофирлигим, сэр Персивал билан нотаниш эканлигимни назарга

олган бўлса керак, аслида ҳам шундай эди-да, бу икки масалада менга савол бермади.

Расмий тергов ниҳоясига етгач, бундан кейин ўзимни қандай тутишим лозимлиги шундоққина кўриниб қолганди. Ихтиёрий кўрсатмалар беришнинг ҳожати ҳам йўқ эди, аввало, саъй-ҳаракатларимга асос бўлгудек далил-исбот никоҳ дафтарининг куйиб, кул бўлиши билан йўққа чиққанди; иккинчидан, энди қуруқ гап бўлиб қоладиган фикримни айта олмасдим ҳам, чунки сир тутилиб келинаётган можаро ошкора бўлиб, салбий натижага олиб келар, терговчи билан суд ҳайъати аъзоларини саросимага солиб қўйган бўларди, бунга шак-шубҳа йўқ. Мана шундай бўлишини Кирл жанобларида кўрган эдим.

Мана энди вақт ўтиб, юқоридаги таҳликаю хавотирлар интиҳосига етиб, бемалол оғиз очиладиган пайт ҳам келди. Ушбу саҳифаларимизда, навбатдаги воқеликлар ҳақида қалам тебратишдан аввал, калитларнинг ғойиб бўлиши, ёнғин чиқиши ва таниш бир кимсанинг ҳалокати сабаблари ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларимни қисқача қайд этиб ўтмоқчиман.

Менинг кафолатга олиниб, озод этилганим сэр Персивал қулогига етгач, бунга ишончим комил, сўнги чораларини ишга солишга мажбур бўлган. Йўлда уюштирилган ҳужум ўшаларнинг биттаси эди. Никоҳ дафтарыда қаллоблиги қайд этилган саҳифани гумдон этиш билан ўз жиноятига яққол далил таҳликасини бошидан соқит қилиш, тўғрироғи ҳам ўша, иккинчи чора эди. Агар никоҳ дафтари аслини унинг Наулесберидаги нусхаси билан таққослаб, биринчисидан кўчирма чиқариб бера олмагудек бўлсам, умидларим пучга чиқар, унга нисбатан ҳамма таҳдидларим барҳам топган бўларди. Шу сабабли ўз заволига барҳам беришнинг бирдан-бир йўли қазноққа шахсан ўзи хуфия кириб, никоҳ дафтарыдаги ўша варақни йиртиб, олиб чиқиб кетишни тақозо этарди. Мана шу тахминга асослангудек бўлсак, ўз мақсадини амалга ошириши олдида нега оқшомгача кутгани, калитлар пайида клеркдан олдинроқ унинг уйига киргани шундоққина кўриниб турибди. Тегишли дафтарни топиш эҳтиёжи уни гугурт чақишга мажбур этган, тасодифан, биронта йўловчининг кириб қолишими ё ўша вақтда менинг ўша атрофда пайдо бўлиб қолишимдан хайиқибми эшикни ичкаридан қулфлаб қўйган.

Никоҳ дафтарыдаги варақнинг юлиб олинганини тасодифий ҳол қилиб кўрсатиш учун унинг қазноққа қасдан ўт қўйиш ниятида

бўлганига ишонгим келмайди. Мабодо шундай фикр хаёлига келганида ҳам, тасодифий ёрдам туфайли ёнгинга барҳам берилиб, дафтарнинг сақланиб қолиниши эҳтимоли уни бу хом хаёлдан воз кечирган бўларди. Қазноқдаги ўт олувчи нарсалар — похол, қоғозлар, қутилар, қуриб кетган ёғочлару қурт-қумурскага ем бўлиб ётган жавонлар — ўшаларнинг ҳаммаси, менинг назаримда, унинг гугуртию оловидан тутатиб, ёнгин чиқиб кетган.

Мана шундай вазиятда у дастлаб у ер-бу ердаги оловчаларни ўчиришга уринган, қурби етмагач, ўзини эшикка уриб қутулиб қолмоқчи бўлган (қулфнинг шалоқроқлигини билмаган). Уни чақирганимда олов икки ёнида атрофи алангаланувчи майда-чуйдалар қоришиб ётган жавонлар қад кўтарган ибодатхона эшиги томон йўлни ҳам олов босган бўлиши керак. Уй ичи тутун ва оловга тўлгач у ўша ибодатхонага кириш эшигидан чиқиб кетишга урингани эҳтимолдан холи эмас. Ўша ерда ҳушидан кетган. Мен томга чиқиб, шипдаги туйнукни очганимда у ўша топилган ерида ҳушсиз ётган. Кейинроқ ибодатхона томондан ўтиб, ўша эшикни бузиб кирганимизда ҳам, кечикардик, лекин олов ичкарига уриб, ибодатхонанинг ўзи ҳам қазноқдек куйиб тамом бўлган бўларди. У эса биз ҳали ташландиқ уйга етиб, сарровни кўчириб туширишимизгачаёқ адою тамом бўлганига шубҳам йўқ, бунга гумондор бошқа бирон кимса ҳам топилмайди.

Биз ўз кўзимиз билан кўрган фожиавий воқеликлар тафсилоти шулардан иборат. Унинг жасади ҳам мен тахминлаган жойдан топилган.

Суд ҳайъати тергови бир кунга сурилди. Қонун кўзи билан қаралганда, воқеликнинг сирли вазияти ҳали ечилмаган, аниқ жавоб йўқ эди.

Тергов якунига кўра гувоҳлар кўпайтирилиши, жумладан, майитнинг Лондондаги ишончли вакили ҳам чақирилиши керак эди. Тиббий масъулиятдаги киши зиммасига ҳозирча муҳим гувоҳликдан четлатилган хизматкорнинг ақл-идроки ҳолатидан маълумот бериш вазифаси топширилганди. Хизматкорнинг ўзи довдираганича ўша ёнгин содир бўлган кеча унга сўқмоқда кутиб туриш уқтирилгани, майит унинг ўз валинеъмати бўлганидан бошқа ҳеч нарса билмаслигини валдирай оларди холос.

Менинг хулосамча, ўша куни ундан, аввало (унинг ўзи билмагани ҳолда, айби ҳам йўқ), клеркнинг уйда эмаслигига ишонч ҳосил қилишда фойдаланилган, кейин эса ибодатхонада (фақат қазноқ кўз ташланмайдиган жойда) кутиш, агар мен йўлдаги

хужумдан қочиб қутулиб, сэр Персивал билан орамизда низо чиққудек бўлса, валинеъматига ёрдамлашиш тайинланган. Шуни ҳам қўшимча қилиб ўтиш лозимки, унинг бундай масъулиятлари ҳақида унинг ўзидан ҳеч қандай эътироф олинмаган. Тиббий маълумотларга кўра, унинг ожизона ақли-хуши издан чиққан; ўтган терговда ундан айтишга арзигудек жавоб олинмаган; эҳтимол, шу кунгача ҳам ўзига келмаган бўлса керак.

Велмингҳамдаги мусофирхонага ҳолдан тойиб, бошим говлаб қайтдим. Кўнглим гашланарди. Суд терговлари ҳақидаги маҳаллий игволарни эшитгим келмас, қаҳвахона маҳмадоналарининг бемаъни саволларига жавоб бериш малол келарди.

Бироз ором олиб, Лаура ва Марианлар тақдири ҳақида бемалол ўйлаб олишим учун номигагина таомланиб, чордоқдаги кулбамга чиқиб кетдим.

Бадавлатроқ бўлганимда эди, ўша кечаёқ Лондонга қайтиб, ўша икки азизим билан дийдор кўришиб, кўнглим таскин топган бўларди. Лекин эртага қолдирилган терговга чақириб қолишлари, кафолатим масаласида Ноулсбури маъмурияти олдида жавоб беришим туфайли ҳам боғланиб қолгандим. Ғарибона ҳамёнимиз бўшаб қолган, қил устида турган келажакимиз яна ҳам нозиклашиб қолганидан, ортиқча чиқимга йўл кўёлмасдим, ҳатто унча қиммат ҳам бўлмаган иккинчи тоифа билет билан Лондонга бориб келишнинг иложи йўқ эди.

Келаси куннинг терговдан кейиноқ бошланадиган қисми ўз ихтиёримда қоларди. Эрталабки фаолиятимни яна почта ходимига мурожаат этиб, Мариандан олинадиган маълумотдан хабардор бўлишдан бошладим. Мактуб яхши кайфият билан ёзилган экан. Уни мамнуният билан ўқиб чиққач, анча енгил тортиб, ёниб кетган жойнинг кундузги манзарасини кўриш учун Кўҳна Велмингҳамга йўл олдим. У ерда нималар кўзимга ташланмади дейсиз!

Бевафо дунёнинг ҳамма сўқмоқларида даҳшат билан кундалик ҳаёт қўл ушлашиб юришаркан. Вазият тақозосини қаранг, инсон ҳалокатига олиб келган фожиалар ўтиб кетавераркан. Ибодатхонага бориб, ўша содир бўлган ёнғин ва ўлим изидан асосан қабристоннинг оёқ ости бўлган манзарасини кўрдим. Қазноқ эшиги олди нотекис тахта девор билан тўсиб қўйилибди. Унинг устига ажи-бужи расмлар солишга ҳам улгуришибди, қишлоқ болалари эса ичкарига мўралаш учун каттароқ тешик таллашиб шовқинсурон қилишяпти. Ёнаётган хона ичидан кимнингдир «ёрдам бе-

ринглар!» деб бақиргани қулоғимга чалинганида мен турган кафт-дек ерда (хизматкор ҳам ўша жойда даҳшатга тушиб, тиз чўкиб қолганди), бир тўда ебтўймас товуклар ўз насибалари чувалчанг излаб ер титишарди; кечагина эшик ётқизилиб, устига ўша даҳшатли юки қўйилган мана шу мен турган жойда бир заҳматкашнинг сариғ идишдаги тушлиги осиб қўйилган, ўз насибахўрини кутаяпти, нарироқда эса вафодор кучук ўз эгаси насибаси яқинида турганим учун акиллаб турибди; суствлик билан силжиётган таъмирлаш ишларига мерайиб турган мўйсафид клеркнинг хаёли ўз ташвиши билан банд ва ўшанигина тилга олади – содир бўлган фалокатга алоқадорлиги туфайли зиммасига тушадиган жиноий жавобгарликдан қутулиб қолиш иложи бормикин; сарровни тушириб юборганимизда даҳшатга тушиб, ранги пага бўлиб кетгани кўз ўнгимда муҳрланиб қолган бир аёл бошқаси билан эски кир тоғоранинг икки томонида қиқирлашиб турибди (калтафаҳмлиқ манзараси). Одоб ва ахлоқнинг собит бир чегараси бўлармикин! Сулаймон ҳам ҳар қанча шуҳрат чўққисига чиқмасин, ридосининг ҳар бир қатида, саройининг ҳар бир бурчагида шуҳратпарастлик яширинган Сулаймон эди-да.

Бу ердан жўнаб кетарканман, хаёлим яна умидимнинг пучга чиқиши билан банд бўлиб қолди – сэр Персивал ўлдию, Лаура шахсини тиклаш умиди ҳам йўққа чиқди. У оламдан ўтди. Бутун қилган ҳаракатларим билан умидларим, бирдан-бир асоси – имкониятим ҳам қўлдан кетди.

Ушбу ожиз холимга назар ташлаш учун бошқа тўғрироқ таянч нуқтаси йўқмикин?

Сэр Персивални ҳаёт деб тасаввур қилгудек бўлсак, бу тахмин вазиятни ўзгартириши мумкинмиди? Сэр Персивал жинояти бошқалар ҳуқуқини суиистеъмол қилиб олиш эканидан хабардор бўлганимдан кейин, Лаура нафини кўзлаб бўлса ҳам, бу кашфиётимни бозоргир мол сифатида харидор олдига чиқаришга ҳаддим сигармикин? Ҳақиқий ворис ўз меросидан ва ҳақиқий мулкдор ўз номидан Мосуво бўлиб турган бир пайтда ўз жиноятини тан олдириш мақсадида уни сир тутиш баҳосини таклиф эта олармидим? Иложи йўқ! Сэр Персивал ҳаёт бўлганида, мени умидвор этган унинг сиридан хабардор бўлиб қолишим (сирнинг туб моҳиятини тушуниб етмаганимдан) менга уни сир тутиш ёки ошкора қилгудек бир имтиёз бермас эди. Яхшироқ ўйлаб кўрсам, ҳатто Лаура ҳуқуқлари ҳимоячиси учун ҳам қўл келмасди. Виждон амри ва адолат мени насл-насаби тортиб олинган ўша нотаниш

кимсага учрашишимни тақозо этарди. Айни вақт ўз ихтиёримда бўлган ютуғимни унга ошқора этиб, уни бутунлай ўша киши измига ҳавола этишим зарур эди. Бу эса мени яна ҳаётим мазмуни бўлмиш ўша илгариги қийинчиликларга дучор қилган бўлар, очиқроқ айтганда, дил-дилимдан қасд қилиб қўйган мақсадга етишиш учун ўша қийинчиликлар билан юзма-юз келишга ҳозир ҳам тайёр эдим.

Велмингҳамга анча хотиржамлик билан қайтдим. Ўзимга ишончим анча ортган, мақсад сари қатъиятим яна барқарорлашган эди.

Мусофирхонага йўл олиб, миссис Катерик яшайдиган даҳа четидан ўтдим. Уларнинг уйига қайтиб, у билан яна бир бор учрашишга ҳаракат қилиб кўриш хаёлимдан ўтди. Йўқ. Сэр Персивал ўлими ҳақидаги хабарни бир неча соат илгари эшитган бўлса керак. Суд тергови ҳисоботлари маҳаллий газетанинг эрталабки сонидан босилган — миссис Катерик учун ўшаларга қўшимча қилгудек ҳеч вақо йўқ эди. Ундан гап олиш шаштимдан қайтдим. «Сэр Персивал ҳақида унинг ўлимидан бошқа ҳеч қандай хабарга муштоқ эмасман» деганида унинг юзидан жирканч, нафрат намён бўлганини эсладим. Чиқиб кетишим олдида менга тикилган нигоҳидаги сирли маънони ҳам эсладим. Дили-дилимдан ҳис этдимки, биров кўнглимга солдими — у билан учрашишнинг ҳожати қолмаганди. Шунга иқрор бўлганим ҳолда чорраҳанинг қарши томонига бурилиб тўғри мусофирхонага қайтдим.

Бир неча соат кейинроқ қаҳвахонада ором олиб ўтирганимда ўша ернинг дастёри кўлимга хат тутқазиб қолди. Менинг номимга келган. Суриштириб, бир аёл киши оқшомга яқин газ фонуслари ёқилмасидан ташлаб кетганини билдим. Ҳеч нарса демабди. У билан гаплашгунларича, ҳатто кимлигини суриштиришга улгуришмай кетиб қолибди.

Мактубни очдим. Қачон ёзилгани ҳам, имзоси ҳам йўқ, дастхати атайлаб ўзгартирилган. Шундай бўлса ҳам, биринчи жумлани ўқиб тамомламасимданоқ, мухбирим ким эканлигини билиб олдим — Миссис Катерик.

Хат қуйидагича ёзилган. Унинг сўзма-сўз аниқ нусхасини эътиборингизга ҳавола этаман.

ҲИКОЯНИ МИССИС КАТЕРИК ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Сэр, келаман, деб қайтиб келмадингиз. Ҳечқиси йўқ. Янгиликлардан хабардорман. Шунинг учун ҳам сизга хат ёзиб, айтиб қўймоқчиман. Олдимдан чиқиб кетаётганингизда юзимдан бирон нарса пайқаганмидингиз? Ўшанда, ниҳоят унинг завол куни келмадимикин, ўшани амалга оширувчи сиз эмасмикинсиз, деган хаёлотда эдим. Шахсан шу фикрда эдим. Сиз экансиз. Ўшани амалга оширибсиз.

Эшитишимча, унинг ҳаётини асраб қолишга уринибсизу ожиз қолибсиз. Агар шунга эришганингизда. Сизга ўз душманидек нафрат билан қараган бўлардим. Иложсиз қолганингиз энди маълум, ўзингизни дўстимдек тутаверинг. Суриштиришларингиз уни талвасага солиб, тунда қазноққа ҳайдабди. Суриштиришларингиз, қўнглингизда бўлмаса ҳам, майлингизга зид ҳолда, менинг йигирма уч йиллик ғазаб, нафрат ва қасос илинжимга хотима берди. Миннатдорман, сэр, гойибона.

Бундай яхшилиги учун ўша кишидан қарздорман. Ўшани қандай узсам экан? Ёш жувон бўлганимда эди, «Ҳоҳласангиз, келиб бағрингизга босиб, бўса ола қолинг» деб қўя қолардим. Ўшандай ишларга боришга сизга ҳам йўқ демаган бўлардим, таклифимни сиз ҳам қабул қилган бўлардингиз. Ҳа, қабул қилган бўлардингиз, сэр, йигирма йил аввал! Энди қариб қолганман. Ҳа, нима ҳам қилай, муродингизни ҳосил қила оламан, шу билан қарзимни узай. Ҳузуримга келганингизда менинг баъзи бир шахсий ишларимдан хабардор бўлишга муштоқ эдингиз. Ҳар қанча зийрак бўлманг, менинг ёрдамимсиз, унга назар ташлай олмасдингиз, ўша шахсий ишлардан ҳозир ҳам хабарингиз йўқ. Ўшаларни топасиз. Иштиёқингиз — муродингиз ҳосил бўлади. Қўнглингизни олиш учун ҳеч нарсадан қайтмайман, ҳурматли навқирон дўстим.

Йигирма еттинчи йили сиз, тахминимча, болакай бўлгансиз? Ўша пайт мен Кўҳна Велмингҳамда кўркам жувон бўлганман. Маълум бир жентлмен билан танишиб олишга ҳам (қандай қилиб дейишнинг ҳожати йўқ) мушарраф бўлганман (ким биланлигини ўйлаб ўтирманг). Номини тилга олишимга ўрин йўқ. Бунинг

нима ҳожати бор? Ўз номи эмасди. Умуман номи бўлмаган: мана шундан энди сиз ҳам. мен билганимдек, хабардорсиз.

Нозик кўнглимни олиш учун нималар қилганини айтсам, мақсадга яқинроқ бўлади. Мен ледилардек таманно туғилган эканман, у ўшанинг қадрига етган. Бошқача қилиб айтганда, менга ҳаваси келган, совғалар берган. Ҳеч бир аёл хушомад совғаларга бефарқ қараёлмайди, айниқса, улар хуш кўрган нарсалар бўлса. У шундан огоҳ, зийрак эди. Эркак зотининг аксарияти шунақа. Эвазига нимадир тамаъ қилиши табиий, уларнинг ҳеч бири бундан холи эмас. Ўша нимадир нимайкин, деб ўйларсиз? Энг арзимас матоҳ. Қазноқ калити, унинг ичидаги жавон калити, фақат эрим қазноқдан чиқиб кетган пайтларда. Калитлар унга нима учун зарур бўлиб қолганини суриштирганимда, албатта, ёлгонни дўндирган. Фавқолардан ўзини асраши мумкин эди-да. Унга ишонмасдим. Лекин берган совғаларини хуш кўрардим, яна бўлса дердим. Шундай қилиб, эримга билдирмай, калитларни кўлига тутқаздим, ўзига билдирмай, унинг ўзини ҳам таъқиб остига олдим. Бир, икки, тўртинча мартаба изига тушиб, нима қилганидан хабардор бўлдим.

Бегоналар ишига бурнимни суқавермас эдим, шунинг учун ўз нафини кўзлаб, никоҳ дафтаридаги никоҳларга яна биттасини тиркаб кўйишига ҳам парво қилмадим.

Албатта, бунинг хатолигини билардим, лекин бундан менга зиён-заҳмат етмасди, бу шов-шув кўтармасликка етарли баҳона эди. Илгаригисидан ҳам яхшироқ олтин соату занжирни ҳали олмагандим, ўшандан бир кун аввал учинчисини, ҳаммасидан аълороғини Лондондан олиб келиб беришини ваъда қилган эди. Бу жиноятнинг нималигини, қонун кўзи билан қаралганда, жазоси нима эканидан беҳабар эканман. Акс ҳолда, ўзимни ҳимоя қилиш учун тегишли чора кўриб, ўша вақт ва ўша ердаёқ уни фош этган бўлардим. Лекин булар хаёлимга келмас, олтин соат илинжида эдим, холос. Унинг олдига қўйган бирдан-бир шартим: у менга бутун сирларини очиқ айтиб бериши керак эди. Сиз ҳозир менинг сирларимга қандай муштоқ турган бўлсангиз, мен ҳам унинг сирларига муштоқ эдим. У шартимга кўнган, сабабини қуйида кўрасиз.

Қисқача ифодалагудек бўлсам, ундан эшитганларим мана булар. Сизга ошкора этаётганларимнинг ҳаммасини ҳам ўз хоҳиши билан айтмаган. Баъзиларини ялиниб-ёлвориб олган бўлсам, баъзиларини саволлар билан аниқлаганман. Бор ҳақиқатни билиб олиш иштиёқида эдим, ўшанга эришганим аниқ.

Онасининг ўлимигача у ота-онаси ўртасидаги ҳақиқий ўзаро муносабатлар ҳақида эл оғзидаги гапдан бошқа ҳеч нарса билмаган. Кейин отаси унга ҳаммасини ошкора этиб, ўғли учун қўлидан келганича жонбозлик қилишини ваъда этган. Лекин ҳеч нарса қилишга улгурмаёқ оламдан ўтган, ҳатто, васият ҳам қолдирмаган. Ўғил эса ўзича оқилона иш тутган (ким ҳам уни айблай оларди?). Зудлик билан Англияга келиб, мулк эгадори бўлиб олган. Ҳеч ким ундан гумонсирамаган ва ҳеч ким унга «йўқ» демаган. Унинг ота-оналари ҳар вақт эр-хотиндек яшашган — ҳатто, унча кўп бўлмаган танишларидан биронтаси ҳам бошқача бўлишини хаёлига келтирмаган. Мулкка даъвогар ҳақиқий эгаси (ҳақиқат ошкора бўлиб қолган тақдирда ҳам) ота томонидан узоқ қариндош бўлиб, уни қайтариб олишни хаёлига ҳам келтирмас экан. Ҳатто ўз отаси оламдан ўтганида узоқдаги бир денгиз соҳилида бўлган. Шунинг учун ҳам янги эгадор ҳеч қандай қийинчиликка дуч келмаган — гўё шундай бўлиши табиийдек қолаверган. Фақат ўша мулкни гаровга қўйиб, пул олиш имконияти бўлмаган. Бунинг амалга ошириш учун эса унга иккита ҳужжат керак бўлган. Биринчиси — ўзининг туғилиши ҳақидаги гувоҳнома, бошқаси — ота-онаси никоҳи ҳақидаги гувоҳнома. Ўзининг туғилиши ҳақидаги гувоҳномасини осонгина топа қолган. Чет элда туғилган, гувоҳнома ҳам ўша андозада. Муаммо иккинчисида бўлиб, ўша эҳтиёж уни Кўҳна Велмингҳамга олиб келган. Лекин бошқа бир имконият туфайли Ноулесбурига бориши ҳам эҳтимолдан холи бўлмаган.

Онаси отаси билан учрашиб қолгунигача ўша ерда яшаб, ўз насли номида юрган, аслида ирландияда турмушга чиққан, эрининг унга кўнгли совиб бошқаси билан кетиб қолган. Бу воқелик ишончли гувоҳликка асосланади — сэр Феликс бунинг ўғлига никоҳдан ўтмаганига сабаб қилиб кўрсатган. Сиз нега ота-онасининг Ноулесбурида учрашганини билатуриб, ўзининг дастлабки қаллоблигини ота-онаси никоҳдан ўтиши имконияти бўлган ўша ердаги маҳаллий ибодатхона никоҳ дафтарида бошламади, деб ҳайрон бўларсиз. Бунинг сабаби бир минг саккиз юз учинчи йили (унинг таваллуди ҳақидаги гувоҳномасига кўра ота-онаси никоҳдан ўтган бўлишлари керак эди). Ноулесбури ибодатхонасида руҳоний орталик қилган киши ҳаёт эди. Унинг мулк эгалигига даъвоси эса бир минг саккиз юз йигирма еттинчи йилдан бошланганди. Мана шу ноқулай вазият уни биз томонларда изғишга мажбур этган. Бу ерда хавфу-хатар йўқ — ибодатхонамиз клеркси бир неча йил илгари оламдан ўтганди.

Кўҳна Велмингхам кўзлаган мақсадини амалга оширишда Ноулесбуридан қолишмасди. Отаси унинг онасини Ноулесбуридан олиб кетиб, қишлоғимиздан унча олис бўлмаган дарё лабидаги алоҳида уйда яшашганди. Унинг бўйдоқлик ҳаётидан хабардор бўлган ахоли уни уйланган, деб фараз қилишган вақтларида ҳам танҳо юришидан ажабланишмаган. Агар биров қарай олмай-диган даражада бадбашара бўлмагани ҳолда унинг ёш жувон билан хилватда ҳаёт кечириши гумон туғдиргудек бўлса ҳам, лекин, аслида, бадбашара қиёфасини элдан яшириш учун узлатга юз тутгудек бўлганида ҳам, ҳеч ким ундан ажабланмаган бўларди. У Парк мулкига эгадор бўлишигача бизга яқин ерда яшаган. Йигирма уч ёки йигирма тўрт йил ўтгач (руҳоний орта ҳам оламдан ўтиб кетган), уларнинг Кўҳна Велмингхам ибодатхонасида никоҳдан ўтмагани кимнинг ҳам хаёлига келарди?

Шундай қилиб, сизга айтганимдек, ўша ўғилга бизнинг атрофимиз ўз манфаатларини кўзлаб хуфиёна жаҳду-жадал қилиши учун энг маъқул жой бўлиб қолган. Кутилмаганда хаёлига келиб, (кейинги фикр), никоҳ дафтарига киритган сохта ёзувини эшитиб ҳайрон ҳам бўларсиз.

Дастлаб у никоҳ дафтари (йили ва оий кўрсатилган) маълум варагини хуфиёна йиртиб олиш, Лондонга қайтиб кетиш ва ўша ердаги қонунбардорларга айтиб, ота-онасининг никоҳи ҳақидаги зарурий гувоҳномани олдириб келиш, ҳатто, ўша ғойиб бўлган саҳифада кўрсатилган йилига ҳам ишора қилиб қўйиш ниятида бўлган. Ўшанда ҳеч ким ҳам ота-онаси никоҳидан оғиз очиша олмай қолишаркан. Ўшандай вазиятда унга қарз берилиши-берилмаслиги масаласи ўртага қўйилишидан қатъи назар, (ўртага қўйилади, деб ўйларди), мулк ва унвонга даъвогарлик масаласи кўтарилгудек бўлса, унинг жавоби тайёр бўлган. Лекин қазноққа хуфия кириб, никоҳ дафтارينинг бир минг саккиз юз учинчи йилга тегишли саҳифасини олганида унинг пастидаги кичикроқ жой бўш қолдирилиб, навбатдаги никоҳ кейинги саҳифаданоқ ёзилганидан огоҳ бўлиб қолган. Ўша имконият унинг ниятини ўзгартирган. Бундай имконият унинг тушига ҳам кирмаган, хаёлидан ҳам ўтмаган экан. Ўша имкониятдан фойдаланган — нима қилгани ўзингизга маълум. Унинг таваллуд гувоҳномаси билан ота-онасининг никоҳи муқобил бўлиши учун июл оий тақазо этилган. Бўш жой эса сентябрь саҳифасида экан. Мабодо шубҳали саволлар туғилгудек бўлса, бунинг мураккаблиги ҳам йўқ — етти ойлик туғилган эканман, деб қўя қоларкан.

У ўз тақдири тарихидан оғиз очган пайтлар, лақма эканман, нималардир умидида унга раҳмим ҳам келибди. Унинг муддаоиси ҳам ўша экан, бундан сизни ҳам хабардор этмоқчиман. Уни гурбат учун тугилган, деб ўйлабман. Ота-онаси никоҳдан ўтишмаган бўлса, унда нима гуноҳ, ота-онасининг ҳам бунда айби йўқ. Мендан инжиқроқ аёллар, олтин занжирли соат илинжида бўлмаганлар ҳам унинг қилмишларини узрли дейилган бўлишарди. Ҳар ҳолда, тилимни тийиб, унинг ташаббусларида кўмаклашдим.

Анча вақт ичи у сиёҳни маълум ранга тушириш билан овора бўлди (шишачалардаги сиёҳларимни қайта ва қайта аралаштирди), кейин яна анча вақт дастхат ёзиш машқини олди. Хуллас, буларни ниҳоясига етказгач, аллақачонлар тупроқ остидан осойишталик топган онасини мопора аёл қилиб қўйди! Буёғини ҳам айтиб қўя қолайин, мендан ҳам ўз садоқатини дариг тутмади, бунининг инкор этолмайман. Пулини аямай, менга олтин соат билан зинжирча тақдим этди. Улар ўта нодир ва фалон пул турарди. Улар ҳамон ўз қўлимда, соат рисоладагидек юриб турибди.

Ўтган галги учрашувимизда миссис Клементс ўзи хабардор бўлганларидан ҳаммасини сизга оқизмай-томизмай маълум қилганини айтган эдингиз. Шунинг учун ҳам ўша сохта можаро тугайли гуноҳдор бўлиб қолганимни — ноҳақ гуноҳдор бўлиб қолганимни ёзиб ўтиришнинг хожати йўқ, уни тан оламан. Ўша олижаноб жентлмен танишим билан хуфия учрашиб, сирлашиб турганимизни кўриб қолган эрим нима хаёлларга борганини сиз ҳам, худди мен билганимдек, яхши билсангиз керак. Лекин ўша жентлмен билан ўзаро муносабатимиз ниҳояси нима бўлганидан хабарингиз йўқ. Мактубни ўқиб, унинг менга муносабатини билиб оласиз.

Ишнинг пачаваси чиққач, уни учратиб қолганимда оғзимга қуйидаги сўзлар келибди: «Менга адолат қилинг — юзимдаги доғимдан халос этинг. Бундай тавқи лаънатга арзигулик иш қилмаганим ўзингизга аён. Эримга бу ҳақда дилингизда борини тўкиб солмасангиз ҳам, жентлменлик сўзингизни айтинг, унинг ноҳақлиги, у ўйлагандек ҳақоратга ўрин йўқлигини тушунтиринг. Ҳеч бўлмаганда, сиз учун қилган хизматларимни инобатга олиб, адолат қилинг». У сўзларимни назар писанд қилмай, қатъи рад этди. Эрим билан қўшниларимнинг ўша ифвога ишонишларидан манфаатдор эканлигини ҳам яширмай, очиқ айтди — токи шу фикр хаёлларидан нари кетмас экан, ҳақиқатга ҳеч қачон шубҳа

хам қилишмайди, деди. Менам бўш келмадим. Улар ҳақиқатни менинг оғзимдан эшитишларини писанда қилдим. Жавобни қисқа қилиб, гапнинг индаллосини айтиб қўя қолди. Агар оғзимдан гуллаб қўйгудек бўлсам, менинг ҳам, ўзининг ҳам асфаласофилинга кетишимиз муқаррар эканини айтди.

Гапини қаранг! Шундай дейди-я. Унга кўмаклашиб, ўзимни шунчалар хавф остида қолдирганимни мендан яширган экан. Нодонлигимдан фойдаланибди, совғалари билан гижгжлайверибди, ўз тарихи билан бошимни айлантириб, нопок ишларида мени ўзига шерик қилиб қўйибди. Уялмай-нетмай шуларни айтиб, кейин жиноят жазоси билан ўтакамни ёрди: ўша вақтлар қонун ҳозиргидек, раҳм-шафқат нималигини билмас, бу жиноят учун ўзи ҳам, ҳатто унга қўл урган аёл шериклари ҳам дорга тортиларкан, уларнинг насл-насабига қаралмас экан. Ориятсиз фирибгар! Чумчуқюрак муттаҳам! Унга нисбатан нафратимни энди тушунганирсиз? Нима учун шарманда бўлиб юрганимни тушунгандирсиз? Яхшиликка – ёмонлик. Ёш жентлмен сирларини ошкора этмаганимнинг касофати – шу.

Сўзимни давом эттираман. У қонимни қайнатиб, паймонамни тоширгудек тентак эмас эди. Мен ҳам гаҳ деса, қўлга қўнадиган аёллардан эмасдим, буни у яхши биларди. Шунинг учун ҳам, менга нафақа тайинлаш ваъдаси билан кўнглимни кўтарди.

Унинг таъбирича, қилган хизматларим андак уфага, номимга ноҳақ доғ тушиб, чеккан азиятларим кафоратга лойиқ эмиш. Хуллас, ўша сахий муттаҳам икки шартни ўртага қўйгани ҳолда, ҳар уч ойда бир маротаба тўланиши кўзда тутилган йиллик нафақа белгилаш ниятида экан. Биринчиси – иккаламиз манфаатимизни кўзлаганим ҳолда тилимни тийиб юришим, иккинчиси – аввал уни огоҳлантириб, ундан ижозат олмагунимча Велмингхамдан жилмаслигим керак эди. Яқин атрофимда мен билан хатарли мавзуларда лақиллашадиган дугоналарим бўлмаган. Бу ерда мени, қачон бўлмасин, қаердан топишини билган. Иккинчи шарт ҳар қанча оғир бўлмасин, ўшанга рози бўлдим. Нима ҳам қила олардим? Ноилож эдим, ҳомиладор бўлганим туфайли, зиммамдаги заҳматнинг яна ҳам ортиши арафасида турардим. Нима ҳам қила олардим? Бошимга шунчалар ғавғо ёғдирган каллаварам бевафо эримнинг шафқатига мутеълик билан мўлтиллаб туришим лозиммиди? Бундан кўра ўлганим аъло роқ. Таклиф ҳар томонлама маъқул кўринарди. Яхшигина даромад қўлга кирар, дурустроқ бошпанам бўлар, оёқ остимга кўркам-

роқ гиламлар тўшалишига умид боғлардим. Бу эса яқин атрофдаги аёлларнинг ярмидан кўпроғини менга анқайтириб қўйган бўларди. Саховатпеша руҳониймиз аёллари пахта либосида юргани ҳолда, мен ипакка буркалган бўлардим.

Хуллас, унинг таклиф шартларига рози бўлдим, нафақа пулларини ўз ўрнида ишлатдим, казо-казо қўшниларим билан қасдлашиб, вақт ўтиши билан, ўзингиз кўрганингиздек, улар устидан голиб чиқдим. Унинг ўша сирини (ўзимникини ҳам) ўша вақтдан шу кунгача ўтган узоқ йиллар давомида қанчалик махфий тутганим, кенжа қизим Анна сирларимдан аслида огоҳ бўлганми, ўша сирни у ҳам махфий тутганми-йўқми, назаримда, сиз интиқлик билан кутаётган жавоблар саволлари мана шулар. Нима ҳам дердим! Сизга нисбатан эҳтиромим ҳеч нарсани яширмасликни тақазо этади. Бинобарин, янги саҳифа очиб, сизни ўша жавоблардан огоҳ қилиб қўя қолишни лозим топдим. Фақат мени бир нарсада маъзур тутгайсиз, жаноби Ҳартрайт, кенжа қизимга қизиқиб қолгандек эканингиз менга гализроқ туюлиб, таажжубдаман. Бу мени анча ўйлантириб қўяди. Агар сизни унинг болалик пайтлари қизиқтираётган бўлса, бу борада уни мендан кўра кўпроқ биладиган миссис Катерикка учрашишингизни тавсия этиб қўя қолган бўлардим. Бунини тушуниш анча мураккаб, кенжа қизим бошида парвона бўлганман, дейишга тилим бормади! У ўзининг носоғлом қарахлиги билан умрининг бошдан оёқ менга дахмаза бўлган. Сиз дангалчисиз, кўнглингиз таскин топгандир, деган умиддаман.

Ўша узоқ ўтмишга тегишли кўпгина шахсий тафсилотлар билан бошингизни говлатишга ўрин йўқ. Келишув шартларига тўла амал қилиб, эвазига ҳар уч ойда тўланиб турган нафақа билан мамнун бўлиб турганимдан сизни огоҳ этдишим қифоя қилса керак.

Вақти-вақти билан аввал ўша валинеъматим ва ҳукмдоримга мурожаат этиб, ўшаларнинг ижозатини олгач, қисқа муддат шаҳардан чиқиб, кўнгил ёзди қилиб турганман. У одам, илгари сизга айтиб ўтганимдек, менинг ҳам, ўзининг ҳам манфаати туфайли тилимни тийиб юришимга ишонмайдиган батарин сифатида сиқиб сувимни ичадиганлардан эмасди. Сафарларимдан энг узоқ муддатлиси Лиммериж бўлиб, ўша ерда ўлим тўшагида ётган холаваччам хизматида бўлиб туришим керак эди. Тўплаган анча пули бор, дейишарди. Ўшанинг илинжида хизматимни аямай, менга ҳам бирон нарса тегиб қолиши умиди хаёлимдан нари кет-

масди. Кейинроқ маълум бўлганида умидим хом хаёл экан, учдикетди, ҳеч вақоси йўқ, мен ҳам қуруқ қолавердим.

Аҳён-аҳёнан ўзимча орзу-хаёллар огушида қолган пайтларимда, хусусан, боламни ўйлаб, миссис Клементснинг уни ўзига огдириб олаётганига гашим келганидан қўлидан олиб қўярдим. Лиммерижга қилган сафаримда Аннани ҳам ўзим билан бирга олиб кетгандим. Миссис Клементсни ҳеч қачон хуш кўрмаганман. У фаҳм-фаросатсиз ҳеч нарса билан иши йўқ, сизнинг таъбирингизча — туғаса ола қарға, бир бечораҳол аёл эди. Аннани гоҳо унинг қўлидан тортиб олиб, дилини огритиб ҳам турардим. Кумберландда холаваччам хизматида пойи-патак бўлиб турган пайтларимда қизимни нима қилишимни билмай, Лиммериждаги мактабга бериб қўйганман. Лиммериж мулки эгадори миссис Фэрли (шунчаки кўримсиз аёл бўлатуриб, Англиядаги энг хусндор кишиларидан бирини илинтириб, турмушга чиқиб олган) қизимга маҳлиё бўлиб қолганидан ҳайратга тушгандим. Бунинг оқибати шу бўлдики, мактабда у ҳеч нарса ўрганмаган, Лиммериж Хаусда эса эркалатилиб, феъли бузилган. Ўша ерда унга талай хомхаёл одатлар ўргатилган, жуумладан ҳар вақт оқ либос кийишдек бемаънилик миясига қуйилган. Ўзим оқни хуш кўрмай, рангдор рангларни ёқтирганим учун, уйга яна қайтиб келишимиз биланоқ ўша бемаъниликни унинг хаёлидан чиқариш пайига тушдим.

Айтишга осон, қизим қатъи ўжарликка тушди. У бирор фикрни миясига қуйиб олгудек бўлса, бошқа телбанамолар каби, хариш эшакдек ўжарлик билан ўша фикридан қайтмасди. Биз аразлашиб, бутунлай тескари бўлиб қолдик. Миссис Клементс, назаримда, бунга барҳам бериш учун уни ўзи билан бирга Лондонга олиб кетиб, ўша ерда яшаш ниятини таклиф этиб қолди. Агар миссис Клементс қизимнинг оқ кийиниш ниятини маъқуллаб, унинг ёнини олмаганида, унинг таклифига рози бўлган бўлардим. Лекин қизимнинг кийинишига эътироз билдира олмаслигини маълум этгач, менга эътироз билдиргани учун унга нисбатан нафратим яна ҳам ортди.

—«Йўқ! — дедим. —Йўқ дедимми йўқ. Гап тамом».

Натижа шу бўлдики, қизим мен билан қолди, бу эса ўз навба-тида, сир ҳақида ҳатто гавго кўтарилишига сабаб бўлди.

Воқелик бу ҳақда ёзишимдан анча илгари содир бўлганди. Янги шаҳарга ўрнашиб олганимдан бери анча йиллар ўтган, бадфеъл-лигим мулойимлашган сари казо-казо ҳамшаҳарларим олдида об-

рўйим ҳам орта бошлаганди. Қизимнинг ўзим билан туриши ҳам бунинг сабабларидан бири эди. Унинг беозорлиги ва оқ кийиниш шайдоси экани одамлар меҳрини товларди. Унинг хуш қўрган ода- тига эътироз ҳам билдирмай қўйдим, ахир вақт ўтиши билан ўша фазилати туфайли менинг ҳам обрўйим ортаётганига шубҳа йўқ эди. Бунга яққол бир мисол. Ибодатхонадаги иккита энг нуфузли жойни ижарага олишга ҳам ўшандан кейин муваффақ бўлгандим. Ўша олинган икки жой туфайли эса руҳоний ортанинг таъзимига мушарраф бўлгандим.

Хуллас, ишлар ўнгидан келиб турган бир пайтда, эрталаб ўзаро келишувимизга биноан, кўнгилёзди қилиб келиш учун бироз фурсатга шаҳардан чиқиш ниятимни изҳор этиб қўйиш ҳақидаги мактубимга жавобан ўша олий табақа (айни вақтда оламдан ўтган) жентлмендан хат келиб қолди.

Хатимни олгач, назаримда, унинг тепа сочи тикка бўлиб кет- ган бўлса керак, куракда турмайдиган сўзлар билан раддия жаво- бини битибдики, ўзимни йўқотиб, нима деганимни ҳам билмай қолибман. Қизимнинг олдида уни ҳақоратлаб: «оғиз очиб, унинг сирини ошқора этгудек бўлсам, ўша ўз номини яшириб юрган лаънати қаллобни бир умрлик ҳибсага тиқиб қўйишим мумкин!» деб юборибман. Ўша киши ҳақида бундан ортиқ бирон сўз оғзим- дан чиқмаган. Айтилган сўз — отилган ўқ. Қизимнинг ҳайратдан менга тикилиб қолганига кўзим тушиб, ўзимга келибман. Уни шу ондаёқ хонадан қувиб, «Ўзимни босиб олмагунимча қайтиб кир- ма!» деб ўшқирдим.

Очигини айтсам, беихтиёр оғзимдан чиқиб кетган сўзларни эслаб, дилимга гашлик тушади. Ўша йили Анна ҳам анча пари- шонхотирроқ ва писмиқроқ бўлиб қолганди. Унинг яқин атроф- даги ҳамшаҳарларга оғзимдан чиқиб кетган гапларни такрорлаб, овоза қилиб қўярмикин, уни гапга солувчи галамисларга номини ҳам айтиб юборармикин, деб хавотирланардим. Бунинг оқибати мен учун ҳам, валинеъматим учун ҳам таҳликали эди. Лекин ке- ласи кунидек содир бўлган воқеликни кутмагандим.

Келаси кунни валинематим ҳеч қандай хат-хабарсизоқ уйимга келиб қолди.

Унинг оғзидан чиққан дастлабки сўзларию овозидан муро- жаатимга масъулиятсизлик билан жавоб берганини тан олиб, пушаймонда экани, илгариги муносабатни тиклаш илинжида хижолат тортиб, зудлик билан етиб келгани шундоққина кўри- ниб турарди. Хонамда ивирсиб юрган қизимга кўзи тушиб (бир

кун бурунги воқеликдан кейин уни кўчага чиқаришдан чўчиб, кўз ўнгимда тутиб турардим), чиқиб кетишини буюрди. На униси, на буниси бир-бирини хуш кўрарди. Валинеъматим мендан ҳайиқиб яшириб юрган совуқ муносабатини ошкора қилиб қўйди.

— Бизни ёлғиз қолдир! — деди у бош ўгириб елкаси устидан қараганича. Қизим ҳам бош ўгириб, елкаси устидан қараб қўя қолди, чиқиб кетиш нияти йўқдек, жойидан жилмади.

— Эшитаяпсанми? — ўшқариб юборди у. — Хонадан чиқиб кет деяпман!

— Менга одоб билан гапираверинг, — деди у юзлари қипқизариб.

— Овсарни чиқариб юборинг, — деди у мен томон юзланиб.

Қизим ўз кадр-қиммати ҳақида бамаъни тасаввурда юрарди. Шунинг учун ҳам «овсар» сўзи уни ўша заҳотиёқ қутуртириб юборди. Аралашувимга улгурмасимданоқ оловдек унинг ёнига келди.

— Ҳозироқ мендан узр сўранг, — деди у, — акс ҳолда холингизни вой қилиб қўяман. Сирингизни ошкора этаман. Оғзимни очгудек бўлсам, бутун умрингизни ҳибсада ўтказдириб қўя оламан.

Айнан менинг сўзларим! Бир кун аввал айтилган сўзларим айнан такрорланиб, унинг олдида ўз тилидан айтилди. Унинг ранги докадек оппоқ оқариб, қизимни куч билан хонадан чиқариб юборгунимча миқ этмай қотиб қолди. Кейин ўзига келгач...

Йўқ! У ўзига келгач нима деганларини эслатиб ўтишни ўзимга эп кўрмайман. Ахир, бениҳоя мўътабар аёлларданман. Буни ёзаётган кимса ибодатхона қавмидан бири, «Имон менинг халоскорим» хутбалари муштарийси, ўшандай ибораларни тилга ола олармиди? Англиядаги ўта разил бир қароқчининг шармандаси, сассиқ ҳақоратини эсланг-а. Яхшиси, можаро якунига ўтиб қўя қолайлик.

Можаро, ўзингиз ҳам энди тахминлаётганингиздек, унинг ўз хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун қизимни тутқунликда асраш таклифи билан ниҳоясига етди.

Қисқаси, воқеликни адолатли ҳал этилишига ҳаракат қилдим. Қизимнинг мендан эшитган сўзларнигина тўтиқушдек такрорлагани, аниқроқ ҳеч нарсадан хабардор эмаслиги, очиқроқ бирон нарса айтмаганимни маълум қилдим. Ҳозиргина унинг ўз оғзидан чиқиб кетган ҳақоратга чидамай, илгаридан ҳам унга ола қараб

юргани сабабли, оғзимдан тасодифан чиқиб кетган ўша сўзлар билан жигига тегиб, уни қўрқитмоқчи бўлганини, аслида, унинг ўзи ҳам ўша сирдан огоҳ бўлиш иштиёқида эканини тушунтирдим. Қизим феъл-атворидаги бошқа бежолликлар, унинг ўзи ҳам хабардор бўлганидек, овсарлар васвасликка мойил бўлишларини таъкидлаб ўтдим — мурод ҳосил бўлмади. Ҳатто, тангрини ўртага қўйиб айтилган сўзларимга ҳам ишонмади — гўё бутун сирни ошкора қилиб қўйганман, шунга ишончи комил эди. Қисқаси, қизимни телбахонада асраш лозимлигини талаб қилиб, бошқа бирон сўзни қулоққа олмади.

Мана шундай вазиятда оналик бурчимни адо этиб:

— Қашшоқ овсархонаси бўлмайди, — дедим. — Уни асло қашшоқлар овсархонасига тиқиб қўймайман. Хусусий шифохонани ихтиёр этсангиз — бошқа масала. Ахир, оналик меҳри менга бегона эмас-ку, шаҳардаги обрўйим қаерда қолади? Казо-казо қўшниларим дардга чалинган уруғларига лозим кўргудек хусусий шифохонага бўлса, майли, бошқасига рози бўла олмайман.

Ўшаларни айтгандим. Ўз бурчимни адо этгандим. Кенжа қизимга меҳрим ошиб-тошиб кетмаган бўлса ҳам, у билан анча гурурланардим. Боламга қашшоқлик доғи тушмаслиги учун қатъи қарор билан сўзимни ўтказгандим.

Ниятимнинг амалга оширилишида (хусусий шифохонадаги таллай устунликлар бўлгани ҳолда, унга қийналмаёқ эришгандим) қизимни ўша ерга жойлаштириш билан қўлга киритиладиган нафимдан воз кеча олмасдим. Аввало, у билан леда сифатида муомала қилиниб, ўшанга яраша шароити ҳам бўларди (бу ҳақда шаҳарда овоза ҳам қилардим). Иккинчидан, эътиборсизлик билан оғзимдан чиқиб кетган сўзларимни такрорлаш билан одамларда шубҳа ва шов-шувлар туғдириладиган Велмингхамдан анча четда бўлган бўларди.

У назорат остига олиниши билан ноҳўя томони ҳам чиқиб қолган. Биз у ердан қайтиб улгурмаёқ унинг ўша сирдан огоҳлиги ҳақидаги қуруқ пўписалари васвасага айланиб кетган. Дастлаб бу сўзларни унинг дилига озор берган кишига дағдага сифатида айтган бўлса ҳам, муғомбирлиги туфайли энди ўша сўзлар уни анчагина талвасага солиб қўйганини фаҳмлаган, зийраклигидан эса ўша ерга ким тиқаетганини ҳам тушунган. Шунинг учун ҳам телбахонага олиб кетилаётганида ичидаги бутун аламини тўкиб солган, у ерда ҳамширалар тасалли беришгач, айтган дастлабки сўзлари унинг сирларидан воқиф

бўлгани туфайли, вақти-соати келганида оғиз очгудек бўлса, балога гирифтор бўлиши бўлган.

Унинг ғойиб бўлишида ўйламай-нетмай кўмаклашганингизда сизга ҳам ўшаларни айтган бўлиши мумкин. Номи гумон, хушмуомала ўша жентлменга (яқиндагина оламдан ўтган) турмушга чиққан бебахт аёлга ҳам бу ҳақда гапиргани аниқ, ўтган йили ёзида эшитганман. Мабодо сизми ёки ўша бебахт ледими қизимни сўроққа тутиб, ўша сир нималигини суриштирганингизда нима дейишини билмай, саросимада каловланиб қолган бўларди, сиз ҳам ушбу ёзувларим, шак-шубҳага ўрин йўқ, соф ҳақиқат эканига иқрор бўла олардингиз. У қандайдир сир борлигини биларди, унинг кимга алоқадорлигини биларди. Мабодо ошкора қилингудек бўлса, ким азиат чекишини ҳам билардию, лекин шулардан хабардорлиги учун бегоналар олдида ўзини қанчалик юқори тутмасин, то оламдан ўтганигача ҳам ўшандан ортиқ ҳеч нарса билмаган.

Ажабтовур синчков кўнглингиз таскин топдими? Ҳар ҳолда, иложи борича шунга ҳаракат қилдим. Ўзим билан қизим ҳақида сизга айтгудек ҳеч нарса қолмади ҳам шекилли. Қизим билан орамиздаги муносабат масаласидаги оғир масъулиятларим уни шифохона ҳимоясига топширганимдан кейин ниҳоясига етганди. Қизимнинг ўша ерга тушиши арафасидаги вазият ҳақида маълум шаклда ёзилган хат олганман ва ўша хат асосида бу масалага қизиқиб қолган, ўша бир нарсани такрорлайверишга одатланган оғиздан мен ҳақимда кўпгина бўҳтонлар қулоғига етган Мисс Ҳалкомб исмли кимсага жавоб хати ёздим. Кейин ғойиб бўлган қизимнинг нохуш хабарлар тарқатишига чек қўйиш учун уни кўришгани ҳақидаги миш-мишлар изига тушиб, ундан дарак топиш пайига тушдим. Лекин шу вақтгача эшитганларингиз олдида бу каби беҳуда майда-чуйдаларнинг сизга ҳожати ҳам бўлмаса керак.

Мактубимнинг шу нуқтасигача унинг руҳини ўта дўстоналикдан пастга туширмадим. Лекин уни сизнинг шаънингизга тегишли бир-икки оғиз жиддий эътироз ва гинамни илова қилмасимдан яқунлай олмайман.

Ўзаро суҳбатимиз чоғида кенжа қизимнинг ота аждодидан гумонсирагандек ножўя кесатиброқ ўтгандингиз. Бу эса сиз томондан йўл қўйилган беҳурматлик ва одобсизлик эди, яна учрашиб қолгудек бўлсак, суҳбатимиз барҳам топмаслиги учун, менинг шаънимга тил тегизмаслигингизни, Велмингҳамдаги одоб-ахлоқ муҳитини

(дўстим ретор ҳазратларининг мўътабар иборалари билан айтганда) барбод қилмаслигингизни маъқул кўрардим, шуларни унутмасиз, деган умиддаман. Мабодо эримнинг Аннанинг отасилигига кўнглингизда андак шубҳага йўл қўйгудек бўлсангиз, бу мени ҳақоратлаб, бадном қилишдан бошқа нарса эмас. Бордию ўша ҳис-туйғу хаёлингиздан нари кетмай, бу борадаги ножўя раббатингизга барҳам бермаган бўлсангиз, ўз нафингиз учуноқ, бундай васвасани мутлақо хаёлингиздан чиқариб юборишингизни тавсия этаман. Ўша васвасангиз, жаноби Ҳартрайт, у дунёю бу дунё ижобат бўлмайди.

Эҳтимол, ҳозиргина айтиб ўтилган гапларимдан кейин мендан узр сўраб хат ёзгингиз ҳам келиб қолар. Шундай қилинг, узрингизни жон деб, қабул қиламан. Кейин, мен билан яна учрашиб, суҳбатлашмоқчи бўлсангиз, дадил қадам ташлайверинг, кутиб олишга тайёрман. Лекин ўз вазиятимга кўра сизни таклиф этишимнинг иложи йўқ, фақат буни яқиндагина орамизда ўтган совуқчилик туфайли, деб ўйламанг. Мен ҳар вақт, сизга айтган бўлсам керак, тежамкорлик билан яшаб, сўнгги йигирма йиллар давомида умримнинг охиригача бемалол яшагудек жамғарма тўплаб қўйганман. Велмингхамдан чиқиб кетиш ниятим йўқ. Шаҳарда яна бир-иккита арзимас ишларни амалга ошириш илинжидаман. Ўзингиз кўргангиздек, руҳоний ота менга таъзим қилади. У оилалик киши, фақат аёллари одоб-ахлоқдан йироқроқ. Мен Доркас жамиятига аъзо бўлмоқчиман, ўшандан кейин унинг хотинини ҳам ўзимга таъзим қиладиган қилиб қўяман. Агар ташриф буюриб, суҳбат қилгудек бўлсангиз, ўзаро суҳбат фақат умумий мавзуларда бўлишини назарда тутишингиз керак. Бу хатимга ҳеч қандай ишоранинг ҳожати йўқ — уни ёзганимни тан ҳам олмайман. Далил ёнғинда кул бўлиб кетганидан хабардорман, лекин эҳтиёткорлик, ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди.

Шунинг учун ҳам ҳеч кимнинг номи тилга олинмаган, ҳеч қандай имзо ҳам бўлмайди; дастхат бутунлай ўзгартирилган, унинг ким томонидан ёзилганини аниқлашга уринувчи изкуварлар йўлини ўшандан даф қилиш учун уни ўзим олиб бориб бериш ниятидаман. Ушбу эҳтиёткорлик чораларига нисбатан норозилик билдиришингизга ўрин бўлмаса керак, чунки бу ҳол, сизга нисбатан иззат-эҳтиром туфайли ёзилиб, унда изҳор қилинмоқчи бўлган маълумотларимга таъсир этмайди. Чой маросими беш яримда, мойли нон қотирмалари эса ҳеч кимни кутмайди.

ҲИКОЯНИ ВАЛТЕР ҲАРТРАЙТ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Миссис Катерикнинг андишасизлик билан ёзилган баённомасини ўқиб, шунчалар тугёнга келдимки, уни гижимлаб ташлашимга сал қолди. Бошдан охиригача тутуруқсиз, сурбетларча ёзилган баённома мазмунига кўра, мени нодонларча ўша дахлим бўлмаган фожиага, ҳаётимни тикиб бўлса ҳам, қутқариб қолиш пайида бўлган бир кимса ўлимига мени алоқадор қилиб қўйишидан талвасага тушиб, уни тилка-пора қилардим у андак мулоҳаза билан ўзимни босиб қолдим.

Мулоҳазамнинг сэр Персивалга мутлақо алоқаси йўқ эди. Менга юборилган баённомада унинг тилга олиниши тахминларимнинг тўғри эканини яна яққолроқ кўрсатарди.

У ўз қаллоблигини айнан мен тахминлаганимдек содир этганди. Миссис Катерикнинг Ноулесбуридаги никоҳ дафтари нусхасидан оғиз очмагани сэр Персивалнинг ўша хужжат юзага чиқиб қолиши таҳликасидан бутунлай беҳабар экани ҳақидаги тахминимни яна ҳам мустаҳкамлади. Жиноят масаласидаги хатти-ҳаракатларим ниҳоясига етган, энди баённомани келгусида сўнгги бир сирни фош этишим, у ҳам бўлса Анна Катерикнинг ота аждодини аниқлаш учун асраб қўйишим шарт эди. Унда бир ёки икки жумла қайд этилган бўлиб, ўшалар ҳозирча номаълум бўлиб турган воқеликни аниқлаш ва исботлашимда далил сифатида қўл келиб қолиши мумкин эди. Айни вақтда ўзимнинг асосий вазифам билан овора бўлиб қолгандим. Лекин бу масала ҳам хаёлимдан нари кетмасди. Вақти-соати келиб, миссис Фэрли қабри ёнида осойишталик топган ўша бебахт бечоранинг отаси кимлигини аниқлашимга ишонардим.

Шунинг учун ҳам яна қайта ўқирман, деган умидда баённомани муҳрлаб, эҳтиётлаганимча ён дафтарим ичига солиб қўйдим.

Ўша тунни ўтказсам, Ҳемпширдаги сўнгги куним бошланарди. Ноулесбурига бориб, воситачи ҳакамга учрашиб, тергов ишида қатнашгач, ишим якунланиб, пешинги ёки кечки поезд билан Лондонга қайтишим мумкин эди.

Эрталабдан биринчи учрайдиган жойим, одатдагидек, почта бўлди. Мариандан хат бор экан, лекин уни қўлимга тутқазгани-

да ҳаддан ташқари енгил туюлди. Шоша-пиша конвертни очдим. Ичидан икки букланган бир парча қоғоздан бошқа ҳеч нарса чиқмади. Унда шоша-пиша ёзилган қуйидаги сўзларга кўзим тушди: «Иложингиз борича тез қайтинг. Қўчишга мажбур бўлдим. Фулҳам Гоувез Вак, (5-сон)га келинг. Ташқарида кутаман. Биздан хавотир олманг. Иккаламиз ҳам соғ ва саломатмиз. Албатта қайтинг. Мариан».

Ўша сатрлардаги хабардан огоҳ бўлиб, граф Фоско томонидан уюштирилган фитна бўлса керак, деган фикр миямга уриб, додираб қолдим. Нафасим ичимга тушиб, қоғозни гижимлаганимча қаққайиб қолибман. Нима бўлдийкин? Менинг йўқлигимда граф қандай маккорлик тубанлигига қўл уриб, нима ёвузлик қилдийкин? Мариан хати ёзилганидан бери бир кечагина ўтди, уларнинг олдига етиб боргунимча бир неча соат ўтади. Яна қандай машъум ҳодисалар ўтдийкин, улардан хабарим йўқ. Мен шу ерда, улардан бир неча мил узоқликда қолишга мажбурман. Суд маъмурияти фармониغا биноан боғлаб қўйилганман!

Билмадим. Мариандек ишонган тоғим бўлмаганда, бундай таҳликаю ташвишдан холим не кечарди, қонун масъулиятларини ҳам йиғиштириб қўйган бўлармидим. Ўшаларга бўлган ишончимгина менга тасалли бериб, матонат билан сабр қилишимда далда бўлди. Лондонга жўнаворишнинг иложи йўқ — суд тергови олдимда кўндаланг турарди. Расмиятчилик талабига биноан у ерга ўз вақтида етиб келдим, лекин гувоҳлик кўрсатмаларимни такрорлашга чақиришмади ҳам. Бетоқатлик гулувини босиш учун ўзимни нечоғлик тергов жараёнига чалғитмайин, чақирилувимни пайсалга солиниши мен учун энг оғир синов дамлари бўлди.

Тергов жараёнида ҳозир бўлганлар орасида марҳумнинг Лондондаги ишончли вакили (Мерриман жаноблари) ҳам бор эди. Лекин у киши тергов муаммоларини ҳал этишда кўмаклашишга ожизлик қилди. Фақат содир бўлган фожиадан бениҳоя талвасага тушиб, ҳайрон бўлиб қолгани, унинг замиридаги сирларини ёрита олмаслигини маълум қила олди холос. Ушбу адлия иши давом этаркан, гувоҳлар алмашинуви орасида терговчига баъзи бир саволларини таклиф этиб турди, лекин булар ҳеч қандай натижа бермади. Қарийб уч соат давом этган қатъи ва пухта тергов туфайли олинган маълумотлар мулоҳазадан ўтказилгач, суд ҳайъати тасодифий ўлим ҳолларидагидек одатдаги ҳукмини эълон қилди. Ўша расмий қарорга калитларнинг қай тарзда, ким то-

монидан ўғирланганини, ёнгиннинг келиб чиқиш сабаби, ҳалок бўлган кимсанинг қазноққа нима мақсад билан кирганини исботловчи далиллар тергов жараёнида аниқланмай қолгани илова қилиб қўйилди. Шу билан тергов иши якунига етди. Ҳалок бўлган шахснинг терговда ҳозир бўлган ишончли вакилига майитни дафн этиш чорасини кўриши тавсия этилиб, гувоҳлар қўйиб юборилди.

Зудлик билан Ноулесбурига етиш учун вақтни ўтказмай, меҳмонхона харажатини тўлаб, шаҳарга етиб олиш учун қаб ёлладим. Бундан огоҳ бўлиб қолган бир жентлмен ёлғиз бир ўзим кетаётганимни кўриб, ўзининг Ноулесбури яқинида туриши, агар эътироз этмасам, менга ҳамроҳ бўлишини илтимос қилиб қолди. Гап бўлишига ўрин йўқ, рози бўлдим.

Бутун йўл бўйи суҳбатимиз фақат маҳаллий ахоли оғзидан тушмай қолган бир мавзуда бўлди.

Ҳамроҳим сэр Персивалнинг кейинги ишончли вакили Мерриман жаноблари билан таниш бўлиб, ўшалар билан марҳум жентлменнинг хўжалик ишларию мероси ҳақида суҳбатлашган экан. Сэр Персивалнинг оғир аҳволи бутун атрофга ёйилиб, вакилнинг буни очиқ тан олиб, афсуслик билдиришдан бошқа иложи қолмаган. Марҳум васият ҳам қолдирмаган, агар қолдирганидаям, мерос учун унинг хусусий мулки бўлмаган, хотинидан қолган мероснинг ҳаммаси судхўрлар чўнтагига тушиб кетган. Мулк вориси (сэр Персивал бу ҳақда оғиз очмаган) сэр Феликс Глайднинг амакивачаси ўглига тегишли бўлиб, у Шарқий Индиаман денгиз флоти зобити бўлган. Унинг кутилмаган бу мероси қарзлар туфайли мушкул аҳволда эди. Лекин вақти келиб, ўша қарзлар узилса, зобит эпчилроқ бўлгудек бўлса, умр ниҳоясидан анча илгарийёқ бадавлат бўлиб кетиши мумкин эди.

Хаёлим тезроқ Лондонга етиш бўлса ҳам, бу маълумотлар (воқеликлар ҳақиқатдан далолат берарди) ўз моҳиятига кўра эътиборимни тортган эди. Уларнинг ҳаммаси сэр Персивалнинг қаллоблигини аниқлаб, уни сир сақлашимда ҳақ эканлигимдан далолат берарди. Мулк ўша муттаҳам томонидан мосуво қилинган ҳақиқий вориси қўлига ўтиши керак эди. Сўнгги йигирма уч йил давомида ўша мулкдан тушган даромад ҳам ворисга тегишли бўлгани ҳолда, охирги фартингига ажалидан бурунроқ охиратга кетган киши томонидан гумдон қилиб бўлинганди. Мабодо кашф этган сирларимни ошкора этгудек бўлсам, бундан ҳеч кимга бирон-бир наф бўлмасди. Агарда яширгудек бўлсам, Лаурага қаллоблик билан

уйланиб олган кимсанинг ҳақиқий башарасини пинҳон тутган бўлардим. Лаурани ўйлаб, уларни сир тутишга қарор қилдим. Лаурани ўйлаб, ҳикоямни хаёлий номлардаги кишилар иштироки билан давом эттираман.

Тасодикий ҳамроҳим билан Ноулесбурида хайрлашиб, тўғри шаҳар маъмурияти идорасига йўл олдим. Тахмин қилганимдек, кўрилган масала бўйича бирон-бир кимса менга қарши эътироз билдирмабди. Расмиятчилик икир-чикирлари яқунлангач, ишим ҳам ниҳоясига етди. Маъмурият биносидан чиқаётганимда Даусон жаноблари хатини қўлимга тутқазиб қолишди. Унда ёзилишича, у ўзининг расмий ишлари билан овора бўлиб юргани туфайли, ўз ваъдасига биноан менга ёрдам қўлини чўза олмаган. Ўша ернинг ўзидаёқ унга жавоб хати ёзиб, миннатдорлик изҳор этдим. Долзарб иш чиқиб қолгани учун уйга қайтишга мажбур бўлиб қолганимдан, улар ҳузурига ташриф буюра олганим учун узр сўрадим.

Ярим соат ўтар-ўтмас экспресс поездда Лондонга йўл олдим.

II

Соат тўққиз ва ўн ўрталарида Фулҳамга етиб бориб, Гоуве сайилгоҳи йўлини топдим.

Лаура билан Мариан пешвоз чиқишиб, мени дарвоза олдида кутиб олишди. Шу оқшомгача учаламизнинг бунчалик бир-биримизга меҳр қўйиб боғланиб қолганимиз хаёлимизга ҳам келмаган экан. Бир неча кунгина эмас кўп ойлар давомидаги жудоликдан сўнг учрашгандек бўлдик. Мариан юзи сўлгин ва гамгин кўринарди. Сафарда юрган пайтларимда ҳамма хавфу хатар ва ташвишлар унинг бошига тушгани юзида шундоққина кўриниб турарди. Лауранинг очиқ чеҳрасию аввалгига нисбатан юмшаган руҳи унинг Велмингҳамдаги даҳшатли ўлим фожиасию бу ерга кўчиб келиш ҳақиқий сабаби нималигини билмаслигидан дарак берарди. Бу ер Лаурага маъқул бўлиб, кўнглини кўтарган, қувончлари тўлиб-тошган. Кутилмаган бу ҳижратни Марианнинг ташаббуси, гўё у атрофи ғала-ғовурдан холи бўлмаган кулбадан довдарахтлари, бепоён далаларию ҳайқирган дарёси билан киши баҳрини очадиган ерга кўчиб, Ҳартрайтни лол қилиб қўймоқчи, деб тушунган. Амалга ошириладиган орзуларини ўйлаган; ниятида бўлган: чала қолган суратларини ниҳоясига етказиш, уларни илгарироқ мен топиб қўйган харидорлар қўлига топширтириш; шахсий харажат пулларидан тежаб қолган шиллинг ва пенслари

ҳисобига залворли бўлиб қолган ҳамёни билан мақтаниб, уни, ҳатто, чамалаб кўринг, деб қўлимга ҳам тутқазганди. Уч-тўрт кунлик сафарим вақтида унинг шунчалик ўзгариб кетиши мен учун қутилмаган ҳол бўлиб, кўнглимга чексиз қувонч бахш этар, буларнинг ҳаммаси Марианнинг Лаурага бўлган муҳаббати, жасорати туфайли юзага келганди.

Лаура хонадан чиқиб, Мариан билан энди бемалол гаплашиб олиш имконияти туғилиши билан қалбимдаги ўз эҳтирому миннатдорлигимни билдиришга уриндим. Лекин гапларим бу саховатпеша хилқат қулоғига киргудек эмасди. Ўзини хаёлига ҳам келтирмай, бошқаларга фидо бўлувчи бу аёлнинг фикру ёди ўзидан кўра кўпроқ менда эди.

– Почта жўнатилиши вақти бўлиб қолганди, – деди у. – акс ҳолда бунчалик қисқа ёзмаган бўлардим. Жуда хоргин, безовта кўринасиз, Валтер. Ўзим ташвишда қолдим. Хатим сизни талвасага солиб қўйган бўлса керак-а?

– Аввалига шундай бўлди – дедим. Сизга бўлган ишончим, Мариан, менга тасалли берди. Қутилмаганда кўчиб қолишингизга граф Фоско уюштирган дағдаға сабаб бўлгандир, деб ўйладим, фикрим тўғрими?

– Мутлақо тўғри, – деди у. – Кеча уни кўрганман, ундан баттароғи, Валтер, у билан гаплашганман.

– У билан гаплашгансиз? Қаердалигимизни биларканми? Ўша уйга келдимиз?

– Шундай. Ўша уйга, лекин тепа қаватга эмас. Лаура уни кўргани ҳам йўқ. Ҳатто, бунга хаёлига ҳам келтирмайди. Нима бўлганини сизга айтиб бера қолайин: хавфу-хатар, менимча ўтиб кетди, бунга шубҳам йўқ. Кеча ўша илгариги манзилимиз меҳмонхонасида эдим. Лаура расм чизиш билан овора эди. Мен эсам у ёқ-бу ёққа юриб хонани тартибга келтирардим. Дераза ёнидан ўтаётиб кўчага назар ташладим. Уйимизнинг шундоққина рўпараси – кўчанинг нариги томонида турган графга кўзим тушиб қолди. У нотаниш бир киши билан гаплашарди.

– У дераза ортида турганингизни сездимиз?

– Йўқ. Кўрмаган бўлса керак. Талвасага тушиб, ўтакам ёрилганидан, аниқ бир нарса дейишга ҳам ожизман.

– Иккинчи киши ким экан? Нотаниш дедингизми?

– Нотаниш эмас, Валтер. Ўпкални босиб, сал ўзимга келгач уни танидим. У ўша овсарлар шифохонаси соҳиби эди.

– Граф унга уйни кўрсатаётган эканми?

– Йўқ, улар тасодифан учрашиб қолишишгандек, гаплашиб туришарди. Мен парда ортида турганимча улардан кўз узмадим. Мабодо ўша фурсат Лаура орқага ўгирилиб қараб, унинг кўзи юзимга тушиб қолганида эди... Тангрига шукр, у бутун борлиги билан ўз ишига шўнгиб кетганди. Кўп ўтмай улар хайрлашишди. Шифохона соҳиби бир томонга, граф бошқа томонга йўл олишди. Улар тасодифан учрашишиб қолишган бўлса керак, деган хаёлга бориб турганимда графнинг орқага қайтиб келаётганини кўриб қолдим. У уйимиз рўпарасига келиб тўхтади-да, ёнидан қалам, қоғоз олиб ниманидир ёзди. Кейин кўчани кесиб ўтиб, пастимиздаги дўконга кириб кетди. Шу ондаёқ ташқарига шошиларканман, Лаурага бошқа хонада ниманидир унутибман, деб кўя қолдим. Ўзим эса зинанинг пастки чиқиш қисмига елдим. У юқорига чиқишга урингудек бўлса, уни тўхтатиб қолиш ниятида эдим. Лекин бундай ҳолат содир бўлмади. Дўконда хизмат қилувчи таниш қиз ичкаридан чиқиб, зина йўлаги томон бурилди, менга дуч келиб, қўлидаги заррин ҳошияли, юқори қисмида унинг номи билан тамғаси зарб этилган варақни кўлимга тутқазди. Унда қалам билан қўйдаги сатрлар ёзилганди: «Муҳтарам леди» (Ҳа! Ўша лаънати менга ҳамон шундай мурожаат этибди), «муҳтарам леди, иккаламиз учун ҳам муҳим бир масалада икки оғиз... Марҳамат қилсалар». Ҳар қандай ақлли-хушли киши мушкул вазиятлардан халос бўлиш йўлини топиши мумкин. Граф қўл урган ишдан сизнинг ҳам, ўзимнинг ҳам хабарсиз қолишимиз бизнинг ҳаёт-мамот тақдиримизни ҳал этувчи сабаб бўлиб қолмасин, деган қарорга келдим. Сиз олисда юрган пайтингизда таклифини рад этгудек бўлсам, унинг нималарга қўл уриш ниятидан бехабар қолишимиз таҳликаси мени яна ҳам хушёрроқ бўлишимни тақазо этарди:

– Ўша жентлменга айтинг, андак сабр қилсинлар, — дедим. — Ҳозироқ олдиларида бўламан.

Сухбатимиз бино ичида ўтишига йўл қўймаслик ниятида қалпоқчамни олиб олиш учун тепага чопдим. Унинг йўғон жарангдор товушидан хабардор эдим, ўша овознинг ҳатто дўкон ичидан ҳам Лаура қулоғига чалиниб қолишидан хавфсирардим. Бирор минут ҳам ўтмаёқ пастга тушиб, кўча эшикни очдим. Граф ҳам кетимданоқ ташқарига чиқди. У чуқур мотам қиёфасида, нохуш табассум билан хиёл эгилиб таъзим қилди. Бир зумда санғиб юрган болалар билан бир аёл унинг атрофига йиғилишиб, улкан жуссаси, қоп-қора нодир либослари билан заррин қошлиқ

ўрнатилган салобатли бамбук хассасига маҳлиё бўлиб қолишганди. У кўз олдимда тураркан, Блэквоутерда ўтган таҳликали онлар бирма-бир хаёлимдан ўтди. Шляпасини қўлга олиб, гўё кечагина дўстона хайрлашганимиздек, қувонч билан менга мушожаат этаркан, бутун вужудимда ўша илгариги нафратим тугенга келди.

– Унинг нималар дегани ёдингиздами?

– Уларни такрорлашга тилим бормайди, Валтер. Сизни тилга олиб, нималар деганидан, албатта, огоҳ бўласиз, лекин нималар деганини такрорлашга тилим бормайди. Унинг маккорона беозорлик билан ёзилган мактуби унинг иборалари олдида ҳеч нарсага арзимасди. Ўзимни гўё жувонмард ҳис этиб, унинг тумшугига бошлаб тушириш интиқлигида қўлларим қичишарди! Лекин нигор пардам ортида ундан олинган номани майда-майда қилиб йиртиш билан ўзимни босардим. Бирон сўз айтмай уйдан анча йироқлашдим (Лауранинг бизга кўзи тушиб қолишидан таҳликада эдим), у эса йўл бўйи оҳиста эътироз билдирганича ортимдан келарди. Кўчанинг биринчи муюлиши ортига ўтибоқ унинг мендан нима истаги борлигини сўрадим. Истаги иккита экан. аввало, эътироз этмагудек бўлсам, менга нисбатан нозик ҳис-туйғуларини изҳор этмоқчи экан. Бу ҳақда эшитишга тобим йўқлигини маълум этдим. Иккинчиси ўз мактубидаги огоҳлантирувини яна бир бор эслатиб ўтиш экан. Бунга нима сабаб бўлганини суриштирдим. У таъзим билан жилмайиб, бу ҳақда тушунча беришга тайёрлигини маълум этди. Унинг жавоби мазмуни, сафарга чиқиб кетишингиз олдида сизга маълум этган таҳлиқкаларим тўғрилигидан далолат берарди. Унутмаган бўлсангиз керак, сэр Персивал дўстининг сиз ҳақингиздаги насихатларига саркашлик қилиб, назар-писанд қилмагани, графнинг ўз манфаатлари хавф остида қолмагунича ундан хавфсирашнинг ҳожати йўқлигини айтган эдим, энди у ўз ҳимояси учун ўша хавфга қарши отланмаганмикин?

– Айтгандингиз, Мариан, ёдимда.

– Ёдингизда бўлса, ўша айтганларим рўёбга чиқаяпти. Граф маслаҳатини у рад этган. Сэр Персивал сизга нисбатан ўз ғарази асосидаги саркашлигига таяниб иш тутган. Граф уни ўзи истаганича иш тутишига рози бўлишга мажбур бўлган, фақат, кейинроқ қаердан зарба бўлиши олдини олиб қўйиш учун, ҳар эҳтимолга қарши, бизнинг қаерда яшаётганимизни аниқлаб қўйишни лозим топган. Ҳемпширга биринчи сафарингиздан

қайтаётганингиздаёқ, Валтер, изингизга тушишган. Темир йўлдан анча масофагача аввал Кирл жанобларининг ходими, кейин эса графнинг ўзи уйимиз дарвозасигача таъқиб қилиб келган. Лекин қандай қилиб сизнинг назарингизга тушмай қолишгани ҳақида оғиз очмади. Қисқаси, қаерда туришимизни аниқлаб олгач, сэр Персивал ҳалокатидан хабардор бўлишига қадар бу масала уни ортиқча безовта қилмаган, кейин, сизга айтганимдек, у ўз холича йўл тутган, чунки сиз энди марҳум ҳамкорига қарши махфий иш олиб боришингизга шубҳа қилмаган. Шунинг учун ҳам Лондондаги овсархона соҳиби билан учрашиш, уни қочқин бемори яширинган жойга олиб келиш, натижа қандай яқунланмасин, сизни узлуксиз ошкора саволжавоблару қийинчиликларга кўндаланг қилиб, унга қарши иш юритишингизни мушкуллаштириш учун қўлингизни боғлаш пайига тушган. Унинг менга эътироф этишича, мақсади мана шу экан. Мақсад сари қадам ташлаш олдида хаёлига келиб қолган бир фикр ... уни шаштидан қайтарган.

— Шундайми?

— Буни тан олиш мушкул, Валтер, шунга қарамай, бунга иқроп бўлишим керак. Ўша бирдан-бир фикр менинг шахсиятим бўлиб қолган. Буни ўйласам, ўз қадримнинг қанчалар тубанлашиб кетганини ҳеч қандай сўз билан ифодалаб бўлмайдигандай кўринади. Лекин ўша одамнинг метиндек иродасида жузъий бир заиф нуқта менга нисбатан ўта иззат-эҳтироми бўлган. Ўз қадримни эҳтиётлаш учун иложим борича, бунга ишонмасликка уриндим, лекин унинг фикр-ўйлари, хатти-ҳаракатлари ўша ҳақоратомуз ҳақиқатни тан олишга мажбур этмоқда. Мен билан сўзлашаркан ўша заифлик даҳшати тимсоли намоён бўлди — кўзлари намланди, Валтер! Доктор (овсархона соҳиби)га уйни кўрсатиб қўйиш олдида агар мен Лаурадан ажратилгудек бўлсам қанчалик ночор аҳволга тушиб қолишим, Лауранинг ўша ердан қочишида кўмаклашганим туфайли зиммамга масъулият тушиб, терговга тушишимни ўйлаб, сизнинг қўлингиздан келганини қилаверишингизга ҳам, қолаверса, мени эҳтиётлаш учун ҳам ўз қароридан қайтган. Унинг бирдан-бир илтимоси ўша илтерламаотини унутмаслигим, сизни шаштингиздан қайтаришим, ўз манфаатим туфайли (бу борада қайта маслаҳатлашишга мутлақо имконият бўлмаслигини ҳам қистириб ўтган) шунга рози бўлишим эди. Бундай шартга кўнмадим. Бунинг учун аввал жонимдан жудо бўлишим керак. Лекин унга ишонайми-йўқми, сўзлари ҳақиқат-

ми-ёлгонми билмадим, доктордан узр сўраб жўнатиб юборган. Менинг назаримда шу нарса аниқки, ўша одам у билан хайрлашаркан, деразамиз томон, ҳатто йўлнинг биз тарафига ҳам аланглаб қараб қўймади.

— Бунга ишонаман, Мариан. Энг олижаноб кишилар ҳам ўз саховатларида собитқадам бўлмаганларидек, энг тубанлари ҳам ўз разилликларида мустасно иш тутишмайди, деб бўладими? Лекин айни воқелик ҳақида мен бошқача фикрдаман. У қўлидан келмайдиган ишни кўндаланг қилиб, сизни қўрқитмоқчи бўлган бўлса керак. Сэр Персивал ўлиб кетган, миссис Катерик эса ҳеч қандай назоратсиз эркин юрган бир пайтда шифохона соҳиби кўмагида бизни ранжитишга қурби етиши амри маҳол. У ёгини қўяверинг, мени бошқа нарса қизиқтиради. Граф мен ҳақимда нималар деди?

— Суҳбат сўнггида сизни тилга олди. Даргазаб бўлиб, кўзлари чақнаб кетди. Ҳатти-ҳаракатларида ҳам, илгари кўрганимдек, раҳмшафқат нималигини билмайдиган, ғайриоддий қилиқлари билан кишини ўзига ром қилиб оладиган маккорона қиёфаси намоён бўлди, бениҳоя мураккаб шахс.

«— Ҳартрайт жанобларини огоҳлантириб қўйинг! — деди у баландпарвоз оҳангда. — Мияси жойида киши билан ҳазиллашмасин, мен билан олишгудек бўлса, қонунларини ҳам, жамиятдаги устувор қоидаларини ҳам бош бармоғим билан эзиб қўя қолишимни унутмасин. Агар саркаш дўстим маслаҳатимга кўнганда, тергов можаролари Ҳартрайт жаноблари жасади устида ўтказилаётган бўларди. Лекин мени мотамсаро қилиб кетган дўстим қайсар эди. Кўраяпсизми? Жудолик мотамидаман — дилим қайғуда, ташқи ўкинчим либосимда. Мана шу мотам ифодаларига Ҳартрайт жаноблари ҳурмат кўзи билан қарасин. Мабодо уларни менсимагудек бўлса, бу ҳиссиёт чексиз душманлик туғдириши мумкин. Борига шукр қилсин, ўшани ҳам сизнинг ҳурматингиз туфайли унга раво кўраман, ҳа, у билан сизга. Саломим билан бирга шуни ҳам етказишни унутманг: жигимга теккудек бўлса, Фоско билан олишишини унутмасин. Эл орасида кенг тарқалган инглиз тилида унинг қулоғига қуйиб қўйай: Фоско ҳеч нарсадан тап тортмайди. Ҳурматли леди, тонгингиз хайрли ўтсин!»

Унинг ёвуз кўк кўзлари юзимга ўқрайиб қолганди. Виқорли бир қиёфада шляпасини қўлга олиб, таъзим қилдию ялангбош ҳолда йўлига равона бўлди.

– Қайтмадими? Бошқа бирон-бир сўз айтмадими?

– Кўчанинг нариги бурчагига етгач ўгирилиб қўл силкиди ва намоийшкорона кўкрагига муштлади. Ўшандан кейин қораси кўзимдан гойиб бўлди. Шу ондаёқ югурганимча Лаура олдиға қайтдим. Ички эшикка етмасимданоқ бу ерни тарк этишға қарор қилдим. Бу бошпана энди (айниқса сизнинг йўқлигингизда) биз учун осойишта эмас, хавфли жой бўлиб қолганди, ахир граф ундан хабардор эди. Сизнинг қайтишингизни аниқ билганимда ўшангача сабр қилишға таваккал қилган бўлардим. Лекин ўша фурсат менға номаълум эди. Шунинг учун ҳам ўз ташаббусим билан иш тутишға тўғри келди. Сафарға чиқиш олдида Лауранинг саломатлиги учун ҳавоси тозароқ, гала-ғовурдан олисроқ бошқа жойға кўчиш ҳақида гапиргандингиз. Кўчиш ҳақидаги қароримдан ҳайратға тушмаслиги учун ўша гапингизни унга эслатиб, сизни кўчиш заҳматларидан озод этганимиз ҳолда қайтиб келишингизға ажойиб бир туҳфа тайёрлаш лозимлигини айтиш кифоя эди. У шу ондаёқ сизнинг дов-дастгоҳларингизни йиғиштиришға тутинди. Сиз учун бу ердаги иш ҳужрангизни бир ўзиёқ сарамжонлаб қўйди.

– Бу ерға кўчиш фикри қаердан келиб қолди?

– Аввало, Лондон атрофидаги жойлардан беҳабарлигим. Илгариги бошпанамиздан иложи борича узоқроққа кетишимиз зарурлигини ҳис этиб турардим. Хаёлимға Фулҳам келиб қолди. Илгари ўша ердаги бир мактабға кириб чиққандим. Ўша мактаб ҳозир ҳам бўлса керак, деган умидда дастёр топиб, қўлиға мактубча тутқазганимча ўша томон йўлладим. Мактаб жойида, танишимнинг қизлари унинг ўрнида ишлашаркан. Ана ўшалар мактубимиздаги кўрсатмаларим асосида мана шу жойни ижараға олишибди. Дастёр ўша жой манзилини аниқлаб қайтиб келганида почтанинг жўнаб кетиш вақти бўлиб қолганди. Қоронғи тушганда йўлга чиқдик. Ҳеч қандай таъқибсиз етиб келдик. Тўғри қилибманми, Валтер? Ишончингизни оқлабманми?

Кўнглимдагидек иш қилганини маъқуллаб, унга миннатдорчилик билдирдим. Лекин гапларим қулоғиға кирмаётгандай, юзида қандайдир таҳлика сезилиб турарди. Гапимни якуниға етказишим биланоқ граф Фоскоға алоқадор савол ташлади.

Унинг граф Фоскоға нисбатан фикри ўзгаргани юзидан шундоққина кўриниб турарди. Унга қарши энди тугёнға келмас, мени ундан ўч олишға қистамасди. Графнинг сохта иззат-ҳурматлари замирида разолат ётганиға ишонч ҳосил этгач, унинг

ақл бовар қилмас ҳийлаю найранглариға энди мутлақо ишончи қолмаганди. Унинг разилона хужумға ўтиб қолиши эҳтимоли ва писмиқона хушёрлигидан таҳликаға тушиб қолганди. Шунинг учун ҳам унинг дағдағалари ва ўшанга кўра нималар қилмоқчи эканимни сўраганида овози ҳазинлашиб, ўзи саросимада, кўзларимға тикилган кўзларида таҳлика ва нажот умидворлиги кўринарди.

— Кирл жаноблари билан суҳбатлашганимдан бери, Мариан, — дедим, — ҳали унча кўп вақт ўтгани йўқ. Хайрлашувимиз олдида Лаура ҳақида унга айтган сўнгги сўзим қуйидагилар бўлган:

— Тоғасининг уй эшиклари унинг учун кенг очилади, сохта дафн маросимида иштирок этганларнинг ҳаммаси чақирилади; унинг ўлиmidан далолат берувчи бўхтон оила бошлиғи томонидан кенг жамоа олдида қабр тошидан ўчирилади, уша қаллобликка кўл урган икки киши, қонун уларни жазолашга ожизлик қилса ҳам, ўз жиноятлари учун менга жавоб беришади. Ўшалардан биттаси қазо топгани туфайли уни жазолашга кўлим қисқа. Иккинчиси ҳаёт экан, қарорим қатъи.

Лаураининг кўзлари чақнаб кетди, юзларига қон югурди. Бир оғиз миқ этмаган бўлса ҳам, фикримдан мамнунлиги унинг юзидан шундоққина кўриниб турарди.

— Очиқ айтишим керак, сиздан яширишнинг ҳам ҳожати йўқ, — деб юқоридаги фикримни давом эттирдим. — Йўлимизнинг ниҳояси гумондан ҳам зиёдароқ кўринади. Бошимиздан ўтган мусибатлар келажакда содир бўлиб қолиши эҳтимолдан холи бўлмаган хавфу хатарлар олдида шунчаки арзимас воқелик бўлиб қолиши мумкин, лекин таваккал қилиб, шунга қадам кўямиз, Мариан. Айни вақтда пухта тайёргарлик кўрмасданоқ графдек кимса билан беллашишга чиқадиган лақмалардан эмасман. Сабр қилишга одатланганман. Вақт-соати келишини кута оламан. Майли, у таклифим ўз натижасини берди, деб ўйлайверсин. Фақат биздан хабардор бўлмасин, ҳеч нарса қулогига етмасин. Унинг хотиржам юришига имкон берайлик. Унинг тажанг табиати, мен унга жиддий даъво қилгунимчаёқ, қутилган натижани олдиндананоқ бера қолиши мумкин. Бу сабр қилинишининг биринчи сабаби, лекин ундан муҳимроқ иккинчи сабаби ҳам бор. Сўнгги имкониятимизни амалга оширишга киришишим олдида, Мариан, ўзимнинг сизга нисбатан ҳам, Лаураға нисбатан ҳам мавқеим ҳозиргидан кўра мустаҳкамроқ бўлиши зарур.

Мариан ҳайрон бўлганича мен томон эгиди.

– Мавқеингиз қандай мустаҳкамроқ бўлиши мумкин? – деб қолди у.

– Фурсати келганда бундан хабардор бўласиз, – дедим. – Фурсати келгани йўқ. Эҳтимол, мутлақо фурсати ҳам келмас. Лаура туфайли бу ҳақда ҳеч қачон оғиз очмаслигим ҳам мумкин. Бемалол ва беозор гапириш фурсати келганига иқрор бўлмагунимча бу ҳақда, ҳатто, сизга ҳам оғиз очмаслигим керак. Келинг, мавзумни ўзгартирайлик. Олдимизда бундан муҳимроқ вазифа кўнданланг бўлиб турибди. Лаурани шу кунгача эрининг ўлимидан беҳабар тутиб, ўз меҳрингиз билан жонбозлик қилиб турибсиз.

– Оҳ, Валтер, бу ҳақда унга оғиз очгунимизча яна анча вақт ўтса керак.

– Йўқ, Мариан, тасдифан буни кимдир унинг қулоғига етказганидан кўра, буни эҳтимолдан нари тутиб бўлмайди, сизнинг ўзингизоқ бундан хабардор қилиб қўйишингиз маъқулроқ кўринади. Бу ҳақда батафсил гапириб ўтирманг, мулойимлик билан билдириб қўйсангиз бас, оламдан ўтиб кетганини билдириб қўйишингиз етарли.

– Бунинг бирон-бир сабаби бўлса керак, Валтер? Ҳозиргина тилга олган сабабингиздан ташқари, уни эри ўлимидан хабар қилиб қўйинг дейишингизнинг ҳам бирор сабаби бўлса керак?

– Шундай, сабаби бор.

– Бу сабаб ўша мендан ҳам сир тутаётган сабаб мавзуига боғлиқ бўлса керак-а? Ўша сабаб ҳақида Лаурага, эҳтимол, умуман оғиз очилмас?

У сўнги сўзларига алоҳида маъно бергандай, таъкидлаб ўтди. Саволига ижобий жавоб қайтарарканман, ўша сўзларни мен ҳам алоҳида таъкидладим.

Ранги оқариб кетди. Анча вақт юзимга хомуш ва беқарор термилиб қолди. Ҳар иккаламизнинг қувончли ва қайғули онларимизда биз учун азиз ҳамроҳ бўлган кимсанинг ёнида бўш турган креслосига кўзи тушдию, унинг қоп-қора кўзларида одатдан ташқари назокат жилваланди, чимирилган лаблари ёйилиб кетди.

– Менимча, тушундим шекилли, — деди у. — Назаримда, эрининг ўлимидан хабардор этиб қўйишим ҳам унинг олдида, ҳам сизнинг олдингиздаги мажбуриятим.

У хўрсинди, кейин бир лаҳза қўлимни маҳкам ушлаб, қўйиб юборди-да, хонадан чиқиб кетди. Келаси кунни Лаура эрининг ўлими билан ўзининг озодликка чиққани, ҳаётидаги ташвишу

бесарамжонликлар унинг билан бирга кўмилиб кетганидан хабардор бўлди. Унинг номини бошқа тилга олмадик. Ўшандан бошлаб унинг ўлимига тегишли ҳар қандай майда-чуйда гаплардан тилимизни тийдик, худди ана ўшандай эҳтиёткорлик билан бошқа масалада ҳам, Мариан билан менинг фикримча, ўзаро тилга олишимиз номатлуб масалада оғиз очишни тарк этдик. Лекин ҳар доим ўшаларни ўйладик. Улар ҳаёлимиздан нари кетмади. Иккаламизнинг ҳам Лаурага эътиборимиз ҳар қачонгидан ҳам зиёдалашганди. Гоҳо умидворлик билан сабр қилишга тўғри келар, гоҳо хавфу хатарга тушиб бўлса ҳам, маълум бир вақтнинг келишига илҳақ эдик.

Аста-секин ҳаётимиз яна қайта, одатдагидек, ўз изига тушди. Ҳемпшир сафари туфайли узилиб қолган кундалик ишимни тикладим. Янги бошпанамиз ижара ҳаққи илгариги чоғроқ ва ноқулайроқ хоналаримиздан анча қимматроқ, моддий таъминотимизнинг бундан буён анча мушкуллашиши эҳтимоли бор эди. Бу эса менинг тер тўкиб ишлашимни тақазо этарди. Кутилмаган тасо-диф юз бергудек бўлса, у банкдаги арзимас жамғармани ҳам ялаб кетиши мумкин эди. Ҳаммамиз менинг кўлимга боғланиб қолгандик, бинобарин, ишимни жадаллаштиришим, унумини оширишим, тинимсиз меҳнат қилишим зарур эди. Лекин тирикчилик пайига шўнғиб кетган пайтларим ушбу саҳифаларда ёритилаётган ўша ягона мақсад сари жаҳду-жадалларим бир четга суриб кўйилган бўлса керак, деган ҳаёлга боришнинг ўрни йўқ. Ўша мақсад мени кун сайин, ой сайин муттасил таъқиб этиб келарди. Ҳамма ишнинг ўз вақти-соати бор. Ўша фурсат келгунча баъзи бир эҳтиёт чораларини кўриб кўйишим, зиммамдаги миннатдор-лик бурчимни адо этганим ҳолда бир гумонли масалани ҳал қилиб кўйишим лозим эди.

Эҳтёткорлик тадбирим, албатта, графга алоқадор. Имкониятини топиб, иш режаларига кўра унинг Англияда қолиш-қолмаслигини аниқлашим, бошқача қилиб айтганда, фурсати келган пайт унинг қўл остимда бўлиш бўлмаслигини билиб кўйишим шарт эди. Буни амалга ошириш учун осонгина йўлини топдим. Унинг Авлиё Жон ўрмонидаги маскани менга маълум эди. Яқин атрофдан суриштириб, граф истиқомат қилиб турган бино ижараси билан шуғулланадиган воситачи-даллолни топиб, аниқлаб, ундан ўша уйнинг ижарага олиш имкониятини сўраб, рад жавобини олдим. Унинг ижарачиси – хорижий жентлмен яқиндагина ўша ерда яшаш муддатини яна олти ойга чўздирган, ке-

ласи йили июн ойи охиригача ўша ерда тураркан. Ўшанда декабр бошлари эди. Граф гойиб бўлиб қолармикин, деган таҳликама хаёлимдан кўтарилиб, даллол билан хайрлашдим.

Зиммамдаги масъулият мени яна бир бор миссис Клементс ҳузурига олиб келди. Уларга яна ташриф буюриб, Анна Катерикнинг ўлими ва дафн маросимлари (илгариги учрашувимизда айтилмай қолганлари) ҳақида батафсил гапириб беришни ваъда қилган эдим. Вазият энди ўзгарган, бу покиза аёлни имкон қадар фитна тарихи билан таништиришимга тўғаноқ бўлгудек сабаб йўқ эди. Уларга нисбатан иззат-эҳтиромиму дўстона садоқат ҳиссиётларим ваъдамнинг устидан чиқишимни тақазо этарди. Ваъдамни эҳтиётлик ва босиғи билан амалга оширдим. Ушбу саҳифаларни суҳбат тафсилотлари билан тўлдиришнинг ҳожаги бўлмаса керак. Лекин ўшалардан мақсадга яқинроғини айтгудек бўлсам, ўша пайт ўз ечимини қутаётган гумонли бир масала, у ҳам бўлса, Анна Катерикнинг ота томони уруғлари масаласи хаёлимга келиб қолди.

Мана шу масалага боғлиқ назарга илинмас тафсилотлар (улар ўз холича ҳеч нарсага арзимаса ҳам, лекин йигиндиси ажабтовур натижа берганидек) мажмуасидан кейинча шундай хулосага келдимки, улар ишончимни бутунлай оқлади. Мариандан Варнек Холлда яшайдиган (миссис Катерик турмушга чиқишидан бир неча йил аввал ўша ерда ишлаган) майор Дентонга хат ёзиб, мазкур масала бўйича баъзи бир саволлар билан мурожаат этишга рухсат олдим. Мактубим Мариан номидан ёзилган бўлиб, суриштирилган масалаларни ҳам хусусан унинг оилавий тарихига боғладим, бу эса таклифим узрилигига ва нима учун ёзилганига шубҳа туғдирмасди. Ўша хатни ёзаётганимда майор Дентоннинг ҳаётлиги ҳақида маълум бир маълумотга ҳам эга эмасдим. У ҳаёт бўлса керак, саволларимга жавоб бера олар, аниқ маълумотлар ҳавола этишдан ўзини четга олмас, деган умид билангина хат йўллагандим.

Икки кундан кейиноқ келган мактуб майорнинг ҳаётлиги ва унинг ҳар доим бизга кўмаклашишга тайёр эканига далолат бўлди.

Унинг мактуби саволларимга тўла жавоб бериш ҳаракатида бўлгани кўриниб турарди. Мактуб тафсилотлари қуйидагилардан иборат эди. Аввало, «Блаквоутер Парклик марҳум сэр Персивал Глайд» қадами Варнек Холлга етмаган. Ўша марҳум жентлмен майор Дентонга ҳам, унинг оила аъзоларига ҳам нотаниш.

Иккинчидан, «Лиммериж Хауслик марҳум Филип Фэрли жа-

ноблари» майор Дентоннинг ёшлик пайтларидаги қадрони ва оиласида азиз меҳмони бўлган. Ўша пайтларда ёзилган мактублар ва бошқа ёзув саҳифаларини кўздан кечиргани ҳолда ўз хотираларини эслаб, майор Дентон Филипп Фэрли жанобларининг бир минг саккиз юз йигирма олтинчи йили август ойида Варнек Холлда турганини, кейинча бутун сентябр ойи ва қисман октябрида ов билан овора бўлганини эътироф этган. Кейин, аниқ эсида қолгани, у Шотландияга кетган, орадан анча вақтлар ўтгач Варнек Холлда янги уйланган куёв сифатида пайдо бўлиб қолган.

Ушбу маълумот, алоҳида олганда, эҳтимол, унча аҳамиятсиздек туюлса ҳам, лекин уни мен билан Марианга маълум бўлган бошқа яна бир ҳақиқат билан бирлаштиргудек бўлсак, рад этиб бўлмайдиган яна бир аниқ хулоса чиқаришимизга имкон берарди.

Энди бир минг саккиз юз йигирма олтинчи йили кузида Филипп Фэрли жанобларининг Варнек Холлда экани, ўша пайтда миссис Катерикнинг ўша ерда яшаб, хизмат қилганидан хабардор бўлган эканмиз, бундан қуйидагича хулосалар чиқаришимиз мумкин: аввало, Анна бир минг саккиз юз йигирма еттинчи йили июнида дунёга келган, иккинчидан, у ташқи қиёфасига кўра, қуйиб қўйган Лаурадек бўлган; учинчидан, Лауранинг ўзи эса айнан отасининг қуйиб қўйган ўзгинаси. Филип Фэрли жаноблари ўз давридаги рисоладагидек хушбичим йигитларидан бири бўлган у ўз биродари Фредерикка мутлақо ўхшамагани ҳолда, киборлар жамоасининг, айниқса, аёлларнинг эркатойи бўлган. Беғам, энгилтабиат, жозибатор, сахийлик соҳиби, худбинлик нуқсонини қисқача ифодалагудек бўлсак, ўз ихтиёрида беқарор, аёллар масаласида одобахлоқ қоидаларини ҳаёлига ҳам келтирмаган. Бизга маълум бўлган аниқ чизгилар шулардан иборат, ўша киши феъли-атвори шундай тасвирланган. Булардан хулоса чиқариш учун шарҳу тафсилотларга ўрин бўлмаса керак?

Мана шу янги тафсилотларни назарда тутганимиз ҳолда, миссис Катерик хатига эътибор бергудек бўлсак, хулосамнинг аниқлиги кўзга яққол ташланади.

Сўнги хат йўлимни яна ҳам ойдинлаштирди. Ўша туфайли ҳатто миссис Катерикнинг хати ҳам, унинг ўзи билмагани ҳолда, ўз хулосамнинг тўғри эканини асослашда кичик бир туртки бўлди. У (менга ёзган хатида) миссис Фэрлини «қўримсиз», «Англия-

нинг энг кўркам кишисини ўз тузогига илинтириб, турмушга чиқиб олган» деб тасвирлаганди. Ваҳоланки, унинг иккала тавсифи ҳам бўҳтон, иккаласи ҳам сохта экан. Миссис Катерикдек аёлнинг рашк нафрати мана шундай хаспўшланган ва нишдор бўлиши мумкин эди. Унинг миссис Фэрлига нисбатан қўллаган бу ножўя ибораларини фақат ҳасад ўтида ёнганидан ёзган, ҳақиқатда эса, уларни ёзишнинг ҳам ўрни йўқ эди, деган фикрга келдим.

Миссис Фэрли номи тилга олинар экан, бошқа яна бир савол юзага келиши табиий. Лиммерижга олиб келиниб, унга топширилган қизалоқ кимнинг боласи эканлигига умуман шубҳаси бўлганмикин?

Марианнинг эътироф этишича, шубҳаси бўлмаган. Миссис Фэрлининг ўз эрига ёзган мактубида (уни менга бундан анча илгари ўқиб беришган) Аннанинг Лаурага ўхшашлиги, ўзининг эса ўша бегона қизалоққа меҳри тушиб қолганини эътироф этаркан, унинг чин дилдан ёзилгани ҳеч қандай саволга ўрин қолдирмайди. Яхшироқ ўйлаб кўрилгудек бўлса, ҳатто, Филипп Фэрли жанобларининг ўзи бу ҳақиқатдан хабардормиди йўқми, хотининикидан аниқроқ эди, дейиш қийин. Миссис Катерикнинг шармандали вазиятда ҳақиқатни яшириш мақсадида писмиқона турмушга чиқиб олиши эҳтиёткорликни тақазо этганиданми ёки гурури йўл қўймаганиданми, уни миқ этмай юришга мажбур қилган. Шулар назарга олинганида эҳтимол, ҳали дунёга келмаган боланинг отасига бу ҳақда хабар бермагани узрлидир.

Мана шу тахмин ҳаёлимдан ўтаркан, муқаддас китобда қайд этилиб, бир вақтлар бизни ҳайратлантириб, дилимизга гўлгула солган «Оталар гуноҳлари болалар бошига ёғилади» ояти хотирамга келди. Ахир, бир отанинг икки қизи ўртасидаги ўхшашлик тақдири азал бўлмаганида, ўша туфайли фитна тугилиб, Анна унинг беайб сабабчиси-ю, Лаура эса беайб қурбонига айланишини режалаштириш кимнинг ҳам ҳаёлига келарди дейсиз. Ўша ота ўйламай-нетмай бежо қадам ташламаганида эди, болаларининг бошига тушган аччиқ қисмат ҳақидаги воқеликлар занжири ҳам юзага келмаган бўларди.

Ҳаёлот бир-бирига чулғаниб, мени Анна Катерик дафн этилган ўша Кумберленд ибодатхонаси қабристонига олиб кетди. У билан миссис Фэрли мозори ёнидаги дастлабки учрашувимиз ва уни охириги маротаба кўрган кунларимни эслардим. Унинг қабр тошига ясланган озғин, беҳол қўллари кўз ўнгимдан ўтар, ўзи-

нинг марҳум меҳрибон ҳимоячиси ва дўстига: «оҳ, қани эди ўлиб қолсаму ёнингизда ором топсам!» деб шивирлаб қилган нидо-лари қулоғимдан нари кетмасди. Ўша умидлари аранг эшитилган дамлардан бери бир йилдан ортиқроқ вақт ўтди; тақдирни қаранг, ўша машъум ниятига етди! Унинг қўл бўйида Лаурага айтган қуйидаги сўзлари ҳам ҳақиқатга айланди: «Оҳ, қани эди онажонингиз ёнига дафн этилсам! Исрофил карнайи овозидан ўликлар тирилганида онажонингиз ёнида уйгонсам!». Тақдир бу марҳума хилқат ҳаётини унинг ўлимига сабаб бўлган жиноятдан бошлаб, ташвишли зимзиё сўқмоқларида сарсон қилиб, ниҳоят, ҳаётлигида умидвор бўлган сўнги масканига етказди. Уни ўша муққаддас масканида қолдирдим. Ўша ердаги ҳамроҳи ёнида осойишталик топсин.

Шундай қилиб, ушбу саҳифаларда изғиб юрган тирик мурда тимсоли, мени ҳам таъқиб қилганича зим-зиё зулмат қаърига тушиб кетди. Дастлаб у ҳувиллаган тун сукунатида сирли соядек қаршимда намоён бўлганди, энди эса ўша соя ҳувиллаган йўқлик қаърига сингиб кетганди.

III

Шу орада тўрт ой ўтиб, апрель — баҳор ойи кириб келди, табиат уйғонди.

Қиш фаслини янги бошпанамизда осуда ва шоду хуррамлик билан ўтказиб, вақт ўтганини ҳам сезмабмиз. Анча сусайиб қолган ишларимни ўз меъёридаги оқимига тушириб олгандим, хизмат манбаларим сезиларли даражада кўпайиб қолган, бинобарин, моддий таъминотимиз ҳам чакки эмасди. Анчадан бери шубҳа ва ташвишлардан ич-этини еб бир аҳволга тушиб қолган Марианн энди ўшалардан халос бўлиб олган, руҳи кўтарилиб, чеҳраси очилган, ўзи ҳам анча тетиклашиб, илгариги холига қайта бошлаганди.

Янгиланган ҳаётимиздаги муҳит ўзгариши опасидан кўра Лаурага кўпроқ таъсир қилгани кўриниб турарди. Ғам-аламлар изтиробида кексалик туси уриб қолган хомуш ва хорғин чеҳраси энди очилиб, илк гўзал қиёфасию жозибаси кўзга ташланарди. Фақат биргина нарса мени ташвишга солар, у ҳам бўлса, илгари унинг ҳаёт-мамотига чанг солган фитнанинг машъум асорати қолганди. Блаквоутер Паркдан чиқиб кетган пайтидан то Лиммериж ибодатхонаси қабристонидаги учрашувимизгача оралиқдаги воқеликлар унинг хотирасидан мутлақо кўтарилган, тикланишига ҳам

умид йўқдек туюларди. Ўша вақт андак тилга олингудек бўлса, авзойи бузилиб, япроқдек титраб қолар, сўзлари чалкашар, хаёли паришонлашиб, ўзини йўқотиб қўярди. Ўтмишнинг етказган мана шу жароҳати анчагина хавфли бўлиб, даволашнинг имкони йўқдек кўринарди.

Лекин бошқа ҳамма жиҳатдан унинг саломатлиги анча тикланиб, ўша илгариги беташвиш-шодиёна ўтган кунларидагидек кўринар, баъзан чехрасию гап-сўзлари билан ҳам илгариги Лауранинг ўзгинаси бўлиб қоларди. Бундай қувончли ўзгариш иккаламизнинг муносабатимизда ўз ифодасини топиши ҳам табиий эди. У ҳам, мен ҳам узоқ чўзилган гафлат уйқусидан уйғониб, Кумберлендда ўтган ҳаётимиз давридаги муҳаббатимиз ёрқин тимсоли бўлган баъзи бир хотиралар қайта рўёбга чиққанди.

Шунга қарамай, бир-биримизга нисбатан кундалик муносабатимиз гайри ихтиёрий равишда аста-секин сўна бошлади. Унинг бошига тушган ташвишлар туфайли гамгин кунларида кўнглини кўтариш учун бемалол айтиладиган ҳазил-ҳузил сўзларим энди, негадир, энди оғзимда қола қоларди. Шундай пайтлар ундан ажраб қолиш таҳликасида ўтган онларим хаёлимга келарди. Ўша вақтлар кечқурун кетаётганида ва эрталаб учрашганимизда ҳар доим уни ўпиб қўярдим. Ўша ўпичлар энди унутилган, кундалик ҳаётимизда барҳам топганди. Бир-биримиз билан қўл ушлашиб саломлашгудек бўлсак, қўлларимизни яна қалтироқ босар, Мариан назаридан холи бўлиб қолган пайтларимиз бир-биримизга узоқ термилиб ҳам ўтира олмасдик. Ёлғиз қолган пайтларимиздаги суҳбатимиз сусайиб қоларди. Унга тасодифан тегиб кетгудек бўлсам, Лиммериж Хаусда юз берганидек, юрагим гупиллаб уриб кетар, у эса, гўё ўша бир вақтлар устоз ва шогирд бўлиб юрган пайтларимиздаги Кумберленд қирларига қайтиб бориб қолганимиздек, чехраси товланиб, меҳр билан жавоб бераётгандек бўларди. Баъзан у хаёлот оламига шўнғиб кетгандек миқ этмай қолар, лекин Мариан ундан нималар ҳақида хаёл сурганини сўраганида очиқ жавоб бермай, рад этарди. Бир куни ўзим ҳам шу аҳволга тушиб қолганимни фаҳмлаб қолдим — Лауранинг биз дастлаб учрашган ёзги шийпон олдида турган тасвирига маҳлиё бўлиб (уни ўзим чизганман), қўлимдаги ишимни ҳам унутиб юборибман. Худди шундай ҳол бир вақтлар Фэрли жаноблари гравьюралари иши билан банд бўлиб турганимда ҳам эндигина якунига етган ўша тасвир туфайли содир бўлганди. Энди ҳамма нарса ўзгариб турган бир вазиятда муҳаббатимиз

қайта уйғониши билан ўзаро муносабатимизда ўша дастлабки бахтиёр дамлар қайтиб келгандек эди. Гўё давр тўлқини бизлар бир вақтлардаги орзу-умидларимиз парчалари устида яна қайта ўша қадрдон соҳилларга улоқтиргандай!

Кўнглимдаги эзгу ниятимни ҳар қандай аёлга очиқ айта олсам ҳам, лекин уни Лаурага изҳор этишга тилим бормасди. Унинг ўз мавқеига кўра ўта ожизлиги, менинг сидқидилдан қилаётган илтерламаотларимга мутъелиги, эр кишилик ҳис-туйғуларимни тезда изҳор этиб, унинг нозик табиатига озор етказиб қўйиш таҳликаси ва шунга ўхшаш бошқа сабаблар мени бу ҳақда оғиз очишимга монъелик қиларди. Сабримиз, албатта, интиҳо топиб, ўшанда бир-биримизга бўлган муносабатимиз ўзаро тотувлик билан ҳал бўлиши умидида бунинг қулай бир фурсати келишини кутардим, фақат ўшанда ҳам ташаббускор ўзим бўлишим керак, деб билардим.

Ўз мавқеларимиз ҳақида ўйлаган сарим муродга етиш илинжим ҳам шунчалик чигалашаётгандек туюларди. Қиш бўйи учаламизнинг бир хил оилавий шароитда тотувлик билан ўтган осуда ҳаётимиз ҳам бунга йўл бермаётгандек эди. Бундай ҳаёлий васваса қаердан ҳам миямга ўтириб қолгани ҳақида бирон нарса дея олмасам ҳам, лекин ўша васваса турар жойимиз билан вазиятни ўзгартириш, ҳаётимизнинг бир зайлда ўтишига чек қўйиши, қисқаси, биз кўникиб қолган шароитни ўзгартириш билан ўзимни дилимдаги эзгу ниятимни ошкора этишга тайёрланишим, Лаура билан Марианларни ҳам сўзларимни уялиб-нетмай эши-тишларига имконият яратишни тақазо этарди.

Бир куни эрталаб, мана шу мақсадни назарда тутганим ҳолда, ҳамхоналаримга: «Менимча, ҳаммамиз ҳам атроф манзараларини томоша қилиб, дам олишга лойиқ меҳнат ҳам қилиб қўйдик, — дедим. Бироз маслаҳатлашишгач, икки ҳафта денгиз соҳилида дам олишга қарор қилдик.

Келаси куни Фурҳамдан жанубий соҳилдаги тинчгина шаҳарлардан бирига жўнаб кетдик. Мавсумнинг дастлабки кунлари бўлгани учун ҳам у ерда биздан бошқа дам олувчилар йўқ эди. Юксак қоялар, кенг соҳиллар, бепоён денгиз сатҳи, соҳил бўйида ясланган чоғроқ кўркама маскан бўйлаб қилинган сайру томошалар баҳри дилингни очади. Ҳаво илиқ, қир, ўрмон ва улар этақларидаги манзаралар апрел қуёшининг дам ёрқин ва дам хира тортган нурлари остида турлича товланиб жилваланарди. Ором нималигини билмайдиган денгиз тўлқинлари, ер юзидаги бутун мавжу-

дот баҳор нафасидан баҳраманд, гулу чечакларга тўлганидек, тўлқинлар ҳам биз томон интилиб, деразаларимиз остидаги соҳилга келиб уриларди.

Лаура билан гаплашишдан олдин Мариан билан маслаҳатлашиб, унинг йўл-йўригига кўра иш тутишни ўз бурчим, деб билардим. Бу ерга етиб келгач, учинчи кун у билан алоҳида гаплашиб олиш имконияти туғилиб қолди. Бир-биримизга назар ташларканмиз, фикримни ифодалаш учун оғиз очишга улгурмасимданоқ унинг зийрак туйғуси хаёлимдаги мақсадимни фаҳмлаган эди. Очиқ кўнгил, тўғри сўзли бўлгани учун ҳам бу ҳақда унинг ўзиёқ шартта сўз очиб қўя қолди:

— Хаёлингиз ҳозир Ҳемпширдан қайтган кунингиз кечқурунги ўзаро суҳбатимизда тилга олинган мавзу билан банд бўлиб турибди, — деди у. — Бу ҳақда оғиз очиб қолишингизни анчадан бери кутаётган эдим. Бизнинг бошпаначамизда ҳам андак ўзгариш бўлиши керак, Валтер. Ҳозирги ҳаётимизни узоққа чўза олмаймиз. Буни мен ҳам айнан сиздек яққол кўриб турибман. Лаура буни очиқ айтмаса ҳам, яққол кўриб турибди. Ажаб, гўё Кумберлендда ўтган давр қайтиб келган! Сиз билан мен яна биргамиз, орамизда яна бирдан бир муаммо, у ҳам бўлса, Лаура тақдири. Назаримда, бу уй гўё Лиимериждаги ўша ёзги биною, ташқаридаги тўлқинлар ўша соҳилимизга келиб урилмоқда.

— Ўша ўтиб кетган кунларда сизнинг маслаҳатингиз билан иш тутардим, — дедим. — Ҳозир ҳам, Мариан, сизга бўлган ишончим яна ҳам ортган, бундан буён ҳам сиз билан маслаҳатлашаман.

У гапимни маъқуллаб, қўлимни сиқиб қўйди. Ўтмишни тилга олганимдан унинг беҳад мамнун бўлгани кўриниб турарди. Дераза олдида ёнма-ён ўтирарканмиз, мен гапирардим, у эса тингларди. Айни вақт қуёш зарин нурларининг улуғвор денгиз сатҳидаги бетакоор жилоларига маҳлиё бўлардик.

— Орамиздаги бу ошкоралик натижаси қандай яқунланмасин — мен учун қувончлими ёки аянчлими — ҳаётимнинг мазмуни Лаура манфаатларини ҳимоя қилиш бўлиб қолаверади. Вақти келиб, бу ердан жўнаб кетганимизда, ўзаро муносабатимиз қандай бўлиб қолишидан қатъи назар, Лондонга граф Фоскони тавбасига таянтириш қарорим билан қайтаман. Шеригини бундай қила олмадим. Агар графни жар ёқасига олиб келгудек бўлсам, менга қарши у нималарга қўл уриши на сиз ва на менга аён; бизга маълуми шуки, унинг ўз оғзидан чиққан сўзларию ҳаракатларига

қараганда, менга қарши зарур бўлса, ўйлаб-нетмаёқ ёки андишани ҳам йиғиштириб қўйиб, Лауранинг ўзини рўкач қилишга тайёр. Бизнинг айна вақтдаги ҳолатимизда эса унга қарши тазийқ билан Лаурани ҳимоя қилгудек даъвойимга жамоат ён босиб, қонун кўзда тутган ҳеч қандай асос йўқ экан. Бу эса аҳволимни мушкуллаштириб турибди. Ўз манфаатимиз учун Лауранинг хавфсизлигига қатъи ишонч билан графга қарши туришим учун унинг эри сифатидагина майдонга тушишим керак. Фикримга қўшила-сизми, сиз нима дейсиз, Мариан?

— Мутлақо тўғри, — фикримни тасдиқлади у.

— Мен юрак дардимни ошкора қилмоқчи эмасман, — сўзимни давом эттирдим. — Тақдирнинг ҳамма икир-чикирию зарбаларига бардош бериб, омон қолган муҳаббатимни рўкач ҳам қилмоқчи эмасман. Ҳозиргина айтганимдек, уни ўз хотиним сифатида тасаввур этиш ва тилга олиш билан ўз ҳимоямда асосланмоқчиман. Агар графни тан олдиришга мажбур этиш (шундай бўлишига инонаман) Лауранинг ҳаётлигини оммавий равишда исботловчи сўнгги имконият бўлса, у ҳолда худбинликка ҳеч қандай ўрин ҳам қолмайди. Бу борадаги таклифим юзага чиқарилиб, уни иккаламиз розилик билан тан олишимиз лозим бўлади. Лекин, эҳтимол, ўз мулоҳазамда янглишаётгандирман — мақсадимизни амалга оширишнинг бошқа чигалсизроқ, хавфсизроқ йўллари ҳам бордир. Бу борада анча бош қотирдим, лекин ҳеч нарса хаёлимга келмади. Эҳтимол сизда бордир?

— Йўқ. Бу борада мен ҳам ўйлаб, ўйимга етолмадим.

— Эҳтимол, — сўзимни давом эттирдим. — Бу жиддий жумбоқни ечишга интилиб, сиз ҳам менинг хаёлимдан ўтган масалаларни хаёлингиздан ўтказгандирсиз. Эҳтимол, у энди қайта ўзига келиб, ўша ҳамқишлоқларию мактаб болалари танийдиган бўлиб қолган бир вақтда уни Лиммерижга олиб бориш керакдир? Эҳтимол, унинг дастхатини экспертизадан ўтказдиришимиз лозимдир? Шундай қилдик, деб ҳам фараз қилинг. Унинг Лауралигини тан олишди ҳам дейлик, дастхати ҳам тикланиб, ўрнига қўйилди, деб ўйлайлик. Бу иккала далил қонун маҳкамаси олдида ҳақиқатни тиклаш учун етарлича асос бўла олармикин? Ҳамқишлоқлари кафолати билан дастхати монандлиги Фэрли жанобларининг уни тан олиб, Лиммериж Хаусга қайта қўйишига имкон берармикин? Аммасининг раддияли гувоҳлиги, ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома, дафн этилгани ва қабр тошидаги лавҳаларга қарши нима ҳам дея олардингиз? Йўқ! Биз бу далилларимиз би-

лан унинг ўлими ҳақидаги тушунчага гумон туғдиришимиз мумкин эди холос, гумон эса масалани узил-кесил ҳал этадиган ошқора маълумот бўла олмайди. Гумонни оидинлаштириш учун эса қонуний текширувлар талаб қилинади. Бунинг учун анчагина маблағ керак. Маблағ ҳам топилар деб ўйлайлик (аслида қўлимизда ҳеч вақо йўқ), Фэрли жанобларини ҳам ҳақиқатни тан олдиришга кўндирган, граф билан унинг хотини тухматларини йўққа чиқарган бўлайлик, лекин бошқа бир муаммоли савол туғилади – бу хуфия фитна ҳақида Лаурага берилган дастлабки савол натижаси нима бўлади? Ўша савол даври бўйича Лаура хотирасида ҳеч вақо қолмаганини яхши биламиз. Ўша пайтлар Лондонда у нима аҳволга тушганини ҳам эслай олмайди. Тергов савол-жавоби шахсан унинг ўзи билан ўтказиладими ёки кўпчилик олдида олиб бориладими, барибир, у ўз манфаатини мутлақо ҳимоя қила олмайди. Агар шуларни, Мариан, менинг кўзим билан кўргудек бўлсангиз, Лиммерижга йўл олиб, эртаданок тажрибага киришишимиз мумкин.

– Ҳақлигингиз аниқдан-аниқ, Валтер. Ҳамма қонуний чиқимларни тўлашга қодир бўлганимизда ҳам, ҳатто суд жараёни бизнинг фойдамизга ҳал бўлганида ҳам, бу жараённинг кети узилмай, узоққа чўзилиб кетиши мумкин. Бошимизга тушиб, кўрган кўргиликларимиздан кейин ишнинг яна пайсалга солиниб, узоққа чўзилишига тоқат қила олмасак керак. Лиммерижга боришдан умид йўқ, сиз ҳақсиз. Аммо графга қарши сўнгги умидни амалга ошириш ниятингизда ҳам ҳақлигингизга иқроор бўлиб қолишни истардим. Умуман, ўшандай имконият борми ўзи?

– Ҳа бор. Бунга шак-шубҳа йўқ! Ниятимни амалга оширишим учун Лауранинг сўнгги маротаба Лондонга жўнаб кетган кунини аниқлаш керак. Шу вақтгача аҳён-аҳёнан сизга берган тафсилотларимни такрорлаб ўтирмайман. Мен, ҳар қачонгидек, ҳозиргача ҳам жўнаб кетилган кун билан ўлим гувоҳномасида кўрсатилган кун орасида анчагина фарқ борлигига ишониб келаман. Ана ўша фарқ фитнанинг нозик жойи ҳисобланади. Ҳужумни ўша жойдан бошласак, унинг парчаланиб кетиши аниқ. Лекин ўша нуқта граф қўлида. Уни қўлга киритгудек бўлсам, сизнинг мақсадингиз ҳам, меники ҳам рўёбга чиққан, деяверинг. Бордию иш чаппасига кетса, Лаура жафо чекиб қолаверади, бу дунёда ҳуқуқини топа олмайди.

– Дилингизда талофат ташвиши борми, Валтер?

– Голиблик ҳақида олдиндан оғиз оча олмайман, шу сабабли,

Мариан, гапимни очик айтиб қўя қолгандим. Уни ўйлаб айтилган дил изҳорим дейиш мумкин. Лауранинг орзу-умидлари жуда олисда. Назаримда, бахт уни тарк этган. Тақдири қил устида. Менимча, унинг ҳаётдаги ўз иззат-эътиборини тиклаш имконияти ҳозирча ва келажакда ҳам ҳеч кимга бош эгмайдиган бир зот — ўзининг ашаддий душмани раҳм-шафқатига илиниб турибди. Хуллас, ҳамма имтиёзларидан ажраб, иззат-эътиборини тиклаши ҳам амри маҳол бўлиб, келажаги эрининг қўлида кўрадиган рўшноликдан ҳам мавҳумроқ бўлиб турган бир пайтда бечора рассомураббийси унга ўз бағрини очиб турибди. Порлоқ кунларида, Мариан, мен унинг қўл ҳаракатларигагина мутасадди эдим, мана энди бахтсиз дамларида ҳам ўша қўлга харидор бўлиб турмуш қурайлик, деб турибман!

Мариан билан мен бир-биримизга қараб қолдик. Бошқа бирон нарса дея олмадим. Ҳаяжонланганимдан, вужудимни титроқ босганди. Беихтиёр, ундан раҳм-шафқат тилагандай бўлиб қолгандим. Ташқарига чиқиб кетиш тараддудида ўрнимдан тураётганимда Мариан қўлини оҳистагина елкамга қўйиб, қайта ўтқазди.

— Валтер! — деди у. — Бир вақтлар сизга ҳам, унга ҳам яхши бўлар, деган умидда иккалангизни бир-бирингиздан ажратган эдим. Бироз сабр қилинг, акажоним! Лаура келиб, энди нимага қарор қилганимни айтганимча сабр қилинг, азизим, қадрдоним!

У пешонамдан лаби тегар-тегмас ўпиб қўйди. Бу Лиммериждаги ўша сўнгги видолашув тонгидан кейинги биринчи бўса эди. Юзимга унинг кўз ёши томди. Ўрнимдан туриб кетдим. У мени ўтиришга ишора қилганича тез чиқиб кетди.

Ҳаётимдаги интиқлик дақиқаларини ўтказиш учун дераза ёнига бориб ўтирдим. Юрагим така-пука бўлиб турган ўша пайт бошим гов, хаёлим паришон, фақат атрофимда кўзга ташланган воқеликларнигина идрок этардим холос. Қуёш чарақлаб кўзни қамаштирар, олисларда парвоз қилиб қувлашаётган оппоқ балиқчи қушлар шундоққина кўз олдимда чирпирак қилаётгандек бўлар, тўлқинларнинг соҳилга урилиб таралаётган майин шўлп-шўлплари қулоғимга момақалдиरोқ гулдуросларидек чалинарни.

Эшик очилиб, Лаура ёлғиз ўзи кириб келди. Видолашув тонгида Лиммериж Хаус тамаддихонасида ўтган нонуштага ҳам худди шу либосда кирган, ғамгин, паришонхотир бир ҳолда аста-аста қадам ташлаб ёнимга келганди. Энди эса чеҳрасида табасум, қувонч унга қанот боғлагандек учиб келиб мени ўз бағрига олди, ҳароратли, нозик лабларини лабларимга босди.

– Жонгинам! – шивирлади у, – наҳотки бир-биримизга етишган бўлсак! – У юзимга шуур билан термилгач, чексиз мамнуният билан бошини оҳистагина сийнамга қўйиб, мўминона нидо қилди:

– Оҳ! Ниҳоят қувончимга етдим!

Ўн кун кейин биздан бахтлироқ кимса йўқ эди. Биз турмуш кургандик.

IV

Ҳикоямиз сокин оқими мени никоҳимиз тонгидан бошланган ҳаётимиздан четлатганича унинг ниҳояси томон қалқитиб борарди.

Учаламиз Лондонга қайтганимиздан икки ҳафта кейин кураш фурсати келганидан башоратлар намоён бўла бошлади.

Графни қўлдан чиқариб юбормаслик зарурати туфайли соҳилдан эртароқ қайтганимизни Мариан билан мен Лаурадан сир тутардик. Май бошланган, июнда эса унинг Форест Роуддаги уй ижараси бўйича битим муддати якунига етарди. Агар у битимни янгилаб қўйган бўлса (шундай қилишини тахминлардим), унинг қўлдан чиқиб кетмаслигига ишонч ҳосил қилган бўлардим. Бордию баъзи бир кутилмаган сабабларга кўра, мамлакатни тарк этиш тараддудига тушиб қолгудек бўлса, вақтни ўтказмай, у билан тўқнашиш тараддудига тушишим зарур эди.

Эришган янги бахтим қувончидан маст бўлиб, мўлжалимдаги қатъи қарорим сустлашиб, Лаура меҳрига сазовор бўлишдек орзуим амалга ошиб, ниятимга етиб турганимда шунисига шукр қилиб қўя қолган пайтларим ҳам бўлган. Ҳатто, иродасизлик қилиб, мўлжалдаги тўқнашув ўзимни таваккал дарёсига ташлаш билан бараварлигини ўйлаб, рақибимнинг менга қарши имкониятлари таҳликасида қолган пайтларим ҳам бўлган. Порлоқ келажакка умидвор эканмиз, янги ҳаётимизнинг қувончли дамлари ўрнига, тақдир тақазоси билан, оғир мусибатли кунлар келиб қолишидан ҳадиксираган онларимни яшира олмайман. Шундай! Буни чин дилдан тан оламан. Муҳаббат туйғуларининг оромбахш васвасасига берилиб, бошимизга ташвишу ғам-аламлар ёғилиб турганида қилган қатъи аҳду паймоним анчадан бери хаёлимдан кўтарилиб қолганди. Лаура, гайририхтиёрий ҳолда мени ўша фаромушлик – васваса сўқмоғидан чиқарди, гайририхтиёрий равишда ўз собит йўлимга тушиб олишимда туртки бўлди.

Ўтган кунларнинг даҳшатли пала-партиш шарпалари аҳён-

аҳёнан унинг тушларида намоён бўлиб, уйгонгач ўшалардан хотирасида асар ҳам қолмасди. Бир кеча (никоҳимиздан икки ҳафтача кейинроқ) у ухлаётганида киприклари орасидан кўз ёшлари сизгиб чиқаётганига кўзим тушиб қолган, беҳуш инграганича нималардир, деб гўлдирагани ҳам қулоғимга чалинган. Назаримда, бу унинг руҳи Блэквоутер Паркдан чиқилган фожиали сафар сўқмоқларида изгиб юрганидан далолат эди. Унинг ўша ёрдам илинжидаги беихтиёр илтижоси тун сукутида яна ҳам аянчлироқ ва ваҳималироқ эшитилиб, юрагимни эзиб юборган. Келаси куниёқ Лондонга жўнаб кетдик, бу эса собит йўлимга тушиб олишимга қатъи қарорим ҳам эди.

Граф Фоско шахсияти ҳақидаги маълумотлардан хабардор бўлиш эҳтиёжи туғилди. Чунки унинг ҳақиқий ҳаёти мен учун сирли жумбоқ эди. Бу ҳаракатни ўз қўлимдаги узук-юлуқ маълумотларни умумлаштиришдан бошладим. Фредерик Фэрли жаноблари томонидан ёзилган муҳим ҳисоботнинг (шу қишдаги кўрсатмамага биноан, Мариан томонидан олинганди) мен қизиққан мавзу бўйича ҳеч қандай аҳамияти бўлмаса ҳам, унинг тафсилотию миссис Клементсдан эшитган маълумотларни таққослаб, Анна Катерикни авраб Лондонга келтириш учун уюштирилган қатор ҳийлаю найранглар унинг ҳаёти фитна уюштирилиши учун фидо қилинганини аниқлаб олдим. Бу найрангларда ҳам граф ўзига сув юқтирмабди, эҳтиёткорона иш тутиб, ўзини четга олган — илинтиргудек из қолдирмаган.

Кейин Марианнинг кундалик дафтаридаги Блэквоутер Парк қисми билан шуғуландим. Илтимосимга кўра, у хотираларининг граф шахсиятига тегишли қисмини, шунингдек, унга тегишли бошқа баъзи бир аниқ маълумотларини ўқиб берди.

Кундаликнинг мен кўздан ўтказган қисмида графнинг феъл-атвори ва ташқи қиёфалари ифодаланган экан. Марианнинг ёзишича «у она ватани чегараларига кўп йиллардан буён қадам қўймаган», «Блэквоутер Паркка энг яқин шаҳарчада бирон бир италиялик жентлмен яшаш-яшамаслигини билиш иштиёқида бўлган», «Конвертлари юзига гаройиб маркалар ёпиштирилган мактублар олиб турган, бир маротаба юзига одатдагидан каттароқ маъмурий тамга босилган хат ҳам олган». Унинг маълумотига кўра, графнинг она ватанидан олисларда шунча вақт қолиб кетиш сабаби — сиёсий мухожирлиги бўлиши ҳам мумкин. Лекин айни вақтда бундай фикр чет элдан ўша «маъмурий муҳр босилган» хат олгани, Овруподан сиёсий мухожирларга келадиган мактублар, одатда

адлия маъмурияти эътиборини жалб этиб қолишига мутаносиб эмаслиги уни ажаблантирарди.

Хуллас, кундаликдан олинган маълумотларни ўзимдагилари билан қўшиб чиқарган хулосам нега бурунроқ шу қарорга келмаганимдан ажаблантирарди. Ўзимга ўзим: ахир, Блэквоутер Паркда Лаура Марианга «Граф – жосус» деганини эшик ортида турган мадам Фоско эшитиб қолган эдику! – дегим келарди.

Граф шахсиятига тегишли бу сўз унинг қабиҳ кирдикорларидан туёнга келган Лаура оғзидан тасодифан чиқиб кетганди. Мен эсам унинг ўз ҳаётида қўлидан келадиган ҳунари жосуслик эканига қатъи ишонч билан пешонасига жосус тавқи ланатини муҳрлайман. Мана шу ниятини назарда тутсак, Англияда шунчалик узоқ муддат қолиб кетишининг сабаби, менимча, фитнанинг амалга оширилишига боғлиқ эканлиги аниқ намоён бўларди.

Мен қаламга олаётган тафсилотлар воқеъ бўлган йили Ҳайд Паркда катта шов-шувга сабаб бўлган Биллур қаср кўрғазмаси очилди. У ерга етиб келган хорижийлар саноғига етиб бўлмай қолганига қарамай, уларнинг Англияга оқими ҳали ҳамон давом этарди. Ўша оломон орасида ўз давлатлари ишончи бўлмаган юзлаб кишилар бўлиб, улар бу ерга жўнатилган махфий айғоқчилар томонидан назорат қилиниб туриларди. Назаримда, граф Фоскодек уддабурон, кенг савияли ва жамоат олдида иззат-эҳтиромли киши шунчаки бир жосус эмасди. У менга ўз давлати вакили сифатида каттагина айғоқчи галамислар тўдасига раҳнамолик қиларди. Ўшалар орасида, албатта, аёллар ҳам бор эди. Граф томонидан Блэквоутер Паркдаги энагаликка тайинланган миссис Рубелле ўшалардан бири эди.

Агар мана шу тахминим асос топиб, ҳақиқатга йўйилгудек бўлса, графни қўлга тушириш тузоқлари менинг тахминимга нисбатан анча кенгроқ бўлиши эҳтимолдан холи эмасди. Бу одамнинг фаолиятию ўз шахсияти хусусида билганларимга яна қўшимча қилиш учун кимга мурожаат қилсам экан?

Бу масалада менга кўмакдош бўладиган бирдан-бир кимса унинг ўз ҳамюрти, менга содиқ киши бўлиши керак, деган қарорга келдим. Мана шундай одам ҳам ҳаёлимга кела қолди – тасодифан орттирган италиялик бирдан-бир қадрдон дўстим пакана профессор Песка.

Профессор ушбу саҳифалар сатҳидан анчагина вақт илгари тушиб кетгани учун, у унутилиб юборилган бўлиши ҳам мумкин.

Ҳикоям тафсилотининг зарурий шарти шуки, унда иштирок этадиган шахсларни воқелик оқимининг ўзи юзага чиқаради, уларнинг саҳнага чиқишиб, тушиб кетиши менинг иродамга эмас, балки воқелик тафсилоти шарҳига алоқадорлиги қоидасига боғлиқ. Шунинг учун, фақат Фескогина эмас, онам билан синглим ҳам ҳикоямнинг бир бурчагида қолиб кетишган. Менинг Ҳампстед хонадонига ташрифларим, онамнинг фитна якуни — Лауранинг ўлимига ишониши, уни бу тушунчасидан қайтариш учун бесамара уринишларим, онам билан синглимнинг ўз тушунчасига ёпишиб олиб, мени ҳам ўз фикримдан қайтаришга уринишлари, хотинимга адолат кўзи билан қараб, уни тан олмагунларича, қанчалик оғир бўлмасин, уйланганимни улардан сир тутишим зарурати, хуллас, мана шу оилавий воқеликлар ҳам ҳикоянинг асосий йўналишига арзигудек жузъий туртки бўла олмагани учун ҳам унинг тафсилотидан тушириб қолдирилган. Мана шу тафсилотлар ташвишу туғёнларимни ойдинлаштириб, омадим юришмаганига надомат туғдирса ҳам, воқелик оқимининг жадал суръати уларни четга суриб қўйганди. Бундай мустаснолар яна анчагина. Лиммериж Хаусдаги қароргоҳим кутилмаганда барҳам топгач, Песка билан тасодифан учрашиб қолганимда унинг кўнглимни кўтариб берган биродарона тасаллилари ҳақида оғиз очмаганман. Ватанни тарк этиб, Марказий Америка сафарига чиққанимда ўша меҳрибон митти дўстимнинг мени бандаргоҳгача кузатиш билан изҳор этган садоқатию кейин яна Лондонда шоду-хуррамлик билан кутиб олгани ошқора этилмаган. Сафаримдан қайтгач, унинг ёрдам қўлини чўзиб, кўрсатган илтерламаотларини инобатга олганимда эди, бу саҳифаларда у аллақаччоноқ яна қайта намоён бўлган бўлар эди. Унинг ўта пок виждонию жасоратига ишончим комил бўлса ҳам, сир тута олиши — оғзининг маҳкамлигига кафолат бера олмасдим. Фақат мана шу сабаб туфайлигина терговтафтишларимни бир ўзим олиб борардим. Ушбу ҳикоя ривожи жараёнида у кўзга ташланмай қолган бўлса ҳам, лекин мен билан алоқасини узмаган, ёрдам қўлини мендан қанда қилмагани ҳикоя давомида аста-секин маълум бўлади. У бутун умри бўйи менинг содиқ, кўмакдош дўстим бўлиб қолган.

Ёрдам сўраб Пескага мурожаат қилишдан олдин мен изига тушаётган кишини ўз кўзим билан кўриб қўйишим зарур эди. Шу вақтгача унга мутлақо кўзим тушмаганди.

Лаура ва Мариан билан сафардан қайтганимиздан кейин

тўртинчи куни эрталаб соат ўн ва ўн бир ўрталарида Сент-Жонз Вуддаги Форест Роуд томон ўзим ёлғиз йўл олдим. Ҳаво очиқ, уч-тўрт соатлик бўш вақтим бор эди. Графни бироз кутишга тўғри келса ҳам, шу вақт ичи уни учратишга умидвор эдим. Кундузи мени таниб қолар, деган таҳлика ҳам йўқ эди. Шу вақтгача у мени фақат тунда уйгача изимга тушиб келган экан.

Бионинг кўча юзи томонидаги деразалари ортида ҳеч ким кўринмасди. Мен олдинга юриб, бино муюлишидан қайрилиб, ҳовлининг пастак панжаралари устидан ичкарига назар ташладим. Пастки қават орқа деразаларидан бири ланг очиқ бўлиб, унга сим тўр тортиб қўйилганди. Ҳеч ким кўринмас, аввал қулоғимга қушлар чирқ-чириқи, сайраши чалинди, кейин Мариан тасвирига кўра менга таниш овозни эшитдим.

– Чиқинлар, бармоқларга қўнинлар! Бир, икки, уч – тепага! Уч, икки, бир – пастга! Бир, икки, уч – чирқ-чирқ-чирқ! Граф, Марианнинг Блэквоутер Паркдаги вақтларидагидек саваларини машқ қилдираётган эди.

Қушлар чирқ-чирқи ва жўр бўлиб сайраши тингунигача ўша ерда турдим.

– Келинлар, жажжиларим, мени ўпиб қўйинлар! – гўранглаган овоз эшитилди. Бунга жавобан чирқ-чирқлару қанот қоқиш шарпалари, оҳиста табассумли кулги, бирор дақиқа сукунат, кейин бино эшигининг очилгани қулоғимга чалинди. Орқамга қайтиб, қадамимни тезлаштирдим. Россини операсидаги Мусонинг улуғвор даъвати куйи чорбоғ сукунатида қалин овоз тўлқини билан янгради. Кўча эшик очилиб ёпилди. Граф кўчага чиққанди.

У йўлни кесиб ўтиб, Режентлар боғининг ғарбий сарҳади томон йўл олди. Мен йўлнинг ўзим турган томонида, ундан сал орқароқда кетма-кет юра бошладим.

Мариан мени унинг дароз қомати, паҳлавонларча ҳайбатияу ҳашаматлик мотам либослари ҳақида огоҳлантирган бўлса ҳам, лекин унинг ажабтовур навқиронлиги, қувноқлиги ва ҳаётга ташналиги ҳақида оғиз очмаганди. У олтмишни уриб қўйган бўлса ҳам, қирққа етмагандек кўринарди. Шляпаси хиёл бир томон қўндирилган ҳолда оҳиста-оҳиста қадам ташлаб олға юраркан, салобатли ҳассасини айлантириб қўяр, ўзича гўлдиарар, аҳён-аҳёнан икки томонидаги бинолар билан боғу роғларга такаббуруна назар ташлаб, мийиғида табассум қилиб қўярди. Агар бирон бир бегона кишига шу атрофларнинг ҳаммаси унга қарашли де-

гудек бўлсангиз, у ажабланмаган ҳам бўларди. У бирон маротаба орқасига қайрилиб қараб ҳам қўймади, менга эътибор бергандек ҳам бўлмади, ҳатто, йўлнинг ўз ёнгинасидан ўтиб кетаётган йўловчиларга ҳам эътибор бермаётгандек эди. Фақат аҳён-аҳёнда энага ва болаларни учратиб қолгудек бўлса, уларга ўз меҳрини изҳор этгандек, жилмайиб, кулгили қилиқчалар қилиб қўярди. Мана шу йўсинда биз боғнинг ғарбий бағрида жойлашган дўконлар растасига етиб бордик.

У қандолат дўкони олдида тўхтади, ичкарига кириб кетди (пишириқ тайёрлатмоқчи бўлган бўлса керак), кўп ўтмаёқ қўлида ширин сомса, қайтиб чиқди. Дўкон олдида бир италиялик орган қулоғини бураб мусиқа чаларди, мусиққа асбоби устида эса озиб юзлари тиришиб кетган маймунча ўтирарди. Граф ўшалар олдида тўхтаб, қўлидаги ширин сомсадан бир ташладида, қолганини саховат кўрсатаётгандек бир қиёфада маймунга узатди:

— Бечора одамча! — деди у кинояли назокат билан. — Оч қолган кўринасиз. Муқаддас инсон номидан сизга жиндаккина но-нушта инъом этаман!

Орган чалувчи бу саховатли мусофирдан бирор пенни олиш умидида ҳазин бир қиёфада термилганича унга қўл чўзди. Граф эса пинагини бузмай, елка қоққанича нари ўтиб кетди.

Биз Нью Роуд билан Оксфорд стрит оралиғидаги кўркам магазинлар жойлашган кўчаларга етиб бордик. Граф яна тўхтаб, деразасида нозик таъмир ишлари олиб борилиши ҳақида эълон ёпиштирилган чоғроққина оптика дўконига кириб кетди. У ердан энди театр дурбинини кўтариб чиқди, бир неча қадам олдинга юриб, ташқарисига опера эълони ёпиштирилган мусиқий моллар савдоси дўкони ёнида тўхтади. Эълонни диққат билан ўқиди, андак хаёл сургандек бўлди, кейин ўтиб кетаётган бўш кабга ўтириб, жўнаб кетаркан, жиловдорга хитоб қилди:

— Опера кассасига!

Йўлни кесиб ўтиб, мен ҳам эълонга назар ташладим. Эълон ўша кунни оқшомида ўтадиган Лукрезия Боржиа концерти ҳақида экан. Граф қўлидаги театр дурбини, эълонни синчиклаб ўқиши ва киракашга кўрсатмаси унинг тамошабинлар орасида бўлиш ниятини кўрсатарди. Опера театридаги рассомлардан бири билан дўстона муносабатим туфайли партер ортидаги қатордан жой олиш имкониятим бор эди. Бу эса ўзим ва шеригим учун томошабинлар орасида граф очикроқ кўринадиган жой олиш имко-

нини берар, Песка ўз ватандошини таниш-танимаслигига шу кеча иқроор бўлиб олардим.

Оқшом тарадудини ҳам қилиб қўйдим. Билетларни ундирдим, йўл-йўлакай профессор бошпанасида уни театрға таклиф этиб, огоҳнома қолдирдим. Чораги кам саккизда уйига бордим. Митти дўстим кўтаринки руҳ, байрамона кайфиятда эди — кўкрак чўнтаги измасига гул қистирилган, қўлтигида эса бунақасини кўрмагандим, дурбин бобокалони.

— Тайёрмисиз? — мурожаат қилдим унга.

— Тайёр, ҳаммаси тайёр — жавоб берди Песка.

Театрға йўл олдик.

V

Песка билан театрға етиб келганимизда опера дебчасининг сўнгги ноталари тинган, пастки ўринлар тўлиб бўлган экан.

Зал атрофидаги операға келишдан кўзлаган асосий мақсадимни амалга ошириш учун энг қулай балкон жойлари бўш эди. Аввало мен олдинги қаторларни зал билан ажратувчи панжара ёнига бориб, залдан графни қидирдим. У кўринмади. Панжара ёнидаги йўлакдан саҳнанинг чап томони сари юрдим. Атрофга диққат билан кўз югуртириб, уни зал томондаги тамошабинлар орасида кўриб қолдим. Залнинг уч қатор терилган ўриндиқларининг ўртасидагиси четидаги йигирманчими ё ўн тўртинчими энг зўр жойни эгалаган экан. У ўтирган қаторға ўтирдим, Песка ёнимда турарди. Профессор уни театрға нима учун таклиф қилганимдан беҳабар, шунинг учун ҳам нега саҳна яқинроғига ўтмаганимиздан хуноб бўларди.

Парда кўтарилиб, опера бошланди.

Биринчи парда ниҳоясигача жойимиздан жилмадик. Бутун вужуди билан оркестр ва саҳнага маҳлиё бўлиб қолган граф бизга қайрилиб қараб ҳам қўймади. Донизетти мафтункор мусиқасининг бирон нотаси ҳам унинг эътиборидан четда қолмади. У икки ёнидаги тамошабинлардан анча тик кўриниб, хумдек калласини мароқ билан ликиллатганича жилмайиб ўтирарди. Мабодо яқин атрофидаги томошабинлар ария ижросидан сўнг оркестр таронаси якунига етмаёқ чапак чалиб юборишгудек бўлса (одатда инглиз тамошабинлари шундай қилишади), атрофидагиларға қараб, қўлини кўтарганича уларни мулоимлик билан тинчланишга ишора қиларди. Ария авжига чиққанида ёки унга жўр бўлаётган мусиқий садолар меъёрига етганида бошқалар чапак чалишмага-

ни ҳолда, у гўё санъатни чуқур идрок этувчи, ария ва мусиқа шайдоси эканидек, қоп-қора қўлқопли паншахадек дастпанжаларини оҳистагина бир-бирига уриб қўярди. Ўша пайтлар унинг гўриллаган товушда айтилган «Браво! Браво!»лари гўё бароқ мушук гўриллашидек ҳувиллаган зал бўйлаб тараларди. Унинг яқин атрофидаги узоқ-яқиндан келган қишлоқи тамошабинлар (Лондон казо-казоларига ҳавасманд бўлганлари учун ҳам) уни қўлларшарди. Шу кеча залдаги гулдурос қарсақлар ўша қора қўлқопли қўлларнинг оҳиста чаппаги билан бошланганди. Бу эса кибру ҳавога муккасидан кетган графни яна ҳам талтайтириб, ўзини гўё маданият тарғиботчисидек ҳис этарди. Унинг ялтираган баркашдек юзидан хиёл табассум аримас, қарсақлар билан якунланган мусиқа ниҳояларида атрофига аланглаб, ўзию ҳамюртларидан гурурланарди. «Ҳа! Ҳа! Бу ёввойи инглизлар мендан таълим олиб туришибди. Шу ердаям, бошқа ердаям, ҳамма ёқда таълим бериб турган Фоскоман. Кўриб қўйинглар, ҳаммангиздан ақлироқ устоингиз бўламан!» Унинг юзида намоён бўлиб турган бу фикр дилдидан чиқаётганига ҳам шубҳа йўқ эди.

Парда туширилиб, биринчи қисм якунланди. Тамошабинлар атрофга назар ташлаш учун жойларидан кўзголишди. Мен айнан шуни кутаётган эдим — Песка уни танийдими-йўқми билиш фурсати эди.

Граф ҳам бошқалар қатори ўрндан туриб, дурбинини кўзига тутганича балконлардан жой олган тамошабинларни сиполик билан кўздан кечира бошлади. Аввал у бизга орқа ўгириб ўтирган бўлса, бошимиз устидаги балконлардагиларни кўриш учун биз томон ўтирилди. Кейин дурбинини кўзидан олиб яна уч-тўрт дақиқа юқорига қараб қолди. Юзи кўзга яққол ташланарди. Песка эътиборини унга жалб этиш фурсати эди.

— Анави кишини танийсизми? — сўрадим ундан.

— Қайси кишини, дўстим?

— Биз томон юзланиб турган анави новча, бақалоқни?

Песка оёқ учида туриб, графга назар ташлади.

— Йўқ, — жавоб берди профессор. — Бақалоқ киши менга бутунлай бегона. Машхурларданми? Нима учун унга қизиқиб қолдингиз?

— Маълум сабабларга кўра ўша киши ҳақида баъзи бир маълумотлардан хабардор бўлмоқчи эдим. У киши ватандошингиз. Исми-шарифлари — Граф Феско. Шу ном қулоғингизга чалинганми?

– Йўқ, Валтер, мен билмайди. На номи ва на ўзи менга таниш.

– Танимаётганингиз аниқми? Синчиклаб яна бир қаранг-а. Театрдан чиққач нима учун бунга қизиқиб қолганимни тушунтираман. Тўхтанг! Мана бу ерга чиқиб ола қолинг, уни яхшироқ кўрасиз.

Профессорни балконнинг орқа қатори қад кўтарган суппа киргогига чиқишига кўмаклашиб юбордим. Энди унинг пастаккина бўйини ҳеч нарса тўса олмасди. Олдинги қаторда ўтиришган турмак сочли аёллар боши ортидаги ҳамма нарсани бемалол кўра олиши мумкин эди.

Пескани супага чиқараётганимда ёнимизда сарғиш сочли озгин бир киши турганини сезмаган эканман, чап юзи чандиқли ўша киши Пескага диққат билан разм солиб турган, кейин Песка эътибори графга тушиб, унга назар ташлаганида яна ҳам зийраклашиб қолган экан. Сухбатимиз унинг қулогига чалиниб, бунга қизиққсиниб қолмаса, деган фикр хаёлимдан ўтди.

Айни ўша вақтда Песка ўз қаршисидаги графнинг хиёл кўтарилиб, жилмайган баркашдек юзига тикилиб қолганди.

– Йўқ, — деди у. — ҳаётимда бундай ялтироқ, улкан башарага кўзим тушмаган.

Песка жавобини ҳали тугатмаган ҳам эди, граф юқоридан кўз узиб, энди орқа томонимиздагиларга назар ташлади.

Италиялик икки ҳамюрт кўзлари тўқнашди.

Бундан бир дақиқа илгарийёқ унинг ўз эътирофича, Песканинг графни танимаслигига ишонч ҳосил қилган бўлсам, энди графнинг Пескани танишига иқдор бўлиб турардим!

Уни таниркан, ажабланганим шуки, ундан ҳатто ҳайиқаркан! Бу ифлоснинг башараси ўзгариб кетгани аниқ кўринганди. Ранги пагадек оқариб, ёқимсиз кўзлари чақчайганича Пескага бақрайиб қолган, митти Песка уни шу аҳволга солиб кўйганди!

Чандиқ юзли ҳалиги чувак кимса ҳамон ёнимизда турарди. Назаримда, у ҳам Пескага кўзи тушиб, таҳликада қолган граф авзойидан худди мендек хулосага келгандек эди.

Мен ўзим граф юзида намоён бўлган бундай ўзгаришдан таажжубланиб, воқеликнинг бундай тус олишини кутмаганимдан, нима дейишимни ҳам, нима қилишимни билмай, ақлу-хушимни йўқотиб, несайиб қолибман. Песка турган жойидан сакраб тушиб, тилга киришидан ўзимга келибман.

– Бақалоқнинг тикилишини қаранг! — чинқириб юборди у. — Менга тикиляптими? Шунчалар машҳурманми? Уни мен танимасаму, мени у қандай таниши мумкин?

Мен ҳамон графдан кўз узмасдим. Песка пастга сакраганида у ҳам жойидан кўзгалган, бошқалар орасида кўринмай қолган митти кимсани кўздан қочирмаслик пайида эди. Мана шундай вазиятда Песка уни кўра олмай қолган бир пайтда у нима қилар экан, деб қизиқиб қолгандим. Айни вақтда профессорга мурожаат этиб, балконларда ўтирган аёллар орасида ўз ўқувчилари бор-йўқлигини сўрадим. Песка шу ондаёқ бесўнақай дурбинини кўзига тутиб, уни балконлар томон оҳиста йўналтириб ўз ўқувчиларини қидиришга тушди.

Профессор бошқа иш билан чалгиганини кўрган граф орқасига ўгирилиб, ўзини олдироқ қаторларида ўтирган тамошабинлар ортига олиб, зал ўртасидаги оломон орасида гойиб бўлди. Мен эсам Песканинг кўлидан тутганимча, унинг анграйиб қолишига қарамай, шопилтириб, граф эшик олдига етиб боргунча зал ортига ўтиб олишга интилдим. Не кўз билан кўрайки, чувак кимса залнинг биз томонда олга силжиб йўлимизни бўғаётган тамошабинлар орасидан чаққонлик билан ўтиб, биздан илгарилаб кетди. Фойега чиққанимизда граф гойиб бўлиб бўлган, чандиқ юзли хорижий ҳам гумдон бўлган экан.

— Уйга кетдик! — дедим. — Уйга кетдик, Песка, сизникига. Сиз билан бақамти гаплашиб олишим керак, ҳозироқ гаплашишим керак.

— Ё парвардигор, Ўзинг асрагайсан! — Профессор ҳайрат васвасасида ҳайқириб юборди. — Ер юзида бирон нарса содир бўлдимиз?

Унга жавоб бермаёқ олдинга шошилдим. Графнинг театрни тарк этиш олдидаги вазияти, Песка кўзидан тез гойиб бўлиб қолиши унинг яна нималарга ружуъ қилиб қоларкин, деган таҳликага соларди. У Лондонни тарк этиб, кўзимдан гойиб бўлиб қолиши ҳам мумкин эди. Уни бирор кун ўз холига қўйиб қўйгудек бўлсам, нималар қилишидан таҳликада эдим. Театрдан биздан аввалроқ чиқиб кетган нотаниш ажнабий ҳам мени таҳликага солар, назаримда, у маълум мақсад билан граф кетидан кетгандек эди.

Мана шундай ташвишлар билан бошим гов бўлгани учун ҳам мақсадимни Пескага очиқ айтиб қўя қолдим. Уйда ёлғиз иккаламиз эканмиз, юқорида изҳор этилган таҳлиқкаларимни, графни нима учун таъқиб этаётганимни маълум этдим. Бу эса уни яна ҳам ҳайратга солиб, фигонини чиқарди.

— Нима ёрдам қилишим мумкин, дўстим! — нидо қилди профессор иккала кўлини олдинга чўзиб. — Нима, нима ёрдам! У кишини танимасам, Валтер, кўлимдан нима келиши мумкин?

– У сизни таниркан. Сиздан ҳайиқаркан. Кўзингизга тушиб қолмаслик учун театрдан ҳам шошилинч жуфтакни ростлабди. Паскал! Бунинг сабаби бўлиши керак. Англияга қилган ҳижратингиздан аввалги ҳаётингизга назар ташлаб кўринг. Ўз сўзларингиз бўйича, Италиядан сиёсий сабабларга кўра ҳижрат қилгансиз. Ўша сабаблар ҳақида менга огиз очмагансиз, уларни ҳозир ҳам суриштирмоқчи эмасман! Фақат ўз хотираларингизни тафтиш этиб қўйишингизни илтимос қиламан холос. Эҳтимол, графнинг сизга кўзи тушиши биланоқ даҳшат босиб, таҳликада қолгани сабаби топилиб қолар.

Мен таажжуб дарёсига фарқ бўлиб қолдим. Назаримда, графнинг кўзи унга тушгач, қандай талвасада қолган бўлса, менинг беозор сўзларимдан Песка ҳам шундай аҳволга тушганди. Митти дўстимнинг қизил юзлари бир лаҳзадаёқ оппоқ оқариб, мендан тисланганича уни бошдан оёқ қалтироқ босганди.

– Валтер, – деди у. – Илтимосингиз нималигини ўзингиз ҳам билмайсиз.

У пичирлаб гапирарди. Гўё мен иккаламиз бошимизни таҳликада қолдирадиган бир сирли хавфни эслашиб қўйгандек эдим. Мўмин-қобил, қувноқ, гаройиб бу митти дўстим бир лаҳзада шундай ўзгариб кетдики, уни бу холида кўчада учратиб қолгудек бўлсам, таниёлмай қолган бўлардим.

– Беихтиёр дилингизга озор бериб, таҳликага солган бўлсам, мени маъзур тутгайсиз, — дедим. — Унинг тошбағирлик билан иш тутганини, ўша граф Фоско қўлида хотинимнинг чеккан азобларини эслаб қўйинг. Адолат ёвузликка қарши курашсиз юзага чиқмайди. Унинг жиноятини ўзига тан олдириб, хотинимга нисбатан адолат қилишига мажбур этмагунимча, кўнглим ўрнига тушмаслигини эслаб қўйинг. Мен Лаура манфаатларини ҳимоя қиляяпман. Песка, мени яна бир бор маъзур тутгайсиз. Бошқа сўзим йўқ.

Ўрнимдан туриб, эшик томон қадам ташладим. Кутилмаганда у мени тўхтатиб қолди.

– Сабр қилинг, — деб қолди у. — Мени бошдан оёқ ларзага солдингиз. Сиз ватанимдан қандай жудо бўлганимни ва нима учун жудо бўлганимдан бехабарсиз. Ўзимга келиб олгунимча сабр қилинг. Ўйимга етгудек бўлсам, хаёлимни пешлагунимча, сабр қилинг.

Ўрнимга қайтиб ўтирдим. У хона ичида у ёқ-бу ёққа юриб, ўз она тилида нималардир деб валдирарди. Ўша бориб-келишлар бир неча маротаба такрорлангач, кутилмаганда ёнимга келди-да, ажиб бир назокат ва тантанавор тарзда нозик қўлларини кўксимга қўйди.

– Виждонан айтинг, Валтер, — деб қолди у, — ўша одамни кўлга туширишда мендан бошқа иложингиз йўқми?

– Бошқа иложим йўқ, — дедим.

У мендан яна четлашди-да, хона эшигини очиб, йўлакни синчиклаб кўздан кечирди, эшикни қайта ёпиб, ёнимга қайтди.

– Ҳаётимни сақлаб қолган кунги ҳаққингизни кўлга киритдингиз, Валтер, — деди у. — Ҳаётим ўша ондан бошлаб сизга бағишланганди, хоҳлаган пайтингизда уни олишингиз мумкин эди. Мана энди уни ҳозироқ олиб қўя қолинг! Тўгриси шу! Гапимга ишонаверинг. Кейинги сўзларим, тепамизда тангри таоло шоҳид бўлиб турганидек, ҳаётимни кўлингизга икки кўллаб тутганимни изҳор этиш.

Чин кўнглидан қалқиб чиққан унинг бу дил изҳори айна ҳақиқатлигига шубҳам йўқ эди.

– Фақат шуни унутманг, — сўзини давом эттирди у кўллари-ни менга палахса қилиб. — Менимча, ўша Фоскоингиз билан фақат сиз учун изҳор этиладиган ўтмишим орасида ҳеч қандай боғлиқ жойи йўқ. Мабодо боғлиқ жойини топгудек бўлсангиз, у ўзингизга ҳавола — менга айтиб ўтирманг. Олдингизда тиз чўкиб илтимос ва илтижоим шуки, бундан буён нималар бўлишининг менга дахли йўқ, уларга кўзим кўр, қулогим қар. Айбдор эмасман. Ҳозир қандай бўлсам, кейинча ҳам шундайлигимча қоламан!

Довдираб яна пойма-пой сўзлар айтиб, тинчиб қолди.

Ўз хусусияти ва иборалари билан унга бутунлай бегона инглиз тилида давом эттириш анча мушкул бўлаётгани туфайли суҳбатимизни яқунлаб қўя қолиш нияти шундоққина кўриниб турарди. Дўстлашиб, бир-биримизга қадрдон бўлиб қолган дастлабки кезларда унинг она тилини тушунадиган ва ўқий оладиган (фақат гаплаша оладиган эмас) бўлиб олганим учун унга ўз фикрини италян тилида ифодалайверишини, зарурат туғилгудек бўлса, инглиз тилида савол бериб, масалани ойдинлаштириб олишимни таклиф этдим. Таклифим маъқул бўлди. У энди нечоғлиқ ҳаяжонланиб, хатти-ҳаракат билан гапирмасин, овозини кўтармас, шивирлаганича равон гапирарди. Ўшанда эшитганларим мен учун сўнги ҳал этувчи жангда дастак¹ бўлди.

– Сиз нима сабабдан Италияни тарк этганимни билмайсиз,

¹ Дастак — Песка сўзларини имкон қадар ўзгартириб, уни дўстим талабига мувофиқлаштирдим. Булар ҳикоя давомида ўқувчилардан махфий тutilган аввалгию охириги сирлардир.

— гап бошлади у, — сиёсий сабаблар, деб ўйлайсиз. Агар бу мамлакатга ҳукуратим таъқибидан қочиб келганимда эди, бунни сиздан ҳам, бошқалардан ҳам мутлақо сир тутмаган бўлардим. Давлат маъмурияти мени таъқиб остига олиш ҳақида оғиз очмаган. Оврупо қитъасидаги жаъмийки йирик шаҳарларда сиёсий жамоалар яширинганидан, Валтер, хабарингиз бўлса керак-а? Италиядаги ўшандай жамоаларнинг бирига аъзо эдим, Англиядагисига ҳозир ҳам аъзоман. Мамлакатингизга раҳбарим ҳукми билан келганман. Ёшроқ пайтларимда ўта тажанг табиат эдим — ўзимни ҳам бошқаларни ҳам ошқора қилиб қўйишим эҳтимолдан холи эмас эди. Шу сабабли Англияга ҳижрат қилиб туришимга буйруқ берилганди. Шу кунгача кейинги буйруқни кутиб турибман. Эртагаёқ чақириб олишлари мумкин, эҳтимол, бу яна ўн йилларга чўзилар. Мен учун бу ерданманми, у ерданманми, фарқи йўқ. Ҳозир шу ерданман, ўқитувчилик билан тирикчилик ўтказиб, сабр қилиб турибман. Ўз жамоам номини сизга ошқора этиб қўйиш билан (бунга ўзингиз ҳам иқдор бўласиз) имонимдан ажралиб қолмайман. Фақат ҳаётимни сизга икки қўллаб топширган бўламан. Мабодо сиз учун оғзимдан чиқиб кетган мана шу сўзлар бошқалар қулоғига чалингудек бўлса, айни вақтда иккаламининг шу ерда ўтирганимизга шубҳа бўлмаганидек, мени ҳам ўлдирилган, деб ўйлайверинг.

Кейинги сўзларини у қулоғимга пичирлади. Мана шу йўсинда изҳор этган сирини ошқора этармидим. Агар ушбу саҳифалар талабига кўра ва кейинроқ яна эҳтиёж бўлиб қолгудек бўлса, Песка аъзолик қилаётган жамоа номини шартли равишда «Биродарлик» деб қўя қолсак ҳам бўлаверади.

— Биродарлик жамоасининг мақсади — Песка сўзини давом эттирди, — қисқача айтганда, шу тоифа бошқа сиёсий жамиятларникидек, зулмга барҳам бериш ва инсон ҳуқуқини барқарор этиш эди. Жамоа шартиники. Жамоа аъзоси ҳаётдан наф келаётган бўлса ёки ундан зиён етмаса, у яшашга ҳақли, бордию унинг ҳаёти ҳамжамоалари осойишталигига салгина путур етказгудек бўлса, ўша дақиқаданоқ ўз ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, жиний жавобгарликка тортилиб ўтирмаёқ, ҳаётдан маҳрум этилади. Сизнинг жамиятингиз қандай таҳқиру жабр-зулмларни кечириб, юзага келгани ҳақида гапиришимнинг ҳожати йўқ. Сиз инглиз бўла туриб қачонлардир зиддиятлар туфайли қанчадан-қанча қонлар тўкилиб, улар унутилиб ҳам юборилган, қўлга киритилган озодлигингиз ҳақида ўйлаб ҳам

ўтирмайсиз. Мазлум халқларнинг сабр-бардоши тугаб, қандай туғёнларга бориши эҳтимolini кўз олдингизга ҳам келтира олмайсиз. Бизнинг изтиробларимизни сиз тушунмайсиз. Унинг излари қалбимизнинг шунчалар ич-ичига тушиб кетганки, уни кўра олмайсиз. Ҳижратда паноҳ топган бандани ўз холига қўйинг! Ҳолимдан кулишингиз, менга нисбатан ишончингизни йўқотишингиз, ажабланишингиз мумкин, лекин таҳқирламанг! Кўзингизни каттароқ очиб, каминангиз қалби замиридаги гоҳо омади чошиб сиполикдаги, гоҳо эса бахт кулиб боқмай, сиполикни унутиб дағаллашган, сабрсизлиги туфайли йўқсизлик тегирмонига тушиб янчилаётганлар холидаги гуруридан ҳам хабардор бўлиб қўйишни унутманг. Сизлар Карл биринчи даврларида, эҳтимол, бизлар билан адолатли муносабатда бўлгандирсизлар, лекин энди кўп асрлик эркинлигингиз туфайли бизни тушунишга ожиз бўлиб қолгансиз.

Ўша сўзлар унинг қалбидаги энг нозик ҳис-туйғуларини ҳам юзага чиқариб ташлаганди — ҳамдўстлигимиз даврида менга биринчи маротаба юрак сирларини тўкиб солиши эди. Бу фикрлар қанчалар эҳтирос билан ифодаланмасин, лекин овози заррача кўтарилмаган, буларнинг ошкора бўлиб қолиш таҳликаси унинг бутун вужудида намоён бўлиб турарди.

— Шундай қилиб, — у хулоса чиқара бошлади. — Сиз жамоамизни айнан бошқалардагидек деб ўйлайсиз. Унинг ўз олдига қўйган мақсади (инглиз фикрингизча) — мамлакатда анархия туғдириб, инқилоб ўтказиш, ярамас қиролу ярамас вазирларни, гўё улар хавfli ваҳшийлардек, имконияти туғилиши биланок отиб ташлаш. Бундай фикрни сизнинг ўзингизга ҳавола этман. Лекин бизнинг жамоамиз қонунлари ер юзидаги бошқа сиёсий жамиятлар қонунларига мутлақо ўхшамайди. Унинг аъзолари бир-бирларини танишмайди. Италияда жамоа президенти, чет элларда ҳам унинг президентлари, уларнинг котиблари бор. Президентлар билан котиблар ўз аъзоларини танийдилар. Лекин аъзолар ўзаро бир-бирларига бутунлай бегона. Бу ҳол давр сиёсий талабига ёки жамоанинг ўз эҳтиёжи туфайли бир-бири билан таништирмагунича, яъни раҳбарият лозим топмагунича давом этаверади. Мана шундай эҳтиёткорлик чоралари туфайли биз жамоа аъзолари орасида ўзаро қасамёд шартлари йўқ. Бизларнинг умр бўйи жамоага аъзолигимиз танамизга босилган махфий белги билан муҳрлаб қўйилган. Хоҳлаган ишимиз билан шуғулланишимиз мумкин, фақат, эҳтиёжга кўра ишга жалб қили-

нишимиз учун йилига тўрт маротаба президент ёки котибимизга ўзимиз ҳақимизда маълумот бериб туришимиз шарт. Мабодо бошқа мақсадлар туфайли жамоага сотқинлик қилгудек ёки унинг нуфузига шикаст етказгудек бўлсак, жамоа қоидаларига биноан ўлимга ҳукм этилганимиз ҳақида огоҳлантириламиз. Дунёнинг қайси бир чеккасидан келган бир бегона ёки узоқ йиллар бўйи ёнингизда сафдошлик қилаётган қадрдон дўстимиз — жамоа аъзоси кўлида ҳалок бўламиз. Ўлим муддати баъзан бир оз чўзилиши ёки сотқинликдан кейиноқ ижро этилиши аниқ. Шунинг учун ҳам, аввало, огиз очмасликни, иккинчидан эса, огиз очгач унинг натижасига бўйин товлашни билишимиз шарт. Баъзиларимиз умр бўйи огиз очмай, топшириқ ҳам олмай ўтади, баъзиларимиз аъзо бўлишлари биланоқ ишга жалб этилади. Мен ўзим (сизнинг назарингизда пашшага ҳам озор беришни раво кўрмайдиган қувноқ, митти кимса) ёшлигимда содир бўлган мудҳиш бир иғво туфайли, уни сизга ошкора этмайман, ғайри шуурий шижоат билан ўзимни қурбон қилиш иродасига эгаман, деб фаҳлаб, мана шу жамоага аъзо бўлиб қолганман. Энди ҳаётимнинг осуда дамларида, ақлу-хушимни йигиб олган бир ёшимда, бу ҳақда ўйлашимнинг ҳам ҳожати қолмаган, шу жамоа мени ўзига аъзо қилиб олган, уни ўлар-ўлгунимча тарк эта олмайман. Италиядалик пайтларимда жамоа котиби қилиб тайинланганим, ўша вақтдаги аъзоларнинг ҳаммаси президентим билан мен билан ҳам юзлаштирилган эдилар.

Унинг сўзлари мағзини чақа бошлагандим. Шунчаки гап бўлмаган бу ғайритабиий воқеликлар ниҳояси нима билан яқунланишига ҳам кўзим етиб турганди. У менга андак бир фурсат синчков назар ташлаб, нима хаёлларга бораётганимни сезгандек, сўзига яқун ясади:

— Сиз ўз хулосангизга чўмиб қолдингиз, — деди у. — Уни юзингиздаёқ кўриб турибман. У ҳақда менга огиз очиб ўтирманг. Хаёлингиздаги сирни ошкора қилмай кўя қолинг. Сиз учун жонимни фидо қилганимни очиқ айтиб кўя қолайин, шу билан мавзуга яқун ясаб, бу ҳақда қайта огиз очмай кўя қолайлик.

У менга қараб, жавобининг ҳожати йўқ, дегандек ишора қилди. Ўрнидан туриб, ташқи либосини ечди. Кўйлагининг чап енгини билагигача шимарди.

— Ушбу ўзаро суҳбатимизни ниҳоясига етказамиз, деб ваъда этган эдим, — кўзларини эшикка тикканича қулоғимга шивирлади у. — Бундан буён нима бўлишидан қатъи назар, сиздан

бирон нарса яширганимда гина қилишингизга ўрин йўқ. Мен сизга Биродарлик жамоаси ўз аъзоларини улар танасида умрбод сақланадиган белги орқали таниб олади, дегандим. Мана, уни кўриб кўйинг!

У яланг кўлини баланд кўтариб, юқори билаг ички томонидаги оч қизил рангли белги — қиздирилган тамга босилган жойни кўрсатди. Унинг тўла ифодаси тафсилотидан ўзимни тийиб, уни кичкинагина доира шаклида, юзини бир шиллингги танга билан ёпса бўлгудек, деб кўя қоламан.

— Билак ортига мана шундай тамга урилган киши — сўзида давом этди у енгининг шимарилган қисмини қайта тушириб. — Биродарлик жамоасининг аъзоси ҳисобланади. Жамоага хиёнат қилган киши эртами-кечми уни таниган раҳбарлар — президент ёки котиблар томонидан аниқланади ва уни ўлди, деб ҳисоблайверинг. Уни ҳеч қандай инсоний қонун-қоидалар ҳимоя қилишдан ожиз. Кўрганингизу эшитганларингизни унутманг, хоҳлаганингизча хулоса чиқараверинг, нима қилсангиз, қилаверинг. Фақат Тангри ҳаққи, яна қандай янгиликлардан огоҳ бўлманг, нималар қилманг, бу ҳақда менга оғиз оча кўрманг! Буни хаёлга олишнинг ўзиёқ мени даҳшатга солади. Энди бу масала менинг масъулиятимдан чиқиб кетди, бинобарин, бу ишларга мени мутлақо аралаштирманг. Жентлменлик гурурим, исовий имонимни ўртага кўйганим ҳолда эътироф этаманки, опера театрида менга кўрсатган кишингиз мени таниган бўлса, у ё бениҳоя ўзгариб кетган, ё хуфия қиёфага кириб олган, шунинг учун ҳам танимаганман. Унинг нималар қилгани ёки Англияда нима мақсад билан юрганидан беҳабарман. Унга ҳеч қачон кўзим тушмаган. Шу оқшомгача унинг номи қулоғимга чалинмаган, бунга ишончим комил. Бошқа гапим йўқ. Мени бироз ўз холимга кўйинг, Валтер. Бўлиб ўтган воқеликлар мени ҳайратга солди. Ўз сўзларимдан талвасага тушиб турибман. Яна учрашгунимизча ўзимга келиб оларман, деган умиддаман.

У креслога ўтириб қолди, мендан тескари ўгирилиб, юзини кафтлари билан беркитди. Уни безовта қилмаслик учун эшикни оҳиста очиб, эшитилар-эшитилмас овозда хайрлашдим:

— Бугунги тун хотираси дил-дилимда сақланиб қолади, — дедим. — Менга нисбатан ишончингиздан ҳеч қачон пушаймон бўлмайсиз. Эртага олдингизга келсам бўладими? Эрталаб тўққизларда келсам, нима дейсиз?

— Майли, Валтер, — жавоб берди у илгариги муносабатимиз-

ни тиклаш учун менга мулоийимгина мўлтираганича инглиз тилида. — Ўқувчиларим олдига кетгунимча келаверинг, нонуштани бирга баҳам кўрамиз.

- Тунингиз хайрли ўтсин, Песка.
- Тунингиз хайрли ўтсин, Дўстим.

VI

Уйдан ташқарига чиқдим у хаёлимдан бир фикр нари кетмай қолди — ўша кечанинг ўзидаёқ зудлик билан графдан хабардор бўлишим керак. Буни эрталабгача қолдиргудек бўлсам, Лаураининг сўнгги имкониятидан маҳрум бўлиб қолаётгандек эдим. Соатимга қарадим. Ўн бўлибди.

Графнинг театрдан нима мақсадда шунчалар зудлик билан кетиб қолганига шубҳаланишнинг ҳам ўрни йўқ. У Лондондан ғойиб бўлиш учунгина ўша кеча биздан аввалроқ йўлга тушган. Унинг билагида Биродарликнинг нишонаси бўлиши керак — гўё ўша белгини у менга кўрсатиб қўйгандек, бунга шак-шубҳа қилмасдим. Биродарликни фош қилиб қўйгани хаёлимдан нари кетмай қолган — Пескани таниб қолгани бунга яққол далил эди.

Уни Песканинг танимаганини ҳам тушуниш қийин эмасди. Графдек қилни қирқ ёрадиган одам, порлоқ келажига кўз тикканидек, ўз эҳтиётлиги чораларини кўрмаёқ жосусга айланиб қолиш мудҳиш оқибатларига дучор бўлиб қоладиганлардан эмасди. Опера театрида ўша мен кўрсатган башара Песка разм солган бир вақтлар соқол билан қопланган бўлиши мумкин, тўқ жигаранг сочлари, эҳтимол, ясамадир, исми шарифларининг қалбакилигига шубҳа қилишнинг ҳам ўрни йўқ. Вақт ҳам ундан ўз кўмагини дариг тутмаган бўлса керак — сўнгги йилларгина у буқадек қаппайиб кетган бўлиши мумкин. Хуллас, Песканинг уни танимаганига яна бошқа сабаблар ҳам келтириш мумкин, Песканинг ўзи эса митти қомати билан қаерда бўлмасин кўзга яққол ташланиб қоларди.

Театрдаги тўқнашувдан кейин граф нима хаёлларга бориб гумдон бўлиб қолганини юқорида ишонч билан қайд этиб ўтган эдим. У ташқи қиёфасини нечоғлик ўзгартириб олганига қарамай, Песка таниб қолган бўлса керак, деган таҳликага тушиб, жони кўзига кўриниб қолганини ўз кўзим билан кўрган бўлсаму, бунга шубҳаланишнинг ўрни бормикин? Шу кеча у билан гаплашгудек бўлсам, унинг маънавий қиёфасию айни вазиятдаги аҳволини унга очикдан-очик айтгудек бўлсам, натижаси нима

бўларкин? Бунинг оқибати аниқ. Иккаламиздан биримиз устувор бўлиб, иккинчимиз биринчимиз олдида тиз чўкишга мажбур бўлардик.

У билан тўқнашишдан аввал унинг менга қарши қандай чора кўриши эҳтимолини ўйлаб кўришим, иложи борича хавф-хатарни камайтириб, хотиним манфаати кўзланган курашимда қўлимдан келганича қатъи ҳаракат қилишим зарур эди.

Қаршимда хатарлар кўп деб бўлмас, асосийси битта, у ҳам бўлса, мабодо граф сўзларимдан ўз хавфсизлиги учун мени йўқ қилиш зарур, деб хулоса чиқаргудек бўлса, у бунинг учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, иложи бўлиши билан менга панд бериб, гумдон қилиб қўя қоладиган қабиҳлардан эди. Бир оз фикр юритгач, у билан тўқнашгудек бўлсам, ўзимни қандай ҳимоя қилишим ва хавфу хатар олдини олишим мумкинлигини англадим. Унга қарши кашфиётимни ўша ондаёқ унинг қаҳрига дучор бўлмай, ўз хавфсизлигим таъминладиган бир вазиятда ошкора этишим керак эди. Бунинг учун эса уни ўша кашфиётимдан хабардор қилишдан аввал унинг ҳаёти менинг хавфсизлигимга боғлиқ эканидан хабардор қилиб қўйишим зарур эди. Очикроқ айтгудек бўлсам, у билан учрашишдан олдин унинг оёғи остига портловчи восита қўйиб, унинг портлатиш калитини учинчи шахсга топшириб, унга ўз қўлим билан ёзилган хабар бўлмагунча ёки ўз оғзим билан унга фикримни айтмагудек бўлсам, фалон вақтда калитни бураб, портлатиш воситасини ишга соласан, деб тайинлаб қўйишим керак. Ана ўша ҳолда графнинг хавфсизлиги менинг хавфсизлигимга боғлиқ бўлиб қолар, ўшанда унинг ўз уйида ҳам устуворлик менинг қўлимда бўлган бўларди.

Денгиз соҳилидан қайтиб келганимиздан кейин ўрнашган бошпанамизга яқинлашиб қолганимизда мана шу фикр хаёлимга келиб қолди. Қўлимдаги калит билан эшикни очиб, ҳеч кимни безовта қилмай, оҳистагина ичкари кирдим. Лампачирог йўлакда экан, уни олиб, Лаура билан Мариан ниятимдан огоҳ бўлгунлрича граф билан бўладиган ўзаро суҳбатимга тайёргарлик қилиб олиш учун ўз хонамга ўтдим. Айни вақтдаги бирдан-бир хавфсизлик чораси Песка номига ёзиладиган хат эди. Ўша хат мазмуни қуйидагича:

«Опера театрида мен сизга кўрсатган киши Биродарлик аъзоси. Унга бўлган ишончни оқламади. Мана шу икки воқеликни зудлик билан тафтишдан ўтказинг. Англияда қайси ном билан

юргани сизга маълум. Манзили: уй № 5, Форест Роуд, Сент Жонз Вуд. Менга нисбатан илк меҳрингиз ҳаққи, измингиздаги куч-қудратингизни пайсалга солмай, шафқатсизлик билан ўша кишига қарши ишга солинг. Боримни ўртага қўйдим, ҳаммасидан Мосуво бўлдим. Ҳатто, ҳаётимни ҳам қурбон қилдим».

Ушбу сатрлар остига имзо чекиб, ёзилган вақтини кўрсатиб конвертга жойлаб, устини муҳрладим. Конверт устига қуйидагича кўрсатмамни илова қилиб қўйдим: «Ушбу мактубни эрталабки соат тўққизгача очманг. Ўша вақтгача мендан бирон-бир хабар бўлмаса, учрашиш насиб бўлмаса, соат бонг ургач муҳрни бузиб, хат мазмуни билан танишинг». Исми шарифим бош ҳарфларини ёзиб, буларни бошқа яна бир конвертга жойлаб, устига Песка манзилини ёзиб қўйдим.

Мана шудан кейин бутун тайёргарлигим ўз якунига етди, фақат хатни ўз эгасига етказиш керак эди. Ўшандан кейингина қўлимдан келган ҳамма чораларни ниҳоясига етказган бўлардим. Мабодо граф уйида мен бирор фожиага йўлиққудек бўлсам, бунинг учун унинг ҳаётдан кўз юмиши ҳам муқаррар қилиб қўйилганди.

Графни қочириб юбормаслик масаласи, вазият қандай бўлишидан қатъи назар, агар лозим топгудек бўлса, Песка қўлида эди. Бунга мутлақо шубҳаланмасдим. У граф ҳақида оғиз очишга ҳам қўймас, бошқачароқ айтганда, мужмаллиги, назаримда, менинг ҳақлигимни кўрсатарди. Песка, очиқ тан олмаса ҳам, Биродарлик жамоасига тегишли мудҳиш жазо чорасини амалга оширишга қодир эди. Хорижий сиёсий ташкилотлар ўз хиёнаткорларини, улар қаерга яширинишган бўлишмасин, жазолашга қўли етарди. Бунинг ҳақиқатлиги олди-қочди гапларга панжа орасидан қарайдиган мендек ҳафсаласиз бир одамга ҳам маълум эди. Бу масалада Лондон ва Париж газеталари муштарийси сифатида фикр юритгудек бўлсам, хорижийларнинг кўчаларда ўлдирилиб кетиши, лекин қотилларнинг изсиз йўқолганлари ёдимга тушади. Темза ва Сена дарёларига улоқтирилган жасадлар ёки уларнинг парчалари топилади, лекин ижрочи қўллардан ному нишон қолмайди. Лекин ушбу сатрларда ўзим ҳаққимда ҳам ҳеч нарсани яширмоқчи эмасман. Агар Песка мактубни ўқиб, тегишли чора кўрилишига қарор қилгудек бўлса, граф Фоскога нисбатан ўлим ҳукмини ёзиб қўйганман.

Дастёр топиш илинжида бино эгаси билан учрашиш учун пастрга йўл олдим. У билан зинада учрашиб қолдик. Бу вазифани у

Ўзининг чаққонгина ўғлига топширишимни тавсия этди. Уни тепадан топдик. Манзил йўлини тушунтирдим. У ерга кабда бориб, хатни шахсан профессор Песка қўлига топшириб, ундан хатни олгани ҳақида тасдиқнома олиб, ўша кабда қайтиб келиши лозимлигини тайинладим. Соат ўн ярим бўлган эди. Чамамда, у йигирма минутлардан кейин қайтар, Сент Жонз Вудга етиб боришим учун яна йигирма минут вақт кетарди.

Йигитча топшириқ бўйича жўнаб кетгач, маълум ҳужжатларни тартибга келтириб, фалокат юз бериб қолгудек бўлса, осонгина топиладиган қилиб қўйиш учун ўз хонамга чиқдим. Ҳужжатларимиз сақланидиган турфа стол калитини конвертга солиб, муҳраб, юзига Мариан номини ёзиб, устига қўйиб қўйдим. Бу ишларни ниҳоясига етказиб, пастки қаватдаги меҳмонхонамизга тушдим. Лаура билан Мариан операдан қайтишимни ўша ерда кутсалар керак, деб мўлжаллагандим. Эшик дастбандини ушладиму илк бор қўлимга қалтироқ кирганини сездим.

Ичкарида Мариандан бошқа ҳеч ким йўқ. У ўқиш билан овора экан. Менга кўзи тушиши биланоқ соатига қараб, ҳайрон бўлганича:

— Жуда эрта қайтибсизми? — деб қолди. — Опера якунига етмасданоқ чиқиб кетган бўлсангиз керак.

— Шундай, — фикрини тасдиқладим. — Песка ҳам, мен ҳам охирини кутмадик. Лаура қани?

— Бугун кечқурун бош оғриғи кўзгади, чойдан кейин дам олишини тавсия этдим.

Лаура ухлаганмикин, қараб кўрайин, деган важ билан хонадан чиқдим. Зийрак Марианнинг кўзлари жовдираб юзимга тикилиб қолди — у бениҳоя ҳушёр, назаримда, нимадир хаёлотда эканимни у пайқаганди.

Хобхонага кириб, тунги чироғ гира-шира шуъласида оҳистагина каравот ёнига бордим. Хотиним ухлаб қолган экан.

Турмуш курганимизга ҳали бир ой ҳам тўлмаганди. Унинг ёстигим томон ўгирилган юзига кўзим тушгач, мени интизорлик билан кутиб, келса бағрига олар, деган умидда кўрпа устига чиқариб қўйган қўлларини кўргач, дилимда гашлик бўлса ҳам, меҳрим товланиб кетди — бошқача бўлишига баҳона топилармикин? Лекин ўзимни босиб, каравот ёнига тиз чўқдим, унга термулганимча нафаси юзимга ургудек юзимни юзига бақамти қилдим. Чиқиб кетиш олдида унинг қўли билан юзидан оҳистагина бўса олдим. У уйқутираб номимни пичирлаганича ижирғ-

анди, лекин уйғониб кетмади. Эшик олдиға етгач, унга яна бир бор термулиб туриб қолдим.

– Тангри сизға мадақкор бўлиб, ўз паноҳиға олсин, азизим, деб шивирладиму хонадан чиқиб кетдим.

Мариан мени зина бошида кутаётган экан. Қўлида букланган қоғоз варағи.

– Соҳибхонанинг ўгли сизға олиб келибди. – деди у. – Кабни кўйиб юборманг, деган экансиз, ўзи ҳам дарвоза олдида турибди.

– Худди шундай, Мариан. Каб зарур эди, яна кетаяпман.

Марианга шу сўзларни айта туриб зинадан пастга тушдим ва стол устидаги чироғ шуъласида букланган қоғоз ёзувини ўқиб олиш учун меҳмонхонага кирдим. Унда Песка дастхати билан куйидаги жумлалар ёзилган эди: «Хатингиз олинди. Кўрсатган мудлатингизгача сизни кўрмагудек бўлсам, соат бонги урилиши биланоқ муҳр бузилади».

Қоғозни ён дафтаримга солиб, эшик томон юрдим. Мариан билан остонада бақамти келиб қолдик, у мени ичкарига қайтариб, икки қўли билан шам нури томон ўгирганича кўзларимга тикилиб қолди.

– Кўриб турибман! – шивирлади у таҳликали бир оҳангда – Бугун сўнгги имкониятга қўл урмоқчимиз.

– Шундай, сўнггисию, ҳал қилувчиси – шивирлаб жавоб қилдим.

– Аммо ёлғиз ўзингиз эмас! Оҳ, Валтер, Тангри ҳаққи, ёлғиз ўзингиз эмас! Мени ҳам бирга олиб кетинг. Аёллигим учун илтимосимни рад этманг. Мен боришим керак! Кабда кутиб тураман!

Энди уни мен ушлаб қолдим. Қўлимдан чиқиб, мендан олдинроқ ташқи дарвозага чиқишга уринди.

– Менга кўмаклашмоқчи бўлсангиз, — дедим, — шу ерда қолиб, бугун хотиним хонасида тунанг. Лаурадан хавотирланмайгина жўнаб кетайин, шунда ишим ҳам юришади. Келинг, Мария, ёноқларингиздан ўпиб олайин, қайтгунимча сабр қилиб, матонат билан кутарсиз, деган умид билан кетайин.

Уни оғиз очирмаёқ чиқиб кетмоқчи бўлдим. Яна мени ушлаб қолди. Қўлларидан аранг кутулиб, ташқарига ўзимни урдим. Йигитча овозимни эшитиб, каб эшигини очиб турган экан. У ўз ўриндигига чиққунигача мен ҳам жойимни эгалаб, олд деразадан унга хитоб қилдим:

– Сент Жон Вуддаги Форест Роудга! Ўша ерга қирқ беш минутда етказсангиз, ҳаққингизни икки баробар қилиб оласиз.

– Шундай қиламан, сэр.

Соатимга қарадим. Ўн бир. Вақт зиқ.

Кабнинг катта тезликда олға силжиши, дақиқалар ўтган сайин граф билан тўқнашишим яқинлашаётгани, ниҳоят бу қалтис ишга бемалол қўл уриш имконияти туғилганидан жунбушга келиб, жиловдорга тўхтовсиз ҳайқирардим:

– Тезроқ! Тезроқ!»

Кўпгина кўчаларни ортда қолдириб, Сент Жон Вуд Роудни кесиб ўтгач тоқатим тоқ бўлиб, ўрнимдан туриб кетдим, манзилга етиш илинжида деразадан бош чиқариб, олдинга термилдим. Ибодатхона соатининг олисдан қулоққа чалинган ўн биру чоракдаги бонги урилганида Форест Роудга бурилдик. Граф уйига етмасданоқ жиловдорни тўхтатдим. Хизмат ҳақини тўлаб, унга жавоб бердим, ўзим эсам граф дарвозаси томон юрдим.

Дарвозага етган ҳам эдим, қарши томондан келаётган бир кишини кўриб қолдим. Кўчадаги газ чироғ остида тўқнашиб, бир-биримизга қарадик. Чандиқ юзли, малла соч хорижийни дарров танидим, у ҳам мени таниган бўлса керак, деб хаёлимдан ўтказдим. У бирон сўз айтмай, бино олдида тўхтамаёқ шошилмай олдинга ўтиб кетди. Унинг Форест Роудда пайдо бўлиши тасодифийми? Ёки операдан чиққан граф кетидан уйигача келганмикин?

Бу саволлар мени қизиқтирмасди. Ажнабий кўздан ғойиб бўлгунча бир оз кутиб, сўнг дарвоза қўнғироғи тугмасини босдим. Ўн бирдан йигирма минут ўтганди. Вақт анча кеч бўлган – граф ётиб олганини баҳона қилиб, мендан осонгина қутулиб олиши ҳеч гап эмасди.

Бундай баҳонанинг олдини олиш учун ташрифномамни киритишда унинг мени қабул қила олиши ёки қабул қила олмаслигини суриштирмаёқ, масаланинг муҳимлиги туфайли вақт кеч бўлса ҳам, келганимни ифодалаб қўя қолишга қарор қилдим. Ташрифномамни чиқариб, унинг юзига «Муҳим масала бўйича» деб ёзиб қўйдим. Шу вақт ичи дарвоза ёнига келиб кутиб турган хизматкор аёл гумондор бир оҳангда:

– Нима ишлари бор? – деб қолди.

Унга ташрифномамни узатиб:

– Ушбуни валинеъматингизга етказсангиз, – дедим.

Унинг ҳайрон бўлиб турган қиёфасидан бордию даставвал граф ҳақида оғиз очгудек бўлсам, олган кўрсатмасига биноан, граф уйда йўқ, деб қўя қолиши сезилиб турарди. Қўлига тутқазилган

ташрифнома туфайли нима қилишини билмай саросимага тушганича юзимга андак тикилгач, дарвозани ёпиб, ташрифномани ичкари олиб кириб кетди. Ҳовлида кутиб туришимга тўғри келди. Бир-икки минут ўтмасданоқ қайтиб чиқиб:

– Валинеъматимиз ўзларига иззат-хурматларини ифода этиб, уларнинг ҳузурларига нима масалада келганингизни сўраяптилар – деди.

– Бизнинг эҳтиромимизни ҳам уларга етказинг, — дедим. — Масала ошқора этилмайдиган, фақат валинеъматингизга тегишли эканидан хабардор этиб қўйинг.

Хизматкор ичкарига кириб, яна қайтиб чиқди ва бу гал мени ҳам ичкарига таклиф этди.

Кўп ўтмаёқ ўзимни граф уйида кўрдим.

VII

Меҳмонхонада чироқ йўқ, хизматкор қиз қўлидаги ошхона шамининг гира-шира ёруғида ёши улугроқ ледининг орқа хонадан чиқиб, даҳлизга шипиллаб ўтиб кетганини кўрдим. У менга ўқрайиб қараб, лекин бирон сўз айтмай, ҳатто таъзимга алик ҳам олмай, чиқиб кетганди. Мариан кундалигидан хабардорлигим туфайли бу кекса леди мадам Фоско эканига шубҳа қилмасдим.

Хизматкор мени ҳозиргина графиня чиқиб кетган хонага бошлаб кирди. Ўша ерда граф билан юзма-юз учрашдик.

У ҳамон ўша оқшомги кийимида, фақат фракини кресло устига ташлаб қўйган экан. Кўйлаги енглари тирсагигача, ундан юқори эмас, шимарилган. Унинг бир ёнида тўқима жомадон, иккинчи ёнида эса сандиқ турарди. Уй ичида китоблар, қоғозлар ва кийим-кечаклар сочилиб ётар, эшик ёнидаги стол устида тавсифлардан менга маълум бўлган оқ сичқонли қафас турарди. Саъвалар билан тўти бошқа хонада бўлса керак. Ичкарига кирганимда граф сандиқ ёнида ўтирганича уни тўлатиш билан овора эди, мени кутиб олиш учун ўрнидан турганида ҳам қўлида бир даста қоғоз бор эди. Театрдаги даҳшатли қиёфа излари ҳали юзидан кўтарилмаганди. Ёғ босган юзлари нохушликдан осилиб қолган, сеҳрли кўк кўзларида муғомбирона таҳлика ҳам сезилиб турарди. Мени қаршилаб олдинга бир қадам босганича узоқдан мулозимат билан креслога таклиф этаркан, овози, қиёфасию важоҳати унинг таҳликада эканини кўрсатиб турарди.

— Бу ерга бирор иш масаласида ташриф буюрганларми, сэр? — деб қолди у. — Ўша иш нима эканлигини тушунолмайд турибман.

Юзимга тикилганича гапиришидан театрда мен унинг назаридан бутунлай четда қолган эканман, деган хулосага келдим. Аввал у Пескани кўриб қолган, ўша дақиқадан то театрдан чиқиб келгунигача бошқа ҳеч ким кўзига кўринмаган. Ташрифномадаги исми унга нисбатан фақат бирор шум ғараз билан келганимни ифода этган бўлса ҳам, лекин менинг асл мақсадимдан бутунлай беҳабардек кўринарди.

— Уйда экансиз, бошим кўкка етди, — дедим. — Сафарга отланаётгандек кўринасиз?

— Ишингиз сафаримга боғлиқми?

— Қисман шундай деса ҳам бўлади.

— Қанчалик алоқадор экан? Қаерга кетаётганимдан хабардормисиз?

— Йўқ. Фақат нима учун Лондондан кетаётганингизни биламан.

Шу оннинг ўзида у ёнимдан елиб ўтиб, эшикни қулфлади-да, калитини чўнтагига солиб олди.

— Сиз билан мен, жаноби Ҳартрайт, ўз иззат-эйтиборимизга кўра бир-биримиз билан яхши танишимиз — деди у. — Бу хонадонга қадам ранжида қилар экансиз, мабодо, мен сиз ҳазиллашадиган кишилардан эмаслигим хаёлингиздан ўтмаганмикин?

— Ўтган, — қатъи жавоб бердим. — Сиз билан ҳазиллашиш ниятида келган эмасман. Ҳаёт-мамот масаласида келганман. Ҳозиргина қулфлаб қўйган эшигингиз очиқ бўлганида ҳам, ундан чиқиб кетишим учун қўлингиздан ҳеч нарса келмасди.

Мен хонанинг ичкарироғига юриб, камин рўпарасидаги поёндозда унга тик юзландим. У курсисини эшик йўлагига яқинроқ суриб ўтирди-да, чап билаги билан унга ясланди. Оқ сичқонли қафас унинг ёнгинасида эди. Графнинг залворли қўли тегиб, стол қимирлаганидан безовта бўлган сичқон ётган жойидан кўзголиб, қафас симлари орасига тумшугини суққанича эгасига чақчайди.

— Ҳаёт-мамот масаласи денг, — ўзича гудранди граф. — Бу сўзлар, эҳтимол, сиз айтганингиздан кўра жиддийроқ бўлса керак. Нима демоқчисиз?

— Ўша айтганим-да.

Унинг сербар пешонасини тер босди. Чап қўли стол четига сурилди. Столнинг ўша жойида калитли тортмаси бор эди. Унинг бош ва кўрсаткич бармоғи калитга чалинди, лекин бурамади.

– Лондондан нима учун кетаётганимни биламан денг? – сўзини давом эттирди у. – Ўша сабабни, малол келмаса, менга очик айтсангиз. – Шу сўзлар оғзидан чиқаркан калитни бураб, қулфини очиб қўйди.

– Айтганингиздан ҳам зиёдароқ қилишим мумкин, – дедим. – Хоҳласангиз, ўша сабабни кўрсатишим ҳам мумкин.

– Қандай кўрсата оласиз?

– Фракингизни ечиб қўйибсиз – дедим. – Кўйлагингиз чап энгини шимарсангиз, уни, албатта, кўрасиз.

Юзи шу лаҳзадаёқ, худди ўша театрда кўрганамдек, пага бўлиб кетди. Кўзлари газаб ўтида ёниб, кўзларимга тикилиб қолди. Оғиз очмади. Лекин чап қўли билан стол тортмасини оҳистагина олдинга сурди, қўлини ичкарига суқди. Менга номаълум бир оғир нарсанинг сурилаётгани қулоғимга чалинди, кейин тиниб қолди. Хона шундай сукунатга чўмдики, оқ сичқоннинг қафас симини кемираётгани, анча олисда бўлсам ҳам, эшитилиб турарди.

Ҳаётим қил устида эди, буни билардим. Ўша энг нозик бир дақиқада унинг фикри хаёлимдан ўтди. Гўё тортмада нима яширинганидан хабардор бўлгандек, бармоқлари нимани сураётганини ҳам билиб турардим.

– Сабр қилинг, — дедим. — Эшикни қулфлаб қўйгансиз. Миқ этмай турганимни кўриб турибсиз. Қўлларимда ҳеч вақо йўқлигидан ҳам хабардорсиз. Андак сабр қилинг. Бир-икки оғиз сўзим бор.

– Айтадиганингизни айтиб бўлдингиз, — деди у. — кутилмаган хотиржамлик, лекин нафрат туйғуси тўлиб тошган бир важоҳатда.

– Ижозат этсалар, андак хаёлимни жамлаб, бир қарорга келиб олсам. Нимани ўйлаётганимни пайқаяпсизми?

– Пайқаетгандекман.

– Хонада сочилиб ётган ивирсиқларга — деди у хотиржамлик билан — қўшимча сифатида камин олдига миянғизни тўкиб қўя қолишни ўйлаб турибман.

Ўша дақиқада жойимдан жилғудек бўлсам, авзойидан кўришиб турганидек, мақсадини амалга оширган бўларди.

– Ўша масалани узил-кесил ҳал этишдан аввал — жавоб бердим унга — ёнимдаги икки оғиз ёзувни ўқиб олишингизни маслаҳат берган бўлардим.

Таклифим уни қизиқтириб қолди. Бошини қимирлатиб рози-

лик билдирди. Ён дафтаримдан Песканинг мактубимни олгани ҳақидаги эътирофномасини олиб, унга узатдим. Ўзим яна камин қаршисига қайтдим.

Эътирофномани у овоз чиқариб ўқиди.

– Хатингизни олдим. Белгилаган муддатингизгача сиздан хабар бўлмаса, соат бонги урилиши биланоқ муҳрни бузаман.

Унинг ўрнида бошқа одам бўлганида, эътирофнома тугал эмас, нимадир етишмайди, деб даъво қилган бўларди, лекин граф учун бунинг ҳожати ҳам бўлмади. Уни бир ўқишдаёқ, ўша эҳтиёткорлик чорасини кўрган пайтимда гўё ўзи ҳам ўшанга гувоҳ бўлиб тургандек, унга иқрор бўлиб қўя қолди. Юз ифодаси ўзгарди. Қўли тортмадан бўш чиқди.

– Тортмани қулфлаганим йўқ, жаноби Ҳартрайт, — деди у. — Миянгизни камин атрофига сочиб юбориш ниятимдан ҳам қайтганим йўқ. Лекин душманимга адолат кўзи билан қараб, унинг ақл-заковати меникидан устун эканига ишонч ҳосил қилишим керак. Келинг, мақсадга кўчайлик, сэр! Менда нима ишингиз бор?

– Ишим бор. Ўшани олиш илинжидаман.

– Шартлари ҳам борми?

– Шартлари йўқ.

Унинг қўли яна тортмага тушди.

– Эээ! Аравани қуруқ олиб қочаяпмиз. Сизнинг оқил миянгиз яна хавф остида. Муомалангиз дағалроқ туюлади, сэр, уни сал юмшатиңг! Назаримда, ўз ихтиёрим йўл қўйган шартларга розилигимсиз, сизни бу ердан чиқариб юборганимдан кўра турган ерингизда отиб ташлаганим мен учун хавфсизроқ кўринади. Ҳозир сиз менинг марҳум дўстим билан эмас, Фоско билан юзмаюз турибсиз! Агар менинг хавфсизлигим йўлида бир эмас, ўнлаб Ҳартрайтлар тўғаноқ бўлганида ҳам, табиатимга хос осойишталик ва бепарволик билан уларни янчиб ўтишга тайёрман. Ҳаётингиздан умидингиз бўлса, ҳурматимни жойига қўйинг! Яна оғиз очишингиздан аввал учта саволимга жавоб беринг. Қулоқ солинг, улар суҳбатимизга тааллуқли. Уларга жавоб беринг. Мен учун бу жуда зарур.

– Биринчи савол! — деди у ўнг қўли бармоғини юқори кўтарганича. — Сизни бу ерга келишингизга сабаб бўлган маълумотлар ҳақиқатми ёки сохтами, уларни қаердан олгансиз?

– Бу ҳақда оғиз очмайман.

– Ҳечқиси йўқ, ўзим билиб оламан. Агар маълумотларингиз

ҳақиқат бўлса, билиб қўйинг, «агар» сўзига урғу бериб гапираяпман, бу билан ўз сотқинлигингиз ёки бошқа бирор кимса сотқинлиги туфайли юзага келтирилган иғвони менга қўндаланг қилиб турибсиз. Бу вазиятни, кейинча ундан фойдланиш учун, эслаб қоламан, бундай нарсалар ҳеч қачон унутилмайди.

– Иккинчи савол! – деб иккинчи бармоғини биринчисига қўшганича кўтарди. – Менга ўқиш учун берган сатрларингиз остида имзоси йўқ. Уларни ким ёзган?

– Ўша кишига тобелигим сабаби бор, сизнинг ҳам ўша кишидан ҳайиқишингиз сабаби бўлса керак.

Жавобим мўлжалга тегди. Тортмадаги чап қўлини қалтироқ босди.

– Соат бонги чалиниб, муҳр бузилгунича менга қанча муддат берилади? – анча мулойимлик билан учинчи саволини берди.

– Шартларимга кўнишингиз учун вақт етарли. – жавоб бердим.

– Аниқроқ жавоб беринг, жаноби Ҳартрайт. Соат нечада бонг урилади.

– Эртага эрталаб соат тўққизда.

– Эртага эрталаб соат тўққизда? Ҳа, ҳа, паспортимни расмийлаштириб, Лондондан чиқиб кетгунимча тузоғингиз ипи тортилар экан. Ундан аввалроқ бўлмаса керак-а? Бу масалани шу ернинг ўзидаёқ ҳал қилиб қўя қоламиз – кетиш ижозатини олишлари олдидан келишиб, хатларини олдириб келтиргунлғрича ўзлари қўлимизда гаровда турадилар. Ҳозирча шартларини марҳамат қилиб айтаверсинлар.

– Шартларимизни эшитадилар. Улар жўнгина, ҳозироқ изҳор этамиз. Кимнинг манфаатини кўзлаб келганимиздан хабарлари борми?

У писанд қилмагандек, ўта совуққонлик билан ишшайганича ўнг қўлини силтади.

– Тахминан айтишим мумкин, — деди у истехзо билан. — Леди манфаатинидир-да!

– Хотинимнинг манфаатини.

У ҳузурига кирганимдан бери менга биринчи маротаба самимий қиёфада анграйиб қараб қолди. Ўша ондан бошлаб унинг менга ёвузлик назари билан қараши барҳам топгани очиқ кўринди. Тортмани шартга ичкари суриб, икки қўлини кўксига қўйганича жилмайиб сўзларимни ажабтовур диққат билан эшита бошлади.

– Кўп ойлاردан бери тергов ишларига шўнғиб кетганимдан, албатта хабардорсиз, — сўзимни давом эттирдим. — Содир

бўлган аниқ воқеликларни рад этишга уринишнинг бефойдалигини ҳам яхши биласиз. Сиз ўта даҳшатли суиқасд айбдорисиз. Бундан кўзлаган бирдан-бир мақсадингиз ўн минг фунтни қўлга киритиш эди.

У бирон сўз айтмади. Лекин хаёли сочилиб, юзи тунд бўлиб қолди.

– Ўша фундлар сизда қола қолсин, – дедим. (Шу заҳотиёқ юзи яна ёришиб, ҳайрон бўлганича менга чақчайиб қараб қолди) – Мен бу ерга мудҳиш жиноят баҳоси сифатида қўлингиздан ўтган ўша пул масаласида можарога бориб, ўзимни шарманда қилиш учун келмаганман.

– Тилингизга эрк бераверманг, жаноби Ҳартрайт, ахлоқий тарақа-туруқларингиз Англияда наф беради, уларни, марҳамат қилиб, ўзингиз билан ҳамюртларингизга асраб қўйинг. Ўн минг фунт сўнги Ферли жаноблари томонидан беназир хотинимга қолдирилган мерос эди. Бу масалани ўша асосга қўйгудек бўлсангизгина, ўша ҳақда оғиз очиш мумкин. Мендек нозик табиат киши учун бу масала ўта ҳақоратли. Бунга тил тегизмай ўта қолсак. Шартларингиз муҳокамасига қайтишни таклиф этаман. Табабингиз нима?

– Аввало, иғво сирларини тан олиб, буни ёзма равишда тасдиқлаб беришингизни талаб қиламан.

– Бир! – деди у уддабурон одамлардек шартимни маъқуллаб, яна бармоғини дик қилганича.

– Иккинчи талабим – сизнинг шахсий эътирофингизга таллуқли бўлмаса ҳам, хотинимнинг Блэквоутер Паркдан Лондонга қачон жўнаб кетгани ҳақида аниқ далил-исбот.

– Шундай! Шундай! Нимжон жойга қўл урганингизни кўриб турибман. Яна нима дейсиз?

– Ҳозирча шулар.

– Яхши! Шартларингизни эслатиб бўлдингиз, – деди у хотиржамгина. – Энди меникини эшитинг. Тилингизга эрк бериб, мудҳиш жиноят сифатида номлаган жиноятим, умуман олганда, сизнинг анави поёндоз устида сулайиб ётадиган жасадингизга лойиқ жавобгарлигингиздан кўра камроқ кўринади. Келинг, таклифларингизни менинг шартларим асосида қабул қилинди, деб ҳисоблайлик. Сиз талаб қилаётган эътирофнома ёзиб берилади, далил-исбот ҳам муҳайё қилинади. Далил-исбот, деб номлаган шартингизга марҳум дўстимнинг хотинини Лондонга қайси куни ва қайси соатда етиб келиши ҳақида менга ўз

қўли билан ёзиб, имзо чеккан ва қачон ёзилгани ҳам кўрсатиб қўйилган хати сизга кифоя қилса керак, деб ўйлайман. Уни сизга топшираман. Сизни ўша меҳмоним етиб келган қуни уни станциядан олиб келиш учун ёллаган каб жиловдори билан учраштиришим ҳам мумкин. Мени станцияга олиб борган жиловдор сўзларига ишонмагудек бўлсангиз, унинг кундалик топшириқлар дафтаридан ҳам билиб олишингиз мумкин. Шу ишларни бажаришга тайёрман, амалга ошираман, фақат баъзи шартлар асосида. Улардан огоҳ бўлиб қўйинг. Биринчи шарт! Мадам Фоско билан мен бу уйдан, сиз томондан ҳеч қандай қаршиликсиз, хоҳлаган пайтимизда ўз холимизча чиқиб кетамиз. Иккинчи шарт! Ишларимни сарамжонлайдиган вакилим эрталаб соат еттида келгунигача шу ерда мен билан бирга бўласиз. Муҳрланган хатингиз қолдирилган киши номига хат ёзиб, қолдирилган ўша хатни менинг вакилимга бериб юбориши ҳақида кўрсатма бера-сиз. Вакилим ўша хатингизни муҳри бузилмаган ҳолда қўлимга топширмагунча шу ерда кутасиз. Кейин уйдан чиқиб кетишим учун ярим соат вақт бера-сиз. Ана ўшандан кейин ўз ихтиёрингиз ўзингизда бўлиб, истаган томонингизга кетишингиз мумкин. Учинчи шарт! Сўхбатимиз давомида менинг шахсий ишларимга аралашганингиз ва хоҳлаган ибораларни қўллаганингизга иккунча ёзиб бера-сиз. Дуэл вақти ва жойи мен қитъага эсон-омон етиб олгач ёзиладиган мактубимда кўрсатилади. Ўша мактубга қиличимнинг узунлигини ифодаловчи қоғоз қийқими илова қилинади. Шартларим мана шулар. Шартларимга жавоб беринг: Ҳа ёки йўқ.

Унинг маккорона режалари, мардонавор лофи ва қатъи журъати уфуриб турган сўзлари мени бир лаҳза, ҳа, бир лаҳзагина эсанкиратиб қўйди. Бир масала бошимни қотирар, у ҳам бўлса, Лаурани ўз шахсиятидан мосуво этган бир аблаҳни ўша шахсиятни тиклаш учун берилган ҳужжат эвазига жазосиз қочириб юборишга йўл қўйишим инсофданмикин? Асосий мақсад хотинимнинг туғилиб ўсган уйдан қаллоб сифатида қувғин қилинганини тан олдириб, унинг номини онасининг қабр тошида муҳрланиб, эл оғзида ёйилган бўҳтондан халос этиш билан уни ҳимоя этиш зарурлигини билардим. Ўша мақсад қасос олишдек бемаъни эҳтирос аралашмаган ҳаракатларимда юксакроқ, олийҳимматлироқ кўринарди. Шунга қарамай, қатъи бир қарорга кела олмасдим. Сэр Персивалнинг ўлими хаёлимга келиб, масала ҳал бўлди-қолди. Тақдир тақазоси уни қўлимдан юлиб олиб, ўзи уни шафқ-

атсизлик билан жазолади-я! Энди буниси мен ожиз банда қўлимдан чиқиб кетгудек бўлса, тақдир жазосидан ҳам қутулиб қолади, дея олармикинман? Уни қамзимда ушлаб турарканман, уни ўз ихтиёрим билан қўлимдан чиқариб юбориш огир бўлди, ўзимни шунга мажбур этдим. Очигини айтганда, Лаура номини оқлашдек муқаддас ва эзгу мақсад ва ҳақиқат сари қадам ташлашга қарор қилдим.

— Шартларингизни қабул қилдим, — дедим. — Фақат, изоҳи билан.

— Ўша изоҳ нима бўлиши мумкин? — қизиқсинди у.

— У муҳрланган хатга тааллуқли, — дедим. — У қўлингизга тутқазилиши биланоқ очилмаган ҳолда кўзим олдида йўқ қилишингизни талаб қиламан.

Бу эътирозимда кўзда тутилган мақсадим Песка билан алоқам ҳақидаги ёзма далилнинг унинг қўлида қолиб кетишини истамасдим. У билан алоқадорлигим эрталаб унинг вакилига профессор манзилени берганимда ҳам маълум бўлган бўлар эди, лекин унинг сўзлари асосида бундан ўзнафи учун фойдалана олмас, бордию бундай шумликка қўл урганда ҳам, дўстимга зиён-заҳмат етказа олмас, Пескадан кўнглим тўқ бўлган бўлар эди.

— Изоҳингизга розиман, — тумтайганича андак хаёл сургач жавоб берди у. — Талашиб ўтиришга арзимайдиган нарса қўлимга тегиши биланоқ йўқ қилинади.

Шу сўзларни айтганича у шу вақтгача қаршимда қимирламай ўтирган еридан ниҳоят кўзгалиб турди. Бир лаҳзада у ўзаро суҳбатимиз асносида вужудга келган тарангликдан фориг бўлгандек енгил торгди.

— Уҳ! — ҳомуза тортиб юборди қўлларини чўзиб керишганича. — Росаям узоқ олишдик-да. Яқинроқ ўтиринг жаноби Ҳартрайт. Кейинроқ бир-биримизга ўлим тиловчи ёвлардек учрашармиз. Шундай бўлса ҳам, келинг, ҳозирча кўнгли пок жентлменлардек хушмуомалада бўла қолайлик. Хотинимни чақаришга ижозат берсангиз.

У қулфлаб қўйилган эшикни очиб, гўринглаган овоз билан хотинини чақирди:

— Элеанор!

Юзидан заҳар томган леди хонага кириб келди.

— Мадам Фоско, мистер Ҳартрайт — граф бизларни киборона сиполик билан таништирди. — Фариштам, — хотинига мурожаат этди у. — Йўл тарадудларингиз поёнига етиб, вақ-

тингиз бўлса, менга аччиққина қилиб қаҳва тайёрлаб бера олармикинсиз? Ҳартрайт жаноблари билан ўзаро келишув бўйича ёзув-чизув билан банд бўлиб турибман. Ақлимни пешлаб, ўзимга ҳам адолат қилайин.

Мадам Фоско икки бор таъзим қилди — аввало менга бошини шунчаки ҳимо этиб, кейин эрига итоаткорона бош эгиб, хонадан чиқиб кетди.

Граф дераза ёнидаги ёзув столига яқинлашиб, тортмасини очди-да, ўша ердан бир неча тўп қоғоз ва бир боғлам пат ручка олиб, кейингисини эҳтиёжга кўра ишлатиш учун стол устига сочиб юборди. Кейин қоғозни қаламкаш ёзувчилар матбуоти учун ёзиладиган шаклда кесди.

— Менинг кўлимдан чиққан ёзув муҳим ҳужжатга айланади — деди у менга елкаси устидан қараб. — Бадиий иншо яратиш маҳоратидан тўла хабардорман. Камдан-кам кишиларга насиб этган мана шундай ақлий камолот фикрни мужассамлаштиришда кўл келади. Шундай хусусият менда бор. Сизда-чи?

Қаҳва келтирилгунча у ўзича гўлдираб хонанинг у ёқ-бу ёғига юриб турди, гоҳо кафти билан пешонасига уриб, битимнинг зарурат туғилган жойларига тузатиш киритаётгандек бўларди. Мени ҳайратга солган томони унинг сурбетлиги эди — уни бир бурчакка тиқиб қўйибману у ўша ерни ўзига минбар қилиб олиб, шуҳрат-парастлигини қўймас, манманлигидан қолмасди. Лекин ундан қанчалик нафратланмайин, унинг табиатидаги ҳаётга интиқлиги ва шу йўлда қилаётган жонбозлигию ирода кучига тан бермай иложим йўқ эди.

Мадам Фоско қаҳва олиб кирди. Фоско унга миннатдорлик изҳор этиб кўлини ўпди ва эшик олдиғача кузатиб ҳам қўйди; жойига қайтиб, ўзи учун бир финжон қаҳва тўлатиб, уни ёзув столи устига қўйди.

— Қаҳвадан ўзларига ҳам таклиф этсак, нима дейдилар, жаноби Ҳартрайт? — менга мурожаат қилди ўтириш олдидан.

Таклифни рад этдим.

— Нима! Заҳарлаб қўяди, деб ўйлаяптиларми? — ҳазиллашди у. — Инглиз тафаккури ўта баландпарвоз, эл оғзида шундай, — сўзида давом этиб, стол ёнига ўтирди. — фақат битта бемаъни камчиликдан холи эмас — эҳтиёж бўлмаса ҳам, эҳтиёткорлигини қўйишмайди.

У пат ручкасини давогга ботирди, биринчи варақни олдига қўйиб, бош бармоғи билан уни стол чеккасига босди, томоғини

қириб олди ва ёзишга туинди. Шартиллаатиб тез ёза бошлади. Бу баракали, бақувват қўл остида намоён бўлаётган ёзув ҳам йирик ҳарфлар билан, сатрлар оралиғи ҳам кенг қолдирилиб шунчалик тез битилар эдики, икки минут ўтмаёқ биринчи саҳифа ниҳоясига етказилди. Ҳар бир саҳифа якунлангач номерланиб, елкаси оша орқага улоқтириларди. Биринчи ручка ишдан чиққач, у ҳам елкаси устидан орқага улоқтирилиб, стол устида ётган бошқасини ишга солди. Варақлар кетидан варақлар, ўнинчиси, элигинчиси, юзинчиси, хуллас, ер унинг ўнг ва чап елкаси оша тушаётган қоғозларга тўлди, курси атрофини қордек оппоқ қоғозлар қоплади. Соатлар кетидан соатлар ўтди. У ёзиш билан овора, мен эсам унга қараб ўтирардим. У тўхтовсиз ёзар, орачора қаҳвадан хўплаб қўяр, уни тугатгач эса кафтини пешонасига босарди. Соат бонги урилари — бир, икки, уч, тўрт, ҳамон варақлар кетидан варақлар атрофига учиб тушарди, хориш нималигини билмас ручка варақ устидан тубигача тинимсиз гичир-гичири билан елиб, курси атрофидаги қоғоз уюмларини яна ҳам шиширарди. Соат тўртда ногаҳон ручканинг қарсиллагани қулгимга чалинди, бу ёзув ниҳоясига етиб, имзо чекилганидан нишона эди.

— Офарин! — бақириб юбоди Фоско ёш йигитлардек сапчиб оёққа туриб, мамнуният билан голибона тантанавор жилмайганича юзимга тикилиб қолди.

— Якунланди, жаноби Ҳартрайт! — дея мамнуният қувончини ичига сигдиролмай, сербар сийнасига муштлиди. — Якунланди. Ўзимга ўзим қойилман. Қўлимдан чиққан бу сатрларни ўқиғач сиз ҳам ғайратга тушарсиз. Мавзуь якунланаркан, инсон — Фоско эса барҳаёт. Энди варақларимни тартибга келтиришга киришаман, варақларим тафтишига киришаман, варақларимни ўқишга киришаман — уларнинг ҳаммаси шахсан сизнинг қулоғингизгагина мўлжалланган. Тўрт бонги чалинди. Маъкул! Тартибга солиш, тафтиш ва ўқиш тўртдан бешгача. Ҳордиқ чиқариш учун мизгиб олишим бешдан олтигача. Сўнгги тайёргарликлар олтидан еттигача. Вакил ва муҳрли хат масаласи еттидан саккизгача. Саккизда сафар бошланади. Дастурга амалга қилинг!

У қоғозлар орасига чордона қуриб ўтириб олганича боғичли сепарани ишга солиб уларни тикди, биринчи саҳифа тепасига ўзи мушарраф бўлган фахрий унвонларини ёзиб қўйди. Шундан кейин ўз қўлёзмасини гўё саҳнада ижро этгандек баланд овоз ва хатти-ҳаракатлар билан менга ўқиб берди. Китобхонлар ҳам тез-

да ўша хужжат билан танишиб, ўз фикрларига эга бўлишади. Фақат шунни қайд этиб ўтишим керак – қўлёзма мақсадимга жавоб берарди.

Кейин у менга капалак ёлланган карвонсарой соҳиби манзилини ёзиб берди, сэр Персивал хатини топширди. Хат 25 июлда Хемпширда ёзилган бўлиб, леди Глайднинг Лондонга жўнаш муддати 26 да, деб кўрсатилганди. Шундай қилиб, доктор унинг Сент Жонз Вудда оламдан ўтгани ҳақида гувоҳнома берган куни (25 июль) у ҳаёт эди. Сэр Персивалнинг ўз кўрсатмаси бўйича, Лаура Блэквоутер Паркдан бир кун кейин йўлга чиқиши кўзда тутилганди. Бу сафар ҳақидаги далил жиловдордан ҳам олингудек бўлса, далил тайёр эди.

Граф соатига қараб:

– Бешдан чорак ўтди. – деди. – Ҳордиқ учун мизгиш вақти бўлди. Сиз, жаноби Ҳартрайт, сезган бўлсангиз керак, улуғ Наполеонга ўхшайман. Ўша абадий барҳаёт даҳога ўхшашлигим яна шуниси билан зўрки, айнан ўша шахсдек, қачон ва қаерда бўлмасин, хоҳишим бўлса бас, ухлаб қолавераман. Мени маъзур тутгайсиз. Ёлғиз зерикиб қолмаслигингиз учун мадам Фоскони чақира қолсам.

Мадам Фоскони ўз мизгиши пайтида бу ердан кетиб қолмаслигимга кўз-қулоқ бўлиб туриши учун чақираётганини билиб турганим туфайли, индамай қўя қолдим, ўз ихтиёримга топширган қоғозларини тартибга солиб ўтиравердим.

Леди ҳар вақтдагидек ранги бўзариб, заҳар босиб, тумшайганича кириб келди.

– Жаноби Ҳартрайтни зериктирмай туринг, фариштам, — деганича граф унга курси қўйиб берди, иккинчи маротаба қўлидан ўпди, сўнг диванга ясланиб, уч минут ўтар-ўтмас, ҳаётда учрайдиган беғам кишилардек, чуқур уйқуга кетди.

Мадам Фоско столдан бир китоб олиб, жойига ўтирди ва ҳеч нарсани унутмайдиган пиндор аёллардек ёвқараш билан газабдан чақнаган кўзларини менга тикиб:

– Эрим билан суҳбатингизга қулоқ солиб турган эдим, — деди. — Унинг ўрнида бўлганимда ўлигингизни анави поёндоз устида сулайтириб қўйган бўлардим.

Ўша сўзлар оғзидан отилиб чиқдию, китобини очганича менга бошқа қарамади, эри уйғонгунча бошқа бирон сўз ҳам айтмади. Уйқуга кетганидан роппа-роса бир соатдан кейин граф кўзини очиб, дивандан турди.

— Анча ҳордигим чиқибди, — пингиллаб қўйди у. — Элеонора, вафодор хотиним, тепада ҳаммаси тайёр бўлдими? Яхши. Шу ердаги майда-чуйдалар ўн минутдан кейин саранжом топади. Яна ўн минут кийимимни сафаргиси билан алмаштиришга. Вакил қайтиб келгунигача яна нима ишлар қолди? — У хона атрофига аланглаб, оқ сичқони солинган қафасга кўзи тушиб қолди.

— Ий-йе! — гамгин инграгандай гудуранди. — Сўнгги жони дилим жароҳатлари унутилибдику. Эй менинг беозор арзандаларим! Кўнглим тўридаги чақалоқларим! Уларни нима қилишим керак? Ҳозирча бошпанамиз йўқ; ҳозирча узлуксиз йўлда бўламиз. Юкнинг кам бўлгани яхши. Какадуим, майналариму сичқончам, меҳрибон оталари кетиб қолгач, ким уларни эркалатаркин?

У чуқур хаёлга чўмганича уй ичида айланиб юрди. У тавбатазаррусини ёзаётганида бунчалик гам чекмаган эди, лекин энди ўша митти арзандаларини қаерда қолдиришдек муҳим масала устида бош қотирар, юрак-бағри эзилиб хуноб бўларди. Узоқ ўйлаб, кейин кутилмаганда яна қайта стол ёнига келиб ўтирди.

— Топдим! — ҳайқириб юборди у. — Майналарим билан какадуимни бу улкан Метрополияга тақдим этаман — вакил уларни менинг номимдан Лондон ҳайвонот боғига етказди. Булар ҳақидаги тафсилотларни ҳозироқ дўндириб кўяман.

Тафсилот сўзлари ёзилишига қараб айтиб ҳам турилди.

— Биринчи. Тенги йўқ патли какаду. Гўзаллик шайдоларини ўзига мафтун этади. Иккинчи. Чаққонлик в фаросатда тенги йўқ майналар. Эраму Режент боғларига арзийди. Британия зоологлари жамиятига совға. Фоскодан.

Перо яна гичирлаб, имзо атрофи турли ҳошиялар билан безалди.

— Граф! Сичқон рўйхатга кирмай қолди, — деб қолди мадам Фоско.

У столдан четлашиб, хотини қўлидан ушлаб, уни кўксига босди.

— Ҳар қандай инсон қарорининг ҳам, Элеонор, — деди у мулойимлик билан, — ўз чегараси бўлади. Менинг чегарам мана шу ҳужжатда кўрсатилди. Оқ сичқонимдан ажрала олмайман. Шунга рози бўлинг, фариштам, уни юқоридаги сафари қафасга солиб қўйинг.

— Тасаннолар айтгудек назокат! — деди мадам Фоско эрига

ҳаваси келиб ва мен томон заҳарханда назар ташлаб, сўнг қафасни оҳистагина олганича хонадан чиқиб кетди.

Граф соатига қараб қўйди. У сўнгги дақиқагача ўзини осойишта тутиш ниятида бўлса ҳам, ўз вакилини сабрсизлик билан кутарди. Шамлар аллақачоноқ ёниб бўлган, эрталабки қуёш нурлари хонани чарақлатиб турарди. Еттидан беш минут ўтганида дарвоза қўнғирोगи чалиниб, вакил қораси кўринди. У қора соқолли хорижий эди.

— Жаноби Ҳартрайт, мосье Рубелле, — граф бизларни таништирди. Кейин вакилни (қиёфасидан очиқдан-очиқ кўриниб турган жосус) хона бурчагига бошлаб бориб, унга шивирлаб топшириқ берди ва хонадан чиқиб кетди. Ёлғиз қолишимиз биланоқ мосье Рубелле менга ўта мулозимат билан мурожаат қилиб, ўзининг хизматимга тайёр эканлигини изҳор этди. Песка номига икки энлик хат ёзиб, муҳрланган хатимни илтимосномамни олиб борган кимсадан бериб юборишини сўраб уни мосье Рубелле қўлига тутқаздим.

Вакил ўзини ёллаган соҳибини мен билан биргаликда кутди. Граф хонага сафари кийимларида қайтиб кирди. У вакилини жўнатишдан олдин хатим манзилига назар ташлади, «ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим» деганича менга тўмтайиб қараб қўйдию, ўша лаҳзаданоқ унинг авзойи яна ўзгариб қолди.

У йўл тараддуллари қилиб бўлган, энди харита бўйича сафар йўлларига назар ташлаб, ён дафтарига нималардир ёзиб қўяр, тоқатсизлик билан тез-тез соатига қараб қўярди. Менга бошқа оғиз очмади. Песка билан менинг алоқадорлигимга ўз кўзи билан иқрор бўлгач, жўнаб кетиш соати яқинлашган сайин бутун фикри-ёди эсон-омон чиқиб кетиш чорасини кўриш билан банд бўлиб қолганди.

Саккиз бўлишидан сал аввалроқ мисье Рубелле менинг очилмаган хатимни олиб келиб қолди. Граф конверт юзидаги ёзувим билан муҳрни диққат билан назардан ўтказгач, шамни ёндириб, хатни ёқиб юборди.

— Ваъдам устидан чиқдим, — деди у. — Лекин, бу масала, жаноби Ҳартрайт, якунига етди дегани эмас.

Вакил ўзини ҳозиргина олиб келган кабини дарвоза ёнида тўхтаиб қўйган экан. Энди у билан хизматкор аёл юк ташиш билан овора бўлиб кетишди. Юзига қалингина нигоҳ парда тутган мадам Фоско оқ сичқон солинган сафари қафасни кўтарганича тепадан тушиб келди. У менга бирон оғиз сўз айтмади, ҳатто,

мен томонга нигоҳ ташлаб ҳам қўймади. Эри уни кабгача кузатгани чиқиб кетаркан, қулогимга қуйидагиларни пичирлади:

— Йўлакча орқамдан боринг. Сизга аталган гапим чиқиб қолиши мумкин.

Мен эшиқдан ташқари чиқдим. Вакил бино саҳнида — пастда турарди. Граф ёлғиз қайтиб, мени йўлак томон бир неча қадам четга тортди.

— Учинчи шартимни унутманг! — шипшиди у. — Уни сизга эслатаман, жаноби Ҳартрайт, жентлменлик ваъдангизни сиз ўйлагандан бурунроқ талаб қилиб қолишим мумкин!

У қўлимни олиб, қаттиқ сиқди, мен ўзимга келиб улгурмаёқ, қўлимни қўлидан силтаб ташлаб, дарвоза томон юрди, тўхтаб, яна ёнимга қайтиб келди.

— Яна бир сўз, — деди у пичирлаб, — мисс Ҳалкомбни сўнгги бор кўрганимда у озгин ва касалванд кўринганди. Ўша дилрабо аёл ташвишидаман. Уларни эҳтиёт қилинг, сэр! Қўлимни кўксимга қўйиб сиздан илтижо қиламан, мисс Ҳалкомбни эҳтиёт қилинг!

Унинг бесўнақай жуссаси билан каб эшигидан аранг сиқилиб кириб, жўнаб кетиш олдидан менга айтган сўнгги сўзлари шу бўлди.

Вакил билан мен дарвоза ёнида унинг ортидан бироз қараб қолдик.

Ўша пайт йўлнинг пастадаги муюлишдан бошқа каб чиқиб қолди. У ҳозиргина жўнаб кетган граф изига тушганди. Каб олдимиздан ўтаркан, унинг ичида кетаётган киши очиқ деразасидан бизга қараб қўйди. Операда учратган ўша нотаниш кимса! Чап юзи чандиқли хорижий!

— Менинг ёнимда яна ярим соат сабр қилиб туринг, сэр, — деди мисье Рубелле.

— Хўп, тураман.

Меҳмонхонага қайтдик. Вакил билан валақлашиб ўтиргудек кайфиятда эмасдим. Граф қўлимга тутқазган қоғозларни чиқариб, оғир жиноятга қўл уриб, уни амалга оширган киши томонидан баён этилган даҳшатли ҳикоя қўлёмасини ўқишга тутиндим.

ҲИКОЯНИ АЙСИДОР ОТТАВИО БАЛДАССАР ФОСКО ДАВОМ ЭТТИРАДИ

(Муқаддас Рим империяси графи; Бразен тожи жамоасининг Буюк хоч совриндори; Месопотамиядаги Розикрусин масонлари ҳақиқий гроссмастери; Бутун Оврупо Муסיқа, Тиббиёт, Фалсафа ... жамиятлари фахрий аъзоси; в.ҳ.в.ҳ.)

Граф ҳикояси

1850 йил баҳорида нозик бир хорижий жамият топшириғи билан Англияга етиб келдим. Жамият масъул ходимлари топшириқлари ижросида раҳнамолик ваколотида бўлганим учун ҳам улар билан жузъий алоқада эдим. Мосье ва мадам Рубелле таъсир доирамда эди. Лондон атрофларида жойлашиб, вазифам ижросига киришгунимча ихтиёримда бир неча ҳафталик бўш вақтим бор эди. Менинг вазифаларим нималардан иборат эканига қизиқиб, ўшаларни шарҳлаб ўтишимни илтимос қилувчилар ҳам топилди. Бундай таклифга мен ҳам чин дилимдан хайрихоҳман. Айни вақтда дипломатия анъаналарига риоя қилинган ҳолда буларни ошкора этишга ҳаддим сигмаслигини афсус ва надомат билан қайд этаман.

Юқорида айтиб ўтганимдек, дастлабки ҳордиқ чиқариш дамларимни марҳум дўстим сэр Персивал Глайднинг гўзал манзарали чорбоғида ўтказишни келишиб олдим. У Овруподан хотини билан қайтган, мен ҳам ўша қитъадан хотиним билан келган эдим. Англия — оилавий бахт-саодат маскани. Мана шундай оилавий рўшнолик гўшасига қадам қўйиб бошимиз кўкка етди!

Персивал билан менинг орамиздаги дўстлик риштаси ҳар иккала мизнинг ночор моддий шароитдаги аҳволимиз туфайли яна ҳам барқарорлашди. Иккала миз ҳам пулга зор эдик. Ўта эҳтиёжмандлик! Ҳамма ҳам шунга ташна! Маданиятга қадам қўйган инсон фарзанди орасида бизга раҳми келмайдиган бирон кимса топилармикин? Топилгудек бўлса, у қанчалар раҳм-шафқатсиз ёки бою бадавлат бўлиши мумкин?

Мавзунинг бундай аянчли қисмини ипидан игнасиғача шарҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Буни ўйласам, юрагим орқага тор-

тиб кетади. Қадим римлик қатъияти билан ўзим билан Персивалнинг бўш ҳамёнимизни кўрсатиб ҳаммани ҳайратга солишим мумкин. Келинг, дунёнинг ишлари ўзи шундай, ўша холича қолаверсин, буёғини давом эттирайлик.

Чорбоғда бизни исми-шарифи менинг қалбимда «Мариан» деб ёзилиб қолган, киборлар жамоасининг инсонга нисбатан совуқроқ муҳитида мисс Ҳалкомб номини олган оҳанграбодек бир хилқат кутиб олди. Само шоҳид! Ўша аёлга кўзим тушибоқ унга бунчалар меҳрим тушиб қолганини айтишга тилим ожиз. Олтмиш ёшимда ўн саккиз ёшдаги оташ қалб йигитлардек унга меҳрим боғланиб қолди. Саховатпеша табиатимдаги жаъмийки дуру гавҳарларни унинг оёғи остига тўксам ҳам, оздек кўринарди. Хотиним, бечора фариштам, мени ардоқлаган хотинимга шиллинг ва пеннилардан бошқа ҳеч нарса насиб бўлмай қолгандек эди. Дунё шундай яратилган экан, одам ҳам, муҳаббат ҳам. Биз аслида кимиз, ўзимга-ўзим савол бергим келади, масхарабоз қутисидаги кўғирчоқлар эмасмизми? Ё Қодир! Ё Тақдири азал! Ипингни оҳистароқ торт! Катакдек торгина саҳнангда бизларни раҳм-шафққатла ўйнатгин!

Мазкур сатрлар, тўғри тушунилса, бутун бир ҳаётий фалсафа, менинг қаламимга мансуб.

Блаквоутер паркдаги манзилимиз дастлабки онларидаги оилавий шароитимиз инсон қадр-қимматини жойига қўядиган зукко Мариан раҳнамолигидаги мулозиматлар аниқ тафсилотлари билан шарҳлаб ўтилди. (Бу илоҳий хилқатни дилга яқин олиб, исми биланоқ тилга олганим учун узр сўрайман). Хуфия усуллар билан қўлга киритилган унинг кундалик дафтаридаги бир дунё маълумотлар мен учун бебаҳо манбаъ бўлиб, кўпгина унутилган воқеликларни эслатди, ўткир қаламимни ўша ақли мунаввар аёл томонидан батафсил ёритилган мавзулар устида тинимсиз елиб югуриш заҳматидан халос этди.

Манфаат йўлида тинимсиз ва чексиз ҳамкорлик, ўшалар орасида мен ҳам борман, Мариан дардга чалиниб, ғам-ташвишлар юзага келган дамлардан бошланган.

Ўша пайтда ўта аянчли аҳволда эдик. Персивалга каттагина маблағ зарур бўлиб қолган, вақт тигиз эди. (Ўзим эҳтиёжманд бўлиб турган арзимас пул ҳақида оғиз очмай қўя қолайин). Бирдан-бир умид унинг хотини ҳисобидаги маблағ бўлиб, лекин хотини ҳаётлигида унинг бирор фортингини ҳам ишлата олмасди. Вазият тобора оғирлашарди. Марҳум дўстимнинг ўз

ташвишлари бўлиб, уларни суриштиришга истиҳола қилардим. Масаланинг чуқур илдизини билмасам ҳам, лекин Анна Катерик исмлиқ бир аёл шу атрофда писиб юргани, унинг леди Глайд билан учрашиб тургани, бу эса қандайдир бир сирнинг ошкора бўлиб қолишига сабаб бўлиб қолиши, бунинг оқибатида Персивал ишлари чиппакка чиқиб кетиши эҳтимоли борлигидан хабардор эдим. Анна Катерик топилиб, хотинининг уни ўчирилмагудек бўлса, у ўзини адо бўлган, деб ҳисоблашини ўз оғзи билан менга айтган эди. Агар у адою тамом бўлгудек бўлса, пул масаласидаги манфаатларимиз нима бўлади? Табиатан нечоғлик довюрак бўлмайин, бу фикр мени ларзага солди!

Бутун ақлу идроким Анна Катерикни топишга сафарбар қилинганди. Пул муаммоларимиз, қанчалиқ муҳим бўлмасин, унчалиқ тигиз эмас, лекин Аннани топишни кечиктириб бўлмасди. Мен уни кўрмаган бўлсам ҳам, тавсиф этилишича билардим – юз қиёфаси леди Глайднинг айнан ўзгинаси экан. Қидирилаётган аёлни топиш учун кўмак сифатида менга айтилган бу ғайритабиий тасодиф, кейинча Анна Катерик жиннихонадан қочиб кетган экан, деган қўшимча маълумот қулоғимга чалинган, хаёлан улкан режа тузишимга туртки бўлиб, кейинча ақл бовар қилмайдиган натижаларга олиб келди. Ўша режага биноан, бутунлай бошқа-бошқа икки шахс ўрни алмаштирилиши керак эди. Леди Глайд билан Анна Катерик номлари, турар жойлари ва тақдирлари алмаштирилиши керак эди. Бунинг эвазига нақд ўттиз минг фунд-стерлинг нафъ кўрилиб, сэр Персивал сири бутунлай завол топган бўларди.

Мавжуд вазиятларни ҳар томонлама ўйлаб чиққач, хаёлимда бир туйғу жўш уриб қолди (туйғуларим ҳеч қачон панд бермаган), у ҳам бўлса, ўша кўзга кўринмас Анна эртами-кечми Блэквоутер Паркдаги қайиқхонага келиши муқаррар, деган қарорга келдим. Хўжалиқ ишлари бекаси Миссис Михелсонни мабодо зарур бўлиб қолгудек бўлсам, ўша холироқ жойда ёзув-чизув билан овора бўлишим ҳақида олдиндан огоҳлантириб, ўша ерда қарор топдим. Одатим шуки, зарурат бўлмаса, мавсумий гапларни сир тутиб, одамларни ҳеч қачон ўзимдан шубҳалантириб қўймайман. Миссис Михелсон аввалию охириги кунгача менга ишонган. Бу беозор жувон (протестант роҳиби беваси) бениҳоя кўнгли очик аёл. Шу ёшдаги аёлнинг шунчалар содда ва беозорлиги менга хуш келиб, ўзим ҳам унинг меҳрини қозондим.

Кўлдаги мунтазирлик билан пойлаганларим зое кетмади, ниҳоят, Анна Катерикнинг ўзини бўлмаса ҳам, унга гамхўрлик қилувчи ҳомийсини учратишга мушарраф бўлдим. Бу аёл ҳам бе-ниҳоя содда, очиқ кўнгил экан, уни ҳам худди илгаригисидек кўнглини олиб, ўзимга сирдош қилиб олдим. Менга айтган вазиятларда унга кўрсатган оналарча меҳрибонлиги тафсилоти ва тавсифини (агар, шу вақтгача бу ҳақда оғиз очмаган бўлса) уларнинг ўзларига ҳавола этаман. Анна Катерикка биринчи бор кўзим тушганида – у ухлаётган эди. Ўшанда бу бебахт аёл билан леди Глайднинг беқийс ўхшашлигини кўриб ҳушим бошимдан учди. Бундай ўхшашлик мени руҳлантириб юборган, унинг уйқудаги қийфасига разм солиб, агар шу вақтгача амалга ошириладиган умумий режанинг фақат сарҳадларигина тасаввур қилинган бўлса, энди унинг икир-чикирлари ҳам маълум бўлиб қолганди. Айни вақтда бу бечоранинг азоб-уқубатда ётганини кўргач, раҳм-шафқат туйғуларига тўла юрагим эзилиб кетди. Унинг аҳволини енгиллаштиришга қарор қилдим. Бошқача қилиб айтганда, Анна Катерикни Лондонга жўнатишга тайёрлаш учун уни қувватлантирадиган воситаларни ишга солдим.

Мана шу масалада эътироз билдириб, ачинарли бир нуқсонга чек қўйгим келади.

Ҳаётимнинг жўшқин йиллари қизиқарли тиббий ва кимёвий фанлар мутоалааси билан ўтган. Айниқса, кимё, унинг тубига етганларга чексиз куч-қудрат бахш этишдек жозибаси билан мени ўзига мафтун этарди. Кимёшунослар, бутун масъулиятни ўз зиммамга олганим ҳолда эътироф этишим мумкинки, ирода этсалар, инсоният тақдирини бошқача қилиб юборишлари мумкин. Асосий мавзунини давом эттиришдан аввал мана шу масалани шарҳлаб ўтишга изн бергайсизлар.

Айтишларича, дунёни ақл-идрок бошқаради. Лекин ақл-идрокни нима бошқаради? Жисм (фикрим жараёнини диққат билан кузатинг) ҳукмдорлар ҳукмдори – кимё тасарруфида. Мен – Фоско қўлига илми кимёни тутқазиб қўйинг, Шекспир Гамлет ҳақида бош қотириб, унинг қийфасини ифодалаш учун қўлига қалам олгудек бўлса, унинг кундалик таомига бир неча зарра тушириш билан унинг жисми орқали ақл-идрокини шундай танг қилиб қўяманки, унинг қаламидан чиққан бемаъниликни шу пайтгача қоғоз юзи кўрмаган бўлади. Худди ўшандай шароитда машҳур Ньютонни олдимга ўтказиб қўйсангиз, у бошига тушган олма мисолида ернинг тортишув қонуни каш-

фи у ёқда қолиб, уни еб қўйишига кафолат бераман. Нерога берилган таом, унинг мазасига етгунча, унинг ўзини ювошларнинг ювоши, македониялик Александр нонуштаси эса душман қораси кўриниши биланоқ, уни ҳаётида биринчи дафъа жуфтагини ростлашга ҳозирлаб қўяди. Чин қалбимдан отилиб чиққан муқаддас сўзимни ошкора этгудек бўлсам, инсониятнинг омади бор экан – анқонинг уругидек бахтли тасодиф туфайли, замонавий кимёгарлар энг беозор бандалардан иборат бўлиб қолишган. Уларнинг аксарияти, ўз оилаларининг азиз оталари – дори-дармон савдоси билан банд. Камдан ками нотиқлик овози билан гурурланиб айюҳаннос солувчи, ҳаётини хаёлий сафсаталарга сарфловчи хомхаёл файласуфлару иззат эътибори қадоқларни шиғолашдан нари ўтмайдиган фирибгарлар. Хуллас, кимёнинг чексиз қудрати ўзининг юзаки ва арзимас вазифалари қулига айланиб, инсоният хавф-хатардан қутулиб қолган.

Бўрттириб юборилмадими? Бунчалик баландпарвоз гапларнинг нима ҳожати бор?

Гап шундаки, менинг беғараз ниятларим нотўғри талқин этилиб, бутун фаолиятимга шубҳа билан қаралганди. Гўё мени ўзимнинг кимё соҳасидаги чуқур билимимни Анна Катерикка қарши қўллаган эмишман, иложини топгудек бўлсам, гўё ўша усулимни шахсан мўътабар Марианга нисбатан ҳам қўллаш ниятида эканман. Иккаласи ҳам ўтакетган бемаъни тухмат! Фикру ёдим (бу кейинча яққол кўринади) Анна Катерик ҳаётини асраб қолиш эди. Иложим борича Марианни қалбаки ҳужжатли тўнка даволовчи қўлидан қутқариб олиш пайида парвона бўлардим, ахир, кейинча Лондондан келган шифокорнинг эътирофича ҳам, менинг маслаҳатларим аввалидан тўғри бўлганига ишонч ҳосил қилгандим. Фақат икки воқеълик асносида кимё илмимни ишга солишга тўғри келган, иккаласи ҳам қўлланган шахсларга нисбатан беозор ўтган. Ўшалардан биринчиси: Блэквоутерда (Мариан назаридан пана алоҳида лўмбиллама кабда ўша сафар воситаси ҳаракатини инсон фаолиятидаги сусткашликка қиёслаб, ўшани шеърият андозасида мужассамлаштириш билан овора бўлганимча) уни меҳмонхонага таъқиб этиб борарканман, бебаҳо хотиним кўмагида битта хат нусхасини олишга, кейинроқ эса ардоқли душманним ишдан четлатилган хизматкор қиз орқали хуфия чиқариб юборган иккинчи хат нусхасини ҳам қўлга киритишга муваффақ бўлдим. Кейинги галида хатлар унинг

қўйлаги кўкрак қисми ортига яширилгани учун, мадам Фоско уларни қўлга киритиб, ўқиб, муҳрлаб ва яна қайта ўрнига қўйиш учун илм кўмагига асосланган йўл-йўриқларимдан фойдаланишга – заррача томчи ишлатишга мажбур бўлган. Худди шундай усул иккинчи маротаба (бу ҳақда кейинроқ эслатиб ўтаман) леди Глайд Лондонга келганида қўлланган. Ўзим эришган бу кашфиётимдан бошқа ҳеч қачон ва ҳеч қаерда фойдаланмаганман, ўз кучимга ишонганман. Мушкул аҳвол содир бўлиб, муҳофаза зарурати тугилган пайтлари уларни барҳам этиш учун вазиятга кўра яккама-якка чиққанимда ҳам табиат ато этган кучим ҳеч қачон рақибникидан заиф бўлмаган. Ҳар томонлама вояга етган инсон заковати қудратига қойил қолиб, уни мадҳ этаман. Шу нуқтаи назардан, кимёшуносдан кўра инсон зотини устунроқ деб биламан.

Мана шу хайрли эътироф ҳайқиригига ҳурмат билан қаранг. Ўша туфайли мен анча енгил тортдим. Олга! Давом эттирайлик.

Миссис Клемент (ё Клементс, қайсиси тўғрилигига ишончим йўқ)га Аннани Персивал чангалидан омон сақлашнинг бирдан-бир йўли уни Лондонга кўчириш эканлигини маслаҳат бериб, таклифимни жон деб қабул қилганига ишонч ҳосил қилгач, улар йўлга чиқадиган куни темир йўл бекатида учрашиш вақтини ҳам келишиб олдик. Ниҳоят, уларнинг жўнаб кетишларига ишонч ҳосил қилгач, бемалол уйга қайтиб, бундан кейинги муаммолар олдини олишга киришдим. Дастлабки чорам хотинимнинг чексиз садоқатини ишга солишим зарур эди. Миссис Клементс билан Анна манфаати кўзлангани ҳолда, унинг Лондондаги манзили ҳақида леди Глайдга хабар бериб қўйиши масаласида келишиб қўйгандик. Лекин бунга кўнгил таскин топмасди. Қора ниятли кишилар менинг йўқлигимда содда миссис Клементснинг оқ кўнглига раҳна солиб, уни йўлдан уришлари туфайли, ўз манзили хабарини бермай қолиши эҳтимоли бор эди. Ўшалар жўнаб кетадиган Лондон поездида кимни жўнатсаму, уларни ўз уйларигача зимдан кузатиб борса? Ўзимга-ўзим шу саволни берганимда умр йўлдошим ўша заҳотиёқ жавоб бериб қўя қолди:

– Мадам Фоско-да.

Хотинимнинг Лондонга сафари аниқ бўлгач, бундан икки мақсадни кўзладим. Дард тортиб ётган Марианга ҳам, менга содиқ хизмат қилувчи энага зарур бўлиб қолганди. Бахт кулиб боққанидан, мана шундай ишга лаёқатли, хуфия ишларни ими-жимида

ўрнига қўядиган уддабурон аёллар ичида яккаю яғонаси ўз тасаруфимда хизмат қиларди. Назарда тутилган ўша обрўли аёл мадам Рубелле номига хат ёзиб, хотиним орқали уни Лондондаги хуфия қароргоҳига етказишини мўлжалладим.

Келишилган куни миссис Клементс билан Анна Катерик мени темир йўл бекатида кутиб олишди. Уларни иззат-ҳурмат билан кузатиб қўйдим. Ўша поездда мадам Фоскони ҳам ҳурмати уни ўрнига қўйиб жўнатдим. Ўша куни кечқурун хотиним топшириқларимни ипидан игнасиғача бажариб, Блэквоутерга қайтди. Хотиним мадам Рубелле ҳамроҳлигида қайтганди. У менга миссис Клементснинг Лондондаги манзилдан хабардор қилди. Демак, кўрилган сўнгги эҳтиёт чоранинг ҳожаги ҳам йўқ, миссис Клементс ваъдасига вафо қилиб, ўз манзили ҳақида леди Глайдга хабар берган экан. Ўша хагини, ҳар эҳтимолга қарши, келажакда асқотиб қолиши умидида эҳтиёт қилиб қўйдим.

Ўша куни доктор билан орамизда қисқача суҳбат бўлиб ўтди, инсоннинг муқаддас ҳуқуқини ҳимоя қилиб, хусусан, унинг Марианни даволаш усулига раддия билдирдим. У нодон кишилардек дағаллик қилди. Дилим оғриган бўлса ҳам, жаҳлимни сочиш учун кўнглимдагидек фурсати келиб қолар, деган умидда индамай кўя қолдим.

Блэквоутердан жўнаб кетиш арафасида эдим. Яқинлашаётган воқеликларга тайёргарлик учун Лондонда ўзим учун бир қароргоҳ топиб қўйишим керак эди. Оилавий бир масалада жаноби Фредерик Фэрли билан келишиб олишдек бир зарурат олдимда кўндаланг турарди. Сент Жонз Вуддан кўнглимдагидек уй топдим. Кумберленд, Лиммерижда жаноби Фэрли билан учрашдим.

Марианнинг жаноби Фэрли номига ёзилган мактуби мазмундан, яъни леди Глайднинг оилавий можаролардан бироз таскин топиши учун уни Кумберлендга — ўз уйига таклиф этиши ҳақидаги таклифидан олдинданоқ хабардор бўлиб олганим учун, унинг ҳеч қандай зиёни йўқлиги, аксинча нафи борлиги учун ҳам, уни ўз эгасига етиб боришида тўсқинлик қилмагандим. Марианнинг ўша таклифини (албатта, ўз режамга мослаб) ледининг бетоблиги сабабли бир оз ўзгартирилган ҳолда қўллаб-қувватлаш учун жаноби Фэрли ҳузурида ҳозир бўлдим. Келишувга кўра леди Глайд амакисининг ёзма таклифига биноан Блэквоутердан ёлғиз йўлга чиқиши, сафар давомида бир кеча аммаси-

нинг уйида (Сент Жонс Вуддаги ижарага олинган уйда) истиқомат қилиши лозим эди. Жаноби Фэрли ҳузурига боришимда кўзда тутилган асосий мақсадим ҳам айнан амакисини ўша таклифлари изҳор этиладиган хат йўллашга кўндириш эди. Шу масалада мен мурожаат этган бу жентельмен ҳам жисмонан, ҳам ақлу идроки бўйича заифлиги учун, ўз қатъилигим ва маҳоратимни ишга солишга тўғри келди. Хуллас, келдим, кўрдим, Фэрлини енгдим.

Таклифномани қўлга киритиб, Блэквоутер Паркка қайтганимда манқурт-докторнинг бемаъни даволаши туфайли Мариан ўта оғир аҳволда ётган экан. Безгак терламага айланиб кетибди. Мен сафардан қайтган куни леди Глайд опасига ҳамширалик қилиш учун унинг олдига киришга уринди. У билан орамиздаги ўзаро меҳр-оқибат кўтарилган – мени жосус дейиш билан дилимга озор берганди. У Персивал билан менинг йўлимиздаги улкани ғов эди. Шунга қарамай, қалбимдаги ҳиммат уни касаллик хавфига дучор қилишга қўймасди. Айни вақтда унга бу туйғу учқунини ҳам сездирганим йўқ. Агар Лаура опасининг олдига киришга муваффақ бўлганида эди, имкон қадар сабр билан узлуксиз тўқиётган тугуним вазиятга кўра ечилиб кетиши эҳтимолдан холи эмасди. Яхшиям, докторнинг эътирози билан у хонага киритилмади.

Илгарироқ маслаҳат учун Лондондан доктор чақиртириб қўйган эдим. Таклифим амалга ошди. Лондондан етиб келган доктор ташҳисимни маъқуллади. Марианнинг аҳволи оғир эди. Лекин терлама таҳликасининг бешинчи куни мафтункор беморимиз аҳволи яхшиланиб, шифо топиб кетишига умид тугилди. Шу орада мен бир маротаба Блэквоутердан ташқари чиқиб келдим – эрталабки поезд билан Лондонга бориб, Сент Жонс Вуддаги уйимда сўнгги тайёргарликларни амалга оширдим, миссис Клементснинг у ёқ-бу ёққа кетиб қолмаганидан хабар топдим ва мадам Рубелленинг эри билан бир-икки арзимас масалаларда келишиб олдик. Тунда сафаримдан қайтдим, беш кунлардан кейин Лондондан чақирилган доктор мафтункор Марианимиз хавф-хатар ҳолатидан чиққани, ҳеч қандай дорининг ҳожати йўқлиги, фақат уни парвариш қилиб туриш лозимлигини ошкор қилди. Мен мана шу фурсатни сабрсизлик билан кутаётган эдим. Энди тиббий муолажага ҳожат қолмаганди. Доктор билан зиддиятга бориб, кўзда тутилган мақсадни амалга ошириш йўлидаги дастлабки қадамимни ташладим.

У йўлимда раҳнамолик қиладиган гувоҳларнинг бири бўлиб, уни йўлдан олиб ташлаш керак эди. Орамизда бошланган кескин мунозара (Персивални илгарироқ бу ишга аралашмаслиги ҳақида огоҳлантириб қўйгандим) кўзда тутилган мақсадни амалга оширишда қўл келди. Ўша инсон номини кўтариб юрган ночор аҳволдаги одам зотига ваҳшат билан ташланиб, уни уйдан супуриб ташладим.

Энди хизматкорлардан халос бўлиш навбати келганди. Ахлоқий журъати узлуксиз кучайтирилиб турган Персивални яна огоҳлантириб қўйишга тўғри келди. Бир куни миссис Михелсон вали, неъматидан ҳамма хизматкорларни бўшатиб юбориш ҳақидаги буйруқни эшитиб меърайиб қолди. Уйни, ўз меровлиги туфайли ҳеч нарсага фаҳм-фаросати етмайдиган хизматкор аёлдан ташқари, ҳамма ходимлардан тозаладик. Улардан халос бўлгач, энди миссис Михелсондан фориг бўлишимиз керак эди. Бу масала ҳам осонгина ечила қолди — бу беозор жувонни ўз бекасига чорбоғ тайёрлаш учун денгиз соҳилига жўнатдик.

Хонадонда биз кўзлаган вазият вужудга келганди. Леди Глайд асабий бир аҳволда ўз хонасига тиқилиб қолган, кечалари унга қараб туриш учун (исми ёдимдан кўтарилибди) бақалоқ дастёр қиз ўша хонага тиқиб қўйиларди. Мариан, соғлиғи тез тикланаётганига қарамай, ҳамон кўрпа-ёстиғини тарк этмаган, у билан мадам Рубелле овора эди. Бутун бинода хотиним, ўзим ва Персивалдан бошқа инсон зоти қолмаганди. Биз учун шундай қулай фурсат вужудга келган бир пайтда асосий мақсаднинг иккинчи даврига қадам қўйдим, навбатдаги эҳтиёткорлик амалини бошладим.

Иккинчи даврда кўзда тутилган мақсад леди Глайдни Блаквоутердан опасининг ҳамроҳлигисиз кўчиришга эришиш эди. Аввал уни Мариан Кумберлендга кетиб бўлган, деб ишонтирмай туриб, ўз майли билан уйдан чиқаришнинг иложи йўқ эди. Уни мана шу фикрга ишонч ҳосил қилдириш учун ёқимтой беморимизни Блавоутердаги бинонинг кимсасиз бир бурчагидаги ётоқхонага жойлаштириб қўйдик. Тун қоронғисида мадам Фоско, мадам Рубелле ва ўзим (Персивал бундай ишга беписанд қарай олмаслиги учун, унга ишонч йўқ эди) бу ишни амалга оширдик. Бу тадбир ўта манзарали, пинҳоний ва ҳаяжонли эди. Менинг кўрсатмамга биноан, эрталаб ёғочдан замбилсифат мослама тайёрлаб қўйилганди. Бемор ётган кароват су-

пасини бош ва оёқ томонидан кўтариб, уни оҳистагина мосламага олиб қўйиш кифоя, беморни безовта қилмаёқ уни хоҳлаган жойимизга кўчира олардик. Бу ҳаракатимизда кимё кўмагига ҳожат бўлмаган, қўлланилмаган ҳам. Биз учун ардоқли Марианмиз соғлиги анча тикланиб қолганидан қаттиқ ухларди. Бутун йўл бўйи шамлар ёқилиб, эшиклар ҳам олдиндан очиб қўйилганди. Мен ўзимнинг жисмоний кучим туфайли замбилнинг бош томонини олдим, хотиним билан мадам Рубелле оёқ томонидан кўтаришди. Ўша қадрли, бебаҳо ҳилқатни виждонан авайлаб, оталарча меҳр билан кўтарганимча зиммамдаги вазифамни ҳалоллик билан бажариш пайида бўлдим. Тун ярмида ўтказилган ўша жараённи мўйқалам ифодасида тасвирлаб бера оладиган замонавий Рембрандт топилармикин? Эҳ, санъат бунга ожизлик қилади! Бундай ажабтовур манзара чишиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди! Замонавий Рембрандтни ҳеч ердан топиб бўлмайди.

Келаси куни эрталаб бинонинг одам зоти яшамайдиган бир хилват жойига яширилган Марианни икки-уч кун давомида ўша бемор ёнида қамалиб туришга рози бўлган мадам Рубелле ихтиёрига топшириб, хотиним билан Лондонга жўнаб кетдик. Йўлга чиқиш олдида Персивалга жаноби Фэрлининг ўз жиянини уйига таклиф этиб, йўл-йўлакай, аммасининг Кумберленддаги уйида бир кеча тунаб ўтиши лозимлиги қайд этиб ўтилган хатни топширдим. Унинг фақат мен тавсия этган фурсатда леди Глайдга кўрсатилишини уқтирдим. Персивалдан эса — илгари Анна Катерик даволаниб ётган шифохона адреси билан Персивалнинг ўша шифохона соҳибини қочоқ беморнинг унинг ихтиёрига қайтарилаётганидан хабардор қилиб ёзилган мактубини олиб олдим.

Марказга сўнгги бор келганимда Лондонга дастлабки поезд билан келгунимизча мўътадил қароргоҳимиз рўзғор ками-кўстлари ораста қилиб қўйилишини писанда қилиб кетган эдим. Мана шу оқилона тадбир туфайли айнан ўша кунидек дастуримизнинг учинчи босқичини амалга оширишимиз — Анна Катерикни қўлга олишимиз зарур эди.

Мўлжалланган кундалик ишларнинг ўз вақтида бажарилиши ўта муҳим. Табиатан раҳмдил бўлсам ҳам, айнаи вақтда, ҳар бир ишни дўндирадиган пуркорман. Қачон нима қилиш менга беш панжадек маълум. 1850 йил 24 июл чоршанба куни хотинимни кабга ўтқазиб, дастлабки вазифа — миссис Клементсни йўлдан

олиб ташлаш учун жўнатдим. Буни амалга ошириш учун леди Глайд Лондонга келди, деб хабар бериш кифоя эди. Миссис Клементс кабга ўтқазилиб, олиб кетилган. Йўлда хотиним нималардир харид қилишни баҳона қилиб, кабдан тушиб қолган ва кутилаётган кимсани қабул қилиб олиш учун Сент Жонз Вуддаги уйимизга қайтган. У ердаги дастёрларга кутилаётган кимса «Леди Глайд» деб тавсифланганини қайд этиб ўтишнинг ҳожати ҳам бўлмаса керак.

Ўша вақтнинг ўзидаёқ ўзим леди Глайд кунни миссис Клементс билан биргаликда ўтказиш ниятида уни олиб қолгани, Анна Катерик Ҳемпширда уни сэр Персивал чангалига тушиб қолишдан асраган саховатли жентлмен билан унинг олдида етиб келиши кераклиги, ўша кимса пастда кутаётгани маълум этилган мактубчани олиб, бошқа бир кабга ўтирганимча Анна томон йўлга тушдим. Ўша «саховатли жентлмен» мактубчани бир дастёр бола орқали ичкарига киритиб, ўзим бир-икки эшик четроқда кутиб турди. Анна кўча дарвоза олдида пайдо бўлиб, уни ёпиши олдида жиловдор – ўша бебаҳо инсон каб эшигини очиб турган эди, Анна унга кириши биланоқ отга қамчи босилди.

(Бундай маҳорат ифодасига сўз ожиз. Ажабтовур манзара эди!)

Форест Роуд томон елар эканмиз, ҳамроҳимда ҳеч қандай таҳлика сезилмасди. Хоҳласам, хушомадни шунчалар ўрнига қўярдимки, бошқалар олдимда ип эшолмасди, айна вазиятда эса хушомад устига хушомад қилардим. Унинг ишончини қозониш учун меҳнатимни ҳам сингдириб қўйибман-ку! Мен тайёрлаб берган дори туфайли анча шифо топганди. Уни сэр Персивал хавфидан асраб қолгандим. Мана шу яхшиликларимга ишониб кетганимданми, фаҳм-фаросати ожиз кимсаларнинг нозик туйғуларини ҳис эта олмаганимданми, уйимизга қадам қўйганида ҳафсалам пир бўлиб кетмаслиги чорасини кўришда ожизлик қилиб қолдим. Уни меҳмонхонага бошлаб кирганимда у ерда бегона мадам Фоскодан бошқа ҳеч ким йўқлигини кўргач, гўё кучук кўзига кўринмаган махлуқ исини сезганидек, у ҳам қандайдир хавфдан ҳадиксираб жунбушга келиб кетди. Ваҳоланки, ҳеч қандай сабабсиз, кутилмаганда бундай таҳликага ўрин ҳам йўқ эди. Унга қанчалик таскин беришга уринмайин, нафи бўлмасди. Эҳтимол, унинг таҳлиқкаларига барҳам бериб ҳам қўя олардим, лекин уни анчадан бери азоблаб келаётган юрак хасталиги масаласида ожиз эдим. Шундай шароитда уни тутқаноқ тутиб

қолса бўладими! Ўтакам ёрилиб кетёзди. Ахир, қўлимизда жон таслим этиб қолиши мумкин эди.

Энг яқинимиздаги докторни чақиршига тўғри келди, унга «леди Глайд» муоалажаси учун чақиртирганимизни айтдим. Доктор ўз ишига пухтагина экан, анча енгил тортдим. Беморни унга ақли заиф, васваса дардига учраган, деб таништирдим. Ҳамширанинг ҳожати йўқлиги, бемор ётган хонада хотинимнинг ўзи парваришда бўлиб туришини келишдик. Бебахт аёл шунчалар оғир аҳволда эдики, бирон нарса дея ишнинг пачавасини чиқариб қўймаса, деб таҳлика қилинмаса ҳам бўларди. Фақат бир нарса юрагимни така-пука қилар, у ҳам бўлса, ҳақиқий леди Глайд Лондонга етиб келгунча, сохта леди Глайд оламдан ўтиб қолиши мумкин эди.

Эрталаб мадам Рубеллега мактуб йўллаб ойнинг 26-си, жума куни кечқурун эрининг уйида мен билан учрашишини, бошқа бирини Персивалга жўнатиб, Фэрли жанобларининг жиянига йўллаган таклифномасини хотинига кўрсатиб, Мариан ундан аввалроқ жўнаб кетганига ишонч ҳосил қилдириши ва 26 куни кундузги поезд билан шаҳарга етказиб келишни тайинлагандим. Анна Катерикнинг аҳволи оғирлиги сабабли дилимдан нари кетмай қолган ҳиссиёт леди Глайднинг белгиланган вақтдан олдинроқ келиши зарурлигини тақозо этарди. Айни вақтда жуда мураккаб аҳволга тушиб қолгандим. Лекин янги йўл-йўриқ учун вақт кеч бўлган, қўлимдан нима ҳам келарди? Умидим фақат омаду докторда эди. Ҳаяжонларим нола тўла марсияда ўз ифодасини топаётгандек бўлар, бошқалардан ниманики эшитсам, ўшани «леди Глайд» масаласига боғлай олардим. Ўша унутилмас куни Фоско бошқа ҳеч нарсани идрок этмас, у гўё қуёш тўлалигича тутилиб қолгандек кафанланганди.

Анна тунни безовталиқ билан ўтказиб, ҳолдан тойганича уйғонди, лекин кейинроқ анча ўзига келиб қолди. Бу эса менинг руҳимни ҳам кўтарди. Персивал билан мадам Рубелле жавоблари фақат 26инчида — келаси кун эрталабгина қўлимга тегиши мумкин эди. Агар бирон бир тасодиф юз бериб қолса, топшириқларимни бажаришларини билардим. Леди Глайдни вокзалдан олиб келиш учун чоғроқ кабга буюртма бердим — 26-да соат иккида уйимизга келадиган бўлди. Буюртма қайд дафтарига ёзилганини ўз кўзим билан кўриб, иқрор бўлгач, баъзи бир навбатдаги вазифаларни икир-чикиригача келишиб олиш учун мосье Рубелле

билан учрашдим. Шунингдек, беморнинг ақлдан озганига гувоҳлик берувчи иккита жентельменни ҳам муҳайё қилиб қўйдим. Уларнинг биттаси ўзимнинг танишим, иккинчисини мосье Рубелле танир экан. Иккаласи ҳам зукко кимсалар бўлиб, бидъат ва хурофотдан йироқ эди. Иккаласи ҳам қарздор бўлиб қолганлари туфайли, умидлари менда эди.

Ўз вазифаларимни ўрнига қўйиб, уйга қайтганимда соат бешдан ўтиб қолган, Анна Катерик ҳаётдан кўз юмган экан. У 25-да оламдан ўтган. Леди Глайд эса Лондонга 26-гача етиб кела олмасди.

Нима қилишимни билмай қолгандим. Ўзингиз буни тасаввур қилиб кўринг. Фосконинг боши қотиб қолганди.

Чекинишга ўрин қолмаганди. Уйга қайтганимча доктор ўлим муносабати билан қилинадиган ҳамма расмиятчиликлардан мени халос этиб, Аннанинг 25-да оламдан ўтган кунини аниқ ёздириб ҳам қўйибди. Шу пайтгача улкан дастурим хамирдан қил суғургандек кетган бўлса, мана энди қилдан қийиқ ситгудек вазият юзага келган, 25-да содир бўлган ўша машъум фалокат муддатини ўзгартиришнинг иложи қолмаганди. Лекин мен келажакка мардонавор умид билан кўз тикдим. Ўртада Персивал билан менинг манфаатим кўндаланг турар, қандай бўлмасин, уни ниҳоясига етказишим керак эди. Сабр-бардошимга юз тутганимча ўшани ишга солдим.

26-куни эрталаб Персивалдан хотини кундузги поездда етиб келиши ҳақидаги хатини олдим. Мадам Рубелле ҳам кечқурун етиб келишини маълум қилди. Сохта леди Глайд жасадини уйда қолдириб, ўзим ҳақиқий леди Глайдни соат учда кутиб олиш учун кэбда вокзалга жўнаб кетдим. Анна Катерик уйимга келган чоғида эғнида бўлган либослари мана шу каб ўриндиги остида эди. Ўша либослар айни вақтда ҳаёт кимса тимсолида оламдан ўтиб бўлган марҳумага жон ато этиб, уни юзага чиқаришда кўмаклашишига мўлжалланган эди. Қанчалар фожиавий манзара-а! Ушбу мавзуни Англияда ривож топаётган романнавислар эътиборига ҳавола этаман. Мазкур мавзуни фаранглар диёрида сийқаси чиққан драмалардан нари ўтмайдиган драматурглар учун бутунлай янги бир йўналиш сифатида тавсия этаман.

Ниҳоят леди Глайд ҳам етиб келди. Вокзалга тўлиб-тошган оломон, шов-шувлар туфайли унинг юklarини олишни ҳам анча кечиктирди, унинг танишлари учраб қолмасайди, деб жоним порт

эди. У ердан йўлга чиқишимиз биланоқ леди Глайд опасининг саломатлигини суриштирди. Уни тинчлантириш учун иложим борича лоф уришга тўғри келди, опаси билан менинг уйимда учрашишига ишонтирдим. Фақат мана шу галга мўлжалланган уйни Тайкестер Сквери яқинида бўлиб, мосье Рубелле ихтиёрида эди, бизни ҳам ўша киши кутиб олди.

Меҳмонимни иккинчи қаватнинг орқа хоналаридан бирига олиб чиқдим, айна вақт пастда менинг мўлжалимда тайинланган икки тиббий жентельмен меҳмонни кўздан ўтказиб, қўлимга гувоҳнома беришга тайёр туришарди. Леди Глайдни опаси масаласида кўнглини обдон тўқлаб қўйгач, тиббий дўстларимни алоҳида бирин-кетин таништирдим. Улар зарурий расмиятчилик анъаналарини қисқача, оқилона ва кўнгилдагидек қилишди-қўйишди. Улар чиқиб кетишгач яна қайта хонага кирдим ва бечорага мисс Голкоумбнинг оғир аҳволи ҳақида хабар етказиш билан воқелик жараёнини тезлаштирдик.

Натижа кўнгилдагидек бўлди. Леди Глайд талвасага тушиб, ўзидан кетди. Бу унинг иккинчи ва сўнгги беҳушлиги эди. Шу ондаёқ фанни ишга солдим. Бир финжон доривор сув билан бир шишача доривор туз упаси унинг ҳайратомуз тўс-тўполонларию маш-машаларидан халос этди. Ўшалардан иборат кечки ҳапдори уни қаттиқ ухлатиб, тунни ором билан ўтказишида қўл келди. Мадам Рубелле ўз вақтида ҳозир бўлиб, унинг эгнидаги либосларини ечиб, ўша кечаёқ улар ўз манзилига етказилди. Анна Катерикнинг либослари эса эрталаб беозор Рубелленинг оналарча меҳрибонлиги билан анъанавий эҳтиром ила унга кийдирилди. Тиббий дўстларимнинг моҳир қўллари туфайли уни васвасахонага жойлаштириш масаласида ҳужжатлар мен мўлжаллагандан ҳам илгарироқ муҳайё қилингунича беморни бутун кун бўйи ярим беҳуш ҳолатида тутиб туришимга тўғри келди. 27 июль кечқурун мадам Рубелле билан мен ҳаётга қайтиб келган Анна Катерикни васвасахонага элтиб қўйдик. Уни беинтиҳо ажабланиб кутиб олишган бўлсалар ҳам, лекин икки тиббий мутахассис гувоҳлиги, Персивал мактуби, ўта ўхшашлик, либослари ва унинг ақл-идрокида кўриниб турган вақтинча заифлик ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмаганди. Ҳақиқий леди Глайд устибошларию юклари менинг қўлимда бўлган учун ҳам, сохта леди Глайд дафн маросимини уюштириш учун зудлик билан мадам Фоско ҳузурига қайтдим. Либос ва юklar марҳум жасади билан Кумберлендга юборилди, дафн маросимида ишлатилди. Мен ўзим

обрў-эйтиборимга яраша мотам либосларига бурканганимча дафн маросимида иштирок этдим.

Фавқулоддаги бир вазиятда ёзилган мазкур муҳим воқеликлар ҳақидаги ҳисоботим шу билан ўз ниҳоясига етди. Лим-мериж-Хаусга алоқадор масалаларда тутган эҳтиёткорлик чораларим, шунингдек, олдинга қўйилган ўта мураккаб масъулиятнинг қанчалар муваффақият билан якунлангани ва шу туфайли мўмай даромад қўлга киритилгани энди маълум. Эйтиборингизга ишончим комиллиги билан шуни ҳам ҳавола этиб ўтайки, агар қалбимда андак заифлик намоён бўлмаганида эди, қилмишларимдан заррачаси ҳам ҳеч қачон ошкора бўлмаган бўлар эди. Мариан синглисининг тутқунликдан қочишига эришганида фақат ўша аёлга нисбатан машъум мафтункорлик ҳиссиётим сабаблигина ўзимни жар ёқасида қолдириб, тегишли чора кўрмаганман. Леди Глайд шахсияти бутунлай барбод бўлганига ишончим комил эди, шунинг учун ҳам ўша камчиликка кўз юмгандим. Мабодо Мариан билан Ҳартрайт леди Глайд шахсиятини тиклаш учун расмиятчиликка қўл ургудек бўлсалар, улар гаразларига етишиш учун ўтакетган қаллобликда гумонга олиниб, ҳеч ким уларга ишонмаган бўлар, на менинг манфаатларимга путур етказа олар ва на Персивал сирини оммавий ошкора эта олишарди. Шунинг учун ҳам, таваккал қилиб, уларнинг ҳаракатларига кўз юмиб, аралашмагандим. Ўзбилармонлик қилиб, мана шундай имкониятларни бой беришим дастлабки хатоим эди. Персивал ўз елўпкалигию саркашлиги қурбони бўлиб кетгач, афсус ва надоматлар бўлсинки, леди Глайднинг қайта жиннихонага тушишидан халос бўлиб қолиши, Ҳартрайт жанобларининг эса қамзимдан чиқариб юборилишига йўл қўйиш билан иккинчи хатоимни содир этдим. Қисқаси, мана шу масъулиятли дамда Фоско ўзига ўзи бевафолик қилди. Бу кечирилмас, феъл-атворимга ёт хато эди. Мазкур хатолик илдизи қалбимнинг энг тубида – Мариан Ҳалкомб тимсолида, Фоско ҳаётидаги илк ва сўнгги ожизлигида эди!

Олтмиш йиллик балоғат ёшимда беқиёс бир воқеликни тан олиб турибман. Йигитлар! Менга раҳмингиз келсин! Қизлар! Кўз ёшларингизни дариг тутманг!

Сўнгги сўзим, ана ўшандан кейин менга кўз-қулоқ бўлиб турган китобхонлар эйтибори ўз холига қўйилади.

Тафаккур салоҳиятим далолатига кенг мушоҳадали кишилар

хаёлида учта савол туғилиши муқаррар. Ўша саволларга жавоб аниқ маълумотлар берилади.

Биринчи савол. Мадам Фосконинг энг ваҳшатли истакларим ижросида ҳам менга садоқатда бўлиб, улкан режаларимнинг амалга ошишида ҳамдам бўлгани сири нимада? Бу савол жавобини шунчаки ўз феъли-атворимга боғлаб, ўзим ҳам савол ташлаш билангина уни очиқ-ойдин қилиб қўя қолишим мумкин. Дунё тарихида ва қаерида мен тоифа бирон кимса топиладики, унинг ҳаёт кундасига ўз бошини қўйган аёлга суянган бўлмасин? Ахир, ушбу сатрларни Англияда ёзиб турганим ёдимда, Англияда уйланганим ёдимда, шундай бўлгач, савол туғилади: бу мамлакат қонунига биноан аёл киши турмушга чиққач у ўз эри йўл-йўриқларидан чиққудек, ўз мустақил фикрига эгалик имкониятларига эга бўла оладими? Йўқ! Қонун уларни ўз эрини севиш, ҳурмат қилиш ва бўйсунушига мажбур этади. Менинг хотиним ҳам мана шу қоидаларга тўла риоя қилган. Бу масалада мен олий одоб-ахлоқ даражасидаман ва тантанавор ошкора этаманки, мадам Фоско ўз никоҳ вазифасини андозадагидек ижро этган. Бўхтонга ўрин йўқ! Англия аёллари, мадам Фоского ҳавас билан қаранг!

Иккинчи савол. Мабодо Анна Катерик ўз ажали билан оламдан ўтмаганида, нима қилган бўлардим? Бундай ҳолатда ўша силласи қуриган хилқатнинг умрбод ором топишига ёрдамлашган бўлардим. Умр бўйи тутқунлиқ эшикларини очиб, ақлан ва жисмонан шифо топиши иложи қолмаган асиранинг ўз интиҳосига етишига имкон берардим.

Учинчи савол. Бутун вазиятлар меъёрида тафтиш қилингудек бўлса, менинг иштирокимда тилга олгудек айб борми? Мутлақо айбим йўқ! Ахир ноўрин жиноятга қўл уришдек шармандалиқдан юз ўгириб, ўзимни эҳтиёткорона четга олмаганмидим? Кимё соҳасидаги мукамал салоҳиятим ва имкониятларимни ишга солиб леди Глайд ҳаётини поймол этиб қўя қолиш мен учун ҳеч гап эмас эди-ку! Ўзим учун. Нечоғлик қутилмаган вазият кўндаланг бўлиши, шахсий ҳаётимни хавф остида қолдириб бўлса ҳам, ихтирочилик қобилиятим, дилимдаги инсонпарварлик ҳиссиёти ва ўз хавфсизлигим амри билан иш тутиб, унинг жонига чанг солмасдан, номинигина олиб қўя қолдим. Нималар қилишга қодир эканлигимни назарда тутиб, устимдан ҳукм чиқаринг. Қилган амалларимга қараб ҳукм чиқаринг, нисбий беозорлигим ва қанчалар поклигим ошкора бўлади!

Ушбу ҳикоя бошланишидаёқ уни муҳим бир ҳужжат сифатида тилга олганман. У кўзда тутган ҳамма мўлжалларимга тўла жавоб беради. Ушбу оташин сатрларимни мен бутунлай тарқ этаётган мамлакатга қолдираётган сўнгги инъомим сифатида қабул этгайсизлар. Улар содир бўлган воқелик тафсилоти сифатида ва яна кўпгина ... муҳимдир.

Фоско

ҲИКОЯНИ ВАЛТЕР ҲАРТРАЙТ ЯКУНЛАЙДИ

Граф қўлёзмасининг сўнгги варағини ёпганимда Форест Роудда туришим шартлашилган ярим соатлик муддат ҳам ниҳоясига етган эди. Мосье Рубелле соатига қараб, менга таъзим қилиб қўйди. Шу ондаёқ ўрнимдан қўзғалиб, Фоско вакилидан бошқа ҳеч ким қолмаган кимсасиз уйдан жўнаб кетдим. Кейин уни ҳеч қачон кўрмадим, на унинг ўзи ва на хотини ҳақида ҳеч қачон ҳеч нарса қулоғимга чалинмади. Улар фирибгарлик ва жинойт макон тутган ҳилватгоҳлар сирли сўқмоқларидан қандай ҳуфиёна чиқиб келишган бўлсалар, йўлимизни кесиб ўтиб, яна ўша ҳилватгоҳларда ҳуфиёна кўздан гойиб бўлдилар.

Форест Роуддан йўлга чиқиб, чорак соатдан кейиноқ уйга етиб келдим.

Лаура билан Марианни уч-тўрт оғиз сўз биланоқ ўзимни таваккал дарёсига отиб, нималарга эришганимдан хабардор қилдим, яқин орада бизларни нималар кутаётганидан огоҳлантирдим. Воқелик тафсилотларидан тўла хабардор қилишни ўша куни оқшомига қолдириб, граф Фоско Лаурани вокзалда кутиб олиш ниятида капалак ёллаш учун мурожаат этган шахс билан учрашиш умидида яна Сент Жонз Вудга йўл олдим.

Граф томонидан берилган манзил бўйича Форест Роуддан чорак милл масофадаги карвон саройга етиб бордим. Унинг мутасаддиси анча ёшга бориб қолган мулойимгина киши экан. Муҳим оилавий масала юзасидан унга мурожаат этишга мажбур бўлганим, мени қизиқтирган ойнанинг аниқ бир кунини фақат уларнинг қайд дафтаридан белгилаб олишим мумкинлигини айтганимда ҳеч қандай эътироз билдирмаёқ илтимосимни амалга ошириш ҳаракатига тушди. Қайд дафтари келтирилди. Унинг 1850 й. 26 июль кунги бўюртмаларнинг бири қуйидагича ифодаланганди:

«Граф Фоскога ёпиқ файтон. Форест Роуд 5, соат иккига (Жон Овен)»

Менга айтишларича, Жон Овен ўша куни файтонга жилвдорлик қилган экан. Илтимосимга кўра, айти вақтда карвонсаройда бўлган ўша жилвдор ҳузуримга чақиртирилди.

– Ўтган йили июлида сиз Бешинчи Фоурест Роуддан Ватер-

лоо Бриж бекатига олиб борган бир жентлменни эслай оласизми? – ундан сўрадим.

– Ий-йе, сэр, — деди жиловдор. — Аниқ эслайман дея олмасам керак.

– Эҳтимол, ўша жентлменнинг ўзини эсларсиз? Ўтган йили куз фаслида ўта бақалоқ, новча бир хорижий ўтирган.

Жиловдорнинг юзи анча ёришгандай бўлди.

– Уни эсладим, сэр! Кўзим тушган жентлменларнинг энг бақалоғи, файтонимга ўтирган йўловчиларнинг энг залворлиси. Эсладим, эсладим, кўз ўнгимга келди, сэр! Вокзалга борган эдик. Форест Роуддан йўлга чиққанмиз. Деразасида тўти қушми ёки шу тақлид бир нима вижирлаб сайраётган эди. Ўша жентлмен леди юklarини олиш учун ўлим талвасасига тушиб қолгандек ошиқарди, сандиқларини зудлик билан олиб, гайрат қилганим учун чойчақани ҳам аямаганди.

Сандиқларини зудлик билан олиб! Шу дамдаёқ Лаураининг ўз оғзидан эшитилган сўзлари — Лондонга етиб келганида граф Фоско вокзалга ўзи билан олиб келган бир киши унинг юklarини ташиб беришда кўмаклашгани ёдимга тушди. Ўша кимса мана шу экан.

– Ледини кўрганмисиз? — ундан сўрадим. — Кўриниши қандай эди? Ёшмиди ёки қари?

– Саволингизга жавоб бергудек бўлсам, сэр, атрофимизда тиқилинч оломон, ит эгасини тунимасди. Ледининг қиёфаси ҳақида бирон нарса дейишим мушкул. Уларнинг номидан бошқа ҳеч нарса эсимда қолмаган.

– Исми ёдингиздами?

– Ёдимда, сэр. Исмлари леди Глайд эди.

– Уларнинг қиёфаси ёдингиздан кўтарилган бўлсаю, исми қандай ёдингизда қолади?

Жиловдор жилмайиб, андак хижолат чеккандек, ўз залворини бир оёғидан иккинчисига олди.

– Нега дейсизми, сизга тўғриси айтсам, сэр, — деди у. — ўша вақтда уйланганимга ҳали кўп вақт ҳам бўлмаганди. Қаллигимнинг исми шарифлари, менинг исми шарифимга ўтишига қадар, ўша леди номи билан бир хил Глайд экан, сэр. Бу номни ўша леди ўз тили билан айтган. «Сандиқлар устида сизнинг исмингиз қайд этилганми, мадам?» — деганман мен.

– «Шундай», — деган у. — «Юким юзида менинг исмим, леди Глайд».

– Жуда соз! – дейман ўзимга ўзим. – Умуман олганда, казо-казолар исмларига хотирам анча нўноқроқ, лекин мана шу ном негадир, ўз қадрдонимникидек ёдимда қолган. Ўша вақт ҳақида бирон нарса дея олмайман, сэр, бир йил бурунроқмиди ёки камроқ. Лекин бақалоқ жентлмен билан ўша леди номи масаласида қасамёд этишим мумкин.

Унинг ўша вақтни эшлаганининг ҳожати ҳам йўқ, улар валинеъ-мати қайд дафтарида аниқ кўрсатилган эди. Аниқ воқелик далилу исботлари қўлимда эканини сездим, энди ўшаларга таяниб бир зарба билан бутун фитна илдизига болта урсам бўларди. Ҳеч иккиланмай, карвонсарой соҳибини чеккага тортиб, унинг қайд дафтари билан жиловдор гувоҳлиги қанчалик ҳаётий аҳамият касб этишини тушунтирдим. Зарурат туфайли жиловдор гувоҳлиги учун уни вақтинча ишдан қўйгудек бўлсам, бунинг чиқимини тўлашга розилик билдириб, осонлик билан келишиб ҳам олдик, қайд дафтаридаги маълумотдан нусха кўчириб, унинг ҳаққонийлигини соҳиб имзоси билан тасдиқлатиб олдим. Вазият талабига кўра Жон Овен келгуси уч-тўрт кун ичи менинг ихтиёримда бўлишидан уни огоҳлантириб, карвонсаройдан жўнаб кетдим.

Энди керакли ҳужжатларнинг ҳаммаси – вилоят тиббий идорасининг ўлим ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, сэр Персивалнинг графга ёзилиб, ой ва куни кўрсатилган хати ён дафтаримда нақд эди.

Мана шу ёзма далилларга суяниб, ва жиловдорнинг ҳозиргина айтган сўзлари қулоғимдан нари кетмай, суриштириш сарсонгарчилигидан кейин биринчи маротаба Кирл жаноблари маҳкамаси томон йўл олдим. Унинг ҳузурига қилинадиган бу иккинчи ташрифимдан мақсад, аввало, нима қилганларим ҳақида унга ҳисобот бериш, иккинчидан, келаси куни эрталаб хотинимни Лиммерижга олиб бориб, уни амакиси уйида кенг жамоа иштирокида тан олинишига эришиш мақсадимдан огоҳлантириб қўйиш эди. Гилмор жаноблари таътилда экан, Кирл жаноблари ушбу оила билан алоқадами – йўқми, бундан қатъи назар, мазкур маросимда унинг оила манфаати ҳимоясида қатнашишини унинг ўз ихтиёрига ҳавола этдим.

Тергов фаолиятининг бошидан охиригача ўзимни ўзим қандай тутганимни эшитиб Кирл жанобларининг нечоғлик таажжублангани, ўртадаги шартлар ҳақида оғиз очмай қўя қоламан. Унинг қутилмаганда биз билан Кумберленд сафарига отланиб қолганини эслатиб ўтиш зарурдек кўринади.

Келаси куни тонгги поезд билан йўлга тушдик. Лаура, Мариан, Кирл жаноблари билан мен бир вагонда, Жон Овен билан Кирл жаноблари маҳкамасидан бир ходим бошқа вагонда жойлашдик. Лиммериж бекатига етгач, аввал Тоддлар бурчагидаги дала ҳовлига йўл олдик. Менинг қатъи қарорим бўйича Лаура амасисининг уйига кенг жамоат томонидан Фэрли жанобларининг жияни сифатида тан олингани ҳолдагина кириб бориши лозим эди. Миссис Тод Кумберлендга қилган сафаримиз мақсадидан огоҳ бўлгач, саросимага тушиб қолди. Ўша саховатли аёл ўзига келгач, у билан тунги оромгоҳ масаласида гаплашишни Марианга топшириб, ўзим эса унинг эри билан Жон Овеннинг ферма хизматидагилар билан қолишини келишиб олдим. Мана шу ташкилий ишлар барҳам топгач, Кирл жаноблари билан биргаликда Лиммериж Ҳаусга йўл олдик.

Фэрли жаноблари билан орамизда ўтган суҳбатимизни батафсил ёзишга журъат ҳам эта олмайман, буни шунчаки хаёлга келтиришнинг ўзи оғир — кўнгилни хира, дилни вайрон этади. Ўша манзара кўз ўнгимга келгудек, эслагудек бўлсам, нафратим ошиб, тугёнга келиб кетаман. Шунинг учун ҳам ўз мақсадимни қандай амалга оширганимни шунчаки эслатиб ўтишни афзал кўрдим. Фэрли жаноблари бизни, одатдагидек, инжиқлиги билан қабул қилишга уринди. Суҳбат жараёнидаги унинг мулойим, беозор сўзларига эътибор бермадик. Кейин фитнес фаоллиги бўлгач, бошига офат тушгандек бўлганини тушунтиришга уринганига ҳам парво қилмадик. Ниҳоят у инжиқ боладек нолиб, минғирлашга тушди. «Жиянининг ўлганини хабар қилишганида унинг ҳаётлигини кўнгли сезгани»ни айтиб минғирлади. Агар биз унинг ўзини ўнглаб олишига имконият бергудек бўлсак, азиз Лаурани жон деб ўз бағрига олишини айтди. Биз уни ўлим шарбатини ичиб тургандек, бир ҳолда эди, деб ўйлаганмидик? Йўқ, асло! Лекин уни шошилтиришнинг нима ҳожати бор эди? Гап шундаки, уни шахдидан қайтаришнинг ўзи бўлгани йўқ. Унинг олдига эҳтимол тугилган аниқ икки шартдан бирини танлашини қўймагунимча у турли найранглар билан эътирозини давом эттираверди. Мен уни шартимга кўра жиянини тан олишга ёки Лауранинг ҳақиқатан ҳам ҳаётлигини қонун маҳкамаси олдида кенг жамоа иштирокида исботлашга мажбур бўлишимни кўндаланг қўйдим. У ёрдам умидида мурожаат этган Кирл жаноблари масала шу ерда ва ўша ондаёқ ҳал этилиши зарурлигини очиқ айтди. Вазият уни бу муаммодан тезроқ қутулиш йўли-

ни танлашга мажбур этди. Кутилмаганда у тетиклашиб, бундай мусибатга ортиқча бардош бера олмаслиги, нимани эп кўргудек бўлсак, ўшани қилишимизга розилик билдирди.

Кирл жаноблари билан мен шу ондаёқ пастга тушиб, сохта дафн маросимида қатнашган Лиммериж аҳлига Фэрли жаноблари номидан хат ёзиб, уларни келаси куни соат бирда Лиммериж Хаусда йиғилишларини келишиб олдик. Карлистлдаги сангтарошлик ширкатига ҳам хат ёзилиб, ўша куни қабр лавҳасини ўчириш учун Лиммериж қабристонига уста юборишлари сўраладиган бўлди. Лиммериж Хаусда тунаши мўлжалланган Кирл жаноблари Фэрли жанобларини мазкур хатлар мазмуни билан таништириб, унинг шахсий имзосини қўйдириши лозим эди.

Куннинг қолган қисмини мен фермада фитнес аниқ тафсилотини ёзиш ва Лауранинг ўлимига алоқадор зиддиятли воқеликларни унга асос сифатида мужассамлаштириш билан овора бўлдим. Буларни келаси куни тўпланадиган ҳамюртлар олдида ошкора этиш олдидан Кирл жаноблари эътиборига ҳавола этдим. Ҳисобот ўқилгач, ҳақиқатни ойдинлаштириш учун далил ва исботлар келтириш тартибини ҳам келишиб олдик. Бу масалалар ҳал этилгач, Кирл жаноблари Лауранинг мероси устида гап очиб қолди. Мерос масаласидан хабардор бўлсам ҳам, бу ҳақда сўз юритиш дилимга сигмаганидан, хотинимнинг ҳаётий манфаати — мерос масаласини мадам Фоско ихтиёрида қолдириш ҳақидаги фикримни бу масалани беш панжасидек билган Кирлнинг маъқуллашига ақлим етмасди. Шунинг учун ҳам бу ҳақда оғиз очмай қўя қолайлик, деб ундан узр сўрадим. Агар унга очигини айтгудек бўлсам, бу масала бошимиздан ўтган қанчадан қанча қулфату азоб-уқубатларга боғлиқ, буларни эслашнинг мутлақо ҳожати йўқ, бошқаларга ошкора этиш ўринсиз эди.

Кун ниҳоясига еткан, менинг сўнгги вазифам қабр тошига ёзилган сохта лавҳа ўчириб ташлангунча ундан нусха кўчириб қўйиш эди.

Ниҳоят Лаура Лиммериж Хаусдаги ўз бошпанаси меҳмонхонасига қадам қўядиган кун ҳам етиб келди. Мариан билан мен уни ичкарига олиб кирганимизда тўпланганларнинг ҳаммалари ўринларидан туриб кетишди. Унга кўзлари тушиши биланоқ ҳаммалари ҳайратга тушиб, меърайиб қолишди, кейин ўзаро висир-висирлар бошланди. Менинг қатъи талабимга кўра Фэрли жаноблари ҳам тўпланганлар орасида ҳозир бўлган эди. Унинг ёнида

Кирл жаноблари, орқасида эса шахсий мулозими бир қўлида бурунаки туз упаси солинган шишача, иккинчисида эса одеколонга оппоқ рўмолча тутганича туришарди.

Йиғилганлар олдидаги дастлабки сўзимни Фэрли жанобларига мурожаатим билан бошлаб, уларнинг номи ва иродаси билан иш тутаётганимни эътироф этиб қўйишидан бошладим. У икки билагини кўтариб, Кирл билан шахсий мулозимига қўлтиқ тутди. Ўшалар кўмагида оёққа туриб, фикрини изҳор этди:

– Ҳузурингизда Ҳартрайт жаноблари. Каминалари ҳар қачонгидек беҳад нотавонлигим учун улар менинг номимдан сўзлаб, мени бу мушкул аҳволдан халос этадилар. Мавзу ўта аянчли ва гулгулали. Марҳамат, уларнинг сўзларини эшитинглар, фақат шовқинга йўл қўйилмасин!

Ўша сўзлардан кейин у оҳистагина яна ўз креслосига қайта сингиб, намланган рўмолчаси ортида ғойиб бўлди.

Фитнанинг фош этилиши, аввало, қисқача ва аниқ ифодаланган изоҳларимдан кейин бошланди. Бу ерга келишимдан мақсад, аввало, ёнимда ўтирган хотиним сўнгги Филип Фэрли жанобларининг қизи экани, иккинчидан, улар Лиммериж черкови қабристонида дафн этган майит аниқ далилларга кўра бутунлай бошқа бир аёл бўлгани, учинчидан, мана шу жараён қандай содир бўлганини йиғилганларга маълум этиб қўйиш эканини эълон қилдим. Ўшандан кейин ҳеч қандай кириш сўзига ўрин қолдирмаёқ фитнанинг фош этилиши ҳақидаги ҳикояни ўқишга тутиндим. Воқеликлар сарҳадларини аниқ ифодалашга уриндим, фитна асосида моддий манфаат ётганини урғуладим. Ҳикоямни сэр Персивал сири билан чигалаштирмасликка ҳаракат қилдим. Шуларни ниҳоясига етказгач, йиғилганлар эътиборини черков қабристони тошидаги лавҳа (ойнинг 25-куни)га жалб этдим. Ўлим ҳақидаги гувоҳномани кўрсатиб, ҳақиқий ўлим фурсатини далилладим. Кейин сэр Персивалнинг ойнинг 25-куни битилиб, қаллигимнинг Хемпширдан Лондонга жўнаш муддати 26-кунига белгилангани изҳор этилган мактубини ўқиб бердим. Сўнг ёпиқ маофанинг шахсий гувоҳлиги билан ўша сафар қачон содир бўлганини кўрсатдим. Леди сафари муддатини Лондон карвонсаройи қайд дафтарида ёзилиб қўйилгани билан исботладим. Мариан эса Лаура билан васвасахонада учрашгани ва синглизининг у ердан қочирилиши ҳақида гапирди. Сэр Персивал ўлимида иштирок этганлар ва ўзимнинг уйланганимни маълум этиб, мажлисни якунладим.

Сўзимни якунлаб ўз ўрнимга ўтиргач, Кирл жаноблари ўрнидан кўзголиб, оиланинг адлия маслаҳатчиси сифатида сўзлаб, мен фош этган фитна гувоҳлар кўрсатмаси билан тўла исботлангани, бунақасини ҳаётида биринчи маротаба эшитаетганини баён этди. Унинг мана шу сўзлари баралла янграг экан, мен Лаурани кучиб, уни ўша ерда ҳозир бўлганлар кўзига яққол ташланиши учун баланд кўтариб, улар томон уч-тўрт қадам ташлаб, қаллигимга ишора қилганимча:

– Ҳаммангиз шу фикрдамисиз? – баралла савол ташладим.

Саволим натижасини тасаввур этиш қийин. Ҳамма жунбушга келганди. Хона пойгасида ўтирган ёши энг улуг қария ҳамюртлардан бири ўрнидан шартта туриб, бошқаларнинг ҳам туриб кетишларига сабаб бўлди. Ҳозир бугдой ранг, сочлари қўрғошиндек тобланган ўша нуроний кимсанинг дераза ўриндигига чиқиб, дагал қамчисини боши атрофида айлантирганича ҳайқиргани кўз ўнгимдан ўтиб турибди:

– Унинг айнан ўзи, ҳаёт ва соғлом!

Парвардигор уни ўзи асрасин!

Унга мадҳу сано айтинг, йигитлар, қизлар!

Мадҳу сано айтинг, мунис кибриёлар!

Унинг даъватига жавобан оломон гулдуриси қайта ва қайта янгради, бу эса менинг қулогимда янграган энг оромбахш муסיқа эди. Бино йўлаги атрофида тўпланган қишлоқ заҳматкашлари билан мактаб болалари табрикка жўр бўлдилар, унинг садоси ичкарида акс этарди. Фермерлар аёллари Лаура атрофида уймаланишиб, у билан қўл олишиб табриклашга ошиқишиб, уни юпатишгани ҳолда ўзлари қувонч кўз ёшларини тўкишарди. Лаура бунчалар иззат-эҳтиромдан тўлқинланиб, ҳолдан тойганидан, уни табрикловчилар орасидан олиб чиқишга мажбур бўлдим. Эшик олдида уни Мариан ихтиёрига топширдим. У ҳеч қачон умидимизни пучга чиқармаган, унинг сабр-тоқату матонатига бу гал ҳам ишончимиз комил эди. Ўзим эшик ёнида турганимча Лаура ва ўзим номимдан келганларнинг ҳаммасига миннатдорлик билдириб, уларни ибодатхона қабристонига мен билан бирга бориб, қабр тошидаги сохта лавҳани ўз кўзлари билан кўришни таклиф этдим.

Уларнинг ҳаммаси қабристон томон йўл олиб, сангтарошлик фирмаси устаси кутаётган қабр атрофида тўпланишди. Атроф чуқур сукунатга чўмди, мрамар устида пўлат ускунанинг дастлабки

зарбаси қулоққа чалинди. «Лаура, леди Глайд» сўзлари кўздан гойиб бўлгунча бирон кимса миқ этмади, ҳеч ким ўрнидан жилмади. Ниҳоят иш якунлангач, ҳамма ҳомуза тортиб, енгиллашгандай бўлди, гўё фитнанинг сўнгги кишанларини Лауранинг ўзи парчалаб ташлади ва оломон аста тарқала бошлади. Лавҳанинг қолган кераксиз қисми ҳам йўқотилгунча кун ҳам анча кеч бўлиб қолди. Иш ниҳоясига етиб, сўнгги сатр ўз ўрнида қолди: «Анна Катерик. 1850. 25 июль».

Кирл жанобларини кузатиб қўйиш учун Лиммериж Хаусга ўша оқшом эртароқ қайтишга ҳаракат қилдим. Кирл жаноблари, унинг ходими ва ёпиқ маофа жиловдори тунги поезд билан Лондонга қайтиб кетишди. Улар жўнаб кетишлари биланоқ Фэрли жанобларининг кўполдан-кўпол номаси кўлимга тегди (ҳамюртларга мурожаат этганимда бунга жавобан дастлабки ҳамжиҳатлик қийқириғи янграганда унинг ҳафсаласи пир бўлиб чиқиб кетгани) ўз номасида у бизларга «Фэрли жанобларининг беҳад табрикларини йўллаб», «бу хонадонни қароргоҳ тутишимиз якунига етган-етмаганини» суриштирибди. Унга йўллаган жавобимда эшикларидан киришга мажбур этган мақсадимизга эришганимизни мен бирон кимсанинг эмас, балки ўз уйимда қарор топишга барҳам берганимни, Фэрли жаноблари бизни кузатиб қўйиш ёки биз ҳақимизда бирон нарса эшитиш борасида заррача ташвиш тортишининг ҳожати йўқлигини изҳор этдим. Ўша кеча ором олиш учун яна Тоддлар фермасидаги дўстларимиз ёнига қайтиб, эртаси куни тонгида бутун қишлоқ аҳли, яқин атрофдаги фермерлар ҳамроҳлигида вокзалга келиб, бир-бировларимизга чин кўнгилдан омадлар тилаганимизча хайрлашиб Лондонга жўнаб кетдик.

Кумберленд қир-адирлари манзараси тобора кўздан узоқлашиб хира тортаркан, содир бўлиб ўтган, энди эса якунига етиб ортда қолган воқеликларнинг дастлабки тушкун вазиятлари ҳақида ўйлардим. Энди орқага назар ташлаб, йўқсиллигимиз туфайли бегоналар кўмагига умид боғламай, ўз кучимизни ишга солиб, бевосита зафар қучганимизни кўриш ажабтовур кўринарди. Агар давлатманд бўлиб, қонун кўмақларига мурожаат этгудек бўлганимизда, бунинг натижаси нима бўларди? Кирл жанобларининг сўзларига қараганда, мижаронинг ютуқ билан якунланишига умид тутилмаса ҳам бўлар, воқеликларнинг содир бўлишига кўра, умидимизнинг барбод бўлиши тайин эди. Қонун миссис Катерик билан суҳбатлашимизга ҳеч қачон йўл

қўймаган бўларди. Қонун Пескани ҳеч қачон графни тавбасига таянтира оладиган кучга айлантириб қўя олмасди.

II

Ушбу ҳикояни поёнига етказиш учун унинг воқелик занжирига яна икки халқа киритишга тўғри келади.

Ўтмиш ҳаётимизнинг оғир кулфатларидан кейин янги эркин ҳаёт гаштига ҳали кўникиб улгурмасимизданоқ, менга дастлаб ёғоч наққошлиги бўйича буюртма берган бир дўстим ўз гамхўрлигини аямай, илтимос юзасидан мурожаат қилиб қолди. Валинеъмати уни Парижга бориб, наққошлик санъати бўйича қилинган янги бир кашфиётнинг амалий хусусияти ва унинг аввалгисидан қанчалик устунлиги ҳақида маълумот олиб келиш вазифасини топширган экан. Айни вақт унинг қўлида ишлари кўплиги, бу масъулиятни зудлик билан амалга ошира олмаслиги туфайли, ўша топшириқни менга ҳавола этиб қолди. Таклифни иккиланмай миннатдорлик билан қабул қилишим зарур эди. Чунки бу топшириқнинг уддасидан чиққудек бўлсам, айни вақтда мен аҳён-аҳёнан ишга жалб этилиб турган тасвирли газета ноширлигига муқим ишга ҳам жойлашиб олишим мумкин эди.

Тегишли йўл-йўриқларни олгач, келаси кунидеъ сафар ҳаракатига тушдим. Лаурани энди бошқа бир вазиятда опасининг васийлигида қолдирарканман, қаллигимнинг ҳам, менинг ҳам бир неча мартаба ҳаёлимиздан ўтган мулоҳазага, у ҳам бўлса, Марианнинг келажagini ўйлаб қолдим. Унинг беғубор ҳаётидаги чексиз садоқатига қачонгача худбинлик билан чанг соламиз, бунга нима ҳаққимиз бор? Унга чуқур эҳтиром назари билан қараб, ўзимизни эмас, фақат унинг осуда ҳаёти устида жон куйдириш вазифамиз эмасми? Сафарга жўнаб кетиш олдида андак бир фурсат у билан ёлғиз қоларканмиз, ўша фикрни изҳор этишга уриндим. Бу ҳақда оғиз очишга улгурмасимданоқ, қўлимдан тутганича гапни илиб кетди:

— Ахир учаламиз ҳам биргаликда азият чекдик, — деди у. — Сўнги видолашувимизгача ажралиш ҳақида гап бўлишига ўрин йўқ. Менинг бахтим ва қувончим, Валтер, Лаураю сиз билан. Хонадонингизда болалар овози янграгунча бир оз сабр қилинг. Мен уларни она тилларида сўзлашишга ўргатайин. Уларнинг ота-оналарига айтадиган дастлабки сабоғи «Биз холамизсиз тура олмаймиз!» бўлади.

Париж сафарига ёлғиз ўзим чиқмадим. Сўнги дақиқаларда Песка менга ҳамроҳлик қиладиган бўлиб қолди. Опера кечасидан буён одатдаги қувноқлигига қайтиб, ўзига кела олмасди, шунинг учун ҳам бир ҳафталик таътил билан ўз руҳини кўтаришга умидвор эди.

Парижга етиб келганимиздан кейинги тўртинча куни зиммамдаги ҳамма топшириқларни бажариб, зарурий ҳисоботни ҳам ёзиб қўйдим. Бешинчи кунни Песка билан биргаликда шаҳарнинг осори атиқалари зиёратига бағишлашга жазм этдик.

Биз турган меҳмонхона мусофирларга тўла бўлиб, ҳатто иккаламининг бир қаватда жойлашишимиз имкони ҳам бўлмаган. Мен жойлашган хона иккинчи қаватда, Песканики эса менинг тепама — учинчи қаватда эди. Бешинчи куни эрталаб профессор сайилга чиқишга тайёрмикин, деб тепага йўл олдим. Зина бошига чиқибоқ унинг эшиги очилганига кўзим тушиб қолди — узун, нозик ва асабий ҳолдаги бир қўл (албатта, дўстиннинг қўли эмас) уни ярим очиқ ушлаб турарди. Айни ўша пайтда Песканинг ўз она тилида паст овоз билан бўлса ҳам, лекин эҳтиросли овози эшитилди:

— Исми ёдимда, лекин ўша кишининг ўзини танимайман. Опера театрида ўзингиз кўргангиздек, у шунчалар ўзгариб кетганки, уни таний олмадим. Бу ҳақдаги маълумотномангизни, албатта, жўнатаман. Бундан бошқа ҳеч нарса қила олмайман.

— Ортиқчасининг ҳожати ҳам йўқ, — деди иккинчи овоз.

Эшик ланг очилиб, ичкаридан бир ҳафта аввалроқ граф Фоско кабини таъқиб этиб кетаётганига кўзим тушган, юзи чандиқли, очранг сочли киши ташқарига чиқди! Уни ўтказиб юбориш учун ўзимни бир четга оларканман, таъзим қилиб ўтди. Унинг юзи пағадек оппоқ оқариб кетган, зинадан панжарага суянганича пастга тушиб кетганди.

Эшикни очиб, Песка хонасига кирдим. У диван бурчагида ажиб бир ҳолатда букчайиб ётарди. Унга яқинлашганимда ўзини мендан олиб қочгандай бўлди.

— Сизни безовта қилиб қўймадимми? — дедим. — Дўстингиз билан бирга эканингизни билмаган эканман. Чиқиб кетаётганида кўриб қолдим.

— Дўстим эмас, — деди Песка қатъи. — Бугун уни биринчи ва сўнги бор кўриб турибман.

— Сизга у ноҳуш хабар билан келган бўлса керак, деган тахликадаман.

– Даҳшатли янгилик. Валтер! Лондонга қайтайлик. Бу ерда туриш кўнглимга сиғмай турибди. Келганимга ҳам пушаймондаман. Ёшлигимдаги бахтсизликлар ҳаётимга қора соя ташлаган, – деди у девор томон ўгирилганича. – Ўша соялар кейинги пайтларда яна ҳам қалинлашди. Мен уларни унутиш ҳаракатидаман, лекин улар, мени унута олишмаяпти!

– Пешингача йўлга чиқа олмасак керак, деган ҳадикдаман. – дедим. – Ўша вақтгача мен билан ташқарига чиқиб келишга нима дейсиз?

– Йўқ, дўстим. Шу ерда кутаман. Фақат бугуноқ жўнаб кетайлик. Илтижоим, бугуноқ қайтайлик.

Уни ўша кун пешинида Париждан жўнаб кетишига кўнглини тўқлаб, ўзим чиқиб кетдим. Кеча кечқурунгина у билан Париж Биби Марям ибодатхонаси минорасига чиқишни, Виктор Хюгонинг машҳур романи бизга раҳнамои гўё бўлишини келишиб қўйгандик. Фаранглар марказида мен кўришга иштиёқманд бошқа ҳеч нарса ҳам йўқ эди, ёлғиз ўзим ўша ибодатхона томон йўл олдим.

Ибодатхонага дарё томонидан яқинлашгач, йўл-йўлакай Парижнинг мудҳиш мурдахонаси ёнидан ўтдим. Унинг эшиги атрофида жунбушга келган оломон тўпланганди. Назаримда, унинг ичида томошатаалаб авомни шунчалик эҳтирос билан қуттираётган даҳшатли манзара муҳайёдек эди.

Оломон ташқарисидаги икки киши билан бир аёл суҳбати қулоғимга чалинмаганида, ибодатхонага ўтиб кетаверган бўлардим. Улар мурдахонадаги манзарани ўз кўзлари билан эндигина кўриб чиққанлардан бўлиб, томошабинларга ўзлари кўрган мурда қиёфасини таърифлаб, унинг бениҳоя басавлат экани, чап билагида ажиб белгиси борлигини уқдиришаётган экан.

Ўша сўзлар қулоғимга чалиниши билан таққа тўхтаб, ичкарига кирувчилар сафига туриб олдим. Меҳмонхона очиқ эшигидан Песканинг овози қулоғимга чалинганида, кейинроқ эса ёнимдан ўтиб кетган нотаниш кимсанинг юзига кўзим тушганида ҳақиқатнинг андак башорати ҳаёлимдан ўтгандек бўлувди. Мана энди йўловчилардан эшитилган тасодифий сўзлар туфайли ҳақиқатнинг айнан ўзи намоён бўлиб турибди. Меникидан ўзгарақ интиқом ўша маҳкум кишини театрдан то ўз уйи оstonасигача, у ердан Париждаги хилватгоҳгача таъқиб этган. Меникидан бошқачароқ интиқом уни машъум кун интиқосига маҳкум этиб, ниҳоят ҳаётига барҳам бериш билан жазолаган. Театр

рда уни мен Пескага кўрсатган дақиқада ёнимизда (сўзимиз эшитарли масофада) турган бегона кимса ҳам уни излаётган бўлиб, ўша дақиқа унинг тақдири ҳал бўлган экан. У билан мен – юзма-юз турганимизда қалбимда юз берган курашни – қўлимдан қочиб қутулиши олдидаги ўша курашни эсладим у юрагим орқамга тортиб кетди.

Оломон орасида сиқилганимча баҳяма-баҳя жуда сустлик билан олдинга силжиб, мурдахонанинг майит билан ҳаётларни ажратиб турадиган улкан ойна парда сари яқинлашардик, ниҳоят, етиб ҳам келдик. Мен томошабинлар сафининг ён томонидаги олдинги қатори орқасидан ичкарига назар ташлагудек масофага яқинлашдим.

У фаранг оломони учун беихтиёр, номаълум, текин тамошо бўлиб ётарди-я! Чексиз қобилият соҳибининг шафқатсизларча жиноят билан ўтган баракали ҳаёти фожиали якунини қаранг! Ўлим чангали ҳовуридан тушириб қўйган бу зотнинг ҳайбатли боши, шунга яраша бежирим юзида ифодаланган қиёфаси кўзга яққол ташланиб, атрофимдаги маҳмадона фаранг аёллари унга ҳавас қилишиб, қўлларини чўзишганича чуғурлашишарди:

– Эссиз, кўркамлигини қаранглар!

Уни заволига етказган жароҳат айнан юраги устида бўлиб, ё пичоқ, ё ханжар урилганидан шаҳодат бериб турарди. Жуссасининг қолган қисмида бошқа ҳеч қандай заҳм излари кўринмас, фақат чап билаги – Песка қўлида кўзим тушган нуқтасида Т шаклидаги иккита ўйилган чизикча, тамга изи кўзга ташланар, бу эса, сўзсиз, Биродарлик белгиси эди. Жасад устида осилиб турган кийимлари унинг ўзига қилинадиган таҳликадан хабардорлигини кўрсатиб – улар фаранг ҳунармандига хос эди. Ойна парда ортидаги мана шу манзарага уч-тўрт дақиқагина қарай олдим холос, ортиқ эмас. Шунинг учун ҳам бу ҳақда гапни ҳам қисқа қилиб қўя қолдим, ўшалардан бошқа ҳеч нарса кўрмадим-да.

Мавзунни якунига етказишдан аввал Пескадан эшитган ва бошқа манбалардан олинган баъзи бир воқеликларни қайд этиб ўтмоқчиман. Унинг мурдаси Сена дарёсидан чиқариб олинган, қай аҳволдалигини таърифлаб ўтганман. Номи, лавозими ва турар жойи ҳақида ёнидан ҳеч нарса чиқмаган. Қотили изсиз гумдон бўлган, фожиавий ҳалокати вазияти мутлақо аниқланмаган, шундай бўлгач, бу сирли қотиллик масаласида бошқаларни ҳам, худди мендек, ўзларича хулоса чиқаришларига ҳавола этаман. Фақат шуни ҳам ойдинлаштириб қўяйки, юзида чан-

диги бор ажнабий Песка ўз ватанидан жўнаб кетгач Биродарликка аъзо бўлган, жасаднинг чап қўлида Т шаклида ўйилган икки чизиқ италян тилидаги «Traditore» сўзидан иборат бўлиб, сотқинларга нисбатан Биродарлик адолат қилиши зарур, деган маънони англатаркан. Граф Фосконинг сирли ўлими ҳақида билганларим фақат мана шулар.

Граф жасади уни кўрган куним эртаси имсосиз хат туфайли эрининг ўлимидан хабардор бўлган беваси томонидан танилиб, олиб кетилган ва Пер ла Чейс қабристонида дафн этилган. Унинг қабри сарҳадидаги ҳашаматли бронза панжараларига мадам Фоско ҳанузгача турфа ранг гуллардан тўқилган гулчамбарлар осилиши канда қилмайди. У Версалда ҳеч кимга кўшилмай, узлатда истиқомат қилади. Яқинда марҳум эрининг таржимаи холини нашр эттирди. Унда Фосконинг ҳақиқий шахсияти ва ҳаётидаги сирли сўқмоқлар ёритилмайди, қарийб бошдан-оёқ унинг бетакрор қобилиятларию оилавий саховатлари тафсилотлари мадҳ этилиб, у мушарраф бўлган унвону нишонлар қайд этилади. Унинг ўлимига боғлиқ вазиятлар ҳақида қисқача тўхталиб, унинг сўнгги саҳифасида якунловчи жумла сифатида қуйидагича ифодаланган: «Унинг ҳаёти оқсуяклар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва жамиятнинг муқаддас амалларига риоя қилиш билан ўтди. Мана шу йўлда шаҳид бўлди».

III

Париждан қайтганимдан бери ёз билан куз ҳам ўтди, лекин шу вақт ичи ҳаётимизда тилга олгудек ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ. Ҳаётимиз оддийгина ва осойишта, мунтазам иш ҳақим ҳамма эҳтиёжларимизни қопларди.

Кириб келган янги йил феввалида биринчи фарзандимиз — ўғил дунёга келди. Насронийлик урф-одатига кўра ўтказилган камтарона тантанамизда онам, синглим ва миссис Вэзилар азиз меҳмонимиз бўлдилар. Миссис Клементе эса айни маросимда умр йўлдошимга кўмаклашди. Мариан ўғилчамизга маънавий она, Песка билан Гилмор жаноблари эса унга маънавий ота бўлдилар (кейингиси ўз қўлёзмасини ҳам инъом этган). Гилмор жаноблари бир йилдан кейин уйимизга ташриф буюрганларида, менинг илтимосимга кўра, ушбу саҳифаларни жонлантиришда менга кўмакдош бўлиб, унинг ўз номи билан тақдим этган баённомаси вақт нуқтаи назаридан энг кейин олинган бўлса ҳам, ушбу китобнинг дастлабки қисмига киритилган.

Ҳаётимиз лавҳаларидан ёритилмай қолган яна бир воқелик жажжи Валтеримиз олти ойлигида содир бўлди.

Ўша вақтлар муқим иш жойим таҳририяти мени газетанинг кейинги маълум мавзуга йўналтирилган сони тасвирини тайёрлаш учун Ирландияга жўнатган эди. Қарийб икки ҳафталик сафарим давомида қаллигим ва Мариан билан мунтазам хат ёзишиб турганман. Фақат сўнгги уч кун ичи бориладиган жойларнинг мавҳумлигидан хат олиш имконияти бўлмади. Сафарим ниҳоясига етиб, тунги поезд билан йўлга чиқиб, эрталаб уйга етиб келганимда не кўз билан кўрайки, мени кутиб оладиган бирон-бир кимса йўқ эди. Лаура билан Мариан чақалоқни олишиб, қайтиб келган кунимдан бир кеча аввал уйдан чиқиб кетишган экан.

Қаллигимнинг ходимасига қолдирган эслатмасидан уларнинг Лиммериж Хаусга кетишганидан огоҳ бўлиб, яна ҳам таажжубга тушдим. Мариан ёзма тафсилотга йўл қўймаган, сафардан қайтишим биланоқ уларнинг олдига етиб боришим лозимлиги, Кумберлендга етиб келгач ҳамма нарсадан огоҳ бўлишим, ўшангача заррача хавотир олмаслигим огоҳлантирилган экан. Эрталабки поездга вақт бор эди. Лиммериж Хаусга ўша куни пешиндаёқ етиб бордим.

Қаллигим билан Мариан юқори қаватда экан. Уларнинг Фэрли жаноблари расмларини таъмирлаш ишларига жалб этилган пайтимда менга рассомхона сифатида ажратилган чоғроқ хонага жойлашиб олиши мени яна ҳам ҳайратга солди. Иш билан банд пайтларимда мен ўтирган айнан ўша курсида Мариан чақалоқни қучоғида олиб ўтирар, қўғирчоғини кафтига уриб уни овутарди. Лаура эса ўша менга таниш иш столим ёнида қачонлардир унинг учун чизилган расмлар билан тўлган альбомчани варақларди.

— Арши аълонинг қайси ваҳийси сизларни бу ерга олиб келиб қўйди? — қатъий савол ташладим уларга. — Фэрли жаноблари бундан...

Саволим ниҳоясига етмасданоқ Мариан сўзимни оғзимдан илиб олиб, мени Фэрли жаноблари оламдан ўтганидан хабардор этди. У юрак ҳуружига учраб, ўзига келмаганмиш. Кирл жаноблари уларни бундан хабардор этиб, зудлик билан Лиммериж Хаусга йўл олишларини тавсия қилибди. Қандайдир катта ўзгариш юз бериш эҳтимоли хаёлимдан ўтди. Бу ҳақда бирон хулоса чиқаришга ҳали улгурмасимданоқ Лаура гапга араллашиб қолди. Юзимда ҳамон кўзга ташланиб турган ҳайратимни қувончга айлантириш учун пинжимга суқилганича сўз очиб қолди:

– Азизим Валтер. Ўз холимизча бу ерга келишга журъат эта олармидик? Буни ифода этиш учун, жонгинам, афсуски, одати-миздан четлашиб, ўтмишни ҳам эслаб ўтишга тўғри келади.

– Ўтмишни тилга олишнинг ҳам ҳожати йўқ, — деб қолди Мариан. — Буни келажагимизга боғлаб гапирсак, қувончлироқ бўлиши турган гап.

Мариан ўрнидан туриб, қўлида типирчилаб, гудурлаётган кичкинамизни баланд кўтарганича:

– Бу боланинг кимлигини биласизми, Валтер? — деб қолди қувонч ёшлари кўзларида қалқиб.

– Ҳазил ҳам эви билан-да, — дедим. — У ҳамиша ўз фарзандим, деб жавоб бериш фикридаман.

– Фарзанд! — у илк бегараз қувноқлиги билан қийқириб юборди. — Англия заминдор сулолаларидан бири ҳақида шунчаки оилавий қуруқ гап қилиб турибсизми? Бу юксак обрўли чақалоқни эътиборингизга ҳавола этарканман, кимнинг ҳузурида турганингиздан хабардормисиз? Яққол кўриниб турибди, мутлақо хабарингиз йўқ! Келинг, икки мўътабар зотларни бир-бирига таништириб кўяй: бири — Валтер Ҳартрайт жаноблари, иккинчиси — Лиммериж вориси.

Мариан шундай деди. Унинг ўша сўзлари билан ҳаммасини ёзиб бўлдим. Қўлимдаги қалам ҳам ҳориди. Кўп ойлардан буён давом этиб келаётган бесарамжонлигу кўнгилхорликлар барҳам топди. Мариан ҳаёт йўлимизни ёритган фариштамиз эди, келинг, ҳикоямизни ҳам унинг юқоридаги сўзлари билан ўз ниҳоясига етказайлик.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ ФАСЛ

Клементс — инлик расм ўқитувчиси	
Валтер Ҳартрайт ҳикоя қилади	3
Ҳикояни Фэрли оиласи вакили (<i>Чансерн Лейнлик, Фэрли оиласи адвокати</i>)	121

ИККИНЧИ ФАСЛ

Ҳикояни Мариан Ҳалкомб давом эттиради	158
Ҳикояни Мариан Ҳалкомб давом эттиради	194
Ҳикояни Лиммериж мулкдори — Эсквайр Фредерик Фэрли давом эттиради	345
Ҳикояни Элиза Михелсон давом эттиради (<i>Блаквоутер Парк рўзғорбошиси</i>).....	366
Ҳикояни бир неча гувоҳ давом эттиради (<i>Граф Фоско назандаси Эстер Пинхорн ҳикоя қилади</i>)..	410
<i>Доктор ҳикояси</i>	416
<i>Жейн Гоулд ҳикояси</i>	416
<i>Қабртошдаги лавҳа</i>	417
<i>Валтер Ҳартрайт ҳикояси</i>	417

УЧИНЧИ ФАСЛ

Ҳикояни Валтер Ҳартрайт давом эттиради	423
Ҳикояни Миссис Катерик давом эттиради	543
Ҳикояни Валтер Ҳартрайт давом эттиради	556
Ҳикояни Айсидор Оттавио Балдассар Фоско давом эттиради	615
Ҳикояни Валтер Ҳартрайт якунлайди.....	632

ОҚ КИЙИНГАН АЁЛ

РОМАН

Муҳаррир *З. Исомиддинов*
Саҳифаловчи-дизайнер *А. Жўраев*
Техник муҳаррир *А. Жўрабоев*

Босишга 2010 йил 26 февралда руҳсат этилди.
Бичими 60x84.¹/₁₆ Ҳажми 40,5 ш.б.т
Адади 500 нусха. Буюртма № 229.
Шартнома 16/3

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси 33.